



Александр
Дюма

Граф Монте-Кристо

*Уф қалъасининг
махбуси*

Ускинги китоб



Александр
Дюма



«КАМОЛОТ»
KUTUBXONASI

Граф Монте-Кристо

*Уф сатданнинг
маҳбуби*

Иккинчи китоб



Иккинчи нашр



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2017

УУК: 821.512.133

КБК: 84 (4Фр)

Д-95

Дюма Александр. Граф Монте-Кристо (Иф қалъасининг маҳбуси). Роман. Русчадан Т.Рустамов таржм. Иккинчи китоб. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2017. – 696 б.

ISBN 978-9943-27-362-7

“Граф Монте-Кристо” кенг китобхонлар эътиборини қозонган асардир. Унда инсонийлик, шахс эркинлиги ва туйғулар гузаллиги улуғланади. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин булса-да чиқиши уз ифодасини топади. Қаҳрамонлар уртасидаги меҳроқибат ва зиддиятлар муаллифнинг ниҳоятда қузатувчан ва моҳирлигини намоён этади.

Асар бош қаҳрамони Эдмон Дантес – Монте Кристо разолат ботқоғига ботган инсонларни зур матонат, ақл-идрок билан фош этади. Жазо ҳам, мукофот ҳам Аллоҳнинг иродаси билан инсон тириклигидаёқ уни бенасиб қолдирмаслиги роман ниҳоясида аксини топади. Фақат бунинг учун... Граф таъкидлаганидек, “қутмоқ ва умид қилмоқ керак”.

УУК: 821.512.133

КБК 84 (4Фр)

Рус тилидан
Тулқин Рустамов
таржимаси

ISBN 978-9943-27-362-7

© Александр Дюма, Граф Монте-Кристо (Иф қалъасининг маҳбуси). Иккинчи нашр. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 й. «Янги аср авлоди», 2017 й.



Шүртинчи
Қисм



I. ЖАНОБ НУАРТЪЕ ДЕ ВИЛЬФОР

Данглар хоним билан қизи жунаб кетгандан сунг, Максимилиан билан Валентина ўртасида бўлиб ўтган суҳбат пайтида қироллик прокурори уйида мана бундай воқеа бўлган эди.

Вильфор рафиқаси билан отасининг хонасига кирди. Валентинага келганда, унинг қаердалиги бизга аён.

Улар чорак асрдан кўпроқ Нуартъенинг хизматини қилиб келаётган кекса қирол Барруани ташқарига чиқариб юбориб, чол билан саломлашгач, утиришди.

Нуартъе филдиракли катта уриндиқда утирарди. Уни бу уриндиққа ҳар куни эрталаб ўтқазиб, кечқурун кўтариб олишарди. Унинг туғрисига тошойна қўйилган эди, ойнадан хона ичи яққол кўриниб турарди, ҳатто қимирламай, зеро, бунга имкони ҳам йўқ эди, олдига ким кириб, ким чиқаётганини, атрофида нималар бўлаётганини кўриб турарди. Мурдадай қимир этмай утирган Нуартъе, мулозамат билан саломлашишлари биронта расмий ва ногаҳоний воқеадан дарак бераётган фарзандларига тетик ва ақлли кўзларини тикди.

Тўртдан уч қисми қабр ёқасида турган бу вужудда икки чўғдек милтиллаб турган мавжуд ҳислар – кўриш ва эшитиш эди, холос. Бу икки ҳисдан ҳам ёлғиз биригина ҳали ҳарорат бор жасадда ички ҳаёт мавжудлигига гувоҳ бўла оларди. Бу ички ҳаётни ифода этувчи нигоҳ саҳрода адашиб қолган сайёҳга тунда йул курсатувчи олисдаги чироқдек бу зулмат ва сукунат қаърида қаердадир сергак, жонли жонзот борлигидан дарак берарди.

Бироқ кекса Нуартъенинг ўсиқ қора қошлари остидаги қора кўзларида, аксинча елкаларига ўсиб тушган узун сочлари пахтадек оппоқ эди, ҳа, қора кўзларида – бир вақтларда унинг вужуди ва руҳини жунбишга келтирган бошқа

аъзолар ҳисобига зурайган омон аъзода буладигандек, бутун куч-ғайрат, барча ирода, қувват ва ақл мужассамлашган эди. Албатта, бу танда қўллар ҳаракати, табиий овоз, вужуд ҳаракати етишмас, аммо бу ҳукмрон нигоҳ барчасининг ўрнини босарди. Кўзлар амр қилар, кўзлар миннатдорчилик билдирарди; бу – кўзларигина тирик бўлган ўлик жасад эди; юзининг юқори қисмида қаҳр ва шодлик чарақлаб ётган дамларда ҳеч нарса бу мрамор чеҳра қадар даҳшатли бўлмас эди. Бахтсиз чолнинг имо-ишораларини фақат уч киши – Вильфор, Валентина ва боя тилга олганимиз кекса қарол тушунарди, холос. Бироқ Вильфор отасини жуда камдан-кам, фақат бир зарурат туғилган вақтлардагина кўрар ва кўрганда унчалик рўйхуш бермасди, шунинг учун ҳам чолнинг бутун бахти, қувончи Валентина эди. Валентина эса фидойилик, меҳр-муҳаббат ва қунт билан Нуартъенинг нима демоқчи эканлигини кўзларидан билиб олишга ўрганган эди. Унинг ҳеч ким тушунолмайдиган сўзларига жарангдор овози-ла эҳтирос билан жон-жон деб жавоб қиларди, шу зайлда ёш қиз билан ҳамон ақл-идрок, заковат ва кучли иродага тула мурда уртасида қизгин суҳбат бошланиб кетарди.

Шундай қилиб, Валентина оғир масалани – чолнинг фикрларини билиш ва ўз фикрларини унга тушунтириш масаласини ечишга муваффақ бўлди. Шу билармонлиги оқибатида бу тирик жон ёки ярим мурда чолнинг икир-чикир истакларини деярли тўлиқ англамаган вақтлари бўлмасди.

Барруага келсак, ҳали айтиб ўтганимиздек, йигирма беш йилдан бери ҳожасининг хизматини қилиб келаётгани учун унинг одаamlарини шу қадар яхши билар эдики, Нуартъенинг унда н бирон нарса илтимос қилишига деярли урин ҳам қолмасди.

Вильфор отаси билан ғалати суҳбатни бошлаш учун ҳеч кимни кумагига муҳтож эмасди. Юқорида айтганимиздек, у отаси билан гаплашиш йўлини яхши биларди, чол билан камдан-кам суҳбатлашининг сабаби эса, ота тақдирига бутунлай бепарволик билан қарагани эди. У Валентинани боққа жунатиб, Барруани чиқариб юборди-да, отасининг унга эмонига утирди, Вильфор хоним эса чолнинг чап томонига чўкди.

– Жаноблари Валентинанинг биз билан бирга келмагани ва Барруани чиқариб юборганидан таажжубланмасинлар, уртамизда буладиган суҳбатда қизим ёки қаролнинг қатнашиши мумкин эмас. Биз Вильфор хоним билан сизни муҳим бир нарсадан хабардор қилгани келдик.

Суҳбатнинг бу муқаддимаси вақтида Вильфор чолнинг юзига тикилиб, юрагига қул солмоқчи бўлди, аммо Нуартъенинг юзида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади.

– Биз, Вильфор хоним ва мен, – давом этди қироллик прокурори одатдагидек эътирозга ўрин қолмайдиган совуқ оҳангда, – сиз бу хабарни хайрихоҳлик билан кутиб олишингизга аминмиз.

Чолнинг кўзлари ҳамон бир нуқтага тикилиб, қимир этмай турарди, у бу гапга шунчаки қулоқ солаётгандек кўринарди.

– Биз Валентинани турмушга чиқаряпмиз, – деди сўзини давом эттириб Вильфор.

Бу сўзлар ҳар қандай одамнинг қалбини тирнаши мумкин эди-ю, аммо чолнинг юзи заррача ҳам ўзгармади.

– Уч ойдан сунг тўй бўлади, – давом этди Вильфор.

Чолнинг кўзлари ҳамон безрайиб турарди.

Шу пайт Вильфор хоним сўз қотди:

– Биз, – деди у шоша-пиша гап қотиб, – бу хабар сизни қизиқтирар деб ўйлаган эдик. Қолаверса, менимча, сиз Валентинага жуда боғланиб қолгансиз. Биз энди сизга фақат бўлажак қайлиқнинг номини айтиб беришимиз керак, холос. Куёв бўлмиш Валентина орзу қилгандек муносиб йигит бўлиб, унинг номи сизга ҳам таниш, яхши ва бадавлат оиладан, турмуш тарзи ва диди Валентина учун бахт гарови бўла олади. У Франц де Кенель, барон д'Эпине.

Рафикаси шу қисқа сўзларни изҳор этар экан, Вильфор чолнинг юзига яна ҳам қаттиқроқ тикилиб қолган эди. Вильфор хоним Франц номини тилга олган ҳамоно ўғлига яхши таниш бўлган нимадир бир пирпиради-да, худди бир нарса демоқчи бўлиб жуфтланган лаблардек қовоқлари ораси чақмоқдек ялт этди.

Ўз отаси билан Францнинг отаси ўртасида бир вақтлар мавжуд ошкора душманликдан хабардор бўлган Вильфор Нуартъенинг кўзларидаги ҳаяжон аломатини фаҳмлади,

бирок у ўзини ҳеч нарса сезмаганга солди-да, хотинининг сўзини давом эттириб деди:

– Узингиз яхши биласиз, жаноб, яқинда Валентина ун туққизга тулади, энди турмуш қуриши керак. Биз бу масалани ўйлаганда сизни ҳам унутмадик ва Валентинанинг эрини, биз билан бирга турмагудек бўлса (бу ёш келин-куёвни бир оз сиқиб қўйиши мумкин-да) сизни улар билан бирга яшашга кундиришга аҳд қилдик. Ахир Валентина сизни жонидан ҳам яхши кўради-ку, сиз ҳам унга бошқача меҳр қўйгансиз. Шундай қилиб, сизнинг турмушингизда ҳеч қандай узгариш бўлмайди. Ҳаммаси илгаригидек қолаверади, бунда фақат биргина нарса узгаради, у ҳам бўлса сизни бир эмас, икки фарзанд парвариш қилади.

Нуартъенинг чақнаб турган кузларига қон тўлди.

Афтидан, чолнинг кунглида даҳшатли бир ҳол юз берди, дил азоби ва нафрат қалбида ёнди-ю, сиртига отилиб чиқишга йул тополмай, буғзига тиқилди, юзи қизариб, лаблари кукариб кетди.

Вильфор оҳистагина деразани очиб:

– Бу ер жуда дим, шунинг учун жаноб Нуартъе нафас олишга қийналяпти, – деди.

Сунг у уз жойига қайтиб, тик туриб қолди.

– Икки ёшнинг бир ёстиққа бош қўйиши, – деди қўшимча қилиб Вильфор хоним, – жаноб д’Эпинегга ва унинг қавмқариндошларига маъқул тушибди. Унинг амакиси ва аммасидан бошқа ҳеч кими йўқ. Онаси уни туғаётганда вафот этган, отаси эса у эндигина икки ёшга кирганда, бир минг саккиз юз ун бешинчи йили ўлдирилган экан. Шундай қилиб, у ўзига хон, ўзига бек.

– Отасининг ўлдирилиши махфий бўлиб, айбдорлар топилмади, – деди Вильфор, – куп кишилар шубҳа остига олинди-ю, аммо ҳеч ким қамалмади.

Нуартъе овоз чиқаришга уриниб кучанди, худди кулмоқчидек лаблари қийшайиб кетди.

– Шундай бўлса-да, жиноятчи ким эканлигини била туриб индамай кетган ҳақиқий айбдорлар тириклигида инсоний одил суд, ўлгандан сунг эса, илоҳий суд курсисида ўтиришга маҳкум этилганлар сизнинг ўрнингизда бўлиб, қизини Францга эрга бериш имкониятидан фойдаланиб,

хамма шубҳа, гумонлардан соқит булса, боши осмонга етар эди.

Нуартъе бутун иродасини қулга олиб узини босди, бунчалик кучли иродани бечора фалаждан ҳеч ким кутмаганди.

– Ҳа, менга нима демоқчи эканлигингизни тушуниб турибман, – дер эди чолнинг Вильфорга тикилиб турган кўзлари, унинг қарашларида нафрат ва ғазаб акс этиб турарди.

Бунга тушуниб турган Вильфор елкасини қисиб қуйди. Сунг у рафиқасига имо қилиб, урнидан туришни буюрди.

– Энди, – деди Вильфор хоним, – бизга рухсат беринг. Эдуар ҳузурингизга кириб, сиз билан саломлашса майлими?

Чол бирор таклифга рози булса кўзини юмар, рад этса кўзларини пирпиратиб қисарди, бирор тилак изҳор этмоқчи булса юқорига қарарди, бу ҳақда илгаридан келишиб олинган эди.

Мабодо Валентинани кўрмоқчи булса, у фақат ун кўзини юмарди.

Агарда Барруани чақирмоқчи булса, чап кўзини юмарди.

Вильфор хонимнинг таклифини эшитиб, чол ҳадеб кўзларини қисаверди.

Вильфор хоним таклифи очикдан-очик рад этилаётганини кўриб, лабларини тишлади.

– Ундай булса, ҳузурингизга Валентинани юбораман, – деди хоним.

– Ҳа, – деди унга жавобан чол, кўзларини юмиб. Эр-хотин таъзим қилиб чиқиб кетишди-да, Валентинани чақаришни буюришди. Кундузи бувасига зарур булиб қолиши эҳтимоллиги қизга илгаридан айтиб қўйилган эди.

Ҳамон хаяжондан қизариб-бузариб юрган Валентина чол ҳузурига кириб келди. У бир қарашдаёқ бобосининг дили озор чекаётганини ва у билан сузлашиш иштиёқида эканини фаҳмлади.

– Бува, нима бўлди? – деди Валентина хитоб қилиб, – хафа қилишдимми? Жаҳлингизни чиқаришдимми?

– Ҳа, – жавоб қилди чол кўзларини юмиб.

– Кимдан хафа бўляпсиз? Отамданми? Йўқ. Вильфор хонимданми? Йўқ. Менданми?

Чол имо билан «Ҳа», деди.

– Мендан-а? – қайта сўради таажжубланган Валентина. Чол яна тасдиқ ишорасини қилди.

– Мен нима ёмонлик қилдим, а, бува? – деди Валентина хитоб қилиб. Чол жавоб қилмади. Қиз давом этди:

– Мен бугун сизнинг ҳузурингизга кирмадим, демак, сизга мен ҳақимда бирор нарса дейишибди-да?

– Ҳа, – шошиб жавоб қилди чолнинг кўзлари.

– Нима дейишлари мумкин. Ҳа, билдим, билдим... Бува, хотиржам бўлинг... Ҳали гап шундай денг! Жаноб Вильфор ва Вильфор хоним ҳозиргина ҳузурингизда бўлишган эди шекилли, тўғрими?

– Ҳа.

– Демак, улар бирор нохуш гап айтиб, сизни хафа қилишибди-да? Қанақа гап экан у? Истасангиз бориб улардан сўрайман, нима гаплигини ва сиздан нима учун узр сурашим кераклигини билиб оламан.

– Йўқ, йўқ, – жавоб қилди чолнинг кўзлари.

– Сиз мени ваҳимага соляпсиз! Хўш, нима дейишлари мумкин, ахир?

Валентина уйланиб қолди.

– Ҳа, топдим, – деди у овозини пасайтириб ва чолга яқинлашди, – эҳтимол улар менинг турмушга чиқишим ҳақида сизга гапиришгандир?

– Ҳа, – деди ғазабли кўзлар.

– Менинг индамаганлигимдан хафа бўлаётганлигингизга тушундим. Шунга айтаяки, улар сизга бу ҳақда бирор сўз айтишимни қаттиқ тақиқлаб қўйишди, менга ҳам ҳеч нарса деганлари йўқ; мен бу сирни тусатдан билиб қолдим. Сизга буни очиқ айтолмаганимнинг боиси ҳам шунда. Кечиринг мени, бува.

Яна жонсиз ва лоқайд ҳолга тушиб олган кўзлар: «Мени хафа қилаётган нарса фақат сенинг индамаётганинггина эмас», дегандай буларди.

– Бўлмасам нима? – сўради Валентина. – Ёки турмушга чиқиб, мени ташлаб кетади, унутиб юборади деб уйлаяпсизми?

– Йўқ, – деб имо қилди чол.

– Ёки улар сизга жаноб д'Эпине биз билан бирга туришга рози дейишдимизми?

–Ҳа.

– Нега сиз бундан хафа буласиз?

Бирдан чолнинг кузлари меҳр-шафқат-ла ёниб кетди.

– Ҳа, биламан, – деди Валентина, – сиз мени яхши кўрасиз-да, шундайми?

Чол имо билан «ҳа», деди.

– Мени бахтли бўлмайди, деб қўрқяпсизми?

– Ҳа.

– Франци ёқтирмайсизми?

Чолнинг кузлари бир неча бор: «Йўқ, йўқ, йўқ», деб жавоб қилди.

– Бу гаплар дилингизга озор беряптими?

– Ҳа.

– Ундай бўлса, шуни билиб қўйингки, – деди Валентина, Нуартъе олдида тиз чукиб ва уни буйнидан қучоқлаб, – менинг ҳам бағрим қонга тўлди, мен ҳам Франц д' Эпинени севмайман.

Бобонинг кузларида қувонч учқунлари чақнаб кетди.

– Монастирга кетаман деганимда мендан хафа бўлгандингиз, эсингиздами?

Чолнинг қовжироқ қовоқлари остидан ёш оқа бошлади.

– Ушанда мен мана шу машъум никоҳдан қутулиш учун монастирга кетмоқчи бўлгандим.

Чол оғир-оғир нафас ола бошлади.

– Демак, бу никоҳ ҳақидаги гаплардан хафа бўляпсизми? Қанийди, энди сиз менга ёрдам берсангизу биргалашиб уларнинг бу режаларини йўққа чиқарсак! Сиз ақли расо ва иродаси кучли зотсиз, аммо уларга қарши курашда ожизлик қиласиз. Мана, ҳозир курашадиган пайт келди, аммо сиз ҳам мен каби ожизсиз. Соғлом, бақувват пайтингизда мени ҳимоя қила олган эдингиз, эндиликда эса фақат ҳол-аҳволимни англаш-у, қувонч ва қайғумга шерик бўлишгина қўлингиздан келади. Танграм фақат мана шу бахтдан мени маҳрум қилмаган, холос.

Бу сўзларни эшитган Нуартъенинг кузларида зўр киноя аломатлари пайдо бўлди, қиз, бобо: «Сен янглишаяпсан, мен ҳали сенга жуда кўп ёрдам беришим мумкин, деяпти», деб уйлади.

– Бува, сиз менга қандай ёрдам бероласиз? – деди Валентина чолнинг фикрини сўзда баён қилиб.

– Ҳа.

Нуартъе кузларини осмонга қаратди. Бу Валентина билан иккаласи уртасида истакни изҳор этадиган шартли имо эди.

– Нима демоқчисиз, бува? Айтинг, мен тушунишга ҳаракат қиламан.

Валентина ўзи тахмин қилган мулоҳазаларини овоз чиқариб тасдиқлаб олишга уринарди, аммо унинг ҳамма сўзларига чол нуқул «йўқ», деб жавоб бераверарди.

– Мен шу қадар бефаҳм эканманки, энди қатъий чора куришга ўтишдан бошқа иложимиз қолмади!

Валентина шундай деди-да, фалажнинг кузларига тикилиб, «А»дан «Н» гача алфавитнинг ҳамма ҳарфларини бирма-бир айта бошлади. У «Н» ҳарфига келганда, Нуартъе. «Ҳа, ана шу», деб имо қилди.

– А-ҳа! – деди Валентина, – сиз айтмоқчи бўлган сўз «Н» ҳарфидан бошланаркан-да, демак ҳамма гап «Н» да экан-да? Бу ҳарфдан бизга нима керак экан? На, не, ни, но...

– Ҳа, ҳа, ҳа, – жавоб қилди чол.

– Демак, «но» сўзи экан-да, шундайми?

– Ҳа.

Валентина луғат келтириб, Нуартъе олдидаги пюпитр¹га қуйди-да, очди, чол луғатнинг саҳифаларига тикилиб қолганини куриб, Валентина бармоқларини юқоридан пастга тез юрита бошлади.

Чол бундан олти йил илгари ҳам худди ҳозиргидек аҳволга тушган эди, шундан буён Валентина у билан суҳбатлашиш йулларини урганиб олди ва унинг нима демоқчи бўлганини, чолнинг ўзи ахтариб топгандай, тез фаҳмлаб оладиган бўлиб қолди.

«Нотариус» сўзига келганда Нуартъе: «Тухта!» деб имо қилди.

– «Нотариус», – деди Валентина, – сиз нотариусни кўрмоқчи экансиз-да, бува?

¹ Пюпитр – нота ва шу каби нарсаларни қуйиш учун юзаси қия қилиб ишланган махсус мослама.

Нуартъе чиндан ҳам нотариусни кўрмоқчи эканини билдирди.

– Демак, нотариусни чақиртириб келайликми? – сўради Валентина.

– Ҳа, – деди имо билан чол.

– Бундан отамни ҳам хабардор қилайликми?

– Ҳа.

– Нотариусни тез кўрмоқчимисиз?

– Ҳозир уни чақириб келишади. Сизга фақат шугина керакми?

– Ҳа.

Валентина югуриб бориб хизматкорга кўнғироқ қилди-да: «Жаноб Вильфорни ёки Вильфор хонимни чақиринг», – деди.

– Энди мамнундирсиз? – сўради Валентина, – албатта, мамнун бўласиз-да! Фикрингизни билиб олиш осон эмас, ахир!

Шундай деди-да, худди ёш болага жилмайгандай, бува-сига қараб кулиб қўйди.

Хонага Барруа Вильфорни бошлаб кирди.

– Ҳуш, жаноблари, кўнгиллари нимани истайди? – сўради у фалаждан.

– Ота, – деди Валентина, – бувам нотариусни кўрмоқчиман деяптилар.

Мутлақо кутилмаган бу талабни эшитган Вильфор фалаж билан кўз уриштирди.

– Ҳа, – деди чол қатъият билан имо қилиб; бу унинг Валентина ва ҳамма гапдан эндиликда хабардор дўсти хизматкор ёрдамида курашга тайёр эканини кўрсатиб турарди.

– Нотариусни кўрмоқчимисиз? – сўради такроран Вильфор.

– Ҳа.

– Нима учун?

Нуартъе жавоб бермади.

– Ҳуш, айтинг-чи, нотариусни нима учун кўрмоқчисиз? – сўради Вильфор.

Нуартъе бир нуқтага тикилганча тураверди, бу: «Мен нотариусни чақиритишни қатъий талаб қиламан», дегани эди.

– Бирор нарса билан кунглимизни ранжитиш учунми? – деди Вильфор. – На ҳожат?

– Бироқ, – деди Барруа кексаларга хос қатъият билан, – менинг хужайиним нотариусни курмоқчи экан, демак, унинг кераги бор. Мен нотариусни чақириб келай булмасам.

Барруа Нуартъедан бошқа ҳеч кимга буйсунмасди ва унинг хоҳишларига қаршилиқ курсатишларини истамасди.

– Ҳа, мен нотариусни куришни истайман, – деди имо билан кузларини юмиб чол, гуё: «Менинг талабимни бажармай курсинлар-чи», дегандай.

– Агар сиз қаттиқ туриб талаб қиларкансиз, унда нотариусни чақиртириб келишади, бироқ мен иккимиз учун ҳам ундан узр сурашга мажбур бўлиб қоламан, лекин бу кулгили булади.

– Майли, нима булса булаверсин, мен уни чақириб келаман, – деди Барруа.

Кекса қарол гердайиб чиқиб кетди.

II. ВАСИЯТНОМА

Барруа хонадан чиқиб кетаётганида Нуартъе неварасига муғамбирона назар билан маънодор қараш қилди. Валентина чолнинг нега бундай қараганини фаҳмлади. Вильфор ҳам буни фаҳмлади-да ранги оқариб, қошлари чимирилди.

Вильфор курсини олиб фалаж қаршисига утирди-да, кута бошлади.

Нуартъе унга бепарво назар ташлаб, куз қири билан Валентинага: «Хотиржам бўлиб утиравер», деб имо қилди. Орадан чорак кам бир соат утганда Барруа нотариусни бошлаб келди.

– Жаноб, – деди Вильфор у билан саломлашиб, – сизни мана бу Нуартъе де Вильфор жаноблари чақиртириб келди. Бу зотнинг бутун танаси фалаж бўлиб, гапдан ва ҳаракатдан қолган. Биз унинг имо-ишораларидан нима демоқчи эканлигини зур-базур тушуниб оламиз.

Нуартъе невараси Валентинага қаттиқ тикилиб қараганидан у дарҳол сузга киришди:

– Жаноб, мен бувам нима демоқчи бўлса, ҳаммасини тушунаман.

– Бу тўғри, – деди қўшимча қилиб Барруа, – ипидан-игна-сигача, ҳаммасини... Мен ҳам буни йўлда нотариус жанобларига айтган эдим.

– Жаноблар, рухсат этинг, – деди нотариус Вильфор ва Валентинага қараб, – бундай ҳолларда мансабдор шахслар етти улчаб, бир кесмоқлари даркор, йўқса хатога йўл қўйишлари мумкин. Акт қонуний бўлмоғи учун нотариус даставвал унга фармон бераётган кишининг талабини, иродасини аниқ бажарганлигига ишонч ҳосил қилмоғи лозим. Мен тилдан қолган кишининг розилигини ёки норозилигини қандай қилиб аниқлай оламан. Унинг нимани истаб, нимани истамаётганлигини ўз оғзидан эшитмасдан, менинг бу ишга аралашишимнинг фойдаси йўқ, бу қонунга хилоф.

Нотариус чиқиб кетмоқчи бўлди. Қироллик прокурорининг лабларида сезилар-сезилмас ғолибона табассум уйнади.

Нуартъе Валентинага тешиб юборгудек бўлиб тикилганидан, неварга югуриб бориб нотариуснинг йўлини тўсди.

– Жаноб, – деди Валентина, – мен бувам билан жуда осон гаплашаман, бунинг қийинлик ери йўқ, бир неча дақиқада сизни унинг имо-ишораларини мендек яхши тушуниб оладиган қилиб ўргатиб қўяман. Айтинг-чи, кўнглингиз тўқ бўлиши учун нима керак сизга?

– Актимизнинг қонуний бўлиши учун ризолик ёки норизолик изҳор этилганига имонимиз комил бўлмоғи лозим. Васият қиладиган зотнинг тани жароҳатда бўлса-да, ақл-ҳуши расо бўлмоғи шарт.

– Ундай бўлса, жуда соз, икки имо-ишорани кўриб-қўйиб бувамнинг ақл-ҳуши шу онда ҳар қачонгидан соғ эканига ишончингиз комил бўлади. Овоздан ва ҳаракатдан маҳрум бўлиб қолган жаноб Нуартъе «ҳа» демоқчи бўлса, кўзини юмади, «йўқ» демоқчи бўлса, кўзини бир неча марта пирпиратади. Мана, энди сиз у билан суҳбат қилиш йўлларини билиб олдингиз.

Чолнинг Валентинага тикилган кўзлари меҳрга тўлиб турганини нотариус ҳам англади.

– Неварангиз айтган сузларни эшитдингизми, тушундингизми, жаноб? – сўради нотариус.

Нуартъе аста кузларини юмди-да, бир сония утар-утмас яна очди.

– Унинг айтганларини тасдиқлайсизми? Яъни у айтган имо-ишоралар билан бошқаларга фикрингизни баён қиласизми?

– Ҳа, – деди имо билан чол.

– Мени сиз чақирдингизми?

– Ҳа.

– Сизнинг васиятномангизни ёзиш учунми?

– Ҳа.

– Шу васиятномани ёзмагунча менинг кетишимни истамайсизми?

Фалаж кузларини тез-тез пирпиратди.

– Хуш, жаноб нотариус, энди сиз уни англагандирсиз? – сўради Валентина. – Кунглингиз тинчидими энди?

Нотариус бу саволларга жавоб беришга улгурмасдан Вильфор уни бир четга тортди-да, деди:

– Жаноб нотариус, бу оғир жисмоний изтироб, наҳотки Нуартъе де Вильфор жанобларининг ақлий қобилиятига қаттиқ таъсир этмаган деб уйлайсиз?

– Мени бу эмас, бундан кўпроқ унинг фикрларини қандай қилиб уқиб олиш, савол-жавобни қандай олиб бориш муаммоси ташвишга соляпти, – деди нотариус.

– Бунинг иложи йўқлигини узингиз қуриб турибсиз-ку, – деди Вильфор.

Валентина ва чол бу суҳбатни эшитиб турган эди. Нуартъе Валентинага кузларини ўқдай тиккан эди, шу пайтда бу билан у: «Қаршилиқ курсат», демоқчи эди.

– Бу масалада жаноблари ташвишланмаса ҳам булади, – деди Валентина. – Бувамнинг фикрларини тушуниб олиш қанчалик оғир бўлмасин, туғрироғи, сизга қанчалик оғир туюлмасин, мен борман бу ерда, сизга унинг айтмоқчи булган фикрларини аниқ баён қилиб беравераман. Хуллас, сизда ҳеч шубҳа қолмайди. Олти йилдирки, мен Нуартъе жаноблари ҳузуридаман. Унинг бирорта талаб-истаги бажо этилмай қолгани йўқ. Ана, ўзлари айтсин сизга.

– Туғри, – деди имо қилиб чол.

– Қани, бир синаб кўрайлик-чи, – деди нотариус, – мадемуазель де Вильфор таржимонингиз бўлишига розимисиз?

Чол имо билан «ҳа», деди.

– Жуда соз! Хуш, жаноблари мендан нима истайдилар ва қанақа акт тузишни хоҳлайдилар?

Валентина альфавитдаги ҳарфларни тартиб билан бирин-кетин айта бошлади. У «В» ҳарфига келганда Нуартъе имо билан уни тўхтатди.

– Аён бўлдики, Нуартъе жанобларига «В» ҳарфи керак экан, – деди нотариус.

– Сабр қилинг, – деди Валентина, сўнг чол томонга ўғирилди, – ва...

Чол дарров уни тўхтатди.

Шундан кейин Валентина луғатни олди-да, нотариус олдида варақлай бошлади.

– Васиятнома, – деди у чолнинг имоси билан бармоғини луғатдаги ана шу сўз устида тўхтатиб.

– Васиятнома! – хитоб қилди нотариус. – Маълум бўлдики, жаноб Нуартъе васиятнома тузишни истаркан.

– Ҳа, – деди такрор-такрор имо билан Нуартъе.

– Ростданам бу жуда ажиб ҳол, ҳа, жаноблари ҳам бунни эътироф этмоққа мажбурлар, – деди нотариус ҳанг-манг бўлиб қолган Вильфорга қараб.

– Ҳақиқатан ҳам ажиб ҳол, – деди Вильфор, – яна васиятнома ёзилиши бундан ҳам таажжублироқ бўлиши мумкин, чунки қизим жуда усталик билан айтиб турмаса, бу васиятномадаги гапларни жумлама-жумла ёзиб чиқиш амри маҳол. Мен бунга ишонмайман. Валентина эса Нуартъе де Вильфор жанобларининг бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаган истакларини бажарувчи родини уйнаб, бу васиятноминг тузилишидан, эҳтимол, манфаатдордир.

– Йўқ, йўқ, йўқ! – имо қилди чол.

– Нега? – сўради Вильфор. – Валентина васиятномангиздан манфаатдор эмасми?

– Йўқ, – деди Нуартъе.

– Жаноб, – деди ҳозирги синовдан завқланиб кетган ва жамоатчиликка бу ажойиб воқеани оқизмай-томизмай айтиб беришга тайёр нотариус, – жаноб, шуни айтишим керакки, чамамда, ҳозиргина мутлақо бўлмағур гап деб

турган нарса эндиликда жуда осонлик билан бажарилади, шекилли? Бу васиятнома шунчаки бир махфий васиятнома, яъни қонунда кўрсатилган ва қўл қўйилган ҳужжат бўлади, фақат бир шарт бор, у ҳам бўлса васиятнома етти гувоҳ олдида эълон қилиниши, шу гувоҳлар ҳузурда васият қилувчи томонидан тасдиқланиши ва нотариус томонидан муҳрланиши керак. Бунинг учун оддий васиятномага кетгандан ортиқ вақт кетмайди, энг муҳими: қонунлаштириб тузилган нусха ҳеч қачон ўзгартирилмайди, ишнинг тафсилотларига келганда, у, асосан, васиятнома қандай ва қай ҳолатда тузилишига ва бу ишни билиб, олиб борувчи сизларга боғлиқ. Ҳар ҳолда бу акт ишонарли бўлмоғи учун биз уни жуда ишонарли қилиб тузамиз. Ҳамкасбларимдан бири менга ёрдамчи бўлади, васиятномани тузишда у шу ерда туради. (Одатда бундай бўлмасди.) Шундай қилсак сиз розимисиз, жаноб? – деб сўради нотариус чолдан.

– Ҳа, – деди чол имо билан унинг фикрларига тушунаётганлигидан қувониб.

«Нега у ўйланиб қолди?» – деди ҳайрон бўлиб турган Вильфор ичида. Юксак лавозим уни шундай пайтда оғир-вазмин бўлишга мажбур этарди. У ҳамон отаси нима қилмоқчи эканини англаёлмасди.

Иккинчи нотариусни чақиртиришга у буйруқ бериш учун орқасига ўгирилганда ҳамма гапни эшитиб, хўжайиннинг истагини англаб турган Барруа югуриб чиқиб кетган эди.

Сўнг қироллик прокурори ўз рафиқасини чақириб чиқишни буюрди.

Чорак соат утар-ўтмас ҳаммалари фалаж чол хонасига тупланишди, иккинчи нотариус ҳам етиб келди.

Иккала нотариус бирпасда ўзаро гаплашиб олишди. Одатдаги васиятномалардан бирини жаноб Нуартъега ўқиб беришди. Сўнг чолнинг эс-хуши жойидалигини синаб кўриш учун биринчи нотариус унга мурожаат қилиб, деди:

– Жанобларига маълумки, васиятнома бирор шахснинг манфаатини кўзлаб ёзилади.

– Ҳа, – деди имо қилиб Нуартъе. – ~~Мен мулкнингиз қанчалиги сизга аёнми?~~

– Ҳа.



– Мен рақамларни ошириб санаб бораман, қайсиниси туғри бўлса, сиз ўша жойда мени тўхтатинг.

Бу суроқларда қандайдир тантана мавжуд эди: ожиз тана билан ақл ҳеч маҳал бу каби очиқ жанг қилмаган бўлса керак. Бу жуда завқли манзара эди.

Ҳамма Нуартъе атрофига тўпланди. Иккинчи нотариус стол ёнидаги курсига ўтириб ёзишга ҳозирланди. Биринчи нотариус фалаж чол қаршисида туриб, саволлар бера бошлади.

– Мол-мулкингизнинг умумий қиймати уч юз минг франкдан кўпроқ экан, туғрими? – сўради у.

Чол «ҳа», деб имо қилди.

– Тўрт юз минг франкми? – сўради нотариус.

Чол қимир этмади.

– Беш юз минг франкми?

Чол ҳамон жим.

– Олти юз минг? Етти юз минг? Саккиз юз минг? Тўққиз юз минг?

Нуартъе имо билан «ҳа» деди.

– Тўққиз юз минг франк турадиган давлатингиз борми?

– Ҳа.

– Ҳаммаси буюмлардан иборатми? – сўради нотариус.

Нуартъе «йўқ», деди имо билан.

– Давлатнинг фоизли қоғозларидан иборатми?

Нуартъе «ҳа», деди имо билан.

– Бу қоғозлар ўз қўлингиздами?

Чол Барруага бир қараган эди, қарол чиқиб кетди-да, бир дақиқада қутича кўтариб келди.

– Қутичани очишга рухсат этасизми?

Нуартъе «ҳа» деган имо қилди.

Қутичани очишди. Унда тўққиз юз минг франк давлат хазинаси билетлари бор эди.

Биринчи нотариус билетларни олиб ҳамкасбига битта-лаб узатди. Улар чиндан ҳам Нуартъе айтган суммани ташкил этарди.

– Тўппа-туғри, – деди у, – тўққиз юз минг франк; равшан бўлдики, чолнинг ақл-ҳуши мутлақо жойида.

Сўнг у фалаж чолга ўгирилиб сўради:

– Демак, туққиз юз минг франк маблағингиз бор экан, бу процентли давлат қоғозлари сизга ҳар йили қирқ мингга яқин фойда келтиради, туғрими?

– Ҳа, – деди имо билан Нуартъе.

– Бу маблағни кимга қолдирмоқчисиз?

– Нуартъе жаноблари, – деди Вильфор хоним, – фақат уз невараси мадемуазель Валентинани яхши кўради, у олти йилдан буён унга ғамхурлик қилиб, парвариш қилиб келади, бувасининг унга бунчалик меҳр-муҳаббатининг боиси ҳам шундан. Шу сабабдан Валентина ана шу содиқлиги эвазига мукофотланса одилона иш бўлади.

Нуартъенинг кўзлари чақнаб кетди, у Вильфор хоним рост гап айтаётганини тасдиқлади ва кўнглимдагини топди, дегандек бўлди.

– Демак, сиз шу туққиз юз минг франк маблағингизни мадемуазель Валентина де Вильфорга қолдирасизми? – суради нотариус.

У энди шу пунктни васиятномага ёзиб қўйсам бўлди, деб қарор қилган, лекин Нуартъенинг розилигига узини ва бошқа гувоҳларни яна бир карра ишонтирмоқчи бўлганди.

Валентина узини четга олди ва бошини қуйи солиб йиғлаб юборди: чол меҳр тўла нигоҳини унга ташлади, сўнг нотариусга угирилиб, кўзларини тўхтовсиз пирпиратаверди.

– Йўқ? – деди нотариус. – Сиз ҳали мадемуазель Валентинани ягона меросхўрингиз қилиб тайинламоқчи эмасизми?

Нуартъе «йўқ», деди имо қилиб.

– Адашмаяпсизми? – деди таажжубланган нотариус, – чиндан ҳам йўқ деяпсизми?

– Йўқ! – такрорлади Нуартъе. – Йўқ!

Валентина бошини кўтарди; шу пайт Валентина уни меросдан маҳрум этаётганларидан ажабланмас, балки, одатдагидек, бу муомала уни қаттиқ ранжитган эди.

Аммо Нуартъе унга меҳр тўла кўзларини тиккан эди, Валентина қичқириб юборди:

– Буважон, биламан, сиз мени фақат давлатингиздан маҳрум этипсиз, меҳр-муҳаббатингиздан эмас, туғрими?

– Ҳа, албатта, – деди чолнинг кузлари маънодор юмилиб. Энди Валентинанинг кўнглида ҳеч қандай шубҳа қолмади.

– Раҳмат, раҳмат! – деди у шивирлаб.

Бу ҳол Вильфор хонимнинг кўнглини ёритди, хоним чолнинг ёнига келди.

– Бундан чиқдики, муҳтарам Нуартъе жаноблари, сиз ўз давлатингизни неварангиз Эдуар де Вильфорга қолдирар экансиз-да? – суради хоним.

Чолнинг кузлари алам-нафрат билан тез-тез пирпиради.

– Демак, йўқ, – деди изоҳ бериб нотариус.

– Йўқса мана бу ўғлингизга қолдираркансиз-да?

– Йўқ, – деди рад этиб чол.

Таажжубда қолган икки нотариус кўз уриштириб олишди. Вильфор билан хотини – бири уялганидан, иккинчиси эса ғазабдан қизариб кетди.

– Бува, нима гуноҳ қилдик биз сизга? – деди Валентина, – энди бизни ёмон кўриб қолдингизми?

Чол аввал Вильфорга, сўнг унинг хотинига бир-бир назар ташлади-да, сўнг меҳрибонлик билан Валентинага тикилди.

– Бува, менга қаранг, – деди Валентина, – мабодо мени яхши кўрар экансиз, ҳозирги қилифингиз нимаси? Сиз мени яхши биласиз, яна шуни ҳам биласизки, мен ҳеч қачон сизнинг пулингизни уйлаган эмасман. Бунинг устига менга онамдан жуда катта бойлик қолган дейишади, ниҳоятда катта бойлик. Хуш, шундай экан, нима гап ўзи?

Нуартъе ёниб турган кузларини Валентинанинг қўлига тикди.

– Менинг қўлим? – суради Валентина.

– Ҳа, – деди имо билан Нуартъе.

– Унинг қўли!.. – такрорлашди ҳозир бўлганлар.

– Э-э... Жаноблар, – деди Вильфор, – кўриб турибсизки, бу гаплардан ҳеч қандай фойда йўқ, чунки бечора отам ақлдан озган.

– Мен унинг нимага ишора қилаётганини тушундим! – деди Валентина. – Менинг турмушга чиқишимни айтяпсиз-да, шундайми, бува?

– Ҳа, ҳа, ҳа, – уч марта такрорлади чол, ҳар гап киприк қоққанда кузларидан ғазаб учқунлари сочилди.

– Турмушга чиқаётганим учун ҳаммамиздан норози бўляпсизми? – суради Валентина.

– Ҳа.

– Ахир бу бемаънилик-ку! – деди Вильфор.

– Жаноб, кечиринг, – деди нотариус, – аксинча, бу гаплар, менимча, ниҳоятда мантиқли, бири бирига боғлиқ гаплар.

– Сиз, менинг Франц д’ Эпинега турмушга чиқишимни истамайсизми?

– Йўқ, истамайман, – деди чолнинг кузлари.

– Сиз хоҳламаган эрга турмушга чиқаётгани учун неварангизни меросдан маҳрум этяпсизми? – суради нотариус.

– Ҳа, – жавоб қилди Нуартъе.

– Яъни, у ўша эрга тегмаса Валентина сизнинг меросхўрингиз булармиди?

– Ҳа.

Чолнинг теварагидагилар жим бўлиб қолишди.

Нотариуслар маслаҳатга утишди. Валентина бувасидан миннатдор бўлиб, унга тикилиб қолган эди. Вильфор юпқа лабларини тишлар, рафиқаси эса юзида зоҳир бўлган қувонч аломатларини бекитолмасди.

– Менимча, – деди сукунатни бузиб Вильфор, – бу никоҳнинг биз учун маъқуллиги ёки маъқул эмаслиги ҳақида фақат мен ҳукм чиқара оламан. Қизимнинг изми менда, мен қизимнинг жаноб Франц д’ Эпинега турмушга чиқишини истайман, Валентина унинг рафиқаси бўлади.

Кузлари жиққа ёшга тўлган Валентина узини уриндиққа ташлади.

Нотариус чолга мурожаат қилиб деди:

– Жаноб, мабодо мадемуазель Валентина жаноб д’ Эпинега турмушга чиқса, унда давлатингизни кимга қолдирасиз?

Чол чурқ этмади.

– Ахир бирор кишига қолдирмоқчимисиз?

– Ҳа, – жавоб қилди Нуартъе.

– Оилангиздан бирор кишигами?

– Йўқ.

– Ундай бўлса камбағаллар фойдасигами?

– Ҳа.

– Бироқ, – деди нотариус, – уфлингизни бутунлай қуруқ қолдириш қонунга хилоф эканлигидан хабарингиз борми?

– Ҳа.

– Демак, сиз маблағингизнинг фақат қонун йул қўяди-ган қисми ҳақидагина фармойиш беришга ҳақлисиз, шундайми?

Нуартъе индамади.

– Ҳамма маблағингиз ҳақида васиятнома ёзаман, деб қатъий қарор қилганмисиз?

– Ҳа.

– Бироқ, вафотингиздан кейин васиятномангизга эътироз билдиришлари мумкин.

– Йўқ.

– Отам мени яхши билади, жаноб нотариус, – деди Вильфор, – унинг иродаси мен учун муқаддас. Яна у, ҳозирги мавқеимда мен камбағаллар билан судлаша олмаслигимни ҳам яхши англайди.

Нуартъенинг қарашларида тантана барқ урди.

– Сиз қандай қарорга келдингиз? – деди нотариус Вильфорга.

– Ҳеч қандай. Отам шундай қарорга келгандан кейин, мен нима дердим, у ўз қароридан асло қайтмайди... Менинг итоат қилишдан бошқа иложим йўқ. Бу туққиз юз минг франк қўлдан кетиб, камбағалларни бойитади. Аммо мен ҳам чолнинг инжиқлигига парво қилмай, кўнглим нимани истаса, шуни қиламан.

Вильфор, отам нимани хоҳласа шуни қилаверсин, деб рафиқаси билан чиқиб кетди.

Васиятнома шу кунни ёзилди, гувоҳлар чақирилиб, уқиб берилди, чолга ҳам маъқул тушди, ҳамманинг олдида муҳрланиб, Вильфорлар хонадони нотариуси жаноб Дешанга топширилди.

III. ТЕЛЕГРАФ

Вильфор рафиқаси билан ўз хонасига қайтганда, граф Монте-Кристо келиб меҳмонхонада кутиб гурганини хабар қилишди. Ниҳоятда ҳаяжонга тушган Вильфор хоним шу аҳволда меҳмонга кўринишни эп кўрмай, ётоқхонасига

қириб кетди; узига ортиқча бино қуйган қироллик прокурори эса тўғри меҳмонхонага йўл олди. Аммо қанчалик узини қўлга олишга, чеҳрасини очишга уринмасин, кўнгли ғашлигини яширишга ожиз эди. Жилмайиб турган граф прокурорнинг кўринишидан ташвишга тушганлигини ва кўнгли ғашлигини фаҳмлади.

– Сизга нима бўлди, жаноб де Вильфор, ташвишли куринасиз? – сўради у дастлабки салом-алиқдан сўнг, – бирорта жиддийроқ айбнома ёзаётган пайтингизда кириб қолдим шекилли?

Вильфор илжайишга уринди.

– Ундай эмас, граф, – деди у. – Айти пайтда ўзим жафокашман. Панд едим, ютқаздим. Фавқулодда бир ҳол юз берди-ю, қайсарлик ва бефаҳмлик оёғимдан чалди.

– Бу билан нима демоқчисиз? – деди Монте-Кристо узини усталик билан ҳамдардликка олиб. – Хонадонингизда биронта жиддий кўнгилсизлик юз бердими?

– Арзимас нарса, – деди Вильфор оғир тин олиб, – бир оз ақча ютқаздим.

– Зотан, – жавоб қилди Монте-Кристо, – шундай давлат ва фалсафий ақл эгаси бўлмиш сиздек зот учун пул ютқиши ҳеч гап эмас, албатта.

– Шу сабабдан, – деди Вильфор, – туққиз юз минг франк ачинишга арзийдиган пул бўлса-да, мен бунга ачинаётганим йўқ. Чолнинг инжиқлиги туфайли бойлик орттириш йўлидаги умидларимни пучга чиқарган, эҳтимол, қизимнинг келажагини ҳам барбод этган тақдир найранги, қандайдир фавқулодда бир куч дилимни сиёҳ этди.

– Ҳали шунақа денг? Наҳотки! – хитоб қилди граф. – Туққиз юз минг франк дедингизми? Ҳақ гапни айтдингиз, файласуф ҳам бундай катта пулга ачинади, албатта. Бироқ бундай оғир қайғуга сизни ким дучор этди?

– Уша сизга ҳикоя қилиб берган отам.

– Нуартье жанобларими? Наҳотки у киши шундай қилган бўлса? Ахир менга, хотиримдан кўтарилмаган бўлса, у буткул фалаж бўлиб ётибди, ҳамма қобилиятлардан маҳрум деган эдингиз-ку?

– Ҳа, жисмоний қобилиятлардан маҳрум, у қимирлай олмайди, тилдан ҳам қолган, аммо шунга қарамай, у фикр

юритади, орзу қилади. Мен ҳозиргина унинг ҳузуридан чиқдим, беш дақиқа ҳам бўлгани йўқ. У ҳозир икки нотариусга ўз васиятномасини айтиб, ёздиряпти.

– Демак, у яна тилга кирибди-да?

– Йўқ, бироқ фикрларини тушунишга мажбур этди.

– Қандай қилиб?

– Кузлари билан. Унинг кузлари юмилгани йўқ, утдай куйдиради.

– Азизим, – деди хонага кириб келган Вильфор хоним. – Менимча, сиз гапни жуда ошириб юбордингиз.

– Хоним... – деди таъзим билан салом бериб граф.

Вильфор хоним чеҳраси очилиб, табассумла жавоб қилди.

– Жаноб де Вильфорнинг айтганлари туғрими? – суради Монте-Кристо, – тушуниб бўлмайдиган илтифотсизлик бу?..

– Туғри айтдингиз, ҳақиқатан бу кишининг ақли бовар қилмайдиган ҳол, – деди қироллик прокурори елкасини қисиб. – Қарилик инжиқлиги бу!

– Уни ўз қарорини ўзгартиришга мажбур этадиган бирорта восита йўқмикин?

– Бор, – деди Вильфор хоним, – бу васиятнома Валентининг зарарига эмас, фойдасига тузилиши эримга боғлиқ.

Граф эр-хотин илмоқли қилиб гапираётганини кўриб, узини хаёл сурганга солди-да, қушларга дон бериладиган идишга сиёҳ қуяётган Эдуарга диққат билан тикилиб, унга далда бера бошлади.

– Азизим, – деди эътироз билдириб Вильфор хотинига, – сизга аёнки, мен ўз уйимда патриарх ниқобига ўралишни истамайман ва ҳамжиҳатлик тақдири менинг шу ролни адо этишимга боғлиқ, деган фикрни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Бироқ онлам менинг амр-фармонларимни назар-эътиборга олиши зарур ва кўпдан ўйлаб юрган режамни тентак чол билан инжиқ гудак бузишга журъат этмаслиги шарт. Сизга маълумки, барон д'Эпине дўстим эди, қизимизга унинг ўғлидан яхшироқ эр топилмайди.

– Демак, сиз, – деди Вильфор хоним, – Валентина чол билан тил бириктирган деб фараз қиласизми?.. Чиндан ҳам қиз бу никоҳга ҳамма вақт қаршилиқ кўрсатиб келди, биз ҳозир кўрган ва эшитганларимиз уларнинг илгаридан ту-

зиб қуйган режалари булиб чиқса, мен мутлақо таажжубланмасдим.

– Амин булингки, – деди Вильфор, – ҳеч ким туққиз юз минг франк маблағдан беҳудага воз кечмайди.

– Қиз бутун оламдан ҳам юз угириши мумкин, ахир утган йили монастирга кетмоқчи булган эди-ку.

– Нима булса булсин, – деди эътироз билдириб Вильфор, – барибир мен қизимни Францга бераман.

– Отангизнинг норозилигига қарамасдан-а? – деди Вильфор хоним сүзни бошқа томонга буриб. – Бу ҳазил эмас!

Монте-Кристо гүё бу гапларни эшитмаётгандек кўринса-да, аммо бирорта сүзни диққатидан қочирмаётган эди.

– Хоним, – деди эътироз билдириб Вильфор, – мен фарзандлик туйғуси билан унинг хулқ-атворидаги, маънавий хислатларидаги устунлик туфайли унга ҳамиша сажда қилишга мажбурман. Бунинг устига отам биз учун икки қарра муқаддас инсон: биринчидан, у бизни дунёга келишимизга сабабчи булган, иккинчидан, у бизнинг каттамыз. Бироқ эндиликда уз уғлига нафрат билан қарайдиган чолни оқил дея олмайман! Ахир, унинг инжиқлигига қараб иш кўрадиган булсам, масхарам чиқади-ку! Жаноб Нуартъени бундан буён ҳам илгаригидек жуда ҳурмат қиламан, мени меросдан маҳрум этиш ҳақидаги амр-фармонга сўзсиз буйсунаман, аммо фикримдан қайтмайман, ким ҳақли эканлиги туғрисида жамоатчилик ҳукм чиқарар. Қизимни барон Франц д' Эпинега эрга бераман, бу жуда туғри ва оқилона иш булади, деб ҳисоблайман. Қизимни кимга бериш менинг ихтиёримда, мен уни ўзимга ёққан одамга бераман.

– Ҳали шундай денг, – деди граф, қироллик прокурори гап орасида унга туғрими? дегандек қараб қуйгач. – Гап бу ёқда денг! Нуартъе жаноблари мадемуазель Валентинани барон Франц д' Эпинега турмушга чиқаётгани учун меросдан маҳрум этиптими?

– Худди шундай, ҳамма гап мана шунда, – деди Вильфор елкасини қисиб.

– Ҳар қалай, бу бир баҳона булди-да чолга, – деди қўшимча қилиб Вильфор хоним.

– Баҳона эмас, бир сабаб бу, хоним, сабаб. Мен отамнинг феълини яхши биламан.

– Булмаса нега у шундай қияпти? – суради ёш жувон. – Ахир жаноб д’ Эпиненинг бошқалардан қаери кам?

– Дарҳақиқат, – деди граф, – мен жаноб Франц д’ Эпине билан бир неча бор учрашганман. У генерал де Кенель (сунгроқ барон д’ Эпине деган унвон олган)нинг уғлида?

– Ҳа, худди ушанинг ўзи, – жавоб қилди Вильфор.

– У менга ажойиб, хушрўй йигитга ўхшаб кўринган эди.

– Мана шунинг учун ҳам чолга баҳона бўлди бу никоҳ, деяпман-да, – деди Вильфор хоним. – Чоллар пировардида севган кишиси устидан мустабид ҳоким бўлиб оладилар-да, истаганини қиладилар, жаноб Нуартъе ҳам шундай: неварасининг турмушга чиқишини истамайди.

– Эҳтимол, чолнинг у йигитдан нафратланишининг бирор сабаби бордир? – суради Монте-Кристо.

– Буни Тангридан булак ҳеч ким билмайди.

– Эҳтимол, бирор сиёсий масалада зиддият бордир?

– Ҳақиқатан менинг отам билан жаноб д’ Эпиненинг отаси алғов-далғов замонда яшашган. Мен бу даврнинг фақат сунгги кунларини кўрганман, – деди Вильфор.

– Отангиз бонапартчи эди, шекилли? – суради Монте-Кристо. – Янглишмасам, шунга ўхшаган гап қилувдингиз менга.

– Отам ғирт яacobинчи бўлган, – деди эътироз билдириб Вильфор, ҳаяжонда ҳар қандай эҳтиёткорликни унутиб. – Наполеон томонидан унинг гарданига юкланган сенаторлик лавозими унинг ўзини эмас, фақат ташқи қиёфасини ўзгартирди, холос. Отам императорни яхши кўрганидан эмас, Бурбонлардан нафратлангани туфайли фитналарга қатнашарди. Энг даҳшатлиси шундаки, у рўёбга чиқмайдиган хом хаёллар учун эмас, ҳақиқатан юзага чиқариш имконияти бўлган иш учун курашарди, шу билан бирга у монтаньярларнинг² даҳшатли назариясига амал қилиб, мақсадга эришиш учун ҳеч нарсадан тоймасди. ,

– Маълум бўлдики, – деди Монте-Кристо, – ҳамма гап ана шунда экан. Нуартъе билан д’ Эпине ўртасида сиёсат бора-

² 1789 йилда француз буржуа революцияси вақтида Конвентда сўл партиянинг номи (муҳаррир).

сида зиддият бор экан. Генерал д' Эпине Наполеон армия-сида хизмат қилса-да, дилида у роялист эди, тўғрими? Адаш-масам, бир куни кечаси уни бонапартчилар клубидан чи-қиб келаётганда ўлдиришган эди, а? Клубга уни тарафдор қилиб оламиз, деган умидда чақириб келишган эди.

Вильфор, кайфи учиб, графга қаради.

– Адашаётганим йўқми? – сўради Монте-Кристо.

– Йўқ. Ҳақ гапни айтдингиз, – деди Вильфор хоним, – ҳақиқатан ҳам шундай бўлган эди. Шунинг учун ҳам эрим ўтмишдаги душманликни унутиб юбориш учун ота-бобола-ри бир-бирига душман бўлган икки ёшнинг бошини қовуш-тирмоқчи.

– Бу ажойиб фикр! – деди Монте-Кристо. – Бу олиҳим-матлик, меҳр-шафқат намунаси, ҳамма буни олқишлаши лозим. Мадемуазель Нуартье де Вильфор Франц д' Эпине хоним деб аталса жуда соз бўларди-да.

Вильфор бир сесканиб тушди-да, бу сўзларни айтишдан мақсади нима эканини билиб олмоқчи бўлгандек Монте-Кристога тикилиб қолди.

Аммо графнинг лабларида одатдаги нозиккина жилмай-йишдан бўлак ҳеч нарса сезилмасди. Хуллас, зийракликда купларни бир чуқишда қочирадиган қироллик прокурори бу гал ҳам графнинг чехрасида одатдаги назокатдан бош-қа ҳеч нарса кўролмади.

– Шу сабабдан, – деди Вильфор, – Валентина учун бува-сининг давлатидан маҳрум бўлиш катта бахтсизлик бўлса-да, бу унинг Францга эрга чиқишига халақит бермайди, деб ўйлайман. Менимча, бу сармойдан ажралиш д' Эпине жанобларини ҳам гангитиб қўймаса керак. Менинг бу сармой-дан қимматлироқ эканлигимни, ўз сўзимнинг устидан чи-қиш учун бу катта пулдан воз кечаётганимни ахир жаноб д' Эпине тушунар. Бинобарин, у Валентинага онасидан кат-та мерос қолганини ҳам ҳисобга олар. У она томондан бу-васи ва бувиси бўлмиш маркиз ва маркиза де Сен-Меран-нинг изн-ихтиёрида; уларнинг иккиси ҳам Валентинага меҳр қўйган.

– Улар меҳр-шафқатга пойиқ зотлар, Валентина жаноб Нуартьега қанчалик шафқат қилаётган бўлса, уларга ҳам шунчалик меҳр-шафқат билан қараши керак, – деди Виль-

фор хоним, – айтганча, улар шу бир ой ичида Парижга келишади, ана шунда Валентина бугунги камситилганидан сўнг, ҳадеб Нуартъе ёнида уралашавермаса яхши бўлади.

Граф овозини узгартириб, узини худди иззат-нафсига тегиб, дилсиёҳ қилинган киши ҳолига солди-да, деди:

– Ҳозир айтмоқчи бўлган сўзларим учун олдиндан узр сурайман сиздан, – деди Монте-Кристо бир оз сукунатдан сўнг, – мен отасининг душмани бўлган йигитга турмушга чиқаётгани учун мадемуазель де Вильфорни уз меросидан маҳрум этаётган жаноб Нуартъе кичкинтойимиз Эдуардан упкалашга ҳақли эмас, деб биламан.

– Ҳақ гапни айтяпсиз! – деди хитоб қилиб Вильфор хоним гаплати оҳангда. – Чиндан ҳам бу адолатсизлик, ута адолатсизлик! Боёқиш Эдуар ҳам Валентина каби жаноб Нуартъенинг невараси-ку! Аммо шуниси аёнки, Валентина Франц д'Эпинегга турмушга чиқмаганида Нуартъе бутун давлатини барибир унга қолдирарди. Эдуар аслзодалар наслдан, аммо шунга қарамай Валентина, буваси меросидан маҳрум этган тақдирда ҳам, Эдуарга қараганда уч баравар бой бўлиб қолади.

Монте-Кристо чурқ этмай диққат билан қулоқ солиб тураверди.

– Граф, келинг, оилавий машмашалар тўғрисидаги гапларни бас этайлик, – деди Вильфор. – Демак, менинг маблағим камбағалларнинг даромадини оширишга сарфланаркан-да, аслини олганда, бизнинг замонамизда ҳақиқий бойлар ушалар-ку. Шундай қилиб, отам мени, мутлақо гуноҳим бўлмаса-да, қонуний умид-орзулардан маҳрум этди. Майли, мен оқилона иш тутиб, олижаноблик қиламан. Шу маблағдан жаноб д'Эпинегга даромад ваъда қилган эдим, мен бу катта маблағдан маҳрум бўлсам-да, ваъда қилинган даромадни қуёвим олади.

– Яхшиси, – деди эътироз билдириб Вильфор хоним, уз фикридан қайтмай, – бу хунук воқеадан д'Эпинени хабардор қилсак яхши буларди, эҳтимол ўзи берилган ваъдани ундириб олар.

– Бу катта бахтсизликка дучор этган бўлур эди бизни! – хитоб қилди Вильфор.

– Катта бахтсизликка? – сўради Монте-Кристо.

– Худди шундай, – деди узини босишга уриниб Вильфор, – никоҳ бузилиб, келиннинг шаънига доғ тушади. Бундан ташқари илгариги миш-миш гаплар яна қузғайди. Мен мана шу миш-мишларни йўқотмоқчи эдим. Йўқ, йўқ, бундай бўлмайди. Жаноб д'Эпине ориятли одам бўлса, Валентинанинг меросидан маҳрум бўлганини билиб, унга кўпроқ меҳр қўяди, акс ҳолда, нафс балоси учун уйланмоқчи эканлиги аён бўлиб қолади.

– Мен ҳам худди шундай деб уйлайман, – деди Монте-Кристо кузларини Вильфор хонимга уқдай тикиб, – жаноб Вильфорнинг маслаҳат беришга қодир дўсти бўлсайдим, унга шундай маслаҳат берган бўлур эдим: афтидан Франц д'Эпине яқинда қайтиб келса керак, ишни жуда пухта уйлаб қилиш керак. Очигини айтганда, мен кураш бошлаган бўлар эдим, албатта бу кураш жаноб де Вильфор фойдасига ҳал бўларди.

Вақти чоқ бўлиб кетган Вильфор ўрнидаи турди, хотинининг бир оз ранги ўчди.

– Бу жуда яхши гап бўлди, – деди Вильфор, – мен сиздан ана шу сўзларни эшитмоқчи эдим, бу маслаҳатингизни албатта бажо келтираман, – қўшимча қилди қироллик прокурори Монте-Кристога қўлини узатиб. – Бинобарин, шу хонадонда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси бугун шу ерда юз берган воқеа ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, деб билсин: режаларимиз ўзгармай қолаверади.

– Жаноб, – деди граф, – сизни ишонтириб айтаманки, бу дунё қанчалик адолатсиз бўлмасин, у сизнинг жасоратингизга қойил қолмасдан иложи йўқ. Дўстларингиз сиздан фахрланур, жаноб д'Эпине эса мадемуазель де Вильфорни ҳеч қандай қалинсиз олса-да (аслида қалин бўлади, албатта), сиз каби зотнинг хонадонига, ўз бурчи ва аҳдини бажариш йўлида фидокорликнинг юқори поғонасига қўтарила оладиганлар оиласига аъзо бўлса, узини бахтиёр билмоғи лозим.

Граф шу сўзларни айтди-да, кетмоқчи бўлиб, ўрнидан турди.

– Граф, бизни ташлаб кетмоқчимисиз? – деди де Вильфор хоним.

– Кетишим керак, хоним, фақат шанба куни бизникида меҳмон бўлиш ҳақидаги ваъдангизни эслатиб қўйиш учун бу ерга бирров кириб чиқай деган эдим.

– Наҳотки, бизни уз ваъдасини унутиб қўядиганлардан деб уйласангиз?

– Сиз, хоним, олижаноб зотсиз, де Вильфор жаноблари эса кўпгина муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган юмушлар билан бандлар...

– Эрим сўз бердимиз, бас, у уз сўзининг устидан чиқадиган киши, – деди де Вильфор хоним, – катта бир давлатдан ажралаётганига қарамай, уз сўзидан қайтмайдиган одам эканлигини мана шу ердаёқ кўрдингиз.

– Тушлик Елисей Майдонидаги уйингизда бўладими? – сўради Вильфор.

– Йўқ, шаҳар ташқарисида бўлади, – жавоб қилди Монте-Кристо, – илло, бу қилган мурувватингиз биз учун янада қадрлироқ бўлади.

– Шаҳардан ташқарида?

– Ҳа.

– Қаерда? Париж атрофидами?

– Шаҳар дарвозасининг шундоқ ёнгинасида, атиги ярим соатлик йўл: Отейлда.

– Отейлда! – хитоб қилди Вильфор. – Ҳа, хотиним сизни Отейлда истиқомат қиладилар, деган эди. Унга сизнинг уйингизда ёрдам беришган эди. Отейлнинг қаерида?

– Фонтен кучасида.

– Фонтен кучасида? – деди Вильфор паст овозда. – Уйнинг номери нечанчи?

– Йигирма саккизинчи.

– Маркиз де Сен-Мераннинг ҳовлисини ҳали сизга сотганмидилар? – хитоб қилди Вильфор.

– Маркиз де Сен-Меран? – сўради Монте-Кристо. – Бу ҳовли Маркиз де Сен-Меранникимиди?

– Ҳа, – жавоб қилди де Вильфор хоним, – бу жуда ажаб бир ҳол...

– Қанақа ҳол экан?

– У жуда ажойиб кошона-а, туғрими?

– Ҳа, ниҳоятда соз кошона.

– Менинг эрим эса уша уйга кучиб боришга ҳеч кўнмади.

– Дарҳақиқат, бу чакки бўлган экан-да, – деди Монте-Кристо, – аммо бунинг сабаби нима эканлигига ақлим бо-вар қилмаяпти.

– Отейл менга ёқмайди, – зурға деди қироллик прокурори.

– Аминманки, баҳона сизни менинг меҳмоним бўлиш шарафидан маҳрум қилмайди.

– Йуқ, граф... мен... албатта боришга ҳаракат қиламан... амин бўлинг... Ҳа, хотиржам бўлинг, ҳаракат қиламан... – деди пингиллаб Вильфор.

– Йуқ, менга ҳеч қандай баҳона кетмайди, – жавоб қилди Монте-Кристо. – Шанба куни, соат олтида кутаман сизни. Мабодо бормай қолсангиз, мен, демак, йигирма йил инсон қадами тегмаган уша Фонтен кучасидаги уйда қандайдир даҳшатли воқеа, қонли фожиа юз берган экан-да, деб уйла-шимга тўғри келади.

– Бораман, граф, бораман, – деди шоша-пиша Вильфор.

– Раҳмат, – деди Монте-Кристо. – Энди менга рухсат бе-ринг, кетсам.

– Ростданам бизни ташлаб кетишга мажбурмисиз, граф? – деди де Вильфор хоним, – нимага шошилаётганингизни айтмоқчи эдингиз, лекин гапни бошқа ёққа айлантириб, айтмадингиз.

– Тўғриси айтсам, хоним, – деди Монте-Кристо, – қаёққа бораётганимни сизга айтишдан ҳайиқиб турибман.

– Айта қолинг.

– Мен утакетган меровман, кўпдан буён орзу қилиб юр-ганим бир нарсани кўрмоқчиман.

– Нима экан у?

– Телеграф.

– Телеграф? – такрорлади де Вильфор хоним.

– Ҳа, телеграф. Баъзида ҳаво очик кунлари йўлнинг че-тидаги дунгликда осмонга буй чузиб турган қоп-қора сим-ёғочларни кўриб, уларни улкан қўнғизнинг қўлларига ухша-тардим, билсангиз мен уларга ҳар гал ҳаяжонланиб тики-либ қолардим. Ҳавони иккига бўлиб ташлаб, бир томонда столга утирган кишининг сўзларини уч юз лье наридаги столда утирган бошқа бир кишига етказиб берадиган бу ғаройиб аломатлар кўл ранг булутлар устида ёки мовий осмонда ана шу ҳамма нарсага қодир ҳокимнинг истаги

билан ҳаракатга келади, деб фараз қилардим, ажиналар, девлар, пирлар туғрисида, хуллас, сирли кучлар туғрисида хаёл суриб кетардим-да, қулиб қўярдим. Бироқ ҳеч маҳал менда бу оқ қорин, ориқ, қора панжали баҳайбат ҳашаротларни яқинроқ бориб кўриш истаги пайдо бўлмаганди, чунки уларнинг тош қанотлари остида калласи турли илм-фан билан, сеҳргарлик, «илми асрор» билан тула митти одамлар ётган бўлса керак, деб қўрқардим. Хайрли тонглардан бирида билдимки, ҳар қандай телеграфни йилига бир минг икки юз франк маош оладиган ва кун бўйи астроном каби осмонга эмас, балиқчи каби сувга эмас, уйинқароқ одамга ўхшаб табиат манзарасига эмас, ўзидан тўрт ёки беш пьенарида утирган мухбирни кузатиб турувчи боёқиш бир хизматчи ишга соларкан. Шундан сўнг менда ўша жонли қўғирчоқ бу сирли юмушни қандай қилиб бажараётганлигини ўз кўзим билан кўриш иштиёқи туғилди.

– Демак, сиз ўша ёққа кетяпсизми?

– Ўша ерга.

– Қайси телеграфга? Ички ишлар министрлиги телеграфигами ёки Расадхонаникигами?

– Зинҳор у ёққа эмас, у ерга борсам, мен хоҳламаган нарсаларни тушунтирувчиларга, ўзлари англаб етолмаган сирларни мажбуран тушунтиришга уринувчи кишиларга дуч келаман. Қуриб кетсин, мен ҳашаротлар ҳақидаги фикримда турмоқчиман, кишилар ҳақидаги мулоҳазаларимдан кечганим етар. Шу сабабдан мен ички ишлар министрлигининг телеграфига ҳам, Расадхонаникига ҳам бормайман. Менга очик ҳаводаги телеграф керак, шундагина минорасига тош бўлиб қотиб қолган шўрликни қандай аҳволда эканлигини кўра оламан.

– Сиз таниқли туралардан бўлсангиз-да, жудаям ғалати одамсиз, – деди Вильфор.

– Сиз қайси тармоқни кўришни маъқул кўрасиз?

– Ҳозир жуда иш қизиган тармоқни.

– Соз. Демак, испан тармоғиними?

– Албатта. Сизга яхшилаб тушунтиришлари учун министрдан хат ёздириб берайми?

– Йўқ, йўқ, – деди Монте-Кристо, – аксинча, айтдим-ку, ҳеч нарсани тушунишни истамайман, деб. Бу борада би-

роп нарсани билиб, бирон нарсани пайқаб қолгудек бўлсам, ўша ондан эътиборан телеграф мен учун йўққа чиқади-қўяди, фақатгина жаноб Дюшатель ёхуд жаноб де Монталиве юборган ҳамда Бойонну префектига³ ҳавола этилган грекча икки сўздан иборат белги қолади, холос. Мен эса ўша биринчи тасаввуримда қолмоқчиман.

– Бўлмаса, тезроқ йўлга чиқинг, чунки икки соатдан сўнг қоронғи тушади, унда ҳеч нарсани кўролмайсиз.

– Сиз мени ваҳимага солиб қўйдингиз! Улардан қайсиниси яқинроқ?

– Бойонну йўлидагисими?

– Ҳа, Бойонну йўлидагиси.

– Шатильонский.

– Шатильонскийдан кейингиси-чи?

– Монлери минорасидагиси бўлса керак.

– Раҳмат, хайр! Шанба куни таассуротларимни сизга айтиб бераман.

Эшик олдида граф Валентинани ҳозиргина меросдан маҳрум этиб чиқиб кетаётган нотариусларга дуч келди, нотариуслар ўз шон-шухратларини оширадиган актни тузишга муваффақ бўлганликларидан мамнун кўринишарди.

IV. БОҒБОННИНГ ШАФТОЛИЛАРГА ҚИРОН КЕЛТИРАДИГАН ҚУРТДАН ХАЛОС ҚИЛИШ УСУЛИ

Граф Монте-Кристо ўзи айтган оқшомда эмас, эртасига эрталаб Анфер дарвозасидан ўтиб, Орлеан йўлига чиқди-да, худди шу пайтда жадал ишлаб турган телеграф ёнида тўхтамай, Лина қишлоғини ёнлаб, ҳаммага маълум Монлери водийсининг тепасига ўрнатилган шу номдаги минорага келди.

Граф тепа этагида извошдан тушди-да, кенглиги бир ярим фут келадиган айланма сўқмоқдан чўққига кўтарилди, тепаликка етганда мева туга бошлаган боғ олдидан чиқиб қолди.

³ Префект – қадимги Францияда ҳукумат амалдорларига бериладиган унвон (*муҳаррир*).

Монте-Кристо дарров кӯра эшигини топди. Ёғочдан ясалган панжара эшикка илмоқ осилган бўлиб, мих ва арқон билан бекитилганди. Граф бирпасда бу механизмнинг «сирини» билиб олиб, эшикни очди-да, бўйи йигирма қадам, эни ун икки қадам келадиган чоғроқ боқчага кирди, боғнинг бир томони ҳалиги ажойиб эшик ўрнатилган девор билан уралган, иккинчи томони эса ранго-ранг чиннигул ва чирмовуқ гуллар ураб олган эски минорага тақалган эди.

Неваралари табриклагани келган кампирга ухшаб ҳамма ёғини ажин ва гуллар тутиб кетган бу миноранинг эски мақолларда айтилганидек, деворлардаги даҳшатли қулоғига қушимча улароқ тили ҳам бўлсайди, жуда кўп фожиали воқеаларни бирма-бир айтиб берган бўлур эди, дсган фикр ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Боғнинг ўртасида қизил қум сепилган ва икки томони қум-қўк шамшод йўлка. Бу манзара Делакруани, замондошимиз Рубенсни ҳам завқлантирган бўлур эди. Йўлка саккиз рақамига ўхшаш нусхада бўлиб, буралиб-буралиб кетар, йигирма қадам келадиган саҳнда олтмиш қадам босиб сайр қилиш мумкин эди. Мурувватли лотин боғбонларининг ёш, қувноқ маъбудаси Флорага ҳеч ерда ва ҳеч қачон бу кичкина боғчадагидек чин юракдан хизмат қилмаган бўлсалар керак.

Ҳақиқатан ҳам йигирма туп атиргул экилган гулзорда пашша қўнган биронта япроқ, нам тупроқда ўсимликка қирон келтирадиган кўк шира тушган битта ҳам томир кўринмасди. Боғ зах эди. Қоп-қора тупроқ ва дарахтларнинг қалин барглари шундан далолат берарди. Боғнинг бурчагига қўмилган бочкада турғун, сунъий сув табиий намликнинг ўрнини тезда босган бўларди, сув бетидеги қўм-қўк йўсин устида иккита бақа сувнинг икки томонида ҳаммаша бир-бирларига тескари ўтирарди.

Йўлақда биронта ут-улан, гулпуштада битта ҳам гиёҳ йўқ. Гулдонлардаги ёронгулларни, кактус, радодендрларни боғнинг кўзига кўринмас танноз эгаси парвариш қилиб, шохларини чилпимайди.

Монте-Кристо панжара эшикни бекитиб, арқонни михга илди-да, тўхтаб атрофга назар ташлади.

– Афтидан, телеграфчининг боғбони бор ёки боғни ўзи парвариш қилади, – деди у.

Монте-Кристо тусатдан япроқ тула замбилгалтак орқасида яшириниб турган бир нарсага уриниб кетди, саросимага тушиб, қаддини ростлади: рубарусида эллик ёшлар чамасидаги бир одамга дуч келди. У кулупнай узиб, ток барглари тераётган экан.

Чолнинг қулида ун икки дона ток барги ва шунча кулупнай бор эди.

Чол урнидан тураётиб кулупнайни, барг ва ликопчани қулидан тушириб юборишига оз қолди.

– Ҳосилни йиғаяпсизми? – сўради Монте-Кристо илжайиб.

– Мени кечиринг, жаноб, – деди чол қулини фуражкасига олиб бориб, – ҳозиргина юқоридан тушдим.

– Мендан хавотирланманг, азизим, – деди граф, – агар ҳали териб бўлмаган бўлсангиз, тераверинг.

– Яна унтаси қолди, – деди чол, – мана қаранг, қулимда ун биттаси, ҳаммаси бўлиб йигирма битта, утган йилгидан бешта ортиқ. Бунга таажжубланмаса ҳам бўлади, ахир бу йил баҳор иссиқ келди, кулупнай учун, жаноб, энг кераги қуёш. Шунинг учун утган йилги ун олтига урнига, мана қуриб турибсизки, ун биттасини узиб олдим, қолгани... ун икки, ун уч, ун тўрт, ун беш, ун олти, ун етти, ун саккиз... э, Тангрим, иккитаси йўқ-ку! Кеча шу ерда эди-ку, жаноб, улар шу ерда эди, ахир мен санаб чиққан эдим. Симон холанинг ўғли гумдон қипти-да, баччағар. Бугун эрталаб шу ерда ивирсиб юрганини кўргандим! Бадбахт жинқарча, боғдан ўғирлаганини қаранг-а! Ҳали у чучварани хом санаб юрибди, шекилли, ҳали бошлаб таъзирини бераман!

– Тўғри, бу ҳазилакам иш эмас, – деди Монте-Кристо. – Аммо жиноятчининг ёшлигини, қолаверса, ундан баҳра олганлигини эътиборга олиш керак.

– Албатта, – деди боғбон, – бу билан ортиб кетмайди. Айтгандай, бошлиқни куттириб, беадаблик қилганим учун жанобларидан узр сўрайман.

Боғбон шундай деди-да, графга ва унинг эғнидаги камзулига қаради.

– Азизим, хотиржам бўлинг, – деди граф жилмайиб. У узига хос жилмаяр, бу жилмайишларда қаҳр-ғазаб ёки хайрихоҳлик зоҳир бўларди. – Мен тафтиш қилгани келган

бошлиқ эмасман. Узим шунчаки айланиб юрибман. Бу ерга қизиқиб келиб қолиб, қимматли вақтингизни олганлигимдан пушаймон бўлдим.

– Мен учун вақтнинг унчалик қадрини йўқ, – чол нохуш жилмайиб эътироз билдиради, – тўғри, шундай бўлса-да, уни беҳуда ўтказмаслигим зарур эди; бироқ бир соат дам олишим мумкинлигини менга шама қилишди (гап орасида у қуёш соатга қараб қўйди; Монперия минораси ёнидаги боғда ҳамма нарса муҳайё бўлиб, қуёш соати ҳам бор эди). Қуриб турибсиз, яна ўн дақиқа вақтим бор. Қулупнайим эса, пишган, у бир кун турса, жаноб, ишонасизми, сонялар⁴ еб кетиши турган гап.

– Мен бунақалигини ҳеч ўйламаган эканман, – деди жиддий оҳангда Монте-Кристо, – бу жонивор жуда ёмон, уни қадимги римликлар сингарини асалга қориб еб қуритмасак, улар бизни кўп ризқини рўзимиздан маҳрум этади.

– Ҳали шундай денг? Римликлар бу жониворни ермиди? – сўради боғбон.

– Буни Петроний асарида ўқигандим, – жавоб қилди граф.

– Ростдан-а? Жуда серёғ бўлади, дейишади-ю, бироқ мазали бўлмаса керак-а. Бундан таажжубланмаса ҳам бўлади, ахир бу ҳайвон кун бўйи уйқуни уради-да, қоронғи тушганда уйғониб, тун бўйи мева ғажийди. Тўрт туп ўригим бор эди, биласизми, ўтган йили биттасини ана шу бадбахт қуритиб қўйди. Камдан-кам учрайдиган бир туп шафтолим ҳам бор эди, бу ифлослар уни ҳам кемириб, хароб қилишди. Асалдек ширин шафтоли эди. Илгари ҳечам бунақасини емаган эдим.

– Сиз уни еб қўйдингизми? – сўради Монте-Кристо.

– Ҳа, қолган ярмини. Ҳали-ҳали ширасини оғзимдан кетмайди. Бу жаноблар худди Симон холанинг ўғлига ўхшаб ширин нарсага жуда ўч бўлишади. Ахир у бемазасини олармиди, дейсиз! Энди бу йил тун билан пойлаб чиқсам-да, бунга йўл қўймайман.

Монте-Кристо чолнинг гапини обдан эшитди. Ҳар бир меванинг ўз қуртин бўлганидек, ҳар бир инсоннинг ҳам юра-

⁴ Олмаҳонлар оиласига мансуб жонивор (*муҳаррир*).

гини ҳамиша тимдалаб турадиган эҳтироси бўлади. Телеграфчи эса боғдорчиликка ихлос қўйган эди.

Граф қуёшни тусиб турган ток баргларини уза бошлади, буни кўриб боғбон хурсанд бўлди.

– Жаноблари телеграфни куришга келганмидилар? – суради чол.

– Ҳа, агар сизга буни ман этишмаган бўлса...

– Йўқ, ман этишмаган, – жавоб қилди боғбон. – Чунки бунинг ҳеч қандай хавфли жойи йўқ, ахир биз бу аппарат орқали нималарни бераётганимизни ким билиб ўтирибди, дейсиз.

– Менга ҳам айтишган эди: сиз берилган сигналларни такрорлар экансизу, лекин унинг маъносига тушунмас экансиз, – деди граф.

– Худди шундай, жанобларига очигини айтсам, мен тушунмаганлигимдан жуда мамнунман, – деди кулиб телеграфчи.

– Нега энди?

– Чунки, шу тарзда мен масъулиятдан халос бўлганман. Мен машинаман, фақат машина, ишлаб турсам бўлди, мендан шундан бошқа ҳеч нима талаб қилишмайди.

«Оббо, – деди Монте-Кристо, – наҳотки бирон нарсани билишга интилмайдиган одамга йулиққан бўлсам?.. Унда ишим унгидан келмабди-да».

– Жаноб, – деди боғбон қуёш соатига қараб, – танаффусим ҳам тугай деб қолди, жойимга қайтишим зарур. Мен билан бирга чиқадиларми?

– Ортингиздан бораман.

Монте-Кристо уч қаватли минорага чиқди. Пастки қаватда баъзи бир деҳқончилик асбоб-ускуналари, белкурак, хаскаш, челақ девор тагида ётарди.

Иккинчи қават хизматчининг ётоғи эди: унинг жиҳозлари оддий рўзғор буюмлари: каравот, стол, иккита стул, тошдан ясалган обдастадан иборат эди. Бир боғ қуруқ хасчўп шифтга осиб қўйилган. Бу хушбўй нўхат ва испан ловияси эди. Чол буларнинг донини узмай, олимпарга ухшаб ҳар бирига ёрлиқлар боғлаб қўйган эди.

– Айтинг-чи, жаноб, телеграфни урганиб олиш учун қанча вақт керак бўлади? – суради Монте-Кристо.

- Вақтни аямасангиз, тезда урганиб олиш мумкин.
- Қанча маош оласиз?
- Минг франк, жаноб.
- Оз экан.
- Кўриб турибсиз, мана уй ҳам беришди.
- Монте-Кристо боғбоннинг хонасига назар ташлади.
- Чол унга яхши қарамас экан-да, – деди граф пингиллаб.
- Улар учинчи қаватга чиқишди – телеграф шу хонага жойлаштирилган эди. Монте-Кристо иккала темир дастани ушлаб кўрди: хизматчи машинани ана шу дастаклар ёрдами билан юргизар эди.
- + Жуда ажойиб экан-ку! – деди Монте-Кристо. – Бироқ охири бориб бунақа ҳаёт жонингизга тегса керак-а?
- Биринчи кунлари бурилиб-угирилаверганингдан буйин қотади, аммо орадан бир йил утар-утмас кўникиб қоларкан киши; бундан ташқари, дам олиш соатлари ва буш кунларингиз бўлади.
- Буш кунлар?
- Ҳа.
- Қанақа кунлар?
- Туман тушган вақтларда.
- Ҳа, тўғри.
- Шунақа кунлар мен учун байрам. Шунда боққа тушман-да, кучат экаман, дарахтларни бутаб, силкитиб куртини тукаман, хомток қиламан. Шу аҳволда вақтнинг ўтганини билмай қоламан.
- Бу ерда кўпдан бери ишляяпсизми?
- Ўн йилдан буён. Беш йиллик штатдан ортиқ ишлаганимни ҳам кўшсак, роса ўн беш йил бўлади.
- Ёшингиз нечада?
- Эллик бешга кирдим.
- Пенсия олиш учун неча йил ишлаш керак?
- Эҳ, жаноб, йигирма беш йил.
- Пенсия қанча?
- Юз экю.
- Шўрлик инсон, – деди мингирлаб Монте-Кристо.
- Жаноб, нима дедингиз ҳозир? – суради хизматчи.
- Булар жуда ғалати нарса экан, деяпман.
- Нима ғалати?

– Менга курсатган нарсаларингиз... Сиз сигналлардан ҳеч нима тушунмайсизми?

– Ҳеч нима.

– Тушунишга бирор марта уриниб курмадингизми?

– Йуқ, бунинг менга нима кераги бор?

– Ахир, ўзингизга тааллуқли сигналлар ҳам бўлиши мумкин-ку?

– Шубҳасиз.

– Бунисини тушунасизми?

– Бундай сигналлар ҳамиша бир хил булади.

– Уларнинг мазмуни нима?..

«Ҳеч қанақа янгилик йуқ...», «Ҳозир бушсиз»... ёки «Эртагача хайр»...

– Ҳа, бу беозор сигналлар, – деди граф. – Қаранг, мухбирингиз ҳаракатга келиб қолди, шекилли?

– Туғри, раҳмат сизга, жаноб.

– У сизга нима деяпти? Сиз тушунадиган бирор нима деяптими?

– Ҳа, у мендан тайёрмисан, деб сўраяпти.

– Сиз жавоб беряпсизми?..

– Ўнг томондаги сигнал билан ҳа, тайёрман, деяпман, шу билан бир вақтда чап томондаги сигнал мухбирга ҳам тайёр бўлишни таклиф этяпти.

– Жуда бошлаб ясалган экан-да, – деди граф.

– Мана ҳозир курасиз, – деди чол ифтихор билан давом этиб, – беш дақиқадан сўнг гапира бошлайди.

– Демак, роса беш дақиқа вақтим бор экан-да, – деди Монте-Кристо, – бу менга керагидан ҳам ошиқ. Азизим, – деди граф, – битта савол берсам майлими?

– Марҳамат.

– Сиз боғдорчиликни севасизми?

– Жудаям...

– Бу йигирма фут майдонча ўрнига битта боғ ва икки десятина ер эгаси бўлсангиз хурсанд булармидингиз?

– Жаноб, қани энди шунча ерим бўлсайди, нақ жаннат қилиб юборардим.

– Минг франкка яшаш жуда оғир бўлса керак сизга?

– Нимасини айтасиз, жуда оғир, лекин бир амаллаб яшапман.

- Боғингиз ҳам жуда тор экан.
- Ҳақ гап, боғ жуда кичкина.
- Бунинг устига боғингизда зарарли қурт-қумурсқа купа-йиб, экин-тикинни хароб қияпти.
- Ҳа, бу бир балои азим бўлди.
- Айтинг-чи, агар мухбирингиз унғ томондан сигнал бе-раётганда бирор дақиқа тескари қараб қолсангиз, нима бўлади?
- Мен унинг сигналларини кўрмай қоламан.
- Унда нима бўлади?
- Мен уларни такрорлаёлмай қоламан.
- Оқибати-чи?
- Эътиборсиз қараб, такрорламаганим учун менга жа-рима соладилар.
- Қанча?
- Юз франк.
- Йиллик маошнинг ундан бир қисмини-я! Жуда бошла-шаркан-да!
- Иложимиз қанча! – деди чол.
- Шундай воқеа бўлганмиди?
- Ҳа, бир сариқ атиргулни пайванд қилаётганимда шун-дай бўлганди.
- Мабодо сигналлардан бирортасини ўзгартирсангиз ёки урнига бошқа сигналларни юборсангиз-чи, унда нима бўлади?
- Унда бошқача бўлади, у ҳолда мени ишдан ҳайдаб, пенсиядан маҳрум этадилар.
- Уч юз франкдан-а?
- Ҳа, жаноб, бир юз экию. Мана шу сабабдан мен бундай ноҳуя ишни асло қилмайман.
- Ўн беш йиллик маошингизга тенг пул берсалар ҳам қилмайсизми? Ҳа, бир уйлаб кўринг-чи, ахир бу оз пул эмас-ку, тўғрими?
- Ўн беш минг франк-а?
- Ҳа.
- Жаноблари, мени ваҳимага соляпсиз-ку.
- Э, ваҳимага соладиган нима бор бунда.
- Жаноблари, мени васвасага солмоқчисиз, шекилли?
- Ҳа, топдингиз. Ахир ўн беш минг франк озмунча пул эмас.

– Жаноб, рухсат этинг, мухбирнинг ўнг томонига яхшилаб қараб олай.

– Аксинча, яхшиси у ёққа эмас, мана бу ёққа қаранг.

– Нима у?

– Ия? Ҳали сиз бунақасини курмаганмисиз?

– Қоғоз пул-ку!

– Ҳа, ҳақиқий қоғоз пул, ун бешта.

– Кимники бу?

– Истасангиз сизники бўлади.

– Меники?! – деди ҳансираб хизматчи.

– Ҳа, бутунлай сизнинг шахсий мулкингиз бўлади.

– Жаноб, менинг мухбирим унг томондан сигнал беряпти.

– Э, қўяверинг, сигнал бераверсин.

– Жаноб, сиз мени ишдан чалғитдингиз! Энди менга жарима солишади.

– Жарима атиги юз франк бўлади, сизга мана бу ун беш минг франкни олиш маъқул эмасми?

– Жаноб, менинг мухбирим унг томондан сигнал беравериб, тоқати тоқ бўлиб, ҳадеб сигнални такрорлаяпти.

– Унинг сигналларига қулоқ солманг, мана буларни олинг.

Граф бир даста пулни чолнинг қўлига тутқазди.

– Шуни билиб қўйингки, бу ҳали ҳаммаси эмас, – деди Монте-Кристо. – Сиз ўн беш минг франк билан яшай олармидингиз.

– Бу ишим ҳам узимда қолади-да.

– Йўқ, сиз бу ишдан маҳрум бўласиз, чунки ҳозир сиз мухбир берган сигнални эмас, бошқа сигнал берасиз.

– Оҳ, жаноб, сиз менга нимани таклиф этмоқчисиз?

– Болаларча шухлик.

– Мабодо мени бунга мажбур этмасалар-чи...

– Мен худди шунинг учун сизни мажбур этмоқчиман. Монте-Кристо шундай деди-да, чўнтагидан яна бир даста пул олди.

– Мана, яна ун минг франк, – деди у, – қўлингиздаги билан йигирма беш минг бўлди. Беш минг сўмига дурустгина уй ва икки десятина ер сотиб оласиз. Қолган йигирма минг ҳар йили сизга минг франкдан даромад келтириб туради.

- Икки десятина бог!
- Ва минг сўм даромад!
- Э, Худойим, э, Худойим!
- Олинг бун!

Монте-Кристо ун минг франкни зурлаб хизматчининг қўлига тутқазди.

- Мен нима қилмоғим лозим?
- Бир арзимас нарса.
- Яъни, масалан.

– Мана бу сигналларни такрорлайсиз, булгани шу. Монте-Кристо чўнтагидан қоғоз олди, унда учта сигнал ва уларни қай тартибда бериш туғрисидаги рақамлар ёзилган эди.

– Мана кўриб турибсизки, бу арзимаган вақтни олади, холос.

– Тўғри, бироқ...

– Шундан кейин ажойиб шафтолингиз ва умуман ҳамма истаган нарсаларингиз муҳайё бўлади.

Чол тузоққа илинди: ҳаяжондан қизариб-бузариб тер босиб кетган чол граф берган учала сигнални бирин-кетин телеграфга бериб юборди. Боғбон мухбирнинг ўнг томондан қайта-қайта чақиривига қулоқ осмади, мухбир эса нима бўлаётганига тушунолмай шафтоли шайдоси бўлиб қолган чол ақлдан озди шекилли, деб уйлай бошлади.

Чап томондаги мухбир эса графнинг сигналларини битта қуймай такрорлади ва бу сигналларни ички ишлар министрлиги қабул қилиб олди.

– Мана энди сиз бойсиз, – деди Монте-Кристо.

– Ҳа, бой бўлиб қолдим, – деди чол, – бунинг азоби-чи?

– Азизим, менга қаранг, – деди Монте-Кристо, – виждон азобида қийналишингизни истамайман: онт ичиб айтаманки, сиз ҳеч кимсага зиён етказганингиз йўқ, фақат Тангри ҳақиқа савоб иш қилдингиз, холос.

Хизматчи қоғоз пулларни ушлаб кўрар, санар, гоҳ ранги учар, гоҳ қизариб-бузарарди. Сўнг у сув ичмоқчи бўлиб ётоқхонасига югурди, бироқ сувга етолмай, ҳушидан кетиб йиқилди.

Телеграмма ички ишлар министрлигига етиб борганидан беш дақиқа утар-утмас Дебрэ извошни чақирди-да, Дангларникига от чоптирди.

– Эрингизда испан заёмининг облигациялари борми? – суради у баронессадан.

– Булмаса-чи! Олти миллионга яқин.

– Айтинг: қанчага олсалар сотсин.

– Нега энди?

– Дон Карлос Буржадан қочиб, Испанияга қайтибди.

– Қаердан эшитдингиз буни?

– Уша ердан, – деди Дебрэ, – ҳамма воқеа менга маълум бўлиб турадиган жойдан.

Баронесса такрорламай, эри олдига югурди, эри эса югуриб даллол олдига борди-да, қанчага булса-да, дарҳол сотиш тўғрисида фармон берди.

Данглар заёмларини сота бошлаганини қурганларидан сунг, уша заҳоти испан облигацияларининг қиймати тушиб кетди.

Данглар беш юз минг франк зарар кўрди, аммо ҳамма облигациялардан қутулиб олди.

Кечқурун «Ахборот» да шундай хабар босилиб чиқди:

«Телеграф хабари.

Қирол Дон Карлос, унинг кетидан қаттиқ назорат урнатилганига қарамай, яширин суратда Буржадан чиқиб кетибди ва Каталония чегарасидан утиб, Испанияга қайтибди. Барселона исён кўтариб унинг томонига ўтибди».

Шу кеча ҳамма Дангларнинг шундай даҳшатли пайтда облигацияларини сотиб юборганлиги, бундан бор-йўғи беш юз минг франк зарар кўрган булса-да, ишни унглаб олганлиги ҳақида гапирар, унга қойил қоларди.

Ўз облигацияларини сотиб юбормаганлар ёки Данглардан сотиб олганлар эса хонавайрон бўлди, деб тун буйи мижджа қоқмай чиқди.

Эртасига «Расмий газета»да қуйидаги маълумот босилиб чиқди:

«Кеча «Ахборот»да Дон Карлоснинг Буржадан қочганлиги ва Барселонада исён кўтарилганлиги ҳақида босилган ахборот асоссиздир.

Қирол Дон Карлос Буржадан қочиб кетгани йўқ, яримородда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда.

Туман тушгани туфайли, телеграфнинг сигналлари нотури тушуниш оқибатида шундай хатога йул қуйилган».

Облигацияларнинг қиймати бояги тушган рақамдан икки баробар кутарилиб кетди. Данглар ҳаммаси бўлиб бир миллион франк зарар курди.

– Аммо, – деди Монте-Кристо Моррелга, Дангларни офир мусибатга солган биржадаги воқеа туғрисида хабар етиб келган пайтда у графнинг уйида ўтирган эди, – мен йигирма беш минг франк билан шундай ажойиб нарса к ашф этдимки, бунга жон деб юз минг франк берса ярзий и.

– Кашфиётингиз нимадан иборат экан? – сўради Максимилиан.

– Мен бир боғбонга унинг шафтолисига қирон келтираётган қуртдан қутқариш йулини топиб бердим.

V. ШАРПАЛАР

Отейлдаги граф Монте-Кристога аталган ажойиб кошонанинг ташқи кўринишида ҳеч қанақа ҳашам, безак йўқ эди, Сабаби: хўжайиннинг ўзи сиртдан ҳеч нима ўзгартирилмасин, деб фармон берган эди. Ичкаридаги зеб-зийнатларни кўрган киши бунга ишонч ҳосил қиларди. Ҳақиқатан ҳам остонадан ичкарига қадам ташлашинг билан манзара дарҳол бошқача бўлади-қолади.

Хоналарни бу қадар тезоблик билан жиҳозлашда Бертуччо ниҳоятда зўр ҳунар кўрсатди. Бир замонлар герцог Атенский Людовик XIV нинг кўзига хунук кўринган бутун бошли хиёбонни бир кечада текислаб ташлашга буйруқ бергани каби, Бертуччо уч кун ичида яп-яланг ҳовлини тўлдириб дарахт ўтқазди. Мана энди гўзал, баланд шамшодлар, заранг дарахтлари қад кутариб, уйга соя ташлаб турарди. Уйнинг олд томонида ўт босиб ётган пойтош ўрнида юмшоқ гиламдек майсазор пайдо бўлди. Сув сепилганига анча вақт бўлса-да, майсалар устида томчилар ялтирарди.

Аслида бу ишларнинг ҳаммаси графнинг кўрсатмаси билан бажо келтирилди. Бертуччога тарҳни унинг ўзи тузиб берди, тарҳда ҳатто қаерга қанча дарахт ўтқазиш, май-

сазорларнинг сатҳи ва шаклини қандай қилиб тузиш кераклиги чизиб берилганди.

Шундай қилиб, ҳовли тамом бошқача тусга кирди. Бертуччонинг ўзи ҳам кўм-кўк дарахтлар, майсазорларга ўралиб қолган кошонани танисмай қолдим, дерди ҳадеб.

Иш бошқарувчи боғда ҳам баъзи нарсаларни ўзгартирмақчи бўлганди, аммо граф боғда ҳеч нимага тегма, деб буйруқ берди. Бертуччо бунинг ўрнига йўлкани, зинани гулларга тўлдириб юборди.

Иш бошқарувчи буйруқларни боплаб бажо келтиришда ҳайратомуз қобилиятга эга эди, хўжайин ҳам кишини жондил билан хизмат қилишга мажбур этишда ундан қолишмасди. Йигирма йил кимсасиз харобага айланиб ётган, кечагина, замон ҳиди деб атаса жоиз бўладиган сассиқалаф иси анқиб ётган ҳовлига бир кун ичида файз кирди, хўжайиннинг дидига мос муаттар ҳид ва нур билан тўлди. Граф уйга қадам қўйиши билан китоблари ва яроғ-аслаҳаларига рўбарў келар, кўз олдида севикли суратлари пайдо бўлар, йўлкаларда эса содиқ кучуклари ва сайроқи қўшлари пешвоз чиқиб кутиб олишарди; бутун ҳовли, бутун кошона гуё уйқудаги гузал малика каби узоқ уйқудан уйғониб, гул-гул яшнади, кўпдан бери биз учун азиз бўлиб келган ва ташлаб чиққанда ҳам юрагимизнинг бир парчасини қолдириб кетадиган ажойиб кошоналардан асло қолишмайдиган бўлиб қолди бу даргоҳ.

Ҳовлидаги хизматкорлардан айримлари ошхонада ва ҳозиргина тузатилган зиналарда бу уйда кўпдан буён истиқомат қилаётган кишилардек чақчақлашиб ҳар томонга югуришар, бошқа бирлари извошлар рақамларига қараб қаторлатиб жойлаштирилган саройларда, кавшаниб турган отлар отбоқарларни кишнаб кутиб олаётган отхоналарда шод-хуррам; улар отлар билан айрим қароллар ўз хўжайинларига ҳам қилмайдиган такаллуф билан сўзлашардилар.

Кутубхона иккала деворга тақаб қўйилган жуфт катта-катта шкафга жойлашган бўлиб, унда икки минг жиддлик китоб териб қўйилганди, янгидан-янги романлар учун бутун бир бўлим ажратилган, кечагина келтирилган асарнинг заррин муқоваси ялтираб, жило бериб турарди.

Уйнинг рубарусида, кутубхона қаршисида улкан-улкан япон гулдонлари нодир ўсимликларга тўла ойнабанд гулхона, гулхона уртасида ҳашаматли бильярд. Гуё рақиблар уйинни яқинда тугатиб кетгандек, соққалар кўм-кўк мовут устида мудраб ётишарди.

Сеҳргар Бертуччо фақат бир хонага қўл урмади. Бу хона иккинчи қаватнинг чап бурчагига жойлашган бўлиб, унга асосий зинадан туппа-туғри кириб, махфий зинадан чиқиб кетиш мумкин. Бу хона олдидан қароллар қизиқсиниб ўтишар, Бертуччо эса унга яқинлашганда ваҳимага тушарди.

Граф соат роппа-роса бешда Али билан бирга Отейлдаги ҳовлисига келди. Бертуччо уни тоқати тоқ бўлиб кутаётганди. У графнинг мақтовларига сазовор бўлман деб умид қилар, тагин хўжайин қовоғидан қор ёғиб келса, унда нима бўлади, деб ҳам қўрқарди.

Монте-Кристо извошдан тушди-да, бутун ҳовлини, уйни куздан кечириб, боғни айланиб чиқди, бироқ чурқ этмади.

Фақат ўзининг қўлқўлғиқ ётоқхонасига кирганда қизил тахтадан ясалган кичгина жавончани кўрсатиб сўз қотди:

– Бу фақат қўлқўплар қўйишга ярайди-да.

Бертуччо дарҳол жавоб қайтарди:

– Жуда туғри айтдингиз, жаноб олийлари, очиб қаранг, унда чиндан ҳам қўлқўплардан булак ҳеч нарса йўқ.

Бошқа жавончаларда ҳам фақат граф ўйлаган нарсалар, яъни лиммо-лим тўла атир шишалар, сигаралар, қимматбаҳо буюмлар бор эди.

– Жуда соз! – деди пировардида граф. Атрофдагиларнинг ҳаммасига таъсири ниҳоятда улуғ ва кучли бу зотнинг мақтовидан боши осмонга етган Бертуччо қувониб чиқиб кетди.

Роппа-роса соат олтида дарвоза олдида от туёғининг товуши эшитилди. Ўз дўлдўлида суворилар капитани келган эди.

Монте-Кристо уни очиқ кўнгилик билан эшик олдида жилмайиб кутиб олди.

– Аминманки, биринчи бўлиб мен келдим, – деди қичқириб Моррель, – бошқалар тўплангунча сиз билан танҳо ўтириб суҳбатлашмоқ учун атайлаб барвақт келдим. Жюли билан Эмманюель сизга кўпдан-кўп салом йўллашди. Кошо-

нангиз жуда ҳашамдор экан-ку! Граф, бир нарсани сўраб олайин сиздан: одамларингиз отимга яхши қараб туришармикин?

– Азизим Максимилиан, хотиржам бўлинг, улар ўз ишига пухта.

– Биласизми, отни яхшилаб қашлаб, у ёқ-бу ёғини тозалаб қўйиш зарур. Унинг елдай учиб келганини бир кўрсайдингиз! Учар дулдулнинг худди ўзи!

– Булмасам-чи! Ахир баҳоси беш минг франк турадиган от шундай булмасинми! – деди Монте-Кристо ўз ўғли билан гаплашаётган отанинг сузи оҳангида.

– Унга раҳмингиз келяптими? – сўради илжайиб Моррель.

– Меними? Худо сақласин! – жавоб қилди граф. – Асло! Аксинча, от ёмон чиққанда ачинардим.

– Бу шу қадар ажойиб отки, ҳатто бу соҳада Францияда ном чиқарган Шато-Рено ва министрликдаги араб отларини миниб юрган Дебрэ ҳам ҳозир менинг кетимдан югурадиган бўлиб қолишди, ҳамиша орқада қолиб, отлари соатига фақат олти пьедан ортиқ чополмайдиган баронесса Данглар эса улардан ҳам кейинда қолди.

– Демак, улар ҳозир келишаркан-да бу ерга? – сўради Монте-Кристо.

– Ҳа, ана келишди.

Дарҳақиқат, дарвоза ланг очилди-да, остонада яғринини кўпик босиб кетган икки от қўшиқлик извош ва икки сувори пайдо бўлди. Извош ҳалиги отлиқлар кузатувида дарвозадан ўтиб, бурилди-да, зина қаршисида тўхтади.

Дебрэ ирғиб отдан тушиб, извош эшигини очди-да, баронессага қўл узатди, хоним эса извошдан тушаётиб шундай бир ҳаракат қилдики, буни Монте-Кристордан бошқа ҳеч ким кўрмади, пайқамади. Графнинг ўтқир, зийрак назаридан ҳеч нарса четда қолмасди! Баронесса ҳалиги «сирли» ҳаракати орасида бир хатни астагина министрлик саркотибининг қўлига узатди. Монте-Кристо буни ҳам кўриб турган эди.

Хотини кетидан банкир чиқди. Унинг рангидан қон қочган, извошдан эмас, гурдан чиқиб келаётган мурданинг худди ўзи эди.

Данглар хоним тезда ҳовлини, остонани, пештоқни кўздан кечириб чиқди, бунинг сирини фақат Монте-Кристо биларди. Сунгра баронесса юрагини сиқиб турган ҳаяжонни зурға босдида (бу ҳаяжон унинг юзида акс этиши керак эди, бироқ бу юз без бўлиб қотиб қолган), зинадан юқорига қадам қўяр экан, Моррелга мурожаат қилди:

– Жаноб, агар сиз маним дўстим булганингизда, отингизни сотмайсизми, деб сурардим.

Моррелнинг юзида ясама табассум пайдо бўлди, у «илтимос, мени бу унғайсиз ҳолатдан халос этинг», дегандек Монте-Кристога қаради.

Граф унинг мақсадини англади.

– Э-э, хоним, – деди у, – нега бу саволни менга бермадингиз?

– Сизга иши тушганда, – деди унга жавобан баронесса, – бирор истақ изҳор қилишга ҳуқуқинг йўқ, деб ҳис қилади одам ўзини, чунки унда истагинг албатта бажо келтирилади. Шу сабабдан мен жаноб Моррелга мурожаат қилдим.

– Афсус, – деди граф, – менимча, жаноб Моррель отини сотолмайди, чунки бу от унинг ор-номуси.

– Нега энди?

– У медеани ярим йил миниб ўргатиш ҳақида гаров боғлашган. Биласизми, баронесса, агар у отни қўлдан чиқариб юборса, ютқзади ва бунинг устига яна уни қўрқоқ экан, деб мазах қилишади. Сипоҳийлар капитани эса, менимча, замонамизнинг энг улуғ зодагонларидан, шунинг учун ҳам узи ҳақида бу каби миш-мишлар тарқалишини асло истамайди.

– Мана, эшитдингизми, баронесса, – деди Моррель ва графга қараб самимий жилмайиб қўйди.

– Бунинг устига, – деди Данглар зурға илжайиб, – отларингиз кўп-ку.

Данглар хоним ўзини эрининг бу сўзларини эшитмаганга солди ва ҳеч нима демади. Хоним ҳеч вақт бунақа пичингларни кутаролмасди, бироқ бу гал унинг индамаганлигига ёшлар ҳайрон қолишди.

Монте-Кристо одатдан ташқари итоаткорликдан дарак берувчи бу сукунатни куриб илжайиб қўйди-да, баронессага иккита улкан хитой чинни гулдонини кўрсатди, гулдон-

ларда буралиб-буралиб усган баланд буйли ажойиб денгиз усимлиги бор эди. Бу гиёҳларни фақат табиатнинг узигина мана шундай қудратли, рангдор қилиб ярата олса керак.

Баронесса жуда қойил қолди.

– Бу гулдонларга Тюильридан каштан дарахтларини келтириб ўтқазса буларкан! – деди у. – Бу улкан гулдонларни қандай қилиб қуйишган экан?

– Хоним, – деди Монте-Кристо, – ахир кичкина ҳайкалча ни ясашдан бошқани билмайдиган бизлар бу саволингизга жавоб беришга ожизмиз. Бу бўлак асрлар маҳсули, баъзи жиҳатдан олганда ер ва денгиз даҳоларининг ижоди.

– Ҳали шундай денг? Тахминан қайси даврга тўғри келади?

– Мен буни билмайман, қандайдир хитой подшоси маҳсус қуйиш, куйдириш печи қуришга фармон берган деган гапни эшитганим бор, ана ўша печда мана шунақа гулдонлардан ўн иккитасини қуйиб, пиширган эканлар. Иккитаси оловда ёрилиб кетибди, ўнтасини уч юз саржин келади-ган денгиз тагига туширишибди. Денгиз эса ундан нима талаб қилаётганларини билиб, гулдонларни ўз гиёҳлари билан роса ўраб, зийнат берибди, ўймакорлик қилибди; ниҳоятда чуқур денгиз тагида буларнинг ҳаммасини икки юз йил роса боплаб бир-бирига улаштирибди, бироқ бу тажрибани ўтказмоқчи бўлган подшони инқилоб тўнтариб ташлабди, ундан фақат гулдонлар пиширилиб, денгиз тагига туширилган, деган бир парча хат қолган эди. Икки юз йилдан сўнг шу хатни топиб олишибди-да, гулдонларни денгиздан олишга қарор қилишибди. Ғаввослар маҳсус кийимлар кийиб, кўрфаз тагидан гулдонларни ахтара бошлашибди. Аммо ўнта гулдондан фақат учтасини топишибди, қолганлари эса синиб кетган экан. Мен бу гулдонларни севаман, баъзан, фақат ғаввосларгина кўра оладиган бесўнақай, баҳайбат маҳлуқлар бу гулдонлар ичига совуқ назар ташлаган ва беҳисоб балиқлар кириб, душманларнинг таъқибидан яширинган бўлса керак, деб фараз қиламан.

Шу вақт нодир нарсаларни унчалик хуш кўрмайдиган Данглар ажойиб померанц дарахтининг баргларини беихтиёр юлаверди, уни тамом қилиб, кактусга ўтди, аммо кактус банкирнинг қўлига тиканини санчиб олди.

У сесканиб тушди-да, худди уйқудан уйғонгандек кўзларини ишқалади.

– Барон, – деди унга илжайиб Монте-Кристо, – тасвирий санъат мухлиси ва ажойиб санъат асарлари соҳиби бўлмиш жанобларига ўз суратларимни мақтаб кўрсатишга журъат этолмайман. Бироқ шундай бўлса-да, мана, марҳамат қилинг. Гоббемунинг икки адабий асари, Пауль Поттернинг, Мириснинг асари, мана бу иккиси Герарда Доуники, мана Рафаэль, Ван-Дейк, Сурбаранники, анави иккитаси эса Мурильонинг ўлмас асари.

– Кечирасиз! – деди Дебрэ. – Мана бу Гоббемуники, мен бунни биламан.

– Ростдан-а?

– Ҳа, бунни музейга сотиб олишга таклиф қилишган эди.

– Билишимча, музейда Гоббемунинг битта ҳам сурати йўқ бўлса керак, тўғрими? – деди Монте-Кристо.

– Тўғри, йўқ, бироқ шунга қарамай, музей бунни сотиб олмади.

– Нега? – сўради Шато-Рено.

– Жуда соддасиз-да, нега буларди, ҳукуматнинг бунни сотиб олишга пули йўқ-да!

– Узр! – деди Шато-Рено. – Мен бу гапни саккиз йилдан буён ҳар куни эшитаману, лекин қулоғимга эриш туюлади.

– Вақт-соати келиб, кўникиб қоларсиз, – деди Дебрэ.

– Йўқ, асло кўниколмасам керак, – жавоб қилди Шато-Рено.

– Майор Бартоломео Кавальканти, виконт Андреа Кавальканти ташриф буюрдилар! – деди Батистен кириб.

Оқ оралаган соқол-муйлови дид билан олинган, буйнида ҳозиргина дўкондан олган узун йилтироқ ипак галстук, эгнида уч юлдуз ва бешта хоч тақилган кийимда майор Кавальканти (бизга таниш меҳрибон ота!) гердайиб кириб келди.

Унинг ёнида башанг кийинган, лабларида кулги Андреа Кавальканти. Ўрни бизга таниш, ҳурматли ўғил.

Моррель, Дебрэ ва Шато-Рено ўзаро гап бошлашди: улар гоҳ отага, гоҳ ўғилга қарашар, ўз-ўзидан эса кўпроқ ўғлига кўз тикиб, унга эътибор беришарди.

– Кавальканти! – деди хитоб қилиб Дебрэ.

– Бу оҳангдор ном экан-да! – деди Моррель.

– Ҳақ гап, – деди Шато-Рено. – Италиянлар ном қуйишга жуда уста бўлишади, аммо уст-бош танлашда дидлари унчалик эмас.

– Айбситяпсиз, Шато-Рено, – деди эътироз билдириб Дебрэ, – унинг костюми қойиллатиб тикилган ва янги.

– Менга ана шуниси ёқмади-да. Бу жаноб худди шу бугун умрида биринчи марта янги костюм кийганга ўхшайди.

– Бу жаноблар ким узи? – суради Данглар Монте-Кристодан.

– Эшитдингиз-ку ҳозир: Кавалькантилар.

– Бу фақат ном, менга бу бирор нарса англамайди.

– Ҳа, айтмоқчи, сиз биз италян аслзодалари унвонлари билан таниш эмассиз, «Кавальканти» – италянча тўра, мансабдор дегани.

– Давлатмандми? – суради банк эгаси.

– Ҳисобсиз мол-дунё эгаси.

– Касб-кори нима?

– Мол-дунёни совуриб адо қилишмоқчи-ю, бироқ тугамаяпти. Айтмоқчи, улар сизнинг банкингизга аккредитив олишган. Бундан уч кун олдин меникига келишганда шундай дейишди. Мен сизни деб уларни таклиф қилдим. Улар билан сизни таништириб қўяман.

– Чамамда, улар француз тилида жуда эркин гаплашяпти, – деди Данглар.

– Ўғли Франциянинг жанубида, Марселда ёки унинг атрофидаги қандайдир коллежда тарбияланган. Ҳозир унинг кайфи чоғ.

– Нимадан завқланаркан? – суради баронесса.

– Француз жононлардан, хоним. У албатта парижлик ойимчага уйланмоқчи.

– Мана бу хом хаёлни қаранг? – деди Данглар елкасини қисиб.

Данглар хоним эрига шунақанги ўқрайиб қарадики, бошқа вақтда бўлганда роса туполон кутарарди, лекин бу гап ҳам финг демади.

– Бугун бароннинг кайфи бузуқ қуринадими, – деди Монте-Кристо Данглар хонимга, – ёки уни министр этиб тайинлашни истамаяптиларми?

– Билишимча, уни амалга миндирмоқчи эмаслар ҳозирча. Чамамда, у биржада ютқизиб қўйди, бунинг аламини кимдан олишни билмай юрипти.

– Жаноб де Вильфор ва Вильфор хоним ташриф буюрдилар! – эълон қилди Батистен.

Қироллик прокурори рафиқаси билан кириб келди.

Вильфор узини босишга ҳар қанча уринмасин, ҳаяжонга тушгани кўриниб турарди. Монте-Кристо унинг қўлини сиқаётганда Вильфорни титроқ босаётганини сезди.

Ҳақиқатан ҳам фақат аёллар айёрликнинг уддасидан чиқа олади, – деган фикрни хаёлидан ўтказди Монте-Кристо Данглар хонимга назар ташлаб. – Бу хоним эса ҳеч нимани билмагандек, қироллик прокурори билан илжайиб ва унинг рафиқаси билан эса ўпишиб сўрашишди-я.

Салом-алиқдан сўнг граф шу пайтгача буфетда банд бўлган Бертуччонинг қўшни чоғроққина меҳмонхонага ўтганини кўриб қолди-да, унинг ёнига чиқди.

– Нима керак бўлиб қолди сизга, Бертуччо? – сўради у.

– Жаноби олийлари, меҳмонлар нечталигини айтмадилар-ку.

– Ҳа, тўғри.

– Неча кишига мўлжаллаб тузайлик?

– Ўзингиз ҳисоблаб кўра қолинг.

– Ҳамма келиб бўлдимми, жаноби олийлари?

– Ҳа.

Бертуччо қия очиқ эшиқдан меҳмонлар турган хонага қаради.

Монте-Кристо унга кузларини ўқдек тикиб турарди.

– Ё, Парвардигор! – хитоб қилди Бертуччо.

– Нима гап ўзи? – сўради граф.

– Анави хотин!.. Ўша хотин!..

– Қайсиниси?

– Оқ кўйлакли ва ҳамма ёғига брильянтлар тақиб олган малла сочли!..

– Данглар хонимми?

– Отини билмайман, жаноб, ўша хотин, худди ушанинг ўзи.

– Нима, ким у?

– Боғда бўлган ўша хотин! Иккиқат хотин!.. Ўшанда кутиб турган ўйнаш аёл худди шунинг ўзи...

Бертуччонинг қути учиб, сочлари тиккайиб, серрайиб қолди.

– Кимни кутиб турганди?

Бертуччо, Макбет Банкони кўрсатгандай, бармоқлари билан Вильфорни кўрсатди.

– Э, Худо! – деди зўрға овоз чиқариб. – Кўрдингизми?

– Нимани? Кимни?

– Анавини?

– Ҳув анавиними? Қироллик прокурори жаноб Вильфорними? Ҳа, куриб турибман.

– Демак, ўшанда мен бу зотни ўлдирмаган эканман-да!

– Менга қаранг, азизим Бертуччо, назаримда, эсингизни еб қўйганга ўхшайсиз? – деди граф.

– Демак, у ўлмаган экан-да!

– Йўқ! Улгани йўқ! Куриб турибсизки, соппа-соғ. Сиз хан-жарни чап биқинидан олтинчи қовурғаси билан еттинчи қовурғаси ўртасига (замондошларимиз шундай қилишадик) эмас, ундан сал пастга ёки сал юқорироғига урган экансиз-да; биласизки, судьяларнинг жони қаттиқ бўлади. Ҳақиқатан ҳам менга ўшанда айтганларингизнинг ҳаммаси ўйдирма, васваса гаплар экан-да. Келинг, ўзингизни босиб олинг-да, меҳмонларни бир санаб чиқинг, жаноб де Вильфор ва Вильфор хоним – икки, жаноб Данглар ва Данглар хоним билан – тўрт, Шато-Рено, Дебрэ, Моррель бу учаласини қўшсак еттита бўлади, майор Бартоломео Кавальканти билан саккиз.

– Саккиз, – деди такрорлаб Бертуччо.

– Э-э, тўхтанг! Тўхтанг! Жин урсин, қаёққа шошиляпсиз, ахир! Меҳмонлардан биттасини санамадингиз-ку! Бир оз чап томонга қаранг. Ҳув анаву томонга... Мадонна Мурильога қараб турган қора камзулли Андреа Кавальканти деган йигитчани кўрдингизми. Ана, ўгирилди. Бу гал Бертуччо нақ бўлмаса қичқариб юборай деди, бироқ Монте-Кристонинг тикилиб турганини кўриб миқ этмади.

– Бенедетто! – эшитилар-эшитилмас пичирлади у. – Ё, қудратингдан!

– Соат етти яримга занг уряпти, жаноб Бертуччо, – деди жиддий билан граф, – шу вақтда овқат сузилиши керак, деган эдим. Биласизки, мен кутишни ёмон кўраман.

Шундай деди-да, Монте-Кристо меҳмонхонага қайтди, бу ерда мезбонни кутиб туришган эди. Бертуччо деворга таяниб ошхонага чиқиб кетди. Беш дақиқадан сўнг меҳмонхонанинг иккала эшиги ланг очилди. Остонада пайдо бўлган Бертуччо Шантильидаги Вателя⁵ сингари узини куч билан босиб олди-да, эълон қилди:

– Жаноби олийлари, овқат сузилди! Монте-Кристо Вильфор хонимга қўлини узатди.

– Жаноб де Вильфор, – деди у, – илтимос, Данглар хонимнинг қўлтиғидан олсангиз.

Вильфор итоат қилди, ҳамма ошхонага ўтди.

VI. ЗИЁФАТ

Ҳамма меҳмонлар бир хил ҳис-туйғу билан бораётганлиги мутлақо аён. Улар бу кошонага қандай куч бизни тупланишга мажбур қилди, деб ҳайрон бўлишар ва баъзилар бу чакки иш бўлди, деб бир оз ташвишланарди.

Шу ўртада граф билан танишиш кўпга чўзилмагани, унинг ғалати ва суққабош ҳаёт кечирishi, ҳеч кимга маълум бўлмаган беҳисоб бойлиги эркакларни эҳтиёт бўлишга, аёлларни эса кутиб оладиган бирорта бека бўлмаган бу хонадонга қадам ранжида этишга тўсиқ бўлиши керак эди. Аммо эркаклар эҳтиёткорлик қонунини, аёллар эса одоб сақлаш қоидаларини бир чеккага йиғиштириб қўйишди, кучли қизиқиш ҳисси бошқа ҳамма ҳиссиётлардан устун келди.

Ҳатто ота-бола Кавалькантилар ҳам, биринчиси ўта тақабурлигига, иккинчиси эса шилқимлигига қарамай, маслак-мақсади номаълум бу зотни уйда мутлақо нотаниш одамлар билан бирга бўлиб қолишганидан хавотиранаётгани сезилиб турарди.

Монте-Кристонинг илтимосига биноан Вильфор қўл узатаётганини кўрган Данглар хоним беихтиёр бир сесканиб тушди, баронессанинг қўли унинг устида турганида Виль-

⁵ Шахзода Конденинг бош официанти, қирол столига буюрилган балиқ кечикканини кўриб кўксига шамшир урган эди.

форнинг олтин гардишли кўзойнак таққан кўзлари хира тортгандек бўлди.

Бу ердагилар кечмиш ҳис-ҳаяжон белгиларидан бирортаси ҳам графнинг назар-эътиборидан четда қолмасди, бу зотларнинг бир-бири билан муносабатда бўлишининг биргина ўзи ҳам кузатувчи учун ниҳоятда зўр аҳамиятга эга эди.

Вильфорнинг унғ томонига Данглар хоним, чап томонига Моррель утирди. Граф эса Вильфор хоним билан Данглар уртасига утирди. Қолган жойларни ота-бола Кавалькантиллар уртасида утирган Дебрэ Вильфор хоним билан Моррель уртасида утирган Шато-Рено эгаллади!

Зиёфат жуда қуюқ бўлди. Монте-Кристонинг нияти Париждаги бутун одатларни бекор қилиб, меҳмонларнинг иштаҳасидан кўра кўпроқ қизиқишларини қондириш эди. Меҳмонларга шарқча зиёфат, шарқча булганда ҳам фақат араб сеҳргарларига хос зиёфат берилаётган эди.

Хитой гулдонлари ва япон чинни идишлари жаҳоннинг турли томонидан Европага янги узилгандек етиб келиши мумкин бўлган барча мева-чевалар билан тўлдириб ташланганди. Камёб қуш гўштлари, кумуш идишларга терилган катта-катта балиқлар, Архипелак, Кичик Осие ва Жанубий Африканинғ қимматбаҳо идишларидаги винолар Париж тақводорларининг кўзларини қамаштириб юборди. Бу зотлар, ун кишилик зиёфат фақат Клеопатра каби марварид ютилганда ёки Лоренцо Медичи каби эритилган олтин ичган тақдирдагина минг луидорга тушиши мумкин, деб уйлашарди.

Монте-Кристо ҳамма ҳайратда қолганини кўриб қулди ва ўзича ҳазил қилган бўлди.

– Жаноблар, – деди у, – фаровонликнинг маълум поғонасида фақат маъмурчилик, исрофгарчилик заруратга айланиб қолади. Бу фикрга яна қўшимча қилайлик. Мўъжиза деган нарса нима ўзи? Ақлимиз бовар этмаган нарсани мўъжиза деймиз. Биз кўпроқ нимани орзу қиламиз? Қурбимиз етмаган нарсани. Мен бутун ҳаётимни кўринмайдиган нарсани кўришга, киши қурби етмаган нарсага эришиш йўлига бағишлаганман. Бунга икки йўл билан – пул ва ирода билан эришаман. Мен ўз мақсадимга эришмоқ учун сиз,

жаноб Данглар, темир йул кураётганда, сиз, жаноб де Вильфор, кишига улим жазоси талаб қилаётганда, сиз, жаноб Дебрэ, бирорта мамлакатнинг танобини тортаётганда, сиз, жаноб Шато-Рено, жононга яхши куринмоқчи булиб турганда, сиз, Моррель, ҳеч кимга буй бермайдиган отнинг жиловини тортиб қуяётганда қанчалик қатъият, қанчалик сабот-матонат кўрсатсангиз, мен ҳам шунчалик қатъият билан, сабот билан ҳаракат қиламан. Мисол учун мана бу икки балиқни олайлик: биттаси Санкт-Петербурдан эллик лье нарида туғилган, иккинчиси Неаполдан беш лье бериде туғилган, ахир бу икки балиқни битта ликобчага солиб, бир-бирига қўшиб қўйиш завқли эмасми?

– Бу қанақа балиқ экан узи? – суради Данглар.

– Мана, Шато-Ренони олайлик, у Россияда яшаган, бу балиқлардан бирининг номини у айтиб беради сизга, – жавоб қилди Монте-Кристо. – Майор Кавальканти эса италиян, у эса иккинчи балиқнинг номини айтиб беради.

– Мана бу, – деди Шато-Рено, – менимча стерлядь деган балиқ.

– Худди узи.

– Буниси, – деди Кавальканти, – адашмасам, илонбалиқ.

– Туғри илонбалиқ. Энди, барон, бу балиқларни қаерда овлашади, деб суранг, қани, қандай жавоб оларкансиз.

– Стерлядларни Волга дарёсида овлайдилар, – жавоб қилди Шато-Рено.

– Мен, – деди Кавальканти, – илонбалиқларнинг бундай каттаси Фузаро кўлидан бошқа ерда бўлади, деганларини асти эшитмаганман.

– Чиндан ҳам, буниси Волгадан, мана буниси Фузаро кўлидан келган.

– Бундай бўлиши мумкин эмас, – деди меҳмонларнинг ҳаммаси бир овоздан.

– Мана, мана шуниси завқлантиради мени, – деди Монте-Кристо, – Мен *cupltor impossidillium*⁶ Нерон сингари, топиб булмайдиган нарсаларни ахтараман, ахир сиз ҳам завқланяписиз-ку бундан, булар аслида олабуға ёки сулай-

⁶ Топиб булмайдиган нарсаларни ахтарувчи (лот.).

мон балиққа қараганда яхши бўлмаса-да, сизга жуда-жуда ажойиб кўриняпти-ку! Бунга сабаб шуки, сиз буларни топиш мумкин эмас, деб уйлайсиз, аммо топиш мумкин экан-ку.

– Хуш, бу балиқларни Парижга қандай қилиб олиб келишди?

– Бу жуда осон иш. Буларни катта бочкаларда келтиришди. бочкалардан бири дарё гиёҳларидан, иккинчиси эса қамиш ва кўл утларидан ясалган, уларни махсус соябон аравада олиб келишди. Стерлядь ун икки кун, илонбалиқ эса саккиз кун сақланди. Ошпазимнинг қўлига тушганда иккаласи ҳам тирик эди. Ошпаз бирини сутга солиб, иккинчисини винога солиб саранжомлаб қўя қолди. Ишоняпсизми сиз бунга, Данглар?

– Қайдам, ростини айтсам, ишонгим келмаяпти, – деди Данглар зўрға илжайиб.

– Батистен, – деди Монте-Кристо, – айтинг, бу балиқлардан яна биттасидан олиб келишсин, биласизми, иккинчи бочкадаги тиригидан.

Данглар ҳайрон бўлиб қолди, бошқалар эса чапак чалиб юборишди.

Тўрт хизматкор сув бетини утлар босиб кетган бочкаларни кўтариб киришди, иккала бочкада ҳам стол устидагига ўхшаган балиқлар питирлаб ётарди.

– Балиқларнинг ҳар бир туридан нега иккитадан келтиришди? – сўради Данглар.

– Шундай қилмасак улардан биттаси ухлаб қолиши мумкин эди, – деди жўнгина қилиб Монте-Кристо.

– Дарҳақиқат, сиз жуда ажойиб одам экансиз-ку! – деди Данглар, – файласуфлар нима деса деяверсин, аммо бойбадавлат бўлиш яхши-да.

– Кашфиётчи бўлиш ундан ҳам яхши, – қўшимча қилди Данглар хоним.

– Азизим баронесса, иқроор бўлишим керакки, бу менинг кашфиётим эмас. Бу римликларда расм бўлган одат. Плинийнинг маълумотига қараганда, *mulus* деган балиқларни Остиядан Римга қўллар галма-гал бошларида кўтариб келишаркан. Унинг ёзишига қараганда, бу дорада, экан. Бу балиқни тириклайин олиб келишнинг ўзи мартаба, ўлими

эса бир томошадек гап экан. Ухлаганда у худди сўнаётган камалак сингари тусини бир неча бор узгартираркан. Шундан сўнг уни ошхонага жўнатишаркан. Шундай ўлим топиш унинг учун буюк фазилат эди.

– Ҳа, – деди Дебрэ, – аммо Остия билан Рим ўртасидаги масофа саккиз лъедан ошиқ эмас-да.

– Бу ҳақ гап, – жавоб қилди Монте-Кристо, – Аммо Луккулладан бир минг саккиз юз йил кейин дунёга келсангу, ундан ўтиб кетолмасанг, нима деб мақтанасан?

Иккала Кавальканти бир-бирига бақрайиб қолишди, одоб сақлаб чурқ этишмади.

– Ажаб савдолар, – деди Шато-Рено, – бироқ мени ҳаммадан купроқ ҳайратда қолдираётган нарса фармонларингизнинг жуда тезлик билан бажарилиши. Граф, ахир бу уйни сотиб олганингизга беш-олти кундан ошиқ вақт ўтгани йўқ-ку, тўғрими?

– Тўғри, – деди Монте-Кристо.

– Аминманки, шу бир ҳафта ичида бу кошона буткул узгариб кетди. Адашмасам, унинг эшиги ҳам бошқа томонда эди, ҳовли эса шағал ётқизилган қуруқ саҳндан иборат эди, ҳозир эса гул-дарахтлар барқ уриб ўсиб ётган оромгоҳга айланди.

– Шунақа, – деди Монте-Кристо. – Мен кўм-кўк майсазорлар, соя-салқин жойларни севаман.

– Ростданам, – деди Вильфор хоним, – илгари ҳовлига куча томондаги дарвозадан кириларди, мени ҳалокатдан сақлаб қолинган кўни ҳам кучадан тўғри ҳовлига олиб кирганлигингиз эсимда.

– Тўғри, хоним, – деди Монте-Кристо, – бироқ девордан Булон ўрмонини кўриб турадиган эшик қурдирсам, дуруст бўлар деб шундай қилдирдим.

– Тўрт кун ичида-я! – деди Моррель. – Бу ҳеч ақл бовар қилмайдиган муъжиза-ку!

– Ҳақиқатан, – деди Шато-Рено, – тўрт кун ичида эски уй ўрнига батамом янги уй қуриш муъжизага ўхшайди. Бу жуда кўҳна, шу билан бирга ҳувиллаган кошона эди. Бундан икки ёки уч йил муқаддам маркиз де Сен-Меран бу уйни сотмоқчи бўлганда онам мени кўриб кел, деб юборгани эсимда.

– Маркиз де Сен-Меран дедингизми? – деди де Вильфор хоним. – Ҳали бу уй авваллари маркиз де-Сен-Меранга қарашлимиди?

– Шундай бўлса керак, – жавоб қилди Монте-Кристо.

– Нега шундай бўлса керак, деяпсиз? Бу уйни кимдан сотиб олганингизни ҳали билмайсизми?

– Туғриси айтсам, билмайман, бу ишларнинг ҳаммасини иш бошқарувчим бажарган.

– Ҳақиқатда бу уй ун йилдан бери ҳувиллаб ётарди, – деди Шато-Рено. – Унинг ҳамшиша кулф эшикларини, тақатқ берк деразаларини, ут босиб кетган ҳовлини кўрганда кишининг таъби хира бўлиб кетарди. Агарда бу уй қирол прокурорининг қайнатасига қарашли бўлмаганда, бунга бир вақтлар жуда оғир жиноятлар содир бўлган жой деб, ланатлар ўқиш мумкин буларди.

Ажиб вино қуйилган қадаҳлардан бирортасига ҳануз қўл теккизмай утирган Вильфор туғри келганини даст кўтарди-да, сипқорди.

Монте-Кристо бир дақиқа жим бўлди, сўнг у Шато-Рено сўзларидан кейинги сукунатда деди:

– Ажабо, барон, туғри айтдингиз, бу уйга биринчи қадам қуйганда, шундай фикр менинг хаёлимдан ҳам ўтган эди. Бу уй менга худди машъум даргоҳдек кўринди, агар иш бошқарувчим ишни олдиндан битириб қўймаганида мен буни асло сотиб олмаган булардим. Афтидан, бу фирибгар нотаирусдан бир оз пора олганга ўхшайди.

– Эҳтимол, – деди жилмайишга уриниб Вильфор, – бироқ амин бўлингки, бу сотиш-олиш ишига мен асло аралашган эмасман. Маркиз де Сен-Меран неварасининг қалинидан бир қисми ҳисобланган бу ҳовлини сотиб юбориш керак, деган эди, йўқса бу уй шу аҳволда ётаверса, яна уч-тўрт йилдан кейин хонавайрон бўлиб кетарди.

Бу гал Моррелнинг ранги ўчди.

– Менга айниқса, – сўзида давом этди Монте-Кристо, – кўринишда шунчаки оддий кўринган ҳалиги қизил пардага ўралган хона, нечундир, назаримда, чидаб бўлмайдиган даражада ваҳимали кўринди.

– Нега энди? – сўради Дебрэ. – Нега ваҳимали?

– Киши қалбида пайдо бўлган ғайри ихтиёрий туйғулар сабабини қандай қилиб билади? – деди Монте-Кристо, – одамнинг кўнглини бирдан ғаш қиладиган жойлар йўқ дейсизми? Нега шундай бўлишини узинг ҳам билмайсан, балки хотираларнинг чувалашиб кетиши, бизни ҳозирги турган жойимизга асло дахли йўқ бошқа даврлар, бошқа жойларга олиб кетадиган бемаъни уй-хаёллар бунга сабабчидир... Бу маркиза де Ганж⁷ ёки Дездемонанинг хонасига ухшаганлиги мени ҳайратда қолдирди. Овқатланиб бўлайлик, сўнг истасангиз, боққа чиқиб қаҳва ичиш олдидан мен сизга уша хонани кўрсатаман.

Монте-Кристо меҳмонларига саволомуз назар ташлади. Вильфор хоним ўрнидан турди, Монте-Кристо ҳам кўзгалди, сўнг ҳамма уларга эргашди.

Вильфор билан Данглар хоним худди уриндиққа қоқиб қўйилгандек қимир этишолмади. Улар чурқ этишмас, ваҳима босиб, аъзойи бадани музлаб қотиб қолган эди.

– Эшитдингизми? – деди Данглар хоним. – Бориш керак, – деди Вильфор ўрнидан туриб, хонимга қўлини чўзаркан.

Меҳмонлар қизиқиб, уйнинг ҳар томонига тарқалиб кетишди, улар биргина хонани эмас, Монте-Кристо вайронани саройга айлантирган бу кошонанинг ҳамма хоналарини кўрмоқчи бўлиб ланг очиқ эшикларга ўзларини уришди. Монте-Кристо кейинда қолган икки меҳмонни кутиб турди, улар ошхонадан чиққанда илжайди-да, меҳмонлар кетидан йўл олди. Агар меҳмонлар унинг жилмайиши маъносини англаганларида, ҳозир бораётган хонадагидан баттарроқ ваҳимага тушган бўлардилар.

Меҳмонлар биноларни томоша қила бошлашди. Улар шарқчасига жиҳозланган, каравот ўрнида диванлар, улар устида ёстиқлар, мебель ўрнида трубка, яроғ-аслаҳалар қўйилган ётоқхоналарни, қадимги мўйқалам усталарининг энг нодир суратлари осифлиқ, ажойиб хитой матолари тўтилган махсус меҳмонхоналарни завқ билан томоша қилиб, ниҳоят бояги хонага келишди.

⁷ Маркиза де Гаяж 1667 йили эрининг инилари, жазмани ва аббат де Гана томонидан ваҳшийларча ўлдирилган эди.

Қоронғи тушиб қолганлигига қарамай, ҳали чироқ ёқилмаганлигини, бошқа хоналар сингари янғидан безатилмай, эскича қолдирилганлигини ҳисобга олмаганда, бу хонада ғайри табиий ҳеч нарса йуқ эди.

– Ростданам бу хона жуда ваҳимали экан, – деди хитоб қилиб Вильфор хоним.

Данглар хоним бир нима демоқчи бўлиб ғудранди-ю, аммо унинг сўзларини ҳеч ким эшитмади.

Меҳмонлар бу қизил хонада ҳақиқатан ҳам биронта мудҳиш нарса бўлса керак, деган фикрни хаёлларидан ўтказишди.

– Айтганим тўғри чиқдими? – деди Монте-Кристо – Мана бу каравотнинг ажиб туришини қаранг! Деворга ёпиштирилган гулқоғоз ҳам қайғули – худди қонга бўялганга ўхшайди! Мана бу икки суратга қаранг, захда ранги ўчиб кетибди! Уларнинг қонсиз, кўкариб кетган лаблари ва ваҳима босган кўзлари «ҳа, биз кўрдик!» деб турганга ўхшамайди-ми?

Вильфорнинг ранги мурдадек оқариб кетди, Данглар хонимнинг эса тинка-мадори қуриб, печь олдидаги курсига чўқди.

– Эрмина, – деди жилмайиб де Вильфор хоним, – жиноят содир бўлган шу курсида ўтиришга қандай журъат эта олдингиз?

Данглар хоним шоша ўрнидан турди.

– Сабр қилинг, ҳали бошқалариям бор, – деди Монте-Кристо.

– Тағин нима бор? – сўради Дебрэ; Данглар хонимнинг ҳаяжонга тушганини у сезган эди.

– Ҳа, тағин нима? – сўради Данглар. – Очиғини айтсам, ҳозирча мен айтарли бирор нарса кўрганим йуқ. Сизчи, жаноб Кавальканти?

– Ҳа, – деди Кавальканти, – биздаям шунга ўхшаш Пизеда Уголино минораси, Феррарада Тассо зиндони, Риминида Франчески ва Паоло хонаси бор.

– Тўғри, лекин сизда мана бунақа зина йуқ, – деди Монте-Кристо деворга ёпиштирилган қоғоз орқасидаги яширин эшикни очиб, – мана бунисига нима дейсиз?

– Қанақа қабиҳ зина-я, – деди илжайиб Шато-Рено.

– Ҳақиқатанам, – деди Дебрэ, – билмадим, эҳтимол ҳалиги хиосс виноси кунгилни ғаш қилаётгандир, ҳар қалай бу уй мени аллақандай мудҳиш уй-хаёлларга солди.

Моррелга келганда, Валентинанинг қалини ҳақида оғиз очилган дақиқадан буён унинг қовоғидақ қор ёғар ва чурқ этмасди.

– Даҳшатли зимистон тунда, – деди Монте-Кристо, – Отеллога ёки аббат де Ганжга ухшаб қулида мудҳиш бир нарсани бегона кузлардан яшириб, шу зинадан битта-битта қадам ташлаб тушаётган бир зотни куз олдингизга келтиринг!

Данглар хоним ҳушидан кетиб, деворга суюниб қолган Вильфорнинг қулига узини ташлаб юборай деди.

– Нима бўлди сизга, баронесса, – деди Дебрэ. – Рангингиз оқариб кетди?

– У кишининг бу ҳолга тушишининг сабаби аниқ, – деди де Вильфор хоним, – Граф Монте-Кристо ҳаммамизнинг утакамизни ёрадиган мудҳиш нарсаларни ҳикоя қиляпти.

– Бу ҳақ гап, – деди Вильфор. – Граф, сиз хонимларнинг утакасини ёриб юборяпсиз.

– Ахир, нима бўлди сизга? – деди шивирлаб Данглар хонимга Дебрэ.

– Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, – деди баронесса, узини босиб олишга уриниб, – шунчаки нафасим қисияпти.

– Эҳтимол, боққа тушишни истарсиз? – сўради Дебрэ ва Данглар хонимга қулини узатди-да, яширин зина томонга бошлади.

– Йўқ, йўқ, – деди баронесса, – яхшиси мен шу ерда қолай.

– Ия, хоним, – деди Монте-Кристо, – чинданам кўрқиб кетдингизми?

– Йўқ, граф, кўрққаним йўқ, – деди Данглар хоним, – бошлаб ҳикоя қилганингиздан афсона ҳақиқатга ухшаб қолади.

– Албатта, – деди илжайиб Монте-Кристо, – буларнинг ҳаммаси шунчаки хаёл найранги, ахир бу хонани ор-номусли онанинг тинч-осойишта яшайдиган ётоқхонаси деб фараз қилсак бўлмасмикан? Қирмизи парда тўсилган мана шу каравот эгасини илоҳий маъбуда ташриф буюриб бах-

тиёр этган экан, десак ҳам булади-ку! Мана бу яширин зина доктор ё энага ёки отанинг ўзи уйқудаги гудакни кутариб, эндигина бушаниб ором олаётган онани безовта қилмай, деб аста тушиб боққа чиқадиган йўлдир-да?

Бу гал Данглар хоним тасвир этилган осойишта манзарани кўз унгига келтириб хотиржам бўлиш урнига инграб, батамом ҳушидан кетди.

– Данглар хонимнинг мазаси қочди, – деди дудуқланиб Вильфор, – уни извошга олиб чиқиб қўйсақ бўлмасмикан?

– Ё, Парвардигор? Нима бўлди? – деди Монте-Кристо. – Аксига олиб, дори шишам эсимдан чиқибди-я!

– Менда бор, – деди Вильфор хоним ва қип-қизил дори қуйилган шишачани Монте-Кристога узатди, бу граф Эдуарга ичириб, синаб курган дорига ўхшарди.

– Эҳ-э, худди ўзи-ю! – деди Монте-Кристо Вильфор хоним қўлидан дорини олиб.

– Ҳа, худди ўзи, – деди хоним шивирлаб, – топшириғингизга амал қилдим.

– Яхши чиқдимми?

– Чамамда, яхши.

Шу орада Данглар хонимни ёндош хонага кутариб олиб киришди.

Монте-Кристо дорини унинг лабларига суртди, хоним ҳушига келди.

– Даҳшатли туш кўрдим! – деди минғирлаб Данглар хоним.

Вильфор, бу туш эмаслигини англатиш учун унинг қўлини қаттиқ қисиб қўйди.

Дангларни ахтара бошлашди, бироқ нозик ҳиссиётларга кам эътибор берувчи банк эгаси аллақачон боққа тушиб, катта Кавальканти билан Ливорно ва Флоренция ўртасидаги темир йўлнинг лойиҳаси устида суҳбатлашаётган эди.

Монте-Кристо гуё кунгли бузилганга ўхшаб кўринарди. У Данглар хонимни қўптиғидан ушлаб, боққа олиб чиқди-да, ота-ўғил Кавалькантилар билан қаҳва ичиб утирган Дангларга рўпара қилди.

– Хоним, наҳотки мен сизни қўрқитиб юборган бўлсам? – деди Монте-Кристо.

– Йуқ, граф, ундай эмас. Бироқ яхши биласизки, биз кайфиятга қараб таассуротларга берилиб кетамиз.

Вильфор кулмоқчи бўлди.

– Ундай бўлса, – деди Вильфор, – энг булмағур тахминларни ҳам тушуниб етар экансиз...

– Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, – деди эътироз билдириб Монте-Кристо, – бу уйда жиноят юз берганига мен аминман.

– Эҳтиёт булинг, – деди Вильфор хоним, – қироллик прокурори шу ердалар.

– Нима бупти, – жавоб қилди Монте-Кристо, – туғри келиб қолган экан, мен бундан фойдаланиб маълумот бериб қуйишим лозим.

– Маълумот? – суради Вильфор.

– Ҳа, гувоҳлар ҳузурида.

– Ажиб воқеа экан-ку! – деди Дебрэ, – ҳақиқатан ҳам жиноят бўлса, бу бизга ҳазми таом бўлади.

– Жиноят бор, – деди Монте-Кристо – Қани, илтимос, бу ёққа келинглари, жаноблари, жаноб де Вильфор, қани бу ёққа, илтимос, маълумотимни давлат вакили ҳузурида айтганим маъқул.

Монте-Кристо бир қули билан Вильфорни қўлтиқлаб, иккинчи қули билан Данглари хонимнинг қўлини маҳкам ушлаб олди-да, қироллик прокурорини қуюқ соя солиб турган чинор тагига олиб борди. ... Қолган меҳмонлари уларга эргашди.

– Мана бу ерга, – деди Монте-Кристо оёғи билан ерни тегиб кўрсатиб, – худди шу ерга, қари дарахтларга гунг бериш учун ерни қовлаб, қора тупроқ солишни буюрдим. Ишчилар қазиганда бир яшик, туғрироғи, яшикнинг темир қисмлари чиқиб қолган, ичида янги туғилган гудакнинг суяклари бор экан. Буни афсона деб бўлмаса керак, туғрими?

Монте-Кристо Данглари хонимнинг тирсағи тортишиб кетганини ва Вильфорнинг қули титраётганини сезиб турарди.

– Янги туғилган гудакнинг? – такрорлади Дебрэ. – Ё, тавба! Назаримда, иш жиддийлашиб бораётганга ухшайди.

– Мана кўрдингизми! – деди Шато-Рено. – Демак, мен уйларнинг ҳам одамлари сингари жони ва юз-кўзи бор, бун-

да уларнинг ички сирлари акс этиб туради, деб туғри айтган эканман. Бу уй мудҳиш эди, чунки виждон азобидан азият чекаётганди, азият чекаётганининг сабаби жиноятни яшириб ётгани экан-да.

– Нега энди бу жиноят буларкан? – деди эътироз билдириб Вильфор, ўзини босиб олиш учун охирги марта кучаниб.

– Ия! Гудакни тириклайин боққа кумиб қатл этиш, сизнингча, жиноятмасми? – деди овозини баланд кутариб Монте-Кристо. – Йўқса, жаноб қироллик прокурори, сиз бу воқеага қандай баҳо берасиз?

– Гудакни тириклайин кумганларини қаердан, қандай қилиб била қолишибди?

– Булмасам, нега уни бу ерга кумишади? Бу боғ ҳеч вақт қабристон булган эмас-ку!

– Сизнинг Франциянгизда гудак болаларни ўлдирганларни нима қилишади? – суради соддадиллик билан майор Кавальканти.

– Калласини танидан жудо қилишади, – жавоб қилди Данглар.

– Ҳа, калласини узиб ташлайди денг! – такрорлади Кавальканти.

– Шундай булса керак. Туғрим, жаноб де Вильфор? – суради Монте-Кристо.

– Туғри, граф, – жавоб қилди Вильфор беухшов овозда. Атайин уюштирилган бу манзарани қуриши керак булган икки зот энди ортиқ ўзини тута олмаслигини Монте-Кристо фаҳмлади-да, гапни шу ерда тухтатди.

– Жаноблар, қани қаҳвага марҳамат! – деди у, – биз уни тамом унутиб қўйибмиз-ку!

У меҳмонларни эргаштириб майсазор ўртасидаги столга олиб борди.

– Ростини айтсам, граф, – деди Данглар хоним, – заифлигим курсин, уятга қўяди-да мени, бироқ бу даҳшатли, мудҳиш воқеалар мени довдиратиб қўйди. Рухсат этинг, мен утирай.

Хоним шундай деди-да, утирмади, курсига шилқ этиб тушди.

Монте-Кристо таъзим этди-да, де Вильфор хоним олди-га борди.

– Чамамда, Данглар хоним яна дорингизга муҳтож бўлиб қолди, – деди у.

Вильфор хоним дугонаси олдига етиб боргунча қироллик прокурори Данглар хонимга шивирлади:

– Гаплашиб олишимиз зарур.

– Қачон?

– Эртага.

– Қаерда?

– Менинг хонамда... қарши бўлмасангиз судда... бу, менимча, энг хавфсиз жой.

– Бўпти, бораман.

Шу пайт Вильфор хоним келди.

– Раҳмат, азизим, – деди Данглар хоним жилмайишга уриниб, – узимга келдим, энди яхшиман.

VII. ТИЛАНЧИ

Вақт утинқираб қолган эди. Вильфор хоним Парижга қайтиш тўғрисида сўз юрита бошлади. Данглар хоним эса, тоби қочиб қолганига қарамай, бу ҳақда финг демасди.

Вильфор, рафиқасининг илтимосига мувофиқ, биринчи бўлиб урнидан қўзғалди. У Данглар хонимга, бизнинг хоним билан бирга кетинг, деб ўз извошига таклиф этди. Кавальканти билан жуда қизиқ фойдали суҳбат қилаётган Данглар кетиш тўғрисида бўлаётган бу гапларга асло эътибор бермади.

Монте-Кристо Вильфор хонимдан дори шишачани сураётиб Вильфорнинг Данглар хоним олдига борганини кўрганди ва у хонимга зурға эшитиладиган қилиб шивирлаган бўлса-да, унинг нима деганини англаб олганди.

Граф ҳеч нарсага аралашмай, Моррелни, Дебрэ билан Шато-Ренони отларга ўтқазиб жўнатди, иккала хоним ҳам Вильфорнинг фойтунида Парижга равона бўлди, Данглар эса, ота Кавальканти билан суҳбатдан ниҳоятда завқланиб кетиб, уни ўз извошига таклиф этди. Ўғил Андреа Кавалькантига келганда, у дарвоза олдида катта саман от қўшилган дабдабали фойтунда ғудайиб йўлга чиқди.

Овқат вақтида Андреа кам гапирди. У маҳмадона бола бўлса-да, бу бадавлат ва нуфузли зотлар олдида бирор бе-

маъни гап айтиб қўймай тағин, деб индамай утирди. Бунинг устига у қироллик прокуроридан ҳайиқарди.

Сўнгроқ уни ҳам Данглар суҳбатга тортди. Данглар кекса, такаббур майор ва унинг тортинчоқ ўғлини тезда назаридан ўтказиб ва улардаги ташқи белгиларни Монте-Кристонинг уларга нисбатан қилаётган илтифотлари билан солиштириб кўрди-да, «бу зот ҳокимлардан бири бўлиб, меросхурига киборларча тарбия бериш учун Парижга ташриф буюрган бўлса керак», деган фикрга келди.

Шунинг учун ҳам Данглар майорнинг бармоғида ёниб турган йирик биллур донасига суқи келиб тикилиб-тикилиб қўярди. Эҳтиёткорлар ва тажрибали майор эса бирор фалокат рўй беришидан қўрқиб, қоғоз пулларни қимматбаҳо буюмларга алмаштириб олганди. Сўнгроқ Данглар овқатдан кейин саноат ва саёҳатлар ҳақидаги суҳбат баҳонаси билан ота ва ўғилнинг туриш-турмуши тўғрисида ҳам савол-жавоб қилиб, суҳбатлашиб олди.

Худди ана шу Дангларнинг банкида сизга жорий ҳисоб очилади, деб огоҳлантириб қўйилган ота ва ўғил Кавалькантилар (бирига йилига қирқ саккиз минг франкка, иккинчисига эллик минг ливрга) банкирга зур илтифот ва иззат-ҳурмат изҳор этишарди.

Дангларнинг ота Кавалькантига кўрсатган иззат-ҳурмати яна бир нарса туфайли чуқурлашди. Майор Горациянинг: *nil admirali*⁸ деган қондасига амал қилиб, ҳали илонбалиқлар қайси қуллардан тутиб олинишини айтиб бериб биланган эканлигини намойиш қилди, сўнг шу балиқдан ўз ҳиссасини паққос туширди. Буни кўрган Данглар, бунақанги ортиқча дабдабалар Кавалькантилар авлоди учун оддий нарсада, афтидан, у Луккеда яшаб, Швейцариядан хонбалиқларни, Бретанидан катта-катта қисқичбақаларни, граф Фузаро ороли ва Волгадан бояги балиқларни қандай усулда олдирган бўлса, худди шундай усулда олдириб келиб еса керак, деган хулосага келди.

Шунинг учун уни Кавалькантининг қуйидаги сўзлари жуда қувонтириб юборди.

⁸ Ҳеч нарсадан таажжубланмаслик керак (*лот.*).

– Жаноб, эртага бир иш билан хузурларида буламан.

– Марҳамат, – жавоб берди Данглар, – жанобларнинг ташрифидан бошим кўкка етгуси.

Данглар, Кавалькантини ўз фойтунида Шаҳзодалар меҳмонхонасигача кузатиб қўйишга тайёр эканини айтди ва «ўғлингизнинг ўзи борар», деди.

Кавальканти ўғли аллақачоноқ мустақил яшашга одатланиб қолган, узининг шахсий отлари ва извоши бор, бу ерга мен ҳам, у ҳам ўз извошимизда келганмиз, шу боисдан қайтишда ҳам ҳар ким ўз извошида кетиши турган гап, деди.

Шундай қилиб, майор Дангларнинг извошига утирди. Банк эгаси унинг ёнига чиқди. У бу зотнинг тежамкорлик, эҳтиёткорлик ва батартиблик туғрисидаги оқилона мулоҳазаларидан завқланарди. «Аммо, – дерди у ичида, – шунга қарамай, у ўғлига йилига эллик минг доллар бериб турар экан-а, ахир бунинг учун йилига беш юз минг ёки олти юз минг даромадга эга бўлиш мумкин-ку».

Шу орада Андреа олифтагарчилик қилиб, хизматчини, нега извошни зина олдига келтирмай, дарвоза олдида қаққайиб турибсан, мени шу ергача роса ўттиз қадам пиёда келишга мажбур этдинг, деб, роса танбеҳ берди.

Хизматкор миқ этмай бўйин эгиб турарди: у бир қўли билан гижинглаб турган отнинг жловини тутиб, иккинчи қўли билан эса Андреага тизгинни узатди, Андреа тизгинни ушлади-да, амиркон ботинка яптираб турган оёғини зинага қўйди.

Шу пайт кимдир унинг елкасига қўлини ташлади.

Данглар ёки Монте-Кристо менга бир нарса айтмоқчи бўлган экану унутиб қўйиб, ҳозир эсига тушибди-да, деб орқасига ўгирилди Андреа. Бироқ қаршисида улар эмас, қандайдир беухшов, офтобда куйиб жизғанаги чиққан, пахмоқ соқоллари ўсиб кетган бир нусха кўзларини чуғдай ёндириб, қашқирники сингари ўткир тишларининг оқини кўрсатиб илжайиб турарди.

У оқ аралаш сочи бошига йўл-йўл қизил дурра боғлаган, узун, ориқ эгнида увада, исқирт яктак. Бу кимса ҳар гап қимирлаганда суяклари бир-бирига тегиб шақилласа керак, деб уйлаш мумкин. Унинг Андреанинг елкасига ташлаган қўли Кавалькантига бесўнақай кўринди.

Андреа извошининг фонуси ёғдусида бу бадбашарани танидимми ёки унинг разил, мудҳиш афт-ангорини кўриб довриаб қолдимми, бу ёғи бизга қоронғи, лекин у бир сесканди-да, узини орқага ташлади.

– Нима керак сизга? – деди Андреа.

– Кечирасиз, улуғ, – деди ҳалиги одам қизил дуррасини ушлаб. – Халақит бердим шекилли, бироқ бир-икки оғиз гапим бор сизга.

– Қоронғи кечада садақа сурамайдилар одамдан, – деди хизматкор хужайинини канага ухшаб ёпишаётган гадойдан қутқариш ниятида.

– Ҳой олифта, мен садақа сураётганим йўқ, – деди кино-юмуз нотаниш кимса. У шундай хунук ва ёқимсиз илжайдики, хизматчи қўриқиб орқага тисарилди, – хужайинингиз икки ҳафта бурун менга бир топшириқ берган эди, уша ҳақда икки оғиз сўз айтмоқчиман, холос.

Андреа ҳам ваҳимага тушганимни хизматчим сезмасин, деб қаттиқроқ товуш билан:

– Ҳой, менга қаранг, – деди, – нима керак сизга? Тезроқ айтинг, оғайни.

– Менга фақат бир нарса керак... – деди қизил дуррали одам аста. – Мени Парижга пиёда боришдан халос қилсангиз бас. Жуда чарчаб, ҳолдан тойдим, сен сингари тўйиб овқатланганим ҳам йўқ, оёқларим қалтираб, зурға турибман.

Бу ғалати гапни эшитиб Андреа сесканиб кетди.

– Ахир нима демоқчисиз, айтинг? – суради у.

– Мени шинам извошингда Парижга олиб бориб қўй, демоқчиман.

Андреанинг ранги ўчди, аммо ҳеч нима демади.

– Ҳа, билиб қўйингки, мен шуни истайман, – деди қизил дуррали киши қўлларини чўнтақларига суққан ҳолда гердайиб. – Эшитдингми, менинг кичкинтой Бенедеттом?

Андреа бу номни эшитиб, бир оз паст тушди-да, хизматкорининг олдига бориб:

– Ростданам мен бу одамга бир топшириқ берган эдим, – деди, – у менга натижасини айтиши керак. Заставагача пиёда борасиз-да, кечикмаслик учун у ердан арава ёллаб, етиб оларсиз.

Таажжубда қолган хизматкор йўлга чиқди.

– Тухтанг, мен қоронғироқ жойга чиқиб олай, – деди Андреа.

– Хотиржам бул, пастқам жойга мен узим олиб бораман сени, – деди ҳалиги бадбашара, – мана, кўрасан, узим олиб бораман.

У шундай деди-да, тизгинларни ушлаб, извошни қоронғи бурчакка олиб борди, бу ерда Андреа бу одамга қанчалик иззат-ҳурмат кўрсатсаям ҳеч ким кўрмасди.

– Мен извошингга ҳавасга тушмоқчимасман, – деди у. – Асло, мен жуда чарчаб қолдим, бунинг устига сен билан ишларимиз тўғрисида гаплашиб олмоқчиман.

– Қани, утиринг булмасам, – деди Андреа. Афсуски, қоронғи тушиб қолди, йўқса бу жулдурвоқи бадбашаранинг извошдаги шоҳи болишларда талтайиб утирганини ва унинг ёнида башанг йигитнинг отлар жilовини тутиб турганини кўрган киши ҳайратда қолган буларди.

Андреа қишлоқдан чиққунча чурқ этмади, йўлдоши ҳам ажойиб извошга миниб олишга муяссар бўлганидан мамнундай илжайиб жим утирарди.

Отейлдан чиққач, Андреа атрофга бир аланглаб ҳеч кимса йўқ эканлигига имони комил бўлгач, отларни тухтатди ва қўлларини қовуштириб кўксига қўйди-да, қизил дуррали киши томонга утирилди.

– Ҳой, менга қаранг, – деди у, – ўзи нима гап? Нима гапингиз бор менда? Мени тинч қўясизми, йўқми?

– У гапингни қўй, йигитча, нега менга ишонмаяпсан?

– Нега сизга ишонмас эканман?

– Тағин нега дейди-я. Иккимиз Варск купригида хайрлашдик, ушанда сен менга Пьемонтга ва Тосканага бораман дединг. Бир вақт қарасам, Парижда пайдо бўлиб қолипсан! Бу қанақаси бўлди?

– Бунинг сизга нима дахли бор? Ё халақит беряпманми?

– Йўқ, аксинча, бунинг менга ҳам нафи тегса керак, деган умиддаман.

– Ие-е.. ҳали шундайми! – деди Андреа. – Демак, сиз мен туфайли бирор фойда кўрмоқчи экансиз-да?

– Э-э... қўйсанг-чи, бунақа баландпарвоз гапларни!

– Шуни айтиб қўяйки, Кадрусс тоға, бундан ҳечам фойда чиқмайди.

– Сен, йигитча, кунглингга олма бу гапларни, сен бахтсизлик нималигини яхши биласан, бахтсизлик эса кишини ҳасадчи қилиб қуяди. Мен сени Пьемонт ва Тосканада хорзор бўлиб ҳаммолчилик қилиб юрибди, деб уйлаб, худди уз уғлимдек раҳмим келиб юрган эдим. Ахир эсингда-ку, мен сени ҳамма вақт уғлим деб чақирардим.

– Хуш, яна нима демоқчисиз? Яна нима?

– Э-э-э... сабр қил-да! Ҳадеб қизишиб кетаверасанми?

– Бусиз ҳам сабр-тоқатим жойида. Қани, гапни қисқа қилинг.

– Ҳали айтганимдек, сени уша шаҳарларда дарбадар бўлиб юргандир деб раҳмим келиб юрарди, бир вақт тўсатдан сени заставада куриб қолдим, қарасам тагингда ажойиб извош, ёнингда кийим-боши башанг хизматкор. Хуш, нима бўлди сенга, хазина-пазина топдингми ёки биржа даллолининг патентини сотиб олдингми?

– Демак, ҳасад қилаяпсиз экан-да?

– Йўқ, аксинча, мен жуда хурсандман, хурсандлигимдан, ҳатто, йигитча, сени табрикламоқчи ҳам бўлдим, бироқ устбошимнинг ночорлигидан тагин обруйингга путур етказмай деб ўзимни четга олдим.

– Узимни четга олдим эмиш! – деди Андреа. – Хизматкорим олдида мен билан дангал гаплашганингиз ўзингизни четга олганингизми?

– Уғлим, иложим қанча, дийдор куришиш муяссар бўлгач, гапиравераркансан. Отинг йурға, извошинг енгил, ўзинг ҳам бамисоли илонбалиққа ўхшайсан, бугун қўлимдан чиқариб юборгудек бўлсам, тамом-вассалом, сунг сени тутиб булармиди.

– Ахир, мен яширинаётганим йўқ-ку.

– Бу сенинг бахтинг, қани мен ҳам ўзим ҳақимда шундай дейишга муяссар бўлсам! Мен эса одамлардан яшириниб юрибман. Бунинг устига, сен мени танимай қолармикансан деб қўрққандим. Аммо сен мени танидинг, – деди Кадрусс разилона илжайиб, – бу сенинг менга катта мурувватинг.

– Ҳа, бўпти, – деди Андреа, – мақсадингизни айтинг.

– Сен мени «сиз»лаб гапираяпсан, бу яхши эмас. Бенедетто, мен қадрдон дўстингман-ку. Эҳтиёт бул, мен талабчан бўлиб олишим мумкин.

Бу пуписа Андреанинг попугини анча пасайтириб қуйди, у ён беришга мажбур эканини сизди. Андреа отини яна йурттирди.

– Кадрусс, – деди у, – мен билан бунақа муносабатда бўлишинг инсофдан эмас. Узинг: қадрдон дўстлармиз, деяпсан-ку, сен марселлик, мен эса...

– Энди ким эканлигингни билиб олгандирсан?

– Йўқ, мен Корсикада ўсиб улғайганман. Сен қари ва қайсар чолсан, мен эса ёшман ва ҳадеб гапга унайвермайман. Агар бир-биримизга дуқ-пуписа қилаверсак, бу яхшиликка олиб бормади. Яхшиси, келинг, ҳамма масалаларни яхшиликча ҳал этайлик. Агар тақдир менга кулиб боқаётган экан, сенинг ишларинг ҳамон илгаригидек чаппасидан кетаётган экан, бунга мен айбдорманми?

– Чиндан ҳам ошиғинг олчими? Хизматкор, мана бу извош, уст-бош ижарага олинган экан-да? Агар шундай бўлса, жуда соз-ку! – деди Кадрусс очқўзлик билан бақрайиб.

– Мен билан гаплашмоқчи экансан, демак ўзинг яхши куриб, англаб турибсан экан-да, – деди Андреа тобора ҳаяжонланиб. – Агар менинг бошимда ҳам сеникидақа дуррача, эгнимда жулдур кийим, оёғимда титиғи чиқиб кетган бошмоқ бўлганда сен мени сураб-суриштириб ҳам утирмасдинг.

– Мана, йигитча, куришиб турибдики, сен ўлгунча ёмон курасан мени. Яхши эмас! Мана, сени топдим, эндиликда яхшигина мовутдан кийим кийиб олсам бўлади. Мен сенинг мурувватли одам эканингни яхши биламан-ку, ахир, костюминг иккита бўлса, биттасини менга беришинг турган гап. Ахир очликдан силланг қуриганда узимнинг қорним оч бўлса-да, сенга шўрвам билан нўхотимни берган эдим-ку!

– Бу ҳақ гап, – деди Андреа.

– Иштаҳанг ушанда карнай эди! Ҳозир ҳам иштаҳанг яхшими?

– Албатта, – деди кулиб Андреа.

– Бу князнинг уйида овқатни роса туширган бўлсанг керак-а?

– У князь эмас, фақат граф.

– Граф? Бойми?

– Ҳа, бироқ ундан умидвор бўлма, бу жанобдан бирор фойдали иш чиқиши қийин.

– Қўрқма, графингга ҳеч ким тегмайди, узингга буюрсин. Бироқ, – деди Кадрусс қушимча қилиб, унинг лабларида яна бояги мудҳиш табассум пайдо бўлди, – бироқ бунинг эвазига сен менга пулдан чузиб туришинг керак.

– Ҳуш, қанча керак сенга?

– Ойига юз франк бўлса етар дейман...

– Шундайми?

– Ҳар қалай куним утиб турар...

– Юз франкка-а?

– Кам, албатта, узинг биласанку, бироқ...

– Бироқ?

– Юз эллик франк бўлса кўнгилдагидай яшай олардим-да.

– Мана, икки юз, ол, – деди Андреа ва Кадруссинг қўлига ун пулдор тутқазди.

– Яхши, – деди Кадрусс.

– Ҳар ойнинг биринчи куни швейцарга учра, икки юздан олаверасан.

– Мана, сен мени тағин камситяпсан.

– Нега энди?

– Малайларга туғри қиляпсан мени. Йўқ, мен фақат сени биламан.

– Майли, меникига келавер, менинг даромадларимни тулаб туришса, сен ҳар ойнинг биринчи куни ўз улушингни олаверасан.

– Бундан чиқди, сени деб адашмаган эканман. Офарин сенга. Сенга ўхшаш кишиларнинг иши доимо унгидан келаверсин. Айт-чи, қандай қилиб ошиғинг олчи бўла қолади?

– Бунинг сенга нима қизиғи бор? – суради Кавальканти.

– Ҳали ҳам ишонмайсанми менга!

– Ҳечам. Мен отамни излаб топдим.

– Ҳақиқий отангними?

– Ҳа... у менга пул бераётган экан, демак...

– Унга қанчалик ишонсанг ва ҳурмат қилсанг, шунчалик яхши иш қилган бўласан. Отангнинг исми шарифи нима?

– Майор Кавальканти.

- У сендан хурсандми?
- Ҳозирча хурсандга ухшайди.
- Отангни ким топиб берди?
- Граф Монте-Кристо.
- Ҳозир сен кириб чиққан уй эгасими?
- Ҳа.

– Менга қара, бу граф шунақа савоб ишлар билан шуғулланаркан, мени ҳам бобом деб, уникига жойлаштириб қуй.

– Тўғри айтасан, мен бу билан сенинг ҳақингда бир гаплашиб кўраман. Унгача нима қиласан?

– Менми?

– Ҳа, сен.

– Мен учун қайғуришинг олижаноб иш, – деди Кадрусс.

– Менимча, – деди Андреа, – сен мени қисти-бастига олиб суроқ қилганингдан кейин сендан ҳам баъзи нарсаларни сураб, билиб олишимга ҳақим бўлса керак.

– Тўғри... Мен дурустроқ жойдан бир хонани ижарага оламан, яхшилаб кийинаман, ҳар кун соқол-мўйловимни қирдириб, қаҳвахонага бориб газета ўқийман. Кечқурунлари эса клакерларнинг бирор тудасига қўшилиб, театрларга бораман. Хулласи калом, ишни ташлаб, роҳат-фароғатда яшаётган булкачи бўламан. Буни купдан бери орзу қилиб юрдим.

– Шундай қилсанг жуда яхши бўлади. Бу ниятингни амалга оширсанг ва фаросат билан иш тутсанг, ҳаммаси жойида бўлаверади.

– Ўҳу, мана бу Боссюэни қаранг-а?⁹.. Сен-чи, ўзинг ким бўлмоқчисан? Франциянинг улкан зодағони бўлмоқчимисан?

– Эҳтимолдан холи эмас шундай бўлишим! – деди Андреа.

– Майор Кавалькантиям, балки зодагонлардандир... бироқ, бу борада меросхурлик бекор қилинган.

– Кадрусс, илтимос қиламан, сиёсатни қуй!.. Истагингга етдинг, пулни олдинг, шаҳарга ҳам етиб келдик, қани, извошдан туш-да, қорангни ўчир.

⁹ XVII асрнинг машҳур насихатгуйи.

– Асло, азизим, асло!

– Ия... Тагин нима керак?

– Йигитча, ўзинг бир уйлаб кўр, бошимда қизил дурра, оёғимда пошнасиэтик, қўлимда бирорта хужжатим йўқ, чўнтагимда ўн луидор, яъни, роппа-роса икки юз франк пул бор. Бу аҳволда мени заставада шартта қамоққа олишади! Узимни оқлаш учун бу икки юз луидорни сен берганингни айтишим керак; сўроқ бошланиб кетади, ҳеч кимдан сўрамай, Тулпондан чиқиб кетганимни аниқлаб олишади-да, Урта ер денгизи томонга қараб ҳайдаб кетишади, ана шунда мен яна «бир юз олтинчи номер» бўлиб қоламан-да, ҳалиги орзу-умидларим чиппакка чиқади! Асло ундай қилмайман, ўғлим, асло! Мен пойтахтда дориломон яшашни афзал деб биламан.

Андреа қошларини чимириб қўйди, майор Кавалькантининг сохта ўғли, ўзи иқрор бўлганидек, жуда ўжар эди. У отнинг жиловини тортди, атрофига бир назар ташлади-да, чўнтагига қўлини тикиб, тўппончанинг тепкисини топди.

Аммо шу пайт йўлдошидан бир дақиқа қузини узмай турган Кадрусс секин-аста испанча узун пичоғини очди. (Бу пичоғини у ҳар эҳтимолга қарши ёнида олиб юрарди.)

Қоронғида топишган икки оғайни бир-бирига жуда мос бўлиб тушгани равшан бўлди, шу он Андреа қўлини аста чўнтагидан олди-да, малла мўйловини силай бошлади.

– Мана, эндиликда, дўстим Кадрусс, фароғатда яшайверасан, – деди у.

– Бунинг учун нимаики, керак бўлса, ҳаммасини бажо этишга тиришаман, – жавоб қилди Гарск кўприги ёнидаги қовоқхонанинг собиқ хўжайини, пичоғини бекитиб.

– Майли, Парижга кетдик. Бироқ сен заставадан қандай ўтасан? Шубҳаланиб, тутишлари мумкин-ку? Менимча пиёда юрганимиз маъқул. Бундай уст-бошда извошда ўтиришинг хавфли бўлса керак.

– Тўғри, ҳозир нима бўлишини кўрасан, – деди-да, Кадрусс Андреанинг шляпасини кийди, извошда хизматкор ташлаб кетган кенг ёқали ёмғирпушни елкасига ташлади ва ғўдайиб олди, шу ҳолатда отни бошқарадиган нуфузли хонадоннинг қаролига ўхшарди Кадрусс.

– Мен-чи, мен қандай қилиб бошыланг кетаман? – деди Андреа.

– Бунинг нима аҳамияти бор! – деди пишқириб Кадрусс.
– Бугунги қаттиқ шамол шляпангни учириб кетди, вассалом.

– Ке, қуй, – деди Андреа, – бас қил бу машмашани.

– Сенга биров халақит беряптими? – деди Кадрусс. – Мен халақит бермаётган бўлсам керак, шундайми?

– Жим-м... – деди шивирлаб Кавальканти. Заставадан эсон-омон утиб олишди.

Биринчи муюлишга келганда Андреа отни тўхтатди, Кадрусс ирғиб пастга тушди.

– Ҳой, менга қара, – деди Андреа, – ёмғирпуш билан шляпамни бермайсанми?

– Ахир сен менинг шамоллаб қолишимни истамасанг керак, тўғрими?

– Мен-чи?

– Ёшсан, мен эса қартайиб боряпман. Хайр, Бенедетто! – деди-да, муюлишдан утиб, кўздан ғойиб бўлди.

– Ажабо, – деди хурсиниб Андреа, – наҳотки бу дунёда тўла бахтга эришиш мумкин бўлмаса?

VIII. ОИЛАВИЙ МОЖАРО

Ёшлар Людовик XV майдонига етиб келишди-да, тарқалишди: Моррель хиёбонлар томон, Шато-Рено Революция куприги томон йўл олди, Дебрэ эса дарё қирғоғи бўйлаб кетди.

Моррель ва Шато-Рено, афтидан, Палата минбарига жозибадор нутқларда ёки Ришелье кўчасидаги театр сахнасида ишлатиладиган ибора билан айтсак, «ўз уйим – улан тушагим», деб уйларига кетишган эса-да, Дебрэ ундай қилмади. У Лувр дарвозаси олдида чапга бурилди-да, Карусель майдонидан от чоптириб ўтиб, Сен-Рок кўчаси бўйлаб бориб, Мишодьер кўчасига бурилди ва Данглар кошонасига келди. Худди шу дақиқа Вильфорнинг извоши прокурорни хотини билан шаҳар яқинидаги Сент-Онорега ташлаб, баронессани уйига олиб келган эди.

Бу хонадонни ўзиники қилиб олган Дебрэ туғри ҳовлига от бостириб кирди-да, қаролга жilовни тутқазиб, Данглар хоним извоши ёнига қайтиб келди, хонимни извошдан суяб туширди ва қўлтиғидан олиб, уйи томон йул олди.

Дарвоза бекилиб, ҳовлида баронесса билан Дебрэ қолди. Шу пайт Дебрэ:

– Эрмина, – деди хонимга, – сизга нима бўлди? Граф ўша можарони, туғрироғи, ҳикояни айтганда, нега ўзингизни йўқотиб қўйдингиз?

– Азизим, бугун ўзимни бошқачароқ ҳис қилган эдим, – деб жавоб қилди баронесса.

– Йўқ, Эрмина, ундай бўлмаса керак, – эътироз билдирди Дебрэ, – мен бунга ишонмайман. Графникига борганда кайфингиз чоғ эди. Туғри, жаноб Дангларнинг таъби хира эди. Бироқ сиз унинг кўнгли ғашми ёки йўқми, унча эътибор бермайсиз, мен буни биламан. Кимдир дилингизни офритди. Айтинг, нима гап ўзи? Сизни хафа қилишса, чидаб туrolмаслигимни биласиз.

– Люсьен, гапимга ишонинг, сиз янглишяпсиз, – деди Данглар хоним, – бунинг устига, сиз айтгандек, унинг кайфияти йўқроқ эди, мен буни сизга айтишни эп кўрмагандим, ўзингиз фаҳмлабсиз.

Данглар хонимнинг қалбини ҳаяжон ёки Дебрэ айтганидек, қандайдир бир яширин изтироб қамраб олганди. Аёллар бундай нарсаларни ҳеч кимга очиқ айтишмайди. Дебрэ аёлларнинг бесабаб асаби бузилиб туришига кўникиб қолган эди, шунинг учун ҳам сўроғимга жавоб беринг, деб қистамади ва бирор қулай вақт келганда бу саволини яна бермоқчи бўлди.

Баронесса ётоқхонаси эшиги олдида ўзининг ишончли хизматкори мадемуазель Корнелига дуч келди.

– Қизим нима қилипти? – сўради Данглар хоним.

– Туни билан машғулот қилди, сўнг ухлади, – деди мадемуазель Корнели.

– Назаримда, биров рояль чаляптими?

– Мадемуазель д'Армильи рояль чаляпти. Мадемуазель Эжени эса ётибди.

– Яхши, – деди Данглар хоним, – мени ечинтириб қўйинг.

Улар ётоқхонага киришди, Дебрэ узини кенг диванга чалқанча ташлади, Данглар хоним эса мадемуазель Корнели билан ўз кийимхонасига ўтди.

– Люсьен, айтинг-чи, – деди эшик тирқишидан Данглар хоним, – сиз, Эжени мен билан гаплашишни истамайди, деб ҳамон нолиб юрибсизми?

– Биргина мен нолиётганим йўқ, – деди Люсьен баронессанинг кучукчасини ўйнатиб, бу кучук Дебрэни хонадонининг қадрдони, деб уни эркаларди. – Қайси куни Морсер ҳам, қайлиғим менга сира гапирмайди, деб сизга арз қилганини ўз қулоғим билан эшитганим ёдимда...

– Бу гапингиз тўғри, – деди Данглар хоним, – бироқ аминманки, яқин орада Эженининг ўзи сизнинг хонангизга кириб боради.

– Менинг кабинетимга?

– Министрнинг кабинетига, демоқчиман.

– Нега?

– Сиздан операга вақтинчага киритиб қўйишингизни илтимос қилиш учун. Очиғини айтганда, мен муסיқани бунчалик севадиган одамни шу пайтгача сира кўрмаганман. Оқсуяк қизнинг бу қилиғи қулгили!

Дебрэ қулди.

– Бўпти, – деди у, – сиз билан барон шунга рози экансизлар, майли, келсин, Эженини операга киритиб қўямиз. Қизингизнинг юксак истеъдодига муносиб хизмат қилишга қурбимиз етмаса-да, унга муносиб ангажемент уюштиришга ҳаракат қиламиз.

– Корнели, сизда менинг бошқа ишим йўқ, рухсат, – деди Данглар хоним.

Корнели чиқиб кетди, бир дақиқа утар-утмай Данглар хоним башанг бўлиб кийимхонадан чиқди ва Люсьеннинг ёнига ўтирди-да, хаёл суриб кучукчани силай бошлади.

Люсьен индамай унга тикилиб турарди.

– Эрмина, менга қаранг, – деди у, – очиғини айтинг, нега энди хомуш бўлиб қолдингиз? Бирор гап ўтдимми?

– Ҳеч гап ўтгани йўқ, – деди баронесса эътироз билдириб.

Шу вақт хонимнинг нафаси бўғилди, у ўрнидан турди-да, чуқур нафас олишга ҳаракат қилиб, ойна олдида борди.

– Мен бугун худди алвастига ўхшайман, – деди у. Дебрэ баронессанинг кунглини кутариш учун урнидан турган эди, тусатдан эшик очилиб, Данглар кириб келди, Дебрэ яна диванга чуқди.

Эшик очилганини билиб Данглар хоним ҳам орқасига угирилди ва эрига таажжубланиб тикилди.

– Салом, баронесса, – деди банкир, – салом, жаноб Дебрэ.

– «Барон бугун бир неча марта пичинг отиб дилимни оғритган эди, афтидан, энди кунглимни кутаргани келганга ўхшайди», – ўзича ўйлади баронесса бароннинг бу бемаврид кириб келишини кўриб.

Хоним кибр-ла гердайдиди, эрининг саломига алик бермай, Люсьен томонга ўгирилиб:

– Жаноб Дебрэ, биронта китобни олиб ўқинг, мен эшитай, – деди.

Дангларнинг беҳосдан кириб келиши Дебрэни дастлаб анча ташвишга солганди, бироқ баронессанинг пинаги бузилмаганини кўриб, хотиржам бўлди ва орасига зар нақшли садаф пичоқ қистириб қўйилган китобни олди.

– Кечиринг мени, – деди банкир, – сиз чарчаб анча толиқиб қолдингиз, баронесса, соат ун бир, дам олиш вақти бўлди, жаноб Дебрэнинг ҳам уйи жуда узоқ.

Дебрэнинг кути учиб, донг қотиб қолди, Данглар дағал ва асабий оҳангда гапиргани учун эмас, бу гап хотинининг хоҳишига терс иш қилаётгани учун ғазабланди Дебрэ.

Баронесса ҳам ҳайрон бўлиб, олайиб кетган кўзларини эрига қадади, агар банкир шу пайт газетадан биржа бюллетенини ахтариш билан банд бўлмаганида, эҳтимол буни кўриб ўйланиб қолган бўларди, аммо баронессанинг ғазабли кўзлари кутилган натижани бермади.

– Жаноб Дебрэ, – деди хоним, – шуни ҳисобга олингки, мен ҳечам ухламоқчимасман, сизга куп нарсаларни ҳикоя қилиб беришим керак, шу сабабдан сизнинг қанчалик уйқунгиз келса-да, тун бўйи гапимни эшитишга мажбурсиз.

– Хизматингизга тайёрман, хоним, – деди Дебрэ пинағини бузмай.

– Азизим жаноб Дебрэ, – сўз қотди банкир, – илтимос қиламан, бугунча Данглар хонимнинг бемаъни гапларидан

узингизни халос этинг, эртага истаганча эшитишингиз мумкин. Бу оқшом менинг ихтиёримда, рухсат қилсинлар, бу кечани хотиним билан жиддий суҳбатга бағишламоқчиман.

Бу гал зарба мулжалга шу қадар туғри теккан эдики, Люсьен ҳам, баронесса ҳам эсанкираб, бу зарбадан нажот ахтариб бир-бирига куз ташлаб қуйишди, аммо уй хужайинининг шак келтириб бўлмайдиган ҳукмронлиги тантана қилди, эр голиб чиқди.

– Азизим Дебрэ, – деди сузини давом эттириб банкир, – тағин уйдан мени қувяпти, деб уйламанг.

Кутилмаган бир вазият туфайли мен шу бугуноқ баронесса билан гаплашиб олишим зарур. Бундай ҳоллар камдан-кам юз беради, бунинг учун мендан нолимасангиз ҳам бўлади.

Дебрэ гулдираб бир неча суз айтди-да, хайрлашиб, «Атлия» пьесасидаги Натан сингари жиҳозларга қоқилиб-суқилиб чиқиб кетди. Кетидан эшик ёпилгач, «Биз масхара қилиб юрган бу эрлар устомонлик билан биздан устун чиқиб олишадик, бунга ҳайрон қоласан киши», деди ўз-ўзига Дебрэ.

Дебрэ кетиши билан Данглар унинг ўрнига утирди-да, ҳамон очиқ турган китобни бекитди, ўзини бошқача қиёфага солиб, кучук билан ўйнаша бошлади. Аммо кучук уни ёқтирмасди, тишлаб олмоқчи бўлди, Данглар ғазабланиб, кучукнинг буйнидан маҳкам ушлаб уйнинг нариги томонидаги юмшоқ курсига улоқтириб юборди.

Кучук ангиллади, курсига тушгач, болишга суқилиб жишиб қолди.

– Жаноб, бугун жуда ҳаддингиздан ошиб кетяпсиз-ку, – деди баронесса пинагини бузмай. – Қўполлигингиз аён эдию, аммо бугун худди ҳайвонга ўхшаган қилиқ қилаяпсиз.

– Бунинг боиси шуки, бугун таъбим ҳар кунгидан ҳам тирриқ, – жавоб қилди Данглар.

Эрмина банкирга ғазаб билан назар ташлади, бундай нафратли қараш купинча димоғдор Дангларнинг асабини ўйнатиб юборарди, бироқ бугун у бунга унчалик эътибор бермади.

– Таъбингиз тирриқ бўлса менга нима, – деди баронесса эрининг ўзини хотиржам тутишидан аччиғланиб. – Менга бунинг дахли йўқ. Кучала еган жойингизга бориб тиришинг,

идорангизда маош олиб ишлайдиган хизматчиларингиз бор, аламингизни ушалардан олинг!..

– Йуқ, хоним, – жавоб қилди Данглар, – бу насиҳатларингиз уринсиз, мен уларни эшитишни истамайман. Менинг идорам, жаноб Демутьенинг ибораси билан айтганда, олтин оқадиган дарём, шу сабабдан унинг оқиб туришига халақит бермоқчи эмасман, пойқалатмоқчи ҳам эмасман. Хизматчиларим эса давлат орттиришда менга ёрдам бераётган ҳалол одамлар, мен уларга жуда кам хизмат ҳақи тўлаяпман. Шу сабабдан улардан аччиғланишимга ҳеч важ йуқ, газабимни келтираётганлар улар эмас, уз уйимда овқатимни еб, отларимни чоптириб, ҳамёнларимни қуритаётганлар!

– Ким экан у ҳамёнингизни қуритаётганлар? Илтимос, аниқроқ қилиб айтинг.

– Хотиржам бўлаверинг, мен илмоқли қилиб гапирганим билан, барибир, сиз қийналмай уни билиб оласиз, – деди эътироз билдириб Данглар. – Менинг ҳамёнимни бир соат ичида ундан эллик минг франк олиб кетадиган зотлар қуритяпти.

– Тушунмадим, – деди баронесса овозидаги титроқни ва юзидаги узгаришни яширишга уриниб.

– Аксинча, сиз жуда яхши тушунасиз, – деди Данглар, – фақат ўжарлик қиляпсиз, ундай бўлса мен айтнб бера қолай: мен испан заёмидан етти юз минг франк зарар кўрдим.

– Шунақами ҳали! – деди истехзо билан баронесса... – бунда сиз айбни менинг буйнимга қўйяпсизми?

– Сизнинг буйнингизга қўйсам нима бўпти?

– Етти юз минг франкдан ажралиб қолганингизга мен айбдорманми?

– Ҳар ҳолда мен эмас.

– Жаноб, – деди қатъий норозилик билдириб баронесса, – мен сизга ақчаларингиз ҳақида бирор гап эшитишни истамайман деган эдим, бунақа гапга ота-онам уйида ҳам, биринчи эримнинг уйида ҳам одатланган эмасман.

– Ишонаман, ишонаман, – деди Данглар, – уларнинг чунтагида ҳемири ҳам йуқ эди.

– Сиз банкирлар, ишлатадиган қуланса шеваларни у ерларда ҳеч эшитмагандим, мана энди улар бу ерда эрталаб-

дан кечгача миямни қоқиб қўлимга беради. Ҳадеб санаб саноғига етолмаётган тангаларингизнинг жаранги жонимдан безор қилиб юборди. Сизнинг товушингиздан ҳам ёқимсиз нарса бормикан бу дунёда?!

– Ажабо! – деди Данглар. – Сиз менинг сармоя борасидаги ишларим билан қизиқасиз, деб уйлардим.

– Менми? Бўлмағур гап. Ким айтди сизга буни?

– Узингиз.

– Қўйинг бу гапингизни!

– Чиндан ҳам.

– Қизиқ, қачон айтган эканман?

– Ҳозир айтаман. Февраль ойида гаит заёми ҳақида биринчи марта ўзингиз айтган эдингиз, ўшанда гўё тушингизда Гавр портига бир кема келганини ва у кейинга қолдирилган қарзларни тўлаш ҳақида хабар олиб келганлигини айтган эдингиз. Сиз ҳамма нарсани олдиндан кўрасиз, шунинг учун ҳам мен қаерда бўлмасин ҳамма гаит заёмлари сотиб олинсин, деб буйруқ бердим, бунда тўрт юз минг франк фойда қилдим. Бундан юз минг франкни сизга бердим. Сиз бу ақчани истаганча сарф қилдингиз. Мен индамадим, март ойида темир йўл концессияси ҳақида гап борганди. Бир хилда кафилликни гарданига олган уч компания рақобатда эди. Сиз, чамамда, Жанубий компания ютиб чиқса керак, дедингиз. Сиз бунақа ишларнинг менга дахли йўқ дейсизу, аммо баъзи масалаларга чуқур, жуда чуқур назар ташлайсиз. Шундай қилиб, ўшанда мен дарҳол Жанубий компаниянинг учдан икки қисм акцияларини ўзимга ёздириб олдим. Ростданам бу компаниянинг акциялари бошқаларникидан афзал бўлиб қолганди. Сиз олдиндан кўрганингиздек, уларнинг акцияларининг баҳоси уч баробар ошиб кетди, бунда мен бир миллион фойда қилдим, шу суммадан икки юз эллик минг франкни сизга бердим. Сиз бу икки юз эллик минг франкни нимага сарфладингиз?

– Гапнинг пўскалласини айтинг, нима демоқчисиз ўзи? – сўради хоним ғазабдан аъзойи бадани титраб.

– Сабр қилинг, хоним, мен ҳозир гапимни тугатаман.

– Хайрият-э!

– Апрельда министрникида тушда овқатладингиз, у ерда Испания ҳақида гап борди, ўшанда сиз махфий суҳбатни

эшитиб қолган экансиз: суҳбат Дон Карлоснинг қувғинга солиниши ҳақида экан. Мен испан заёмни сотиб олдим. Чиндан у қувғинга солинди. Карл Бидассоудан утган куниеқ мен олти юз минг франк фойда қилдим. Бу олти юз минг франкдан эллик минг экюни сиз олдингиз, бу сизнинг ҳақингиз эди, пулни фарра-шарра сарфладингиз, мен сиздан ҳисоб сураганим йўқ. Ҳар қалай шу йил сиз эллик минг ливр олдингиз.

– Ҳуш, кейин нима бўлди?

– Кейинми? Ҳамма бало кейин юз берди. Ишнинг пачаваси чиқди.

– Ғалати ибораларни тилга оляпсиз...

– Бу иборалар менинг фикримни, ниятимни ифода этади... Бу уч кун муқаддам юз берди. Уч кун илгари сиз Дебрэ билан сиёсатдан суҳбатлашдингиз, унинг сүзидан, Дон Карлос Испанияга қайтибди, деган хулосага келдингиз. Шундан сўнг мен заёмимни сотишга қарор қилдим. Бу янгилик ҳамма ёққа тарқалди-да, ваҳима босди ҳаммани, мен эса заёмни сотиш у ёқда турсин, текинга беравердим, эртасига маълум бўлдики, бу уйдирма экан, мана шу ёлғон хабар касофатига қолиб, мен етти юз минг франкдан ажралдим.

– Ажралсангиз нима бўпти?

– Шундай бўлдики, мен ҳар гал ютуғимнинг тўртдан бир қисмини сизга бериб келдим. Энди сиз ютқизган сумманинг тўртдан бир қисмини қоплашингиз керак, етти юз минг франкнинг тўртдан бир қисми бир юз етмиш беш минг бўлади.

– Бу гапларингизнинг ҳаммаси бемаъни гаплар, бу можароларга Дебрэни нега аралаштиряпсиз, мана шуниси мени ҳайратда қолдирыпти.

– Бунинг сабаби: мабодо бир юз етмиш беш минг франк узингизда бўлмаса, дусларингиздан қарз оласиз, Дебрэ эса қадрдон дўстингиз.

– Қандай разиллик! – деди хитоб қилиб баронесса.

– Илтимос қиламан, дабдабали гапларни йиғиштиринг, хоним. Йўқса, Дебрэ, бу йил сиз берган беш юз минг франкни ҳозир жарақлатиб санаб, ҳеч нарса тикмаган ва ютқизикдан зарар кўрмаган энг зўр қиморбозга ҳам насиб қилмаган нарсани топдим, деб масхара қилиб утирганини шу ердан кўриб турибман, дейишга мажбур бўламан.

Баронесса ғазабланиб, аъзойи бадани қизиб кетди.

– Аблах, – деди қичқириб баронесса, – ўзингиз била туриб, менга таъна-дашном берганингиз нимаси? Бу муттаҳамлик-ку!

– Мен биламан деётганим ҳам, билмайман деётганим ҳам йуқ. Фақат, сиз менга хотинликдан, мен эса сизга эрликдан маҳрум бўлгандан буён утган тўрт йил мобайнидаги хатти-ҳаракатларимни хаёлингиздан бир зум ўтказиб кўринг-а, улар нақадар мантиқий эканига ишончингиз комил бўлади. Ажралишимиздан бир оз муқаддам сиз Италия театрида зўр муваффақият билан уйнаётган машҳур баритон овозли ашулачи раҳбарлигида мусиқа билан шуғулланишга истак билдирдингиз, мен эса Лондонда шуҳрат қозонган раққосанинг раҳбарлигида рақсни ўрганишга аҳд қилдим. Иккимизнинг бу машғулотимиз тахминан юз минг франкка тушди менга. Мен бунга заррача эътироз билдирмадим, чунки оилавий ҳаётда ҳамоҳанглик, уйғунлик бўлиши шарт эди. Эр ва хотин мусиқани ва рақсни пухта ўрганиб олиш учун юз минг франк сарфлаган экан, буни жуда қимматга тушди десак инсофдан бўлмас. Кўп ўтмай мусиқа меъдангизга тегди-да, министрнинг котиби раҳбарлигида дипломатлик санъатини ўрганишга майл билдирдингиз, мен бу санъатни ўрганишга сизга имкон бердим. Бу дарснинг ҳақини ўзингиз тўлаётган экансиз, менинг бу билан ишим йуқ, бунга аралашмайман. Бироқ кўриб турибманки, эндиликда менинг ҳамёнимга кўз тикияпсиз, сизнинг бу таҳсилнингиз ойига мендан етти юз минг франкни юлиб кетадиганга ўхшайди. Бас, хоним, бунга чек қўйиш керак. Эндиликда икки шарт қўйишга мажбурман. Ё дипломат сизга текинга дарс беради, мен тишимни тишимга босиб чидаб юравераман ёки у зот менинг уйимдан қадамини узади. Тушунарлими, хоним?

– Жуда ҳаддан ошиб кетдингиз, жаноб, – деди зўрга нафас олиб Эрмина. – Бу учига чиққан пасткашлик! Сиз қуюшқондан бутунлай чиқиб кетдингиз!

– Аммо мен мамнун бўлиб кўриб турибманки, – деди Данлар, – бу борада сиз мендан сира қолишаётганингиз йуқ ва «хотин ўз эрига эргашмоғи керак», деган васиятни ўз хоҳишингиз билан бажо келтиряпсиз.

– Сиз мени ҳақорат қиляпсиз!

– Ҳақ гапни айтдингиз. Бас қилдик бу машмашаларни, келинг, ўзимизни босиб гаплашиб олайлик. Мен шахсан сизнинг ишингизга ҳеч аралашмаганман, фақат сизнинг фойдангиз учун баъзида орага суқилиб қоламан, бунда мендан урнак олигиз. Сизнинг сармояларингизга менинг даҳлим йўқ, деяпсиз, шундайми? Жуда соз, ўз сармоянгизга хужайинлик қилаверинг, меникини купайтираман ва камайтираман деб ташвишланмай қўя қолинг. Эҳтимол буларнинг ҳаммаси сотқиннинг найрангидир? Менинг оппозицияда бўлишим министрни ғазаблантиряпти ва у менинг донг чиқариб бораётганимга ҳасад қиляпти, шу сабабдан эҳтимол у Дебрэ билан тил бириктириб, мени хонавайрон қилмоқчидир?

– Ҳақиқатга ухшашлигини қаранг-а, бу гапларнинг?

– Жуда ухшайди-да. Ахир ўзингиз уйлаб кўринг, телеграфда ёлғон хабар берилди... Телеграфда бунақа бўлиши асло мумкин эмас. Телеграфнинг сўнгги икки сигнали бошқаларига мутлақо ухшамайди. Худди менга қарши журттага қилинган деб уйлайди киши.

– Сиз биласизки, – деди анча ҳовуридан тушган баронесса, – уша хизматчини ишдан ҳайдаб юборибдилар, ҳатто суд қилмоқчи бўлиб қамоққа олиш тўғрисида буйруқ берган эканлар. Аммо у қочиб кетибди. Бу аҳвол шундан далолат берадики, у ё ақлдан озган, ёки жиноятчи... Йўқ, менимча, у хато қилиб қўйган бўлса керак.

– Шундай бўлиши мумкин, бироқ бу хатодан тентаклар кулишади, бу хато министрни уйқусизлик балосига гирифтор қилди, бу хато касофатига қолган давлат котиблари сон-саноксиз қоғозларни буяб ташлашди, менга эса бу хато етти юз минг франкка тушди.

– Ҳой, менга қаранг, – деди тусатдан Эрмина, – сизнингча, буларнинг ҳаммасини Дебрэ қилаётган экан, нега узига айтмай, аламингизни мандан олаяпсиз? Нега энди эркак киши айбдор дейсизу, хотин кишини суроқ қиласиз?

– Дебрэни мен эмас, сиз биласиз-ку! – деди Данглар. – Уни билиш иштиёқига тушган ҳам мен эмасман-ку? Маслаҳат берувчи у эканини билиш менинг вазифамми? Унинг йўлидан бораётган ҳам мен эмас-ку, ахир? Биржадаги най-

рангларни мен қилаётганим йўқ-ку? Йўқ, буларнинг ҳаммаси менга эмас, сизга дахлдор.

– Мабодо, бу сизнинг манфаатингиз учун экан...

Данглар елкасини қисиб қўйди.

– Э, тавба, хотин зоти шу қадар бефаҳм буладими-я! Бир ёки ўн ишқий найрангни бутун бир Париж аҳлидан яшириб бажаришга муяссар бўлдим, деб ўзларини ута доно билиб, чучварани хом санаб юришади. Бироқ шуни унутмангки, мабодо қилмишларингизни эрингиздан жуда осонлик билан яширишга муваффақ бўлганингизда ҳам (бунинг сабаби шуки, эрлар кўп ҳолларда бунақа найрангларни кўриш-билишни исташмайди) барибир, оқсуяк дугоналарингиздан ярмининг фақат аянчли нусхаси бўлиб қолар эдингиз, холос. Лекин буни эпполмадингиз: мен ҳамини ҳаммасини билиб келганман, ўн олти йил мобайнида сиз, эҳтимол, менадан баъзи бир фикр-хаёлларингизни яшира олгандирсиз, бироқ қилмишларингиздан бирортасини, гуноҳларингиздан бирортасини сир сақлашга муваффақ бўлполмадингиз. Сиз жуда эпчиллик, қувлик билан эримни алдаб юрибман, деб керилиб юрдингиз, аммо натижада нима бўлди?.. Дўстларингиз орасида ўзимни журтгага билмасликка солиб юрганним туфайли ўша Вильфордан тортиб Дебрэгача менадан ҳайиқишади, мен билан уй хўжайини сифатида ҳисоблашмайдигани йўқ эди. Мен ҳақимда сиз билан ҳозир ўзим айтаётгандек гаплашишга журъат қиладиган зот йўқ эди. Сиз ҳаммага мени хунук, бедаво қилиб кўрсатишингиз мумкин, бироқ масхара қилишга асло йўл қўймайман, энг муҳими, мени хонавайрон қилишни қатъий тақиқлайман сизга.

Вильфорнинг исми-шарифи тилга олингунгача баронесса ўзини ҳар қалай тутиб тура олганди, бироқ бу ном тилга олинини билан унинг қути ўчди, худди чаён чаққандек дик этиб урнидан турди, бировни қарғаётгандек ҳавода қўлини ўйнатди ва эрининг ўзи билмаган ёки билса-да, қандайдир қабих ниятда ошкора этмай келган сир ҳақидаги охирги сўзини оғзидан илиб олмоқчи бўлгандек Данглар томонга қадам ташлади.

– Вильфор, бу нимаси тағин? Бу билан нима демоқчисиз?

– Шуни билиб қўйингки, биринчи эрингиз жаноб де Наргон файласуф ҳам, банкир ҳам эмасди (билмадим, эҳтимол

бу иккала ҳунарнинг ҳам эгаси бўлгандир), ана шу жаноб қироллик прокуроридан заррача наф кўролмагач, тўққиз ой кўздан ғойиб бўлиб, қайтгач, сизни олти ойлик ҳомиладор ҳолда куриб фиғони фалакка чиқди-да, қайғу-алам ўтида ёниб дунёдан ўтди. Ҳа, мен дағалман, буни биламан, билибгина қолмай, ҳатто бунга фахрланаман ҳам, бу савдо ишларида ютиб чиқиш йўлида ишлатадиган усулларимдан бири. Нега энди у ўзи ўлдирмади-ю, бошқалар унинг ўзини гўрга тиқишларига йўл қўйиб берди? Нега? Чунки унинг ҳимоя қилиниши зарур бўлган сармояси йўқ эди. Мен эса сармоядор одамман. Шеригим Дебрэнинг айби билан етти юз минг франкдан ажралдим. Энди у зарардан ўз ҳиссасини тўлаб қўйсин, сўнгра биз яна бирга иш юритаверамиз ёки ана шу бир юз етмиш беш минг франк қарзини тўлашга қодир эмаслигини айтсин-да, барча хонавайрон бўлган қарздорлар сингари гумдон бўлсин. Албатта, у тўғри маълумотлар берганда жуда дилбар йигит, бироқ маълумотлари нотўғри бўлса-чи, унда унинг баҳридан ўтмоқ керак, жамиятимизда унинг ўрнини босадиган элликта навқирон йигит топилиши ҳеч гап эмас.

Данглар хоним ер билан яксон бўлди, шунга қарамай, бу зарбани даф этиш учун охириги марта тиришиб кўрди.

Вильфорни, бугунги зиёфат вақтида юз берган воқеаларни, кейинги кунларда оила бошига тушаётган бахтсизликларни ўйлаб, ўриндиққа йиқилиб тушди.

Хотини ўзини беҳушликка солиш учун қанча уринмасин, Данглар мутлақо эътибор бермай эшикни ёпиб ўз бўлмасига чиқиб кетди. Шундан сўнг ярим беҳуш ҳолидан ўзига келган Данглар хоним, ёмон туш кўрдим шекилли, деган хаёлга келиши мумкин эди, холос.

IX. НИКОҲ РЕЖАЛАРИ

Оилавий можародан кейин эртасига ҳар сафар министрликка бораётиб Данглар хоним ҳузурига кирадиган вақтда Дебрэнинг извоши банкирнинг ҳовлисига кирмай, ўтиб кетди.

Ана шу пайтда, яъни соат бир яримда, Данглар хоним извошини қўштирди-да, ҳовлисидан чиқиб кетди.

Парда орқасида яшириниб олган Данглар эса хонимнинг чиқиб кетишини кузатиб турарди. Шундай бўлишини у қутган эди. Хоним қайтиши билан уни хабардор қилишни буюрди, ammo соат иккида ҳам хоним қайтмади.

Соат иккида у извош чақирди-да, Палатага бориб, бюджетга қарши сўзламоқчи бўлганлар рўйхатига ёзилиб қўйдн.

Соат ун иккидан иккигача Данглар кабинетидан силжимай, жони чиқиб утирди, шошилинич хатларни ўқиди, сон-саноксиз рақамларни ҳисоблаб чиқди, кишиларни, шулар қаторида майор Кавалькантини қабул қилди. Қирмизи юз, кеккайган ва ҳар нарсани айтилган вақтида бажо келтирадиган майор банкир билан бўладиган ишларни ниҳоясига етказиш учун кеча шартлашилган вақтнинг худди ўзида етиб келган эди.

Данглар Палата мажлисида жуда қизишиб кетди ва министрликни ҳар қачонгидан ҳам кескин, қаттиқ танқид қилди, сунг ташқарига чиқди-да, извошига утириб, Елисей Майдонидаги 30-уйга йўл олди.

Монте-Кристо уйида эди, бироқ олдида биров борлиги учун граф банкирдан бирпас кутишни илтимос қилди.

Шу орада ташқи эшик очилди-да, аббат кийимида бир киши кириб келди, бу зот уй эгаси билан таниш бўлса керак, Дангларга ухшаб кутиб турмади-да, салом бериб, ичкари хонага ўтиб ғойиб бўлди.

Шу онда қоҳин кириб кетган эшик яна очилди-да, Монте-Кристо чиқди.

– Азизим барон, кечиринг мени, – деди граф, – Парижга яқиндагина олижаноб оғайниларимдан бири аббат Бузони келган эди. Ҳозиргина олдингиздан ўтиб кетди, кўргандирсиз. Кўпдан буён бир-биримизни кўрмаган эдик, шу сабабдан у билан дарров хайр-маъзур қилишга кўнглим бўлмади. Сизни анча маҳтал қилиб қўйдим, узр.

– Ҳечқиси йўқ, – деди Данглар, – шунақа бўлиб туради, мен бевақт келиб қопман, ҳозир кетаман.

– Йўқ, йўқ, аксинча, қани марҳамат қилиб утиринг. Ё, тавба, нима бўлди сизга? Бугун жуда бошқача кўринасиз? Мени ваҳимага соляпсиз-ку. Биласизки, бошига қайғу туш-

ган капиталист худди думли юлдузга ухшаб, олам бошига бахтсизлик тушажагидан дарак бериб туради.

– Азизим граф, очигини айтсам, бир неча кундан буён ишим юришмаяпти, кетма-кет хунук хабарлар оляпман.

– Даҳшат! – деди Монте-Кристо, – сиз яна биржада ютқаздингизми?

– Йўқ, мен бу ишни маълум вақтгача йиғиштириб қўйдим. Бу гал Триестда бир ҳамкорим касодга учраб синди.

– Шундайми? Жакопо Манфредининг синганини айтяпсизми?

– Ҳа, ўшани. Бу зот кўндан буён мен билан саккиз юз-тўққиз юз минг франк уртасида муомала қилиб келарди. Қарзини ўз вақтида тўлаб келди, бирор марта ҳам камомат юз бермади, ҳамиша вақтида тўлаб келарди. Тусатдан ана шу Жакопо Манфреди қарзини тўламай қўйди!

– Ростдан-а?

– Қутилмаган бахтсизлик келтирди бошимга бу ҳам. Мен унга олти юз минг ливрлик тўлов вексель юборгандим, у тўламай қайтариб юборибди. Менда яна унинг шу ой охирида тўлаши керак бўлган тўрт юз минг франкли вексели ётибди, буни Париждаги вакили тўлаб қўйиши керак эди. Бугун ўттизинчи, мен пулни ундириб келиш учун хизматчимни юборсам, унинг вакили қочиб кетибди. Бунинг устига Испан воқеасидан хабарингиз бўлса керак. Мана, бир ойда бошимга тушган балойи азимлар.

– Испан воқеасидан унча кўп зарар кўрмаган бўлсангиз керак?

– Роппа-роса етти юз минг франк сармойадан ажралдим.

– Оббо, қандай қилиб қўлга тушиб қолдингиз? Ахир сиз бу ишларда устаси фарангсиз-ку.

– Бунинг ҳаммасига хотиним сабабчи. У тушида Дон Карлосни кўрибди, гўёки Дон Карлос Испанияга қайтиб келган эмиш, хоним тушга ўлгудек ишонадиганлардан. Туш магнетизм, тушда нима кўрсанг, албатта унгингда юз беради, дейди. Мен ҳам унга ишондим-да, хоҳлаган мақомингга уйнайвер, деб рухсат бердим, унинг бу ишда ўз йўл-йўсинлари ва махсус даллоли бор. Хоним ўйнаб ютқазди. Тўғри, менинг пулимга эмас, ўз пулига ўйнаганди. Аммо сиз биласизки, хотин етти юз минг франк ютқазганда, эрнинг бир

оз бўлса-да бунга юраги ачийди. Ия, ҳали сиз буни шу пайтгача билмасмидингиз? Уша куниеъ ҳамма ёқда дув-дув гап тарқалди-ку бу ҳақда.

– Мен эшитгандим, аммо тафсилотини билмасдим, бунинг устига биржада бўладиган ишлардан буткул беҳабарман.

– Сиз биржа уйинида мутлақо қатнашмайсизми?

– Менми? Биржада уйнашга вақт керак, менда бунга вақт қаёқда дейсиз. Даромадларимни ҳисоблашга аранг улгураман. Мабодо уйинга қатнашадиган бўлсам, иш бошқарувчидан ташқари яна битта контора хизматчиси ва хазиначи олишим керак бўлади. Энди Испания воқеасига келсак, менимча, баронесса буни фақат тушидагина кўрмай, газеталарда ҳам ўқиган бўлса керак?

– Сиз газеталарга ишонасизми?

– Асло! Бироқ «Ахборот» қондалардан мустасно тариқасида, фақат ишончли, туғри маълумотларни, телеграф орқали келган хабарларни эълон қилса керак.

– Мени мана шу хуноб қиляпти-да, – деди Данглар. – Ростдан, Дон Карлос қайтибди, деган хабар телеграф орқали олинган эди.

– Демак, шу бир ойда, – деди Монте-Кристо, – сиз тахминан бир миллион етти юз минг франк зарар кўрибсиз-да?

– Тахминан эмас, нақд бир миллион етти юз минг франк.

– Аттанг, учинчи даражадаги бойлик учун бу жуда қаттиқ зарба, албатта, – деди Монте-Кристо ачингансимон.

– Учинчи даражадаги деганингиз нимаси? – деди Данглар бир оз хафа бўлиб.

– Менимча, – деди Монте-Кристо, – уч хил бойлик бор: биринчи даражадаги бойлик, иккинчи даражадаги бойлик, учинчи даражадаги бойлик. Биринчи даражадаги бойлик деб ўз ихтиёрингдаги ерлардан, конлардан ва Франция, Австрия ва Англия каби давлатларнинг қийматли давлат қоғозларидан иборат бўлиб, умумий суммаси юз миллионга етадиган бойликни айтаман. Йилига бир ярим миллион даромад берадиган ва умумий маблағи эллик миллиондан ошиқ саноат корхоналарини, акционер компанияларни, вилоят ҳокимини, князликни иккинчи даражадаги бойлик ҳисоблайман. Учинчи даражадаги бойлик – бу муомаладаги маблағлари ўзганинг иродасига ёки кимнингдир сини-

ши, ё булмаса телеграф хабари туфайли фавқуллодда юз берадиган воқеаларга боғлиқ булган бойлиқдир. Бу даражадаги давлатманд кишилар ҳамма вақт худди қиморбозга ўхшаб «гардкам» дейди-да, ошиғи олчи тушадими, йўқми, толедан куради, бундайларни юқоридаги кучлар билан таққослаб, тубан кучлар деса булади. Буларнинг сохта ёки ҳақиқий маблағи умуман ўн беш миллионга етар-етмасдир. Ахир, сиз мана шу даражадаги бойлик эгасисиз-да?

– Туғри, худди шу даражада, – деди унга жавобан Данглар.

– Бундан шундай хулоса чиқадики, – деди Монте-Кристо вазмин оҳангда сўзини давом эттириб, – ишларингиз яна олти ой мана шу ҳолда давом этаверса, учинчи даражадаги фирмангизнинг куни битаркан-да.

– Оғзингизга қараб гапиринг-э! – деди Данглар қошларини чимириб.

– Ҳа, ҳўп, олти ой эмас, етти ой дейлик, – сўзида давом этди граф ҳалиги оҳангда. – Менга қаранг, етти карра бир миллион етти юз минг – бу қарийб ўн икки миллион бўлишини бундоқ ўйлаб кўрганмидингиз?.. Ҳечам-а? Ҳўп дуруст қилган экансиз-да; мабодо шундай ўй-хаёлга фарқ бўлиб қолганда ўз сармоянгизни зўр хавф-хатарга солиб қўйган бўлур эдингиз, бу эса маданиятли зотнинг териси шилиниб таназулга юз тутиши демақдир. Биз ҳашамли, башанг кийиб юрамиз, бизни сиртдан салобатли қилиб кўрсатиб турадиган ҳам ана шу кийим. Бироқ дунёдан кўз юмгач, одамнинг фақат териси қолади. Сиз ҳам худди шу мақомдаги зотлардан бўлиб, ишни йиғиштирасиз-да, ўзингизнинг асосий сармоянгиз билан, яъни жуда кўп деганда беш ёки олти миллион билан қоласиз. Издан кетаётган локомотивнинг ўзидан кура тутуни ваҳимали кўрингандек, зеро, учинчи даражадаги мулк қанчалик улкан бўлиб туюлмасин, аслида унинг қиймати чамадагидан икки ёки уч баравар паст туради. Шундай қилиб, сиз беш миллиондан иборат асосий сармоянгиздан ҳозиргина икки миллиондан маҳрум бўлдингиз. Шунга қараб сохта сармоянгиз ҳам, яъни кредитлар ҳам камайибди, бошқача қилиб айтганда, жаноб Данглар, сизнинг танингиздан шу қадар кўп қон олганларки, борди-ю, буни яна тўрт марта такрорлагудек

булсалар, еруғ дунё билан хайр-маъзурни насия қилиш ҳеч гап эмас. Эҳтиёт булинг, азиз дустим! Эҳтимол, пулга муҳтожлик сезаётгандирсиз? Истасангиз, қарз бериб туришим мумкин?

– Ҳисоб-китобда йуқ экансиз! – деди хитоб қилиб Данглар иложи борича узини босишга ҳаракат қилиб. – Худди мана шу дақиқада ҳамёним бошқа жуда қулай йуллар билан тудди. Йуқотилган қон овқат билан тикланади. Мен Испания жанггида ютқаздим. Триестда шатта едим, аммо ҳинд флотим бир неча кемаларни эгаллаб олгандир. Мексикадаги одамларим бирор жойда контопишгандир.

– Жуда соз! Жуда соз! Аммо яранинг урни ҳали битганича йуқ, биринчи талафотдаёқ яна очилади-да, фасод боғлайди.

– Йуқ, чунки мен туғри иш қилаётган булсам керак, – деди Данглар мақтанишга одатланиб қолган қаллобларча мақтаниб, – мени букиш баайни уч мамлакат ҳукуматини ағдарганга ўхшаган гап.

– Нима бупти! Шундай воқеалар булган.

– Мени хонавайрон қилиш барча ҳосилни барбод қилиш деган гап.

– Ҳа, етти семиз ва етти ориқ сигирни эсланг.

– ...Ёки фиръавнлар замонасидагидек денгиз сувлари қирғоқдан тошмоғи шарт, денгизнинг сон-саноғи йуқ, кемалар урнини карвонлар босади, холос.

– Буниси яна соз, азизим Данглар, – деди Монте-Кристо, – мана энди янглишганимни тушундим, сиз аслида иккинчи даражадаги капиталистлар қаторида экансиз.

– Ҳа, ушалар қаторидан жой олишга ҳақлиман, деб айтишга журъат эта оламан, – деди Данглар ясама табассум билан; унинг бу табассуми Монте-Кристога нуноқ рассомлар харобаларни суратга олганда мой буюққа чаплаб ташлайдиган ойни эслатди. Амалий ишлар туғрисида гап очган эканмиз, – қушимча қилди у, гап бошқа ёққа бурилганидан суюниб, – сизга бир саволим бор! Сизнингча, жаноб Кавалькантига нима қилмоғим керак?

– Агар сизнинг банкингизга унинг ваколоти булса ва сиз унга ишонсангиз, пул беринг.

– Ишонганда қандоқ! У бугун қирқ минг франкли чек келтирди, чек сизнинг адресингизга ёзилган ва Бузони имзо чеккан, орқасида сизнинг бланкангиз бор. Мен дарров унинг қўлига қирқтани санаб тутқаздим.

Монте-Кристо маъқуллаган бўлиб, бошини қимирлатди.

– Шошманг, бу ёғига қулоқ солинг, – давом этди Данглар, – у менинг банкимда ўғлига ҳам кредит очди.

– Ноқулай савол берсам айбга буюрмайсиз: ўғлига қанча бераркан?

– Ойига беш минг франк.

– Йилига олтмиш минг! Мен ҳам худди шундай деб уйлагандим, – деди Монте-Кристо елкасини қисиб. – Кавалькантилар утакетган хасис одамлар. Ёш йигит учун ойига беш минг франк нима деган гап?

– Мабодо йигитчага яна бир неча минг зарур бўлиб қолса...

– Ортиқча пул берманг унга, отаси буни ҳисобга олмайди, итальян миллионерларини сиз ҳали яхши билмайсиз, улар утакетган Гарпагонлар.¹⁰ Бу кредитни унга ким очибди?

– Флоренциянинг энг яхши фирмаларидан ҳисобланган Фенци банки.

– Мен, зарар қуришингиз мумкин, демоқчимасман, мутлақо, лекин кредит доирасидан ташқари чиқманг.

– Демак, сиз Кавалькантига унчалик ишонмас экансизда?

– Менми? У имзо чекса, мен ун миллион ҳам бериб юборавераман. Менинг тақсимотим буйича, азизим барон, Кавалькантининг сармойеси иккинчи даражадаги бойликка тенг келади.

– У қўринишда жуда оддий киши. Мен уни оддий бир майор деб уйлашим ҳам мумкин эди.

– Унинг иззатини жойига қўйган булур эдингиз; бу гапингиз тўғри, фариштаси йўқроқ одам. Мен ҳам уни дастлаб қурган вақтимда эғнида ҳарбий мундир бор эди, шунда уни моғор босган биронта кекса поручик бўлса керак,

¹⁰ Гарпагон – Мольернинг «Қурумсоқ» номли комедиясидаги бош қаҳрамон. Унинг номи ута хасислик тимсоли бўлиб қолган.

деб уйлагандим. Лекин италянларнинг ҳаммаси кўринишда шунақа бўлади, агар шарқ афсунгарлари сингари ўз зеболиги билан кишини танг қолдирмаганларида уларни қари яхудийларга ухшатиш мумкин эди.

– Уғли кўринишда анча дуруст, – деди Данглар.

– Менимча, бир оз тортинчоқ, аммо одобли йигит. Мен ундан бир оз хавфсирадим.

– Нега?

– Уша сиз уни меникида кўрган кўнингиз унинг биринчи марта оқсуяклар даврасига қўшилиши экан. Менга шундай дейишди. У қаттиқ қўл мураббий билан сайр-ҳаво қилиб юргани билан шу пайтгача Парижни кўрмаган экан.

– Айтишларига қараганда, италянлар зодагони одатда ўз доирасидаги аёлга уйланармиш, шу тўғрими? – бепарволик билан суради Данглар. – Улар ўз бойликларини бир-бирлариникига қўшишни яхши кўришаркан.

– Тўғри гап. Лекин Кавальканти бошқача одам, ҳамма нарсани ўз фойдасини кўзлаб қилади. У ўғлини шубҳасиз, Францияга уйлантиргани олиб келган.

– Сиз шундай деб уйлайсизми?

– Бунга имоним комил.

– Бу ердагилар унинг бадавлат эканлигини билишади-ми?

– Бу ҳақда кўп гапиришяпти. Бир хил одамлар унинг беҳисоб мол-дунёси бор деса, бошқалари ҳемириса ҳам йўқ, дейишяпти.

– Сизнинг фикрингиз қандай?

– Менинг ҳам ўзимга яраша фикрим бор, илло, бунга эътибор бермаса ҳам бўлаверади.

– Ҳар қалай, қандай фикрдасиз?..

– Биласизми, Кавальканти бир вақтлар армияга бошчилик қилган, вилоят сураган одам. Менимча, бунақа зотларнинг ер юзининг турли томонларида бекитган беҳисоб мол-дунёлари бўлади, буни фақат уруғнинг кексаларигина билиб, авлоддан авлодга ўтказиб келишади. Уларнинг юзлари худди республика давридаги олтин танга сингари сарғайиб, безбет бўлиб кетишининг боиси ҳам ана шунда. Бундай зотлар, ана шу олтиннинг шуъласи бизнинг юзимизда ўз аксини топган-да, деб кўпдан буён мақтаниб юришади.

– Худди шундай, – деди Данглар, – бу гапингизнинг туғри-лиги шундан кўриниб турибдики, улардан бирортасининг ҳам бир парча ери йўқ.

– Булганда ҳам жуда оз, мен ҳам Кавалькантининг Лук-кадаги саройидан бошқа ҳеч нарчасини кўрганим йўқ.

– Унинг саройи борми ҳали? – деди кулиб Данглар. – Чакки эмас-ку!

– Биргина саройни ҳам у молия министрига бериб юбо-рибди, ўзи эса кичкина бир ҳовлида истиқомат қиларкан. Мен сизга уни ўлгудек қурумсоқ одам деб айтдим-ку.

– Сиз уни унчалик хуш кўрмайсиз, шекилли.

– Ахир мен унинг кимлигини яхши билмайман, у би-лан фақат уч марта учрашдим, холос. Унинг ҳақида бил-ганларимни аббат Бузонидан ва ўзидан эшитдим. Бугун у менга ўғли туғрисидаги режаларини айтди ва жамғарма-ларимни даромад келтирмайдиган Италияда сақлаш жо-нимга тегди, бундан кейин уларни Францияга ёки Англи-яга олиб келиб, муомалага қўймоқчиман, деди. Бироқ билиб қўйингки, аббат Бузонига ишончим зур бўлса-да, мен бу борада ҳеч қанақа жавобгарликни гарданимга олмайман.

– Менга бунинг аҳамияти йўқ, мизож топиб берганингиз учун сиздан миннатдорман, бунақа номлар мизожлар рўйха-тини гуллатади, мен Кавалькантиларнинг кимлигини хази-начимга гапириб берганимда, унинг ҳаваси келди. Айтмоқ-чи, бу зотлар ўғилларини уйлантирганда қалин беришар-микан? Мен буни шунчаки, қизиққанымдан сўраяпман.

– Беришади, лекин ҳаммаси эмас. Масалан, мен тоскан зодагонлари наслидан бир тўрани биламан, унинг беҳисоб мол-дунёси бор. Унинг ўғиллари отасига ёққан қизга уй-ланса, уларга мол-дунёни аямай беради, мабодо унинг хо-ҳишига юрмай, бошқага уйланишса, ойига ўттиз экю бе-риб туради, холос. Андреа отасининг хоҳишига қараб уй-ланса, майор унга икки-уч миллион бериши турган гап. Ма-салан, Андреа уйланадиган қиз банкирнинг қизи бўлса, у ҳолда майор қудасининг ишларида қатнашса, эҳтимол. Борди-ю, келин унга ёқмаса, унда иш чаппасига кетди, дея-веринг: падари бузруквори Кавальканти хазинасининг ка-литини опади-да, қулф солади-қўяди. Унда бизнинг Андреа

Парижнинг номи улуғ, супраси қуруқ олифтаси сингари яшашга, қарта сузиб, ошиқ отиб юришга мажбур бўлади.

– Бу йигит бавар ёки перуан маликасига уйланар, у князнинг тахтини эгаллаб, унинг рафиқасига уйланиб, Эльдо-радо Потоси мулкини бошқаришни истар.

– Адашяпсиз, аксинча, бу донгдор италянлар купинча оддий кишиларга уйланишади. Улар худди Юпитерга ўхшаб, насларнинг аралашиб кетишини истайдилар. Бироқ, ўзи нима гап, азизим барон? Нега менга ҳадеб бунақа саволлар беряпсиз? Андреанинг бошини иккита қилиб қўймоқчисиз, шекилли?

– Нима қипти, – деди Данглар, – бу оқилона иш бўларди, ахир мен иш кўзини биладиган одамман-ку!

– Мадемуазель Дангларга эмасдир? Альбер бечора Андреанинг бошини танидан жудо қилишини истамассиз дейман?

– Альбер! – деди елкасини қисиб Данглар. – Унга барибир.

– У қизингизга унаштириб қўйилган эмасми?

– Бу ҳақда Морсер билан иккимиз гаплашгандик, бироқ де Морсер хоним ва Альбер...

– Наҳотки сиз уни муносиб куёв деб билмасангиз?

– Менимча, мадемуазель Дангларнинг виконт де Морсердан кам жойи йўқ!

– Данглар хонимнинг сеп-сарпоси, телеграф тентаклиги ҳисобга олинмаса, чиндан ҳам озмунча бўлмаса керак.

– Гап фақат сеп-сарпода эмас. Ҳа, айтмоқчи, сиз нега...

– А?

– ... нега Морсерни ота-онаси билан меҳмондорчиликка айтмадингиз?

– Айтгандим, бироқ у Морсер хоним билан бирга Дьепга бориши зарур экан, хонимга денгиз ҳавосидан баҳраманд бўлишни маслаҳат беришипти.

– Шундай денг? – деди кулиб Данглар, – денгиз ҳавоси унга фойдали бўлса керак.

– Нега энди?

– У ёшлигидан денгиз ҳавосига ўрганган экан.

Монте-Кристо ўзини бу илмоқли гапни эшитмаганга олди.

– Ҳар қалай, – деди у, – Альбер мадемуазель Дангларчалик бойвачча бўлмаса-да, танилган йигитлардан.

– Нима бўпти: бу соҳада мен улардан қолишмасам керак.

– Шубҳасиз, сизнинг номингиз ҳам улуғ. Бунинг устига, унвон бериб шуҳратингизни оширмақчи бўлишган, лекин номнинг ўзи унвонсиз ҳам улуғлиги кўриниб турибди-ку. Бироқ, сиз тушунадиган одамсиз, баъзи бидъатлар жамиятда чуқур томир отган, уларни йўқотиш амри маҳол, шу сабабдан беш юз йилдан бери яшаб келаётган дворянлик эндигина йигирма ёшга тўлган дворянликка нисбатан ҳамон юксак эканлигини биласиз.

– Мана шунинг учун ҳам, – деди Данглар кинояомуз жилмайишга уриниб, – мен Альбер де Морсердан Андреа Кавалькантини афзал кўраман.

– Менимча, Морсерларнинг ҳеч нарсада Кавалькантилардан қолишадиган жойи йўқ бўлса керак? – деди Монте-Кристо.

– Морсерлар!.. Азизим граф, менга қаранг. – деди Данглар, – сиз ахир олифтанамосиз-ку! Шундайми?

– Шундай.

– Гербларнинг ҳам билағони, туғрими?

– Қисман.

– Шундай бўлса, меникига бир қаранг, бу Морсерникига қараганда инобатлироқ бўлса керак?

– Нечун?

– Шунинг учунки, мен туғма барон бўлмасам-да, ҳар ҳолда Дангларман.

– Ҳуш, нима бўпти?

– У эса аслида Морсер эмас.

– Нега энди Морсер эмас экан?

– Ҳечам.

– Нима деяпсиз ўзи?

– Менга кимдир барон деган унвон берган, демак, ҳақиқий баронман; у эса граф номини ўзига ўзи тақиб олган, шунинг учун у граф эмас.

– Бундай бўлиши мумкин эмас!

– Менга қаранг, – сўзида давом этди Данглар, – Морсер менинг ўттиз йиллик қадрдон оғайним, ишни нимадан бошлаганимни эслаб, мен гербим билан ортиқча мағрурланмайман.

Бу ё улугвор муминлик, ёки ута такаббурлик аломати, – деди Монте-Кристо.

– Очигини айтсам, мен паст даражадаги хизматчилигим вақтида Морсер оддий бир балиқчи эди.

– Ушанда оти нима эди?

– Фернан.

– Фақат Фернаннинг узими?

– Фернан Мондего.

– Бунга имонингиз комилми?

– Комил бўлганда қандай! Мен ундан жуда кўп балиқ сотиб олардим.

– Ундай бўлса, нега қизингизни унинг уғлига беряпсиз?

– Чунки, Фернан ҳам, Данглар ҳам сохта мансабдор, турли ҳийла-найранглар билан дворян унвонига эга бўлиб олишган, мол-дунё туплаш, фирибгарликда бири биридан қолишмайди. Аммо одамлар унинг тўғрисида баъзи нарсаларни гапиришади, менинг ҳақимда эса индашмайди.

– Нима экан у?

– Ҳа, шунчаки гап-да.

– Англаб турибман, бу сузларингизни эшитиб Фернан Мондего номи билан боғлиқ бўлган баъзи воқеалар эсимга келди. Бу номни мен Грецияда эшитгандим.

– Алипошо воқеаси муносабати билан бўлса керак-да?

– Худди шундай.

– Буни у сир сақлайди, – деди айтганда, бу сирни ошқора қилувчига истаганини берардим.

– Бу қийин эмас.

– Қандай қилиб?

– Грецияда бирор вакилингиз бордир, албатта?

– Бўлмасам-чи!

– Янинада-чи!

– Истаган жойда топилади.

– Янинадаги мухбирингизга хат ёзинг-да, Али-Тебелининг ҳалокатга йулиқишида Фернан номли француз қандай роль уйнаган, деб суранг.

– Бу гапингиз тўғри! – деди Данглар шиддат билан урнидан туриб. – Шу бугуноқ ёзиб юбораман.

– Ёзиб юборинг.

– Албатта ёзаман.

– Мабодо бирор жанжалли воқеадан хабардор бўлсангиз...

– Мен сизга хабар қиламан.

– Сиздан жуда миннатдор бўлур эдим. Данглар уйдан югуриб чиқди-да, тезда извошга утирди.

Х. ҚИРОДЛИК ПРОКУРОРИНИНГ КАБИНЕТИ

Банкир уйига от чоптириб кетаверсин, биз Данглар хонимнинг эрталабки сайрини кузатайлик.

Соат ун икки яримда Данглар хоним извош қўштириб уйдан жунаб кетганини биз боя айтган эдик.

Ушаҳар яқинидаги Сен-Жермен томонга йўл олиб, Мазарини кўчасига бурилди-да, Янги кўприк гузаридан извошни тўхтатди.

Хоним пастга тушиб, гузардан нариги ёққа ўтди. У эрталаб бирон юмуш билан кўчага чиқадиган аёл сингари оддийгина кийинган эди.

У Генега кўчасига бориб киракаш извошга ўтирди-да, Арле кўчасига юришни буюрди.

Данглар извошга жойлаштириб олиб, чўнтагидан чачвонга ўхшаш тўр парда олиб, сомон шляпаси устига ёпди, сўнг яна шляпасини кийиб, тўрни юзига ташлади-да, кичкина ойнага қаради. «Мана энди фақат оппоқ баданимни ва чакнаб турган кўзларимнигина кўришлари мумкин», деб ўзича қувонди.

Извош Янги кўприқдан ўтиб, Дофина майдонидан Арле хонадони томон бурилди, ҳайдовчи извош эшигини очган заҳоти хоним кира ҳақини берди-да, зинага югурди.

У чопқиллаб юқори чиқди-да, Товушсиз Қадамлар залига кирди.

Суд биносида эрталаб ҳамиша иш куп бўлади, юмуш билан банд кишиларнинг хотин-қизларга қарашга ҳам вақти бўлмайди. Данглар хоним Товушсиз Қадамлар залидан ўтди; уз адвокатларини кутиб турган беш-ўнта нотаниш аёллардан ташқари унга унчалик эътибор берадиган одам бўлмади.

Вильфорнинг қабулхонаси гавжум эди, шундай бўлса-да, Данглар хоним котибасига номини айтмади, у кириши

билан чопар югуриб келди-да, жаноб прокурор чақиртирган хоним узларими, деб суради ва тасдиқ жавоби олгач, Данглар хонимни махсус даҳлиз орқали Вильфорнинг кабинетига олиб кирди.

Қироллик прокурори курсида орқасини эшикка угириб ёзиб утирарди. У эшик очилганини, чопарнинг «Марҳамат, бекам» деганини ва эшик ёпилганини эшитди, бироқ қимир этмай утираверди, чопарнинг оёқ товуши тиниши билан тез урнидан туриб, эшикни қулфлади, пардаларни ёпди ва хонага кўз югуртириб чиқди.

Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, кўнгли жойига тушди ва: «Худди айтилган вақтда келдингиз, бунинг учун раҳмат сизга, бекам», деди.

Вильфор курси суриб қўйди, Данглар хоним утирди, унинг юраги гупиллаб урар, нафаси сиқиларди.

– Бекам, кўпдан буён сиз билан хилватда танҳо суҳбатлашмаган эдим, – деди қироллик прокурори ва курсига чўкди-да, Данглар хоним рупарасига утириб олди, – минг афсуски, бугун иккимиз жуда оғир масала ҳақида гаплашиб олиш учун учрашдик.

– Мен эса, бу суҳбат сизга қараганда мен учун кўпроқ оғир бўлишига қарамай, ҳузурингизга бир чақиришдаёқ етиб келдим.

Вильфор қошларини чимириб, илжайиб қўйди.

– Демак, – деди у Данглар хонимнинг сузларига эмас, уз миясида пайдо бўлган фикрларига шарҳ бериб, – демак, барча хатти-ҳаракатимиз утмишимизда гоҳ мудҳиш, гоҳ ёрқин из қолдиради деганлари ҳақ экан-да! Ҳаёт йўлида босган қадамларимиз қўмда юрадиган жониворларнинг ўрмалашига ўхшайди, деганлари ҳақ экан-да! Ҳайҳот, кўп одамлар ана шу изларни кўз ёшлари билан суғурдилар!

– Жаноб, – деди Данглар хоним, – куриб турибсизки, мен ниҳоятда қаттиқ ташвишга тушиб келдим. Раҳм қилинг менга. Бу хонада, мана бу курсида ҳисобсиз шармандаю шармисор бўлган жиноятчилар титроқ босиб утиргандилар... Мана, энди бу курсида мен ҳам худди ўшалар каби шарманда бўлиб, қалтираб утирибман! Биласизми, мен ҳозир ўзимни жиноятчи деб ҳис этмаслик ва даҳшатли су-

дья олдида утирибман деб сезмаслик учун бутун ақл-хушимни йиғиб олмоғим керак.

Вильфор бошини чайқаб оғир нафас олди.

– Мен эса, – эътироз билдирди у, – мен эса узимга-узим: «Сен Вильфор, судья курсисида эмас, жиноятчининг курсисида утиришинг керак», деяпман.

– Сиз-а? – деди таажжубланиб Данглар хоним.

– Ҳа, мен.

– Назаримда, сиз гапни ошириб юборяпсиз, бунга сабаб афтидан, пуританча қарашларингиздир, – деди Данглар хоним, шу он унинг жозибадор кўзлари чақнаб кетди. – Сиз айтгандек, кимнинг жўшқин ёшлиги из қолдирмапти? Барча шавқ-завқлар замири, тавба-тазарру, пушаймон ётганлигини ким билмайди дейсиз! Бунинг боиси: бахти қароларнинг қадимий бошпаноҳи бўлмиш Инжил биз шўрлик аёлларга гуноҳкор паризод ва фоҳиша хотинни муносиб ҳомий деб тақдим этди. Очиғини айтсам, ёшлик давримдаги ҳаю ҳавасга муккадан кетиб, қилмиш-қидирмишларимни эслаганда, баъзан Тангрим бу гувоҳларимни кечирар деб умид қиламан, чунки бошдан кечирганим азобуқубалар гуноҳларимни оқламаса-да, ювиб кетар. Аммо сиз нимадан қурқасиз? Сиз эркакларни жамоат ҳамиша оқлайди.

– Хоним, – эътироз билдирди Вильфор, – сиз мени яхши биласиз. Мен риёкор эмасман, ҳар ҳолда ҳеч маҳал асоссиз риёкорлик қилмаганман. Ҳамиша қовоқ солиб юришим беҳисоб бахтсизликдан. Агар бағрим тош бўлмаганда, бошимга тушган кулфатларга чидаб булармиди? Ёшлигимда ҳам, никоҳ куни Марселда Гран-Кур кучасида стол теварагида утирганимизда ҳам ҳозиргидек қовоғимдан қор ёғиб турмасди. Аммо ушандан буён қанча сувлар оқиб утди-ю, менда ҳам, атрофимда ҳам кўп нарсалар ўзгарди, умримни йўлимдаги ғовларни улоқтириб ташлашга сарф этдим, йўлимга билиб ёки билмай, жўрттага ёки беихтиёр ғов солмоқчи бўлганларни қақшатдим. Сен жон-диллинг билан истаган нарсани бошқалар ҳам истамаслиги камдан-кам учрайди. Ана шу истаганингни улар қўлидан тортиб олиш йўлида ўлиб-тирилиб ҳаракат қиласан. Аслида кўп кишилар ўзи учун зарур нарсани эгаллаб олиш йўлида ҳеч нарса-

дан қайтмай жиноятга йул қуйишади, ҳаяжон, ваҳима ёки тентаклик юз берган дақиқада жиноят қилиб қўясан-да, сунг бу ноҳуя ишни қилмаслигим ҳам мумкин эди-ку, деб афсусланасан. Уша эс-ҳушингни йўқотиб, кузингга ҳеч нарса кўринмай қолган дақиқада қўлланиб иш кўриш керак бўлган йул-йўсин жуда жун ва осон эканлиги маълум бўлиб қолади, ана шунда ўз-ўзингга: «Мен бунисини қўйиб, унисини қилсам буларди-ку», дейсан. Сиз аёллар, аксинча, камдан-кам афсусланасизлар, чунки ўша пушаймон бўладиган ишни кўпинча ўз ихтиёрингиз билан қилмайсиз, сиз ҳеч вақт бахтсизликка ўз ихтиёрингиз билан дучор бўлмайсиз, деярли ҳар гал бошқа жиноятчининг касофатига қолиб юрасиз.

– Ҳар ҳолда, – деди жавобан Данглар хоним, – мен бунда айбдорманми, йўқми, бу ишларнинг барчасида жавобгарманми, йўқми, ҳар қалай кеча қақшатқич даражада қаттиқ жазоланиб, балога қолдим. Сиз буни эътироф этишингиз лозим.

– Э, шўрлик аёл! – дели хонимнинг қўлини қисиб Вильфор. – Ҳақиқатан ҳам ниҳоятда оғир азият чекдингиз, шу қадар оғирки, ҳатто икки марта тинкангиз кўриб, ҳолдан тойиб чалқанча тушишингизга сал қолди, бироқ шунга қарамай...

– Шунга қарамай?

– Ҳа, шунга қарамай, мен сизга шуни айтиб қўяйки, ҳали буниси ҳолва, бу ёғи бундан баттар бўлади.

– Э, Парвардигор! – хитоб қилди Данглар хоним, – яна қандай бало бор бошимизда?

– Сиз фақат ўтмишни ўйлаяпсиз, тўғри, ўтмиш мудҳиш бир зимистон, аммо келажакни бундан ҳам мудҳиш, қабих деб билинг, хоним, ҳа, бундан ҳам мудҳиш, бундан ҳам даҳшатли бўлиши мумкин, бу шубҳасиз!

Хоним Вильфорнинг совуққон, вазмин одам эканини биларди, бироқ шу онда унинг бунчалик ҳаяжонга, ваҳимага тушганини кўриб, кўрққанидан кичкириб юборишига сал қолди.

– Бу мудҳиш, даҳшатли ўтмиш қандай қилиб юзага чиқиб қолди? – хитоб қилди Вильфор. – Ўтмишнинг бу шарпаси гур тагидан, юрагимиз тубидан қандай қилиб юзага

чиқди-ю, ошкора бўлиб қолди, қандай қилиб бизни ваҳи-
мага солиб, номусга қўйди?

– Бу шунчаки бир тасодиф.

– Тасодиф? – деди эътироз билдириб Вильфор. – Йўқ,
йўқ, минг карра йўқ, хоним, тасодифан ҳеч нарса юз бер-
майди!

– Ундай эмас, ахир буларнинг ҳаммаси тасодиф булмай
нима буларди? Граф Монте-Кристо бу ҳовлини тасодифан
сотиб олган, ерни ҳам тасодифан қазитган. Уша бахти қаро
гудакни дарахтлар остини ковлаб турганда топиб олишлар
ри тасодиф эмасми, ахир? Оҳ, менинг шурпешона қузичо-
ғим, бирор марта уполмагандим-а! Уни деб дарё-дарё куз
ёши гўкдим! Граф гуллар тагидан топилган уша азиз жасад
туғрисида сўз очганда бутун вужудим билан граф куксига
отилмоқчи бўлдим!

– Йўқ, асло ундай эмас, хоним, асло, – деди бўғиқ товуш-
да Вильфор, – мана бу ёғини эшитинг, даҳшатлиси бу ёқда:
гуллар тагидан ҳеч қанақа гудак жасади топилган эмас. Бу
ерда куз ёши тукишга ҳожат йўқ, оҳ-воҳ уришнинг ҳеч ким-
га кераги йўқ! Талвасага тушмоқ керак, талвасага!

– Бу билан нима демоқчисиз? – деди аъзойи баданини
титроқбосган Данглар хоним.

– Демоқчиманки, граф Монте-Кристо уша дарахтлар та-
гидан гудак жасадини ҳам, яшикчанинг темир қисмлари-
ни ҳам топиши мумкин эмасди, чунки у ерда бола жасади
ҳам, яшикча қисмлари ҳам йўқ эди.

– Униси ҳам, буниси ҳам йўқмиди? – такрорлади Данг-
лар хоним қироллик прокурорига кузларининг пахтасини
чиқариб қараб. – Униси ҳам, буниси ҳам-а? – яна такрорла-
ди хоним, тузғиб бораётган фикрини сўзлар ва ўз товуши
билан тухтатмоқчи булган одам қиёфасига тушиб.

– Ҳа, униси ҳам, буниси ҳам йўқ эди! – деди Вильфор
куллари билан юзини бекитиб.

– Демак, сиз шурлик гудакни у ерга қўммаган экансиз-
да? Нечун мени алдадингиз? Нечун?

– У ерга қўммагандим. Шошманг, аввал эшитинг менинг
гапларимни, эшитгач, ғазабланмайсиз, ачинасиз менга.
Орадан йигирма йил ўтди, лекин мен бу сирни виждон азо-

бида ичимда сақлаб, сизга айтмай келган эдим, энди ҳам масини очиб соламан.

– Оҳ, Тангрим, узинг кечир бу гуноҳкорингни! Сиз мени даҳшатга соляпсиз! Иложим қанча, гапиринг, қулоғим сизда.

– Ўша деворларида қип-қизил парда қопланган хонада бутун тунни нафас ололмай қийналиб утказганингиз эсингизда булса керак, мен ҳам, минг машаққат билан охирини кутиб, Ҳақ деб, утирдим. Бола оламга келди, уни менга топширдингиз, гудак нафас олмас, қимир этмасди, биз уни ўлганга чиқардик.

Данглар хоним ирғиб урнидан тураётгандек утирган жойида бесаранжом қузғалиб қуйди.

Вильфор уни тўхтатди-да, бу ёғини эшитинг, дегандек қўлларини кўтарди.

– Шу зайлда биз уни ўлдига чиқардик, – деди Вильфор, – мен уни тобут урнини босадиган яшикчага солдим-да, боққа олиб тушиб, шошиб-пишиб кўйдим, тупроқ тортиб бўлган ҳам эдимки, менга корсикалик ҳужум қилиб қолди, кўз олдимда лип этиб аллакимнинг сояси кўринди. Оғриқ сездим, қичқирмоқчи ҳам бўлдим, аъзойи баданимни қора тер босди, томоғимга бир нарса тиқилди, ерга ағдарилиб тушдим, энди тамом бўлдим, деб уйладим, сўнг ҳушимга келиб аранг зинагача эмаклаб келганимда, сиз мадорсиз ҳолда олдимга тушиб келдингиз, бу даҳшатли воқеани ниҳоятда сир сақлаш зарур эди, мардлик қилиб уйингизга энагангиз билан қайтиб бордингиз, мен эса дуэлда яраландим, деб баҳона қилдим. Бу сирни махфий сақлашга муваффақ бўлдик, дастлаб бу сирни сақлаш қийин бўлса керак, деб қўрққандим. Мени Версалга олиб боришди. Уч ой касал билан олишиб нари бориб-бери келдим; пировардида, аста-секин оёққа турдим, менга жанубнинг қуёши ва ҳавосида шифоланишни маслаҳат беришди. Турт киши мени Париждан ҳар куни кўп деганда олти пье йўл босиб, Шалонга олиб боришди. Вильфор хоним извошда изма-из борди. Шалондан кемага тушиб Сонедга, ундан Ронедга сайр қилдим, сўнг оқим буйлаб Арлонега бордин. Арлонеда мени яна замбилга солиб олиб кетишди, шу зайлда Марселга етиб олдим. Соғлигим ярим йил деганда тикланди. Шу давр ичида

сиздан ҳеч дарак ололмадим; хонимнинг аҳволи қалай деб бировдан сурашга журъат этолмадим. Парижга қайтгач, бева қолганингизни ва Дангларга текканингизни билдим. Ақли ҳушим жойига тушган кундан бошлаб фикр-хаёлим уша гудакнинг жасади билан банд эди. Ҳар кун кечаси тушимда у гуридан чиқиб менга муштини уқталарди. Парижга қайтиб келгач, бу уйда биз чиқиб кетгандан буён ҳеч ким яшамаганини ва яқиндагина туққиз йилга ижарага берганларини эшитдим. Уйни ижарага олган киши олдига бориб марҳума рафиқамнинг ота-онасига қарашли бу уйнинг бегона кишининг қўлига ўтиб кетишини асло истамайман, деб баҳона қилдим-да, шартномани бузишни таклиф этдим ва жаримасини тўлашга тайёрман, дедим. Мендан олти минг франк талаб этишди, ун минг десаям, йигирма минг десаям тўлашга тайёр эдим. Пулим чўнтагимда эди. Дарров шартнома бекор қилинди, бунга эришгач, шу заҳотиёқ Отейлга от чоптириб кетдим. Ўша мен чиқиб кетгандан бери уйга одам зоти кирмаган.

Соат кундуз беш эди, қизил бўлмага чиқдим-да, қоронғи тушишини кутдим.

Шу пайтда йил бўйи менга тинчлик бермай келган ваҳима яна кучайиб кетган эди.

Ўша корсикалик махлуқ менга хундор душман эди, у Нимдан то Парижгача кетимдан пойлаб келган, сўнг боғда яшириниб пайт пойлаб, менга ханжар урган. У гур ковланимни, гудакни кўмганимни кўрган албатта, у сизнинг кимлигингизни билиб олиши мумкин, эҳтимол, билгандир ҳам... Бир кун эмас-бир кун келиб сиздан сирни сақлаш учун ҳақ тўлашни талаб этса нима бўлади?.. Мени ханжар билан ўлдирмаганини билса, бу унинг учун энг лаззатли қасос бўлади. Шу сабабдан ўтмишнинг изларини мумкин қадар тезроқ йўқотиш зарур эди.

Шартномани бекор қилишимнинг, бу ерга от чоптириб келиб кутиб туришимнинг боиси ҳам шунда эди.

Қош қорайди, батамом қоронғи тушишини кутдим, чироқ ҳам ёқмагандим, шамол пардаларни ҳилпиратарди, назаримда ана шу пардалар ортида айғоқчилар тургандек туюларди-да, ўқтин-ўқтин сесканиб қўярдим. Орқамдаги каравотда худди сиз инграётгандек бўлардингиз, орқага

утирилишдан қурқардим, уша даҳшатли сукунатда юрагим гупиллаб ураётганини барала эшитиб турардим. У шунчалик қаттиқ урардики, энди ярам яна очилиб кетса керак, деб уйлардим. Қишлоқдаги барча товушлар бирин-кетин тинди. Энди ҳеч нарсадан хавотир олмасам булади, мени ҳеч ким эшитмас ва кўрмас, дедим-да, боққа тушишга қарор қилдим.

Биласизми, Эрмина, мен бошқаларга нисбатан қурқоқ эмасман. Бироқ зинанинг кўксимда осифлиқ калитини олиб (бу калит иккимиз учун ниҳоятда азиз эди ва сиз уни олтин ҳалқага солиб юрардингиз), эшикни очганимда ойнинг узун шуъласи деразадан утиб, айланма зинада ажина каби чўзилиб ётганини кўрдиму, утакам ёрилиб, деворга суюниб қолдим, сал бўлмаса ақлимдан озиб, чинқириб юборай, дедим.

Ниҳоят ўзимни тутиб олдим. Аста-секин зинадан туша бошладим, аммо тиззаларимдаги титроқни ҳеч босолмасдим, йиқилиб кетишдан қурқиб зинанинг панжарасини маҳкам ушлаб олган эдим. Шу тарзда пастки эшиккача етиб олдим. Эшик орқасидаги деворга белкурак суюб қўйилган экан. Махфий фонусим бор эди. Майсазорнинг ўртасига бориб тухтадим-да, фонусни ёқиб олиб нари юрдим. Ноябрь ойининг охири эди, хазонрезгилик бўлиб яп-япанғоч дарахтлар узун-узун қўлларини узатиб турар, тукилган япроқлар ва қум оёғим остида шитирларди.

Қурқувдан юрагим қинидан чиқаёзди, дарахтзорга келганда туппончамни олиб тепкисини кутариб қўйдим. Шохлар орқасидан ўша корсикалик махлуқ пойлаб тургандек бўларди менга. Фонусимни ўша шохлар томонга тутдим, ҳеч ким кўринмади. Атрофга алангладим: ўзимдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Сукунатни бузувчи бирор товуш ҳам эшитилмасди. Фақат бойўғли ажиналарни, арвоҳларни чақираётгандек, ваҳимали чинқирарди.

Фонусимни дарахт айрисига илдим, бу айрини ўтган йили гур ковлаганда кўзим остига олиб қўйган эдим.

Ёз бўйи бу ерни қалин ўт босибди, кузда буни ҳеч кимса ўриб ҳам олмабди. Бироқ бир жойда ўт унча ўсмаган эди, қазиган жой шу ер эканини кўриб турардим. Мен ишга тушдим.

Бир йилдан зиёд кутиб юрган пайт ҳам келди!

Зур умид билан тиришиб ковладим, белкурак бир нарсага теккандай буларди-да, яна жон борича ҳаракат қилардим, чимнинг ҳар бир сиқимини синчиклаб текширардим! Ҳеч нима топмадим! Биринчисига қараганда икки баробар катта чуқур қазигандим. Адашиб, бошқа ерни қазидим шекилли, деб уйладим-да, атрофга яна бир назар ташлаб чиқдим, дарахтларни бирма-бир кўздан кечирдим, ушанда кўрганларимнинг ҳаммасини миридан-сиригача бир карра кўз олдимга келтирдим. Яп-яланғоч шохларда суякни зирқирагадиган совуқ шамол увилларди, аъзойи баданимдан шовиллаб тер оқарди. Уша даҳшатли тунда гўр устидаги тупроқни тепиб текислаётганимда ханжар урганлари эсимга тушди, мен ушанда тол новдасига суяниб тургандим. Орқамда сайр қилиб, утириб, ҳордиқ чиқарадиган сунъий қояча бор эди, йиқилаётганда ана шу муздек тошга қўлим тегиб кетганди. Ҳозир эса тол унг ёғимда, қояча эса орқамда. Худди уша кечадаги сингари узимни ерга отдим, сўнг урнимдан турдим-да, яна ковлай бошладим. Яна ҳеч нима топмадим! Яшиқдан нишон ҳам йўқ.

– Йўқ эканми? – деди шивирлаб ваҳима босган Данглар хоним.

– Шу билан кифояланиб қўя қопти-да, деб уйламанг, – давом этди Вильфор, – йўқ. Дарахтзорнинг ҳамма томони ни титиб-тинтидим, корсикалик қотил яшиқ қимматбаҳо нарсаларга тула бўлса керак, деб қазиб олиб кетгану, сўнг ундай эмаслигига ишончи комил бўлгач, яна кўмиб қўйгандир, деб хаёл қилдим. Аммо ҳеч нима тополмадим. Сўнг хаёлимга эҳтиёт чоралар кўришга зарурат йўқ, деб яшиқчани бирор жойга улоқтириб ташлаган бўлиши ҳам мумкин деган фикр келди. Бу ҳолда ишни давом эттириш учун тонг ёришишини кутишим керак эди. Бўлмага қайтдим-да, яна кутдим.

– О, Тангрим!

– Тонг ёришиши билан боққа тушдим. Дастлаб яна дарахтзорни қараб чиқдим, қоронғида кўринмаган бирорта из топилар деб умид қилган эдим. Йигирма футдан зиёдроқ майдонни икки фут чуқурлаб қазидим. Ёллаган ишчи мен бир соатда қилган ишни бир кунда ҳам бажара олмасди. Шунча уриниб ҳеч нарса топмадим, ҳеч нарса!

Кейин, яшикни бир ёққа улоқтиргандир, деб қидира бошладим.

Уни куча эшикка борадиган йулкага ташлашлари мумкин эди. Бу қидириш ҳам натижа бермади. Тимирскилаб яна дарахтзор томонга ўтдим, лекин бу ердан ҳам умидимни узиб қўйган эдим.

– Бундай ҳолларда ақлдан озиш ҳеч гапмас, – деди хитоб қилиб Данглар хоним.

– Бир дам шуни ният қилдим ҳам, – деди Вильфор, – бироқ бу бахт менга ёр бўлмади. Пировардида, бутун эҳушимни йиғиб олдим-да, ўз-ўзимга савол бердим: бу одам мурдани олиб кетиб нима қилади?

– Қўлида даъвою исбот учун бирор ҳужжат бўлишини кўзда тутган бўлса керак, дедингиз-ку ўзингиз, – деди Данглар хоним эътироз билдириб.

– Йўқ, хоним, бундай бўлиши мумкин эмас, мурдани йил бўйи яширмайдилар, уни тегишли давлат органларига топширадилар-да, суроқ берадилар. Шу вақтгача бундай қилмаган эканлар, гап бошқача бўлса керак.

– Нима бўлиши мумкин бошқа? – суради титроқ босиб ияги такирлаётган Эрмина.

– Биз учун бундан ҳам даҳшатли, бундан ҳам машъум, бундан ҳам қўрқинчли ҳодиса юз берган бўлиши мумкин. Чамамда, гўдак тирик бўлган ва уни ўша корсикалик қутқариб қолган.

Данглар хоним ғалати бир овозда қичқириб юборди ва Вильфорнинг қўлидан маҳкам тутиб олди.

– Болам тирик экан-да! – деди у. – Қўзичоғимни тириклайин гўрга тикқан экансиз-да! Уликлигига ишонмасангиз ҳам кўмибсиз-да!

Данглар хоним қироллик прокурори олдида тикка туриб олди-да, ғазабдан ёниб турган кўзларини унга тикиб, нозик қўллари билан унинг қўлларини эди.

– Мен қаёқдан билай. Фақат шундай бўлса керак, деб тахмин қиляпман, – жавоб қилди Вильфор, у шу пайт бақрайиб қолганди, бу ҳол кучли ирода эгаси бўлмиш бу зотнинг инқироз жари ёқасига бориб қолганидан дарак бериб турарди.

– Менинг болам, менинг шурлик қузичоғим! – хитоб қилди баронесса ўпкаси тулиб ва яна курсига чўкди.

Вильфор эс-хушини йиғиб олди-да, онанинг қаҳр-ғазабдан қутулиш учун Данглар хонимни ҳам узи каби ваҳимага солиш зарурлигини фаҳмлади.

– Биласизми, агарда тахминим туғри чиқса, иккимиз ҳалок бўламиз, – деди у ва овозини пасайтириб гаплашиш учун ўрнидан туриб баронесса олдига келди. – Бола тирик, кимдир буни билади, кимдир бизнинг сиримиздан хабардор. Монте-Кристо бизнинг куз олдимизда бола қазиб олинганини ва гўрда бола йўқлигини айтди-ку! Демак, бу сирни унинг узи билади!

– Э, Худойим! Қаҳрингга дучор этдинг! – шивирлади Данглар хоним.

Бунга жавобан Вильфор бўкириб, алланима деди.

– Хўш, бола қаерда, бола? – деди она.

– Жонимнинг борича ҳаракат қилиб ахтардим мен уни! – деди Вильфор қўлларини қисирлатиб. – Узоқ уйқусиз тунларда чорладим мен уни! Қироллик хазинасини эгаллаб олиб, миллионлаб кишиларнинг сир-асрорини сотиб олиш ва улар орасидан ўзимникини ҳам топиб олиш иштиёқи билан ёндим-қуйдим! Ахири кунлардан бир кун белкуракни юзинчи марта қўлга олганда ўзимдан юзинчи марта сўрадим: бу корсикалик одам гўдакни нима қиларкин? Ахир бола қочоққа ортиқча юк-ку! Ёки унинг ҳалиям жони борлигини кўриб дарёга ташлаб юбордимикин?

– Бундай қилиши мумкин эмас! – деди хитоб қилиб Данглар хоним. – Киши қасос олиш учун одамни ўлдириши мумкин, аммо чақалоқни аёвсиз сувга чўктириб юбориши мумкин эмас!

– У болани Тарбияхонага олиб бориб топширдимикан? – давом этди Вильфор.

– Туғри айтасиз, – деди баронесса, – болам ўша Тарбияхонада!

– Шундай фикр хаёлимдан ўтиши биланоқ, Тарбияхонага югуриб бориб билдим: худди ўша кечаси Тарбияхона остонасига бир гўдакни қўйиб кетишибди, у белигача дока йўргакка ўралган экан. Йўргак, барон тожининг ярми ва Н. ҳарфи кўриниб турсин, деб, атайлаб йиртиб ташланган экан.

– Худди узи, – деди Данглар хоним, – ҳамма кийимларим-да худди шунақа белги бор, де Наргон барон эди, бу мен ва отам исмининг бош ҳарфи. Худога шукр! Болам ўлмаган экан!

– Йўқ, улган эмас.

– Сиз ҳам шундай деяпсизми? Сиз ҳам-а? Қувончдан хонимнинг юраги ёрилиб ўлади, деб ўйламадингизми? Қаерда энди у? Қаерда менинг қўзичоғим? Қаерда?

Вильфор елкасини қисди.

– Билмадим, – деди Вильфор. – Ахир билганимда сизни драматурглар ва роман ёзувчиларга ўхшаб шунча ташвишларга дучор қилиб утирармидим? Бутун бало шундаки, мен ҳеч нарса билмайман, ҳеч нарса. Ушандан кейин бир аёл йургакнинг қолган ярмини олиб келиб болани олиб кетибди. У қонун талаб қиладиган ҳамма ҳужжатларини келтирган эмиш.

– Сиз ўша хотин кимлигини билиб олишингиз ва ахтариб топишингиз лозим эди.

– Мен худди шундай қилдим. Суд тергови ниқоби остида энг моҳир изқуварларни, тажрибали полиция айғоқчиларини аёлнинг изидан туширдим. Шалонгача унинг изидан кузатиб боришган. У ерда аёлнинг изи йўқолган.

– Йўқолибдими?

– Бутунлай йўқолибди.

Вильфорнинг ҳикоясини Данглар хоним тинглаётиб гоҳ оҳ урар, гоҳ кўз ёши тўкар, гоҳ хитоб қиларди.

– Бўлгани шуми? – деди хоним. – Шу билан кифояланиб қўя қолдингизми?

– Йўқ, – деди Вильфор, – мен тинмай ахтардим, сўраб-суриштирдим, маълумотлар тўплашни давом эттирдим. Тўғри, сўнгги икки-уч йил ичида бир оз дам бердим ўзимга. Мана энди яна қаттиқ ишга киришаман ва албатта ниятимга етаман, эшитдингизми, ниятимга етаман, чунки энди мени виждон азоби эмас, ваҳима қамчилайди бу ишда, ваҳима!

– Фикримча, граф Монте-Кристо ҳеч нима билмаса керак, – деди Данглар хоним, – агар бундан хабардор бўлганда бизга яқинлашишга бунчалик интилмасди, унинг одатини биласиз-ку.

– Кишининг қаҳр-ғазаби чегарасиз бўлади, – деди Вильфор – Тангрининг меҳр-шафқатидан ҳам чексиз бўлади. Биз билан гаплашаётганда унинг кўзларига назар ташладингизми?

– Йўқ.

– Бирор марта унга диққат билан қараганмисиз?

– Албатта. У жуда ғалати, тушуниб бўлмайдиган одам, вассалом. Мени бир нарса ҳайратда қолдирди, шундай тўкин зиёфат вақтида ҳеч нарсага қўл урмади, шунча овқатдан биронтасини татиб ҳам кўрмади.

– Тўғри, тўғри, – деди Вильфор, – мен ҳам сездим буни, мен ҳозирги гапларни олдидан билганимда бирор таомга қўл урмасдим, у бизни заҳарламоқчи шекилли, деб уйлаган бўлур эдим.

– Хато қиларкансиз-да.

– Ҳа, хатога йўл қўйган бўлардим, аммо амин бўлинг, бу одамнинг режалари бўлакча. Сизни кўрмоқчи бўлганлигимнинг, гаплашиб олмоқчи бўлганлигимнинг, ҳаммадан ва даставвал уша Монте-Кристордан эҳтиёт бўлинг деб сизни огоҳлантириб қўймоқчи бўлганимнинг боиси ҳам шунда. Менга қаранг, – деди Вильфор хонимга кўзларини тик қадаб, – иккимизнинг алоқамиз тўғрисида ҳеч кимга ҳеч нарса деганингиз йўқмиди?

– Мутлақо.

– Кечиринг мени, – деди Вильфор овозини юмшатиб, – яна сураб олай: демак, ҳеч кимга айтмагансиз-а? Энг яқин сирдошингизга ҳам айтганингиз йўқми?

– Йўқ, йўқ, – деди қизариб баронесса, – онт ичаман: ҳеч кимга айтганим йўқ!

– Кундуз куни кўрган-кечирганларингизни кечқурун ёзиб қўйиш одати йўқми сизда? Кундалик хотира дафтари юритмайсизми?

– Йўқ. Бутун ҳаётим кундалик тадбир-ташвишлар билан ўтиб кетади, кўп нарсаларни ўзим ҳам эслаб қололмайман.

– Тушингизда алаҳсираш одатингиз йўқми?

– Мен гўдак сингари ухлайман. Эсингиздан чиқариб қўйдингизми?

Баронессанинг юзи қизариб кетди, Вильфор эса бузариб, мурдага ўхшаб қолди.

– Ҳақ гап, – деди қироллик прокурори зурга.

– Хуш, сунгра? – сўради баронесса.

– Сунгра? Энди нима қилиш кераклигини биламан, – деди жавобан Вильфор. – Бир ҳафта утар-утмай бу Монте-Кристонинг кимлигини, қаёқдан пайдо бўлиб қолганлигини, қай томонга йул олганлигини ва боғида қазиб олинган гудак ҳақидаги воқеани нима сабабдан бизга ҳикоя қилиб берганини билиб оламан.

Вильфор бу сўзларни шундай оҳангда изҳор этдики, агар буларни граф эшитганида сесканиб кетарди.

Шундан сунг у баронессанинг хоҳишсиз узатган қўлини қисиб хайрлашди-да, эшиккача кузатиб қўйди.

Данглар хоним бошқа извош кира қилди-да, гузаргача бориб, унинг орқа томонида турган ўз извошига ўтирди ва хонимни кутиб мудраб ўтирган извошчига «Кетдик!» – деб фармон берди.

XI. ТАКЛИФ

Уша қуни, тахминан Данглар хоним қироллик прокурори кабинетида ўтирган вақтда, Эльдер кўчасида бир извош пайдо бўлди-да, 27-уй дарвозасидан кириб, ҳовлида тўхтади. Извошнинг эшиги очилиб, ундан ўғлига суюниб Морсер хоним чиқди.

Альбер онасини бўлмасигача кузатиб қўйди ва дарҳол ваннани тайёр қилиб қўйишни ва отларни қўшишни буюрди. Ҳаял ўтмай извошга ўтирди-да, Елисей Майдонига, граф Монте-Кристоникига жўнади.

Граф уни одатдагича табассум билан қабул қилди. Жуда ажиб савдо: бу зотнинг юрагига салгина бўлса қўл солиш ёки фикрини озгина бўлса-да, билиб олиш амри маҳол эди, унинг дилидаги ниятини билишга уринган киши олдида тоғдай ғов пайдо булар, бутун ҳаракатлари пучга чиқарди.

Қўлларини ёзиб келаётган Морсер графни кўрди-ю, қўлларини беихтиёр туширди ва шунчаки қўл бериб сўрашиб қўя қолди.

Монте-Кристо ҳам, одатдагидек, қўлини узатиб совуққина саломлашди.

- Мана, ҳузурингизга келдим, – деди Альбер.
- Қадамларига ҳасанот!
- Келганимга ҳали бир соат ҳам булгани йўқ.
- Дъепдан келдингизми?
- Трепордан.
- Ҳа, айтганча, у ерда эдингиз-а!
- Туғри сизникига келдим.
- Жуда хурсанд қилдингиз мени, – деди Монте-Кристо бепарво оҳангда.
- Қани, гапиринг, қандай янгиликлар бор?
- Янгиликми? Сиз янгиликни мендан, келгиндидан сурай-сизми?
- Тушунмадингиз гапимга, менинг учун бирор нарса қилдингизми, деб сўраяпман?
- Сиз менга бирор нарса топширганмидингиз ўзи? – сўради Монте-Кристо ўзини ғамгин қиёфага солиб.
- Қўйсангиз-чи, узингизни билмаганга солиб нима қиласиз? – деди Альбер. – Айтишларига қараганда, масофадан таъсир этадиган жозибали алоқа буларкан, ана шу ажойиб алоқа воситасида мен Трепорда электр қуввати текканини ҳис этдим. Эҳтимол сиз мен учун ҳеч нима қилмагандир-сиз, лекин ҳар ҳолда меним ҳақимда уйлаган булсангиз керак.
- Эҳтимол, – деди Монте-Кристо. – Мен ростданам сизнинг ҳақингизда уйлагандим, бироқ магнит токи, иқрорманки, менсиз урди сизга йироқдан.
- Ҳали шундайми? Қандай юз берди бу, айтиб беролмай-сизми?
- Марҳамат. Жуда оддий: Данглар меникида меҳмон бўлди.
- Бундан хабарим бор, онам билан иккимиз унинг билан учрашувдан қочиб жўрттага кетиб қолган эдик.
- Бироқ зиёфатда у ўзи эмас, Андреа Кавальканти гуруҳи билан бирга бўлди.
- Италиялик князингиз биланми?
- Жуда ошириб юборманг. Андреа ўзини фақат виконт деб таништиради.
- Виконт деб таништиради?
- Ҳа, худди шундай.

- Демак, виконт эмас экан-да?
- Мен қаёқдан билай? У узини шундай деб таништиргач, мен ҳам уни виконт деб айтяпман-да. Бошқалар ҳам шундай деб чақиришяпти. Барибир эмасми? Эҳтимол у ростданам виконтдир?
- Ажойиб гапларни айтяпсиз! Демак?
- Нима, демак?
- Данглар сизникида меҳмон бўлдими?
- Ҳа.
- Виконт Андреа Кавальканти ҳам бўлдими?
- Виконт Андреа Кавальканти, унинг отаси, Данглар хоним, Вильфор рафиқаси билан, ёқимтой ёшлар Дебрэ, Максимилиан Моррель, яна... ким эди? Шошманг... Ҳа, Шато-Рено.
- Меним ҳақимда гаплашишдими?
- Сиз ҳақингизда оғиз очишгани ҳам йўқ.
- Буниси яна ёмон бўпти.
- Нега энди? Ахир сизни унутишларини узингиз истагандингиз-ку! Истагингиз бажо келтирилди.
- Мени оғзига олмаган эканлар, демак, меним ҳақимда кўп ўйламабдилар-да. Мана буниси мени ташвишга солади.
- Сизга барибир эмасми, ахир сизнинг ҳақингизда ўйлаганлар орасида мадемуазель Данглар ҳам бор эди. Ростданам у сизнинг ҳақингизда ўйда ҳам ўйлаши мумкин эди-ку.
- Бу борада мен асло ташвишланмайман, мен унинг ҳақида қандай фикрда бўлсам, у ҳам менинг ҳақимда худди шундай фикрда.
- Бир-бировларингга жудаям «ёқиб» қолган экансизларда! – деди граф. – Бундан чиқди, иккингиз бир-бирингизни ёмон кўраркансиз-да?
- Биласизми, – деди Морсер, – агар мадемуазель Даңлар, унинг учун азият чекмаётганимни инобатга олиб, оилаларимиз ўртасидаги никоҳ шартларидан қатъи назар, мени халос этса, жуда қойил қолган бўлардим. Қисқаси, мадемуазель Данглар жуда ишратбоп маъшуқа, аммо хотин бўла олармикин, йўқми... буни билмадим.
- Бўлғуси рафиқангиз тўғрисида фикрингиз дуруст экан-ку, – деди кулиб Монте-Кристо.

– Ҳа, мен сап ошириб айтдим, лекин бу ҳақ гап. Бироқ бу ниятни амалга ошириш мумкин эмас-да, маълум мақсадга эришмоқ учун, мадемуазель Данглар менинг хотиним бўлмоғи, яъни мен билан яшамоғи, ёнимда уйлаши, ашуласини биқинимда айтиши, мусиқасини чалганда, шеърини ёзганда ҳам мендан ун қадам нарида туриши лозим, умр буйи шундай бўлмоғи зарур. Мана шуларни хаёлга келтирганда мени ваҳима босади. Уйнаш билан ажралиб кетиш осон, аммо хотин эса тамом бошқа гап, хотин билан, яқинда булсангиз ҳам, олисда булсангиз ҳам, бари бир бутунлай боғланган бўласиз. Мадемуазель Данглар билан ҳатто олисда туриб абадий боғланиб қолишни хаёлга келтиришнинг ўзи ҳам даҳшат.

– Сизнинг кунглингизни топиш жуда қийин экан-да, ви-конт.

– Чунки, мен кўпинча имконияти йўқ нарса ҳақида хаёл суриб юраман.

– Қанақа нарса экан у?

– Отамникига ўхшаган хотин топиб олишни...

Монте-Кристонинг ранги оқариб кетди ва қўлидаги бир жуфт тўппонча тепкиларини тез-тез очиб-ёпиб, Альберга қараб қўйди.

– Демак, отангиз жуда бахтиёр бўлган экан-да бу борада? – сўради у.

– Биласизми, граф, мен онамни фаришта дейман, фаришта! Унга бир разм солиб қаранг; у ҳамон гузалликда тенгги йўқ, оқила, ҳозир бурунгидан ҳам хушфёъл, олижаноб, раҳмдил. Биз ҳозиргина Трепорда бўлдик, одатда ўғил учун онани кузатиб бориш риоя, мурувват ва мажбурият юзасидан қилинадиган ортиқча юк, мен онам билан тўрт кун бирга бўлиб роҳат-фароғатда ором олдим, ҳамиша қувончларга тўлиб юрдим. Малика Маб ё Титанияни Трепорга олиб борганимда ҳам бунчалик бахтиёр бўлмаган бўлур эдим.

– Гапларингизни эшитганда ҳамма нарсалардан кечиб юборгиси келади кишининг, умримни бўйдоқликда ўтказиб юборганим яхши экан, деган қарорга келасан чиндан.

– Ҳамма гап ана шунда, – давом этди Альбер. – Дунёда беуқсон аёл ҳам борлигини кўра-била туриб мадемуазель

Дангларга уйланишга интилармидим ахир! Худбинликка ғарқ булиб кетиб, ихтиёримиздаги ҳамма нарсаларни бурттириб, буяб курсатишга ҳаракат қиламиз, бундай ҳолларни назар-эътиборингиздан ўтказган бўлсангиз керак айрим пайтларда? Марле ёки Фоссен магазини ойнаси ичида яптираб турган билпур қўлимизга тушгани ҳамон жозибадор, янада гузал булиб кетади. Аммо бошқа бирор кишида бундан ҳам тозаси борлигини эшитгундек бўлсангиз ва сиз тақиб юрганингиз ундан паст эканига имонингиз комил бўлса борми, роса азият чекасиз, бундан оғир руҳий азоб бўлмаса керак киши учун!

– Э-э, лоф ҳам эви билан-да!.. – деди шивирлаб граф.

– Шу сабабдан, мадемуазель Эжени мен бир кўз илғамас зарра эканимни, уникига ўхшаш миллион-миллион пулим йўқлигини, сармоям юз минг франкдан ошмаслигини билиб олган кун мен учун энг бахтли кун деб ҳисоблайман.

Монте-Кристо илжайиб қўйди.

– Очиғини айтсам, – деди сўзини давом эттириб Альбер, – миямга бир фикр келди, Франц тасодифий, қивик нарсаларни ёқтиради, мен уни мадемуазель Дангларга ошиқ бўлишга мажбур этмоқчи бўлдим. Унга мадемуазелнинг ҳусн-жамолини жуда бошлаб тасвирлаб, тўрт марта хат ёздим, бироқ Франц хатимга эътибор бермай, «Мен чинданам фавқулудда нарсаларни яхши кўраман, бироқ шунга қарамай, ўз сўзимдан қайтолмайман», деб жавоб қайтарди.

– Фидойи дўст дегани бунақа бўларкан-да, ўзи фақат уйнаш қилиб олмоқчи бўлган жононни дўстига хотинликка таклиф этаркан-а.

Альбер кулиб қўйди.

– Ҳа, айтмоқчи, – деди у, – бизнинг ёқимтойимиз Франц қайтпапти. Билишимча, сиз уни ёқтирмасангиз керак, туғрими?

– Менми? – деди Монте-Кристо, – кечирасиз, азизим ви-конт, нега энди мен уни ёқтирмас эканман? Мен ҳаммани ёқтираман, ҳаммани яхши кўраман.

– Шу қаторда мени ҳам... раҳмат сизга.

– Бу гапимни нотўғри тушунманг тағин, – деди Монте-Кристо. – Тангри ўзимизга яқин кишиларни қанчалик яхши кўришни буюрган бўлса, мен ҳам ҳаммани шунчалик яхши

кураман. Бу христианлик муҳаббати. Фақат баъзи бир зотларни ўлгундай ёмон кураман. Ҳа, қўйинг бу гапларни, Франц масаласига утайлик. Демак, сизнингча, у яқинда келаркан-да?

– Ҳа, уни Вильфор чақиртириб оляпти. Афтидан, Данглар мадемуазель Эженини тезроқ эрга бериб юборишга интилаётганидек, Вильфор ҳам мадемуазель Валентинани тезроқ узатиб юборай, деб шошиляпти. Чамамда, буйи етган қизнинг отасига жуда қийин бўлса керак, у ҳамиша ташвишда, то узатиб қутулмагунча юраги пўкиллагани пўкиллаган.

– Менимча, жаноб д'Эпине сиздақа эмас. У тақдирига тан бериб чидаб юраверадиганлардан.

– Франц эса ҳақиқатан ҳам шу ойимчага уйланмоқчи, у оппоқ галстук тақиб ҳам олган, ҳатто бўлажак оиласи ҳақида гап сотиб юрибди. Бунинг устига у Вильфорни жуда ҳурмат қилади.

– Назаримда, Вильфор ҳурмат қилса арзийдиган зотлардан, туғрими?

– Афтидан, Вильфор қаттиққўллиги ва одиллиги билан ном чиқарган киши.

– Хайриятки, – деди Монте-Кристо, – буни шўрлик Дангларга ўхшатиб бўлғаб ташламадингиз.

– Дангларга нисбатан бундай муносабатда бўлишимга сабаб, эҳтимол, қизига уйланишни хоҳламаганимдир, – жавоб қилди Альбер кулиб.

– Азизим, сиз жуда беор олифталардан экансиз, – деди Монте-Кристо.

– Мен-а?

– Ҳа, сиз. Қўйинг бу гапларни, қани чекайлик, мана, олинг папиросдан.

– Важону дил. Лекин сиз мени олифта деяпсиз-а?

– Ахир мадемуазель Дангларга уйлантиришларига қарши исён кутаряпсиз-ку. Яхшиси, индамай сабр қилиб тураверинг, қани, иш қаерга бориб тақаларкан. Эҳтимол сиздан бошқа ҳам сўзидан қайтадиган одам чиқиб қолар.

– Шундайми ҳали? – деди Альбер кўзини бақрайтириб.

– Ахир сизни зўрлаб бўйнингизга ола хуржун илиб қўймаслар-ку? – деди Монте-Кристо сўзини давом эттириб:

– Виконт, менга қаранг, – деди у овозини ўзгартириб, – ростданам алоқани узмоқчимисиз?

– Шундай қилган кишига жон деб юз минг франк берардим.

– Ундай бўлса дуппингизни осмонга отаверинг. Дангларнинг нияти ҳам худди шу, у сизникидан икки ҳисса ошиқ инъом беришга тайёр.

– Ростдан-а? Толеимдан ўргулай! – деди Альбер, аммо унинг юраги озгина ғашлиги чехрасидан сезилиб турарди. – Азизим граф, Дангларнинг бундай фикрга келганига бирор сабаб бордир-да?

– Мана кеккайишу, мана худбинлик! Одам боласи ҳам шунақа бўларкан-да, ўзига яқин киши гердайса, болта билан чошиб ташлашга тайёр, агар унинг кибр-ғурурига салгина тил теккизсалар, оламини бошига кутарарди.

– Ахир мен ундай деяётганим йуқ. Фақат Данглар, чамамда...

– Сиздан жуда мамнун бўлиши, қойил қолиши шартми? Аммо Данглар дид-фаросатда орқада қолганлардан, шунинг учун ҳам у бошқа бир зотга маҳлиё...

– Кимга?

– Билмадим ким экан у, кўз-қулоқ бўлиб туринг ва буларнинг ҳаммасидан фойдаланинг.

– Ҳа, тушундим. Менга қаранг, онам... Йуқ, туғриси отам зиёфат бермоқчи.

– Йилнинг шу фаслида-я?

– Ҳозирги вақтда ёзги зиёфат расм бўлиб қолди.

– Расм бўлса-бўлмаса, графиня истак билдирса бас, ёзда ҳам зиёфат бўлаверади!

– Доно гап! Биласизми, бу расмана Париж зиёфати. Кимки июлда ҳеч қаёққа кетмай Парижда қолса ушани Парижнинг ҳақиқий фуқароси дейиш керак. Жаноб Кавалькантиларга бизнинг таклифимизни етказишни зиммангизга оласизми?

– Қачон бўлади зиёфат?

– Шанба куни.

– Унгача ота Кавальканти кетиб қолади.

– Ўғли қолади. Эҳтимол уни ўзингиз билан бирга олиб келарсиз?

– Азизим виконт, мен у билан таниш эмасман-ку.

– Танимайсизми?

– Йуқ, танитайман... Мен уни биринчи марта бундан турт кун илгари кўрдим ва унинг учун жавобгарликни ҳечам гарданымга олмайман.

– Бироқ сиз уни қабул қияпсиз-ку?

– Бу бошқа гап. Уни менга бир ҳурматли аббат тавсия қилганди, уни ҳам эҳтимол алдагандирлар. Агар уни ўзингиз таклиф этсангиз жуда соз бўлади, мен таклиф қилсам ноурин бўлур, борди-ю, у тўсатдан мадемуазель Дангларга уйланиб қолса, сиз мени найрангбозликда айблаб, ёқамдан тутасиз. Ўзим ҳам бора оламанми-йўқми, билмадим.

– Қаёққа?

– Сизнинг зиёфатингизга.

– Нега энди?

– Ахир сиз ҳали мени таклиф қилганингиз йўқ-ку.

– Мен шунинг учун ҳузурингизга шахсан таклиф қилгани келдим.

– У-ҳў, бу мен учун зўр илтифот. Аммо мен банд бўлсам керак.

– Мен ҳозир сизга бир нарсани айтаман, шундан сўнг ишингиздан воз кечарсиз.

– Қани айтинг-чи.

– Сизнинг келишингизни онам илтимос қияпти.

– Де Морсер хонимми? – суради Монте-Кристо ранги узга-риб.

– Очиғини айтсам, граф, онам мен билан жуда очиқ гап-лашади, ҳеч нарсани яширмайди. Мен сизга таърифлаганым нозик туйғулар қалбингизда жуш урмаган экан, демак, сиз бундай туйғулардан маҳрум экансиз, чунки шу турт кун мобайнида бутун гапимиз фақат сизнинг устингизда бўлди.

– Менинг ҳақимда? Қўйинг, унақа деманг, мени хижолатга қўйяпсиз.

– Бу табиий, чунки сиз бир жонли жумбоқсиз.

– Наҳотки онангиз ҳам мени жумбоқ деб билса? Мен уни анча мулоҳазали аёл, бунақанги хаёлларга бормас, деб билгандим.

– Ҳа, азизим граф, ҳамма учун ва шу қаторда менинг онам учун ҳам жумбоқсиз, ҳамма шундай дейди-ю, бирор киши

бу жумбоқни ечишнинг уддасидан чиқолмайди, хотиржам булаверинг, сиз ҳамон ечилмаган жумбоқ бўлиб қоляпсиз. Онам, нега бу одам ҳеч қаримайди, деб сурагани-сураган мендан. Чамамда, сизни онам Калиострога ёки граф Сен-Жерменга, графиня Г. сингари лорд Рутвенга ўхшатяпти, шекилли. Де Морсер хоним билан биринчи учрашувдаёқ сиз уни бунга буткул инонтирасиз. Буни бажо келтириш қийин эмас сизга, ахир сиз улардан бирининг фалсафий идрокини ва иккинчисининг ақл-заковатини эгаллаб олгансиз-ку.

– Огоҳлантириб қўйганингиз учун раҳмат, – деди илжайиб граф, – маним ҳақимдаги барча тахмин, гумонларни оқлашга ҳаракат қиламан.

– Ҳуш, шанба куни келасизми бизникига?

– Ҳа, де Морсер хоним илтимос қилган эканлар, бораман, албатта.

– Марҳамат қилиб борсангиз бошимиз осмонга етади.

– Данглар-чи? У ҳам борадимми?

– Албатта! Унга қўша-қўша таклифномалар юборилган, буни отам ўз зиммасига олди. Биз улуғ д'Агессони¹¹, жаноб де Вильфорни ҳам келтиришга ҳаракат қиламиз, бироқ унинг келишидан умид йўқ.

– Орзу-умиддан асло воз кечмаслик керак, дейилади бир мақолда.

– Рақс тушишни биласизми, граф?

– Менми?

– Ҳа, сиз. Агар рақс тушсангиз ҳамма ҳайратда қоларди-да?

– Ҳа, ростданам қирқ ёшгача... Йўқ, рақсни билмайман; де Морсер хоним рақс тушадиларми?

– Уям тушмайди, сизлар гаплашиб ўтирасизлар, онам сиз билан бир мириқиб суҳбатлашмоқчи.

– Ростдан-а?

– Худо ҳаққи! Шуни ҳам айтиб қўяйки, онамга ҳамсуҳбат бўлишга лойиқ биринчи киши сиз бўлиб чиқдингиз.

Альбер шляпасини олди-да, ўрнидан турди, граф уни кузатиб борди.

¹¹ XVIII асрнинг машҳур суд арбобларидан.

– Мен афсусланяпман, – деди граф Альберни зинада тухтатиб.

– Нимадан афсусланасиз энди?

– Адабсизлик қилдим-да, сизга Данглар туғрисида ҳеч нима демаслигим лозим эди.

– Аксинча, унинг ҳақида иложи борича кўпроқ гапиринг, ҳозир қандай гапирган бўлсангиз, шундай гапиринг.

– Ундай бўлса жуда соз, мана энди мени ташвишдан халос этдингиз. Айтмоқчи, д’ Эпине қачон қайтади?

– Узоғи билан беш-олти кун ичида.

– У тўйни қачон ўтказар экан?

– Жаноб де Сен-Меран ва Сен-Меран хоним келиши билан.

– Д’ Эпине қайтганда меникига олиб келинг. Сизнингча, мен уни ёқтирмас эмишман, бироқ у меникига келса хурсанд бўлур эдим.

– Хўп, бўлади, амирим, истаклари албатта бажо этилади.

– Хайр!

– Шанба куни албатта кутаман, хўпми?

– Албатта! Сўз бердим-ку.

Граф Альбернинг орқасидан қараб турди-да, қўлини силкитиб қўйди. Альбер фойтунига тушгандан сўнг граф орқасига ўгирилди. Қаршисида Бертуччо ғоз турарди.

– Хўш, нима бўлди?

– Хоним судда бўлди, – деди иш бошқарувчи.

– Кўп турдими у ерда?

– Бир ярим соат.

– Кейин уйига қайтдими?

– Тўппа-тўғри уйига қайтди.

– Шундай денг, азизим Бертуччо, – деди граф, – энди Нормандияга бориб, мен айтган кичкина жойни ахтариб топасиз.

Бертуччо таъзим қилди. Графнинг фармони худди унинг кўнглидагидек эди, шу сабабли у кечқуруноқ йўлга чиқди.

ХШ. ҚИДИРУВ

Вильфор Данглар хонимга берган ваъдасининг ва ўз аҳдининг устидан чиқди-да, Отейлдаги ҳовлида юз берган воқеалардан граф Монте-Кристо қандай қилиб хабардор бўлганини аниқлашга киришди.

У ўша қуниёқ собиқ турма инспектори ва сўнг изқувар полиция лавозимига кутарилган де Бовиль номли кишига хат ёзди. У зарур маълумотларни бера оладиган кишини топиш учун икки кун муҳлат беришни суради.

Икки кун ўтгач, Вильфор хат олди, унда қуйидагилар ёзилган эди:

«Граф Монте-Кристо номли зотни лорд Уилмор яқиндан танийди, лорд чет эллик бойлардан бўлиб, аҳён-аҳёнда Парижга келиб туради, ҳозир ҳам шу ерда, Монте-Кристо-ни аббат Бузони ҳам биледи, бу аббат Сицилиянинг машҳур диндорларидан бўлиб, хайрли ишлари билан Шарқда ном чиқарган».

Вильфор бунга жавобан ана шу хорижийлар ҳақида дарҳол аниқ маълумотлар туплашни буюрди. Эртаси кечқурун унинг буйруғи бажарилиб, қуйидаги маълумотлар олинди.

Парижга бир ойга келган аббат Сен-Сюльпис черкови орқасидаги икки қаватли уйда тураркан, уй тўрт хонадан иборат бўлиб, иккитаси пастда, иккитаси тепада, уйда аббат якка ўзи истиқомат қиларкан.

Пастки қаватда ёнғоқдан ясалган стол, стуллар ва жавон қуйилган емакхона, девори тахтадан, оққа бўялган меҳмонхона, бу хона безаксиз, гилам ҳам, осма соат ҳам йўқ. Афтидан, аббат шахсий ҳаёт учун фақат энг зарур нарсаларнигина олса керак.

Туғри, аббат кўпроқ вақтини иккинчи қаватдаги меҳмонхонада ўтказди. Бу меҳмонхона кутубхона ролини ўйнаб, диний китобларга ва қўлёзмаларга тўла. Хизматкорининг айтишича, аббат ойлаб шу китоблар ва қўлёзмаларга кумилиб ётаркан.

Ташриф буюрган кишиларни хизматчи эшикдаги тирқишдан муралаб билиб олади, мабодо келган зот таниш

бўлмаса ёки ёқмаса, у эшикни очмай, аббат Парижда эмас, деб қайтариб юборади. Кўплар, аббат доим узоқ сафарда юради-да, деб ишониб кетаверади.

Бироқ аббат уйда бўлиши ёки бўлмаслиги, Париждами ёки Қоҳирадами, бундан қатъи назар, у ҳамиша камбағалларга ёрдам беради, эшикнинг тирқишидан хизматчи садақа тарқатиб туради.

Кутубхонага ёндош бўлма – ётоқхона. Пардасиз каравот, турт юмшоқ курси, бахмал қопланган диван, бут қуйилдиган баланд стол – хонадаги жиҳозлар шулардан иборат.

Лорд Уилмор эса Фонтен Сен-Жорж кучасида туради. Бу зот бутун бойлигини саёҳатга сарфлаб юрадиган инглиз сайёҳларидан. У ҳамиша яхши жиҳозланган квартира олади-да, унда кунига икки-уч соатдан ортиқ турмайди. Баъзи баъзида тунаб қолади. У французча ёзиш-чизишга устаси фаранг бўлса-да, бу тилда мутлақо сўзлашмайди.

Қироллик прокурорига бу муҳим ахборотлар маълум этилган куннинг эртасига нотаниш бир одам Феру кучасидаги муюлишда извошдан тушди-да, кукиш рангли эшикни тақиллатиб, аббат Бузонини сўради.

– Жаноб аббат эрталаб чиқиб кетган эдилар, – деди хизматкор.

– Мен бундай жавобга ишонмайман, – деди ҳалиги одам, – чунки мени бу ёққа юборган одам кимни сўраган бўлмасин, у ҳамиша уйда бўлмоғи шарт. Илтимоc, аббат Бузонига менинг келганимни хабар қилинг...

– У зот уйда йўқ, дедим-ку сизга, – такрорлади хизматкор.

– Ундай бўлса, мана бу карточкани ва хатни олинг-да, келгани ҳамон топширинг. Бугун кеч соат саккизда аббат уйда бўладими?

– Албатта уйда бўладилар, жаноб, аммо у киши ишга утириб қолсалар, йўқ деб ҳисоблайверинг, ҳеч кимни қабул қилмайдилар.

– Бўпти, кечқурун барвақт келаман, – нотаниш одам шундай деди-да, жўнаб кетди.

Ростданам ҳалиги одам айтилган соатда бояги извошда етиб келди, бироқ бу гап извош Феру кучасидаги муюлиш-

да эмас, туғри келиб кукиш эшик олдида тухтади. Эшикни тақиллатди, эшик очилди, у ичкари кирди. Уни иззат-икромла кутиб олишди, демак, бояги хат анча таъсир қилибди.

– Жаноб аббат уйдадилар? – суради у.

– Ҳа, кутубхонада ишлаб утирибдилар, у киши сизни кутяптилар, – жавоб қилди хизматкор.

Нотаниш зот тик зинадан юқорига кутарилди. Аббат устини катта фонус ёритиб турган стол ёнида утирарди. Фонусга қундирилган қалпоқнинг катталигидан хонанинг қолган қисмига ёруғ тушмас, қоп-қоронғи эди. Аббатнинг эгнида қалпоқли ридо бўлиб, шу утиришида у ўрта аср олимларига ўхшаб кетарди.

– Жаноб Бузони ўзлари буладиларми? – суради меҳмон.

– Худди ўзи, – деди аббат, – жаноблари полиция бошлиғи юборган зот – собиқ турма инспектори жаноб де Бовиль бўлсалар керак?

– Топдингиз, жаноб.

– Париж қидирув полициясининг айғоқчилариданмисиз?

– Шундай, жаноб, – жавоб қилди меҳмон бир оз саросимага тушиб.

Аббат кўзинигина эмас, чаккасини ҳам бекитиб олган катта кўзойнагини туғрилади-да, яна утириб олди, меҳмонга ҳам жой кўрсатди.

– Жаноб, қулоғим сизда, – деди аббат итальян лаҳжасида овозини баландлатиб.

– Жаноб, менга топширилган вазифа, – деди нотаниш одам, худди қийналиб гапирётгандек, дона-дона қилиб, – иккимиз учун ҳам жуда муҳим ва масъулиятли.

Аббат индамай бошини эгди.

– Жаноб аббат, – давом этди нотаниш одам, – жаноб полиция бошлиғи сизни виждонли, андишали одам эканлигингизни яхши билади ва юқори полиция органига ниҳоятда зарур бир маълумот беришни илтимос қилади. Мен ана шу иш билан келдим. Биз аминмизки, ошна-оғайнигарчилик ва шахсий мулоҳазаларга бормай, одил суддан ҳеч нарсани сир сақламагайсиз.

– Агар сиз истаган нарсани айтишни виждоним буюрса, жаноблари шуни билиб қўйсинларки, мен кашмишман, тавба қилган гуноҳкорнинг сири минбаъд махфий қолиши,

ундан фақат Тангри ва менгина воқиф бўлишим керак, вассалом.

– Хотиржам бўлинг, жаноб аббат, – деди меҳмон, – сизни зинҳор виждон азобига солмаймиз.

Шу пайт аббат фонус қалпоғининг бир четини босган эди, иккинчи томони кўтарилиб, нотаниш кишининг юзини ёритди, аббатнинг ўзи эса қоронғида қолди.

– Узр, жаноб, – деди полиция бошқармасининг вакили, – ёруғдан кўзимни очолмаяпман.

Аббат фонус қалпоғининг четини қўйиб юборди.

– Ҳуш, жаноб, қулоғим сизда. Гапиринг.

– Ташаккур. Сиз граф Монте-Кристони танийсизми?

– Жаноб Дзакконени сўраяпсизми?

– Дзакконе!.. Ҳали унинг фамилияси Монте-Кристо эмасми?

– Монте-Кристо бир жойнинг, тўғрироғи, қоянинг номи, асло фамилия эмас.

– Майли, сиз айтганча бўлсин, Монте-Кристо билан Дзакконе бир одам экан, беҳудага сафсатабозлик қилиб утирмаймиз.

– Тўғри, иккиси бир одамнинг номи...

– Бўпти, жаноб Дзакконе ҳақида гаплашамиз.

– Марҳамат.

– Демак, сиз уни танийсиз-а?

– Жуда яхши танийман.

– Ким ўзи?

– Мальталиқ бадавлат кемасознинг ўғли.

– Мен ҳам шундай деб эшитган эдим, шундай дейишяпти. Бироқ полиция мишмишларга доимо ишонавермайди.

– Мишмишлар ҳақиқат бўлса, полиция ҳам кўпчилик қатори ишонишга мажбур, – деди эътироз билдириб аббат, у мийиғида кулиб қўйди.

– Бунга ўзингиз ҳам ишониб гапиряпсизми?

– Ҳуш, нега бундай савол беряпсиз?

– Менинг саволими тўғри тушунинг, жаноб, ростгўй эканингизга шубҳам йўқ, шунчаки, ўзингиз ишониб гапиряпсизми деб сўраяпман-да.

– Менга қаранг, Дзакконенинг отасини танийман.

– Ў-ҳу, шунақами ҳали!

– Болалик чоғларимда унинг уғли билан кемасозлик корхонасида бирга уйнаб юрардик.

– Граф деган унвон-чи?

– Э-э, билмайсизми, бунақанги унвонни сотиб олиш мумкин-ку!

– Италиядами?

– Ҳамма ерда.

– Яна баъзи мишмишларга қараганда, унинг бойлиги беҳисоб эмиш.

– Мана буниси ҳақ гап, – жавоб қилди аббат, – бойлиги чинданам беҳисоб.

– Сизнингча, қанча?

– Эҳтимол, йиллик даромади юз эллик-икки юз минг ливрга бориб қолар.

– Унда бунинг ваҳима қиладиган жойи йуқ экан, – деди меҳмон, – одамлар эса уч, ҳатто тўрт миллион дейишади.

– Мен айтган икки юз минг ливр унинг йиллик даромади, демак унинг маблағи тўрт миллиондан кам бўлмаслиги керак.

– Бироқ, йиллик даромади уч-тўрт миллионга боради дейишяпти-ку!

– Йуқ, бундай бўлиши мумкин эмас.

– Сиз унинг Монте-Кристо деган оролини биласизми?

– Ҳа, биламан, Палермодан, Неаполдан ёки Римдан денгиз орқали Францияга келганларнинг ҳаммаси билади бу оролни, чунки кемалар шу орол ёнидан ўтади-да.

– Жуда гузал жой дейишади, туғрими?

– У қоя.

– Нега энди граф бу қояни сотиб олибди?

– Граф бўлиб олиш учун. Италияда ҳозиргача граф деган унвон олиш учун графликка эга бўлмоқ керак.

– Жаноб Дзакконенинг ёш чоқларидаги саргузаштидан хабардордирсиз?

– Отасинингми?

– Йуқ, уғлининг.

– Бу борада аниқ бир нарса дейиш қийин, чунки ўсмирлик чоғимда мен уни назаримга илмасдим.

– У урушда қатнашганми?

– Менимча, ҳарбий хизматда бўлган.

– Қайси қўшинда?
– Флотда.
– Сиз унинг диний устози эмасмисиз?
– Йўқ, жаноб, назаримда у лютеранга ухшайди.
– Лютеран дедингизми? Наҳотки?
– Мен, «назаримда» деяпман, қатъий тасдиқлаётганим йўқ. Айтмоқчи, мен Францияда диний эътиқодлар эркинлиги жорий этилган деб уйлаб юрардим.

– Чиндан шундай, ҳозир бизни қизиқтирадиган нарса унинг қайси динга эътиқод қўйгани эмас, хатти-ҳаракатлари. У ҳақида билганларингизнинг ҳаммасини айтиб беришни жаноб полиция бошлиғи номидан сизга таклиф қиламан.

– Уни жуда зўр хайрли-эҳсонли одам ҳисоблашади. Шарқий христианларга кўпдан-кўп ёрдам қилгани учун муқаддас отамиз папа уни Христ ордени билан мукофотлади, одатда бу орден энг улуғ зотларга берилади. Айрим хизматлари учун олган яна беш ёки олтита ордени ҳам бор. Бу орденларни турли подшоҳлар ва ҳукуматлар туҳфа этган унга.

– Шу орденларни у тақиб юрадими?

– Йўқ, бироқ улар билан фахрланади. «Мен хайр-эҳсон курсатиш йўлида муносиб хизмат қилганлик учун бериладиган орденларни одамларга қирғин келтирганларга бериладиган орденлардан афзал кўраман», дейди.

– У жаноб кваркерми?¹²

– Ҳа, у кваркерлардан, аммо кенг шляпа ва жигар ранг камзул кийиб юрмайди.

– Унинг оғайнилари ҳам борми?

– Ҳа, бор, уни танийдиганларнинг ҳаммаси унинг оғайниси.

– Унинг бирор душмани ҳам бордир?

– Фақат битта душмани бор.

– Ким у?

– Лорд Уилмор.

– У қаерда?

– Ҳозир Парижда.

¹² Протестан сектаси мазҳабидаги одам.

- У менга бу ҳақда маълумотлар бероладими?
- Энг зарур маълумотларни уша бера олади. Дзакконе Ҳиндистонда булганида, Лорд Уилмор ҳам уша ерда эди.
- У Парижнинг қаерида туради, биласизми?
- Шоссе д’Антен томонда булса керак, аммо кучасини ҳам, уй рақамини ҳам билмайман.
- У инглизни сиз унча ёқтирмассиз?
- Мен Дзакконени яхши кўраман, у эса уша инглизни жуда ёмон кўради, орамизга совуқлик тушиб қолганининг сабаби ҳам шунда.
- Жаноб аббат, граф Монте-Кристо бундан илгари ҳам Парижда булганми?
- Йўқ, жаноб, у илгари Францияда ҳеч қачон булган эмас, мен буни яхши биламан. Бундан ярим йил муқаддам менга мурожаат қилиб, зарур маълумотлар сўради. Парижга ўзим қачон боришим маълум эмасди, шунинг учун унинг ҳузурига жаноб Кавалькантини юбордим.
- Андреаними?
- Йўқ, отаси Бартоломеони.
- Жуда соз, энди сизга фақат битта саволим қолди, виждон ҳаққи, инсонпарварлик ва дин ҳаққи, бу саволимга туғри жавоб беришингизни талаб қиламан.
- Қулоғим сизда.
- Граф Монте-Кристо Отейлдаги ҳовлини нима учун сотиб олганини биласизми?
- Албатта, буни ўзи айтиб берган эди.
- Ҳуш, нима учун экан?
- Палермода барон Пизани тузган касалхонага ўхшатиб, ақлдан озганларга касалхона ташкил қилиш учун. Сиз уша касалхонани кўрганмисиз?
- Эшитганман.
- У жуда ажойиб муассаса.
- Сўнг аббат савол-жавобларни давом эттиришга тайёр эканини билдириб, таъзим этиб қўйди.
- Аббатнинг истагини тушундимми ёки ҳамма саволларини бериб булдими, ҳар ҳолда меҳмон ўрнидан турди.
- Аббат уни эшиккача кузатиб қўйди.
- Сиз ғоят сахий ва мурувватли экансиз, – деди меҳмон,
- жуда бадавлат зот деган ном чиқарган бўлсангиз ҳам,

Ғарибларингиз учун айрим нарсаларни таклиф қилмоқчиман. Таклифимни қабул қиласизми?

– Раҳмат, жаноб, мен хайр-эхсон йулида жонимни ҳам аямайман, мен учун дунёда энг қимматлиси ҳам мана шу.

– Ҳар ҳолда...

– Бу менинг қатъий қарорим. Ёрдамга ўзингиз ахтариб топинг муҳтожларни... Ҳар бир бадавлат зотнинг йулида юзлаб ғариблар учрайди.

Аббат эшикни очди, яна таъзим қилди, меҳмон ҳам эгилиб, хайрлашди-да, чиқиб кетди.

Извош туғри Вильфорникига қараб елди.

Бир соат ўтар-ўтмас извош яна дарвозадан чиқди-да, Фонтен-Сен-Жорж кучаси томон йул олди. У «5» рақамли уй олдида тўхтади. Лорд Уилмор худди ана шу ерда истиқомат қиларди.

Нотаниш зот учрашиш учун Уилморга хат ёзганда, лорд кеч соат ўнда келинг, деди. Жаноб полиция бошлиғининг вакили ўн дақиқа кам ўнда етиб келди, лорд Уилмор ҳамма ишни белгиланган вақтнинг ўзида адо этишга одатланган, шу сабабдан у ҳали қайтиб келгани йўқ, бироқ соат роппароса ўнда албатта келади, дейишди.

Нотаниш зот меҳмонхонада кутиб ўтирди.

Бу меҳмонхона ҳам ортиқча ҳашамлардан холи, оддий меҳмонхоналардан фарқ қилмасди. Тош печь тоқчасида иккита янги севр гулдони, қулида камон тутган боланинг ҳайкалчаси ўрнатилган соат, икки тавақали тошойна, унинг икки томонида икки гравюра... биттасида йулбошловчиси билан бораётган Гомернинг, иккинчисида хайр сўраб турган Велизарийнинг сурати акс эттирилган; деворларга кул ранг гулдор қоғоз ёпиштирилган, нақшли қизил мовут қопланган мебель – Лорд Уилмор меҳмон-хонасидаги жиҳозлар ана шулардан иборат эди.

Хонада жилосиз юмалоқ шишали чироқ ёниқлиқ, гуё кўзлари толиққан полиция вакили учун журттага қилингандай уй ним қоронғи эди.

Ўн дақиқа ўтгач, соат унга бонг ура бошлади, бешинчи уришда эшик очилиб, лорд Уилмор кириб келди.

Лорд Уилмор баланд буйли, сийрак малла гажаги ва сочларига оқ оралаган, заҳил юзли оппоқ одам эди. Эгни-боши

инглизча: устида 1811 йилларнинг олтин тугмали ва ва тик ёқали фраги, оқ нимча ва калта сариқ чит чолвор.

Унинг айтган биринчи гапи шу бўлди:

– Жаноб, мен французча гапирмайман, сиз бундан хабардормисиз?

– Ҳа, биламан, сиз бизнинг тилимизда гаплашишни ёқтирмайсиз, – деди унга жавобан полиция бошлиғининг вакили.

– Бироқ сиз французча гапираверишингиз мумкин, – деди лорд Уилмор, – мен бу тилда гапирмасам-да, яхши тушунаман.

– Мен, – деди меҳмон бошқа тилга ўтиб, – инглиз тилида бемалол гаплашавераман, тортинмасангиз ҳам бўлади.

– О! – деди лорд Уилмор ҳақиқий британияликка хос оҳангда.

Полиция бошлиғининг вакили лорд Уилморга тавсия қоғозини топширди. Лорд Уилмор хатни нуқул инглизча мақомда ўқиб чиқди-да:

– Тушундим, жуда яхши тушундим, – деди.

Вакил сўроқ бошлади.

Бу саволлар аббат Бузонига берилган саволлар билан деярли бир хил эди. Бироқ граф Монте-Кристога душман кўзи билан қарайдиган лорд Уилморнинг жавоблари аббатники сингари қисқа-кўтоҳ эмас, балки муфассал, узундан-узоқ бўлди. У Монте-Кристонинг ёшлик чоғларини, Англия билан рақобатда бўлган бир кичик ҳинд ҳокимида хизматда бўлганини ҳикоя қилди. Уилмор уша ерда у билан учрашган, бир-бирига қарши жанг қилган. Шу урушда Дзакконе асир олиниб, Англияга жунатилган, қамоққа олинган, бироқ у ердан қочган. Шундан сўнг ўзини сайёҳликка урган, дуэлларда бўлган, ишқ-муҳаббат саргузаштларини бошидан кечирган. Грецияда қўзғолон кўтарилганда у греклар кўшинига кириб хизмат қилган, шу пайтларда Фессалия тоғларида кумуш кони топиб олган, бироқ буни ҳеч кимга билдирмаган. Наварина воқеасидан сўнг Греция ҳукумати мустаҳкамланиб олгач, у қирол Оттондан кумуш конни унга ҳадя қилишни илтимос қилган, илтимоси қондирилиб, конга хўжайин бўлиб олган. Беҳисоб бойлик орттириш ана шундан бошланган. Лорд Уилмор-

нинг гапига қараганда, бу унга ҳар йили икки миллионга-ча даромад келтираркан, бироқ кондаги қумуш тугаши билан унинг бойлиги ҳам тўсатдан тугаб қолиши ҳеч гап эмас экан.

– Унинг Францияга нима учун келганини биласизми? – суради вакил.

– У темир йул қурилишида иштирок қилиб фойда олмоқчи, – деди лорд Уилмор, – бундан ташқари у бой тажрибага эга химик ва яхши физик, яна телеграфнинг янги хилини кашф этди, буни амалда синаб кўрмоқчи.

– Йилига у тахминан қанча пул сарфлайди? – суради полиция бошлиғининг вакили.

– Беш ёки олти юз мингдан ошиқ харажат қилмайди, – деди лорд Уилмор – жуда хасис.

Инглиз, Монте-Кристо тўғрисида нафрат-ғазаб билан гапирётгани унинг сузлари оҳангидан ва башарасидан кўри-ниб турарди; графни қандай ёмонлашни билмай, уни хасисликда айблай бошлади.

– Монте-Кристонинг Отейлдаги ҳовлиси тўғрисида бирор нарса биласизми?

– Ҳа, биламан.

– Ҳуш, нимани биласиз?

– Сиз уйни нима учун сотиб олганини сурамоқчимисиз?

– Ҳа.

– Ундай бўлса, қулоқ солинг, граф – савдогар, у тажрибалари ва хом ҳаёллари билан синиб хонавайрон бўлиши турган гап. У Отейлда сотиб олган ҳовлиси ёнида Баньерде-Люшон ва Котредаги шифобахш булоқлардан ҳам бой минерал сув булоғи бор, деб даъво қиляпти. Бу уйда, немисча ибора билан айтганда, Badehaus ташкил этмоқчи. У булоқни топиш учун боғини уч марта кавлаб чиқди ҳам, аммо бу ҳаракати беҳуда кетди. Яқинда уйи атрофидаги ҳамма жойларни ҳам сотиб олади. Минг лаънат унга, аминманки, ўзининг темир йули, электр телеграфи ёки ваннахонаси билан у бир кунмас-бир кун кунпаякун бўлади. Мен у қаёққа борса, изидан бораман, унинг хонавайрон бўлганини ўз кўзим билан кўриб, бир ҳузур қилмоқчиман.

– Ундан нега ғазабланасиз? – суради вакил.

– Ғазабланишимнинг сабаби шуки, у Англияга борганда дўстларимдан бирининг хотинини йулдан урди.

– Шундай экан, нега энди ундан қасос олишга ҳаракат қилмайсиз?

– Мен граф билан уч марта яккама-якка олишдим, – деди инглиз, – биринчи марта тўппончада отишиб, иккинчи марта қиличбозлик қилишиб, учинчи марта найзали қилич қутаришиб.

– Бу дуэллар натижаси нима билан тугади?

– Биринчисида у қўлимни синдириб юборди, иккинчисида упкамга лат етказди, учинчисида мана бу еримдан ярадор қилди.

Инглиз қўлоғигача кутарилиб турган қўйлагининг ёқасини қайирди-да, буйнидаги чандиқни курсатди. Чандиқ яқинда битган яра сингари қизариб, шишиб турарди.

– Мана, куриб турибсизки, унга ғазабим чексиз, – деди инглиз такроран, – унинг бошига албатта ўзим етаман, уни ўз қўлим билан жаҳаннамга йўллайман.

– Афтидан, бу ҳали жуда узоқдаги гап, – деди полиция бошқармасининг вакили.

– О-о! – деди инглиз букириб, – мен ҳар кун тирга бориб машқ қиламан, кун ора меникига Гризье келади.

Меҳмон билмоқчи бўлган, тўғрироғи, инглиз билган нарсалар ана шулардан иборат эди. Шунинг учун ҳам айғоқчи ўрнидан турди-да, лорд Уилморга таъзим қилиб хайрлашди, у ҳам инглизча совуққина жавоб қилди, вакил чиқиб кетди.

Лорд Уилмор айғоқчи кетидан эшик ёпилганини эшитиши билан учиб ётоқхонасига кирди-да, малла сочларини, ясама гажаклари ва қалбаки ярани дарҳол олиб ташлади, ўзининг асл ҳолига келди, яъни қоп-қора сочли, буғдой ранг, садаф тишли Граф Монте-Кристо бўлиб олди.

Тўғри, жаноб де Вильфорнинг уйига ҳам полиция бошлиғининг вакили эмас, де Вильфор жанобнинг ўзи қайтиб келди.

Бу иккала учрашувдан қироллик прокурори анча тинчланди, чунки у қаноат ҳосил қиладиган муҳим маълумот ололмаса-да, ташвишга соладиган бирор муҳим нарса ҳам билолмади. Шу туфайли у бу кеча Отейлдаги зиёфатдан сунг биринчи марта тинч ором олди.

ХШ. ЁЗГИ ЗИЁФАТ

Морсерларникидаги зиёфат шанба кунига белгиланган эди. Июлнинг жазирама офтоби кун буйи ҳамма ёқни ёндириб турди.

Соат кечки унга бонг урди. Яқиндагина дунёни парзага солган момақалдироқдан қолган охирги булутлар тарқалиб, граф боғидаги баҳайбат дарахтлар юлдузларга тўлаётган осмонга буй чўзиб турарди.

Пастки қаватдаги залдан мусиқа ва гир айланиб жуфт-жуфт бўлиб рақс тушаётганларнинг овози эшитилар, де-раза панжараларидан тарам-тарам нур ёғилиб турарди.

Ҳаво тобора очилиб бораётганини кўриб кўнгли тинчиган уй бекаси ҳозиргина кечки овқатга боғда дастурхон тайёрлаш ҳақида буйруқ берганди. Унлаб хизматкорлар ана шу иш билан банд эди.

Унгача кечки овқат емакхонага келтириладими ёки майсазордаги чодирда тортиладими, маълум эмасди. Юлдузлар чарақлаб турган мусаффо осмон бу масалани майсазор фойдасига ҳал этди.

Итальянча расм-русумга мувофиқ йулкаларга, хиёбонларга ранго-ранг фонуслар ёқилган, дастурхон устига ҳам даста-даста гуллар ва шамчиروқлар қўйилган. Одатда узларини дид-фаросатли деб билган баъзи мамлакатлардагина мана шундай ортиқча дабдабага, ҳашамга зўр беришадди.

Графиня де Морсер охирги фармойишларини бериб, яна меҳмонхонага қайтган пайтда одамлар хонани тўлдиря бошлаган эди. Меҳмонларни графнинг улкан мансабидан кўра графинянинг ажойиб меҳмондўстлиги жалб этган эди. Мерседеснинг ажойиб дид-фаросати туфайли бу зиёфатда достонларга мавзу бўладиган ва зарурат туғилганда тақлид қилса арзийдиган кўп ноз-неъматлар бўлишига олдиндан ҳамманинг имони комил эди.

Биз боя тасвир этган воқеалардан жуда қаттиқ ҳаяжонга тушган Данглар хоним де Морсер хонимникига боришини ҳам, бормаслигини ҳам билмасди, аммо эрталаб унинг извоши Вильфорнинг извошига дуч келиб қолди. Вильфор имо қилиши билан иккала извош бир-бирига яқин келиб

тўхтади. Қироллик прокурори извош дарчасидан эгилиб суради:

– Сиз де Морсер хонимникига борарсиз?

– Йўқ, боролмайман, – жавоб қилди Данглар хоним, – тобим қочиб турибди.

– Чакки қиласиз, – эътироз билдирди хонимга маънодор кузларини тикиб Вильфор, – у ерда сизнинг бўлишингиз зарур.

– Бўлишим шартми? – суради баронесса.

– Албатта.

– Унда борганим булсин.

Шу гаплардан сўнг извошлар турли томонга жунаб кетди. Данглар хоним эса узининг гузаллигинигина эмас, башанг либосларини куз-куз қилиб зиёфатга кириб келди. У кирганда Мерседес рупарадаги эшикка кириб кетаётган эди.

Графиня Данглар хонимни қарши олишни Альберга топширди. Альбер баронесса қошига келди-да, унинг либосларини бир оз мақтаган бўлди ва хонимни истаган жойига-ча кузатиб қўйиш учун қўлтиғидан олди.

Шу орада Альбер атрофга аланглаб, кимнидир ахтарарди.

– Қизимни ахтараётгандирсиз? – суради табассум-ла баронесса.

– Очигини айтсам, мадемуазелни ахтаряпман, – деди Альбер, – наҳотки уни олиб келмаган бўлсангиз? Бунчалик шафқатсиз бўлиш ярамайди-да.

– Хотиржам бўлинг, у мадемуазель де Вильфорни кутиб олди, бирга юришибди, ху ана, курдингизми, изимиздан келишяпти, иккиси оппоқ кўйлак кийиб олган, бирисининг кўлида бир даста чойгул, иккинчисининг кўлида эса бир даста бутакуз. Менга қаранг...

– Сиз ҳам кимнидир ахтаряпсиз, шекилли? – суради илжайиб Альбер.

– Граф Монте-Кристони қутаётганингиз йўқми, мабодо?

– Ўн етти! – жавоб қилди Альбер.

– Бунингиз нимаси?

– Бу шуки, – деди кулиб виконт, – сиз билан ун етти киши шу саволни беряпти менга. Графнинг роса омади келибди-да!.. Бу билан уни табриклаш керак...

- Сиз ҳаммага ҳам шундай жавоб беряпсизми?
- Э-э, узр, мен саволингизга жавоб бермабман. Хоним, ташвишланманг; олифта зот албатта келади бизникига, ҳаммамизни хурсанд қилади.
- Кеча Операда бўлдингизми?
- Йўқ.
- У бор эди.
- Шунақами? Ажойиб зот яна бирор хунар курсатгандир театрдая?
- Бусиз у юра олармикан? Эльслер «Оқсоқ иблис»-да рақс тушди, албан бека узида йўқ шод эди. Уйин охирида граф гўлдастага бебаҳо узук тақиб нозанин раққосага улоқтирди, раққоса ундан бениҳоя миннатдор бўлганини билдириш учун учинчи бўлимда ҳам чиқди. Унинг албан бекаси ҳам келармикин?
- Йўқ, уни куришга умид қилманг, графнинг уйида албан беканинг мавқеи ҳали аниқ эмас.
- Менга қаранг, мени қолдириб, де Вильфор хоним қошига боринг, – деди баронесса, – сизни кутиб тоқати тоқ бўлиб турибди.
- Альбер Данглар хонимга таъзим қилди-да, у билан йироқданоқ гаплашмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаб турган де Вильфор хоним олдига борди.
- Менга нима демоқчи эканингизни айтайми? Айтаман, ишонмасангиз гаров уйнаймиз.
- Ростдан-а?
- Нима демоқчи эканлигингизни айтсам, ютқизганингизни буйнингизга оласизми?
- Ҳа, буйнимга оламан.
- Қасам ичинг-чи.
- Худо урсин.
- Сиз мenden граф Монте-Кристо шу ердами, агар ҳали келмаган бўлса, келадими, деб сўрамоқчисиз.
- Ҳечам ундай эмас. Ҳозир мени қизиқтираётган нарса у эмас. Мен сиздан Францдан хабар борми, деб сўрамоқчиман. Хабарингиз борми?
- Ҳа, бор. Кеча ундан хат олдим.
- Нима деб ёзибди сизга?
- Хат кетидан узи ҳам йулга тушибди.

- Жуда соз. Мана энди графга утамиз.
- Граф келади, хотиржам булинг.
- Унинг номи фақат Монте-Кристо эмаслигидан хабарингиз борми?
- Йуқ, бундан хабарим йуқ.
- Монте-Кристо бир оролнинг номи, графнинг бундан ташнари фамилияси ҳам бор.
- Унинг фамилиясини мен ҳеч эшитмагандим-ку.
- Демак, мен сиздан кура купроқ нарса билар эканман: унинг фамилияси Дзакконе.
- Эҳтимол.
- У мальталиқ.
- Эҳтимол, шундайдир.
- Кемалар хужайинининг уғли.
- Биласизми, агар бу гапларни овозингизни чиқариб айтсангиз, жуда зур муваффақият қозонган булур эдингизда.
- У Ҳиндистонда ҳарбий хизматда булган, Фессалияда кондан кумуш қазиб оларкан. Отейлда минерал сув шифохонаси очиш учун Парижга келибди.
- У-хў, жуда ажойиб янгилик-ку! – деди Морсер, – бу гапларни одамлар олдида айтаверсам майлими?
- Ҳаммасини бирдан эмас-да, битта-битта айтинг, сунг бу маълумотларни мен айтганим ҳақида оғиз оча қурманг.
- Нечун?
- Чунки, бу зимдан эшитиб олинган бир сир.
- Кимнинг сири?
- Полициянинг.
- Демак, буни...
- Кеча кечқурун полиция бошқармасида гапиришди. Унинг дабдабаларини куриб бутун Париж ҳаяжонга келганди билсангиз, шу сабабдан полиция граф ҳақида маълумотлар йиғади.
- Ҳа, бу маълум гап! Энди бу нега дайдиб юради, нега бунча бой, деб графни қамоққа олиш қолибди-да.
- Туғриси айтсам, шундай булиши мумкин эди, бироқ маълумотларга қараганда, у дуруст одам экан.
- Шурлик граф! Унинг узи бу хавф-хатардан хабардормикин?

– Хабардор бўлмаса керак.

– Тунда уни огоҳлантириб қуйиш зарур. У келиши билан айтаман бу гапларни.

Шу пайт улар олдига қорачадан келган, кузлари чақноқ барно йигит келди-да, Вильфор хонимга таъзим қилди.

Альбер унга қул узатди.

– Хоним, – деди Альбер, – танишинг, суворийлар капитани, шонли довюррак офицерларимиздан Максимилиан Моррель.

– Моррель жаноблари билан Отейлда граф Монте-Кристоникида танишишга мушарраф бўлган эдим, – деди жавобан де Вильфор хоним бепарво орқага ўгирилиб.

Бу жавоб, айниқса унинг гап оҳанги шўрлик Моррелга қаттиқ ботди; бироқ уни қувончли манзара кутарди: орқага ўгирилган эди, остонада оппоқ либосли қизга қузи тушди. Қиз бақрайган кузларини унга қадаб, қўлидаги гулдас-тани лабларига беозор теккизиб турарди.

Моррель қиз унга салом бераётганини фаҳмлади-да, ўзи ҳам қиз билан қуз уриштириб, даструмолини лабига теккизиб, алик олди. Оппоқ юзларидан ҳеч қандай маънони уқиб бўлмас, аммо қалблари муҳаббат ўтида жизғин бу икки ёш залнинг икки томонида бир неча дақиқа бутун борлиқни унутиб, жонли ҳайкал каби донг қотиб қолди.

Иккиси бир-биридан қуз узолмай, анчагача шундай туриб қолиши ва буни ҳеч ким сезмаслиги мумкин эди, бироқ залга граф Монте-Кристо кириб келди.

Граф қаерга бормасин, нечундир ҳамманинг диққатини дарҳол ўзига жалб қиларди, унинг оддий ва орденсиз бежирим камзули, каштасиз нимчаси, хушбичим оёқларига ёпишиб турган чолвори лол этмасди кишини. Рангпар юзи, жингалак сочлари, босиқ ва ёрқин чеҳраси, чуқур ва ғамгин қарашлари ва ниҳоят лабларида билинар-билинемас кибру ғурур уйнаб турувчи бежирим оғзи – графнинг қиёфасида ҳаммани мафтун этиб оладиган нишонлар ана шулар эди.

Ундан хушрўй эркаклар кўп эди бу гурунгда, аммо нуфузи бундан баландроғи йўқ эди. Унинг бутун вужуди теран, ақлли ва ниҳоятда сезгир одам эканидан дарак бериб турарди, ҳаммиша фикрга ботиб юрганидан бўлса керак, унинг

ҳар бир ҳаракати, ҳар бир қараши беқийёс маъноли ва равшан эди.

Бундан ташқари бизнинг Париж жамоатчилигимизнинг шундай бир қизиқ одати борки, бу ерда беҳисоб бойликнинг сирлари яшириниб ётмаганида, графнинг ташқи қийёфасидаги бу фазилатларни эҳтимол, пайқамасди ҳам.

Буларнинг ҳаммасидан қатъи назар, граф утли нигоҳлар ва гулдурос табриклар остида Морсер хоним томонга йўналди. Хоним гулларга ўралган тош печь олдида туриб графнинг кириб келганини эшик қаршисидаги ойнада кўрган ва уни кутиб олишга чоғланиб турган эди.

Граф келиб таъзим қилди, хоним ўгирилиб, шунчаки илжайиб қўя қолди.

Морсер хоним, биринчи бўлиб сўзни граф бошлар, деб ўйлаган эди, граф эса дастлаб хоним бирор нарса дер, деган фикрда қараб турди. Аммо, афтидан, шу дақиқада ортиқча мулозамат ўринли эмас деб, иккиси ҳам чурқ этмади. Монте-Кристо хоним билан салом-алик қилди-да, қўлини узатиб келаётган Альбер томонга юрди.

– Морсер хонимни кўрдингизми? – сўради Альбер.

– Ҳозиргина хоним билан сурашдим, – деди граф, – бироқ ҳали отангизни кўрганимча йўқ.

– У ҳу анави ерда турибди, кўрдингизми? Машҳур аслзодалар даврасида сиёсий масалаларда музокара қиляпти.

– Наҳотки уша жанобларнинг ҳаммаси машҳур аслзодалар бўлса? – деди Монте-Кристо. – Мен билмас эканман-да! Улар нима билан шуҳрат қозонган? Биласиз-ки, шуҳрат қозонишнинг турли йўллари бўлади.

– Улардан бири, ҳу анави узун бўйли, озғин киши олимлардан, у Рим шаҳри чеккасида калтакесакларнинг бошқача хилини топибди, бу калтакесакларнинг умуртқаси бошқаларникидан битта ошиқ экан, шу кашфиёти ҳақида фанлар академиясида доклад қилибди. Бу ҳақда кўп тортишув бўлибди, охири бу новча олим ғолиб чиқибди. Ортиқча умуртқа олимлар дунёсида кўп шов-шувга сабаб бўпти, новча, озғин зот фақат фахрий легион кавалери эди, эндиликда офицер хочини тақиб олган.

– Тақиб олса нима бўпти? – деди Монте-Кристо, – менимча, у шундай унвонга лойиқ одам, мабодо у яна бир

умуртқа топса, командир қилиб кутаришлари эҳтимолдан холи эмас, туғрими?

– Туғри.

– Анави-чи, қупол кук камзул кийиб олган ким?

– Бу костюмни ўзи кашф этгани йўқ, бунга республика айбдор; республика бадий дид борасида бошқалардан ажралиб турарди, ўшанда академиклар махсус либосда бўлсин, деб Давидга улар учун алоҳида костюм тикишни топширган эди.

– Шундай денг? – деди Монте-Кристо, – бу жаноб ҳали академикми?

– Бу зот ана шу олимларнинг тудасига кириб олганига бир ҳафта бўлди, холос.

– У қандай ишларни дундириб қуйган экан? Касб-кори нима?

– Касб-корими? Билишимча, у қуёнларнинг калласига туғнағич санчармиш, товуқларни рўян билан боқармиш, наҳангнинг муйлови билан кучукларнинг орқа мияси қатиғини чиқарармиш.

– Шу иши билан у фанлар академияси аъзоси бўлиб олганми?

– Йўқ, Франция академиясига.

– Нега энди Франция академияси?

– Ҳозир тушунтириб бераман сизга... айтишларига қараганда...

– Яъни ўтказган тажрибалар фанни жуда тараққий эттириб юборибди, демоқчимисиз?

– Ундай эмас, у ниҳоятда ёзишга уста экан.

– Бу ҳақ гап, афтидан, калласига туғнағич санчадиган қуёнларнинг, суюқларини қизил рангга бўяйдиган товуқларнинг, миясининг қатиғини чиқарадиган кучукларнинг иззат-нафсига жудаям эътибор берса керак-да.

Альбер қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Анави ким? – сўради граф.

– Қайси?

– Бу ёқдан санаганда учинчи.

– Ҳа, туқ зангори камзул кийганми?

– Ҳа.

– У отамнинг шериги. Яқинда дворянлар Палатаси аъзоларига махсус форма кийим беришга қарши жуда қизғин нутқ сузлади. Бу борадаги нутқи катта муваффақият қозонди. У либерал матбуот билан чиқишмасди, аммо саройнинг бу ниятига қарши чиқиши либерал матбуотга ҳам ёқиб, иноқлашиб кетишди. Уни элчи қилиб тайинлашади, дейишяпти.

– У қандай қилиб дворянлар Палатасига аъзо бўлиб олди?

– Икки-уч кулгили опера ёзди, «Аср» газетасини. 18 беш-олтита акциясини сотиб олди, беш-олти йил министрликка овоз бериб келди.

– Қойил, қойил, виконт! – деди кулиб Монте-Кристо, – жуда моҳир ахборотчи экансиз. Энди сиздан яна бир илтимосим бор.

– Қанақа илтимос?

– Ана шу жанобларга мени таништирмайсиз, мабодо ўзлари танишмоқни истаб қолишса, менга хабар қиласиз.

Шу пайт граф кимдир қўлини туртганини сезди-да, орқасига ўгирилиб, Дангларни кўрди.

– Ҳа, барон, ўзларими? – деди у.

– Нега сиз мени барон дейсиз? – деди Данглар. – Ўз унвонимга бефарқ қарашимни биласиз-ку. Виконт эса бунинг акси: сиз ўз унвонингизни ҳадеб тарозига солаверасиз, тўғрими, виконт?

– Албатта, – деди Альбер, – мен агар виконт деган унвондан ажрасам, одам қаторидан чиқаман-қоламан, сиз эса барон унвонидан воз кечсангиз ҳам миллионер бўлиб қолаверасиз.

– Июль монархияси даврида бу энг яхши унвон, менимча, – эътироз билдирди Данглар.

– Бахтга қарши, – деди Монте-Кристо, – миллионерлик, барон, Франция дворяни ёки академик каби умрбод бериб қўйиладиган унвон эмас, бунга яқинда хонавайрон бўлган Франкфурт миллионерлари Франк ва Пульманнинг ҳоли-аҳволини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

– Ростданми? – деди қути учиб Данглар.

– Бугун кечқурун чопар шундай хабар келтирди, уларнинг банкасида бир миллионга яқин сармоям бор эди, мени

олдиндан огоҳлантириб қуйган эдилар, дарҳол тулаб қуйишни талаб қилдим.

– Оббо, бадбахт-э! – деди Данглар. – Улар менга икки юз минг франкка вексель утказишган эди.

– Демак, сизни огоҳлантирибдилар-да, уларнинг имзоси беш фоиз туради.

– Тўғри, бироқ жуда кечикиб огоҳлантиришди мени, – деди Данглар. – Уларнинг векселини илгарироқ тулаб қуйган эдим.

– Нима бупти? – деди Монте-Кристо, – мана, ушанинг кетидан яна икки юз минг франк...

– Жим!.. – деб графнинг сюзини бўлди Данглар, – бу ҳақда оғиз оча қурманг... айниқса кичик Кавальканти олдида, – қушимча қилди Данглар Монте-Кристога яқин келиб, сўнг сал нарида турган ёш йигит томонга угирилиб илжайди.

Альбер онаси билан гаплашиб олиш учун граф олдиндан жилди. Данглар ҳам графнинг бир узини қолдириб, сурашиб олиш учун кичик Кавальканти қошига борди. Монте-Кристо бир дақиқа узи якка қолди.

Шу пайт ҳаво чидаб бўлмас даражада дим бўлиб кетди.

Қароллар меҳмонхонага мева ва музқаймоқ тула лаъли, лаган-товоқлар кутариб киришмоқда.

Монте-Кристо тер босган юзини даструмоли билан арди, лекин олдиндан қароллар кутариб утаётган лаганлардан ҳеч нарса олмай, орқага тисарилди.

Де Морсер хоним Монте-Кристонни бир дақиқа ҳам назардан йироқлаштирмади. Олдиндан утаётган лаганларга ҳечам қул урмаётган графнинг орқага тисарилгани ҳам хонимнинг назаридан қочиб қутулполмади.

– Альбер, – деди Морсер хоним, – бир нарсага эътибор қилдингми?

– Нимага?

– Отанг зиёфатга чақирганда граф бирор марта ҳам келмади-я.

– Тўғри, бироқ у меникига нонуштага келди, бу унинг бизнинг жамиятимизга кириши бўлади.

– Сен граф де Морсер бўлолмайсан, – деди шивирлаб Мерседес, – граф бу ерга кириб келган дақиқадан бошлаб икки қузим унда.

– Хуш, нима бупти?

– Ҳозиргача у бирор нарсага қул урмади.

– Граф нафсини жуда тийиб юрадиган зот.

Мерседес нохуш жилмайиб қўйди.

– Бор, ёнидан лаган олиб утаётганларида бирор таом тановул қилишини ундан илтимос қил.

– Бунинг нима кераги бор, ойи?

– Илтимосимни бажо келтир, Альбер! – деди Мерседес.

Альбер онасининг қўлини упди-да, граф қошига борди. Улар ёнидан хизматкорлар лаган кутариб утаётганда Альбер музқаймоқли ликопчани қўлига олиб, татиб кўришга харчанд таклиф этса-да, граф зинҳор унамади.

Альбер онаси қошига қайтиб келди, графинянинг рангида қон қолмаган эди.

– Мана кўрдингми, – деди хоним, – у рад этди.

– Ҳа, рад қилди, лекин сиз нега бунга қайғураётибсиз?

– Биласанми, Альбер, аёл зоти жуда ғалати бўлади. Граф меникида бирор таомни, ҳеч бўлмаганда анорнинг бирор донасини татиб кўрганда бошим кукларга етарди. Эҳтимол, француз таомларини у ёқтирмас ёки ўзининг махсус таомлари бордир.

– Ундай эмас, Италияда у ҳар қандай таомни еяверарди, менимча, бугун графнинг тоби йўқроқ бўлса керак.

– Ахир, – деди графиня, – умр буйи серқуёш мамлакатларда яшаб келган бу зот, иссиқда биз каби азоб чекмаслиги керак эди-ку?

– Менимча, ундай эмас, у ҳаво жуда дим бўлиб кетди, деб нолиди ва деразаларни очишга очибдилар-у, лекин бир йўла дераза қопқоқларини очмабдилар-да, деди.

– Дарвоқе, – деди Мерседес, – ҳамма нарсани журттага рад этиптими ёки йўқми, буни аниқлаш учун мен бир ҳийла уйлаб топдим.

Шундай деб у меҳмонхонадан чиқиб кетди.

Бир дақиқадан сўнг деразалар ланг очилди, дераза остида қад кўтарган хушбўй ўсимликларнинг шоҳлари орасидан кичик-кичик фонуслар нур сочиб турган гузал боғ кўринди. Соябон остидаги столда ноз-неъматлар тўкин.

Раққос ва раққосалар, чолғувчи ва улфатлар хурсанд бўлганларидан қичқириб юбордилар, хонага гупиллаб кир-

ган тоза ва муаттар ҳаводан меҳмонлар туйиб-туйиб нафас ола бошладилар.

Шу пайт Мерседес ранги илгаригидан ҳам бузариб кириб келди, унинг важоҳатида ўқтин-ўқтин юз берадиган қатъият ҳозир яна намоён бўлган эди. Хоним туғри эрини қуршаб олган тўдага яқинлашди-да, деди:

– Граф, меҳмонларингизни бу ерда тутиб турмай, боққа олиб чиқинг. Уйда димиқиб утирмай, боққа чиқиб роҳатланишсин.

– Хоним, – деди 1809 йилда «Partons pour la Syrie» кўшиғини айтиб юрган сипо кекса генерал, – боққа ёлғиз ўзимиз чиқмаймиз.

– Жуда соз, – деди Мерседес, – ундай бўлса, мана, мен биринчи бўлиб боққа чиққанам бўлсин.

Сўнг у Монте-Кристога ўтирилиб:

– Граф, марҳамат қилиб қўлтиғимдан олинг, – деди.

Бу оддий сўзларни эшитган граф сесканиб тушди ва Мерседесга тикилиб қолди. Бу боқиш чақмоқ каби бир зумда ўтиб кетган бўлса-да, графиняга мангу давом этаётгандек туюлди, чунки графнинг бу қарашида дунё-дунё маъно бор эди.

У графиняга қўлини тутди, хоним унинг қўлига таяниб, туғрироғи, графнинг қўлини бежирим қўлчалари билан ушлади-да, биргалашиб дабдабали зиналардан пастга туша бошлашди.

Улар кетидан ва бошқа зинадан ҳам роҳатланиб сайр қилишга ҳавасманд йигирмага яқин киши шов-шув кўтариб боққа йўл олди.

XIV. НОН ВА ТУЗ

Графиня де Морсер ҳамроҳи билан икки томонида кўм-кўк арғувонлар салом бериб турган хиёбон буйлаб иссиқхона томон юрди.

– Меҳмонхона жуда дим бўлиб кетдими, граф? – деди хоним.

– Худди шундай, хоним, ҳамма эшик ва деразаларни очдириб жуда оқилона иш қилдингиз.

Шу гапларни айтаётганида граф Мерседеснинг қўллари титраётганини сезиб қолди.

– Бу енгил кўйлақда ва биргина ҳарир рўмолда совқотиб қолманг тагин? – деди граф.

– Биласизми, сизни қаёққа олиб боряпман? – суради графиня саволга жавоб бермай.

– Қайдам, – деди жавобан Монте-Кристо, – кўриб турибсизки, итоаткорона сизга эргашиб кетаётибман.

– Ҳу анави хиёбон охирида кўриниб турган иссиқхонага.

Граф «узи нима гап?» дегандек Мерседесга қараб қўйди, аммо хоним бунга эътибор бермагач, Монте-Кристо ҳам индамай қўя қолди.

Ҳамроҳлар иссиқхонага етиб келишди. Иссиқхона турли-туман меваларга бой эди. Бу мевалар биздаги саратоннинг жазирама тафтини берувчи иссиқхонада июлнинг бошларидаёқ етилиб пишган эди.

Графиня Монте-Кристонинг қўлини қўйиб юборди-да, ток ёнига бориб, мускатдан бир бошини узиб олди.

– Марҳамат, граф, – деди Мерседес ғоят дилхасталик билан жилмайиб, унинг ғамгин кўзларидан ёш отилиб чиқай деб турарди. – Бизнинг Франция узумлари сизнинг Сицилия ва Кипрдаги узумларингизга бас келолмаслигини биламан, бироқ ишонаманки, сиз шимол қуёшимизнинг нурга хасислигини ҳисобга оларсиз.

Граф таъзим қилди-да, бир одим ортга тисарилди.

– Менинг қўлимдан хазар қиляпсизми? – деди Мерседес титроқ овоз билан.

– Хоним, – жавоб қилди Монте-Кристо, – сиздан ўтиниб узр сурайман, мускатни оғзимга олмайман.

Мерседес ўксиниб нафас олди-да, узумни қўлидан тушириб юборди.

Токнинг шундай ёнида ажойиб шафтоли шохи ларзон бўлиб турарди. Мерседес унга яқин борди-да, бахмал тус мевани узиб олди.

– Йўқса мана бу шафтолини олинг, – деди у. Граф буни ҳам боягидек рад этди.

– И-е! Буниям олмайсизми? – деди графиня яна дили сиёҳ бўлиб, – тавба, ҳеч ишим унгидан келмади-келмади-да.

Уртага узоқ сукунат чўкди, узум кетидан шафтоли ҳам қум устига тушди.

– Биласизми, граф, – деди Мерседес Монте-Кристога илтижо билан тикилиб, – арабларда ажойиб одат бор: бир хонадонда бирга нон ва туз татиган кишилар абадий дўст бўлиб қоларканлар.

– Мен буни биламан, хоним, – жавоб қилди граф, – бироқ биз Арабистонда эмас, Францияда турибмиз. Францияда эса абадий дўстлик, нон ва тузни баҳам кўриш одати йўқ.

– Бироқ, ҳар ҳолда... – деди хоним вужудини титроқ босган ҳолда Монте-Кристонинг кўзларига тикилиб ва титраб турган қўллари билан унинг қўлларини маҳкам тутиб, – ҳар ҳолда, биз бир-биримиз билан дўстмиз, тўғрими?

Ранги қув ўчиб кетган графнинг юраги орқасига тортиб кетди, қизариб-бузарди, кўзлари тинди.

– Албатта, албатта, – деди у, – хоним, нечун биз дўст-иноқ бўлмас эканмиз?

Монте-Кристо сўзларининг оҳанги Мерседес зориқиб кутган жавобдан шу қадар йироқда эдики, хоним ўпкаси тўлиб хўрсинди-да, графдан юзини ўгириб олди.

– Ташаккур сизга, – деди Мерседес ва олдинга юрди.

Улар чурқ этмай боғни бир айланиб чиқишди.

– Граф, – деди Мерседес узоқ сукунатдан сўнг, – сизни жуда кўпни кўрган, кўп ерларни саёҳат қилган, кўп жабр-жафолар чеккан дейишади, тўғрими?

– Ҳа, шундай хоним, мен кўп азоб-уқубатларга дучор бўлганман, – жавоб қилди Монте-Кристо.

– Энди бахтиёрмисиз?

– Албатта, – деди граф, – менинг бирор нарсадан нолиганимни эшитган киши бўлмаса керак.

– Ҳозирги бахтли ҳаётингиздан жонингиз ҳаловатда бўлса керак?

– Ҳозирги бахтим ўтмишдаги бахтсизлигим билан баробардир.

– Уйланмаганмисиз?

– Уйланмаганмисиз деяпсизми? – такрорлади Монте-Кристо, чўчинқираб, – ким айтди сизга буни?

– Ҳеч ким айтгани йўқ, бироқ сизни бир неча бор Операда бир ёш нозанин аёл билан бирга кўрибдилар.

– У чури, Константинополда сотиб олганман, князнинг қизи эди, энди мени қизим бўлиб қолди, дунёда менинг ундан бошқа ҳеч кимим йуқ.

– Демак, якка-ёлғиз экансиз-да?

– Якка-ёлғизман.

– Синглингиз... ўғлингиз... отангиз йуқми?

– Ҳеч кимим йуқ,

– Дунёдан умидсиз, ёлғиз ўзингиз қандай ҳаёт кечиряпсиз?

– Хоним, бунга мен айбдор эмасман. Мальтадалик вақтимда бир қизни севардим, унга уйланишим керак эди, бироқ уруш бошланиб қолиб, мени оёғимни ерга тегизмай олиб кетишди. Қиз мени қаттиқ севади ва кутади, ўла-ўлгунча содиқ бўлиб қолади, деб уйлагандим. Қайтиб келсам, у аллақачон эрга тегиб кетибди. Ёши йигирмадан ошган ҳар бир эркакнинг қисмати одатда шундай буларкан. Мен бошқаларга нисбатан кўпроқ уртандим-ёндим. Графнинг нафаси буғилди.

– Шундай денг, – деди хоним, – уша муҳаббат сизни дилпора этиб кетибди-да... Киши умрида фақат бир марта ошиқ бўлади... Ўша аёл билан сўнг ҳеч учрашмадингизми?

– Ҳеч.

– Ҳечам-а?

– У яшаган жойга ҳеч қайтиб бормадим.

– Мальтага-я?

– Ҳа, Мальтага.

– У ҳозир ҳам Мальтадами?

– Ҳа, уша ерда бўлса керак.

– Сиз унинг гуноҳини кечирдингизми?

– Ҳа, фақат унинг гуноҳини кечирдим.

– Фақат унинг гуноҳини денг, сизни маъшуқангиздан жудо этган кишиларни-чи? Уларни ҳозир ҳам ёмон қўрасизми?

– Ҳечам, нега энди мен уларни ёмон қўрайин?

Графиня Монте-Кристога тикилиб тўхтаб қолди, хушбўй узумнинг бир шингилени у ҳамон қўлида тутиб келаётган эди.

– Манг, – деди у.

– Хоним, мен мускатни ҳеч емайман, – деди Монте-Кристо, гуё шу пайтгача бу ҳақда иккиси уртасида ҳеч гап утмагандай.

Графиня узум шингилини жаҳл билан итқитиб юборди.

– Қайсар! – деди хоним шивирлаб.

Монте-Кристо бу таъна гуё унга алоқадор эмасдек, парвойи фалак тураверди.

Шу он улар қошига югуриб Альбер келди.

– Ойи, – деди у, – бахтсизлик юз берибди!

– Нима? Нима бўпти? – сўради графиня худди уйқудан уйфонгандек қаддини ростлаб, – бахтсизлик дедингми? Дарҳақиқат, энди бахтсизликка учрашимиз турган гап!

– Жаноб де Вильфор келди.

– Келса нима бўпти?

– У хотини ва қизини олиб кетгани келибди.

– Нечун?

– Парижга маркиза де Сен-Меран хунук хабар келтирибдилар: Марселдан келаётганда биринчи бекатда маркиз де Сен-Меран дунёдан ўтибди. Вильфор хоним ўзида йўқ хурсанд, гулдай очилиб юрган эди, бу хабарга узоқ вақтгача инонмай ҳанг-манг бўлиб турди. Аммо мадемуазель Валентина хунук хабарни эшитибоқ, отасининг шунчалик эҳтиёткорлигига қарамай, ҳамма гапни фаҳмлади ва ҳушидан кетиб йиқилди.

– Маркиз де Сен-Меран мадемуазель де Вильфорга ким бўлади? – сўради граф.

– Она томондан буваси. У тезроқ невараси билан Францнинг бошини қовуштириб қўйиш учун келаётган эди.

– Э-э, шундай денг ҳали!

– Энди Франц кутиб туришга мажбур. Афсуски, маркиз де Сен-Меран мадемуазель Дангларнинг ҳам буваси эмасда!

– Альбер, Альбер! Нега унақа деяпсан? – деди Морсер хоним гина аралаш, – граф, Альбер сизни жуда ҳурмат қилади, айтинг унга ахир, бунақа беҳуда гапларни оғзига олмасин!

Хоним ўзини бир неча қадам нарига олди.

Монте-Кристо унга уйчан ва меҳр тўла нигоҳ билан қараган эди, хоним ўрнига қайтиб келишга мажбур бўлди. У

графнинг қулидан тутди, сунг уғлининг қулини сиқиб, иккала қулини бир-бирининг устига қуйди-да:

– Ахир биз орамиздан қил утмайдиган дўстлармиз-ку, шундайми? – деди.

– Мен сиздан дўстлик даъво қилолмайман, хоним, – деди граф. – Аммо мен сизга зур ҳурмат билан хизмат қилишга тайёрман.

Графиня дилида таърифга сиғмас қайғу билан графдан узоқлашди; ун қадам ҳам юрмай кўз ёшларини артаётганини граф кўриб турарди.

– Ойим билан орангизда бирон гап утдими? – суради Альбер.

– Аксинча, – деди граф, – ҳозиргина олдингизда, биз дўстмиз, деди-ку.

Шундан сунг граф билан Альбер меҳмонхонага қайтиб келишди, бу ердан ҳозиргина Валентина ва эр-хотин де Вильфорлар чиқиб кетишган эди.

Шубҳасизки, улар билан изма-из Моррель ҳам чиқиб кетган.

XV. МАРКИЗА ДЕ СЕН-МЕРАН

Чинданам, бундан бир неча дақиқа илгари Вильфор хонадонида кўнгилсиз воқеа юз берди.

Иккала хоним зиёфатга жунаб кетгач (Вильфор хоним чунонам уринса-да, эрини зиёфатга боришга кўндиролмаган эди), қироллик прокурори кабинетини қулфлаб олди-да, қоғозларга кўмилиб кетди. Бошқа киши бу қоғозлар ғарамини кўрса капалаги учарди, аммо оддий кўнларда булар прокурорнинг ишга бўлган иштиёқини зўрға қондира оларди.

Лекин бу гап иш унга бекиниб олиш учун баҳона эди, холос. Вильфор ишлаш учун эшикни қулфлаб олмади, балки хилватда хаёлларга чўмиш ниятида шундай қилган эди. Жуда зарур бўлмаса олдига ҳеч кимни киритмасликни буюрди-да, юмшоқ курсига чўкиб, сунгги кўнларда бўлиб ўтган беҳисоб қайғули воқеаларни бирма-бир уйлади.

Қироллик прокурори тўп-тўп бўлиб ётган қоғозларга қўл уриш ўрнига, ёзув столи тортмасини очиб, яширин пружини

нани босди ва шахсий қоғозлари боғламини олди, бу ғоят муҳим қоғозларда Вильфорга сиёсат борасида, пул борасида, суд ишларида ёки яширин ошиқ-маъшуқлик найрангларида душмани бўлган ҳамма шахсларнинг номлари фақат унинг ўзига маълум шифрларда ёзиб қўйилган эди.

Ҳозирги хавф-хатарли пайтларда бу душманлар сон-саноксиздек туюларди унга. Аммо бу номларнинг ҳаммасига, ҳатто энг даҳшатлисига ҳам у довонга чиқиб олиб, пастда узоқ вақт қийналиб босиб ўтган тип-тикка чўққиларни, тубсиз жарликларни, ўтиб бўлмас йўлларни писанд қилмаган йўловчи сингари илжайиб қараб қўя қоларди.

Вильфор бу номларни синчковлик билан хотирига келтирди, диққат билан қайта-қайта ўқиб, урганиб чиқди, ёзувларига солиштириб кўрди, охири бошини чайқади.

– Йўқ, – деди пичирлаб, – булардан бирортаси ҳам менинг шу сиримни ошкора қилиб ер билан яксон этиш учун бунчалик узоқ пайт пойлаб юрмас. Ҳамлет ибораси билан айтганда, баъзан ер тагига роса чуқур кўмиб қўйилган нарсаси гумбурлаб овоз чиқаради-да, чақмоқ каби ҳамма ёқни ёритиб юборади. Бироқ бу чақмоқ бир зум ёниб, дарҳол ўчади, кишини йўлдан адаштиради. Афтидан, ўша корсикалик махлуқ бу воқеани бирор кашисига айтгандир, у эса ўз навбатида бошқаларга ҳикоя қилиб бергандир. Жаноб Монте-Кристо бунга эшитган ва қаноат ҳосил қилиш учун текширмоқчи...

«Бироқ нима кераги бор экан унга текшириб ўтиришининг, – деди ўз-ўзига Вильфор, бир оз ўйланиб, – жаноб Монте-Кристога, Мальта кемасозининг ўғли жаноб Дзакко-нега, Фессалиядаги кумуш конининг хўжайинига – Францияга биринчи марта ташриф буюрган зотга бу қоронғи, сирли ва фойдасиз воқеани текширишнинг нима кераги бор экан? Бири графнинг дўсти, бири душмани бўлган аббат Вузони ва лорд Уилморнинг гапидан менга аниқ ва равшан маълум бўлди: ҳеч маҳал, ҳеч ерда, ҳеч қандай ҳолатда ва ҳеч қандай муҳитда менинг улар билан алоқам бўлган эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас».

Вильфор бу сўзларни такрор-такрор тилга оларди-ю, лекин бунга ўзи ишонқирамасди. Бунда у фош этилишидан қўрқмасди, чунки инкор қилмоғи, рад этмоғи мумкин. Де-

ворда тўсатдан қонли ҳарфларда пайдо бўлган «Мене, Текел, Фарес» лар ҳам ташвишга солмасди: у фақат мана шу сўзлар ёзган қўлларнинг эгаси ким эканлигини билолмай хуноб буларди.

У узига далда беришга уринаётган шу пайтда, яъни узоқ вақт индамай келган ана шу душманнинг жазавасини қўзғатиб юбормаслик учун шуҳратпарастликка муккасидан кетган чоғларида кўз унгида пайдо бўладиган сиёсат борасидаги истиқболни хаёлидан юлиб ташлаб, фақат оиласининг бахт-саодати, келажаги ҳақида ўйга чўмиб турган шу пайтда ҳовлида извош товуши эшитилди. Сўнг зинада кекса кишининг оҳиста қадамлари, кейин йиғи ва қайғули фифон кутарилди.

Вильфор шошиб кабинет эшигини очди, шу он шол рўмоли ва шляпаси қўлида қари аёл сўрамай кириб келди. Унинг оппоқ сочлари қотма пешанасига осилиб тушган, атрофини ажин босиб кетган кўзлари, қовоқлари шишиб кетганди.

– Оҳ, Тангрим! Қандай бахтсизликка учрадик! – деди у, – қандай оғир бахтсизлик! Мен бунга чидолмайман! Асло чидолмайман!

Шундай деди-да, эшик ёнидаги курсига йиқилди ва хунграб йиғлаб юборди.

Хўжайиннинг уйдаги бу шов-шувни эшитиб, югуриб келган қарол, хизматкорлар остонадан нари утолмай, Ну-артъенинг кекса камердинерига¹⁵ ҳанг-манг бўлиб қараб туришарди. Келган қари аёл Вильфорнинг қайнанаси эди: у югуриб кампир олдига борди.

– Э, Парвардигор! Нима бўлди, бекам? – суради у, – нега мунчалик алам чекапсиз? Маркиз де Сен-Меран сиз билан биргамасмиди?

– Маркиз де Сен-Меран ўлди, – деди кекса маркиза гапни чузиб утирмай.

Вильфор орқага бир қадам ташлаб, қўлларини бир-бирига уриб қўйди.

¹⁵ Камердинер – дворянларнинг уй хизматкори, маҳрами, малайи.

– Улди!.. – деди зурға овоз чиқариб. – Улдими... тўсатдан-а?

– Бундан бир ҳафта муқаддам, тушлиқдан сўнг йўлга чиқдик. Маркиз бир неча кун бетоб ётган эди, аммо азизамиз Валентинани кўриш иштиёқи унга далда берди, биз йўлга чиқдик. Марселдан олти лье утганда у одатдагича дорисини ичди-да, жуда қаттиқ уйқуга кетди, менга бу табиий уйқуга ухшамагандек кўринди. Шунга қарамай мен уни уйғотмадим. Бир вақт қарасам, юзлари қизариб, пешана томирлари ўқлоғидек шишиб кетибди. Шунда ҳам мен уни уйғотмадим, қош қорайди, ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Салдан кейин у тушида азоб чекаётгандек, бўғиқ овозда қичқириб юборди-да, боши орқасига шилқ этиб тушди. Мен дарҳол камердинерни чақирдим, извошни тўхтатдим-да, маркизни уйғота бошладим, бурнига туз солинган шишани тутдим, фойда бермади, ғишт қолипдан кучган, маркиз жон берган эди. Ёнида утириб олиб Эксга етиб келдим.

Вильфор ҳангу манг булиб гапни тингларди.

– Сиз дарҳол доктор чақиртиргандирсиз, албатта?

– Бўлмасам-чи, бироқ, у тамом бўлган эди, дедим-ку сизга.

– Ҳа, айтгандингиз, бироқ доктор лоақал шўрлик маркиз қандай касал билан ўлганини айтиб берарди.

– Э-э, Худойим, у менга, миясига қон қуйилибди, деб айтди.

– Сўнг нима қилдингиз?

– Сен-Меран жаноблари ҳамиша, агар мен Париждан бўлак жойда ўлиб қолсам, жасадимни ўз хилхонамга қўясизлар, дер эди. Мен уни қўрғошин тобутга солдириб қўйдим ва бир неча кун ичидаёқ ҳаммасига улгурдим.

– Шўрлик она! – деди Вильфор. – Қариган чоғингизда шунча дардингиз устига бу чипқон булибди-да.

– Худонинг ўзи мадад беряпти менга, эрим ҳам менга худди шундай қилган бўлур эди. Аммо уни ўша ерда қолдирганимдан буён ҳеч ўзимга келолмайман. Кўз ёшларим тўкилиб-тўкилиб тамом бўлди, тўғри, менинг ёшимдаги кишиларда ёшнинг ўзи бўлмайди, дейишади, менимча, қайғу-алам бор экан, кўз ёши ҳам бўлади. Валентина қани?

Ахир биз уни деб бу ёққа йул олганмиз-ку. Валентинани кўрмоқчиман, Валентинани!

Валентина зиёфатда деса, кампирга оғир ботишини Вильфор фаҳмларди. У шунчаки, мадемуазель уйда йуқ, угай онаси билан чиқиб кетувди, унга ҳозироқ хабар қилишади, деб қўя қолди.

– Утинаман сиздан, уни иложи борича тезроқ чақирсинлар, – деди қари маркиза.

Вильфор уни қўлтиғидан олиб, бўлмасига етаклаб кирди.

– Она, келинг, дам олинг, – деди у.

Она деган сўзни эшитиб, маркизанинг эсига қизи тушиб кетди-да, ўкраб йиғлаб юборди ва курси олдида оппоқ сочли бошини қуйи солиб, тиз чўкканича қимир этмай қолди.

Вильфор маркизага қараб туришни аёлларга топширди, чол Барруа эса ғоят ҳаяжонга тушган ҳолда хўжайини олдига чиқди. Чоллар, ажал бошқа бир чолнинг гирибонидан олиш учун улардан бир нафас йироқлашганда жуда қаттиқ ваҳимага тушиб қолишади. Де Сен-Меран хоним ўша тиз чўккан ерида зур бериб чўқинаётганида Вильфор извош кира қилиб, хотини ва қизини олиб келиш учун Морсер хонимларникига узи кетди.

Вильфорнинг ранг-руйи девордек оқариб, остонада пайдо бўлганда, Валентина қичқириб, унинг олдига келди-да:

– Отажон, нима бўлди? Бирор бахтсизлик юз бердими? – деб сўради.

– Бувингиз келди, Валентина, – деди Вильфор.

– Бувам-чи? – сўради Валентина қалтираб. Вильфор жавоб қайтармай, қизини қўлтиқлаб олди. Бу жуда вақтида кўрилган чора эди. Валентина беҳузур бўлиб, гандираклаб кетди, де Вильфор хоним суяб олди-да, эри билан биргалашиб уни извошга утқазди.

– Э-э, тавба! Қандай ҳол бу!.. Ҳеч ақл бовар қилмайдиган воқеа! Асло ишонгинг келмайди-я!

Шундан сўнг оила бошига тушган кулфат бутун кечани гуё мотам либоси чулғаб, уни ғам-ғуссага фарқ қилганча, тезлик билан чиқиб кетди.

Зина тагида Валентинани Барруа кутиб турган эди.

– Нуартье жаноблари бугун сизни кўрмоқчилар, – деди унга.

– Хуп бўлади, бувимни кўриб, сўнг унинг олдига чиқаман, бориб айтинг, – деди Валентина.

Де Сен-Меран хоним шу дамда ҳаммадан ҳам уни кўришга муштоқ эканлигини Валентинанинг юраги сезиб турарди.

Валентина кирганда бувиси тушакда ётган эди. Бу учрашув унсиз эркалаш, юракдан чиққан ғам-алам, дам-бадам хўрсиниш ва кўздан оққан қайноқ кўз ёшлар гувоҳи бўлди. Уз эрини қўлтнқлаб олган де Вильфор хоним бечора бевага юзаки бўлса-да, ҳурмат-эҳтиром-ла улар ёнида турарди.

Бир неча дақиқадан сўнг хоним эрининг қулоғига:

– Маъқул кўрсалар мен кетсам, қайнанагиз мени кўрган сари жини қўзиб кетяпти, – деди.

Сен-Меран хоним бу сўзларни эшитди-да, Валентинага:

– Ҳа-ҳа, туғри, у кетсин, сен қол, албатта қолгин, – деди шивирлаб.

Вильфор хоним чиқиб кетди, бувиси қошида Валентинанинг бир узи қолди. Кутилмаган бу улимдан боши гангиб қолган қироллик прокурори ҳам рафиқаси билан чиқиб кетди.

Барруа юқорига – хўжайини Нуартъе олдига қайтди, чол уйдаги шов-шувларни эшитиб, нима гаплигини билиш учун кекса хизматкорини пастга туширган эди.

Хизматкор қайтиб кириши билан Нуартъе маъноли ва ўтли кўзларини унга ўқдай қадади.

– Жаноб, катта бахтсизлик юз берибди, – деди Барруа, – де Сен-Меран хоним келди, эри дунёдан ўтибди.

Сен-Меран ва Нуартъе бир-бири билан унчалик дўст эмасди, бироқ, тенгдошининг ўлими ҳар қандай чолга ҳам ёмон таъсир этиши маълум. Нуартъе, қайғу гангитиб қўйган ёки фикр-хаёлга фарқ бўлган кишига ўхшаб бирдан жимиб қолди. Сўнг у бир кўзини юмди.

– Мадемуазель Валентинани чақирайми? – сўради Барруа.

Нуартъе имо билан «ҳа», деди.

– У зиёфатда эканини биласиз, узр сўраш учун олдингизга зиёфатда киядиган кўйлагида кирганди.

Нуартъе яна чап кўзини юмди.

– Сиз уни кўрмоқчимисиз?

Нуартъе тасдиқ ишорасини кўрсатди.

– Уни ҳозир де Морсер хонимларникидан чақириб келишса керак, мен унинг келишини кутиб тураман ва ҳузурингизга киришини илтимос қиламан. Шундайми?

– Ҳа, – жавоб қилди фалаж имо билан.

Барруа Валентина келган заҳоти уни зинада учратиб, бувасининг илтимосини айтгани ҳурматли китобхонга маълум.

Сен-Меран хоним қанчалик ҳаяжонга тушмасин, ахири ҳолдан тойиб, уйқуга кетгач, Валентина унинг олдидан чиқиб, Нуартъе бўлмасига кутарилди. Сен-Меран хонимнинг бош томонига кичкина столни суриб, устига унинг ичимлигини келтириб қўйишди.

Валентина, ҳали айтганимиздек, чиқди-да, бувасини ўпди, чол меҳр тула кўзларини унга тиккан эди, қизнинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

Чол ундан кўзини асло узмасди.

– Ҳа, англадим, – деди Валентина, – сиз, сенинг меҳрибон буванг ҳали тирик, демоқчисиз-да, тўғрими?

Чол имо билан худди шундай демоқчи эканини англатди.

– Ҳа, бу мен учун катта бахт, – деди Валентина. – Агар сиз бўлмаганингизда ҳолим нима кечарди?

Соат тунги бирга бориб қолганди. Уйқуси келган Барруа қайғу-ҳасратга тула бу оқшомдан сўнг, ҳамма ором олоғи зарур, деди. Чол, мен фақат неварамни кўрсам бўлди, шундагина хотиржам бўламан, деб айтишни истамади. У, қайғу-алам ва ташвишлардан эзилиб, зурға турган Валентина билан хайрлашди.

Эртасига Валентина келганда, бувиси ҳамон тушақда боқишлари ғамгин, изтироб чекиб ётарди.

– Нима бўлди сизга, бувижон? Тобингиз қочдимми? – суради Валентина бувисини бу ҳолатда кўриб.

– Йўқ, оппоғим, йўқ, – деди де Сен-Меран хоним, – мен сени зориқиб кутаётган эдим. Отангни чақирмоқчиман.

– Отамни? – суради ташвишланиб Валентина.

– Ҳа, отангни, у билан гаплашиб олишим керак.

Валентина бувисининг истагини рад этишга журъат этолмади, отаси нима учун керак бўлиб қолганлигини ҳам билмади, бир дақиқа ўтар-ўтмас хонага Вильфор кириб келди.

– Жаноб, – деди де Сен-Меран хоним, худди вақт етмай қолишидан қўрқаётгандай, гапни қисқа қилиб, – менга қизимизни эрга бериш ниятидамиз, деб хат ёзган эдингиз, туғрими?

– Тўғри, хоним, – жавоб қилди Вильфор, – бу энди ният эмас, ҳал этилган масала.

– Булажак куёвингизнинг исм-шарифлари Франц д' Эпинеми?

– Худди шундай, хоним.

– Янглишмасам, унинг отаси генерал д' Эпине биз билан маслақдош эди, шундайми? Уни зўравон императорнинг Эльбадан қайтишидан бир неча кун илгари ўлдирган эдилар, шекилли?

– Худди шундай.

– У яacobинчининг неварасига уйланишидан ҳайрон бўлмасмикин?

– Бахтимизга сиёсат борасидаги келишмовчиликларимизга барҳам берилган энди, – деди Вильфор. – Отаси дунёдан утганда Франц д' Эпине ҳали чақалоқ эди, у Нуартье жанобларини унчалик яхши билмайди. У билан учрашганда ҳам айтарли ҳеч нарса юз бермаса керак.

– У куёв бўлишга муносибми ўзи?

– Ҳамма томондан муносиб.

– У йигит жамоатчилик олдида...

– Катта ҳурмат қозонган.

– Тарбияси жойидами?

– Мен билган йигитлар ичида Франц энг муносиби. Бутун суҳбат давомида Валентина жим тураверди.

– Ундай бўлса, – деди бир оз хаёл суриб де Сен-Меран хоним, – жаноблари ишни тезлаштиришлари керак, чунки менинг бир оёғим турда бўлса, бир оёғим гурда.

– Қўйинг-э, ундай ёмон ният қилманг, бувижон! – деди Вильфор Валентина билан баравар.

– Билиб гапиряпман-да, – давом этди маркиза, – Валентинанинг онаси йуқ, фотиҳа берадиган фақат битта буви си қолган, шўрлигим Рене томондан фақат мен қолдим. Тириклардан сиз у шўрлик онани жуда тез унутиб юбордингиз. Мана шуларни ҳисобга олиб никоҳни тезлаштиришингиз лозим.

– Бечора қизга она керак бўлиб қолганини унутяпсиз, хоним, – деди Вильфор.

– Угай она ҳеч маҳал ҳақиқий она бўлолмайди! Лекин бунинг ҳозирги ишга дахли йўқ, биз тириклар ҳақида гапиряпмиз, уликлар гурида тинч ётаверишсин.

Маркиза алаҳсираётгандек жуда тез ва ғалати оҳангда гапирарди.

– Истагингиз бажо этилади, хоним, – деди Вильфор, – менинг истагим ҳам худди шу, жаноб д’ Эпине келиши биланоқ...

– Аммо, бувижон, – деди Валентина, – бундай қилиш ярамайди, ахир биз азадормиз-ку... Наҳотки мотам кунларида тўй қилиб, турмушга чиқишимни хоҳласангиз?

– Болам, – деди Валентинанинг сўзини чўрт кесиб кампир, – қўй бу гапларни, бу даққиюнусдан қолган гаплар ўз тақдирини яратолмаган ожизларнинг гапи, мени ҳам онам ўлим тушагида ётганда эрга бериб юборган эди, бундан мен ёмонлик кўрганим йўқ-ку.

– Хоним, сиз яна ўлим ҳақида гап очяпсиз, – деди Вильфор.

– Яна? Йўқ, яна эмас, ҳамма вақт!.. Яна қайтараман сизга: мен яқинда дунёдан ўтаман, эшитяпсизми, яқин кунларда! Лекин куёвимни кўзим тириклигида кўришни истайман, ундан неварамни бахтиёр қилишни сўрайман, талабларимни бажаришга тайёр эканини унинг кўзларига қараб билиб олишни истайман, хуллас, мен уни билишни истайман, – давом этди кампир, шу пайтда унинг юзи қўрқинчли тусга кирган эди. – У, агар биз ўйлаган одам бўлиб чиқмаса, мен гуримда тинч ётмай, келаман-да, додингни бераман.

– Хоним, – деди эътироз билдириб Вильфор, – бу хаёлларни миянгиздан чиқариб ташланг, бу телбаларча бехуда васваса. Уликлар қабрларида абаднй уйқуда, улар асло уринларидан турмайди.

– Шундай, бувижон, шундай, тинчланинг! – деди Валентина.

– Жаноб, билиб қўйингки, гап мутлақо сиз ўйлагандай эмас; мана шу кечани мен дузах азобида ўтказдим. Ўзим ухлагандай бўлиб ётибману, гўё жоним танимдан чиқиб

кетган эмиш, зур бериб кўзимни очмоқчи бўлдим, бироқ улар ўз-ўзидан юмилиб кетаверди, шу пайт (сиз, албатта, бунга ишонмайсиз) юмуқ кўзларим билан кўрдимки, шу хонага Вильфор хоним ҳожатхонасига чиқадиган эшик ёнидаги бурчакдан оппоқ гавда кириб келди.

Валентина қичқириб юборди.

– Иссиғингиз ошиб кетгандир-да, хоним, – деди Вильфор.

– Ихтиёрингиз, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, аммо мен кўрганимни гапиряпман: оппоқ гавдани ўз кўзим билан кўрдим, тагин мени туши деб ўйламасин дегандек, стаканимни уриб қўйди, ҳа, мана шу столча устида турган стаканимни.

– Ҳойнаҳой туш кўргансиз, бувижон, – деди Валентина.

– Йўқ, туш эмас, унгим, қўнғироққа қўл узатишим билан ҳалиги гавда дарҳол ғойиб бўлди. Шу пайт чироқ кутариб оқсоч кирди.

– У кирганда ҳеч кимга кўзи тушмабдими?

– Арвоҳ ҳаммага ҳам кўринавермайди. Бу эримнинг арвоҳи эди. Хўш, эримнинг арвоҳи менинг ҳузуримга келган экан, нега энди менинг арвоҳим келиб қизалоғимни ҳимоя қилмас экан? Бизларнинг алоқамиз ундан кучли назаримда.

Жуда қаттиқ ҳаяжонга тушган Вильфор:

– Бекам, илтимос қиламан, – деди, – бунақа ваҳимали гапларни ҳадеб такрорлайверманг, сиз биз билан бирга яшайсиз, ҳали узоқ яшайсиз, иззат-ҳурматда, ҳузур-ҳаловатда яшайсиз, биз сизни бу бўлмағур хаёлларни унутиб юборишга мажбур этамиз. Ҳа, ёмон хаёллардан халос этамиз.

– Йўқ, йўқ! Бу мумкин эмас! – деди маркиза Вильфорнинг сўзини бўлиб. – Жаноб д'Эпине қачон қайтади?

– Биз уни ҳозир кутиб турибмиз.

– Жуда соз. У келиши ҳамон менга хабар қиласиз. Тез бўлинг, тез! Нотариусни кўришим керак. Ҳа, мен мероснинг Валентинага ўтишига имоним комил бўлмоғи керак.

– Оҳ, бувижоним! – деди оҳиста товуш-ла Валентина кампирнинг ёниб турган пешанасига лабларини теккизиб, – мен бунга асло чидолмайман! Э, Парвардигор! Алангаи оташ бўлиб ёняпсиз, нотариусни эмас, докторни чақириш керак, докторни!

– Докторни? – деди елкасини қисиб маркиза, – мен касал эмасман, юрагим куйиб кетяпти, ичгулик бирон нарса беринг, бошқа ҳеч нарсанинг кераги йуқ.

– Бувижон, нима ичасиз?

– Нима ичардим, болам, уша узим ичиб юрган оранжадда, биласан-ку. Столда турган стаканда, бера қол.

Валентина графиндан стаканга оранжад қуйди-да, қурқинқираб бувисига узатди, чунки маркизанинг узи бу стаканга арвоҳнинг қули тегди, деган эди.

Маркиза ҳаммасини сипқорди ва бошини ёстиққа ташлади-да:

– Нотариус, нотариус! – деди такрорлаб.

Вильфор хонадан чиқиб кетди, Валентина бувиси қошига утириб олди. Маркиза учун чақирриш керак бўлган докторга Валентинанинг узи ҳам муҳтож бўлиб қолганди, унинг юзлари ёниб, нафаси буғилар, юраги гуп-гуп урарди.

Шурлик қизнинг хаёли Максимилианда эди. Сен-Меран бека унга кўмақдош бўлиш ўрнига, билмай туриб душманлик қилаётганини эшитса, Максимилиан қайғу-алам утида ёниб қоврилади!

Валентина бир неча бор ҳамма гапни бувисига айтиб бермоқчи ҳам бўлди. Агар Максимилиан Моррелни Альбер де Морсер ёки Раул де Шато-Рено каби аслзодалар қаторига қўшиб чақирсалар эди, Валентина иккиланмай юрагидаги истакларини бувисига очиб соларди. Бироқ Моррель аслзодалардан эмас, плебейлар наслидан эди, Маркиза де Сен-Мераннинг насли паст одамларга нафрат билан қарашини Валентина биларди. Шу сабабдан ҳар гал бечора қизнинг сирли сўзлари тилига келарди-ю, лекин айтолмасди. Бу сирларимни очишимдан фойда йуқ, буларни отам ва угай онам билиб қолгудек бўлса, бутун орзу-умидларимни чип-пакка чиқарадилар, деб уйларди Валентина.

Орадан икки соатча вақт ўтди, де Сен-Меран хоним уйқуси келмай, илондай тулғаниб ётарди. Нотариус келганини унга хабар қилишди.

Бу хабарни астагина айтсалар-да, де Сен-Меран хоним дарҳол ёстиқдан бошини кутарди.

– Нотариусми? – деди у. – Айтинг, кирсин, кирсин!

Остонада турган нотариус ичкарига қадам қуйди.

– Валентина, сен чиқиб тур, – деди Сен-Меран хоним, – бу жаноб билан иккимиз қолайлик хонада.

– Бироқ, бувижон...

– Бор, бор, болам.

Валентина бувисининг пешанасидан упди-да, даструмолини кузларига босиб, чиқиб кетди.

Валентина эшик олдида камердинерни учратди, у доктор келганини ва меҳмонхонада кутиб турганини айтди.

Валентина югуриб пастга тушди. Уша замоннинг энг машхур шифокорларидан ҳисобланган бу доктор Вильфорлар онласининг меҳрибон дўсти эди. Валентинани йургак-далик чоғидан билар ва жуда яхши куради, унинг мадемуазель де Вильфорга тенгдош қизи ҳам бор, бироқ у сил онадан туғилган бўлиб, отани умр бўйи ташвишга солиб қўйган эди.

– Оҳ, азиз д’Авриньи жаноблари, – деди Валентина, – йўлингизга қарайвериб кузларимиз тешилди! Аввало айтинг-чи, Мадлен ва Антуанет эсон-омон юришибдими?

Мадлен докторнинг қизи, Антуанет эса жияни эди. Жаноб д’Авриньи лоқайд илжайиб қўйди.

– Антуанет соппа-соғ, – деди у, – Мадлен ҳам анча дуруст. Азизим, сиз мени чақиртирганмидингиз? Кимнинг тоби қочди? Отангиз ва де Вильфор хонимнинг саломатлиги жойида бўлса керак? Узингизнинг соғлиғингиз? Ҳаммамизнинг асабларимиз бузилган. Менимча, маслаҳат беришдан булак қиладиган ишим бўлмаса керак бу хонадонда.

Валентина бўзариб кетди. Д’Авриньи бундай ҳолларда ер тагида илон қимирласа биладиган, тан жароҳатини руҳий таъсир йўли билан даволайдиган докторлардан эди.

– Ундай эмас, – деди Валентина, – шўрлик бувим жуда қаттиқ ётибди. Бошимизга тушган мусибатдан хабарингиз борми?

– Ҳеч нарсадан хабарим йўқ, – деди д’Авриньи.

– Оғир мусибатга дучор бўлдик, – деди Валентина узини йиғидан зурға тўхтатиб. – Бувам вафот этди.

– Маркиз де Сен-Меран-а?

– Ҳа.

– Тусатдан улдими?

- Миясига қон қуйилиб.
- Миясига қон қуйилиб? – такрорлади доктор.
- Ҳа. Энди шурлик бувим, вафодор эрим мени ҳам уз ёнига чақиряпти, боришим керак, деб ётибди. Жаноб, сиздан утиниб сурайман, кумак беринг бувимга!
- Қаерда у?
- Ўз булмасида, у ерда нотариус утирибди.
- Жаноб Нуартъенинг аҳволи қалай?
- Ҳаммаси боя-боягидек; ақл-хуши жойида, аммо бурунгидек қимир этмай ётибди.
- У сизга жуда меҳрибон-а?
- Ҳа, – деди хўрсиниб Валентина, – у мени жуда яхши куради.
- Сизни яхши кўрмай буладими?
- Валентина ғамгин жилмайиб қўйди.
- Бувингизга нима булди?
- Унинг асаблари жуда бушашиб кетган, уйқусида ором йўқ, бугун кечаси арвоҳни кўрдим, деб кўп алаҳсиради, арвоҳ гуё хонасига кириб, унинг стаканини ушлаганмиш.
- Қизиқ, – деди доктор, – де Сен-Меран хонимнинг бундай мияси айнийдиган одати борлигини ҳеч эшитмагандим.
- Мен ҳам уни бу ҳолатда биринчи кўришим, – деди Валентина. – Бугун эрталаб айниқса жуда қўрқитиб юборди мени, ақлдан озибди деб уйладим. Отам ғоят вазмин одамлигини биласиз, шунга қарамай, у ҳам чамамда, қаттиқ ҳаяжонга тушди.
- Ҳозир кўрамиз, – деди д’Авриньи, – буларнинг ҳаммаси кишини ҳайратда қолдиради.
- Нотариус аллақачон ишини тугатиб, тушиб кетаётган эди. Валентина келиб, маркизанинг бир узи қолганини айтди.
- Олдига чиқинг, – деди у докторга.
- Сиз-чи?
- Мен чиқмайман, кўрқаман. Бувим докторга одам юборма, деган эди менга. Бунинг устига сиз мени, жуда ҳаяжонланиб кетибсиз, дедингиз, дарҳақиқат, тобим йўқроқ. Боғни айланиб, бир оз нафасимни ростлаб олай.
- Доктор Валентинанинг қўлини қисиб қўйди-да, маркиза ётган хонага йўл олди, қиз боққа чиқиб кетди.

Валентинага боғнинг қаери жуда ёқиб қолгани ҳақида гапириб утирмаймиз, бу уқувчига аён. Валентина уй атрофини ураб олган гулхоналарни айланиб, битта атиргулни узиб оларди-да, сочига тақарди, сунг соя-салқин хиёбон турига ўтиб ўриндиқ ёнига бориб, ундан дарвоза томонга йўл оларди.

Бу сафар ҳам Валентина, ҳар галгидек, гуллар ўртасида бир неча бор айланди-ю, лекин бирортасини юлиб олмади, юзага чиқиб улгурмаган, аммо юрагини қамраб олган аза бунга йўл бермасди. Сўнг ўз хиёбони томонга йўналди. Гулхоналардан узоқлашар экан, биров уни чақираётгани эшитилди. Валентина ҳайрон бўлиб тўхтади.

Шунда у овозни янада яқинроқ эшитди ва бу Максимилианнинг товуши эканига қаноат ҳосил қилди.

XVI. ВАЪДА

Дарҳақиқат бу Моррель бўлиб, кечадан буён у ўзига келолмай гаранг эди. Ошиқларга хос ҳис-туйғу билан у де Сен-Меран хонимнинг келиши ва маркизнинг дунёдан ўтиши натижасида Вильфорлар хонадонида у билан Валентина ишқ-муҳаббатига оид муҳим бир воқеа юз беришини фаҳмлаб, юрагига ғулғула тушган эди.

Унинг юрагига ғулғула бекорга тушмаганини ҳозир қурмиш. Бу ерга Максимилианни ҳар галгидан кучлироқ ташвиш етаклаб келганди. Аммо Валентина Моррелнинг бу ерда эканидан беҳабар эди, чунки ҳозир унинг келадиган пайти эмасди, қиз боққа тасодифан ёки шунчаки айланиб кириб қолган эди.

Моррель уни йўлкада кўриб, чақирди, Валентина югуриб дарвозага борди.

– Шу ердамисиз? Шундай бемаҳалда-я!

– Ҳа, ғарибам, – деди Моррель, – мен қайғули хабардан воқиф бўлгани келдим ва шундай бир воқеадан сизни ҳам хабардор қилмоқчиман.

– Ҳамма бало-қазолар оиламиз бошига ёғилаётганга ўхшайди! – деди Валентина, – нима гап, Максимилиан, гапиринг. Ўлганнинг устига тепган, деганларидек, яна қандай мусибат рўй берди?

– Азизам, гапларимга диққат билан қулоқ солинг, – деди Моррель, бемалол гапириш учун ҳаяжонини босиб. – Менинг сизга айтадиган ҳамма гапларим ғоят муҳим гаплар. Тўйингиз қачон бўлади?

– Менга қаранг, Максимилиан, – деди Валентина, – ҳеч нарсани сиздан сир сақламоқчи эмасман. Бугун эрталаб турмушга чиқишим ҳақида гапиришди. Менинг ёнимни олар деб умид қилиб юрган бувим бу никоҳга рози бўлибгина қолмай, у д’Эпиненинг келишини сабрсизлик билан кутяпти. У келган кунининг эртасига никоҳ аҳдига қўл қўйиладди.

Моррель оғир уҳ тортди-да, Валентинага ғамгин кўзларини узоқ тикиб қолди.

– Даҳшат! – деди паст, бўғиқ овозда, – севган қизинг пинагини бузмай, сенга: «Сиз қатл этиладиган вақт аниқ; у бир неча соатдан кейин бўлади. Начора, шундай бўлиши керак, менинг бунга қаршилигим йўқ», деб турса-я! Никоҳ аҳдига қўл қўйиш д’Эпиненинг келишига қараб қолган экан, келган куннинг эртасига сиз унинг рафиқаси бўлишингиз керак экан, демак, эртага никоҳ бўларкан-да! У бугун эрталаб келди.

Валентина чинқириб юборди.

– Мен бундан бир соат муқаддам граф Монте-Кристонинг ҳузурида бўлдим, – деди Моррель – суҳбатлашдик: у менга оилангизнинг мусибати ҳақида гапирди, мен эса сизнинг қайғу-ҳасратингиз ҳақида гапираётган эдим, тўсатдан ҳовлига извош кириб келди. Бу ёғига қулоқ солинг. Шу вақтгача киши бошига тушаётган фалокатни олдиндан сезади, деганларида, асло ишонмасдим, эндиликда бунга ишонса бўлар экан. Уша извош овозини эшитдим, бошимдан бир челак совуқ сув қуйиб юборгандек бўлди. Сал ўтмай зинада оёқ товушлари эшитилди. Командорнинг гурс-гурс босган қадамлари Дон Жуанни менчалик ваҳимага солмагандир. Алҳол эшик очилди-да, олдин Альбер де Морсер кириб келди. Уни кўриб, бекорга ваҳима қилиб ўтирган эканман, деб турувдим, бир вақт яна бир зот пайдо бўлди, шунда граф: «Мана, барон Франц д’Эпиненинг ўзлари!..» деб хитоб қилди. Мен зур-базур ўзимни босиб олдим. Эҳтимол шу пайт ранги рўйим бузариб, қалтираб кетгандирман,

шунга қарамай, илжайиб туравердим. Беш дақиқача туриб, чиқиб кетдим. Шу беш дақиқа мобайнида уларнинг гапларини эшитмадим, чунки ҳам гунг, ҳам кар эдим уша пайтда, туғрироғи, адоий тамом бўлган эдим.

– Шурлик Максимилиан! – деди пичирлаб Валентина.

– Сунг туғри шу ерга келдим, Валентина. Энди саволимга жавоб беринг, сизнинг жавобингиз мен учун ҳаёт-мамот демақдир. Хўш, энди нима қилмоқчисиз?

Валентина бошини қуйи солди, у ғоят эзилиб, адоий тамом бўлган эди.

– Валентина, – деди Моррель, – менга қаранг, мушкул аҳволга тушиб қолганимиз ҳақида биринчи марта ўйга бо-таётганингиз йўқ-ку, ахир, аҳволимиз жуда жиддий, оғир. Менимча, беҳуда оҳ-воҳларнинг вақти ўтди энди, тақдирга тан бериб, мусибатли турмушга кўниб қўя қоладиганлар кўз ёши қилиб юравериши мумкин. Шундай одамлар бор, уларнинг итоаткорлигини Худо у дунёда ҳисобга олса керак. Бироқ, курашиш иродасига эга кишилар ғанимат вақтни беҳуда ўтказмай, тақдир зарбасига дарҳол зарба билан жавоб берадилар. Сиз-чи, Валентина, аёвсиз тақдир билан курашишни истайсизми? Жавоб беринг, мен шуни сўрагани келдим.

Валентина сесканиб тушди ва ваҳима тўла кўзларини Моррелга тикди. Отаси ва бувисигагина эмас, балки бутун оила юзига оёқ тирашни у ҳеч хаёлига келтирмаган эди.

– Очиғини айтаверинг, Максимилиан, нима демоқчисиз? – сўради Валентина. – Қандай кураш ҳақида гапиряпсиз? Куфрлик қил демоқчимисиз?! Отамнинг амрига қарши бо-ришим, ўлим тушагида ётган бувимнинг хоҳиш-иродасига бўйсунмаслигим керакми? Йўқ, мен бундай қилолмайман!

Моррель титраб кетди.

– Максимилиан, сиз олижаноб одамсиз, ҳамма нарсани билиб туриб, нега ўзингизни билмаганликка оляпсиз? Мен курашишим керакми? Мен-а? Худо сақласин! Йўқ, юз бор, минг бор йўқ! Аксинча, бор кучимни ўз-ўзим билан кура-шишга, сиз айтгандек, қон йиғлаб, тақдирга тан бериб ўти-ришга сарф этмоғим керак энди. Отамни қайғу-аламга дучор этиш, бувим умрининг сўнги дақиқаларини зардобга айлантиришни истамайман. Йўқ, истамайман!

– Сиз ҳақсиз, – деди пинагини бузмай Максимилиан.

– Шундай дейишга қандай журъат этдингиз-а! Э, Парвардигор! – деди хитоб қилиб Валентина.

– Бу гапларни сизга қойил қолган киши сифатида айт-япман, мадемуазель, – деди эътироз билдириб Максимилиан.

– Мадемуазель?! – хитоб қилди Валентина, – мадемуазель! Худбинлик ҳам эви билан-да! Фигоним чиқиб турганлигини кўриб, узингизни билмасликка соляпсиз-а.

– Йўқ, янглишяпсиз, мен жуда яхши тушуниб турибман. Сиз жаноб де Вильфорнинг хоҳишини қайтариб, маркизанинг гапини иккита қилмоқчимассиз, яъни эртага никоҳ аҳдига имзо чекасиз-да, эрингиз билан бир ёстиққа бош кўясиз.

– Ахир, узингиз уйлаб кўринг, қўлимдан нима ҳам келарди?

– Буни мендан сўраб утиришнинг ҳеч ҳожати йўқ, мадемуазель, мен бу ишда нуноқ судьяман, худбинман, қош кўяман деб кўз чиқариб кўйишим ҳеч гапмас, – деди жавобан Моррель. Унинг овози буғилиб, муштлири тугилиб бо-раётганидан тобора ғазабланаётгани сезилиб турарди.

– Агар хўп десам, сиз нимани таклиф қилардингиз менга? Моррель, қани айтинг-чи, нимани? «Чакки қилияпсиз», деган билан иш битадими, нима қилиш кераклигини айтинг.

– Бу гапингиз жиддийми, Валентина? Ростдан сиз мендан маслаҳат сўраяпсизми?

– Бўлмаса-чи, Максимилиан, маъқул бўладиган маслаҳат берсангиз қабул қиламан. Мен учун сиздан булак азиз одамим йўқлигини биласиз-ку.

– Валентина, – деди Моррель қолган тахтаниям суриб, – мендан жаҳлингиз чиқмаётган бўлса, кўлингизни бериңг. Бир соатдан бери миямда нохуш фикрлар уйнаяпти. Борди-ю, маслаҳатимни рад этсангиз, унда нима бўлади!..

– Қанақа маслаҳат у?

– Ҳозир айтаман, қулоқ солинг, Валентина.

Валентина осмонга қараб, уҳ тортди.

– Менинг эрким уз кўлимда, – деди сўзини давом эттириб Максимилиан, – иккимизга етарли давлатим бор.

То қонуний хотиним бўлмагунингизча, сизга қўлимнинг учини ҳам теккизмайман, деб қасамёд қиламан.

– Қурқиб кетяпман, – деди Валентина.

– Қочамиз бирга, – давом этди Моррель, – сизни синглимникига олиб бориб қўяман, у сизга жуда муносиб сингил бўлади. Сўнг Жазоирга, Англияга ёки Америкага кетамиз ёки истасангиз, вилоятлардан бирида яшириниб оламиз-да, оилавий можаролар тинчиб, жанжаллар босилгунча уша ерда яшаймиз.

Валентина бошини чайқади.

– Узим ҳам худди шундай дерсиз, деб уйлагандим, Максимилиан, – деди Валентина. – Бу бўлмағур маслаҳат. Агар сизни бу йўлдан қайтармасам, мен ҳам аҳмоқлик қилган бўламан.

– Бундан чиқди, индамай, тақдирга тан бериб кетавера-сизми? – деди Моррель яна қайғуга чумиб.

– Ҳа, бу бошимни кафанга чулғаса ҳам.

– Қўйсангиз-чи, Валентина, – деди Максимилиан, – яна такрор айтаман: сиз ҳақсиз. Мен эса чиндан эсимни еб қўйяпман. Эҳтирос даҳшатли нарса экан, сиз ҳақ гапни айтдингиз, у ҳар қандай оқил-вазмин одамни ҳам ақлдан оздириб қўяркан. Эҳтироссиз мулоҳаза юритганингиз учун раҳмат сизга. Бўпти, масала ҳал, эртага Франц д'Эпиненнинг рафиқаси бўласиз, саҳналарда кулгили воқеалар тугунини ечиш учун уйлаб топилган ва никоҳдаги расмият учун шундай қилмайсиз, албатта, у жанобнинг қучоғига ўз хоҳишингиз билан қучоқ ёзиб отиляпсиз.

– Сиз мени баттар виждон азобида қийнаяпсиз, Максимилиан, – деди Валентина, – ярамга туз сепяпсиз! Айтинг-чи, ўз синглингиз менга қилган бундай маслаҳатингизга қулоқ солмаса, нима қилардингиз?

– Мадемуазель, – деди заҳархандалик билан илжайиб Максимилиан, – мен худбин одамман, ўзингиз шундай деддингиз. Шу сабабдан, бир худбин сифатида, бошқалар менинг ўрнимда бўлганда нима қилиши ҳақида эмас, ўзим нима қилишим кераклиги ҳақида уйлаяпман. Сиз билан танишганимга бир йил бўлди. Дийдорингизни кўришга муяссар бўлган кундан бошлаб мени сиз бахтиёр қилурсиз, деб умид қилиб келдим. Кунларнинг бирида «сизни севаман» дедин-

гиз, шу кундан бошлаб, энди Валентина меним Валентинам булади деб, бир-биридан тотли хаёлларга берилиб юрдим. Мен фақат шунинг учун яшардим. Мана энди ҳеч нарса ҳақида уйлаётганим йуқ, бахт мендан юз угирди, фикру хаёлим фақат шу билан банд хозир. Роҳат-фароғатда яшайман деб умид қилиб юргандим, бу умидим пучга чиқди. Қиморбоз қулида бор нарсанигина эмас, ҳали қулига кирмаган нарсани ҳам ютқизиб қўяди, ахир бунақа воқеалар кун сайин булиб туради-ку.

Моррель бу сузларни ута вазминлик билан айтди, Валентина эса сир бой бермаслик учун Моррелга синовчан назар ташлаб турарди.

– Бироқ, нима қилмоқчисиз? – суради Валентина.

– Мадемуазель, сиз билан видолашмоқчиман. Худо шохид, мен чин кунгилдан сизга мени эслайдиган вақтингиз қолмайдиган тинч, фаровон ҳаёт тилайман.

– Э, Худойим! – деди пичирлаб Валентина, – бу қандай кургулик?

– Алвидо, Валентина, алвидо! – деди Моррель икки букилиб таъзим қилиб.

– Қаёққа кетяпсиз? – қичқириб юборди қиз ва панжарадан қулини узатиб Максимилианнинг енгидан маҳкам тутиб олди. У севгилисидаги бу хотиржамлик, бепарволикни юзаки эканини сезиб турарди. – Қаёққа кетяпсиз?

– Соф виждонли кишиларга хос иш тутиб, оилангизни қайғу-аламларга дучор этмаслик чораларини кўрмоқчиман.

– Ахир, айтинг менга, нима қилмоқчисиз?

Моррель маъюс илжайиб қўйди.

– Айтинг ахир, илтимос қиламан, айтинг! – деди қайта-қайта ёлвориб қиз.

– Фикрингиздан қайтасизми, Валентина?

– Қайтолмайман, узингиз биласиз, бахти қаро одамман!

– Ундай бўлса, алвидо!

Валентина жон-жаҳди билан панжарани силкитди-да, узоқлашиб бораётган Моррелга қулини узатиб, қичқирди:

– Нима қилмоқчисиз? Мен шуни билай! Қаёққа кетяпсиз! Максимилиан тўхтаб:

– О, хотиржам бўлинг, мадемуазель, – деди, – қисматининг аччиқлигини бировдан кўрмоқчимасман. Менинг

урнимда бошқа одам булганда сизга дук урар, д' Эпинени дуэлга чақирарди... Бундай қилиш тентаклик булур эди, албатта, д' Эпиненинг нима гуноҳи бор? У мени фақат шу бугун эрталаб бир марта курди, эсидан чиқиб кетган булсам керак, иккингиизнинг бир ёстиққа бош қуйишингиз ҳақидаги масала ечилаётганда бу дунёда мендек бир зот борлигини билмасди ҳам. Шу сабабли у билан менинг ҳеч ишим йўқ ва сизга онт ичиб айтаманки, мен қасдимни ундан олмоқчи эмасман.

– Йўқса, кимдан олмоқчисиз? Менданми?

– Нега сиздан оларканман, Валентина? Худо сақласин! Аёл – муқаддас зот, севган аёлинг эса ундан икки бора муқаддасдир.

– Демак, қасдингизни узингиздан оларкансиз-да?

– Ҳамма айб узимда, – деди Моррель.

– Максимилиан! – чақирди Валентина, – илтимос, келинг бу ёққа!

Максимилиан мийиғида кулиб қуйди-да, қизга яқин келди, ранги оқариб кетганини ҳисобламаганда, чеҳрасида ҳеч қандай узгариш булмагандай куринарди шу пайт.

– Қулоқ солинг менга, азизим Валентина, – деди у узининг самимий, таъсирчан овози билан, – биз каби оқ кунгил, қуй оғзидан чўп олмаган одамлар юрагимизда гап сақлаёлмаимиз. Худди очиб қуйилган китоб сингари бир-биримизни қалбан тушунамиз. Мен бирор романдаги персонаж эмасман, савдойи қаҳрамон эмасман, узимни на Манфред, на Антони қилиб курсатмоқчи ҳам эмасман. Бироқ мен чурқ этмай, онт ичиб, ваъда ҳам бериб утирмай бутун ҳаётимни сизга бағишладим. Сиз мени ташлаб кетяпсиз, яна қайтариб айтаманки, бунга ҳақлисиз. Энди булар иш бўлди, сизсиз менинг яшашимга ҳам ҳеч ҳожат қолмади, энди менинг узимдан бўлак ҳеч кимим қолмади бу бевафо дунёда. Синглим эри билан роҳат-фароғатда яшаяпти, унинг эри менга фақат куёв, яъни жамоатчилик тартиб-қоидалари туфайлигина алоқадор. Эндиликда менинг бенаф ҳаётим бу дунёда ҳеч кимга керак бўлмай қолди. Мен шундай қиламан: никоҳ дақиқаларини кутаман. Баъзида тасодифан бир воқеа юз беради-да, ҳамма иш чапласига айланиб кетади, мен ана шундай имкониятдан фойдаланмоқчиман. Дарвоқе,

никоҳ вақтигача Франц д' Эпине улиб қолиши мумкин ёки сизлар меҳроб ёнига бораётганингизда яшин тушиб, меҳроб барбод бўлиши мумкин. Улимга ҳукм этилган киши узини ҳимоя қилишни уйлаганда ҳамма нарса мумкинга ухшаб кўриनावеради. Шундай қилиб, мен охириги дақиқагача кутаман. Шуригга шурва тукилиб, бахтим қаро бўлганда кўёвга бир махфий хат, полиция бошқармасига бир махфий хат ёзаман-да, ниятимни уларга айтиб, урмонда, жар ёқасида, бирор дарё қирғоғида узимни узим отиб ташлайман. Мен Францияда бирдан-бир виждонли зотнинг фарзанди эканлигим қанчалик ҳақ бўлса, бу ҳам шунчалик ҳақиқат.

Валентинанинг вужуди титраб, ларзага келди, у панжарани қўйиб юборди, қўллари осилиб қолди, юзидан иккита томчи ёш думалаб кетди.

Моррель унинг қаршисида ғамгин тик турарди.

– Раҳм-шафқат қилинг! – деди Валентина. – Йўқ, сиз узингизни узингиз улдирмайсиз, асло, улдирмайсиз-а?

– Онг ичиб айтаманки, улдираман, – деди Максимилиан, – сиз учун бунинг нима аҳамияти қолди энди? Сиз бурчингизни адо этиб, виждонингиз поклигича қолаверасиз.

Валентинанинг юраги эзилиб кетди, у шилқ этиб тиз чўқди-да, қўлларини кўксига босди.

– Азизим Максимилиан, – деди Валентина, – дустим, яккаю ягона дилбандим, арши аълодаги ҳақиқий эрим, ўтиниб сурайман сиздан, мен каби тақдирга тан беринг-у, ғамташвишда яшанг. Эҳтимол, бир-биримизга етишадиган кунлар ҳам келиб қолар.

– Алвидо, Валентина! – такрорлади Моррель.

– Э, Парвардигори олам, – деди Валентина қўлларини осмонга кутариб, – узинг шоҳидсан, итоатли, қобил қиз бўлиб қолиш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилиб кўрдим, илтимос қилдим, ялиниб-ёлвордим, аммо у қўлоқ солмади, кўз ёшларимни инобатга олмади. Иложим қанча, – деди у қатъият билан, кўз ёшларини артиб, – уз-узимга ачиниб, афсусланиб ўлишдан кўра, ор-номус азобида жон берганим афзал. Сиз, Максимилиан, ўлмайсиз, яшайсиз, мен бутунлай сизникиман, фақат сизники. Қани айтинг, қачон, қайси вақтда қочамиз? Ҳозирми? Мен тайёрман!

Яна бир неча одим нари кетган Моррель орқасига қайтди. Қувониб келди-да, панжарадан Валентинага қўл узатиб:

– Валентина, – деди, – менинг азиз дўстим, бундай гапларни айтманг менга. Бундан кўра улганим яхши менинг. Модомики сиз ҳам мени яхши кўрар экансиз, нега энди мен сизни зўрлаб олиб кетишим керак? Ёки сиз менга раҳмингиз келганидан шундай деяпсизми? Агар шундай бўлса менинг ёруғ дунё билан видолашганим яхши.

– Дарҳақиқат, – деди пичирлаб Валентина, – дунёда мени ким жонидан ортиқ яхши кўради? Бошимга ғамташвиш тушганда ким менга тасалли берди. Шу. Мен бутун орзу-умидларимни кимга боғлагандим? Шунга. Бошимга ғам-алам тушиб, гангиб қолганимда, жавдираган, жикқа ёшга тулган кўзларимни кимга тикаман? Шунга. Ишқ ўтида куйган жоним кимни кўрганда ором олади? Шуни кўрганда, фақат шуни! Демак, сиз ҳам ҳақлисиз, Максимилиан, мен сиз билан кетаман, ҳамма нарсадан, ўз туғилиб-ўсган уйимдан ҳам воз кечиб, сиз билан кетаман. Вассалом! Ё тавба! Қандай бераҳмман-а! – хитоб қилди Валентина қон йиғлаб, – бувамни тамом унутиб қўйибман-а!

– Йўқ, Валентина, – деди Максимилиан, – сиз уни ташлаб кетмайсиз. Ўзингиз жаноб Нуартъе мени яхши кўради, деган эдингиз. Шундай экан, қочишдан олдин унга ҳамма гапни очик айтинг. У рози бўлса, Тангрим ҳам рози бўлади. Биз бир ёстиққа бош қўйганимиздан кейин, бувангиз бизни кига кўчиб келади-да, икки неваралик бўлиб яшайверадим. У билан қандай гаплашиш ва унинг қандай қилиб жавоб беришини менга тушунтирган эдингиз. Мана, кўрасиз, бу имо-ишоралар маъносини мен тезда урганиб оламан. Онт ичиб айтаманки, сизни бу қайғу-аламлардан халос этиб, бахтиёр этаман, ҳа, бахтиёр!

– Мана, Максимилиан, кўриб турибсизки, мен батамом сизнинг измингизданман! Нима десангиз, мен тайёрман, бироқ буларнинг ҳаммаси телбалик-ку. Мен отамнинг қарғишига қоламан, у мени «оқ» қилади, унинг одатларини яхши биламан, бир сўзли одам у, асло гуноҳимдан ўтмайди. Шунинг учун мен бир йўл топиб, тўйни кечиктирсам, сиз кутиб тура оласизми, Максимилиан?

– Онт ичиб айтаманки, кутаман, аммо сиз ҳам, шу қабиҳ никоҳга ҳечам йўл қўймайман, кашиш ҳузурига бўйнимга арқон солиб судрасалар-да, асло бормайман, деб онт ичинг.

– Онт ичаман, Максимилиан, дунёда мен учун энг муқаддас зот онажоним номи балан онт ичаман.

– Ундай бўлса, кутаман, – деди Моррель.

– Ҳа, кутамиз, – деди Валентина, бу суз унинг хаста дилига бир оз ором бергандай бўлди, – ким билади, эҳтимол бизни бу мусибатдан бошқа бирор нарса қутқариб қолар?

– Менинг бутун умидим сизда, Валентина, – деди Моррель. – Сўзингизда турсангиз қанийди, аммо ялиниб-ёлворингизни инобатга олмасалар-чи, отангиз билан де Сен-Меран хоним сизни эртага никоҳдан утасан деб, мажбур этсалар-чи...

– Унда, Моррель... сизга берган ваъдамнинг устидан чиқаман.

– Яъни, никоҳдан ўтиш ўрнига...

– Сизнинг олдингизга чиқаман ва бирга қочиб кетамиз, аммо Худонинг ғазабига учрамаслик учун никоҳгача дийдор қуришмай турамиз. Ҳозиргача қўлга тушиб қолмаганимизга шукр қилинг, йўқса, ҳамма ниятимиз пучга чиққан бўлур эди.

– Гапингиз тўғри, Валентина, аммо нима бўлганини менга ким айтади?

– Нотариус Дешан.

– Мен уни танийман.

– Ўзим ҳам хат ёзиб хабар қиламан, хавотир олманг, Максимилиан, шуни билиб қўйингки, Франц билан бўладиган никоҳдан сиз қанчалик нафратлансангиз, мен ҳам шунчалар нафратланаман!

– Раҳмат, Валентина, миннатдорман сиздан, бебаҳо севгим! Демак, гап битта: қочамиз! Соатини аниқ айтсангиз бас, учиб келаман, ўзим икки қўлим билан панжарадан бу ёққа кутариб ўтқазиб оламан, боғнинг ташқари эшиги олдида извош кутиб туради, сизни унга ўтқазиб тўғри синглимникига олиб бораман. Ёт кўзлардан иккимиз у ерда яшириниб оламиз, истасангиз яширинмасак ҳам бўлаверди. Биз ҳақмиз, ана шунинг ўзи бизга далда беради, куч бағишлайди.

– Бупти, шундай қилганимиз бўлсин! – деди Валентина.
– Максимилиан, имоним комилки, ниятимизга етамиз.

– Жоним!

– Хуш, рафиқангиздан энди мамнунмисиз? – деди қайғули оҳангда қиз.

– Азизим Валентина, бу саволга биргина «ҳа», деган жавобнинг ўзи кифоя қилмайди?

– Қандай бўлсаям, айтинг, мамнунмисиз? Валентина лабларини панжарага тутди, унинг сўзлари илиқ нафас эпкинида учиб келди-да, Моррелнинг лабларига кўнди.

– Хайр, – деди Валентина висол онларига хотима бергиси келмай, – хайр!

– Демак хатингизни кутаман?

– Кутинг.

– Раҳмат, жондан азиз рафиқам, ҳозирча хайр! – Максимилиан бармоқларини лабларига босиб, узоқдан бўса ҳадя қилди. Валентина қувониб арғувон хиёбондан чопқиллаб кетди.

Қиз кўйлагининг буталарга тегиб шитирлаши, оёқлари остидаги қумларнинг ғижирлаши тингунча Моррель қулоқ солиб турди, сўнг унинг юзида ажиб бир табассум пайдо бўлди, осмонга қараб унга маъшуқа ато этгани учун Худога минг қатла шукр қилди-да, йўлга тушди.

Уйига қайтиб келиб, кечгача кутди, эртасига ҳам кун интизорликда кечди, бироқ ҳеч нарсадан дарак бўлмади, фақат учинчи куни эрталаб соат унда, энди нотариус Дешан олдига жунай деб турганида, почтадан хат олди, гарчи ҳеч қачон ёзувини кўрмаган бўлса-да, бу Валентинанинг хати эканини дарҳол англади,

Хатда қуйидагилар ёзилганди:

«Кўз ёшларим, ялиниб-ёлворишлар, дод-фарёдлар сира фойда бермади. Кеча муқаддас Филипп Рутьский черковида икки соат тиз чукиб Худойимдан мадад сурадим, аммо Худо ҳам бандаси сингари бераҳм экан. Никоҳ бугун кеч соат туққизга тайин қилинди.

Мен қалбим нидоларига қанчалик содиқ бўлсам, ваъдамга ҳам шунчалик содиқман, азизим Моррель. Мен сизга ваъда берганман, қалбимда ҳам фақат сизсиз.

Қисқаси, кечқурун мени кутинг, панжара олдида, соат ун беш дақиқаи ам туққизда.

Рафиқангиз

Валентина де Вильфор.

Р. С. Шурлик бувимнинг касали тобора оғирлашиб боряпти, кеча кун буйи алаҳлади, бугун эса ақлдан тамом оза бошлади.

Мен уни шундай аҳволда ташлаб кетяпман, бу сизнинг менга булган муҳаббатингизни янада алангалатиб юборса керак, деб уйлайман, тўғрими?

Никоҳ битимига шу кеч имзо чекилажаги бувам Н, уартъедан сир сақланаётганга ўхшайди».

Моррель Валентинадан олган маълумотларга қаноатланмай, нотариусга борган эди, у ҳам никоҳ кеч соат туққизга тайинланганини айтди.

Сўнгра Моррель Монте-Кристоникига бориб, у ерда янада муфассалроқ маълумот олди. Франц келиб графга бўлажак тантанани хабар қилибди, де Вильфор хоним, тантананага таклиф қилмаётганлиги учун узр сураб хат ёзибди, Маркиз де Сен-Мераннинг ўлими ва бева маркизанинг оғир касали тантанани мотамга айлантиряпти, шу сабабдан, у ҳаммиша кайфингиз чоғ бўлишини тиламоқдаман, бинобарин, сизни дилгир этишни истамайман, дебди.

Кеча Францни де Сен-Меран хонимнинг ҳузурига олиб киришибди, бекам хурсанд бўлиб ўрнидан турибди, бироқ толиқиб, яна узини тушакка ташлабди.

Моррелнинг қаттиқ ҳаяжонланаётганлигини дарҳол пайқаган граф уни ҳар вақтдагидан кўра хушфезллик билан кутиб олди. Талтайиб кетган Моррель оғзидан гуллаб қўйишига сал қолди, бироқ Валентинага берган ваъдаси эсига тушиб, мум тишлаб қолди, дардини ичига ютди.

Шу кун Максимилиан Валентинанинг хатини йигирма бор ўқиб чиқди. Ахир бу оддий хат эмас, севгилисининг биринчи хати эди-да! Моррель хатни ҳар гал ўқиб чиққанда, Валентинани бахтли қиламан деб онт ичарди. Унинг учун, фақат Максимилиан учун ҳамма нарсдан воз кечиб, узини утга ҳам, сувга ҳам ташлашга тайёр бундай жасур қизга ҳар нарса қилса арзийди! Ошиқ маъшуқа олдида етти

букилиб таъзим қилиши, пойига йиқилиши лозим эмасми? Валентина Моррель учун ҳам қиролича, ҳамда рафиқа! Бундай жононни севиш учун Максимилианга битта қалб камлик қилаётгандек туюларди.

Валентина келиб: «Максимилиан, келдим, энди мен сизникиман», дейдиган дақиқаларни Моррель бетоқат бўлиб кутарди.

У қочиш учун ҳамма нарсани тахт қилди: томорқадаги беда орасига иккита нарвон яшириб қўйди, икки филдиракли извош ҳам тайёр, уни Максимилианнинг ўзи ҳайдади, ёрдамчи олмайди, извошнинг фонусларини ёқмайди, биринчи муюлишдан бурилгандан кейингина ёқади, шундай қилмаса полиция шубҳаланиб, орқадан тушиши ва қўлга олиши мумкин.

Баъзан Максимилиан Валентинага сабзазордан ўтишига ёрдам берадиган дақиқаларни, ҳали-ҳозиргача фақат қўлини қисиб ёки бармоқчасининг учини ўпиб юрган паривашини кучоғига олиб, бағрига босадиган онларни уйлаганда вужудини титроқ босиб кетарди.

Кун ярмидан оғиб, белгиланган вақт яқинлашавергач, Максимилиан танҳо бўлишни истаб қолди. Юраги уйнаб турган ушбу онда дўстининг ҳар қандай саволи унинг гашига тегиши мумкин эди. У бўлмасини ичидан қулфлаб, қўлига китоб олди, нигоҳи сатрлар бўйлаб юрса-да, ҳеч нарсани кўрмасди, охири китобни улоқтириб юборди-да, қочиш йўлларини яна бир бор хаёлидан ўтказди.

Белгиланган вақт тобора яқинлашарди.

Ошиқ-маъшуқлар соат милини ўз ҳолига қўйишмади. Моррель бўлса соатини черта-черта ишдан чиқарди, натижада соат энди олти бўлганда, унинг соати саккиз ярим эди. Ўзича: соат туққизга белгиланган бу бемаъни никоҳни Валентина кутмас, деди-да, йўлга тушди. У ўз соати бўйича, соат саккиз яримда Меле кучасидан ўтиб, томорқага етганда Филипп Рувский черкови соатлари эндигина саккизга бонг урган эди.

Моррель от билан икки филдиракли извошни ҳар гал ўзи пусиб ётадиган вайрона кулба орқасига яшириб қўйди.

Аста-секин қоронғи туша бошлади, кўкка бўй чўзган дарахтлар қоп-қора булутга ўхшарди.

Шунда Моррель яшириниб турган жойдан чиқди-да, юраги дук-дук уриб, панжарадан ичкарига муралади. Боғда ҳеч зоғ кўринмасди. Соат саккиз ярим бўлди.

Яна ярим соат интизорликда ўтди. Моррель девор тагида у ёқдан-бу ёққа юрар ва ҳадеб тахталар орасидаги тирқишдан боққа мураларди. Қоронғилик тобора қуюқлашиб борарди. Афсуски, Моррель қоронғилик қўйнидан ҳозир оппоқ қўйлақда маъшуқам чиқиб келади, деб беҳуда кутаётган эди.

Дарахтлар орқасидаги уйда ҳамон чироқлар ёқилгани йўқ. Шу кошонада ҳозир никоҳ бўлаётганини билдирувчи бирор нишона сезилмасди.

Моррель чўнтагидан соатини олди, ун беш дақиқа кам ун бўлибди, худди шу пайтда черков соати тўққиз яримга бонг урди, шунда унинг соати нотўғрилиги маълум бўлди.

Демак, Валентинанинг ўзи белгиллаган вақтдан ярим соат ўтибди, у соат тўққизда, ҳатто ундан илгарироқ, деган эди.

Интизор дамларнинг ҳар дақиқаси Моррелга бир йилдай туюлмоқда эди. Унинг юраги қаттиқ сиқила бошлади. Япроқларнинг жиндак шитирлашидан у сесканиб тушар ва пешанасини қора тер, вужудини титроқ босарди. Уқтин-уқтин нарвонни деворга тиклаб пастки поғонасига оёғини қўйиб тин оларди.

Гоҳ унинг юраги орқасига тортиб кетар, гоҳ таскин топиб, умидвор булар экан, черков соати ўнга занг урди.

– Йўқ, – деди Максимилиан қўрқув босиб шивирлаб, – никоҳ аҳдига қўл қўйиш бунчалик чўзилиши мумкин эмас, бунда тасодифий бирор ҳодиса юз берган. Мен бу расмониятга кетадиган вақтни ҳисоблаб чиқдим. Келмаганлиги бежиз эмас.

Максимилиан гоҳ ҳаяжонга тушиб панжара олдида у ёқдан-бу ёққа бориб келар, гоҳ ёниб турган манглайини муздек темир панжарага босарди. Валентина никоҳдан ўтибоқ ҳушидан кетдимикин? Ё қочмоқчи бўлиб турганида қўлга тушиб қолдимикин? Мана шу икки тахмин Моррелга ортиқ умид қилишга йўл қўймас, баттар изтироб оловида қийнади.

У балки Валентина қочиб келаётиб ҳолдан тойиб боғнинг бир бурчагида ҳушидан кетиб ётган бўлса керак, деган фикрга ҳам келди.

«Агар шундай бўлса, – бақириб юборди у зинадан югуриб тушаётиб, – мен ундан ажралдим, бунга фақат мен айбдорман».

Шундай уйни кўнглига солган шайтон Максимилианни ҳамон таъқиб этар ва тинмай қулоғи остида шивирлаб, уни васвасага соларди. Моррель ҳамма қоронғи бурчакларни қараб чиқди, шунда зимистон хиёбонда қум устида биров ётганга ухшаб кўринди унга, ҳатто унинг инграган товуши қулоғига чалиниб, чақирмоқчи ҳам бўлди.

Ниҳоят, соат ун ярим ҳам бўлди. Энди кутишнинг фойдаси йўқ, бирор воқеа юз берган. Максимилианнинг икки чаккаси лўқ-лўқ қилиб, кўзлари тиниб кетди.

У девор ошиб Вильфорнинг ҳовлисига тушди. У бунинг оқибати яхши бўлмаслигини билса-да, аммо шаҳдидан қайтмади.

Девор тагидан уй томонга бир оз юрди-да, хиёбондан югуриб ўтиб, ўзини қалин дарахтлар орасига олди. Ундан уй яққол кўриниб турадиган жойга ўтиб олди.

Икки кўзи уйда Моррель бояги тахминлари тўғри чиққанига батамом ишонди: тантанали кўнлари ёқиб қўйиладиган чироқлардан нишона ҳам йўқ, ҳамма ёқни қоронғилик чуллаган, деразалар ҳам қоп-қоронғи. Фақат иккинчи қаватнинг уч деразаси ғира-шира ёришиб турарди. Бу де Сен-Меран хоним бўлмасининг деразалари эди.

Де Вильфор хоним ётоқхонаси деразасига осилган алвон парда орқасида ҳам чироқ ёниқ.

Моррель буларнинг ҳаммасини билиб олди. У бу қошонанинг бўлмаларини Валентинадан бир неча марта сураб-суриштириб олганди, шу сабабдан ичкарига бирор марта кирмаган бўлса-да, хоналар, бўлмаларнинг тузилишини яхши биларди.

Моррелни Валентинанинг келмагани эмас, уйдаги зимистон ва жимжитлик кўпроқ ваҳимага соларди.

Ғам ва ташвишдан бутунлай ганғиб, ўзини йўқотиб қўйган Моррель нима бўлса ҳам Валентинани кўришим ва ундан қандай бахтсизлик рўй берганини билиб олишим керак, деб ҳеч нарсадан тап тортмай бораверди. У дарахтзор ёнидаги майдонга етгач, майдондан чопиб ўтмоқчи

булиб турган эди, тусатдан қулоғига узоқдан келаётган овозлар чалинди.

У яна бутазорга қайтиб, қоронғида биқиниб тураверди.

У шундай қарорга келди: агар бу Валентина бўлса-ю, шу ердан утиб қолса, унинг ёнида бегона одам булиш-булмаслигидан қатъи назар, чақириб олади, Моррель унинг соф-саломат юрганини бир кўрса кифоя, бошқа одам бўлса унинг гап-сузларидан бу хонадонда юз берган сирни билиб олади.

Шу пайт ой булутларни ёриб, жамолини кўрсатди-да, ҳамма ёқни сутдек ёритиб юборди. Моррель эшик олдидаги зинапояга Вильфор билан қора либосли бир одам чиққанини кўрди. Улар пастга тушиб, хиёбонга йўл олишди. Бир неча қадам бери келгач, Моррель ҳалиги қора либосли одам доктор д'Авриньи эканлигини билди.

Уларнинг ўзи томонга келаётганини куриб, Моррель орқага юрди ва бутазор ўртасидаги заранг дарахти олдида тухтади.

Қумлар гижирлаши тинганидан Моррель Вильфор билан докторнинг тухтаганини пайқади.

– Шундай, қадрли доктор, – деди қироллик прокурори, – афтидан, Худо бизни қаҳрига олди. Бераҳм ажал! Бизнинг оиламизга бу жуда оғир, кутилмаган зарба бўлди! Илтимос, мени юпатиб, далда бераман, деб уринманг, бу чуқур жароҳатдан ҳам қон томиб турибди, ҳа, қон! Ажал шўрликкинани олиб кетди!

Максимилианни қора тер босди, тишлари таккилади. Вильфорнинг ўзи лаънат уқиган бу даргоҳда ким ўлди экан?

– Азизим жаноб де Вильфор, – деди доктор ғалати бир оҳангда, бу Моррелнинг ваҳимасини яна ошириб юборди. – Мен сизни бу ерга юпатиш мақсадида олиб келганим йўқ.

– Бу билан нима демоқчисиз? – унинг овозидан кўрқаётгани биланиб турарди.

– Демоқчиманки, буниси ҳали ҳолва, бундан баттарроғи бўлиши мумкин.

– Э, Тангрим! – деди Вильфор қўлларини сиқиб. – Тағин қандай бало бор бошимизда?

– Бу ерда иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқми?

– Ҳеч ким йўқ. Бунчалик эҳтиёткорликка на ҳожат?

– Чунки, мен сизга даҳшатли бир гап айтмоқчиман, – деди доктор, – келинг, утирайлик.

Вильфор ўриндиққа утиргани йўқ, ўзи шилқ этиб чўкди. Доктор тик турганича Вильфорнинг елкасига қулини қўйди.

Ваҳимадан Моррелнинг бутун вужуди музлаб кетди, у бир қулини пешанасига, иккинчисини юрагим гупиллаётганини эшитиб қолмасинлар, деб чап кўксига босди. «Шурликкинани олиб кетди!» ибораси вужудини қалтиратарди. Ажал унинг ҳам ҳалқумидан сиқаётгандек туюларди Моррелга.

– Доктор, гапираверинг, қулоғим сизда, – деди Вильфор, – бу зарбани ҳам кўкрак кериб қарши олишга тайёрман.

– Сен-Меран хоним ёшини яшаб, ошини ошаганлардан бўлса-да, тани-жони соғ одам эди.

Ун дақиқа мобайнида бағри қон бўлиб турган Моррелнинг кунгли бир оз тинчиди.

– Уни ғам-ғусса гўрга тикди, – деди Вильфор, – ҳа, доктор, қайғу-алам уни адои тамом қилди. У маркиз билан роса қирқ йил умр кечирди.

– Гап қайғу-аламда эмас, азиз дўстим, – жавоб қилди доктор, – тўғри, баъзида кишини ғам-ғусса ҳам еб қўяди, бироқ ғам одамни бир кунда, бир соатда, ун дақиқада ўлдирмайди-ку.

Вильфор жавоб қайтармади, фақат бошини кўтариб, ваҳимадан олайиб кетган кўзларини докторга қадади.

– Жон бераётганда бормидингиз? – сўради доктор д'Авриньи.

– Албатта, – жавоб қилди қироллик прокурори, – ўзингиз кетманг, дедингиз-ку менга.

– Сен-Меран хонимнинг қанақа касалдан ўлганини сездингизми?

– Албатта, маркизани бир неча дақиқа ичида уч марта оғир тутқаноқ тутди. Сиз келганингизда унинг нафаси бўғилла бошлаган эди, сўнг тутқаноқ тутди, мен буни шунчаки асабдан бўлса керак, деб ўйладим. Бироқ у бутун гавдаси тиришиб, тушақдан кўтарилиб тушавергандан сўнг кайфим учиб кетди. Шунда сизнинг юзингизга қараб, аҳвол ғоят жиддий эканини англадим. Тутқаноқ босилгач, мен сизнинг қиёфангизга назар ташламоқчи бўлдим, аммо сиз менга қарамадингиз, сиз хонимнинг томир уришини санаётган

эдингиз, иккинчи марта тутди, шунда ҳам мен томонга қиё боқмадингиз. Буниси янада оғирроқ бўлди, уша беҳуш типирчилаш, лабларнинг кўкариши, титраб-силкиниш. Учинчи марта тутганда хоним жон берди. Биринчи тутгандаёқ мен «бу қоқшол», дедим, сиз «ҳа», дедингиз.

– Туғри, кўпчилик олдида «ҳа», дедим, – эътироф этди доктор, – мана энди иккимиз танҳомиз.

– Нима демоқчисиз менга?

– Қоқшол билан ўсимлик заҳарининг таъсири бир хил бўлади, демоқчиман, тушундингизми?

Вильфор ўрнидан ирғиб туриб кетди, бироқ бир дақиқа кимир этмай жим турди-да, яна ўриндиққа шилқ этиб тушди.

– Э, Тангрим, – деди Вильфор, – оғзингизга қараб гапирсангизчи, доктор!

Моррель бу ўнгимми, тушимми, деб ҳанг-манг бўлиб қолди.

– Менга қаранг, – деди доктор, – айтаётган гапим нақадар жиддий гап эканини ва буни қандай одамга айтаётганимни мен жуда яхши билиб турибман.

– Сиз ҳозир ким билан гаплашяпсиз: амалдор биланми ёки дўстингиз биланми? – сўради Вильфор.

– Дўстим билан, ҳозир фақат дўстим билан. Қоқшол касалининг белгилари ўсимлик заҳаридан касалланиш белгилари билан шу қадар ўхшашки, агар буни мендан сўрасалар, ҳеч иккиланмай тасдиқлаб қўл қўйиб берардим. Шундай, азизим, мен ҳозир амалдорга эмас, дўстимга айтяпман бу гапларни; чорак кам бир соат де Сен-Меран хонимнинг ўлим талвасасини, томирлари тортишиб тиришганини, шу азобда жон берганини кўриб турдим, энди мен заҳарланиб ўлганлигини тасдиқлабгина қолмай, ҳатто қанақа заҳардан ўлганини ҳам айтиб бера оламан.

– Доктор, наҳотки?

– Ҳамма белгилар шундан гувоҳлик бериб турибди: гоҳ уйқуга кетиб, гоҳ тутқаноқ тутиши, миянинг ўта даражада фаоллашиши, тилдан қолиши де Сен-Меран хоним бруцин ёки стрихнинни кўп миқдорда еб вафот этганидан далолат бериб турибди, эҳтимол, буни адашиб бериб юборишгандир.

Вильфор докторнинг қўлидан маҳкам тутиб олди.

– Оҳ, бу қандай ҳол! – деди у. – Э, Худойим, туш кўраёт-тирман! Ҳа, туш бу! Сиздан бундай гапларни ҳеч кутмагандим! Доктор, утиниб сурайман, бу гапларим хато, денг, ўз оғзингиз билан айтинг!

– Шундай бўлиши ҳам мумкин, бироқ...

– Бироқ?

– Бироқ мен ундай фикрда эмасман.

– Доктор, раҳм қилинг менга, сунгги кунларда менинг ҳаётимда шундай воқеалар юз беряптики, ақлдан озмасам деб қўрқаман.

– Де Сен-Меран хонимни мендан бошқа бирор киши кўрганмиди?

– Ҳеч ким кўргани йўқ.

– Менга рецептни кўрсатмай, дорихонадан бирор дори олдириб келганмидингиз?

– Йўқ.

– Де Сен-Меран хонимнинг душманлари бормиди?

– Душманларини билмайман.

– Унинг ўлишидан манфаатдор бирор киши бормиди?

– Йўғ-е, йўқ! Бундан ким манфаатдор бўлиши мумкин? Унинг яккаю ягона меросхўри менинг қизим Валентина... Мен эсам... бундай ўйлаган бошим янчилгани, гапирган тилим кесилгани минг марта аъло!

– Йўқ, дўстим! – деди хитоб қилиб д'Авриньи. – Мен ҳеч кимни айблаётганим йўқ, Худо сақласин. Мен фақат фалокатга сабаб бўлган тасодиф ҳақида, рўй берган хатолик ҳақида гапиряпман. Аммо тасодифданми ёки хатоданми – қандай бўлмасин, заҳарлангани аниқ, мен буни, Худо ҳаққи, туғрисини айтяпман, сизга буни виждоним амри билан айт-япман. Бу ёғини энди ўзингиз сураб-суриштириб аниқланг.

– Кимдан сурайман? Қай йусинда? Нимани сураб-суриштираман?

– Масалан, кекса қарол Барруани олайлик, у маркизага ўз хўжайини учун тайёрланган бирорта дорини адашиб бериб қўймадимикин?

– Отамга тайёрланган дориларданми?

– Ҳа...

– Жаноб Нуартъенинг дориси билан де Сен-Меран хоним қандай қилиб заҳарланиши мумкин?

– Заҳарланиш ҳеч гап эмас: биласизки, баъзи касалларга заҳар малҳам булади. Фалаж эса шундай касаллардан. Жаноб Нуартъенинг юриш ва гапириш қобилиятини тиклаш учун ҳамма чораларни кўриб бўлгач, бундан уч ой бурун охирги воситани синаб кўришга аҳд қилдим. Мана уч ойдирки, мен уни бруцин билан даволаяпман. Шундай қилиб, мен ёзиб берган сўнгги дориворда олти центиграмм бруцин бор. Бу миқдордаги дори фалаж касалига мубтало бўлган жаноб Нуартъе учун зарарли эмас, бироқ бошқа ҳар қандай одамни ҳалок қилиши учун кифоя.

– Аммо де Сен-Меран хонимнинг бўлмаси жаноб Нуартъе бўлмасига ёндош ҳам эмас, ўртада эшнк ҳам йўқ, Барруа эса қайнанамининг хонасига бирор марта қадам босгани йўқ. Мен сизни энг уста доктор, дунёда энг ҳалол инсон деб биламан, ҳамма масалаларда мен сизни машъал деб ҳисоблайман. Бироқ ҳар нечук, доктор, сизга ишончим зўр эканига қарамай, мен, «Errare humanum est», яъни «бенуқсон Аллоҳдир», деган нақлга таянаман.

– Вильфор, менга қаранг, – деди доктор, – мендан булак ҳамкасбларимдан тағин қайсиларининг иқтидорига ишонасиз?

– Нега буни сураяпсиз? Нима демоқчисиз?

– Чақиринг уша одамни, кўрган-билганларимни оқизмай-томизмай унга айтиб берай, сўнг уликни ёрнб кўрамиз.

– Заҳар таъсирини аниқлай оласизми?

– Йўқ, заҳар таъсирини эмас, мен ундай деётганим йўқ, биз фақат асаб томирларининг жароҳатланганини қайд қиламиз, буғилиб ўлганини снчиклаб аниқлаймиз, ана шундан кейин сизга, жаноб де Вильфор, агар бу эҳтиётсизликдан юз берган бўлса, хизматкорларингизни қаттиқроқ назорат остига олинг, агар қаҳр-ғазаб оқибати бўлса, душманларингиздан кўз-қулоқ бўлиб туринг, деймиз.

– Ҳой, д'Авриньи, бу гапларни уйлаб гапиряпсизми, – деди маъюс тортиб Вильфор, – бу сир сиздан бошқа бирор кимсага аён бўлса борми, Худо урди деяверинг, дарҳол тергов бошланади, менинг хонадонимда тергов юргизиш ҳеч ақлга тўғри келмайдиган иш! Бироқ, – деди қироллик прокурори докторга ташвишли кўзларини тикиб, – модомики, сиз шуни истар ва талаб қилар экансиз, шун

дай қилганим бўлсин. Ростданам мен бу ишга йўл очиб беришим керақдир, лавозимим ҳам шуни талаб қилади-ку. Лекин, доктор, қанчалик дузах азобини чекаётганимни қура туриб, оилам бошига яна бунақанги савдо солиш инсофдан эмас-ку, ахир! Хотиним ва қизим бундай шармандали мусибатга чидай олмайди. Менинг ўзимга келганда, кўплаб душман орттирмай туриб бундай лавозимга эришиш, йигирма беш йил узлуксиз қироллик прокурори мансабини эгаллаб утириш мумкин эмаслигини ўзингиз яхши биласиз. Душманларим оз эмас менинг. Бу сир ошкора бўлса, улар қувониб, тантана қилишади, мени шармандаю шармисор этишади. Ортиқча сафсаталар билан миянгизни қотираётганим учун узр сўрайман сиздан. Агар кашиш бўлганингизда бу гапларни айтишга журъат этолмаган бўлур эдим, бироқ сиз одамларни биладиган зотсиз, доктор, сиз менга ҳеч нима деганингиз йўқ, мен ҳам ҳеч нима эшитганим йўқ, бўптими?

– Жаноб де Вильфор, – жавоб қилди ҳаяжонланиб доктор, – азизим, менинг биринчи бурчим – инсонпарварлик. Фан ожизлик қилмаганда де Сен-Меран хонимни ўлимдан қутқариб қолардим, бироқ у дунёдан ўтди, энди тириклар гамида бўлишим лозим. Бу даҳшатли сир ҳам, келинг, орамизда қолсин. Бирор ёт одам сезиб қолгудек бўлса, бу докторнинг нодонлиги деб, айбни менга тункасалар розиман. Аммо сиз айбдорни ахтариб топинг, ахир бундай фалокатлар яна юз бериши мумкин... Мабодо уни топсангиз, судья – ўзингиз, билганингизни қилинг, дейман.

– Раҳмат сизга, доктор, раҳмат! – деди Вильфор ўзида йўқ қувониб. – Менинг сиздан яқин дўстим йўқ ва бўлган ҳам эмас.

Шундай деди-да, доктор тағин ўз фикридан қайтиб қолмасин, деб қўрқаётгандек, ўрнидан туриб, д'Авриньини уй томонга етаклади.

Улар кетишди.

Моррель нафас олишга ҳаво етишмаётгандай, қўллари билан шохларни икки томонга сурди, унинг девордай оқариб кетган юзларини ой ёритди.

– Мана, Тангри ўзи илтифот кўрсатмоқчи менга, бироқ бу воқеалар шу қадар даҳшатлики, – деди у, – шўрлик Ва-

лентинам! Қандай қилиб бардош бераркан у бу оғир мусибатларга?!

Моррель шу гапларни айта туриб, гоҳ қизил пардали деразага, гоҳ оқ пардали уч деразага куз тикарди.

Деразасига қизил парда тўсилган хона анча қоронғилашиб қолган эди, афтидан, де Вильфор хоним катта чироқни учириб, шамни ёққан бўлса керак.

Лекин унинг нариги бурчагидаги хоналардан бирининг оқ пардали деразаси очилди-да, шамчироқнинг хира ёғдусида бир киши айвонга чиқди. Моррель сесканиб кетди: кимдир йиғлаётгандек бўлди назарида.

Шундай кучли, жасоратли кишининг инсонга хос икки қудратли эҳтирос – ишқ ҳамда қурқув олдида таслим бўлиб, хурофий бидъатларга берилиши ажабланадиган ҳол эмасди шу пайтда.

Валентина уни яшириниб турган жойида кўриши мумкин эмасди, албатта, шунга қарамай, ҳалиги айвонга чиққан киши гўё уни чақираётгандай туюлди. Моррелнинг ғовлаган миясидан кечган бу фикр унинг кўнглига маҳкам урнашиб, ҳақиқат бўлиб кўринди-ю, йигит ёшларга хос жушқинлик билан уй томонга ўзини отди. Унинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди. Икки сакраб гулхонадан ўтди-да, уй олдидаги қатор-қатор гулдонлар ёнига етди, зинадан югуриб чиқиб, эшикни зарб билан итариб юборди.

Валентина уни кўрмади, қизнинг кўзлари мовий осмонда сузиб юрган бир парча кумуш булутда эди, у ўтиб бораётган кўланкага ўхшар, шўрлик қиз эса «ана, бувимнинг арвоҳи келяпти», деб ўйларди ўзича.

Бу орада Моррель даҳлиздан ўтиб, ички зинадан кутарилаётган эди. Зинапояларга ёзиб ташланган гиламда оёқтовуши эшитилмасди. Моррель учун бунинг аҳамияти йўқ, шу пайт Вильфорнинг ўзи чиқиб қолса ҳам майли, у тап тортмай бораверади, агар у рубару келиб қолгудек бўлса, тўғри олдига бориб, ҳамма гапларни тўкиб-солади, ҳаммасини гарданига олиб, «Валентина билан иккаламизнинг қалбимиз муҳаббат ришталари билан чамбарчас боғланган, рози бўлиб бизга фотиҳа беринг, ўтинаман», дейди, хуллас, Моррель чинакам телба бўлиб қолган эди.

Хайриятки, уни ҳеч ким кўрмади.

Вильфор хонадонининг ички тузилиши ҳақида Валентина берган маълумотлар мана ҳозир Моррелга жуда асқотди, у ҳеч ерда адашмай зинанинг устига етиб тухтаганда йиғи товушини эшитди-да, орқасига ўгирилди. Қия очик эшиқдан чироқ кўринди ва йиғи янада қаттиқроқ эшитилди. Моррель эшикни очиб, ичкари кирди.

Турда, чойшаб ёпиб қўйилган баланд каравотда марҳума ётарди; боя эшитган махфий гаплардан сунг бу мурда Моррелнинг кўзига яна ҳам даҳшатли кўриниб кетди.

Валентина каравот олдида чўкка тушиб, кенг курсидаги болишга бошини суқиб, уввос солиб йиғлар, нажот тилаб ёлворарди. У дераза олдига келди-да, шундай мунгли оҳангда фарёд солдики, буни кўрган ҳар қандай бағритош одам ҳам чидолмасди. Ой нури дераза эшиги панжараси орасидан ўтиб, милтиллаб турган шамчироқни хиралатди-да, хонадаги шу кўнгилсиз манзарага кўкимтир мудҳиш ёғду сочиб юборди.

Гарчи ўта диндор ва иродаси заиф бўлмаса-да, Моррель узини тутиб туролмади. Маъшуқасининг хуни бийрон йиғлаётганини кўриб ларзага тушди. У, чуқур уҳ тортди-да, севгилисининг номини тилга олиб аста чақирди, юзига кўзёшидан жикқа ҳўл ўриндиқ бахмалининг ранги уриб қолган Валентина унга қаради.

Валентина уни кўриб таажжубланмади, беҳисоб мусибатлар исканжасида пора-пора бўлган юракда ҳаяжон нима қилсин?

Моррель севгилисига қўлини узатди.

Валентина ваъда қилинган жойга нега чиқолмаганлигини тушунтириб ўтирмади, чойшаб ёпиб қўйилган мурдани кўрсатди-да, инграб йиғлаб юборди.

Иккиси бу хонада овоз чиқаришга журъат этолмай сукунат сақлашга уринишарди, бурчакда мурданинг ўзи гўё лабига бармоғини қўйиб «жим!», деб буйруқ бериб тургандек туюларди.

Сукунатни бузишга биринчи бўлиб Валентина журъат этди:

– Азизим, бу ерга қандай қилиб кирдингиз? Ҳайҳот! Бу хонадоннинг эшикларини сизга ўлим очмаганида, ўзим очиб «хуш келибсиз!» деган бўлур эдим.

– Валентина, – деди Моррель титроқ овозда, – мен саккиз яримдан кутдим сизни, дарагингиз бўлмади, ваҳимага тушиб девордак ошднм-да, боққа тушдим, мусибат ҳақидаги суҳбатни эшитдим...

– Қанақа суҳбатни?

Моррель бирдан сесканиб кетди, доктор билан Вильфорнинг сўзлари эсига тушди-да, ўша чангак бўлиб қолган қўлларни, ёғочдай қотган бўйинни, моматалоқ лабларни шу чойшаб тагида кўриб тургандай бўлди.

– Хизматкорларнинг суҳбатини, – деди Моррель, – эшитиб, ҳамма нарсдан воқиф бўлдим.

– Аммо, азизим, бу ерга келишингиз иккимизни ҳалокатга гирифтор этиши мумкин-ку, – деди Валентина, унинг гап оҳангида ҳеч қандай ғазаб ё ваҳима сезилмасди.

– Кечиринг мени, Валентина, – деди йигит, – ҳозир чиқиб кетаман.

– Йўқ, – деди Валентина, – кўриб қолишлари мумкин, шу ерда қоласиз энди.

– Бу ерга келиб қолишса нима бўлади?

Валентина бошини чайқади.

– Ҳеч ким келмайди, – деди у ва хотиржам бўлинг, ҳимоячимиз бор дегандай чойшаб тагидаги мурдага ишора қилди.

– Сиздан бир нарса сурасам майлими? Д'Эпинегга нима бўлди? – деди Моррель.

– У никоҳ аҳдига қўл қўяман, деб кирганида бувим жон берди.

– Даҳшат! – деди худбинларча ичидан қувониб Моррель; у, ўлим тўйни номаълум муддатга кечиктиради, деб ўйлаган эди. Бироқ шу заҳоти ўйлаганлари чиппакка чиқди.

– Бунинг устига бувим, – деди сўзини давом эттириб Валентина, – жон бераётиб, «тўйни тезроқ утказинглар» деб буйруқ бериб кетди, мени ҳимоя қиламан деб ўйлади-ю, аммо амалда масалани зараримга ҳал қилиб кетди.

– Эшитяпсизми? – деди бехосдан Моррель.

Иккаласи жим бўлиб қолди.

Эшик очилиб, даҳлизда ва сўнг зинада оёқ товуши эшитилди.

– Отам кабинетидан чиқди, – деди Валентина.

– Докторни кузатиб қўяпти, – деди қўшимча қилиб Моррель.

– Докторлигини қаердан биласиз? – сўради ажабланиб Валентина.

– Тахмин қилипман, – деди Моррель. Валентина унга қараб қўйди.

Шу орада куча эшик ёпилди, сунгра Вильфор боғ эшигини қулфлади-да, яна зинадан юқорига чиқа бошлади.

Даҳлизга келиб, афтидан, булмамага кетаверсаммикин ёки де Сен-Меран хонимнинг хонасига бирров кириб чиқсаммикин, деб бир зум иккиланиб турди. Моррель шошиб парда орқасига яширинди. Валентина, оғир мусибатдан ҳар нарсага лоқайд бўлиб қолгандек, жойида қимир этмай тураверди.

Вильфор уз хонасига кириб кетди.

– Энди, – деди Валентина, – ҳеч ердан чиқиб кетолмайсиз, куча эшик ҳам, боғ эшиги ҳам қулфланди.

Моррель саросимага тушиб қизга қараб қолди.

– Энди фақат биргина иложи қолди, – деди Валентина, – бувамнинг булмаси.

У урнидан турди.

– Юринг, кетдик, – деди Валентина.

– Қаёққа?

– Бувамникига.

– Жаноб Нуартъе ҳузурига бораманми?

– Ҳа.

– Уйлаб гапиряпсизми, Валентина?

– Мен буни купдан буён уйлаб юрибман. Энди бу дунёда менинг ундан бошқа ҳеч кимим қолмади, иккимиз ҳам унинг ёрдамига муҳтожмиз. Қани, юринг.

– Эҳтиёт бўлинг, Валентина, – деди Моррель юрагини ҳовучлаб, – эҳтиёт бўлинг, бу ерга келиб тентаклик қилганимни энди тушундим. Уйлаб гапиряпсизми, Валентина?

– Бу ҳақда аллақачон уйлаб қўйганман, – деди Валентина, – фақат шўрлик бувимни ташлаб кетишга асло кўнглим булмапти, мен уни, қўриқлаб утираман деб ваъда бергандим.

– Ўлим ҳақ, Валентина, – деди Моррель.

– Тўғри, – жавоб берди қиз, – айтганча, дарров қайта-миз-ку. Юринг.

Валентина даҳлиздан ўтди-да, Нуартъе хонасига борадиган кичик зинадан пастга йўл олди. Моррель оёқ учида юриб унинг ортидан борарди. Бўлма олдида кекса хизматкор учради.

– Барруа, – деди Валентина, – кетимиздан эшикни бекийтиб қўйинг, ҳеч кимни киритманг.

Нуартъе ҳузурига аввал Валентина кирди.

Чол юмшоқ курсида ташқаридаги товушларга қўлоқ солиб ўтирарди, Барруа хонадонда юз бераётган воқеаларнинг ҳаммасидан уни хабардор этган, бемор чолнинг икки кўзи эшикда эди, у Валентинани кўриб, қувониб кетди.

Қизнинг юриш-туришида аллақандай жиддият ва тантана сезилиб турарди. Буни кўрган чол ҳайратда қолди, унинг кўзларида савол нишонаси пайдо бўлди.

– Буважон, – деди қиз, – гапларимга диққат билан қўлоқ солинг. Бувим Сен-Меран бундан бир соат муқаддам дунёдан ўтди, бундан хабарингиз бор. Энди бу ёруғ дунёда менинг сиздан бўлак суянчим йўқ.

Чол меҳр тўла кўзларини неварасидан узмасди.

– Қайғу-аламларимни ва орзу-тилақларимни мен фақат сизга ишониб айтаман, тўғрими?

Фалаж имо билан «тўғри», деди.

Валентина Максимилианни қўлтиғидан олди.

– Ундай бўлса, – деди қиз, – мана бу кишига разм солинг.

Чол ажабланиб, синовчан кўзларини Моррелга тикди.

– Бу йигит марселлик машҳур савдогарнинг ўғли Максимилиан Моррель бўлади, бу зотнинг номини эшитгандирсиз.

– Ҳа, – деди имо қилиб чоа.

– Бу барчага таниқли ном, бу номни Максимилиан яна шон-шарафларга буркайди, у ҳозирдаёқ суворийлар капитани, Фахрли легионнинг кавалери.

Чол «ҳа, эсимда», деди.

Сунг Валентина буваси олдига тиз чўкди-да, Максимилианни кўрсатиб:

– Мен фақат шуни севаман, – деди, – мабодо мени бошқа бировга тегишга мажбур этгундек бўлсалар чидолмайман, ўзимни-ўзим ўлдираман.

Фалажнинг кузларида ташвишли фикрлар гужғон уйнардиди.

– Максимилиан Моррелни сиз ёқтирасиз-а, бува? – суради Валентина.

Чол «ҳа», дея ишора қилди.

– Бизни – фарзандларингизни отамдан ҳимоя қила оласизми?

Нуартъе уйчан кузлари билан Моррелга вазиятга қараб, дегандек назар ташлади.

Максимилиан унинг бу ишорасини тушунди.

– Мадемуазель, – деди у, – бувингиз бўлмасида сизни муқаддас бурчингиз кутяпти, рухсат этинг, Нуартъе жаноблари билан бир оз гаплашиб олай, хупми?

– Ҳа, ҳа, мен шуни истайман, – дерди чолнинг кузлари мамнун чарақлаб, сунг Валентинага ташвишли нигоҳ ташлаб қўйди.

– У менинг имоларимга тушунмайди, деяпсизми, бува?

– Ҳа.

– Хавотир олманг, биз сиз ҳақингизда жуда кўп суҳбат қилгандик, шу сабабдан сиз билан қандай гаплашишни у яхши билади, мен унга ҳаммасини айтганман. – Валентина шундай деди-да, ўрнидан туриб, Моррелга курсини суриб қўйди, Барруага, бу хонага ҳеч кимни қўйманг, деб фармон берди, сунг бувасини оҳиста упиб, Моррель билан хайрлашиб чиқиб кетди.

Шундан сунг Моррель Валентинанинг ишончини қозонгани ва уларнинг ҳамма сирларини билиб олганини Нуартъе олдида яна тасдиқлаш учун луғат, қалам ва қоғоз олиб, столдаги лампа чироқ ёнига қўйди.

– Жаноб, рухсат этинг, – деди, – даставвал ўзимни таништирайин, мадемуазель Валентинага чексиз муҳаббатим ва орзуларимни баён қилай.

– Қулоғим сизда, – деди имо қилиб Нуартъе. Атрофдагиларга ортиқча юк бўлиб қолган бу чол эндигина мустақил турмушга қадам қўяётган бир-бирига ошиқ икки ёш қалбнинг ягона ҳомийси, тарафдори ва ҳокими бўлиб қолди. Унинг меҳр-шафқат балқиб турган чехраси жиддий тус олди. Моррелга бу кучли таъсир этди, унинг титроқ овозда гапираётганининг боиси ҳам шунда эди.

Моррель Валентина билан қандай танишганини, қандай қилиб севиб қолганини, мазлума Валентина ҳам уни севиб қолганлигини айтди. У ота-онаси, мансаби, мулки ҳақида ҳам гапирди. Гапира туриб у савол назари билан чолга қараб-қараб қўяр, чол «гапираверинг» дегандай имо қилиб қўярди.

– Гапираверинг.

– Менинг ишқ-муҳаббатим ва орзу-умидларим ана шулардан иборат, – деди Моррель гапининг олдинги қисмини тугатар экан. Кейин қўшимча қилди: – Энди келгуси режаларимизни ҳам айтиб берайми?

– Ҳа, – деди чол.

– Биз шундай қарорга келдик, – деди-да, томорқада извошни тахт қилиб қўйганини, унда Валентинани олиб қочиб, сингисиникига олиб бормоқчи бўлганини, сунг Валентина билан никоҳдан ўтиб, бир ёстиққа бош қўйишга аҳд қилишганини айтди.

– Жаноб де Вильфор ғазабидан тушиб, гуноҳимиздан утишини кутмоқчимиз, – деди Моррель.

Нуартъе «йўқ», деди.

– Йўқ? Демак, бундай қилиш ярамайдими?

Чол ишорани такрорлади.

– Бу режамиз нотўғрими?

– Нотўғри, – деди чолнинг имоси.

– Ундай бўлса, яна бошқа бир йўл бор, – деди Моррель.

Чолнинг кўзлари савол назари билан боқди.

– Тўғри Франц д'Эпине олдига бораман, – деди сўзини давом эттириб Максимилиан, – бораман-да, очиқчасига гаплашаман, виждонли одам бўлса, менинг таклифимни қабул этади. (Хайриятки бу гапларимни мадемуазель де Вильфор эшитмайди.)

Чол яна «Хўш-хўш, нима қилмоқчисиз», дегандек тикилиб турарди.

– Нима қилмоқчи эканимни билмоқчимисиз?

– Ҳа.

– Ҳали айтганимдек, тўғри бораман-да, мадемуазель Валентина билан иккимизнинг бир-биримизга ошиқ эканимизни айтаман. Агарда қалбида инсоний меҳр-шафқатдан заррача бўлса, қайлиғидан, яъни Валентинани хотинликка олиш-

дан воз кечади, у ҳолда умримнинг сунгги дамларигача унинг содиқ дустри булиб қоламан. Агарда у Валентина менинг унашиб қўйилган хотиним эканига, Валентина мендан бошқа ҳеч кимни севмаслигини исботлашимга ҳам қарамай, фақат шахсий манфаати ёки ғурури йўл қўймай, оёғини тираб туриб олса, у ҳолда жанг майдонига чиқаман-да, ҳамма имтиёзларни унинг ихтиёрига топшириб, курашаман, ё мен қоламан, ё у. Мабодо у улса, Валентина менга қолади, мен улсам, Валентина унга тегмайди, мен бунга аминман.

Нуартъе зўр мамнуният билан Максимилианнинг мардлик барқ уриб турган чехрасига тикилиб турарди; урнида берилган бўёқ расмнинг таъсир кучини янада оширгани каби Моррелдаги фазилатлар унинг чехрасини жуда очиб юборган эди.

Моррель гапини тугатгач, Нуартъе бир неча марта кўзларини юмиб-очди, бу унинг, бундай қилиш ярамайди, дегани эди.

– Ярамайди? – такрорлади Моррель, – демак, сиз бу режани ҳам, биринчиси каби, маъқулламас экансиз-да?

– Ҳа, маъқулмас менга, – ишора қилди чол.

– Хўш, унда нима қилай, жаноб? – сўради Моррель. – Де Сен-Меран хоним узининг охириги сузида, неварамнинг туйини кечиктирманглар, деган экан, ахир мен бунга қандай йўл қўяй?

Нуартъе ҳеч қандай ишора қилмади.

– Тушундим, – деди Моррель, – кутишим керак экан-да.

– Ҳа.

– Бу иш чўзилиб кетса, биз хароб бўламиз, жаноб! Валентинанинг ёлғиз ўзи курашишга кучи етмайди, уни ёш бопадек мажбур қилишади. Мен бу ерга тасодифан кириб қолиб, воқеалардан хабардор бўлдим, ҳузурингизга ҳам Худонинг каромати билан кириб келдим. Энди яна бирор бахтли тасодиф ёрдам берар деб, кутиб турмайман. Амин бўлинг, фақат ҳали мен айтган икки йўлдан бири амалга ошуви мумкин, кечиринг мени, бундан бошқа йўл йўқ. Яхшиси, айтинг, иккаласидан қайсиниси сизга маъқул? Мадемуазель Валентина менга ишонса бўладими?

– Йўқ.

– Жаноб д'Эпине олдига борганим яхшими?

– Йуқ.

– Э, Тангрим, сендан бошқа кимдан нажот кутамиз? Чол илжайиб қуйди, Худо тилга олинганда у ҳамиша илжайиб қуярди. Якобинчи чол ҳамон атеист эди.

– Тасодиф ёрдам берадимми? – давом эттирди сўзини Моррель.

– Йуқ.

– Узингиз ёрдам берасизми?

– Ҳа.

– Сиз-а?

– Ҳа, – такрорлади чол.

– Мен қанақа ёрдам сўраётганимни сиз яхши тушундингизми? Қайсарлигим учун кечиринг мени, бутун ҳаётим сизнинг жавобингизга боғлиқ: бизни ўзингиз қўллаб-қувватлайсизми?

– Ҳа.

– Бунга имонингиз комилми?

– Ҳа.

– Бунга кафилмисиз?

– Ҳа.

Чол охирги «ҳа» ишорасини шу қадар қатъият билан айтдики, бунга ишонмасликка ҳеч асос қолмаганди.

– Раҳмат сизга, минг-минг раҳмат! Бироқ Тангри сизга тил ва ҳаракат ато қилмаса, бу аҳволда сиз никоҳга қандай қилиб монелик кўрсата оласиз? Қандай қилиб?

Чолнинг кўзларида пайдо бўлган ажиб табассум унинг кесакдек қотиб қолган юзини нурлантириб юборди.

– Демак, сабр қилай, шундайми? – сўради Моррель.

– Ҳа.

– Никоҳ-чи? У нима бўлади?

Чолнинг кўзларида яна табассум пайдо бўлди.

– Никоҳ қоғозига қўл қўйилмайди демоқчимисиз? Наҳотки?

– Шундай, – деди имо билан Нуартъе.

– Ҳали актга қўл қўйилмайди денг! – деди хитоб қилиб Моррель. – Оҳ, кечиринг мени! Бир олам бахт ваъда қилман деганларида киши ишонмаслиги мумкин-да, никоҳ қоғозига имзо чекилмайди денг?

– Шундай! – жавоб қилди фалаж.

Моррелнинг ҳамон ишонгиси келмасди. Бемор чолнинг ваъдаси унга жуда ғалати туюлар, бу ирода кучи эмас, жисмоний ожизлик аломати бўлса керак деб уйларди, чунки одатда эс-хуши жойида бўлмаган одам, кучига ортиқча баҳо бериб, «ундай қилиб юбораман, бундай қилиб юбораман», деб вайсай беради, бу табиий. Оёқда зўрға турган баъзи нимжонлар, девларнинг оёғини осмондан келтираман, деб лоф уради, камбағал олтин хазинам бор, деб мақтанади, ёнида сариқ чақаси ҳам йуқ одам туянинг тишини куради.

Нуартъе Моррелнинг кўнглидагини пайқагандай, унга синовчан тикилиб қолди.

– Шундай қилиб, мен сабр қилишим керакми? – суради Моррель.

Нуартъе қимир этмай ўқрайиб қараб тураверди, бу, ваъда мени қаноатлантирмаяпти дегани эди, у Моррелнинг қулига ҳам қараб қуйди.

– Онт ичайми? – суради Максимилиан.

Кувончдан чолнинг кўзлари порлади.

Моррель чолнинг қасамига жуда зўр эътибор бераётганини фахмлади. У қулини кўтарди-да:

– Виждон ҳаққи, онт ичаман, – деди, – сиз бир қарорга келгунча жаноб д' Эпинегга қарши ҳеч қандай иш қилмай тураман.

– Мана бу яхши бўлди, – деди имо билан чол.

– Жаноб, энди кетсам майлими? – суради Моррель.

– Майли.

– Мадемуазель Валентина билан учрашмасдан кетаверайми?

– Ҳа.

Моррель итоаткорона таъзим қилди.

– Энди, – деди у, – рухсат этинг, қизингиз сингари мен – ўғлингиз ҳам сизни бир упай.

Нуартъе розилик билдирди.

Моррель, чолнинг ҳозиргина Валентинанинг лаблари теккан пешанасидан упиб қуйди.

Сунг у чолга яна икки букилиб таъзим қилди-да, чиқиб кетди.

Зина майдончасида Валентина огоҳлантириб қуйган кекса хизматкорни учратди. У Моррелни кутиб турганди.

Барруа Максимилианни эгри-бугри дахлиздан боғ эшигига-ча кузатиб қўйди.

Моррель боғни кесиб утиб дарвозагача борди, дарахт шохларига осилиб, девордан лип этиб ошиб тушди-да, извош ёнига етиб олди.

У извошга утирди, ҳаяжондан ҳолдан тойган, бироқ кўнгли анча тинч ҳолда Меле кўчасига келди. Тун ярмидан оққан эди, Моррель тушакка узини отди-да, худди маст кишидек бирпасда донг қотиб ухлаб қолди.

XVII. ВИЛЬФОР ХОНАДОНИНИНГ ХИЛХОНАСИ

Шундан икки кун утгач, эрталаб соат унларда жаноб де Вильфор эшиги олдида оломон тупланди. Шаҳар тевараги-даги Сент-Оноре қишлоғи ва дела-Пепиньер кўчасида эса қатор-қатор мотам извошлари ва хусусий фойтунлар тизилиб турарди.

Улар орасида қора рангли извош кўринишда бошқалардан ажралиб турарди. Чамаси у узоқ йўл босиб келганга ухшарди. Мана шу извош энг олдин келган эди.

Маълум бўлишича, бу извошда маркиз де Сен-Мераннинг жасади келтирилган экан, демак, дафн маросимига келганлар биргина марҳума маркизани эмас, марҳум маркизни ҳам кузатишади.

Видолашгани келганлар кўп эди. Маркиз де Сен-Меран Людовик XVIII ва Карл X нинг энг ишчан ва содиқ амалдорларидан бўлиб, унинг дўстлари кўп эди. Жамият одоб-ахлоқ қондасича Вильфорга алоқадор бўлганлар ҳам мотам маросимида ҳозир бўлишди. Дарҳол ҳукумат бошлиқларига хабар қилиниб, икки мотам маросимини бирга ўтказиш ҳақида рухсат олинди, зўр ҳашам билан безалган иккинчи катафалк қироллик прокурори уйи олдига келтирилди, почта фойтунидаги тобутни мотам катафалкига олиб утишди.

Икки жасад Пер-Лашез қабристонига бир вақтлар Вильфор ажратиб қўйган хилхонага қўйилиши лозим эди. Шурлик Рененинг жасади ҳам мана шу хилхонага қўйилган. Мана энди ун йил жудоликдан сўнг ота-онаси ер қаърида қизи билан ёнма-ён ётади.

Ҳамиша воқеа-ҳодисаларга қизиқадиган, дабдабали мотам маросимларида доим ҳаяжонга тушадиган Париж ўз анъаналарига, ўз гурунгига содиқ, ўз муҳити ва қарашларидан асло воз кечмайдиган кўҳна аристократиянинг икки вакилини дафн этиш маросимини лоқайдлик билан кузатиб турарди.

Мотам извошида бирга ўтирган Бошан, Альбер ва ва Шато-Рено маркизанинг тўсатдан вафот этиш сабабларини муҳокама қилишарди.

– Мен ўтган йили Жазоирдан қайтиб келаётганимда де Сен-Меран хонимни Марселда кўрган эдим, – деди Шато-Рено. – Мен бу аёл камида юз йил яшаса керак, деб ўйлаган эдим. У ҳайратда қоладиган даражада ғайратли, соғлом ва ақли расо аёл эди. Ёши нечада эди?

– Олтиш олтида, – жавоб берди Альбер, – Франц менга шундай деган эди. Уни аслида қарилик эмас, қайғу-алам еди. Уни маркизанинг ўлими айниқса жуда чуқутириб қўйди, айтишларига қараганда, эрининг вафотидан сунг у ақлдан озган эмиш.

– Аниғи, нимадан ўлди экан хоним? – сўради Бошан.

– Миясига қон қуйилишдан ёки апоплексиз зарбидан эмиш, бу иккиси ҳам бир хил бўлса керак-а?

– Ҳа, бир-бирига анча ухшаш.

– Қон қуйилишидан-а? – такрорлади Бошан, – ҳеч ишонмайдиган гап бу. Мен де Сен-Меран хонимни икки марта кўргандим, у жиккак, қотма, серзарда аёл эди, семиз, ёноқларидан қон томиб турадиган аёллардан эмасди. Жуссаси кичкина кишиларда миясига қон қуйилиш ҳоллари камданкам учрайди.

– Қандай касалдан ўлган бўлмасин, ҳар нечук, жаноб де Вильфор ёки тўғрироғи, мадемуазель Валентина, ундан ҳам тўғрироғи, оғайним Франц йилига саксон минг ливр даромад берадиган жуда катта меросга эга бўлди.

– Кекса яacobинчи Нуартье вафот этса бу мерос нақ икки баравар ошиб кетади.

– Утакетган қайсар чол экан-да! – деди Бошан. – Tenacem propositi virum¹⁴! Ҳамма меросхўрларимни гўрга тикмагу-

¹⁴ Ўз ниятларидан қайтмайдиган зот (лот.). (Гораций Одалар, III. 3.)

нимча кетмайман, деб улим билан гаров уйнаганга ухшайди. Мана кўрасиз, у ниятига етади. Бир минг саккиз юз ўн туртинчи йили Наполеонга қуйидаги сузларни айтган туқсон учинчи Конвентнинг аъзоси шу одам бўлса ажаб эмас:

«Сизнинг империянгиз усиш жараёнида толиқиб қолган ёш новда бўлгани учун таназзулга юз тутяпсиз. Республикага таянинг, яхши конституция чиқаринг-да, жанг майдонига қайтинг, мен шунда сизга беш юз минг солдат, иккинчи Маренго ва иккинчи Аустерлиц ваъда этаман. Ҳазрат олийлари, ғоя ўлмайдди, баъзан уни мудроқ босади, сунг яна илгаригисидек куч туплаб уйғонади».

– Афтидан, – деди Альбер, – у одамларни ҳам ғоя деб ҳисобласа керак. Бизнинг Франц бу чол билан қандай чиқиша оларкан? Ахир чол унинг хотинисиз яшай олмайди-ку! Франц кўринмайдими?

– У биринчи извошда, Вильфор билан бирга, қироллик прокурори эндиликда уни ўз оиласининг аъзоси деб ҳисоблайди.

Маросимдаги извошларда гап фақат шу икки ўлим ҳақида борарди: тўсатдан кетма-кет юз берган бу иккала ўлимдан ҳамма таажжубланарди, аммо тунги сайр пайтида Вильфорга доктор д'Авриньи айтиб берган даҳшатли сирни ҳеч ким билмасди.

Бир соатда қабристонга етишди, сокин булутли кун қайғули мотам маросимига жуда мос тушганди. Вильфорлар хонадони хилхонасига бораётганлар орасида Моррель ҳам бор эди, у ўзининг икки ғилдиракли извошида келди. У тиканли буталар ўсиб ётган сўқмоқдан миқ этмай борар, ранги оқариб кетган эди.

– Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? – сўради Шато-Рено ёш капитанни қўлтиғидан олиб. – Сиз ҳали Вильфор билан танишмисиз? Унинг уйида сизни ҳеч учратмагандим-ку?

– Мен жаноб де Вильфор билан эмас, де Сен-Меран хоним билан таниш эдим, – деди Моррель.

Шу пайт Альбер билан Франц етиб келди.

– Бу ер танишадиган жой эмас, – деди Альбер, – бироқ биз хурофотдан йироқ одамлармиз, бизга барибир. Жаноб Моррель, рухсат этинг, сизга буларни таништириб қўяй: бу киши жаноб Франц д'Эпине, саёҳатда менинг олижаноб

ҳамроҳим, бу киши билан Италияга бордим. Азизим Франц, таниш, бу киши жаноб Максимилиан Моррель, сен йўқлигингда орттирган ажойиб дўстим. Дилкаш, оқил ва мурувватли зот.

Моррель бир оз саросимага тушиб қолди. Махфий кураш олиб бораётган киши билан дўстона салом-алиқ қилиши иккиюзламачилик бўлмасмикин, деб ўзига-ўзи савол берди. Аммо қасамини, уша тантанали дақиқани эсга олди-да, ҳеч нарсани сездирмасликка уриниб, Францга салом берди.

– Мадемуазель де Вильфор жуда қайғураётган бўлса керак? – сўради Дебрэ Францдан.

– Тамоман, – деди Франц, – бугун эрталаб ранги руйи бошқача эди, мен аранг танидим.

Бу шунчаки айтилган сўзлар бўлса-да, Моррелнинг қалбига ханжардай ботди. Бу зот Валентинани кўриб, у билан гаплашибди-да! Ёш офицер бу гал ҳам зур куч билан ўзини босиб, қасамига содиқ бўлиб қолди. У Шато-Ренони қўлтиғидан олди-да, мақбара томонга тез юриб кетди. Дафн ширкатининг икки ходими иккала тобутни аллақачон мақбара ёнига олиб қўйган эди.

– Ажиб манзара, – деди Бошан мақбарага назар ташлаб. – Бу ҳам ёзги, ҳам қишки сарой. Азизим Франц д'Эпине, сиз ҳам навбатингиз келиши билан шу ерга кўчиб келасиз, чунки яқинда шу оиланинг аъзоси бўласиз. Мен эса файласуф сифатида, шўрлик жасадим устига бунчалик оғир тошларни қўйдирмай, оддий дарахтзор тагида ётишни афзал кўрардим. Жон бераётганимда атрофимдагиларга Вольтернинг Пиронга ёзган мана шу сўзларини айтаман: *Ео гис, яъни «қишлоққа кетяпман»*, дейман. Тамом-вассалом... Ҳой, Франц, бардам бўлинг, ошиғингиз олчи, ахир хотинингиз ҳамма мол-мулкнинг меросхўри-ку!

– Жуда бемаънисиз-да, Бошан, – деди Франц. – Сиёсат арбобисиз-а, бу сизни ҳаммани мазах қилишга ва ҳеч нарсага ишонмасликка ургатиб қўйган. Лекин ҳарҳолда оддий кишилар даврасида бўлганингизда сиёсатни йиғиштириб қўйиб, депутатлар палатасини ёки пэрлар палатасини бир зум унутинг-да, асл ҳолатингизга қайтинг.

– Э, Парвардигор, – деди Бошан, – ҳаётнинг туб маъноси нима, биласизми? Ажал жари ёқасида навбат кутиш.

– Бошан кўзимга балодай кўриняпти шу пайтда, – деди Альбер ва «Дебрэ билан фалсафий мулоҳазаларингни давом эттиравер», деб Франц билан бирга бир неча қадам четга олди узини.

Вильфорлар мақбараси тўрт бурчак, йигирма фут баландлиқда оппоқ тошдан ясалган эди, уртадаги панжара Сен-Меранлар хонадони билан Вильфорлар хонадони хилхонасини бир-биридан ажратиб турар, эшиклари ҳам бошқа-бошқа эди.

Бу мақбарада, бошқаларникига ўхшаб, жойни тежаш мақсадида яшиқлар устма-уст қўйилмаган эди. Бронза эшикдан кираверишда қоронғи даҳлиз бўлиб, уртадаги девор уни қабрлардан ажратиб турарди. Ҳозиргина биз айтган икки эшик ҳам мана шу деворга ўрнатилган бўлиб, биридан Вильфорлар мақбарасига, иккинчисидан эса Сен-Меранлар мақбарасига кирилади.

Бу ерда мотам тутиб ўтирган қавм-қариндошларга Пер-Лашездан келиб учрашадиган суюқ хушторларнинг бемаъни қўшиқлари, қийқириқлари, бақириб-чақиринишлари асло халақит бермасди.

Иккала тобут Сен-Меранлар оиласи мақбарасига олиб кирилиб, қайғули юкни қабул қилишга тайёрлаб қўйилган тахта супага қўйилди. Мақбарага фақат Вильфор Франц ва яқин қариндош-уруғлар киришди. Ҳамма диний расм-русумлар ташқарида бажо этилган бўлиб, унда ҳеч қанақа ваъз-хонлик бўлмади, шу сабабли одамлар тезда тарқалишди. Шато-Рено, Альбер ва Моррель бир томонга, Дебрэ билан Бошан эса иккинчи томонга йўл олди.

Франц Вильфор билан қолди. Моррель ниманидир баҳона қилиб қабристон дарвозаси олдида тухтади-да, Франц билан Вильфор мотам извошида бирга кетганини кўрди ва «бу яхшиликка олиб бормади», деб кўнгли ғаш бўлди. Моррель шаҳарга Шато-Рено ва Альбер билан бир извошда келса-да, уларнинг бирорта сўзини эшитмади.

Моррелнинг ҳадиксираб айтган сўзлари ҳақ бўлиб чиқди: Франц хайрлашаётганида Вильфор ундан:

- Барон, энди қачон учрашамиз? – деб сўради.
- Жаноблари истаган вақтда, – жавоб қилди Франц.
- Қанча тез бўлса шунча яхши.

– Мен тайёрман, истасангиз бирга борамиз?

– Агар сизга малол келмаса.

– Ҳеч-да.

Булажак қайната билан булажак куёвнинг бир извошда келаётганининг боиси мана шу эди. Улар Моррелнинг олдидан утишганда, йигитнинг кўнглига ғулғула тушганича бор эди.

Вильфор билан Франц Сент-Онорега қайтиб келишди.

Қироллик прокурори ҳеч кимнинг олдига кирмади, хотини билан ҳам, қизи билан ҳам бир оғиз гаплашмасдан меҳмонни тўғри ўзининг кабинетига олиб кирди.

– Жаноб д’Эпине, – деди у, – бундай қараганда ноуриндек сезилса-да, лекин аслида ўринли бир гапни айтмоқчиман сизга. Марҳумлар руҳини шод этиб, фотиҳа ўқиш савоб бўлади. Бундан уч кун бурун де Сен-Меран хоним ўлим тушагида ётиб, Валентинанинг тўйини сира кечиктирманлар, деган эди. Марҳуманинг ҳамма ишлари жойида эканлиги сизга маълум. Унинг васиятига биноан, Сен-Меранларнинг барча мол-мулки Валентина ихтиёрига ўтади, нотариус кеча менга ҳужжатларни кўрсатди, бу ҳужжатлар асосида никоҳ шартномаси тузиш мумкин. Нотариус ҳузурига бориб менинг номидан илтимос қилсангиз, ўша ҳужжатларни сизга кўрсатади. Нотариусимизнинг исми Дешан, у Сент-Оноредаги Бове яқинида истиқомат қилади.

– Жаноб де Вильфор, – деди д’Эпине. – Мадемуазель Валентина оғир жудодикдан юраги зардобга тўлиб турган бир вақтда кўнглига никоҳ сиғармикан. Очигини айтсам, кўнглим бунга чопмаяпти.

– Бувисининг сўнги васиятини бажо келтириш Валентинанинг муқаддас бурчи, – деди Францнинг сўзини бўлиб Вильфор, – қиз томонидан монелик бўлмайди, бунга амин бўлинг.

– Шундай экан, – деди Франц, – мен ҳам қарши эмасман, у ёғи ўзларига ҳавола, мен ваъда берганман, бажону дил ваъдамнинг устидан чиқаман.

– Ундай бўлса тўйни кейинга суриб ўтирмайлик, шартномага учинчи кўни қўл қўйилмоғи керак эди. У ёзиб қўйилган. тайёр, шу бугуноқ имзо чекиб қўя қолса бўлади.

– Азада-я? – деди саросимага тушиб Франц.

– Хотиржам бўлинг, – деди Вильфор, – хонадонимда одоб сақланади. Мадемуазель де Вильфор белгиланган уч ойга узининг Сен-Мерандаги мулкига кетади, уз мулки деётганимнинг боиси шундаки, у энди Валентинаники бўлиб қолди. Агар сиз рози бўлсангиз, бир ҳафтадан сўнг имижимида никоҳ ўқитилади, Сен-Меран хоним неварамнинг тўйи ўша ерда бўлсин, деган эди. Тўй ўтгач, сиз Парижга қайтишингиз мумкин, хотинингиз эса мотам кунларини ўгай онаси билан ўтказаверади.

– Ихтиёрингиз, жаноб, – деди Франц.

– Бўпти, – деди Вильфор, – ярим соат кутиб туришингизни илтимос қиламан, Валентина меҳмонхонага тушади, Дешанни чақиртираман, шу заҳотиёқ никоҳ шартномасини ўқиб, имзо чекамиз, шу бугун оқшом де Вильфор хоним Валентинани ўша қишлоғидаги саройига олиб бориб қўяди. Биз эса бир ҳафтадан сўнг етиб борамиз.

– Жанобларидан битта илтимос бор, – деди Франц.

– Қанақа илтимос?

– Шартномага қўл қўйиш пайтида Альбер де Морсер, Рауль де Шато-Рено ҳозир бўлишларини истардим, улар менинг шоҳидларим, буни сиз биласиз.

– Ярим соат ичида уларга хабар қилиш мумкин. Узингиз борасизми ёки бировни юборайликми?

– Узим борганим дуруст.

– Бўпти, ярим соатдан сўнг сизларни кутиб оламан, ун-гача Валентина ҳам тайёр бўлиб туради.

Франц Вильфор билан хайрлашиб чиқиб кетди.

Ташқари эшик очилиб-ёпилиши ҳамона Вильфор хизматкорни Валентина ҳузурига юбориб, ярим соатдан сўнг меҳмонхонада буларкансиз, у ерга нотариус билан барон д'Эпиненинг гувоҳлари келаркан, деб огоҳлантириб қўйишни буюрди.

Бу кутилмаган хабардан уйдагилар типирчилаб қолишди, де Вильфор хоним бунга ишонгиси келмасди, Валентинани яшин ургандек бўлди. У ҳомий ахтараётгандек атрофга аланглади, буvasи олдига бораётган эди, зинада Вильфор олдидан чиқиб, қўлтиғидан тутди-да, меҳмонхонага йўл олди. Даҳлизда Валентина Барруани учратиб, ўтли нигоҳини унга қадаб ўтди.

Бир дақиқа утар-утмас меҳмонхонага кичкинтой Эдуарни етаклаб де Вильфор хоним кирди. Оиладаги қайғу-аламлар ёш аёлга жуда ёмон таъсир этгани кўриниб турарди. Рангида қон қолмаган, латтадек бушашиб, шалпайиб қолганди.

Хоним курсига чукиб Эдуарни тиззасига олиб, бағрига босиб-босиб қўярди.

Кўп утмай ташқаридан икки извош ҳовлига киргани эшитилди, бирида нотариус, иккинчисида эса Франц билан уртоқлари келган эди.

Бирпасда ҳамма тўпланди.

Валентинанинг ранги буздай оқариб кетган эди.

Франц зур ҳаяжон-ла тўлқинланиб турарди.

Шато-Рено ва Альбер «ўзи нима гап» дегандек бир-бирларига қараб-қараб қўйишарди. Ҳозирги маросим йигитларга яқиндагина тугаган маросимдан қайғулироқ туюларди.

Вильфор хоним узини панароққа олиб утирди, ҳадеб ўғлига эгилаверганидан дилида нима кечаётганини юзидан билиб бўлмасди.

Вильфор илгаригидек бепарво, совуққон эди.

Нотариус эса қонунга хизмат қилувчиларга хос йусинда ҳужжатларни стол устига териб қўйди-да, курсига утириб, кўзойнагини тўғрилади ва Францга қараб:

– Жаноб Франц де Кенель барон д’Эпине сиз буласизми? – деб сўради, гарчи нотариус баронни жуда яхши таниса ҳам.

– Ҳа, жаноб, мен буламан, – жавоб қилди Франц.

Нотариус таъзим қилди.

– Жаноб де Вильфор номидан огоҳлантириб қўйишим керак, – деди у, – сизнинг мадемуазель де Вильфорга уйланаётганингизни эшитиб жаноб Нуартье неварасига нисбатан бўлган ниятларини ўзгартириб, қизни барча мерослардан маҳрум этди. Яна шуни маълум қилиб қўяй: васиятчи ўз бойлигининг фақат бир қисмига хужайинлик қилишга ҳақли эди, бироқ ҳаммасини мерос сифатида қолдириб, васиятни шубҳага солиб қўйди, эндиликда васиятнома бекор қилинади.

– Тўғри, – деди де Вильфор, – аммо жаноб д’Эпенени олдиндан огоҳлантириб қўяйки, мен ҳаёт эканман, отам-

нинг васиятномаси бекор қилинмайди, чунки менинг мансабим ҳеч қандай ғалвага бош қўшишимга йўл қўймайди.

– Жаноб, – деди Франц, – бу масаланинг мадемуазель Валентина ҳузурда ўртага ташланиши мени жуда ранжитди. Мен қайлиғимнинг бойлиги – мулки қанчалиги билан ҳеч қизиққан эмасман, унинг бойлиги қанчалик камаймасин, барибир меникидан куп. Меним хонадоним фақат иззат-хурмат юзасидан жаноб де Вильфор билан қариндошлилик ришталарини боғлашга аҳд қилган эди, мен фақат бахтиёр бўлиш учун мадемуазель билан бир ёстиққа бош қўйяпман.

Валентина миннатдорчилик билдириб, бошини хиёл қимирлатиб қўйди, бироқ юзидан икки томчи ёш марварид каби думалаб кетди.

– Жаноб, – деди Вильфор бўлажак куёвига мурожаат қилиб, – умид қилган маблағларингизнинг озгина қисмидан маҳрум бўлганингизни ҳисобга олмаганда, қутилмаган бу янги васиятномада сизнинг шаънингизга доғ туширадиган ҳеч нарса йўқ, бу жаноб Нуартъенинг эси пастлигининг оқибати, холос. Отам мадемуазель де Вильфорнинг сизга тегишидан норози эмас, умуман унинг турмушга чиқиб кетишидан норози, Валентина бошқа бировга тегиб кетса ҳам чол худди шунақа хафа бўларди. Жаноб, узингизга маълумки, одам қариганда худбин бўлиб қолади, мадемуазель де Вильфор кўпинча жаноб Нуартъе олдида бўларди, у баронесса д'Эпине бўлгач, бундай қилолмайди. Отамнинг ачинарли бир ҳолатда ётиши у билан жиддий масалалар ҳақида гаплашишга имкон бермайди, унинг эс-ҳуши жойида эмас, гапга тушунмайди. Шу дақиқада у неварасининг эрга тегаётгани, эҳтимол, эсидадир, бироқ бўлажак неварасининг номини аллақачон унутиб юборган, бунга имоним комил.

Вильфор сўзини тугатиб, Франц унга таъзим билан эндигина жавоб бериб турган эди, меҳмонхона эшиги очилиб, остонада Барруа пайдо бўлди.

– Жаноблар, – деди у, хизматкорларнинг шундай тантанали онларда уз хужайинларига мурожаат қилгандаги фавқулодда қатъий оҳангда, – жаноб Нуартъе де Вильфор жаноб Франц Кенель барон д'Эпине билан ҳозирнинг ўзидаёқ гаплашмоқчилар.

Нотариус сингари Барруа ҳам англашилмовчилик юз бермасин, деб куёвни тула унвони билан тилга олди. Вильфор чўчиб тушди, де Вилфор хоним уғлини тиззасидан туширди, Валентина ҳайкалдай қотиб қолди.

Альбер билан Шато-Рено ҳанг-манг булиб қолишди.

Нотариус Вильфорга қаради.

– Булмаган гап, – деди қироллик прокурори, – жаноб д’Эпине ҳозир меҳмонхонадан чиқиб кетолмайди.

– Хужайиним жаноб Нуартъе ҳозирнинг ўзида жаноб Франц д’Эпине билан ниҳоятда муҳим бир масала устида гаплашиб олмоқчи, – деди яна қатъий эътироз билдириб Барруа.

– Демак, Нуартъе бувам тилга кирибди-да, – сўради шаддодлик билан Эдуар.

Ҳамманинг бошига оғир ташвиш тушган ушбу дақиқада боланинг бу кулгули қилиғини куриб, ҳатто де Вильфор хоним ҳам кулмади.

– Жаноб Нуартъега, талабингизни бажариш мумкин эмас, деб айтинг, – деди Вильфор.

– У ҳолда, жаноб Нуартъе ўзини меҳмонхонага олиб боришларини буюрадилар, – деди эътироз билдириб Барруа.

Вильфор хоним илжаймоқчи бўлди.

Валентина, гўё «Худойимга минг қатла шукр», деётгандек, кўзларини шифтга қадади.

– Валентина, бориб билинг-чи, бувангиз яна нима демоқчи экан, – деди Вильфор.

Валентина югуриб кетди, бироқ Вильфорнинг хаёлига бошқа фикр келди шекилли:

– Тухтанг, – деди, – мен ҳам сиз билан бирга бораман.

– Узр, жаноб, – деди Франц, – Нуартъе жаноблари мени чақиртираётган эканлар, албатта мен боришим керак, яхши бўлди: унга ҳурматимни шахсан изҳор этиш шарафига мурассар бўламан, ҳозиргача бу шарафли бурчимни бажо келтиролмай юргандим.

– Бе, қўйсангиз-чи бу гапингизни, – деди ташвишланиб Вильфор, – сизнинг боришингизнинг ҳожати йўқ.

– Яна бир қарра узр, жаноб, – деди Франц, қарорим қатъий, дегандек, – жаноб Нуартъенинг менга нисбатан бошқача фикрда бўлишига ҳеч қандай асос йўқлигини, у тамо-

ман ноҳақ эканлигини исботлаб беришим учун бу қулай имкониятдан фойдаланиб қолишим керак, мен умримнинг охиригача унга содиқлигимни исботлаб, уни бу фикридан қайтаришим лозим.

Франц шундай деди-да, Вильфорнинг гапига қулоқ солмай, йулақдан қувониб кетиб бораётган Валентинага эргашди.

Вильфор ҳам улар кетидан чолнинг булмасига йул олди.

Шато-Рено ва Морсер бир-бирларига яна таажжуб-ла қараб олишди.

ХVIII. ПРОТОКОЛ

Нуартъе қоп-қора либосга бурканиб, курсида мунтазир утирарди.

Чақирилган уч киши кирганда чол эшикка қаради, хизматкор шу заҳоти эшикни қулфлаб қўйди.

– Шуни унутмангки, – аста деди Вильфор севинчидан терисига сифмаётган қизи Валентинага, – мабодо бувангиз турмушга чиқишингизга халақит берадиган бирор гап айтмоқчи бўлса, унинг гапига қулоқ солишингизни ман қиламан.

Валентина қизариб кетди, аммо ҳеч нима демади.

Вильфор Нуартъе ёнига борди.

– Мана, жаноб Франц д’Эпине, – деди Вильфор отасига, – чақиртирган экансиз, ҳузурингизга ташриф буюрди. Биз бу учрашувни кўпдан орзиқиб кутардик, агар бу учрашув Валентинанинг эрга тегишига қаршилик кўрсатишингиз асоссиз эканлигини сизга исботлаб берса, мен ўзимни жуда бахтиёр ҳисоблар эдим.

Нуартъе бунга жавобан ўғлига ғазаб тула кўзларини уқдек қадади, Вильфорнинг юраги орқасига тортиб кетди.

Чол имо билан неварасини олдига чақириб олди. Валентина, буваси гапиришганда ҳамиша қўлланадиган усулни дарҳол ишга солдида, у «калит» деётганини англади.

Валентина яна бувасининг қарашларини кузатиб турди, чолнинг кўзлари деразалар ўртасида турган жавоннинг яшигига тикилиб қолди, Валентина яшикни очди, калит ўша ерда эди.

Валентина калитни олди, чол «топдинг, худди шу калитни олгин деётган эдим», деди имо-ишора билан. Сунг чол анчадан бери ташландиқ булиб қолган ва купинча кераксиз қоғозлар солиб қуйиладиган эски столга қаради.

– Ёзув столини очишим керакми? – суради Валентина.

– Ҳа, – деди чол имо билан.

– Яшиқларни-я?

– Ҳа.

– Ёнидагисиними?

– Йуқ.

– Уртадагиними?

– Ҳа.

Валентина ўртадаги яшиқни очди-да, бир боғлам қоғоз олди.

– Шулар керакми сизга? – деди қиз.

– Йуқ.

Валентина бирма-бир ҳамма қоғозларни олди, яшиқда ҳеч нима қолмади,

– Яшиқда ҳеч нарса қолмади-ку, – деди Валентина.

Нуартъе луғатга қаради.

– Тушундим, буважон, тушундим, – деди Валентина ва алфавитдаги ҳарфларни бошидан айтиб чиқди. «С» ҳарфида Нуартъе уни тўхтатди.

Валентина луғатни варақлай бошлади ва «сир» сўзида тўхтади.

– Бу сирли яшиқми? – суради у.

– Ҳа.

– Бу сирни ким билади?

Нуартъе хизматкор чиқиб кетган эшикка қаради.

– Барруа биладими? – деди Валентина.

– Ҳа, – деди Нуартъе.

– Уни чақирдиш керакми?

– Ҳа.

Валентина эшик олдига бориб, Барруани чақирди. Вильфорнинг тоқати тоқ булиб, тер босди, Франц эса турган жойида ҳанг-манг булиб қотиб қолди.

Кекса хизматкор кирди.

– Барруа, – деди Валентина, – бувам менга мана бу жавондан калитни олиб, столнинг мана бу тортмасини очиш-

ни буюрди. Яшик сирли экан, сиз буни биларсиз, яшикнинг ўша сирли жойини очинг.

Барруа чолга қаради.

– Ҳа, шундай қилинг, – деди чол кўзларини Барруага маънодор тикиб.

Барруа талабни итоаткорона бажо келтирди, яшикнинг сирли қутиси очилди, унда қора лента билан боғлаб қўйилган бир даста қоғоз бор эди.

– Жаноблари мана шу қоғозни сўраяптиларми? – деди Барруа.

– Ҳа, – деди Нуартъе имо билан.

– Бу қоғозларни кимга беришим керак? Жаноб Вильфоргами!

– Йўқ.

– Мадемуазель Валентинагами?

– Йўқ.

– Жаноб Франц д' Эпинегами?

– Ҳа.

Таажжубда қолган Франц яқинроқ келиб сўради:

– Менгами?

– Ҳа.

Франц қоғозларни Барруадан олди-да, жилдига қараб қўйидаги ёзувларни ўқиди:

«Мен ўлгач, ушбу қоғоз дастаси дўстим генерал Дюранга берилсин, у ҳам вақти келиб дунёдан ўтаётиб, ўз ўғлига, бу қоғозларни жуда муҳим ҳужжатлар қаторида сақлаб қўй, деб топшириб кетмоғи лозим».

– Жаноб, мен бу пакетни нима қилай? – сўради Франц.

– Афтидан, сиз уни очмай, шундайича сақлаб қўймоғингиз керак, – деди қироллик прокурори.

– Йўқ, йўқ, – деб имо қилди шошиб Нуартъенинг кўзлари.

– Эҳтимол, бу хатларни жаноб д' Эпиненинг ўқиб беришини истарсиз? – сўради Валентина.

– Ҳа, – деди чолнинг кўзлари.

– Кўрдингизми, барон, бувам сиздан бу хатларни ўқишингизни илтимос қиляпти, – деди Валентина.

– Ундай бўлса, ўтирайлик, – деди ўкинч билан Вильфор, – бу анча вақтни олади.

– Ўтиринглар, – деди кўзи билан имо қилиб чол. Вильфор ўтирди, Валентина бувасининг курсисига суяниб олди, Франц улар қаршисида тик тураверди. Сирли пакет унинг кўлида эди.

– Ўқинг, – деди чолнинг кўзлари.

Франц боғламни ечди, хонага чуқур сукунат чўкди, ҳаманинг қулоғи Францда.

«Бонапартчилар клубининг бир минг саккиз юз ўн бешинчи йилнинг бешинчи февралида Сен-Жак кўчасида бўлиб ўтган мажлиси протоколидан кўчирма»,

Франц тўхтаб қолди.

– Минг саккиз юз ўн бешинчи йилнинг бешинчи февралида! Менинг отам худди ана шу куни ўлдирилган эди!

Валентина билан Вильфор чурқ этмай туришарди, чолнинг кўзлари «давомини ўқинг», дерди.

– Ахир, менинг отам ўша клуб мажлисидан чиқиб оқиб бўлган эди-ку! – давом этди Франц.

Чолнинг кўзлари «ўқинг», деб имо қилди яна.

Франц ўқишни давом эттирди:

«Биз, қуйида имзо чекувчилар – артиллерия полковниги Луи-Жак Борелпэр, бригада генерали Этьен Дюшампи, ер-сув бошқармасининг директори Клод Лешарпаль шу нарсани маълум қиламизки, бир минг саккиз юз ўн бешинчи йилнинг тўртинчи февралида Эльба оролидан бир хат олиниб, унда бир минг саккиз юз тўртинчи йилдан бир минг саккиз юз ўн бешинчи йилгача император хизматида бўлган ва Людовик ўн саккиз томонидан д'Элинега барон унвони инъом қилинишига қарамай, Наполеон сулоласига содиқ генерал Флавиен де Кенель бонапартчилар клуби аъзоларининг эътибори ва ишончига пойиқ деб топилган эди.

Шу муносабат билан генерал де Кенелга эртаси, яъни бешинчи февралда бўладиган мажлисга таклифнома юборилди. Хатда мажлис бўладиган кўча, уй рақами кўрсатилмаган эди, унга имзо ҳам қўйилмаган эди, бироқ мабодо генерал келишга розилик берса, унинг олдига кечкурун соат тўққизда махсус кишилар юборилади, дейилганди.

Одатда мажлис кеч соат тўққиздан ярим кечагача давом этарди.

Соат тўққизда клуб президенти генерал олдида борди. Генерал йўлга тайёр эди. Президент, сизни фақат бир шарт билан клубга олиб бориш мумкин, деди генералга, мажлис қаерда ўтгани сизга умрбод номаълум бўлиб қолиши керак, шу сабабдан кўзингизни боғлаб қўйишга рухсат этсангиз ва уни очишга уринмайман, деб онт ичасиз, деди.

Генерал де Кенель бу шартни қабул қилди ва олиб бораётганларида ҳеч қаёққа қарамайман, деб онт ичди.

Генерал ўз извошини чақиртириб қўйган эди, бироқ президент унда бориши мумкин эмасди, чунки хўжайиннинг кўзи боғлангани билан, извошчисининг кўзи очиқ, қайси кўчадан бораётганини у жуда яхши билиб олади.

«Бўлмаса нима қиламиз?» – сўради генерал.

«Мен фойтунда келдим», – деди президент.

«Меним извошчимга ишонмаган сирни ўз извошчингизга ишонасизми?»

«Бизнинг извошчимиз – клуб аъзоси, – деди президент, – бизни клубнинг саркотиби олиб боради».

«Ундай бўлса, – деди кулиб генерал, – яна бошқа хавф туғилди, у бизни аравадан ағдариб кетиши мумкин».

– Бу ҳазилингизни сизни мажлисга зўрлаб олиб келганлари йўқ, балки ўз ихтиёрингиз билан келиб, иштирок этияпсиз деб ҳисоблаймиз.

Улар фойтунга ўтириши билан президент кўзларини боғлашга ваъда берганини генералнинг эсига солди, генерал расмият юзасидан қилинаётган бу ишга асло монелик кўрсатмади, бунинг учун фойтунда махсус мато тайёрлаб қўйилганди.

Йўлда президент генерал кўзига боғланган латта тагидан қарашга уринаётганини сизди-ю дарҳол унинг онтини эсига солиб қўйди.

«Тўғри, айтяпсиз», – деди генерал.

Фойтун Сен-Жак кўчасининг хиёбонларидан бирида тўхтади, генерал президентнинг қўлига суяниб фойтундан тушди, унинг унвонини генерал билмас ва клубнинг оддий бир аъзоси бўлса керак, деб уйларди. Улар хиёбондан ўтишди-да, иккинчи қаватга чиқиб, мажлис бўлаётган хонага киришди.

Мажлис аллақачон бошланган эди. Бу кеча янги аъзо билан танишиш маросими бўлади, деб огоҳлантирилган эди. Генерални залнинг ўртасига олиб боргач, кўзидаги латтани олиб ташлашни таклиф этишди. Генерал таклифни дарров бажо этди ва бу мажлисга жуда кўп танишлар тўпланганини кўриб ҳайрон қолди. Бунақа ташкилот мавжудлигидан у тамоман беҳабар эди.

Ундан дунёқарашлари ҳақида сўраб-суриштиришди, генерал эса, менинг маслагим Эльбадан келган хатдан маълум бўлса керак, деб қўя қолди...

Франц ўқишни тўхтатди.

– Отам роялист эди, – деди у, – ундан маслагини сўраб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди, бу ҳаммага аён.

– Отангиз билан менинг алоқам ҳам шундан бошланган эди, азизим барон, – деди Вильфор, – маслагинг тўғри келиб қолган киши билан иноқлашиб кетиш жуда осон.

– Қани, давомини ўқинг, – деди чолнинг ёниб турган кўзлари.

Франц ўқишни давом эттирди:

«Шундан сўнг президент сўз олиб, генералдан фикрини муфассалроқ баён қилишни талаб қилди, бунга жавобан генерал мендан қандай талабингиз борлигини билмоқчиман, деди.

Шунда генералга Эльба оролидан келган хатни ўқиб беришди, хатда генерални клубга ёрдам берадиган зотлардан бири сифатида тавсия этилган эди. Хатнинг кўпчилик қисмида Эльба оролидан марселлик кемачи Моррелга қарашли «Фараон» кемасида императорга сидқидилдан содиқ капитан орқали янада муфассалроқ хат олиб борилажаги айтилган эди.

Шу хат ўқиляётганда маслакдош деб ҳисобланган генерал, аксинча, очикдан-очиқ нафратланиб ўтирди.

Хатни ўқиб бўлганларидан кейин ҳам у фикр этмай қовоғидан қор ёғилиб тураверди.

«Хўш, генерал, бу хатга нима дейсиз?» – сўради президент.

«Яқиндагина, – деб жавоб қилди генерал, – қирол Людовик XVIII га қасамёд қилган эдик, собиқ императорнинг ёнини олиб шунчалик тез уни бузсак одобдан бўлмас».

Бу рўйирост айтилган жавобдан генералнинг қандай маслақда эканлиги равшан бўлиб қолган эди.

«Генерал, – деди президент, – биз учун қирол Людовик XVIII ҳам, собиқ император ҳам йўқ одам. Биз фақат бир улуг зотга – зўрлик ва сотқинлик туфайли бундан ўн ой илгари ўз давлати Франциядан ҳайдалган император-қиролга сажда қиламиз, ўшани тан оламиз».

«Жаноблар, – деди генерал, – қирол Людовик XVIII ни сиз эҳтимол тан олмасиз, аммо кечиринг, мен уни тан оламан, унга бўйин эгаман, чунки менга барон унвонини берган ҳам, фельдмаршал этиб тайинлаган ҳам Людовик XVIII бўлади, мен буни асло унутмайман, шу икки унвон туфайли унинг Францияга бахтиёрлик билан қайтиб келишига тарафдорман».

«Жаноб, – деди жиддий оҳангда президент ўрнидан туриб, – ўйлаб гапиринг, сўзингиздан кўриниб турибдики, Эльба оролидагилар сиз ҳақингизда хато қилишган ва бизни ҳам чалғитишган. Биз сизга ишониб бу гапларни айтгандик, афсус, хато қилибмиз, унвон ва юксак мансаб сизни биз ағдариб ташламоқчи бўлган ҳукуматнинг жонқуяр тарафдори қилиб қўйибди. Биз сизни ёрдам беришга мажбур этмаймиз, биз ҳеч кимни сафимизга ўз виждони ва иродасига қарши зўрлик билан тортмаймиз, аммо бу сизнинг ниятларингизга зид бўлган тақдирда ҳам, биз сизни олижаноб инсон ўташи керак бўлган ишни қилишга мажбур қиламиз.

«Бу фитнангизни била туриб, уни фош этмаслигимни олижаноблик деб биласизми? Мен буни тил бириктириш деб ҳисоблайман. Мана, кўрдингизми, мен кўнглимдаги гапни сизга қараганда очиқроқ айтяпман...»

– Шўрлик отам, – деди Франц ўқишни тўхтатиб, – сени нечун қатл этганлари мана энди маълум бўлди менга.

Валентина беихтиёр Францга қаради, йигитча фарзандлик меҳри-па товланарди.

Вильфор хонанинг у бошидан бу бошига бориб келарди.

Нуартье ҳозир бўлганларнинг чехрасида юз бераётган ўзгаришларни кузатар, ўзи эса мағрур қиёфада эди.

Франц ўқишни давом эттирди:

«Жаноб, – деди президент, – мажлисга сизни зўрлаб эмас, таклиф қилиб олиб келдилар, кўзингизни боғлашни таклиф этганларида, сиз хўп деб, кўзингизни боғлатдингиз, мана шу икки таклифга розилик берганингизда, биз Людовик XVIII нинг тахтини мустаҳкамламоқчи эмаслигимизни яхши билардингиз. Полициядан яширин иш тутаётганимизнинг боиси ҳам мана шунда! Ўзгаларнинг сирини билиб олишга имкон берадиган ниқоб кийиб, сўнгра бу ниқобни олиб ташлаш, сизга ишонган кишиларни ҳалок этиш, билсангиз, анойилик-ку. Йўқ, йўқ, сиз аввало, бизга очиғини айтинг, кимга тарафдорсиз: ҳозир ҳукмронлик қилаётган тасодифий қиролгами ёки олий ҳазрат императоргами?»

«Мен роялистман, – жавоб қилди генерал, – Людовик XVIII га қасамёд қилганман, шу қасамимга охиригача содиқ қоламан».

Бу сўзлар ҳаммада норозилик туғдирди, кўпчилик клуб аъзоларининг жаноб д' Эпинени жаҳл устида айтган сўзларидан қайтишга мажбур этиш ниятида экани сезилиб турарди.

Президент яна ўрнидан турди, ҳамма жим бўлди.

«Жаноб, – деди у генералга, – сиз билан биз тўқнашиб турган ҳозирги вазиятнинг оқибати нималарга олиб боришини сиз сингари жиддий ва фаҳм-фаросатли зотнинг англамаслиги мумкин эмас. Рўйирост айтган гапларингиз бизни олдингизга қуйидаги шартларни қўйишга мажбур этади: бу ерда эшитган гапларни ҳеч кимга, ҳеч қачон айтмайман, деб виждонингиз ҳаққи, қасам ичасиз».

Генерал қиличининг дастасини маҳкам тутиб, хитоб қилди:

«Виждон ҳақида гап борар экан, аввало уни оёқ ости қилманг ва гарданимга ҳеч нимани зўрма-зўраки қўяман, деб ўйламанг!»

«Э, жаноб, – деди президент босиқ, лекин генералникидан ҳам ғазабли оҳангда, – илтимос, қиличингизни қўйсангиз».

Генерал атрофда безовга бўлиб қолганларга назар ташлади. Лекин у таслим бўлишни истамас, аксинча, бутун куч-ғайратини, иродасини тўплаб қаршилиқ кўрсатмоқчи бўларди.

«Мен бунақа қасам ичмайман», – деди генерал.

«Ундай бўлса, – деди вазминлик билан президент, – ўлишингизга тўғри келади».

Жаноб д' Эпиненинг ранги ўчиб кетди, у атрофдагиларга яна бир назар ташлаб чиқди, клуб аъзоларидан баъзилари шивирлашиб, кийимлари тагидаги қуролларини ахтара бошлашди.

«Генерал, – деди президент, – хотиржам бўлинг, сиз виждонли кишилар орасидасиз, улар энг сўнгги чорани қўллашдан олдин, сизни ишонтириш ва кўндириш учун барча воқитларни қўллаб кўришади. Иккинчи томондан, ўзингиз айтганингиздек, сиз айна вақтда фитначилар орасидасиз, бутун сир-асроримиз сизнинг қўлингизда, уни бизга қайтариб беришингиз шарт».

Шу сўзлардан сўнг хонага оғир сукунат чўқди, генерал индамади.

«Эшикларни қулфланг», – деди президент.

Шу сўзлардан сўнг ҳам ҳалиги сукунат давом этди.

Шунда генерал олдинга қадам ташлади-да, ўзига зўр бериб деди:

«Ўғлим бор менинг, каллакесарлар орасида бўлсам-да, унинг тақдирини ўйлашга мажбурман».

«Генерал, – деди вазминлик билан мажлис раиси, – бир киши ҳуда-беҳудага ҳақорат қилиб, жазоланмаслиги мумкин. Бу ўша одамнинг енгилтаклиги аломати. У бекорга шундай қилади. Генерал, бизни ҳақорат қилманг, маслаҳатимга қулоқ солиб, қасам ичинг».

Мажлис раисининг салобати босиб, нафаси ичига тушиб кетган генерал бир зум саросималаниб турди-да, сўнг президент столи ёнига бориб сўради:

«Қасамнинг матни қандай бўлади?»

«Мана бундай:

«Бир минг саккиз юз ўн бешинчи йилнинг бешинчи февралда оқшом соат тўққиз билан ўнлар ўртасида кўрган ва эшитганларимни ҳеч қачон ҳеч кимга айтмайман, деб қасам ичаман, мабодо шу қасамимни бузсам ўлимга розиман».

Генералнинг бутун вужудини титроқ босди, бир неча сония чурқ этолмай туриб қолди, нафратини зўрға босди-да, талаб этилган қасамни зўрға эшитиладиган қилиб ўқиди,

клуб аъзоларидан баъзилари қасамнинг сўзларини донадона қилиб қаттиқроқ ўқишни талаб қилишди, генерал талабни бажарди.

«Энди мен борай, – деди генерал, – менга жавобми?»

Президент ўрнидан турди, мажлис қатнашчиларидан уни кузатиб қўйиш керак бўлган уч кишини ажратди, сўнг генералнинг кўзини боғлатди-да, у билан бирга извошга ўтирди. Кузатувчи уч кишидан бири боя извошни ҳайдаб келган киши эди.

Клубнинг бошқа аъзолари гап-сўзсиз тарқалишди.

«Сизни қаерга олиб бориб қўйишларини истайсиз?» – сўради президент.

«Хоҳлаган жойингизга, сиздан қутулсам бўлгани менга», – деди жавобан жаноб д'Эпине.

«Ҳой, жаноб, – деди президент, – эҳтиёт бўлинг! Мажлисдан ташқарига чиқдингиз, эндиликда уч-тўрт киши билан бирга боряпсиз, ҳамроҳларингизни ҳақорат қилманг, буларни ҳақоратга тегишли жавоб беришга мажбур этманг».

Д'Эпине бу гапга кўниш ўрнига, дағаллик билан деди:

«Ўз клубингизда қанчалик ботир бўлсангиз, извошингизда ҳам шунчалик ботирсиз-да, ахир тўрт киши бир кишини албатта енгади-да».

Президент извошни тўхтатинг, деб буюрди. Шу пайт улар Оرم дарёси қирғоғига олиб тушадиган зина олдига келишган эди.

«Нега бу ерда тўхтадингиз?» – сўради жаноб д'Эпине.

«Чунки сиз одамни ҳақорат қилдингиз, бу одам энди сиздан ўчини олмагунча бир қадам ҳам юрмайди».

«Бу ҳам ўлдиришнинг бир усули», – деди генерал елкасини қисиб.

«Оғзингизга қараб гапиринг, жаноб, – деди президент, – йўқса ўтакетган қўрқоқ одам деган номга қоласиз. Сиз бир ўзингиз, бир киши сиз билан олишади, шамширингиз ёнингизда, менинг шамширим бор, секундантингиз йўқ, мана бу жаноблардан бири сизга секундантлик қилади. Истасангиз, энди кўзингиздаги латтани ечиб ташлашингиз мумкин».

Генерал кўзидаги латтани дарҳол олиб ташлади.

«Мен билан пачакилашиб юрган зот ким эканлигини мана энди билдим», – деди у.

Извошнинг эшиклари очилди, туртовлари пастга тушишди...

Франц ўқишни тўхтатди, пешанасидаги совуқ терни артди, отасининг ўлими тўғрисида шу пайтгача маълум бўлмаган тафсилотларни бўзариб, титраб ўқиётган ўғилнинг аҳволи ниҳоятда аянчли эди.

Валентина худди Худога сиғинаётгандек қўлларини кўксига босиб турарди.

Нуартъе ғурур ва нафратга тўла кўзларини Вильфордан узмас эди.

Франц ўқишни давом эттирди:

«Бу воқеа, боя айтганимиздек, бешинчи февралда юз берган эди, қишнинг сўнгги кунлари, беш-олти даража совуқ, зина яхлаган, генерал семиз ва новча эди, президент зинадан дарё қирғоғига тушди, генерал эса зинанинг панжарали томонидан юрди.

Иккала секундант улар кетидан эргашди.

Зим-зиё тун. Зина билан дарё ораси қор ва шудрингдан билчиллаб кетган. Суви бўтана дарёда музлар оқиб ётарди.

Секундантлардан бири юк кемасидан фонус олиб келди-да, ёқиб, қуроолларни текширди.

Президентнинг қуроли ҳассага жойлаб юриладиган оддий шамшир бўлиб, рақибиникидан анча калта эди.

Генерал д'Эпине шамширларини чек ташлаб тақсимлашни таклиф этди, шунда президент, жангга мен чақирдим, ҳар ким ўз қуроли билан жанг қилади, деб уйлагандим, деди.

Секундантлар бунга рози бўлмагандан кейин, президент кўнишга мажбур бўлди.

Фонусни ерга қўйишди, рақиблар чироқнинг икки томонига ўтиб олишди. Жанг бошланди.

Фонус ёғдусида шамширлар чақмоқ сингари ёнарди, зим-зиё тунда одамлар аранг кўринарди.

Армияда генерал энг моҳир қиличбозлардан эди. Бироқ у жуда қаттиқ хужумга дуч келиб, чекинишга мажбур бўлди ва йиқилди.

Секундантлар уни ўлдига чиқардилар, бироқ рақибни қиличи тегмаганини сезиб, ўрнидан туришга ёрдам бериш учун унга қўлини узатди. Бу ҳол генерални дилхуш қилиш у ёқда турсин, аксинча, яна ғазаблантирди ва у қутуриб ҳужумга ўтди. Рақибни ҳам бўш келмай бир қадам ҳам чекинмади, ҳамма ҳужумларни даф этди. Генералнинг ўзи эса уч марта чекиниб, уч марта ҳужум қилишга уриниб кўрди. Учинчисида у яна йиқилди.

Ҳамма, у яна тойиб кетди, деб ўйлаган эди, бироқ ҳадеганда туравермагач, секундантлар олдига бориб, ўрнидан турғизиб қўймоқчи бўлишди, аммо уни қучоқлаб кўтариб олмоқчи бўлган секундантнинг қўли илиқ ва ҳўл нарсага тегди.

Бу – қон эди.

Генерал ҳушига келди-да, инграб деди:

«Ҳа, бундан чиқди, мени ўлдиргани бирорта полк қилич-бозлар муаллимини ёллаб юборишган экан-да».

Президент чурқ этмай, фонус тутиб турган секундантнинг олдига борди-да, енгини шимариб, икки еридан тешиб ўтган ярани кўрсатди. Сўнгра у камзулини ва нимчасини ечди-да, биқинини кўрсатди, президент шу еридан ҳам ярадор бўлган эди. Бироқ шунда ҳам президент ғиқ этмади.

Генерал д'Эпине жон талвасасига тушди-да, беш дақиқадан сўнг дунёдан ўтди».

Сўнгги сўзларни Франц товуши бўғилиб зўрға эшитилмадиган қилиб ўқиди, кейин у жимиб қолди ва худди тутунни тарқатмоқчи бўлгандай, қўли билан кўзларини елпиб қўйди.

Бир дақиқа жимликдан сўнг ўқишни давом эттирди:

«Президент шамширини ҳассаси ичига солди-да, зинадан юқорига кўтарилди, йўлида қон қор устига из солиб борарди. Зинанинг охириги поғонасига етар-етмас пастдан сувнинг шалоп этгани эшитилди; секундантлар генералнинг мурдасини дарёга улоқтиришган эди.

Шундай қилиб, генерал алданиб, тузоққа илнтирилиб эмас (шундай ўйлашлари ҳам мумкин), яккама-якка жангда ҳалок бўлди.

Мана шу даҳшатли воқеага қатнашганлардан бирортаси вақти келиб одам ўлдиришда ёки яккама-якка олишув

шартларини бузишда айбланиши мумкинлигидан қўрқиб, ҳақиқий ҳолни шу протоколга аниқ қилиб ёздик ва имзо чекиб тасдиқладик.

Имзо чекди: Борепэр, Дюшампи, Лешарпаль».

Фарзанд учун ғоят оғир бу хатни Франц ўқиб тугатганда, ҳаяжондан ранги ўчган Валентина кўз ёшларини артаётган, бурчакка тиқилиб титраб-қақшаб турган Вильфор эса босиб келаётган бўронни қайтаришга уриниб, ялиниб-ёлвораётган кўзларини бераҳм чолга тикиб турганди.

– Жаноб, – деди д’Эпине Нуартъега мурожаат қилиб, – бу даҳшатли воқеанинг барча тафсилотлари сизга аён экан, буни ҳурматли зотларнинг имзоси билан тасдиқлаб ҳам қўйган экансиз, энди менинг сиздан битта илтимосим бор: президентнинг номини айтиб берсангиз, ахир отамни ким ўлдирганини мен билишим керак.

Ўзини тамом йўқотиб, доводи раб қолган Вильфор тимирскиланиб эшик зулфини ахтара бошлади. Чолнинг қандай жавоб беришини дарҳол фаҳмлаган Валентина (бувасининг билагидаги шамшир теккан яранинг ўрнини у бир неча бор кўрганди) орқасига бир қадам ташлади.

– Мадемуазель, – деди Франц қайлиғига мурожаат қилиб, – Худо ҳаққи, ёрдам беринг, мени икки ёшимда сағир қолдирган одамнинг кимлигини билай!

Валентина сас-садо бермади, қимир этмай тураверди.

– Менга қаранг, – деди Вильфор, – менга ишонаверинг, келинг, бу гапларни бас қилайлик, номлари ҳам жўрттага махфий тутилган. Президент кимлигини отамнинг ўзи ҳам билмайди, билса-да, сизга айтиб беролмайди, чунки луғатда шахслар номи кўрсатилмаган.

– Қанчалар бадбахт эканман! – деди хитоб қилиб Франц, – хатни ўқиётганда менга далда бериб турган ва уни ўқиб тугатгунча куч бағишлаган биргина умидим – отамни ўлдирган киши кимлигини билиб олиш эди!.. Жаноб, жаноб! – деди ҳаяжон-ла Франц яна Нуартъега мурожаат қилиб, – Худо ҳаққи, қўлингиздан келганича ёрдам беринг менга... илтимос қиламан, айтиб беринг...

– Бўпти, – жавоб қилди Нуартъенинг кўзлари.

– Мадемуазель! – деди қичқириб Франц, – бувангиз ўша одамнинг номини айтиб бераман деяпти... сиз чолнинг имо-ишораларини тушунасиз... Ёрдам қилинг менга...

Нуартъе луғатга қаради.

Франц луғатни титраб турган қўлларига олди-да, алфавитнинг барча ҳарфларини бирма-бир айтиб «я» («я» – ўзбекча «мен», демоқчи) ҳарфида тўхтади. Бу ҳарф ўқилганда чол «шу» деб имо қилди.

– Я? – такрорлади Франц.

Валентина кўзларини бекитди. Франц яна ўша охириги ҳарфни айтди.

– Ҳа, ўша, – деб кўрсатди чол.

– Сиз? – деди баланд овозла Франц, сочлари тикка бўлиб.

– Сизми, жаноб Нуартъе? Отамни сиз ўлдирганмидингиз? Сиз-а?

– Ҳа, мен, – жавоб қилди Нуартъе бароннинг кўзларига фаҳрла тикилиб.

Франц ҳолдан тойиб курсига шилқ этиб йиқилди.

Вильфор эшикни очди-да, чолнинг хонасидан югуриб чиқиб кетди, чунки у шу пайтда фалажнинг ҳаёт шами лип-лип қилиб турган гавдасини эзиб ташлашни жуда-жуда хоҳлар эди.

ХІХ. УҒИЛ КАВАЛЬКАНТИНИНГ ОМАДИ

Шу орада Кавальканти ота ўз вазифасига қайтиш учун Париждан жўнади. У Австрия императори олий ҳазратлари кўшинига эмас, балки, Лукка минерал сувларидаги қиморбозлар кулбасига қайтди. У шу ернинг ашаддий мухлисларидан эди.

Ўз-ўзидан равшанки, Кавальканти ота сайёҳлик ва оталик ролини қотириб бажо келтиргани учун ҳадя қилинган мукофотнинг бир чақасини ҳам қолдирмай олиб кетди.

У жўнаб кетганидан сўнг Андреа чиндан ҳам маркиз Бартоломео ва маркиза Олива Корсариянинг уғли эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг ҳаммасини чўнтакка солди.

Шундай қилиб, у Париж жамоатчилигининг нуфузли зотлари қаторига маҳкам жойлашиб олди, бу жамоатчилик

эса хориждан келганларни ҳеч сўраб-суриштирамай, қучоқ очиб кутиб олаверарди.

Парижда ёш йигитдан нимани ҳам талаб қилишарди дейсиз? У бир оз гапдон бўлса, дурустроқ кийинса, дадиллик билан қимор ўйнаса, олтинни нақд тўлаб қўйса, бас.

Бунинг устига хорижий кишиларга парижликларга қараганда талабчанлик камроқ бўлади.

Икки ҳафта ўтар-ўтмас Андреа дурустгина мавқега эга бўлиб олди. Уни энди граф деб аташадиган бўлди, йиллик даромади эллик минг ливр деб ҳисоблашадиган, отаси Саравецца тош конларида беҳисоб бойликка эга эмиш дейдиган бўлишди.

Аллақандай бир олим олдида бу ҳақда гап очишган экан, у «ҳа, ўша тош конини кўрганман», дебди, бу ҳол ҳали тўла асосланмаган бояги фикрларни яна мустаҳкамляпти. Эндиликда бунга ишонч анча ошди.

Ўқувчиларимизни таништирган Париж жамоатчилиги даврасида гап шундай эди, ўша куни кечқурун Монте-Кристо жаноб Данглар хонадонига ташриф буюрди. Дангларнинг ўзи уйида йўқ эди, меҳмонларни баронессанинг ўзи қабул қилаётганди. Графдан, келганингизни баронессага хабар қилсак майлими, деб сўрашди, у майли деди.

Отейлдаги зиёфат ва унинг кетидан юз берган воқеалардан сўнг Данглар хоним Монте-Кристонинг номини эшитганда чўчиб тушадиган бўлиб қолган эди. Бу оҳангдор ном эшитилиши биланоқ графнинг ўзи пайдо бўлмаса, дилгирлик яна зўраярди. Граф кириб келиши билан аксинча, аҳвол ўзгарар, унинг очиқ чеҳраси, чақноқ кўзлари, Данглар хонимга нисбатан ортиқча хушмуомалада бўлиши хонимдаги ташвишдан асар ҳам қолдирмасди. Ташқи кўринишда шу қадар дилбар киши менга ёмон кўз билан қараши асло мумкин эмас, деб фараз қиларди баронесса, ҳар қандай бузуқ фикрдаги кимса ҳам бирор сабаб бўлмаса, бировга ёмонлик қилмайди, албатта. Бемақсад қилинган ёмонлик кишида нафрат кўзғатади, холос.

Монте-Кристо китобхон бир бор танишган аёллар бўлмасига кирди, бу пайтда баронесса безовта бўлиб қизи берган суратларни кўздан кечириб ўтирган эди, қизи эса бу суратларни ўғил Кавальканти билан бир сидра кўриб

чиққанди, Монте-Кристонинг пайдо бўлиши хонадаги мухитга одатдагича таъсир этди. Графнинг номини эшитганда юраги ўйнаб кетадиган баронесса уни табассум-ла кутиб олди.

Граф хонани бир зумда кўздан кечириб чиқди. Диванда ёнбошлаб ўтирган баронесса ёнида Эжени, унинг қарши-сида Кавальканти тик турарди.

Кавальканти, Гёте қаҳрамонларига ўхшаб, қора либосга ўраниб, оқ ипак пайпоқ, амиркон ботинка кийиб олган, оқ қотма қўллари малла сочларини силаб турарди. У Монте-Кристонинг гапига кирмай, жимжилоғига бриллиант кўзли узуклар тақиб олган эди. Унинг ҳирс-ла ёниб турган кўзлари мадемуазель Дангларда бўлиб, аҳён-аҳёнда ух тортиб кўярди.

Мадемуазель Данглар босиқ, кибр-ҳаво пайдо қилган, барно жононлардан эди. У Андреанинг қарашлари ва ух ураётганлигини сезиб турарди, аммо йигитнинг бу нолаю фиғонлари қизнинг тош бағрига урилиб, чил-чил бўлаётгандек туюларди.

Эжени графга совуққина салом бериб қўя қолди ва қизиб кетган суҳбатдан фойдаланиб, машғулот ўтказгани махсус ажратилган хонага чиқиб кетди. Бир оздан кейин ўша хонадан ёқимли овоз ва рояль товуши эшитила бошлади, Монте-Кристо, мадемуазель Данглар биз билан валақлашиб ўтиришдан кўра, ашула ўқитувчиси мадемуазель Луиза д' Армильи билан бирга бўлишни афзал кўриб чиқиб кетди шекилли, деб ўйлади.

Аммо, Монте-Кристо Данглар хоним билан қизгин суҳбатлашаётган Андреа Кавалькантининг безовта бўлиб қолганлигини дарров пайқади. Йигит тез-тез эшик олдига бориб, мусиқага қулоқ солар ва ичкари киришга ботинолмай, ўз завқини имо-ишоралар билан изҳор этарди.

Бир оздан кейин банкир ҳам қайтиб келди, у даставвал Монте-Кристога, сўнг Андреага қаради, хотини билан эса одатдагича совуққина саломлашиб қўя қолди.

Данглар Андреадан:

– Ойимқизлар ҳали сизни ўзлари билан бирга мусиқа тинглаб, ҳордиқ чиқаришга таклиф этишмадими? – деб сўради.

– Афсуски, йўқ, жаноб, – деди Андреа янада оғирроқ ух тортиб.

Данглар тезда эшик олдига борди-да, уни ланг очиб қўйди. Рояль олдидаги табуреткада икки қиз ўтирарди, иккаласи бир қўллаб рояль чаларди. Бу усулни ўзлари ўйлаб топишган бўлиб, бир қўллаб бўлса-да, роялни қойиллатиб чалишарди.

Эшикдан кўринган икки жонли суратнинг бири гўзал, жозибадор мадемуазель д' Армильи эди. У нозик, бежирим, олтин сочлари бўйнига осилиб тушган, хумор кўз жонон эди. Танишлари унинг ўпкаси заиф, бу қиз бир кунмас-бир кун «Кремон ғижжаги»даги Антониа каби ашула айтиб туриб, ўлиб қолади, дейишарди.

Монте-Кристо ойимқизга синовчан назар ташлади. Граф бу хонадондан таърифини кўп эшитган мадемуазель д' Армильини биринчи марта кўриб турарди.

– И-я, биз-чи? – сўради қизидан банкир, – биз ҳам кир-сак бўлмас эканми?

Данглар шундай деди-да, Андреани меҳмонхонага олиб кирди ва иттифоқо у эшикни Монте-Кристо билан баронесса ўтирган жойдан ичкаридагилар кўринмайдиган қилиб бекитди, барон Андреа ортидан кириб кетгани сабабли Данглар хоним бунга унчалик эътибор бермади.

Бир оздан сўнг граф ичкаридан Андреанинг мусиқа жўрлигида корсикаликларнинг аллақандай бир қўшиғини айтаётганлигини эшитди.

Граф қўшиқ оғушида Андреани унутиб, Бенедеттони эслаб турган пайтда Данглар хоним бугун эрталаб бир Милан фирмасининг синиши натижасида эри уч-тўрт юз минг франкдан ажралган бўлса-да, чурқ этмаганлигини, унинг юрагига қойил қолганлигини ҳаяжонланиб гапириб қолди.

Бунда баронга қойил қолса арзирди, агар граф бароннинг тағин зарар кўрганлигини баронессадан эшитмаганда ёки кўп нарсаларни билиб олишда ишлатиладиган усулини қўллаб, бу воқеадан хабардор бўлмаганида, у бароннинг юзидан ҳеч нарсани сезолмаган бўларди.

«Ажабо, – ўйлади граф, – бу одам бир ой муқаддам роса мақтаниб юрарди. Эндиликда кўрган зарарини яширишга мажбур бўлиб қолибди-да».

Граф овозини чиқариб:

– Бироқ, хоним, маълумки, жаноб Данглар биржада таниқли одам, у бошқа ерларда бой берган пуллари ҳиссасини чиқариб олади, – деди.

– Сиз ҳам бошқалар сингари нотўғри фикрда экансиз, – деди Данглар хоним.

– Масалан, қандай фикрда? – сўради Монте Кристо.

– Ҳамма, Данглар жаноблари биржа ўйинида қатнашади, деб ўйлайди, аслида, ундай эмас, у биржада қатнашмайди.

– Ҳа, айтганча, эсимга тушди, жаноб Дебрэ менга айтган эдики... Дарвоқе, жаноб Дебрэ кўринмай қолдилар? Мен уни уч-тўрт кундан буён кўрганим йўқ.

– Мен ҳам, – деди Данглар хоним кибр билан. – Илло, сиз бир гапни бошладингизу, уни тугатмай, бошқа ёққа буриб юбордингиз.

– Нима тўғрида гапираётгандим ?

– Дебрэ сизга айтган эдики...

– Ҳа, Дебрэ айтган эдики, сиз қимор деганда ўзингизни томдан ташлар экансиз.

– Ҳа, бир вақтлар шундай эдим, буни бўйнимга оламан, – деди Данглар хоним, – энди у одатим қолиб кетди.

– Бекор қилибсиз, хоним, биласизми, тақдир ўзгарувчан ва беқарор бўлади, олибсотарнинг иши эса омадга боғлиқ. Мен агар аёл, унинг устига, банкирнинг хотини бўлганимда, эримнинг бахту омадларига қанчалик ишонишимга қарамай, ўзимга алоҳида бойлик жамғарардим, ўз мулкимни нотаниш кишига топшириб қўйишдан ҳам тоймасдим.

Данглар хонимнинг аъзойи баданидан иссиқ чиқиб кетди. Монте-Кристо буни сезмаган бўлди-да, сўзини давом эттирди:

– Мана, кечаги бир воқеани олайлик. Кеча Неапол қоғоз пуллари билан қандай найранглар ишлатганларини эшитдингизми?

– Менда унақа пул йўқ ва бўлган ҳам эмас. Граф, қўйинг энди, қуриб кетсин биржаси, худди даллолларга ўхшаб кўп вайсаб юбордик. Келинг, шўрлик Вильфорлар ҳақида гаплашайлик, шу кунларда бу бечораларни тақдир қисти-бас тига оляпти.

– Уларга нима бўпти? – сўради Монте-Кристо ўзини ҳеч нарсадан беҳабардек кўрсатиб.

– Ўзингиз биласиз-ку, жаноб де Сен-Меран сафарнинг учинчи ёки тўртинчи куни қазо қилди, келганига уч-тўрт кун бўлмай маркиза ҳам оламдан ўтди.

– Ҳа, айтганча, эшитгандим, – деди Монте-Кристо. – Бироқ Клавдий Ҳамлетга айтганидек, бу табиат қонуни: оталари булардан олдин ўлган эдилар, булар оталари учун аза тутишганди, булар ҳам ўғилларидан бурун дунёдан ўтадилар, буларнинг ўғиллари ҳам аза тутади.

– Бироқ ҳали бу ҳолва-ку.

– Хўш, тагин нимаси бор?

– Улар қизини эрга бермоқчи бўлиб туришган эди, бундан хабарингиз бор.

– Тўғри, жаноб Франц д' Эпинегга... Наҳотки тўй бузилган бўлса?

– Айтишларига қараганда, кеча эрталаб Франц сўзидан қайтибди.

– Шундай денг?.. Нима учун?

– Бу маълум эмас.

– Ё, алҳазар! Бу фалокатларга жаноб де Вильфор қандай бардош бераётган экан-а!

– Сафсата сотиб юрибди-ку.

Шу пайт Данглар қайтиб кирди.

– Бу қанақаси, – деди баронесса, – қизингизни жаноб Кавальканти билан якка қолдириб чиқдингизми?

– Мадемуазель д' Армильи-чи, – деди барон, – сиз уни одам ўрнида кўрмайсизми?

Данглар Монте-Кристога ўгирилди:

– Князь Кавальканти жуда хушфезъл йигит эканми, граф?.. Бироқ чиндан ҳам князьмикин?

– Бунга мен кафил туролмайман, – деди Монте-Кристо. – Менга отасини маркиз деб таништирган эдилар, демак, у граф бўлса керак, чамамда, унинг ўзи ҳам князлик унвонини даъво қилмаса керак.

– Нега эиди? – деди банкир, – мабодо у чиндан ҳам князь бўлса, буни яшириб нима қилади? Ҳар кимнинг ўз ҳуқуқи ўзида. Ижтимоий келиб чиқишини яширган кишини ёқтирмайман.

– Жуда уста демократсиз-да, – деди илжайиб Монте-Кристо.

– Ҳой, менга қаранг, – деди баронесса, – шу пайт тўсатдан де Морсер келиб қолса-ю, унинг ўзини, яъни Эженининг қайлиғини шу маҳалгача қадам бостирмаган хонада жаноб Кавалькантини кўрса, жуда ноқулай аҳволга тушиб қолган бўлардингиз-да.

– «Тўсатдан» деб жуда тўғри айтдингиз, – деди банкир. – Очиғини айтганда, у йигит бу ерга жуда камдан-кам келади, айтганингиздек, бизникида фақат тўсатдан пайдо бўлиб қолади.

– Ҳар ҳолда у келиб, бу йигит қизингиз билан ўтирганини кўрса хафа бўлиши мумкин.

– Хафа бўлиши мумкин? У-я! Хато қиласиз! Жаноб виконт қаллиғини ҳечам рашк қилмайди, у Эженига жуда ошиғу шайдо ҳам эмас. Хафа бўлса бўлаверсин, менга нима?

– Ишқилиб, орамиздаги муносабатга раҳна солмасин, дейман-да.

– Ҳа, муносабатимизми, хўш, хоним, муносабатимиз қанақа эканини билмоқчиларми? Онаси берган зиёфатда у қизим билан фақат бир марта рақс тушди, жаноб Кавальканти эса уч марта тушди, де Морсер эса бир марта бўлса-да, қиё боқмади.

– Жаноб виконт Альбер де Морсер ташриф буюрдилар, – деб камердинер хабар қилди.

Баронесса ирғиб ўрнидан турди-да, кичик меҳмонхонага ўтиб, қизини хабардор қилиб қўймоқчи бўлган эди, Данглар уни қўлидан тутиб, тўхтатди.

– Қўйинг, – деди банкир.

Хоним ҳайрон бўлиб эрига қаради.

Монте-Кристо бу ҳолни сезмаган кишидек ўтираверди. Альбер кирди, унинг ниҳоятда чиройи очиқ ва хушвақт эди. Баронесса билан ўзини эркин тутиб, Данглар билан бетакаллуф, Монте-Кристо билан дўстона саломлашди-да, яна баронессага ўгирилиб:

– Сиздан бир нарсани сўрасам майлими? – деди, – мадемуазель Дангларнинг саломатликлари қалай?

– Жуда яхши, жаноб, – тез жавоб берди Данглар, – ҳозир кичик меҳмонхонасида жаноб Кавальканти билан мусиқа чаляпти.

Альбер пинагини бузмай, бепарво тураверди, эҳтимол у бир оз ўкингандир, шу пайтда унга Монте-Кристо тикилиб турганини сезиб турарди.

– Жаноб Кавалькантининг жуда ажойиб тенор овози бор, мадемуазель Эженининг овози эса жуда ёқимли – сопрано, бунинг устига у рояль чалишда Тальбергдан қолишмайди. Иккаласи бирга айтган кўшиқ ёқимли чиқади-да.

– Ҳар қалай, иккаласининг овози бир-бирига мос тушади, – деди Данглар.

Альбер бу сўзлар тагида бошқача маъно борлигини сезмади, Данглар хоним қизариб кетди.

– Мен ҳам созандаман, – деди Альбер, – ўқитувчиларим шундай дейишган, аммо қизиғи шундаки, ҳеч ким билан жўр бўлолмайман, айниқса сопрано билан.

«Ҳа, алам қиляптими, ажаб бўпти!» – дегандек нохуш илжайиб қўйди Данглар.

– Худди кечанинг ўзида, – деди Данглар ниятига етиш умидида, – князь билан қизимга ҳамманинг ҳаваси келди. Жаноблари кеча бизникида бўлмаганмидилар?

– Қайси князь? – сўради Альбер.

– Князь Кавальканти, – жавоб қилди Данглар бу унвон билан Андреани жуда осмонга кўтариб.

– Э, узр, – деди Альбер, – мен унинг князь эканлигини билмасдим. Кеча князь Кавальканти мадемуазель Эжени билан бирга кўшиқ айтдимиз? Бу жуда мароқли бўлгандир, аттанг, эшитмай қолибман-да, мен кеча келолмаганимнинг сабаби бор эди: ойимларни кекса баронесса Шато-Реноникига кузатиб боргандим, у ерда немисларнинг ашуласини тингладик.

Сўнгра у бир оз жим турди-да, ҳеч гап бўлмагандек, сўради:

– Мадемуазель Дангларга ўз ҳурматимни изҳор этсам майлими?

– Йўқ, сабр қилинг, ўтиниб сўрайман сиздан, – деди банкир Альберни тўхтатиб, – куйни эшитяпсизми, қандай ёқимли! Ҳозир тугайди... Ҳозир... Қойил! Қойил! – деди қарсак чалиб банкир.

– Ростданам жуда ажойиб, дилкушо куй, – деди Альбер, – ўз жонажон юрти куйини князь Кавалькантидан

яхши биладиган одам бўлмаса керак. Янглишмасам, сиз уни «князь» дедингиз-а, тўғрими? Мабодо князь бўлма-са уни албатта князь қилиб қўйишади, бунақа унвонни олиш Италияда жуда осон. Ҳа, келинг, хушовоз хонандаларни қадрлайлик. Бу ерда ёт киши борлигини билдирмай, иккисига яна бир қўшиқ айттириб, бизни хурсанд қилсангиз жуда мамнун бўлардик-да, жаноб Данглар. Умуман, мусиқани узоқда, сен бировни, сени эса биров кўрмайдиган хилватда туриб тинглаш мароқли бўлади, бунда созанда ҳам, хонанда ҳам ийманмай, эркин ижро этиб, истеъдодини барала намойиш қилаверади.

Бу гал Альбернинг совуққонлик билан гапираётганини кўриб Данглар ҳайрон бўлиб қолди. У Монте-Кристони четга тортди-да:

– Ҳўш, қалай, бизнинг ошиғу шайдо? – деди.

– Менимча, у жуда бепарво. Бироқ иложингиз қанча? Сўз бериб қўйгансиз-ку.

– Тўғри, ваъда берганман, бироқ қизимни яхши кўрмайдиган кишига эмас, жон-дили билан севадиган кишига бераман, деб ваъда берганман. Мана бу ошиғу беқарорга қаранг, ҳайкалдай ҳиссиз, совуқ, отаси каби такаббур, ҳеч бўлмаса Кавальканти каби мулқдор бўлганда ҳам бу қилиқларига майли, деб қўл берардик. Очиғини айтсам, қизимнинг фикрини сўраганим йўқ, қани унда дурустроқ дид бўлса экан...

– Билмадим, – деди Монте-Кристо, – аммо сизни ишонтириб айтаманки, виконт де Морсер жуда дилбар йигит, қизингиз унга тегса бахтиёр бўлади, келажаги порлоқ, ахир отасининг мавқеи жуда баланд.

– Ҳм! – деб қўйди Данглар.

– Шубҳаланяпсизми?

– Ўтмишини ўйлаяпман... Ўтмиши қоронғи.

– Бироқ отанинг ўтмиши ўғилга дахли йўқ.

– Йўқ, аксинча!

– Менга қаранг, бунақа гапларга ишонаверманг. Морсер жуда ажойиб куёв бўлади, қизимга жуда мос қайлиқ, деганингизга бир ой бўлгани йўқ... Сиз мениям ноқулай аҳволга соляпсиз, ахир бу ёш Кавальканти билан меникида та-

нишган эдингиз, яна такрор айтаманки, мен уни мутлақо танимайман.

– Аммо мен танийман, – деди Данглар, – мана шунинг ўзи кифоя.

– Сиз танийсизми? Таржимаи ҳолини сўраб-суриштириб олдингизми? – сўради Монте-Кристо.

– Сўраб-суриштириш зарур кептими? Бир кўришдаёқ бу кишининг қандай зот эканлиги яққол кўриниб турибди-ку. Аввало у давлатманд одам.

– Мен бунга ишонмайман.

– Бироқ сиз бунинг учун жавобгарсиз-ку?

– Унинг арзимаган эллик минг франк пули бор.

– У жуда билимдон.

– Ҳм! – деб қўйди Монте-Кристо.

– У созанда.

– Италиянларнинг ҳаммаси созанда бўлади.

– Биласизми, граф, сиз унга нисбатан адолатсизлик қиляпсиз.

– Тўғри, иқрорман, Морсерга сўз бериб қўйганингизни билиб, унинг ўртада ғов бўлиши жиғимга тегяпти, у ўзининг бойлигини пеш қиляпти.

Данглар кулиб юборди.

– Ўзингизни жуда сиполикка соласиз-да! – деди Данглар. – Ахир турмушда ҳамиша шунақа бўлади-ку.

– Бироқ, қадрли жаноб Данглар, сиз бундай аҳволга йўл қўйишингиз мумкин эмас, Морсерларнинг бутун умиди мана шу никоҳда-ку.

– Шундайми ҳали?

– Бўлмаса-чи.

– Ундай бўлса, қўйинг, ўзлари гаплашиб олишсин, азизим граф, буни отасига ётиғи билан сиз айтсангиз яхши бўларди, сизни улар кучоқ очиб кутиб олишади.

– Мени? Қачон кўрдингиз?

– Уларникида бўлган зиёфатда. Уша куни жуда талтайтиб, гердайтиб кетган испаниялик графиня Мерседес кўп йиллик қадрдон танишлари билан аранг салом-алик қилдида, сизни қўлтиқлаб боғнинг энг хилват жойига олиб кетди, ярим соатдан сўнг қайтди.

– Эҳ, барон, барон! – деди Альбер, – куйни, қўшиқни эшитишга халақит беряпсиз. Сиздай куй ишқибозидан бундай ваҳшийликни кутмаган эдик.

– Ҳечқиси йўқ, жаноби пичингчи, ҳечқиси йўқ, – деди Данглар, сўнг яна Монте-Кристога ўгирилди.

– Отасига айтишни гарданингизга оласизми?

– Модомики, истагингиз шу экан, бажо келтиришга тайёрман.

– Аммо бу гал ҳаммаси аниқ ва равшан бўлмоғи лозим. Даставвал у қизимдан турмушга чиқишга розилик олмоғи, сўнг муддатни белгиламоғи, пул масаласида ўз шартини айтмоғи лозим, хуллас, биз узил-кесил келишиб оламиз ёки бутунлай ажрашиб кетамиз, буни зинҳор пайсалга солишга йўл қўймайман.

– Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. У дарров музокара бошлайди.

– Мен буни жуда зориқиб кутяпман деётганим йўқ, лекин ҳар ҳолда кутяпман, биласизми, банкир ўз сўзининг устидан чиқмоғи лозим.

Ярим соат бурун ўғил Кавальканти қандай уҳ тортган бўлса, Данглар ҳам шу пайт шундай оғир уҳ тортиб қўйди.

– Қойил, қойил! – деди қичқириб Альбер банкирга тақлидан ашула тугаши билан қарсак чалиб.

Дангларга бирор нарсани секин хабар қилаётганларида у Альберга кўзини олайтириб қараб қўйди-да:

– Мен ҳозир келаман, – деди Монте-Кристога, – кутиб туринг мени, яна сизга айтадиган гапларим бўлар, – деб чиқиб кетди.

Баронесса эрининг йўқлигидан фойдаланиб, қизининг меҳмонхонаси эшигини очиб юборди. Рояль олдидаги курсида мадемуазель Эжени билан ёнма-ён ўтирган Андреа ўрнидан ирғиб турди.

Альбер мадемуазель Дангларга илжайиб салом берди, Эжени эса, сира уялмай-нетмай одатдагича совуққина қилиб алик олди.

Кавальканти ўнғайсиз ҳолга тушиб, Морсерга салом берган эди, у қўполлик билан алик олди.

Альбер мадемуазель Дангларнинг овозини кўқларга кўтариб мақтади, ҳаммани қойил қолдирган кечаги концертда бўлолмаганидан афсусланди.

Бир ўзи яккаланиб қолган Кавальканти Монте-Кристо-ни бир чеккага тортди.

– Қани, бас қилинг мусиқангизни, – деди Данглар хоним, – етар, мақтовингиз ҳам жуда ошиб кетди, юринг, чой ичамиз.

– Луиза, юр, – деди мадемуазель Данглар дугонасига.

Ҳамма чой тайёрлаб қўйилган қўшни хонага ўтди.

Меҳмонлар, инглизлар одатича, қошиқларни пиёлаларда қолдирган паҳзада эшик яна очилди-да, Данглар ҳаяжонланиб кирди. Банкирдаги бу ҳаяжонни биринчи бўлиб Монте-Кристо сизди ва банкирга саволнамо назар ташлади.

– Ҳозир Грециядан хат олдим, – деди Данглар.

– Шунинг учун чақиришган эканми сизни? – сўради граф.

– Ҳа.

– Қирол Оттон соғ-саломат эканми? – сўради шўх оҳангда Альбер.

Данглар индамай кўзларини олайтириб қараб қўйди, Монте-Кристо эса юзида бирдан пайдо бўлиб, шу заҳоти йўқолган ачиниш аломатини яшириш учун орқасига ўгирилиб олди.

– Бирга кетамиз, хўпми? – деди Альбер графга.

– Ихтиёр сизда, – жавоб қилди Монте-Кристо.

Банкирнинг нега хўмрайиб қараганини Альбер тушунолмай, Монте-Кристордан сўради:

– Унинг менга қандай қараганини сездингизми?

– Ҳа, – деди граф, – унинг қарашида бирор фавқулодда маъно бормиди?

– Бўлмасам-чи, Грециядан хат келганини нега бизга айтди?

– Мен қаёқдан билай?

– Сизнинг бу мамлакат билан, қисман бўлса-да, алоқангиз бўлса керак, деб ўйлайман.

Монте-Кристо жавоб беришни истамай, илжайиб қўя қолди.

– Қаранг, – деди Альбер, – тўғри сиз томонга келяпти, мен мадемуазель Данглар олдида бориб, уни мақтайман, шу орада падари бузрукворимиз сиз билан гаплашиб олади.

– Модомики мақтамоқчи булсангиз, унинг овозини мақтанг, – деди Монте-Кристо.

– Йўқ, овозини истаган киши мақтай олади.

– Азизим виконт, – деди Монте-Кристо, – сиз беадаблик қиялпсиз.

Альбер илжайди-да, Эжени томон юрди. Данглар ҳам граф олдига келиб, унинг қулоғига шивирлади:

– Сиз менга жуда яхши маслаҳат берган экансиз, – деди у, – «Ферман» ва «Янина» деган бу икки сўз замирида даҳшатли воқеалар бор экан.

– Шундайми! – деди Монте-Кристо.

– Ҳа, шундай, сизга ҳаммасини ўзим ҳикоя қилиб берман, бироқ мана бу ўспиринни бу ердан йўқотинг, у роса жиғимга тегяпти.

– Ўзим ҳам худди шундай қилмоқчи бўлиб турган эдим, ҳозир бирга чиқиб кетамиз. Отасини ҳузурингизга юборайми?

– Албатта.

– Бўпти.

Граф Альберга имо қилди.

Иккаласи хонимларга таъзим қилишди-да, чиқиб кетишди. Альбер мадмузель Эженининг гердаишини назар-писанд қилмади, Монте-Кристо эса, Данглар хонимга бояги насиҳатини яна қайтариб, банкирнинг хотини узоқни кўради ва ўз келажагини таъмин этиши позим, деди.

Жанг майдонида жаноб Кавалькантининг ўзи қолди.

XX. ГАЙДЕ

Графнинг извоши хиёбондаги муюлишдан бурилиши билан Альбер чунон қаҳ-қаҳ уриб кулдики, бунинг сунъий кулги эканлиги шундоққина билиниб турарди.

– Мана энди, – деди у графга, – қироль Карл тўққизинчи Варфоломей кечасидан сўнг Екатерина Медичидан: «Сизнингча, мен ўзимнинг кичиккина ролимни дуруст бажардимми?» деб сўраганидек, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчиман.

– Нимани? – сўради Монте-Кристо.

– Рақибимни жаноб Данглар хонадонига қандай жойлаштиришганини...

– Қайси рақибингиз?

– Қайси бўларди, сиз ҳомийлик қилаётган Андреа Кавалькантини-да!

– Виконт, қўйинг бу бемаъни ҳазилингни, мен Андреага ҳеч ҳомийлик қилаётганим йўқ, хусусан жаноб Дангларникида.

– Агар у ёш йигит ҳомийга муҳтож бўлганда эди, мен сиздан гина қилсам арзирди, бироқ хайриятки, у бунга муҳтож эмас экан.

– Наҳотки у қизнинг қўнглини олишга уриняпти деб ўйлайсиз?

– Бунга шубҳам йўқ: у кўзларини бақрайтириб олган, қўшиқни чинакам куйиб-ёниб айтяптики, асти қўя беринг, балки у ҳақда жуда ошириб гапираётгандирман, бироқ ҳар нима бўлмасин, у Эженининг васлига етишаман, деб орзу қиляпти.

– Фақат сизнинг ҳақингизда ўйласалар барибир эмасми?

– Азизим граф, ундай эмас, бўлмаса нега иккиси менга унчалик рўйхуш бермади?

– Нега иккиси деялсиз?

– Шунинг учунки, мадемуазель Эжени мен билан аранг сўрашди, дугонаси мадемуазель д' Армильи эса саломимга алик ҳам олмади.

– Илло, отаси сизни жуда яхши кўради, – деди Монте-Кристо.

– Отаси? Аксинча, у бағримга минг бор ханжар урди, тўғри, унинг ханжари саҳнада ишлатиладиган ханжарларга ўхшаб тиғи дастаси ичига кириб кетадиган хилидан, бироқ ўзи уни чинакам ханжар деб ўйлайди.

– Рашк – муҳаббат белгиси.

– Тўғри, бироқ мен рашк қилмайман.

– Сиз рашк қилмасангиз, у рашк қилади.

– Кимдан? Дебрэданми?

– Йўқ, сиздан.

– Мендан? Мана қараб туринг, эрта-индин у мени оstonасига қадам бостирмай қўяди.

– Хато қиласиз, азизим виконт.

- Хўш, хатомни нима билан исботлай оласиз?
- Сизга исбот керакми?
- Ҳа.
- Мен граф де Морсернинг барон ҳузурига узил-кесил жавоб билан келишини сўрашга вакил қилганман.
- Ким томонидан?
- Бароннинг ўзи томонидан.
- Бироқ, азизим граф, – деди Альбер графга секин, – сиз буни бажармайсиз-ку, тўғрими?
- Янглишасиз, Альбер, бажараман, ваъда берганман.
- Ана, холос, – деди ўксиниб Альбер, – сиз мени албатта уйлантирмоқчи экансиз-да.
- Мен ҳамма билан яхши муносабатда бўлмоқчиман. Ҳа, айтгандай, Дебрэ баронесса ҳузурида кўринмай қолди?
- Улар уришиб қолишибди.
- Баронесса билан-а?
- Йўқ, барон билан.
- Бирор нарсани сезибдимми у?
- Ҳали шуниси кам эди!
- У шубҳаланяпти деб ўйлайсизми? – сўради Монте-Кристо ўзини гўлликка солиб.
- Ана, холос! Ҳой, азизим граф, бошқа дунёдан келган-мисиз?
- Айтайлик, Конгодан.
- Бу унча узоқ эмас.
- Мен Париж эркакларининг одатларини қайдан билай?
- Э-э, азизим граф, эркаклар ҳамма ерда бир хил бўлади, зотан, сиз бирон-бир мамлакат кишиларининг хилма-хиллигини ўрганган бўлсангиз, унда ҳамма ерда ҳам уларнинг табиатини билмоғингиз керак.
- Хўш, Данглар билан, Дебрэ нега сан-манга бориб қолишибди? Улар бир-бири билан жуда иноқ эди-ку, – деди Монте-Кристо ўзини яна гўлликка солиб.
- Ҳамма гап шунда-да, Изиданинг сирлари мана шу ердан бошланади-да, мен эса бу сирлардан беҳабарман. Уғил Кавальканти улар оиласига аъзо бўлиб олгач, бу сирни ундан сураб билиб оласиз.
- Извош тўхтади.

– Мана етиб ҳам келдик, – деди Монте-Кристо, – соат энди ўн ярим бўпти, юринг, бизникига кирамиз.

– Жоним билан.

– Извошим сўнг сизни олиб бориб қўяди.

– Раҳмат, ўзимнинг извошим ҳам орқамиздан келаётгандир.

– Тўғри, ана келди, – деди Монте-Кристо извошдан тушаётиб.

Улар уйга киришди, меҳмонхонанинг чироқлари ёниқ эди, улар ўша хонага ўтишди.

– Батистен, бизга чой келтиринг, – фармон берди Монте-Кристо.

Батистен чурқ этмай чиқиб кетди-да, икки дақиқалардан сўнг сеҳрли эртақлардагидек ноз-неъмат тўла патнисни кутариб кирди.

– Биласизми, – деди Альбер, – мени қойил қилаётган нарса бойлигингиз эмас, эҳтимол сиздан ҳам бой одамлар бордир, ақл-заковатингиз ҳам эмас, Бомарше оқиллилик-да сиздан устун бўлмаса-да, ҳарҳолда тенгдир. Мен хизматкорларни ишлатишдаги маҳоратингизга қойил қоламан. Сиз имо қилсангиз, улар ўша заҳотиёқ хоҳишингизни билишадди-да, дилингиздагини муҳайё қилишади.

– Бу гапингизда жон бор. Менинг одатларимни улар яхши билиб олишган. Мана, ҳозир кўрасиз: чой вақтида нима истайсиз?

– Очигини айтсам, тамаки чекмоқчиман. Монте-Кристо кўнғироқ олдига бориб, бир марта қоқиб қўйди.

Бир дақиқа утар-ўтмас ён эшик очилиб, қўлида хушбўй тамаки тиқилган иккита узун трубка кўтарган Али кириб келди.

– Мана бу зап ажойиб бўлди-да.

– Асло ундай эмас, бу жуда осон, – деди Монте-Кристо. – Чой ёки қаҳвадан кейин папирос чекадиган одатим борлигини билади, чой сўраганимдан ҳам хабардор, сиз билан бирга келганимни билган, нега чақирганимни фаҳмлаган, унинг юртида трубка меҳмондўстликнинг биринчи ишораси, битта эмас, иккита трубка келтиришининг боиси ҳам мана шунда.

– Ҳаммасига изох бериш мумкин, фақат сиз бир нарса-ни... И-я, бу қанақа овоз? – деди Морсер ва эшикка ишора қилди, у ердан гитараникига ўхшаш мунгли овоз эшитилаётган эди.

– Азизим виконт, бугун сиз мусиқа эшитадиган кун экан: мадемуазель Дангларнинг роялидан эндигина қутулдим деб ўтирган эдингиз, бу ерга келиб Гайденинг ториға тутилдингиз.

– Гайде! Жуда чиройли исм! Наҳотки лорд Байрон достонларидаги Гайделардан бўлак ҳам Гайде бўлса?

– Албатта бор, Францияда бу ном жуда кам учрайди, аммо Албания ва Эпирада кўп, бу номнинг маъноси: иффатлилик, иболилик, маъсумлик. Сизларда болани чўқинтирганда шунга ўхшаш исмлар беришади.

– Жуда ажойиб исм! – деди Альбер. – Қани энди, француз аёлларига ҳам мадемуазель Бокира, мадемуазель Осойиштахон, мадемуазель Мехриой каби маънолардаги номлар берилса! Ўзингиз бундоғ ўйлаб кўринг: мабодо мадемуазель Дангларнинг номи Кдэр-Мари-Эжени эмас, мадемуазель Иффатой-Камтарина-Маъсума бўлганда, одамлар бу номни эшитиб жуда қойил қолган бўлишарди-да!

– Тентак! – деди граф. – Бундай нарсаларни секинроқ гапиринг. Гайде эшитиб қолади.

– Эшитса хафа бўладими?

– Йўқ, нега хафа бўларкан, – деди граф гурурли оҳангда.

– У хушфёълми? – сўради Альбер.

– Буни хушфёъллик эмас, бурч дейдилар, чунки асира чўрининг хўжайинидан хафа бўлишига ҳаққи йўқ.

– Мана энди ўзингиз ҳазил-мутойибага ўтдингиз! Ахир асиралар ҳалиям борми?

– Гайде шу топда менинг асирам экан, демак, асиралар бор.

– Очиғини айтганда, сизнинг қилиқларингиз бошқаларникига асло ўхшамайди, сиздаги одат ҳеч кимда йўқ! Граф Монте-Кристонинг асираси! Францияда бу катта гап. Бунинг устига сиз олтинни тупроқ каби совуряпсиз: сизга бу нарса йилига юз минг экю фойда келтирмоғи керак.

– Юз минг экю! Шўрлик қизнинг даромади бундан ҳам кўп эди. У шундай хазина ичида туғилди, «Минг бир кеча»-даги хазиналар унинг олдида ҳеч нарсага арзимайди.

- У чиндан ҳам князь қизими?
- Ҳа, мамлакатидаги энг машҳур князлардан бирининг қизи.
- Мен ҳам худди шундай деб ўйлагандим. Бироқ машҳур князь қизи нечук асира бўлиб қолди?..
- Золим Дионисий қандай қилиб мактаб ўқитувчиси бўлиб қолганди? Бу уруш қуръаси, азизим виконт, ҳа, тақдир ўйини бу.
- Қизнинг ўтмиши сирми?
- Ҳамма учун сир бўлса-да, сиз учун сир эмас, азизим виконт, чунки сиз менинг дўстимсиз. Бу сирни ҳеч кимга айтмайман, деб ваъда берсангиз бўлди, келишдикми?
- Сизга қатъий ваъда бераман!
- Янина пошоси воқеасини эшитганмисиз?
- Али-Тебелин воқеасиними?
- Ҳа, эшитганман, ахир отам унга хизмат қилган вақтларда бойлик орттирган-ку!
- Э, тўғри, мен унутибман бунни.
- Гайденинг Али-Тебелинга нима дахли бор?
- Дахлли жойи шуки, бу ўша пошонинг қизи.
- Ия, Али пошонинг қизими Гаюде?
- Али пошо билан нозанин Василиканинг қизи.
- Эндиликда сизнинг чўрингиз!
- Ҳа.
- Қандай қилиб чўри бўлиб қолди?
- Тасодифан. Кунлардан бир куни Константинополь бозоридан ўтиб кетаётганимда сотиб олдим.
- Мана бу чинақам мўъжиза бўпти! Сиз билан бирга бўлган кишининг армони йўқ. Беадаблик бўлса-да, сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, майлими?
- Марҳамат.
- Ҳамманинг кўз олдида у билан биргасиз, Операга олиб борасиз...
- Ҳўш, сўнгра?
- Бу ёғиниям сўрасам майлими?
- Мендан истаган нарсангизни сўрайверинг.
- Ундай бўлса, азизим граф, князь қизини менга кўрсатинг.
- Жоним билан. Фақат икки шарт билан.

– Шартларингизни бажонидил қабул қиламан.

– Биринчидан: у билан танишганингизни ҳеч кимга айтмай-
сиз.

– Жуда соз. (Альбер қўлини баланд кўтарди.) Онт ичаман!

– Иккинчидан: отангиз унинг отасига хизмат қилгани тўғрисида Гайдега оғиз очмайсиз.

– Бунга ҳам онт ичаман.

– Жуда соз. Онтингизни ҳамиша эсда тутасиз, хўпми?

– Албатта, албатта, граф, шубҳасиз! – деди Альбер хитоб қилиб.

– Жуда соз. Сўзингизда қаттиқ турадиган зотлардан эканингизни биламан.

Граф яна қўнғироқ чалди, Али кирди.

– Гайдега, граф қаҳва ичгани ҳузурингга кирарканлар, дегин, яна дўстларимдан бирини таништиришга олиб киргани изн сўраётганимни айт.

Али таъзим қилиб чиқиб кетди.

– Қани, келишиб олайлик: унга тўғридан-тўғри савол бермайсиз, азизим виконт. Бирор нарсани билишга қизиқиб қолсангиз, мендан сўрайсиз, мен эса ундан сўраб олиб, сўнг сизга айтаман.

– Келишдик.

Али кириб, пардани кўтарди, бу унинг, хўжайин ва Альбер кираверсинлар, дегани эди.

– Қани, марҳамат, – деди Монте-Кристо.

Альбер сочларини силаб, мўйловини бураб қўйди, граф эса шляпасини қўлига олди, қўлқопини кийди, сўнг иккови Гайде оромгоҳи томон йўл олди. Бу бўлмаларнинг олд томондагисини Али қўриқлар, ичкаридагиларини Мирто бошчилигида учта француз оқсочи муҳофаза қиларди.

Гайде уларни биринчи хонада ҳайрон бўлиб кутиб ўтирарди: ахир унинг ҳузурига шу топгача Монте-Кристандан бўлак эркак зоти кирмас эди, у бурчакдаги диванда гулдор шарқ шойи либосга ўралиб, икки оёғини орқасига қилиб ўтирарди. Олдида баравж соз ётарди. У ниҳоятда дилбар эди.

Гайде Монте-Кристонини кўриши билан гўзал маъшуқаларга хос табассум-ла ўрнидан кўзгалди, Монте-Кристо унинг

олдига бориб, қўлини узатди. Гайде, ҳар сафаргидек, графнинг қўлига лабларини аста теккизди.

Альбер, бу гўзалликдан лол бўлиб, турган жойида қотиб қолди. Бундай соҳибжамолни у биринчи марта кўриши эди, Францияда бундай нафосатни тасаввур ҳам қилолмасдилар.

– Ҳузуримга кимни олиб келдингиз, тўрам? – сўради юнон тилида қиз Монте-Кристандан, – укангизними, дўстними, анчайин танишингизними, ёхуд душманингизними?

– Дўстни, – жавоб қилди Монте-Кристо ҳам ўша тилда.

– Унинг исми шарифи нима?

– Граф Альбер. Мен Римда қароқчилар чангалидан қутқариб олган жаноб шу киши бўладилар.

– У киши билан мен қайси тилда гаплашишимни истайсиз?

Монте-Кристо ўгирилиб Альберга қаради.

– Ҳозирги замон юнон тилини биласизми? – сўради граф ундан.

– Азизим граф, ҳозиргиси у ёқда турсин, қадимги юнон тилини ҳам билмайман, – деди Альбер, – Гомер ва Платоннинг мен каби нўноқ, бепарво шогирди асло бўлмагандир.

Гайде Монте-Кристонинг саволи ва Альбернинг жавобини тушунди.

– Ундай бўлса, – деди қиз, – агар тўрам гапиришимни истасалар, француз ёки итальян тилида гапираман.

Монте-Кристо бир зум ўйланиб қолди.

– Итальян тилида гапирасан, – деди у ва Альберга мурожаат қилди.

– Минг афсус, юнон тилининг янгисини ҳам, эскисини ҳам билмас экансиз, Гайде бу тилни жуда мукамал билди. Бечора қиз сиз билан итальян тилида гаплашишга мажбур, шу боисдан сиз унинг ҳақида нотўғри фикрларга боришингиз мумкин.

У Гайдега ишора қилди.

– Хуш келибсиз тўрам ва ҳукмдорим билан келган дўст, – деди нафис тоскан шевасида, у бу сўзларни Данте тилини Гомерники сингари оҳангдор этган майин Рим талаффузида айтди. – Али, қаҳва ва трубка келтир!

Соҳибжамолнинг фармонини бажо келтириш учун Али чиқиб кетгач, Гайде имо билан Альберни яқинроқ келиш-

га таклиф этди. Монте-Кристо Альберга йиғма курсини кўрсатди, ўзи иккинчисини олди-да, хонтахта ёнига суриб ўтирди. Хонтахта устидаги трубка теварагида гуллар, суратлар ва муסיқа альбомлари ётарди.

Али қаҳва ва трубка олиб кирди, Батистенга бу бўлма-ларга кириш тақиқланган эди. Али тутган чилимни Альбер нари сурди.

– Олинг, тортинманг, – деди Монте-Кристо, – Гайде ҳам Париж аёллари каби маданиятга эришганлардан, сигаранинг ҳидини ёқтирмайди, шарқ тамакиси хушбўй, буни ўзингиз ҳам биласиз.

Али чиқиб кетди.

Қаҳва қадаҳларга аллақачон қуйилган, қанддон эса фақат Альбер учун қуйилган эди. Монте-Кристо билан Гайде қаҳвани арабчасига, яъни қандсиз ичишди. Гайде қўлини узатди-да, нозик бармоқлари билан япон чиннисидан ясалган қулоқли пиёлани олиб, фақат яхши кўрадиган овқатинигина ейдиган гўдакларга хос қувноқлик билан лабларига тутди.

Шу он икки оқсоч ликопчада музқаймоқ ва шарбат келтириб, махсус столчаларга қўйди.

– Азиз мезбоним ва сиз, синьора, – деди Альбер итальян тилида, – ҳайратда қолганим учун мени кечиринг. Мен тамоман довдираб қолдим, бунинг сабаби маълум; қаршимда ҳақиқий Шарқ жавлон уриб турибди, ҳақиқий Шарқ, ўша мен ҳеч вақт кўрмаган ва фақат орзу қилган Шарқ. Яна Парижнинг нақ ўзида-я! Шу пайт лимонфурушлар киракаш извошларида қўнғироқларини жаранглатиб ўтиб бораётганини эшитаётгандек бўляпман... Оҳ, синьора, юнон тилини билмаганимдан афсусланаман, ҳа, афсусланаман! Агар билганимда сиз билан шу ажойиб кошонада шавқ-завқларга тўлиб суҳбатлашардим ва бу суҳбат қалбимда умрбод эсдан чиқмайдиган таассурот қолдирарди.

– Мен итальян тилини яхши биламан ва сиз билан шу тилда бемалол гаплашавераман, – деди вазминлик билан Гайде. – Сизга Шарқ жуда ёқиб қолган экан, бўпти, мен ўзингизни худди Шарқда ҳис этадиган тарзда суҳбатлашаман.

Альбер секин графдан сўради:

– Мен нима ҳақда гаплашишим мумкин?

Нима истасангиз ўша ҳақда гаплашишингиз мумкин: унинг ватани ҳақида, ёшлик хотиралари ҳақида, мабодо лозим кўрсангиз, Рим ҳақида. Неапол ёки Флоренция ҳақида.

– Парижлик қизлар билан ҳам суҳбатлашса бўлаверадиган нарсалар тўғрисида гаплашиш учун юнон қизини ахтариб юришга ҳожат йўқ. Рухсат этсангиз, у билан Шарқ тўғрисида гаплашсам.

– Марҳамат қилинг, азизим Альбер, бу мавзуда гаплашиш Гайдени дилхуш этади.

Альбер Гайдега мурожаат қилди:

– Синьора, неча ёшингизда Грецияни ташлаб кетгансиз?

– Беш ёшда эдим ўшанда, – жавоб қилди Гайде.

– Ватанингизни ҳалиям эслайсизми?

– Кўзимни юсам, ўшанда кўрган нарсаларим хаёлимда гавдаланади; кишининг икки хил кўзи бўлади; тан кўзи ва дил кўзи, тан кўзи баъзан кўрганларини унутиб қўяди, дил кўзи эса кўрган-кечирганларини ҳамиша эсда тутлади.

– Эсингизни қай вақтдан буён танийсиз?

– Тетапоя қила бошлаган пайтимдан, онам Василики (Василики – париваш дегани) қўлимдан тутиб етакларди ва иккимиз чойшабга ўралдик-да, бисотимизда бор тилла тангаларни ҳамёнга солиб, маҳбуслар учун хайр-садақа тилай бошладик. Биз: «Ғарибларга хайр-эхсон қилиш савобдир», дердик учраган одамга. Ҳамён қаппайгач, саройга қайтиб келардик, отамга билдирмай, садақадан йиғилган пулларнинг барини монастырь игуменига¹⁵ юборар эдик, у эса маҳбусларга тақсимлаб берарди.

– Ўша вақт неча ёшда эдингиз?

– Уч ёшда, – деди Гайде.

– Ўша уч яшарлик вақтингиздан буён атрофингизда қандай воқеалар юз берганини эслай оласизми?

– Ҳа, ҳаммаси эсимда.

– Граф, – деди шивирлаб Альбер, – рухсат этинг, синьора ўз ҳаётидан бирор воқеани айтиб берсин. Отам тўғри-

¹⁵ Игумен – монастырь бошлиғи.

сида гап очишни таъқиқлаган эдингиз, бироқ эҳтимол унинг тўғрисида Гайденинг ўзи бирор нарса айтар, гўзал синьоранинг оғзидан отамнинг номини эшитиш мен учун гоят завқли бўларди-да.

Монте-Кристо Гайдега ўгирилди, бу гапимга алоҳида эътибор беринг, дегандек қошларини кўтариб, юнон тилида: «Отангнинг тақдири ҳақида гапиришинг мумкин, аммо сотқинликни ва сотқиннинг номини асло тилга ола кўрма!» деди

Гайде оғир хўрсинди, унинг юзига ҳасрат чўкди.

– Нима дедингиз унга? – сўради шивирлаб Морсер.

– Унга сиз менинг дўстим эканлигингизни яна уқтирдим ва ҳеч нарсани яширмай айтавер, дедим.

– Демак, – деди Альбер, – биринчи эсдалигингиз маҳбусларга садақа тўлаш экан, кейингиси-чи?

– Кейингиси қўл соҳилидаги чинор соясида ўтирганим ва зилоп сув жимираб оқиб тургани эсимда. Отам кекса ва сершоҳ дарахт тагига болиш қўйиб ёнбошлаган, онам эса унинг оёқ томонида ётарди, кичкина қизалоқ мен отамнинг кўксига осилиб тушган олпоқ соқолларини, камарига сиқилган олмос дастали ханжарини ўйнаб ўтирибман. Аҳён-аҳёнда унинг олдига албан келиб, бир неча сўз айтиб кетади, бунга мен ҳеч эътибор бермайман, отам эса: «Қатл этилсин» ёки «Гуноҳидан кечдим!» деб жавоб беради...

– Бунақа гапларни ёш қизнинг оғзидан эшитиш, бунинг устига миқ этмай эътироф этиш ғалати туюларкан, кишига, – деди Альбер. – Бу ажойиб ўтмиш ғаройиботлари мўъжизакор кунлардан сўнг Франция сизга ёқдимикин?

– Менимча, Франция жуда гўзал мамлакат, – деди Гайде, – аммо Францияни асл ҳолатида кўриб турибман, чунки унга эс-ҳушини таниган бир аёл кўзи билан қарайман ҳозир, ўз ватанимни эса гўдак кўзи билан кўрганман, шунинг учун у қувончга тўлганда нурларга чўмган жаннатга ўхшар, қайғуга ботганда эса дўзахга ўхшайди, назаримда.

– Синьора, – деди Альбер, – жуда ёшсиз-у бошингизга шунча қайғу қаердан туша қолди?

Гайде Монте-Кристога қаради, граф эса «айтавер», деб ишора қилди.

– Илк хотиралар ростданам киши қалбида чуқур из қолдираркан, сизга айтиб берган икки хотирамдан бошқаси ёшлигимнинг нуқул қайғули дамлари бўлган эди.

– Айтаверинг, синьора, айтаверинг! – деди Альбер. – Гапингизни эшитиш мен учун катта бахт.

Гайде маъюс кулиб кўйди.

– Бошқаларини айтиб беришимни истайсизми? – сўради қиз.

– Утиниб сўрайман сиздан.

– Ҳа, майли, бўлмаса айтиб бера қолай. Кунлардан бир куни, оқшом пайтида онам мени уйғотди. Шунда энди тўртга киргандим. Янинадаги саройда истиқомат қилардик. Онам мени ёстиқдан кўтариб олди, қарасам, унинг кўзлари жиққа ёш, у ҳеч нима демади-да, мени кўтариб йўлга тушди.

Унинг юзларидан шашқатор ёш оқаётганини кўриб, менинг ҳам ўпкам тўлиб кетди, аммо онам «овозингни чиқарма, болам», деди.

Кўпинча онам эркаласаям, давара қилсаям, инжиқ болалар сингари йиғлайверардим. Аммо бу гап шўрлик онамнинг овозидан жудаям ваҳимага тушиб қолганлиги сезилиб турарди, шу сабабдан дарров жимиб қолдим.

У мени кўтариб чаққон юриб кетди.

Уша пайтда кенг зинадан тушиб бораётганимизни кўрдим, олдимизда онамнинг оқсочлари югуриб боришарди, уларнинг қўлларида сандиқлар, халталар, зеб-зийнат, қимматбаҳо буюмлар, олтинга тўла ҳамёнлар бор эди.

Улар кетидан узун-узун милтиқ ва тўппончалар тақиб, махсус костюм кийиб олган (бундай костюмни Греция мустақилликка эришгандан кейин кия бошлаган эдилар) йигирмата шахсий соқчи борарди.

Уйқусираб, гангиб қолган қуллар ва оқсочларнинг қаторлашиб чопиши биронта даҳшатли воқеа содир бўлганидан дарак бериб турарди, – давом эттирди ҳикоясини Гайде, бош чайқаб ва хотираларидан рангги оқариб. – Зинада катта-катта кўланкалар пайдо бўларди-да, сўнг ловиллаб бораётган машғалалар орасида ғойиб бўларди.

«Тез бўлинг!» – деди қандайдир овоз. Буни эшитиб ҳамма, худди шамол эсганда эгиладиган бошоқлар сингари таъзим этди. Бу товушни эшитиб сесканиб кетдим.

Бу отамнинг товуши эди.

Унинг эғнида шоҳона кийимлар, сизнинг императорингиз тўхфа этган калта милтиқ қўлида, ҳаммадан кейинда борарди. Отам суюкли йигити Салимга суяниб олган, бўрилар тўдасидан қўрқиб, ўтакаси ёрилган қўйларини қувиб бораётган қўйчивонга ўхшарди шу пайтда.

– Менинг падари бузрукворим, – деди Гайде бошини баланд кўтариб. – Янинанинг пошоси улуг зот эди. Европада уни Али-Тебелин деб улуглашарди, унинг олдида Туркия ҳам титрарди.

Тасвир этиб бўлмайдиган мағрурлик билан айтилган бу сўзларни эшитиб, Альбернинг юраги орқасига тортиб кетди.

Даҳшатли ўлим ўша замоннинг Европаси олдида кўкларга кўтариб юборган зотнинг қонли сиймосини кўз олдида келтирганида қизнинг кўзларида чуқур ғам ва қўрқув акс этарди.

– Кўп ўтмай, – деди сўзини давом эттириб Гайде, – тўхтадик, бизлар зинанинг пастида, кўл соҳилида турар эдик. Онам оғир-оғир нафас олиб, мени бағрига босарди, унинг кетида турган отам ваҳимага тўла кўзлари билан атрофга алангларди.

Олдинда тўртта мармар зинапоя бўлиб, пастда қайиқ чайқалиб турарди. Нарироқда қоп-қора улкан бир нарса кўринарди. Бу биз бораётган қалъанинг кўланкаси эди. Менга у жуда йироқдай туюлди, эҳтимол, қоронғида шундай кўрингандир.

Биз қайиққа тушдик. Эшкаклар аста сувга туширилгани ҳамон ёдимда, мен уларни кўргани эгилиб қарадим, улар паликарларимизнинг белбоғи билан ўралганди. Қайиқда эшкакчилардан бўлак фақат хотин-қизлар, отам, онам, Салим ва мен бор эдик.

Паликарлар мабодо орқадан қувиб келиб қолишса, кўрмай қолмайлик деб қирғоқдаги пастки зинапояга бориб чўкка тушиб олишди.

Қайиғимиз ўқдай учиб борарди. Мен: «Қайиғимиз нега бундай тез сузаяпти» деб сўрадим онамдан. Онам: «Нафасингни чиқарма, қизим, биз қочиб кетяпмиз», деди.

Мен ҳеч нимага тушунмай, шундай зўр, ҳукмдор отам нега қочаяпти, деб ҳайрон бўлардим ўша топда, одатда ҳамма

ундан қочарди, унинг: «Улар мени ўлгудек ёмон кўришади, демак, мендан кўрқишади», деган шиори бор эди.

Мана, энди отамнинг ўзи кўрқиб қочяпти. Кейинроқ у менга Янина қалъаси гарнизони узоқ хизмат қилиб ҳолдан тойган эди, деди...

Шу ерга келганда Гайде Монте-Кристога маъноли назар ташлади, граф ундан асло кўзини узмасди. Гайде, худди гап тўқилаётган ёки ҳикоянинг баъзи муҳим жойларини ташлаб кетаётган киши сингари, оҳиста гапирди.

Синьора, – деди шоён диққат билан ҳикояни тинглаётган Альбер, – сиз Янина гарнизони узоқ хизмат қилиб ҳолдан тойган эди, дедингиз...

– Ҳа, ҳолдан тойган экан, шунда султон юборган сараскар Хуршид билан тил бириктириб, отамни тутмоқчи бўлган экан. Шундан сўнг отам ишончли француз офицерини султон ҳузурига юбориб, ўзи «қочоқхона» деб аталадиган кичкина кўрғонга яширинишга қарор қилган экан.

– Ўша офицернинг исми эсингиздами? – сўради Альбер.

Монте-Кристо Гайде билан тезда кўз уриштириб олди, Альбер буни сезмади.

– Йўқ, – деди қиз, – унинг исми ёдимда йўқ, мабодо эсимга тушса, айтарман.

Альбер отасининг номини энди айтмоқчи бўлиб турган эди, Монте-Кристо бармоғини кўтариб, огоҳлантирди, Альбер онтини эслади-да, жим қолди.

– Биз ўша «қочоқхона» томонга сузиб бордик... Кўрғоннинг пастки қавати жимжимадор нақшлар билан безатилган, сувнинг нақ устида айвон, иккинчи қавати деразалари кўлга қаратиб қурилган – биз яқинлашганда кичкина саройнинг манзараси шундай эканлигини кўрдик. Бироқ биринчи қаватнинг тагида орол тагига чўзилиб кетган улкан ғор бор экан. Онамни, мени ва оқсочларимизни ўша ерга олиб кириб қўйишди, ғорда олтмиш минг ҳамён ва икки юз бочка тахлаб уйиб қўйилган, ҳамёнларда йигирма, беш миллионлик олтин танга, бочкаларда эса ўттиз минг фунт ўқ-дори бор эди.

Бочкалар олдига дадамнинг арзандаси Салим туриб олди: у найза учигаги пиликни ёндириб, кечаю кундуз соқчилик қиларди. Отам имо қилиши билан бу ердаги нарсаларнинг

хаммасини – «қочоқхона»ни, шахсий соқчиларни, подшо-
ни, аёлларни, олтинни – ҳаммасини портлатиб юбориш
тўғрисида у буйруқ олган эди.

Буни билган чўриларимиз кечаю кундуз Худога нола
қилиб, тинмай қон йиғлаганлари ҳали-ҳали кўз ўнгимдан
кетгани йўқ. Уқ-дорилар олдида ғоз турган рангпар қора
кўз йигитнинг сиймоси ҳамон эсимда. Азроил келиб, гири-
бонимдан олганда, бу ўша Салим, деб ўйласам керак мен.

Шу зайлда қанча вақт ўтганини билмайман, у чоқда мен
вақт нималигини билмасдим, баъзида отам мени, онамни
саройнинг айвонига чақириб оларди. Мен учун бу энг қувон-
чли пайт ҳисобланарди: ғорнинг ичида фиғон ураётган
кўланкалар-у Салимнинг ярқираб турган найзасидан бошқа
ҳеч нима кўрмасдим. Отам катта тирқиш олдида ўтириб,
қайғули кўзларини узоқ уфққа тикиб олиб, кўлда пайдо
бўлган ҳар бир қора нуқтани кузатарди, онам унинг елка-
сига бошини қўйиб, ёнбошлар, мен оёғи остида ўйнаб ўти-
рардим, атрофдаги ҳамма нарса – уфқда қад кўтариб тур-
ган Пинд қоялари, кўм-кўк кўл тагидан кўтарилиб келаёт-
ган оппоқ, девқомат Янина қалъалари, узоқдан йўсинга
ўхшаб кўринаётган ясси кўкатлар, тоғ чўққилиридаги ям-
яшил гилам каби майсалар – булар ҳаммаси қалбимни шавқ-
завқларга тўлдирарди.

Бир кун эрталаб отам бизни чақириб қолди, у хотиржам,
осойишта кўринса-да, ранги бўзариб кетган эди.

«Василики, яна бир оз сабр қил, бугун ҳаммаси хотима
топади, бугун ҳукмдорнинг фармони келади, унда менинг
тақдирим ҳал бўлади. Агар фармонда мен буткул афв этил-
ган бўлсам, тантана билан Янинага қайтамиз, хунук хабар
келса, шу кечадаёқ қочамиз».

«Улар қочишга йўл қўйишмасачи?» – деди онам.

«Хотиржам бўл, – деди илжайиб Али. – Салим улар учун
менга ёниб турган найзалари билан жавоб беради. Улар
менинг ёлғиз ўзимни гўрга тикиб, ўзлари омон қолмоқчи».

Онам отамнинг чин кўнгилдан айтмаган бу сўзларини
эшитиб, оғир хўрсиниб қўйди.

Қочиб кетган вақтимиздан буён отамнинг иссиғи чиқиб,
алангайи оташ бўлиб ёнар, онам унга тинмай сувга муз со-
либ ичирар, оппоқ соқолига атир сепар, трубкасини ёнди-

риб берарди; баъзан у трубка тутунини бурқситиб, узоқ хаёлга чўмиб ўтирарди.

У бирдан тебраниб кетди, шунда мен жуда қўрқиб кетдим. Сув бетидаги нуқтадан кўзини узмай, дурбин келтиришни буюрди. Онам дурбин келтирди. Онамнинг юзи девор бўлиб қолганди шу пайт.

Отамнинг қўли титраётганини кўриб турардим.

– «Қайиқ!.. Икки!.. Уч!.. – шивирлади у, – тўрт!..»

Эсимда: у шу пайт ўрнидан турди-да, милтиқни олди, тўппончаларини ўқлади.

«Василики, – деди у онамга, энди унинг титраётгани аниқ-тиниқ кўриниб турарди, – тақдиримиз ҳал бўладиган дамлар келди, ярим соатдан сўнг улуғ ҳукмдорнинг жавобини эшитамиз. Гайдени олиб ёрга туш».

Онам бунга жавобан: «Йўқ, мен сизни ташлаб кетмайман, тўрам, мабодо ажалингиз етган бўлса, мен ҳам сиз билан бирга ўламан», деди.

«Салимнинг олдига боринглар!» – деди қичқириб отам.

«Алвидо, ҳукмдорим, алвидо!» – деди онам ўлимга маҳкум этилгандек таъзим этиб.

«Василикини олиб кетинг бу ердан», – деди отам паликарларга.

Шу дақиқада мени унутиб қўйишган эди, югуриб отам олдига бориб қўлимни узатдим, у мени кўриб эгилди-да, пешанамдан аста ўпди.

Ана ўша охирги бўсанинг тафти ҳамон манглайимдан кетгани йўқ!

Биз пастга тушиб бораётиб айвондаги ток шохлари орасидан қайиқларни кўрдик: улар тобора яқинлашиб келарди.

Панжара орқасига яшириниб отам олдида турган йигирма нафар паликар босиб келаётган қайиқларга қонли кўзларини ўқдай тикиб туришарди. Кўндоқлари садаф ва кумуш билан нақшланган узун-узун милтиқлари ўқланган, ерда сочилиб ётган ўқларнинг сон-саноғи йўқ. Отам бир ерда турсиниб, айвоннинг у бошидан бу бошига юриб, тез-тез соатига қараб қўярди.

Биз пастга тушиб кетдик. Отам билан охирги марта хайрлашиб кетгандан сўнг, эсимда қолганлари ана шулардан иборат.

Онам билан ғорга тушганда Салим ўша жойда тик турган эди. У бизга қайғули назар ташлади-да, илжайиб қўйди. Ғорнинг нариги бурчагидан болишлар олиб келиб, Салимнинг ёнига ўтириб олдик; зўр хавф-хатар туғилганда энг яқин кишининг пинжига кириб олишни истаб қоларкансан, мен ҳали гўдак бўлсам-да, бошимизга ғоят оғир кулфат тушаётганини фаҳмлаб турардим...

Альбер Янина вазирининг сўнгги дамлари қандай кечганлигини отасидан эмас (у бу ҳақда ҳеч оғиз очмасди), бошқалардан эшитган, унинг ўлими ҳақида кўп ҳикоялар ўқиган эди. Аммо бу воқеанинг тафсилоти ҳақида Гайденинг ҳикояси уни ларзага солди.

Гайде эса ўша даҳшатли манзаралар гирдобига фарқ бўлиб, бир зум жимиб қоларди, шабада эгиб қўйган гулғунчага ўхшаб бошини қуйи солиб, ўйга чўмар, ана шунда унинг хира кўзлари олдида кўм-кўк Панд, Янина кўлининг зумрад суви ва ҳозир ўзи тасвирлаб берган мудҳиш воқеалар жонланарди.

Монте-Кристо унга чексиз ҳамдардлик билан кўзларини тикиб турарди.

– Давом эттиринг ҳикоянгизни, – деди у грек тилида.

Гайде, Монте-Кристонинг овози уни худди уйқудан уйғотиб юборгандек, бошини кўтарди-да, ҳикоясини давом эттирди:

– Соат тўрт эди, ташқарида кун чарақлаб турар, аммо ғор зимистон эди, фақат бир кичкина ёруғ нуқта қоп-қоронғи осмон тўридаги митти юлдуз каби милтипларди: бу Салимнинг машъаласи эди.

Онам чўқинар (у христиан динида эди), Салим эса «Аллоҳу акбар!» дерди ҳадеб.

Онам ҳали батамом умидини узмаган. Зинадан тушиб келаётганда қайиқдагилар орасида Константинополга юборилган французни кўрибди, отам унга жуда ишонар экан, чунки у, француз султонининг ҳарбийлари одатда хушфёъл, олижаноб кишилар, дерди. Онам зинапояга яқинроқ бориб, кулоқ солди. «Улар яқинлашяпти, – деди, – оҳ, қани энди улар тинч-осойишта ҳаётдан дарак олиб келишса!»

«Василики, нега ваҳимага тушяпсан? – деди навозиш ва гурурлик билан Салим. – Агар улар тинч-осойишталик ҳақида

хабар олиб келишмаса, биз уларга ажал уруғини тухфа қиламиз».

У найзасидаги пиликни чимдиб, яхшироқ ёндириб олди, унинг бу ҳаракати қадимги Критнинг Дионисига ўхшаб кетарди.

Аммо бу жасорат мени, кичкина нодон қиз болани ваҳимага соларди, назаримда Салимнинг бу иши шафқатсизлик ва тентакликка ўхшарди, дорилар портлагач, олов ичида осмонга отилиб, даҳшатли ўлимга маҳкум бўлишдан жуда қўрқардим.

Онамни ҳам худди шундай ваҳима босиб, дағ-дағ титрарди.

– Э, Парвардигор! – дедим қичқириб мен, – онажон, биз ҳозир ўламизми? Ҳозир-а?

Менинг бу сўзларимни эшитиб, чўрилар овозларининг борича дод-фарёд уришди ва Худодан ёлвориб нажот тилашди.

«Қизалоғим, Худо асрасин сени, – деди менга онам. – Сени ваҳимага солаётган бу ўлим ҳамманинг бошида бор, фақат жувонмарг бўлма, ёшингни яша».

Сўнг онам товушини зўрға чиқариб, Салимдан сўради:

«Жаноблари сенга қандай фармон берган?»

«Султон уни афв этмаган бўлса, у менга ханжарини юборади, унда мен бу ердагиларнинг ҳаммасини портлатиб юбораман, агар Султон афв этган бўлса, узугини юборади, унда аслаҳа хонани топшириб чиқиб кетаман».

– «Ҳой, дўстим, – деди онам, – агар жаноблари ханжарини юборса, бизни бундай даҳшатли ўлимдан халос этгину, ўша ханжар билан бўғизлаб қўя қол».

«Бўпти, Василики», – деди вазминлик билан Салим.

Қўққисдан шовқин кўтарилди, қулоқ солдик, одамлар қувониб қийқиришаётган экан. Паликарларимиз Константинополга юборилган французнинг номини айтиб қичқиришаётган экан, демак, у улуг ҳукмдордан хушхабар келтирибди-да, деб ўйладик биз.

– Ўша французнинг номини эслаёлмайсизми? – деди Морсер.

Монте-Кристо унга имо қилиб қўйди.

– Йўқ, эсимга тушмаяпти, – жавоб қилди Гайде.

– Шовқин тобора кучая борди, яқинлашаётган оёқ товушлари эшитилди, кимдир ғорга тушиб кетди.

Салим машъалани тайёр қилиб, шайланиб турарди.

Кўп ўтмай ғор йўлагида аллақандай кўланка пайдо бўлди.

«Ким у? – қичқирди Салим. – Ким бўлсанг ҳам тўхта! Жойингдан қимирлама!» – деди.

«Султонга шон-шарафлар бўлсин! – деди жавобан кўланка. – Вазир Али бутунлай афв этилди: у ўлим жазосидан қутулибгина қолмай, бутун хазинаси ва моли мулкани қайтариб оладиган бўлди».

Онам қувониб қичқириб юборди ва мени бағрига босди.

«Тўхта! – деди Салим ғор эшиги томон югуриб кетаётган онамга. – Узук олишим кераклигини биласан-ку!»

«Ҳа, айтмоқчи, узук олишинг керак-а», – деди онам ва тиз чўкди-да, Худодан менга нажот тилаб, кўлларини кўтарди.

Гайде яна жимиб қолди, у оғир ҳаяжонга тушиб, томоғи қақраб, нафаси бўғилди, оқариб кетган пешанасидан тер қуйила бошлади.

Монте-Кристо стаканга муздек сув қуйиб, Гайдега узатди-да, мулойим, лекин буйруқнамо қилиб:

– Ўзингизни дадил тутинг, кўзичоғим! – деди.

Гайде кўзлари ва пешанасини артди-да, сўзида давом этди:

– Кўзимиз қоронғиликка ўрганиб қолган экан, кўланка шоҳнинг вакили, бизнинг дўстимиз эканлигини танидик.

Салим ҳам уни таниди, бироқ жасур йигит буйруққа бўйсуниб, постида ғоз турарди.

«Ким юборди сени бу ёққа?» – сўради у.

«Мени жаноб Али-Тебелин юбордилар».

«Сени Али юборган бўлса, ундан менга нима олиб келиб беришни биларсан?»

«Ҳа, биламан, сенга унинг узугини олиб келдим», – деди вакил ва кўлини боши устига кўтарди, у жуда узоқда турганидан, ғира-шира ёруғликдан Салим вакилнинг кўлидаги нарсани кўролмади.

«Кўлингидagini кўрмаяпман?» – деди Салим.

«Бери кела қол, – деди вакил, – ёки ўзим борайми?»

«Йўқ, бу гапинг кетмайди, – деди ёш жангчи, – менга кўрсатаётган нарсани турган ерингда чироқ нури тушади-ган жойга қўйгин-да, мен уни кўриб олгунча ўзинг нари бориб тур».

«Бўпти», – деди вакил ва Салим айтган жойга қўлидаги нарсани қўйиб, нари кетди.

Юракларимиз қинидан чиқиб кетай дерди. Биз у нарса чиндан ҳам узук деб ўйлаган эдик. Бироқ бу узук отамники-микан? Салим ёниб турган машъалани ташламай, унинг олдига борди-да, энгашиб ялтираб турган узукни қўлига олди.

«Жанобларининг узуги, – деди у узукни ўпиб, – иш деган мана бундоқ бўпти!»

Салим шундай деди-да, машъалани ерга эгиб, оёғи билан топтаб ўчирди.

Вакил қувониб қичқирди ва чапак чалиб юборди. Шу сигнал билан Хуршиднинг тўрт жангчиси югуриб кириб келди, улардан бири Салимнинг кўксига ханжар урди, Салим йиқилди. Сўнгра жинойтга фарқ бўлиб ҳовлиқиб қолган, бироқ башарасидан ҳамон ваҳима изи кетмаган аскарлар ғор томонга ўзларини уришди, яна бирор жойда ўт йўқмикин, деб тинтишди-да, олтин тўла ҳамёнларга жонжаҳдлари билан ёпишишди.

Шу орада онам мени қўлимдан ушлаб эпчиллик билан ўзимизгагина маълум бўлган яширин зинадан юқорига чопқиллаб кетди. Тепада тўс-тўполон авжида эди.

Заллар Хуршиднинг аскарлари билан тўлган эди.

Онам энди эшикни очмоқчи бўлган эди, шоҳнинг ғазабнок овози жаранглади.

Онам тахталар орасидаги тирқишга юзини қўйиб, ичкарига қаради, тасодифан тешикка тўғри келиб қолган эканман, мен ҳам қарадим.

«Нима керак сизга?» – деди отам зархат ёзилган қоғоз ушлаб турган одамларга.

«Сенга олий ҳазратнинг ҳукмини баён этмоқчимиз, – деди улардан бири. – Бу фармонни кўрдингми?»

«Ҳа, кўриб турибман», – деди отам.

«Ундай бўлса, ўқи буни, ҳазратлари каллангни олиб келишни буюрди».

Отам бунга жавобан ҳар қандай дўқ-пўписадан даҳшат-пироқ қилиб, қаҳ-қаҳ уриб юборди. Иккала тўппончасининг тепкисини босаётганда ҳам у кулишини қўймади. Икки ўқ узилди ва икки одам йиқилиб, тил тортмай ўлди.

Отам атрофида ётган паликарлар ирғиб туришди-да, ўт очишди, уйни тарс-турс овозлар, ўт-аланга ва тутун босиб кетди.

Нариги томон ҳам милтиқлардан ўт очди, бизнинг ёнимиздаги тахталарни ҳам ўқ тешиб ўта бошлади.

Шу пайт вазир Али-Тебелинни, менинг отамни кўрган киши қойил қоларди унга: унинг нақадар жасур эканлиги намоён бўлганди шу топда; у ажал уруғи ёғдириб турган ўқларни писанд қилмай, камалак нусха шамширни кўтариб, жавлон урарди. Душманлар бардош беролмай тум-тарақай бўлиб қочарди.

«Салим! Салим! – қичқирди у. – Ўт соқчиси, қани, адо эт бурчингни!»

«Салим дунёдан ўтди, – деди кимдир, гўё «қочоқхона»-нинг тагидан овоз чиқаётгандек, – сен эса, жаноб Али, ҳалок бўлдинг!»

Шу пайт бир неча ўқ узилди, отам оёғи остидаги полчилпарчин бўлиб кетди. Хуршиднинг аскарлари пол орасидан ўқ отишаётган эди. Уч-тўрт паликар пастдан ўқ еб йиқилди.

Отам бақириб, ўқ тешиб ўтган тирқишларга бармоқларини суқиб, поддан бир тахтани суғуриб олди. Аммо шу пайт ўша тешиқлардан бир йўла йигирма ўқ узилди-да, гўё вулқон оғзидан ловиллаб аланга чиқди-ю деворни ёндириб кул қилиб юборди.

Ўша даҳшатли шов-шувлар, ваҳимали бақирӣқ-чақирӣқлар орасида жуда қаттиқ қарсиллаган икки ўқ овози, икки даҳшатли қичқирӣқ менинг ўтакамни ёриб юборган эди. Отамнинг умрини хазон қилган ана шу икки ўқ эди, икки марта чинқирган ҳам отам эди.

Лекин у ҳамон деразага суяниб, тик турарди. Онам тез ичкарига кириб, отанг билан бирга ўлай, деб роса эшикни тортди, аммо эшик ичкаридан қулфлаб қўйилган экан, очилмади.

Отамнинг атрофида бир неча паликарлар ўлим талвасасида тиришиб ётарди, улардан ўқ емаган ёки енгилгина ярадор бўлган икки-учтаси деразадан сакраб чиқиб кетишди.

Полни тагидан зарб билан уриб тешишди. Отам бир оёғи билан чўкка тушиб қолди; зум ўтмай йигирма аскар қилич, тўппонча, ханжар ўқталиб отамга ёпишди, бир кишига йигирма киши ўқ отди, қилич санчди, ханжар урди: отам йигирма иблис ёндирган ўт-олов гирдобига фарқ бўлиб кетди.

Менинг оёқларим жонсиз, тик туришга мадорим йўқ, мени ер қаърига тортарди, онам эса аллақачон ҳушидан ажралиб ётарди.

Гайде қўлларини тиззасига қўйиб ингради-да, мендан мамнунмисиз, деётгандай графга қаради.

Граф ўрнидан туриб борди-да, қизнинг қўлини ушлаб, юнон тилида:

– Азизим, тўхта, бирпас дам ол, бардам бўл. Унутмагинки, сотқинларнинг жазосини берадиган Тангрим бор тепамизда, – деди.

– Қандай мудҳиш кечмиш экан бу, граф, – деди Альбер Гайденинг ранги пагадек оқариб кетганидан кайфи учиб, – кечиринг мени, сизни бунчалик руҳий азобга солиб, минг афсуски, беадаблик қилдим.

– Ҳечқиси йўқ, – деди жавобан Монте-Кристо ва қизнинг эгилиб қолган бошига қўлини қўйиб, – Гайде довюрак қиз, у бошидан кечирган бахтсизликларини, дард-аламларини ёрилиб ҳикоя қилиб беради-да, шу йўсин кўнглини бўшатиб олади, – деди.

– Бунинг сабаби шуки, мен бошимдан ўтган мудҳиш кулфатларни гапирганимда сиз қилган беҳисоб яхшиликлар, хайр-эҳсонлар эсимга тушади-да, қалбим таскин топади, – деди Гайде.

Альбер унга қизиқувчан назар ташлади. Гайде уни энг кўп қизиқтирган нарса ҳақида, яъни, қандай қилиб графнинг асираси бўлиб қолганлиги ҳақида ҳали ҳеч нима демаган эди.

Гайде графнинг ҳам, Альбернинг ҳам кўзидан иккисининг истаги бор эканлигини фаҳмлади-да, ҳикоясини давом эттирди:

– Онам ҳушига келганда, биз сараскар олдида турган эдик.

«Ўлдилинг мени, – деди онам. – Али бевасининг ор-номусига шафқат қилинг».

«Бу ҳақда менга гапирма», – деди Хуршид.

«Кимга гапирай бўлмаса?»

«Янги хўжайинингга».

«Ким у янги хўжайиним?»

«Ана у», – деди Хуршид, отамни ҳалок бўлишида ҳаммадан кўпроқ иш кўрсатган бир кишини кўрсатиб, – ҳикоясини давом эттирди Гайде ғазабга тўлган кўзларини чақчайтириб.

– Шундай қилиб, – деди Альбер, – сиз ўша кишининг хусусий мулки бўлиб қолдингизми?

– Йўқ, – деди Гайде, – у бизни ўз қўл остида қолдиришга журъат этолмай, Константинополга бораётган қулфурушларга сотди. Биз бутун Грецияни босиб ўтиб, чала ўлик ҳолда император саройи дарвозасига етиб келдик. Сарой олдида томошабинлар гавжум экан, улар бизга йўл беришди. Онам ҳамма кўз тиккан томонга қаради-да, бирдан чинқириб йиқилди, у қўли билан дарвоза тепасида найзанинг учига санчиб қўйилган каллани кўрсатарди.

Ана шу калла тагига қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Бу Янина пошоси Али-Тебелиннинг калласи».

Мен қон йиғлаб онамни турғизмоқчи бўлдим, аммо онам дунёдан ўтган экан!

Мени бозорга олиб боришди: бир бой армани мени сотиб олди. У менга муаллим ёллаб тарбиялади, ёшим ўн учга кирганда у мени султон Маҳмудга сотиб юборди.

– Мен эса, – деди Монте-Кристо, – ўшандан сотиб олдим Гайдени, ўша, сизга кўрсатган сингари, зумрадга.

– Оҳ, менинг ҳукмдорим, дунёда сиздай меҳрибон, сиздек улуг зот йўқ мен учун, – деди Гайде Монте-Кристонинг қўлларини ўпиб, – сизга тобе бўлганимдан бахтиёрман.

Бу гапларни эшитиб Альбер ҳанг-манг бўлиб қолган эди.

– Қани, энди қаҳвани ичинг, – деди унга граф, – ҳикоя тугади.

Бешинчи
Қисм



I. ЯНИНАДАН КЕЛГАН МАКТУБЛАР

Франц Нуартъе бўлмасидан оғир изтиробда гангиб чиқди, ҳатто Валентинанинг унга ичи ачиди.

Можаронинг бошидан охиригача бир неча мартагина минғирлаб қўйган, сўнг шошиб кабинетига чиқиб кетган Вильфор икки соатдан сўнг қўйидаги хатни олди:

«Бугун маълум бўлган воқеалардан сўнг жаноб Нуартъе де Вильфор ўз оиласи билан Франц д' Эпине оиласи ўрта-сида қардошлик алоқалари боғлашни хаёлига ҳам келтирмас энди. Жаноб де Вильфор бугун ошкор этилган воқеалардан бурун хабардор бўлса-да, уни огоҳлантириб қўймагани учун Франц д' Эпине жуда ғазабланди».

Шу маҳал оғир зарба натижасида мункайиб қолган қироллик прокурорини кўрган киши, у бу зарбани асло кутмаган экан, деб ўйлаши мумкин эди. Ростдан ҳам Вильфор, отам бу сирни бунчалик очиқ, тўғрироғи, бунчалик аёвсиз ошкор қилиб ташлаши мумкин, деб ҳеч ўйламаган эди. Тўғри, ўғлининг фикрлари билан жуда камдан-кам ҳисоблашадиган Нуартъе, бу воқеадан Вильфорни хабардор қилиб қўйишни лозим топмаган экан, Вильфор эса, генерал де Кенель, бошқача айтганда, барон д' Эпинени яккама-якка олишувда эмас, балки қотиллар ўлдирган деб юрган эди.

Уни ҳамиша ҳурмат қилиб юрган ёш йигитнинг бу дарғазаб хати димоғдор Вильфорнинг иззат-нафсига қаттиқ тегди.

У кабинетига кириши билан орқада хотини пайдо бўлди.

Жаноб Нуартъе ҳузурига чақиртиб олган Францнинг бирдан чиқиб кетиши ҳаммани ниҳоятда ҳайратга солганди, нотариус, гувоҳлар орасида ўтирган Вильфор хоним ўнғайсиз ҳолга тушиб қолди. Охири у ўрнидан шартта турди-да: «Нима бўлди экан, бориб билай», деб чиқиб кетди.

Вильфор хотинига, Нуартъе билан д' Эпине ўртасида бўлган ҳозирги сўзлардан сўнг Валентина ва Францнинг никоҳи бўлиши мумкин эмас, деб қўя қолди...

Кутиб ўтирганларга бундай деб айтиш мумкин эмас, шу сабабли Вильфор хоним меҳмонхонага қайтиб келди-да, Нуартъе жанобларини тутқаноқ тутиб қолибди, шартномага имзо чекишни кейинга қолдириш керак, деди.

Бу хабар, бутунлай ёлғон бўлса-да, аммо шу хонадонда юз берган бир-бирига ўхшаш икки ҳодисага ғалати бир қўшимча бўлиб тушган эдики, ҳозир бўлганлар бундан ҳайратда қолиб, бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди-да, чурқ этмай чиқиб кетишди.

Ҳам қувонч, ҳам ваҳима босган Валентина эса, энди қутулиш мумкин эмас деб ҳисоблаган занжирни бир зарба билан парчалаб ташлаган ожиз чолни меҳр билан ўпди-да, дам олишга рухсат сўради. Нуартъе имо билан жавоб берди.

Бироқ Валентина ўз хонасини қўйиб, бобосининг бўлмасидан йўлакка йўл олди ва эшикчадан боққа чопиб чиқди. Шунча воқеалар пайтида қизнинг қалбини пинҳоний ҳаяжон титратиб турган эди. У, ҳозир Моррель худди «Ламмермур қайлиғи»даги Ревенсвудга ўхшаб, ғазабнок кириб келади, деб ҳар дақиқа кутарди.

Валентина панжара олдига вақтида етиб келди. Франц қабристондан Вильфор билан бирга кетганини кўрган Максимилиан қандай воқеа юз беришини пайқаб, улар кетидан йўлга тушган эди. У Францнинг уйга кирганини, сўнг чиққанини ва яна Альбер ва Шато-Рено билан қайтиб келганини кўриб турган эди. Хуллас, унда ҳеч қандай шубҳа қолмаганди. Ана шундан кейин у поллизга югуриб бориб, ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам ташлашга тайёр бўлиб турди, Валентина жиндак имкон туғилиши билан югуриб чиқиб келишига у ишонган эди.

Нафсиламрига, у хато қилмаган экан: тирқишдан Валентина кўринди, қиз одатдаги эҳтиёткорликни унутиб қўйиб, тўғри дарвозага чопқиллаб келаётган эди; буни кўриб Максимилианнинг кўнгли жойига тушди. Валентина сўз бошлаши билан у қувониб сакрарди.

– Қутулдик! – деди хитоб қилиб Валентина.

– Қутулдик! – такрорлади Моррель бошига бахт қуши қўнганига ҳамон ишонмай. – Халоскоримиз ким?

– Бувам. Ундан умрбод миннатдор бўлинг, Моррель, умрбод!

Моррель чолга чин юракдан миннатдор бўлишга сўз бериб, онт ичди. Бундай онт ичиш унга қийин ҳам эмас эди, чунки шу топда Нуартъени дўст ва ота сифатида севибгина қолмай, бир авлиё деб билиб, унга сажда қилишга тайёр эди.

– Хўш, қандай содир бўлди бу ҳол? – сўради Моррель. – Нима қилди у?

Валентина ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб бермоқчи бўлди-ю, бироқ бу гапларнинг тагида даҳшатли бир сир борлиги ва бу фақат бувасигагина тааллуқли эмаслиги эсига тушди-да:

– Пайти келганда айтиб бераман, – деди.

– Қачон?

– Сизга турмушга чиққач.

Бу сўзлар учун Моррель ҳар қандай буйруқни «хўп» деб бажаришга тайёр эди, шунинг учун Валентинанинг жавобидан қаноат ҳосил қилиб қўя қолди ва ҳатто дарҳол кетишга ҳам рози бўлди, фақат эртага кечқурун дийдор кўришиш шарти билан Валентина хўп деб ваъда берди.

Валентинага дахлдор ҳамма нарса ўзгариб кетди, эндиликда, бундан бир соат муқаддам Францга турмушга чиқмайман дейишидан кўра, ҳозир Максимилианга албатта эрга чиқаман, дейиш осон бўлиб қолди қизга.

Шу чоқ Вильфор хоним Нуартъе хонасига чиқди.

Нуартъе уни ҳар галгидек қовоғидан қор ёғиб қабул қилди.

– Жаноб, – деди хоним, – воқеа ҳузурингизда юз бергани важдан Валентинанинг никоҳи бекор бўлганини сизга айтиб ўтиришимнинг асло ҳожати йўқ.

Нуартъе индамади.

– Бироқ сиз, – давом этди Вильфор хоним, – бу никоҳга мен ҳамма вақт қаршилиқ кўрсатиб келаётганимни билмайсиз, бу борадаги ишларнинг ҳаммаси менинг хоҳишимсиз уюштирилди.

Нуартъе, нима деяпти бу, дегандек, келинига қараб қўйди.

– Эндиликда сиз истамаган бу никоҳ бекор қилинган экан, мен ҳузурингизга бир илтимос билан келдим. (Буни сизга эрим ҳам, Валентина ҳам айтишга журъат этолмайдим.)

Нуартъе келинига саволомуз қаради.

– Мен, – деди Вильфор хоним, – неварангизга меҳрингизни берибгина қолмай (аслида сиз унга ўла-ўлгунча меҳрибон бўлиб қолгансиз), меросни бера қолинг, деб илтимос қилгани келдим. Сиздан буни илтимос қилишга фақат мен ҳақлиман, чунки бундан менга заррача наф йўқ.

Нуартъенинг кўзларида саросима аломатлари пайдо бўлди, афтидан, у бу илтимоснинг сабабларини ахтарар ва тополмай қийналарди.

– Жаноб, – деди де Вильфор хоним, – менинг бу истагим сизнинг истагингизга мос келади, деб ишонсам бўладими?

– Ҳа, – имо қилди Нуартъе.

– Демак, жаноб иккимизнинг фикримиз бир жойдан чиқди, – деди де Вильфор хоним, – мен сиздан миннатдорман, ниятимга етдим, ҳузурингиздан хурсанд чиқиб кетяпман.

Хоним шундай деди-да, чолга таъзим қилиб, хонадан чиқиб кетди.

Иккинчи куни Нуартъе нотариусни чақиртирди. Биринчи васиятнома бекор қилиниб, янгиси ёзилди, янги васиятномада чол бор дунёсини Валентинага қолдирди, фақат бир шарт билан: уни Валентинадан ажратиб қўймасликлари керак.

Маркиз ва маркиза Сен-Мераннинг меросхўри мадемуазель де Вильфор эндиликда бувасининг ҳам меҳр-шафқатига сазовор бўлиб, хайрли кунларнинг бирида уч юз минг ливр йиллик даромад эгаси бўлиб олажагини ҳисоб-китоб қилиб чиққан зотлар ҳам дарҳол топила қолди.

Шу орада граф Монте-Кристо граф де Морсер ҳузурида бўлган эди. Морсер эса, Дангларга тайёр эканини намойиш қилмоқ учун тантаналарда киядиган генерал-лейтенант формасини кийди-да, барча орденларини тақди, энг шинам извошини қўштирди-да, Шоссе д' Антен кўчаси томон

йўл олди. Данглар дарвозаси олдида тўхтаб, баронга хабар беришини буюрди. Банкир шу пайт ойлик балансини якунлаб ўтирган эди.

Сўнги кунларда Дангларнинг кайфи чоғ вақтини учратиш жуда қийин бўлиб қолган эди. Ҳозир ҳам унинг кўнгли ниҳоятда ғаш эди.

Кекса дўстини Данглар кибр-ҳаво билан кутиб олди.

Одатда димоғдор Морсер, аксинча, кайфини чоғ қилиб, очиқ кўнгилли бўлиб кўринишга уринарди. У таклифим қувонч билан қабул қилиниши шубҳасиз, деб ўйлади-да, устмонликни йиғиштириб, гапнинг пўскалласини айтиб қўя қолди:

– Барон, ҳузурингизга ўша эски масалада келдим, – деди у, – эски режаларимиз ҳақида кўпдан бери гапиришамизу, лекин ниҳоясига етказмаймиз.

Морсер бу сўзларни эшитгач, бароннинг чеҳраси очилиб кетар, деб ўйлаган эди, чунки унинг бу хафақонлигини ўзининг узоқ вақт жим юрганига йўйган эди; бироқ аксинча, Дангларнинг юзи илгаригидан баттарроқ тунд эди.

Морсер сўзини тугатолмай қолишининг боиси ҳам шунда эди.

– У қанақа режа экан, граф? – сўради барон ўзини гап нима устида бораётганини билмасликка олиб.

– Сиз, азиз барон, – деди граф, – ўтакетган расмиятчисиз-да. Мен бу маросимда ҳамма тартиб-қоидалар қойилмақом қилиб ўтказилишини унутибман. Бунинг учун узр. Ахир менинг биттаю битта ўғлим бор, аввало уни уйлантириш ниятидаман, бу борада тажрибам йўқ. Гуноҳ менда, кечиринг, – деди граф ва сохта илжайиб ўрнидан турди-да, икки букилиб таъзим қилиб деди:

– Барон, қизингиз мадемуазель Эжени Дангларни ўғлим виконт Альбер де Морсерга хотинликка сўраб келдим.

Данглар, бу таклифни мамнуният билан қабул қилиш ўрнига (Морсер шундай бўлади деб ўйлаган эди-да!) қовғини солиб, графни ўтиришга таклиф этди-да:

– Бу гапингизга жавоб беришдан олдин, уйлаб кўришим керак, – деди.

– Уйлаб кўришим керак эмиш! – деди таажжубланиб Морсер. – Шунча вақтдан буён уйлаб кўрмаганмидингиз?

Бу никоҳ ҳақида иккимиз биринчи марта гаплашиб олганимиздан буён орадан саккиз ой вақт ўтди-ку.

– Граф, шуни билиб қўйингки, ҳар куни янгидан-янги воқеалар юз беради, шароит ўзгаради, натижада кишилар илгариги ниятларини ўзгартиришга мажбур бўладилар.

– Бу билан нима демоқчисиз? – деди Морсер. – Барон, гапингизга тушунолмайд қолдим!

– Очигини айтсам, шу ўтган икки ҳафта ичида аҳвол ўзгариб, тамоман янги вазият пайдо бўлди...

– Ҳой, менга қаранг, – деди Морсер, – нега энди майнабозчилик қиляпсиз?

– Қанақа майнабозчилик?

– Келинг, очиқчасига гаплашайлик.

– Марҳамат.

– Граф Монте-Кристо билан учрашдингизми?

– Мен у билан тез-тез учрашиб тураман, – деди кибр билан Данглар, – иккимиз яқин оғайни бўлиб қолдик.

– Сўнгги учрашувларингиздан бирида сиз унга, Морсер никоҳ масаласида ҳардамхаёллиқ, қатъиятсизлик, мужмаллик қиляпти, деган экансизми?

– Худди шундай деганман.

– Мана энди кўриб турибсизки, мен паришонлик ҳам, мужмаллик ҳам қилаётганим йўқ, аксинча, ваъдага вафо қилишингизни илтимос қилиб, олдингизга ўзим келдим.

Данглар индамади.

– Ёки фикрингиздан қайтдингизми? – деди қўшимча қилиб Морсер, – ёки мени ялантириб, ерга урмоқчи бўлдингизми?

Данглар гапни шу маромда давом эттирса, ўзига гап тегиб қолишини фаҳмлади.

– Граф, – деди у, – сиполик қилаётганимдан ажабланишга ҳақлисиз: мен буни тушуниб турибман. Ишонинг, жуда хафаман, аммо жиддий бир ҳол мени шунга мажбур этяпти.

– Булар баҳона, – деди эътироз билдириб граф, – менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда, эҳтимол, шу гаплар билан қаноатланиб қўя қоларди, аммо граф де Морсер беҳосдан тўқнашиб қолган зотлардан эмас. У ваъда берган киши ҳузурига ташриф этиб, ваъдасини ёдига солганда, у

киши ваъдасига вафо қилишни истамас экан, Морсер лоақал бунинг сабабини сўрашга ҳақли.

Данглар кўрқоқ одам эди, аммо ҳозир кўрқоқлигини сездиришни истамасди. Морсер гапининг оҳанги унинг жиғига тегди.

– Сабаби бор, албатта, – деди у.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Сабаби бор, деяпман, аммо уни айтиш мумкин эмас.

– Ахир мен думи юлуқ гапларингизга қаноатланмайман, лекин биз билан оилавий муносабат боғлашни истамаётганлигингиз сезилиб турибди.

– Жаноб, ундай эмас, – жавоб қилди Данглар, – мен никоҳ тўғрисидаги масалани кейинга суряпман, холос.

– Ҳой, менга қаранг, мени шу бемаъни гапларингизга кўниб, кутиб ўтиради деб ўйлаяпсизми?

– Демак, кутишни хоҳламасангиз, у ҳолда режаларимиз амалга ошмади, деб қўя қоламиз.

Такаббур ва жаҳли тез граф шайтонга ҳай бериш учун лабларини қаттиқ тишлади; ҳозир бирор нарса деса ўзи кулги бўлиб қолишини фаҳмларди. У эшик томон юрди, бироқ шаштидан қайтиб, орқасига қайтди.

У ҳовуридан тушди. Чехрасида ғазаб ўрнига ташвиш аломати пайдо бўлди.

– Азизим Данглар, менга қаранг, – деди у, – биз сиз билан танишганимизга кўп йил бўлди, ахир бир-биримиз билан бир оз бўлса-да келишиб иш тутишимиз лозим. Илтимос қиламан, айтинг, нима гап ўтди, ахир мен билишим керак, ўғлимга муносабатингиз ўзгариб қолганлигига нима сабаб бўлди?

– Бунинг шахсан виконтга алоқаси йўқ, – деди сурбетлик билан Данглар Морсернинг бир оз бўшашганини кўриб, – бундан бошқа гапим йўқ сизга.

– Бўлмаса, кимга алоқаси бор? – сўради ранги ўчиб Морсер. Морсернинг юрагига ғулғула тушганини сезган Данглар унга одатдагидан кўра дадипроқ тикилди.

– Яхшиси, очиғини айтмаётганимга шукр қилаверинг, – деди.

Ғазабини зўрға босиб турган Морсернинг аъзойи бада-ни титраб кетди.

– Мен, – деди у энтикиб, – очигини айтишингизни талаб қиламан, бунга ҳаққим бор. Сиз, эҳтимол, де Морсер хонимдан бирор нарсада норози бўлгандирсиз? Ёки мени унча бой эмас деб ҳисоблайсизми? Ё бўлмаса қарашларим сизникига мос келмай қолгандир?..

– У ҳам эмас, бу ҳам эмас, – деди Данглар, – очигини айтсам, кечириб бўлмайдиган гуноҳ қилган бўламан, чунки, ўша ваъда берган пайтда ҳам мен шундай бўлишини билардим. Ҳадеб сўрайверманг, фойдаси йўқ. Ўзим ҳам юрагингизга ғулғула солиб қўйганимдан афсусланяпман. Келинг, бас қилайлик бу гапларни. Масалани шундайлигича қолдирайлик, яъни никоҳ масаласи ҳам тахи бузилмай тураверсин, сих ҳам куймасин, кабоб ҳам. Дарвоқе, шошилишга на ҳожат? Қизим эндигина ўн етти баҳорни кўрди, ўғлингиз йигирма бир ёшга тўлди. Сабр қилайлик. Бир оз вақт ўтсин, эҳтимол бугун аниқ бўлмай турган нарса, вақтсоати келиб ўз-ўзидан равшан бўлиб қолар, қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқади, бундай бўҳтонлар турмушда учраб туради.

– Бўҳтон? – хитоб қилди Морсер мурдадай оқариб. – Ҳали устимдан бўҳтон қилиб юришибдимми?

– Граф, яна қайтараман, сабабларини сўраманг.

– Таклифим рад бўлди, деб кетаверайми энди?

– Жаноб, бу менга ҳам жуда оғир. Ҳатто сизга қараганда менга оғирроқ, чунки, сиз билан қариндошлик шарафига муяссар бўламан деб умид қилгандим, мана энди никоҳ бўлмаслиги куёвга қараганда қизга кўпроқ иснод келтиради.

– Бўпти, жаноб, бас қилдик бу гапни, – деди Морсер ва қўлқопини асабий фикимлаб чиқиб кетди.

«Морсер, ваъдангиздан қайтишингизга мен сабабчи эмасманми, деб граф бирор марта сўрашга журъат этолмади-я», – деб қўйди Данглар ичида.

Кечқурун Данглар бир неча дўстлари билан узоқ маслаҳатлашди. Бутун вақтини меҳмонхонада аёллар даврасида ўтказган Кавальканти Данглар уйдан ҳаммадан сўнг чиқиб кетди.

Эртасига эрталаб Данглар ўрнидан турибоқ газеталарни сўради, газеталарни келтирганларида улар орасидан «Холис овоз» газетасини ажратиб олди.

Бу газетанинг муҳаррири Бошан эди.

Данглар шошиб бандеролни йиртиб, газетани ёзди, бош мақолага эътибор бермади-да, хроникада тўхтади ва «Янинадан келган мактублар» деб бошланган хабарни газаб-ла тиржайиб ўқиди-да, «Жуда соз, полковник Фернан тўғрисидаги мана шу кичкина хабар эндиликда граф де Морсерга бирор изоҳ беришдан мени халос этса керак», – деб қўйди ўзича.

Худди шу аснода, яъни эрталаб соат тўққизда Альбер де Морсер ҳамма тугмалари солиғлиқ қора либосга ўралиб, ҳаяжонда ранги бўзариб Елисей Майдонига ҳовлига келди.

– Графнинг чиқиб кетганига ярим соат бўлди, – деди дарвозабон.

– Батистенни ҳам олиб кетдимиз? – сўради Морсер.

– Йўқ, жаноб виконт.

– Батистенни чақиринг, унда гапим бор. Дарвозабон кириб, камердинерни чақириб чиқди.

– Азизим, – деди Альбер, – хиралик қилаётганим учун кечиринг мени, граф ростданам уйда йўқлигини ўзингиздан сўраб билмоқчиман.

– Тўғри, граф уйда йўқ, – жавоб қилди Батистен.

– Ҳатто мен учун ҳам йўқми?

– Граф сизни ҳамма вақт қулоч ёзиб кутиб олишини биламан, шундай экан, мен сизни бошқалар билан тенглаштирардим.

– Гапинг тўғри, мен муҳим масалада у билан гаплашиб олишим керак. У тезда қайтадимиз?

– Ҳа, тезда қайтса керак, соат ўнга нонуштани тайёрлаб қўйишни буюрган эди.

– Жуда соз, унгача Елисей Майдонини айланиб тураман, роса соат ўнда келаман, мабодо граф мендан олдинроқ келиб қолгудек бўлса, мени кутиб туришини илтимос қилганимни айт.

– Хўп бўлади, жаноб.

Альбер кира қилган икки ғилдиракли извошни графнинг дарвозаси олдида қолдирди-да, ўзи яёв кетди.

У Бебалар хиёбони олдидан ўтаётганда Госсен тири олдида турган извош графникига ўхшаб кўринди, яқин боғриб, извошчини таниди.

- Граф тирдами? – сўради Морсер ундан.
- Ҳа, тирда, жаноб, – жавоб берди извошчи. Чиндан ҳам тирга яқинлашганда Альбер ўқ овозини эшитганди.
- У тирга кирди. Йўлакдаги боғчада хизматчини учратди.
- Кечирасиз, жаноб виконт, – деди хизматчи, – бир оз сабр қилиб турсангиз дуруст бўлармикин?
- Нега энди, Филипп? – сўради Альбер, у тирнинг доимий мухлисларидан эди, шу важдан бу таклиф унга ғалати туюлди.
- Сабр қилинг деганимнинг боиси шуки, ҳозир машқ қилаётган кимса бутун тирни бир ўзи эгаллаб олган, бошқалар ҳузурида ҳеч отмайди.
- Филипп, сиз бор вақтда ҳам-а?
- Мен ташқарида турибман-ку.
- Тўппончаларни ким ўқлаяпти?
- Ўзининг қароли.
- Нубияликми?
- Ҳабаш.
- Демак, уша экан-да.
- Бу жанобни танийсизми?
- Мен уни опкетгани келдим, у менинг оғайним бўлади.
- Ундай бўлса бошқа гап. Мен ҳозир хабар қиламан унга.
- Филипп, қизиқаётган одамдек тирга кирди. Зум ўтмай остонада Монте-Кристо пайдо бўлди.
- Узр, азизим граф, халақит бердим, бунга хизматкорларингиз айбдор эмас, ўзим сурбетлик қилдим. Уйингизга боргандим, сайр қилиб кетдилар, соат ўнда нонуштага қайтадилар, дейишди. Мен ҳам соат ўнгача айланиб турай деб, бу ёққа чиқдим ва тасодифан извошингизни кўриб қолдим.
- Демак, сиз мен билан бирга нонушта қилгани келибсиз-да, офарин! Бундан жуда мамнунман.
- Раҳмат, бироқ ҳозир томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди, сўнгроқ номатлуброқ даврада овқатланармиз.
- Бу гапингизга тушунмадим? Бу нима деганингиз?
- Азизим граф, бугун мен дуэлга чиқаман.
- Сиз-а? Нега?
- Жанг қилмоқчиман.
- Тушундим, нима сабабдан? Жанг қилиш учун қўп баҳона топиш мумкин.

– Шаънимга тегишди.
– Бу жиддий гап.
– Ниҳоятда жиддий бўлганидан олдингизга бир илтимос билан келдим.

– Қанақа илтимос?

– Менга секундант бўлишингизни илтимос қиламан.

– Бу ҳазилакам иш эмас, хусусан бу ерда гапирадиган гап эмас, юринг бизникига. Али, сув келтир.

Граф енгини шимарди-да, тир мерганлари қўлини ювадиган кичиккина хонага ўтди.

– Киринг сиз ҳам, виконт, – деди секин шивирлаб Филипп, – қизиқ нарсаларни кўрасиз.

Морсер ичкари кирди. Мўлжал тахтасида нишон ўрнига ўйин қартаси ёпиштирилган эди. Морсер олисда дастадаги суратлардан ташқари туздан то ўнликкача қарталар ёпиштириб қўйилганлигини кўрди.

– Пикет ўйнабсиз-да?

– Йўқ, – деди граф, – қарта дастаси ясадим.

– Қарта дастаси?

– Ҳа. Мана қаранг, анавилари туз, наригилари иккилик, бироқ менинг ўқларим уларни учликка, бешликка, еттиликка, саккизликка, тўққизликка ва ўнликка айлантирди.

Альбер яқинроқ борди.

Ҳақиқатан ҳам тўғридан отилган ўқлар туз ва иккиликларни бошлаб босмахонада босиладиган холларнинг ўрнидан тешиб ўтганди. Альбер тахтага яқин бориб, эҳтиётсизлик қилиб граф нишонидан ажали етган учта ўлик қалдирғочни ердан олди.

– Ана холос! Буни қаранг-а! – хитоб қилди у.

– Азизим виконт, ажабланадиган ҳеч нарса йўқ бу ерда, – деди Монте-Кристо, Али узатган сочиққа қўлини артиб, – бўш вақтни бир амаллаб ўтказиш керак-ку. Қани кетдик.

Улар Монте-Кристонинг извошига ўтиришди, орадан бир оз ўтгач, 30-уй дарвозасига етиб келишди.

Монте-Кристо Морсерни кабинетига олиб кириб ўтқазди. Узи ҳам ўтирди.

– Мана энди бамайлихотир гаплашамиз, – деди граф. – Кўриб турибсиз, мен тамоман хотиржамман.

– Ким билан олишмоқчисиз?

– Бошан билан.

– Ўз дўстингиз билан-а?

– Ҳамиша дўстлар бир-бири билан олишади.

– Бунга бирор сабаб бўлмоғи зарур.

– Сабаб бор.

– У сизга нима қилди?

– Кеча кечқурун унинг газетасида... яхшиси ўзингиз ўқиб қўя қолинг.

Альбер газетани Монте-Кристога узатди, у олиб ўқиди:

– «Янинадан келган мактублар».

Ҳозиргача ҳеч кимга маълум бўлмаган, ҳеч ким томонидан ошкор қилинмаган қуйидаги воқеа маълум бўлди: шаҳарни муҳофаза қилиб турган қалъани туркларга вазир Али-Тобелин жуда ишониб юрган Фернан деган бир француз офицери сотқинлик қилиб очиб берган экан».

– Ҳа, нима бўпти? – сўради Монте-Кристо. – Бу хабарда шаънингизга доғ туширадиган ҳеч нарса йўқ-ку?.

– Нега бўлмас экан?

– Янина қалъаси Фернан номли сотқин офицер томонидан очиб берилган экан, бунинг сизга нима дахли бор?

– Жуда дахли борда, отамнинг, яъни граф де Морсернинг номи Фернан.

– Отангиз Али пошо хизматида бўлганмиди?

– Ҳа, у Грециянинг мустақиллиги учун жанг қилган эди, мана, бўҳтоннинг таги қаерда.

– Азизим виконт, менга қаранг, шошмай, ақлни жойига қўйиб гаплашайлик.

– Марҳамат.

– Менга шуни айтиб беринг: офицер Фернан ва граф де Морсер номидаги шахслар аслида бир одам эканлиги Францияда маълумми? Яна, адашмасам, бир минг саккиз юз йигирма иккинчи ёки бир минг саккиз юз йигирма учинчи йилда забт этилган Янина кимга керак бўлиб қолибди ҳозир?

– Ҳамма разолат мана шунда-да, шунча вақт индамай келиб, мана энди жанжал кўтариш ва юқори лавозимда ўтирган кишини бадном қилиш учун узоқ ўтмишдаги воқеани эсга олиб, дастак қилишяпти. Мен отамнинг меросхўриман, унинг шаънига жиндак доғ туширишларига йўл

қўймайман. Газетада шу хабарни босиб чиқарган Бошанга секундантларни юбораман, шунда у хабарга раддия беради.

– Бошан ҳеч нарсага раддия бермайди.

– У ҳолда олишамиз.

– Йўқ, олишмайсиз, у, грек армиясида Фернан номли юзлаб офицер бўлиши мумкин, деб жавоб қилиши мумкин.

– Барибир олишамиз. Мен бунга индамай кетолмайман... Отам жанговар солдат, доврўф қозонган зот...

– Йўқса, у бундай деб ёзади: «Хабардаги Фернан номлари Фернан деб аталмиш граф де Морсер билан ҳеч қандай алоқадор эмас, деб ҳисоблашга бизда далиллар бор».

– Мен тўла, ҳақиқий раддия берилишини талаб қиламан, бунақаси мени қаноатлантирмайди.

– Шундай талаб қўйиб, секундантларингизни юборасизми унга?

– Албатта.

– Бекор қиласиз.

– Хуллас, менинг илтимосимни қондирмоқчи эмассиз, шундайми?

– Дуэлга қандай муносабатда эканимни Римда сизга айтгандим, эсингизда бўлса керак?

– Бироқ бугун тирда мерганликни машқ қилаётган экансиз, устидан чиқиб қолдим, бу дуэль тўғрисидаги фикрингизга ҳеч тўғри келмайди-ку.

– Азиз дўстим, киши ўзини ҳеч маҳал мустасно тутмаслиги керак. Жиннилар орасида жиннидек яшашга ўрганмоқ лозим, мен билан жанжал чиқаришга биронта сабаб топадиган каллаварам ҳар қадамда учраши мумкин. Худди сиз билан Бошан ўртасида бўлганидек, у ҳам бўлмағур бир важ топиб, мени дуэлга чақириши ва секундантларини юбориши ёки оломон олдида сазойи қилиши мумкин.

– Демак, ўзингиз, мен ҳам дуэлга чиқишим мумкин, демоқчимисиз?

– Бўлмасам-чи!

– Шундай экан, нега менинг дуэлга чиқишимни истама-япсиз?

– Мен сизни олишманг деётганим йўқ, дуэль жиддий масала, фақат ўйлаб иш тутиш керак, демоқчиман.

– Бошан отамни ҳақорат қилишдан олдин дуэлни ўйлаганмикин?

– Мабодо шундай қилмаган бўлса ва бунга ўзи иқроф бўлса-да, сиз ундан хафа бўлмаслигингиз лозим.

– Азизим граф, сиз ўта мурувватлисиз-да!

– Сиз эса ўта ғазабкорсиз. Фараз қилайлик... эшитяпсизми, фараз қилайлик... менинг гапимдан хафа бўлманг тағин.

– Қулоғим сизда.

– Фараз қилайлик, ўша далил тўғридир.

– Отасининг ор-номусига доғ туширадиган «фараз»ларга ўғил йўл қўёлмайди.

– Бизнинг замонамизда бунақа нарсаларга йўл қўйишаверади.

– Давримизнинг иллоти бу.

– Сиз бу иллатга барҳам бериш ниятидамисиз?

– Фақат ўзимга алоқадор бўлса.

– Сизнинг бунчалик қайсар одам эканлигингизни билмас эканман!

– Шундай қилиб яратилганман.

– Яхши маслаҳатларга ҳеч қулоқ солмайсизми?

– Қулоқ соламан, фақат дўстнинг маслаҳатига.

– Сиз мени дўстим деб биласизми?

– Ҳа.

– Шундай бўлса, Бошанга секундантни юборишдан олдин, аниқлаб олинг.

– Кимдан аниқлаб оламан?

– Ҳеч бўлмаса Гайдедан.

– Бу воқеага аёл кишини аралаштиришнинг нима кераги бор? У нима дерди менга?

– Отасининг мағлубиятга учраши ва ўлдирилишида отангиз айбдор эмаслигини айтиши ёки отангиз ҳақида бошқа маълумот бериши мумкин.

– Азизим граф, даргумон гапларга мени ишотираман деб овора бўлманг, дедим-ку сизга.

– Демак, сиз бундай усулда масалани аниқлашни истамайсизми?

– Истамайман.

– Қатъиян?

- Қатъиян!
- Ундай бўлса яна бир охирги маслаҳатим бор.
- Майли, фақат охиргиси бўлсин.
- Ёки айтмай қўя қолайми? Эшитишни истамаяпсиз, шекилли?
- Аксинча, эшитмоқчиман, марҳамат қилинг.
- Бошанга секундантингизни юборманг.
- Нега энди?
- Ўзингиз боринг.
- Бу тартиб-қоидаларни бузиш бўлади-ку.
- Сизнинг ишингиз бошқаларникига ҳеч ўхшамайдиган иш.
- Нега энди шахсан ўзим боришим керак?
- Шундай қилсангиз, ҳамма гап иккингизнинг ўртангизда қолади.
- Гапингизга тушунмаяпман.
- Бу жуда равшан. Мабодо Бошан ўз сўзидан қайтишга рози бўлса, сиз унга ўз ихтиёри билан шундай қилиш имконини берасиз, у раддия беради. Борди-ю, у раддия бермаса, бу сирни икки ёт кишига ошқора қилиш қочмайди.
- Чет кишига эмас, дўстларга.
- Бугунги дўст эртага душман бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.
- Бўлмағур гапни қўйинг!
- Бошан-чи?
- Демак...
- Демак, эҳтиёт бўлинг.
- Сизнингча, Бошаннинг олдига ўзим боришим керакми?
- Ҳа, ўзингиз боринг.
- Бир ўзимми?
- Ҳа, якка ўзингиз. Кишининг ўз иззат-нафсидан воз кечишини истар экансиз, уни аччиқ ҳақоратлардан муҳофаза қилмоғи ҳам лозим.
- Балки, сиз ҳақдирсиз.
- Мана, энди ўзингизга келдингиз.
- Бир ўзим бораман.
- Боринг, лекин бутунлай бормасангиз яна яхши.
- Йложи йўқ.
- Ихтиёр ўзингизда, ҳар қалай, илгариги шаштингиздан қайтиб, бунисига ўтганингиз яхши бўлди.

– Бироқ, эҳтиёт чоралари натижа бермай, яккама-якка олишишга тўғри келса, сиз менга секундант бўласизми?

– Азизим виконт, – деди жиддий оҳангда Монте-Кристо, – ёрдам беришга ҳамиша тайёр эканимга сизни бир гал ишонтирган эдим, бироқ ҳозир сиз бажариб бўлмайдиган нарсани талаб қиляпсиз мендан.

– Нега?

– Вақти соати келиб, билиб оларсиз.

– Унгача нима қилай?

– Буни сир сақлашингизни илтимос қиламан.

– Бўпти. Секундант бўлишни Франц ва Шато-Рендан сўрайман.

– Жуда соз, иккаласидан сўранг.

– Мабодо олишиш муқаррар бўлиб қолса, менга қилич-бозлиқдан ёки мерганлиқдан сабоқ берасизми?

– Йўқ, бундай қилолмайман.

– Жуда ғалати одамсиз-да! Демак, ҳеч нарсага аралашмоқчи эмассиз?

– Ҳеч нарсага.

– Ундай бўлса, бу ҳақда гапни тамом қилдик. Хайр, граф.

– Хайр, виконт.

Альбер шляпасини олиб чиқиб кетди.

Уни дарвоза олдида икки филдиракли извош кутиб турганди, Альбер ғазабини мумкин қадар сездирмасликка уришиб, Бошан ҳузурига йўл олди. Бошан таҳририятда эди.

Бошан қоронғи, чанг-тўзонга тўла хонада ўтирарди, одадда таҳририят биноси ҳамиша шунақа чанг бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Альбер де Морсер келганини унга хабар қилишди. Бошан буни икки карра қайтаришга мажбур этди ва ҳамон ишонмай, қичқирди:

– Киринг!

Альбер кирди.

Бошан дўстини кўрди-ю, ҳанг-манг бўлиб, «Ў-ҳў» деб юборди.

Альбер кабинет полида ётган уюм-уюм қоғозлар, турли ҳажмдаги газеталарни босиб унинг олдига ўтиб борди.

– Бу ёққа, азизим, бу ёққа! – деди Бошан кўлини Альберга узатиб, – қайси шамол учирди сизни? Адашиб кирдин-

гизми ёки нонуштани мен билан баҳам кўришни истаб қолдингизми? Қани, стуллардан бирини олиб ўтиринг, ҳу анави ёронгул ёнидагини ола қолинг, бу гул менга газеталардан бўлак ҳам варақ бор эканлигини эслатади.

– Мен ҳам худди ана шу газетангиз масаласида келдим, – деди Альбер.

– Сиз-а! Бирор гап борми?

– Раддия берилишини талаб қиламан.

– Раддия? Нимага! Э, ўтирсангиз-чи!

– Раҳмат, – деди иккинчи марта иримига таъзим қилиб Альбер.

– Аниқроқ гапиринг?

– Газетангизда бизнинг оиламизнинг ор-номусини поймол қиладиган бир хабар босилиб чиқди, ўшани рад этишингизни талаб қиламан.

– Йўғ-э! – деди Бошан таажжубланиб. – Қанақа хабар экан у? Бунақа бўлиши мумкин эмас.

– Янинадан олган хабар.

– Янинадан?

– Ҳа

– Нима ҳақда гапираётганимни наҳотки тушунмаётган бўлсангиз?

– Худо урсин... хабарим йўқ. Батист, кечаги газетани беринг, – деди Бошан.

– Кераги йўқ, менда бор.

Бошан ўқиди:

– «Янинадан келган мактублар» ва ҳоказо...

Бошан хабарни ўқиб бўлиши билан Морсер:

– Иш жиддий эканини энди тушунгандирсиз? – деди.

– Бу офицер сизнинг қариндошингизми? – сўради журналист.

– Ҳа, – деди Альбер бўзариб.

– Мендан қанақа ёрдам керак? – сўради Бошан.

– Мен, Бошан, сиздан газетангизда раддия беришингизни истаيمان.

Бошан Альберга дўстона узоқ тикилди.

– Қани, ўтиринг-чи, – деди у, – раддия жуда жиддий масала. Дурустроқ гаплашиб олайлик. Мен яна бир ўқиб чиқай.

Альбер ўтирди. Бошан хабарни яна диққат билан ўқиб чиқди.

– Кўриб турибсизки, – деди Альбер қатъиян, ҳатто дағаллик билан, – газетангизда оилам аъзосини ҳақорат қилишган, мен раддия беришни талаб қиламан.

– Сиз талаб қиласизми?

– Ҳа, талаб қиламан.

– Азизим виконт, очигини айтсам, сиз нўноқ дипломат экансиз.

– Ҳа, тўғри, чунки дипломат бўлишни истамайман, – деди ўрнидан тураётиб Альбер. – Мен бу хабарга раддия берилишини талаб қиламан ва ниятимга албатта эришаман. Дўстим, сиз, – деди зарда билан Албер Бошаннинг кеккайиб бошини кўтарганини кўриб, – менинг, ўз сўзидан қайтмайдиغانлардан эканлигимни яхши биласиз.

– Мен, Альбер, дўстингизман. Аммо сиз яна шу тарзда пўписа қилиб, дағаллик билан гапираверсангиз, бу дўстликни юзхотир қилмаслигим мумкин... Бироқ, келинг, орага низо тушмасин... Жуда ғазабингиз чиқиб кетибди, жаҳл чиққанда ақл кетади, деганлар... Менга айтиб беринг-чи, бу Фернан деган зот сизга ким бўлади?

– Менинг отам, – деди Альбер, – Фернан, граф де Морсер, кекса солдат, йигирма жангнинг қатнашчиси, шундай зотни бадном қилмоқчилар.

– Отангизми? – деди Бошан. – Унда бошқа гап. Бунчалик ғазабингиз чиққанининг сабабини энди тушундим, азизим Альбер... Яна бир ўқийлик...

Бошан хабарни дона-дона қилиб яна бир бор ўқиб чиқди.

– Ахир, Фернан сизнинг отангиз деган гап йўқ-ку бу ерда:

Тўғри, ундай деган гап йўқ, бироқ бошқалар шундай деб тушунишади. Шу боисдан раддия берилишини талаб қиляпман.

«Талаб қиляпман» сўзи айтилаётган пайтда Бошан Альберга қараб олди-да, бир оз ўйга толди.

– Раддия берасизми? – деди ғазаб-ла Альбер, ҳамон ўзини босишга уриниб.

– Ҳа, – деди Бошан.

– Хайрият-э, – деди Альбер.

– Бироқ хабар нотўғри эканлигини аниқлаганимдан кейин.

– Шунақами?

– Ҳа, шундай, бу жиддий иш, текшириб, аниқлаб олиш керак, аниқлаб оламан, албатта.

– Ахир, жаноб, бу ерда текширадиган ҳеч гап йўқ-ку? – деди Альбер жазаваси кўзгаб, – агар гап отам устида бораётганига ишонмаётган бўлсангиз, очиқ айтаверинг, агарда гап унинг устида деб ўйлаётган бўлсангиз, раддия беришингизни талаб қиламан.

Бошан ҳиссиётларини акс эттирадиган ўзига хос маромда Альберга илжайиб қараб қўйди.

– Модомики, жаноблари раддия берилишини талаб қилгани келган эканлар, бу борада ҳар қандай риюя-андишани йиғиштириб қўйишга аҳд этган эканлар, мен билан дўст-биродарлик ва шунга ўхшаш бўлмағур нарсалар ҳақида ярим соатдан буён бошимни қотириб ўтиришнинг нима кераги бор эди, бошданоқ гапнинг пўскалласини айтиб қўя қолсангиз бўларди. Демак, иккимизнинг дуэлга чиқишимизни истайсизми?

– Ҳа, агар қабиҳ бўҳтонни рад этмасангиз шундай бўлади!

– Ўпкангизни босиб олинг, жаноб Фернан де Мондего виконт де Морсер, қўйинг беҳуда пўписангизни, бунақа дўқларни оғайним у ёқда турсин, душманимдан ҳам эшитишга тоқатим йўқ. Хулласи калом, сиз полковник Фернан тўғрисидаги хабарни, яъни менга ҳеч дахли йўқ хабарни рад этишимни талаб қиласиз, шундайми?

– Ҳа, талаб қиламан! – деди Альбер ўзини тутолмай дағал оҳангда.

– Йўқса дуэлга чақирасиз, шундайми? – давом этди Бошан ҳамон ўзини вазмин тутиб.

– Ҳа! – деди Альбер дўқ уриб.

– Ундай бўлса, муҳтарам жаноб, менинг жавобим шу, – деди Бошан, – бу хабарни мен босиб чиқарганим йўқ, у ҳақда ҳеч нима билмайман. Бироқ сиз мени қизиқтириб қўйдингиз. Шу сабабли хабар уни берган киши рад этмагунча ёки тасдиқлаб бермагунча шундайлигича қолаверди.

– Хуллас, мухтарам жаноб, – деди Альбер ўрнидан кўзга-
либ, – секундантларимни юбораман, улар билан дуэлни қаер-
да ўтказиш ва қуроллар танлаш ҳақида шартлашиб оласиз.

– Жуда соз, мухтарам жаноб.

– Истасалар шу бугун кечқурун ёки жуда кеч деганда,
эртага учрашамиз дулда.

– Йўқ, йўқ! Мен дуэлга вақти келганда бораман (сиз ча-
қиряпсиз мени, шу сабабли ўз фикримни изҳор этишга
ҳақлиман), аммо ҳали дуэлнинг вақти келганича йўқ. Сиз
моҳир қиличбозсиз, мен ҳам анча машқини олганман, сиз
олти ўқдан учтасини албатта мўлжалга теккизасиз, мен ҳам
тахминан шунга яқинман, иккимизнинг дуэлнимиз жуда
жиддий дуэль, чунки сиз жасоратли йигитсиз, мен ҳам...
сиздан қолишмайман. Шунинг учун бирор асосли сабаб
бўлмай туриб сизни ўлдиришни ёки ўз жонимга жабр қилиш-
ни асло истамайман. Эндиликда мен ҳам сизга дангал бир
савол бермоқчиман. Агар талабингизни бажо келтирмай,
раддияни босиб чиқармасам, унда мени ўлдирасизми? Яна
қайтариб айтаман сизга: Худо ҳаққи, бу хабар тўғрисида
мен ҳеч нима билмайман ва сиздан бошқа ҳеч ким Фернан-
ни граф де Морсер деб гумон қилмайди.

– Мен сўзимдан қайтмайман.

– Ҳа, майли, мухтарам жаноб, бир-биримизнинг қонимиз-
ни тўкиш учун жанг қилишга мен ҳам розиман, бироқ уч
ҳафта муддат талаб қиламан. Уч ҳафтадан сўнг мен сизга:
«Бу ёлғон хабар», дейман-да, раддия бераман, ёки «Бу
ҳақиқат», дейман, сўнг иккимиз, сизнинг хоҳишингизга
қараб ё қиличларни қинидан чиқариб, ёки тўппончаларни
ўқлаб майдонга чиқамиз.

– Уч ҳафта! – хитоб қилди Альбер. – Ахир шунча вақт
мен шарманда бўлиб юравераманми!

– Агар иккимиз дўст бўлиб қолаверганимизда мен сиз-
га, сабр қилинг, дўстим, дердим, бироқ сиз менинг душма-
ним бўлиб қолдингиз, шу сабабдан мен сизга, мухтарам
жаноб, бу билан менинг нима ишим бор, деб қўя қоламан.

– Бўпти, бўпти, уч ҳафтадан сўнг, – деди Альбер. – Ле-
кин шуни билиб қўйингки, уч ҳафтадан ҳеч орқага сурил-
майди, ҳеч қанақа ваз-баҳонага йўл қўйилмайди, яъни қуту-
ламан деб уринишнинг фойдаси бўлмайди.

– Жаноб Альбер де Морсер, – деди Бошан ўрнидан тура-ётиб, – уч ҳафта ўтмагунча мен сизни дерзадан улоқтириб ташлашга ҳаққим йўқ, сиз ҳам ўша вақтгача менга қилич санчиб, умримни хазон қилишга ҳаққингиз йўқ. Бугун йигирма тўққизинчи август, демак йигирма биринчи сентябр-гача сабр қиламиз. Унгача бир-биримиз билан ит-мушук бўлиб юришимиз яхши бўлмас.

Бошан шундай деди-да, Альберга зўр-базўр таъзим қилиб, босмахонага кириб кетди.

Альбер аламини газеталардан олди: ҳассаси билан ерда ётган газеталарни ҳар томонга сочиб-социб ташлади-да, сўнг босмахонага тикилиб чиқиб кетди.

Беғуноҳ газеталарни савалаб чиққан ва энди извошнинг тирқишини тақиллатиб уриб бораётган Альбер хиёбондан ўтган Моррелни кўриб қолди. Кўзлари қувончга тўла Максимилиан гердаиёб Хитой ҳаммоми ёнидан ўтиб, Мадлен черкови томон кетаётган эди.

– Мана бу одамнинг омади келди! – деди Альбер хўрсиниб.

Бу гал у янглишмаган эди.

II. ЛИМОНАД

Моррель ҳақиқатан ҳам бахтиёр эди.

Ҳозир уни чол Нуартъе чақиртирибди. Нима дер экан чол, деб шошиб, извошга ҳам ўтирмай яёв чопқиллаб бораётганининг боиси ҳам шунда эди.

Моррелнинг қадами жуда илдам, шўрлик Барруа унга етолмай ҳарсиллаб боряпти. Бунинг сабаби аён: Моррель эндигина ўттиз баҳорни кўрган қирчиллама йигит, Барруа эса олтмишни уриб қўйган чол эди. Бунинг устига Моррель ошиқи шайдо, қанот қоқиб боряпти, Барруа эса иссиққа чидолмай нафаси бўғилиб, антикиб қоляпти. Талаб-эҳтиёжлари тамоман бошқача бу икки зот уч бурчакнинг икки томонига ўхшарди: пастда, асосда ажралиб кетиб, чўққи-да яна жипслашиб оларди.

Чўққи – бу Моррелни тез чақириб келишни буюрган Нуартъе эди. Моррель эса чолнинг ана шу топшириғини бажарай деб, Барруани қийноққа солиб чопарди.

Манзилга етганда ҳам Моррель асло ҳарсилламади, муҳаббат қанот бағишлаганда киши чарчаш нималигини билмай қоларкан, ишқ-муҳаббат лаззатини аллақачон унутиб юборган шўрлик Барруа қора терга ботганди.

Кекса қарол Моррелни бизга маълум махсус эшиқдан олиб кириб, кабинетни ичидан қулфлади, бир оздан сўнг Валентинанинг этаклари шитирлагани эшитилди.

Мотам либосида Валентинанинг чиройи янада очилиб кетган эди. Моррель, бу тушим бўлса керак деб, Нуартъе билан гаплашишдан воз кечмоқчи бўлиб турган эди, шу пайт паркетда курси ғилдиракчаларининг товушини эшитди, хонада чол пайдо бўлди.

Чол Моррелнинг Валентинани ва уни дард-аламдан, но-чорлиқдан халос этгани учун миннатдорчилик билдириб айтган сўзларини Нуартъе хушнудлик билан тинглади. Сўнг Моррель бурчақда ийманиб ўтирган Валентинага саволомуз кўз ташлади.

Нуартъе ҳам Валентинага қаради.

– Топшириқларингизни айтаверайми? – сўради Валентина.

– Ҳа, – деди Нуартъе ишора билан.

– Жаноб Моррель, – деди Валентина кўзларини ўқдай тикиб турган Максимилианга мурожаат қилиб, – ўтган уч кун мобайнида бувам сизга айтмоқчи бўлган кўп гапларини менга айтди. Вугун ана шу гапларни етказишим учун сизни чақиртириб келди, у мени ўзининг таржимони қилиб белгилади, мен унинг барча гапларини сизга оқизмай-томизмай айтиб бераман.

– Мен ана шу гапларни эшитишга интизорман, мадемуазель, – деди Моррель, – тезроқ айтинг, илтимос қиламан.

Валентина бошини қуйи солди, Моррелга бу яхшиликдан дарак бераётгандек туюлди. Валентина бахтли дақиқаларда шундай уятчан бўлиб қоларди.

– Бувам бу уйдан чиқиб кетмоқчи, – деди Валентина. – Барруа унга жой ахтаряпти.

– Сиз-чи? – деди Моррель, – жаноб Нуартъе сизни жонидан ҳам азиз кўради-ку, сиз ҳам унинг ёнида бўлишингиз керак-ку?

– Мен ҳам у билан бирга бўламан, – деди Валентина, – биз шундай қарорга келдик. Мен унинг ёнида яшайман. Жаноб де Вильфор розилик берса дарҳол кетаман. Агар розилик бермаса, вояга етгунимча кутиш керак, бунга атиги ўн ой қолди. Ушандан кейин мустақил бўламан, эрким ўзимда бўлади, сўнг...

– Сўнг? – сўради Моррель.

– Сўнг, бувамнинг розилиги билан сизга берган ваъдага вафо қиламан.

Валентина сўнгги сўзларини зўрға эшитиладиган қилиб айтди, агар Моррель қулоғини динг қилиб турмаганида, эшитолмасди.

– Бува, фикрингизни тўғри айтолдимми? – деди Валентина, Нуартъега мурожаат қилиб.

– Ҳа, – деди имо билан чол.

– Бувамникида турганимда, – деди қўшимча қилиб Валентина, – жаноб Моррель, азиз ва меҳрибон халоскорим ҳузурида мен билан дийдор кўришиб туришингиз мумкин, бизнинг, эҳтимол, ҳали ғўр ва беқарор қалбимизни бири-бирига боғлаб турган тугунларни у қўллаб юборса ва шу синовдан сўнг бахтга тўла истиқболимизга (ҳайҳот, айтишларига қараганда, ғовлар қаршисида аланга олиб ёнадиган қалблар роҳат-фароғатда совиб қолармиш!) ҳам мадаккор бўлса, у ҳолда жаноб Моррель менга совчи юбориши мумкин бўлади, мен кутаман.

– Оҳ, Тангрим! Қандай хайрли ишим учун мени бундай бахтга ёр этдинг? – деди хитоб қилиб Моррель, шу пайтда у чолни Худо, Валентинани фаришта, деб сиғинишга тайёр эди.

– Ўша бахтли кун келгунча, – деди вазмин ва тиниқ овозда Валентина, – биз ота-онамнинг измидан чиқмай турамиз, лекин улар иккимизни ҳижрон ўтида ёндириш ниятида бўлмасалар керак. Яна қайтариб айтаман: биз кутамиз, ҳамма гап шунда, азизим, шунда.

Моррель чолга мурожаат қилиб:

– Мен, – деди, – бу сўзларда гарданамга юкланадиган ҳамма оғирликларга бош эгибгина эмас, қувониб бардош беришга қасамёд қиламан.

– Азизим, – деди Валентина Максимилианга чуқур назар ташлаб, – энди бебошликка, тентакликка барҳам берай-

лик. Бугундан бошлаб ўзини фақат сизники деб қарор қилган ва келажакда сизнинг фамилиянгизда юришни ўзига эп билган қизнинг ор-номусига, шаънига тариқча доғ тушишига асло йўл қўйманг.

Моррель қўл қовуштириб, таъзим қилди.

Нуартъе меҳрга тўла кўзларини икки ёшга тикиб олганди. Ҳамма сирлардан воқиф Барруа ялтироқ пешанасидаги реза терни артиб, илжайиб турарди.

– Бечора Барруа жуда қийналиб кетди-да, – деди Валентина.

– Тўғри, – деди Барруа, – ахир мен оёғимни кўлимга олиб югуриб келдим, мадемуазель, аммо жаноб Моррелга қойил қолиш керак: у мендан ҳам тез чопди.

Нуартъе кўзи билан патнисни кўрсатди, унда ярим графин лимонад ва икки стакан турарди. Ярим соат олдин шу лимонаддан Нуартъе ҳам ичиб олган эди.

Валентина Барруага қараб:

– Лимонад ичгингиз келиб турганини кўзларингиз айтиб турибди, олинг, ичинг, – деди.

– Очиғини айтсам, – деди Барруа, – жуда чанқаб кетдим, бир стаканни сизнинг саломатлигингиз учун ичай.

– Мана, олинг, – деди Валентина стаканни узатиб, – ташқарига чиқиб кела қолинг.

Барруа патнисни олиб, даҳлизга чиқди-да, Валентина қўйиб берган бир стакан лимонадни сипқорди. Буни ҳамма эшик тирқишидан кўриб турган эди.

Валентина билан Моррель Нуартъе ҳузурида хайрлашиб турган пайтда Вильфор бўлмасига кирадиган зинада кўнғироқ товуши эшитилди.

Валентина девордаги соатга қаради.

– Қоқ туш пайти, – деди у, – бугун шанба, бува, бу доктор бўлса керак.

Нуартъе имо билан, «ҳа, доктор бўлса керак», деди.

– У ҳозир бу ерга келади, жаноб Моррелнинг бу ердан чиқиб кетгани маъқул, тўғрими, бува?

– Тўғри, – деди чол.

– Барруа! – чақирди Валентина, – Барруа, бу ёққа келинг!

– Ҳозир, мадемуазель, – деди кекса қарол.

Валентина Моррелга қараб:

– Барруа сизни эшик олдигача кузатиб кўяди, – деди, – жаноб офицер, бувам сизга бахтимизга рахна соладиган бирор ҳаракат қилмасликни маслаҳат беряптилар.

– Кутаман, деб сўз бердимми, бас, – деди Моррель, – демак, кутаман.

Шу вақтда Барруа кирди.

– Кўнғироқ чалган ким? – сўради Валентина.

– Доктор д'Авриньи, – деди Барруа гандираклаб.

– Нима бўлди сизга, Барруа? – сўради Валентина.

Кекса қарол жавоб бермади. У ваҳима тўла кўзларини чолга тикиб олган ва бирор таянч ахтариб, қўлларини ҳар томонга чўзаётган эди.

– У ҳозир йиқилади! – хитоб қилди Моррель.

Чиндан Барруанинг бутун вужудини босган титроқ тобора кучайиб борар, ранги ўзгариб, асаблари таранг бўлиб кетган эди.

Барруанинг азоб чекаётганини кўрган Нуартъе ваҳимага тушиб, атрофга алангларди.

Барруа хўжайини томон бир қадам ташлади.

– Ё, алҳазар, ё, алҳазар! – деди у, – нима бало бўлди менга?.. Ҳамма ёғим зирқираб оғрияпти, кўзим тиниб кетяпти... бошим ёняпти. Тегманг менга, тегманг!

Унинг кўзлари олайиб, боши орқага оғди, танаси тошдай қотиб борарди.

Валентина қўрқиб, қичқириб юборди. Моррель уни фалокатдан ҳимоя қилаётгандек, қучоғига олди.

– Жаноб д'Авриньи! Жаноб д'Авриньи! – деди қичқириб Валентина. – Бу ёққа келинг! Ёрдам беринг!

Барруа турган жойида бурилди-да, бир қадам орқага тисарилиб, Нуартъе оёғи остига гурсиллаб йиқилди.

– Менинг меҳрибон ҳожам! Мурувватли ҳожам! – қичқирди у.

Шу пайт қичқирган овозни эшитиб Вильфор кирди,

Моррель ҳушидан кетай деб турган Валентинани дарҳол кўйиб юбориб, хонанинг тўридаги қалин парда орқасига яшириниб олди. Унинг қути учиб, жон бераётган Барруага тикилиб қолганди.

Нуартъе, қаролигина эмас, дўсти, ҳамдарди бўлган шўрлик чолга ёрдам беролмай, юраги эзиларди. Ҳаёт билан ўлим ўртасидаги бу жанг бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда турган чолга таъсир этди, унинг пешанасидан томирлари бўртиб чиқди, кўзлари атрофидаги охирги тирик пайлари таранглашди.

Юзи дириллаб, кўзларига қон тўлган Барруа чалқанча тушиб, полни тимдаларди, оёқлари бамисоли ёғоч сингари қотиб қолди, нафаси бўғилиб, оғзи кўпирарди.

Вильфор остонадан ўтиб, бу ҳолни кўрди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди. Лекин Моррелни пайқамади.

У ранги ўчиб, бир дақиқа жим туриб қолди. Сўнг эшик томонга отилиб:

– Доктор! Доктор! – деб қичқирди. – Бу ёққа келинг! Тез!

– Бека, – чақирди ўғай онасини зина панжарасига суяниб турган Валентина. – Бу ёққа келинг! Тез келинг! Ҳидлайдиган дорингизни ола келинг!

– Нима гап ўзи? – сўради босиқ овозда Вильфор хоним.

– Келсангиз-чи тезроқ!

– Доктор қани! – яна қичқирди Вильфор.

Вильфор хоним зинадан аста-секин тушиб келди, ёғоч зинапояларнинг ғирчиллаши эшитилиб турарди. Унинг бир қўлида рўмолча, иккинчи қўлида ҳидлайдиган дори солинган шиша идиш.

Вильфор эшик олдига келиб, дастлаб чолга қаради-да, ҳайрон бўлди, юз берган воқеадан ҳаяжонланиб турганини ҳисобга олмаганда, чол соппа-соғ эди, сўнг хоним жон талвасасида ётган қаролга кўз ташлади-ю, қути учди, яна чолга қаради.

– Хоним, доктор қани? Худо ҳаққи, чақиринг уни, – деди Вильфор. – У сизнинг бўлмангизга ўтиб кетган эди-ку. Миясига қон қуйиладиган касали хуруж қилибди, наҳотки шуни пайқамаган бўлсангиз?

– Бирор нима емадимикин? – сўради Вильфор хоним, эрига жавоб беришдан қочиб.

– Нонушта қилгани йўқ, – деди Валентина, – бувам шошилинч топшириқ билан бир жойга юборган эди. У жуда чарчаб, ҳолдан тойиб келди-да, бир стакан лимонад ичди.

– Вино ичса бўлмасмиди? – деди Вильфор хоним. – Лимонад ғоят зарарли ичимлик-ку.

– Лимонад шу ерда, бувамнинг графинида турган эди. Шўрлик жуда чанқаб қолган экан, лимонад тўғри келиб қолди-ю, шуни ичиб қўя қолувди.

Вильфор хоним сесканиб кетди. Нуартъе унга маъноли назар ташлаб қўйди.

– Бўйни ичига кириб кетибди! – деди хоним.

– Бекам, – деди Вильфор, – мен сиздан докторни сўра-япман! Қани д’Авриньи? Худо ҳаққи, айтинг, қаерда у?

– Эдуарнинг олдида, бола бетоб, – деди Вильфор хоним энди жавоб қайтармасликка илож тополмай.

Вильфор докторни чақириб келиш учун зинага югурди.

– Мана буни олинг, – деди Вильфор хоним дори шиша-ни Валентинага узатиб, – Бурруага қон қуйсалар керак. Қонни кўришга тоқатим йўқ, ўз бўлмамга бораман.

Хоним шундай деди-да, эри кетидан чиқиб кетди.

Моррель бурчакдан чиқди, тўс-тўполонда уни ҳеч ким пайқамади.

– Максимилиан, кетинг эртароқ бу ердан, – деди унга Валентина, – ўзим чақирмагунимча келманг. Боринг.

Моррель «сиз нима дейсиз?» дегандек Нуартъега қара-ди. Нуартъе «майли», деди имо билан. Максимилиан Вален-тинанинг қўлини кўксига бир зум босиб турди-да, ён даҳ-лиздан чиқиб кетди.

Шу пайт нариги эшиқдан Вильфор билан доктор кириб келди.

Барруа секин ҳушига кела бошлади, хуружи босилди, у инқиллаб бир тиззаси билан чўкка тушиб олди.

Д’Авриньи билан Вильфор Барруани кўтариб тахта ка-равотга ётқизишди.

– Бунинг давоси нима, доктор? – сўради Вильфор.

– Сув билан эфир келтиришсин. Уйингизда эфир борми?

– Бор.

– Дарров югуриб бориб скипидар мойи билан қустирув-чи дори олиб келишсин.

– Югур, тез! – буюрди Вильфор.

– Қани, ҳамма чиқиб кетсин бу ердан.

– Мен ҳамми? – сўради кўрқиб Валентина.

– Ҳа, мадемуазель, биринчи галда сиз чиқинг бу ердан, – деди дағаллик билан доктор.

Валентина ҳайрон бўлиб д’Авриньига қаради-да, бува-сининг пешанасидан ўпиб чиқиб кетди.

Доктор қовоғидан қор ёғиб, Валентина кетидан эшикни бекитди.

– Буни қаранг, доктор, буни қаранг, ҳушига келяпти, демак, шунчаки бир оддий тутқаноқ экан-да.

Д’Авриньи ғамгин илжайиб қўйди.

– Қалайсиз, Барруа? – сўради доктор.

– Бир оз дурустман, жаноб.

– Бир стакан сувни эфир билан ича оласизми?

– Ҳаракат қиламан, фақат менга тегманг.

– Нега?

– Назаримда, менга сал тегиб кетсангиз, яна тутқаноқ тутадиган.

– Мана буни ичинг.

Барруа стаканни кўкариб кетган лабларига олиб борди-да, ярмини ичди.

– Қаерингиз оғрияпти? – сўради доктор.

– Ҳамма ерим, томирларим тортишиб кетяпти.

– Бошингиз айланяптими?

– Ҳа.

– Қулоғингиз шанғиллаяптими?

– Жудаям.

– Қачон бошланди бу?

– Ҳозиргина.

– Бирдан-а?

– Бирдан.

– Кеча ҳеч нарса сезмаганмидингиз? Утган кунчи-чи?

– Ҳеч нарса.

– Уйқу босиши ёки бадҳазмлик сезилмаганмиди?

– Йўқ.

– Бугун нима еган эдингиз?

– Ҳали ҳеч нима еганим йўқ, фақат жаноб Нуартъе графинидан бир стакан лимонад ичдим.

Барруа шундай деди-да, ҳар қандай ҳаракат ва сўзни диққат билан кузатиб ва эшитиб ўтирган чол томонга бошини ирғаб қўйди.

– Қаерда ұша лимонад? – сұради шошиб доктор.

– Пастда, графинда.

– Пастнинг қаерида?

– Ошхонада.

– Олиб келайми, доктор? – сұради Вильфор.

– Йўқ, сиз шу ерда қолиб, беморга дорини охиригача ичиришга ҳаракат қилинг.

– Лимонад-чи?..

– Ҳазим олиб келаман.

Д'Авриньи эшикдан чиқди-да, қоронғи зинадан ошхонага югурди, шу пайт Вильфор хоним ҳам ошхонага бораётган экан, доктор уни нақ бўлмаса туртиб, йиқитиб юборай деди. Хоним қичқириб юборди.

Фикри-зикри бир нарсада бўлган д'Авриньи буни сезмади, хонимни кўрмади; у охириги зинапоядан сакраб ўтди-да, ошхонага кирди; тўртдан уч қисми бўш графин патнисда турганди. Доктор ўлжа кетидан ўқдай отилиб келган бургут сингари графинга чанг солди.

У, энтика-энтика биринчи қаватга чиқиб, Нуартъе бўлмасига кирди.

Де Вильфор хоним ҳам шу дақиқада оҳиста қадам ташлаб, ўз бўлмасига бораётган эди.

– Ҳа графин шуми? – сұради д'Авриньи.

– Ҳа, жаноб доктор.

– Сиз ичган лимонад ҳам шунинг ўзими?

– Ҳа бўлса керак.

– Таъми қанақа эди сиз ичган лимонаднинг?

– Аччиқ эди.

Доктор кафтига лимонаддан уч-тўрт томчи томизди-да, оғзига олди, сўнг худди винони синаб кўраётгандек, тамшаниб туриб, тошпечга тупуриб ташлади.

– Худди ўзи, – деди у. – Жаноб Нуартъе, сиз ҳам ичганми-дингиз бундан?

– Ҳа, – деди имо билан чол.

– Сиз ичганда ҳам аччиқмиди?

– Ҳа.

– Жаноб доктор! – деди қичқириб Барруа, – яна ёмон бўлиб кетяпман! Раҳм қилинг менга! Ёрдам беринг! Доктор!

Доктор бемор олдига югуриб борди.

– Кустирадиган дори қани, Вильфор?

Вильфор бўлмадан югуриб чиқиб қичқирди:

– Қани қустирадиган дори? Келтиришдими?

Ҳеч ким жавоб бермади. Шу пайт бу хонадондагиларнинг ҳаммасини ваҳима босган эди.

– Агар ўпкасига ҳаво кирита олсам, – деди д’Авриньи атрофга аланглаб, – эҳтимол касал енгил тортармиди. Наҳотки ҳеч нима бўлмаса бу хонадонда? Ҳеч нарса-я!

– Доктор! – қичқирарди ҳамон Барруа, – ёрдам беринг, қутқаринг мени ажалдан!

– Перо борми, перо! – сўради доктор ва стол устидаги перога кўзи тушиб қолди. Уни олди-да, беморнинг оғзига тикмоқчи бўлди, бироқ Барруанинг жағи акашак бўлиб қолган эди.

Барруани илгаригисидан ҳам қаттиқ тутқаноқ тутди. У ёғоч каравотдан сурилиб полга тушди-да, қимир этмай қолди.

Доктор унга ҳеч қандай ёрдам беролмасди. У Барруани шу ҳолича қолдириб, Нуартъе олдига борди.

– Сиз ўзингизни қандай сезяпсиз? – деди шивирлаб доктор.

– Яхши.

– Ошқозонингиз оғримаяптими?

– Йўқ.

– Мен айтган дорини ҳар якшанба куни ичяпсизми?

– Ҳа.

– Бу лимонадни сизга ким тайёрлаб берган эди? Барруа-ми?

– Ҳа.

– Лимонадни ич деган ҳам ўзингизми?

– Йўқ.

– Де Вильфор жанобларими?

– Йўқ.

– Де Вильфор хонимми?

– Йўқ.

– Ундай бўлса, Валентина экан-да?

– Ҳа.

Барруа оғир ух тортди, тишлари ғижирлаб кетди, буни эшитиб доктор бемор олдига югурди.

– Барруа, – деди доктор, – гапира оласизми?

Барруа гудурлаб, алланима деди.

– Азизим, бир зур бериб эс-хушингизни йиғинг.

Барруа қон қуйилган кўзларини очди.

– Бу лимонадни ким тайёрлаганди?

– Ҳзим.

– Тайёрлаган заҳоти хўжайинингизга келтириб бердингизми?

– Йўқ.

– Қаерда қолдирган эдингиз?

– Буфетда, мени чақириб қолишди.

– Лимонадни бу ерга ким олиб келди?

– Мадемуазель Валентина.

Д'Авриньи пешанасини ушлади-да:

– Ё, алҳазар! – деди шивирлаб.

– Доктор, доктор! – қичқирди Барруа яна тутқаноқ тута бошлаганини сезиб.

– Нега кустирадиган дори келтирмаяптилар? – деди зарда билан доктор.

– Мана, – деди эшикдан кириб келаётган Вильфор.

– Буни ким тайёрлади?

– Дорихоначи, ўзиям мен билан бирга келди.

– Ичинг буни, – деди доктор Барруага.

– Ичолмайман, доктор, вақт ўтди! Томоғим қуриб, оғзим қақраб боряпти. Нафасим бўғилиб кетяпти... вой юрагим... вой бошим... Э, Тангрим, нега мунча азоб беряпсан менга... Қачон қутуламан бу дарддан?

– Азизим, – деди доктор, – оз қолди, ҳозир қутуласиз қийноқдан.

– Ҳзим ҳам билиб турибман, – деди шўрлик Барруа, – э, Парвардигор, раҳм қил гуноҳкор банданга!

Барруа бир оҳ тортди-да, чақмоқ ургандек юз тубан йиқилди.

Д'Авриньи чолнинг юрагига қўлини босиб, оғзига ойна тутди.

– Хўш, аҳволи қалай? – сўради Вильфор.

– Менга бир оз гунафша шарбати келтиришсин, тезроқ.

Вильфор ошхонага югурди.

– Жаноб Нуартъе, хотиржам бўлинг, беморни нариги хонага олиб бориб қон қуяман, бунақа тутқаноқлар жуда даҳшатли бўлади, – деди доктор ва Барруани қўлтиқлаб олиб чиқиб кетди, лекин у шу заҳоти Нуартъе хонасига қайтиб кирди-да, лимонадни олди.

Нуартъенинг чап кўзи юмуқ эди.

– Валентинани чақирсинларми? Валентинани кўришни истайсизми? Ҳозир айтаман, чақириб юборишади.

Вильфор қайтиб, зинадан чиқиб келаётган эди, даҳлизда д'Авриньига дуч келди.

– Хўш, қалай беморнинг аҳволи? – сўради Вильфор.

– Юринг бу ёққа, – деди д'Авриньи.

Доктор Вильфорни Барруа ётган хонага олиб кирди.

– У ҳалиям ҳушига келгани йўқми? – сўради қироллик прокурори.

– Ҳлди.

Вильфор сесканиб орқасига тисарилди-да, бошини икки қўли билан маҳкам сиқиб, ачиниб мурдага тикилиб қолди.

– Тўсатдан жон бердимми?

– Фавқулудда ўлим бўлди бу, тўғрими? – деди д'Авриньи. – Бироқ бундан сиз ажабланмасангиз ҳам бўлади. Жаноб Сен-Меран ва Сен-Меран хоним ҳам тўсатдан ўлган эди. Ҳа, жаноб де Вильфор, сизникида одамлар шунақа тўсатдан ўладиган бўлиб қолди.

– И-я! – деди қироллик прокурори ўтакаси ёрилиб. – Сиз яна ўша эски даҳшатли фикрингизни такрорлаяпсизми?

– Ҳа, жаноб, – деди тантанавор оҳангда д'Авриньи, – бу фикр ҳозиргача хаёлимдан чиққани йўқ. Гапларимнинг тўғрилигига имонингиз комил бўлмоғи учун диққат билан қулоқ солишингизни илтимос қиламан, жаноб де Вильфор.

Вильфорнинг бутун вужудини титроқ босди.

– Шундай бир заҳар бор: у одамни тил торттирмай ўлдиради-да, ҳеч қанақа белги қолдирмайди. Уни мен яхши биламан. Унинг таъсир этишини ва оқибати нималарга олиб боришини ҳар томонлама текшириб, ўрганиб чиқдим. Сен Меран хоним вафоти вақтидагидек, мана, ҳозир шўрлик Барруа ҳалокати пайтида бу заҳарнинг таъсирини яна аниқ билиб олдим. Бу заҳарни билишнинг бир йўли бор. Бирор

кислота билан қизил рангга бўялган лакмус қоғозда кўк ранг пайдо қилади, яна гунафша шарбатига зангори тус беради. Ҳозир бизда лакмус қоғози йўқ, ана, гунафша шарбати келтиряптилар, шекилли.

Даҳлизда оёқ товуши эшитилди, доктор эшикни қия очди-да, хизматкор аёлнинг қўлидан тагида бир-икки қошиқ шарбати бор идишни олиб, эшикни яна бекитди.

– Мана, бунга қаранг, – деди у юраги гуп-гуп ураётган қироллик прокурорига, – мана бу идишда гунафша шарбати, мана бунисида эса Нуартъе ва Барруадан қолган лимонад. Агар лимонадга ҳеч нарса қўшилмаган ва у зарарсиз бўлса, шарбатнинг ранги ўзгармайди, агар лимонадга заҳар қўшилган бўлса, шарбат зангори тусга киради. Мана, қараб турунг!

Доктор графиндаги лимонаддан шарбат қуйилган идишга бир неча томчи қўйди, шу ондаёқ шарбат тусини ўзгартирди. Аввал у тим кўк, сўнг аллақандай рангга, ундан кейин зангори тусга кирди-да, шундайлигича қолди.

Бу тажриба докторнинг бояги фикрига ҳеч шубҳа қолдирмаганди.

– Бахтсиз Барруа сохта ангостур ёки муқаддас Игнатия ёнғоғи билан заҳарланган экан, – деди д'Авриньи, – энди бу ҳақиқат эканлигига ҳеч шубҳам йўқ.

Вильфор миқ этмади. Ваҳимадан унинг кўзлари олайиб кетди, қўлларини осмонга кўтарди-да, ўзини ўриндиққа ташлади.

III. АЙБНОМА

Д'Авриньи қироллик прокурорини дарров ҳушига келтирди. У бу мудҳиш хонада иккинчи мурдага ўхшаб қолган эди.

– Менинг уйим ажалхона бўлиб қолди! – деди фарёд уриб Вильфор.

– Қолаверса жинойтлар макони, – деди доктор.

– Шу дамда чекаётган азобларимни не сўз билан айтай, доктор, – деди хитоб қилиб Вильфор. – Ҳамма бало бирдан ёпишди менга, хавф-хатар, даҳшатлардан ақлим озаётир.

– Ҳақиқатан ҳам оғир сизга, Вильфор, оғир, – деди д’Авриньи вазмин ва салмоқдор оҳангда, – бироқ биз вақтни ўтказиб юбормай, ҳаракат қилишимиз керак. Менимча, дастлаб хонадонингизга ёпирилиб келаётган ажал сиртмоғини бўғиш керак. Шахсан мен буни энди сир сақлашдан ожизман. Қонунлар оёқ ости қилинаётгани ва бегуноҳ бандалар қурбон бўлаётгани учун қасос олинмайди, деб умид қилолмайман.

Вильфор хонага қайғули назар ташлади.

– Менинг уйимда-я! – деди шивирлаб. – Менинг уйимда-я!

– Менга қаранг, Вильфор, – деди д’Авриньи, – бардам бўлинг. Сиз қонунни кўкрак кериб ҳимоя қилувчи мансабдор зотсиз, ана шу шуҳратингиз шу топда сиздан қурбон беришни талаб қилади.

– Ўзини қурбон қилиш бу ғоят даҳшатли сўз, доктор, ғоят даҳшатли!

– Ҳамма гап шунда-да.

– Демак, сиз кимдандир шубҳаланаётган экансиз-да?

– Мен ҳеч кимдан шубҳаланаётганим йўқ. Улим эшигингизни қоқяпти, у кўр-кўрона эмас, жуда пухта ўйлаб хонадан хонага ўтяпти, мен эса унинг йўлини кўриб турибман, изидан боряпман, борганда ҳам шоҳидамас, баргида боряпман. Ахир, оилангиз билан иноқлигим, сизга ҳурматим – бу кўзларимни бекитувчи икки боғлағич, мана эндиликда...

– Гапираверинг, доктор, гапираверинг, қулоғим сизда.

– Уйингизда, эҳтимол, оилангизда асрлар давомида фақат бир мартагина учрайдиган бир разил махлуқ бекиниб олган. Локуста ва Агриппина бир вақтда яшашган, бироқ бу фавқулодда бир ҳол, аммо бу ҳол сон-саноксиз разилона жиноятлар қилиб бадном бўлган Рим империясига қирон келтириш учун Тангрининг қаҳри қаттиқ келганидан далолат беради. Брунгильда билан Фредгонда уқубатли хатти-ҳаракатлар оқибатидир, эндигина туғилаётган тараққиёт пешқадамлари, жаҳолат элчисини ёрдамга чақириб борса-да, ана шулар орқали маликалар дунёсини билиб олишга уринган эдилар. Ўша аёлларнинг барчаси ёш ва гўзал эди. Бир замонлар уларнинг манглайига ҳам, худди уйингиздаги жиноятчининг манглайидаги каби, бегуноҳлик тамғаси босиб қўйилган эди.

Вильфор қичқириб юборди, сўнг бармоқларини қаттиқ қисди-да, шафқат тилаб докторга тикилди. Аммо д'Авриньи парво қилмай сўзини давом эттираверди:

– Жиноятдан манфаатдорни ахтар – ҳуқуқ фанининг аксиомаларидан бирида шундай дейилган.

– Доктор! – хитоб қилди Вильфор. – Бу сўзларга ишониб, инсоният, одил суд жуда кўп хатоларга йўл қўйиб келди! Билмадим, чамамда, бу жиноят...

– Демак, сиз бунинг жиноят эканлигига иқрормисиз?

– Ҳа, иқрорман. Энди мен нима қилдим? Рухсат этинг, гапимни тугатай, бу жиноят учун бош жавобгар ўзим, бу сеҳрли ўлимлар дастлаб шахсан мени ҳалок этажагини сезиб турибман.

– Барча махлуқлар ичида энг худбини, сурбети инсон, – деди д'Авриньи, – энг мақтанчоғи, мағрури, ўзига бино қўйгани ҳам инсон! У, қуёш фақат менга нур сочади, ер ҳам мени деб айланади, ўлим ҳам мени деб ҳаммага қирон келтиради дея ўйлайди; у – чўп устида туриб, Худога дўқ ураётган чумоли! Марҳумлар-чи? Маркиз де Сен-Меран, маркиза Сен-Меран хоним, жаноб Нуартье...

– И-я? Жаноб Нуартье?

– Ҳа, у ҳам! Сиз ҳали мана бу шўрлик қаролга суиқасд қилганлар, деб ўйлаяпсизми? Асло ундай эмас. Шекспирнинг Полонийси сингари Барруа ҳам бошқа бировга келган ажалга дучор бўлди. Аслида лимонадни Нуартьега ичирмоқчи эдилар. Нуартье уни ичди ҳам. Мана бу бечора бехосдан ичиб қўйди-да, балога йўлиқди. Аслида ажал Нуартьенинг ҳалқумига чанг солиши керак эди.

– Нега отам ҳалок бўлмади?

– Бунинг сабабини ўша Сен-Меран хоним вафот этган оқшом боғда тушунтирган эдим сизга. Унинг танаси бу заҳарга кўникиб қолган, унга таъсир қилмайдиган миқдордагисини бошқа истаган киши ичса, тил тортмай ўлади. Мен бир йилдан буён жаноб Нуартьени бурцин билан даволаб келаётганимни дунёда ҳеч ким, ҳатто қотил ҳам билмайди, бироқ бурцин ғоят кучли заҳар эканлигини ана шу қотил билади.

– Ё, алҳазар! – деди шивирлаб Вильфор, бармоқларини қирсиллатиб.

– Жиноятчининг ишини бошдан-оёқ бир назарингиздан ўтказинг: у дастлаб маркиз Сен-Меранни ўлдирди...

– Доктор, нима деяпсиз ўзи?

– Бунга имоним комил. Унинг ўлими ҳақида менга айтилган гапларни ўз кўзим билан кўрганларимга таққослаб чиқдим: бу ўлим бир-бирига жудаям ўхшаб кетади.

Вильфор энди эътироз билдирмай қўйди. У оғир хўрсинди.

– У дастлаб маркиз Сен-Меранни ўлдирди, – такрорлади доктор, – сўнг Сен-Меран хонимни ёруғ дунёдан бадарға қилди. Шу билан у иккала меросга эга бўлади.

Вильфор пешанасидан шовиллаб оқаётган терни артди.

– Диққат билан қулоқ солинг.

– Ҳар бир сўзингизни диққат билан тинглаяпман.

– Жаноб Нуартъе, – давом этди қаҳр-ғазаб билан д'Авриньи, – ўз васиятномасида бутун мол-мулкани бева-бечораларга беришга қарор қилди ва шу билан сизга ва оилангизга жуда боплаб панд берди. Жаноб Нуартъенинг бу инжиқлигини кечиришди, ундан бошқа бирор яхшилик кутиш бефойда эди. Бироқ у биринчи васиятномасини бекор қилиб, иккинчисини ёзиши биланоқ жиноятчи, «яна учинчисини ёзмасин», деб, унга заҳар ичирди. Иккинчи васиятнома, адашмасам, ўтган куни ёзилган эди. Кўриб турибсизки, улар вақтни беҳуда ўтказмасликка ҳаракат қилишибди.

– Шафқат қилинг, д'Авриньи!

– Раҳм-шафқат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, жаноб. Докторнинг муқаддас бурчи ҳаёт чашмасидан баҳраманд бўлиб, ажал сирларини билишдир. Жиноят содир бўлиб, Тангри жиноятчидан юз ўгирганда, докторнинг бурчи: «Мана, жиноятчи!» деб айтиб бериш.

– Раҳм қилинг қизимга! – деди бўғиқ овозда Вильфор.

– Унинг номини ўзингиз тилга олдингиз – сиз унинг отасисиз.

– Шафқат қилинг Валентинага! Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Уни бадном қилишга йўл қўймайман, виждони пок, бегуноҳ фаришта у! Уни гуноҳкор қилишдан кўра, ўзим қора курсига бориб ўтирганим яхши.

– Жаноб қироллик прокурори, раҳм-шафқат қилиш мумкин эмас. Далиллар яққол кўриниб турибди. Мадемуазель де Вильфор маркиз де Сен-Меранга дорини ўзи ўраб-туғиб жўнатган, дорини ичиб маркиз ўлди. Мадемуазель де Вильфор тайёрлаб берган ичимликни ичиб, де Сен-Меран бека ҳам вафот этди. Барруанинг қўлидан лимонад қуйилган графинни олиб, жаноб Нуартье столига қўйган ҳам шу мадемуазель де Вильфорнинг ўзи. Чол одатда ҳаммасини эрталаб ичарди. Бу фалокатдан уни Худо сақлабди-да, бўлмаса бу ҳам тил тортмай ўларди. Демак, жинойтчи мадемуазель де Вильфор – ана шу разил аёл. Жаноб қироллик прокурори, мен мадемуазель де Вильфорни айблайман, қани, энди ўз бурчингизни адо этинг!

– Доктор, мен сўзингизни қайтариб, ўзимни ҳимоя қилаётганим йўқ, сизга ишонаман, бироқ, илтимос қиламан: мени ҳалок қилманг, шармандаю шармисор этманг!

– Жаноб Вильфор, – давом эттирди сўзини доктор янада жиддий оҳангда, – қалтис вазият туғилган пайтда мен бўлмағур аҳд-паймонларни ҳечам инобатга олмайман. Қизингиз мабодо биргина жинойт қилганида ва мен, у яна иккинчисини мўлжаллаяпти, деб ўйлаганимда эди, сизга «уни огоҳлантириб, жазо беринг-да, гуноҳини кўзёшлари билан ювиш учун бирор монастирга умрбодга жойлаштиринг», деб қўя қолардим. Агар иккинчи марта жинойт қилганда шундай дердим: «Менга қаранг, Вильфор, бир зумдаёқ тириштириб қўядиган мана бу бедаво дорини олиб қизингизга ичиринг-да, гуноҳкорнинг жонини Худога топшириб қўя қолинг, ана шунда ор-номусингизни ҳам, ҳаётингизни ҳам муҳофаза қилган бўласиз, чунки у сизнинг жонингизга ҳам қасд қиляпти. Маккорона табасум, ёқимтой сўзлар билан тепангизга келаётганини кўриб турибман! Вақтни ўтказмай, зарбани биринчи бўлиб ўзингиз беринг! Йўқса балои азимга дучор бўласиз!» Мана, агар қизингиз фақат икки кишини ўлдирганда эди, шу гапларни айтиб қўя қолардим. Бироқ қизингиз уч кишини жон талвасасига солди, уч кишини ўлимга маҳкум этди, яна маккорлик қилиб учаласининг жасади устида тиз чўкиб ўтирди ҳам. Бу разил қотилани дарҳол қамамоқ керак, дарҳол! Сиз ор-номус ҳақида гапирдингиз,

менинг айтганимни бажо келтирсангиз, абадий ўчмас шуҳрат қозонасиз.

– Менда сизникидек кучли ирода йўқ ҳозир, – деди Вильфор, – лекин билиб қўйингки, агар бунақа гап сизнинг қизингиз устида кетганда эди, бу ирода сизда ҳеч бўлмасди, ҳа, бўлмасди.

Д’Авриньи бўзариб кетди.

– Доктор, билиб қўйингки, хотин зотидан туғилган ҳар бир кимса азоб-уқубатга ва ўлимга маҳкум, мен азоб чекишга ва ажалим етадиган пайт келишини кутишга мажбурман.

– Эҳтиёт бўлинг, – деди д’Авриньи, – у пайт тезда кела қолмайди. Ҳа, фақат отангиз, хотинингиз, эҳтимол ўғлингиз ҳам ҳалок бўлгач, навбат кейин сизга келар.

Вильфорнинг нафаси бўғилиб, докторнинг қўлидан тутди.

– Раҳм қилинг, доктор, – деди у. – Ёрдам беринг... Йўқ, йўқ!.. Менинг қизим айбдор эмас... судга беринг бизни, ўшанда ҳам: «Йўқ, йўқ! Қизимда гуноҳ йўқ», деявераман... Менинг хонадонимда ҳеч қанақа жиноят содир бўлгани йўқ... йўқ, уйимда жиноят юз беришини истамайман, эшитдингизми, истамайман... Чунки, жиноят, кимнинг уйига кирмасин, ўлим сингари якка кирмайди. Ҳой, бу ёққа қаранг, агарда мен қотиллик қурбони бўлиб кетсам сизга нима?.. Ёки сиз менинг дўстимсиз? Ёки сиз инсоний фазилатларга молик кишимсиз? Сизда инсоний қалб борми ўзи?.. Йўқ, асло йўқ! Сиз фақат докторсиз, фақат доктор! Шу боисдан мен сизга дангал айтаман: мен қизимни жаллод қўлига топширмайман! Бу фикр қалбимни ўртаяпти, ҳозирнинг ўзидаёқ кўксимни пора-пора қилиб ташлайман, аммо қизимни жаллодга топширмайман?.. Эҳтимол, сиз хато қилаётгандирсиз, доктор? Эҳтимол, қотил қизим эмас, бошқа бировдир? Унда нима бўлади?.. Борди-ю, кунлардан бир кун Азроил сингари қаршингизда пайдо бўлсаму, башарангизга тик қараб: «Қотил! Қизимни сен ўлдирдинг! Сен...» десам, хўш, ўшанда нима дейсиз менга? Д’Авриньи, шуни билиб қўйингки, христиан дини менинг мазҳабим, мабодо шундай воқеа юз бергудек бўлса, ўзимни ўзим ўлдириб қўя қоламан.

– Бўпти, – деди доктор бир оз ўйлаб, – мен кутаман.

Вильфор унга ишонқирамай қараб қўйди.

– Лекин шуни айтиб қўяй, – деди тантанавор оҳангда д’Авриньи, – энди хонадонингизда бирор кишининг тоби қочиб қолса, мабодо ўзингиз ҳам қотилнинг зарбасига дучор бўлганингизни сезиб қолгудек бўлсангиз, мени чақиртирманг, барибир келмайман. Бу даҳшатли воқеаларни сиз билан бирга сир сақлашга розиман, бироқ виждон азобида узлуксиз азият чекишни, шармисор бўлишни истамайман.

– Доктор, сиз мендан юз ўгириб кетяпсизми?

– Ҳа, энди иккимиз йўлдош бўлполмаймиз, мен сиз билан жаллод дори тагигача бордим, бас энди, шуниси ҳам етар. Яна бир жиноят фош этилса, бўлди – бу даҳшатли фожиа тамоматига етади. Алвидо.

– Доктор, илтимос қиламан! Доктор!

– Бу хонадонда нимани кўрсам, ҳаммаси ақлимни булғаяпти, уйингиздан жирканаман, нафратланаман. Алвидо, жаноб Вильфор!

– Яна биргина сўз, доктор, биттагина сўзим бор! Сиз мени гоёт даҳшатли пайтда ташлаб кетяпсиз. Кейинги сўзларингиз дард устига чипқон бўлди. Бироқ шўрлик Барруанинг тўсатдан ўлиб қолишининг сабабини сўрасалар, нима дейман?

– Бу гапингиз тўғри, – деди д’Авриньи, – қани юринг, мени кузатиб қўйинг.

Хонадан биринчи бўлиб доктор чиқди, Вильфор унинг кетидан борди. Ҳаяжонга тушиб қолган хизматкорлар доктор ўтаётган йўлкада ва зинада ўралашиб юришган эди.

– Жаноб, – деди Вильфорга д’Авриньи, ҳамма эшитсин деб баланд овозда, – бечора Барруа сўнгги йиллари жуда кам ҳаракат қилиб, умрини нуқул бир жойда ўтириб ўтказарди. Илгарилари у хўжайини билан гоҳ отда, гоҳ извошда бутун Европани кезиб юришга ўрганиб қолган эди. Курсидан туролмай қолган бемор ёнида ҳадеб ўтиравериш, ҳалок бўлди-да. Ўзи хўппа семиз, япасқи одам эди, қони яхши юришмай қолди. Тўсатдан миясига қон қуйилди. Мени жуда кечикиб чақиртирдилар. Айтмоқчи, – деди доктор шивирлаб, – гунафша шарбатини печкага тўкиб юборишни эсдан чиқарманг, тағин.

Доктор шундай деди-да, Вильфорга қўл бериб, хайрлашмай чиқиб кетди. Кўзлари ёшга тўла хизматкорлар уни қузатиб қолишди.

Шу оқшомнинг ўзидаёқ Вильфорнинг ҳамма хизматкорлари ошхонага тўпланиб, маслаҳатни бир жойга қўйишди-да, де Вильфор хоним ҳузурига кириб, бизни бўшатинг, деб илтимос қилишди. Уларни бу шаштидан қайтариш учун хоним кўп уринди, ойликларини оширишни ваъда қилиб кўрди, бўлмади. Улар оёқ тираб туриб олишди.

– Биз кетишга аҳд қилдик, чунки бу хонадондан ўлим аримай қолди.

Шундай дейишди-да, минг ялиниб-ёлворишларга қарамай, мурувватли хўжайинларидан, айниқса, меҳрибон мадемуазель Валентинадан жудо бўлаётганларига ачинаётганларини изҳор этиб, чиқиб кетдилар.

Хизматкорлар сўзлаётган пайтда Вильфор Валентинага қаради. Қиз бечоранинг кўзлари жиққа ёш эди.

Ажабо, қизини шу ҳолда кўриб ҳаяжонга тушган Вильфор де Вильфор хонимга ҳам кўз қирини ташлаб қўйди: хонимнинг юпқа лабларида аччиқ киноя аломати кўриндию, дарҳол йўқолди, бу худди довул пайтида булутли осмон тўрида хирагина ялтираган товушсиз чақмоққа ўхшарди.

IV. НОВВОЙ ОРОМГОҲИ

Граф де Морсер Дангларникидан бизга маълум сабабларга кўра шарманда бўлиб, кўзига ҳеч нарса кўринмай дарғазаб чиқиб кетган эди. Ўша куни кечқурун сочлари бошлаб таралган, мўйловлари буралган, қўлларига оппоқ қўлқоп кийган Андреа Кавальканти ўз фойтунида ғоз туриб келди-да, Шоссе д' Антендага банкир ҳовлиси олди-да отларини таққа тўхтатди.

Меҳмонхонага кириб бир зум ўралашиб юрди-да, сўнг қулай пайт топиб Дангларни дераза олдига тортди, сўзмонлик билан айтилган муқаддимадан сўнг мурувватли, олижаноб отаси кетгандан кейин бошига тушган талай ташвишлардан гапирди.

– Отам кетгандан буён мени ўз фарзандидек қучоқ очиб қабул қилган банкир оиласида бахтим очилишига амин

бўлдим, – деди у. – Буни мен ошиқларнинг беҳуда жунунидан афзал кўраман. Муҳаббатимни эса мадемуазель Дангларнинг шаҳло кўзларидан топдим.

Данглар бу гапларни зўр диққат билан тинглади, банкир бир неча кундан буён Адреанинг ана шу сўзларини эшитишга интизор эди, мана, энди эшитди-ю, чехраси гулдек очилиб кетди. (Морсернинг сўзлари Дангларнинг афтини буриштириб юборгани эсимизда.)

Шундай бўлса-да, у йигитнинг таклифини қабул қилишдан олдин, баъзи нарсалардан шубҳаланаётганини айтишга қарор қилди.

– Виконт, – деди банкир, – уйланишга ҳали ёшсиз-ку?

– Ҳечам, жаноб, – деди эътироз билдириб Кавальканти. – Италиядаги зодагонлар оиласида балоғатга етмай уйланиш расм бўлиб қолган, бу оқилона расм. Замонамизда тақдирга ҳеч ишонч қолмади. Бахт қуши бошингга кўндими, уни маҳкам ушла, йўқса ҳаммасини бой берасан.

– Хўп, – деди Данглар, – таклифингизни хотиним ва қизим қабул қилди, деб фараз қилайлик, у ҳолда бу аҳднинг амалий томонини ким билан муҳокама қиламиз? Бу муҳим масалани, менимча, фарзандларнинг фароғатда яшашларини кўзлаб, оталар ҳал этишлари лозим.

– Отам – чуқур мулоҳазали, кўпни кўрган, оқил одам. Францияда уйланиб қолишим мумкинлигини у олдиндан билган ва шу ваздан кетиш олдида, шахсиятимни тасдиқлайдиган ҳужжатлар билан бирга бир хат ҳам қолдирган эди. Бунда, агар қайлиқ унга маъқул тушса менга йилига (тўй кунидан бошлаб) бир юз эллик минг ливр бериб туришга ваъда қилган. Бу, чамамда, отам даромадининг тўртдан бир қисмини ташкил қилади.

– Мен эса, – деди Данглар, – илгариданоқ қизимнинг сепсарупосига беш юз минг франк беришни мўлжаллаб қўйганман. Бунинг устига қизим яккаю ягона меросхурим.

– Мана кўриб турибсизки, – деди Андреа, – баронесса Данглар ва мадемуазель Эжени таклифимни рад этмасалар бўлгани. Йилига бир юз етмиш беш минг даромадимиз бўлади. Борди-ю, мен маркизни менга рента тўлаб юрмай, сармойанинг ўзини ихтиёримга беришга кўндирсам (биламан, бу жуда қийин, бироқ, эҳтимол, ўнгариб кетар) олам гулис-

тон, унда сиз бизнинг икки-уч миллионимизни муомалага қўясиз, бунақа сумма тажрибали қўлларда ҳамиша ўн фоиз фойда келтириши мумкин.

– Мен ҳеч вақт тўрт фоиздан ортиқ тўламайман, – деди банкир, – тўғрироғи, уч ярим фоиздан ортиқ. Аммо куёвимга беш фоиздан тўлардим, шунда фойдани тенг бўлиб олардик.

– Жуда боп бўлади-да, отахон, – деди Кавальканти чапанича талаффуз билан (у қанчалик ўзини китоблардек сипо тутишга ҳаракат қилмасин, гоҳ-гоҳ ўша сиполикдан асар ҳам қолмасди) ва дарҳол ўзини қўлга олиб узр сўради: – Кечиринг мени, барон, қувонганимдан ўзимни йўқотиб қўяй дедим.

Данглар эса беғаразлик билан бошланган суҳбат бора-бора олди-сотдига айланиб кетганини фаҳмлаб:

– Бироқ отангиз рад қилолмайдиган мулкингиз ҳам бўлса керак? – деди.

– Қанақа мулк экан у? – сўради Андреа.

– Онангиз ихтиёридаги мулк.

– Ҳа, албатта, онам Оливе Корсинарининг мулки.

– Мулкингизнинг бу қисми тахминан қанчага боради?

– Очигини айтсам, – деди Андреа, – бу менинг ҳеч эсимга келмаган экан. Чамамда, икки миллионга бориб қолар.

Данглар ўзида йўқ қувониб кетди. Шу пайт у йўқолган хазинасини топиб олган хасис бойга ёки фарқ бўлаётиб бирдан оёғи ерга тегиб қолган кимсага ўхшарди.

– Барон, – деди Андреа, банкиргга эҳтиром билан таъзим қилиб, – ишонсам бўладими?..

– Бўлади, виконт, – деди Данглар, – ишонаверинг, ўзингиз ғов солмасангиз бўлди, масала ҳал.

– Оҳ, барон, мен бахтиёрман, бахтиёр! – деди Андреа.

– Бироқ, – деди Данглар ўйчан, – Париж зодагонлари орасида сизга ворислик қилиб юрган граф Монте-Кристо кўмаклашиш учун сиз билан бирга келмади-ку.

Андреа хиёл қизарди.

– Мен тўғри графнинг олдидан келдим, – деди у. – У, шубҳасиз, яхши одам, бироқ унинг ўзига хос хусусиятлари кўп. У менинг бу қароримни жуда маъқуллади, ҳатто, отангиз фойда ўрнига сармоянинг ўзини беради, мен бунга амин-

ман, деди, бу борада отамга ўз таъсирини ўтказишга ваъда ҳам қилди. Бироқ, шу вақтгача ҳеч кимга воситачилик қилганим йўқ ва бундан кейин ҳам қилмайман, бунақа масъулиятли ишга аралашмайман, деди. Мана шу одатим бўйича сизга воситачиликни гарданимга ололмаганим учун афсусланаман, албатта, чунки сизнинг никоҳингиз, шубҳасиз, хайрли бўлади, деб қўйди. Ҳар ҳолда бизнинг бу ишимизга у расмий равишда иштирок этмаса-да, истасалар ўз фикрини сизга айтишга тайёр.

– Жуда соз.

– Хуллас, – деди Андреа жилмайиб, – қайнатам билан гапимиз пишди, энди банкирда ишим бор.

– Хўш, қандай ишингиз бор экан унда сизнинг? – деди кулиб Данглар.

– Индинга сиздан тўрт минг франк чамаси пул олишим керак, бироқ биласизми граф, бу ойда менинг сарф-харажатим кўпроқ бўладиганга ўхшаб турибди, мен шўрлик бўйдоқнинг даромади етмай қолар, шу важдан у менга йигирма минг франкка чек ёзиб берди, мана. Бунга графнинг ўзи қўл қўйган. Бу етарли бўлса керак-а?

– Бундай ҳужжатни миллион франкка олиб келсангиз ҳам қабул қилавераман, – деди Данглар чекни чўнтагига тиқиб. – Ўзингиз қулай бир вақтни белгиланг, кассирим ҳузурингизда ҳозир бўлади ва йигирма тўрт минг франкни нақд оласиз.

– Агар қулай бўлса, эрталаб соат унда, қанча эрта бўлса шунча яхши, эртага шаҳар атрофига сайрга чиқмоқчиман.

– Бўпти, соат унда, ҳар галгидек кассир Шаҳзодалар меҳмонхонасига борсинми?

– Ҳа.

Эртаси соат нақ унда банкирнинг кассири келди-да, Кавальканти йигирма тўрт минг франкни жарақ-жарақ санаб олди, Андреа эса Кадруссга икки юз франкни ташлаб, чиқиб кетди.

Андреа шу пайт асосан дўсти билан учрашувдан қочиш учун чиқиб кетган, жуда кеч қайтиб келишининг боиси ҳам шунда эди. Лекин у ҳовлига қадам қўйиши билан олдида меҳмонхона қоровули пайдо бўлди.

– Жаноб, – деди у, – анави киши келган эди.

– Қанақа киши? – деди эътибор бермай Андреа, у гап кимнинг устида бораётганини тушуниб турган бўлса-да, ўзини билмасликка солди.

– Сиз жаноб олийлари оз-моз садақа бериб турадиган одам.

– Э-э, – деди Андреа, – отамнинг эски қароли. Мен ташлаб кетган икки юз франкни бердингми унга?

– Бердим, жаноби олийлари.

Андреанинг хоҳишига мувофиқ хизматчилари уни «жаноб» деб аташарди.

– Лекин у бу пулни олмади, – деди қоровул. Андреанинг ранги ўчди, бироқ қоронғиликда буни ҳеч ким сезмади.

– Шунақа де? Олмадими? – деди у титроқ овозда.

– Олмади, сизга учрашмоқчи бўлди. Мен сизни уйда йўқлар, дедим. У, топиб бер, деб оёғини тираб туриб олди. Охири зўрға ишонди-да, сизга конвертда бир хат қолдириб кетди.

– Хатни бер, – деди Андреа.

У хатни фойтун лампасига тутиб, ўқиди: *«Менинг турган жойимни биласан, эртага эрталаб соат тўққизда сени ўша ерда кутаман».*

Андреа бирон киши очиб, ўқимадимикин, деб хатнинг муҳрини синчиклаб текширди: аммо хат жуда усталик билан тахланган бўлиб, уни ўқиш учун албатта муҳрни узиб олиш шарт эди. Андреа муҳрга қўл тегизилмаганлигини кўриб, кўнгли тинчиди.

– Бўпти, – деди у. – Шўрлик бебаҳо одам-да! Меҳмонхона қоровули бу сўзлардан тўла қаноат ҳосил қилди, кўпроқ кимга қойил қолишни – ёш жаноб олийларигами ёки кекса қаролгами – билмай, ҳайрон бўлиб қолди.

– Тез ишингни битириб, олдимга чиқ, – деди Андреа хизматкорига. Сўнг икки ҳатлаб ўз бўлмасига кирди-да, Кадруссининг хатини куйдириб, кулини сочиб юборди.

Шу орада хизматкор кириб келди.

– Сенинг бўйинг менинг бўйим билан тенг, – деди Андреа хизматкорига.

– Худди шундай, жаноб, – деди хизматкор.

– Кеча сенга янги либос келтиришлари керак эди.

– Шундай, жаноб.

– Мен бугун бир ойимча билан ишрат қилмоқчиман. Унга унвонимни, мавқеимни билдирмоқчи эмасман. Устингдаги кийимингни менга бериб тур, зарурат туғилиб қолгудек бўлса, қовоқхонада ётиб қолиш учун ҳужжатларингни ҳам бер.

Пьер «хўп», деб таъзим қилди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас Андреа ҳеч таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб, меҳмонхонадан чиқди-да, икки филдиракли извош кира қилиб, Пикплюсдаги «Жийрон» қовоқхонаси томон йўл олди.

У эртасига Шаҳзодалар меҳмонхонасидаги сингари, ҳеч кимга кўринмай қовоқхонадан чиқди-да, Сент-Антуан қишлоғидан ўтиб, хиёбон орқали Менильмонтан кўчасига кирди, чап томондан учинчи ҳовли олдида тўхтади. Қоровул йўқ эди, кимдан сўрасам бўларкин, деб анқайиб турган эди, дўкон олдида турган баққол хотин:

– Ҳой, барно йигит, кимни ахтариб юрибсиз? – деб сўраб қолди.

– Хўппа семиз Пайтени жанобларини, – жавоб қилди Андреа.

– Собиқ новвойними? – сўради баққол хотин.

– Худди ўшани.

– Ҳовлининг тўрида – чап томондаги уйнинг тўртинчи қаватида.

Андреа ҳовлига кириб, ўша томонга йўл олди, тўртинчи қаватга чиқди-да, эшиқда осилиб турган қуён панжасини зарда билан силтаб-силтаб тортди. Кўнғироқ қаттиқ жаранглаб кетди.

Зум ўтмай эшиқдаги кичкина панжарадан Кадруссининг башараси кўринди.

– Айтган вақтнинг худди ўзида келдинг-а? – деди Кадрусс ва эшикни очди.

– Бўлмасам-чи? – деб Андреа ичкари кирди-да, шапкасини улоқтириб юборди.

– Ҳой, ҳой, йигитча, зарда қилма! – деди Кадрусс. – Мана, қара, мен қанчаллик ғамхўрлик қилиб қўйдим. Нонуштанг учун кўнглингдигидек ажойиб таомлар тайёрлаб қўйдим, мана, кўрдингми.

Андреа чиндан ҳам иштаҳани қитиқлайдиган таомлар хиди анқиётганини сизди. Бу провансаль таомлари ичида

ажралиб турадиган мой билан саримсоқ пиёзнинг қоришмаси, қовурилган балиқ, мускат ёнғоғи ҳамда зираворнинг хиди эди. Бу таомларнинг барчаси иккита чуқур идишга солиб қўйилганди, чўян печкадаги кострюлда нимадир биқирлаб қайнаб ётарди.

Бундан ташқари иккинчи хонада ҳам стол безатиб қўйилган эди, стол устида икки кишилик қошиқ-коса, икки бутилка вино (бунинг биттаси зангори сурғуч билан, иккинчиси сариқ сурғуч билан муҳрланган), бир графин ароқ, ликобчаларда мевалар...

– Хўш, йигитча, қалай? – деди Кадрусс. – Жойидами? Менинг моҳир ошпаз бўлганлигимни биласан-ку. Эсингдами, ликобчаларни ҳам ютиб юборай дердинг? Ҳаммадан кўпроқ менинг сарқитларимни ҳеч ҳазар қилмай паққос туширадиган ўзинг эдинг-да.

Кадрусс пиёз арчишга тушди.

– Бўлди, бўлди, кўп вайсайверма, – деди ўксиниб Андреа, – агар шу нонуштага чақириб мени безовта қилган бўлсанг, йўқол, кўринма кўзимга!

– Ўғлим, – деди Кадрусс насиҳатомуз, – суҳбат мана шундай овқат устида қизийди-да, ахир, сен бетавфиқ, эски қадрдон дўстингни соғинмайсанми? Мен сени роса соғиндим, сени кўриб кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди.

Кадрусс ростданам йиғлаётган эди шу пайтда, бироқ собиқ қовоқхоначи қувонганиданми ёки пиёзнинг аччиғиданми – қайсинисидан кўзёши тўкаётганлигини билиш қийин эди.

– Учир овозингни, бадбахт! – деди Андреа. – Бу мени яхши кўрармиш! Ростдан-а?

– Ростдан, ростдан яхши кўраман, – деди Кадрусс, – бу мендаги бир иллат, иложим қанча?

– Бирор эҳтиёж туғилиб қолганда мени чақириб учун топган вазифа бу сенга.

– Қўй бўлмағур гапларни, – деди Кадрусс катта ошпичоғини этагига артиб. – Сени яхши кўрмаганимда хоҳишингга қараб шундай бахтсиз турмуш кечиришга рози бўлармидим? Мана, ўзингга бир қара: устингда хизматкорингнинг либоси – демак, сенинг хизматкоринг бор, менинг эса хизматкорим йўқ. Сабзи-пиёзни ўзим артишга мажбурман: ме-

нинг овқатларимга қўл тегизишга ҳазар қиласан, чунки Шаҳзодалар меҳмонхонасида ёки Кафе-де-Паридаги тақводорлар ресторанида овқатланасан. Ахир, мен ҳам хизматкор сақлашим, извошли бўлишим ва истаган жойда овқатланишим мумкин эди-ку, нега мен мана шу лаззатлардан ўзимни-ўзим маҳрум этиб ўтирибман? Болакайим Бенедеттонинг дилини сиёҳ қилмаслик учун. Ҳеч бўлмаса «ҳақ гапни айтяпсан» деб қўйсанг-чи.

Кадруссининг маънодор тикилиши бу сўзларга қўшимча бўлди.

– Майли, сенинг айтганинг бўлсин, – деди Андреа, – сен мени яхши кўрасан, дея қолайлик. Бироқ, нега мени нонуштага чақирдинг?

– Дийдорингни кўриш учун.

– Мени нечук кўргинг келиб қолди? Ахир биз ҳамма масалаларда келишиб олган эдик-ку.

– Э-э, жўра, – деди Кадрусс, – изоҳсиз васиятнома бўладими? Ке, аввал бир нонушта қилиб олайлик. Ўтир, мана бу ҳасилдан ва таъбингга ёқсин, деб ток барги устига қўйган сариеғдан бошлайлик. Ҳа, кўриб турибман, кулбамни кўздан кечиряпсан, қамиш стуллар, девордаги арзон суратларни кўриб ҳайрон бўляпсан. Баҳоли қудрат, ахир бу Шаҳзодалар меҳмонхонаси эмас-да!

– Ана, кўрдингми, нолишга тушдинг энди, ахир ўзинг осойишта ҳаёт кечираётган новвой сингари яшашни орзу қиламан, деган эдинг-ку.

Кадрусс хўрсиниб қўйди.

– Тағин нима? Орзунг ушалди-ку.

– Бу фақат орзу, осойишта ҳаёт кечираётган новвой бой одам, даромади бор.

– Даромад сенда ҳам бор.

– Менда ҳам?

– Ҳа, сенда ҳам. Мана, икки юз франк ҳақингни келтирдим.

Кадрусс елкасини қисиб қўйди.

– Рози бўлмай берилган пулни олиш пасткашлик-ку, – деди у, – вақти келиб бу пулдан ажраб қолишим ҳеч гапмас. Илло, унинг бир қисмини ёмон кунингга ярар деб тишимнинг ковагида асраб юрибман. Э-э, жўра! Бахт кўр

бўлур, тўғри келганга қўнаверади, полкимиздаги коҳин шундай деган эди. Сен жуда катта бахтга эга бўляпсан, галварс. Дангларнинг қизига уйланыпсан-а.

– Нима? Дангларнинг қизига?

– Ҳа, Дангларнинг қизига! Ёки барон Дангларнинг қизига, дейиш керакми? Бу граф Бенедетто деганга ўхшаш гап! Ахир биз Данглар билан оғайнимиз, эси паст бўлма-са, мени тўйингга чақириши лозим эди... Ахир у менинг тўйимда бўлган эди-ку... Ҳа, ҳа, менинг тўйимда! У вақтда бунақа гўдайган эмасди, жаноб Моррелнинг кичкина хизматчиси эди, холос. Кўп марта бирга жаноб де Морсерникида овқатланган эдик... Мана, кўрдингми, менинг зодагонлар орасида таниш-билишларим йўқ эмас, агарда алоқани узмаганимда, ўша меҳмонхоналарда сен билан бирга бўлардим.

– Бунчалик ёлғонни ҳасаддан тўқиётган бўлсанг керак-а, Кадрусс.

– Бўпти, бўпти, Бенедетто. Мен билиб гапиряпман. Эҳтимол мен ҳам вақти келиб байрам либосларини кийиб, яса-ниб, биронта бойваччанинг дарвозаси олдига борарман-да: «Қани, эшикни очинг!» деб гўддаярман. Ке, қўй у гапларни, нонуштага ўтир.

Кадрусс биринчи бўлиб овқатнинг чангини чиқара кетди, у таомларни мақтаб-мақтаб ер эди. Андреа эса оч қориннинг буйруғига итоат қилиб, бутилкани шартта очди ва стаканни тўлдириб вино ичди-да, олдига қўйилган таомлардан ея бошлади.

– А-ҳа, оғайни, – деди Кадрусс, – эски ошпаз дўстинг билан ярашиб олдинг, шекилли?

– Йўқ, аксинча, пушаймон қиляпман, – деди соғлом, навқирон Андреа, овқатдан бошини кўтармай.

– Хўш, лўттибоз, қалай, таомлар мазали бўптими?

– Мазали бўлганда қандай! Шундай мазали таомларни пишириб ейдиган одам тағин нимадан нолиркан, ҳайронман.

– Бахтимни бир ўй заҳарляпти, – деди Кадрусс.

– Қанақа ўй экан у?

– Бировнинг ҳисобига, бировга муте бўлиб яшаяпман-а, деган ўй. Ахир ҳалол меҳнат қилиб кун кўраётган эдим-ку.

– Топган гапингни қара-я, – деди Андреа, – ҳали шунга ташвишланиб юрибсанми. Меники иккимизга ҳам етиб, ортади, сира тортинма.

– Ишонасанми, йўқми, у сенинг ишинг, бироқ ҳар оининг охирида виждон азобида қийналаман.

– Ке, Кадрусс, бас қил бу гапларни!

– Кеча икки юз франкни олмаганингни боиси шунда.

– Сен мени шунинг учун кўрмоқчимидинг?

– Худди шунинг учун, бундан ташқари миямга яна бир фикр келди.

Андреа сесканиб тушди. Кадруссинг фикрлари уни ҳамиша ваҳимага соларди.

– Биласанми, – деди Кадрусс, – нуқул биринчи санани кутиш роса жонга тегди-да.

– Э-э, – деди суҳбатдоши гапни қаёққа бураётганини билгандек Андреа, – бутун ҳаёт кутишдан иборат эмасми ахир? Мен-чи? Менинг турмушим-чи? Мен ҳам сабр қилиб кутяпман.

– Тўғри, бироқ сен арзимаган икки юз франкни эмас, беш ёки олти минг франкни, эҳтимол, ўн минг ё йигирма минг франкни кутасан. Қувсан-да, шумсан. Ҳамиша бечора Кадруссдан яшириб қўядиган ҳамёнларинг бўларди. Хайриятки, ана шу шўрлик Кадрусс искаб топиш қобилиятига эга.

– Яна бўлмағур гапларга ўтдинг-да, – деди Андреа, ҳадеб ўтмишдаги гапларни эса олаверасанми, нима кераги бор бунинг?

– Сен эндигина йигирма бир баҳорни кўрдинг, ўтмишни унутиш сен учун осон, мен эса элликка кирдим, ўтмиш ихтиёран... беихтиёр ёдимга тушади. Ке, ишларимиз ҳақида гаплашайлик.

– Энди ўзингга келдинг.

– Мен сенинг ўрнингда бўлсайдим...

– Хўш, нима қилардинг?

– Сармоямни муомалага қўярдим.

– Муомалага қўярдинг?

– Ҳовли-жой қилиб, сайланиш ҳуқуқига эга бўлмоқчиман деган баҳона билан ярим йиллик пулни олдиндан олардим-да, жуфтакни ростлаб қолардим.

– Қани, қани! – деди Андреа, – бу фикр дурустга ўхшайди.

– Азизим, – деди Кадрусс, – мен пиширган овқатнинг чангини чиқар-у, маслаҳатимга қулоқ сол: сен бунда фақат ютасан, танинг ҳам, жонинг ҳам роҳатда бўлади.

– Менга берган маслаҳатдан нега ўзинг фойдаланмайсан, хўш? – деди Андреа. – Нега ўзинг Брюсселга бориб ярим йиллик, бир йиллик пулингни муомалага қўймайсан? Шундай қилсанг, собиқ новвой ниқобини йиртиб ташлаб, ҳақиқий ишбилармон бўлиб қолардинг-ку. Ҳозир бу жуда удум бўлган.

– Бир минг икки юз франк билан нима қила олардим?

– Иштаҳанг карнай-ку, Кадрусс! – деди Андреа. – Бундан атиги икки ой бурун очдан ўлай деб тишингнинг кирини сўриб юрардинг-ку!

– Иштаҳа овқат маҳалида очилади, деганлар, – деди Кадрусс кулаётган маймун ёки бўкираётган шер сингари тишларини ғижирлатиб. – Бу борада режа ҳам тузиб қўйдим, – қўшимча қилди у катта бурда нонни тишлаб.

Кадрусснинг режалари унинг фикрларидан кўра баттарроқ ваҳимага соларди Андреани. – Фикр – эндигина туғилган ўй-хаёл, режа эса амалга ошириладиган нарса.

– Қанақа режа экан у? – деди Андреа, – фаҳмлаб турибман мен ҳам!

– Ҳа, ёмонми? Ўша маълум жойдан чиқиб кетиш режасини ким тузган эди? Мен бўлсам керак? Тўғримми? Менимча, бу ёмон бўлгани йўқ, йўқса, биз бу ерда ўтирмаган бўлардик!

– Тўғри, мен бунга эътироз билдираётганим йўқ, – деди Андреа, – баъзида оғзингдан маънили гап ҳам чиқиб қолади. Хўш, режани гапир, қанақа режа у?

– Менга қара, – давом этди Кадрусс, – менга, ўз ёнингдан бир тийин қўшмай, ўн беш минг франк топиб бера оласанми?.. Йўқ, ўн беш минг камлик қилади, ўттиз минг франксиз тузукроқ одамлар қаторига киришим мумкин эмас!

– Йўқ, – деди Андреа, – бу менинг қўлимдан келмайди.

– Сен гапимга тушунмадинг, шекилли, – деди Кадрусс совуққина, – ёнингдан бир тийин қўшмай, деяпман.

– Нима демоқчисан ўзи! Мен пул ўғирлай, ушлаб олишсин-да, ишимизниинг расвоси чиқиб, бизларни қамоқхонага олиб кетишсин, демоқчимисан?

– Менга барибир, – деди Кадрусс, – олиб кетишса кетаверишсин. Биласанми, менинг ғалати одатларим бор: баъзан жўраларимни қўмсаб, соғиниб, кўргим келиб қолади, сенга ўхшаб бемехр эмасман, юборсалар, жўраларим билан дийдор кўришаман. Сен бўлсанг уларни кўрарга кўзинг, отарга ўқинг йўқ, ҳа.

Андреа бу гап фақат сесканибгина қолмай, қути учиб ҳам кетди.

– Қўй аҳмоқона гапларингни, Кадрусс, – деди у.

– Қўрқма, Бенедетто, ўзинг четда туриб, менга ўша ўттиз минг франкни қўлга тушириш йўлини кўрсатиб берсанг бўлгани, у ёғини менга қўйиб беравер.

– Майли, ўйлаб кўраман, – деди Андреа.

– Унгача менинг пенсиямни беш юз франкка ошириб қўясан, бўптими? Оқсоч ёлламоқчиман.

– Бўпти, беш юз франк оласан, – деди Андреа, – бироқ бу мен учун оғир, Кадрусс, сен жуда ҳаддан ошиб кетяпсан...

– Нимага оғир бўларкан, – деди Кадрусс. – Ахир сен таги йўқ сандикдан жарақлатиб олиб турибсан-ку ҳисобсиз франкларни!

Андреа афтидан, шу гапни қутиб турган экан, шекилли, унинг кўзлари ялт этиб ёниб, шу заҳоти сўнди.

– Бу гапинг тўғри, – деди Андреа, – ворисим менга қолганда жуда ҳотамтой.

– Жудаям олижаноб ворис экан-да! – деди Кадрусс, – у сенга ҳар овда қанчадан беряпти?

– Беш минг франкдан, – деди Андреа.

– Сен менга беш юз, у сенга беш минг, – деди Кадрусс. – Ҳаромиларнинг ошиғи ҳамиша олчи бўлади, деганлари тўғри экан-да. Бир ойда беш минг франк!.. Шунча пулни қаёққа сиғдириб бўларкан-а?

– Бе! Бу пулни совуриш ҳеч гап эмас, бироқ мен ҳам сен каби маблағ орттирмоқчиман.

– Маблағ... уқдингни, ҳамманинг ҳам маблағ орттиргиси келади.

– Меним маблағим бўлади, албатта.
– Ким беради сенга маблағни? Князингми?
– Ҳа, менинг князим. Афсуски, бир оз кутишга тўғри келади.

– Нимани кутишинг керак? – сўради Кадрусс.

– Унинг ўлимини!

– Князинг ўлиминими?

– Ҳа.

– Нега энди?

– Ўз васиятномасида у менинг номимни ҳам ёзади.

– Ростдан-а?

– Ҳа, ростдан.

– Сенга қанча ёзибди?

– Беш юз минг!

– У-хў, жа опқочдинг-ку.

– Бор гапни айтяпман сенга.

– Бўлмағур гап!

– Кадрусс, сен дўстиммисан?

– У дунёю бу дунё!

– Унда сенга сиримни айтганим бўлсин.

– Айт.

– Бироқ унутмагинки...

– Бировга чурқ этсам, тилим кесилсин.

– Хуллас, назаримда...

Андреа жим бўлиб атрофга аланглади.

– Хўш, назарингда... Қўрқма! Иккимиздан булак жин ҳам йўқ бу ерда.

– Назаримда отамни топганга ўхшайман...

– Ҳақиқий отангними?

– Ҳа.

– Кавальканти отангними?

– Йўқ, у кетди, сен айтганингдек, ҳақиқий отамни.

– Демак, ҳақиқий отанг...

– Кадрусс, ҳақиқий отам граф Монте-Кристо.

– Бўлмаган гапни қўй!

– Бу ҳақиқат, мана кўрасан, ҳамма нарса маълум бўлади.

Граф, мени ўғлим деб ошкора айтолмаётганга ўхшайди, чол Кавальканти бунни буйнига олиб, эллик минг франкни ҳамёнга уряпти.

– Сенинг отанг буламан деб эллик минг франк! Мен бунинг ярмига, яъни йигирма минг-йигирма беш мингга ҳам кўнардим. Нега ўшанда мен ҳақимда ўйламадинг, ношуд банда?

– Мен қаёқдан билай? Бу гапларнинг ҳаммасини биз ана у ёқдалигимизда ҳал этиб қўйишган экан.

– Э, тўғри. Гапингга қараганда, у васиятномасида сенга...

– Менга беш юз минг франк ёзиб қолдиряпти...

– Бунга имонинг комилми?

– Менга ўзи кўрсатди, бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас.

– Ҳали мен айтгандек, қўшимчаси ҳам борми?

– Шундай бўлса керак.

– Қўшимча ёзувда нима дебди?

– У мени ўз ўғлим дебди.

– Жудаям олижаноб ота экан-да! Мақтаб, кўкларга кўтарса арзийдиган ота экан-да! Офарин-э! – дея хитоб қилди Кадрусс ва қўлидаги ликопчани юқорига ирғитди-да, яна икки қўли билан илиб олди....

– Мана, кўрдингми, сенга сиримни айтдим. Энди, мендан кўп гапни яширасан, дейишга, тилинг бормаса керак.

– Шундай дейишга ҳақлисан, менга ишониш сен учун фарз. Хўш, ўша ҳақиқий отанг, князь, жуда бойми?

– Жудаям. Қанча пули борлигини ўзиям билмайди.

– Йўғ-э!

– Билиб гапиряпман: мен уникага худди ўз уйимдай истаган вақтимда бемалол кириб боравераман. Яқинда банк ходими унга сенинг дастурхонингдек халтада эллик минг франк қоғоз пул олиб келиб берди, кунни кеча банкирнинг ўзи юз минг олтин келтирди.

Кадрусс ҳанг-манг бўлиб қолди, Андреанинг сўзлари оҳангида олтин сўпковойлар жаранглагандай, червонлар шарақлагандай туюлди.

– Ўша уйнинг эшиги сенга ҳамиша ланг очик, дегин? – деди у соддадиллик билан.

– Ҳамма вақт.

Кадрусс жим бўлиб қолди, шу пайт унинг мияси бир фикр билан банд эканлиги сезилиб турарди. Сўнг у томдан тараша тушгандай қилиб:

– Қани энди мен ҳам шуларни бир кўрсайдим! – деди. –
Жуда маза бўлса керак-а.

– Тўғри, – деди Андреа, – у жуда дориламон ҳаёт кечиради.

– У, адашмасам, Елисей Майдонида турса керак?

– Ҳа, ўтгизинчи уйда.

– Ўтгизинчими? – такрорлади Кадрусс...

– Ҳа. Ажойиб боғ-роғлик ҳовли-жой, сен уни яхши билишинг керак!

– Эҳтимол, эҳтимол, бироқ мени у кошонанинг ташқи кўриниши эмас, ич томони қизиқтиради, уй жиҳозлари ҳам ажойиб бўлса керак.

– Сен Тюилрида ҳеч бўлганмисан?

– Йўқ.

– Уники Тюилридан ҳам шинам, гўзал.

– Андреа, менга қара, ана ўша зот тушириб қолдирган ҳамёни ердан эгилиб олган киши жуда маза қилса керак-а?

– Ҳамёнини туширишни кутишнинг ҳожати йўқ, – деди Андреа, – унинг пуллари худди боғда тўкилган олма сингари ҳамма ёқда сочилиб-тўкилиб ётади.

– Бирор марта уникага мени ҳам олиб борсанг-чи.

– Қандай қилиб? Сени ким деб олиб бораман?

– Гапинг тўғри, гапларингни эшитиб сўлагим оқиб кетди-да. Буларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан албатта кўришим керак, ҳовлига кириш йўлини ўзим топаман.

– Қўй, жинни бўлма, Кадрусс!

– Пол артувчиман деб кираман.

– Ҳамма хоналарга гилам тўшалган.

– Оббо, лаънати-е! Демак, буларнинг ҳаммасини узоқдан тасаввур қилиб юраверарканман-да.

– Шундай қилганинг маъқул.

– Ҳеч бўлмаса, у ерда нималар борлигини айтиб бера қол.

– Қанақасига айтиб бераман сенга?

– Бу осон гап-ку? Уй каттами?

– Ўртамиёна.

– Хоналар қандай жойлашган?

– Агар сенга уйнинг жойлашиши керак бўлса, қоғоз ва сиёҳ олиб кел.

– Ҳозир! – деди шошиб Кадрусс ва эски ёзув столидан қоғоз, сиёҳ ва патқалам олди. – Мана! – деди Кадрусс. – Қани, ўғлим, қоғозга чизиб бера қол.

Андреа мийиғида илжайиб қўйди-да, ёза бошлади.

– Уй олдида ҳовли ва боғ бор, мана қара.

Андреа боғ, ҳовли ва уйнинг шаклини туширди.

– Девори баландми?

– Девори, саккиз ёки ўн футдан ошиқ эмас.

– Бу ўта эҳтиётсизлик оқибати, – деди Кадрусс.

– Ҳовлида гулхона, майсазорлар, чиройли дарахтлар бор.

– Қопқон йўқми?

– Йўқ.

– Отхонаси қаерида?

– Дарвозанинг икки томонида, мана бу ерда, бу ерда, – деди Андреа чизиб.

– Пастки қаватнинг суратини чизиб бер менга, – деди Кадрусс.

– Пастки қаватда ошхона, иккита меҳмонхона, бильярдхона, даҳлиз, ташқи зина ва ички зина бор.

– Деразалар-чи?

– Деразалар оҳангжамали қилиб қурилган, катта-катта, кенг. Чамамда, деразаларнинг бир ойнасига сенинг бўйинга тенг киши бемалол сиғади.

– Уйда шунақа деразалар турганда, тагин зина ясашнинг нима кераги бор экан-а!

– Нима ҳам дердинг? Ҳашам, безак!

– Деразаларда қопқоқ борми?

– Бор, бироқ уларни сира ёпишмайди. Бу қурмагур граф Монте-Кристо жуда ғалати одам. Ҳатто тунлари ҳам осмонга тикилишни яхши кўради.

– Хизматчилар қаерда ухлашади?

– Улар учун алоҳида хона ажратилган, ҳовлининг ўнг томонида ўт ўчириш шотилари сақланадиган сарой устида, ҳар бир хизматчининг алоҳида-алоҳида бўлмаси бор: асосий уйдан у ерга қўнғироқ ўрнатилган.

– Оббо, қўнғироқ бор экан-да!

– Нима қилди?

– Ҳеч нима, қўнғироқ жуда қиммат туради деяпман, нима кераги бор экан бу қўнғироқларнинг-а?

– Илгари бир ит бор эди, туни билан ҳовлида санғиб юрарди, сўнг уни Отейлга, сен бориб юрган жойга элтиб қўйишди.

– Ҳа, шунақа дегин?

– Мен кеча унга шундай дедим: «Граф, сиз жуда эҳтиётсизлик қиляпсиз, Отейлга кетганда ҳамма хизматчиларни олиб кетасиз, уйда ҳеч ким қолмайди». «Хўш, нима бўпти?» – деди у. «Бир кунмас бир кун ўғри тушиб, шипшийдан қилиб кетиши мумкин», – дедим.

– Шунда у нима деди?

– Нима деб жавоб берди деяпсанми?

– Ҳа.

– У: «Ҳа, ўғри тушса тушар», деди.

– Андреа, эҳтимол у ерда ўғрини тутиб берадиган бирор нарса яшириб қўйилгандир, а?

– Қанақа нарса?

– Ўғрини маҳкам қўлидан тутиб олади-ю, шу заҳоти муסיқа чалиб юборадиган бир сирли нарса. Шунақасини кўргазмада намоёниш қилишибди, дейишяпти.

– Қизил дарахт тахтасидан ясалган секретер¹⁶ бўлиб, унда ҳамиша калит осилиб туради.

– Шундай ҳолдаям, графнинг ҳеч ким ҳеч нарсасини ўғирламайдими?

– Ҳеч ким, барча хизматкорлари унга ғоят содиқ одамлар.

– Ўша секретер пулга лиқ тўладир-а!

– Бўлса бордир... Ким билсин!

– Қаерда у?

– Иккинчи қаватда.

– Қани, болакай, иккинчи қаватнинг суратиниям чизиб бера қол.

– Марҳамат, – деди Андреа ва яна қаламни қўлига олди.

– Иккинчи қаватда даҳлиз, меҳмонхона бор, меҳмонхонанинг ўнг томонида кутубхона ва кабинет, чап томонида ётоқхона ва аёл бўлмаси. Секретер ана шу аёл бўлмасида.

– Дераза борми у ерда?

¹⁶ Секретер – жавон.

– Иккита дераза бор: мана бу ерда, бу ерда, – деди Андреа ва графнинг кенг ётоқхонасига ёндош бўлманинг икки деразасини ҳам чизиб берди.

Кадрусс ўйланиб қолди.

– У Отейлга тез-тез бориб турадимми? – сўради у.

– Ҳафтада икки-уч марта, эртага Отейлга кетиб, кун бўйи ўша ерда бўлади ва гоҳо тунаб ҳам қолади.

– Бунга ишончинг комилми?

– У мени ўша ёққа тушликка таклиф қилди.

– Яшаш мана бунақа бўпти! – деди Кадрусс. – Шаҳарда ҳам ҳовли-жой, шаҳар ташқарисида ҳам ҳовли-жой!

– Бой-да.

– Сен тушда уникага борасанми?

– Бораман.

– Эҳтимол ётиб ҳам қоларсан?

– Хоҳласам ётиб ҳам қолавераман. Графнинг уйи ўз уй-имдай гап.

Кадрусс ёш йигитга унинг юрагидан ҳақиқатни шартта суғуриб олишга жазм этиб турган кишидай кўз тикиб қолди. Бироқ Андреа чўнтагидан папирос қутчасини олиб очди-да, бамайлихотир папирос чекиб, ҳалқа-ҳалқа тутун чиқарди.

– Беш юз франкингни қачон берай сенга? – сўради у Кадруссдан.

– Ёнингда пулинг бўлса, ҳозир берсанг ҳам майли.

Андреа чўнтагидан йигирма беш луидор чиқарди.

– Канарейкаларми, – деди Кадрусс, – йўқ, бунақаси бўлмайди, узр.

– Сен булардан жирканасанми?

– Аксинча, мен уларни ҳурмат қиламан, бироқ олмайман.

– Э-э, тентак, сен буларни майдалатиб, катта фойда оласан-ку; ахир олтинга бир сўм ошиқ тўлашади.

– Буни биламан, сўнг ўша майдалаб берган кимса шўрлик Кадрусснинг кетидан пойлоқчи қўяди-да, бирор жойда гирибонимдан маҳкам бўғиб: «Хўш, қани айтчи, қайси ижара-чи сенга олтин билан ҳақ тўлаяпти?» деб сўраса, нима дейман. Яхшиси бунингни қўй, оддий кумушини, бирор монарх сурати солинганини беравер. Беш франкли танга ҳаммада топилади.

– Беш юз франк кумушни ёнимда олиб юролмаيمان-ку, бунинг учун ҳаммол ёллаш керак.

– Меҳмонхона қоровулига бериб қўй, у жуда ҳалол одам. Ундан ўзим оламан.

– Шу бугунми?

– Йўқ, эртага, бугун бандман.

– Бўпти, эртага Отейлга кета туриб, меҳмонхона қоровулига ташлаб кетаман.

– Ишонсам бўладими?

– Мутлақо.

– Гап шундаки, мен оқсоч билан илгарироқ келишиб қўймоқчиман.

– Келишиб қўявер. Шу билан орамиз очиқ бўлди-а? Яна менга елимдай ёпишавермайсанми?

– Мутлақо.

Шу топда Кадрусс қовоғини солиб олганди, Андреа, нега у бунақа ўзгариб қолди, деб қўрқди ва бунга эътибор бериш керак деган фикрга келди. Шу сабабдан у ўзини янада хушчақчақ кўрсатишга уринди.

– Нега жуда тез чехранг очилиб кетди, – деди Кадрусс, – худди меросга эга бўлиб қолганга ўхшайсан-а?

– Афсуски, ҳали эга бўлолганимча йўқ!.. Бироқ уни олган куним...

– Хўш, нима қиласан?

– Очиғини айтсам, ўшанда дўстларимни унутмайман.

– Бе, сен унутармидинг!

– Сен ҳадеб мендан пул сўрайвериб тинкамни қуритарсан, деб ўйлагандим.

– Менми? Мен-а? Бўлмағур гап! Аксинча, мен сенга бир яхши маслаҳат бермоқчиман.

– Қанақа маслаҳат?

– Мана бу бриллиантли узукни ташлаб кет. Нима, бизни тутиб олсинлар демоқчимисан? Иккимизнинг ҳам хароб бўлишимизни истайсанми?

– Нима бўлди ўзи? – сўради Андреа.

– Бўлмасам хизматчи қиёфасига кириб, беш минг франкли брильянт узук тақиб юрармидинг?

– Оббо, арвоҳ ургур-э! Шуниям нархини билиб олдингми? Баҳоловчи бўлиб олсанг бўлмайдими?

– Брильянтларнинг қадр-қийматини биламан, бир вақтлар ўзимда ҳам бўлган эди.

– Ҳа, ана энди ўзингга келдинг, шуни ҳаммага айтиб, мақтаниб юравер, – деди Андреа ва очиқ чехра билан узукни Кадруссга берди.

Кадрусс эса, яна хиралик қилганим учун йигитнинг аччиғи чиқар, деб кўрқиб турганди.

Кадрусс узукни кўзига яқин олиб бориб синчиклаб қаради. Андреа унинг ниятини фаҳмлади.

– Бу қалбаки бриллиант-ку, – деди Кадрусс.

– Қўй ҳазилингни! – деди Андреа.

– Аччиғинг чиқмасин, ҳозир текшириб кўрамиз. Кадрусс дераза олдига борди-да, бриллиантни ойнага сурган эди, гижирлаган овоз чиқди.

– Confiteor!¹⁷ – деди Кадрусс узукни жимжилоғига тақаётиб. – Янглишибман. Бироқ муттаҳам заргарлар ясама бриллиантни шунақанги боппаб ишлашадик, ҳеч ажратиб бўлмайди, заргарлик дуконига қадам қўйишдан кўрқасан киши. Охири «вой» хунарлардан бири мана шу заргарлик.

– Хўш, – деди Андреа, – энди бўлдими? Яна нима керак? Камзулимни ёки биратўла фуражкамни ҳам бериб қўя қолай? Айтавер тортинмай.

– Бўлди, бўлди, аслида ажойиб йигитсан-да. Энди бошқа талабим йўқ. Кетаверишинг мумкин, бундан кейин нафсимни тийишга ҳаракат қиламан.

– Эҳтиёт бўл, бриллиантни сотаётиб қўлга тушиб қолма.

– Кўрқма. Бунга сотмайман.

«Индингача сотмаса бўлгани», – деди ичида Андреа.

– Бахти чолган йигитсан-да, муғамбир, – деди Кадрусс.

– Яна қаролларинг, от-извошларинг ва қайлиғинг олдига кетяпсан.

– Албатта! – деди Андреа.

– Менинг дўстим Дангларнинг қизига уйланган куни мени дурустгина тўхфага мушарраф этарсан, деб ишонсам бўладими?..

– Бу сенинг каллангдан чиққан хаёл, дедим-ку ҳали!

¹⁷ Тавба қилдим! (лот.)

– Қизга қанча қалин беришаркан?

– Айтдим-ку, хаёл, деб...

– Миллионми?

Андреа елкасини қисиб қўйди.

– Бир миллион деяверайлик, – деди Кадрусс, – аммо қанча бўлмасин, мен сенга кўпроқни тилайман.

– Раҳмат, – деди Андреа.

– Буни чин юракдан тилаяпман, – қўшимча қилди Кадрусс хандон уриб. – Тўхта, қузатиб қўяман.

– Овора бўлмай қўя қол.

– Оворагарчилиги йўқ.

– Нега?

– Чунки, қулфимнинг жиндек сири бор. Мен уни эҳтиёт учун олдим, бу Юре ва Фише системасидаги қулф бўлиб, уни Гаспар Кадрусс қайтадан ишлаган. Капиталист бўлганинда сенга ҳам ясаб бераман.

– Миннатдорман, – деди Андреа, – бир ҳафта олдин сенга хабар бераман.

Улар хайрлашишди. Андреа пастга тушиб, ҳовлидан чиқиб кетгунча Кадрусс уни қузатиб зина майдончасида турди. Сўнг у дарров уйига қайтиб кирди-да, эшикни қулфлади ва худди тажрибакор меъмор сингари Андреа чизиб берган режани ўргана бошлади.

– Чамамда, – деди у, – бу болакай Бенедетто ростданам мерос олишга қаттиқ бел боғлаганга ўхшайди, кимки унинг қўлига ана шу беш юз минг франк тушадиган кунни яқинлаштирса, ўша унинг энг яқин дўстларидан бири бўлади.

V. ҚУЛФБУЗАР

Юқорида баён этилган суҳбатдан сўнг эртасига граф Монте-Кристо Али ва бир неча хизматкорлари билан Отейлга жўнади. У синовга тайёрланган отларни ҳам олиб кетди.

Андреа ўйлаганидек, граф бугун кетишни кеча хаёлига ҳам келтирмаганди. Бу сафарга, асосан, Нормандиядан Бертуччонинг қайтиши сабаб бўлди, у янги хабарлар келтирган эди. Уй тайёр эди, кема бир ҳафтадан буён кички-

на бухтада лангар ташлаб турарди. Унинг олти кишилик экипажи ҳамма ишларни тахт қилиб, истаган вақтда денгиз сафарига чиқишга шайланиб турарди. Монте-Кристо эпчиллик қилгани учун Бертуччони мақтаб қўйди, Франциядан бир ойдан кечикмай чиқиб кетмоқчи эканлигини маълум қилди ва ҳозирдан тайёрлик кўравер, деб буйруқ берди.

– Ҳозирча, – деди граф Бертуччога, – эҳтимол мен бир кеча Париждан Трепорга бориб келарман, йўлда менга саккиз бекатда от тайёр қилинсин, шундай қилиш керакки, бу эллик пье масофани мен ўн соатда босиб ўтай.

– Жаноби олийлари бу истакларини аллақачон изҳор этган эдилар, – жавоб берди Бертуччо, – отлар тахт қилиб қўйилган. Отларни ўзим сотиб олиб жуда қулай бекатларга жойлаштириб қўйганман, бу бекатлар бошқа ҳеч кимса тўхтамайдиган қишлоқларда.

– Жуда соз, – деди Монте-Кристо, – бу ерда бир-икки кун бўламан, буни эътиборга олиб қўйинг.

Бертуччо зарур фармойишлар бериш ниятида ташқари чиқиши билан остонада Батистен пайдо бўлди. У қўлида олтин суви югуртирилган патнисда хат олиб келаётганди.

– Сиз нега келдингиз? – сўради граф Батистеннинг ҳамма ёғи чанг бўлиб кетганини кўриб. – Мен сизни чақирганим йўқ эди, шекилли?

Батистен чурқ этмай, граф олдига борди-да, хатни унга узатди.

– Жуда шошилинч ва муҳим хат, – деди у.

Граф хатни очиб ўқиди:

«Граф Монте-Кристо огоҳ бўлсинки, бугун кечаси унинг Елисей Майдонидаги уйига аёл бўлмасидаги конторкада яширинган ҳужжатларни ўғирлаш учун бир одам киёради; граф Монте-Кристо ғоят жасоратли зот, бу ишга у полицияни аралаштирмай, ўзи бир ёқлик қилади. Мабодо полиция аралашгудек бўлса, бу маълумотни юборган кишига қаттиқ шикаст етади. Граф ётоқхона билан аёл бўлмаси ўртасидаги девор тирқишидан пойлаб турса, ёки ўша хонанинг ўзида яшириниб олса, ўғрини ўзи тутиб олиши мумкин. Халойиқ тўпланса ва ҳамманинг қўз олдида эҳти-

ёт чоралар кўрилса, ўғри сезиб қолади, у ҳолда граф Монте-Кристо душмани кимлигини билолмайди. Хат йўллаган одам ҳам уни тасодифан билиб қолди, мабодо у баттол бу гал иши ўнгидан келмай, иккинчи бор урингудек бўлса, у вақтда хат йўллаган киши бундан воқиф бўлиши даргумон».

Граф дастлаб ишонмади, бошқа жиддийроқ хавф-хатардан мени чалғитиб, фириб бериш учун қилинаётган найрангмикин, деб ўйлади. Огоҳлантирилишига қарамай, ёки эҳтимол ғойибона дўст кишининг ана шу хабари туфайли хатни полиция комиссарига юбормоқчи ҳам бўлди, бироқ шу пайт хаёлига бир фикр келди; чинданам у фақат ўзи танийдиган бирор душмани билан учрашиб қолмасмикан, эҳтимол ўша кимса унинг ўзига бирор нарсада керак бўлиб қолмасмикан? Фиеско ва уни ўлдирмоқчи бўлган мавр билан худди шундай бўлган эди-ку.

Бизга граф отнинг қашқасидай таниш, шу сабабдан унинг жасурлиги ва руҳан кучлилиги, бўлмайдиган нарсани бўлдириш учун улуғвор зотларга хос ўша жасорат билан ҳаракат қиладиган ёвқурлиги тўғрисида гапириб ўтирмаймиз. Умр бўйи ҳеч нарсадан қайтмасликка аҳд қилиб, аҳдига содиқ граф табиатга – демакки, Худога қарши, жамиятга – демакки, аждаҳога қарши жангларда мислсиз завқ олишни ўрганди.

– Улар ҳужжатларимни ўғирлаш эмас, мени ўлдириш ниятида бўлсалар керак, – деди Монте-Кристо, – улар оддий ўғри эмас, қотиллар. Жаноб полиция бошлиғининг шахсий ишимга аралашувини ҳечам истамайман! Полициянинг бюджетига зарарим тегмайди менинг, давлатим ҳар қандай харажатга етиб ортади.

Ҳозиргина хатни бериб, чиқиб кетган Батистенни чақирди-да:

– Дарҳол Парижга қайтинг, – деди граф, – у ерда қолган ҳамма хизматкорларни олиб келинг. Уларнинг ҳаммаси бу ерда керак бўлади менга.

– Жаноб граф, уйда ҳеч ким қолмайдими? – сўради Батистен.

– Йўқ, дарвоза қоровули қолади.

– Жаноб граф, қоровулхона уйдан анча йироқда эканини, эҳтимол, эътиборга оларлар?

– Йироқ бўлса нима бўпти?

– Уйни шипшийдон қилиб кетсалар, у эшитмаслиги мумкин.

– Ким шипшийдон қилиши мумкин?

– Ўғрилар.

– Қип-қизил аҳмоқсиз, жаноб Батистен, ҳа! Менга хизматкор керак, уйни кўтариб кетишса кетишсин-у, аммо хизматкорлар камайиб қолмасин.

Батистен таъзим қилиб қўя қолди.

– Тушундингизми, – деди граф, – биттасиниям қолдирмай олиб келинг, уйдаги ҳамма нарса шундайлигича турсин, фақат пастки қават деразаларининг эшикларини бекитиб қўйинг.

– Иккинчи қаватдагиси-чи?

– Иккинчи қаватдагилари ҳеч қачон бекитилмайди, ўзингиз ҳам биласиз-ку. Жўнанг.

Граф: – Якка ўзим овқатланаман ва Али хизмат қилади айтиб қўйинг, – деди.

У, одати бўйича, бир оз тамадди қилиб олди, Алига измаиз боришни буюриб, боғ эшикдан чиқди-да, сайр қилган бўлиб, Булон ўрмонига борди, сўнг гўё беихтиёр Париж томонга бурилди, қоронғи тушганда Елисей Майдонидаги уйи рўпарасида тўхтади.

Уй қоп-қоронғи, зимистон, фақат, Батистен айтгандек, қирқ қадам наридаги қоровулхонада жинчироқ милтиллаб турарди.

Монте-Кристо дарахтга суянди-да, мени биров пойлаб турган бўлмасин тағин, деб хиёбонни, йўлкаларни ва қўшни кўчаларни синчиклаб кўздан кечириб чиқди. Ун дақиқадан сўнг ҳеч ким уни таъқиб этмаётганлигига имони комил бўлди.

Шундан кейин граф Али билан югуриб боғ эшикдан ўтди-да, овоз чиқармай махфий зинадан ўз ётоқхонасига кириб олди. Қоровул ҳам буни сезмади.

Монте-Кристо ётоқхонага кирибоқ Алини имо билан тўхтатди, ўзи аёллар хонасига ўтиб, ҳамма ёқни кўздан кечирди, буюмлар, жиҳозлар жой-жойида турганди, секре-

тер жойида, калит қулфга солинган. Граф калитни икки марта бураб суғуриб, ётоқхона эшиги олдига келиб, илгакни тортиб олди ва аёллар хонасидан чиқди.

Шу орада Али граф айтган қуролларни: калта милтиқ, иккита қўшоғиз тўппончани (булар тирда ишлатиладиган ва мўлжалга жуда аниқ тегадиган хилдан эди) столда тахт қилиб қўйган эди. Шу тариқа қуролланиб олган граф беш кишини ер тишлатиши мумкин эди.

Соат тўққиз ярим. Граф ва Али бир бурдадан нон еб ва бир стакандан испан виноси ичиб, овқатланиб олишди. Сўнг граф кўчма тахталардан бирининг пружинасини босди, ана шунда у нариги хонада нима бўлаётганини бемалол кўриб ўтираверарди. Тўппончалари ва карабини ёнида ётибди. Али эса унинг ёнида салб юришларидан қолган болта ушлаб ғоз турибди.

Аёллар хонасининг деразаси каби Елисей Майдонига қаратилган деразадан граф кўчани бемалол кўриб турарди.

Орадан икки соатча ўтди, ҳамма ёқни зим-зиё қоронғилик чулғади, бироқ Али ваҳшийларга хос ўткир кўзлари билан, граф эса қоронғиликка ўрганиб қолган кўзлари ила ҳовлидаги дарахт шохларининг жиндай қимирлашини ҳам диққатдан қочирмай тикилиб туришарди.

Қоровулхонадаги жинчиروқ аллақачон ўчган эди.

Мабодо ўғри босиши аниқ бўлса ҳам, уйга деразадан эмас, пастки қават зинасидан киради, деб ўйлаш мумкин эди. Граф Монте-Кристо эса ўғрилар унинг мол-мулкини талаш учун эмас, жонига қасд қилгани келади, деб ўйларди. Демак, улар тўғри ётоқхонасини босишади, у ерга ё махфий зинадан кириб боришади, ёки аёллар хонасининг деразасидан ошиб тушишади.

Алини граф зина эшиги олдига қўйди-да, ўзи аёллар бўлмасидан кўз узмай тураверди. Мажруҳлар уйдаги соатлар чорак кам ўн иккига занг урди: ғарбнинг салқин шамолли зангнинг учта даҳшатли овозини олиб келди. Охирги бонг овози ҳали тинмаган ҳам эдики, граф аёллар бўлмаси томондан «ғийқ» этган товушни эшитди, товуш яна икки бор такрорланди. Тўртинчи бор эшитилганда, графда ҳеч шубҳа қолмади. Тажрибали ва бақувват қўл дераза ойнасини олмос билан кесаётган эди.

Графнинг юраги гурс-гурс тепа бошлади. Киши сон-са-ноқсиз машаққатлар гирдобида қанчалик чиниққан бўлмасин, қоп-қора булут каби бостириб келаётган даҳшатли хавф-хатарларни кўкрак кериб кутиб олишга қанчалик шайланган бўлмасин, у фикр ва амал, ният ва унинг рўёбга ошиши ўртасида жуда катта тафовут борлигини ҳамиша юрагининг гул-гул уришидан ва вужудининг ларзага келишидан сезади.

Монте-Кристо Алига имо қилди, Али хавф аёллар бўлмаси томондан келаётганлигини англади-да, хўжайинига яқинроқ сурилди.

Шу топда Монте-Кристо душмани кимлигини ўз кўзи билан кўришга ошиқарди.

Олмос билан кесилган дераза граф мўралаб турган тешикнинг нақ рўпарасида эди. У ана шу деразадан кўз узмай тураверди. Зим-зиё қоронғилик ичида қоп-қора бир кўланка пайдо бўлди, сўнг дераза ойналаридан бири худди ташқаридан қоғоз ёпиштирилгандек ҳеч нарса кўринмайдиган бўлиб қолди, бир дақиқадан кейин ойналардан бири «қирс» этди-ю, лекин ерга тушмади. Ойнаси олинган тешикдан кимдир кўлини суқиб илгакни ахтарди, зум ўтмай дераза очилди-да, бир одам кўринди. У ёлғиз эди.

– Оббо, муттаҳам-ей, юрагини қаранг-а! – шивирлади граф.

Шу он Али унинг елкасидан тортди, граф ўтирилди. Али ётоқхонанинг кўчага қараган деразасини кўрсатди.

Монте-Кристо ўша дераза томонга уч қадам ташлади, у содиқ қаролининг зеҳни беқиёс ўткир эканлигини яхши биларди. Чиндан ҳам рўпарадаги дарвозадан кимдир чиқди-да, уйда нима бўлаётганлигини кўриш учун курсига чиқиб аланглади.

– Демак, – деди граф, – икки киши экан, бири иш бажаради, иккинчиси пойлоқчилик қилади.

Граф Алига, кўчадаги одамдан кўзингни узма, деди-да, ўзи қайтиб аёллар бўлмасига кирган кишини кузатди.

Қулфбузар хонага кириб олганди, у кўлини олдинга узатиб битта-битта одимлаб борарди.

Сўнг вазиятни аниқлаб олди, шекилли, бўлмадаги икки эшикнинг илгакларини илиб бекитди. У ётоқхонага кира-

диган эшикка яқинлашганда, граф, бу ёққа кирса керак, деб тўппончаларидан бирини қўлига олган эди. Лекин мис ҳалқага солинган илгак товуши эшитилгач, хотиржам бўлди. Шу тарзда ўғри эҳтиёт чораларини кўрди (аммо у граф ҳам ҳалқани олиб қўйганидан беҳабар эди) ва ўзини худди уйидагидек ҳис этиб бемалол ишга тушаверди.

Қулфбузар чўнтагидан аста бир нарса олиб, столга қўйди, кейин секретер ёнига бориб қулфини пайпаслаб кўрди, қулф оғзида у кутган калит йўқ эди.

Қулфбузар ҳам тадбиркор бўлиб, ҳамма чораларни илгаридан кўриб қўйган эди. Граф шиқирлаган овоз эшитди: бузилган қулфни очиш учун келган чилангарлик асбоблари боғлами ана шунақа овоз чиқарарди. Ўғрилар буни «бул-були гўё» дейишаркан, тунда қулф ичида шақир-шуқур овозни роҳат қилиб эшитишса керак-да баччағарлар.

– Ия, бу оддий ўғри-ку! – деди ҳафсаласи пир бўлиб Монте-Кристо.

Ўғри эса қоронғида зарур асбобни тополмади, сўнг столга қўйган асбобни олиб, пружинасини босган эди, хира ёғду бир зум ўғрининг қўли ва юзини ёритиб юборди.

– Ана холос! – деди оҳиста Монте-Кристо, таажжуб-ла орқага бир қадам ташлаб. – Бу анови баттол-ку...

Али болтани кўтарди.

– Жойингдан қимирлама, – деди шивирлаб унга Монте-Кристо, – болтани қўй, энди бизга қуролинг зарурати йўқ, – сўнгра у овозини янада пасайтириб, Алига бир неча сўз айтди, чунки ҳаяжонланиб айтган илгариги сўзларидан қулфбузар сесканиб кетиб, турган жойида қотиб қолган эди.

Али графнинг гапларига диққат билан қулоқ солди-да, оёқ учида бориб, девордаги қора адёлни ва уч бурчакли шляпани қозикдан олди. Монте-Кристо ҳам бир зумда камзулини, нимчасини, қўйлагини ечиб ташлади. Тирқишдан тушиб турган ғира-шира ёғдуда графнинг кўкрагидаги юпқа совут кўзга ташланиб турарди. Одамлар ханжардан ҳайиқмай қўйган Францияда Людовик XVI замонидан буён ҳеч ким киймайди. Людовик XVI нинг ўзи ханжар санчишларидан кўрқиб совут кийиб юрарди; ханжар санчишмасаям, калласини ойболта билан чолиб қўя қолишди бояқишнинг.

Графнинг кўкрагидаги совут бир зумда ятак тагида кўринмай кетди, сочи ясама соч ва ҳалиги уч бурчакли шляпа остида қолди, яъни граф бирпасда аббат бўлиб олди.

Шу орада қулфбузар бошқа ҳеч қандай шарпа эшитмагач, ишини давом эттираверди, секретернинг қулфи унинг «булбули гўё»си зарбида қисирлаб сина бошлади.

– Қани, қани, яна бир оз кучаниб кўр-чи, қаергача баркансан, – деди граф секин; у, ўғри тажрибали қулф бузарлардан бўлса-да, барибир бу қулфнинг сирини билмайди, деб хотиржам бўлди ва дераза олдига борди.

Ҳали курсига чиқиб бўйнини чўзиб турган кимса, энди пастга тушиб, кўчада у ёқдан-бу ёққа қадам ташлаб юрарди. Аммо бу одам Елисей Майдони ёки Сент-Оноре томондан биров келиб қолишини кузатиш ўрнига, графнинг уйдан кўзини узмас, айниқса аёллар бўлмасида нима бўлаётганлигини билишга ҳаракат қиларди.

Монте-Кристо пешанасига бир шапати урди-да, илжайиб қўйди. Сўнг Али олдига бориб:

– Мана шу қоронғи жойда қимирламай туравер, – деди оҳиста, – бирор товуш эшитсанг ҳам, бирор воқеа юз берса ҳам ўрнингдан қимирлама, то мен чақирмагунимча чиқма, ўзингни кўрсатма.

Али бошини қимирлатиб қўйди.

Монте-Кристо шкафдан ёниқ шамни олди-да, ўғри иш билан жуда банд пайтни пойлаб, эшикни овоз чиқармай очди ва бирдан унинг юзига чироқни тутди. Хона бирдан ёришиб кетганидан ўғрининг жон-пони чиқиб, шартта орқасига ўгирилди.

– Салом алайкум, азиз жаноб Кадрусс, – деди Монте-Кристо. – Ярим кечада нима қилиб юрибдилар бу ерда?

– Аббат Бузони! – қичқариб юборди Кадрусс. Икки эшикни қулфлаганига қарамай, бу зотнинг қандай қилиб кириб келганидан ҳанг-манг бўлиб қолган қулфбузарнинг қўлидан «булбули гўё»си тушиб кетди, ўзи турган жойида тахтадай қотиб қолди.

Граф ўтакаси ёрилган ўғри қочиши мумкин бўлган ягона йўлни тўсиб, дераза билан Кадрусс ўртасида туриб олди.

– Аббат Бузони! – такрорлади Кадрусс анқайганича графга тикилиб.

– Ҳа, аббат Бузонининг худди ўзи! – деди Монте-Кристо, – азиз жаноб Кадрусс, мени таниб олганингиздан жуда мамнунман. Кўришмаганимизга, янглишмасам, ўн йилча бўлди, шунга қарамай, дарров танидингиз-а, хотирангиз жудаям кучли экан-э.

Ниҳоятда хотиржамлик ва амирона киноя оҳангида айтилган бу сўзлар Кадрусснинг юрагини ёриб юборди, унинг боши айланиб, кўзлари тинди.

– Аббат! – деди хириллаб у қўлларини бир-бирига ишқаб ва тишлари тақирлаб.

– Шундай қилиб, граф Монте-Кристонинг пулини ўғирлашга аҳд қилибсиз-да? – деди «аббат».

– Жаноб аббат, – шивирлади Кадрусс граф ёнидан дераза томонга ўтишга беҳуда уриниб, – жаноб аббат, ўзим ҳам ҳайронман... ишонинг... онт ичаман, сизга...

– Дераза ойнаси кесилгани, – деди граф, – яширин фонусча, бир бойлам асбоблар, секретернинг ярми синдирилгани – мана шуларнинг бари нимага кирганингизни кўрсатиб турибди-ку.

Кадрусс қочишга йўл тополмай, атрофга алангларди, бир амаллаб ситилиб чиқишга тангадай тешик бўлсаям жон дерди у шу пайтда.

– Жаноб қотил, ҳеч ўзгармабсиз-а, ўша-ўша эски калла-кесар Кадруссиз-а, – деди граф.

– Жаноб аббат, модомики сиз ҳамма гапдан хабардор экансиз, бу менинг эмас, Карконтанинг иши эканлигини билсангиз керак, суд ҳам шундай қарорга келди, менга енгил жазо берганларининг боиси шунда-да.

– Қамоқ муддатингиз тугаганмиди, яна турмага шошил-япсиз?

– Йўқ, тугагани йўқ, жаноб аббат, мени бир киши озод этди.

– У одам жамиятга катта фойда келтирибди-да.

– Аммо мен ваъда бергандим... – деди Кадрусс.

– Хуллас, каторгадан қочибсиз-да, шундайми?... – деди унинг сўзини бўлиб Монте-Кристо.

– Шундай, – деди Кадрусс юраги орқасига тортиб.

– Қочганда ҳам оғир жиноят қилиб қочгандирсиз-да? Бунинг учун агар, хато қилмасам, каллангизни жаллоднинг кундасига қўйишлари мумкин. Мана буниси яна ёмон бўпти.

– Жаноб аббат, мен васвасага берилиб кетибман.

– Одатда жиноятчиларнинг ҳаммаси қўлга тушганда айтадиган гап бу.

– Эҳтиёж шунга олиб келди-да... иложим қанча...

– Қўйинг бўлмағур гапларни, – деди нафрат-ла Бузони, – эҳтиёжда қийналган киши тиланчилик қилади, дўкондан булка ўғирлайди, аммо кимсасиз уйга яшириниб кириб, секретер синдирмайди. Мен берган олмосга заргар Жаон-нес қирқ беш минг франкни санаб берганда, уни ҳам эҳтиёж туфайли ўлдирганмидингиз?

– Кечиринг мени, жаноб аббат, кечиринг, – деди Кадрусс, – бир гап мени сиз қутқарган эдингиз, ўтиниб илтимос қиламан, бу сафар ҳам ўзингиз қутқаринг мени.

– Ўша тажрибани такрорлашга унчалик истак йўқ менда.

– Жаноб аббат, бу ерга якка ўзингиз келдингизми? – сўради Кадрусс қўлларини итоаткорона қовуштириб. – Ёки мени таппа тутиб оладиган жандармлар пуסיб туришибдими?

– Якка ўзимман, – деди аббат, – агар ҳаммасига иқрор бўлсангиз, ҳамма воқеаларни оқизмай-томизмай айтиб берсангиз, раҳм-шафқат қиламан, бу кўнгилчанлигим яна бир балага дучор этиши мумкин бўлса-да, қўйиб юбораман.

– Жаноб аббат, – деди Кадрусс Монте-Кристо томонга бир одим ташлаб, – сиз чиндан ҳам менинг ҳақиқий халоскоримсиз.

– Қамоқдан қочишга биров ёрдам берди, дедингизми ҳали?

– Тўғри, ишонинг менга, биров ёрдам берди.

– Ким?

– Бир инглиз.

– Оти нима эди?

– Лорд Уилмор.

– Мен уни танийман. Гапингиз ростми, ёлғонми, текшириб кўраман.

– Жаноб аббат, рост гапни айтяпман сизга.

- Демак, ўша инглиз сизга мададкор бўлган экан-да?
- Менга эмас, бир корсикалик йигитга, у билан иккимиз бир кишанда эдик.
- Корсикалик йигитнинг исми нима эди?
- Бенедетто.
- Бу фақат исми.
- Унинг фамилияси йўқ. Кўчадан топилган бола экан.
- Ўша йигит ҳам сиз билан бирга қочдимми?
- Бирга қочдик.
- Қандай қилиб?
- Тулон яқинидаги Сен-Мандрие деган жойда ишлаётган эдик. Сен-Мандриени кўргандирсиз?
- Кўрганман.
- Ҳамма туш пайти уйқуни ураётган эди...
- Маҳбусларга кундузи дам олишга рухсат беришган экан-да! Яна уларга ачиниб юрибмиз-а! – деди аббат.
- Бўлмасам-чи, – деди Кадрусс. – Кун бўйи тинмай ишлаб бўладими? Ахир биз ит эмасмиз-ку.
- Итваччаларнинг омади юришгани бу, – деди Монте-Кристо.
- Ҳамма ухлаб ётганда бир четга ўтиб, оёқларимиздаги кишанларни ўша инглиз берган асбоб билан кесдик-да, ўзимизни сувга ташлаб қочдик.
- Бенедеттонинг тақдири нима бўлди?
- Билмадим.
- Сиз билишингиз керак, унинг ҳоли нима кечганини.
- Йўқ, билмайман, Худо ҳаққи, беҳабарман. У билан биз Гиереда ажралишган эдик, – деди Кадрусс ва гапларим янада ишончли бўлсин, деб аббат томонга тағин бир қадам ташлади, аббат эса бояги жойида пинагини бузмай турарди.
- Бу гапингиз ёлғон, – деди зарда билан аббат Бузони.
- Жаноб аббат!
- Ёлғончи! У йигит ҳамон ҳамтовоқ оғайнингиз, эҳтимол, шерик ҳамдир.
- Жаноб аббат!
- Тулондан қочгандан буён қанақа сармоя билан кун кечиряпсиз? Қани, жавоб беринг.
- Баҳоли қудрат.

- Ёлгон! – учинчи марта рад этди аббат ғазаби ошиб.
- Кадрусс кайфи учиб, графга тикилиб қолди.
- Ўша Бенедетто бериб турди-ку сизга пулни – деди граф.
- Туғри, – деди Кадрусс. – Бенедетто машхур бир бадавлат аслзодага ўғил бўлиб олди.
- Қандай қилиб ўғил бўлиши мумкин у аслзодага?
- Ўйнашдан бўлган ўғил.
- Ўша аслзоданинг исми ким?
- Мана шу уйнинг хўжайини граф Монте-Кристо.
- Бенедетто графнинг ўғли? – деди Монте-Кристо ҳам таажжубланиб.
- Ҳа, ўғли, ҳамма далиллар тасдиқлайди буни. Граф унга ўғай ота топиб берди, тағин ҳар ойда унга тўрт минг франк бериб турибди, васиятномада эллик минг франк ёзиб қўйган ҳам ана шу граф Монте-Кристо бўлади.
- Ҳали шундай денг, – деди аббат гап нималигини фаҳмлаб. – Бу ёш йигит ҳозир қандай ном билан юрибди?
- Андреа Кавальканти.
- Э-э, бу ҳалиги граф Монте-Кристонинг уйига тез-тез келиб турадиган ва шу кунларда мадемуазель Дангларга уйланмоқчи бўлиб юрган йигитми?
- Худди ўшанинг ўзи.
- Сиз, шўрлик бунга қандай чидаб юрибсиз? Унинг саргузаштини ва гарданидаги тавқи лаънатни била туриб-а?
- Нега энди мен ўртоғимга халақит беришим керак экан?
- сўради Кадрусс.
- Туғри, энди жаноб Дангларни хабардор қилиб қўйиш менинг бурчим.
- Қўйинг, жаноб аббат, ундай қилманг!
- Нега энди.
- Бундай қилсангиз, бизни бир бурда нонга ҳам зор этган бўласиз.
- Э-э-э, ҳали икки аблаҳ бир бурда нонга зор бўлмасин, деб уларнинг қабиҳ ишларига шерик бўлиб қолгин деб уйла-япсизми мени?
- Жаноб аббат! – япинди Кадрусс яна унга яқинроқ бориб.
- Ҳаммасини айтиб бераман.
- Кимга?

– Жаноб Дангларга.

– Айтиб бўлсан? – хитоб қилди Кадрусс пичоғи билан графнинг кўкрагига уриб. – Айтиб бўлсан, аббат!

Бироқ пичоқ кўкракка санчилмай қайрилиб кетди, Кадрусс ҳанг-манг бўлиб қолди.

Шу заҳоти граф чап қўли билан Кадрусснинг билагидан тутиб қаттиқ қисган эди, ўғрининг кўкариб кетган қўлидан пичоқ тушиб кетди, у оғриқдан чинқариб юборди. Граф бунга эътибор қилмай, Кадрусснинг қўлини то у чўкка тушгунча, кейин юз тубан йиқилмагунча, қайираверди.

Граф оёғи билан унинг бошини босиб олиб:

– Аслини олганда, ҳозироқ каллангни мажақлаб ташлаш керак эдику-я, аблаҳ, – деди.

– Шафқат қилинг, шафқат қилинг! – деб қичқирди Кадрусс.

Граф оёғини олди.

– Тур! – деди у.

Кадрусс ўрнидан турди.

– Жаноб аббат, Худо беҳисоб қувватни бериб қўйган экан-да сизга! – деди у жонсиз қўлини ишқалаб.

– Ўчир товушингни! Худо бу кучни сен каби қонхўр, йиртқиш ҳайвонларнинг кекирдагидан хиппа бўғиш учун бериб қўйган менга. Аблаҳ, шуни билиб қўйгинки, мен ҳамиша унинг амри билан иш тутаман. Шу дамда сенга шафқат қилишимни ҳам Худонинг амри деб бил.

– Уҳ! – деди Кадрусс зўрға ўзига келиб.

– Мана сенга қалам ва қоғоз. Менинг айтганларимни ёз.

– Мен ёзишни билмайман, жаноб аббат.

– Ёлғон гапирма, ол қаламни, ёз.

Кадрусс итоат этиб ўтирди-да, ёзди:

«Олий ҳазрат, уйингизда қабул қилиб юрган ва қизингизни бермоқчи бўлган кимса турма қочоғи, у мен билан Тулон ҳибсхонасидан қочиб келди, турмада у 59-рақам билан, мен 58-рақам билан рўйхатда эдик.

Унинг номи Бенедетто эди, ўзининг асл номини билмайди, чунки ота-онаси йўқ, кимлигини ўзи ҳам билмайди».

– Имзо қўй! – деди граф.

– Сиз мени хароб этмоқчимисиз?

– Агар хароб этиш ниятида бўлсайдим аллақачон полицияга жўнатардим сен аҳмоқни. Бунинг устига, хат эгасига етиб боргунча, сен хавф-хатардан халос бўлиб қоласан. Қўл қўй.

Кадрусс қўл қўйди.

– Ёз, «Жаноб барон Дангларга, банкирга, Шоссе-д’ Антен кўчаси».

Кадрусс манзилни ҳам ёзди.

Аббат хатни қўлига олди.

– Энди кет, – деди у.

– Қаердан чиқиб кетай?

– Келган жойингдан.

– Мана бу деразадан чиқиб кетгин, демоқчимисиз?

– Ахир шу ердан суқилиб кирдинг-ку.

– Жаноб аббат, менга қарши бирор ёмон ниятингиз бор, шекилли?

– Аҳмоқ, қанақа ниятим бўлиши мумкин?

– Нега мени дарвозадан чиқариб юбора қолмайсиз?

– Қоровулни уйғотишнинг нима ҳожати бор?

– Жаноб аббат, мен сенинг ўлишингни истамайман, деб сўз беринг менга.

– Парвардигор нима истаса, мен ҳам шуни истайман.

– Мени, тушиб олгунча, ўлдирмайман, деб ваъда беринг.

– Одам ҳам шунчалик қўрқоқ бўладими, аҳмоқ.

– Нима қилмоқчисиз мени?

– Бу саволни сенга мен беришим керак аслида. Мен сени бахтиёр этмоқчи эдим, сен эса каллакесар бўлиб қолибсан!

– Жаноб аббат! – деди Кадрусс, – сўнгги марта илтимос қиламан, яна бир синаб кўринг.

– Ҳа, майли, – деди граф. – Мен сўзимдан қайтмайдиган одам эканимни сен яхши биласан-а?

– Яхши биламан, – деди Кадрусс.

– Уйингга эсон-омон қайтиб борсанг...

– Сиздан бўлак, кимдан кўрқардим?

– Агар уйингга эсон-омон қайтиб борсанг, Париждан, Франциядан чиқиб кет, бошқа қаерда бўлмагин, агар ҳалоллик билан яшасанг, мендан доим кўп бўлмаса-да, етарли

миқдорда ақча олиб турасан, мабодо уйингга эсон-омон қайтиб борсанг, демак...

– Демак? – сўради аъзойи бадани титраб Кадрусс.

– Демак, Худо гуноҳингни кечирибди, деб ҳисоблайман, уйда мен ҳам кечирган бўламан гуноҳингни.

– Утакамни ёриб юбордингиз-ку! – деди орқага тисарилиб Кадрусс.

– Қани, энди жўна! – деди граф Кадруссга деразани кўрса-тиб.

Ҳамон аббатнинг ваъдасига ишониб-ишонмай Кадрусс деразага бошини суқди, сўнг ташқарига қўйилган нарвонга оёғини қўйди-да, дир-дир титраб ўрнида қимир этмай туриб қолди.

– Энди туш пастга, – деди аббат қўлларини қовуштириб.

Кадрусс ахири ўзига келди-да, бу томонда хавф йўқ, деб билиб, нарвондан туша бошлади.

Граф дераза олдига келиб, шамчироқни тутди: Кадрусснинг деразадан тушаётгани ва иккинчи киши унга чироқ тутиб тургани кўчадан аниқ кўриниб турарди.

– Жаноб аббат, бу нима қилганингиз? – деди Кадрусс. – Патруль кўриб қолса нима бўлади, – деди-да, чироқни пуфлади.

Кадрусс нарвондан битта-битта туша бошлади, фақат оёғи ерга теккандагина кўнгли тинчиди.

Монте-Кристо ётоқхонасига қайтиб, боғни ва кўчани бирров кўздан кечириб чиқди: Кадрусс боққа тушиб, боя кирган жойдан эмас, бошқа томондан чиқиб кетиш учун рўбарўдаги деворга нарвон қўйди. Граф яна кўчага қараган эди, кутиб турган бояги одам югуриб келиб Кадрусс тушмоқчи бўлган жой орқасидаги муюлишда тўхтади.

Кадрусс нарвондан аста-секин юқори кўтарилиб, охиригина зинапояга чиқди-да, кўчада ҳеч ким йўқмикин, деб атрофга кўз югуртирди.

Кўчада зоғ кўринмас, тик этган товуш ҳам эшитилмасди.

Мажруҳлар уйининг соати тунги бирга занг урди.

Кадрусс деворга миниб, нарвонни тортиб олди-да, кўча томонга қўйди, сўнг чаққонлик билан туша бошлади. Шу

пайт қоронғи муюлишдағи одам югуриб чиққанини кўрди-ю, тезда оёғини ерга қўйиб ўзини мудофаа қилмоқчи бўлди, аммо улгурмай қолди, ҳалиги одам елкасига қаттиқ зарб билан урди, Кадрусс нарвонни қўйиб юбориб:

– Ёрдам қилинг!.. – деб қичқирди.

У биқинига урилган пичоқ зарбидан ҳолдан тойиб, йиқилди.

– Улдиришяпти! – қичқирди Кадрусс, – ёрдам қилинг!

Рақиб унинг сочларидан тортиб, учинчи пичоқни кўксига санчди.

Бу гал ҳам Кадрусс қичқирмоқчи бўлди-ю, ҳоли келмай, ингради. Унинг уч еридан шариллаб қон оқарди.

Қотил, Кадрусс қичқирмай қўйганини кўриб, сочидан ушлаб бошини кўтарди: Кадрусснинг кўзлари юмуқ, оғзи қийшайиб кетган эди. Қотил, ўғри дунёдан ўтибди, деб ҳисоблаб унинг бошини қўйиб юборди-да, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Шундан сўнг Кадрусс қотил кетганини англаб, тирсагига тиралиб бошини кўтарди ва кучининг борича бўғиқ товуш билан қичқирди:

– Улдиришди! Уляпман! Ёрдам қилинг, жаноб аббат, ёрдам қилинг!

Даҳшатли овоз қоронғилиқда акс садо берди. Махфий зина эшиги, унинг кетидан боғ эшиги очилди. Али ва хўжайини, кўлида фонус билан югуриб келишди.

VI. ХУДОНИНГ ҚАҲРИ

Кадрусс ҳамон дод-фарёд урарди:

– Жаноб аббат, ёрдам қилинг! Ёрдам қилинг!

– Нима гап ўзи? – сўради Монте-Кристо.

– Ёрдам қилинг! – такрорлади Кадрусс. – Мени чавақлаб ташладилар.

– Ҳозир, сабр қилинг.

– Тамом! Тугадим! Кечикдингиз! Энди фойдаси йўқ ёрдамнинг, менинг ўлимимни томоша қилгани келдингиз-да, оҳ, жуда бошлаб урди пичоқни, лаънати! Қонни қаранг, оққан қонни!

Кадрусс ҳушидан кетди.

Али ва хўжайини ярадорни кўтариб, унга олиб киришди. Монте-Кристо Алига ўғрининг кийимларини ечтирди. Кадрусс уч еридан жуда оғир яраланган эди.

– Э, Парвардигор, – деди граф, – баъзида жуда кечикиб ғазабга оласану, лекин қаҳринг жуда қаттиқ бўлади-да.

Али, бу ёғи нима бўлади, дегандек хўжайинига қаради.

– Сент-Онорега қироллик прокурориникига бориб, жаноб де Вильфорни олиб кел. Дарвоза қоровулини уйғотиб, докторга юбор.

Али таъзим қилди-да, «аббат»ни хушидан кетиб ётган Кадрусс олдида қолдириб, жўнади.

Шўрлик ярадор яна кўзини очганда граф унга ачиниб, худди ичида Қуръон тиловат қилаётгандек тикилиб ўтирарди.

– Докторни чақиртиринг, докторни, – деди инқиллаб Кадрусс.

– Чақиргани кетди, – жавоб қилди аббат.

– Билиб турибман, доктор мени энди ўлимдан қутқара олмайди. У бир оз кучга киритиб, баъзи маълумотларни айтиб беришимга кўмак берармикин, деяпман-да.

– Қанақа маълумот?

– Мени ўлдирган қотил тўғрисида.

– Ҳали уни танийман денг?

– Жуда яхши танийман-да! У – Бенедетто.

– Анави корсикалик йигитми?

– Худди ўзи.

– Шеригингиз-а?

– Ҳа, шеригим. Граф уйининг режасини ўша тузиб берган эди, у агар мен графни ўлдирсам, меросга эга бўламан, граф мени ўлдирса, бу «кана»дан қутуламан, деган ниятда эди-да. Мана, энди унинг ўзи мени ўлдирди.

– Мен бир йўла докторни ва қироллик прокурорини чақиртирдим.

– У етиб келолмайди-да, етиб келолмайди! – деди Кадрусс, – танамдаги қоним оқиб, тугаётгандек бўляпти.

– Тўхтанг, – деди Монте-Кристо ва бўлмадан чиқиб кетди, сал ўтмай қўлида дори шиша олиб кирди.

Жони чиқиб бораётган Кадрусс мадад келармикин, деб бақрайиб қолган нурсиз кўзларини граф чиққан эшикка тиккан эди.

– Тез бўлинг, жаноб аббат, тез! – деди у, – йўқса, ҳушимдан кетиб қоламан.

Монте-Кристо ярадорнинг қошига бориб, шишадаги доридан лабига уч томчи томизди. Кадрусс оғир нафас олди-да:

– Яна... яна... томизинг, – деди. – Сиз мени тирилтиряпсиз, ҳа, тириляпман.

– Яна икки марта томизсам, ўласиз, – деди аббат.

– Нима бўлди? Ҳеч ким келмаяпти-ку? Ахир, қотилнинг номини айтиб кетмоқчиман!

– Истасангиз, мен номингиздан хат ёзсам қўл қўйишга розимисиз?

– Майли... розиман... – деди Кадрусс.

Монте-Кристо қуйидагиларни ёзди:

«Мени Тулан қамоқхонасида бирга бўлган 59-рақамли махбус корсикалик ўртоғим Бенедетто ўлдирди».

– Тез-тез бўлинг! – деди Кадрусс – Имзо чекишга улгурмай қоламан.

Монте-Кристо Кадруссга қалам тутқазди, ярадор бор кучини йиғиб хатга имзо чекди-да, шилқ этиб ўзини орқага ташлади.

– Қолган гапларни, жаноб аббат, ўзингиз айтасиз, шундай деб айтинг: у ўзига Андреа Кавальканти деб ном қўйиб олган, Шаҳзодалар меҳмонхонасида туради... У... ё, Парвардигор, жоним чиқиб кетяпти, ўляпман! Э, Худойим!

Кадрусс тағин ҳушидан кетди. Аббат дори шишани юзига тутган эди, у яна кўзини очди.

Қасос олиш ниятидан у ҳамон қайтишни истамасди. †

– Жаноб аббат, ҳамма гапни айтиб берасиз-да ўзингиз, хўпми?

– Ҳа, бу гапларни ҳам, бошқаларини ҳам.

– Бошқа қанақа гапни?

– У сизни, графни албатта ўлдиради, деган умид билан бу уйнинг режасини чизиб берган сизга, деб айтаман. Яна, у графга хат юбориб хабардор қилиб қўйган экан, дейман,

граф уйда йўқ экан, хатни мен олиб келиб, сизни кутдим, дейман.

– Шу гаплардан кейин осиб ўлдиришади уни, шундайми? – деди Кадрусс. – Уни албатта қатл этишади, сиз шундай бўлади, деб ваъда берасиз-а, хўпми? Мен, албатта ана шундай бўлади деган умид билан ўлсам, бу дунёдан беармон кетаман.

– У изингиздан келиб, – деди сўзини давом эттириб граф, – бошдан-охиригача сизни пойлаб турди, дейман, деразадан тушаётганингизни кўриб, муюлишга ўтиб яширинди, дейман.

– Сиз ҳаммасини кўриб турган экансиз-да?

– Менинг бояги сўзларимни эсланг; «Мабодо уйингга эсон омон қайтиб борсанг, демак Худо гуноҳингни кечирибди, деб ҳисоблайман ва мен ҳам сени кечираман».

– Билиб мени огоҳлантирмабсиз-да, ҳали?! – хитоб қилди Кадрусс тирсагига суяниб ва бошини кўтаришга уриниб. – Мен бу ерга чиқишим билан у мени ўлдиришини биларкансиз-у, мени огоҳлантирмабсиз-да?

– Ҳа, огоҳлантирмадим, чунки одилона Тангри судининг амру фармонини ана шу Бенедеттонинг қўлида кўрдим. Яратганнинг иродасига ғов бўлиш – тентаклик деб билдим.

– Одилона Тангри судининг амру фармони эмиш! Жаноб аббат, қўйинг, гапирманг менга буни. Агар бу одилона суд чиндан ҳам мавжуд бўлганда эди, баъзи кимсалар жазоланмоғи керак эди.

– Сабр қилинг, – деди аббат зарда билан, – сабр қилинг. Кадрусс графга тикилиб қолди.

– Яна шуни билиб қўйингки, – деди аббат, – Худо бандаларига ҳамиша меҳр-шафқатли, сизга, ҳаммамизга ҳам у аввало ота, қолаверса, ҳакам.

– Бундан чиқдики, сиз Худога ишонаркансиз-да? – деди Кадрусс.

– Борди-ю, шу пайтгача осий банда сингари ишонмай юрганимда ҳам, – деди Монте-Кристо, – энди сизни бу ҳолда кўриб Худога ишонган бўлур эдим.

Кадрусс муштларини қаттиқ қисиб, баланд кўтариб қўйди.

– Менга қаранг, – деди аббат, ишон, деб амр қилаётган-дек қўлларини чўзиб, – ҳаётингизнинг сўнгги дақиқаларида, сиз юз ўгирган ўша Худо сизга соғлиқ, куч-қудрат, фойдали меҳнат, ҳатто дўстлар ато этди – хуллас, шундай ҳаётни муҳайё этиб бердики, бундан виждонли ва нияти пок ҳар бир кимса қаноат қилиб, тинчгина яшаса бўларди. Тангрининг ҳаммага ҳам ато этавермайдиган мана шу марҳаматидан фойдаланиб, тинч-осойишта яшаш ўрнига, сиз нима қилдингиз? Сиз танбалликка ботиб, ичкиликка ружу қўйдингиз, бу сизни яқин дўстларингиздан бирига хоинлик қилишга олиб келди.

– Ёрдам қилинг! – қичқирди Кадрусс. – Менга коҳин эмас, доктор керак, доктор! Эҳтимол, ярам унча оғирмасдир, эҳтимол, мени ўлимдан қутқариб бўлар, тирик қоларман!

– Ярангиз жудаям оғир, мана бу дорини томизмаганимда аллақачон асфаласофилинга кетган бўлардингиз. Яхши-си, гапларимга қулоқ солинг.

– Ия, сиз жуда ғалати коҳин экансиз-ку! – шивирлади Кадрусс. – Ўлим тушагида ётган кишининг кўнглини кўтариб, далда бериш ўрнига, уни сўнгги умидидан ҳам маҳрум қилиясиз-а?

– Гапимга қулоқ солинг, – давом этди аббат, – дўстингизга хоинлик қилганингизда, Худо сизни қаҳр-ғазабга дучор этмай, раҳм-шафқат қилди, қашшоқликда оч-яланғоч яшадингиз, азоб-уқубатларга гирифтор бўлдингиз. Ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлиш ўрнига, ҳасад йўлига, нокаслик йўлига муккангиздан кетдингиз. Ўшандаёқ муҳтожликни баҳона қилиб, жиноий ишлар режалари тузиб юрардингиз. Худонинг меҳр-шафқати билан менинг қўлимдан бойлик олдингиз, бу сиздақа камбағал учун катта бойлик эди. Аммо кутилмаган, ўйлаб тушингизга ҳам кирмаган бу бойлик сиз очкўзга камдек кўринди-да, уни икки баробар ошириш пайига тушдингиз. Қандай йўл билан денг тағин? Қотиллик билан. Шу алфозда ўша бойликни икки баробар кўпайтириб олдингиз, бироқ Парвардигори олам уни сиздан тортиб олди-да, ўзингизни башар суди курсисига ўтқазди.

– Мен эмас, – деди Кадрусс, – яҳудийни мен эмас, Карконта ўлдиришга аҳд этди.

– Тўғри, – деди Монте-Кристо. – Шунинг учун ҳам Худо сизга раҳм-шафқат қилиб, ўлимга маҳкум этмади, унинг амри вожиб бўлди-ю, судьялар сўзларингизга учиб, сизни тирик қолдиришди.

– Шу ҳам меҳр-шафқат бўлди-ю! Бир умрга турмага тиқиб қўйиб, яна шафқат қилдик, дейишади-я!

– Сиз, паънати бу меҳр-шафқат ато этилган ўша пайтда ўзингизда йўқ қувонган эдингиз, чунки, сиз ҳам, бошқа барча маҳбуслар сингари: «Каторгадан чиқиб кетиш мумкин, аммо гўрдан чиқиб бўлмайди», деб ўйлагандингиз. Сиз ҳақ бўлиб чиқдингиз: тўсатдан турма эшиги сиз учун панг очилди. Икки бахтсизни шармандаю шармисор бўлишдан халос этишга аҳд қилган бир инглиз Тулонга борганда, чеки сиз билан ўртоғингизга тушади. Шундай қилиб, яна бахт қуши манглайингизга қўнди, турмада чириб кетишга маҳкум этилган сиз бадбахтнинг одамлар қатори яшаш учун пулингиз ҳам ва бошқа нарсаларингиз ҳам муҳайё эди. Сиз эса, Худога учинчи марта шак келтирдингиз, мол-мулкингиз илгаригидан ҳам кўп бўлишига қарамай, «бу менга камлик қилади», дедингиз-да, учинчи марта жиноят қилдингиз. Бунга ҳеч эҳтиёж ҳам, сабаб ҳам йўқ эди... Тангрининг сабр косаси тўлиб-тошди-да, қаҳри ғазабига дучор этди сизни.

Кадруссинг кўзлари хира тортди.

– Сув, – деди у, – сув беринг... бутун вужудим ёниб кетяпти!

Монте-Кристо бир стакан сув берди.

– Аблаҳ Бенедетто, – деди Кадрусс стаканни узатиб, – у сувдан қуруқ чиққандай қутулиб кетади.

– Ҳеч ким қутулмайди, мени айтди деяверинг, ҳеч ким... Бенедетто ҳам жазосини тортади.

– Унда сиз ҳам жазоингизни тортасиз, – деди Кадрусс, – ҳа, сиз ҳам... чунки коҳин сифатида ўз бурчингизни адо этмадингиз... Сиз Бенедетто жонимга қасд қилмоқчи бўлганда орага тушишингиз керак эди.

– Мен-а? – деди граф заҳарханда қилиб. Кадруссинг юраги шиф этиб кетди. – Кўкрагимга ҳозиргина пичоқ урган сиз аблаҳни ўлимдан қутқариб қолишим, яъни Бенедеттонинг йўлини тўсишим керак экан-да!.. Чучварани хом

санабсиз! Агар сиз тавба қилиб, бўйин эгганингизда, эҳтимол, орага тушган бўлармидим, бироқ сиз баттоллик, маккорлик қилдингиз, шу сабабдан мен сизни Худога солдим.

– Мен Худога ишонмайман! – қичқирди Кадрусс. – Сиз ҳам ишонмайсиз... Гапингиз ёлғон!.. Фирт ёлғон!..

– Учиринг овозингизни! – деди аббат, – танингиздаги сўнги қатра қонингиз ҳам оқиб тугаяпти... Худога ишонмайсизу, аммо унинг қаҳрига дучор бўлиб ўлиб кетяпсиз! Сиз эътиқод қилмайдиган Худо гуноҳларингизни афв этиш учун бир оғиз сўзингизга, бир томчи кўз ёшингизга, биргина саждангизга интизор бўлиб турибди... Хуллас, ҳар нарсага қодир Тангрим тавба қилишингиз учун бир неча дақиқа муҳлат ҳам бериб қўйди. Қани, тавба қилинг! Худодан шафқат тиланг!

– Йўқ, – деди Кадрусс, – тавба қилмайман. Худо ҳам, арвоҳлар ҳам йўқ, фақат тасодиф деган нарса бор.

– Арвоҳлар ҳам бор, Худо ҳам бор, – деди Монте-Кристо. – Мана, сиз аламингизга чидолмай, Худога шак келтириб ўляпсиз, мен эса Худога минг қатла шукр қилиб, бойбадавлат, шод-хуррам яшаб, навқирон бўлиб турибман қаршингизда.

– Ахир, ўзингиз кимсиз? – деди Кадрусс нурсиз кўзларини графга тикиб.

– Мана, яхшилаб қаранг, – деди Монте-Кристо шамчи-роқни ўзининг юзига тутиб.

– Сиз аббат... аббат Бузони...

Монте-Кристо ясама сочни олиб ташлади-да, юзига тушиб турган қоп-қора ўсиқ сочларини силкиди.

– Ё, алҳазар, – деди чўчиб Кадрусс, – қора сочлар бўлмаганда, ўша инглиз лорд Уилморнинг худди ўзисиз-а.

– Мен аббат Бузони ҳам, лорд Уилмор ҳам эмасман, – жавоб қилди Монте-Кристо, – яхшилаб қаранг, ўтмишни, энг узоқ ўтмишингизни эсланг.

Графнинг бу сўзларидаги аллақандай ғайритабиий шуур шўрлик Кадрусснинг ўлиб бораётган ҳиссиётларини сўнги марта жонлантириб юборди.

– Дарвоқе, – деди у, – мен сизни қаердадир кўрганга ўхшайман, бир вақтлар танирдим мен сизни.

– Ҳа, Кадрусс, сиз мени кўргансиз, танийсиз.

– Ахир, айтинг, кимсиз? Нега энди танишим бўла туриб мени ажал гирдобига улоқтиряпсиз?.

– Энди ҳеч ким жонингизга ора қиролмайди, Кадрусс, жароҳатларингиз жуда оғир. Сизни қутқариш имкони бўлса эди, Худонинг сизга бу иноятини ҳисобга олиб, ёрдамимни аямаган бўлардим. Отамнинг арвоҳи ҳаққи, қутқариб қолардим.

– Отамнинг арвоҳи ҳаққи! – деди Кадрусс яна жонлашиб, бошини кўтарди-да, бу муқаддас қасамни тилга олган кишига яқиндан тикилиб қаради. – Кимсиз, ахир?

Граф ўлим талвасасида ётган ярадордан кўзини бир дақиқа ҳам узмасди. Бу охирги талваса эканини граф англади-да, энгашиб:

– Мен... – деди қулоғига. – Мен... – шу он унинг билинар-билимас очилиб турган лабларидан асл исми зўрға эшитилди.

Кадрусс чўкка тушиб қўлларини кўтарди, орқага бир тисарилди-да, бор кучини йиғиб:

– Э, Тангрим! – деди, – кечир мени, гуноҳкор бандангни кечир, сен мавжудсан, чиндан ҳам ҳукмдоримизсан! Кўпдан буён сенга ишонмасдим! Энди ишондим! Ол мени! Ол мени ўз бағринга, ол!

Кадрусс шу охирги сўзларини айтди-да, бир уҳ тортиб, йиқилди.

Яралардан оқаётган қон дарҳол тўхтади. У ўлган эди.

– Бир! – деди сирли оҳангда граф, даҳшатли ўлим оқибатида бадбашара бўлиб кетган мурдага тикилиб.

Ўн дақиқа ўтгач, доктор ва қироллик прокурори келди, бирини дарвоза қоровули, иккинчисини эса Али чақириб келган эди. Уларни мурда тепасида дуо ўқиб ўтирган аббат Бузони кутиб олди.

VII. БОШАН

Графникига ўғри тушгани ҳақидаги гап икки ҳафтадан бери парижликларнинг оғзидан тушмайди. У, ўлаётиб, қотили Бенедетто деган кимса эканлигини хатда ёзиб қолдирибди. Полиция ҳамма айбқоччиларни ишга солибди.

Кадруссининг пичоғи, махфий фонар, қулф бузадиган асбоблар боғлами, камзулидан бошқа (камзулини ҳеч ердан топишолмабди) кийимлари жиноий иш делосига тиркаб қўйилди, мурда эса ўликхонага юборилди.

Граф сўраганларга бу воқеалар мен Отейлдаги уйдалигимда юз берган, ўзим ҳам фақат аббат Бузонидан эшитдим, аббат ҳам ўша куни фавқулодда уйимда бир кеча тунашга ва қироатхонамдаги баъзи нодир китоблардан кўчирмалар олишга рухсат сўраган эди, деб жавоб берарди.

Ҳар гал Бенедеттонинг номи тилга олинганда, Бертуччининг ранги ўчиб кетар, аммо ҳеч ким бунга эътибор бермасди.

Жиноят тепасига чиқарилган Вильфор, терговни ўзим олиб бораман, деб делони ўз қўлига олди-да, жон-жаҳди билан ишга киришди.

Ўшандан буён уч ҳафта ўтди, аммо қаттиқ қидирувлар натижа бермади. Жамоатчилик эса бу суиқасд ҳақидаги ва ўғрини ўз шериги ўлдиргани ҳақидаги гапларни унута бошлади. Энди ҳамма гап мадемуазель Данглар билан граф Андреа Кавалькантининг яқинда бўладиган тўйи устида борарди.

Икки ёшнинг турмуш қуриши аллақачон расмий равишда эълон қилинган эди, Андреа эса банкирнинг уйида куёвтура бўлиб гердаиб юарди.

Бу ҳақда Андреанинг отасига хат ёзишибди, у икки ёшнинг бир ёстиққа бош қўйишини маъқуллаб жавоб хати юборибди ва Пармуда хизмат қилаётганини, боровмаслигидан ниҳоятда афсусланганлигини изҳор этибди. Яна қўшимча қилиб, йилига юз эллик минг ливр фойда берадиган маблағ ажратишга розиман, дебди.

Уч миллионни Данглар банкига қўйишга қарор қилишибди, банкир эса бу маблағни муомалага қўядиган бўлибди. Тўғри, куёвга, қайнатангизнинг бундан кейинги аҳволи шубҳали, чунки сўнгги кунларда биржада ишлари ҳадеб пачава бўляпти, деганлар ҳам бўлди. Бироқ юксак ишончга тўла ва ҳар қандай ғаразғўйликдан холи Андреа бу мишмишларнинг ҳаммасини рад этди, ҳамда бу гапларни бировга айтишни ўзига эп кўрмади.

Барон граф Андреа Кавалькантидан ниҳоятда мамнун эканлиги бежиз эмасди-да.

Мадемуазель Эжени Дангларга келганда, турмушга чиқишни хоҳламайдиган бу эркатой қиз Андреа пайдо бўлиши билан, Морсердан қутулдим деб хурсанд бўлган эди: лекин Андреа жуда шилқимлик қилавергач, ундан ҳам жирканадиган бўлиб қолди.

Барон, эҳтимол, буни ҳам сезиб қолгандир, бироқ бу қизнинг ноз-карашмаси деб ўйлаб ўзини билмаганга солиб юраверди.

Шу орада Бошан белгилаган муддат ҳам тугай деб қолган эди. Морсер эса Монте-Кристо ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин, деб тўғри айтганига ишониши ҳам мумкин эди. Газетанинг генералга дахлдор жойларига ҳеч ким эътибор ҳам бермади, Янина қалъасини душманга топширган офицер пэрлар Палатаси мажлисида гердаиб ўтирган граф эканлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди.

Шунга қарамай Альбер ўзини ҳақоратланган ҳисоблар, газетадаги хабар жўрттага унинг иззат-нафсига тегиш учун босилган деб биларди. Бундан ташқари, Бошаннинг суҳбат охирида айтган сўзлари унга ёмон таъсир қилган эди. Шу сабабдан Альбер дуэль ҳақидаги фикридан қайтмас, аммо бунинг асл сабабини, Бошан рози бўлса, ҳатто ўз секундантиларидан ҳам яширмоқчи эди.

Альбер билан учрашгандан буён Бошан ҳеч қаерда кўринмай қолди, сўраганларга, у бир неча кунга қаёққадир кетган, деб жавоб беришарди.

Дарҳақиқат, унинг қаердалигини ҳеч ким билмасди.

Бир куни эрталаб камердинер Альберни уйғотиб, Бошан келганлигини хабар қилди, Альбер кўзларини ишқалади-да, Бошандан пастда бир оз кутиб туришни илтимос қилиб, тез кийиниб, пастга тушди.

Бошан папирос чекадиган хонанинг у бошидан-бу бошига юриб тургани, Альберни кўриб тўхтади.

– Мени кутмай ўзингиз келганингизни яхшилик нишонаси деб билсам бўладими? – сўради Альбер. – Тез гапиринг, Бошан, хатоингизга иқрор бўлиб, қадимгидек дўст бўлиб қоламизми ёки бу масалани қуроқ билан ҳал этамизми, қайсинисини маъқул кўрасиз.

– Альбер, – деди Бошан, унинг қайғули овози Морсерни таажжубга солди, – келинг, аввал ўтириб бафуржа гаплашиб олайлик.

– Жаноб, ўтиришдан олдин саволимга жавоб берасиз, деб умид қиламан.

– Альбер, – деди журналист, – шундай вазиятлар туғилдики, саволга жавоб бериш ўлимдан қийин бўлади.

– Ундай бўлса, жаноб, мушқулингизни осонлаштириб, саволимни қайтариб қўя қолай: раддия берасизми ёки йўқми?

– Морсер, бунақа саволга оддий тарзда: «ҳа» ёки «йўқ», деб жавоб бермайдилар, ахир гап генерал-лейтенант граф де Морсернинг – Франция пэрининг ор-номуси, жамиятдаги нуфузи, ҳаёт-мамоти устида боряпти.

– Йўқса нима қилишлари керак эди?

– Мен нима қилган бўлсам, шуни қилишлари керак эди, Альбер. Ўзларича: гап обрў устида, бутун бир оиланинг манфаати устида борганда, пул, вақт ва зўр бериш роль ўйнамайди, дўстинг билан ҳаёт-мамот жангига бо-раётганда биргина тахминли мулоҳаза кифоя қилмайди, қиладиган ишинг ҳақ иш эканлигига имонинг камил бўлмоғи керак, дейишади. Яна уч йиллик қадрдон дўстинг билан яккама-якка жанг қилиш тўғри келиб қолса, виждон азобига тушмаслик учун, ҳеч бўлмаганда нима учун шундай қилаётганингни билмоғинг керак, деб ўйлашади.

– Бўпти, бўпти, – деди Альбер, сабр косаси тўлиб, – бу билан нима демоқчисиз ўзи?

– Демоқчиманки, ҳозиргина Янинадан келдим.

– Янинадан? Сиз-а.

– Ҳа, мен.

– Бўлмаган гап!

– Азизим Альбер, мана, паспортимни кўринг: Женева, Милан, Венеция, Триест, Дельвино, Янина. Бир республиканинг, бир қиролликнинг ва бир империянинг полициясига ишонарсиз?

Альбер паспортга кўз ташлади ва таажжуб-ла Бошанга тикилиб қолди.

– Янинага бориб келдингизми? – сўради у такроран.

– Альбер, агар сиз менга ёт, нотаниш ёки бундан бир ой бурун мендан дуэлга чиқишни талаб этиб келиб, менинг ўқим билан ҳалок бўлган инглиз пордга ўхшаган кимса бўлганингизда эди, мен бунчалик узоқ жойга овора бўлиб бориб юрмасдим, буни ўзингиз яхши тушунасиз, аммо сизга камоли ҳурматим туфайли шундай қилишга мажбурман. Янинага боришга бир ҳафта, қайтишга бир ҳафта вақтим кетди, карантинда тўрт кун ва икки кун у ерда бўлдим, ҳаммаси бўлиб уч ҳафта ўтди. Бугун кечаси қайтиб келдим, ҳозир эса мана, ҳузурингиздаман.

– Э, Тангрим, бунча узоқ муқаддиманинг нима кераги бор, Бошан? Гапни чўзишга на ҳожат? Гапнинг пўскалласини айта қолсангиз-чи?

– Альбер, очигини айтсам...

– Айтишга юрагингиз дов бермаяпти, шекилли...

– Тўғри, қўрқяпман.

– Хабарингиз ёлфон чиқиб қолди-ю, шунга иқрор бўлишдан қўрқяпсизми? Манманликни йиғиштириб қўйиб, хатонингизга иқрор бўлаверинг, ўшаанда ҳам жасур йигит эканлигингизга ҳеч ким шубҳаланмайди.

– Гап тамом бошқача, Альбер, – деди шивирлаб Бошан, – сиз айтганнинг батамом акси...

Альбер мурдадай оқариб кетди, у бир нарса демоқчи бўлиб оғзини очди-ю, индамади.

– Дўстим, – деди Бошан мулойимлик билан, – башарти ўша хабар нотўғри бўлиб чиққанда, мен айбимга иқрор бўлардим-да, жон деб сиздан узр сўрардим, аммо...

– Ҳўш, нима бўлмасам?

– Хабар тўғри экан, дўстим.

– Ростдан-а? Ўша француз офицер...

– Ҳа.

– Ўша Фернан-а?

– Ўзи хизматида бўлган ҳукмдорининг қалъасини душманга очиб берган хоин...

– Мени кечиринг, бироқ очигини айтсам, ўша хоин сизнинг отангиз экан!

Альбер Бошаннинг ёқасидан олмоқчи бўлиб интилган эди, Бошан унинг қўлидан тутди.

– Дўстим, мана, – деди у чўнтагидан қоғоз чиқариб, – мана далил.

Альбер қоғозни очди, бу Янинада турувчи тўртта таниқли кишининг хати эди. Унда, вазир Али-Тебелинда инструктор бўлиб хизмат қилган полковник Фернан Мондего икки минг ҳамён пулга сотилиб, Янина қалъасини душманга очиб берган, деб ёзилган эди.

Уларнинг имзоларини консуль тасдиқлаб берибди.

Альбер беҳуш бўлиб, ўриндиққа йиқилди.

Исм ва фамилия тўлиқ ёзилган, энди шубҳага ҳеч ўрин қолмаган эди.

У бир дақиқа ғазабдан тўлганиб турди, кейин ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади.

Дўстининг оғир изтиробга тушганини кўриб, дили эзилган Бошан унинг ёнига бориб:

– Альбер, – деди, – энди менинг гапларимни тушунгандирсиз? Ўз кўзим билан кўриб-билиб, отангиз ва унинг табаррук номини ўзим ҳимоя қиламан деб ўйлагандим. Бироқ ҳаммаси бунинг акси бўлиб чиқди. Мен тўплаган далиллар Али пошо генерал-губернатор унвонига муяссар этган ўша офицер-инструктор Фернан Мондего граф Фернан де Морсер эканини тасдиқлади. Сўнгра қайтдим-да, дўстлигимиз ҳурмати, тўғри ҳузурингизга келдим.

Альбер ҳамон ўриндиқда букчайиб ўтириб, гўё кун ёруғидан яширинаётгандек, қўллари билан юзини бекитиб олган эди.

– Тўғри ҳузурингизга келиб, – деди сўзини давом эттириб Бошан, – шундай демоқчи эдим: дўстим Альбер, серташвиш бу замонамизда оталар қилмиши болаларнинг шаънига доғ сололмайди. Альбер, биз туғилиб ўсган бу жамиятда ўз ҳарбий либосини ёки судья либосини бўлиб ўтган инқилобларда балчиққа ёки қонга бўямаган одам камдан-кам топилади. Ҳамма далиллар, ҳужжатлар менинг қўлимда экан, эндиликда ҳеч ким мени чақирикни қабул этишга мажбур этолмайди, сиз ҳам виждонан буни жиноят деб ҳисоблашингизга ишонаман. Энди менинг бир таклифим бор. Агар истасангиз, фақат менингина қўлимда бўлган мана шу далиллар, фош этувчи жами ҳужжатларнинг тагига сув қуйиб юборилади, хўш, нима дейсиз? Бу

машъум сир фақат иккимизнинг ўртамизда қолишини истайсизми? Чин виждон ҳаққи, менга ишонинг: ҳеч қачон, ҳеч қаерда бу сир ошкор этилмайди. Жавоб беринг, дўстим, сиз шунга розимисиз?

Альбер ўрнидан турди-да, Бошанни бўйнидан қучоқлаб олди.

– Меҳрибон дўстим! – хитоб қилди у.

– Мана, олинг, – деди Бошан Альберга қоғозларни уза-тиб.

Альбер қоғозларни шартта олди-да, асабий ғижимлади, майда-майда қилиб йиртиб ташламоқчи бўлди, бироқ вақти келиб уларни шамол учириб, пешанамга шартиллатиб уриши мумкин-ку, деб ўйлаб, шамчироқ олдига олиб борди-да, охириги парчасигача ёндириб юборди.

– Садоқатда тенгсиз дўстим! – деди қоғозларни ёндираётиб Альбер ҳазин товушда.

– Келинг, шундай аҳд қилайликки, бу гапларнинг ҳаммаси бетайин бир туш каби йўқ бўлиб кетсин, қуйиб қорайиб бораётган қоғоз устидаги сўнгги учқунлар каби кулга айлансин, кул устидаги охириги тутун каби тарқалиб ғойиб бўлсин.

– Ҳа, йўқолсин, гумдон бўлсин, – деди Альбер, – фақат абадий дўстлик қолсин, ҳа, онт ичаман сизга, менинг халоскорим, дўстлигимиз – абадий. Фарзандларимиз ҳам бу дўстликни ардоқлашади. Мен сизнинг дўстона меҳр-шафқатингизни умрбод унутмайман. Бу сирдан бошқа бирор зот фавқуллодда хабардор бўлиб қолганда эди, ўзимни-ўзим отиб ўлдирардим. Ҳа, Бошан, ўз жонимга ўзим қасд қилишга мажбур бўлардим ёки муштипар онамни деб тирик қолсам-да, Францияни ташлаб чиқиб кетардим.

– Қадрдоним Альбер! – деди оҳиста Бошан.

Бироқ сунъийлик сезилиб турган бу қувонч Альбернинг чеҳрасида қандай тез пайдо бўлган бўлса, шунча тез ғойиб бўлди-да, унинг ўрнини қайғу-алам эгаллади.

– Нима гап? – сўради Бошан. – Нима бўлди сизга?

– Нечундир кўнглим ғаш, – деди Альбер. – Биласизми, Бошан, шу кунгача айбсиз деб келинган ота номига бўлган фарзандлик ҳурматидан, ишончидан, ифтихоридан бирдан воз кечиш осон эмас. Оҳ, дўстим Бошан! Энди мен қандай

қилиб отамнинг юзига қарайман? Пешанамдан ўпмоқчи бўлганда ундан юз ўгираманми? Қўлини узатса, қўлимни тортиб оламанми?.. Бошан, одамлар ичида энг бахтсизи мен эканман. Шўрлик онажоним! – давом этди Альбер жиққа ёш кўзларини графинянинг суратига тикиб. – Агар у аҳволимни билганда, ич-ичидан қуйиб адои тамом бўларди! Муштипар онагинам!

– Оғир бўлинг, дўстим! – деди Бошан, унинг қўлини ушлаб.

– Айтганча, хабар қандай қилиб сизнинг газетангизга тушиб қолди? – сўради Альбер. – Бу қасддан қилинган иш, пинҳоний бир душманнинг қўли бор бунда.

– Шунинг учун ҳам оғир бўлинг деяпман-да, ўзингизни босинг, дилингиздаги қайғу-аламни ҳеч кимга сездирманг, ҳаммасини ичингизга ютинг. Куч-қувватингизни даҳшатли онлар учун сақланг.

– Ҳали бу охири эмас деб ўйлайсизми? – сўради кайфи учиб Альбер.

– Мен ҳеч нима ўйлаётганим йўқ. Бироқ ҳали нималар бўлишини ким билади дейсиз. Айтганча...

– Нима? – сўради Альбер Бошаннинг иккиланиб турганини кўриб.

– Сиз ҳали ҳам мадемуазель Дангларнинг куёви ҳисобланасизми?

– Нега ҳозир мендан буни сўраб қолдингиз?

– Чунки, сизнинг Эженига ўйланиш ёки ўйланмаслигингиз ҳақидаги масала иккимизни ҳозир банд қилиб турган масалага алоқаси бор-да.

– Йўқ, ўйланмайдиган бўлдим, – деди Альбер.

– Яхши, – деди Бошан ва ёш йигитнинг яна кўнгли ўксиб, хафа бўлиб қолганини сезиб давом этди:

– Менга қаранг, Альбер, – майли десангиз извошдами, отдами бир тоза ҳавога чиқиб сайр қилсак, Булон ўрмони айланамиз, бир оз кўнглингиз ёзилади, кейин бирор жойга кириб, нонушга қиламиз-да, сўнг уй-ўйимизга кетамиз.

– Жоним билан, – деди Альбер, – бироқ яёв юрамиз, мен бир оз чарчасам маъқул бўлур эди.

– Тўғри айтасиз, – деди Бошан.

Дўстлар пиёда хиёбон бўйлаб йўлга тушдилар. Мадлен черковига етганда Бошан гап қотди:

– Менга қаранг, шу ерга келиб граф Монте-Кристоникига кирмай кетсак одобдан бўлмас, у ғоят дилкаш одам, кишининг дилидан ғуборларни тарқатиб юборади, ҳар нарсани сўраб-суриштирадиган одати йўқ. Бундай одамлар, менимча, кишига таскин беришда, хушвақт этишда бебаҳо зотлардир.

– Тўғри айтасиз, – деди Альбер, – кирайлик, мен уни яхши кўраман.

VIII. САЁХАТ

Иккала йигит бирга келганини кўриб, Монте-Кристо жуда қувониб кетди.

– Демак, ишлар «беш», деб ишонсам бўладими энди? – деди граф.

– Ҳа, ишонсангиз бўлади, – жавоб қилди Бошан, – анави бемаъни миш-мишлар ўз-ўзидан йўқ бўлди. Башарти уларни яна бирор тили қичиган оғзига олгундек бўлса, биринчи бўлиб мен ўзим адабини бериб қўяман. Келинг, энди бас қилайлик бу гапларни.

– Мен ҳам Альберга худди шундай маслаҳат бергандим, – деди граф, – мана, ўзидан сўранг, эътироф этади. Айтганча, – деди у қўшимча қилиб, – кўнгилсиз бир иш билан шуғулланиб ўтирганимда келиб қолдинглар.

– Қандай иш экан у? – сўради Альбер, – ёзув-чизувларингизни тартибга солаётганмидингиз?

– Худога минг қатла шукрки, ўзимникини эмас! Менда тартибга соладиган ёзув-чизувнинг ўзи йўқ. Жаноб Кавалькантининг қоғозларини қараб ўтиргандим.

– Кавалькантининг қоғозларини? – сўради Бошан.

– Ҳали сиз граф унга ҳомийлик қилиб юрганини билмайсизми? – деди Альбер.

– Йўқ, сиз айтганчалик эмас, – деди Монте-Кристо, – мен ҳеч кимга ворислик қилмайман, хусусан Кавалькантига.

– У менинг ўрнимга мадемуазель Дангларга уйланяпти, – деди сўзини давом эттириб Альбер, – бу, азизим Бошан, менга жуда алам қиляпти.

– Ия, ҳали шундайми? Кавальканти мадемуазель Дангларга уйланыптими? – сўради Бошан.

– Ие, осмондан тушдингизми? – деди Монте-Кристо. – Молванинг жазмани журналист бўла туриб воқеадан беҳабар қолибсиз-да! Ҳозир бутун Парижда ҳамманинг оғзида шу гап-ку.

– Граф, бу никоҳни сиз ташкил этган бўлсангиз керак? – сўради Бошан.

– Мен? Жаноб янгиликлар кашфиётчиси, илтимос, тагин бунақа мишмишларни тарқатиб юрманг! Тавба! Мен бирор кишининг никоҳига бош қўшармишманми? Мен-а? Йўқ, сиз мени билмас экансиз, аксинча, бу никоҳга мен жоним борича қаршилиқ кўрсатдим, ҳатто бирор таклиф ҳам киритганим йўқ.

– Тушундим, – деди Бошан, – дўстимиз Альбер учун шундай қилгансиз-да?

– Мен учун эмас, – деди Албер. – Мен, аксинча, графдан бу режани бузишга кўмаклашишни кўпдан буён илтимос қиламан, буни графнинг ўзи ҳам тасдиқлаши мумкин. Мана энди никоҳ бекор қилинганда, граф: бунда менинг ҳеч иштироким йўқ, мендан миннатдор бўлмай қўя қолинг, дейди. Майли, уники тўғри дейлик, у вақтда мен, худди эскилардек, Худо меҳрибон, деб қўя қоламан.

– Шуни билиб қўйингки, – деди Монте-Кристо, – бўлғуси қайната билан ҳам, куёв билан ҳам алоқам яхши эмас, шунинг учун мен бу ишга заррача бош қўшганим йўқ, қўшмайман ҳам. Биргина мадемуазель Эжени, унга эрга чиқишга хоҳиши йўқлигидан бўлса керак, ўзи учун энг қимматли ҳисобланган эркинликдан воз кечишга мажбур этмаганимдан мени ҳурмат қилади.

– Уларнинг тўйи яқин кунларда бўлса керак-да?

– Ҳа, менинг бир неча бор огоҳлантиришимга қарамай, яқинда тўй бўладиганга ўхшайди. Мен у йигитнинг қанақа одам эканлигини билмайман, у бой ва аслзодалардан дейишади, мен бу «миш-миш»ларга асти ишонмайман. Шу фикримни Дангларга қайта-қайта айтдим, бироқ у итальян йигитни кўкларга кўтаргани-кўтарган. Ҳатто яна бир муҳим воқеадан уни хабардор қилиб қўйишни лозим топдим: у

ёш йигитни эмизак гўдаклигида алмаштириб қўйишганми, ёки лўлилар ўғирлаб кетганми, ё бўлмаса мураббийси аллақерда йўқотиб қўйганми, хабарим йўқ. Бироқ шуни яхши биламанки, отаси ўн йилдан кўпроқ вақт мобайнида ундан мутлақо беҳабар бўлган, қаерларда дайдиб, нима билан шуғулланганлигини билмайди. Бу ҳақда ҳам Дангларни огоҳлантирдим, аммо нафи бўлмади. Мендан майорга хат ёзиб, ҳужжатларни сўраб олишини илтимос қилишди. Мана, майордан олинган ҳужжатлар, буларни Дангларга юборяпман. Энди, мен ҳам Пилат сингари қўлимни ювиб, қўлтиғимга урдим.

– Мадемуазель д’Армильи? – сўради Бошан. – Уни шоғирдидан жудо этганингиз учун сиздан хафа эмасми?

– Қайдам, хафа бўлдими, йўқми, айтолмайман, бироқ, афтидан, у Италияга кетаётган бўлса керак. Данглар хоним унинг ҳақида мен билан гаплашган эди, Италия театрларидан бирининг директорига тавсиянома ёзиб беришни илтимос қилди. Менга иши тушган Валле театрининг директорига хат ёзиб бердим. Дарвоқе, нимага сиз бунча хомушсиз, Альбер, тинчликми? Ёки ростдан ҳам мадемуазель Дангларни беихтиёр севиб қолганмисиз?

– Севиб қолганим йўқ, чоғи, – деди Альбер ноҳуш табасум билан.

Бошан суратларни кўздан кечира бошлади.

– Ҳар қалай, – давом этди Монте-Кристо, – бу гал ҳеч ўзингизга ўхшамайсиз. Айтинг, нима бўлди сизга?

– Бошим оғрияпти, – деди Альбер.

– Ундай бўлса, азизим виконт, – деди Монте-Кристо, – менда жуда ажойиб дори бор, беришим мумкин, бу дорини мен доим тобим қочиб қолганда ичаман.

– Қанақа дори? – сўради Альбер.

– Ҳавони, муҳитни ўзгартирадиган дори.

– Ростданми?

– Ҳа, ростдан. Менинг ҳам мазам қочиб турибди. Шу кунлари бошимни олиб кетмоқчиман. Истасангиз бирга кетамиз, нима дейсиз?

– Нега мазангиз қочиб қолди, граф? – деди Бошан, – сабаби бордир?

– Менга осон тутасиз-да; сизнинг хонадонингиздаям меникидагидек тергов олиб борилса, ҳолингизга маймунлар йиғламасмиди?

– Тергов? Қанақа тергов?

– Жаноб де Вильфорнинг ўзи ҳурматли қотилимнинг иши устида тергов олиб боряпти: бу ҳибсхонадан қочган қандайдир қароқчи бўлса керак.

– Э-ҳа, – деди Бошан, – мен бунга газетада ўқигандим. Кадрусс деган шахс ким экан ўзи?

– Қандайдир провансалчи. Номини Вильфор Марселда ишлаганида эшитган экан, Данглар эса ҳатто кўрганман дейди. Шу сабабдан қироллик прокурори жаноблари бу ишга жуда берилиб киришган, полиция бошлиғи ҳам жуда қизиқиб қолди, шекилли. Улар икки ҳафтадан буён Кадрусснинг қотилини топиш баҳонасида Парижда ва унинг атрофида қўлга тушган ҳамма каллакесарларни уйимга олиб келишяпти. Агар бу ҳол давом этаверса, уч ойдан сўнг француз қироллигида уйимнинг режасини билмаган бирор-та муттаҳам, бирорта каллакесар қолмаса керак. Энди уйимни батамом уларнинг ихтиёрига топшириб, бошим оққан томонга кетмоқчиман. Юринг, бирга кетайлик, виконт!

– Бўпти.

– Демак, гап битта!

– Гап битта, аммо қаёққа?

– Айтдим-ку: баҳаво, тинч, осойишта жойларга, киши қанчалик кеккайган бўлмасин, ўзини нақадар итоаткор бир махлуқ эканлигини ҳис этадиган ўлкаларга. Мен, ҳа, мен, яъни Августга ўхшаб жаҳон ҳокими деб ном олган мен, ана шунақа ерларда юришни яхши кўраман.

– Ҳўш, қаерда экан унақа жойлар?

– Денгизда, виконт. Мени ўзингиз биласиз-ку, денгизчиман, болалик чоғимдаёқ кекса Океан кўлида «алла» тинглаб, гўзал Амфитритнинг кўксида ухлардим; ана шу денгизнинг кўм-кўк ўртуғи ва Амфитритнинг зумрад либосини тортқилаб ўйнар эди. Мен денгизни маъшуқам каби севаман, узоқ вақт кўрмасам соғиниб қоламан.

– Граф, жўнадик!

– Денгизгами?

– Ҳа, денгизга.

– Кетдикми?

– Кетдик.

– Ундай бўлса, виконт, бугун менинг остонамда сафар извоши тахт туради, у жуда қулай, худди каравотда ётгандек роҳат қилиб кетамиз. Тўрт от қўшилади. Бошан, менга қаранг, извошимга бемаюл тўрт киши сиғади. Сиз ҳам юринг. Мен сизни лутфан таклиф қиламан.

– Раҳмат, ҳозиргина денгиздан қайтдим.

– Ия, сиз денгизда бўлдингизми?

– Ҳа. Барромей оролларида жиндак саёҳат қилиб келдим.

– Барибир, бораверамиз! – деди Альбер.

– Йўқ, азизим Морсер, агар иложим бўлганда бу таклифни рад этармидим. Бундан ташқари, – қўшимча қилди Бошан овозини пасайтириб, – ҳозир мен албатта Парижда бўлишим шарт, газетага келаётган хабарларни кузатиб туришим керак.

– Менинг содиқ дўстим, бу гапингиз жуда маъқул, – деди Альбер, – кузатиб туриш, Бошан, уша хабарни эълон этган душманни аниқлашга ҳаракат қилинг.

Альбер билан Бошан хайрлашишди, сўнгги қўл сиқишларда бегона киши олдида айтиб бўлмайдиган гапларнинг мазмуни акс этган эди.

– Бошан жуда қулинг ўргилсин йигит-да! – деди Монте-Кристо журналист чиқиб кетгач, – тўғрими, Альбер?

– Худо ҳаққи, граф, дилбар йигит! Мен уни жонимдан ҳам яхши кўраман. Энди сафар масаласига ўтайлик: менга барибиру, ҳарҳолда билиб қўйган яхши: қаёққа борамиз?

– Агар сиз йўқ демасангиз, Нормандияга.

– Жуда соз, у ерда танҳо ўзимиз роса маза қиларканмизда, а? Ўзимиздан бўлак ҳеч ким бўлмайди – на жамоат, на қўшни, тўғрими?

– Бизга фақат отларимиз, овчи кучукларимиз ҳамроҳ бўлади, яна балиқ овлайдиган қайиқ бўлади, вассалом.

– Менга кераги ҳам ана шулар. Онамни хабардор қилиб қўйсам бас, сўнг ихтиёрим сизда.

– Рухсат беришармикин сизга? – сўради Монте-Кристо.

– Нимага?

– Нормандияга боришга.

– Менга-я? Ие, ҳали ихтиёрим ўзимда эмас деб ўйлайсизми?

– Биламан, эркинсиз, якка ўзингиз саёҳат қилиб юраве-расиз, Италияда учрашгандик-ку.

– Ундай бўлса, нега энди рухсат беришармикин деяп-сиз?

– Граф Монте-Кристо деган одам билан боришга рухсат беришармикин деяпман-да.

– Эсингиздан чиқибди-да, граф.

– Нима?

– Ахир мен сизга, онам сизни жуда ҳурмат қилади, де-мабмидим?

– Аёллар ҳар мақомда ўзгариб туришади, деган Франциск Биринчи, аёл тўлқинга ўхшайди деган Шекспир; биринчи-си, улуғ шоҳ, иккинчиси, буюк шоир эди, афтидан иккиси ҳам хотинлар хулқини яхши билиб олган зотлардир.

– Тўғри, бироқ менинг онам оддий аёллардан эмас, асл аёл!

– Узр, мен бу гапингизга унча тушунмадим?

– Демокчиманки, менинг онам ҳиссиёт масаласида жуда хасис, аммо бирор кишини севиб қолгундек бўлса, севги-ни умр бўйи қалбида сақлайди.

– Э, шундайми ҳали, – деди оғир нафас олиб Монте-Кристо, – онангиз мени ҳурмат қилади деб ўйлайсизми?

– Мен сизга илгари ҳам айтгандим, яна қайтариб айта-манки, – деди Альбер, – сиз тенги йўқ, бебаҳо одамсиз.

– Қўйинг бунақа гапларни!

– Ҳа, кишини мафтун қиладиган ажойиб одатларингиз-га онам жуда қизиқиб қолган. Онам билан якка қолганда нуқул сизни гапирамиз.

– Онангиз ўша Манфредга ишонмагин, деб уқтирса ке-рак-да сизга, шундайми?

– Аксинча, у менга: «Альбер, аминманки, граф виждони пок, муруввати баланд, хушфёъл одам, унинг меҳр-муҳаб-батига сазовор бўлишга ҳаракат қил», дейди ҳамиша.

Монте-Кристо орқасига ўгирилиб ўксиниб қўйди.

– Ростданми?

– Шундан кўриниб турибдики, – деди Альбер сўзини да-вом эттириб, – у менинг боришимга қарши бўлиши асло

мумкин эмас, аксинча, сиз билан бирга саёхат қилишимни чин юракдан маъқуллайди, ахир ўзи ҳам менга шундай насихат қиларди.

– Бўпти, кечгача хайр, – деди Монте-Кристо, – соат бешда етиб келинг. Манзилимизга ярим кечада ёки тунги соат бирларда етиб борамиз.

– Трепорга-я? Қандай қилиб?

– Ҳа, Трепорга ёки унинг яқинига.

– Саккиз соатда қирқ саккиз пье йўлни босиб ўтамиз, деб ўйлаяпсизми?

– Эҳтимол, бундан ҳам эртароқ борармиз, – деди Монте-Кристо.

– Сиз муъжизакорсиз! Яқин орада темир йўлдан ўзибгина қолмай (бу, айниқса Францияда унчалик қийин эмас), тезкорликда телеграфни кейинда қолдирасиз.

– Ҳар қалай, етиб бориш учун саккиз соат вақт керак бўлади, кечикмай келинг.

– Хотиржам бўлинг, ҳеч қандай ишим йўқ, бўшман, сафар буюмларимни йиғсам бўлгани.

– Келишдик, соат бешда.

– Бешда.

Альбер чиқиб кетди. Монте-Кристо уни илиқ кузатиб қўйди-да, узоқ вақт хаёлга чўмиб, туриб қолди. Сўнг бўлмагур хаёлларни қувиб юбормоқчидек, пешанасини қўли билан силади-да, икки марта қўнғироқ чалди.

Бертуччо кирди.

– Бертуччо, – деди Монте-Кристо, – эртага эмас, индин ҳам эмас, бугун соат бешда Нормандияга жўнайман, соат бешгача ҳали эрта; биринчи бекатдаги отбоқарларни огоҳлантириб қўйишсин, мен билан виконт де Морсер ҳам боради. Боринг.

Бертуччо чиқиб кетди, Понтуазга извош нақ соат олтида боради, деб огоҳлантириш учун чопар юборилди. Понтуаздаги отбоқар эса кейинги бекатга одам жўнатди, уни си яна наригисига от чоптирди. Шу тарзда ҳамма бекатлар хабардор этилди.

Жўнаш олдида граф Гайде бўлмасига чиқди-да, жўнаётганини ва бутун уй унинг ихтиёрида қолажанини айтди.

Альбер вақтида етиб келди. У извошга тушганда хафа эди, бироқ дулдул каби учиб бораётган отларга маҳлиё бўлиб, кўнгли бир оз юмшади, Альбер извошда бунчалик тез юриш мумкинлигини ҳеч ўйламаган эди.

– Франция йўлларида ҳеч бемалол юролмайсан, – деди Монте-Кристо. – Почта извошларида соатига фақат икки лье юриб, тоқатинг тоқ бўлиб кетади, олдинги йўловчидан рухсатсиз қувиб ўтиб кетмаслик ҳақида бемаъни бир қонун чиқариб қўйишган, бирор бекорчи ёки тентак ҳамманинг йўлини тўсиб олади-да, бутун йўл бўйи она сутингни оғзинга келтириб юборади. Мен ана шу азобдан қочиб ўз извошим, извошчим ва ўз отларим билан сафарга чиқаман. Тўғрими, Али?

Граф шундай деди-да, дарчадан бошини чиқариб отларга бир-икки қичқириб қўйган эди, жониворларнинг қаноти яна ҳам ўсиб, извош ҳаммани ҳайратга солиб қироллик йўли бўйлаб елдай учиб кетди. Али хўжайинининг қийқиригини эшитиб, тишининг оқини кўрсатиб қўйди-да, тизгинларни чайир қўлларида маҳкам сиқиб, отларни баттар тезлатди. Сахро фарзанди Али қоп-қора юзи, ёниб турган кўзлари, чанг босган қош-киприклари билан самум арвоҳига ёки бўрон Худосига ўхшарди.

– Мен ҳеч қачон бунақа тез юриб бунчалик маза қилмаганман, – деди Альбер. Унинг чехрасидаги сўнги қайғу излари, рўбарўдан уриб турган шамол учуриб кетгандек, бирпасда йўқ бўлди-кетди.

– Бундай отларни қаердан опасиз? – сўради Альбер. – Ёки махсус буюртма билан беришадими сизга?

– Худди шундай, буюртма билан. Бундан беш йил муқаддам Венгрияда ажойиб бир айғир топиб олдим, у учарлиги билан машҳур экан. Мен уни сотиб олдим, қанчага олганлигим эсимда йўқ, пулни Бертуччо тўлаган эди. Ўша йилнинг ўзидаёқ у ўттиз иккита тойчоқ туғдирди, айғирнинг ҳамма уруғ-аймоғини иккимиз ҳали кўрамиз, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ҳаммаси ҳам қўлинг ўргилсин отлар, фақат пешаналарида юлдуз тамғаси бор, холос. Буни ҳам от заводидагилар, худди подшоҳ канизаклар танлагани сингари, бу айғирга бия танлаш учун юлдуз нусха тамға уриб қўйишаркан.

– Қойил! Қойил!.. Бироқ, сизга бунча отнинг нима кераги бор?

– Ўзингиз кўриб турибсиз-ку, отда сафар қиляпман.

– Ахир умрингиз нуқул сафарда ўтмайди-ку?

– Отлар зарур бўлмай қолган тақдирда Бертуччо уларни сотади, айтишига қараганда, у бундан қирқ мингга яқин фойда қиларкан.

– Европада бу отларни бунақа нархга сотиб олишга қурби етадиган бадавлат қирол ҳам топилмайди-ку.

– Ундай бўлса, Бертуччо уларни шарқ ҳукмдорларидан бирига сотар, бу ҳукмдор эса бўшаб қолган хазинасини қамчи, дарра билан фуқароларидан ундириб олган ақча ҳисобига тўлдириб олади.

– Биласизми граф, менда бир фикр пайдо бўлди ҳозир.

– Ҳўш, қанақа фикр экан?

– Сиздан кейин Европада Бертуччо энг бой киши бўлиб қолса керак.

– Янглишяпсиз, виконт. Аминманки, Бертуччонинг чўнтагини ағдариб сийқа чақа ҳам тополмайсиз.

– Ростдан-а? – деди Альбер. – Демак, Бертуччонгиз ҳам ғалати одам экан-да? Азиз граф, сиз мени мўъжизалар гирдобига бунақа фарқ қилаверсангиз, огоҳ бўлингки, ишонмай қўйишим мумкин сизга.

– Альбер, менда ҳеч қандай мўъжиза деган нарсанинг ўзи йўқ. Рақамлар ва ақлни жойига қўйиб иш юритиш – мана шу менинг мўъжизам. Мисол учун сизга бир жумбоқ: иш бошқарувчининг қўли қинғир, нега шундай?

– Менимча, бу иллат уларнинг қонида бор, – деди Альбер, – у ўғирлик қилмасдан туролмайди.

– Янглишасиз, унинг бола-чақаси бор, ўзини ва бола-чақасини боқиш учун ўғирлик қилади, бироқ асосий сабаб шундаки, бир кун келиб хўжайиним думимни тугиши мумкин деган хавф билан келажагига замин ҳозирлаб қўйиш ҳаракатига тушади. Бертуччо эса сўққабош, у пулларимни фарра-шарра сарфлай беради, мен билан умрбод бирга бўлишига қаттиқ ишонган.

– Нима сабабдан?

– Ундан яхши иш бошқарувчи тополмаслигимни билади.

– Сиз боши берк кўчага кириб қолгансиз. Ҳа, тахминлар оламига.

– Асло ундай эмас, бу ишонч олами. Ҳаёт-мамоти менинг қўлимда бўлганларгина менга содиқ хизматкор бўла олади.

– Бертуччонинг ҳаёт-мамоти сизнинг қўлингиздами? – сўради Альбер.

– Ҳа, – совуққина жавоб берди Монте-Кристо.

Суҳбат маромида бири-биридан совуқ бундай савол-жавоблар бот-бот бўлиб турди, ҳатто суҳбатдошлар энди юз кўрмас бўлиб ажралиб кетишса керак, деб ҳаёл қилиш мумкин эди.

Сафар мўлжалдаги тезликда давом этди, саккиз бекатга тақсимлаб қўйилган ўттиз икки от қирқ саккиз пье масофани саккиз соатда босиб ўтди.

Извош ярим кечада гўзал бир боғ дарвозаси олдига келиб тўхтади. Ланг очиқ дарвоза ёнида қоровул ғоз турарди. Уни сўнгги бекатнинг отбоқари огоҳлантириб қўйган эди.

Соат бирдан ўтганди. Альберни махсус ажратиб қўйилган хонага олиб киришди. Унда ванна ва кечки овқат тахт қилиб қўйилганди. Извош кетида келган қарол унинг хизматига тайёр, извошчи ёнида ўтириб келган Батистен граф амру фармониға мунтазир турибди.

Альбер ваннада чўмилди, овқатланди ва ўзини тўшакка ташлади. Қирғоққа шовиллаб уриб турган тўлқинлар туни билан уни аллалаб чиқди. Альбер ўрнидан туриб ойнабанд эшикни очди, қаршисида кичкина айвон, ундан нарида поёнсиз денгиз кўринди, орқада сўлим боғ, шовиллаган ўрмон.

Тор бухтада бежирим бир кема қалқиб турибди, унинг мачтасида Монте-Кристонинг герби тасвири туширилган байроқ хилпирарди; бу гербда кўм-кўк денгиз узра зарҳалдан тоғ ва бут сурати солинган. Халоскорнинг шўжоатлари туфайли зардан ҳам қимматбаҳо нарсага айланган Голгоф тоғи ва унинг табаррук қони билан ювилган шармандали хочни эслатиб турувчи бу тасвир Монте-Кристо исмининг рамзи ҳам, ёхуд бу сирли инсоннинг бўм-бўш ўтмиши қаърига маҳв бўлган нотинч шахсий ҳаётининг белгиси ҳам бўлиши мумкин.

Кема атрофида кўшни қишлоқлар балиқчиларининг бир нечта қайиқлари худди ўз қиролининг амр-фармонини кутиб турган қобил-мўмин фуқароларга ўхшаб, бош эгиб туришарди.

Граф бир-икки кун тўхтаган жойларидагидек бу ерда ҳам роҳат-фароғатда яшаш учун ҳамма нарса муҳайё қилиб қўйилганди. Шу важдан турмуш дастлабки онданоқ тинч, роҳат-фароғатда кеча бошлади.

Альбер даҳлиздан иккита ов милтиғи топди. Ов қилиш учун ҳамма аслаҳа, ўқ-дори тахт этиб қўйилган экан. Биринчи қаватдаги хоналардан бири инглиз балиқчиларига зарур асбоблар билан тўлдириб қўйилган. Қадимдан машҳур француз балиқчиларидан қолган бу аслаҳалар донғи кетган инглиз балиқчиларига муштоқ бўлиб ётарди.

Бутун кун турли хил ов билан ўтди, бунда Монте-Кристо ўзининг тенги йўқ овчи эканлигини намойиш қилди. Боғдан ўнга яқин қирғовул отиб олди, ариқдан ундан ҳам кўп балиқ тутишди. Тушликни эшиги денгизга қаратиб қурилган шийпонда қилишди, кутубхонада чой ичишди.

Учинчи кун оқшомда Альбер бу сайр-саёҳатнинг хилма-хил ўйин-кулгиларидан тинкаси қуриб, дераза олдидаги курсида ухлаб қолди. Монте-Кристо учун бу «машғулотлар» худди болалар эрмагидек туюларди, айтилиш вақтда граф ўзининг архитектору билан уйида ташкил этишни ният қилган гулхонанинг режасини тузаётган эди. Шу топда тош йўлда отлар туёғининг товуши эшитилди, Альбер бошини кўтариб, деразадан кўчага қаради-да, камердинерини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. У бу хизматкорини Монте-Кристога ортиқча юк бўлмасин деб бирга олиб келмаган эди.

– Бу Флорантен-ку, – хитоб қилди у ўрнидан сапчиб туриб. – Онамнинг тоби қочиб қолдимикан-а?

Альбер югуриб ҳовлига чиқди.

Монте-Кристонинг икки кўзи унда эди, Альбер югуриб бориши билан камердинер, зўрға нафас олиб, чўнтагидан муҳрланган бир пакет олиб, унга узатди. Пакетда хат ва газета бор эди.

– Бу хат кимдан? – шошиб сўради Альбер.

– Бошан жанобларидан... – деди Флорантен.

– Сизни Бошан юбордимми?

– Шундай, жаноб. У мени ҳузурига чақириб, кира пули берди, почта отларини ўзи тўғрилади. Пакетни тез етказиб берасиз, деб онт ичирди. Бутун йўлни ўн беш соатда босиб келдим.

Альбер қўллари қалтираб пакетни очди. Хатнинг биринчи сатрларини ўқиши биланоқ қичқириб юборди-да, газетага ёпишди... Бирдан кўзлари тиниб қалқиб кетди, йиқилиб тушишига оз қолди, Флорантен уни суяб қолди:

– Шўрлик бола! – деди эшитилар-эшитилмас овозда Монте-Кристо. – Боболар гуноҳи учинчи ва тўртинчи авлод болалари гарданига тушади, деганлари ҳақ экан-да.

Шу орада Альбер ўзига келиб, эси ҳушини йиғди-да, газетадаги хабарнинг давомини ўқий бошлади, сўнг тер босган пешанасига осилиб тушган сочларини орқага силкиб, хат ва газетани барабар фижимлади-да;

– Флорантен, отларингиз Парижга қайтиб кета оладими ҳозир? – деб сўради.

– Почта извошининг шалағи чиқиб ётибди.

– Э, Парвардигор! Сиз бу ёққа жўнаётганингизда уйда аҳвол қанақа эди?

– Ҳамма осойишта эди, бироқ мен жаноб Бошанникидан қайтиб келганимда онангиз графиня хунибийрон бўлиб ўтирган экан, у мени сизнинг қачон қайтишингизни билиш учун чақиртирган экан. Жаноб Бошаннинг топшириғи билан сизни чақиртириб келгани кетаётганимни айтдим. Да-стлаб, графиня, худди мени йўлдан қайтармоқчи бўлгандек, қўлини узатди, кейин бир оз ўйлаб туриб: «Боринг, Флорантен, айтинг, қайтиб келсин», деди.

– Хотиржам бўл, – деди Альбер, – қайтаман. Ана шунда аблахнинг ҳолига маймунлар йиғлайди!.. Бироқ кетишнинг йўлини қилиш керак, – деди-да, уни кутиб турган Монте-Кристонинг хонасига кирди.

Альбер беш дақиқа ичида батамом ўзгариб кетган эди: овози хирллаб, юзи бўзариб, қовоқлари шишиб кетган, кўзлари қип-қизил, мастга ўхшаб оёқларини тўғри босолмасди.

– Граф, – деди у, – меҳмондўстлик учун катта раҳмат сизга, иложи бўлганда яна бир неча кун жон деб қолар-

дим, бироқ мен Парижга ҳозирнинг ўзидаёқ жўнашим керак.

– Бирор воқеа юз берибдими?

– Бахтсизлик юз берибди, рухсат этинг, кетай, мен учун жуда зарур бир иш устида боряпти гап. Утинаман сиздан, савол эмас, менга от беринг!

– Отхонамдаги ҳамма отлар хизматингизга тайёр, виконт, истаганингизни танлаб олинг, – деди Монте-Кристо, – бироқ бир отда қийналасиз, яхшиси извошларимдан бирида бора қолинг.

– Йўқ, унда кечикаман, чарчашдан қўрқмайман, аксинча, чарчоқ менга кўмак беради.

Альбер беихтиёр бир неча қадам ташлади-да, гўё ўқ тек-кандек, эшик ёнидаги ўриндиққа гурсиллаб йиқилди.

Монте-Кристо дўстининг йиқилганини кўрмаган эди, у дераза олдида Алини чақириб турарди:

– Али, виконт учун от тайёрланг! Тез, у шошиляпти.

Бу сўзларни эшитиб Альбер ўзига келди-да, ташқарига отилди, граф унинг кетидан чиқди.

– Миннатдорман! – шивирлади Альбер отга ирғиб миниб. – Флорантен, иложи борича тезроқ қайтинг. Бекатларда от олишим учун бирон пароль керакми?

– Тагингиздаги отни топширсангиз, дарров бошқасини беришади.

Альбер отга қамчи босмоқчи бўлди-ю, бироқ тўхтади.

– Менинг тўсатдан жўнашим сизга ғайритабий туюлаётгандир, граф? – деди у. – Газетанинг бир неча сатри одамни не кўйларга солиши мумкинлигини сиз билмайсиз. Мана, ўқинг, – қўшимча қилди у газетани графга узатиб, – фақат мен кетганимдан кейин ўқинг, қизаришимни кўрмай қўя қолинг.

Шундай деди-да, отга аччиқ бир қамчи босди, тулпор ўқдай учиб кетди.

Граф отлиқ орқасидан ачиниб қараб қолди, фақат кўздан ғойиб бўлгандан кейингина газетага кўз югуртириб чиқди. Унда қуйидагилар ёзилган эди:

«Бундан уч ҳафта бурун «Ҳақиқат садоси» газетасида ёзилган Янина вазири Алининг ҳарбий хизматида бўлган,

Янина қалъасини душманга топшириш билан кифояланмай, ўз ҳукмдорини туркларга сотган француз офицерининг, ўша вақтда ҳурматли ҳамкасбларимизнинг хабар қилишига қараганда, асл исми Фернан эди, бироқ ўшандан кейин у ўз номига дворян унвонини ва ер-мулки жойлашган қишлоқнинг номини қўшиб олибди.

Ҳозир унинг номи граф де Морсер бўлиб, пэрлар Палатасининг аъзосидир».

Шундай қилиб, Бошан олижаноблик билан махфий сақламоқчи бўлган бу сир яна ошкор бўлиб қолди: Альбер Нормандияга жўнаганидан уч кун ўтгач, иккинчи бир газета йигитчани парзага соладиган бир неча сатр хабарни босиб чиқарди.

IX. СУД

Эрталаб соат саккизда Альбер Бошаннинг ҳузурига отилиб кирди. Унинг келишидан хабардор этиб қўйилган камердинер Морсерни хўжайини хонасига бошлаб кирди. Бошан ҳозиргина ваннада чўмилиб чиққан эди.

– Ҳўш, нима гап? – сўради Альбер.

– Шўрлик дўстим, мен сизни кутиб ўтирибман, – деди Бошан.

– Мана, ҳузурингиздаман. Бошан, олижаноб зот эканлигингиз тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, шу сабабли сиримизни бирор кишига айтган бўлишингиз мумкин, деган фикрни хаёлимга ҳам келтирмайман. Мени бу ёққа чақиртирганлигингизнинг ўзи дўстлигингиз гувоҳидир. Келинг, бўлмағур гаплар билан вақтни ўтказмайлик. Бу зарбани ким ураётганидан хабарингиз борми?

– Мен ҳозир сизга баъзи гапларни айтиб бераман.

– Майли, бироқ дастлаб сиз бу ерда қандай воқеалар юз берганини батафсил айтиб беришингиз лозим.

Бошан қайғу-алам ва ор-номус эзиб қўйган Альберга қуйидагиларни айтиб берди.

Бу гал хабар бундан уч кун бурунги «Ҳақиқат садоси»да эмас, бошқа бир газетада, ҳукумат органида босилиб чиққан. Бошан нонушта устида газета ўқиб ўтириб, хабарга

кўзи тушиб қолди. Дарҳол извош чақиртириб, нонуштасини чала қолдирди-да, ўша газета таҳририятига от қўйди. Бошаннинг сиёсий маслағи ўша газета муҳаррирининг сиёсий қарашларига тамоман зид бўлса-да, иккаласи қалин дўст эди.

Бошан кирганда муҳаррир ўз газетасининг бугунги сонидagi қанд лавлағи ҳақида ўзи ёзган бош мақолани мароқ билан ўқиб ўтирган эди.

– Азизим, қўлингизда ўз газетангизни кўриб турибман, – деди Бошан, – демак, нима учун келганимни айтиб ўтиришининг ҳожати бўлмаса керак.

– Ҳали сиз ҳам шакарқамиш тарафдоримисиз? – сўради ҳукумат газетасининг муҳаррири.

– Йўқ, – жавоб берди Бошан, – бу масала билан менинг ишим йўқ, тамоман бошқа масалада келдим.

– Қанақа масалада?

– Морсер ҳақидаги хабар хусусида.

– Э-ҳа, шундай денг, ростдан ҳам бу жуда қизиқ воқеа, тўғрими?

– Шу қадар қизиқки, ундан ёлфоннинг ҳиди келиб турибди, ҳали суд нима билан тугаркин, буни Худо билади.

– Асло ундай эмас: биз хабар билан бирга уни тўла тасдиқлайдиган ҳамма ҳужжатларни ҳам олдик ва аминмизки, Морсер дами ичига тушиб ғиқ этолмай қолади. Шуни ҳам айтиш керакки, кўрсатилган иззат-ҳурматга нолойиқ аблаҳларни фош этиб, Ватанга катта хизмат кўрсатяпмиз.

Бошан ўзини бир оз ўнғайсиз сизди.

– Бироқ бу воқеалардан сизни ким бу қадар муфассал хабардор этди? – сўради у. – Менинг газетам бу ҳақда биринчи марта хабар берган эди, бироқ далиллар бўлмагач, жимиб қолганди. Яхши биласизки, Морсер Франциянинг пэри, биз эса оппозицияни қўллаб-қувватлаймиз, шу сабабдан Морсернинг фош этилишидан кўпроқ биз манфаатдормиз.

– Биз доврўғ кетидан қувганимиз йўқ, ўзи тўсатдан келиб қолди. Кеча Янинадан бир одам Морсернинг қилмишларини очиб ташлайдиган ҳужжатлар олиб келди. Аввал айбловчи материални босишга журъат этмадик, бироқ у мақолани биз газетада босиб чиқармаган тақдирда бошқа

бир газета босиб чиқаради, деди. Бошан, таҳририят учун қанақа хабарлар кўпроқ аҳамиятли эканлигини ўзингиз яхши биласиз, биз, албатта, буни кўлдан бермасликни истардик. Мана, эндиликда хабар босилиб чиқди, зарба берилди, унинг қақшатқич зарбасидан бутун Европа ларзага тушади, – деди муҳаррир.

Бошан бошини эгиб жим бўлишдан бошқа иложи қолмаганини англади-да, хафа бўлиб чиқди ва дарҳол Альберга чопар юборишга қарор қилди.

Чопар кетгандан сўнг бўлган воқеаларни у Альберга ёзолмаган эди, албатта. Уша куннинг ўзидаёқ пэрлар Палатасида зўр ғала-ғовур бошланган ва бу барча Палата аъзоларининг фикру ёдини банд этган эди. Мажлисга аъзоларнинг ҳаммаси белгиланган вақтдан эртaroқ келиб юқори палатанинг кўзга кўринган аъзоларидан бирига жамоатчилик фикрини тортишга сабаб бўлган бу қабиз воқеа тўғрисида ўзаро гап сотишарди.

Баъзилар газета хабарини аста ўқиб, мулоҳаза қилар, бошқалар эса хабардаги фактларни тасдиқлайдиган баъзи нарсаларни эсга олишарди. Граф де Морсерни бу ердаги ҳамкасблари унча ёқтиришмасди. Ҳамма мансабпарастлар сингари, Морсер ҳам ўз нуфузини кибр билан қуруқ манманлик билан сақлашга уринарди. Ҳақиқий зодагонлар уни мазах қилиб кулишарди, чунки у ўзидан оқил, билимдон зотларни менсимасди. Машҳур, виждони пок ҳарбийлар зимдан ундан нафратланишарди. Граф ана шундай ҳалокат жари ёқасига келиб қолганди, у Худонинг ғазабига учраганди. Ҳамма уни дуойибад қилишга шай эди.

Фақат граф де Морсернинг ўзи бу гаплардан беҳабар эди. Уни шарманда этган хабар босилиб чиққан газетани у олмасди, эрталаб бутун вақтини хат ёзиш билан ўтказди, сўнг янги отини совутиб юрди.

Ана шу ҳолатда у одатдагидек гердайиб келди-да, извошидан тушди, қовоғидан қор ёғиб атрофга разм солиб чиқди, йўлақдан кеккайиб ўтиб залга кирди. Ҳамкасбларининг салом-алигидан совуқ лавозиматни сезмади ҳам.

Морсер кирганда мажлис бошланган эди.

Юқорида айтганимиздек, ҳеч гапдан беҳабар граф ҳар сафаргидек гўдайиб кириб келди, унинг башараси ва юри-

ши ўз шаъни-шуҳратини ўлгудек муҳофаза қилувчи мажлис аҳлига илгаригидан ҳам хунук кўринди, ҳамма буни беадабликка, баъзилар ҳақоратга, айримлари, менсимасликка йўйди.

Бутун Палата музокара бошлашга муштоқ бўлиб турарди.

Ҳамманинг қўлида Морсерни фош этган газета. Бироқ бундай ҳолларда ҳеч ким биринчи бўлиб сўзга чиқишга ботина олмайди, мана, ҳозир ҳам шундай бўлди. Охири энг ҳурматли пэрлардан бири, граф де Морсернинг ошкор душмани минбарга кўтарилди.

Залга даҳшатли сукунат чўкди. Одатда унинг нутқига унча эътибор беришмасди, лекин ҳозир ҳамманинг диққат-эътибори унда эди. Фақат Морсер бунинг сабабини пайқамасди.

Нотик ўз нутқи палата ҳаёт-мамотига даҳлдор муҳим бир масала устида эканини айтиб, Палата аъзоларидан иложи борича диққат билан тинглашларини илтимос қилди, граф бу гапларни назар-писанд қилмай ўтираверди. ...Аммо Янина ва полковник Фернан ҳақида гап очилиши биланоқ граф де Морсернинг ранги докадек оқариб, вужуди титраб кетди, ҳамманинг кўзи унга қадалганди.

Юракдаги жароҳат кўзга кўринмайди, лекин у тинимсиз азоб беради, ҳаммасидан ёмони шундаки, уни ҳеч қандай муолажа билан даволаб бўлмайди.

Залда ҳукм сураётган даҳшатли сукунат остида нотик газетадаги хабарни баланд овоз билан ўқиб берди. Залда бир зум ғовур-ғувур кўтарилди-да, айбловчи яна гап бошлаши билан тўхтади. Нотик сўзни гарданига оғир вазифа олганидан бошлади. «Бу ерда гап, – деди у, – граф де Морсернинг шон-шуҳрати, бутун Палатанинг шон-шуҳрати устида боряпти, ана шуларни ҳимоя қилиш ниятида музокарани бошладим, бу музокараларда шахсий масалаларга, демак, қалтис масалаларга тўхтаб ўтиш позим бўлди». Сўзининг охирида у махсус текшириш ташкил этишни ва тўхматни томири билан қирқиб ташлаб, граф де Морсернинг олижаноб номини тез тиклаш учун бу ишни мумкин қадар тезроқ ўтказишни, ҳақорат қилганлардан қасос олишни талаб этди.

Чақмоқдай келиб бошига тушган бу фалокат Морсерни қаттиқ эзганди, у тиниб кетаётган кўзларини залдагиларга тикиб, зўрға уч-тўрт сўз айта олди. Графнинг бу ҳолини кўриб турганлардан баъзиларнинг унга раҳми келди, олижаноб кишилар ҳатто оғир бахтсизликка учраган ўз душманига ҳам ичи ачийди.

Раис масалани овозга қўйди, натижада тафтиш ўтказишга қарор қилинди.

Графдан, ўзини ҳимоя қилишга тайёрланиш учун қанча вақт керак, деб сўрашди.

Морсер биринчи зарбадан анча ўзини тутиб, эс-ҳушини йиғиб олганди.

– Жаноб пэрлар, – жавоб қилди у, – қабиҳ ниятларини ниқоблаган душманларнинг ҳаммасини қайтариш зарур экан, буни узоққа чўзиб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Бошимга чақмоқдай келиб урилган зарбага мен дарҳол жавоб бермоғим шарт! Ҳамма сафдошларим қаторидан ўрин олишга лойиқ эканлигимни сўзда эмас, амалда исботлашга тайёрман.

Графнинг бу сўзлари залдагиларни жонлантириб юборди.

– Шунинг учун ҳам, – давом эттирди сўзини Морсер, – тафтиш мумкин қадар тезроқ ўтказилишини илтимос қиламан. Палатага зарур ҳамма ҳужжатларни келтириб кўрсатаман.

– Қайси кун сиз учун қулай? – сўради раис.

– Шу бугундан бошлаб ихтиёрим палатанинг қўли-да, – деди граф.

Раис қўнғироқ чалди.

– Тафтишнинг шу бугуноқ бошланишига Палата қарши эмасми?

– Йўқ, – деди бутун мажлис аҳли...

Морсер топширадиган ҳужжатларни текшириш учун ўн икки кишидан иборат комиссия тузилди. Комиссиянинг биринчи мажлисини кечқурун соат саккизда Палата биносида ўтказишга қарор қилинди. Борди-ю, комиссия бир неча мажлис қилиши керак бўлиб қолса, ҳаммаси худди шу вақтда, ана шу жойда ўтказиладиган бўлди.

Қарор қабул қилиниши билан Морсер жавоб сўради, ўзига хос қувлик ва маккорлик билан аллақачонлар тайёр-

лаб қўйган (чунки у бундай ҳалокат юз бериши мумкинлигини ҳеч унутмаган эди) ҳужжатларни йиғиши керак эди.

Бошан Альберга ана шуларнинг ҳаммасини айтиб берди.

Альбер Бошаннинг гапларини гоҳ ғазаб билан, гоҳ виждон азобида титраб-қақшаб тинглади; у, бу ишнинг бахайр бўлишидан умидини узган эди. Бошан Янинага бориб келгандан сўнг отаси айбдор эканлигини билган ва у қандай қилиб ўзини оқлаб оларкан, деб ҳайрон бўларди.

– Кейин нима бўлди? – сўради у жимиб қолган Бошандан.

– Кейинми? – такрорлади Бошан.

– Ҳа.

– Бу ёғини айтиш менга оғир, дўстим, жудаям оғир. Кейин нима бўлганини билишингиз шартми?

– Мутлақо шарт. Бошқа бировдан эшитгандан кўра, сиздан эшитганим яхши-да.

– Ундай бўлса, Альбер, – деди Бошан, – сабр-тоқат ва бардош билан қулоқ солинг, ҳар вақтдагидан ҳам бу сизга ҳозир керак.

Альбер, ўзини ўлимдан ҳимоя қилаётиб, қалқоннинг муштақамлигини текшираётган ва шамширини эгиб кўраётган киши сингари, пешанасини қўли билан силаб қўйди.

Альбер қаттиқ ҳаяжон-ла ёниб турган эди; буни у ғайратга йўйиб ўзини кучли ҳис этди шу он.

– Гапиринг, – деди у.

– Кеч кирди, – давом этди Бошан, – бутун Палата аҳли нафасини ичига ютиб, кутарди. Кўплар, отангиз залда пайдо бўлиши билан унинг бўйнига ортилган тавқи лаънат ўз-ўзидан чилпарчин бўлиб кетади, дерди, бошқа бировлар отангизни мажлисга келмайди, деб бошқаларни ишонтиришга уринарди. Ҳатто, Брюсселга жўнаб кетганини ўзим кўрдим, деганлар ҳам бўлди; баъзилар ҳатто, у паспортини тўғрилатиб қўйгани ростми, деб полициядан бориб сўрабди.

Сизга очигини айтсам, комиссия аъзоларидан бир ёш пэрни залга мени киритиб қўйишга зўрға кўндирдим. У соат еттида келиб мени олиб кетди-да, залга ҳеч ким келмасдан бурун бир чопарга топширди, у эса мени ложалардан би-

рига киритиб, устимдан қулфлаб қўйди. Мен устун орқасидаги қоп-қоронғи пана жойга биқиниб олдим. Зимдан ҳамма гапларни эшитаман, деган умид билан қулоғимни динг қилиб ўтиравердим.

Соат саккизда ҳамма йиғилди.

Соат охирги занг урганда жаноб де Морсер ҳам кириб келди. Унинг қўлида аллақандай қоғозлар бор эди, у жуда хотиржам кўринарди. Одатдагидек бу гал у ўзини жуда сипо тутар, усти боши бошқача, кекса ҳарбийларга ўхшаб камзулининг ҳамма тугмалари солиғлиқ эди.

Унинг шу зайлда кириб келишидан залдагилар жуда хурсанд бўлишди: комиссия аъзолари ҳам унга нисбатан ёмон ниятда эмасди, айримлари граф олдига бориб, қўл бериб салом-алик қилишди.

Булар ҳаммаси Альбернинг диққатини ошириб, юраги ёрилгудек бўлди, бироқ шу билан бирга отасининг бошига оғир кулфат тушган пайтда унга иззат-ҳурмат изҳор этаётган ўша зотларни бир-бир кучоқлаб, қутлагиси ҳам келди.

Шу пайт чопар кириб, раисга бир хат узатди. Хатни очиб: «Сўз сизга берилади, жаноб де Морсер», – деди раис.

– Граф ўзини ҳимоя қилиш нутқини бошлади, – давом эттирди ҳикоясини Бошан. – Нутқ жуда усталик ва сўзамонлик билан тузилган эди. Янина вазири охирги дақиқача унга ҳамма ишни ишониб топшириб қўйганини ва ҳатто ҳаёт-мамотини ҳал этадиган муҳим масалани султоннинг ўзи билан музокара олиб боришни ҳам унга топширганини тасдиқлайдиган ҳужжат кўрсатди. Али пошо давлат белгиси сифатида муҳр ўрнига босадиган узукни ҳам истаган вақтда унинг ҳузурига, ҳатто ҳарамда бўлса ҳам, кириб юриши учун графга бериб қўйган экан. Морсер комиссияга уни ҳам кўрсатди. Бахтга қарши, деди у, отанғиз, музокаралар яхши натижа бермади, ҳукмдоримни ҳимоя қилиш учун қайтиб келганимда уни қатл этган эканлар. Ўлими олдида у севимли рафиқасини ва қизини менга топшириб кетибди. Унинг менга ишончи нақадар зўр эканлиги шунданам кўриниб турибди.

Альбер бу сўзлар айтилганда сесканиб тушди, чунки Бошан гапираётганда Гайденинг ҳикояси унинг кўз ўнгидан ўта бошлади ва у шу воқеа ҳақида, ана шу узук ҳақида

нозанин грек қизининг ҳикояси ва у қандай сотилгани, қулликка маҳкум этилгани ҳақида айтганларини бирма-бир эсга олаётган эди.

– Графнинг сўзи залдагиларга қандай таъсир этди? – сўради ташвишланиб Альбер.

– Ҳақиқатан ҳам унинг сўзлари менинг ҳам, барча комиссия аъзоларининг ҳам кўнглини эритди, – деди Бошан.

– Шу орада раис ҳозиргина келтириб берилган хатни бепарволик билан кўздан кечира бошлаган эди. Бироқ хатнинг биринчи сатриёқ раиснинг диққатини тортди, хатни у икки қайта ўқиб чиқди-да, граф де Морсерга тик қараб сўради:

«Граф, сиз ҳозиргина бизга Янина вазири ўз рафиқасини ва қизини менга топшириб кетибди, дедингизми?»

«Ҳа, жаноб, – жавоб берди Морсер, – бироқ ўшанда ҳам ишим ҳар галгидай ўнгидан келмади. Қайтиб келганимда Василики ва унинг қизи Гайде ғойиб бўлган эди».

«Сиз уларни танирмидингиз?»

«Вазирга жуда яқинлигим ва унинг чексиз ишончини қозонганлигимдан уларни бир неча марта кўрганман».

«Уларнинг ҳол-аҳволи не кечганидан хабардормисиз?»

«Ҳа, жаноб, хабардорман. Улар бошларига тушган мусибатларга ва эҳтимол, йўқчиликка ҳам бардош беролмадилар, деб эшитдим. Ортиқча давлатим йўқ эди, ҳаётим ҳам ҳамиша хавф остида бўлди, шу ваздан, минг афсуски, уларни ахтариб топишнинг иложини қилолмадим».

Раис хўмрайиб қўйди.

«Жаноблар, – деди у, – граф де Морсернинг жавобларини эшитгандирсиз? Граф, бу сўзларингизни тасдиқлайдиган бирор гувоҳ кўрсата оласизми?»

«Афсуски, кўрсата олмайман, – деди жавобан граф, – вазир атрофида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, саройда мен билан учрашганларнинг барчаси ё ўлган, ёки ҳар томонга бадарға қилинган. Билишимча, бу уруш даҳшатларини ватандошларимдан фақат биргина мен кўрдим. Менда Али-Тобелиннинг хати бор, сизга кўрсатаман уни, менда вазир иродасининг рамзи – узук бор, мана, булардан ишончлироқ яна бир далил шуки, номаълум шахснинг ҳужумидан сўнг, менинг ҳаққоний сўзларимни рад қила оладиган би-

порта далил келтирилгани йўқ, пировардида, заррача доғ тегмаган ҳарбий мансабимнинг ўзиям ҳақ эканимнинг гувоҳидир».

Мажлисдагилар шивирлашиб графнинг сўзларини маъқуллашди, Альбер, агар бирор воқеа юз бермаганида, отангизнинг шон-шухратига путур етмасди.

Фақат овозга қўйиш қолган эди, бироқ раис сўз олди.

«Жаноблар, – деди у, – граф, сиз ҳам, энг муҳим гувоҳнинг сўзини эшитишни жуда истарсиз, деб ўйлайман. Графнинг сўзларидан сўнг аминмизки, гувоҳ ҳамкасбимизнинг мутлақо бегуноҳ эканлигини тасдиқлаб берар, мана, мен ҳозир ундан хат олдим, хоҳласангиз ўқиб берай, ёки вақтни кетказмай ўқимай қўя қолайликми?»

Граф де Морсернинг рангида қон қолмаган эди, у қўлидаги қоғозларни ёғимлади.

Комиссия хатни эшитишга қарор қилди, граф оғир ўйга чўмди, индамади.

Шунда раис қўйидаги хатни ўқиб берди:

«Жаноб раис!

Мен генерал-лейтенант граф де Морсернинг Эпир ва Македониядаги ишларини тафтиш қилиш комиссиясига жуда аниқ маълумотлар беришим мумкин».

Раис бир дақиқа жимиб қолди.

Граф де Морсернинг ранги бўзариб кетди, раис тингловчиларга саволомуз қаради.

«Давомини ўқинг!» деди тўрт томондан комиссия аъзолари.

Раис давом этди:

«Али пошо менинг олдимда ўлди, унинг сўнгги онлари ҳали ҳам эсимда, Василики ва Гайденинг тақдиридан ҳам хабарим бор. Марҳамат қилиб тингласалар, ҳаммасини комиссияга айтиб бераман. Сизга бу хатни топширганларида мен Палата даҳлизида кутиб тураман».

«Гувоҳ ёки, тўғрироғи, душман ким экан?» – сўради граф овози ўзгариб.

«Ҳозир биламиз, – жавоб берди раис. – Комиссия гувоҳнинг сўзини тинглашни истайдими?»

«Ҳа, ҳа, эшитайлик», – деди ҳамма бир овоздан.

Чопарни чақиришди.

«Даҳлизда бирор киши кутиб турибдими?» – сўради раис.

«Ҳа, жаноб раис, кутиб турибди».

«Ким?»

«Бир аёл киши, ёнида малайи ҳам бор».

Ҳамма бир-бирига қаради.

«Чақиринг бу ерга ўша аёлни», – деди раис.

Беш дақиқалардан сўнг чопар қайтиб кирди, ҳамманинг кўзи эшикда; мен ҳам ўша ёққа қарадим, – деди Бошан.

Чопар кетидан бошдан-оёқ чодрага ўраниб олган аёл кириб келди. Баркамол қадди-басти ва атир ҳидидан чодра ичидаги аёл ёш ва ҳаддан ташқари нозанин эканлиги сезилиб турарди.

Раис нотаниш аёлдан чодрасини бир оз кўтаришни илтимос қилди, чодра тагидан грек либосидаги соҳибжамол ёш қиз кўринди.

– Бу ўша! – деди Альбер.

– Ким у?

– Гайде.

– Ким айтди сизга?

– Пайқаб турибман, ахир. Бошан, давом этинг, илтимос қиламан. Мана кўриб турибсиз: мен финг демай, жон қулғим билан тинглаяпман, драма тугуни ечилай деб қолган бўлса-да, ўзимни тутиб турибман.

– Жаноб де Морсер қизни кўриб лол бўлиб қолди, ўзини йўқотиб қўяёзди, – давом этди Бошан. – Бу нафис лаблардан чиққан ҳар бир сўз граф учун ё ҳаёт, ё мамот эди. Бошқалар бу соҳибжамолни кўриб ағрайиб қолиб, Морсернинг тақдирини тамоман унутишди.

Раис қизни ўтиришга таклиф қилди, бироқ у йўқ дегандек бошини чайқади. Граф оёқда туролмай, аллақачон курсига чўккан эди.

«Бека, – деди раис, – Янинада юз берган воқеа ҳақида маълумот бераман, ўша воқеаларнинг тирик гувоҳиман, деб хат ёзганмидингиз?»

«Худди шундай», – деди жавобан шарқликларга хос ёқимли овоз билан нотаниш аёл ғамзали қилиб.

«Аммо, – деди раис, – сиз у вақтда ёш эдингиз-ку».

«Тўрт ёшда эдим, лекин бу воқеа менга аҳамияти катта бўлганлиги учун ҳеч нарсани унутганим йўқ, ҳамма икир-чикирларигача кўз олдимда турибди».

«Сиз учун бу воқеанинг нима аҳамияти бор? Нима учун бу кўнгилсиз ҳодиса сизга бунчалик қаттиқ таъсир қилган?»

«Ҳамма гап отамнинг ҳаёт-мамоти устида борарди, – жавоб қилди қиз. – Мен Янина подшоҳи Али-Тебелин ва унинг севимли рафиқаси Василикининг қизи Гайдеман».

Қизнинг камтарин ва шу билан бирга мағрур чехрасига қон югурди, кўзлари ёнди, сўзларни у чертиб-чертиб гапирди, бу ҳолат мажлис аҳлини маҳлиё қилиб қўйганди.

Граф де Морсер худди рўпарасида Азроилни кўриб қолгандек қизга бақрайиб қараб қолди.

«Хоним, – деди раис эҳтиром билан қизга эгилиб, – сизга яна бир савол беришга рухсат этинг, тағин мендан шубҳаланишяпти деб уйламанг. Берган маълумотларингизни исботлай оласизми?»

«Ҳа, исботлай оламан, – жавоб берди Гайде, чодра ичидан хушбўй халтачани чиқариб кўрсатаркан, – мана, отам ёзган ва унинг ҳарбий ишлар нозири қўл қўйган туғилганлик тўғрисидаги шаҳодатномам, мана бу чўқинтирилганим ҳақидаги гувоҳнома (отам, менинг онам динида тарбияланишимга розилик берган экан), бу ҳужжатга Македония ва Эпир шайхи-халифасининг муҳри босилган. Пировардида, мана тағин бир ҳужжат: (афтидан, буниси энг муҳими) бу мени ва онамни арман савдогари Ал-Коббирга француз офицери томонидан сотилганимиз тўғрисидаги маълумот; француз офицери Порта билан тил бириктириб, ўз ҳукмдорининг хотини ва қизини ўлжа қилиб олган-да, тўрт юз миңг франкка сотган экан».

Бу даҳшатли айбларни эшитган графнинг ранги ўчиб, юзи кўкариб кетди, кўзига қон тўлди, мажлис аҳли эса оғир сукут остида Гайденинг сўзларини тингларди.

Гайде ўзига хос мўминтойлик билан, аммо ҳаммани даҳшатга солиб ўрнидан қўзғалди-да, она билан қизни сотиш тўғрисида араб тилида ёзилган ҳужжатни раисга узатди.

Комиссияга келтириладиган айрим ҳужжатлар араб, янги лотин ёки турк тилида тузилган бўлиши мумкин деб, Палатанинг таржимонларидан бири мажлисга таклиф этилган эди. Ушани чақиртиришди.

Буюк Миср юриши вақтида араб тилини билиб олган нуфузли пэрлардан бири – таржимон ҳужжатни баланд овоз билан ўқиётганида хатдан кўзини узмай турди:

«Мен – қулфуруш, улуғ султон ҳарамхонасининг даллоли Ал-Коббир, ҳақиқатан ҳам француз тўраси граф Монте-Кристога ўн бир ёшли христиан чўри қизни – Янина шоҳи марҳум Али-Тебелин ва унинг севимли рафиқаси Василикинини Гайде номли қизини икки юз минг ҳамён зумрадга сотдим. Бу қизни менга бундан етти йил муқаддам, онасини ҳам қўшиб (онаси Константинолга борганда вафот этди) вазир Али-Тебелиннинг ҳарбий хизматчиси Фернан Мондего деган француз полковниги сотган эди.

Мен қизни ва онасини олий ҳазрат султоннинг амр-фармони билан унинг ҳисобига бир минг ҳамён пулга сотиб олгандим.

Ушбу шаҳодатнома улуғ султон рухсати билан ҳижрий 1247 йили Константинополда ёзилди.

Имзо: Ал-Коббир.

Ушбу шаҳодатнома ҳақиқийлигини, шубҳасизлиги ва асл нусхалигини олий ҳазрат султоннинг муҳри билан сотувчи тасдиқлаб беради».

Чинданам савдогарнинг имзоси ёнида шоҳнинг муҳри босилган эди.

Фармоннома ўқилгандан кейин залга қабристон сукунати чўкди, графнинг вужудидаги жамики нарса унинг кўзларига тўпланган эди, бу қонга тўлган кўзлар унинг ихтиёридан ташқари Гайдега қадалиб қолган эди.

«Хоним, – деди раис, – менга маълум бўлса-да, сиз билан Парижда истиқомат қилиб турган граф Монте-Кристандан баъзи маълумотлар беришни сўрасак бўладими?»

«Жаноб, граф Монте-Кристо менинг иккинчи отам, у бундан уч кун муқаддам Нормандияга жунаб кетди».

«Ундай бўлса, хоним, – деди раис, – Палатани мамнун этган бу маълумотни бизга айтиш тўғрисида сизга ким маслаҳат берди? Туғилишингизни ва бошингиздан кечирган бахтсизликни ҳисобга олганда, бу хатти-ҳаракатингиз табиий бир ҳол».

«Жаноб, – деди Гайде, – ўлганларга бўлган ҳурматим ва тортган кулфатларим мени шундай қилишга мажбур этди. Христиан мазҳабида бўлсам-да, бу гуноҳимни Худойим кечирар деб, ҳамиша шавкатли отам учун қасос олишни орзу қилдим. Француз тупроғига қадам қўйган кунимдан эътиборан, сотқин Парижда яшаётганлигини эшитганимдан бошлаб юрагимга ғулғула тушди. Олижаноб мададкоримнинг уйида ўз хаёлларим билан ёлғиз яшайман, соя-салқин, тинчликни ёқтираман. Граф Монте-Кристо менга отамдай ғамхўр одам, оламда нима гап бўлса ҳаммасидан хабардорман, барча газеталарни ўқийман. Барча журналларни оламан, янги мусиқа яратилганлигини биламан. Шу залда бошқалар ҳаётини кузатиб бориб, бугун эрталаб пэрлар Палатасида нима бўлганлигини ва кечкурун нима бўлажagini билиб олдим... Шундан кейин хат ёздим».

«Бундан чиқди, граф Монте-Кристо сизнинг бу ишингиздан беҳабар экан-да?» – сўради раис.

«Унинг ҳеч нарсадан хабари йўқ, билиб қолса, бу ишимдан хафа бўлиши мумкин, деган хавотирдаман. Шундай бўлса-да, бугунги кунни ҳаётимнинг энг қутлуғ они деб ҳисоблайман, – деди қиз чарақлаб турган кўзларини осмонга тикиб, – бугун отам учун ўч олдим!»

Граф қиз ҳикоясининг бошидан охиригача чурқ этмади; аёлнинг сўзлари ҳаётини барбод этиб, қон-қақшатаётган ҳамкасбининг ҳолига залдагилар ачиниб ўтиришарди. Унинг бошига зўр кулфат тушган эди.

«Жаноб де Морсер, – деди раис, – бу аёлнинг ҳақиқатан ҳам Янина шоҳи Али-Тебелиннинг қизи эканлигини тан олмасми?»

«Йўқ, – деди граф аранг ўрнидан туриб, – буларнинг ҳаммаси душманларимнинг иғвоси, холос».

Кимнидир кутиб тургандек эшикдан кўз узмай турган Гайде бирдан орқасига ўгирилди-да, графни кўриб даҳшатдан қичқариб юборди.

«Сен мени танимаяпсанми-а? – деди ҳаяжонда Гайде, – аммо мен сени танияпман. Сен олижаноб отамнинг кўшинларига машқ берган ўша француз офицери Фернан Мондегосан. Янина қалъасини сотган ўша хоин сен бўласан! Валинеъмат ҳукмдорингнинг ҳаёт-мамоти ҳақида султон билан келишиб келмоқ учун Константинополга юборишганда у ердан афв этилди, деб қалбаки фармон келтирган муттаҳам ҳам сенсан! Ана шу сохта фармон билан пошони алдаб, узугини олган ва ўтти кўриқлаб турган Салимни ўзингга итоат этишга мажбур этган ҳам сенсан! Салимни ҳам сен қатл қилдинг! Мени ва онамни савдогар Ал-Коббирга сен сотдинг! Қотил! Қотил!! Қотил!!! Ҳаммаларингиз унинг манглайига қаранглар! Унинг манглайида ҳамон ҳукмдорнинг қони турибди».

Бу сўзлар ҳаяжонда қаттиқ ишонч-ла айтилганидан ҳам-манинг назари графнинг пешанасига қадалди; унинг ўзи ҳам ростдан Алининг қони пешанасига теккандек, қўли билан уни силади.

«Демак, сиз граф де Морсер ўша офицер Фернан Мандегонинг ўзи эканлигига аминмисиз?»

«Наҳотки, мен буни танимасам! – хитоб қилди Гайде. – Онам менга шундай деган эди: «Сен эркин эдинг, сенинг меҳрибон отанг бор эди, сен қиролича бўлишинг мумкин эди; мана бу одамни яхши таниб ол, сени қупликка маҳкум этган шу одам бўлади, отангнинг бошини танидан шу одам жудо қилди, бизни сотган ҳам мана шу одам, хоинлик қилган ҳам мана шу махлуқ! Унинг ўнг қўлига қара: шу қўлида катта чандиқ бор, вақти келиб унинг башарасини эсингдан чиқариб қўйгудек бўлсанг, мана шу қўлидан таниб оласан, бу ўша савдогар Ал-Коббирнинг пулларини жарақлатиб санаб олган қўл бўлади!» Шундан кейин, наҳотки мен бу қотилни танимасам! Энди сўранг-чи, у мени танимайман дейишга журъат қила олармикин?»

Қизнинг ҳар бир сўзи графнинг кўксига ханжардек санчилиб, унинг силласини қуритди. Гайде сўнгги сўзларини айтганда у чиндан ҳам жароҳатланган қўлини кўкрагига босиб, яшириб олди-да, ўзини тутолмай курсига йиқилиб тушди.

Залда ҳозир бўлганлар бу гапларни эшитиб, даҳшатли манзарани кўриб, ханг-манг бўлиб қолди.

«Граф де Морсер, – деди раис, – ўзингизни босинг, саволларга жавоб беринг, Палата олий суди – Тангри суди демакдир, бу одил суд сизга кураш йўлини очиб бермай туриб сизни душманларингиз чангалига топшириб қўймайди. Балки қайта тергов бўлишини истарсиз? Икки Палата аъзосини Янинага юборайми? Шунга нима дейсиз?»

Граф ҳеч нарса демади.

Буни кўрган комиссия аъзолари шубҳа аралаш бир-бирлари билан кўз уриштириб қўйишди. Ҳамма шу топгача генерални қаттиққўл, чўрткесар, матонатли одам деб биларди. Ҳозир эса у ўзини ҳимоя қилишга ҳам мажоли қолмаганди. Бироқ ўтирганлар бу сукунат кетидан сал ўтмай момақалдироқ гумбурлашини кутишарди.

«Қани гапиринг, – деди раис, – нима дейсиз?»

«Ҳеч нима», – жавоб қилди бўғиқ овозда граф ўрнидан кўзгаларкан.

«Демак, Али-Тебелиннинг қизи ҳақ гапни айтибди-да? – сўради раис. – Айбдор рад этолмайдиган даҳшатли гувоҳ шу қиз экан-да? Гарданингизга қўйилган айбларнинг ҳаммаси тўғри экан-да?»

Граф қайғу тўла кўзлари билан атрофдагиларга шундай бир назар ташладики, бунга ҳар қандай йиртқичнинг раҳми келиши мумкин эди, бироқ бу илтижоли кўзлар судьяларнинг кўнглини юмшатолмади. Граф бошини юқори кўтариб, шифтга тикилди, бироқ, тагин шифт ёрилиб шармандали афтимни бундан ҳам даҳшатли судга – Тангри судига кўрсатиб қўямасин, деган ўй билан дарҳол кўзларини пастга олди.

Кейин у бир силкинди-да, томоғини бўғиб турган ёқасини икки қўли билан шарт-шурт йиртиб, залдан телбаларча чиқиб кетди; одимларнинг акс садоси залда ваҳимали жангларди. Бирпасдан кейин ўқдай учиб ўтган извошнинг гумбурлаган овози Флоренция кошонаси устунларини титратиб юборди.

«Жаноблар, – деди раис залга жимлик чўккач, – граф де Морсер вафосизликда, хоинликда, виждонсизликда айбланади. Тўғрими?»

«Тўғри!» – дейишди бир овоздан тафтиш комиссиясининг аъзолари.

Гайде мажлиснинг охиригача турди, графга чиқарилган ҳукмни эшитди, шу топда унинг юзида на қувонч, на ачишиш аломатидан асар ҳам йўқ эди.

Сўнгра у чодрани юзига туширди-да, комиссия аъзоларига улуғвор таъзим бажо келтириб, маликаларга хос хиром билан чиқиб кетди.

Х. ДАЪВАТ

– Мен залдаги қоронғилик ва сукунатдан фойдаланиб, билдирмай чиқдим, – деди ҳикоясини давом эттириб Бошан. – Ложани очиб берган ўша чопар эшик олдида кутиб турган экан. У мени даҳлиздан эргаштириб, Вожирар кўчасига чиқадиган кичкина эшикка олиб борди. Залдан жигарим хун бўлиб, шу билан бирга қойил қолиб чиқдим. Кейингиси учун кечиринг мени, Альбер. Сиз учун кўп қайғурдим, аммо қизнинг отаси учун бу қадар мардона қасос олганига қойил қолдим. Альбер, онт ичиб айтаманки, буни фош этаётган ким бўлишидан қатъи назар, (эҳтимол, душманнинг ишидир) тақдири илоҳийнинг қуролидан отилаётган ўқ бу.

Бу пайтда Альбер бошини чангаллаб ўтирган эди. У бошини аранг кўтарди: номусдан юзи қип-қизарган, кўзлари жиққа ёш эди. Бошаннинг қўлидан маҳкам тутиб:

– Дўстим, – деди у, – мен адои тамом бўлдим, эндиликда менинг қиладиган биттагина ишим қолди: сизнинг кетингиздан тақдири илоҳийнинг зарбаси деб ўтирмай, менга нафрат ўтини сочиб, пайимга тушган одамни топмоғим керак, топсам мен уни ўлдираман ёки у мени ўлдиради. Бошан, мабодо қалбингиздаги дўстлик ипларини нафрат узиб ташламаган бўлса, бу ишда яна сизнинг ёрдамингизга муҳтожман.

– Дўстим, сиздан нега нафратланаман? Отангизнинг бу қилмишларида сиз заррача айбдор эмассиз-ку? Худога шукрки, бемаъни анъаналарга мукка тушиб, оталар гуноҳига ўғиллар жавоб беришга мажбур бўладиган вақтлар ўтиб кетди. Альбер, ўтмиш ҳаётингизни мундоқ бир кўз олдингизга

келтиринг, у қандай покиза, илк баҳор тонги каби ёрқин, мусаффо эди-я! Альбер, инонинг, сиз ёшсиз, бойсиз, кетинг Франциядан! Ҳаёт қайнаб, дидлар ўзгариб турадиган бу улкан Вавилонияда ҳамма нарсалар ҳаш-паш дегунча унутиб юборилади. Сиз уч йилдан сўнг бирор рус жононига уйланиб қайтиб келасиз ва ўшанда ҳеч ким кечаги воқеани, айниқса бундан ўн йил муқаддам юз берган ўша мудҳиш ишларни хаёлига ҳам келтирмайди.

– Раҳмат, азизим Бошан, маслаҳатингиз учун раҳмат, бироқ бундай қила олмайман. Мен охирги истагим нима эканлигини сизга айтдим, зарур бўлса «истак» сўзини «ирода» сўзи билан алмаштиришим мумкин. Дўстим, ахир бу воқеа менга ниҳоятда даҳлдор, бунга сиздай бефарқ қаролмайман. Сиз, бу воқеалар, бу фалокатлар Худонинг иродаси, унинг қаҳр-ғазабидан деб ўйлаяпсиз, менимча, унда бир маккорнинг, қабиҳ инсоннинг қўли бор, тақдири илоҳийнинг бунга алоқаси йўқ, ҳамма найрангни ана шу нобакор қилляпти, мен уни албатта топаман ва мана шу бир ой мобайнида тортган азоб-уқубатларим учун қасдимни оламан у маккордан. Энди, яна такрор айтаман сизга, Бошан: мен ҳавойи гапларни қўйиб, фаришталар олаmidан воз кечиб, яна одамлар оламига, моддий оламга қайтмоқчиман, сиз ҳамон менга дўст бўлиб қолиш ниятида бўлсангиз, ўша кимсани топишда менга ёрдам беринг.

– Бўпти! – деди Бошан, – башарти сиз менинг осмондан ерга тушишимни, яъни илоҳий гапларни қўйиб, амалий ишга ўтишимни истаркансиз, шундай қилганим бўлсин, душманни ахтариб топмоқчи экансиз, мен ҳам сиз билан бирга уни ахтараман ва албатта топаман, бу менинг виждон амрим, биз уни топмоғимиз керак.

– Шундай экан, демак, биз, Бошан, қидирувни ҳозирда ноқ бошлашимиз керак. Ҳар бир дақиқа шу пайт менга абадиёт бўлиб кўриняпти. Чақимчи ҳозирча жазосини тортгани йўқ. Бундан у, энди мен жазодан қутулдим деб умид қилиб юргандир. Виждон ҳаққи, онт ичиб айтаманки, у янглишади, у жазога мустаҳиқ!

– Морсер, менга қаранг...

– Бошан, афтидан, сиз бирор нарсани билсангиз керак, менга қайта жон бағишляяпсиз, жон!..

– Мен, Альбер, аниқ бир нарса билмайман, бироқ менинг тахминим, гумоним зулматдаги зиё, бошқача қилиб айтганда, калаванинг учи ана шу зиё кетидан борсак, эҳтимол ниятимизга етармиз.

– Ахир айтинг, нима ўзи у? Тоқатим тоқ бўлди-ку.

– Янинадан қайтганда айтмаган бир нарсани айтиб бераман сизга.

– Қулоғим сизда.

– Альбер, ўшанда шундай бир воқеа юз берди: мен маълумотномалар олиш учун шаҳарнинг биринчи банкирига мурожаат қилдим, бу иш ҳақида оғиз очиб, отангиз номи-ни тилга олиб улгурмаган ҳам эдим, у:

«Нима мақсадда келганингизни билиб турибман», – деди.

«Қаердан билдингиз?..»

«Худди шу масалани мендан сўраб-суриштириб кетганларига ҳали икки ҳафтаям бўлгани йўқ».

«Ким у?»

«Бир Париж банкири, менинг мухбирим».

«Исми?»

«Данглар».

– Данглар! – хитоб қилди Альбер. – Тўғри, у кўпдан буён ҳасад балосига гирифтор бўлиб, отамнинг изидан тушиб юрибди, ўзини демократ деб ҳисоблайди, аммо граф де Морсернинг пэр бўлиб сайланганини кўролмади. Никоҳимиз бўлмай қолишининг боиси ҳам... шунда экан-да.

– Альбер, буни совуққонлик билан обдан текширинг, агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқса...

– Агар шундай бўлиб чиқса, – хитоб қилди Альбер, – у аблаҳдан қасдимни оламан!

– Қизиққонлик қилманг, ахир у қариб қолган одам, буни ҳисобга олишингиз лозим.

– Хонадоним шон-шуҳратини у қандай ҳисобга олган бўлса, мен ҳам унинг кексалигини ана шундай ҳисобга оламан! Отамнинг душмани экан, нега очиқ курашмайди у? Эркакларча, юзма-юз келишга кўрқади, ҳа, кўрқади.

– Альбер, мен сизга таъна қилаётганим йўқ, фақат эҳтиёт бўлинг, деяпман.

– Сиз хавотир олманг, Бошан, мени кузатиб борасиз, бунақа нарсалар ҳақида гувоҳлар ҳузурида гаплашмоқ ке-

рак. Чиндан ҳам айб Дангларда бўлса, шу бугуноқ дунёда ё у қолади, ё мен. Бошан, бутун шон-шуҳратимга тантанавор жаноза ўқийманми-а?

– Бўпти, Альбер. Киши шундай қарорга келганда, дарҳол амалга оширмоғи зарур. Дангларникига бормоқчимисиз? Кетдик...

Дўстлар извош кира қилиб, жўнаб кетишди. Извош банкир уйига яқинлашганда дарвоза олдида Андреа Кавалькантининг извоши ва қароли турганди.

– Мана буниси яна соз бўлди! – деди маъюс ҳолда Альбер. – Башарти Данглар дуэлга даъватимни қабул қилмаса, куёвини ўлдираман. Ахир, у жаноб князь Кавальканти-ку – жангдан қандай қочиши мумкин?

Уларнинг келганини банкирга хабар қилишди, у кечаги воқеалардан хабардор эди, шу сабабдан Альбернинг номини эшитиб, қабул қилмайман, деди. Бироқ у кечиккан эди. Альбер қарол кетидан кириб келган эди, у банкирнинг жавобини эшитди-да, эшикни ланг очиб, Бошан билан бирга банкир хонасига кирди.

– Кечирасиз, жаноб! – хитоб қилди банкир. – Мен ўз уйимнинг хўжайини эмасманми? Кимни қабул қилиш-қилмаслик ихтиёримда эмасми? Менимча, ҳаддингиздан ошяпсиз!

– Йўқ, жаноб, – деди Альбер, – ҳаддимдан ошаётганим йўқ, шундай вазиятда кўрқоқ деган ном орттиришни истамасангиз, баъзи кишиларни қабул қилишга мажбурсиз.

– Хўш, жанобларининг қандай ишлари чиқиб қолди экан менга?

– Сиз билан, – деди Альбер унинг ёнига бориб ва ўзини печь олдида турган Кавалькантини кўрмаганга солиб, – хилватда учрашмоқчиман, у ерда ўн дақиқа мобайнида ҳеч ким бизга халақит бермайди, сиздан бирдан-бир илтимосим шу, учрашган жойдан иккимиздан фақат биттамыз омон қайтамиз.

Дангларнинг юзи оқариб кетди. Кавальканти ўрнидан кўзгалган эди, Альбер унга бурилиб:

– Марҳамат, граф, – деди, – истасангиз сиз ҳам боринг, бунга тўла ҳақлисиз, ахир бу оиланинг деярли аъзоси бўлиб қолдингиз, хоҳлаган киши билан бундай жойларда учрашувни таклиф қилишим мумкин.

Кавальканти ҳайрон бўлиб Дангларга қаради, граф зўрға ўзини босиб, ўрнидан турди-да, келиб, иккала йигитнинг ўртасида туриб олди. Альбернинг Андреага қарши тиш қайраётганини кўриб, «хайрият, бунинг келишига боя мен ўйлаган воқеа сабаб эмас экан», деган ўй билан графнинг бир оз кўнгли тинчиди.

– Менга қаранг, жаноб, – деди у Альберга, – сизни кўйиб, графни кувликка афзал кўрганим учун ғалва кўтариб юрган бўлсангиз, огоҳ бўлинг, мен бу ишни қироллик прокурорига ўтказаман.

– Янглишяпсиз, жаноб, – деди Альбер ғамгин илжайиб, – тўй билан ҳозир иш-пишим йўқ, менга жаноб Кавальканти бизнинг гапимизга аралашмоқчи бўлгандек туюлди. Шу вайдан мен унга гап қотдим. Сиз ҳақ гапни айтдингиз; мен бугун тўғри келган кимса билан жанжал кўтаришга тайёрман, бироқ, хотиржам бўлинг, жаноб Данглар, аввало ўзингиз билан.

– Жаноб, – деди ғазаб ва ваҳимадан қути ўчган Данглар, – огоҳ бўлинг, йўлимда қутурган итвачча учраб қолса, дарҳол ер тишлатиб қўя қоламан, бу билан ўзимни айбдор ҳисоблаш у ёқда турсин, аксинча, жамиятга фойда келтирдим деб фахрланаман. Мабодо сиз қутуриб мени қопиш ниятида келган бўлсангиз, ўйлаб-нетиб ўтирмай отиб ташлайман. Отангиз шармандаю шармисор бўлган экан, менда нима гуноҳ?

– Ҳа, аблаҳ! – хитоб қилди Альбер. – Ҳамма айб сенда! Данглар бир қадам орқага тисарилди.

– Ҳамма айб менда? Менда? – деди у. – Эсингизни еб кўйибсиз! Греция воқеасини қаёқдан билай мен? У мамлакатларда мен бўлибманми? Отангизга Янина қалъасини сотгин деб мен маслаҳат берибманми? Вазирни тутиб бер, деб...

– Овозингизни ўчиринг! – деди Альбер ғижиниб. – Йўқ, бу жанжални шахсан сиз кўтарганингиз йўқ, фақат сиз маккорлик билан уюштирдингиз бизга қарши бу фалокатни, ҳа, фақат сиз!

– Мен?

– Ҳа, сиз! Бўлмасам қаердан чиқди бу гап?

– Менимча, газетада: «Янинадан» деб ёзилган эди, йўқса қаердан бўлиши мумкин тагин!

– Янинага хатни ким юборди?

– Янинага?

– Ҳа, Янинага хат ёзиб, отам ҳақида маълумот сўраган ким?

– Менимча, Янинага хат ёзиш ҳеч кимга тақиқ қилинган эмас.

– Лекин хатни фақат бир киши ёзган.

– Фақат бир киши?

– Ҳа, яъни сиз.

– Тўғри, мен хат ёздим: ахир қизингни ёш йигитга эрга бераётганда, йигитнинг оиласи ҳақида маълумот йиғиш гуноҳ эмас, ҳатто бу фақат ҳуқуқ бўлибгина қолмай, бурч, вазифа ҳамдир.

– Хат ёзганда, жаноблари қанақа жавоб келишини ҳам жуда яхши билиб ёзганлар, – деди Альбер.

– Сизга онт ичиб айтаманки, – деди Данглар ниҳоятда ишонарли қилиб, вужудини қамраб олган ваҳимадангина эмас, балки шўрлик йигитнинг ҳолига чин юракдан ачинганидан, – бу ҳақда Янинага хат ёзишни ҳеч вақт хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Али пошонинг бошига тушган кулфатлардан мутлақо беҳабарман.

– Демак, кимдир сизга маслаҳат берибди-да, хат ёзгин, деб?

– Албатта.

– Маслаҳат беришганмиди?

– Ким? Айтинг... иқрор бўлаверинг...

– Марҳамат, мен отангиз ҳақида гапирдим, у қандай қилиб бунчалик бойлик орттирганини ҳали-ҳали ҳеч ким билмайди, дедим. Суҳбатдошим, отангиз бойликни қаерда орттирган, деди. Мен Грецияда, дедим. Шунда Янинага хат ёзинг, деди.

– Ким ўзи сизга бу маслаҳатни берган?

– Дўстингиз граф Монте-Кристо.

– Янинага хат ёзиш ҳақида граф Монте-Кристо маслаҳат бердими сизга?

– Ҳа, ўша маслаҳат берди, сўнг мен хат ёздим. Менинг ўша хатларимни кўрасизми? Хоҳласангиз, кўрсатаман.

Альбер билан Бошан ҳайрон бўлиб бир-бирига қараб олишди.

Ҳозиргина миқ этмай ўтирган Бошан сўз қотди:

– Жаноб, графнинг Парижда йўқлигидан фойдаланиб, айбни унга тўнкаяпсиз, ўзи йўқнинг кўзи йўқ-да.

– Мен ҳеч кимни айблаётганим йўқ, жаноб, – деди Данглар, – фақат бўлган воқеани ҳикоя қиляпман, сизга айтган гапларимни граф Монте-Кристо ҳузуридаям айтишим мумкин.

– Қандай жавоб олганингизни ҳам биладими граф?

– Жавоб хатни унга кўрсатдим.

– Отамнинг оти Фернан, фамилияси Мондего эканлигини ҳам биладими у?

– Ҳа, мен бунга аллақачон айтган эдим. Менинг ўрнимда ким бўлмасин, худди шундай қиларди, ҳалиям мен унчаликка борганим йўқ. Янинадан жавоб хати олган куннинг эртасига, отангиз граф Монте-Кристонинг маслаҳати билан, меникига қизимни келинликка сўраб, масалани узил-кесил ҳал этиш учун келганда, мен йўқ, бўлмайди, дедим, тўғри, сабабини айтмадим, нима учун шундай қилганимни тушунтириб ўтиришнинг менга нима кераги бор? Жаноб де Морсернинг ор-номуси билан менинг нима ишим бор? Пул қийматининг ошиши ёки пасайишига бунинг ҳеч таъсири бўлмайди-ку?

Альбер икки юзи қип-қизил бўлиб бораётганини сезиб турарди. Шу пайт Данглар, шубҳасиз, пасткаш, лекин тақабур киши сингари ўзини ҳимоя қилиш учун виждон амри билан эмас, кўрққанидан ёлғон-яшиқни кўшиб гап сотарди. Бу ишда Данглар қанчалик айбдор-у, граф Монте-Кристо қанчалик айбдор – Альберга бунинг аҳамияти йўқ эди; унга аламини оладиган одам керак, дуэлга чақирса, кўнадиган кимса керак. Данглар, кўриниб турибди-ки, бу таклифни қабул қилмайди.

Шу топда илгари унутиб юборган ёки у қулоқдан кириб, бу қулоқдан чиқиб кетган кўп воқеалар Альбернинг кўз олдидан ўта бошлади. Монте-Кристо Али пошонинг қизини сотиб олибдими, демак, у ҳамма воқеалардан хабардор экан-да, ҳамма гапдан воқиф бўлгани сабабли Дангларга Янинага хат ёзишни маслаҳат берган. Ўшанда граф у ердан келган жавобни ўқиб, Альберга Гайде билан танишишга рухсат қилган ва Гайде ҳузурига кирганда, гапни Али

пошонинг ўлдирилишига буриб юбориб, қизнинг ҳикоясига халақит бермай қўйган эди. (Бироқ у қизга лотин тилида айтган бир неча сўзида, Альберга гап унинг отаси устида бораётганини айтма деган бўлса керак.) Бундан ташқари граф Альбердан, Гайденинг олдида отангизнинг исмини тилга олманг, деган эди, бу ҳам бежиз эмас экан-да, пировардида, граф айна жанжал қўзғаладиган пайтда Альберни Нормандияга олиб кетди. Буларнинг ҳаммасини била туриб қилинганлигига шубҳа йўқ, демак, Монте-Кристо отасининг душманлари билан тил бириктириб олган экан.

Альбер Бошанни бир четга тортди-да, ўзининг юқоридаги мулоҳазаларини айтди.

– Гапингиз тўғри, – деди Бошан. – Бу воқеаларда Данглар ишнинг фақат моддий томонидан манфаатдор, сиз изоҳни граф Монте-Кристордан талаб қилишингиз лозим.

Альбер яна Данглар томонга ўтирилди.

– Жаноб, – деди у банкирга, – билиб қўйингки, сиз билан ҳали орамиз очиқ бўлгани йўқ, мен даъвоингиз қанчалик ҳақ эканлигини билмоғим керак, шунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ граф Монте-Кристо ҳузурига бораман.

Альбер банкирга таъзим қилди-да, Кавалькантига қиёбоқмай Бошан билан чиқиб кетди.

Данглар уларни эшик олдигача кузатиб қўйди ва останада яна Альберга, отангизга ҳеч қанақа хусуматим йўқ, хотиржам бўлинг, деди.

XI. ҲАҚОРАТ

Банкирникидан чиққач, Бошан тўхтади.

– Мен сизга, Альбер, изоҳни граф Монте-Кристордан талаб қилишингиз керак, дедим.

– Ҳа, мана, уникага кетяпмиз.

– Бирпас сабр қилинг, графникига боришдан олдин бир ўйлаб кўриш керак.

– Нимани ўйлаб кўришим керак?

– Бу жуда жиддий масала, роса ўйлаб қилинадиган иш.

– Дангларникига қилган ташрифимдан ҳам бу жиддийми?

– Ҳа, Данглар ишнинг фойдали томонини ўйлайдиган зотлардан, биласизки, бундай одамлар ўз сармоясининг қудратини билади. Шунинг учун ҳам унинг олишишга ҳафсаласи йўқ. Граф Монте-Кристо эса бунинг тамоман акси, у кўриниши олифта одам бўлса-да, сиртида қотиллик ниқоби яширинган бўлмасин тагин? Бундан қўрқмаяпсизми?

– Мен фақат бир нарсадан, у ҳам бўлса, Монте-Кристо дуэлни рад қилмасмикан, деб қўрқяпман.

– Бундан кўнглингиз тўқ бўлаверсин, – деди Бошан, – граф Монте-Кристо жангдан қайтмайдиганлардан. Лекин эҳтиёт бўлинг, у жуда моҳир жангчи бўлса керак, деб қўрқяпман!

– Дўстим, – деди Альбер кулиб, – менга ана шуниси керак, отамнинг ор-номусини ҳимоя қилиб ўлиш мен учун энг катта бахт. Бу ҳаммамизни шармандалиқдан халос этади.

– Бу билан онангизни тириклайинг гўрга тикасиз!

– Шўрлик онам, – деди Альбер қўли билан кўзларини ишқаб, – тўғри, у куйиб адои тамом бўлади, келинг, шармандаю шармисор бўлиб ўлгандан кўра, фарзанд доғида куйиб ўлгани маъқул.

– Демак, Альбер, қарорингиз қатъийми?

– Ҳа, қатъий.

– Ундай бўлса, кетдик! Унинг уйдалигига имонингиз комилми?

– Менинг кетимдан қайтиши керак эди, эҳтимол, у аллақачон Париждадир.

Иккала оғайни извошга ўтириб, Елисей Майдони томон кетди.

Альбер якка ўзи кирмоқчи бўлди, бироқ, бу бошқача дуэль, одоб қоидаларини бузиб қўйишим мумкин, деди Бошанга.

Альберга қанот бағишлаб турган бу туйғу ниҳоятда муқаддас, олижаноб туйғу эди, шу сабабли Бошан унинг хоҳишига бўйсунушга мажбур бўлди-да, дўсти кетидан бораверди.

Альбер дарвозадан зинапояга чопқиллаб борди. Шу вақт уни Батистен учратди.

Граф, дарҳақиқат, Нормандиядан қайтган эди, у Батистенга, мени сўраганларга уйда йўқ, дегин деб огоҳлантириб қўйган эди.

– Жаноби олийлари ваннада чўмляптилар, – деди Батистен.

– Кейин нима қилади?

– Овқатланадилар.

– Овқатдан кейин-чи?

– Дам оладилар.

– Ундан кейин-чи?

– Операга борадилар.

– Ростданми? – сўради Альбер.

– Ҳа, граф роппа-роса соат саккизда извошни тахт қилиб туришни буюрган.

– Жуда соз, менга фақат шу керак эди, – деди Альбер ва Бошанга ўтирилди:

– Борадиган жойингиз бўлса, ҳозир бориб келинг, Бошан, – кечқурун бирор киши билан учрашувга ваъда берган бўлсангиз, эртага қолдиринг. Мен сиз билан Операга бирга бормоқчиман, сабаби ўзингизга маълум. Иложини топсангиз, Шато-Ренони ҳам олиб келинг.

Бошан Альбер билан хайрлашди-да, чорак кам саккизда етиб келаман, деб чиқиб кетди.

Альбер уйига қайтиб, Франц Дебрэ ва Моррелга бугун кечқурун Операга албатта келишларини илтимос қилиб, одам юборди.

Сўнгра онаси ҳузурига кирди. Мерседес кечаги воқеалардан сўнг, ҳеч кимни қабул қилмайман, деб эшикни ичидан қулфлаб олган эди. Она бечора бўлган можародан ниҳоятда азият чекиб, тўшақда ётган эди.

Альбер кириши билан Мерседесда кутилган нарса юз берди: она ўғлининг қўлидан маҳкам тутди-да, хўнграб йиғлаб юборди. Йиғидан кейин у ўзини анча енгил ҳис қилди.

Альбер эса онаси тепасида хомуш бош эгиб тураверди. Бўзарган юзи ва чимирилган қошлари йигитнинг қасос олишга қатъий қарор қилганидан дарак бериб турарди.

– Ойижон, – деди Альбер, – жаноб де Морсернинг душманлари бор.

Мерседес ўғли Альбер «Отамнинг...» демаганидан бир сесканиб тушди.

– Азизим, – деди она, – граф каби мансабдор кишиларнинг зимдан иш тутадиган душманлари кўп бўлади. Бироқ,

ошкора душмандан пинҳоний душман хавфли эканлигини яхши биласан.

– Тўғри, биламан, шунинг учун ҳам сизнинг ўткир зеҳнингизга ишониб сўраяпман-да. Назарингиздан ҳеч нарса қочиб қутулолмаслигини яхши биламан.

– Менга бу гапларни нега айтяпсан?

– Ахир сиз граф Монте-Кристо бизникидаги зиёфатда ҳеч нарса ейшни истамаганлигини ўзингиз сезган эдингиз-ку.

Мерседес, бутун вужудини титроқ босиб, каравотдан бошини кўтарди.

– Граф Монте-Кристо! – деди ҳаяжонланиб у. – Менга берган саволингга унинг нима алоқаси бор?

– Биласизми, ойи, граф Монте-Кристо кўпгина шарқ урф-одатларига амал қиладиган зот, шарқда эса, қасос олиш ҳуқуқини ўзида сақламоқчи бўлган одам душманининг уйида оғзига ҳеч нарса олмайди.

– Граф Монте-Кристо бизга душман деяпсанми? – деди мурдадек оқариб кетган Мерседес. – Ким айтди сенга буни? Нега у душман бўлади бизга? Қўй бемаъни гапларингни, Альбер. Граф Монте-Кристордан биз фақат яхшилиқ кўрдик. Граф Монте-Кристо сени ўлимдан қутқарди; уни биз билан ўзинг таништирдинг. Альбер, илтимос, бу фикрингдан қайт. Сенга маслаҳат ва илтимосим шуки, у билан дўстликни узма.

– Ойижон, – эътироз билдирди Альбер онасига ғамгин боқиб. – У одамни сиз ҳимоя қиляпсиз, буни-бирор сабаби бордир, ахир.

– Сабаби бордир?! – таажжуб ва ҳаяжонда деди Мерседес бир зум қизариб. Кейин, илгаригидан баттарроқ бўзариб кетди.

– Ҳа, сабаби, – деди Альбер, – биз ундан фақат ёмонлик кутаётибмиз, сиз эса мендан унга шафқат қилишимни сўраяпсиз, тўғрими?

Мерседес титраб кетди, ўғлига синовчан назар ташлади.

– Гапларинг жуда ғалати-ку, – деди она, – қаердан топдинг бу ифво гапларни! Нега графга ғаразгўйлик қиляпсан? У бирор гуноҳ қилиб қўйдими? Бундан уч кун муқаддам Нормандияда унинг меҳмони бўлдинг, уч кун муқаддам

иккимиз ҳам уни орадан қил ўтмайдиган дўст билардик-ку. Энди нега тескари бўлиб қолдинг?

Альбернинг лабларида йилт этиб кўринган кинояли табассум зийрак онанинг диққатидан қочиб қутулолмади. Мерседес ҳамма гапни аёлга ва онага хос зийраклик билан пайқаб олди. Эҳтиёткор ва иродаси кучли она шу он хижолат тортиб, ташвишга тушиб қолганини сездирмади.

Альбер жим туриб қолди, бир оздан сўнг яна графинянинг ўзи гап қотди:

– Сен менинг ҳол-аҳволимни сўрагани келдинг, чамамда, – деди у, – сендан яширмайман, азизим, соғлиғим яхши эмас. Ёлғизлик жонга тегди, бугун ёнимда қола қол.

– Ойижон, – деди йигит, – зарур ишим бўлмаганда, ёнингизда жон деб қолардим.

– Иложим қанча, болам! – жавоб қилди Мерседес. – Бор, Альбер, фарзандлик туйғуларига қул бўлишингни зинҳор истамайман...

Альбер ўзини онасининг сўнгги сўзларини эшитмаганга солди-да, хайрлашиб чиқиб кетди.

Ўғли эшикни ёпиб чиқиб кетиши билан Мерседес ишончли хизматкорини чақириб, унинг изидан жўнатаркан, шу дақиқадан бошлаб қаерда бўлмасин, Альбернинг кетидан қолмасликни ва кўрган-билганларини дарҳол унга етказиб туришни буюрди.

Сўнг оқсочни чақириб, ниҳоятда толиқиб қолганига қарамай, ҳар эҳтимолга қарши кийиниб олди.

Хизматкорга берилган топшириқни бажо келтириш осон эди. Альбер ўз бўлмасига кирди-да, башанг кийиниб олди. Ўн дақиқа кам саккизда Бошан келди, у Шато-Ренони кўриб, Альбернинг илтимосини айтган эди. Шато-Рено парда очилгунча биринчи қатордаги ўз жойида ҳозир бўлишга ваъда берибди.

Йигитлар Альбернинг извошига ўтиришди, у ҳеч нарса ни яширишнинг ҳожати йўқ деб, овозининг борича қичқирди:

– Операга!

Тоқати тоқ бўлган Альбер спектакль бошланмасданоқ театрда кириб борди.

Шато-Рено аллақачон келиб ўз курсисида ўтирган эди. Альбер унга ҳеч нима демади, чунки Бошан ҳамма воқеани унга тушунтирган эди. Отаси учун ўч олиш ниятида ёниб юрган ўғилнинг хатти-ҳаракати табиий бўлиб, Шато-Рено уни шаштидан қайтаришга уринмади ҳам, фақат ёрдамга тайёрман, деб қўя қолди.

Дебрэ ҳали келмаган эди, бироқ у Операнинг деярли ҳамма спектаклларида бўлади, унинг опера мухлиси эканини Альбер билади. Парда очилгунча Альбер театр залларини кезиб юрди, у Монте-Кристони йўлақда ёки зинада учратарман, деган умидда эди, бироқ қўнғироқ чалиниб қолди-ю, Шато-Рено билан Бошан ўртасидаги ўз жойига бориб ўтирди. Унинг икки кўзи устунлар ўртасидаги ложада эди, ложа пардаси эса биринчи парданинг бошидан охиригача очилмади.

Фақат иккинчи бўлим бошланганда, Альбер соатга қарайвериб тоқати тоқ бўлганда ҳалиги ложанинг эшиги очилиб, қоп-қора либосда Монте-Кристо кириб келди-да, тўсиққа суюниб зални бир сидра кўздан кечириб чиқди. Унинг кетидан Моррель кириб, куёви ва синглисини ахтарди. Улар бельэтаж ложасида ўтиришган эди. Моррель имо қилиб қўйди.

Граф зални кузатар экан, бирдан унинг қарашини кутиб, кўзларидан ўт сочиб бўзариб ўтирган Альберни кўриб қолди; унинг авзойи бузуқлигини фаҳмлади-да, ўзини кўрмаганга ва ҳеч нарсани сезмаганга солиб, ўтириб олди, дурбинини филофидан чиқариб, нариги томонга қаради. Бироқ у Альберни назаридан қочирмасди. Иккинчи парда тугаганда, Альбер икки дўсти билан партердан чиқиб кетди.

Сал ўтмай қўшни ложа эшигида Альбернинг боши кўринди. Граф даҳшатли манзара яқинлашаётганини, ложанинг калити буралиши билан қандай ҳол юз беришини билар ва ҳар қандай офатни даф этишга шай бўлиб турарди.

Эшик очилди.

Шундан кейингина граф орқасига ўгирилди, остонада титраб-қақшаб Альбер, унинг кетида Бошан ва Шато-Рено турарди.

– Ҳа-а! Менинг чавандозим келибдилар-да, – деди граф унинг саломини киборларга хос сохта илтифотдан ҳамиша ажратиб турадиган ёқимли назокат билан.

– Салом, салом, жаноб де Морсер.

Ўзини жуда усталик билан тута олишга қодир бу зотнинг чеҳраси ҳозир гулдек очилиб турарди.

Моррель ҳам худди шу пайт Альбер унга Операга келишини сўраб хат ёзганини эслади ва эндиликда қандай воқеа юз беришини англади.

– Биз бу ерга риёкорона назокат ёки дўстлик ҳақидаги сохта гап сотиш учун келганимиз йўқ, – деди Альбер, – биз, графдан изоҳ беришни талаб қилгани келдик.

Альбер тишини тишига босиб, ҳансираб гапирарди.

– Операда изоҳ берарканларми? – деди граф вазминлик билан кўзларини Альберга тикиб, бундан у ўзига ниҳоятда қаттиқ ишонганлиги сезилиб турарди, – Париж урф-одатлари билан ҳали кам таниш бўлсам-да, менимча, бу ер изоҳ берадиган жой эмас, жаноб.

– У киши қочиб юрса, ваннада чўмиляпман, овқатланяпман ёки ухляяпман, деб уйига киритмаса, у билан тўғри келган жойда гаплашиб олишга мажбур бўласан-да, – деди Альбер.

– Мени уйимда топиш унчалик қийин эмас, – деди Монте-Кристо, – янглишмасам, жаноблари кеча менинг меҳмоним бўлган эдилар.

– Жаноб, кеча, – деди Альбер ўзини тутолмай, – меҳмон бўлганда бунақанги пасткаш одам эканлигини билмаган эканман.

Бу гапларни Альбер қўшни пожалардаги ва йўлкадаги одамлар эшитсин, деб овозини барала чиқариб айтди, дарҳақиқат, ложадагилар можарони эшитиб, граф ложаси томон ўгирилиб қарашди, йўлкадагилар эса Бошан ва Шато-Рено орқасида тўхтаб қулоқ солишарди.

– Қаердан келдингиз, жаноб? – деди Монте-Кристо ҳамон хотиржам ҳолатда. – Эсингизни бутунлай еб қўйганга ўхшайсиз.

– Маккорлигингизни фаҳмлаб, мақсадим унинг учун қасос олиш эканлигини сизга англашиб қўйишга етгулик ақл-ҳушим бор, – деди Ҳабадан титраб Альбер.

– Муҳтарам жаноб, тушунолмай қолдим сизга, – деди эътироз билдириб Монте-Кристо, – жуда бақироқлик қиляпсиз. Мен, муҳтарам жаноб, ўз ложада ўтирибман, бу ерда фақат мен бақириб гапиришга ҳақлиман. Чиқинг бу ердан!

Шундай деб граф амрона бир тусда Альберга эшикни кўрсатди.

– Ўзингизни бу ердан чиқишга мажбур этаман! – деди Альбер граф тикилиб турган қўлқопини қўлида ғижимлаб.

– Яхши, – деди вазмин оҳангда Монте-Кристо, – кўриниб турибдики, жанжал кўзгамоқчисиз, жаноб, бироқ сизга бир маслаҳатим бор, буни эсингизда тутинг: дуэлда бақириб-чақириб одобдан эмас. Жаноб де Морсер, шов-шув кўтариш ҳаммага ҳам ёқаверадиган қилиқ эмас.

Бу номни эшитганлар орасида ғовур-ғувур бошланди. Кечадан буён Морсер ҳақида бутун Парижда дув-дув гап юрарди.

Кимга ишора қилаётганларини Альбер ҳаммадан олдин ва яхши тушунди, графнинг юзига қўлқопни итқитмоқчи бўлиб турган эди, Моррель унинг қўлидан ушлаб қолди, Бошан ва Шато-Рено можаронинг зўрайиб кетишидан кўрқиб виконтнинг елкасидан тутишди.

Бироқ Монте-Кристо ўтирган жойида қўлини узатиб, Альбернинг қалтираб турган қўлидан хўп ва ғижимланган қўлқопни тортиб олди-да, ғазаб билан деди:

– Жаноб, қўлқопни менга итқитиб юбордингиз, деб ҳисоблайман ва уни ўқ билан ўзингизга қайтараман. Чиқиб кетинг бу ердан, йўқса хизматчиларимга буюраман, ҳайдаб чиқаришади.

Кўзлари қонга тўлган Альбер маст киши сингари гандираклаб, бир неча қадам орқага тисарилди.

Моррель бундан фойдаланиб, эшикни бекитиб олди.

Монте-Кристо, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, яна дурбинини олиб, кўзига тутди.

Бу одамнинг қалби баайни бронзадан қуйилгандек, юзи эса мрамардан ўйилгаудек эди.

– Нима қилувдингиз унга? – деди шивирлаб.

– Менми? Шахсан ўзим унга ҳеч нима қилмаганман, – деди Монте-Кристо.

– Ахир бу ажиб воқеанинг биронта сабаби бўлиши керак-ку?

– Граф де Морсер билан бўлиб ўтган можародан сўнг, бу бебахт йигитча довдираб юрибди.

– Сизга бунинг нима алоқаси бор?

– Отасининг хоинлик қилганини Палатага Гайде айтиб берибди.

– Ҳа, эшитгандим, сиз билан мана шу ложада кўрганим чўрингиз Али пошонинг қизи экан, – деди Моррель. – Бироқ мен бунга ишонмагандим.

– Ҳақиқатан шундай.

– Энди менга ҳаммаси аён, – деди Моррель, – бу нарса олдиндан тайёрланиб қўйилган экан-да.

– Нега энди бундай деб ўйлайсиз?

– Мен Альбернинг бугун Операга келишимни илтимос қилган хатини олдим. Бундан чиқди у сизни ҳақорат қилган вақтда гувоҳ бўлишимни истаган бўлса керак-да.

– Эҳтимол, шундайдир, – деди совуққонлик билан Монте-Кристо.

– Энди у билан қандай муносабатда бўласиз?

– Ким билан?

– Альбер билан.

– Нима қилардим мен уни? – деди худди ҳалиги оҳангда Монте-Кристо. – Мен уни эртага эрталаб асфаласофилинга жўнатаман. Ана шундай қиламан уни, Максимилиан, ҳозир сизни кўриб турганим ва қўлингизни қисиб турганим қанчалик ҳақиқат бўлса, бу ҳам шунчалик ҳақиқат.

Максимилиан ҳам Монте-Кристонинг қўлини қисди-да, сесканиб кетди: графнинг қўли совуқ эди.

– Граф, биласизми, уни отаси жонидан ҳам яхши кўради!

– Фақат мана шу гапни менга зинҳор айта кўрманг! – хитоб қилди Монте-Кристо ғазабланиши мумкинлигини биринчи марта сезиб. – У ҳолда мен уни бирдан ўлдирмайман.

Моррель ҳанг-манг бўлиб, Монте-Кристонинг қўлини қўйиб юборди.

– Шайтонга ҳай беринг, граф!

– Азизим Максимилиан, – деди унинг гапини бўлиб граф,
– эшитинг, қуйидаги арияни Дюпрэ қандай бошлаб ижро
этяпти.

Оҳ, Матильда, қалбим истаги...

Азизим, Неаполда Дюпрэни биринчи бўлиб танитган ва
офаринлар айтиб олқишлаган мени деб билаверинг!

Моррель энди гапга ўрин қолмаганлигини англади-да,
индамай қўя қолди.

Бир неча дақиқадан кейин спектаклнинг навбатдаги
бўлими тугаб, парда туширилиши билан ложа эшиги тақил-
лади.

– Киринг, – деди Монте-Кристо. Унинг овозида заррача
ҳаяжон сезилмасди.

Бошан кирди.

– Тунингиз хайрли бўлсин, жаноб Бошан, – деди Монте-
Кристо гўё шу кеч журналистни биринчи мартаба кўрган-
дай, – марҳамат, ўтиринг.

Бошан таъзим қилди-да, ўтирди.

– Граф, – деди у Монте-Кристога, – ҳозиргина жаноб де
Морсер билан бирга келганимни кўрган бўлсангиз керак?

– Бундан кўриниб турибдики, – деди кулиб Монте-Крис-
то, – тушда иккинги бирга овқатланибсиз-да. Жаноб Бо-
шан, сиз унга нисбатан хийла вазмин, босиқ экансиз, хур-
сандман сиздан.

– Граф, – деди Бошан, – тўғри, Альбер ўзини тутолмай
адабсизлик қилди, мен бунга иқрорман ва бунинг учун шах-
сан сиздан узр сўрайман. Граф, сиз олижаноб бир зот си-
фатида менга Янина фуқаролари билан алоқаларингизга
доир баъзи нарсаларни айтиб берарсиз деган умиддаман.
Сўнгра ёш грек қизи ҳақида икки оғиз гап сўрамоқчиман.

Монте-Кристо ялт этиб қараган эди, журналист жим
бўлди.

– Мана, энди менинг ҳамма орзу-ниятларим барбод
бўлди, – деди у кулиб.

– Нима учун? – сўради Бошан.

– Шунинг учунки, ҳаммаларингиз элбуртдан мени фазлу
камолотда ягона одамга чиқариб қўйган эдинглар. Сизнинг-

ча, мен ё Лара, ё Манфред, ёки лорд Рутвен эдим. Кейинги пайтларда хулқ-атворим меъдангизга теккач, ўзингиз яратган типни бузиб, мени жуда сийқаси чиққан кишига айлантириб қўяпсиз, сиз мендан пасткаш, одобсиз бўлишни талаб қиляпсиз. Хулласи калом, сиз мендан изоҳ беришни талаб қиляпсиз, кечирасиз, Бошан, сиз мени мазах қиляпсиз.

– Бироқ, – деди кибр-ла эътироз билдириб Бошан, – шундай вазиятлар туғиладики, унда кишининг номуси шуни талаб қиладики...

– Жаноб, – деди ғалати суҳбатдоши Бошаннинг гапини бўлиб, – граф Монте-Кристандан бирор нарсани фақат граф Монте-Кристонинг ўзигина талаб қилиши мумкин. Илтимос, гапни бас қилинг. Мен ўз билганимни қиламан, жаноб Бошан. Қилган ишим ҳамма вақт кўнгилдагидек бўлган, бунга имонингиз комил бўлсин.

– Жаноб, – деди Бошан, – виждонли кишилардан бундай осонлик билан қутулиш мумкин эмас, ор-номус деган нарса кафиллик талаб қилади.

– Мен бунга ўзим кафилман, жаноб, – деди вазминлик билан эътироз билдириб Монте-Кристо, унинг кўзлари қаҳр-ғазабдан ёниб турарди. – Иккимизнинг ҳам томирларимизда қон жўшиб турибди, ана шу қонни тўкишга иккимиз ҳам тайёрмиз – мана шу иккимизнинг кафиллигимиз. Шу жавобни виконтга етказинг ва айтингки, эртага эрталаб соат ўнгача унинг жонини танидан жудо қиламан.

– Демак, масала ҳал, – деди Бошан, – энди дуэль шартлари ҳақида гаплашиб олишим керак.

– Мен учун шарт-шароитнинг асло аҳамияти йўқ, – деди граф Монте-Кристо, – жаноб, бу арзимайдиган нарса учун томоша вақтида бошимни қотирманг. Францияда шамшир ёки тўппонча билан жанг қилишади, колонияларда мўлтиқни афзал кўришади. Арабистонда ханжардан фойдаланишади. Мен ҳақоратланганимга қарамай, ўша ажиб, ғалати одамлигимча қолиб, қурол танлаш ҳуқуқини виконтга бераман, бориб айтинг, истаганини танласин, мен ҳаммасига розиман, эшитдингизми, ҳаммасига! Ҳатто ҳамиша бемаънилик деб келинган қуръа ташланса ҳам розиман. Аммо билиб қўйсинки, мен билан беллашиш осон эмас, мен албатта голиб чиқаман!

– Бунга аминмисиз? – такрорлади Бошан ташвиш-ла графга тикилиб.

– Ҳа, – деди Монте-Кристо елкаларини қисиб. – Ҷизмга ишонмасам, жаноб де Морсернинг чақирғини қабул қилармидим? Муқаррар, мен уни ўлдираман. Сиздан бир илтимос: дуэль бўладиган жойни ва қуролнинг қанақаси танланганини шу бугуноқ менга хабар қилинг. Кутишга тоқатим йўқ.

– Тўппончаларда, эрталаб соат саккизда, Венсен ўрмонида, – деди Бошан.

У қаршисидаги зот беодоб, кеккайган бир одамми, ёки ғайри табиий кимса эканлигини тушунолмади ҳайрон эди.

– Жуда соз, жаноб, – деди Монте-Кристо. – Мана, ҳаммасини келишиб олдик, энди қўйинг, театрни тинчгина томоша қилай, оғайнингиз Альберни бу ёққа қўйманг, одобсизлик қилиб ўзига зарар етказиб қўяди. Яхшиси уйига бориб ухласин.

Бошан ҳайратланиб чиқиб кетди.

Монте-Кристо Моррель томонга ўгирилди-да:

– Энди, – деди, – сиз менинг секундантим бўласиз деб ишонсам бўладими?

– Албатта. – деди Моррель, – хизматингизга тайёрман, граф, бироқ ҳар ҳолда...

– Нима ҳар ҳолда?

– Ҳақиқий сабабини билишим албатта зарур.

– Бошқача қилиб айтганда, секундант бўлолмайман денг?

– Асло ундоқ эмас.

– Ҳақиқий сабабими? – такрорлади граф. – Бу йигитча нима қилаётганини ўзи ҳам билмайди, ҳақиқий сабаби бир мену Худога маълум. Бироқ, сизга онт ичиб айтаманки, ана шу сабабдан хабардор Худо бизни қўллайди.

– Шуниси етарли, граф, – деди Моррель. – Иккинчи секундантингиз ким бўлади?

– Парижда бу муқаддас вазифани топширадиган таниш одамим йўқ менинг, фақат сиз ва куёвингиз Эмманюель. Сизнингча Эмманюель иккинчи секундант бўлишга рози бўлармикин?

– Мен нима десам, граф, у шунга рози бўлади, бунга ишончим комил.

– Жуда соз! Менга шундан бошқаси керакмас. Демак, эртага эрталаб соат еттида меникида тўпланамиз? Шундайми?

– Роппа-расо еттида ҳузурингизда бўламиз.

Жим! Парда очиляпти, келинг, энди томоша қилайлик. Доимо мана шу кўринишдаги қўшиқларни мазза қилиб тинглайман. «Вильгельм Тель» жуда ажойиб опера-да!

XII. ТУН

Граф Монте-Кристо, ўз одатича, Дюпрэ машҳур «Менинг ортимдан!» ариясини айтиб бўлгунча ўтирди, сўнг ўрнидан туриб ложадан чиқди.

Моррель остонада, эрталаб соат еттида Эмманюель билан албатта етиб келамиз, деб хайрлашди.

Шундан кейин ҳамон вазмин ва кайфи чоғ граф извошга чиқиб ўтирди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас уйига етиб келди-да, ғазабга минганини сездирмай, ўзини сипо тутиб босиқ оҳангда:

– Али, – деди у, – сопи фил суягидан ясалган тўппончаларимни келтир!

Али яшик келтирди, граф ўз ҳаётини бир парча кўрғошинга ишониб топшириб қўйган киши сингари, қуроқларини меҳр билан кўздан кечирди.

Бу қуроқларни уйда мерганликни машқ қилиш учун ўзи махсус ясаётган эди. Отадиган пистонлари ҳам етарли. Қўшни хонадаги киши, ҳеч қачон, мерганларнинг ибораси билан айтганда, «граф отишнинг роса машқини оляпти-да», дея олмасди.

У тўппончани қўлига олиб, тахтага чизилган нуқтани энди мўлжалга олган эди, хона эшиги очилиб, Батистен кириб келди.

Батистен гапиришга оғиз очмасданоқ, граф очик эшик орқасида қоронғида ўртук ёпинган аёл турганини кўрди, у Батистен кетидан кирган эди.

Аёл графнинг қўлида икки тўппонча, столда икки шамшир турганини кўрди-ю, ўзини ичкарига отди.

Батистен ҳайрон бўлиб хўжайинига қаради. Граф уни чиқиб туришга ишора қилиб, эшикни бекитиб олди.

– Хоним, ким бўласиз? – деди граф ўртуқ ёпинган аёлга.

Нотаниш аёл, иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқми, деган-дек хонага кўз югуртириб чиқди-да, пешанаси ерга текку-дек таъзим қилиб, қўл қовуштириб ёлвориб деди!

– Эдмон, сиз менинг ўғлимни ўлдирманг!

Граф ўзини бир қадам орқага ташлади-да, бўғиқ қичқириб, тўппончасини қўлидан тушириб юборди.

– Де Морсер хоним дедингизми? – деди у.

– Эдмон деяпман, – деди аёл дадиллик билан ўртугини олиб ташлаб, – сизнинг исмингизни айтяпман. Бу номни фақат мен унутганим йўқ, ҳа, фақат мен! Эдмон, даргоҳингизга нажот тилаб келган де Морсер хоним эмас, Мерседес бўлади.

– Хоним, Мерседес аллақачон дунёдан ўтган, – деди Монте-Кристо, – мен учун Мерседес исми аёл бу дунёда йўқ.

– Мерседес ҳаёт, Мерседес ҳеч нарсани унутгани йўқ, фақат ана шу Мерседес сизни бир кўришдаёқ таниди, Эдмон. Ҳатто товушингиздан таниб олди у сизни. Ўшандан буён Мерседес изингиздан қолмайди, тинмай кузатади, сиздан кўрқади. Граф де Морсерга ким қақшатқич зарба ураётганини ҳам билади.

– Хоним, Фернанга демоқчисиз-да, – деди захархандалик билан Монте-Кристо. – Модомики, номларни эслай бошлаган экансиз, келинг, ҳаммасини эсга олайлик.

Монте-Кристо «Фернан» номини шунақанги ғазаб билан айтдики, Мерседеснинг юраги орқасига тортиб кетди.

– Мана, Эдмон, кўриб турибсизки, мен адашмабман, – деди хитоб қилиб Мерседес, – ўғлимга шафқат қилинг, деб бекорга айтмабман.

– Хоним, мени ўғлингизнинг душмани деб ким айтди сизга?

– Ҳеч ким! Ҳамма оналар жуда зийрак бўлади. Мен унинг ортидан Операга бордим, пожага бекиниб олиб, ҳамма гапни эшитдим.

– Демак, хоним, Фернаннинг ўғли одамлар олдида мени ҳақорат қилганлигини эшитибсиз-да? – деди Монте-Кристо ўта вазминлик билан.

– Раҳм қилинг!

– Уғлингиз юзимга, – деди граф, – қўлқопини итқитмоқчи бўлганда, дўстларимдан жаноб Моррель унинг қўлини ушлаб қолганлигини кўрдингиз-ку.

– Очиғини айтайми: уғлим сизни таниб қолибди, отасининг бошига тушган мусибатни сиздан кўряпти.

– Хоним, – деди Монте-Кристо, – янглишяпсиз, бу мусибат эмас, жазо! Жаноб де Морсерни мен эмас, Худо қаҳр-газабига оляпти, уни бало-қазоларга мубтало этипти.

– Шундай экан, сиз нечун бу ишга бош қўшяпсиз? – деди Мерседес, – ётган илоннинг бошини қўзғаяпсиз? Эдмон, Янина ва унинг вазирининг сизга нима дахли бор? Фернан Мондего Али-Тебелинга хоинлик қилган экан, у сизга нима ёмонлик қилди?

– Тўғри, хоним, – деди Монте-Кристо, – буларнинг ҳаммаси фақат француз офицери ва Василикининг қизига тааллуқли. Тўғри, буларга менинг ҳеч дахлим йўқ; бироқ мен француз офицеридан эмас, граф де Морсердан эмас, балиқчи Фернандан, каталанлик Мерседеснинг эридан қасос олаётибман.

– Тақдир мени қандай машъум хатоликка гирифтор қилди, – деди ҳаяжонда графиня. – Ҳамма айб менда-ку, Эдмон, қасдингизни мендан олинг – жудолик ва ёлғизликка бардош беролмаган мендан олинг.

– Нечун жудолик юз берди? – хитоб қилди Монте-Кристо. – Нечун сиз ёлғиз қолдингиз?

– Сизни қамоққа олишди, Эдмон, сиз турмада эдингиз.

– Нечун мени қамоққа олишди? Нечун мен турмага тушиб қолдим?

– Бунисини мен билмайман, – деди Мерседес.

– Ҳа, хоним, буни сиз билмаслигингиз ҳам мумкин. Мен ўзим айтаман сизга. Қамоққа олиниб, турмага тушишимга сабаб шуки, сизга уйланмоқчи бўлиб турганимда ДанҒлар исмли зот «Резерв» айвончасида мана бу хатни ёзган, балиқчи Фернан эса буни шахсан почтага олиб бориб беришни гарданига олган эди.

Монте-Кристо шундай деди-да, стол ёнига бориб, тортмани очди ва сарғайиб кетган қоғозга оч сиёҳ билан битилган бир мактубни Мерседес олдига қўйди.

Бу Данглар томонидан қироллик прокурорига ёзилган ўша маълум хат эди. Граф Монте-Кристо бу хатни Томсон ва Френч фирмаларининг жосусиман деб, жаноб де Бовилнинг кабинетига Эдмон Дантеснинг делосидан суғуриб олган эди.

Мерседес даҳшатга тушиб хатни ўқиди:

«Тож-тахтимиз ва мазҳабимиз мухлиси жаноб қироллик прокурорига маълум қиладики, шу бугун Неаполь ва Порто-Феррайо орқали Смирнадан келган «Фараон» кемаси капитанининг ёрдамчиси Эдмон Дантес Мюратдан узурпаторга, узурпатордан эса Париждаги бонапартчилар комитетига хат олиб келди.

Уни қамоққа олинса, жинойтни бўйнига қўядиган далилларни қўлга тушириш мумкин, чунки хат унинг ўзида ёки отасида, ё бўлмаса «Фараон»даги хонасида бўлади».

– Ё, алҳазар! – деди Мерседес тер босган пешанасини артиб, – демак, бу хат...

– Мен буни икки юз минг франкка сотиб олдим, – деди Монте-Кристо, – унчалик қимматга тушмади бу, чунки бугун шу хат билан сизнинг олдингизда ўзимни оқлаб олишга муяссар бўлдим.

– Шу хат важдан?..

– Мен қамалдим, бундан хабардорсиз, бироқ, хоним, сиз қамоқда неча йиллар азият чекканимдан беҳабарсиз, сиздан чорак лье нарида Иф зиндонида роса ўн тўрт йил азоб чекканимни билмайсиз. Ана шу ўн тўрт йил мобайнида ўч олиш ҳақида ҳар кун тинмай онт ичганимдан беҳабарсиз, бунинг устига чақимчи Фернанга эрга текканингиздан ва отамнинг очликдан ўлганидан беҳабар эдим.

Мерседес гандираклаб кетди:

– Ё, алҳазар! – деди Мерседес хитоб қилиб.

– Турмада ўн тўрт йил ётиб чиққач, бу гапларнинг ҳаммасини билиб олдим, шу сабабдан Мерседеснинг ҳаёти ва отамнинг ўлими учун Фернандан ўч олишга онт ичдим ва мана энди ўч оляпман.

– Сизнинг орқангиздан чақимчилик қилган шу бадбахт Фернан эканлигига имонингиз комилми?

– Виждоним ҳурмати, хоним, шу аблахнинг иши бу. Унинг бу иши француз фуқаросининг хоинлик қилиб инглизларга сотилиб кетишидан қабиҳроқ, ўзи испан бўла туриб, испанларга қарши жанг қилишдан ҳам баттарроқ, Али хизматидаги офицернинг шу Алига сотқинлик қилиб уни ўлдирishдан ҳам баттар разилликдир. Мен сизга кўрсатган бу хатдан ҳам қабиҳроқ нарса борми? Қани айтинг-чи, борми? Ошиқнинг бу ҳийла-найрангини, унга хотин бўлган аёл кечиришга мажбур, албатта. Аммо шу аёлни ўшанда ўзининг қайлиғи деб билган, ўз бахти деб билган киши унинг бу найрангини асло кечира олмайди! Французлар хоиндан ўч олмадилар, испанлар сотқинни отиб ташламадилар, гўрида ётган Али хоиннинг жазосини беролмади, аммо аблахнинг хоинлиги туфайли минг турли балоларга гирифтор бўлиб, тириклайин гўрга тиқилган мен, Худонинг қудрати билан омон қолдим, ана шу Худонинг амри билан қасос олишим керак, бу ерга ана шу бурчни адо этмоқ учун юборилган эдим, мана энди шу ердан. Бахти қаро аёл қўллари билан юзини бекитди-да, тиз чўқди.

– Раҳм қилинг, Эдмон, кечиринг, – деди у, – мен учун, сизга бўлган қиёматли муҳаббатим ҳаққи, кечиринг, раҳм қилинг!

Эрлик хотиннинг фазилати тилка-пора бўлган юракдаги жўшқинликни тўхтатиб қўйди.

Мерседеснинг пешанаси ерга тегай деб қолди.

Граф югуриб бориб, уни кўтариб қўйди.

Мерседес курсига чўқди-да, жиққа ёш кўзларини Монте-Кристонинг ҳамон азоб-уқубатлар ва нафратлар даҳшати из солиб турган мағрур юзига тикди.

– Бу лаънати наслга қирон келтирмайми? – деди бўғиқ овозда граф. – Шундай қил деб фармон берган Худонинг амрига шак келтирмайми? Йўқ, йўқ! Асло бундай қил олмайман!

– Эдмон, – деди бахти қаро она қайғуга ботиб, – ахир мен сизни Эдмон деяпман, сиз эса нега мени Мерседес демаяпсиз? Нега?

– Мерседес! – такрорлади Монте-Кристо. – Ҳа, сиз ҳақ гапни айтаяпсиз, бу исмни тилга олиш менга ҳузур бағишлайди. Бугун ҳам, неча замонлар ўтиб кетганига қарамай,

бу исм менинг тилимда жуда ёқимли жаранглаяпти, Мерседес, мен исмингизни бағрим бирён бўлиб, қайта-қайта такрорладим, турма похоти устида совқотиб ётганларимда ҳам тилга олдим, жазирама ёз кунлари зиндоннинг тош полига оёқ босолмай жизғанақ бўлган вақтларда ҳам бу муқаддас ном оғзимдан тушгани йўқ! Мерседес, мен ўч олишим керак. Ахир роса ўн тўрт йил жафо чеқдим, бу наслга лаънатлар ўқиб, ўн тўрт йил қон йиғладим. Мерседес, эшитяпсизми, мен ўч олишим керак! Ўч!

Граф, бир вақтлар бутун ишқи-муҳаббатини бағишлаган бу аёлнинг ялиниб-ёлворишларига бардош беролмай қолишдан кўрқиб ўтмишда қайғу-алам, ғазаб-нафратларга тўла кунларни эслаб мадад тиларди шу пайт.

– Эдмон, майли, ўч олинг, – деди ноилож шўрлик она, – бироқ қасосни айбдорнинг ўзидан олинг, ўғлимдан эмас, мендан олинг қасосингизни!..

– Муқаддас рисолада шундай дейилган: «Оталарнинг гуноҳи уларнинг учинчи ё тўртинчи авлод болалари гарданига тушади». Худо пайғамбарларига шундай деган экан, нега энди мен Худодан ҳам кўпроқ меҳр-шафқатли бўлмоғим керак?

– Чунки, замоннинг зайли ва абадийлик Худонинг измида, инсон эса бундан мустаснодир.

Шу пайт Монте-Кристонинг кўксидан аллақандай фарёд отилиб чиқди, у кафтларини чаккасига маҳкам босди.

– Эдмон, – давом этди сўзида Мерседес графга кўллари-ни чўзиб, – ўша дастлабки кунлардан буён сизга эътиқодим кучли, ҳамиша қалбимдасиз. Азизим Эдмон, қалбимда абадий жо бўлиб қолган бу олижаноб ва мусаффо сиймога доғ солманг! Эдмон, сизни тирик деб умид қилиб, кечакундуз қон йиғлаб Худого нолаю афғон урганимни билсангиз эди! Сизни ўлди, деганларига ишонганимдан сўнг тортган қайғу-аламларим-чи? Ҳа, сизни ўлганга чиқаргандим! Жасадингиз қандайдир баҳайбахт минора тагига кўмилган, деб юрардим, жасадингизни турма соқчилари бирор жарга ташлаб юборгандир деб, дарё-дарё кўз ёши тўқдим. Менинг кўлимдан йиғидан бошқа нима ҳам келарди, Эдмон! Шундан бошқа қандай ёрдам беришим мумкин сизга мен шўрлик. Кўлоқ беринг, менга, Эдмон: ўн йил узлуксиз бир

хил туш кўрдим. Сизни қочмоқчи бўлибди, деган миш-миш тарқалибди, маҳбуслардан бирининг жойига ётиб, кафанга ўралиб олибди ва ўша тирик мурдани, яъни сизни Иф қалъасининг чўққисидан денгизга улоқтиришибди, тошга тушиб қичқириб юборганингизни эшитгандан сўнггина гўрковларингиз – қотилларингиз бошқа маҳбусга алмашганингизни билишибди... Эдмон, ўғлимнинг ҳаёти ҳаққи, қасамёд қилиб айтаманки, ўн йил мобайнида тепалиқдан номаълум ва даҳшатли бир нарсани улоқтириб ташлаётган одамлар тунлари ором бермай безовта қилди мени, ўн йил тунлари ваҳимали қичқириқ қулоғим тагида жаранглаб, юрагимга даҳшат солиб келди. Эдмон, гуноҳим нақадар оғир бўлмасин, тортган азоб-уқубатларим ундан ҳам оғир эди. Ҳа, оғир эди!

– Бироқ, сиз мен сингари хуноб бўлиб, жудолик адоий тамом қилган отангизни эсламагандирсиз, – деди хитоб ила Монте-Кристо. – Қоп-қоронғи зиндонда бўғилиб ётганда – севимли қиз рақибим қўйнига киргандир, деган ўйдан рашк ўтида ёнмагандирсиз?

– Йўқ, – деди графнинг сўзини бўлиб Мерседес, – бироқ мени севган зот эндиликда ўғлимни ўлдиришга қасд қилипти.

Мерседес бу сўзларни шу қадар мунгли ва қайғули оҳангда гапирдики, графнинг бағри эзилиб, инграб юборди.

Шер бўйин эгишга мажбур бўлди, шафқатсиз қасосчи итоаткор бўлиб қолди.

– Нима истайсиз? – сўради у, – ўғлингизга раҳм-шафқат қилишимни, уни тирик қолдиришимни истайсизми? Майли, у тирик қолади.

Мерседес қувонганидан қичқириб юборди. Бир зум Монте-Кристонинг кўзларида икки томчи ёш йилтиллаб, дарров ғойиб бўлди.

– Раҳмат, Эдмон, раҳмат! – деди Мерседес Монте-Кристонинг қўлини лабларига яқин келтириб. – Мен сизни ҳаммаша шундай деб тасаввур қилардим ва севардим. Энди очиқ айтишим мумкин буни!

– Ҳа, шўрлик Эдмон, севиш ғанимат бўлиб қолди. Мурда ўз қабрига, арвоҳ фанога йўл олади энди.

– Эдмон, нималар деяпсиз?

– Сиз шуни истар экансиз, демак, мен ўлишим керак, деяпман.

– Ўлишим керак? Ким шундай деяпти? Ўлимни ким тилга оляпти? Нега тагин ўлим ҳақида гап очяпсиз?

– Наҳотки, бутун бир зал тўла халойиқ олдида, сизнинг ва ўғлингизнинг ёр-дўстлари ҳузурида ҳақоратланар эканман, анчайин она сути оғзидан кетмаган бола мени дуэлга чақириб, уни афв этишимни ўзининг ғалабаси деб жар солар экан, бундай шармандаликлардан кейин наҳотки мени тирик қолади деб ўйласангиз? Наҳотки? Сиздан кейин, Мерседес, дунёда мен фақат ўзимни, ўз кадр-қимматимни кадрлардим, мени кишилардан устун қилиб келаётган кучни севардим, ардоқлардим. Сизнинг биргина сўзингиз шу кучни букиб ташлади. Энди мен ўлмоғим керак.

– Эдмон, сиз афв этгандан сўнг дуэль бўлмаслиги табиий-ку, ахир.

– Дуэль бўлади, хоним, албатта бўлади, – деди тантанавор оҳангда Монте-Кристо, – бироқ ўғлингиз ўрнига менинг қоним тўкилади энди.

Мерседес қаттиқ қичқириб юборди-да, Монте-Кристога ўзини отди, лекин шу вақт ўзини ўнглади-да:

– Эдмон, – деди, – Худо – меҳрибон, сиз тирик экансиз, яна кўз олдимда экансиз, Худодан сизга узоқ умр тилайман. Шу туфайли сизга ишонаман. Эдмон, ўғлимни ўлмайди дедингиз-а, шундайми?

Аёл шунчалик зўр олиҳимматлиликка парво қилмаётганини кўриб Монте-Кристонинг дили қаттиқ оғриди.

– Ҳа, шундай, хоним! – деди у алам билан.

Мерседес графга кўлини чўзди.

– Эдмон, – деди жиққа ёш кўзларини графга тикиб, – қанчалар олижаноб зотсиз-а! Бахти қаро аёл бунчалик муруватни сиз каби олиҳиммат кишидангина кутиши мумкин, ҳа, фақат сиздан! Йиллар эмас, қайғу-алам, ғам-ғусса қаритди мени, энди минг очилиб-сочилганим билан Эдмоним олдида ўша ёшлиқдаги Мерседес бўлолмайман. Ишонинг, Эдмон, мен ҳам озмунча кулфат чекмадим. Ҳаёт хотирангда бирорта қувончли дамни, қалбингда эса бирорта орзу-армонни қолдирмай ўтиб кетаётганини сезиб туриш гоят оғир мусибатдир, аммо ойнанинг ўн беши қоронғи бўлса,

ўн беши ёруғ. Қалбимдаги орзу-умидларим, истакларим ба-
тамом тугагани йўқ ҳали. Такрор айтаман сизга, Эдмон,
сизнинг бу оғир гуноҳни кечиришингиз тенгсиз гўзаллик,
беқиёс олижаноблик ва беҳад мурувватлиликнинг тимсо-
лидир.

– Мерседес, сиз шундай дейсизу, бироқ беҳудага ўлиб
кетиш мен учун нақадар оғир эканини билмайсиз. Бор-
ди-ю, Худо дунёни яратаётиб, бир олам можаро туғди-
риб қўйган экан, сўнгра инсонлар разиллиги туфайли
парилар кўз ёшларининг беҳуда тўкилмаслиги билан ово-
ра бўлиб, ўз ишини такомилга етказмай қўйса нима
бўларди? Борди-ю, Худо ҳаммасии пухта ўйлаб, барпо
этиб, яратганларига маҳлиё бўлса-да, қуёшни ўчириб
бутун жаҳонни зимистон тунга айлантириб қўйса нима
бўлур эди? Мана шуларни бир чуқур ўйлаб кўрсангиз, мен
ўзимни қурбон қилиб нималардан маҳрум бўлажакимни
фаҳмлаб оласиз, бироқ афсуски, сиз шунда ҳам англай
олмайсиз буни.

Мерседес графга ҳайрон бўлиб тикилиб қолди, аёлнинг
кўзларида шавқ-завқ ва миннатдорчилик ифодаси акс этиб
турарди.

Монте-Кристо гўё оғир хаёлларини кўтаролмаётгандек
бошини тираб турган қўлларига шилқ этиб ташлади.

– Эдмон, – деди Мерседес, – сизга айтмоқчи бўлган бир-
гина сўзим қолди.

Граф заҳарханда илжайиб қўйди.

– Эдмон, – давом этди Мерседес, – яна кўрарсиз, чеҳ-
рам сўлиб, кўзларим нурсизланиб, чиройим йўқолиб кет-
ган бўлса-да, ҳозирги Мерседесда илгариги Мерседесдан
заррача нишон қолмаган бўлса-да, унинг кўксига ҳамон ўша
қалб!.. Алвидо, Эдмон, алвидо! Сиздан бошқа илтимосим
йўқ... Алвидо, Эдмон... Тангри ёрлақасин сизни!

Бироқ граф ҳеч нима демади.

Мерседес хона эшигини очди-да, чуқур ва қайғули ўй-
хаёлларга чўмган граф ўзига келгунча, ғойиб бўлди.

Граф Монте-Кристо де Морсер хонимни Елисей Майдо-
нидан олиб кетаётган извош овозини эшитиб, бошини
кўтарганда, Ногиронлар уйининг соати тунги бирга бонг
урган эди.

– Тентак, – деди граф, – ўч олишга қарор қилган ўша куннинг ўзидаёқ кўксимдан юрагимни суғуриб ташласам бўлмасмиди!

XIII. ДУЭЛЬ

Мерседес кетиши билан Монте-Кристонинг уйи яна зимистонга айланди, атрофни ҳам, ичкарини ҳам сув сепгандек жимжитлик босди. Обдан чарчаган танни қаттиқ уйқу босгани сингари, унинг ўткир мияси ҳам қотиб қолди.

– Наҳотки! – деди у ўз-ўзига, шу орада лампалар ва шамларнинг пилиги ёниб тугай деб қолган ва йўлақда ҳолдан тойган қароллар сабрсизлик билан кутаётган эди. – Наҳотки, узоқ йиллар давомида ғоят зўр диққат-эътибор, машаққат билан тикланган бу бино бир оғиз сўздан, шабаданинг жиндек эпкинидан кунпаякун бўлса. Ҳаммадан ўзини устун деб билган, ўзига бино қўйиб мағрурланиб юрган, бир вақтлар Иф қалъаси зиндонининг ожиз маҳбуси эндиликда тенгсиз куч-қудратга эга бўлиб олган мен, ниҳотки, эртага бир сиқим тупроққа айланиб қолсам? Наҳотки? Мен ўлаётганимга ачинмайман, ахир ўлим ҳамма интиладиган, ҳамма орзу қиладиган мангу осойишталик эмасми? Кўпдан буён беҳисоб мусибатлар чекиб мен интилган, соғинчи юрагимни ўртаб келган онажонимнинг хилватгоҳи эмасми! Мен учун ўлим нима ўзи? Анчайин чўзилган тинчлик, осойишталикдир. Йўқ, мен ўлаётганимга эмас, ниҳоятда оҳиста, пухталик билан тузилган режаларим барбод бўлаётганига ачинаман. Орзуларим Тангри хоҳиши деб, хомхаёллар суриб юрган эканман. Мана энди уларни Худонинг ўзи инкор қиляпти! Демак, Худо режаларимнинг рўёбга чиқишини раво кўрмабди!

Гарданимдаги бу юк ғоят оғир юк эди, шунга қарамай мен уни охирги манзилгача кўтариб боришга қасд қилган эдим, чунки у меним истакларимга мос эди, бироқ кучимга мос эмас эди, иродамга, матонатимга мос эди, бироқ меним измимда, амримда эмас эди, эндиликда мен буни ярим йўлда ташлаб кетишга мажбурман. Шундай қилиб, мен яна тақдирга тан берувчи, пешанамга ёзилганга ишонувчи одам бўлишга мажбурман! Ҳа, ўн тўрт йил мобайнида тортган

азоб-уқубатлар, ўн йил ичидаги орзу-умидлар натижасида илоҳи тақдир нималигини билиб олган мен фаталист бўлишга мажбурман энди. Буларнинг ҳаммасига сабабчи – менинг юрагим! Ҳа, ўлик деб билган, бироқ аслида музлаб-ётган юрагим! Чунки, энди бу юрак яна уйғонди, яна ура бошлади, чунки аёл овозини эшитиб тирилган бу юракнинг титраб уришига бардош беролмадим, чидолмадим!

«Наҳотки, – давом этди граф бўлажак дуэлни ўйлаб, – наҳотки, шундай меҳр-шафқатли аёл мени, ўн гулидан бир гули очилмаган, куч-ғайратга тўла йигитни совуққонлик билан ўлимга маҳкум этса? Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас! Йўқ, у оналик меҳрига бунчалик берилиб кетиши, ёки, тўғрироғи, шайдо бўлиб кетиши мумкин эмас. Шундай олиҳиммат кишилар борки, баъзида қуюшқондан чиқиб, қусур бўлиб кетишади. Йўқ, бу аёл кўнглимни эритадиган бирор-та можаро ўйлаб топар, эҳтимол ўртамизга ўзини ташлаб туриб олар, ана шунда бояги улуғворлик дуэль майдонида кулгига айланиб, масхараси чиқар».

Графнинг юзини таҳқирланган ғурур нишонлари қоплади.

– Масхараси чиқади! – такрорлади у, – демак, менинг масхарам чиқади... Менинг? Йўқ, йўқ, бундан кўра ўлганим яхши.

Граф шу маҳалгача ўзи қозонган ҳамма нарсаларни мудҳиш иборалар билан тасвирлади-да, Мерседеснинг ўғлини ўлимдан сақлаб қолишга ваъда бергани учун ўзини койиб, деди:

– Аҳмоқлик бу, ғирт аҳмоқлик! Она сути оғзидан кетмаган боланинг ўқига қимир этмай кўкрак тутиб бериш ва бу билан олижаноблигингни намойиш қилиш – аҳмоқлик! У болакай менинг ўлимим ўз-ўзини ўлдириш эканлигига асло ишонмас, аммо менинг номусим, шон-шавкатим (ахир бу мақтанчоқлик эмас, ҳаққоний ифтихор!..) болага кўтарган кўлимни ўзим тўхтатиб қолганимни ва барчага даҳшат солиб келган ана шу кўл билан ўзимни ҳалок этганимни одамларга ошкора этилишини талаб этади, ҳа, талаб этади.

Граф дарҳол патқаламини тутиб, махфий қутидан Парижга келгач ёзиб қўйган васиятномасини олди-да, ўлимнинг асл сабабини қўшимча қилиб ёзиб қўйди:

– Тангрим, – деди у кўзларини самого тикиб, – ўзим учунгина эмас, сен учун ҳам шундай қиялман. Ўн йил мен ўзимни сенинг қасос қуролинг, деб келдим. Бироқ, аблахлар, Морсердан бошқа Данглар, Вильфор каби маразлар ҳам, Морсернинг ўзи ҳам энг даҳшатли душмани фавқулодда ўлим душманимиздан бизни халос этди, деб шодланиб юрмасин. Улар шуни билиб қўйсинларки, Тангрим уларга қарши қасос ўқини тайёрлаб қўйган эди, фақат менинг истагим, иродам бу ўқнинг тепкисини ушлаб қолди, улар бу дунёда жазодан қутулиб қолишса-да, у дунёда қутулолмайдилар, улар энди абадий жазога мустаҳқиқдирлар.

Монте-Кристо ана шу мудҳиш шак-шубҳалар, қайғу-аламлар оғушида азоб чекаётганда, тонг ёғдуси дераза ойнасидан ўтиб, ҳозиргина у ўлим олди сўзларини чизган қоғозга нур сочган, яъни соат тонгги бешга бонг урган эди.

Бирдан унинг қулоғига оҳиста инграган товуш эшитилди. Монте-Кристога кимдир оғир нафас олгандек туюлди, у атрофни кўздан кечирди, ҳеч ким кўринмади. Аммо инграш, хўрсиниб нафас олиш яна такрорланди, унинг шубҳаси ишончга айланди.

Шундан кейин граф ўрнидан турди-да, аста меҳмонхона эшигини очди. Юмшоқ курсида Гайде ўтирган эди. Унинг қўллари мажолсиз осилиб қолган, докадай оқарган сулув юзи орқага ташланган эди. Афтидан, у граф ўз хонасидан чиққанда мени кўрмасдан ўтмасин, деб, ўриндиқни эшикка суриб тақаб қўйган эди, аммо беором тундан сўнг ёшликнинг кучли уйқуси қизни енгган эди.

Монте-Кристо эшикни очганда ҳам Гайде уйғонмади. У меҳр ва ўкинч тўла кўзларини қизга тикди.

– У ўғлини унутмаган эди, – деди граф, – мен эса қизимни унутибман-а!

У ғамгин бошини чайқаб қўйди.

– Шўрлик Гайде, – деди у, – мени кўрмоқчи, гаплашмоқчи бўлиб келибди, бир нарсани сезиб, мендан хавотир олганга ўхшайди... қизим билан видолашмай туриб кетолмайман, уни бировга топширмай туриб ўлишим ҳам мумкин эмас.

Граф аста жойига қайтди-да, ҳалиги сатрлар тагига қуйидагиларни ёзди:

«Мен марселлик кемачи собиқ хўжайиним Пьер Моррелнинг ўғли суворийлар капитани Максимилиан Моррелга йигирма миллион маблағимни мерос қилиб қолдираман, бу маблағнинг бир қисмини у синглиси Жюли ва куёви Эмманюелга бериши керак (башарти, у бундай бойлик уларнинг бахтли турмушига халақит бермайди деса). Бу йигирма миллион Монте-Кристо оролидаги ғоримда яшириб қўйилган, унга кириш йўли Бертуччога аён.

Агар унинг қалби бирор жононга банд бўлмай, Янина шохининг қизи Гайдега уйланишга истак билдирса, – ўз қизимдек тарбиялаган ва мени ҳам ўз отасининг эркатой қизидек севадиган Гайдега уйланса – васиятимни амалга оширган бўлади.

Шу васиятномамга мувофиқ, Гайде менинг қолган ҳамма мол-мулкимнинг – ер-сувим, Англия, Австрия ва Голландия банкларидаги пулларимнинг, саройларим ва уйларимдаги жиҳозларимнинг ҳаммасига меросхўрдир, булар, ҳалиги йигирма миллионни ва хизматчиларимга васият қилиб қолдирган суммаларни чиқариб ташлаганда, тахминан олтмиш миллионга боради».

Граф сўнги сатрларни ёзиб тугатаётганда орқасидан нозик овоз эшитилди-ю, қўлидан патқалами тушиб кетди.

– Ҳа, Гайде, – деди у, – ўқидингми?

Кипригига тушган тонг ёғдусидан уйғонган қиз юмшоқ гилам устида енгил қадамлар ташлаб граф қошига келган эди.

– Эгам, – деди у илтижо билан қўлларини қовуштириб, – нега буни шундай бемаҳалда ёзясиз? Нега бутун мол-мулкнингизни менга васият қилиб қолдирыясиз? Ёки мени ташлаб кетишга қарор қилдингизми?

– Азизим, мен узоқ сафарга отланяпман, – деди Монте-Кристо ғамгин оҳангда, – олис сафарда бирор ҳодиса юз бериб қолиши эҳтимолдан холи эмас...

Граф жим бўлиб қолди.

– Унда нима бўлади?.. – деди қиз ҳеч қачон ўз жанобига қилмаган амирона бир тусда.

– Нима бўлишидан қатъи назар, қизим бахтиёр бўлишини истайман, – давом этди Монте-Кристо.

Гайде маъюс жилмайди-да, аста бошини чайқади.

– Сиз ўлимни ўйлаяпсиз, шекилли, хожама? – деди

– Донишманд, бу ҳаётбахш фикр, деган, оппоғим.

– Агар ўлсангиз, – деди Гайде, – бойлигингизни бошқага мерос қилиб қолдиринг, сиз бўлмагач, менга бойликнинг нима кераги бор? – деди ва васиятномани йиртиб ташлади. Чўриларга хос бўлмаган бу қизиққонликдан сўнг Гайде хушидан кетиб, гиламга йиқилди.

Монте-Кристо эгилиб қизни кўтариб олди-да, унинг докадай оппоқ сулув юзига, бир-бирига ёпишиб турган узун-узун киприкларига, бежирим нозик баданига тикилиб қолди; «аҳтимол, бунинг менга муҳаббати фақат қизнинг муҳаббати эмасдир», деди ичида у.

– Аҳтимол, – деди аламли оҳангда шивирлаб, – шунда мен бахт нималигини билган бўлармидим.

Граф беҳуш Гайдени ўз бўлмасига олиб бориб, оқсочларга топшириб чиқди. Хонасига қайтиб эшикни қулфлади-да, васиятномани қайтадан ёза бошлади.

У ёзиб улгурмаган ҳам эдики, ҳовлига бир извош тарақлаб кириб келди. Монте-Кристо дераза олдига келиб ҳовлига қаради. Извошдан Максимилиан ва Эмманюель тушаётган эдилар.

– Жуда яхши бўлди, – деди у, – вақтида ёзиб тугатдим.

Васиятномага уч марта муҳр босди.

Беш дақиқадан кейин меҳмонхонада оёқ товуши эшитилди, граф эшикни очди.

Моррель кирди. У белгиланган вақтдан йигирма дақиқа олдин келганди.

– Жуда эрта келиб қолдимми дейман, граф? – деди у, – бироқ очигини айтсам, кечаси билан ҳаммамиз мижжа қоқмай чиқдик. Мен сизни тезроқ кўришни, кўрганда ҳам ўзингизга ишонган ҳолда кўришни истадим, шундагина кўнглим жойига тушади, деб ўйладим.

Унинг меҳрга тўла бу сўзлари Монте-Кристонинг дилини шод этди ва у Максимилиан билан қўл бериб эмас, қучоқлашиб кўришди.

– Моррель, – деди граф, – бугун мен ниҳоятда хурсандман, чунки, сиз каби қадрдон дўстим ёнимда. Салом, Эмманюель! Сиз мен билан борасизми, Максимилиан?

– Албатта! Наҳотки сиз мендан шубҳалансангиз?

– Агар ноҳақ бўлсам...

– Мен кечаги манзарани кўриб турган эдим, туни билан сиз қандай сабот-матонат билан ўзингизни тутганлигингизни ўйладим ва ҳақиқат граф томонда, дедим.

– Альбер дўстингиз-ку?

– У шунчаки таниш.

– У билан ҳам мен билан танишган кунингиз танишгандирсиз-да?

– Тўғри, кўриб турибсизки, ҳозир сиз айтмаганингизда, мен буни хаёлимга келтирмасдим.

– Раҳмат, Моррель.

Граф қўнғироқни бир марта босди.

– Мана буни менинг нотариусимга олиб бориб беришсин, – деди у шу заҳотиёқ кириб келган Алига. – Бу васиятнома, Моррель. Бу ҳужжат билан мен дунёдан ўтгач танишасиз.

– Сиз дунёдан ўтгандан кейин? – деди ҳайрон бўлиб Моррель. – Бу нима деганингиз?

– Ҳар эҳтимолга қарши, азизим. Айтганча, кеча ажралиб кетганимиздан кейин кечқурун нима қилдингиз?

– Тортоникига бордим, Бошан ва Шато-Рено ўша ердир, деб ўйлагандим. Очиғини айтсам, мен уларни ахтариб юргандим. Иккиси ҳам ўша ерда экан.

– Ҳамма нарса келишиб олинган эди-ку, тағин қанақа зарурат туғилиб қолди?

– Граф, менга қаранг, дуэль жиддий ва албатта бўладиган иш.

– Бундан яна бирор шубҳангиз бормиди?

– Асло. Халойиқ олдида ҳақорат қилинганча, қанақа шубҳа бўлиши мумкин? Бу гапдан аллақачон ҳамма хабардор.

– Ҳўш, бўлмаса нима гап бор тағин?

– Мен уларни қуролни ўзгартишга кўндираман деб умид қилгандим, тўппончани шамширга алмаштирайлик, дегандим. Ахир ўқ кўзламаган жойга ҳам тегиши мумкин-да.

– Ҳўш, кўндира олдингизми? – сўради шошиб Монте-Кристо сезилар-сезилмас умидворлик билан.

– Йўқ, чунки зўр қиличбоз эканлигингизни ҳамма билди-да.

– Ия, ҳали шунақами! Ким тарқатибди буни?
– Қиличбозлар муаллими, сиз қиличбозликда улардан ўтиб кетган эмишсиз.

– Шундай қилиб, ишингиз ўнгидан келмабди-да?

– Улар қатъий рад этишди.

– Моррель, – деди граф, – менинг тўппонча отганимни бирор марта кўрганмисиз?

– Йўқ.

– Ҳали анча вақтимиз бор, бўлмаса ҳозир кўрасиз.

Граф ҳали Мерседес кирган вақтда қўлидан тушиб кетган тўппончаларини олди-да, чиллик картанинг тузини тахтага ёпиштирди-да, уч марта отиб, учала ўқни ҳам картанинг бир жойига – ўртасига тегизди. Монте-Кристонинг маҳоратини кўрган Моррелнинг рангида қон қолмади.

– Даҳшат-ку бу, даҳшат! – деди у, – қаранг, Эмманюель, буни қаранг!

Сўнг у Монте-Кристога ўгирилди:

– Граф, Худо ҳаққи, Альберни ўлдирманг! Шўрлик йигитчанинг бахти қаро онаси бор!

– Бу гапингиз тўғри, – деди Монте-Кристо, – лекин менинг онам йўқ.

У бу сўзларни алам билан айтганидан Моррель сесканиб кетди.

– Ахир ҳақоратлангансиз-ку.

– Тўғри, аммо бу билан нима демоқчисиз?

– Биринчи бўлиб сиз отасиз демоқчиман.

– Биринчи бўлиб мен отаманми?

– Албатта, мен шундай бўлишини талаб қилдим, биз уларга кўп имтиёзлар бердик, шунинг учун бунга кўнишга мажбур бўлишди.

– Масофа қанча бўлади?

– Йигирма қадам.

Графнинг лабларида «лип» этиб аччиқ табассум кўринди-ю, шу заҳоти йўқ бўлди.

– Моррель, – деди у, – ҳозир кўрганларингизни унутманг.

– Шу сабабдан ҳам, – деди Моррель, – сизнинг ҳаяжонланиб туришингиз Альберни фалокатдан қутқариб қолур, деган умиддаман.

– Менинг ҳаяжонланишим? – сўради Монте-Кристо.

– Ёки сизнинг олиҳиммат зот эканлигингиз, азизим, мўлжалга бехато теккизадиган мерганлигингизни яхши биламан, шунинг учун бир гапни сизга айтсам жоиз бўлур, бошқалар буни қулгига олиши мумкин.

– Нимани?

– Сиз уни ўлмайдиган қилиб, қўлигами ёки бошқа бирор жойигами отасиз.

– Моррель, – деди граф, – менга қаранг, сиз мени Морсерга раҳм-шафқат қилишимни сўрамай қўя қолинг, Морсерга шафқат қиламан ва у ҳатто дўстлари билан соғ-саломат уйига қайтади, фақат мен...

– Сиз-чи?

– Бу бошқа гап, мени замбилга солиб олиб кетишади.

– Нима деганингиз бу, граф? – деди ташвишга тушиб Максимилиан.

– Ҳа, худди шундай, азизим Моррель, мени Морсер ўлдиради.

Моррель ҳанг-манг бўлиб графга тикилиб қолди.

– Бу кечаси сизга бирор гап бўлдимми ўзи, граф?

– Филиппдаги жангда Брут қандай ҳолга дучор бўлган бўлса, бу кеча мен ҳам худди шундай аҳволга дуч келдим: арвоҳни кўрдим.

– Ҳўш?..

– Арвоҳ менга бу дунёда шунча яшаганинг етар, деди.

Максимилиан ва Эмманюель ҳайрон бўлиб, бир-бирига қараб олишди. Монте-Кристо соатига қараб:

– Кетдик, – деди, – еттидан беш дақиқа ўтибди, дуэль роппа-расо соат саккизга тайинланган.

Монте-Кристо даҳлиздан ўтиб бораётиб, эшиклардан бири олдида тўхтади, олдинроққа ўтиб олган Максимилиан ва Эмманюелга йиғи ва хўрсинган товуш эшитилди.

Тахт бўлиб турган извошга Монте-Кристо секундантлари билан бирга ўтирди.

Улар роппа-расо соат саккизда белгиланган жойга етиб келишди.

– Мана, биз келдик, – деди Моррель извош дарчасидан бошини чиқариб, – ҳаммадан олдин келдик.

– Жаноб, кечиринг мени, – деди хўжайинини кузатиб келган Батистен, – бироқ, янглишмасам, ҳу анави дарахтлар тагида бир извош турибди.

Монте-Кристо извошдан ирғиб тушди-да, Эмманюель билан Максимилианга кўлтиғидан олиб, тушишга ёрдам берди.

Максимилиан графнинг кўлини бир оз тутиб туриб:

– Худога минг қатла шукр, – деди, – ҳақиқат ўз томони-да эканлигини англай туриб ҳам, ҳаётини гаровга қўйган инсоннинг кўли мана шундай бўлиши керак.

– Дарҳақиқат, – деди Эмманюель, – хув анави ерда қандайдир ёш йигитлар санғиб юришибди, кўринишидай биронта кишини кутаётганга ўхшашади.

Монте-Кристо Моррелни четга тортди-да:

– Максимилиан, – деди, – бирор севган қизингиз борми? Моррель таажжубланиб Монте-Кристога қаради.

– Мен сиздан иқрор бўлинг, деётганим йўқ, азизим, шунчаки сўраяпман-да. Менга фақат бор, ё йўқ десангиз, шу кифоя.

– Бор, граф.

– Уни қаттиқ севасизми?

– Жонимдан ҳам.

– Яна бир умидим пучга чиқди, – деди Монте-Кристо ўксиниб. – Шўрлик Гайде.

– Дарҳақиқат, граф, – деди Моррель, – мен сиз билан яхши таниш бўлмаганимда, ҳозир сизни қўрқоқ одам экан, дердим.

– Нега энди? Қадрдон киши билан видолашиб, оҳ тортаётганим учунми? Моррель, сиз солдатсиз, жасорат нима-лигини яхши билишингиз керак. Мен жонимга ачиняпманми? Умрнинг йигирма йилини ҳаёт билан ўлим ўртасида ўтказган мен учун яшаш ёки ўлишнинг қандай фарқи бўлиши мумкин? Бироқ, Моррель, хотиржам бўлинг, бу заифликни (агар бу чиндан ҳам заифлик бўлса) фақат биргина сиз кўриб турибсиз, биламанки, дунё бир меҳмонхона-ю, киши ундан ўз иззат-обрўйини кўлдан бермай, одоб сақлаб, ҳаммага таъзим бериб, қарзларини бутунлай узиб чиқиб кета билмоғи керак.

– Худога шукр, – деди Моррель, – бу жуда соз гап бўлди. Айтмоқчи, тўппончаларни олиб келдингизми?

– Менми? Нима учун? Мен анави жанобларга ишониб келдим, улар тўппончаларини олиб келишгандир.

– Қани, бориб билиб келай-чи, – деди Моррель.

– Майли, бироқ ҳеч қандай мунозара бўлмасин.

– Хотиржам бўлинг.

Моррель Бошан ва Шато-Рено томон жўнади. Улар Моррель келаётганини кўриб унга пешвоз чиқиб, бир неча қадам олдинга юришди.

Йигитлар самимий бўлмаса-да, одоб юзасидан таъзим қилиб саломлашишди.

– Кечиринг мени, жаноблар, – деди Моррель, – жаноб де Морсер кўринмайдилар?

– Бугун эрталаб, – деди Шато-Рено, – бизга, дуэль бўладиган жойда учрашамиз, деб хабар қилганди.

– Шунақами ҳали, – деди Моррель.

Бошан соатига қаради.

– Саккиздан беш дақиқа ўтибди, бу ҳеч гап эмас, жаноб Моррель.

– Мен буни эътиборга олаётганим йўқ, – эътироз билдирди Максимилиан.

– Ана, извош ҳам келди, – деди суҳбатни бўлиб Шато-Рено.

Улар турган чорраҳага туташ йўлдан бир извош учиб келаётган эди.

– Жаноблар, – деди Моррель, – тўппончаларни олиб келгандирсиз деб ишонсам бўладими? Граф Монте-Кристо ўз тўппончаларидан фойдаланишдан воз кечди.

– Биз ҳам шундай бўлишини олдиндан билган эдик, – жавоб берди Бошан, – керак бўлиб қолар деб, бундан бир ҳафта бурун сотиб олган тўппончаларимни олиб келдим, яп-янги, ҳали бирор марта ҳам ишлатилгани йўқ. Истасангиз кўрсатишим мумкин?

– Бу тўппончани жаноб де Морсер кўрмаган дедингиз, менга шунинг ўзи кифоя, – деди Моррель.

– Жаноблар, – деди Шато-Рено, – қаранг, келган Морсер эмас-ку.

Чиндана улар томон Франц ва Дебрэ келаётганди.

– Сизлар бу ерда нима қилиб юрибсизлар, жаноблар? – деди Шато-Рено икки қўллаб сўрашиб.

– Бугун эрталаб, – деди Дебрэ, – Альбер дуэль бўладиган жойга бизни келишимизни илтимос қилди.

Ҳайрон бўлиб қолган Бошан ва Шато-Рено бир-бирларига қараб қўйишди.

– Жаноблар, – деди Моррель, – нима гаплигини англаб турибман.

– Хўш, айтинг-чи, нима гап экан?

– Кеча жаноб де Морсердан хат олдим, хатда кечқурун Операда бўлишимни илтимос қилганди.

– Мен ҳам худди шундай хат олдим, – деди Дебрэ.

– Мен ҳам, – деди Франц.

– Биз ҳам, – дейишди Шато-Рено ва Бошан.

– У дуэлга чақирган пайтда ҳозир бўлишингизни истагандир-да, – деди Моррель. – Мана энди дуэль вақтида ҳам шу ерда бўлишингизни истабди.

– Худди шундай, – дейишди йигитлар, – сиз буни тўғри пайқабсиз.

– Бироқ, Альбердан ҳамон дарак йўқ-ку, – деди Шато-Рено, – вақтидан ўн дақиқа ўтиб кетди.

– Ана келди, – деди Бошан, – отлиқ, учиб келяпти, ёнида қароли ҳам бор.

– Одам ҳам шунақа бепарво бўладими, тагин тўппонча билан бўладиган дуэль олдидан-а. Ўзингни эҳтиёт қилмайсанми. Ҳамма насиҳатларим бир пул бўлди энди!

– Унинг кийимини қаранг, – деди Бошан, – галстук таққан, олди очиқ камзул, оппоқ нимча, нега энди бира тўла қорнига чамбарак чизиб қўя қолмабди. Буниси яна ҳам мос тушарди-да!

Альбер ўн қадамча яқинлашгач, отини тўхтатиб, ирғиб тушди-да, жиловни қаролига улоқтирди.

Унинг ранги докадек оқарган, қовоқлари қизариб, шишиб кетганидан тун бўйи мижжа қоқмай чиққани сезилиб турарди. Юзида одатдан ташқари жиддият ва ғам акс этиб турарди...

– Раҳмат сизларга, жаноблар, – деди у. – Сўзимни ерда қолдирмай келганларингиз учун катта раҳмат, бу дўстона эътиқодларингиз учун миннатдорман.

Моррель нарироқда турганди. Морсер пайдо бўлиши биланоқ у ўзини четга олди.

– Сизга ҳам раҳмат, жаноб Моррель, – деди Альбер. – Яқинроқ келаверинг, сиз ҳам ўзимизникисиз-ку.

– Жаноб, – деди Максимилиан, – мен граф Монте-Кристининг секундантлари эканлигиндан беҳабарсиз, шекилли?

– Ҳа, шундай деб тахмин қилганим. Буниси яна ҳам соғин! Бу ерда ҳурматли кишилар қанча кўп бўлса, шунча яхши.

– Жаноб Моррель, – деди Шато-Рено, – энди граф Монте-Кристога бориб жаноб Морсер келганини ва биз тайёр эканлигимизни айтишингиз мумкин.

Бу топшириқни бажармоқ учун Моррель ўрнидан кўзгалди.

Бошан извошдан тўппончалар солинган яшиқни олди.

– Сабр қилинг, жаноблар, – деди Альбер, – граф Монте-Кристога икки оғиз сўзим бор.

– Шахсан ўзигами?

– Йўқ, ҳаммининг ҳузурида айтмоқчиман.

Альбернинг секундантлари ажабланиб бир-бирига қараб олишди. Франц ва Дебрэ ўзаро шивирлашди, бу кутилмаган ҳолдан қувонган Моррель Эмманюель билан хийбонда сайр қилиб юрган граф олдига борди.

– Унинг менда нима гапи бор экан? – сўради Монте-Кристо.

– Билмадим, гапим бор, деди, холос.

– Яна бемаъни гаплар билан Тангри ғазабини кўзгаб юрмасин, – деди Монте-Кристо.

– Менимча, унда бундай ният бўлмаса керак, – деди эътироз билдириб Моррель.

Граф секундантлари Максимилиан ва Эмманюель билан бирга Альбер томонга йўналди, у ғоят вазмин, чеҳраси очиқ эди. Дўстлари кузатувида пешвоз чиқаётган Альбер эса унинг тамоман акси: ҳаяжондан иккала юзи ловиллаб ёнади.

Альбер билан граф бир-бирларидан уч қадам нарида тўхташди.

– Жаноблар, – деди Альбер, – яқинроқ келинглари, граф Монте-Кристога айтмоқчи бўлган гапларимни иккала қулфингизга қуйиб олинг, сизга қанчалик ғалати туюлмасин, бу гапларни сиз хоҳлаган кишига оқизмай-томизмай етказмоғингиз шарт.

– Қулоғим сизда, жаноб, – деди Монте-Кристо.

– Граф, – деди Альбер, титроқ овозда, кейин аста-секин овози дадиллаша бошлади. – Мен сизни жаноб де Морсернинг Эпирда хатти-ҳаракатларини ошкора қилганликда айблаган эдим; чунки мен граф де Морсер ҳар қанча айбдор бўлмасин, уни жазолашга ҳақингиз йўқ, деб билган эдим. Кейин билсам, сиз ҳақ экансиз. Фернан Мондегонинг Али пошога хоинлиги эмас, балиқчи Фернаннинг сотқинлиги сизнинг мутлақо беғуноҳ эканлигингизни менга аён этди, сиз ана шу сотқинлик, чақимчилик оқибатида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган жафолар тортдингиз. Шу важдан мен ҳамма олдида баланд овозда баралла сизга шундай дейман: жаноб, сиз отамдан ўч олишга мутлақо ҳақлисиз, унинг ўғлини, яъни мени бундан ҳам баттарроқ балогоа гирифтор қилмаганингиз учун сиздан миннатдорман!

Кутилмаган бу манзара гувоҳларнинг бошига чақмоқ келиб урилганда ҳам Альбернинг сўзларичалик таъсир қилмасди.

Монте-Кристо бошини аста кўтарди, унинг кўзларида чексиз миннатдорчилик учқунлари барқ уриб турарди. Рим каллакесарлари орасида ортиқ даражада жасорат кўрсатган ва эндиликда тўсатдан ўзини бунчалик ерга ураётган Альбердан кўзини узолмасди у. Шубҳасиз бунда Мерседеснинг таъсири борлигини ва нима учун тунда хоним графнинг қурбон бўлишига заррача ачинмаганлигини энди фаҳмлади.

– Энди, жаноб, – деди Альбер, – ҳозирги узрларим гуноҳларимни ювишга етарли деб ҳисоблаган бўлсангиз, илтимос қиламан, келинг, қўлингизни беринг, ярашайлик. Сизнинг ажойиб фазилатларингиздан бири беқусурлик, бенуқсонликдир; бу ажойиб фазилат, мен ўзининг ноҳақ эканлигини бўйнига ола билишни ҳам улўф фазилат деб ҳисоблайман. Аммо бу менинг шахсий ишим. Инсонийлик нуқтаи назаридан қараганда, мен тўғри қиляпман, сиз эса Тангрининг амри билан иш тутдингиз, бу можарода иккимиздан биримиз жондан жудо бўлмоғимиз турган гап эди, бизни фақат фаришта сақлаб қолди ва ана шу фаришта иккимизнинг дўст-оғайни бўлиб қолишимиз учун эмас (бахтга қарши, дўст бўлполмаймиз), бир-биримизни ҳурмат қила-

диган одамлар бўлиб қолишимиз учун осмондан ерга ташриф буюрди.

Монте-Кристо кўзлари ёшга тўлиб, оғир нафас олди-да, Альберга кўлини узатди, Морсер графнинг кўлини маҳкам сиқиб:

– Жаноблар, – деди, – граф Монте-Кристо узримни қабул қилди. Мен унга нисбатан енгилтаклик қилган эдим. Енгилтаклик яхшиликка олиб бормайди, деганлари тўғри чиқди. Мен тентак бўлмасам, шундай қилармидим. Энди айбимни енгиллаштирдим. Виждон амри билан шундай қилдим, ўйлайманки, одамлар буни эшитиб мени қўрқоққа, субутсизга чиқармаслар. Бу қилмишимни тескари тушунадиганлар чиқиб қолса, – кўшимча қилди Альбер дўстларига ва душманларига даъват қилаётгандек, ғурур ила бошини кўтариб, – уларнинг ўзим ҳақимдаги бу фикрларини ўзгартиришга ҳаракат қиламан.

– Бугун кечаси бирор ҳодиса юз бермадимми? – сўради Бошан Шато-Рендан. – Келиб-келиб биз ёмон аҳволга тушиб қолдик-ку.

– Дарҳақиқат, Альбернинг бу қилмиши ё пасткашлик, ёки ўта олижаноблик, – деди жавобан барон.

– Нима гап ўзи? – деди Дебрэ Францга қараб. – Граф Монте-Кристо Морсернинг шармандасини чиқарди, унинг ўғли эса граф ҳақли деяпти! Менинг оиламда ана шу Янина воқеасидан ўнтаси юз берганда, мен ўн бор дуэлга чиқардим.

Йигирма тўрт йилги ҳаётини эслаб оғир изтиробга тушган Монте-Кристо бошини қуйи солди-да, мажолсиз кўлларини икки ёнига ташлади. Шу пайт унинг хаёли Альбер билан ҳам, Бошан ва Шато-Рено билан ҳам, шу ерда турганларнинг бирортаси билан ҳам банд эмасди, ўғлини ўлимдан қутқариб қолишни ёлвориб сўраб келган ва оила сирини ошкора қилиб бўлса-да, ўзини қурбон этмоқчи бўлган, графнинг ҳам ҳаётини сақлаб қолган ботир аёл ҳақида ўйларди.

– Яна Худо сақлади, – деди Монте-Кристо шивирлаб, – ҳақиқатан ҳам Худонинг ўзи кўллаган экан мени.

XIV. ОНА ВА ЎГИЛ

Граф Монте-Кристо кўнгли ғаш бўлса-да, йигитлар билан кулиб хайрлашди ва Максимилиан, Эмманюелни извошга солиб жўнади.

Жанг майдонида Альбер, Бошан ва Шато-Рено қолди.

Альбер ўз секундантларига синовчан назар ташлади, унинг кўзларида қўрқув эмас, савол аломати сезилиб турарди.

– Табриклайман, азиз дўстим, – деди Бошан дўстига меҳри зўрлиги ёки қувлик унга бегона бўлгани учунми, биринчи сўз бошлаб, – кўнгилсиз воқеа кутилмаган йўсинда ҳал бўлди-қўйди.

Альбер чурқ этмади.

Шато-Рено ўзининг эгилувчан ҳассаси билан этагини қоқиб турарди.

– Бўлди энди, юринглар, кетайлик! – деди охири у оғир сукунатни бузиб.

– Майли, – деди Бошан, – аммо Морсерга қойил қолганимни эътироф этишга менга ижозат бергайсиз, у бугун чинакам мардлик қилди... Замонамизда бунақаси камданкам учрайди.

– Тўғри, – деди Шато-Рено.

– Унинг ўзини тута билишига қойил қолиш керак, – деди Бошан.

– Ҳақ гап, очиғини айтсам, бу менинг қўлимдан келмасди, – деди Шато-Рено бепарво.

– Жаноблар, – деди суҳбатни бўлиб Альбер, – чамамда Монте-Кристо билан иккимизнинг уртамизда фавқулодда ҳол юз берганлигини сиз фаҳмламадингиз, шекилли?

– Йўқ, йўқ, аксинча, – эътироз билдирди Бошан, – бироқ ғийбатчиларимиз сизнинг бу жасоратингизга баҳо беролмасалар ажаб эмас; шу сабабдан бир кун келиб бу хатти-ҳаракатларингизнинг сабабларини тушунтириб беришга мажбур бўлурсиз, тушунтирганда ҳам асабларингизга зўр бериб тушунтиришга тўғри келади, бу соғлиғингизга ва умуман умрингизга анча зиён етказиши мумкин. Дўстона бир маслаҳатим бор, айтайми? Неаполгами, Гаагага ёки Санкт-Петербургами кетинг, ор-номус масаласига бизнинг

телба Парижга нисбатан у ерларда оқилона ёндашишади. У ёқда тўппонча отишни ва қиличбозликни яхшилаб ўрганиб оласиз. Бир неча йил ўтгач, сизни буткул унутиб юборишади ёки жанговарлик борасидаги санъатингиз шуҳрати Парижга етиб келади, ана шундан сўнг Парижга хотиржам қайтиб келасиз. Шато-Рено, тўғрими гапим?

– Гапингизга юз фоиз қўшиламан, – деди барон, – амалга ошмай қолган дуэль кетидан, одатда, дуэлнинг ундан зўрроғи бўлади.

– Раҳмат сизга, жаноблар, – деди совуққина такаллуф билан Альбер, – таклифингизни қабул қиламан, чунки ўзим ҳам Франциядан чиқиб кетишга қарор қилган эдим. Меним секундантим бўлишга кўнганлигингиз учун ҳам сизга ташаккур. Мен сизнинг бу дўстона қилмишингизни асло унутмайман. Буни ўзингиз ҳам сезиб турибсиз.

Шато-Рено ва Бошан бир-бирларига қараб олди. Альбернинг сўзлари иккисига бир хилда таъсир қилган эди: ташаккур сўзлари шу қадар шиддатли оҳангда айтилдики, агар суҳбат давом этаверганда, учаласиям ноқулай аҳволга тушиб қолиши ҳеч гап эмасди.

– Хайр, Альбер! – деди шошилиб Бошан ва илтифотсизлик билан унга қўл узатди, бироқ Альбер чуқур хаёлга чўмганлиги сабабли узатилган қўлни кўрган-кўрмаганлигини билиб бўлмасди.

– Хайр, – деди Шато-Рено чап қўлида таёғини тутган ҳолда ўнг қўли билан хайрлашиб.

– Хайр, – деди совуққина қилиб Альбер. Аммо ёниб турган кўзларидан ғоят ғазабланганлиги, нафратланаётганлиги кўриниб турарди.

Иккала секундант извошга миниб кетгандан кейин ҳам Альбер анча вақт қимир этмай турди. Сўнг дарахтга боғлоғлиқ отини шиддат билан ечиб минди-да, Париж томон от қўйди, чорак соатда у Эльдер кўчасидаги кошонага етиб келди.

Альбер отдан тушаётганда, дераза пардаси орқасидан граф де Морсернинг бўзарган юзи кўрингандай туюлди унга, у хўрсиниб қўйди-да, орқага бурилиб, ўз уйи томон йўл олди.

Болалик чоғидан буён унга роҳат-фароғат макони бўлиб келган кошонага Альбер охирги марта назар солди, ўз су-

ратларига сўнги марта кўз ташлади. Назарида полотнолардаги чехралар илжайгандай туюлди, пейзажлар эса жонли буюқлар каби ялтираб кетди.

Сўнгра тахта ромдан онасининг суратини олиб ўраб қўйди, зарҳал ром бўм-бўш қолди.

Кейин ажойиб турк қиличини, нодир инглиз милтиғини, япон чиннисини, кумуш безакли қадаҳларини, Эштер ва Бари имзо чеккан нафис безакли бронзасини эринмай тартибга солди, шкафларни кўздан кечирди-да, қулфлади. Чўнтагидаги барча пуллари, коса, қутичалар, токчаларда тўлиб-тошиб ётган қимматбаҳо зеби зийнатларни стол тортмасига ташлади-да, тортмани ёпмади; бор нарсани ёзди. Столлардан бирини китоб-дафтарлардан бўшатиб, рўйхатни кўзга яққол кўринадиган жойга қўйди.

Шу ишларни бошлашдан олдин, мени безовта қилманглар, дейишига қарамай, хонага Камердинер кирди.

– Ҳа, нима гап? – сўради Альбер ғазабдан кўра кўпроқ қайғуга ботиб.

– Кечиринг мени, жаноб, – деди камердинер, – сиз безовта қилма деган эдингиз, бироқ мажбур бўлдим: мени граф де Морсер чақиряпти.

– Хўш, чақирса нима бўпти? – деди Альбер.

– Сиздан берухсат боришга журъат этолмадим.

– Нега?

– Чунки, афтидан граф сизни дуэль майдонига кузатиб борганимни билади.

– Эҳтимол, – деди Альбер.

– У ерда нима бўлганлигини сўрамоқчидир-да. Нима деяй у кишига?

– Бор гапни айтаверинг.

– Демак, дуэль бўлмади деяверайми?

– Мен граф Монте-Кристордан кечирим сўраганимни айтинг.

Камердинер таъзим қилиб чиқиб кетди.

Альбер ишларини тугатаётган эди, ҳовлида от туёқлари ва извош филдираклари товуши эшитилди, дераза ойналари дириллаб кетди. Альбер дераза олдига бориб қаради, отаси извошга чиқиб кетаётган эди.

Граф кетидан дарвоза бекилиши биланоқ Альбер она-сининг бўлмасига йўналди. Келганини билдиргани одам тополмагач, ўзи тўғри кириб борди-да, онаси бўлмасидаги ҳодисани кўриб, остонада тўхтаб, ҳайрон бўлиб қолди.

Она ва бола гўё олдиндан келишиб қўйгандек, Альбер нима қилган бўлса, Мерседес ҳам худди шуни қилаётганди.

Ҳамма буюмлар саранжом-саришта қилиб қўйилган, кружевалар, қимматбаҳо ва олтиндан ясалган буюмлар, кийим-кечак, пуллар шкафларга солинганди, Мерседес калитларни битта-битта топиб, қулфлаб юрган эди.

Альбер бу тараддуд маъносини тушунди ва «Ойижон!» деб қичқириб, ўзини Мерседеснинг қучоғига отди.

Қани энди шу пайт бир рассом бўлса-ю, она-боланинг мана шу ҳолатини қоғозга туширса, рассом шоҳ асар яратган бўлур эди!

Альбер мардона бир ишга отландими, қўрқмай қадам ташлайверади, бироқ онасининг бу тараддуди уни ваҳимага солди.

– Ойи, нима қиляпсиз? – сўради у.

– Сен нима қиляпсан? – деди жавобан Мерседес.

– Менинг йўриғим бошқа! – деди ҳаяжондан ҳарсиллаб Альбер, – мен бу уйдан бутунлай кетишга қарор қилдим, сиз билан хайрлашгани келдим. Сизнинг бундай қилишингиз мумкин эмас-ку.

– Мен ҳам худди шундай қиляпман, – деди Мерседес, – мен кетяпман. Ўғлим мен билан бирга боради, деб ўйлагандим, адашган эканман-да?

– Мен кутаётган азоб-уқубатлар сизнинг бошингизга тушишини истамайман, ойижон, – деди қатъият билан Альбер, – шу бугундан эътиборан менда на мулк, на маблағ қолади, яп-яйдоқ бўлиб чиқиб кетяпман бу ердан. Менга яшаш оғир бўлади, ризқимни қидириб топгунча дўстларимдан бирининг ёрдамига муҳтож бўламан. Шу важдан ҳозир Францнинг ҳузурига бориб, ундан вақтинча пул қарз беришини илтимос қиламан.

– Оҳ, шўрлик болам! – деди хитоб қилиб Мерседес, – сен энди муҳтожлик, очлик, қашшоқликка маҳкум бўляпсанми? Йўқ, йўқ! Ундай дея кўрма, болам! Акс ҳолда мени аҳдимдан воз кечишга мажбур этасан!

– Аммо мен аҳдимдан қайтмайман! – деди Альбер. – Ёшман, кучим бор, жасоратда ҳам тенгдошларимдан қолишмайман, кеча сабот-матонат, ирода нималарга қодир эканлигини билиб олдим. Бу бевафо дунёда беҳад мусибат чеккан одамлар оз эмас, бироқ қирқ йил қирғин бўлса ҳам, ажали етган ўлади, бу эски равоқда орзусига етган бахтиёр одамлар йўқ, дейсизми? Мен шундай одамларни ўз кўзим билан кўрдим, ойижон! Бундай одамлар рақиблари улоқтириб ташлаган ер қаъридан кучга тўлиб чиқиб, беқиёс шуҳрат қозондилар ва тантана билан рақибларини жарга улоқтирдилар. Бас, бугундан бошлаб ўтмишим билан алоқани шартга узаман, ундан мен ҳеч нарса олмайман, ҳатто номдан воз кечаман, чунки, ойижон, ўғлингиз одамлар орасида шармандан шармисор бўлган номни олиб юришга номус қилади.

– Альбер, болагинам, – деди Мерседес, – мен салгина бўлса-да, руҳан бақувват бўлсайдим, ўзим шундай қилгин, дердим сенга, болам, менинг овозим ожиз қолди, бироқ сенинг виждонинг фармон берди. Ана шу виждонинг амрини вожиб бил, унга амал қил, Альбер. Дўстларинг бор эди, улар билан ҳам ҳозирча алоқани уз, лекин онангни унутма, умидсизликка юз тутма! Сенинг ёшингда ҳаёт ниҳоятда гўзал, қувноқдир, сен каби қалби пок зот учун тариқча доғ тушмаган ном керак, менинг отамнинг номи билан юр, унинг номи Эррера эди. Альбергинам, мен яхши биламан сени, аминманки, ҳамма соҳада бу номни шон-шуҳратларга буркайсан. Шундан кейин Парижга қайт, бошингга тушган мусибатлар сени бундан ҳам юксак поғоналарга кўтарди. Борди-ю, умидларим рўёбга чиқмай, сен бунга эришолмасанг, лоақал мени умидвор қилиб кет, мен фақат ана шу умид оғушида яшайман, чунки тақдир менга терс, бу уй остонасидан менинг фақат ўлигим чиқади.

– Истагингизни бажо келтираман, ойижон, – деди Альбер, – умидларингизга ҳам шерикман, Худойимнинг ўзи сизни ҳам, мени ҳам кечиради, паноҳига олади, албатта... келишдикми, бас, энди ишга киришмоғимиз керак. Жаноб де Морсер бундан ярим соат олдин уйдан чиқиб кетди, шовшувсиз ва савол-жавобсиз чиқиб кетиш учун жуда қулай шароит туғилди.

– Мен кутаман сени, болам, – деди Мерседес.

Альбер уйдан чиқиб кетди, бир оздан кейин извош ёллаб қайтди. Муқаддас оталар кўчасидаги жўн пансеон эсига тушди-да, ўша ердан онаси учун дурустроқ турар жой олишга қарор қилди.

Извош дарвоза олдига келиб тўхтаб, Альбер энди уйдан чиққан вақтда бир одам келиб, унга хат берди. Альбер таниди: бу Бертуччо эди.

– Графдан, – деди иш бошқарувчи.

Альбер хатни олиб, очди.

Ўқиб бўлгач, атрофга аланглаб Бертуччони ахтарди, бироқ у аллақачон гумдон бўлганди.

Кўзлари жикқа ёш Альбер Мерседес ёнига қайтиб кирди-да, индамай хатни унга узатди. Мерседес хатни ўқиди:

«Альбер!..

Мен ниятингизни билдим, сиз буни ҳозироқ бажо келтир-япсиз, кўриб турибсизки, сезгирлик, меҳр-шафқат менга ёт эмас. Сиз энди эркин, ҳурсиз, графнинг уйини ташлаб кетяпсиз, ўзингиз каби эркин онангизни ҳам олиб кетяпсиз. Аммо яхшилаб ўйлаб кўринг, Альбер: она олдида бурчингиз шу қадар улканки, ҳозир уни адо этишга қурбингиз етмайди, ҳа, шўрлик йингитча, қурбингиз етмайди. Кураш ва жафоларни ўз гарданингизга олинг, дастлабки кунлари бошингизга тушадиган қашшоқлик, нотавонлик мусибатларидан уни озод этинг, чунки у мусаффо, олижаноб қалб, бу кўргиликларга мутлақо лойиқ эмасди, беғуноҳ гуноҳкорнинг касофатига қолмаслиги керак, бунга Яратганнинг ўзи йўл қўймайди.

Иккинги Эльдер кўчасидаги кошонадан ҳеч нарса олмай, икки қўлингизни бурнингизга тиқиб чиқиб кетяпсиз. Бун қандай қилиб билиб олганимни сўраб-суриштирмай қўя қолинг, билибманми, шунинг ўзи етарли.

Қулоқ беринг менга, Альбер.

Бундан йигирма тўрт йил муқаддам мен қувончларга тўлиб ғурур билан Ватанга қайтдим. Менинг қайлигим бор эди, Альбер, фариштам деб илоҳий ном берганим – севимли қизим бор эди. Узоқ сафарда машаққатли меҳнат қилиб тўплаган бир юз эллик лундор ақча олиб келгандим қайли-

ғимга. Бу ақчани унга атаган эдим, демак, уники эди, худди бир денгиз эканлигини, бехосдан ҳамма ёқни вайрон қилиб юбориши мумкинлигини билиб, отам яшайдиган Мельянск хиёбонидаги боққа кўмиб қўйгандим.

Альбер, ойингиз ўша кўримсиз, бироқ азиз уйни яхши билади.

Яқинда Парижга келаётиб йўл-йўлакай Марселда бўлдим. Қайғули хотиротларга тўла ўша уйни бориб кўрдим, кечқурун белкурак олиб, боқчага кирдим-да, текшириб кўрдим. Яшик бурчақдаги кўркам анжир тагига қандай кўмилган бўлса, шундайича жойида турибди. Бу анжирни отам мен туғилган куним ўтқазган экан.

Ана шу пул вақти келиб менинг фариштам кунига яраши керак эди, мана энди қайғули кунларда тақдир тақозоси билан ўз эгасини топди. Менинг гапларимни тўғри тушунинг, Альбер: бу бахти қаро аёлнинг бошидан миллион-миллион олтин тўкишим мумкин эди, бироқ севгилимдан жудо этган кун кулбам остида унутиб қолдирган бир бурда ноннигина қайтариб беряпман.

Альбер, сиз олижаноб зотсиз, шундай бўлса-да, эҳтимол, ғурур ва аламзадалик ҳамон сизни довдиратиб юргандир, борди-ю, сиз менинг бу таклифимни рад этсангиз, мабодо ҳақли равишда мен таклиф қилаётганни бошқа бировдан олгудек бўлсангиз, у ҳолда мен, отангизнинг айби билан оч-яланғоч ва қайғу-аламда ўлиб кетган киши онангизга деб узатган бир бурда нонни олмай баттоллик қилдингиз, дейман».

Альбер мурдадай оқариб, онасининг қарорини кутарди. Мерседес юрак-бағри тилка-пора бўлиб осмонга қаради.

– Мен унинг ҳадясини қабул қиламан, – деди Мерседес, – менинг маблағимни монастырга топширишга у ҳақли.

Шундай деди-да, у хатни қўнига солиб қўйди, сўнг ўғлини кўптиқлаб шахдам одимлар билан зинага чиқди.

ХV. ЖОНДАН КЕЧИШ

Шу орада Монте-Кристо Эмманюель ва Максимилиан билан бирга шаҳарга қайтиб келди.

Улар хушвақт қайтишган, хурсанд эди. Барча ишлар хамирдан қил суғургандек осон тугаганидан Эмманюелнинг кайфи чоғ эди, шу важдан жоним тинч бўлса, шу менга бас, деб очиқ айтарди. Извошнинг бурчагига ўтириб олган Моррель куёвининг қувониб вайсашига халақит бермади, ўзи ҳам ичида қувониб келаётган эди.

Трон заставасида Бертуҷчога йўлиқишди. У постда турган соқчи каби қимир этмай уларни кутиб турарди.

Монте-Кристо извошдан бошини чиқариб Бертуҷчога аста-аста бир нима деди, иш бошқарувчи шу заҳоти ғойиб бўлди.

– Граф, – деди Эмманюель извош Пляс-Роялга етганда, – илтимос қиламан, менинг уйим ёнида извошни тўхтатинг, хотиним сиз ва менга илҳақ бўлиб ўтиргандир, кўнглини тинчитайлик.

– Ўз ғалабангни ўзинг чираниб мақташ кулгили бўлмаганда, – деди Моррель, – мен графни уйга таклиф қилардим, бироқ графнинг ҳам юраги пўкиллаб ўтирган бирор кимсаси бордир, бориб тинчитсин, биз уйимизга келдик, Эмманюель, дўстимиз билан хайрлашайлик ва унга оқ йўл тилайлик.

– Шошманг, – деди Монте-Кристо, – бирдан иккала йўлдошимдан ажралишни истамайман, сиз Эмманюель, гўзал рафиқангиз ҳузурига киринг-да, унга менинг самимий саломимни етказинг, сиз, Моррель, мени Елисей Майдонигача кузатиб қўйинг.

– Жуда соз, – деди Максимилиан, – ўзим ҳам сиз томонга ўтмоқчи эдим.

– Сени нонуштага кутайликми? – сўради Эмманюель.

– Йўқ, – деди Максимилиан.

Извош эшиклари ёпилди, отлар йўртиб кетди.

– Мана кўрдингизми, граф, – деди Моррель, – сизга бахт келтирдим мен. Буни сиз хаёлингизга ҳам келтирмаган бўлсангиз керак?

– Хаёлимга келтиргандим, – деди Монте-Кристо, – сиздан ҳеч ажралгим келмаётганига сабаб ҳам шу.

– Бу чинакам муъжиза, – ўзига ўзи деди Моррель.

– Нима муъжиза? – сўради Монте-Кристо.

– Юз берган воқеа.

– Тўғри айтасиз, Моррель, – деди илжайиб граф, – ростданам бу муъжиза.

– Альбер, – давом этди Моррель, – ҳар ҳолда жасоратли йигит.

– Жуда жасоратли йигит, – деди Монте-Кристо, – бошида қилич ўйнаётганда бепарво ухлаб ётганини ўз кўзим билан кўрганман.

– Икки марта дуэлда жасорат билан олишганини кўрдим, бугунги қилиғи ҳеч илгариги ишларига муносиб эмас-да! Нега шундай қилди?

– Бунда сизнинг таъсирингиз бор, – деди жилмайиб Монте-Кристо.

– Хайриятки, Альбер ҳарбий хизматда эмас! – деди Моррель.

– Нега шундай деяпсиз?

– Жанг майдонига келиб узр сўрармиди у вақтда! – деди ёш капитан бошини чайқаб.

– Менга қаранг, Моррель! – деди майин оҳангда граф. – Наҳотки, сиз ҳам содда кишиларга ўхшаб хурофотга мойил бўлсангиз? Альбер ботир экан кўрқоқликдан шундай қилмагандир? Бугунги хатти-ҳаракатнинг бир сабаби бўлиши керак, демак, унинг бу ишини қаҳрамонлик деб баҳолаш керак.

– Тўғри, албатта, – жавоб қилди Моррель, – аммо, испанлар айтганидек, бугун у кечагидан камроқ жасорат кўрсатди.

– Мен билан нонушта қила оласизми, Моррель? – деди граф гапни бошқа ёққа буриб.

– Йўқ, мен сиз билан соат ўнгача бирга бўлоламан.

– Биров билан нонушта қилишга ваъдалашгандирсиз-да?

Моррель жилмайиб бошини чайқади.

– Бирор ерда нонушта қилишингиз керак-ку.

– Қорним тўқ, – деди Максимилиан.

– Менга кишини иштаҳадан қолдирадиган икки ҳис аён,
– деди граф, – қайғу-алам ва ишқ. Кўриниб турибдики, кай-
фингиз чоғ, демак, иштаҳангизнинг бўғилиши қайғудан
эмас... Хуллас, бугун эрталабки гапингиздан ошиғу шайдо
эканлигингизни билдим...

– Ҳа, тўғри, граф, – деди қувноқ оҳангда Моррель, – ин-
кор этмайман.

– Максимилиан, бу ҳақда менга бирор нарса айтиб бер-
майсизми? – сўради граф Моррелнинг сирини билишга қизи-
қиб.

– Менда ҳам инсоний қалб борлигига бугун эрталаб инон-
ган бўлсангиз керак, тўғрими?

Монте-Кристо ҳеч нима демай қўлини узатди.

– Энди эса, – давом этди Моррель, – қалбим Венсен ўрмо-
нига эмас, бошқа ёққа талпиняпти, мени бошқа ёққа тор-
тяпти.

– Боринг, – деди оҳиста граф, – боринг, азизим, мабодо
йўлингизда бирор ғов дуч келгудек бўлса, дунёда кўп нар-
саларга қурби етадиган мен борман, севимли дўстим Мор-
релни қўллаб-қувватлашни ўзим учун бахт деб биламан, бу
ҳамиша ёдингизда бўлсин.

– Хўп бўлади, – деди Максимилиан, – худди худбин фар-
занд ёрдамга муҳтож бўлиб қолган пайтда ота-онасини эсга
олгани каби, мен бу гапингизни эсда тутаман, эҳтиёж ту-
ғилса (бунақа пайт бўлиши эҳтимолдан холи эмас, албат-
та), сиздан ёрдам сўраб келаман, граф.

– Сўз бердингизми, устидан чиқинг. Энди хайр.

– Хайр.

Елисей Майдонига келганда Монте-Кристо извош эши-
гини очди, Моррель ирғиб тош кўчага тушди.

Остонада Бертуччо кутиб турарди.

Моррель Мариньи кўчасига кириб кетди, Монте-Кристо
тез-тез қадам ташлаб, Бертуччо олдига борди.

– Хўш? – сўради у.

– Мерседес уйни ташлаб чиқиб кетмоқчи бўлиб туриб-
ди, – деди иш бошқарувчи.

– Уғли-чи?

– Камердинер Флорантеннинг гапига қараганда, у ҳам
шундай қилмоқчи эмиш.

– Бу ёққа келинг.

Монте-Кристо Бертуҷчони эргаштириб хонасига кирди-да, бизга маълум хатни ёзиб, иш бошқарувчига узатди.

– Буни тез олиб боринг, – деди граф. – Ҳа, айтганча, келганимни Гайдега хабар қилишсин.

– Мен шу ердаман, – жавоб берди Гайде, у извош товушини эшитибоқ пастга тушган ва сиҳат-саломат қайтган графни кўриб қувончга тўлиб турганди.

Бертуҷчо чиқиб кетди.

Гайде Монте-Кристонини сабрсизлик билан кутиб турган эди, мана энди кўрди-ю, унинг гўзал чехрасида отасини яна кўришга муяссар бўлган меҳрибон қизнинг қувончи, севгани билан яна дийдор кўришган маъшуқанинг шавқи барқ уриб кетди.

Монте-Кристонинг ҳам кайфи чоғ эди албатта, бироқ у буни сездирмасликка уринарди. Изтироб чеккан қалб учун қувонч жазирама офтобда қақраган тупроққа тушган шабнамга ўхшайди, қалб ҳам, ер ҳам ҳаётбахш намни шимиб олади, бироқ ёт кўз буни пайқамайди.

Сўнгги кунларда Монте-Кристо кўпдан буён иложсиз деб юрган бир нарса мавжуд эканлигини, яъни, дунёда икки Мерседес борлигини ва у яна бахтига эришуви мумкин эканлигини фаҳмлади. У ёниб турган кўзларини Гайденинг туман босган кўзларига тикиб турганида бирдан эшик очилди.

Граф хўмрайиб қаради.

– Жаноб де Морсер ташриф буюрдилар! – деди Батистен, гўё сўрамай кирганига шу ном баҳона бўлгандай.

Графнинг чехраси очилди.

– Қайсиси? – сўради у, – виконтми ёки графми?

– Граф.

– Наҳотки, бу можаро ҳамон тугамаган бўлса? – деди Гайде хитоб қилиб.

– Билмадим, оппоғим, тугаганими, йўқми, – деди Монте-Кристо қизни кўлидан тутиб, – сен мутлақо хавотирланма.

– Ахир бу ярамас...

– Бу кимса менинг қаршимда ожиз бир махлуқ, Гайде, – деди Монте-Кристо, – ўғли билан тўқнашганим-да, кўрқсанг арзирди.

– Хожам, шу кунлари қанчалар машаққат чекканимни билсангиз эди, – деди Гайде.

Монте-Кристо жилмайиб қўйди.

– Отамнинг азиз хотираси ҳаққи, онг ичиб айтаман-ки, – деди у, – мен энди ҳар қандай кулфатлардан халосман.

– Мен Тангримга қанчалик ишонсам, сизга ҳам шунчалик ишонаман, хожам, – деди ёш қиз пешанасини графга тутиб.

Монте-Кристо бу гўзал, покиза пешанага ҳароратли лабларини теккизиши билан иккала юрак титраб кетди – бири шиддат билан, иккинчиси оҳиста.

– Ё, Раббий! – деди шивирлаб граф. – Наҳотки, яна севишга даъват этасан мени?.. Граф де Морсерни меҳмонхонага таклиф этинг, – деди у Батистенга, нозанин грек қизини махфий зинадан чиқариб юбораркан.

Бу ташрифнинг сабабини тушунтириб беришимиз керак: Монте-Кристо балки буни кутгандир, бироқ китобхон буни кутмаган.

Мерседес, юқорида айтганимиздек, Альбер каби, қимматбаҳо буюмларини йиғиштириб шкафларни қулфлаб, калитларни бир жойга тўплаб, ҳамма ёқни тартибга солаётганда ва рўйхат тузаётганда ойнабанд эшик орқасида мурда каби бўзарган вазоҳат пайдо бўлганини сезмаган эди. Панага яшириниб олган бу зот де Морсер хоним хонасида бўлаётган ҳамма нарсаларни очиқ-ойдин кўриб турарди.

Кейин бўзарган кимса эшик орқасидан чиқди-да, ўз хонасига кириб, титроқ босган қўллари билан дераза дарпардасини кўтарди.

Шу ҳолда у қимир этмай, фақат ўз юраги тепишига қулоқ солиб ўн дақиқача жим турди, унга бу ўн дақиқа ўн йилдек туюлди.

Худди шу дақиқада дуэлдан қайтиб келаётган Альбер ойна орқасида пойлаб турган отасини кўриб, ундан юзини ўгирган эди.

Альбер Монте-Кристонини жуда ёмон ҳақорат қилганини ва дунёда бундай ҳақорат албатта ҳалокатли дуэлга олиб боражагини граф биларди, бироқ Альберни соппа-соғ кўриб, унинг кўзлари чарақлаб кетди, демак, ота учун қасос

олинибди-да, деди ичида у. Унинг ғамгин юзида уфққа чўкаётган қуёшнинг сўниб бораётган нурлари каби қувонч нишоналари пайдо бўлди.

Аммо у, юқорида айтганимиздек, Альбер кабинетимга кириб қандай ғолиб чиққанини ҳикоя қилиб беради, деб беҳуда ўйлаганди. Отаси учун ўч олишга бел боғлаган ўғилнинг отага учрашмай кетгани тушунарли бир ҳол эди, бироқ ота учун қасос олиб қайтгач, унинг ҳузурига кирмагани ва кучоғига отилмаганига боис нима?

Граф Альберни кўрмагач, унинг камердинерини чақиртирди. Альбер камердинерига, бўлган гапларни графга ҳеч яширмай айтиб беравер, деганидан хабардормиз, чиндан ҳам у ҳамма воқеани графга батафсил ҳикоя қилиб берди.

Орадан ўн дақиқа ўтгач, эшик зинасида эгнида ёқаси ҳарбийча қора камзул, қора шим, қора қўлқоп кийган граф де Морсер пайдо бўлди. Афтидан, олдиндан фармон бериб қўйган бўлса керак, зинадан тушиб улгурмасданоқ извош тайёр турган эди.

Камердинер икки қилич ўралган плашни дарҳол извошга солди-да, эшикни бекитди ва ўзи извошчи ёнига ўтирди.

Извошчи буйруқ кутиб турарди.

– Елисей Майдонига! – деди генерал, – граф Монте-Кристиккига! Ҳайда!

Отлар қарсиллаб тушаётган қамчи зарбидан қуюндай учиб кетди, беш дақиқада граф уйи олдига бориб тўхтади.

Эшикни, Морсернинг ўзи очди, у извош тўхтаб улгурмасданоқ ёш йигитдек ирғиб тушди, қўнғироқ чалди ва ланг очиқ эшиқдан камердинери билан тўғри кириб бораверди.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас Батистен граф ташриф буюрганини Монте-Кристога хабар қилди. Монте-Кристо Гайдени бўлмасига кузатиб қўйди-да, Морсерни меҳмонхонага таклиф этишни буюрди.

Генерал узун меҳмонхонанинг у бошидан-бу бошига уч марта бориб келгандан сўнггина Монте-Кристо кирди.

– Э, жаноб де Морсер, ўзларими! – деди вазмин оҳангда Монте-Кристо. – Мен бошқамикин дебман.

– Ҳа, каминанинг ўзи, – деди граф, унинг лаблари титраб турарди, сўзлари ҳам бир-бирига зўрға қовушарди.

– Бунча барвақт граф де Морсерни меникига қандай шамол учириб келди экан, – деди Монте-Кристо. – Мени сизни кўриш шарафига муяссар бўлишимнинг сабабини билсам бўладими?

– Жаноб, бугун эрталаб менинг ўғлим билан дуэлга чиқдингизми? – сўради генерал.

– Сиз бундан хабардормисиз? – деди граф.

– Ҳа, хабарим бор, бунинг устига ўғлимнинг сиз билан жанг қилиши ва сизни ер тишлатиб қўйиши учун тўла асос борлигидан ҳам хабардорман.

– Ҳақ гапни айтдингиз, жаноб, унга бунинг учун тўла асос бор эди. Шунга қарамай, у мени ер тишлатгани йўқ, ҳатто жанг қилмади ҳам.

– Лекин сиз отасининг шармандаю шармисор бўлишида, бутун хонадоним бошига тушган бахтсизликда айбдорсиз.

– Бу тўғри, жаноб, – деди Монте-Кристо яна ўша ўта вазминлик билан, – лекин биринчи даражадаги айбдор эмас, иккинчи даражадаги айбдор.

– Сиз, афтидан, ундан узр сўраганга ёки бирор изоҳ берганга ўхшайсиз?

– Мен унга ҳеч қандай изоҳ берганим йўқ, унинг ўзи мендан узр сўради.

– Ҳўш, сиз унинг бу хатти-ҳаракатига қандай баҳо бера-сиз?

– Менимча, у кимнинг айби кўпроқ эканлигига ишонди.

– Ким айбдор экан?

– Отаси.

– Эҳтимол, шундайдир, – деди Морсер бўзариб, – бироқ шуни билиб қўйингки, айбдор гуноҳини юзига солганларни ёмон кўради.

– Мен буни яхши биламан... Шу сабабдан оқибат шуңдай бўлишини кутган эдим.

– Ўғлимни қўрқоқлик қилади деб кутганмидингиз?! – деди хитоб қилиб граф.

– Альбер де Морсерни қўрқоқ деб бўлмайди, албатта, – деди Монте-Кристо.

– Қўлида қилич тутган киши қаршисида турган ашаддий душмани билан жанг қилмаса, у қўрқоқлик қилган бўла-

ди. У ҳозир шу ерда бўлганда башарасига тик қараб айтардим бу гапни.

– Жаноб, – деди бепарволик билан Монте-Кристо, – меникига оилавий можаронгизни муҳокама қилиш учун келмагандирсиз, бу гапларни бориб унга айтинг, эҳтимол, у жавоб топиб берар сизга!

– Жуда тўғри айтдингиз, – деди генерал мийиғида қулиб, – мен олдингизга оилавий можароларни муҳокама қилгани келганим йўқ! Мен бу ерга «сиз меним душманисиз», деб айтгани келдим! Мен сиздан нафратланаман! Сизни ҳамиша таниган ва ҳамиша нафратланиб юргандек сезяпман! Замонамиз ёшлари дуэлдан воз кечган экан, энди иккимиз олишамиз... Розимисиз, жаноб?

– Рози бўлганда қандай! Мен боя шундай бўлишини кутган эдим, деганимда, сизнинг ташрифингизга ишора қилгандим.

– Буниси яна соз... Демак, жангга тайёр экансиз-да?

– Мен ҳамиша тайёрман.

– Иккимиздан биримиз ўлмагунча жангни давом эттираверамиз, шундайми? – деди ғазабла тишларини ғижирлатиб генерал.

– Иккимиздан биримиз ўлмагунча, – такрорлади граф Монте-Кристо бошини хиёл силкиб.

– Қани кетдик, секундантларнинг зарурати йўқ бизга.

– Ҳа, зарурати йўқ, – деди Монте-Кристо, – биз бир-биримизни жуда яхши биламиз!

– Аксинча, – деди граф, – бир-биримизни мутлақо танимаймиз.

– Ҳали шундайми? – деди Монте-Кристо яна ўша ўта бепарволик билан. – Ҳали Ватерлоо жанги арафасида жуфтакни уриб қолган Фернан сиз эмасмисиз? Испанияда француз армиясининг йўл кўрсатувчиси ва айғоқчиси бўлиб хизмат қилган ўша Фернан сиз эмасмисиз? Ўз валинеъмати Алига хоинлик қилган, уни ўлдирган сотқин Фернан сиз эмасмисиз? Ана шу Фернанлар жамланиб, Франциянинг пэри, генерал-лейтенант лавозимига миниб олгани ёлғонми?

– Аблаҳ, – деди генерал Монте-Кристонинг сўзларидан жиғибийрони чиқиб, – мени ўлимга маҳкум қилишдан ол-

дин менга таъна қиляпсанми, лаънати! Йўқ, сен мени танитайсан демоқчи эмасман. Сен иблис менинг қора ўтмишимни жуда яхши биласан ва машъал ёғдусида ҳаётим саҳифаларини ҳам ўқиб чиққанингни биламан. Мен шармандаю шармисор бўлганим билан батамом номуссиз бўлиб кетганим йўқ, аммо сен ёлғондакам шуҳрат қозониб, ор-номусингни сотиб юрибсан! Сен мени яхши биласан, бунга шубҳам йўқ, бироқ мен сени – олтин ва қимматбаҳо тошларга кўмилиб юрган фирибгарни билолмай гарангман! Парижда ўзингни граф Монте-Кристо деб, Италияда Синдбод-Денгиз саёҳатчиси деб таништирасан, Мальтада ҳам яна қандайдир ном билан юрасан. Лекин мен сенинг ҳақиқий номингни билишим керак, токи кўксингга қилич урган дамда асли номингни қичқириб айтишга муяссар бўлай.

Граф Монте-Кристо мурдадек оқариб кетди, кўзлари ғазабла ёнди, отилиб иккинчи хонага кирди-да, галстугини, камзулини ва нимчасини шартта ечиб ташлади, матросча калта камзулини, матросча шапкасини кийди. Шапкаси тагидан узун қора сочлари осилиб турарди.

У меҳмонхонага қўлларини асабий қовуштириб кирди-да, ғазабнок бўлиб генерал олдига борди. Морсер эса унинг тўсатдан чиқиб кетганидан ажабланиб турганди, тамоман бошқача бўлиб келган Монте-Кристонни кўрди-ю, тиззаси букилиб, тишлари такирлаб кетди. У аста орқага чекина бошлади ва столга тақалиб тўхтади.

– Фернан, – деди қичқириб унга Монте-Кристо, – юзлаб номларимдан фақат биттасини айтсам бас, сен тамом бўласан, ўзинг ҳам пайқагандирсан бу номни, тўғрими? Эсладингми, а? Ахир, не-не азоб-уқубатларни бошимдан кечирсам-да, ўч олганимдан қувониб навқирон йигитдек қаршиңгда мағрур турибман. Қайлиғим Мерседесга... уйлангандан сўнг мени худди мана шу қиёфада бир эмас, бир неча бор тушингда кўрган бўлишинг керак, Фернан!

Генерал бошини баланд кўтариб, қўлини олдинга чўзиб, лол бўлиб даҳшатли гавдага тикилиб қолди. Сўнг ўзини зўрбазўр ўнглаб, деворни ушлаб эшикка етиб олди-да, юракни ларзага солувчи овозда: «Эдмон Дантес!» – деб қичқириб чиқиб кетди.

Кейин судралиб аранг зинага етди, у ердан ҳовлига тушди, маст кишидек гандираклаб-гандираклаб бориб, камердинерининг қўлига ўзини ташлади-да:

– Уйга! Уйга! – деб гўлдиради.

Салқин ҳаво ва хизматкорлар олдида шарманда бўлиш хавфи унинг эс-ҳушини жойига келтирди, бироқ бу узоққа бормади, уйга яқинлашган сари дилхасталик, ночорлик яна уни чулғаб, ақл-ҳушини ўғирлади.

Уйга бир неча қадам қолганда граф извошни тўхтатиб, пастга тушди.

Дарвоза ланг очиқ эди, киракаш извошчи, бундай бадавлат хонадонга нега четдан извош чақиришди экан, деб ҳайрон бўлиб ҳовли ўртасида кутиб турарди. Граф уни кўриб кайфи учди, бироқ сўраб-суриштиришга журъат қилолмай, шошиб ўз бўлмасига йўл олди.

Зинадан икки киши тушиб келарди; уларга тўқнаш келмаслик учун у зўрға ёндаги хонага кириб бекинди. Бу, ўғли қўлтиқлаб олган Мерседес бўлиб, иккаласи биргаликда уйни ташлаб чиқиб кетишмоқда эди.

Улар дарпарда орқасига яшириниб турган бахтсизнинг шундоқ ёнидан ўтиб кетишди, граф, Мерседеснинг шойи кўйлаги сал тегиб кетганини ва: «Ойижон, бардам бўлинг! Юринг, юринг тезроқ, энди бу кошона бизга ёт», – деб бо-раётган ўғлининг илиқ нафаси юзига урганини сезиб турарди.

Сўзлар тугади, қадамлар узоқлашди.

Граф дарпардани маҳкам тутиб, қаддини ростлади, ҳам хотини, ҳам ўғли ташлаб кетаётган ота дилидан отилиб чиқаётган аччиқ фарёдни босишга ҳаракат қилди.

Кўп ўтмай у киракаш извошнинг эшиги тарақлаб ёпилганини, извошчи отларга қамчи урганини эшитди, офир извош филдиракларнинг зарби деразаларни дириллатиб юборди, граф ёруғ оламда ўзи учун азиз санаб юрганларни яна бир бор кўриб қолиш учун ётоқхонасига кирди-да, деразадан ташқарига қаради, бироқ извош жўнаган эди. На Мерседес, на Альбер жиллақурса деразадан бошини чиқариб видолашиш учун ғариб ота ва эрга, ҳувиллаб қолган хонадонга бир қиё боқмади.

Ниҳоят, извош йўлга чиқиб, филдираклар кўприк тошларига тарақлаб урилганда граф хонасида ўқ овози эшитилди, овоз ларзасидан бир дераза ойнаси учиб тушиб, ичкаридан тутун бурқсиди.

XVI. ВАЛЕНТИНА

Моррель шошилиб қаёққа жўнаганлигини ва ким билан ваъдалашганлигини китобхон пайқаган бўлса керак.

У Монте-Кристо билан хайрлашгандан сўнг оҳиста қадам ташлаб Вильфор уйи томон йўл олди.

Оҳиста дедик: чунки, Моррелнинг яна ярим соатдан зиёдроқ вақти бор эди, манзилга эса беш юз қадам масофа қолганди, шунга қарамай, у Монте-Кристо билан шошилиб хайрлашди, бунинг сабаби: якка қолиб, кўп нарсаларни ўйлаб-фикрлаб олиши керак эди.

Максимилиан белгиланган вақтни жуда яхши биларди. У Валентина Нуартъени нонушта қилдираётганда кириб бориши керак. Валентина ўзининг бу муқаддас бурчини бажо келтираётганда ҳеч ким кириб халақит бермаслигига қатъий ишонган эди. Нуартъе ва Валентина унга ҳафтада икки марта келиб-кетишга рухсат беришганди, Максимилиан ана шу ҳуқуқидан фойдаланмоқчи.

Моррель кириши билан уни кутиб турган Валентина қўлидан тутиб буваси яқинига олиб борди. У ранги ўчган ва ҳаяжонланган эди. Валентина Операдаги воқеани эшитиб, ғоят ташвишга тушиб қолганди. Альбер билан Монте-Кристо ўртасида юз берган жанжал бир зумда ҳаммага аён бўлди. (Бу оламда ҳеч нарсани сир тутиб бўлмайди.) Вильфор хонадонидakilар бу можаронинг албатта дуэлга олиб боришига асло шубҳа қилмагандилар: Монте-Кристонинг секунданти албатта Моррель бўлажакига Валентинанинг ақли етганди, Максимилианнинг жасурлигини, графга яқинлигини билар ва у бетараф гувоҳ бўлибгина қолмай, жангга аралашishi мумкин, деб қўрқарди.

Шу вайдан у тоқатсизланиб савол бериб, жавоб олди: кутилмаган ҳолда дуэлнинг охири бахайр бўлганини эшитиб, маъшуқанинг кўзлари қувончдан чақнаб кетди.

– Мана энди, – деди Валентина имо билан Моррелни чолнинг ёнига ўтиришга таклиф этиб; ўзи ҳам чолнинг оёғи узатилган ўриндиққа ўтирди, – сиз бувамни жаноб де Вильфорнинг уйидан чиқиб кетиб, бошқа жойда турмоқчи бўлганидан хабардорсиз.

– Ҳа, хабардорман, – деди Максимилиан, – бу фикр менга жуда маъқул тушди...

– Яна сиз учун шуниси қувончлики, Максимилиан, – деди Валентина, – бувам яна ўша фикрига қайтди.

– Зап иш бўпти-да! – деди хитоб қилиб Максимилиан.

– Нима сабабдан бувам бу хонадонни ташлаб чиқиб кетмоқчи эканлигини биласизми? – сўради Валентина.

Нуартъе неварасига маънодор қаради-да, жим бўл, деб бўйруқ берди, бироқ Валентина унга қарамас, икки кўзи Моррелда эди.

– Жаноб Нуартъе нимани истаган бўлса, унга мен қўшиламан, – деди Моррель.

– Мен ҳам жон-дилим билан қўшиламан, – деди Валентина, – у мени деб шундай қияпти: Сент-Оноренинг ҳавоси соғлиғингга тўғри келмайди, деяпти.

– Биласизми, Валентина, – деди Моррель, – менимча жаноб Нуартъе жуда ҳақ гапни айтибди, икки ҳафтадан буён ранг-рўйингиз бир ҳолатда, соғлиғингизнинг мазаси йўқми, дейман.

– Тўғри, мазам йўқ, – деди Валентина, – бувам, сени ўзим даволатаман, деяпти, у ҳаммасидан хабардор, бунинг удасидан чиқишига аминман.

– Демак, ростдан ҳам касал экансиз-да? – сўради шошиб Моррель.

– Касал эмасман, кўнглим ғаш, ҳеч ўзимга келолмай юрибман, иштаҳам йўқ, бутун вужудим худди бирор нарса билан қурашаётгандек.

Нуартъе қулоқларини динг қилиб Валентинанинг ҳамма сўзларини тинглаб турарди.

– Бу беморликдан қандай даволанасиз?

– Ҳар куни эрталаб бувам ичадиган доридан бир қошиқ ичаман, бир чой қошиқдан бошлаган эдим, энди тўрт қошиқдан ичяпман. Бувам, бу ҳамма касалпарга даво, дейди.

Валентина жилмайиб кўйди, аммо бу ғамгин табассум эди.

Ошиқу шайдо Максимилиан эса маъшуқасидан кўз узолмасди. Қиз ҳуснда беқиёс эди, бироқ оппоқ ранги нечундир ярқираб, кўзлари ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ чақнарди. Момикдай оппоқ қўллари эса узоқ туриб оч сариқ тусга кирган мумдан ясалганга ўхшарди.

Максимилиан Валентинадан кўзини олиб, Нуартъега қаради.

Фалаж сирли ва ўйчан кўзларини ишқ ўтида маст бўлиб ўтирган неварасига тикканди; чол неварасининг гўзал чеҳрасида дард-алам нишоналари ҳам яшириниб ётганини сизди.

– Бироқ, бу дори жаноб Нуартъега буюрилган эди-ку, нега сиз ичяпсиз? – сўради Моррель.

– Тўғри, у жуда аччиқ дори экан, – деди Валентина, – шу қадар аччиқки, анча вақтгача оғзимдан мазаси кетмайди.

Нуартъе неварасига саволомуз қараб кўйди.

– Тўғрим, бува, – деди Валентина, – ҳозиргина олдингизга келаётиб ширин сув ичувдим, унинг ҳам мазасини сезмадим.

Нуартъенинг ранги ўчиб кетди, имо қилиб, гапирмоқчидан, деди.

Валентина луғат келтириш ниятида ўрнидан турди. Нуартъе ташвиш тўла кўзларини унга тикканди. Қизнинг юзлари қизариб кетди.

– Тавба, – деди кулиб қиз, – бошим айланяпти! Офтоб урдимикин? – деди гандираклаб ва столга суяниб қолди.

– Ахир, офтоб нима қилсин шу топда? – деди Моррель. Уни Валентинанинг бетоблиги эмас, Нуартъенинг юзидаги ўзгариш ташвишга солган эди.

У югуриб қизнинг олдига борган эди, Валентина жилмайди.

– Хотиржам бўлинг, буважон, – деди у, – хотиржам бўлинг, Максимилиан. Ҳечқиси йўқ, тузалиб қолдим. Эшитяпсизми, ҳовлига извош киргандай бўлди?

Валентина эшикни очди, даҳлиздаги дераза олдига бориб ташқарига қаради-да, дарҳол чол хонасига қайтди.

– Данглар хоним қизи билан келди. Хайр, борай, йўқса бу ерга одам юбориб мени чақиришади. Максимилиан, бувам билан ўтириб туринг, мен тез қайтаман.

Моррель маъшуқасини кузатиб қолди, унинг чиқиб, эшикни ёпганини, ўз бўлмаси ва Вильфор хоним бўлмасига чиқадиган зинадан бораётганини эшитиб турарди.

Валентина кўздан ғойиб бўлиши билан Нуартъе Моррелга, луғатни олинг, деб ишора қилди.

Моррель чолнинг истагини бажо келтирди, Валентина ёрдамида у чолнинг имо-ишораларини жуда яхши тушунадиган бўлиб олганди.

Бироқ, ҳар бир сўзни луғатдан топиш учун алфавитни бошидан санаб чиқиш керак эди, шу сабабдан фақат ўн дақиқадан сўнггина чолнинг айтмоқчи бўлган сўзлари қуйидагича аниқланди:

«Валентина бўлмасидаги стаканни суви билан ва графинни олиб келинг».

Моррель дарҳол қўнғироқ чалиб, Барруанинг ўрнида ишлаётган қаролни чақириб, Нуартъенинг буйруғини айтди.

Бир дақиқа ўтгач, қарол қайтиб кирди.

Графин ва стакан бўм-бўш эди.

Нуартъе имо билан:

– Нега графин ва стакан бўш? Валентина, стакандагининг ҳаммасини ичганим йўқ, деган эди-ку? – деб сўради.

Бу сўзларни ҳам луғат орқали тушуниб олиш учун яна беш дақиқа вақт кетди.

– Қайдам, – жавоб берди қарол, – мадемуазель Валентинанинг хонасига ҳали оқсоч кирган эди, эҳтимол ўша тўкиб ташлагандир.

– Бориб сўранг-чи ундан, – деди Моррель Нуартъенинг кўзларидан нима демоқчи эканлигини англаб.

Қарол чиқиб кетди ва бир зумда қайтиб кирди.

– Ҳозир мадемуазель Валентина кириб, стаканда қолган сувни ичибди, жаноб Эдуар ўрдакларимга сувдон қиламан деб графиндаги сувни тўкиб ташлабди.

Нуартъе, бор дунёсини тиккан қиморбозга ўхшаб кўзларини осмонга қадади, сўнг эшикка тикилганча қимир этмай қолди.

Валентинанинг гапи тўғри чиқди. Данглар хоним билан қизи келганди. Уни ўз бўлмасида Вильфор хоним қабул қилди, Валентина шу вайдан ўз хонасидан ўтишга мажбур бўлган эди, бу хона ўгай онасининг бўлмаси билан бир қаватда бўлиб, ўртада Эдуарнинг хонаси жойлашганди.

Меҳмонлар бирор муҳим янгиликдан хабар бермоқчидек, тантанавор қиёфада киришди.

Бир тоифадаги кишиларнинг бир-бирларини тушунишлари осон бўлади. Икки хонимнинг гердаишини кўриб, Вильфор хоним ҳам уларни виқор билан қарши олди.

Шу пайт Валентина кириб келди-да, салом-аликлар яна давом этди.

– Азиз дугонам, – деди баронесса, қизлар бир-бири билан кўл беришган пайтда. – Мен Эжени билан бирга қизим ва князь Кавалькантининг яқинда тўйи бўлажagini сизга хабар қилгани келдим.

Данглар бўлажак куёвни князь деб аташни уқтирганди. Демократ-банкир графдан кўра князь унвони анча оҳангдор деб биларди.

– Ундай бўлса сизни чин юракдан табриклашга рухсат этинг, – деди Вильфор хоним. – Мен князь Кавалькантини ноёб йигитлардан деб ҳисоблайман.

– Азизим, очигини айтсам, – деди илжайиб баронесса, – князь келажаги порлоқ кишилардан эмас. Унинг хатти-ҳаракатларида италян ёки немис зодагонларига хос ғалати қилиқлар кўп. Шунга қарамай, унинг қалби пок, ақли ўткир; амалда эса жаноб Данглар таъкидлашича, у жуда катта молмулкка эга эмиш.

– Бунинг устига, – деди Эжени Вильфор хонимнинг альбомини варақлар экан, – унга нисбатан ўзингизнинг илтифотингиз бошқача.

– Илтифотим сизга ёқадими, йўқми, деб қараб ўтиришим ўринлимасдир, – деди Вильфор хоним.

– Асло, асло, хоним, – жавоб қилди Эжени одатдагича таманно билан. – Мен хўжалик ташвишларини гарданимга олишни истамайман, эркак кишининг ким бўлишидан қатъи назар, инжиқликларини кўтаришга тоқатим йўқ. Менинг ниятим артист бўлиш, яъни ўз туйғуларим, орзу-умидларим, ўй-фикрларимга ўзим хўжайин бўлишдир.

Эжени бу сўзларни чертиб-чертиб, қатъият билан айтганидан Валентина лол қолди. Тортинчоқ қиз аёлларга хос уятчанлик ва нафосатдан асар ҳам қолмаган дугонасининг ҳаёсизлигини тушунолмай гаранг эди.

– Хулласи калом, – деди яна Эжени, – тақдир тақозоси билан эрга тегишим муқаррар экан, ўнда мен жаноб де Морсернинг даъволаридан қутуламан, бунинг учун Худога минг карра шукр қиламан, Тангри ўзи қўлламаганида мен ҳозир шарманда бир кимсанинг хотини бўлиб ўтирардим.

– Тўғри, – деди баронесса соддадиллик билан, – Морсерлар иккиланиб ишни пайсалга солмаганда, қизим аллақачон Альберга турмушга чиқиб кетган бўларди. Генерал ўғлининг Эженига уйланишини маъқуллаганидан ҳатто Дангларнинг розилигини олиш учун ўзи келган эди. Хайриятки, бир амаллаб ундан қутулиб олдик.

– Наҳотки, отанинг гуноҳи учун ўғил жавобгар бўлса? – деди ийманиб Валентина. – Менимча, генералнинг хоинлигида виконт ҳечам айбдор эмас.

– Азизим, ксчиринг мени, – деди бўш келмай Эжени, – виконт бу борада отасидан қолишмайди; айтишларига қараганда, кеча у Операда граф Монте-Кристони дуэлга чақириб, бугун эрталаб жанг майдонида ундан узр сўрабди.

– Йўғ-э! – деди Вильфор хоним.

– Оҳ, азизим, – деди Данглар хоним яна ўша соддадиллик билан, – буларга тушуниб бўладими, эҳтимол, шундай қилгандир. Буни жаноб Дебрэдан биламан, у ҳам ўша ерда бўлган эди.

Валентина ҳамма воқеадан хабардор эди, бироқ индамади. Унинг хаёли шу пайт Моррель кутиб ўтирган Нуартье хонасида эди.

Валентина ўз ўй-хаёлларига ғарқ бўлиб, анчагача суҳбатга аралашмади, Данглар хоним унинг қўлини ушламаганда, Валентина гап нима ҳақда бораётганлигини айтиб беролмасди.

– Бирор гапингиз борми менда, хоним, – деди Валентина электр токи ургандек чўчиб.

– Тобингиз йўқми, азизим Валентина? – сўради баронесса.

– Тобим йўқ? – деди ажабланиб қиз ва қизиб турган пешанасига қўлини босди.

– Ҳа, ойнага бир қаранг, бир дақиқа ичида рангингиз тўрт марта ўзгарди-я.

– Дарвоқе, – деди хитоб қилиб Эжени, – рангинг жуда оқариб кетди!

– Ташвишланманг, Эжени, анчадан бери аҳволим шунақа.

Соддалигига қарамай, Валентина бу ердан чиқиб кетгани баҳона топилганлигини фаҳмлади. Бироқ Вильфор хоним унга ёрдам қилди.

– Валентина, боринг, – деди Вильфор хоним, – ростдан ҳам тобингиз йўқроқ кўринади, меҳмонларимиз сизни афв этурлар, бир стакан муздек сув ичинг, енгил тортасиз.

Валентина Эженини ўпти-да, ўрнидан туриб хайрлашаётган Данглар хонимга таъзим қилиб чиқиб кетди.

– Шўрлик қиз, – деди Вильфор хоним Валентина кетидан эшик ёпилгач, – мени анча ташвишга солиб қўйди, касали жиддий бўлмасин тағин, деб қўрқяпман.

Шу орада Валентина ўзига номаълум сабаблар билан ҳаяжонланиб уни мазах қилиб турган Эдуарнинг хонасидан индамай ўтди-да, ўз хонасини четлаб, кичик зинага чиқди. Буваси олдига етиб олиш учун яна уч зинапоя қолганди. Моррелнинг товуши эшитилиб турарди, қизнинг кўзлари тинди-да, тиззалари мажолсиз букилди, қўллари панжарани тутолмай, зинадан юмалаб кетди.

Моррель эшикни зарб билан очиб, майдончада ётган Валентинани кўрди. У югуриб бориб қизни икки қўли билан даст кўтариб олди ва ўриндиққа ўтқазди.

Валентина кўзини очди.

– Қўполлигим қурсин! – деди шошиб Валентина, – тик туришни унутиб қўйганга ўхшайман-а. Ахир, яна учта зинапоя бор эди-ку.

– Бирор жойингиз лат емадим, Валентина? – суради Моррель ҳаяжонланиб.

Валентина хонага назар ташлаб чиқди, Нуартъенинг кўзларидан у жуда қўрқиб кетганлиги сезилиб турарди.

– Буважон, хавотирланманг, – деди қиз жилмайишга уришиб, – ҳеч нарса бўлгани йўқ, сал бошим айланди, холос.

– Яна бошингиз айландими? – деди Моррель ташвишга тушиб, – илтимос, эҳтиёт қилинг ўзингизни, Валентина!

– Бўлди, ҳаммаси ўтиб кетди, ҳеч гап бўлгани йўқ деяман-ку, сизга. Келинг, мана бу янгиликни эшитинг: бир ҳафтадан сўнг Эжени турмушга чиқаркан, уч кундан сўнг тантанали никоҳ маросими бўларкан. Ҳаммамизни, отамни, де Вильфор хонимни, мени ҳам тўйга айтиб кетишди. Мен уларнинг гапидан шуларни англадим.

– Бизга ҳам навбат келадиган кун бормикин-а? Валентина, ахир сиз бувангиз билан жуда яқинсиз, айтинг унга, ҳеч бўлмаса тўйни тезлатсин.

– Мендан бувамни шошилтириш ва ҳамиша эсига солиб туришни умид қиляпсизми? – сўради Валентина.

– Ҳа, – деди Моррель, – Худо ҳаққи, тезлатинг, илтимос қиламан. То сиз меники бўлмагунингизча кўнглим тинчимайди, Валентина, йўқса қачонгача худди сиздан ажралиб қолаётгандек, юрагимни ҳовучлаб юраман?

– Максимилиан, – деди титраб-қақшаб Валентина, – кўрқоқ экансиз. Офицерсиз-а, офицерлар кўрқиш нималигини билмайди, дейишарди-ку. Хах-хах-ха!

Валентина хаста одамдай қиқирлаб кулиб юборди, кўллари таранг бўлиб, боши орқасига тортилганича қимир этмай қолди.

Нуартъени ваҳима босди, кўзлари олайиб кетди.

Моррель дарҳол ёрдам чақириб зарурлигини англади, зарб билан кўнғироқ чалди, Валентина бўлмасида ўтирган оқсоч, Барруа ўрнига келган қарол югуриб киришди.

Валентинанинг юзи девор бўлиб қолганини кўриб иккинсининг ҳам жон-пони чиқиб кетди ва гапларга ҳам қулоқ солмай, оҳ-воҳлаб даҳлизга югуришди.

Худди шу дақиқада Данглар хоним ва Эжени қайтишаётган эди. Улар аллақачон бу тўс-тўполоннинг боисини билиб олишганди.

– Айтмовдимми сизга, бунинг ҳоли оғир деб! – деди Вильфор хоним, – шўрлик қиз!

Шу ондаёқ Вильфор ўз кабинетидан туриб: «Нима гап?» – деб қичқирди.

Моррель Нуартъега қаради, анча ўзига келган чол токчага имо қилди, Моррель ўтган сафар ўша ерга яширинган эди. У шошиб шляпасини олди-да, дарпарда орқасига ўтди. Даҳлизда қироллик прокурорининг қадами эшитилди.

Вильфор хонага отилиб кирди-да, Валентинани бағрига босди.

– Доктор! Докторни чақиринг!.. Д’Авриньини чақиринг! Тез! – қичқирди Вильфор. – Тўхтанг, яхшиси ўзим бораман, – деди ва хонадан ўқдай отилиб чиқиб кетди.

Бошқа эшикдан чопиб Моррель чиқди.

Сен-Меран хоним ўлган кечаси Вильфор билан доктор ўртасида бўлган суҳбат эсига тушиб, уни ваҳима босди. Ушанда уларнинг сўзини Моррель тасодифан эшитиб қолганди. Касалнинг ташқи аломатлари худди Барруанинг ўлимидан олдинги ҳолатига ўхшарди.

Шу он Монте-Кристонинг бундан икки соат илгари: «Моррель, бошингизга қандай мушкул иш тушмасин, ҳеч тортинмай олдимга келинг, мен кўмак беришга қодирман», деган сўзлари Моррелнинг қулоғи остида жаранглагандек туюлди.

У ўқдай учиб Сент-Оноредан Матиньон кўчасига, ундан Елисей Майдонига равона бўлди.

Бу орада Вильфор киракаш извошга тушиб, д’Авриньни уйига етиб борганди. У қўнғироқни зарб билан тортган эди, хизматчининг капалаги учиб эшикни очди. Вильфор тили калимага келмай, зинага югурди. Хизматчи уни танирди, шунинг учун сўраб-суриштириб ўтирмай, кетидан:

– Доктор кабинетида, жаноб қироллик прокурори, – деб қўя қолди.

Вильфор кабинетга отилиб кирди.

– Э-э, ўзларими! – деди д’Авриньни.

– Ҳа, менман, доктор, – деди Вильфор эшикни ёпаётиб, – мана бу гап саволни мен сизга бераман: бу ерда иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқми? Доктор, менинг хонадоним Тангри ғазабига қолди.

– Нима бўлди? – сўради доктор сиртдан ўзини бепарво қилиб кўрсатса-да, ичида жуда қаттиқ ташвишга тушиб. – Тағин бирор кишининг тоби қочиб қолдими?

– Ҳа, доктор, – деди Вильфор, даҳшатдан икки қўли билан бошини чангаллаб, – ҳа!

Доктор д'Авриньининг кўзлари «ҳа, мен буни олдинроқ айтгандим-ку», деб турарди. У оҳиста ва чертиб-чертиб деди!

– Бу гал ким оламдан кўз юмьпти? Бизни Парвардигор олдида лоқайдликда айблаб қурбон бўлаётган ким?

Вильфорнинг ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди, у докторнинг қўлидан маҳкам ушлади-да:

– Валентина! – деди. – Навбат Валентинага келди. Валентинага!

– Қизингизга?! – деди д'Авриньи кайфи учиб.

– Мана, кўрдингизми, ўшанда хато фикр айтган экансиз, – деди шивирлаб Вильфор, – энди ўзингиз шубҳаланган ана шу шўрликка ёрдам қилиб, узр сўранг.

– Сиз ҳамиша менга кечикиб хабар қиласиз, бироқ шундай бўлса-да, майли, бораман, фақат тезроқ бориш керак, сизнинг душманингизга қарши курашда кечикиш ярамайди.

– Бу гал, доктор, мени лоқайдликда айблай олмасиз, деган умиддаман. Бу гал қотилнинг кимлигини албатта билиб оламан ва ҳеч аёвсиз жазолайман.

– Уч олишни ҳозир бир четга қўйиб турунг, аввал беморни ҳалокатдан қутқариб қолайлик, – деди д'Авриньи. – Қани, кетдик.

Вильфорни олиб келган киракаш извош д'Авриньини ҳам олиб, орқага йўртиб кетди. Моррель эса шу пайтда Монте-Кристонинг эшигини қоқаётганди.

Граф ўз хонасида Бергуччонинг шошилинич хатини ўқиб ташвишга тушиб ўтирганди.

У бундан фақат икки соат муқаддам хайрлашиб кетган Моррелнинг келганини эшитиб, ҳайрон бўлиб бошини кўтарди.

Граф учун ҳам, Моррель учун ҳам шу икки соат ичида кўп воқеа юз берди. Моррель граф билан жилмайиб хайрлашган эди, мана энди бутунлай адойи тамом бўлган кишидек унинг олдида турарди.

- Граф ирғиб туриб унинг олдига борди-да:
- Нима бўлди, Максимилиан? – деди. – Рангингизга қараб бўлмайди, нафасингиз қисилиб қолибди-ку?
 - Моррель аста ўриндиққа чўкди.
 - Ҳа, – деди у, – чолиб келдим, сизга гапим бор эди.
 - Уйингиздагилар соғ-саломатми? – сўради граф самимият билан.
 - Раҳмат, граф, – деди Моррель, сўзни нимадан бошлашни билмай, – ҳа, уйимдагиларнинг ҳаммаси соғ.
 - Хайрият, кўнглим жойига тушди-я, менга бир нарса демоқчи эдингизми? – деди граф хавотирланиб.
 - Ҳа, гапим бор, – деди Моррель, – ҳузурингизга ажал уруғи сочилган хонадондан югуриб келдим.
 - Э-э, Морсерларникиданми? – шошиб сўради Монте-Кристо.
 - Йўқ, – деди Моррель, – Морсерларникида бирор киши ўлибдими?
 - Генерал ўзини ўзи отиб қўйибди, – жавоб берди Монте-Кристо.
 - Шўри қурибди-да, бечораларнинг! – деди Максимилиан.
 - Графинянинг, Альбернинг ҳам шўри қуригани йўқ, – деди Монте-Кристо, – қабих, ифлос отанинг номусига қолгунча, ундан абадий қутулганлари яхши.
 - Шўрлик графиня! – деди Максимилиан. – Мен ҳаммадан ҳам кўпроқ ана шу олижаноб аёлга ачинаман!
 - Альберга ҳам раҳмингиз келсин, Максимилиан, ишонинг: у графинянинг муносиб ўғли. Ҳозирча буни қўйиб, ўз ишимизга ўтайлик. Сиз мени кўрмоқчи экансиз, хурсандман, агар бирор фойдам тегса, бошим осмонга етарди.
 - Ҳузурингизга мен учун ғоят муҳим бир ишда ёрдам берарсиз, деган умидда келдим.
 - Қани айтинг, қанақа иш экан у?
 - Билмадим, бу сирни бирор кишига ошкор айтишга ҳаққим бормикин, бироқ тақдир экан, иложим қанча.
 - У шундай деди-да, тараддудланиб жимиб қолди.
 - Мен сизни жонимдан яхши кўришимни биласиз-ку, – деди Монте-Кристо Моррелнинг қўлини сиқиб.
 - Бу сўзларингиз менга далда берди ва қалбим, бу одамдан ҳеч сир сақлама, деб буюрди.

– Ҳа, Моррель, Худонинг ўзи амр этибди сизга буни. Юрагингиздаги дард-аламни айтинг менга.

– Граф, Батистенни бир аёлнинг соғлиғидан хабар олиб келиш учун юборишга рухсат қилинг, сиз уни танийсиз.

– Қароллар у ёқда турсин, ўзим ҳам хизматингизга тай-ёрман.

– Мен унинг аҳволи дуруст бўлиб қолганлигини билишим керак, йўқса, жинни бўлиб қоламан.

– Батистенни чақирайми?

– Йўқ, ўзим чиқиб айтаман.

Моррель ташқарига чиқиб, Батистенни чақирди-да, шивирлаб бир неча сўз айтди. Камердинер шошиб чиқиб кетди.

– Жўнатдингизми? – сўради Монте-Кристо қайтиб келган Моррелдан.

– Энди кўнглим бир оз тинчиди.

– Мен ҳикоянгизни кутяпман, – деди жилмайиб Монте-Кристо.

– Ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб бераман сизга. Қулоқ солинг. Бир куни кечқурун бир боққа кириб қолган эдим, буталар орасида мени ҳеч ким кўрмасди. Ёнимдан икки киши ўтиб кетди. Рухсат этинг, мен ҳозир уларнинг номини айтмай. Улар жуда секин гаплашишарди, бироқ мен булар нима ҳақда гаплашяпти экан, деб қизиқиб, зимдан қулоқ солиб, ҳамма гапни эшитдим.

– Ҳикоянгизнинг муқаддимаси жуда даҳшатли, буни рангингиз айтиб турибди.

– Жуда тўғри, азизим, ҳақиқатан жуда даҳшатли! Ўша хонадонда шу пайт кимдир ўлибди, суҳбатдошлардан бири – уйнинг хўжайини, иккинчиси – доктор эди. Биринчиси икккичисига ўзининг хавотирга тушиб қолганлигини айтиб қайғу-ҳасратларини тўкиб-сочарди, унинг уйида шу бир ой ичида иккинчи киши тез ва тўсатдан ўлганди...

– Ў-ҳў, шундайми ҳали?! – деди Монте-Кристо Моррелга синовчан тикилиб.

– Шундай, – давом этди Максимилиан, – ўша уйга ажал бир ойда икки марта кириб чиқди.

– Доктор нима деди бунга? – сўради Монте-Кристо.

– У... бу табиий ўлим эмас, бунинг сабаби...

– Нима деди?

– Заҳар деди!

– Ростдан-а? – деди Монте-Кристо енгил йўталиб; у ҳаяжонга тушганда юзи қизариб ёки бўзарганини ё бўлма-са суҳбатдошининг сўзларига қаттиқ эътибор бераётган-лигини сездирмаслик учун оҳиста йўталиб қўярди.

– Ростданми, Максимилиан? Ўз қулоғингиз билан эшит-дингизми бу гапларни?

– Ҳа, азизим граф, ҳаммасини ўз қулоғим билан эшит-дим, сўнгра доктор қўшимча қилиб, мабодо шунақа ҳол яна юз бергудек бўлса, судьяга мурожаат қилишга мажбур бўламан, деди.

Монте-Кристо Моррелнинг ҳикоясини яна ўша бепарво-лик билан (эҳтимол, юзаки бепарволик биландир) тинглар-ди.

– Сўнгра, – давом этди Максимилиан, – бу хонадонга ўлим учинчи марта човут солди, бироқ уй эгаси ва доктор ҳеч кимга чурқ этмади, мана энди ажал тўртинчи кишини қақшатмоқда. Граф, айтинг-чи, мен бу сирни биларканман, нима қилмоғим керак?

– Азизим, – деди Монте-Кристо, – сиз ҳаммага аён воқеа-ни айтяпсиз менга. Сиз бу гапларни эшитган уй менга от-нинг қашқасидек маълум, унинг ҳамма эшик-тешикларини беш бармоғимдек биламан, у ерда боғ ҳам бор, оиланинг раҳнамоси ота ва доктор ҳам бор. У ерда бирин-кетин уч киши сирли сабаблар билан тўсатдан ўлиб кетди. Менга қаранг: буни мен ҳеч кимдан эшитганим йўқ, бироқ ҳамма-си менга маълум. Лекин мен виждон азобига тушяпманми? Асло! Менга буларнинг ҳеч дахли йўқ. Айтганингиздек, бу хонадонни Худонинг ўзи қаҳрига олди! Бу жиноятлардан кўз юмиб ўтаверинг, чунки қабиҳ жиноятни кўриши шарт бўлган кишилар буни кўришни истамаяптилар. *Худонинг ўзи хонадондагиларни қаҳрига олган экан, ўзингизни кўрма-ганга солинг-да, Тангри одил судига ҳавола қилинг.

Моррель сесканиб кетди. Графнинг овози мудҳиш, даҳ-шатли ва тантанавор эди.

– Айтганча, – деди граф, гўё мутлақо бошқа одам гапла-шаётгандек сўз оҳангини бирдан ўзгартириб, – ўлим яна қайтиб келишини қайдан биласиз?

– Аплақачон қайтиб келди, граф! – деди хитобан Моррель. – Мен бу ерга шу важдан келдим-да.

– Мен нима қилай, айтинг, Моррель. Эҳтимол, қироллик прокурорини огоҳлантириб қўйишимни истарсиз?

Монте-Кристо сўнги сўзларини жуда таъсирли қилиб айтганидан, Моррель ўрнидан сапчиб турди.

– Граф! – кичқирди у, – биласизми, ким ҳақида гапиряпман сизга?

– Ҳа, биламан, азизим, биламан, албатта, бу гапим ростлигини тасдиқлаб ҳам бераман, яъни бу воқеа иштирокчиларининг ҳаммасини номма-ном санаб ҳам бераман. Сиз Вильфорнинг боғида сайр этиб юрганингиз, сўзингизга қараганда, бу ўша маркиз Сен-Меран ўлган оқшом эди. Вильфор билан д'Авриньининг маркиз Сен-Мераннинг ўлими ва айниқса маркизанинг таажжубли ўлими ҳақидаги суҳбатини эшитгандирсиз. Д'Авринь бу иккаласини ҳам заҳарланиб ўлган деб гумон қиламан, деди; ана ўшандан бери чин инсон бўлганлигингиз учун бу сирни ошкора қилсаммикин ёки йўқмикин, деб виждон азобида қийналяпсиз. Биз ўрта асрда яшаётганимиз йўқ, азизим, эндиликда муқаддас инквизициядан ҳам, ҳур судьялардан ҳам ном-нишон қолгани йўқ. Нима қилардингиз уларни сиз? «Ҳой, виждон, мендан сенга нима керак?» деган экан Стерн! Нима қиласиз ўзингизни қийнаб? Жуда уйқулари келган бўлса, қўйинг, ухлайверишсин, уйқусизликка дучор бўлишса, бедорлик азобини тортишсин; сизнинг виждонингиз пок, Худога шукр қилиб мириқиб ухлайверинг.

Моррелнинг юзини қайғу-алам босди, у Монте-Кристонинг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

– Ўлим яна келди, деяпман ахир, тушундингизми?

– Ҳўш, қайтиб келса нима бўпти! – деди граф тобора хитлиги ошиб бораётган Максимилианга синовчан тикилиб. – У хонадон Атридлар оиласи; Худонинг ўзи ғазабланди улардан, қўйинг, жазосини тортишаверишсин; у хонадондагилар болалар қоғоздан ясаган қўғирчоқлар каби бир пуф билан чирпирак бўлади-да, сўнг чириб тупроққа айланади-кетди. Бундан уч ой муқаддам маркиз де Сен-Меран ўлди, орадан бир ой ўтгач, маркиза вафот этди, яқинда

Барруа тил тортмай ўлди, бугун чол Нуартъе ёки қизалоқ Валентинани ажал гирибонидан бўғади.

– Сиз хабардормисиз бундан? – даҳшат билан хитоб қилди Моррель, бундан ҳатто чақмоқ урсаям парво қилмайдиган Монте-Кристо сесканиб кетди. – Хабарингиз бўла туриб, индамай юрган экансиз-да?

– Менга нима? – эътироз билдирди Монте-Кристо кифтини учириб. – У одамларнинг менга нима дахли бор? Бирини қўриқлаб, иккинчисини ўлдириш менга на ҳожат? Тўғри, мен қурбон бўлганларнинг ҳам, қотилларнинг ҳам тарафдори эмасман.

– Ахир, мен... мен! – деди ғазабдан қичқириб Моррель. – Ахир мен уни севаман!

– Севаман? Кимни? – деди Монте-Кристо ва ўрнидан ирғиб турди-да, Моррелнинг кўлидан тутди.

– Мен уни жонимдан ҳам яхши кўраман? Керак бўлса унинг бир томчи кўз ёши учун ўзимни қурбон қилишга тайёрман, эшитдингизми, тайёрман! Мен Валентина де Вильфорни севаман, уни эса ўлдиришяпти, ҳа, ўлдиришяпти! Мен уни севаман, Худога ва сизга илтижо қиламан: мадад беринг! Уни ажал чангалидан қутқарай!

Монте-Кристо худди яраланган шер ўкиригидай наъра тортиб юборди.

– Бадбахт! – деди у қўлларини қисирлатиб, – сен Валентинани севасанми? Ўша лаънати аждод қизини-я?

Моррель умрида бунақанги дарғазаб башарани ва даҳшатга тўла кўзларни кўрмаган эди. Ажал уруғи ёмғирдек ёғиб турган жанг майдонларида ҳам, Жазоирнинг ўлим кўрпаси ёпинган зим-зиё тунларида ҳам ваҳима унинг гирибонидан бунчалик қаттиқ бўлмаган эди.

У даҳшат ичида орқасига тисарилди.

Қаттиқ ғазабга минган Монте-Кристо худди вужудини ўт олгандек, бир зум кўзларини юмди, бор кучини йиғиб ўзини босишга уринди, сўнг қуёш нурлари ўйнаб турган даҳшатли тўлқинлар сингари аста-аста ҳовуридан туша бошлади.

Бу оғир сукунат, ўз-ўзи билан кураш узоққа чўзилмади: йиғирма сония давом этди, холос.

Граф, ранги докадек оқариб, бошини кўтарди.

– Мана, кўрдингизми, азизим, – деди у ҳамон боягидек оҳангда, – фалокат ёмғирдек ёғаётганда кибр-ҳаво билан бефарқ қараб турган кишиларни ҳам Парвардигор жазосини бераркан. Кўзим олдида юз бераётган бу мудҳиш фожиани мен ўта бепарволик билан томоша қилиб туравердим. Одамлар сирларини ниқоблаб (бойлар ва зўравонларга сир сақлаш осон-да!) зимдан ёвузлик қилаётганларида, бир бандани мўмин бўлиб олардим-да, уларнинг кирдикорларидан кулиб ўтирардим. Мана энди эгрибугри йўлларини назаримдан сира қочирмай келган илон захрини менга ҳам солди, солганда ҳам нақ юрагимга солди!

Моррель бўғиқ инграб қўйди.

– Ҳасрат-надоматни бас қилинг, – деди граф, – ўзингизни тутинг, бор кучингизни йиғиб, белингизни маҳкам боғланг, ёнингизда мен борман, мен ҳимоя қиламан сизни.

Моррель ғамгин ҳолда бошини чайқади.

– Эс-ҳушингизни йиғинг, деяпман сизга! – хитоб қилди Монте-Кристо. – Шуни билиб қўйингки, мен ҳеч қачон ёлгон гапирмайман, ҳеч қачон янглишмайман. Ҳозир чошгоҳ, Максимилиан, меникига кечқурун эмас ёки эртага эрталаб эмас, шу бугун чошгоҳда келганингиз учун Худога шукр қилинг. Менга қаранг, Максимилиан, ҳали ҳам кеч эмас: Валентина тирик бўлса, энди ўлмайди.

– Э, Тангрим! – деди Максимилиан. – Мен чиққанда у ўлим тўшагида ётарди!

Монте-Кристо кўзларини қўли билан бекитди.

Даҳшатли сир-асрорга тўла бу бошда шу топда қандай фикрлар туғилаётган экан? Қаҳри зўр бу заковатли инсон қулоғига ёруғлик ёки жаҳолат париси нималарни шипши-таётган экан?

Бу фақат Худонинг ўзига аён!

Монте-Кристо яна бошини кўтарди, бу гал унинг чехраси эндигина уйқудан кўз очган гўдакники каби сокин, осойишта кўринди.

– Максимилиан, – деди Монте-Кристо, – хотиржам уйга қайтинг, бирор тадбир топаман деб беҳуда уринманг, ваҳимага тушганингизни ҳеч кимга сездирманг. Сизга мен ўзим хабар қиламан, кутинг. Ҳозир уйингизга боринг.

– Сизнинг бепарволигингиз мени ваҳимага соляпти, граф, – деди Моррель, – сиз ўлим устидан ҳам ҳукмингизни ўтказа оласизми? Сиз оддий одамсиз ёки авлиёми? Ё Худомсиз?

Шундай деди-да, ҳар қандай хавф-хатар олдида чекинмай келган ёш офицер юрагини даҳшат қамраб, Монте-Кристандан ўзини четга олди.

Аммо ғамгин кўзларини тикиб, меҳр-ла илжайиб турган Монте-Кристанни кўрган Максимилианнинг кўзларида ёш қалқиди.

– Азизим, мен ўз ҳукмимни жуда кўп нарсаларга ўтказишга қодирман, – деди граф, – қани, боринг энди, мени ёлғиз қолдиринг.

Атрофдагиларни ақлига сиғмайдиган даражада таъсир кучи билан ўзига ром қилиб олувчи Монте-Кристаннинг амр-фармойишига бўйсунушга мажбур бўлган Максимилиан унинг кўлини қисди ва чиқиб кетди.

Дарвозага етганда Матиньон кўчаси муюлишида Батистенни кўриб, тўхтади.

Шу орада Вильфор билан д'Авриньи қироллик прокурорининг уйига шоша-пиша етиб келишди. Улар кирганда Валентина ҳамон беҳуш ётарди: доктор беморни ниҳоятда диққат-эътибор билан кўрди, вазият мудҳиш сирдан хабардор доктордан шуни талаб қиларди.

Вильфор кўзини д'Арвиньидан бир зум узмас, унинг ҳукмини кутиб турарди. Ранги Валентинаникидан ўн чандон оқариб кетган Нуартье докторнинг бу ҳукмини Вильфорддан ҳам кўпроқ тоқатсизлик билан кутарди, унинг ҳам бутун диққат-эътибори докторнинг кўзларида эди.

Ниҳоят доктор аста:

– Ҳозирча тирик, – деди.

– Ҳозирча! – деди хитоб қилиб Вильфор... – Қандай даҳшатли сўз бу, доктор!

– Ҳа, яна қайтараман: қиз ҳозирча тирик, бу ҳол мени жуда ҳайратга соляпти.

– Демак, омон қолибди-да? – сўради ота.

– Тирик экан, демак, омон қолибди.

Шу пайт д'Авриньи билан Нуартьенинг кўзлари тўқнаш келди, чолнинг кўзларидаги бениҳоя қувонч ва чуқур маънони кўриб доктор ҳайрон бўлди.

У рангида қондан асар ҳам қолмаган беморни яна курсига ўтқазди-да, ундан кўзини узмай, ҳар бир ҳаракатини кузатиб ётган Нуартъега тикилганча қимир этмай тик туриб қолди. Ниҳоят доктор тилга кириб деди:

– Жаноб де Вильфор, мадемуазель Валентинанинг оқсочини чақиринг.

Вильфор қўлида тутиб турган қизининг бошини секин курси суянчигига қўйди-да, оқсочни чақиргани кетди.

Вильфор кетидан эшик ёпилиши билан д'Авриньи Нуартъе ёнига бориб сўради:

– Менга айтадиган бирор гапингиз бор чоғи?

Чол кўзларини маънодор юмди, бу унинг «ҳа», дегани бизга маълум.

– Фақат менинг ўзимгами?

– Ҳа, – деди имо билан Нуартъе.

– Бўпти, сиз билан якка қолишга ҳаракат қиламан.

Шу пайт оқсочни эргаштириб Вильфор кирди, оқсоч кетидан Вильфор хоним пайдо бўлди.

– Нима бўлди шўрлик қизга? – деди ҳаяжонланиб хоним, – ҳозиргина менинг олдимда бўлганди-ку, ростдан ҳам, бир оз тобим қочиб турибди, деганди, мен касали бунчалик жиддий эканлигини билмагандим...

Кўзлари жиққа ёш Вильфор хоним Валентинанинг олдига келди-да, чинакам оналик меҳри-ла қизнинг қўлини бағрига босди.

Д'Авриньи Нуартъедан кўзини узмасди, чол кўзларини ўқрайтириб қўйди, ранги бўзарди, пешанасини қора тер босди.

Д'Авриньи Нуартъенинг кимга кўз ташлаб турганлигини кўриб, «Мана, гап қаерда экан!» – деди ичида, сўнг гапни бошқа томонга буриб, Вильфор хонимга қаради.

Хоним эса:

– Шўрлик қизни тўшакка ётқизиш керак, келинг, Фанни, уни иккимиз олиб бориб ётқизайлик, – деди.

Бу таклиф д'Авриньига чол билан якка қолиш имкониятини берарди, бу важдан у хоним таклифини маъқуллаб, бошини қимирлатди, аммо беморга ундан берухсат ҳеч нарса берманглар, деб огоҳлантириб қўйди.

Валентинани олиб кетишди, у хушига келганди, бироқ қимирлаёлмас, гапиришга ҳам мадори йўқ эди, тутқаноқ уни жуда ҳолдан тойдирганди. Шунга қарамай, у буваси билан кўз уриштириб хайрлашди, чол эса неварасига ниҳоятда ғамгин боқарди.

– Д’Авриньи беморни жўнатиб, дорига қоғоз ёзди ва дорихонага бориб келишни Вильфорнинг ўзига топширди, дорини тайёрлаётганларида шахсан тепасида туришни ва олиб келиб қизнинг бўлмасида уни кутиб туришни буюрди.

Сўнгра Валентинага ҳеч нарса бермаслик ҳақидаги буйруғини яна қайтарди-да, Нуартъе хонасига тушди, эшикни маҳкам бекитди, атрофда ҳеч ким йўқлигига имони комил бўлгач, сўради:

– Неварангизнинг касали ҳақида бирон нарса биласизми?

– Ҳа, – деди имо билан чол.

– Вақтни ўтказмайлик, мен сизга саволлар бераман, сиз жавоб беринг.

Нуартъе имо билан, жавоб беришга тайёрман, деди.

– Валентинанинг шундай касалга дучор бўлишини олдиндан билганмидингиз?

– Ҳа.

Д’Авриньи бир лаҳза ўйлаб қолди, кейин Нуартъега яқин борди.

– Мени кечиринг, сизга бир нарса айтаман, аммо ҳозирги қалтис вазиятда биз ҳеч нарсани қўлдан бой бермаслигимиз зарур. Бахтсиз Барруанинг қандай қийналиб ўлганини кўрган эдингиз, шекилли?

Нуартъе осмонга қаради.

– Барруа нимадан ўлганини биласизми? – сўради д’Авриньи қўлини Нуартъенинг кифтига қўйиб,

– Ҳа, – деди чол.

– У ўз ажали билан ўлди, деб ўйлайсизми?

Нуартъе жонсиз лаблари билан беўхшов жилмайиб қўйди.

– Бундан чиқди, сиз Барруа заҳарланган, деб гумон қиласизми?

– Ҳа.

– Барруа ичиб ўлган дорини унга махсус тайёрлашган, деб ўйлайсизми?

– Йўқ.

– Сизнингча, ўша Барруани ҳалок этган кимса бугун Валентинани ҳам заҳарладимикин?

– Ҳа.

– Демак, қиз ҳам ўладими? – сўради д'Авриньи чолдан синовчан кўзини узмай. Доктор бу сўзлар Нуартъега қаттиқ таъсир қилар деб ўйлаганди.

– Йўқ! – деди чол тантанавор имо билан.

– Ҳали у ўлмайди деган умиддамисиз?

– Ҳа.

– Нимага асосланиб?

Чол кўзи билан имо қилиб, жавоб беролмаслигини айтди.

– Ҳа, айтганча, – деди аста д'Авриньи, сўнг яна Нуартъега қараб деди:

– Қотил ниятидан қайтади деган умиддамисиз?

– Йўқ.

– Ундай бўлса, заҳар Валентинага таъсир қилмайди, деб ўйлайсизми?

– Ҳа.

– Валентинани заҳарламоқчи бўлганликларини мендан кўра сиз яхши билсангиз керак, албатта?

Чол имо билан: «Бунга имоним комил», деб қўйди.

– Валентинанинг ҳаёти нега хавф остида эмас деяпсиз? Бунга бирор асос борми?

Нуартъе кўзларини бир нуқтага тикиб қолди, д'Авриньи ҳам ўша томонга қаради. Чолнинг кўзи ҳар кун унга келтириладиган дори шишага тикилганди.

– Э-э, шундайми ҳали! – деди д'Авриньи тўсатдан бир фикрга келиб. – Наҳотки сиз...

Нуартъе унинг сўзини бўлиб:

– Ҳа, – деди.

– Валентинани заҳар таъсиридан қутқариб қолибсиз-да...

– Ҳа.

– Уни аста-аста бунга ўргатиб келиб-а...

– Ҳа, ҳа, ҳа, – деди имо билан Нуартъе унинг имосига доктор тушунганидан хурсанд бўлиб.

– Сизга мен бераётган дорида бруцин бор деганимни эшитган бўлсангиз керак?

– Ҳа.

– Демак, Валентинага бу доридан оз-оз ичириб ўргатиб, унга заҳарни таъсир этмайдиган қилиб қўйган экансиз-да? Нуартьенинг кўзлари қувончдан чарақлаб кетди.

– Муродингизга етибсиз! – деди хитоб билан д'Авриньи. – Агарда ана шу эҳтиёт чорасини кўриб қўймаганингизда, заҳар Валентинани ҳам тил торттирмаган бўларди, бироқ иш енгил кўчди, ҳар ҳолда бу гап Валентина ўлмади.

Чолнинг кўзларида яна қувонч ва миннатдорчилик учкунлари чақнади.

Шу вақт Вильфор кирди.

– Мана, сиз ёзиб берган дори, доктор, – деди у.

– Дорини тайёрлаганда ўзингиз қараб турдингизми?

– Ҳа, – жавоб берди қироллик прокурори.

– Бу ерга келгунча қўлингиздан қўйганингиз йўқми?

– Йўқ.

Д'Авриньи дори шишани олиб, ундаги суюқликдан кафтига бир неча томчи томизди-да, ютиб юборди.

– Дуруст, – деди у, – Валентинанинг олдига борайлик, юринг, мен бу дорини қандай қилиб ичиш кераклигини ёзиб бераман, айтганларим бузилмаслиги учун ўзингиз кўз-қулоқ бўлиб турасиз.

Д'Авриньи билан Вильфор Валентинанинг хонасига кириб кетганда Вильфор кошонасига туташ ҳовлига бир италян кашиш гердайиб, вазмин қадам ташлаб кирди-да, уйни ижарага олиш устида сўз юрита бошлади.

Уй қанчага ижарага қўйилганлигини билмадик, аммо ана шу ижара шартномасига биноан орадан икки соат ўтгач, уйда шу кунгача истиқомат қилиб келганлар ашқол-дашқолларини кўтариб кўчиб кетишди. Уйнинг пойдевори унча маҳкам эмас экан, уйнинг йиқилиб тушиш хавфи бор эмиш деган миш-мишлар ҳам тарқалди, шунга қарамай, янги хўжайин шу куннинг ўзидаёқ нақ соат бешда арзимас жиҳозлари билан кўчиб кирди.

Янги хўжайин уйни уч, олти ёки тўққиз йилга ижарага олган ва тартибга кўра олдиндан ярим йиллигини тўлаган,

бу, юқорида айтганимиз италян бўлиб, исми-шарифи синьор Жакомо Бузони эди.

Дарҳол ишчилар чақирилди, шу кечасиёқ дурадгорлар, фишт терувчилар эски бинонинг тагига янги пойдевор қўяётганини кўрган йўловчилар хайрон бўлишарди.

XVIII. БАНКИР ВА УНИНГ ҚИЗИ

Олдинги бобдан Данглар хоним яқинда мадемуазель Эжени билан Андреа Кавалькантининг тўйи бўлажagini расмий равишда хабар қилиш учун Вильфор хоним олдига келиб кетганлигини биламиз. Демак, маълум бўладики, манфаатдор томонлар келишиб олишган экан. Бироқ, бундан олдин юз берган бир манзарани ўқувчимизга ҳикоя қилиб беришимиз керак.

Китобхонамиздан, шу ажойиб айём тонгида бир оз орқага қайтиб, хаёлан ўша маълум тонг пайтига ўтиб, барон Дангларнинг биз бир карра тасвирини битиб берган заррин меҳмонхонасига киришини илтимос қиламиз.

Ўшанда, эрталаб соат ўнда, нимадандир ташвишга тушган, ўйчан барон меҳмонхонанинг у бошидан-бу бошига оғир-оғир қадам ташлаб юрарди. У тез-тез эшикка қараб қўяр, тиқ этган товуш эшитилса, тўхтаб қулоғини динг қиларди.

Пировардида, унинг тоқати тоқ бўлди-да, камердинерни чақирди:

– Этьен, бориб мадемуазель Эжени мени нега меҳмонхонада кутиб турсин деганини билиб келинг. Кутавериб саргайиб кетдим-ку!

Барон бу билан бир оз жаҳлидан тушиб, ўпкасини босиб олгандек бўлди.

Дарҳақиқат, мадемуазель Эжени эрталаб уйқудан кўз очиши билан оқсочини барон ҳузурига юбориб, учрашмоқчи эканлигини ва ўша заррин меҳмонхонада кутиб туришини илтимос қилганди. Бу фавқулудда илтимос ва унинг расмий тусда айтилганлиги банкирни хийла ташвишга солиб қўйди, шунинг учун у қизининг илтимосини дарҳол бажо келтириб, меҳмонхонага барвақт келиб турган эди.

Кўп ўтмай Этьен қайтиб келди.

– Мадемуазель Эжени ходимасининг айтишича, – деди у, – мадемуазель Эжени кийиниб бўлибди, ҳозир чиқармиш.

Данглар «маъқул» дегандек бошини қимирлатиб қўйди. Жамоатчилик ва хизматкорлари Дангларни ювош одам ва мурувватли ота, деб биларди. Комедияда барон ўйнайдиган демократ арбоб роли ана шундай бўлиб юришини талаб этарди, унинг ўзи, бу менга жуда мос роль, деб ўйларди; антик театрда ҳам шу каби оталар ниқоби оғзининг ўнг бурчагини баландроқ кўтариб, кулгили қилиб, чап бурчагини эса пастга тушириб, мунгли қиёфага кириларди.

Ҳозироқ шуни айтиб қўяйликки, яқин сирдошлар даврасига тушганда бароннинг илжайиб турадиган лаблари буришиб, чўччайиб қоларди, шунда мулойим киши ўрнида кўпол эр ва жоҳил ота пайдо бўларди-қўярди.

– Бу тентак қизалоқнинг менга гапи бор экан, нега энди тўғри кабинетимга боравермайди? – деди тўнғиллаб Данглар. – Нима гапи бор экан менда?

Ташвишга солиб қўйган бу фикр унинг хаёлидан йигирманчи марта ўтганда, бирдан эшик очилди-ю, Эжени кирди, у гўё италян операсида ўз жойини эгаллашга шошилаётгандек қора каштали қора шойи кўйлак, шляпасиз, бироқ қўлқоп кийиб олган эди,

– Нима гап, Эжени? – деди ота, – шинам кабинетим турганда бу меҳмонхонага чақирининг нима кераги бор эди?

– Ҳақ гапни айтяпсиз, жаноб, – деди Эжени, имо билан отасини ўтиришга таклиф этиб, – сиз берган икки савол бўлажак суҳбатимизга хотима ясайди. Шу сабабли иккисига ҳозироқ жавоб бериб қўяй, одатда биринчисидан бошланади, аммо мен иккинчисидан бошлайман, чунки бу енгилроқ. Банкир кабинетининг нохуш таъсиридан қочиб, меҳмонхонада учрашишни маъқул топдим. Касса дафтари (улар қанчалик зарҳалланган бўлмасин), қалъа дарвозадари каби маҳкам қулфланган яшиқлар, аллақерлардан олинган беҳисоб қоғоз пуллар, Англия, Голландия, Испания, Ҳиндистон, Хитой ва Перудан келган уюм-уюм хатлар отамнинг фикрига ҳамиша ғалати таъсир этар ва дунёда ижтимоий мансаблардан ва уларни эгаллаб олган зотларнинг фикр-хаёлларидан муҳимроқ ва муқаддасроқ нарсалар борлигини унутиб қўйишга мажбур қилади. Мана, сиз билан гапла-

шиш учун меҳмонхонани танлаганимнинг боиси шу. Ана, қаранг, бунинг деворларида бизнинг, яъни сиз, мен ва она-жонимнинг шод-хуррам тушган расмларимиз ва табиатнинг гўзал, мовий кўринишларини, ажойиб чўпон яйловларини тасвир этувчи суратлар заррин ромларда осилиб турибди. Мен сиртқи муҳитнинг кучли таъсирига қаттиқ ишонаман, эҳтимол, мен, айниқса сизга нисбатан, хатоликка йўл қўяётгандирман, бироқ иложим қанча? Ҳали ҳам баъзан хаёлпарастликка берилиб кетаман, чунки артисттабиатман-да.

– Жуда соз, – деди жавобан Данглар қизининг бу баландпарвоз сўзларини ўта вазминлик, совуққонлик билан тинглаб. Унинг хаёли тамом бошқа ёқда бўлганлиги учун шунча гапдан биронтасига тушунолмаганди.

– Шундай қилиб, иккинчи саволни тўла бўлмаса-да, ҳар ҳолда, ечдик, – деди Эжени заррача хижолат тортмай, унинг сўзи ва ҳаракатини бошқалардан ажратиб турадиган эр-какларга хос кибр-ҳаво билан, – бундан сиз қаноат ҳосил қилган бўлсангиз керак. Энди биринчи саволга ўтайлик. Сиз мендан, нега мен билан учрашмоқчи бўлиб қолдинг, деб сўрадингиз. Бу саволингизга икки оғиз сўз билан жавоб бераман: мен граф Андреа Кавалькантига турмушга чиқишни истамайман.

Данглар ўрnidан сапчиб турди.

– Ҳа, жаноб, истамайман, – давом этди боягидек вазминлик билан Эжени. – Таажжубланиб қолдингиз, шекилли? Тўғри, бу никоҳ ҳақида гап бошлангандан буён индамай келдим, аммо менинг розилигимни сўрамай иш битираётган зотларнинг шаштини вақти келиб шартта қайтариб ташлашга қурбим етар, деб ишонгандим. Бу гап шу маҳалгача ўзимни вазмин тутишим, файласуфлар ибораси билан айтганда, бошқача манбалардан келиб чиққан эди; меҳригиё, мўмин-қобил қизингиз бўлганим важидан сизнинг истагингизга бўйин эгишга ҳаракат қилдим (қизнинг қирмизи лабларида сезилар-сезилмас табассум ўйнади).

– Хўш, нима демоқчисан? – сўради Данглар.

– Жаноб, – деди жавобан Эжени, – бор кучим билан ҳаракат қилдим демоқчиман; бироқ эндиликда тиз чўкиб итоат қилиш вақти ўтди, деб биламан.

Эженининг иродаси кучли, оқила қиз эканлигидан дарак бериб турган бу бамаъни, мантиқли сўзлар калтафаҳм Дангларни ҳанг-манг қилиб, довдиратиб қўйганди.

– Ҳар ҳолда, – деди Данглар, – никоҳни рад этишининг бирор сабаби бордир, Эжени?

– Сабабими? – деди Эжени. – Э, Худойим! Андреа Кавалькантини хунук, эси паст ва ёқимсиз, деб бўлмайди, албатта. Одамга афт-башараси ва қадду қоматига қараб баҳо берадиган зотлар кўзи олдида у жуда жозибадор нуха бўлиб кўриниши мумкин; мен ҳатто у бошқаларга қараганда кўнглимга камроқ ёқяпти, демайман, фақат танноз ойимча шундай дейиши мумкин, мен эса ўзимни ундайлардан анча юқори ҳисоблайман. Биласизми, жаноб, мен ҳеч кимни севмайман. Ортиқ даражада зарурат бўлмаса, турмушга чиқиб бутун умрингни бировга тобе қилиб қўйишининг нима ҳожати бор? Бир донишманд шундай деган экан: «Ортиқча ҳеч нарсанинг кераги йўқ», бошқа бири эса: «Ҳамма нарсам ўз гарданимда», дебди. Бу иккала ҳикматни менга ҳам потинча, ҳам грекча ўргатишганди, улардан биттасини янглишмасам, Федро, иккинчисини эса, Биант айтган бўлса керак. Шундай қилиб, отажоним, ҳаёт ҳалокатларида (ҳаёт орзу-умидларимизнинг доимий ҳалокатидан иборатдир) мен фақат ортиқча юкни улоқтириб ташляпман, холос. Ёлғиз яшаш ҳуқуқимнигина, демак, ҳурлик ҳуқуқимнигина сақлаб қоляпман.

– Бадбахт! – тўнғиллади Данглар ранги ўчиб, чунки қизининг қаршилигини енгил амри маҳол эканлигини у англаганди.

– Мен бадбахтманми? – деди эътироз билдириб Эжени. – Асло! Сизнинг хитоб қилиб айтган бу сўзингиз театр сахнасида айтиладиган тумтароқли сўзнинг худди ўзи-я! Аксинча, мен бахтиёрман. Қани, айтинг-чи, нима камчилигим бор менинг? Одамлар, Худо ундан ҳуснни аямаган, дейишади, биргина шунинг ўзи менга барча эшикларни очиб беради, ҳамма мени қучоқ очиб кутиб олади. Мен эсам, ҳушнудлик билан қабул қилсалар қувонаман, ахир очиқ чехранинг хунуги бўлмайди. Мен тентак эмасман, ўзимга яраша қобилиятим, ақлим бор, шу туфайли худди маймун ёнғоқни чақиб, мағзини олиб егандек, ҳаётдан ўзимга ёққан нарса-

ларнинг ҳаммасини оламан. Мен бойман, чунки сиз Францияда энг бадавлат кишилардан бирисиз, мен эса сизнинг якка-ю ягона қизингизман. Театр сахнасидаги қайсар оталар неварара туҳфа қилмагани учун қизларини меросдан маҳрум этишади. Аммо сиз ундай оталардан эмассиз. Бунинг устига, эҳтиёткор қонун сиздан, мени зўрлаб эрга бериш ҳуқуқини тортиб олгани каби меросдан бутунлай маҳрум этиш ҳуқуқини тортиб олиб қўйди. Хуллас, мен ҳам гўзал, ҳам оқила, комедия операларида айтилганидек, порлоқ истеъдодга эга бадавлат қизман! Ахир, жаноб, мана шуларнинг ўзи бахт эмасми! Сиз эса мени бадбахтга чиқариб қўйяпсиз.

Қизининг чўрткесарлиги, гердайиб илжайиши Дангларнинг тепа сочини тикка қилиб юборди; у дўқ ура бошлади. Аммо Эженининг нигоҳидаги савол аломати ва қоп-қора гўзал қошларининг таажжуб-ла чимирилганини кўриб, юзини орқага ўгирди-да, дарҳол ҳовуридан тушиб, ўзини қўлга олди.

– Бу гапларинг тўғри, – деди илжайиб ота, – сен ҳақиқатан ҳам ҳозир ўзинг айтган фазилатларга эга эрка қизсан, фақат бундан бир нарса мустаснодирким, мен буни очиқ айтишни истамайман, шунда ўзинг пайқаб олурсан.

Эжени ҳам Дангларга таажжубланиб тикилиб қолди, ахир у зўр ифтихор билан бошига қўндириб олган тождаги бир марвариддан қизини маҳрум этмоқчи.

– Турмушга чиқишдан нима учун воз кечаётганлигинини жуда яхшилаб тушунтириб бердинг менга, – давом этди банкир. – Энди сени турмушга чиқишга мени нима мажбур этаётганини айтиб берай, қулоқ сол.

Эжени отасининг сўзларига итоат қилаётган қиз бўлиб эмас, ҳужумни қайтаришга ҳозирланаётган рақиб тусига кириб таъзим қилиб қўйди.

– Қизини турмушга чиқишни таклиф қилган ҳар бир отанинг бирор асоси бўлади, – деди Данглар. – Баъзи оталар ўз насл-насабини кўпайтириш, неварара-чевара орттириб, насл қолдириш ниятида шундай қилади. Очиғини айтиб қўя қолай: мен бу дарддан халосман, оилавий шавқ-завқлар мени унча қизиқтирмайди, менинг фалсафачи қизим буни тўғри тушунади, деб очиқ айтяпман.

– Жуда соз, – деди Эжени, – очикчасига гаплашганимиз яхши.

– Кўриб турибсанки, – деди Данглар, – очик гаплашишни орттириб юборишга мойиллигингни ёқтирмасам-да, ҳар ҳолда, муҳит талаб қилгач, ўзим ҳам ана шу усулда гаплашишга мажбур бўляпман. Сени бахтли бўлгин, деб эрга чиқишни таклиф қилаётганим йўқ, сирасини айтсам, ўша дақиқада буни деярли хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Мана, мен ҳам очигини айтдим, ахир сен очикчасига гаплашишни ёқтирасан-ку. Мен баъзи моддий манфаатларни ҳисобга олиб, сени ўша кишига мумкин қадар тезроқ турмушга чиқишни таклиф қиляпман.

Эжени қошларини кериб қўйди.

– Ишлар мана шунақа, бунга жаҳлинг чиқмасин, айб ўзингда. Амин бўлгинки, нохуш таъсирларга берилиб кетмайин деб банкирнинг кабинетига киришдан қўрққан артисттабиат қиз билан суҳбатда молиявий томонга ўз ихтиёрим билан берилиб кетаётганим йўқ.

– Аммо банкирнинг кабинетига, – давом этди Данглар, – ўтган куни мендан минг франк олиш учун (бунақа суммани сенга ҳар ойда тўғнағич сотиб олишинг учун бериб тураман) ўзинг кириб чиққан ўша кабинетда, қизгинам, билиб қўйгинки, жуда кўп нарсани ўрганиш мумкин; бу ҳатто турмушга чиқишни истамайдиган ёш ойимқизлар учун ҳам фойдали сабоқлардир. Чунончи, банкир учун қарз танга жон киритиш билан баробар эканлигини ўша кабинетда билиш мумкин. Қарз – банкирнинг жони демақдир. Граф Монте-Кристо кунлардан бир куни менга шу ҳақда ҳеч унутилмайдиган сўзларни айтган эди. Қарз гумдон бўла берган сари банкир мурдага айлана боришини ҳам ўша кабинетда билиб, кўриб олиш мумкин. Ҳозир жуда мантиқли мулоҳаза юритаётган қизнинг банкир отаси ҳам яқин келажақда ана шундай ҳолга тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Эжени отасининг бу жон олувчи гапларидан таъсирланиб итоат қилиш ўрнига, қаддини ғоз тутиб:

– Сиз хонавайрон бўлибсиз-да! – деди.

– Сен жуда тўғри айтдинг, қизим, – деди Данглар муштини тугиб; шунда ҳам бу бағритош зот вазмин, оқил киши

бўлиб кўриниш учун жилмайиб турарди. – Тўғри айтдинг, мен мол-мулкимдан ажраб, хонавайрон бўлдим.

– Ҳали шундай денг! – деди Эжени.

– Ҳа, шундай, хонавайрон бўлдим! «Шундай қилиб, ҳалокат сири очилди», деган экан шоир. Энди гапимга қулоқ сол, қизим, сен бу фалокатдан халос бўлишда қандай йўллар билан ёрдам беришинг мумкинлигини айтай сенга, мен бу гапни ўзимнинг эмас, сенинг манфаатингни кўзлаб айтяпман.

– Агар бу фалокат қизимни қайғуга солиб қўйди, деб ўйлаган бўлсангиз, унда ўтакетган нўноқ психолог экансиз, жаноб, – деди Эжени. – Мен хонавайрон бўлганмишман! Менга барибир эмасми? Истеъдодим ўзимда қолади-ку! Шунча бойлик орттириб, сиз беролмаган йилига юз-юз эллик минг ливр даромадни Пасте, Малибран ёки Гризалар сингари ўзим тополмайманми? Сиздан бунинг ўрнига арзимайдиган ўн икки минг франкни олиб, миннатингизга қолгандан кўра, олқиш ва гулдасталар остида топган пулларимни олиб, ҳузур қилиб яшаганим яхши эмасми? Кинояли табассумингиздан менинг истеъдодимга ишонмаётганлигингиз сезилиб турибди. Борингки, истеъдодни йўқ ҳам дейлик, ахир ҳур, мустақил яшашга эҳтиросим, интилишим-чи? Бу менга дунёнинг ҳамма бойликларидан ҳам азиз, жонимдан ҳам азиз-ку!

Йўқ, мен ўзимга асло ачинмайман, тақдирим ўз қўлимда, ҳамма вақт ўз йўлимни топиб кета оламан. Китобларим, қалам-дафтарларим, роялим ҳамиша менинг йўлдошим бўлади, мен бу нарсаларни истаган вақтимда олишга қодирман, булар унча қиммат ҳам эмас. Эҳтимол, сиз мени Данглар хоним учун қайғурар деб ўйларсиз, бу ҳам бўлмағур гап, янглишмасам, хоним ҳамма эҳтиёт чораларини кўриб қўйгандир, демак, фалокат хонимга заррача зиён келтирмайди, унинг бутунлай хавфсизлигига имоним комил, ҳар ҳолда у мен борамдаги ғам-ташвишлардан ўзини четга тортди-да, бойлик орттириб олди. Қизим ҳур, мустақил яшашни яхши кўради, унга халақит бермаслик керак, деган баҳона билан менинг ишларимга аралашмади, шунисига ҳам шукр.

Йўқ, жаноб, сиз мени жуда овсар қизга чиқариб қўйманг, болалик чоғимданоқ теварак-атрофдаги воқеаларнинг ҳам-

масини кўриб, жуда яхши англаб келяпман. Сизнинг хонавайрон бўлишингизнинг менга ҳеч аҳамияти, йўқ. Ақлимни таниганимдан буён мени бирор киши севмаган. Табиийки, мен ҳам ҳеч кимни севмайман. Мана, энди менинг миям қандай фикрлар билан банд эканлигини англагандир-сиз?

– Бундан шундай хулоса чиқадики, – деди Данглар, у қизининг гаплари иззат-нафсига текканидан ғазабланмаган эди, – сен мени батамом хонавайрон бўлишимни истар экансан-да?

– Батамом хонавайрон бўлишингизни истармишман-ми? Мен-а? – деди Эжени, – гапингизга тушунмадим.

– Тушунмаган бўлсанг яна яхши, бу менга умид бағишлайди. Бўлмаса қулоқ сол.

– Қулоғим сизда, – деди Эжени отасига еб қўйгудай тикилиб; ота эса бу қарашга аранг бардош берди.

– Князь Кавальканти, – деди сўзини давом эттириб Данглар, – сенга уйланмоқчи ва бунинг эвазига банкимга уч миллион қўймоқчи.

– Жуда сахий одам экан-ку, – деди заҳарханда қилиб Эжени қўлқопини силаб.

– Отам бу уч миллиондан фойдаланмоқчи, деб ўйлаяпсан, шекилли? – деди Данглар. – Асло ундай эмас, бу уч миллион кам деганда ўн миллион фойда келтириши керак. Мен бир банкир билан бирга темир йўлни концессияга оляпман. Бу саноатнинг ҳозирги замонда тез вақт ичида катта фойда келтирадиган ягона соҳаси. Бир вақтлар Лоу ҳам Парижнинг анқов чакана савдогарларига фириб бериб шундай фойда олганди. Меним мўлжалимда, бир замонлар Огойо соҳилларидаги чўлдан бир акр¹⁸ ерни эгаллаб олганлари сингари, ана шу темир йўлнинг миллиондан бир бўлагига эга бўлиб олинса, кифоя. Бу гаров пули бўлади, бу чўққи сари бир қадам қўйилди деган гап, чунки гаровга қўйган ана шу пулнинг эвазига ўн беш, йигирма, юз фунтлаб темир олаверасан. Хуллас, шу бугундан ҳисоблаганда мен ўз улушим ҳисобига тўрт миллион тўламоғим керак! Бу

¹⁸ Акр – 4047 м² ер ўлчови.

тўрт миллион, ҳали айтганимдек, ўн ёки ўн икки миллион фойда келтиради.

– Бироқ ўтган куни ҳузурингизда бўлганимда, эсингизда бўлса керак, – деди эътироз билдириб Эжени, – беш ярим миллионга вексель тайёрлаганингизни ўз кўзим билан кўрган-дим-ку, сиз ҳатто ўша газнахонанинг икки облигациясини менга кўрсатдингиз ва шундай катта қийматли қоғозни кўриб ҳам пинагимни бузмаганимдан ҳайратда қолдингиз.

– Тўғри, аммо у беш ярим миллион меники эмас, фақат менга бўлган ишончнинг далили, депутат сифатида қозонган обрўйимни ҳисобга олиб, менга етимхоналар Бошқармасини топшириб қўйишди, ўша беш ярим миллион ана шу Бошқарманинг пули. Бошқа вақтда қўлимга тушганда мен бу сармоядан боплаб фойдаланиб қолардим, бироқ шу кунлари катта-катта зарар кўрганим ҳаммага аён ва боя айтганимдек, кредитдан ажралиб қоляпман. Бошқарма истаган вақтда банкимга қўйган пулини талаб қилиши мумкин, борди-ю, унинг пулини муомалада ишлатиб юборсам, қайтаролмайман, унда мени синган судхўрга чиқариб қўйишлари ҳеч гапмас. Мен синишдан кўрқмайман, бироқ у хонавайронликка эмас, бойишга олиб борадиган синиш бўлиши керак. Борди-ю, сен Кавалькантига турмушга чиқсанг ва мен ундан уч миллионни олсам жиплақурса, одамлар шу пулни олибди, деб ўйласа бас, менинг кредитларим дарҳол тикланади, ана шунда менинг бойлигим яна ҳам муштақамланади, кўнглим жойига тушади, йўқса бир ойдан кўпроқ кетимдан тушиб юрган фалокат гирибонимдан бўғади. Тушундингми гапларимга?

– Тушундим. Мени уч миллионга гаровга қўймоқчимисиз?

– Бу сумма қанча кўп бўлса, шунча яхши. Сенинг баҳонг ана шу сумманинг миқдори билан белгиланади.

– Раҳмат сизга, жаноб. Яна бир гапим бор: маблағнинг ўзига тегмай, фақат жаноб Кавалькантининг жамғармасидан номигагина фойдаланишга ваъда берасизми менга? Мен буни худбинлик қилиб эмас, бу қалтис иш бўлганидан шундай деяпман. Бойлигингизни тиклашда сизга ёрдам беришга тайёрман, бироқ бошқаларни хонавайрон қилишда сизга шерик бўлишни асло истамайман.

– Ахир ҳалиги уч миллионнинг ёрдами билан деяпман-ку, сенга... – деди хитоб қилиб Данглар.

– Уша уч миллионга тегмай, ишимни тўғрилаб оламан, деб ўйлаяпсизми?

– Ҳа, бунга ишончим комил, лекин албатта бўлиши шарт.

– Менинг селимга ваъда этган беш юз минг франкни Кавалькантига тўлай оласизми?

– Рўйхатдан ўтиб келишингиз билан у беш юз мингни олади!

– Яхши!

– Яхши, деганинг нимаси?

– Ўрни, мен имзо қўяман, бироқ ихтиёрим ўзимда қолади.

– Албатта.

– Ундай бўлса, жуда соз, мен шу шарт билан жаноб Кавалькантига турмушга чиқишга тайёрман.

– Нима қилмоқчисан ўзинг?

– Бу менинг сирим. Мен сизнинг сирингизни билиб олсаму, сўнг ўзимникини сизга айтиб берсам – сиздан нима афзаллигим қолади менинг?

Данглар лабини тишлади.

– Хуллас, – деди Данглар, – ҳамма расмий маросимларни бажо келтиришга розимисан?

– Ҳа, – жавоб берди Эжени.

– Уч кундан сўнг шартномага ҳам қўл қўясанми?

– Ҳа.

– Ундай бўлса мен ҳам сенга «яхши» дейман. Данглар қизининг қўлини тутиб, сиқиб қўйди. Аммо шуниси тааж-жубланарлики, иккиси қўл сиқишиб олишди-ю, бироқ ота «раҳмат сенга» дейишга журъат этмади, қизи эса лоақал илжайиб ҳам қўймади.

– Музокарамиз тугадими? – сўради Эжени ўрнидан туриб.

Данглар, ҳамма гап тамом бўлди, дегандек бошини қимирлатиб қўйди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас мадемуазель д'Авриньи роялни янградиб юборди, мадемуазель Данглар эса Брабанционинг Дездемонани лаънатлаган қўшиғини куйлай бошлади.

Ария тугаши билан Этьен кирди-да, Эженига, отлар тайёр, баронесса кутиб турибди, деб хабар қилди.

Бу иккала аёл Вильфорларникида бўлганидан ва у ердан чиқиб, бошқаларникига жўнаб кетганидан хабардор-миз.

ХІХ. НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

Ота билан қизнинг биз баён этган суҳбатидан сўнг, ордан уч кун ўтди, яъни мадемуазель Эжени билан банкир ҳамон князь деб улуғлаб келаётган Андреа Кавалькантининг никоҳ куни етиб келди. Кеч соат бешга яқинлашиб қолган эди. Роҳатбахш шабада Монте-Кристо уйи олдидаги муъжазгина боғ дарахтларининг япроқларини силкитарди. Граф йўл тараддудиди, извошчи чорак соатдан буён извошдаги депсиниб турган отларнинг жиловидан тутиб турибди. Шу он бизга таниш ҳашаматли извош дарвозадан кириб келди. Ундан оғзи қулоғида Кавальканти ирғиб тушди. У князь хонадони билан аллақачон аймақлашаётгандай ўзида йўқ хурсанд эди.

Одатдагича, расмоният учун графнинг ҳол-аҳволини сўраган бўлди-да, иккинчи қаватнинг зинасидан юқорига югуриб бораётиб, графнинг ўзига дуч келди.

Уни кўриб граф тўхтади. Ўзида йўқ Андреа Кавальканти чопқиллаб бориб:

– Салом, азизим граф! – деди.

– Э, жаноб Андреа, сизмисиз? – деди граф одатдагича истехзоли оҳангда. – Аҳволлар қалай?

– Жуда яхши! Сизга айтадиган қоп-қоп гап толиб келдим. Лекин дастлаб айтинг-чи, йўлга чиқяпсизми ёки ҳозиргина қайтиб келдингизми?

– Йўлга чиқяпман.

– Ундай бўлса, сизни маҳтал қилмай рухсатингиз билан ёнингизга чиқиб олиб, йўлда айтиб бера қолай. Том орқадан бораверади.

Бу йигитчанинг даврада бўлишини истамаган граф нафрат билан сезилар-сезилмас илжайиб:

– Йўқ, – деди, – гапларингизни шу ерда эшитганим маъқул, азизим жаноб Андреа: уйда гаплашиш қулай, бу ерда ҳатто гап ўғирлайдиган извошчи ҳам йўқ.

Шундай деди-да, граф иккинчи қаватдаги кичик меҳмонхонага кириб, оёқларини чалиштириб ўтириб олди ва меҳмонни ҳам ўтиришга таклиф этди.

– Азизим граф, – деди Андреа қувончдан терисига сиймай, – никоҳ шу бугунга тайин этилгани сизга маълум бўлса керак: соат кечкурун ўнда қайнотамникида шартномага қўл қўйилади.

– Ана холос! Ҳали шундай денг! – деди Монте-Кристо.

– Ия, ҳали сиз бундан беҳабармидингиз? Данглар сизга айтмадимми?

– Хабарим бор, – деди граф, – кеча хат олгандим, бироқ хатда соати кўрсатилмаганди-ю.

– Эҳтимол, қайнотам, бу ҳаммага маълум, деб ўйлагандир-да.

– Жуда соз. Табриклайман сизни, жаноб Кавальканти, – деди Монте-Кристо, – узукка кўз қўйгандек бир-бирингизга жуда моссиз, бунинг устига мадемуазель Данглар нозанин қиз.

– Ҳа, жуда гўзал ойимча, – деди ўзини камтарликка солиб Кавальканти.

– Энг муҳими – жуда бой қиз, шундай деганларини эшитдим, – деди Монте-Кристо.

– Жуда бадавлат, деб ўйлайсизми уни?

– Шубҳасиз. Айтишларига қараганда, Данглар кам деганда дунёсининг ярмини яшириб қўйган эмиш.

Андреанинг кўзлари қувончдан порлаб кетди.

– Унинг ўзи, – деди Андреа, – ўн беш ёки йигирма миллион маблағи борлигини очиқ айтяпти.

– Бунинг устига, – деди Монте-Кристо, – у яна бир фойдали ишни қўлига олмоқчи, бу нарса Қўшма Штатларда ва Англияда оддий гап бўлса-да, Францияда мутлақо янгиликдир.

– Ҳа, биламан, у ҳозиргина олган темир йўл концессиясини айтяпсиз-да, шундайми?

– Худди шундай... Кўпчиликнинг фикрича, бу ишда у кам деганда ўн миллион фойда қилса керак.

– Ўн миллион? Ростдан-а? Мана буниси яна соз бўлади? – деди Кавальканти бу дабдабали сўзлардан маст бўлиб.

– Бу бойликларнинг ҳаммаси, – деди сўзини давом эттириб Монте-Кристо, – шубҳасиз, сизники бўлиб қолади. Ма-

демуазель Данглар яккаю ягона фарзанд экан, шундай қилишлари турган гап. Айтганча, ўзингизнинг ҳам маблағингиз отангизнинг гапига қараганда, қайлиғингизникидан озгина кам бўлса керак. Биласизми, жаноб Андреа, чамамда сиз бу ишни усталик билан жуда тез амалга оширдигиз.

– Ҳа, боппадим, – деди Андреа, – ахир онадан дипломат бўлиб туғилганман-да.

– Бўпти-да, мана энди дипломат ҳам бўлиб оласиз, дипломат бўлиш учун ўқишнинг зарурати йўқ, фақат фаҳм-фаросат бўлса кифоя... Шундай қилиб қалбингиз асирга тушиб, ошиқу шайдо бўлиб қолсиз-да?

– Ҳа, ўзим ҳам шунақароқ бўлиб қолдимми, деб кўрқиб турибман, – деди Андреа француз театри сахнасида Альцестга Дорант ёки Валер берган жавоб оҳангида.

– Жонон ҳам ошиқу беқарормикин сизга?

– Шундайдир-да, менга тегяпти, – деди Андреа тантанавор илжайиб. – Лекин бир муҳим вазиятни унутмаслик зарур.

– Қанақа вазият экан?

– Менга бу ишда беҳад ёрдам берган вазиятни.

– Шундайми?

– Шубҳасиз.

– Вазият ёрдам бердимми?

– Йўқ, сиз ёрдам бердингиз.

– Мен? Қўйинг, князь, бўлмағур гапни, – деди Монте-Кристо Андреанинг унвонига шама қилиб. – Мен қанақа ёрдам беришим мумкин? Исми шарифингиз, жамоатчиликдаги нуфузингиз ва шахсий фазилатларингиз етарли эмасми?

– Йўқ, – деди Андреа, – нима десангиз деяверинг, аммо мен такрор эътироф қиламан: менинг номим, нуфузим ва шахсий фазилатларимга қараганда сизнинг жамиятда туғган ўрнингиз, салобатингиз кўпроқ ёрдам берди менга.

– Жуда янглишяпсиз, жаноб, – деди Монте-Кристо Андреанинг сўзларидаги маккорона ишоратни фаҳмлаб, – мен муҳтарам отангизнинг бойлигини ва нуфузини эшитгандан кейин сизга ҳомийлик қилдим. Ким туфайли танишдим мен сиз билан? Сизни ва муҳтарам отангизнинг илгари ҳеч қачон, ҳеч қаерда кўрмаганман, икки дўстим лорд Уилмор

ва аббат Бузони туфайли сиз билан танишдим. Сизни жамоатчилик орасига олиб киришга (кафил бўлишга эмас!) мени нима мажбур этди, биласизми? Италияда машҳур ва ҳурматга сазовор бўлган отангизнинг номи сабабчи бўлди. Шахсан сизни эса яхши танимаيمان.

Графнинг ўзини ниҳоятда босиқ тутиши ва унинг бетакаллуфлигини кўриб турган Андреа шу дақиқада кучли бир зотнинг тузоғига илиниб қолганлигини ва ундан қутулиб чиқиш осон эмаслигини фаҳмлади.

– Граф, айтинг-чи, отам ҳақиқатан ҳам шунақа бадавлат одамми? – сўради Кавальканти.

– Афтидан, шунақага ўхшайди, – деди Монте-Кристо.

– Дангларга мен берадиган пул келдимикин, хабарингиз борми?

– Билдириш хати олдим.

– Демак, уч миллион...

– Уч миллион, афтидан йўлда...

– Мен оламанми уни?

– Шу пайтгача ваъда қилинган суммаларнинг ҳаммасини олиб келдингиз-ку.

Андреа ҳайрон бўлиб, ўйланиб қолди. Сўнг деди:

– Ундай бўлса, жаноб, сиздан бир илтимосим бор, сизга ёқмаса-да, аҳволимни ҳисобга олурсиз, деб ишонаман.

– Хўш, қанақа илтимос экан, қани айтинг-чи, – деди Монте-Кристо.

– Давлатмандлигим туфайли кўп одамлар билан танишдим, анча дўст-оғайни орттирдим. Аммо, ана шу машҳур оиланинг қизига ўйланишим вақтида бутун Париж жамоатчилиги олдида шуҳратли, донгдор бир кишига таянмоғим, унинг паноҳида бўлмоғим зарур. Мени меҳробга падари бузрукворим етаклаб бормас экан, бошқа бир бақувват, шони шуҳратли зот етаклаб бормоғи шарт. Отам тўйимизга келмаса керак, тўғримми?

– У жуда мункиллаб қолган, сафарга чиқадиган бўлса эски яралари кўзийди.

– Тушундим. Шунинг учун ҳам сиздан илтимос қилияпман.

– Мендан?

– Ҳа, сиздан.

– Тавба, нега энди мендан?

– Отам ўрнида ота бўлинг.

– Қанақа қилиб сизга ота бўламан, азизим? Бу илтимосингиздан маълум бўлдики, шунча бирга суҳбатда бўлиб, ҳалиям мени яхши билмабсиз-да. Мендан ярим миллион қарз сўрасангиз (бунақа қарз бериш ғайри табиий бўлса-да) сираям хижолат тортмаган бўлур эдим. Мен сизга, граф Монте-Кристо бу ернинг жамоатчилиги ҳаётида қатнашганида ҳам шарқнинг ахлоқ тартиб-қоидаларини, ҳатто янглиш тушунчаларини ҳеч унутмайди, деган эдим, шекилли, Қоҳирада ҳарамхонам бор, Смирнада ҳам ҳарамхонам бор, Константинополда ҳам, шу ҳолда мен қандай қилиб вакил бўла оламан! Асло!

– Демак, рози эмассиз, шундайми?

– Мутлақо розимасман! Ўз фарзандим ё укам бўлганингизда ҳам рози бўлмасдим.

– Ишим ҳеч юришмади-да! – деди тарвузи қўлтиғидан тушиб Андреа. – Энди нима қилдим?

– Гапингизга қараганда, ёр-оғайниларингиз кўпга ўхшайди.

– Лекин, Данглар хонадони билан мени таништирган одам сиз бўласиз-ку.

– Асло ундай эмас! Келинг, далилларни эслайлик, сиз у билан Отейлдаги уйимда меҳмон бўлдингиз ва ўшанда у билан сизни мен таништирдим йўқ, ўзингиз танишиб олдингиз.

– Тўғри, аммо менинг уйланишимга... сиз ёрдам бердингиз...

– Мен? Заррача ёрдам берганим йўқ. Мен сизнинг номингиздан Дангларнинг қизига совчи бўлишимни сўраб келганингизда нима деганимни бир эсга олинг-а, муҳтарам князь. Билиб қўйингки, мен ҳеч вақт, ҳеч қандай никоҳга бош бўлмаганман ва бундан кейин ҳам бўлмайман, менинг тутган йўлим шундай.

Андреа лабини тишлади.

– Шундай бўлса-да, у ерга бугун борарсиз? – сўради Андреа.

– Бутун Париж одамлари борадими у ерга?

– Бўлмасам-чи!

– Унда мен ҳам бораман, – деди граф.

- Никоҳ шартномасига имзо чекасизми?
- Бунга эътирозим йўқ, унчалик қайсар эмасман.
- На чора! Шунисига ҳам шукр. Яна бир сўзим бор, граф.
- Марҳамат.
- Менга маслаҳат беринг.
- Бу осон иш эмас! Маслаҳат бериш ёрдам беришдан кўра оғирроқ.
- Бунақа маслаҳат бериш сизга ҳеч гапмас, бунинг сизга заррача оғирлиги йўқ.
- Қани айтинг-чи.
- Хотинимнинг қалини беш юз минг ливр бўлармикин?
- Бу рақамни менга барон Дангларнинг худди ўзи айтганди.
- Уни ўзим олайми ёки нотариусга қолдирайми?
- Бунинг тартиби қуйидагича: шартномага қўл қўйилаётганда иккала нотариус эртага ёки индинга учрашиши ҳақида келишиб олишади, ана шу учрашувда улар қалинларни айирбошлашади ва бу ҳақда бир-бирига тилхат беришади, никоҳдан кейин ўша миллионларнинг ҳаммасини, оиланинг бошлиғи сифатида, сизга беришади.
- Гап шундаки, – деди Андреа, ташвишга тушиб қолганини яширолмай, – қайнотам бизнинг маблағимизни ҳозир сиз айтган лаънати темир йўл концессиясига ишлатмоқчи.
- Ишлатса, тагин яхши! – деди Монте-Кристо. – Шу йўсинда сизнинг сармоянгиз бир йилда уч баравар кўпаяди. Кўп кишилар шундай дейишяпти. Барон Данглар яхши ота ва ҳисоб-китобга ҳам жуда уста.
- Ундай бўлса, ҳаммаси жойида экан, – деди Андреа, – фақат сиз илтимосимни рад этиб, ўкситиб қўйдингиз мени.
- Бундай ҳолларда киши, табиийки, инжиқ бўлади, сабабини шунга йўя қоласиз-да.
- Нима ҳам дердим, – пинғиллади Андреа, – келинг, сизнингча бўла қолсин. Кечқурунгача хайр.
- Хайр!
- Оқарган лабларида табассум титраб турган Монте-Кристонинг сезилар-сезилмас қаршилиқ кўрсатишига қарамай, Андреа унинг қўлини тутиб, қисиб қўйди ва ирғиб фойтунига миниб, жўнади.

Андреа кечгача вақтини бекорга ўтказмади, ёр-оғайнилариникига, таниш-билишлариникига югуриб-елиб ҳамма ни кечки тантананага таклиф этди. Шу кунларда ҳамманинг бошини қотириб юрган Дангларнинг қўлидаги сеҳрли акцияларни кўрсатаман, деб қизиқтирди, шу муносабат билан ҳамма кечқурун банкирникида бўлишга истак билдирди.

Кечқурун соат саккиз яримда Дангларнинг катта меҳмонхонаси, унга ёндош йўлка ва яна уч меҳмонхона меҳмонлар билан тўлди, хушвақт меҳмонлар бу хонадонни ёқтиргани учун эмас, бирор янги нарсани кўргани келишган эди.

Академия аъзоси махсус таклифномалар билан ўтказиладиган кечки зиёфатни беқарор капалаклар ва оч асалариларни ўзига чорловчи гулхона деб атаган бўларди.

Меҳмонхоналарда сон-саноксиз чироқлар кўзларни қамаштирарди, заррин, жимжимадор нақшлар ва деворлардаги ранго-ранг пардалар беҳисоб нурлар ёғдусида товланар, бу ҳашамлар дид-фаросатдан эмас, фақат бой-бадавлатликдан, пулдорликдан дарак бериб турарди.

Мадемуазель Эжени ниҳоятда одми кийиниб олган эди: эгнида каштаси ўзидан кўйлак, қоп-қора сочларига тақилган оппоқ атиргул унинг бор-йўқ безаги эди. Бирорта қимматбаҳо зеби-зийнат тақмаган эди у. Либослар унинг ўзига ғалати кўринар ва бу ҳолни дидсизлик аломати деб ҳисобларди, шунга қарамай, кўзларида дадиллик, ўзига зўр ишонч белгилари ёниб турарди.

Эженидан бир неча қадам нарида Данглар хоним Дебрэ, Бошан ва Шато-Рено билан қуюқ суҳбатлашиб ўтиришарди. Дебрэ ҳам бу хонадонда тантана муносабати билан яна пайдо бўлди, бироқ бу гап у оддий меҳмон сифатида келганди, унга ортиқча такаллуф кўрсатилмади.

Депутатлар ва молия корчалонлари даврасига тушиб олган Данглар зўр бериб солиқларнинг янги системаси ҳақида ва муҳит ўзгариб, ҳукумат унга министрлик лавозимини таклиф этса, шу системани амалга оширажаги ҳақида гап сотарди.

Андреа эса Операнинг доимий томошабинларидан бирининг қўлтиғидан тутиб, ҳаёсизлик ва сурбетлик билан

(хижил бўлиб қолмаслик учун у шунга мажбур эди) ўзининг келгусидаги режаларини, бир юз етмиш беш минг франк йиллик фойдани эгаллаб олиб, Парижнинг олий табақалари сафида қандай жойлашиб олмоқчи эканлигини ҳикоя қиларди.

Бошқа меҳмонлар қимматбаҳо фирузаларни, ёқутларни, зумрадларни, биллурларни ярқиратиб, у хонадан бу хонага ўтиб юришарди.

Ҳар галгидек, ёшини яшаб қўйган аёллар – зеб-зийнатга кўмилиб кетган ҳали ёш бадбурушлар эса кўпроқ ўзларини ҳаммага кўз-кўз қилиб, гердайишарди. Энг гўзал, нозанин, ифбатли жононлар бурчак-бурчакларда онаси ёки холаси орқасига бекиниб ўтиришарди.

Қозондек қайнаб турган халойиқ орасида хизматкорлар тўйга машҳур молия корчалонлари, ҳарбий соҳада ҳурмат қозонган ёки адабиётда донғи чиққан намояндалар ташриф буюрганини билдириб, уларнинг исм-шарифларини бақириб-чақириб эълон қилишарди, ўтирганлар эса бир қалқиб, янги меҳмонни ҳурмат билан кутиб оларди.

Булар орасида ўз номи, нуфузи билан кўпчилиқни ҳаяжонга соладиганлар бор эди, албатта, бироқ одамлар назар-писанд қилмайдиган ёки нафрат билан қарайдиган кимсалар ҳам оз эмасди.

Пинакка кетган Эдимион сурати солинган улкан соатнинг олтин циферблати устидаги стрелка тўққизни кўрсатиб, механик фикрни ифодаловчи қўнғироқча тўққиз бор бонг урганда, граф Монте-Кристонинг номи эшитилди. Ҳамма, худди электр токи ургандек бир сесканиб, эшик томон юзланди.

Граф, одатдагича, оддий қора фрак кийган, оқ нимчаси кенг кўкрагига ёпишиб турар, довюраклиги барқ уриб турган олпоқ юзи ва бўйнидаги қора ёқаси яна ҳам яққолроқ кўзга ташланарди.

Унинг олпоқ нимчаси устига осилиб тушган қимматбаҳо ингичка соат занжирини нимчанинг зар ипидан ажратиш қийин эди.

Шу заҳоти остоналарда тўп-тўп оломон пайдо бўлди.

Граф кириши билан меҳмонхонанинг бир бурчагида Данглар хонимни, иккинчи бурчагида эса Дангларни, эшик

қаршисида мадемуазель Эженини кўрди. У дастлаб де Вильфор хоним билан гаплашиб турган баронесса олдиға борди (Вильфор хоним якка ўзи келганди, Валентина ҳали ўзига келмагани учун Вильфор тўйға келолмади), сўнгра оломонни ёриб ўтиб, Эжениға яқинлашди-да, совуқ оҳангда уни табриклади; ўзига бино қўйган артистка ҳанг-манг бўлиб қолди.

Эжени ёнида турган Луиза д'Авриньи Италияға тавсиянома бергани учун графға миннатдорчилик билдирди ва ундан тез вақтда фойдаланмоқчи эканлигини айтди.

Граф қизлар билан хайрлашиб орқасига ўгирилган эди, у билан қўл олиб кўришгани келаётган Дангларни кўрди.

Монте-Кристо ҳамма расм-русмларни бажо келтириб бўлди-да, тик турганча атрофидагиларға номдор кишиларға хос ғурурла назар ташлаб чиқди. Унинг кўзлари: «Мен нимаики зарур бўлса, ҳаммасини қилдим, энди бошқалар менинг олдимдаги ўз бурчларини адо этсинлар», дерди.

Қўшни меҳмонхонадаги Андреа меҳмонларнинг ҳаракатидан Монте-Кристо келганлигини сезиб, унинг истиқболига югуриб чиқди. Шу пайт графни меҳмонлар ўраб олишган эди. Ҳамманинг қулоғи унда, одатда камсухан ёки беҳудаға гап сотавермайдиган кишиларнинг сўзларини одамлар берилиб тинглашади.

Шу он нотариуслар кириб келишди-да, ола-була хатлар чизилган қоғозларни баҳмал дастурхон ёпиғлиқ заррин, нақшинкор стол устиға қўйишди, бу стол шартномаға қўл қўйиш учун махсус тайёрланган эди.

Нотариуслардан бири ўтирди, иккинчиси эса тик тураверди.

Тантанада ҳозир бўлганлар, яъни Париж жамоатчилигининг ярми қўл қўядиган шартнома ўқилиши керак.

Ҳамма ўтирди, тўғрироғи, аёллар давра қуриб ўтиришди-ю, бироқ Буалонинг таъбири билан айтганда, бу «сергайрат услубға» унча эътибор бермайдиган эркаклар Андреанинг ўта ҳаяжонға тушаётганлигини, Дангларнинг маросимға ниҳоят зўр эътибор бериб турганлигини, Эженининг эса парвойи фалаклиги ва баронессанинг бу муҳим ишға эътибор бермай енгилтаклик билан қақиллаётгани ҳақида гап сотишарди.

Шартномани ҳамма жим туриб эшитди. Уқиб бўлингач, меҳмонхонада янада кучлироқ ғовур-ғувур кўтарилди. Келин-куёвнинг келажағини порлатиб турган бу улкан суммалар, бу миллионлар ва бунинг устига махсус хоналарга тегиб қўйилган беҳисоб сеп-сарполар, биллурлар ҳасадчи меҳмонларнинг эҳсонасини чиқариб юборган эди.

Ёш йигитлар кўзига мадемуазель Данглар янада гўзалроқ – худди қуёшни хира қиладигандек кўриниб кетди.

Аёлларга келганда, шуни айтиш керакки, улар ҳам молдунёга ҳаваси келган бўлса-да, аммо ҳусн-жамолимиз олдида буларнинг қадри йўқ деб ҳисоблашарди.

Ёр-оғайнилари қуршовида табрик ва олқишларга кўмилиб ўтирган Андреа ҳам булар туши эмас, ўнги эканлигига ишониб, ўзида йўқ қувониб кетган эди.

Нотариус дабдаба билан қўлига патқалам олиб, баланд кўтарди-да:

– Жаноблар, – деди, – шартномага имзо чекишни бошлаймиз!

Биринчи бўлиб барон, сўнг Кавальканти отасининг вакили, ундан кейин баронесса, унинг кетидан никоҳланувчилар (гербли қоғозга одатда мана шунақа жирканчли сўзлар ёзилади-да!) имзо чекди.

Барон патқаламни олиб қўл қўйди, иккинчи бўлиб вакил ота қўл қўйди.

Баронесса де Вильфор хоним билан қўлтиқлашиб стол ёнига келди ва қўлига патқалам олди-да, эрига мурожаат қилиб:

– Азизим, – деди, – афсуски, фавқулодда ўлдириш ва ўғирлик билан боғлиқ бир масалага андармон бўлиб, жаноб де Вильфор келолмай қолди, бу даҳшатли воқеадан нақ бўлмаса граф Монте-Кристандан ажралиб қолай дедик.

– Э, тавба! – деди Данглар бепарволик билан «Менга барибир эмасми» дегандек ғалати оҳангда.

– Жаноб де Вильфорнинг келолмай қолганлигига мен сабабчи бўлмадиммикин? – деди Монте-Кристо стол ёнига келиб.

– Сиз? Нега энди? – деди Данглар хоним шартномага қўл қўяётиб. – Мабодо шундай бўлиб чиқса, бу гуноҳингизни асло кечирмайман, граф, эҳтиёт бўлинг.

Андреа қулоқларини динг қилиб турарди.

– Аслини олганда, мен бунда айбдор эмасман, – деди граф, – буни исботлаб бера оламан сизга.

Камсухан Монте-Кристо нима деркин, деб ҳамманинг диққати унда эди.

– Жаноблар, эсингизда бўлса керак, – деди граф жимликни бузиб, – ўша меникига тушмоқчи бўлган бадбахт ўғри ҳовлимда ўлдирилган эди, қотил ўғрининг ўз шериги деган тахминлар бор.

– Ҳа, тўғри, – деди Данглар.

– Унга тез ёрдам бериш учун дарҳол ечинтиришган ва кийимларини бурчакка ташлаб кетишган экан, полиция ходимлари камзули билан шимини олганлару, нимчасини кўрмай қолдириб кетишган экан.

Андреанинг ранги қув ўчди, у тепасида қора булут пайдо бўлаётганини сезиб, ўзини аста эшик яқинига олди.

– Бугун ўша қонга бўялган мудҳиш нимча топилди, чап кўрагини пичоқ тешиб ўтган экан.

Аёллар қичқириб юборишди, баъзилари ҳатто ҳушдан кетишига оз қолди.

– Уни менга олиб келиб беришди. Бу жудур нимча қаёқдан пайдо бўлиб қолганлигини ҳеч ким билмайди; мен ўша ўлдирилган кимсаники бўлса керак, деб ўйладим. Камердинерим бу жирканч матоҳни аста текшира туриб, тўсатдан чўнтагидан қоғоз топиб олди, бу хат экан, тағин кимга ёзилган денг – сизга, барон.

– Менга? – деди таажжубланиб Данглар.

– Ҳа, афсуски, сизга, хат қонга бўялиб кетган экан, исмингизни аранг ўқидим, – деди Монте-Кристо.

Ҳамма пол бўлиб қолди.

– Бу воқеанинг жаноб де Вильфорнинг бу ерга келмай қолишига қандай дахли бор? – сўради эрига ташвиш билан тикилиб қолган Данглар хоним.

– Бунда ҳечам ажабланадиган нарса йўқ, бека, – деди Монте-Кристо, – нимча ва хат жинойт белгисидир, мен икковини ҳам жаноб қироллик прокурорига юбордим. Биласизми, азизим барон, жинойтга тааллуқли масалаларда қонун-қоидага мувофиқ иш тутган яхши, эҳтимол, бунда

сизга нисбатан бирор ёмон нияти бўлган кимсанинг қўли бордир.

Андреа Монте-Кристога бақрайиб қаради-да, ёндаги меҳмонхонага яширинди.

– Эҳтимол, эҳтимол, – деди Данглар, – ўлдирилган кимса каторгада бўлганлардан шекилли, шундайми?

– Ҳа, каторгада бўлган маҳбуслардан, номи Кадрусс.

Дангларнинг ранги бўзара бошлади; Андреа эса иккинчи меҳмонхонадан айвонга ўтиб олди.

– Ия, нега имзо қўймаяпсизлар? – деди Монте-Кристо. – Бундан чиқди, ҳикоям ҳаммани ҳаяжонга солиб қўйди, шекилли, кечиринг мени, баронесса, сиз ҳам, мадемуазель Данглар.

Ҳозиргина имзо чеккан баронесса патқаламни нотариусга тутқизди.

– Князь Кавальканти, – деди нотариус, – князь Кавальканти, қаёқдасиз?

– Андреа, Андреа! – қичқирди донгдор италиян билан жуда иноқлашиб қолган бир неча йигитлар.

– Чақиринг князни, ҳамма имзо чекишингизга маҳтал денг! – деди бақариб Данглар хизматкорларидан бирига.

Шу пайт қайси бирини икки ямлаб бир ютсам экан, деб пайдо бўлган девдан кўрққандек ҳамма жон ҳолатда ўзини кўча томондаги меҳмонхонага урди.

Бу даҳшатли манзара ҳар қандай одамнинг кайфини учириб юборар эди.

Жандарма офицери ҳар бир меҳмонхона эшиги олдига иккитадан соқчи қўйди-да, ўзи полиция комиссари билан бирга Данглар томон йўл олди.

Данглар хоним чинқариб юборди ва ҳушидан кетди.

Кўрққанидан ранги докадек оқариб кетган Данглар (баъзилар доим виждон азобида қийналиб юради!) тахта бўлиб қолди.

– Ҳўш жаноб, хизмат? – деди Монте-Кристо комиссар томон бир қадам ташлаб.

– Жаноблар, – деди полиция комиссари графнинг саволига эътибор қилмай, – орангизда Андреа Кавальканти деган киши борми?

Ҳамма таажжубланиб бараварига «вой», деб юборди. Андреани ахтара бошлашди. Бутунлай довдираб қолган Данглар бўғиқ овозда:

– Ахир, ким экан у Андреа Кавальканти? – деди.

– Тулонда қамоқдан қочган маҳбус.

– Нима жиноят қилган экан?

– У қамоқхонадаги шериги Кадрусс деган одамни граф Монте-Кристонинг уйидан чиқаётганда ўлдиришда айбланиди, – деди комиссар хотиржам овозда.

Монте-Кристо атрофга тез назар ташлаб чиқди. Андреа ғойиб бўлган эди.

XX. БЕЛЬГИЯ ЙЎЛИДА

Дангларнинг уйига тўсатдан жандарма офицери кириб келиши ва куёвнинг шармандаю шармисор этилишидан саросимага тушган меҳмонлар худди вабо ёки ўлатдан қочгандек, тумтарақай бўлди, банкирнинг кошонаси бир зумда хувиллаб қолди. Бундай ҳолларда кишилар юпатиш, тасалли бериш учун миси чиққан иборалар изҳор этишни истамайдилар.

Бутун бир кошонада кабинетини ичидан қулфлаб олиб, жандарма офицерига сўроқ бера бошлаган Данглар, юраги қинидан чиқиб кетаёзган ва бизга маълум бўлмасига кириб олган Данглар хоним, ғурур-ла ижирғаниб, айрилмас дугонаси Луиза Армилъини эргаштириб ўз хонасига кириб кетган Эжени – уч киши қолди.

Хизматкорларга келганда, улар бугун ҳар қачонгидан кўп эди: тантанага музқаймоқ қиладиганлар, ошпазлар ва Кафед-Паридан бош официант чақирилганди, бу бечоралар хўжайин хафа қилгани учун жаҳллари чиқиб буфетда, ошхонада, хизматкорлар хоналарида ишга қўли бормай ивирсиб юришарди.

Турли туйғу-ҳис билан изтиробга тушган бу одамлар ичида фақат иккитасига эътибор қилсак бўлади: булар Эжени Данглар билан Луиза д' Армилъидир. Келин, ҳали айтганимиздек, ҳақоратланган қиролчага ўхшаб, ғурур-ла ижирғаниб дугонаси билан чиқиб кетди-да, ўз хонасини ичидан қулфлаб олди, Луиза ўзини юмшоқ курсига отди.

– Э, Худойим, қандай балоларга мубтало этдинг бизни! – деди у. – Андреа Кавальканти алдоқчи... қотил,.. қочоқ маҳбус!.. Ким ўйлаганди шундай бўлади деб?

Эжени лабларини буриб:

– Ҳайҳот, – деди, – бошим фалокатдан чиқмади. Морсердан қутулиб, Кавалькантига тутилганимни қара-я!

– Нега энди иккисини тенглаштиряпсан, Эжени?

– Э, ер ютсин бу эркакларни! Эркак зотининг ҳаммаси бир гур, уларни кўрарга кўзим, отарга ўқим йўқ.

– Эжени, энди нима қиламиз? – сўради Луиза.

– Нима қиламиз, дейсанми?

– Ҳа.

– Уч кундан кейинги қилмоқчи бўлган ишимизни қиламиз... Кетамиз.

– Тўй бўлмаса ҳам кетаверасанми?

– Луиза, менга қара. Шунни билиб қўйки, оқсуякларнинг бундай турмушидан нафратланаман. Уларнинг ҳаёти худди бизнинг ноталаримиздаги чизиқлар сингари бир мақомга солиб, бир хилда ўтадиган, энсани қотирадиган завқсиз ҳаётдир. Мен умр бўйи артистчасига эркин яшашга, фақат ўзингга таяниб, изминг ўзингда бўлиб мустақил яшашга интилиб келдим. Шундай экан, нега энди бу ерда қолишим керак? Нима учун? Яна бир ойдан кейин эрга беришлари учунми? Кимга? Эҳтимол, Дебрэга берарлар? Бир вақт бу ҳақда ҳам вайсашган эди. Йўқ, Луизажон, йўқ, бугунги воқеа менга катта баҳона бўлди, бунини мен ахтарганим йўқ, сўраб олганим ҳам йўқ, Худойимнинг ўзи юборди менга, мен қучоқ очиб қутиб олдим, холос.

– Бунчалик куч ва жасоратни ким ато этди сенга, Эжени? – деди нозик, малла ранг қиз қора соч дугонасига.

– Наҳотки, шу вақтгача мени билмаган бўлсанг? Ке, ишларимиздан гаплашайлик, Луиза. Сафарга извош керак...

– Худога шукр, извош сотиб олинганига уч кун бўлди.

– Уни айтган жойга олиб бориб қўйгин, деб буюрдингми?

– Ҳа.

– Паспортларимиз қани?

– Мана!

Эжени одатдаги совуққонлик билан ҳужжатни ёзди-да, ўқиди: «Жаноб Леон д'Армильи, йигирма ёшда, рассом, сочи қора, кўзлари қора, синглиси билан саёҳат қилиб юрибди».

– Жуда соз! Қандай қилиб олдинг бу паспортни?

– Граф Монте-Кристандан Рим театрларининг директорларига тавсиянома ёзиб беришни сўраб борганимда, аёллар кийимида йўлга чиқишга қўрқаман, деган эдим, у менинг фикримга қўшилди ва эркак паспорти топиб беришни гарданига олди, орадан икки кун ўтгач, паспортни олдим ва «синглиси билан саёҳат қилиб юрибди», деган жумлани ўзим қўшиб қўйдим.

– Хуллас, – деди Эжени қувониб, – ҳамма ишларимиз битибди, фақат буюмларимизни йиғиб, жомадонларга жойласак бўлгани; энди тўй кунни эмас, никоҳ шартномасига қўл қўйиладиган кунни кечаси жўнаймиз.

– Эжени, яна яхшилаб ўйлаб кўр.

– Ўйлайвериб каллам шишиб кетди, энди ўйлайдиган ҳеч нарса қолгани йўқ. Ошириш, пасайтириш, испан фонди, гаита заёми ҳақидаги гаплар, суҳбатлар жуда жонимга тегди. Ўзинг бир ўйлаб кўр, Луиза, буларнинг ўрнига соф ҳавода, қушлар қўшиғи оғушида Ломбардия саҳроларида, Венеция каналларида, Рим саройларида, Неаполь соҳилларида эркин нафас олиб юрганим яхши эмасми? Ҳаммаси бўлиб қанча пулимиз бор?

Луиза ёзув столи тортмасидан қулфлаб қўйилган жуздонни олди-да, уни очди: ичида йигирма учта қимматбаҳо қоғоз бор эди.

– Йигирма уч минг франк, – деди у.

– Бунинг устига, яна кам деганда шу суммага тенг марварид, биллуримиз ва олтин тақинчоқларимиз ҳам бор, – деди Эжени. – Иккимиз жуда бой эканмиз-ку, Луиза. Бу қирқ беш минг ақча билан икки йил маликалардек ёки тўрт йил тузуккина кун кечиришимиз мумкин. Ярим йил ўтар-ўтмас санъат бобидаги ҳунаримиз билан маблағимизни икки ҳисса ошириб оламиз. Луиза, сен пулларни ол, мен қутичани оламан, мабодо биримиз йўқотсак, иккинчимиздагиси қолади. Энди, ке, ашқол-дашқолимизни йиштирайлик.

– Сабр қил, – деди Луиза ва Данглар хоним бўлмасига чиқадиган эшик олдига бориб қулоқ солди.

– Нимадан қўрқяпсан?

– Тўсатдан кириб қолмасинлар тағин.

– Эшик қулфлоқ.

– Оч деб тақиллатсалар-чи?

– Тақиллатаверишсин, очмаймиз.

– Сен ҳақиқий амазонка суворийсининг худди ўзисан, Эжени.

Иккала қиз барча керакли буюмларини тез йиғиштириб, жомадонларга жойлашди.

– Мана, бирпасда тахт бўлди-қўйди, – деди Эжени. – Мен кийиниб олгунимча, сен жомадонни ёпиб тур.

Луиза оппоқ нозик қўллари билан роса кучаниб жомадоннинг қопқоғини босди.

– Кучим етмаяпти, – деди, – ўзинг бекит.

– Вой, эсим қурсин, ахир мен Геркулесман-ку, сен эса рангпар Омфаласан, – деди кулиб Эжени ва тиззасини қўйди, жомадон қопқоғи ёпилиб, Луиза қулфлагунча зўр бериб босиб турди. Бу иш тугагач, Эжени комодни очди (калитини ҳамиша ўзи олиб юрарди) ва йўлга киядиган мур-сакни олди.

– Мана, қўрдингми, – деди у, – ҳаммасини олдиндан ўйлаб қўйганман, йўлда совқотмайсан.

– Ўзинг нима киясан?

– Мен совқотиш нималигини билмайман, бунинг устига, устимда эркаклар костюми...

– Шу ернинг ўзида эркакча кийиниб оласанми?

– Бўлмасам-чи.

– Улгурасанми?

– Қўрқма, уйдагиларнинг ҳаммаси бояги ғалвадан боши гаранг. Бўлмамни ичидан қулфлаб олганимдан ҳеч ким ажабланмайди ҳам. Биласанку, «мен оғир қайғуга ботганман».

– Ҳа, тўғри айтасан, ташвишланмаса ҳам бўлади.

– Ке, ёрдам қил менга.

Ҳали мурсак олган жавондан эркакларнинг бир сидра уст-бошини – бошмоқдан нимчагача, қўйлак-чолворгача – ҳамма зарур нарсаларни олди. Сўнг эпчиллик билан чол-

ворни кийди, галстукни тақди, қадди-қоматига ёпишиб тушган нимчанинг тугмаларини солди. Эжени эркакча биринчи марта кийинмаётгандек кўринарди.

– Жуда ҳам ярашди-да, сенга! – деди Луиза дугонасига завқ билан тикилиб. – Бироқ ҳамма хотин-қизлар ҳавас қиладиган гўзал кокилларингни эркаклар шляпаси остига қандай қилиб яширасан?

– Мана қараб тур, – деди Эжени.

Эжени чап қўли билан йўғон соч ўримини тутамлаб, ўнг қўли билан каттакон, оғир қайчини тутди-да, бирин-кетин қирқиб оёғи остига ташлади. Соц толалари камзулимга илашиб қолмасин, деб қаддини бир оз олдинга эгиб олганди. Сўнг чаккасидаги кокилини ҳам қирқиб ташлади. Унинг юзида ачиниш аломати сезилмасди, аксинча, қоп-қора қошлари остидаги кўзлари ҳар қачонгидан ҳам шўхчан, кучлироқ порларди.

– Оҳ, эсиз сочлар, увол бўлди-да! – деди қайғуриб Луиза.

– Ия, ахир шуниси яхшимасми? – деди Эжени калта жингалак сочларини тараб, – сенингча, шу кўринишда чиройли эмасманми?

– Сен гўзалсан, ҳамиша гўзалсан! – деди Луиза. – Хўш, қаёққа йўл оламиз?

– Агар йўқ демасанг, Брюсселга кетаверамиз, чегаралардан энг яқини шу. Брюссель, Льеж, Ахендан ўтиб, Рейн бўйлаб Страсбург томонга кўтариламиз, Швейцарияга борамиз, ундан Сен-Готар орқали Италияга ўтамиз. Нима дейсан? Розимисан?

– Албатта розиман.

– Нега менга тикилиб қолдинг?

– Шу туришда суксурдай йигит бўлдинг-қўйдинг! Худди мени олиб қочаётган телба ошиққа ўхшайсан-а.

– Оббо, лаънати-е! Ростданам худди ўзи бўлдимми-а?

– Сўкишни одат қилибсанми, Эжени?

Умуман олганда, аввало ўзи учун, қолаверса дугонаси учун қон-қон йиғлаши керак бўлган иккала қиз шу топда қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди ва сездирмаслик учун бўлмадаги буюмларни тартибга сола бошлашди. Сўнг чироқларни ўчириб, атрофни кўздан кечиришди, ташқарига диққат билан қулоқ солишди, аёллар бўлмасининг ҳовлига

чиқадиған махфий зина томондаги эшигини очишди. Эжени бир кўли билан жомадоннинг бир қулоғини кўтариб олдинда, Луиза эса иккинчи қулоғини икки кўли билан зўрға тутиб кейинда борарди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Ярим кеча. Дарвозабон ҳамон ётмаган эди. Эжени аста олдинроққа борди-да, қаради: қоровул курсида шалпайиб мудраб ўтирарди. Қиз Луиза ёнига қайтиб келиб, жомадонни яна кўтарди, иккаласи дарвоза тагига киришди. Эжени дугонасига ўзингни қоронғи бурчакка олиб тур, қоровул кўзини очгундек бўлса, фақат бир кишини кўрсин, деди, Эжени эса ўзини фонус ёғдусига тутиб туриб олди.

– Очинг! – деди у эркакча йўғон овоз билан ойнабанд эшикни қоқиб.

Эжени кутганидек, қоровул ўрнидан турди-да, ким чиқяпти, деб бир неча қадам ташлаган эди, ҳассасини оёғига уриб тоқатсизланиб турган ёш йигитни кўриб, дарҳол арқончани тортди. Дарвоза очилиши билан Луиза ўзини лип этиб ташқарига олди. Юраги қафасдаги қушдай тирпирчилаётган Эжени ҳам ўзини хотиржам тутиб кўчага чиқди.

Жомадонни ўтиб борётган хат ташувчига узатиб, унга Биктуар кўчаси, 36-уй томонга юришни буюришди, ўзлари ҳам унинг кетидан жўнашди, бу одамнинг учраб қолганлиги Луизани анча хотиржам қилди, Эженига келсак, у Юдифь ёки Далима каби жасур қиз эди.

Улар белгиланган уйга келганда Эжени хат ташувчига жомадонни ерга қўйинг, деб буюрди-да, ҳақини тўлаб, жавоб берди. Сўнг эшикни тақиллатди.

Қочоқ қизлар келган уйда оддийгина бир машиначи аёл истиқомат қиларди. Қизлар у билан олдиндан келишиб қўйишганди, машиначи ҳали ётмаганди, дарҳол эшикни очди.

– Мадемуазель, – деди Эжени, – қоровулга айтинг, извошни ташқарига олиб чиқсин, сўнг дарров почта станциясидан отларни келтирсин. Мана, хизмати учун беш франк, унга бериб қўйинг, илтимос.

– Қойил сенга. Эжени, қойил! – деди Луиза, – ҳурматим ҳам ошиб боряпти сенга.

Машиначи аёл иккисини кўриб ҳайрон бўлиб қолди, бироқ йигирма луидор ваъда қилгани эсига тушиб, индамади.

Чорак соатдан сўнг қоровул извошчи билан отларни етаклаб келди ва дарҳол извош қўшилиб, жомадон орқага маҳкам қилиб боғланди.

– Мана йўлланма, – деди извошчи. – Қани, навқирон хўжайин, айтинг, қайси йўлдан кетамиз?

– Фонтенебло томонидан, – деди Эжени эркакча овоз билан.

– Нега? Нега бундай деяпсан? – сўради Луиза.

– Из қолдирмайлик деяпман-да, – деди Эжени, – биз ҳали йигирма луидор тўлаган хотин қаёққа кетганимизни айтиб қўйиши мумкин. Хиёбонга чиққанимизда йўлни бошқа ёққа бурамыз.

Эжени шундай деди-да, зинага ирғиб извошга чиқди.

– Сенинг гапинг ҳамиша ҳақ бўлиб чиқади, Эжени, – деди Луиза дугонаси ёнига ўтириб.

Извошчи Эженининг буйруғи билан йўлни ўзгартириб, чорак соатдан сўнг Сен-Мартен заставасидан ўтиб кетди.

– Мана, Париждан чиқдик! – деди Луиза енгил нафас олиб.

– Ҳақ гапни айтдинг, гўзалим, сени эсон-омон олиб қочишга муваффақ бўлдим, – деди Эжени.

– Тўғри, яна ўз хоҳишим билан-а, – деди Луиза.

– Бу ҳол гуноҳимни анча енгиллаштиради, албатта, – деди Эжени.

Бу сўзлар Ла-Вийет тош йўлида филдиракларнинг тақиртуқури остида йўқ бўлиб кетди.

Данглар энди қизидан жудо бўлган эди.

Олтинчи Қисм



I. «ҚҰНФИРОҚ ВА БУТИЛКА» МЕҲМОНХОНАСИ

Келинг, мадемуазель Данглар билан дугонасини Брюссель йўлида қолдирайлик-да, фалокат юз бериб, бахт қуши қўлидан учиб кетган шўрлик Андреа Кавалькантига қайтайлик.

Бу Андреа Кавальканти деган зот ёш бўлса-да, жуда олфир, маккор, устомон одам эди. Шунинг учун ҳам меҳмонхонада андаккина ғала-ғовур кўтарилиши биланоқ эшикка яқинлашганини ва икки хонадан ўтиб, ғойиб бўлганини кўрган эдик.

Ушанда биз жиндак бир тафсилотни айтмай қолдириб кетган эдик. Кавальканти ўтиб кетган хоналардан бирида биллур тошлар солинган қутчалар, шойи рўмонлар, турли хил жун газмонлар тартиб билан териб қўйилганди; булар ҳар кимнинг ҳам суқи кирадиган, фақат номларини эшитгандаям қизларнинг юраги ўйнаб кетадиган сеп-сарпо эди.

Андреа шу хонадан ўтаётиб, фақат олфир, устомонгина эмас, ҳатто тадбиркор эканлигини кўрсатиб, териб қўйишган қимматбаҳо нарсалардан йирик-йирикларини олди.

Андреа ана шуларга таяниб, ўзини дадил тутди ва деразадан ирғиб тушди-да, жандармаларга чап бериб, қочди.

Девқомат, ёвқур Андреа, ишқилиб тутиб олмасалар бўлгани, деб жон-жаҳди билан боши оққан ёққа чорак соат югурди. У югура-югура Мон-Блан кўчасидан бурилиб, Лафайет кўчасининг охиридан чиқиб қолди.

Баданидан шовиллаб тер оқиб, ҳалпослаб тўхтади.

Бу орада ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ эди; чап ёғида кенг ва кимсасиз Сен-Лазар майдони, ўнг ёғида эса азим Париж шаҳри.

– Наҳотки шу билан адои тамом бўлсам? – деди Андреа ўзига-ўзи савоп бериб. – Йўқ. Душманларимдан кўра кўпроқ гайрат қилсам, омон қоламан. Энди менга фақат пул мадад бўла олади.

Шу пайт Пуассоньердан келаётган киракаш извошга кўзи тушиб қолди. Трубка чекаётган тунд извошчи, афтидан, Сен-Денига кетаётган эди.

– Ҳой, оғайни! – деди Бенедетто.

– Ҳўш, хизмат? – деди извошчи.

– Отингиз чарчаб қолмадимиз?

– Чарчашга бало борми! Кун бўйи жойидан қимирламади. Йигирма су чой чақадан тўрт марта кира қилдим, холос. Топганимиз атиги етти франк бўлди, хўжайинга эса йигирма судан чўзишим керак.

– Етти франкка яна йигирма франк қўшиб олишни ис-тамайсизми?

– Қанийди, йигирма франкдан қочадиган аҳмоқ йўқ. Бунинг учун нима қилишим керак?

– Отингиз чарчамаган бўлса, арзимас хизмат бор.

– Шамолдек учаман деб турибди бу жонивор; йўлни кўрсатсангиз бўлди.

– Лувр томонга.

– Ҳа, биламан, ичимлик ясайдиган жой.

– Топдингиз, ўша ерга; бир оғайнимга етиб олишим ке-рак, у билан Шапельан-Сервалда ов қилмоқчи бўлгандик; мана шу ерда мени извошида соат ўн бир яримгача кутиб туриши керак эди. Ҳозир ярим тун, у кута-кута тоқати-тоқ бўлиб, бир ўзи жўнаб қолган бўлса керак.

– Эҳтимол.

– Ана шу оғайнимни қувиб етишга бир ҳаракат қилиб кўрасизми?

– Жоним билан.

– Агарда уни Буржегача қувиб етолмасак, йигирма франк опасиз, Лувргача қувиб етолмасак, ўттиз франк опасиз.

– Қувиб етсак-чи?

– Қирқ франк, – деди Андреа бир дақиқа иккиланиб, бироқ ваъда берсам нима кетяпти, деб дадил айтаверди.

– Қирқ!

– Бўпти! – деди извошчи. – Ўтиринг!

Андреа извошга ўтирди; улар ҳаш-паш дегунча Сен-Де-нини кесиб, Сен-Мартендан ўтишди, застава орқада қолди ва бепоён Ла-Вийет бошланди.

Афсонавий ошнани қувиб етиш осон эмасди; Кавальканти аҳён-аҳёнда кеч қолган йўловчилар ва ҳали ёпилмаган қовоқхоналардан дўстининг зангори фойтуни ва чавкар отини сўраб-суриштириб қўярди. Одатда Нидерландия томонга жуда кўп извош ўтар, уларнинг ўндан тўққизи зангори бўлганидан Андреанинг саволига жавоб берувчилар оз эмасди.

Ҳамма ўша фойтунни беш юз, икки юз ёки юз қадамда кўрдик дер, аммо етиб борганда, бутунлай бошқа извош бўлиб чиқарди.

Бир гал уларнинг ўзини қувиб ўтиб кетишди; бу икки от кўшилган почта извоши эди.

«Қани энди ана шу извош менда бўлса, – деди ичида Кавальканти, – қўш дуддуд-а?»

У оғир хўрсиниб қўйди.

Аслида бу мадемуазель Данглар билан мадемуазель д'Армильини олиб кетаётган извош эди.

– Тез-тез! – деди Андреа, – қувиб етишимизга оз қолди.

Шўрлик от яна боягидек пишқириб чопа кетди ва кўп ўтмай кўпириб Луврга етиб келди.

– Афтидан, – деди Андреа, – оғайнимга етолмайман, шекилли; отингиз ишдан чиқиб қоладиганга ўхшайди. Яхшиси, мен шу ерда қола қолай. Мана ўттиз франкингиз. «Саман от»да тунаб, эртагача биринчи бўш почта извошда жўнайман. Хайр, дўстим.

Андреа извошчининг қўлига беш франкдан олтига танга тутқазди-да, извошдан ирғиб тош йўлга тушди.

Извошчи хурсанд бўлиб пулни чўнтагига солди-да, отларини аста юргизиб Парижга йўл олди. Андреа гўё «Саман от» меҳмонхонасига кирмоқчи бўлгандек, эшик олдига борди-да, извош овозига қулоқ солиб турди; сўнгра у илдам-илдам қадам ташлаб икки лье йўл босиб тўхтади. Бир оз дам олди. У тахминан Шапель-ан-Сервалга жуда яқинлашиб қолганди, ўзининг сўзига қараганда, Андреа ана шу томонга йўл олган эди.

Андреа Кавальканти ҳордиқ чиқариш учун эмас, бирор қарорга келиш ва ишни қандай олиб бориш режасини тузиш учун тўхтади.

Дилижонга ўтириш мумкин эмас, почта извошини кирага олиб бўлмайди; иккаласида ҳам саёҳат қилиш учун паспорт керак.

Франциянинг кўзга кўринган ва кўпроқ муҳофаза қилинадиган Уази департаментида қолиш, айниқса жинойишларда чиниққан Андреа учун яна мумкин эмасди.

Андреа ариқ лабига ўтирди-да, иягига таяниб ўйга чўмди. Орадан ўн дақиқа ўтгач, бошини кўтарди; у бир қарорга келган эди.

Даҳлиздаги қозиқдан олиб, камзули устидан кийиб олган пальтони роса чанг босиб кетган эди. У Шапель-ан-Сервалга етиб ягона маҳаллий меҳмонхонанинг эшигини дадиллик билан тақиллатди.

Меҳмонхона эгаси эшикни очди.

– Азизим, – деди Андреа, – мен Морфонтенадан отлик Санлисга келаётгандим; жангари отим мени йиқитиб, ташлаб қочди. Шу бугун кечаси албатта Компьенда бўлишим керак, акс ҳолда оилам жуда хавотир олади; сизда от топиладими?

Қовоқхоначиларнинг ҳаммасида яхшими-ёмонми, ишқилиб от топилади.

Қовоқхоначи отбоқарни чақириб, оқ отни эгарлашни буюрди, етти яшар ўғлини уйғотди; у меҳмонни манзилига олиб бориб қўйиб, отни қайтариб олиб келиши керак эди.

Андреа қовоқхоначига йигирма франк берди; Кавальканти чўнтагидан пул олаётганида бир ташрифномани тушириб қўйганди; бу номани унинг Кафе-де-Паридаги оғайниларидан бири берган эди; хуллас, қовоқхоначи, отимни Сен-Доминик кўчасида истиқомат қилувчи граф де Мoleonга берибман-да, деган хулосага келган эди; карточкада ана шу фамилия ва шу манзил ёзилганди.

Андреа оқ йўрғада Компьенгача бўлган тўққиз пье масофани уч ярим соатда босиб ўтди. У шаҳарнинг дилижонлар тўхтайдиган майдонига келганида соат тўрт бўлганди.

Компьенда шинам меҳмонхона бор; бу меҳмонхонада бир марта бўлган киши уни ҳеч қачон эсидан чиқармайди. Андреа ҳам бир гал Париж атрофини сайр қилиб юрганида шунда тунаган эди; «Қўнғироқ ва бутилка» меҳмонхонасини эслади, майдонга разм солди, чироқ ёруғида йўл кўрса-

тувчи лавҳани кўрди-да, болага ҳамма майда пулларини бериб, қайтариб юборди. Яна тўрт соат вақтим бор, яхшилаб овқатланиб, тўйиб ухлаб олишим мумкин, деган хулосага келиб, эшикни қоқди.

Хизматчи эшикни очди.

– Сен-Жан-о-Буадан келяпман, тушликни ўша ерда қилган эдим, – деди Андреа. – Тунда ўтадиган дилижонга чиқмоқчи бўлувдим, бироқ, йўлда адашиб, тўрт соат ўрмонда юрдим. Ҳовли томондаги хоналарингиздан бирини менга беринг; яхна товуқ гушти ва бир бутилка вино беришсин.

Хизматчи шубҳаланмади; Андреа, қўллари пальтосининг чўнтагида, оғзида сигарета тутатиб, осойишталик билан гапирди; унинг кийимлари башанг, соқолини бошлаб олдирган, ботинкаси ялтиратиб мойланганди. У, йўлда кечикиб қолган шаҳарликка ўхшаб кетарди.

Хизматчи хонани тайёрлаб бўлгунча меҳмонхона бекаси ҳам кириб келди. Андреа унга илиқ табассум билан салом берди ва: Компьенга сўнги марта келганимда турган «3» рақамли хонани олишим мумкинми? – деб сўради. Аффуски «3» рақамли хонани синглиси билан саёҳат қилиб юрган йигит банд қилган экан.

Андреа анча оғринди: фақат бека унга тайёрланаётган «7» рақамли хона ҳам худди «3» нинг ўзгинаси дегандан сўнгина, кўнгли жойига тушди; Андреа хона тайёр бўлгунча печь олдида оёғини иситиб, Шантильида бўлиб ўтган пойга ҳақида гап сотиб ўтирди.

Андреа ҳовли томонга қараган хоналарни бежиз эсга олмаган эди; «Қўнғироқ» меҳмонхонасининг уч қатор хиёбондан иборат ҳовлиси томоша залига ўхшаган турлитуман дарахтлар, ўтлоқзорлар, гулларга бой кўркам боғ эди.

Хизматчи олиб келган яхна жўжа янги, аммо виноси эски экан; печда олов ҳам ловиллаб ёниб турибди. Гуё ҳеч гап бўлмагандай иштаҳаси жуда очилиб кетганига Андреанинг ўзи ҳам ҳайрон.

Сўнгра у тўшакка узала тушди-да, бирпасда донг қотиб ухлаб қолди. Гарчи виждони азобда бўлса-да, киши йигитлик чоғида жуда қаттиқ ухлайди.

Дарвоқе, биз Андреа виждон азобига тушиши мумкин эди, деган фикрда бўлишимиз керак эди, аммо унга бундай ҳиссиёт ёт.

У ўзига далда бериб, қуйидагича режа тузган эди:

Андреа тонг ёришиши билан ўрнидан туради, ётоқ ҳақини тўлаб, меҳмонхонадан чиқади, ўрмонга етиб оладида, тасвирий санъат билан шуғулланувчи одам ниқоби остида бирор деҳқонникига жойлашиб олади, саржинчининг кийими ва болта топади, оқсуяк шер қиёфасини ишчи қиёфасига алмаштиради; сўнг қўлларини қадоқ босиб, сочлари қорайиб, юзи офтобда куйгач, бир вақтлар Тулонда жўралари ўргатган усулни ишга солиб, тунлари аста-секин чегара томон йўл олади; қишлоқ жойларга ҳам фақат нон олиш учунгина яқинроқ боради.

У чегарадан ўтиб олгач, бриллиантларни пулга чақади, бу пулларни чўнтагига эҳтиётдан олиб юрган пулларга қўшганда, нари-бериси билан эллик минг ливр тўпланади: бу ҳеч бўлмаса қора кунларда асқатиб қолар.

Бунинг устига, Данглар хонадони бошига тушган бахтсиз воқеани хаспўшлашга ҳаракат қилса керак, деб умид қиларди Андреа.

Тинка-мадори қуриганига қарамай, Андреанинг тез ва қаттиқ уйқуга кетганлигига сабаб шулар эди.

Андреа эртароқ уйғониш ниятида деразани бекитмади, фақат эшикнинг илгагини солиб қўя қолди; лекин ўткир пичоғини қинидан суғуриб столга қўйди. Бу пичоқ кўп иш берган эди; Андреа уни ҳамиша ёнида олиб юрарди.

Эрталаб соат еттига яқин қуёшнинг илиқ нури Андреанинг юзини сийпалаб уйғотиб юборди. Ухлаши олдидан қандай фикр мияга ўрнашиб қолган бўлса, уйғонган чоғида ҳам одамнинг хаёлига даставвал ўша фикр келади. Андреа кўзларини очиб улгурмаган ҳам эди, миясини чулғаб турган фикр унинг анча ортиқча ухлаб юборганини билдирди.

У ўрнидан сапчиб туриб дераза ёнига борди.

Ҳовлида жандарма юрарди.

Жандарма дунёда ҳатто энг бегуноҳ одамлар учун ҳам қўрқинчлидир. Лекин қўлга тушиб юрак олдириб қўйган кишилар учун кўк, зангори ва оқ мундирдаги жандарма дунёдаги энг ёвуз кимса ҳисобланади.

– Жандарма нима қилиб юрибди? – деди Андреа ўзига ўзи савол бериб ва шу заҳоти ўзи жавоб қилди:

– Меҳмонхонага жандарма келган бўлса, кепти-да, фурсатни ўтказмай кийиниш керак.

У ҳарбий одати бўйича жуда тез кийиниб олди. (Парижда уни қарол бир неча ой мобайнида бу одатдан халос этолмаган эди.)

– Майли, – деди Андреа кийинаётиб, – у кетгунча чиқмай тураман, кетгач, жуфтакни ростлаб қоламан.

Шундай деди-да, аста дераза ёнига бориб, дарпардани яна кўтарди.

Жандарма кетиш у ёқда турсин, унинг ёнида иккинчиси ҳам пайдо бўлиб, Андреа тушадиган ягона зина олдида туриб олибди, учинчи бир отлиғи эса қўлида милтиқ Андреа қочиб кетмасин, деб дарвозани қўриқлаб турарди.

Учинчи жандарманинг кўриниши жуда ажойиб эди, шу сабабдан уни одамлар ўраб олишганди. «Мени ахтаришяпти! – Андреанинг хаёлига бирдан шу фикр келди, – оббо!..» Унинг ранги оқариб кетди. Саросимага тушиб атрофга аланглади.

Шу қаватдаги барча хоналар каби унинг хонаси ҳамма ёқдан кўриниб турадиган хиёбонга қараган эди.

«Қўлга тушдим!» – ўйлади у яна.

Дарҳақиқат, Андреанинг ҳозирги ҳолатида қўлга тушган ҳар қандай айбдорни фақат биргина жазо – шафқатсиз ва муқаррар ўлим жазоси кутарди.

У титраб бошини иккала қўли билан маҳкам сиқди, унинг ақлдан озишига сал қолган эди.

Сал ўтмай миясида ғужғон ураётган фикрлар орасида умид учқуни ялт этди, шунда у бир оз илжайди.

У хонани кўздан кечириб чиқди; ҳожатини чиқарадиган нарсаларнинг бариси: патқалам, сиёҳ ва қоғоз ёзув столида муҳайё экан. Дарҳол ўтирди-да, қуйидагиларни ёзди:

«Менинг ётоқ ҳақини тўлашга ёнимда сариқ чақам ҳам йўқ, бироқ ҳалол одамман; шунинг учун қарзимдан ўн баробар ортиқ тўғнағичимни қолдириб кетяпман. Қочиб кетганим учун узр сўрайман, юзим чидамади».

У галстугидан тўғнағичини суғуриб олиб, хат устига қўйди.

Сўнг қулфлаш у ёқда турсин, зулфини ҳам суғуриб олиб, ёпиш ёдидан кўтарилган кишидек эшикни қия очиқ қолдирди. Шундан кейин Ахилланинг Деидамия ҳузурида бўлган чоғи тасвирланган пардага ўралиб олди-да, бунақанги гимнастикада устаси фаранг кишидек қул устидаги изларини текислаб ташлаб, тошпечь мўрисида кўтарила бошлади. Энди унинг қочиб қутуладиган ягона йўли шу эди.

Шу орада ҳали Андреа кўрган биринчи жандарма полиция комиссари билан бирга зинадан юқорига кўтарила бошлади; буларга зинани кўриқлаб турган жандарма ёрдам бериши мумкин; сўнггисига эса дарвозада пойлаб тургани кўмаклашишга тайёр бўлиб турибди.

Андреанинг изидан полиция қувиб келишига қуйидаги воқеалар сабаб бўлган эди.

Париж телеграфи эрта тонгдан бошлаб ҳамма томонларга ахборот эълон қилди, шаҳар атрофи ва қишлоқларда барча давлат органлари, қуролли кучлар Кадрусснинг қотилини излашга сафарбар этилганди.

Компъень – қирол резиденцияси, Компъень – овчиларга жуда ёқиб қолган жой, Компъень – ҳарбий қисм жойлашган шаҳар; унда сон-саноксиз тўралар, жандармалар ва полиция комиссарлари дайдиб юришади; телеграф орқали фармон олиниши билан шаҳар ўраб олиниб, тинтув бошланганди; «Кўнғироқ ва бутилка» меҳмонхонаси шаҳарда биринчи мусофирхона бўлгани вазидан қидирув дастлаб шу ердан бошланган эди.

Бунинг устига, «Кўнғироқча»га ёндош шаҳар идорасининг қоровуллари берган маълумотга қараганда, тунда бу меҳмонхонага бир неча йўловчилар тушган эди.

Эрталаб соат олтида алмашган соқчи постга туриши биланоқ, яъни, соат бешга бонг ура бошлаганда, оқ отлиқ ёш йигитни кўрганини, ёнида бир деҳқон бола ҳам бўлганини, кейин йигит отдан тушиб, болани от билан жўнатиб юборганини ва ўзи «Кўнғироқ»нинг эшигини қоққанини, уни меҳмонхонага киритишганини оқизмай-томизмай гапириб берди. Одамларда шубҳа туғдирган бу йўловчи Андреа эди.

Шу маълумотларга мувофиқ полиция комиссари ва жандарма унтер-офицери Андреа турган хонага йўл олишди.

Эшик қия очик эди.

– Ўхў, – деди пихини ёрган жандарма, – эшик очик қолибди, бу яхшилик аломати эмас! Мен бу эшикка уч қулф солиб қўйилган ҳолда кўришни истардим.

Дарҳақиқат, стол устида Андреа қолдирган хат ва тўғнағич унинг қочиб кетганидан дарак бериб турарди. Чунки жандарма бир кўрган нарчасига лаққа ишониб кетаверадиганлардан эмасди.

У атрофга назар ташлади, каравотнинг тагига қаради, пардаларни йиғиб қўйди, шкафларни очди, ниҳоят тошпечь олдига келди.

Тадбиркор Андреа қулда ҳеч қандай из қолдирмаганди.

Ҳар ҳолда бу ердан ташқарига чиқиб кетиш мумкин эди, бундай ҳолларда ҳар бир туйнук синчиклаб текширилиши зарур. Шу сабабли жандарма шох-шабба ва похол келтириб, худди замбаракни ўқлаётгандай туйнукка тикди-да, гугурт чақди.

Ўт ловиллаб ёнди, туйнукдан бурқсиб қуюқ тутун осмонга кўтарилди: бироқ жандарма кутгандек бирон-бир жиноятчи туйнукдан юмалаб тушмади.

Андреа, ёшлик чоғидан жамият билан қурашиб пишиб кетган, қувликда ҳар қандай жандармани, у ҳатто ҳурматга сазовор унтер-офицер павозимида бўлса-да, «бир чўқишда қочирадиган»лардан эди. Албатта, ўт ёқиб синашлари мумкинлигини олдиндан билиб, у томга чиқиб, мўрига қапишиб олганди.

Унтер-офицернинг иккала жандармага: «У туйнукда йўқ!» деганини эшитиб, «энди қутулиб кетсам керак», деган ўй кечди Андреанинг кўнглидан. Бўйинини аста чўзиб қараган эди, офицерлар кетмай, янада диққат билан атрофни кўздан кечираётганларини кўрди.

Андреа ҳам атрофга назар ташлади: Ўнг томонда XVI асрнинг дабдабали иншооти – шаҳар идораси қад кўтарган; унинг деразаларидан у бекинган томнинг ҳамма бурчаклари кафтдагидек кўриниб турарди.

Мана шу деразалардан бирида ҳадемай жандармалардан биронтаси пайдо бўлажагини Андреа англади. Мабо-

до уни кўриб қолса, иш тамом; томма-том қочишдан фойда йўқ.

У яна пастга тушишга, лекин ҳозир чиққан мўридан эмас, бошқасидан тушишга қарор қилди.

Андреа тутун чиқмаётган мўрилардан бирига аста эмак-лаб борди-да, сездирмай туйнукдан кириб кетди.

Шунда шаҳар идорасининг деразаси очилиб, жандармнинг боши кўринди. У бир дақиқа қимир этмай турди-да, сўнг яна ғойиб бўлди.

Унтер-офицер салмоқдор ва кибр-ҳаво билан қадам ташлаб, ён-верига ҳам қарамай, оломонни ёриб ўтди-да, меҳмонхонага қайтди.

– Хўш, нима гап? – деди иккала жандарма.

– Хулласи калом, йигитлар, – жавоб қилди унтер-офицер, – қароқчи, афтидан, азондаёқ қочиб қолган экан; лекин барибир Виллер-Котре томонга, Нуайонуга изидан одам қўямиз, бутун ўрмонни титкилаб бўлса ҳам топмай қўймаймиз у лаънатини.

Муҳтарам қонун назоратчиси унтер-офицерларга хос оҳангда бу жарангдор сўзларни айтиб улгурмаган ҳам эдики, бирдан дод-фарёд ва қўнғироқнинг кетма-кет жаранглаган овози қулоқни қоматга келтирди.

– Ўхў, бу қанақаси бўлди? – деди жандарма ҳайрон бўлиб.

– Ким бўлса ҳам жуда шошиляпти! – деди меҳмонхона хўжайини. – Қайси номердан қўнғироқ чалишяпти?

– Учинчидан.

– Югур, Жан.

Шу пайт шовқин-сурон яна кучайди. Хизматчи зинага қараб чопди.

– Тўхта, тўхта, – деди жандарма унга, – янглишмасам, қўнғироқ чалинаётганда сизнинг эмас, бизнинг ёрдамимиз зарур. Учинчи хонада ким туради?

– Ёш йигит; шу кечаси почта извошида синглиси билан келиб, икки каравотли хона сўраб олди.

Қўнғироқ яна чалинди. – Жаноб комиссар, бу ёққа! – қичқирди унтер-офицер, – орқамдан келаверинг!

– Тўхтанг! – деди хўжайин, – учинчи номерга икки зинадан: ташқи ва ички зинадан борилади.

– Яхши, – деди унтер-офицер, – мен ичкарисидан бораман, буниси менга боп. Милтиқлар ўқланганми?

– Ўқланган.

– Сиз ташқи зинага қараб туринг, қочмоқчи бўлса, отинг; телеграммага қараганда бу катта жиноятчи.

Унтер-офицер комиссар билан бирга дарҳол ички зинага кириб кетди.

Ҳалиги қичқириқларнинг сабаби қуйидагилар эди.

Андреа мўридан тушаётиб, бирдан сирғаниб кетди ва пастга «гурс» этиб йиқилиб тушди. Хонада одам бўлмаганда-ку, ҳеч гап бўлмасди; бироқ бахтга қарши унда одам бор эди.

Бир каравотда ётган иккала аёл тарақ-туруқдан чўчиб уйғониб кетди ва шовқин келган томонга қаради, тошпечь туйнугидан ёш бир йигит кўринди.

Шунда оқ сариқ сочли биринчиси оламини бошига кўтариб дод сола бошлади, сочлари қоп-қора иккинчиси эса жон ҳолатда кўнғироққа ёпишди.

Фалокат Андреанинг орқасидан соядай эргашиб юрарди.

– Худо ҳаққи! – деди девор бўлиб қолган Андреа кимга мурожаат қилаётганини ҳам билмай. – Чақирманг ҳеч кимни, хароб этманг мени! Сизга заррача ҳам ёмонлик қилмайман, заррача!

– Андреа! Қотил Андреа! – деб қичқириб юборди ёш аёллардан бири.

– Эжени! Мадемуазель Данглар! – деди шивирлаб Андреа: унинг чехрасида кўрқув ўрнига таажжуб аломати пайдо бўлганди.

– Ёрдам беринг! Ёрдам! – қичқириб юборди мадемуазель д' Армильи ва Эженининг мажолсиз осилиб тушган кўлидан тез кўнғироқни олди-да, яна ҳам қаттиқроқ чала бошлади.

– Кетимдан қувиб юришибди, қутқаринг мени, – ялинди Андреа. – Шафқат қилинг, тутиб берманг мени!

– Кечикдингиз, улар аллақачон зинада, – деди Эжени.

– Яширинг мени, шунчаки кўрқиб кетибмиз, деб қўя қолинг. Шу билан уларнинг гумони пучга чиқади-да, мен ўлимдан қутуламан.

Иккала қиз бир-бирининг пинжига кириб, кўрпага бурканиб олганди. Улар қўрқув ва нафрат тўла кўзларини ялиниб-ёлвораётган йигитдан узмасди.

– Майли, – деди Эжени, – қаёқдан келган бўлсангиз, ўша томондан чиқиб кетинг; ўх, шўрпешана, боринг, биз ҳеч индамаймиз.

– Ана! Ҳў ана! Шу ерда турибди! – қичқирди ташқаридан бир овоз.

Бу қулф тешигидан қараб турган унтер-офицернинг овози эди; у икки букилиб ялинаётган Андреани кўриб қолган эди.

Милтиқ кўндоғининг қаттиқ зарбидан қулф мажақланиб кетди, учинчи зарбадал ошиқ-мошиқ чўрт узилиб, абжағи чиққан эшик уй ичига қулади.

Андреа югуриб бориб айвонга чиқадиган иккинчи эшикни очди. У ерда милтиқларини ўқталиб жандармалар турарди.

Андреа тахтадай қотиб қолди; икки-уч қадам орқага тисарилди-да, титроқ қўли билан пичоқ сопини маҳкам қисди, бироқ бу фойдасиз эди.

– Қочинг! – деди қичқириб мадемуазель д' Армильи; у ўзини анча тутиб олган, дилида кўрқув ўрнига раҳм пайдо бўлган эди. Енгилган ҳарифини ўлдиришга чоғланаётган гладиаторга хитоб қилгандек: – Бўлмаса ўзингизни ўзингиз ўлдиринг! – деди қичқириб Эжени.

Андреа титраб кетди ва қизга заҳархандалик билан қараб қўйди; виждон амрига итоат қилиб, жонидан воз кечиш унинг ифлос қалбига мутлақо ёт нарса эди.

– Ўзимни ўлдирай? – деди у пичоғини улоқтириб, – нега?

– Ахир ўзингиз, – деди Эжени Данглар, – мени ўлдиришади, ашаддий жинойятчи сифатида қатл этишади, дедингиз-ку?

– Бўлмаган гап, – деди Кавальканти, қўлларини қовуштириб, – дўстларим бор, кўрқмайман.

Унтер-офицер қиличини яланғочлаб Андреанинг ёнига келди.

– Э-э, оғайни, – деди Кавальканти, – қилич ўқталиб нима қиласиз, таслим бўляпман-ку, шов-шувнинг нима ҳожати бор?

Шундай деб у қўлларини чўзди; уни дарҳол кишанлади-лар.

Андреанинг қиёфасида шу пайт юз берган разил ўзга-ришни кўрган қизларнинг капалаги учиб кетди: у уларнинг кўз олдида зодагонлик ниқобини улоқтириб ташлади-да, тағин маҳбус бўлиб олди.

Андреа сурбетлик билан қизларга илжайиб:

– Мадемуазель Эжени, – деди, – отангизга айтадиган га-пингиз йўқми? Афтидан, Парижга қайтиб борадиганга ўхшайман.

Эжени қўллари билан юзини бекитди.

– Хижолат тортманг, – деди Андреа, – мен, орқамдан қувиб келибсиз, деб сиздан нолиётганим йўқ... Ахир, сизга эр бўлишимга сал қолди-ку.

Шундай дея Андреа шўрлик қизларни номус ва маломат-га қолдириб, у ердан чиқиб кетди.

Бирор соатдан кейин иккаласи ўзларининг сафар извош-ларига чиқиб ўтиришди. Ҳеч ким кўрмасин деб меҳмонхо-нанинг дарвозасини қулфлашди; бироқ дарвоза очилган-да қизлар масхара ва таъна қилиб шовқин солаётган одам-лар орасидан ўтишга мажбур бўлишди. Эжени извошнинг пардасини туширди, аммо у ҳеч кимни кўрмагани билан таънали сўзлар қулоғига барала чалиниб турарди.

– Қани энди шу топда дунё чўл-биёбонга айланиб қолса, – деди у қичқириб ва дугонасининг кучоғига отилди. Унинг кўзлари ғазабдан ёнарди.

Эртасига улар Брюсселга етиб келишди ва Отель де Фландр меҳмонхонасига жойлашишди.

Андреа шундан бир кун илгари Консьержери турмасига ташланганди.

II. ҚОНУН

Мадемуазель Данглар билан мадемуазель д'Армильи жуда осонлик билан қочганини кўрган эдик; ўшанда ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб, қизларни унутиб қўйган эди.

Келинг, хонавайрон бўлиши яқинлашиб қолганини кўриб, қора тер босган банкир ўз қарз-қаволарининг узун-дан-узоқ рўйхатини тузаверсин, биз баронессани қузатай-

лик. У ҳалиги зарбадан кейни зўрға ўзига келди-да, доимий маслаҳатчиси Люсьен Дебрэ ҳузурига югурди.

Баронесса феъл-атвори, табиати ниҳоятда офир қизининг тарбия-ташвишидан тезроқ қутулиш учун Эжени ниқоҳини жуда сабрсизлик билан кутарди. Ҳар қандай масала унсиз келишув йўли билан ҳал этиладиган оқсуяклар оиласида донолик ва баркамолликда ҳамиша намуна кўрса-тиб келган онагина ўз сўзларига, насиҳатларига қизининг қулоқ солишига эришмоғи мумкин.

Бироқ Данглар хоним Эженининг зийраклиги ва мадемуазель д' Армильининг насиҳатгўйлигидан хавотирланарди: қизи Дебрэни ҳуш кўрмаслигини она биларди; Эженининг Люсьендан нафратланиб юришидан, онаси: «Қизим министрнинг шахсий секретари билан яширин ўйнашиб юрганимдан ва молиявий алоқаларимдан хабардор бўлса керак», деб шубҳаланиб юрарди. Аммо баронессанинг зеҳни ўткир бўлганида Эженининг Дебрэни ёмон кўришини унинг отаси хонадонидан турли ғийбатлар қилиб юрганидан эмас, шунчаки Диоген одам деб аташга ҳеч тили бормаган, Платон эса, кесатиб, икки оёқли ҳайвон, деб атаган махлуққа ўшатганидан деб билган бўларди.

Шундай қилиб, Данглар хонимнинг нуқтаи назари билан қараганда (афсуски, бу фоний дунёда ҳар бир кимсанинг бошқалар нуқтаи назарини кўришга халақит берадиган ўз нуқтаи назари бўлади), қизининг тўйи барбод этилиши жуда қайғули ҳол бўлди. Она бунда қизининг бахтиёр бўлишини эмас, балки, ўзининг тўла эркин бўлиб олишини кўзларди.

Шу зайлда, ҳали айтганимиздек, баронесса Дебрэ олди-га югурди; бутун Париж жамоатчилиги қаторида Люсьен ҳам Дангларникидаги тантанада қатнашган ва кўнгилсиз воқеанинг гувоҳи бўлган эди. У жаҳоннинг пойтахти деб аталмиш, ғийбатга тўла шаҳарнинг тўртдан уч қисми аҳолисининг жағини очиб қўйган воқеани дўстлари муҳокома қилаётган клубга чопди.

Устида қора кўйлак, юзида ўртук Данглар хоним, эшик қоровулининг: «Жаноблари уйда йўқлар», дейишига қулоқ солмай, зинадан Дебрэнинг хонадонига кўтарилган пайтда Люсьен оғайнилари билан ҳалиги клубда ўша воқеа устида зўр бериб баҳслашмоқда эди; оғайнилари эса, бу жанжал-

дан сўнг, Данглар хонадонининг дўсти сифатида сен мадемуазель Эжени Дангларга албатта уйланишинг ва унинг икки миллионига эга бўлиб олишинг шарт, деб қайта-қайта уқтиришарди.

Дебрэ ҳам шундай қилишим керак, деб ўзини ишонтиришга тайёр кишидек дўстларининг гапига унчалик қаршилиқ кўрсатмасди; ўзиям бир неча бор шундай фикрга келганди; бироқ Эженининг жуда эрка ва такаббурлигини ўйлаб, баъзан фикридан қайтар, у билан бир ёстиққа бош қўйиш мумкин эмас, дерди. Бироқ шу билан бирга қизга суқ билан боқиб, беихтиёр дилида бемаъни ҳис-туйғулар пайдо бўларди. Бундай бемаъни туйғулар, ахлоқшуносларнинг таъбирича, ҳатто ҳар қандай соф виждонли кишининг дилида ҳам, худди бут орқасига бекиниб олган шайтон каби, биқиниб ётаркан. Оғайнилар клубда турли-туман ўйин-кулгилар, ҳаммани қизиқтирадиган ҳалиги муҳим воқеа устида ширин суҳбатлар оғушида ярим кечагача ўтириб қолишди.

Бу пайтда Люсьеннинг қароли мўъжазгина зангори меҳмонхонага кузатиб қўйган Данглар хоним гуллар ўртасида вужудини титроқ босиб бетоқат кутиб ўтирарди; бу гулларни эрталаб хонимнинг ўзи юборган эди, Дебрэ эса уларни авайлаб тартиб билан териб қўйганди; бундан мамнун бўлган хоним Дебрэнинг бунчалик куттириб қўйганидан аччиқланмади.

Йигирма дақиқа кам ўн иккида кутавериб тоқати тоқ бўлган хоним извошга тушиб, уйига қайтди.

Одатда бу тоифадаги аёллар қаерда бўлишмасин ярим тунда уйларига қайтишмайди.

Эжени ота хонадонидан қандай эҳтиёткорлик билан чиқиб кетган бўлса, баронесса ҳам худди шундай эҳтиёткорлик билан уйига қайтиб кирди-да, юраги дук-дук уриб зинадан ўз бўлмасига аста кўтарила бошлади. Бу хона Эжени бўлмасига ёндош эканлиги бизга маълум.

Данглар хоним ғийбатдан ҳазар қиларди. У қизининг поклиги ва ота-онага содиқлигига қаттиқ ишонарди! (Бунинг учун унга тасанно ўқиса бўлади.)

Данглар хоним бўлмасига кирди-да, Эжени эшигига қулоқ солди, хонадан ҳеч қандай овоз эшитилмагач кирмоқчи

бўлиб эшикни тортди; бироқ эшик қулффлоғлиқ эди. Шўрлик қизим кечқурунги воқеадан қаттиқ ҳаяжонга тушиб, чарчаб ухлаб қопти-да, деб ўйлади хоним.

Хизматчи аёлни чақириб қизини сўраган эди, у:

– Мадемуазель Эжени ўз бўлмасига мадемуазель д' Армильи билан бирга қайтиб келди; бирга чой ичишди, кейин менга, «сенга рухсат, бор!» деб чиқариб юборишди, – деди.

Шундан кейин оқсоч ҳам, қизлар ўз хонасида, деб ўйлаб, ошхонадан чиқмай қўя қолган эди.

Хуллас, Данглар хоним ҳам оқсочнинг жавобидан кўнгли хотиржам бўлиб жойига бориб ётди.

Хоним ўйларининг тагига ҳеч етолмас, ўйлаган сайин ҳалоқат яқинлашиб келаётгандек туюларди; энди хонимнинг назарида бу жанжал эмас, барбод бўлиш, уятга қолишгина эмас, шармандаю шармисор бўлиш эди. Шу он беихтиёр эри ва ўғли туфайли худди шундай бахтсизликка дучор бўлган Мерседесга қанчалик бераҳм бўлгани ёдига тушди.

«Эжени ҳам, биз ҳам хароб бўлдик, – деди Данглар хоним ўзича, – бу воқеа ҳамма ёққа тарқалиб бизни ҳалок этади, чунки бизнинг жамиятимизда мазах бўлмоқ кишини бедаво дардларга гирифтор этади».

– Худойим Эженини ғалати қилиб яратган, – деди пичирлаб Данглар хоним, – мен бундан кўрқиб юрардим! Энди шунисига ҳам шукр дейман.

Хоним шундай деди-да, ҳатто иллатни ҳам кишининг фойдасига хизмат қилишга мажбур этган Тангри ҳақиға дуо ўқиди. Сўнгра хаёли қуш каби қанот қоқиб бўшлиқдан учиб ўтди-да, Кавалькантига келиб қўнди.

Андреа қип-қизил ўғри ва каллакесар бўлиб чиқди: шунга қарамай анча дуруст тарбия олгани сезилиб турарди; ахир у ҳурматли зодагонлар ҳомийлигида катта давлат эгаси сифатида пайдо бўлиб қолди-ку!

Бу ишлар шу қадар чигаллашиб кетганидан тушунолмайсан киши. Бу даҳшатли аҳволдан эсон-омон чиқиб олиш йўлини ким кўрсатиб бераркан энди? Ким?

Хоним энг аввал хуштори Дебрэнинг олдига учиб борди, аммо у фақат маслаҳат бериши мумкин эди; аслида бирор зўрроқ одамга мурожаат қилмоқ зарур эди.

Шунда хоним баронесса Вильфорни эслади.

Кавалькантини қамоққа олиш ҳақида буйруқни Вильфор берган эди; баронессанинг хонадонига ёт кишилардек шафқатсизлик билан ғулғула солган ана шу Вильфор эди.

– Йўқ, – деди фикридан қайтиб баронесса, – қироллик прокурори бағритош зотлардан эмас, у одил суд вакили, бурчига содиқ киши; виждонли ва садоқатли дўст; фақат шафқатсиз, бироқ қўли билан газакка дадил наштар урди, холос, қотил эмас, жарроҳ; банкирнинг ўзи бўлажак куёвим деб ҳаммага таништирган ўша бадбахт йигитнинг касофатига қолган Данглар хонадонининг ор-номусини сақлаш учун ҳамма чораларни кўрди.

Данглар оиласининг дўсти бўлмиш Вильфор шундай қилган экан, демак, у Андреанинг кимлигини илгари билмаган ва бекорга унинг найрангларига йўл қўйиб бермаган экан-да.

Шундай қилиб, баронессанинг тасавбурида Вильфорнинг хатти-ҳаракатлари баронесса кўз олдида бошқача тус олди, яъни, маъқул бўлиб кўрина бошлади. Бироқ, қироллик прокурори ишни ҳозирги ҳолатда тўхтатиб қўйиши керак; эртага хоним унинг ҳузурига боради ва хизмат бурчини бузишга кўнмаса-да, раҳм-шафқат қилишга мажбур этади.

Баронесса ўтмишдаги алоқаларни рўкач қилади, прокурорнинг хотирасига солади; ўта гуноҳга ботиб бўлса-да, иккиси паззатли ўтказган дамлар ҳаққи, ялиниб-ёлворади; Вильфор ишни бости-бости қилиб қўяди ёки Кавалькантининг қочиб кетишига имкон беради; бунинг учун у диққатини бошқа томонга қаратиб, сиртдан ҳукм чиқариб жиноятчининг кирдикорларини хаспўшлайди.

Шу хаёллар оғушида хоним уйқуга кетди.

Эртаси эрталаб соат ўнда баронесса ўрнидан турди, оқсочни чақирмади ва ҳеч кимга билдирмай кечагидек оддийгина кийиниб уйдан чиқди, Прованс кўчасига бориб, извош кира қилди ва Вильфор уйи томон йўл олди.

Бу лаънати уй, бир ойдирки вабо дориган мудҳиш қулбага ўхшарди; бир неча хона ҳам сиртидан, ҳам ичидан қулфлаб ташланган, деразалар ҳавони янгилаш учун аҳён-аҳёнда бирпасга очилар ва ваҳимага тушиб қолган хизмат-

корларнинг калласи кўринарди-да, деразаларни шоша-пишяна бекитиб қўйишарди. Қўшнилар эса:

– Бу қироллик прокурорининг уйдан тағин ўлик чиқармикин-а? – деб шивирлашарди.

Мудҳиш уй рўпарасига келганда Данглар хонимнинг бадани титраб кетди, извошдан тушиб қулфлоглиқ дарвозанинг қўнғироғини босган вақтда ҳатто тиззалари букилиб кетди.

Учинчи марта қўнғироқ босгандан сўнггина дарвоза қоровули келиб, кўча эшикни қия очиб қаради ва башанг кийинган зодагон аёлни кўрди, лекин дарвозани очмай тураверди.

– Нега қаққайиб турибсиз! Очинг! – деди баронесса.

– Бекам, аввал айтинг: кимсиз? – сўради қоровул.

– Кимман? Ким бўлардим; мени яхши танийсиз-ку.

– Бекам, энди биз ҳеч кимни танимайдиган бўлиб қолганмиз.

– Ҳой азизим, жинни бўлдингизми? – деди хитоб қилиб баронесса.

– Қаердан бўласиз?

– Бўлди, ҳазилингизни қўйинг.

– Бекам, узр, буйруқ шунақа, номлари?

– Баронесса Данглар. Сиз мени минг бор кўргансиз-ку, ахир.

– Эҳтимол, бекам, хўш, нима ишингиз бор?

– Бу қанақа лўттибозлик?! Устингиздан жаноб де Вильфорга шикоят қиламан.

– Бекам, бу лўттибозлик эмас, эҳтиёткорлик, бу хонадонга фақат жаноб д'Авриньининг рухсат қоғози ёки жаноб қироллик прокурорининг ижозати билан кирилади.

– Ҳа, мен ҳам қироллик прокурори олдига иш билан келдим.

– Шошилишч ишми?

– Келиб турганимдан фаҳхламаяпсизми? Бас, етар: мана, карточкам, хўжайинингизга олиб бориб беринг.

– Мен қайтгунча кутиб турасизми?

– Ҳа, кутиб тураман, боринг.

Қоровул Данглар хонимни кўчада қолдириб, дарвозани бекитди.

Тўғри, баронесса кўп кутмади; бир оздан сўнг дарвоза хоним сиғадиган даражада очилди-да, у ичкарига кириши билан яна маҳкам ёпилди.

Қоровул дарвозадан кўз узмай ҳовлига кирди-да, чўнтагидан ҳуштак олиб, чуриллатди. Уй зинасида Вильфорнинг қароли пайдо бўлди.

– Бекам, бу ҳалол йигитни кечиринг, – деди у баронессанинг истиқболига чиқиб, – унга шундай буйруқ берилган; жаноб деди Вильфор, бошқа иложим йўқ, бекамга тушунтир, деб топширди менга.

Ҳовлида худди ана шундай эҳтиёткорлик билан қўйилган бир баққол турарди; хизматчилардан бири унинг молларини кўздан кечирарди.

Баронесса зинага кўтарилди. Хонимнинг бир қайғусига ўн қайғу қўшилиб, алам ва изтироб ичида қироллик прокурорининг хонасига кирди; қарол эса ундан бир зум кўз узмай кузатиб борди.

Оғир мушкулотига нажот топиш ғамида келганига қарамай, Данглар хоним «таги паст»ларнинг уни ҳурматсизлик билан қабул қилганлигидан қаттиқ ранжиган эди, шу вадан сўзни арз-доддан бошлади.

Вильфор эса бунга унчалик эътибор бермай, аста бошини кўтарди-да, хонимга қараб ғамгин илжайиб қўйди; буни кўрган Данглар хонимнинг сўзи оғзида қолди.

– Хизматчиларим учун узр сўрайман; улар ваҳимага тушиб қолган, мен буни айб ҳисобламайман; чунки шубҳа остида ўзлари ҳам ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган бўлиб қолишди.

Данглар хоним Вильфор хонадонида ҳукм сураётган ваҳима тўғрисида жамоатчилик ўртасида миш-миш гапларни тез-тез эшитиб турарди, бироқ аҳвол бунчалик деб ўйламаганди.

– Демак, сиз ҳам бахтсизликка учрабсиз-да, – деди хоним.

– Ҳа, шундай, хоним, – деди қироллик прокурори.

– Сиз менга ачинасизми?

– Чин юракдан ачинаман, хоним.

– Нега келганлигимни англагандирсиз?

– Уйингизда юз берган воқеалар ҳақида мен билан гаплашмоқ учун келгандирсиз-да?

– Жаноб, бу жуда оғир мусибат.

– Тўғриси, кўнгилсиз воқеа.

– Кўнгилсиз воқеа эмиш! – хитоб қилди баронесса.

– Хоним, – деди қироллик прокурори ўзига хос бепарволик билан, – мен эндиликда фақат тузатиб бўлмайдиган фалокатнигина бахтсизлик деб ҳисоблайман.

– Сиз, буни унутиб юбориладиган воқеа, деб ўйлайсизми?

– Хоним, унутилмайдиган нарса йўқ дунёда, ҳаммаси ҳам бир кун эмас-бир кун ёддан кўтарилади. Қизингиз бугун бўлмаса эртага, эртага бўлмаса бир ҳафтадан сўнг эрга тегиб кетади. Мадемуазель Эженининг қаллиғига келсак, сиз унга заррача ачинмасангиз керак.

Данглар хоним бу кинояли сўзлардан ғоят таажжубланиб, Вильфорга тикилиб қолди.

– Мен дўстимникига келдимми ўзи? – сўради қайғули оҳангда хоним.

– Билиб туриб сўрашингиз нимаси тағин, – жавоб берди Вильфор; унинг юзига қон югурди, чунки бу гаплар уларнинг ҳар иккисига ҳозиргидан бошқа ҳодисаларни эслатди.

– Ундай бўлса, азизим Вильфор, раҳм қилинг бизга, раҳм! – деди баронесса, – мен билан судья сифатида эмас, дўстларча гаплашинг, бошимга шундай оғир мусибат тушганда, мендан хушчақчақ бўлишни талаб этишингиз одобдан эмас.

Вильфор итоаткорона таъзим қилди.

– Хоним, сўнгги уч ой мобайнида, – деди қироллик прокурори, – менда худбинликка хос бир одат пайдо бўлиб қолди. Бировнинг бахтсизликка учраганини эшитсам, ўз бахтсизлигимни кўзим олдига келтираман-да, беихтиёр таққослаб кўраман; сизнинг бошингизга тушган бахтсизлик менинг бошимга тушган бахтсизликка қараганда оддий воқеага ўхшаб қолди. Менинг фожиали аҳволим олди-да сизники ҳолва. Бу гапларим, афтидан, жаҳлингизни чиқараётгандир? Келинг, бас қилайлик. Хўш, хоним, гапни нимадан бошлаган эдингиз?

– Мен, азизим, – деди баронесса, – анави муттаҳамнинг иши нима бўлишини билмоқчи бўлиб келдим.

– Муттаҳам, дедингизми? – деди Вильфор, – сиз жұртта-га гоҳ камайтиб, гоҳ ошириб юборяпсиз. Андреа Кавальканти, тўғрироғи, Бенедеттони муттаҳам, деяпсизми? Хато қиласиз, хоним. Бенедетто учига чиққан қотил.

– Жаноб, мен бу тузатишингизга монелик қилаётганим йўқ; аммо сиз у бахтсизга қанча оғир жазо берсангиз, бу бизнинг оиламизга шунчалик оғир таъсир қилади. Бир неча кун уни хотирангиздан чиқариб ташланг, таъқиб қилманг, қочиб кетсин.

– Кечикдингиз, хоним, кечикдингиз, аллақачон буйруқ бериб қўйганман.

– У ҳолда уни қамоққа олишса... Сизнингча, уни қама-шармикин?

– Қамоққа олишади деб умид қилиб ўтирибман.

– Агар уни қамоққа олишса (ҳамма: турмалар тўлиб-тош-ган, деяпти), турмада қолдира қолинг.

Қироллик прокурори бошини чайқади.

– Ақалли қизим турмушга чиққунга қадар турмада олиб туринг! – деди баронесса.

– Бунинг иложи йўқ, хоним, одил суднинг ўз тартиб-қоидалари бор; уларни бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

– Мен учун ҳам-а? – деди баронесса ярим ҳазил, ярим чинга олиб.

– Ҳамма учун, – жавоб берди Вильфор, – мен учун ҳам, бошқалар учун ҳам.

– Шундай денг... – деди хоним, бу хитобнинг маъносини очик айтмай.

Вильфор унга синовчан назар ташлади.

– Айтмоқчи бўлган гапингизни тушуниб турибман, – деди прокурор, – уч ойдан буён менинг хонадонимни мо-там чодирига буркаб турган, Валентина Худонинг қудра-ти билан қутулиб қолган ўлим шунчаки оддий ўлим эмас-лиги ҳақида даҳшатли гаплар тарқалиб юрганига шама қияпсиз.

– Мен буни мутлақо хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, – деди шошиб Данглар хоним.

– Йўқ, йўқ, хоним, сиз худди шундай хаёлга бордингиз ва шундай қилишга ҳақлисиз ва ҳой, жиноятчиларни жа-золловчи корчалон, нега ўз атрофингда юз бераётган жи-

ноятларни жазосиз қолдиряпсан, деб ўйламаслигингиз мумкин эмас, ҳа, шундай деб ўйламаслигингиз мумкин эмас.

Баронессанинг ранги доқадай оқариб кетди.

– Ичингизда худди шундай дедингиз ҳозир, тўғрими, бекам?

– Тўғри, шундай дедим ичимда.

– Мен жавоб қайтараман.

Вильфор юшоқ ўриндиғини Данглар хоним стулига яқинроқ сурди; сўнгра иккала қўлини столга маҳкам тираб олди-да, одатдагидан бўғиқроқ товушда деди:

– Жинойтлар орасида жавобсиз қоладигани ҳам бўлади; чунки жинойтчилар номаълум бўлади; бундай ҳолларда жинойтни шундайича қолдирмаслик керак деб, бегуноҳ кишига ноҳақ азоб бериб қўйиш мумкин; аммо жинойтчилар (Вильфор шундай деди-да, столи рўпарасида осилиб турган катта бутга қўлини чўзди) топилиши биланоқ, Худо ҳақиға қасамёд қилиб айтаманки, улар ўлдирилади! Мана, қасам ичдим, уни албатта бажо келтираман бинобарин, ўша аблаҳга раҳм-шафқат қилишимни сўрашга қандай журъат эта оласиз!

– Бироқ, унинг жинойтчи эканлигига аминмисиз? – деди эътироз билдириб Данглар хоним.

– Мана, унинг жинойтлари ҳақидаги ҳужжатлар: Бенедетто ўн олти ёшида қалбаки ҳужжат билан қўлга тушиб, беш йил қамоққа ҳукм қилинган; кўрдингизми, йигитча ўша вақтданоқ ёмон йўлга тушиб олган экан; сўнг қамоқдан қочган, кейин каллакесарлик қилган.

– Ие, ким ўзи бу шўрлик банда?

– Ким билади! Бир корсикалик дайди бўлса керак-да.

– Уни ҳеч ким танимасмикин?

– Ҳеч ким; ота-онасининг кимлиги ҳам номаълум.

– Анави Луккадан келган киши-чи?

– У ҳам Бенедетто сингари фирибгар; эҳтимол, унинг шеригидир.

Баронесса ёлворувчан қиёфада қўл қовуштириб:

– Вильфор! – деди майин ва макрли оҳангда.

– Бекам, Худо ҳаққи, – деди қироллик прокурори қатъият билан, – мендан ҳеч раҳм-шафқат умид қилманг! Мен нима қилай? Ҳаммаси қонунга боғлиқ. Қонунга боғлиқ,

Қонуннинг кўзи бормидики, сизнинг қайғунгизни кўрса? Қулоғи бормидики, мунгли овозингизни эшитса? Зеҳни бормидики, фикрингизга жавоб қайтарса? Йўқ, хошим, йўқ, қонун фақат ҳукм қилади. Қонун ҳукм қилдими, тамом!

Менга: сиз кодекс эмас, жонли хилқатсиз, китоб эмас, одамсиз-ку, дейишингиз мумкин. Хоним, менга, менинг атрофимга бир назар солинг; одамлар орасида мени ўзининг чинакам оғайниси деб ҳисоблаган бирорта зот борми? Мени яхши кўрадиган бирор кимса топиладими? Одамлар менга шафқат қилганми? Вильфорга шафқат тилаган одам борми бу жамиятда? Йўқ, минг бор йўқ! Вильфор ҳамиша таъқибда, фақат таъқибда!

Сиз эса шундай бир аёлсиз, фаттон кўзларингизни тикиб, сирли дамларни эсга соласиз-да, одамни қизартирасиз. Ўша ўзингизга аён дамларни ва эҳтимол ундан бўлак нарсаларни ҳам эслатиб уялтиришга қобил жононсиз.

Аммо ўзим, эҳтимол, бошқалардан пастроқ тубанликка юз тутганимдан буён фасод ўзагини топиш учун кишиларнинг ниқобини йиртиб келяпман ва ҳар гал фасодни очиб ташлаяпман, очиб ташлаганда ҳам қувониб-қувониб, завқ-шавқ билан очиб ташлаяпман; чунки инсондаги ожизлик билан жаҳолат ана шулардир.

Ҳайҳот, мен жазолайдиган ва менга жонли далилдай бўлиб кўринган ҳар бир кимсанинг, назаримда, ўзимдан ортиқ ё кам жойи йўққа ўхшайди! Ҳайҳот! Ҳамма одамлар жоҳил ҳоким; биз шуни тасдиқлаймиз ва ёвузларни қон қақшатамиз!

Вильфор сўнгги сўзларини ғазаб ва қаҳр билан айтди.

– Ахир ўзингиз, – деди Данглар хоним охирги марта уришиб, – бу ёш йигитнинг ҳеч кими йўқ, бошпанасиз бир дайди дедингиз-ку!

– Буниси яна ёмон, тўғриси, яна яхши. Тангрининг ўзи уни ҳеч ким ёдга олмайдиган қилиб яратган экан.

– Жаноб, сиз нотавон бир бандага таҳдид қиляпсиз?

– Қотилни нотавон деб бўладими?

– У шарманда-ю шармисор этилса, менинг хонадонимга доғ тушади.

– Менинг хонадоним-чи? Бу сирли ўлишлар менинг оиламга ҳам лаънат тамғасини босмади, дейсизми?

– Сиз фақат бошқаларга бераҳмсиз, – деди хитоб билан баронесса. – Шуни унутмангки, сизга ҳам асло раҳм-шафқат қилишмайди.

– Шафқат қилишмаса ундан нарига! – деди Вильфор ғазаб-ла осмонга қараб.

– Ҳеч бўлмаса шу шўрликнинг ишини кейинги сессияга кечиктиринг: ярим йил ўтиб кетади ва бу воқеалар ҳаманинг хаёлидан кўтарилади.

– Йўқ, – деди Вильфор, – яна беш кун вақтим бор; тергов аллақачон ниҳоясига етган; беш кун етиб ортади менга; менинг ҳам хаёлимдан кўп нарсалар кўтарилиб кетиши мумкинлигини наҳотки тушунмасангиз, бекам? Мен ишлаётганимда (мен тун-кун демай ишлайман) ҳамма нарса ёдимдан кўтарилиб кетади, ўзимни иш пайтида худди тинч ётган ўликлар каби бахтиёр сезаман, ҳар хил даҳшатли хаёллар гирдобида азоб чекиб юришдан кўра шу яхши-да.

– Ахир у бекинибди-ку, қўйинг, қочиб қутулсин, индамай туриш раҳмдилликнинг энг енгил усули-ку.

– Ахир мен сизга кечикдингиз, дедим-ку, азонда телеграф орқали ҳамма ёққа буйруқ берилди, энди...

– Жаноб, – деди эшикдан кириб келган камердинер, – ички ишлар министрлигидан шошилинич хат келди.

Вильфор конвертни шартта олди-да, шошилиб очди. Данглар хоним кўрқиб кетди, Вильфор эса қувонганидан қалтирарди.

– Қамоққа олিনিбди! – деди хитоб билан Вильфор, – уни Компьенда қўлга туширишибди, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлибди.

Данглар хоним ўрнидан турди, у девор бўлиб қолган эди.

– Яхши қолинг, жаноб, – деди хоним совуқ қилиб.

– Хайр, хоним, хайр, – деди қироллик прокурори севинчини яширолмай, хонимни эшиккача кузатиб қўяркан.

Сўнг у ёзув столига қайтиб ўтирди.

– Шундай қилиб, – деди у ҳалиги шошилинич хатга қўли билан уриб. – Қўлимда бир қаллоб, уч ўғри, икки ўт қўювчининг иши бор эди, фақат қотилнинг иши кам эди, мана энди бу ҳам қўлимга тушди, сессия аъло даражада ўтади.

III. ШАРПА

Данглар хонимга қироллик прокурори айтганидек, Валентина ҳамон бемор эди.

У жуда ҳолдан тойган, ўрнидан туролмасди. Эженининг қочиб кетганини, Андреа Кавалькантининг, тўғрироғи, Бенедеттонинг қамоққа олинганини ва уни қотилликда айблаётганларини Валентина ётган жойида Вильфор хонимдан эшитди.

Бироқ дармони қуриган Валентинага бу хабарлар унча таъсир этмади, соғ бўлганида, эҳтимол ҳаяжонга тушарди. Унинг чарчоқ миясида пайдо бўлаётган ёки мунгли кўзлари олдида бир лаҳза кўриниб, ўтиб кетаётган ғалати шарпалар жумласига яна бир неча мубҳам фикрлар, ноаниқ образлар қўшилди, холос; булар ҳам ўзининг эзгу туйғулари орасида йўқ бўлиб кетди.

Кундузлари Валентина буваси Нуартъе орқали атрофда бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиб турарди, чунки чол кундузи ўриндиғини неварасининг хонасига киритиб, кун бўйи бемордан кўзини узмай ўтирарди; Вильфор суддан қайтгач, бир-икки соат вақтини отаси ва қизи билан ўтказарди.

У соат олтида кабинетига кириб кетарди, соат саккизда д'Авриньи Валентинага тунда ичиш учун тайёрланган дорини келтириб берарди, шундан сўнг Нуартъени олиб чиқишарди.

Докторнинг таклифи билан чақирилган ҳамшира ҳаммани чиқариб юбориб, ўтириб олар ва фақат соат ўн ёки ўн бирларда, Валентина уйқуга кўз юмганда, кетарди. У кетаётиб, Валентина бўлмасининг калитини Вильфорнинг ўзига топширарди, демак, бемор ҳузурига фақат Вильфор хоним ётоқхонасидан, кичкинтой Эдуар бўлмасидан кириш мумкин эди.

Моррель ҳар куни эрталаб Нуартъе ҳузурига келиб, Валентинанинг соғлиғини сўрарди; қизиқ: у борган сари кўнгли хотиржам бўлаётгандек кўринарди.

Бунинг сабаби, биринчидан, гарчи асабий ҳаяжондан ҳали қутулмаган бўлса-да, Валентина кундан-кунга ўзини яхши ҳис қила бошлади, иккинчидан, Моррель эс-ҳушини

йўқотиб, Монте-Кристоникига борганда граф: «Валентина икки соатгача ўлмас, тирик қолади», деган эмасмиди?

Мана, ўшандан буён тўрт кун ўтди, Валентина тирик.

Юқорида биз айтган асаб бузилиши, асабий ҳаяжон Валентинани тушида ҳам тинч қўймади; кечқурунлари мудраб ётган вақтларида ҳам қийноққа олди; ана шу пайтларда унинг кўз олдида хира чироқ ёғдусида аллақандай ваҳимали кўланкалар пайдо бўлар, гоҳ ўгай онаси қаҳр-газаб-ла бақрайиб тургандай, гоҳ Моррель кўлини чўзаётгандай, гоҳ граф Монте-Кристо каби ёт кишилар тикилиб тургандай туюларди, ҳатто алаҳлаганида стол, стул, жавонларга жон кириб, уйда сакраб юргандай бўларди. Бу ҳол кечаси соат учгача, қаттиқ уйқуга кетгунига қадар давом этарди.

Валентина Эженининг қочиб кетганини ва Бенедеттонинг қамоққа олинганини эшитган кеча, Вильфор, д'Авриньи ва Нуартье чиқиб кетгандан сўнг, Мук Филипп Рульский черковининг соати ўн бирга бонг уриши билан ҳамшира бемор олдига тайёр ичимликни келтириб қўйиб, эшикни бекитди-да, қироллик прокурори хонадонидаги хизматкорларни уч ойдан буён ҳаяжонга солаётган даҳшатли воқеалар ҳақидаги гапларини тинглагани ошхонага йўл олди. Худди шу пайтда Валентинанинг маҳкам қулфлаб қўйилган хонасида қутилмаган манзара юз берди.

Ҳалиги аёл кетгач, орадан ўн дақиқача вақт ўтди.

Валентинани, одатдагидек, бир соатдан буён безгак тутиб ётарди; миясида турли фикрлар ғужғон урар ва тинмай алаҳсирарди.

Шу он бирдан Валентинага тунги шам чироқнинг хира ёғдусида печь олдидаги таҳмонга ўрнатилган китоб жавони овозсиз секин очилгандай кўринди.

Бошқа вақтларда Валентина дарҳол қўнғироққа ёпишиб, одамларни ёрдамга чақирган бўлур эди, бироқ ярим ҳушсиз ҳозирги ҳолатида уни ҳеч нарса ажаблантирмасди.

«Бўлар ҳаммаси босинқираётганим боисидан, – деб ўйлади Валентина, – тонг отиб, қуёш дастлабки заррин нурларини сочиши билан тунги бу арвоҳлар, шарпалардан асар ҳам қолмайди-ку».

Жавон ичидан бир одам чиқди.

Бунақа шарпаларни кўравериб кўникиб қолган Валентина кўрқмади; у Моррелни кўриш ниятида фақат кўзларини катта очди.

Одам каравот томон юриб келди-да, худди бир нарсага қулоқ солаётгандек, тўхтади.

Шу топда бемаҳал пайдо бўлган меҳмоннинг юзига чироқ нури тушди.

– Йўқ, Моррель эмас, – деди пичирлаб Валентина ва бу тушим бўлса керак деб ўйлаб, у гумдон бўлади ёки бошқа қиёфага кирар, деб кутиб индамай ётаверди.

Сўнгра томирини ушлаб кўрди, томири тез-тез ураётган эди; Валентина доридан озгина ичса бу шарпалар дарҳол кўздан ғойиб бўлишини эслади; доктор тайёрлаган дори тетиклантириб, иситмани пасайтирар ва ҳушни жойига келтирарди, ичгач, анча вақтгача енгил тортарди.

Валентина биллур идишдаги стаканни олиш ниятида мадорсиз қўлини чўзган эди, ҳалиги одам дарҳол каравот томон сакраб, Валентинага жуда яқин келди, қиз унинг нафас олаётганини бемалол эшитиб турарди, ҳатто унинг қўли текканини ҳам сезди.

Шу маҳалгача Валентинага бирорта шарпа ҳақиқий одамга ўхшаб кўринмаган эди. Бемор бу туш эмас, ўнги эканлигини, эс-ҳуши жойидалигини фаҳмлади-да, сесканиб кетди.

Бояги қўл Валентинанинг дорига узатилган қўлини тутиб тўхтатди, Валентина қўлини аста тортиб олди. Қиз ундан кўзини узмай қараб турарди; у стаканни олиб, шам чироқ олдига борди-да, гўё тиниқ ва тозалигини текшираётгандек, дорини синчиклаб кўздан кечирди.

Афтидан, бу шошилинич текшириш уни қаноатлантирмади.

Бу одам, ёки тўғрироғи, шарпа (у учиб юргандек жуда оҳиста қадам ташлар, қадам товушлари юмшоқ гиламда асло эшитилмасди) қошиқ билан доридан жиндақ олди-да, ичди.

Буни кўриб Валентинанинг оғзи очилиб қолди.

У ҳамон шарпа гумдон бўлар ва ўрнида бошқаси пайдо бўлар, деб умид қиларди. Аммо сеҳрли меҳмон гумдон бўлиш у ёқда турсин, Валентинанинг ёнига келиб, стаканни узатди ва ҳаяжонли овозда:

– Энди ичсангиз бўлади!.. – деди.

Валентина чўчиб тушди.

Бу шарпанинг у билан биринчи марта одамга ўхшаб гаплашиши эди.

Бемор қичқирмоқчи бўлди.

Одам бармоғини лабига қўйиб «жим!» деди.

– Граф Монте-Кристо! – деди пичирлаб Валентина.

Қизнинг кўзларини ваҳима босди, у шоша-пиша титраганча қўллари билан кўрпани устига тортди; демак, энди шарпа ҳақиқий одам эканлигига унинг ҳеч қандай гумони қолмаганди. Шу билан бирга Монте-Кристонинг шундай бемаҳалда қандай қилиб сирли, ғайри табиий ҳолда девордан ўтиб, бу ерда пайдо бўлганлигига қиз ҳеч тушунолмасди.

– Кўрқманг, қичқирманг, – деди граф, – хотиржам бўлинг, асло чўчиманг; қаршингизда турган одам, Валентина, бу гал шарпа эмас, ҳақиқий одам, энг меҳрибон дўст ва ҳавас қилса арзийдиган ҳурматли ота.

Қаршисида шарпа эмас, ҳақиқий одам турганлигини тасдиқловчи бу овоз унга шу қадар даҳшатли эшитилдики, Валентина ун чиқаришга ҳам кўрқди. Бироқ унинг кўрқув тўла кўзлари: «Ниятингиз пок экан, бемаҳалда бу ерда нима қилиб юрибсиз?» – деб турарди.

Ниҳоят, зийрак Монте-Кристо қизнинг кўнглидан нималар кечганини дарҳол фаҳмлади.

– Гапимга қулоқ солинг, – деди граф, – тўғрироғи, менинг ранги рўйимга, қизарган кўзларимга, одатдагидан баттар бўзарган юзларимга бир назар ташланг: тўрт кундан буён кечалари мижжа қоқмай сизни кўриқлаб чиқдим, сизни бало-қазолардан асрадим, дўстимиз Максимилиан учун сизни ҳимоя қилдим.

Қувончдан қизнинг юзига қон югурди; граф тилга олган номни эшитгач, унда шубҳа-гумондан асар ҳам қолмади.

– Максимилиан!.. – такрорлади Валентина севиниб. – Максимилиан! Демак, у сизга ҳамма юрак сирларини айтиб берибди-да?

– Ҳаммасини. У менга, Валентина менинг жоним, ҳаётим, деди. Мен унга, сизни ўлмайди, яшайди, деб ваъда бердим.

– Сиз унга, мени ўлмайди, деб ваъда бердингизми?

– Ҳа, ваъда бердим.

– Сиз мени қўриқлаяпман, муҳофаза қиляпман, дедингиз. Сиз ҳали доктормисиз?

– Ҳа, Парвардигорнинг ўзи йўллади бу докторни сизга.

– Тунлари мижджа қоқмай чиқдим, дедингиз, – сўради Валентина яна. – Ўша тун чоғлари қаерда эдингиз? Мен сизни кўрмадим-ку.

Граф қўли билан китоб жавонини кўрсатди.

– Ана шу эшик орқасида, – деди у, – бу эшик мен ижарага олган кўшни уйга олиб чиқади.

Валентина хижолат тортиб қизарди-да, орқасига ўгирилиб олди.

– Жаноб, – деди у даҳшатга тушиб, – бу қилифнингиз ўта одобсизлик-ку, сиз мени ҳақорат қилибсиз.

– Валентина, – деди граф, – ана шу уйқусиз узоқ тунлари менинг кўларим фақат сизнинг ҳузурингизга кимлар кириб чиқаётганида, сизга қанақа овқатлар тайёрлаб келтираётганларида, қанақа ичимликлар бераётганларида бўлди; ичимлик менга хавфли кўриниши билан, ҳозиргидек, секин кириб стакандаги суюқликни тўкиб ташладим; заҳар ўрнига ширин ичимлик қуйиб қўявердим; бу ичимлик сизга ажал эмас, ҳаёт бағишларди.

– Заҳар! Ажал! – қичқириб юборди Валентина яна алаҳсираяпман деб ўйлаб, – нима деяпсиз, жаноб?

– Жим, қизалоғим, жим, – деди Монте-Кристо яна бармоғини лабига қуйиб, – ҳа, мен заҳар дедим; ажал дедим; яна қайтараман: ажал, қўйинг бу гапларни, мана бу дорини ичинг (граф чўнтагидан қип-қизил суюқлик солинган шиша олиб стаканга уч-тўрт томчи томизди). Мана шуни ичингда, сўнг тун бўйи оғзингизга ҳеч нарса олманг.

Валентина қўлини узатди, бироқ стаканга тегиши ҳамон кўрқиб кетди-да, қўлини тортиб олди.

Монте-Кристо стаканни олиб, суюқликнинг ярмини ичди, сўнг Валентинага узатди; қиз жилмайиб, қолганини ичиб юборди.

– Тунда ичаётган дориларимнинг таъми ҳам худди шунақа эди, – деди Валентина. – У ҳамини мени дилхуш этар ва фикримни равшанлаштирарди. Раҳмат сизга, жаноб.

– Сиз, Валентина, мана шу дори билан тўрт кеча жон сақладингиз, – деди граф. – Мен-чи? Мен бу тунларни қандай ўтказганимни биласизми? Нақадар оғир, мушкул бўлди бу дамлар менга! Ҳар гал стаканингизга ўткир захарни қуяётганларини кўриб, ишқилиб, мен бориб тўкиб ташламагунча дорини ичиб қўймасин-да, деб кўп азоблар чекдим.

– Жаноб, – деди Валентина ўтакетган даражада ваҳимага тушиб, – стаканимга ўткир захар қуяётганларини кўриб кўп азоб чекардим, дедингизми? Демак, захарни қуйган кишини кўрибсиз-да, шундайми?

– Ҳа, кўрдим.

Валентина тўшакдан қаддини бир оз кўтарди; оппоқ сийнасини безгак тери ҳўп қилиб юборган гулдор қўйлаги билан бекитди-да:

– Кўрдингизми? – деб сўради такроран.

– Ҳа, кўрдим, – жавоб берди граф.

– Қандай даҳшат, жаноб, сизнинг шундай ёвуз ниятли душманингиз бор деб ишонтироқчимисиз мени? Ўз отамнинг уйида, ўз хонамда мени ҳамон ўлдирмоқчи бўляптиларми-я? Кетинг бу ердан, сиз мени виждон азобига соляпсиз, сиз Тангримнинг марҳаматига бўҳтон қиляпсиз; мен бунга ишонмайман, бундай бўлиши асло мумкин эмас!

– Ахир, бу ёвуз ниятли душманингизнинг қурбони бўлган биргина сиз эмассиз-ку, Валентина?.. Маркиз де Сен-Меран, унинг кетидан маркиза де Сен-Меран ва Барруанинг ҳалок бўлганини ўз кўзингиз билан кўрмаганмидингиз? Агар бошқа бир захар билан зарарсизлантириб турилмаганида, жаноб Нуартъега ҳам берилган захар уни аллақачон ҳалок қилиши мумкин эди-ку!

– Э, Парвардигор, – деди Валентина, – бувам бечора шу вайдан мен ичаётган дорини ичгин, деб талаб қилган экан-да.

– Ўша ичимликнинг таъми қуритилган апельсин пўчоғининг таъмига ўхшайдими?

– Ҳа, худди ўзи!

– Мана энди ҳаммаси менга равшан бўлди! – деди Монте-Кристо. – Чол сизни захарлаганларини ва ҳатто бу захарни ким бераётганини биларкан-да. У сизни ҳам, ўзининг энг севимли набирасини ҳам ўша ўткир дорига ўрга-

таётган экан-да; демак, ўткир дорининг, тўғрироғи, заҳарнинг таъсири кучсизлантирилибди-да. Тирик қолганингизнинг боиси, мана, нимада экан; мен эса, бундан тўрт кун муқаддам бедаво заҳарни ичирганларидан кейин қандай қилиб тирик қолганлигингизнинг сабабини билолмай га-ранг эдим.

– Заҳар бераётган қотил ким? Айтинг ахир.

– Энди саволни мен сизга бераман: хонангизга кечаси бирор кимса кирганини кўрдингизми?

– Кўрдим, кўпинча аллақандай кўланкаларни кўраман; улар менга яқинлашар, сўнгра узоқлашиб, кўздан ғойиб бўладилар. Бироқ мен уларни арвоҳлар, шарпалар деб ўйлардим; бугун сиз кирганингизда ҳам алаҳпаяпман ёки туш кўряпман деб ўйлагандим.

– Бундан чиқди, сиз ҳали жонингизга ким қасд қилаётганини билмас экансиз-да?

– Билмайман, – деди Валентина, – менга ўлим тилаётган зот ким экан?

– Ҳозир билиб оласиз, – деди Монте-Кристо қулоғини динг қилиб.

– Қандай қилиб? – сўради Валентина кўрқинч билан атрофга аланглаб.

– Сизни ҳозир безгак тутаётгани йўқ, алаҳсираётганингиз ҳам йўқ, эс-ҳушингиз жойида; ярим кеча, қотил худди шу пайтда келади.

– Э, Худойим, ўз паноҳингда асрагин! – деди Валентина пешанасини ушлаб.

Соатнинг қоқ ярим тунга ураётган ҳар бир бонги қизнинг юрагига тўқмоқ бўлиб тушарди.

– Валентина, – давом этди граф, – бардам бўлинг, юрагингизни босинг, ун чиқармай, ўзингизни қаттиқ уйқуга солинг, ана шунда қотилни кўриб оласиз.

Валентина графнинг қўлидан маҳкам тутди.

– Оёқ товуши эшитяпман, – деди у, – кетинг тезроқ!

– Алвидо, ёки тўғриси, кўришгунча хайр, – жавоб қилди граф.

Граф ғамгин ҳолда оталарча жилмайиб аста китоб жавони орқасига ўтди, қалби миннатдорлик туйғусига тўла қиз унинг орқасидан қараб қолди.

Граф эшикни бекитиш олдидан яна Валентинага томон ўгирилди-да:

– Қимир этмай, ун чиқармай ётаверинг, – деди, – сизни қаттиқ уйқуда деб билсин у; акс ҳолда мен етиб келгунча сизни ўлдириб қўйиши мумкин.

Граф шу даҳшатли сўзларни айтди-да, эшикни бекитиб, ғойиб бўлди.

IV. ЛОКУСТА¹⁹

Валентина якка ўзи қолди. Филипп Рупльский соатидан кейинда қолган иккита бошқа соат ҳам ярим кечага бонг урди. Сўнг ҳамма ёқни сукунат босди, фақат узоқ-узоқдан филдиракларнинг товуши эшитиларди.

Валентинанинг бутун диққати маятниги сонияларни ураётган соатда эди. У сонияларни санар экан, юраги ундан икки баравар тез ураётганини сезди.

Бироқ Валентина ҳамон шубҳада эди – наҳотки, шундай бокира қизнинг жонига қасд қилсалар? Нима учун? Қандай гуноҳи учун унга ўлим тилаш мумкин? Душман орттирадиган бирор ёмонлик қилгани йўқ-ку?

Валентинанинг уйқуси ўчиб кетди.

Унга биргина нарса азоб берарди: демак, бу дунёда уни ўлдирмоқчи бўлган ва яна ўлдиришга ҳаракат қилаётган кимса бор экан-да.

Борди-ю, қотил заҳар таъсир қилмаётганини сезиб, Монте-Кристо айтганидек, қурол ишлатса, унда нима бўлади? Граф қизга ёрдам беришга улгурмаса-чи? Борди-ю, бу ҳаётининг сўнгги дақиқалари бўлиб, Моррелни кўролмай қолса-чи?

Шу каби мудҳиш хаёллар уни қаттиқ ваҳимага солди, вужуди музлаб, титроқ босди; ёрдам сўраб қўнғироқ чалишига оз қолди. Бироқ китоб жавони орқасидан Монте-Кристининг кўзлари тикилиб тургандек туюлди-ю, ўзини қўлга олди.

Шу тариқа йигирма дақиқа ўтди, бу йигирма дақиқа йигирма йилдек туюлди унга; сўнг яна ўн дақиқа ўтди: охири соат қаттиқ бир бонг урди.

¹⁹ Локуста (лотинча: locusta) – чигиртка ёки қузғун дегани.

Шунда граф жавоннинг эшигини тирнаб, ўзининг уйғоқ эканлигини билдирди ва Валентинага тасалли бергандек бўлди.

Айни вақтда рўбарўда, Эдуар бўлмаси томондан паркет пол ғижирлади; Валентина қулоғини динг қилиб қимир этмай ётаверди; тутқич шиқирлаб эшик очилди. Валентина ўзини ёстиққа отиб, тирсаги билан юзини бекитиб олишга зўрға улгурди.

У дағ-дағ титрарди, юраги ёрилгудек бўлиб, бу ёғи нима бўлишини кутди.

Кимдир келиб каравот пардасини ушлади.

Валентина бор иродасини тўплаб, уйқудаги кишидек бир текисда нафас олиб ётаверди.

– Валентина! – деди секин кимдир.

Қизнинг бутун вужуди зириллаб кетди, аммо ғинг демасди.

– Валентина! – такрорланди овоз. Яна жимлик; Валентина графга уйғонмасликка ваъда берган эди.

Шу пайт ҳозиргина дори ичган стаканга бир нима қуйлаётганини қиз аниқ эшитди. Шунда у кўзини хиёл очиб, қўл остидан қаради. Юпқа оқ қўйлакли аёл унинг стаканига шишадан қандайдир суюқлик қуяётган эди.

Бир дақиқа Валентинанинг ё нафаси тўхтади, ёки қимирлаб қўйди шекилли, аёл чўчиб тушди ва тўшакка энгашиб, қиз уйқудами-йўқми текшириб олди. Бу де Вильфор хоним эди.

Валентина ўгай онасини кўрди-да, аъзойи бадани шунақанги қаттиқ титрадики, ҳатто каравот ҳам силкиниб кетди.

Вильфор хоним парда орқасига ўтиб, Валентинага диққат билан тикилганича деворга қапишиб тураверди.

Қиз Монте-Кристонинг огоҳлантиришларини эсга олди; ўгай онанинг қўлида пичоқ ялтирагандек туюлди унга. Шундан сўнг Валентина зўр бериб яна кўзини юмишга уринди, бироқ шўрлик қизнинг кучи етмади, ҳақиқатни билиб олиш истаги кўзларини юмдирмасди.

Шу орада де Вильфор хоним жимжитликда Валентина бир текис нафас олаётганини эшитиб, ухлаяпти деган халга борди-да, яна қўлини чўзиб, Валентина стаканига

шишада қолган суюқликни қуйди. Сўнг ниҳоятда оҳиста қадам ташлаб чиқиб кетди; ҳатто Валентина унинг оёқ товушини эшитмади, фақат эндигина йигирма беш баҳорни кўрган нозанин жувоннинг стаканга ажал шароби қуяётган кўли ғойиб бўлганини кўрди, холос.

Вильфор хоним ҳозир бўлган шу бир ярим дақиқалик вақт Валентина учун қанчалик оғир кечганини тасаввур қилиш қийин. У зўрға бошини кўтарди; жавон эшиги аста очилиб, яна граф Монте-Кристо пайдо бўлди.

– Ҳўш, – деди у, – ҳалиям ишонмайсизми?

– Ё, алҳазар! – деди пичирлаб Валентина.

– Кўрдингизми?

– Кўрдим.

– Танидингизми?

Валентина йиғлаб юборди.

– Танидим, – деди қиз, – аммо ҳеч ишонгим келмаяпти.

– Демак, жонингизга қасд этиш ва Максимилианни ҳам тириклайин гўрға тиқишни истар экансиз-да!..

– Э, Худойим, ўзинг сақла бу балолардан! – деди Валентина, у ўзини ақлдан озаётгандек сезди. – Наҳотки, уйдан чиқиб, қочиб кетолмасам? Наҳотки?

– Валентина, сизнинг жонингизга қасд қилаётган кимса сизга ҳеч ерда тинчлик бермайди, қаерга борсангиз орқангиздан етиб боради-да, жонингизга чанг солади; дунёда олтиндан кучли нарса йўқ, у билан хизматкорларингизни сотиб олади ва ҳамма нарсага сиз учун ажал уруғи сепиб қўйилади: ҳар бир ҳўплам булоқ сувига ҳам, дарахтдан узиб олинган мевага ҳам...

– Ахир бувангиз сизни ҳам заҳарга бардош берадиган қилиб ўргатиб қўйган, дедингиз-ку ўзингиз?

– Тўғри, лекин фақат бир хил заҳарга, ўшандаям оз миқдордагисига, бироқ бошқа заҳар беришлари ёки шунинг ўзини кўпроқ қўйишлари мумкин.

Граф стаканни олди-да, суюқликни лабига теккизиб кўрди.

– Худди айтганимдек бўлиб чиқди! – деди у. – Сизни энди бурцин билан эмас, оддий наркотик билан заҳарламоқчи бўлишибди. Бунда ўша заҳар қўшилган спиртнинг таъми бор, Валентина; мабодо сиз ҳозир Вильфор хоним қўйган

заҳарни ичганингизда, аллақачон дунёдан ўтган бўлур эдингиз!

– Э, Худойим! – хитоб қилди қиз. – Ахир нега улар менга қасд қилишяпти?

– Тавба, одам ҳам шунчалик содда бўладими-я? Наҳотки, сиз жоҳиллик, ғаразгўйлик, ёвузлик бу дунёдаги одамларнинг суяк-суягига сингиб кетганидан лоақал озроқ бўлса-да, хабардор бўлмасангиз? Ҳалиям тушунмадингизми?

– Йўқ, ҳеч ақлим етмаяпти, – деди Валентина, – ахир мен унга ҳеч ёмонлик қилганим йўқ-ку.

– Сиз, Валентина, бойсиз, икки юз минг ливр йиллик даромадга эгасиз; бу икки юз мингдан унинг ўғлини маҳрум қиляпсиз.

– Нега энди? Ахир бу пулга унинг ҳеч дахли йўқ-ку? Бу менга буваларимдан қолган мерос-ку?

– Тўғри, маркиз ва маркиза де Сен-Меранлар ҳам шу вадан ўлиб кетишди; яъни улардан қолган мол-мулк сизга, сизнинг қўлингизга ўтиши керак эди; Нуартъе ҳам сизни ўзининг меросхўри қилиб белгилаган куни унга ҳам ҳукм чиқариб қўйишди; сизни ўлдирмоқчи бўлаётганларининг бойси ҳам мана шунда, Валентина, сиз ўлсангиз, бутун мерос отангизга қолади; укангиз эса отадан сўнг ягона фарзанд сифатида меросхўр бўлиб қолади.

– Шўрлик Эдуар! Бу жинойтларнинг ҳаммаси уни деб қилинаётган экан-да!

– Мана энди тушунибсиз!

– Э, Тангрим, бу балолардан сақла уни!

– Сиз чинакам фариштасиз, Валентина!

– Бувамни-чи? Унга раҳм қилишибди-да!

– Ундай эмас, сиз дунёдан ўтгач, бувангизнинг мол-мулки (агар у Эдуарни ўзи бундан маҳрум этмаса) барибир, укангизники бўлиб қолади, деган фикрга келиб, жаноб Нуартъега тегишмаяптими; гарчи бу жинойтдан ҳеч қанақа наф бўлмаса-да, лекин хавфи кўп.

– Аёл киши ҳам шунча ёвузликка борар экан-да, а? Ё, алҳазар!

– Перужани, почта меҳмонхонасидаги шийпонни ва жигар ранг ёмғирпўш кийган одам билан ўгай онангиз ўрта-

сидаги суҳбатни эсланг. Бу ёвуз ният унинг дилида ўшанда туғилганди.

– Оҳ, граф, – хитоб қилди қиз кўзлари жиққа ёшга тўлиб, – ундай бўлса, мен хароб бўлдим!

– Йўқ, Валентина, йўқ. Мен ҳаммасини олдиндан кўриб қўйдим; душманингизни билиб олдик, энди у ҳалокатга юз тутди; сиз эса, Валентина, яшайсиз, севиш ва севилиш учун яшайсиз; пок ва олижаноб қалбни бахтиёр этиш учун яшайсиз; фақат бир шарт бор: сиз бутунлайин менга суюнишингиз керак.

– Буюринг, граф, нима қилай?

– Мен нима берсам, шуни ичасиз.

– Ҳаммаси Яратганнинг ўзига аён, – деди Валентина, – ёлғиз бўлсайдим, ўлганим яхши деб қўя қолардим.

– Ҳеч кимга, ҳатто отангизга ҳам бу ҳақда ҳеч нима деманг.

– Лекин, отам бу ёвуз ишга ҳечам аралашмаган бўлса керак, шундайми граф? – деди Валентина.

– Тўғри, аралашгани йўқ; аммо жиноятчиларни фош этишда қўли қаварган отангиз хонадонидан бу ўлишлар табиий эмаслигини англаши, гумонга бориши керак эди: сизни отангизнинг ўзи муҳофаза қилмоғи, ҳозир менинг ўрнимда бўлмоғи позим эди: бу суюқликни ўзи синаб кўриб, қотилга қарши жанг қилмоғи зарур эди. – Граф сўзининг охирида аста: – «Шарпа шарпага қарши», – деб қўйди.

– Мен, граф, тирик қолиш учун қўлимдан келган ҳамма чораларни кўраман, – деди Валентина, – икки киши учун – бувам ва Максимилиан учун яшашим керак, чунки дунёда шу иккиси мени жонидан яхши кўради; мен ўлсам, улар ҳам ўлади.

– Мен уларни ҳам сиз каби муҳофаза қиламан.

– Қани айтинг, мен нима қилишим керак? – сўради Валентина, сўнг пичирлаб: «Оҳ, Тангрим, бу шўрлик бошимга тағин не савдолар тушаркин-а?» деб қўйди.

– Ҳеч нарсадан кўрқманг, Валентина; ҳар қандай азобга бардош беринг, кўздан, қулоқдан, ҳис этиш қобилиятдан жудо бўлсангиз ҳам ваҳимага тушманг, ҳатто тобут ичида ҳушингизга келсангиз ҳам парво қилманг, ҳушингизни йиғиб олинг-да, ўз-ўзингизга: «Шу дақиқада ҳам мени дўстим,

отам, менга ва Максимилианга бахт инъом этишга жон куйдириб интилаётган зот қўриқлаб турибди», деб ишонаверинг.

– Ё, тавба, ростданам шундай қилиш керакми-я?

– Ёки ўгай онангизни қўлга тушириб бера қоласизми?

– Йўқ, йўқ, бундай қилгандан кўра ўлганим яхши!

– Сиз ўлмайсиз, Валентина. Бошимга ҳар қандай фалокат тушганда ҳам оҳ-воҳ қилмайман, деб ваъда берасизми менга?

– Фикру хаёлим фақат Максимилианда бўлади.

– Мен, Валентина, сизни ўз қизимдек севаман; фақат мен сизни бу фалокатдан қутқара оламан ва албатта қутқараман.

Валентина сиғинаётгандек қўлларини қовуштирди, ҳозирги даҳшатли онларда фақат Яратганнинг ўзи мадад бериши мумкин, деб пичирларди: елкасини узун сочлари бекитиб, пеньюарасининг²⁰ тўри орасидан унинг юраги қандай ураётгани кўриниб турарди.

Граф қизнинг қўлини аста ушлади, бахмал кўрпани елкасига тортиб қўйди ва оталарча табассум-ла:

– Оппоғим, – деди, – Тангрининг меҳри-шафқатига ва Максимилианнинг муҳаббатига қанчалик ишонсангиз, менга ҳам шунчалик ишонаверинг.

Валентина худди ювош гўдак сингари графга кўзларини мўлтиллаптиб қараб қўйди.

Шундан сўнг граф камзули чўнтагидан зумрад идишни чиқариб, олтиндан ясалган қопқоғини очди-да, нўхатдек дорини Валентинанинг кафтига қўйди.

Валентина дорини олиб диққат билан графга тикилди; жасур халоскорининг чехрасида илоҳий қудрат ва олижаноблик барқ уриб турарди. Валентина: «Ютиб юбораверайми?» дегандек қарарди.

– Ҳа, ютиб юборинг, – деди Монте-Кристо.

Валентина дорини тили устига қўйиб ютиб юборди.

– Хайр энди, оппоғим, – деди граф. – Энди бориб ухласам бўлади, чунки сиз фалокатдан халос бўлдингиз.

²⁰ Пеньюара – аёлларнинг эрталабки енгил кийими.

– Боринг, ухлаб ором олинг, – деди Валентина, – энди сира ҳам кўрқмайман, деб ваъда бераман сизга.

Монте-Кристо наркотикнинг таъсири билан аста уйқуга кетаётган қизга узоқ тикилиб турди.

Сўнгра у стаканни олиб, гўё Валентина ичибди, деб ўйла-син учун ундаги суюқликнинг тўртдан уч қисмини тошпеч-га тўқди, стаканни яна стол устига қўйди; сўнг китоб жа-вони олдига борди-да, Валентинага тағин бир кўз ташлаб, ғойиб бўлди. Қиз эса Тангрининг оёғи остида ором олаёт-ган пари сингари тинчгина уйқуга кетган эди.

V. ВАЛЕНТИНА

Тошпечь устидаги шамчиноқ пилиги сув юзида қалқиб юрган охирги мой томчиларини шимиб, ҳамон ёнмоқда; мана, бирпасда ганч қалпоқча теварагида қизғиш ҳалқача пайдо бўлди, чирсиллаб ёнаётган шам алангаси ўзининг сўнгги нурларини соча бошлади; зотан, худди одамлар син-гари жонсиз мавжудотларда ҳам ўлим олди талвасаси юз беради. Хира, мудҳиш ёғду Валентина тўшагининг оппоқ пардаси устига сарғиш шуъла ташлаб турарди.

Кўча шовқини тугаб, ҳамма ёқни ваҳимали сукунат бос-ди.

Шу пайт Эдуар бўлмасининг эшиги очилди-да, рўпарада-ги ойнада боя биз кўрган башара кўринди; Вильфор хоним ҳалиги заҳарнинг таъсирини аниқлаш учун келган эди.

У остонада тўхтаб, шамчиноқнинг чирсиллашига бир зум қулоқ солиб турди-да, оҳиста қадам ташлаб стол ёнига келди ва стаканни кўздан кечирди. Чорак стакан суюқлик қолгани бизга маълум.

Вильфор хоним стакандаги қолдиқ суюқликни тошпеч-га тўкиб, устига кул ташлади, сўнгра стаканни тозалаб ювиб, рўмолчаси билан артди ва бояги жойига қўйди.

У анча вақтгача каравот ёнига боришга ва Валентина-га назар ташлашга журъат этолмай турди.

Хира чироқнинг ваҳимали шуъласи, жимжитлик, қоп-қоронғи сокин тун унинг юрагини титратди: манфур аёл ўзининг мудҳиш ишидан кўрқиб кетди.

Охири юрагини босиб, ўзини қўлга олди-да, қизнинг каравоти ёнига борди, пардани кўтарди ва эгилиб Валентинага разм солди.

Қиз нафас олмай ётарди; унинг лаблари қимир этмасди, қовоқлари бир оз кўкариб шишган ва қоп-қора ўсиқ киприклари заъфарон юзига соя солиб турарди.

Вильфор хоним қонсиз чехрага узоқ тикилиб турди; сўнгра кўрпани бир оз кўтариб, қизнинг кўксига қўлини қўйди-да, юрагини текширди. Валентинанинг юраги урмасди.

Хонимнинг қўли титраб кетди, сезган заиф зарбалар ўз томирининг уриши эди, у чўчиб, қўлини тортиб олди.

Валентинанинг каравотдан пастга осилиб тушган қўли елкасидан то бўғинигача, Жерман Пилан сайқал бергандай силлиқ, бироқ томири тортишганидан панжалари хийла ўзгариб, бир-бирига ёпишиб қолган нозик бармоқлари каравотнинг қизғиш ён тахтаси устида ётарди.

Тирноқларининг зиҳи кўкариб кетганди. Вильфор хоним, ҳамма иш тамом бўлди, мудҳиш режам охиригача бекаму кўст адо этилди, деб жуда қаттиқ ишонган эди. Энди бу хонада қиладиган ишим қолмади, деб ўйлади-да, ҳатто ўз оёғи товушидан ҳам кўрқиб, аста орқага тисарилди; ўлимнинг ўзида енгиб бўлмас жозибани яширган бу манзараси уни ақлдан оздирган эди, чунки у ҳозир ўлимни жудодлик эмас, шунчаки ҳаракатдан қолган бир пайтда, чириб йўқ бўлиш эмас, сирли бир ҳолатда кўриб турарди. У ҳамон каравот пардасини кафан каби қизнинг бошида тутиб, қимир этмай ётган «мурда»га тикилганча уйга чўмди; бу – жиноятчининг виждон азобига тушиши эди. Чироқ чарсиллаб кетди.

Вильфор хоним чўчиб, пардани қўйиб юборди. Шу заҳоти чироқ ўчиб хонани қоронғилик босди.

Зимистонда соат тилга кириб, тўрт яримга бонг урди.

Жиноятчи дағ-дағ қалтираганича пайпаслаб эшикни топди-да, ўз хонасига қайтди. У қора терга тушган эди. Зимзиё хонадаги бу сукунат яна икки соат давом этди. Кейин аста-секин дераза қопқоқлари орасидан тушаётган нурдан хона ичи ёриша бошлади, бора-бора ҳар бир буюм кўзга аниқроқ кўрина бошлади.

Бир оздан кейин зинада йўтал товуши эшитилди ва Валентинанинг хонасига кўлида пиёла билан ҳамшира кирди.

Валентинанинг шу ҳолда ётганини отаси, севгилиси кўрганда уни ўлганга чиқариб қўя қоларди, аммо ёлланган бу аёл қизни уйқуда деб қўя қолди.

– Ҳа, – деди у тунги столча ёнига келиб, – демак, дорининг бир қисмини қиз ичибди-да: стаканнинг учдан икки қисми бўш.

Сўнг тошпечь олдига келиб ўт ёқди-да, ўриндиққа чўқди; тўшакдан ҳозиргина турганлигига қарамай, Валентинанинг уйқудалигидан фойдаланиб яна бир оз мизғиб олмоқчи бўлди.

У соат саккизда уйғонди-да, қизнинг ҳамон уйқудалиги, кўли шу ҳолича осилиб, қимир этмай ётганидан хавотирланиб, каравот ёнига борди ва беморнинг кўкарган жонсиз лабларини, кўкси музлаб ётганини кўриб қути ўчиб кетди.

У, қизнинг кўлини кўтармоқчи бўлди, аммо кўл қотиб қолган эди. Аёл юз берган воқеани фаҳмлади-да, қичқириб эшик томонга югурди.

– Ёрдам беринг! Ёрдам!

– Нима гап? – деди пастдан д'Авриньи. У ҳар куни шу вақтда келарди.

– Нима бўлди? – Вильфорнинг овози эшитилди; у кабинетидан югуриб чиққан эди. – Доктор, эшитяпсизми, ёрдамга чақиришяпти?

– Эшитдим, эшитдим, – жавоб қилди доктор д'Авриньи, – юринг тезроқ, Валентинанинг хонасига борайлик.

Ота ва доктор етиб келгунча бошқа хоналар ва даҳлизларда юрган хизматчилар бемор ҳузурига кириб келган ва каравотда ўлиб ётган Валентинани кўриб эсхоналари чиқиб кетган эди.

– Вильфор хонимни чақиринг, уйғотинг, – қичқирди ўзини йўқотиб остонадан жиполмай қолган қироллик прокурори.

Вироқ хизматчилар унинг буйруғини эшитмай, югуриб бориб Валентинанинг бошини кўтариб олган д'Авриньига бақрайиб қараб қолишганди.

– Энди бу ҳам оламдан ўтдимми?.. – деди доктор пичирлаб, қизнинг бошини ёстиққа қўяркан. – Э, Тангрим, бу балодан қачон қутуламиз?!

Хонага Вильфор югуриб кирди.

– Нима дедингиз, доктор?.. Нима?.. – деди у қичқириб.

– Валентинадан жудо бўлдик деяпман, ҳа, жудо бўлдик, у дунёдан ўтди, – деди д'Авриньи қатъий.

Вильфор гурс этиб ўзини ташлади-да, чўккалаб қолди, боши шилқ этиб Валентина тўшагига тушди.

Докторнинг бу даҳшатли сўзларини ва отанинг қичқиригини эшитган хизматчилар хонадонга лаънатлар ўқиб «гув» этиб ташқарига қочишди: зиналардан ва даҳлизлардан уларнинг югуришгани ва ҳовлига чиқиб шовқин кўтаришгани эшитилиб турарди. Бирпасдан кейин ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди: хизматчиларнинг ҳаммаси Худонинг қаҳрига учраган бу хонадондан вақтида қочиб қолишган эди.

Шу он остонада де Вильфор хоним пайдо бўлди-да, ўзини саросимага тушганга солди, ҳатто кўз ёши тўкди. Кейин бирдан ранги бўзариб, қўлини олдинга чўзганча стол томонга югурди. У кеча ўз қўли билан бўшатиб кетган стаканни д'Авриньи энгашиб, диққат билан кўздан кечираётганини кўрди.

Стаканда кун кеча тошпечга тўкиб ташлаган яна ўшанча суюқлик бор эди.

Шу пайт Валентинанинг арвоҳи рўбарўсида пайдо бўлганида ҳам бу муртад аёл бунчалик ҳаяжонга тушмасди.

Суюқликнинг ранги кечагининг ўзгинаси эди, аммо бу нарса д'Авриньини чалғита олмади; доктор стаканга ҳамон диққат билан тикилиб турарди. Демак, қотил қанчалик ҳийлакор бўлмасин, жиноятнинг изи қолган, бу – далил тайёр, дегани, демак, жиноят фош этилади.

Вильфор хоним қўрқув ва даҳшат ичида тахта бўлиб қолди, Вильфор эса марҳума тўшагида юз тубан ётганидан ҳеч нарсани кўрмасди. Д'Авриньи дераза олдига келиб, стакандаги суюқликни яна диққат билан кўздан кечирди, бармоғининг учини теккизиб кўрди.

– Бу бурцин эмас бутунлай бошқа-ку, – деди пичирлаб, – қани, текшириб кўрайлик-чи, бу қанақаси экан!

У дорихонага айлантирилган жавон олдига келди-да, кумуш идишдан азот кислотаси солинган шишачани олиб, стаканга бир неча томчи томизди; суюқлик дарҳол қипқизил қон тусига кирди.

– А-ҳа! – деди д’Авриньи, худди ҳақиқат аён бўлаётганини кўриб нафрати кўзиётган судьяга ёки мураккаб масалани ечиб қувонаётган олимга ўхшаб.

Вильфор хоним атрофга аланглади, кўзлари косасидан чиқиб кетди, гандираклаб-гандираклаб зўрға эшик тутқичини топди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас «гуп» этиб йиқилган гавданинг товуши эшитилди. Бироқ бунга ҳеч ким эътибор бермади. Ҳамшира доктордан кўзини узмас, Вильфор бояги аҳволда эди.

Фақат д’Авриньи де Вильфор хоним шошиб чиқиб кетганини унинг орқасидан кўрган эди. У пардани кўтариб, Эдуар хонасидан ётоқхонага кўз ташлади: де Вильфор хоним ерда қимир этмай ётган эди.

– Ётоқхонага боринг, – деди доктор қоровул аёлга, – де Вильфор хонимнинг аҳволи чатоқ.

– Мадемуазель Валентина-чи? – деди зўрға овоз чиқариб аёл.

– Мадемуазель Валентинага энди ҳеч қандай ёрдамнинг ҳожати йўқ, – деди д’Авриньи, – қиз дунёдан ўтди.

– Ўлди! Ўлди! – деди фарёд уриб Вильфор, аммо фарёд тошбағир бу зотга асло ярашмаётган эди.

– Нима деяпсиз! Ўлди? – қичқирди учинчи овоз. – Ким ўлди деяпти, Валентинами, ким?

Вильфор ва доктор орқага ўгирилди; эшик олдида ҳаяжондан титраб-қақшаб Моррель турарди.

Шу орада қуйидаги воқеа юз берган эди.

Ҳар галгидек белгиланган вақтда Нуартье хонасига олиб борадиган кичик эшиқдан Моррель кириб келди. Эшик қулфланмаган эди, у қўнғироқ урмасдан кириб келаверди.

Нуартье ҳузурига бошлаб кирадиган хизматчини чақириб, бир оз кутиб турди. Аммо ҳеч ким чиқмади; маълумки, барча хизматчилар бу хонадонни ташлаб чиқиб кетган эди.

Монте-Кристо: Валентина ўлмайди, ҳаёт қолади, деб ваъда қилганидан Моррель унча хавотирланмасди, граф ҳам

ваъдасига вафо қилиб ҳар оқшом унга Валентинанинг соғлиғи ҳақида хушхабар келтирар, эртасига бу хушхабарни Нуартъе тасдиқларди.

Бироқ бу гап уйда ҳеч кимнинг йўқлигини кўриб унинг юраги «шув» этди. Кетма-кет уч марта чақирди, бироқ ҳеч ким сас-садо бермади.

Шундан кейингина у юқорига чиқишга қарор қилди.

Нуартъе эшиги ҳам бошқа эшиклар каби очиқ эди.

Моррель биринчи бўлиб чолга юзланди; чол ўз ўриндиғида ўтирган эди; у девордек қотиб қолган, кўзлари ваҳимадан олайиб кетган эди.

– Қалайсиз, тақсир? – сўради Моррель юраги бир нарсани сезаётгандек, ўйнаб.

– Дурустман, – имо қилди чол, – дуруст.

Чолнинг чехрасида бетоқатлик тобора кучайиб борарди.

– Бир оз ташвишли кўринасиз? – давом этди Моррель, – хизматчилардан бирини чақирайми?

– Ҳа, – деди Нуартъе.

Моррель зўр бериб кўнғироқ чалди, бироқ қанча уринмасин, ҳеч ким кирмади.

У Нуартъе томонга ўгирилди, чолнинг юзида қон қолмагани.

– Ё, алҳазар! – деди Моррель. – Нега ҳеч ким кирмаяпти? Яна бирор кишининг тоби қочиб қолдимиз?

Чолнинг кўзлари қинидан чиқиб кетаётгандек эди.

– Сизга нима бўлди ўзи? – давом этди Моррель, – кўрқиб кетяпман! Ёки Валентинага бир гап бўлдими?

– Ҳа! Ҳа! – деди имо билан чол.

Максимилиан оғзини очди-ю, аммо ун чиқаролмай, гандираклаб, деворга суяниб қолди. Сўнг қўли билан эшикни кўрсатди.

– Ҳа! Ҳа! Ҳа! – деди имо қилиб чол. Максимилиан худди Нуартъе орқадан «тезроқ, тезроқ», деб қичқираётгандай кичик зина томонга отилиб борди-да, икки ҳатлаб пастга тушди; бир зумда бир неча хонадан ўтиб, Валентина хонасига кириб борди. Эшик ланг очиқ эди.

Ҳаммадан олдин унинг қулоғига йиғи овози эшитилди. Кўзи ғира-шира ёруғликда чўкка тушиб ўтирган қоп-қора

гавдага тушди. Вужудини қамраб олган кучли даҳшат уни бўсағага михлаб қўйди:

Шу пайт: «Валентина ўлди!» – деган овоз эшитилди; унинг кетидан худди акс садодек яна: «Ўлди! Ўлди!» – деди кимдир.

VI. МАКСИМИЛИАН

Вильфор уни шундай ҳолда кўриб қолганликларидан хижолат тортиб зўрға бошини кўтарди.

Йигирма беш йилдан буён даҳшатли қораловчи лавозимини эгаллаб келган бу зот инсонийлик хислатларини хийла йўқотиб қўйган эди.

Биринчи дақиқаларда саросимага тушиб олайиб кетган кўзларини Максимилианга тикиб:

– Жаноб, кимсиз ўзингиз? – деди, – қаердан келдингиз? Ажал изғиб юрган хонадонга бундай қилиб келмайдилар. Кетинг!

Моррель қимир этмади, у даҳшатли манзарадан, бетартиб ғижимланган тўшақдан ва болишдаги заъфарон чехрадан кўзини узолмасди.

– Кетинг деяпман! Эшитяпсизми, кетинг бу ердан! – қичқирди Вильфор.

Д'Авриньи ҳам Максимилианни кетишга мажбур этиш учун олдига келди.

Моррель эса кўзларини олайтириб, бир Валентинага, бир икки эркакка, сўнг хонага назар ташлаб чиқди, афтидан бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, бироқ миясида турли қайғули фикрлар жўш ураётганига қарамай, буйруқларга жавобан сўз тополмади шекилли, бошини чангаллаб ташқарига отилди. Бир дақиқа саросимага тушган Вильфор ва д'Авриньи унинг кетидан қараб қолдилар, сўнг «бу жинни бўлса керак», дегандек бир-бирига қараб қўйишди.

Аммо, беш дақиқа ўтар-ўтмас зина залворли қадамлардан яна ғижирлай бошлади. Моррель иккинчи қаватга Нуартьенинг ўриндиғини даст кўтариб чиқди-да, йўлкага қўйиб, Валентинанинг хонасига ғилдиратиб кирди.

Бу ишни у ҳаяжон ичида жон-жаҳди билан бажо келтирганди.

Моррель Нуартъени Валентина каравоти ёнига олиб борганда чолнинг юзи ниҳоятда бўзариб, бутун кучи, ҳис-туйғулари унинг ёниб турган кўзларига жамланганди.

Буни кўрган Вильфорнинг эсхонаси чиқиб кетди. Дунёга келибдики ҳар гал отасига дуч келганда, албатта бирор даҳшатли воқеа юз беради.

– Мана, қаранг, нима қилиб қўйишди булар! – қичқирди Моррель ҳамон ўриндиқ суянчиғини бир қўли билан тутиб ва иккинчи қўли билан Валентинани кўрсатиб. – Кўрдингизми, ота, нима қилиб қўйишди!

Вильфор ўзини бир қадам орқага олди-да, Нуартъени ота деб атаган нотаниш йигитга ҳайрон бўлиб қараб қолди.

Чолнинг вужудидаги ҳамма жон гўё қонга тўла кўзларига тўплангандек, пешана томирлари бўртиб-бўртиб чиққан, бўйин, юз ва чаккалари кўкариб кетган эди; бутун вужудини ларзага солаётган бу ички ҳаяжонга даҳшатли қичқириққина камлик қилиб турарди. Бу тилсиз, унсиз даҳшатли қичқириқ гўё чолнинг терисидаги ҳамма тешикларидан отилиб чиқиб, бутун оламни ларзага солаётгандек бўлиб туюлди шу пайт.

Д’Авриньи югуриб чолнинг олдига борди-да, спирт ҳидлатди.

– Жаноб, – деди шу он Моррель фалажнинг жонсиз қўлидан тутиб, – булар мендан, кимсиз, бу ерга киришга нима ҳаққингиз бор, деб сўрашяпти. Сиз мени биласиз-ку, кимлигимни айтинг буларга!

Йигитнинг ўпкаси тўлиб, томоғига бир нарса тикилди-да, товуши бўғилди, йиғлаб юборди.

Чол тўхтаб-тўхтаб нафас ола бошлади; бу худди ўлим талвасасига ўхшарди.

Пировардида, Нуартъенининг кўзларидан дув-дув ёш тўкила кетди, чол бошини эголмасди, фақат кўзларини юмарди, холос.

– Айтинг буларга, бу йигит Валентинанинг қайлиғи эди, деб айтинг! – давом этди Моррель, – марҳума менинг қадрдоним, яккаю ягона севгилим эканини айтинг! Унинг жонсиз жасади меники эканлигини ҳам айтинг!

Моррель шундай деди-да, севгилиси каравоти ёнига тиз чўкиб, титроқ қўллари билан кўрпага ёпишди.

Шундай забардаст одамнинг қайғу-алам утида жизғанақ бўлаётганини кўрган киши чидаб туролмасди албатта, д'Авриньи кўнгли бузилиб кетганини билдирмаслик учун юзини бекитиб орқага ўгирилиб олди, Вильфор ҳам эндиликда сўроқларига жавоб кутмасди, бировнинг ўлимидан кўз ёш қилган киши одатда кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлади; Вильфор ҳам ана шу таъсир кучига бўйин эгишга мажбур бўлди-да, Моррелга қўлини узатди.

Аммо, Максимилианнинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди; у Валентинанинг муздек қотиб қолган қўлини маҳкам ушлади-да, чойшаб четини тишлари билан қисиб, кўз ёшисиз фақат инграрди.

Бир неча дақиқа бу хонада фақат йиғи, лаънат ва дуо сўзлари эшитилиб турди. Лекин хонада ҳамон бир товуш ҳукмрон эди, у ҳам бўлса Нуартъенинг ҳарсиллаши. Ҳар бир нафас олганда гўё унинг кўксидаги ҳаёт занжири узилиб кетаётгандек туюларди.

Ниҳоят, Вильфор тезда ўзини қўлга олиб, сўзлай бошлади:

– Жаноб, сиз Валентинани севардим, у менинг қайлиғим эди, дедингиз. Мен бундан, яъни иккинги тил бириктириб қўйганингиздан беҳабар эдим. Шундай бўлса-да, мен қизнинг отаси сифатида бу гуноҳингизни кечираман, чунки сиз унга чинакам қуйиняпсиз. Қайғу-аламдан қуйиб қул бўлган бағримда ғазаб нима қилсин!

Афсуски, сизга бахт ваъда қилган фаришта дунёдан ўтди; энди унга бу дунёнинг иззат-ҳурматлари бекор, марҳума у дунёда Тангри одил ҳукмини кутиб ётибди. Энди қайлиғингизнинг жасади билан видолашинг; қўлларидан ўпиб, абадий видолашинг, Валентинага ҳозир жаноза ўқийдиган руҳонийдан бўлак ҳеч кимнинг кераги йўқ.

– Янглишяпсиз, жаноб, – деди хитоб-ла бағри қон Моррель, бир тиззасида чўккалаб, – янглишяпсиз. Валентина оламдан ўтди, бироқ бундай ажал фақат руҳонийнигина эмас, қасос олувчини ҳам талаб қилади! Жаноб де Вильфор, қани, чақиринг руҳонийни, қасосни эса ўзим оламан.

– Жаноб, бу билан нима демоқчисиз? – деди минғирлаб Вильфор; у Моррелнинг даҳшатли сўзларидан чўчиб кетди.

– Демокчиманки, сиз икки хил одамсиз: ота сифатида роса кўз ёши тўкдингиз, энди қироллик прокурори сифатида майдонга чиқинг, жиноятчини топиб жазоланг.

Нуартъенинг кўзлари чарақлаб кетди, д'Авриньи унга яқинроқ келди.

– Мен бўлган гапни айтяпман, – давом этди Моррель, ҳозир бўлганларнинг чеҳрасидан уларнинг фикрини ўқиб, – буни ўзингиз ҳам яхши биласиз: Валентина ўз ажали билан ўлгани йўқ, уни ўлдирдилар!

Вильфор ерга қараб қолди, д'Авриньи яна бир қадам олға силжиди; Нуартъе, тўғри, деб имо қилди.

– Бизнинг замонамизда, – деди сўзини давом эттириб Моррель, – тирик жон, ҳатто Валентина каби ёш ва гўзал бўлмаса-да, зўравонлик билан ўлдирилар экан, қотилни жазоламаслик мумкин эмас. Жаноб қироллик прокурори, – деди бутун вужудини ўт олиб бораётган Максимилиан, – бунда зинҳор раҳм-шафқатга ўрин бўлиши мумкин эмас! Мен жиноят юз берди деяпман, қотилни ахтаринг, жаноб прокурор!

Максимилиан Вильфорга еб қўйгудай тикилди; Вильфор эса гоҳ Нуартъега, гоҳ доктор д'Авриньига боқиб, мадад тиларди. Аммо ота билан доктор Вильфорни қўллаш ўрнига, Максимилианнинг фикрига қўшилишди.

– Тўғри, – деди имо билан чол.

– Ҳа, йигит ҳақ гапни айтяпти! – деди д'Авриньи.

– Жаноб, янглишяпсиз! – деди Вильфор учаласининг ҳамласини ва ўз ҳаяжонини енгишга уриниб, – менинг хонадонимда жиноят бўлиши мумкин эмас! Фақат Худо қаҳрига оляпти мени, лекин меникида қотиллик бўлиши мумкин эмас.

Нуартъенинг кўзлари ғазабдан ёнди; д'Авриньи эътироз билдириш учун оғзини очди.

Моррель: «Жим бўлинглар», дегандек, қўлларини кўтарди ва:

– Мен яна такрор айтаманки, бу хонадонда одам ўлдиряптилар! – деди босиқ, аммо даҳшатли оҳангда. – Тўрт ой мобайнида мана бу тўртинчи қурбон, тушундингизми, тўртинчи!

Бундан тўрт кун илгари Валентинанинг жонига қасд қилмоқчи бўлдилар, лекин жаноб Нуартъенинг ҳушёрлиги туфайли уларнинг нияти пучга чиқди. Эшитяпсизми?

Пировардида, улар захардан кўпроқ бериб ёки бошқа кучлироғини топиб ўз қабиҳ ниятларига етишди, тушундингизми?

Сиз буни мендан яхшироқ биласиз, жаноб д'Авриньи доктор ва дўст сифатида сизни огоҳлантириб қўйган эди.

– Жаноб, алаҳсираяпсиз, – деди Вильфор тузоқдан қутулишга уриниб.

– Мен алаҳсираяпманми? – деди Моррель ажабланиб. – Ундай бўлса, д'Авриньи жанобларининг ўзига мурожаат қилишга мажбурман. Жаноб, у кишидан сўранг-чи, Сен-Меран хоним вафот этган куннинг оқшомида мана шу уй рўпарасидаги боғда айтган сўзлари эсидамикин? Ана шунда иккинги теварак-атрофда ҳеч ким йўқ, деб ўйлаб фожиали ўлим ҳақида гап юритган эдингиз, сиз тақдири азал деб, айбни Худога тўнкаяпсиз, аммо тақдир ва Худонинг бунда иштироқи фақат шундан иборатки, улар Валентинанинг қотилини яратдилар!

Вильфор ва д'Авриньи бир-бирига қаради.

– Ҳўш, қани, ўша оқшомдаги гапларингизни бир эсланг, – деди Моррель. – Сиз хилватда суҳбатлашганмиз, деб янглишган эдингиз; аммо у даҳшатли сўзлар менинг қулоғимга етиб келган эди. Аслида, мен, жаноб де Вильфорнинг ўзига яқин кимсаларнинг айбини жинойткорона хаспўшлаб келаетганини ҳукуматга хабар қилмоғим даркор эди. Шундагина сени ўлдирган қотиллар сафида бўлмас эдим, севгим Валентина! Лекин бу гуноҳкоринг эндиликда қасос олишга шайланди, мана шу тўртинчи ҳодисадан кейин бу хонадонда кимдир ажал уруғи селиб юргани ҳаммага аён бўлди, шунда ҳам отанг оғзига талқон солиб юраверар экан, сенга қасамёд қилиб айтаманки, қотилни ўзим топаман!

Ўз кучи билан ўзини майиб қилишдан ҳам тоймайдиган бу забардаст йигитга гўё табиат раҳм қилди-ю, сўнгги сўзлари ҳалқумида тикилиб қолди, кўксидан фарёд отилиб чиқди, кўзларидан дувиллаб ёш тўкилди ва гандираклаб, яна Валентина каравоти устига йиқилди.

Энди сўз навбати д'Авриньига келди.

– Мен жаноб Моррелнинг фикрига қўшиламан ва айбдорни топиб, одил суднинг қора курсисига ўтқазилишини талаб қиламан, – деди у баланд овоз билан. – Шу дамгача қотилни аяб чакки қилган эканман, мана энди виждон азобига қолдим!

– Ё, алҳазар! – деди Вильфор зўрға товуш чиқариб.

Моррель бошини кутарди ва чолнинг кўзлари ўтдек чақнаб турганини кўриб:

– Бу ёққа қаранг, жаноб Нуартье бир нарса демоқчи, афтидан, – деди.

– Ҳа, – деди имо билан Нуартье. Унинг қарашлари ниҳоятда даҳшатли эди, чунки бахтсиз бечора чолнинг бутун кучи-қобилияти унинг кўзида тўпланган эди.

– Сиз қотил кимлигини биласизми? – сўради Моррель.

– Ҳа, – жавоб қилди Нуартье.

– Уни бизга айтиб бера опасизми? – деди Максимилиан.
– Қулоғимиз сизда! Д'Авриньи, эшитинг!

Нуартье бечора Моррелга қайғу ва меҳр-ла жилмайиб қўйди; бундай табассум кўпинча Валентинани қувонтирарди.

Сўнг ҳамсухбатига қаради-да, кўзи билан эшикни кўрсатди.

– Мен чиқиб турайми? – деди кўнгли синиб Моррель.

– Ҳа, – деди Нуартье.

– Раҳм қилинг менга!

Чол кўзини эшикка тикканча тураверди.

– Сўнг қайтиб кирсам бўладими? – сўради Максимилиан.

– Ҳа.

– Бир ўзим чиқиб кетайми?

– Йўқ.

– Ким билан чиқай? Жаноб де Вильфор биланми?

– Йўқ.

– Доктор биланми?

– Ҳа.

– Жаноб де Вильфор билан якка қолмоқчимисиз?

– Ҳа.

– У сизнинг сўзларингизга тушунадими?

– Ҳа.

– Хотиржам бўлинг, – деди Вильфор тергов юзма-юз ўтказилажигидан қувониб, – мен отамнинг имо-ишораларига жуда яхши тушунаман.

У бу сўзларни қувониб айтган бўлса-да, ҳаяжондан лаблари титрарди.

Д'Авриньи Максимилианни қўлтиғидан тутиб, қўшни хонага олиб чиқди.

Шундан кейин бутун хонадонда даҳшатли сукунат чўқди.

Чорак соат ўтгач, оҳиста қадам товуши эшитилди: меҳмонхона остонасида Вильфор пайдо бўлди, меҳмонхонада хаёлга чўмиб д'Авриньи ва қайғу-аламдан ёниб Моррель турарди.

– Юринглар, – деди Вильфор ва иккисини Нуартъе хонасига олиб кирди.

Моррель синовчан кўзларини Вильфорга тикди. Қироллик прокурори мурдадай оқариб, пешанаси тиришиб кетган эди; бармоқлари билан патқаламни буклаб-буклаб майдалаб ташлади.

– Жаноблар, – деди у бўғиқ товуш билан д'Авриньи билан Моррелга қараб, – бу даҳшатли воқеани қаттиқ сир сақлаймиз, деб ваъда берасиз менга.

Доктор ва Максимилиан ҳайрон бўлиб қолди.

– Сиздан қаттиқ илтимос қиламан... – деди Вильфор сўзида давом этиб.

– Қотил-чи? У нима бўлади?.. – деди Моррель.

– Жаноб, хотиржам бўлинг, одил суд уни кўриб чиқади, – деди Вильфор. – Отам қотил кимлигини айтиб берди, отам ҳам сиз каби қасд олиш ниятида; бироқ у ҳам сиздан бу воқеани сир тутишни талаб қилипти. Тўғрим, ота?

– Тўғри, – деди қатъий имо қилиб Нуартъе.

Моррель ишонмади ва ҳаяжонда ўзини орқага ташлади.

– Жаноб, – деди Вильфор Моррелнинг қўлидан тутиб, – отам бир сўзли одам; бу ҳолни сир сақлашни сўраб сизга мурожаат қилган экан, демак, қотилдан қаттиқ қасос олинди. Шундайми, ота?

Чол «тўғри», деб имо қилди. Вильфор сўзини давом эттирди:

– У мени яхши билади, мен ваъда бердим, хотиржам бўлинг; яна уч кун сабр қилинг, бу суд муддати жуда қисқа,

уч кундан сўнг қизимнинг қотили шунақанги жазоланади-ки, ҳар қандай бағри тош ҳам балли дейди. Шундайми, ота?

Шу сўзларни изҳор этганда Вильфор тишларини ғижирлатди ва чолнинг жонсиз қўлларини силтади.

– Ваъда бажариладими, жаноб Нуартъе? – сўради Моррель; д'Авриньининг кўзлари ҳам худди шундай деб турарди.

– Ҳа! – деди имо билан Нуартъе.

– Қани, онт ичинглар, жаноблар, – деди Вильфор д'Авриньи билан Моррелнинг қўлларидан тутиб, – хонадонимнинг шаънига доғ туширмаймиз ва қасд олишни сизга ҳавола қиламиз, деб онт ичинглар.

Д'Авриньи орқасини ўгирди-да, истар-истамас «ҳа», деб қўйди, Моррель кўлини шартга тортиб олди, ўзини севгилисининг каравотига отди ва Валентинанинг муздек лабларидан қаттиқ ўпиб, оҳ-воҳ қилганча югуриб чиқиб кетди.

Хизматкорларнинг ҳаммаси кетиб қолганидан муҳтарам китобхон хабардор.

Шу сабабдан Вильфор доктор д'Авриньидан катта шаҳарларимизда, айниқса сирли ўлим юз берганда бажо этилиши зарур ҳамма мураккаб ва кўпдан-кўп тадбир-тадорикларни ўз гарданига олишни илтимос қилди.

Нуартъени ғам-алам еб қўйганди.

Вильфор кабинетига кириб, эшикни ичидан қулфлаб олди, д'Авриньи шаҳар докторини чақиргани кетди; бу доктор ўлимга шоҳид бўлиши керак; шу важдан уни «ўликлар доктори» деб аташарди.

Нуартъе невараси олдидан жилишни истамади.

Ярим соат ўтар-ўтмас д'Авриньи ҳамкасбини эргаштириб келди, кўча эшик қулфлоқ эди, дарвоза қоровули ҳам бошқа хизматкорлар билан жуфтакни уриб қолганди, шунинг учун эшикни Вильфор ўзи бориб очди. Аммо Валентина бўлмаси олдига келганда бирдан тўхтаб қолди, бу хонага киришга унинг юраги дов бермади.

Иккала доктор кириб кетди.

Нуартъе ўз ўриндиғида – неварасининг каравоти олдида ўтирарди. Унинг мурдадан асло фарқи қолмаганди.

Ўликлар доктори пинагини бузмай (бу зот ярим аср умрини ўликлар орасида ўтказган) каравот олдига борди-да, қизнинг юзини очиб ва лабларини йириб оғзига қаради.

– Аттанг! – деди д’Авриньи афсусланиб, – шўрлик қиз дунёдан ўтибди.

– Ўтибди, – деди гапни қисқа қилиб ўликлар доктори ва Валентинанинг юзини яна чойшаб билан бекитиб қўйди.

Нуартъе хириллаб қўйди.

Д’Авриньи ўтирилиб чолга қаради; чолнинг кўзлари чақнарди: демак, у неварасининг юзини кўрмоқчи. Д’Авриньи каравот олдига бориб қизнинг юзини очди. Нуартъенинг кўзларига ёш қалқди.

Шу орада мурданинг лабига теккан бармоқларини хлорли сувда ювиб олган мурдалар доктори дарҳол расмий гувоҳлик ҳужжатларини ёзди-да, д’Авриньи кузатувида чиқиб кетди.

Вильфор улар зинадан тушиб бораётганини эшитиб турганди; у кабинетидан чиқиб докторга миннатдорчилик юзасидан бир неча сўз айтди-да, д’Авриньига мурожаат қилди:

– Энди қоҳинни чақириш керак.

– Ўзингизга таниш бирор қоҳин борми? – сўради д’Авриньи.

– Йўқ, – жавоб қилди Вильфор, – яқинроқдаги бирортасини чақира қолинг.

– Яқинроқда, – деди шаҳар доктори, – ёнингиздаги ҳовлига кўчиб келган италян аббат-да. Истасангиз, йўл-йўлаккай мен уни чақириб юбораман.

– Д’Авриньи, жаноб доктор билан бирга борсангиз. Мана калит, истаган вақтда кириб-чиқиб юраверасиз. Қоҳинни олиб келиб шўрлик қизимнинг хонасига киритиб қўйинг.

– Сиз у билан гаплашасизми?

– Йўқ. Кечирасиз, якка ўзим қолмоқчиман. Қоҳин бундай ҳолларда кишининг, хусусан, отанинг қайғу-аламини англаши лозим-ку ахир.

Вильфор д’Авриньига калитни топширди-да, шаҳар докторига яна бир бор таъзим қилиб, кабинетига қайтди ва ишини давом эттирди.

Шундай кишилар борки, ўзларини иш билан овутиб, дардларини унутадилар.

Докторлар кўчага чиққанда кўшни ҳовли остонасида эгнига қора либос ташлаган одам дуч келди.

– Мен айтган киши ана шу, – деди ўликлар доктори.

Д'Авриньи қоҳин олдиға бориб:

– Жаноб, – деди, – ҳозиргина ўз қизидан жудо бўлган отага – қироллик прокурори де Вильфорга кўмак бера ола-сизми?

– Бажону дил, – деди жавобан қоҳин ғирт итальян та-лаффузида, – биламан, бу хонадонга ажал оралаган.

– Ундай бўлса, у сиздан қандай ёрдам кутаётганини ай-тиб ўтиришимнинг ҳожати йўқ.

– Мен ўзим ёрдамга шошилаётган эдим, жаноб, – деди қоҳин, – биз ўз бурчимизни адо этиш учун чақиришларини кутиб ўтирмай, ўзимиз бормоғимиз зарур.

– Марҳума ёш қиз.

– Биламан, хизматкорларидан эшитдим, улар тум-тара-қай қочиб кетишаётганини кўрган эдим. Қизнинг исми Валентина эканини билдим, унинг ҳақиға дуо ҳам ўқиб қўйдим.

– Раҳмат сизга, – деди д'Авриньи, – хайрли ишни бош-лаган эканлар, ниҳоясига етказсинлар энди. Марҳуманинг қошида бўлсангиз, бағри қонга тўла оила сиздан миннат-дор бўлур.

– Ундай бўлса, мен кетдим, жаноблари хотиржам бўлсин-лар, – деди аббат, – дуони мендан яхши ўқийдиган йўқдир бу атрофда.

Д'Авриньи аббатнинг қўлидан тутиб, Вильфорни ахта-риб у ёқ-бу ёққа қаради, Вильфор кўринмагач, қоҳинни марҳуманинг хонасига кузатиб қўйди. Ўликни фақат тунда кафанга ўрашарди.

Улар хонага кирганда Нуартъе билан аббат бир-бирига қараб олишди; чол аббатнинг қарашларидан ғалати бир нарса сезгандек, унга узоқ тикилиб қолди.

Д'Авриньи марҳуманигина эмас, чолни ҳам аббатга, аб-батни Худога топшириб чиқиб кетди; аббат Валентинага дуо ўқишга ва Нуартъега ғамхўрлик қилишга ваъда берди.

Аббатнинг ваъдаси тантанавор эди; дуо ўқишга ва Ну-артъенинг кўз ёши тўкишига халақит бермасинлар, деб бўлса керак, аббат д'Авриньи кетиши билан доктор чиқ-қан эшикнигина эмас, де Вильфор хонимниқига киради-ган эшикни ҳам қулфлаб олди.

VII. ДАНГЛАРНИНГ ИМЗОСИ

Тонг. Ҳаво булутли ва дим эди.

Тобутчилар тунда ўз ишларини тугатиб, каравотда ётган жасадни кафанга ўрадилар. Кафан мархуманинг тириклик чоғидаги олифталигидан энг сўнги нишона бўлиб, ўлим олдидан у ҳар бир одам учун фарздир.

Кафан бундан икки ҳафта муқаддам Валентина сотиб олган юпқа батисдан тикилган эди.

Нуартъени кечқуруноқ ўз хонасига киритиб қўйган эдилар. Кутилмаган ҳолда чол бунга сираям қаршилиқ кўрсатмади.

Аббат Бузони эрталабгача мархума қошида бўлди-да, тонг ёриши билан ҳеч кимга индамай чиқиб кетди.

Соат саккизда д'Авриньи келди; у Нуартъенинг ҳузурига бораётган Вильфорга дуч келди; биргалашиб чолнинг ҳолаҳволини, тунни қандай ўтказганини билиш учун унинг хонасига йўл олишди.

Чол каравот ўрнида ишлатиладиган катта ўриндикда маза қилиб уйқуни урарди.

Буни кўриб Вильфор ва доктор ҳайрон бўлиб остонада тўхтаб қолишди.

– Уни қаранг, – деди д'Авриньи Вильфорга, – табиатнинг ўзи ҳар қандай қайғу-аламни енгишга қодир-да: ҳеч ким, жаноб Нуартъе неварасини ёқтирмасди, деёлмасди, бироқ чол бемалол ухлаб ётибди.

– Ҳақ гапни айтдингиз, – деди Вильфор ҳайратда қолиб, – ухлаб ётибди, келиб-келиб шу тунда-я! Ахир чол озгина ташвишдан ҳам тун бўйи ухламай чиқарди-ку!

– Ғам-ғусса чолнинг қаддини букиб қўйди-да, – деди д'Авриньи.

Сўнг иккиси ўйга ботиб қироллик прокурорининг кабинетига қайтиб киришди.

– Мен эса мижжа қоққаним йўқ, – деди Вильфор д'Авриньига тахи бузилмаган тўшакни кўрсатиб, – ғам мени буколмайди. Икки кечадан буён ёнбошим ерга теккани йўқ, аммо стол устига бир назар ташланг: шу икки кеча-ю икки кундузда қанча нарсаларни ёзиб ташладим!.. Бу ишни икир-чикиригача текширдим, қотил Бенедеттонинг айбномаси-

га беҳисоб изоҳлар ёздим!.. О, менга иш бўлса бас, бошқа ҳамма нарсани унутиб юбораман, менинг бахтим ҳам ана шунда-да. Ҳамма дард-аламимни иш билан енгаман!

Вильфор охирги сўзларини титраб изҳор этди-да, д'Авриньининг қўлини маҳкам қисди.

– Мен ҳозир керакманми? – сўради доктор.

– Йўқ, – деди Вильфор, – фақат соат ўн бирда қайтиб келсангиз бас, соат ўн иккида ўлик чиқарилади... оҳ, Тангрим! Қандай оғир жудоликка дучор этдинг? Қизгинам, шўрлик қизгинам! Энди сени тупроққа топширамизми, а?

Қироллик прокурори яна одам тусига кирди-да, осмонга қараб уҳ тортиб қўйди.

– Таъзиячиларни ўзингиз қабул қиласизми?

– Йўқ. Бу оғир вазифани қариндошларимдан бири бажарадиган бўлди. Мен, доктор, иш билан банд бўламан, ишласам ҳаммасини унутаман.

Доктор эшикка етмасданоқ қироллик прокурори ишга тушиб кетди.

Д'Авриньи чиқиб кетаётиб Вильфорнинг ҳали айтган қариндошига дуч келди. Шу қиссада ҳам, оилада ҳам назар-эътибордан анча узоқ бу шахс ҳаётда фақат ўзгаларнинг амри фармонига «Лаббай!» дейишдан бошқа нарсага ярамайдиган махлуқлардан бири эди. У Вильфорнинг уйига қора либосда қош-қовоғини шароитга мослаб кириб келганди, бироқ маросим тугаши билан юзидаги бу ниқобни улоқтириб ташлаш ниятида эди.

Соат ўн бирда мотам фойтунлари тарақ-туруқ қилиб тош ҳовлидан юриб келди; Сент-Оноре бойваччаларнинг қувончига ҳам, қайғусига ҳам лоқайдлик билан қарайдиган ва герцогинанинг тўйига қанчалик чопқиллаб келишса, даб-дабали дафн маросимига ҳам шунчалик учиб келадиган оломонга тўлди.

Тобут қўйилган меҳмонхонага ҳам аста-секин одамлар кира бошлади; дастлаб бизга кўпдан бери таниш Дебрэ, Шато-Рано, Бошан кирди; сўнгра машҳур-судья ходимлари, адабиёт ва ҳарбий соҳа корчалонлари киришди, чунки жаноб де Вильфор жамиятдаги нуфузи, лавозими билангина эмас, шахсий фазилатлари билан ҳам Париж зодагонлари ўртасида юқори турарди.

Қавму қариндошлар келганларни кутиб олиш учун эшиклар олдида тизилиб туришарди.

Таниш-билишлар бир-бирларини чақириб тўп-тўп бўлиб олишди. Дебрэ, Шато-Рено ва Бошан гуруҳи ҳам шундайлардан бири эди.

– Шўрлик қиз, – деди Дебрэ ҳамма сингари қайғули воқеадан кўнгли бузилиб, – шундай бой, гўзал қиз дунёдан ўтибди-я! Яқиндагина келиб кетган эдик, шундайми, Шато-Рено?.. Соппа-соғ эди. Ушанда бундай бўлади, деб кимнинг хаёлига келган эди... Никоҳ шартномасига қўл қўямиз деб келганимизга кўпи билан бир ой ўтди-да, лекин шартнома имзоланмай қолганди. Шундайми, Шато-Рено?

– Тўғри, – деди Шато-Рено.

– Сиз уни танирмидингиз?

– Де Морсер хонимникида бўлган зиёфатда икки бор гаплашган эдим; истараси иссиқ, жозибали қиз экан, аммо негадир паришон эди. Угай онасини танийсизми? У қаерда экан?

– Хоним кун бўйи ҳали бизни кутиб олган ҳурматли жанобнинг хотини ҳузурида бўлади.

– Ким ўзи у?

– Кимни сўраяпсиз?

– Бизни кутиб олган жанобни. У депутатми?

– Йўқ, – деди Бошан, – мен қонуншуносларни ҳар куни кўраман, аммо бу зотни бирор марта учратганим йўқ.

– Газетангизда бу ўлим ҳақида бирор хабар босдингизми?

– Ҳа, бироқ, хабар меники эмас, у катта шов-шувга сабаб бўлди; Вильфор бундан хурсанд бўлмаса керак, албатта. Билишимча, хабарда: ўз хонадонидан эмас, бошқа бирор кишининг хонадонидан кетма-кет тўрт киши ўлганида қироллик прокурори кўпроқ ҳаяжонланган бўлур эди, дейилган.

– Аммо, онамни ҳам даволаётган доктор д'Авриньи Вильфор жуда қайғуряпти, дейди-ку, – сўз қотди Шато-Рено.

– Кимни ахтаряпсиз, Дебрэ?

– Граф Монте-Кристони.

– Келаётиб мен уни Бульварда кўрдим, афтидан у қаёққадир жўнамоқчи, ўз банкири ҳузурига кетаётган экан, – деди Бошан.

– Унинг банкири Данглармиди? – сўради Шато-Рено Дебрэдан.

– Данглар бўлса керак, – деди жавобан министрнинг шахсий котиби бир оз ўнғайсизланиб, – бироқ бу ерда Монте-Кристинга эмас, Моррель ҳам кўринмайди-ку.

– Моррель? У бу оила билан танишми? – сўради Шато-Рено.

– Менимча, у де Вильфор хонимнинг бир ўзи билан таниш эди.

– Барибир у келиши керак эди, – деди Дебрэ, – кечкурун шу ҳақда гап сотмаса, бошқа нимани гапиради? Дафн маросимлари ғийбатнинг уяси-ку! Ҳой, жим, бирпас нафасимизни ичимизга ютиб турайлик, адлия министри келди, у қизнинг қайғу-аламга ботган қариндошларига кичкина таъзия нутқи айтишни лозим деб билади.

Сўнгра ёш йигитлар адлия министрнинг таъзия нутқини эшитмоқ учун эшик олдига яқин боришди.

Бошан тўғри айтганди; чиндан ҳам Шоссе-д'Антен кўчасида Монте-Кристини учратган эди. У Данглар олдига бораётган экан.

Банкир графнинг извошда ҳовлига кириб келаётганини кўриб, пешвоз чиқди. Дангларнинг чеҳраси ғамгин эди, шундай бўлса-да, у графни жилмайиб кутиб олди.

– Граф, – деди у Монте-Кристинга қўлини узатиб, – ҳамдардлик изҳор этгани келганингизни кўриб турибман, ҳа, азизим, хонадонимиз оғир мусибатга дучор бўлди, оғир мусибатга! Сизни кўриб, ҳатто ўз-ўзимга, «шўрлик Морсерларга қачон бахтсизлик тилаган эканман, мабодо шундай бўлса, бировга чоҳ қазисанг унга ўзинг йиқиласан», деган мақол ҳақ гап бўлиб чиқарди деган ўй миямга келди. Бироқ, Худо ҳаққи, мен Морсерларга ёмонликни раво кўрганим йўқ, эҳтимол, мен сингари, қуруқдан қуруқ иш бошлаб, ҳамма нарсага эга бўлиб олган зотга у қизиққонлик қилгандир; аммо ҳар кимнинг ўзига яраша камчилиги бор. Эҳтиёт бўлинг, граф: бизнинг авлодимизга мансуб... кечирасиз, сиз бу авлод сирасига кирмайсиз, ҳали ёшсиз... Менинг авлодимга мансуб кишиларнинг бу йил омади келмаяпти; мисол учун, тенгқурим қироллик прокурорини олайлик. Ҳозиргина у қизидан ажрал-

ди. Уни қаранг, Вильфор хонадонида оиланинг ҳамма аъзолари ақл бовар қилмайдиган ғалати бир ҳолатда ҳалок бўляпти; Морсер шармандаларча ўзини ўзи ўлдирди, менинг эса аблаҳ Бенедетто деб масхарам чиқди, бунинг устига...

– «Бунинг устига...» тагин нима бўлди? – сўради граф.

– И-я, ҳали хабарингиз йўқми?

– Тагин бирор фалокат рўй бердимми?

– Қизим...

– Мадемуазель Данглар?

– Эжени бизни ташлаб кетяпти.

– Йўғе!

– Шундай, азизим граф. Сиз бахтли экансиз: хотинингиз ҳам, фарзандларингиз ҳам йўқ.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми?

– Ўйлаганда қандоқ!

– Шундай қилиб мадемуазель Эжени...

– Ўша аблаҳнинг касофати билан бошимизга тушган шармандаликка қизим шўрлик чидолмади, шекилли, саёҳатга мендан рухсат сўради.

– Демак, қизингиз кетворибди-да?

– Ўтган кун кечаси.

– Данглар хоним биланми?

– Йўқ, бир қариндошимизнинг қизи билан... ҳар қалай қиздан ажралдик: бу феъли билан энди у Францияга сира қайтиб келмас!

– Иложингиз қанча, азизим барон, – деди Монте-Кристо. – Оиладаги бундай айрилиқ балоси бирор камбағални ҳалокатга дучор этиши мумкин, чунки камбағалнинг бутун бойлиги унинг фарзанди; аммо бу айрилиқ миллионер учун ҳеч гап эмас; файласуфлар нима деса деяверсин, лекин ишбилармон одамлар уларни ҳамиша мот қилиб келяпти. Пул ҳар қандай қайғудан устун келади; сиз бу шифобахш дорининг кучига бошқалардан кўра кўпроқ ишонсангиз керак, шу важдан бу ғам-ғуссалар ҳадемай ёдингиздан кўтарилади-кетади. Сиз банкирлар қиролисиз, барча қудратли кучларнинг негизисиз.

Данглар, граф мазах қиляптими ё жиддий гапиряптими, деб унга кўз қирини ташлаб қўйди.

– Тўғри, – деди у, – модомики, бойлик шундай кучга эга экан, овунганим бўлсин, чунки мен бойман.

– Азизим барон, сиз шундай бойликка эгасизки, бу бойлик худди эҳромларга ўхшайди: уни йиқитишга журъат этолмайсиз, журъат этсангиз-да, йиқита олмайсиз.

Данглар, граф ҳар нарсага ишонаверадиган содда одам экан, деб илжайиб қўйди.

– Айтганча, сиз кираётганда бешта чек ёзаётгандим, иккитасига имзо ҳам чекдим, рухсат этинг, қолган учтасига ҳам имзо чекиб қўяй?

– Марҳамат, азизим барон, марҳамат.

Орага жимлик чўқди: банкир патқаламининг ғижирлаган овози эшитилиб турарди. Монте Кристо шифтнинг жимжимадор заррин нақшларини томоша қила бошлади.

– Испанчами? – деди Монте-Кристо. – Ё гаитча, ё бўлма-са неополитанчами?..

– Йўқ, – жавоб қилди Данглар виқор билан илжайиб, – чеклар француз банкига топширувчи номига ёзилган. Мана, граф, – деди қўшимча қилиб, – мен банкирлар қироли бўлсам, сиз уларнинг императорисиз. Ҳар қайсиси бир миллион турадиган мана шунақа қоғозларни тез-тез учратиб турармидингиз?

Монте-Кристо, Данглар гердайиб узатган беш парча қоғозни олди-да, оғирлигини ўлчаб кўраётгандек қўлида салмоқлаб қўйди. Чекларда шундай деб ёзилган эди:

«Жаноб банк директори, шу чекни берувчига менинг ҳисобимдан бир миллион франк беришингизни сўрайман. Барон Данглар».

– Бир, икки, уч, тўрт, беш, – деди Монте-Кристо, – беш миллион! Буни қаранг, жаноб Крез!! Беш миллион-а!

– Мана кўрдингизми мен нималарга қодирман! – деди Данглар.

– Бу ҳар қандай кишини ҳам ҳайратда қолдиради, айтиқса нақд тўланса; мен бунга шубҳа қилмайман.

– Нақд тўланади, – деди Данглар.

– Киройи қарз бўлсанг мана шунақасига бўлгин; чиндан ҳам бунақасини фақат Францияда кўриш мумкин, беш парча

қоғознинг баҳоси беш миллион; бунга комил ишонч ҳосил қилмоқ учун шу миллионларни ўз кўзим билан кўришни истардим.

– Ишонмаяпсизми?

– Ишонаман.

– Гапингизнинг оҳангидан шубҳаланаётганга ўхшаяпсиз... Яхшиси, истасангиз, менинг ишончли кишим билан банкгача боринг, ана шунда кўрасиз, қўлингизга худди шу суммага ғазнанинг облигациясини тутқазадилар.

– Ҳар ҳолда, бу кишини ҳайратга соладиган ҳол, – деди Монте-Кристо чекларни буклаб, – ўзим синаб кўраман. Менга сизнинг банкингизда олти миллионга кредит очилган эди; тўққиз юз минг франкни олгандим; сизда яна беш миллион юз минги қолди. Ҳозир сиз имзо чеккан беш парча қоғозни зўр ишонч билан оляпман; олти миллион олганимга мана бу тилхатни бераман; шу билан иккимизнинг орамиз очиқ бўлади. Тилхатни олдиндан тайёрлаб қўйгандим, чунки менга бугун бу пул жуда ҳам зарур.

Граф шундай деди-да, чекларни чўнтагига солиб, иккинчи кўли билан тилхатни банкирга узатди.

Агар шу топда чақмоқ келиб урганда ҳам Данглар бунчалик ваҳимага тушмасди.

– Ия? – деди пингиллаб. – Бу пулни олмоқчимисиз ҳали, граф? Бироқ кечирасиз, бу пул бошпанасизлар жамғармаси, мен уларга бугун тўлашни ваъда қилган эдим.

– Ҳа, ундай бўлса майли, – деди Монте-Кристо. – Мен албатта шу чекларни оламан деяётганим йўқ, бошқа қимматбаҳо нарсалар билан тўласангиз ҳам майли, бу чекларни фақат кўз-кўз қилмоқчи бўлиб олгандим. Бу жуда қойилмақом иш бўлур эди-да! Ҳа, майли, олинг чекларингизни, бўлмаса менга бошқачасини тўлаб қўя қолинг.

Граф чекларни Дангларга узатди; девор бўлиб қолган банкир худди қафас ичидан гўштга чангал солган қузғундай чекларга ёпишди, сўнг бирдан ҳушига келиб, қўлини тортиб олди-да, илжайди, буришиб-тиришиб кетган юзи ўз ҳолига келди.

– Дарвоқе, – деди банкир, – сизнинг тилхатингиз ҳам пул-ку.

– Албатта! Сиз Римда бўлганингизда Томсон ва Френч мени мана шу тилхатимни кўрибоқ худди сиз сингари беш миллионни нақд тўлаган бўлур эди.

– Кечиринг мени, граф, кечиринг.

– Демак бу пулларни мен олаверайми?

– Ҳа, ҳа, олаверинг, – деди Данглар терга ботган пешанасини артиб.

Монте-Кристо чекларни яна қайтариб чўнтагига солди, аммо: «Яхшилаб ўйлаб кўринг, сўнг пушаймон қилиб юрманг», дегандек унга қараб қўйди.

– Йўқ, йўқ, бемалол, – деди Данглар, – олаверинг бу чекларни. Бироқ, билиб қўйингки, биз банкирлар жуда териси юпқа одамлармиз. Мен бу пулларни етимхоналарга бермоқчи эдим; шу чеклар билан ҳозир тўлаб қўймасам уларни алдаган бўлмасмикинман деган хаёлга бордим. Кечиринг мени! – деди-да, заҳархандалик билан кулиб қўйди.

– Ҳа, майли, кечирдим, – деди мулойимлик билан Монте-Кристо, – пулни чўнтакка солиб қўя қолай бўлмаса.

Граф чекларни катмонига солиб қўйди.

– Яна юз минг франк пулингиз қоляпти-ку? – деди Данглар.

– Бе, арзимаган гап! – деди Монте-Кристо, – ширинкомаси тахминан шунчага бориб қолар; яхшиси ўша юз мингни ўзингиз ола қолинг, орамиз очиқ бўлади-қўяди.

– Жиддий гапиряпсизми, граф?

– Мен банкирлар билан ҳеч қачон ҳазиллашмайман, – деди Монте-Кристо кескин, сўнг ўрнидан турди-да, эшик томонга йўл олди, бироқ шу пайт хизматкор кириб:

– Етимхоналар Бошқармасининг бош ғазначиси жаноб де Бовиль ташриф буюрдилар, – деди.

– Мана кўрдингизми, – деди Монте-Кристо, – мен вақтида келиб чекларингиздан фойдаланишга муяссар бўлдим, йўқса ололмай қолишим мумкин эди, ахир бу қоғозларингизнинг бозори жуда чаққон экан-ку.

Дангларнинг яна қути ўчди, граф билан шошиб хайрлашди.

Монте-Кристо расмият юзасидан жаноб де Бовиль билан салом-алик қилди. Де Бовиль даҳлизда кутиб турган эди.

Унинг қўлида катмонни кўриб, граф илжайиб қўйди. Ғазначини Дангларнинг кабинетига олиб киришди.

Эшик олдида кутиб турган извошга граф ирғиб миндида, «Банкка ҳайда!» деб буйруқ берди.

Данглар ўзини босишга уриниб, меҳмон истиқболига чиқди. У зўрма-зўраки илжайди.

– Салом, азизим кредитор, – деди Данглар, – сизни бундай деб аташимнинг боиси шундаки, меникига ташриф буюрганлар албатта кредитор сифатида келади.

– Топдингиз, барон, топдингиз, – деди Бовиль, – мен етимхоналар вакили сифатида ҳузурингизга келдим; мен орқали бева-бечоралар ва етим-есирлар сиздан беш миллион пул сўраб кўз тикиб ўтиришибди.

– Етим-есирларга раҳм-шафқат қилиш керак эмиш-а! – деди Данглар ҳазилни давом эттириб. – Шўрлик болалар.

– Мана, мен ўша шўрликлар номидан ҳузурингизга келдим, – деди де Бовиль, – кеча хатимни олгандирсиз...

– Ҳа, олдим.

– Мана, ўша пулни олганлигим тўғрисида тилхатни ҳам ёзиб келтирдим.

– Азизим де Бовиль, – деди Данглар, – агар сизга оғир бўлмаса беваларингиз ва етим-есирларингиз йигирма тўрт соат сабр қила туришсин, чунки ҳозиргина бу ердан чиқиб кетган граф Монте-Кристо... сиз уни кираверишда учратган бўлсангиз керак, шундайми?

– Ҳа, учратдим, хўш, нима бўпти?

– Ана шу Монте-Кристо, шўрликларнинг беш миллионини олиб кетди!

– Нега энди?

– Граф мендан истаганча кредит олиш ҳуқуқига эга, унга бу кредитни менинг банкимда Томсон ва Френч хонадони очиб қўйди. У, бир йўла беш миллион сўради, мен банкка чек ёзиб бердим; ўз пулларимни ўша ерда сақлайман; банк бошлиғидан бир кунда ўн миллион талаб қилсам унга жуда ғалати туюлиши мумкин деб ҳайиқиб турибман. Икки кунда шундай қилсам – бу бўлак гап, – деди Данглар илжайиб.

– Ростдан-а! – деди ишонгиси келмай де Бовиль. – Ҳозиргина бу ердан чиқиб кетган ва менга, худди қадрдонлар-

дек, икки букилиб салом берган жанобга беш миллион бериб юбордингизми?

– Сиз уни танимасангиз-да, эҳтимол, у сизни танир. Граф Монте-Кристо ҳаммани танийди.

– Беш миллионни-я!

– Мана унинг тилхати. Комил ишонч ҳосил қилиш учун олиб ушлаб кўринг.

Бовиль Данглар узатган қоғозни олиб, ўқиди.

«Барон Данглардан беш миллион юз минг франк олдим, бу ақчани истаган вақтда унга Римдаги Томсон ва Френч банкир хонадони тўлайди».

– Тўппа-тўғри! – деди у.

– Томсон ва Френч хонадонини биласизми?

– Ҳа, биламан, – деди Бовиль, – бир гап улар билан икки юз минг франк миқдорда муомалада бўлгандим; ўшандан буён улар ҳақида ҳеч гап эшитмадим.

– Бу Европадаги энг яхши банкирлар хонадонларидан бири, – деди Данглар Бовиль қўлидан қайтариб олган тилхатни эътиборсизлик билан стол устига ирғитиб.

– Фақат сизнинг бир ўзингизда беш миллионли счёти бормиди унинг. Бундан чиқди, граф Монте-Кристо навоб одам бўлса керак!

– Очиғини айтсам, унинг кимлигини билмайман, аммо менга шуниси маълумки, унинг учта кредити бор эди: бири менда, иккинчиси Ротшильдда, учинчиси Лаффит банкида; мана кўриб турибсизки, у мени бошқалардан афзал кўриб беш миллионни олди ва ширинкомасига юз минг франк ташлаб кетди.

Бовиль Монте-Кристога қойил қолиб таҳсин ўқиди.

– Уникига бир боришим зарур экан-да, – деди ў. – Ундан етим-есирлар учун бирор бошпана очдириб олишга ҳаракат қиламан.

– Бу бўладиган иш, у ойига йигирма минг франкдан зиёд садақа беради.

– Буниси яна соз! Мен унга де Морсер хонимни ва ўғлини ибрат қилиб кўрсатаман.

– Қайси масалада?

– Улар бутун бор сармоясини етимхоналарга садақа қилишди.

– Қанақа сармоя?

– Хусусий сармоясини, марҳум генерал де Морсердан қолган сармояни.

– Нега энди?

– Улар пасткашлик билан орттирилган бу сармоядан фойдаланишни истамадилар.

– Энди ўзлари нима билан тирикчилик қилишади?

– Онаси шаҳардан узоқ районга кўчиб кетяпти, ўғли эса ҳарбий хизматга қиряпти.

– Уларнинг марҳаматини қаранг-а! – деди Данглар хитобла.

– Мен шу кечанинг ўзида садақа актини рўйхатдан ўтказиб қўйдим.

– Қанча экан сармояси?

– Унча кўп эмас, бир миллион икки юз минг чамаси. Келинг, ўзимизнинг миллионлар ҳақида гаплашайлик.

– Марҳамат, – деди ғоят табиий оҳангда Данглар. – Бу пул сизга ҳозир жуда зарурми?

– Жуда зарур: эртага кассамизни тафтиш қиладилар.

– Эртага? Нега буни дарров айта қолмадингиз?.. Эртагача, эҳ-ҳе, қанча бор ҳали!.. Тафтиш соат нечада бўлади?

– Соат иккида.

– Туш пайтида одам юборинг, – деди Данглар илжайиб. Бовиль жавобан катмонини силкитди-да, бошини қимирлатиб қўя қолди.

– Ёки бошқача бир илож қила қолайлик, – деди Данглар.

– Хўш, қанақа илож экан у?

– Граф Монте-Кристонинг тилхати ҳам пул-ку; бу тилхатни Ротшильд ёки Лаффит банкига олиб борсангиз, улар дарҳол қабул қилиб олади.

– Улар Рим билан ҳисоб-китоб қилиши керак-ку?

– Тўғри, сиз фақат ҳисоб-китоб учун беш-олти минг франк ютқизасиз, холос.

Ғазначи ирғиб ўрнидан турди.

– Йўқ, бўлмайди; ундан кўра эртагача кутганим маъқул. Беш-олти минг ҳазилакам пулми? Айтишга осон!

– Кечиринг, – деди Данглар безбетлик билан, – мен унча мунча етишмовчилик бўлса ўрнига қўярсиз деб ўйлагандим.

– Нима деяпсиз ўзи! – деди хитоб қилиб ғазначи.

– Бизда бундай ҳоллар бўлиб туради; ўшанда зарар кўрсанг ҳам хўп дейишга мажбур бўласан киши.

– Худога минг қатла шукрки, менда бундай ҳол юз бергани йўқ, – деди Бовиль.

– Ундай бўлса, эртагача сабр қиласиз, бўптимми, азизим?

– Бўпти, эртага албатта бўладими?

– Ҳазил эмас! Тушда одамингизни юбораверинг, мен банкни огоҳлантириб қўяман.

– Мен ўзим келаман.

– Яна яхши, тагин сиз билан дийдор кўришишга муясар бўламан.

Улар қўл сиқишиб хайрлашдилар.

– Айтмоқчи, – деди Бовиль, – сиз шўрлик мадемуазель де Вильфорни кўмиш маросимида қатнашмайсизми? Мен Бульварда маросимни кўрдим.

– Йўқ, – деди банкир, – Бенедетто билан бўлган воқеадан кейин юзим шувут бўлиб, ҳамон жамоатдан яшириниб юрибман.

– Бекор қиласиз, сизда нима гуноҳ?

– Биласизми азизим, номига ҳеч доғ тушмаган одамга оғир бўларкан.

– Ҳамма сизга ачиняпти, айниқса, қизингизга.

– Шўрлик Эжени! – деди Данглар хўрсиниб, – қиз бечоранинг монастирга кетганидан хабарингиз бўлгандир?

– Йўқ, эшитмадим.

– Бахтсизликка қарши қизимиз шундай қилди; ўша жанжалнинг эртасига бир монах дугонаси билан кетиб қолди. Италия ёки Испанияда бирорта тартиб-қондаси маҳкамроқ монастирь топиб кирмоқчи.

– Бу жуда хунук бўпти-да! – деди де Бовиль ва қизнинг отасига жуда ачиниб чиқиб кетди.

У кетиши билан Данглар унинг орқасидан мазах қилиб:

– Хумкалла!!! – деди..

Сўнг Монте-Кристонинг тилхатини кичкина катмончага солиб яширди-да, қўшиб қўйди:

– Тушда кел! Тушда менинг бу ерда изимни ҳам тополмайсан!

Шундай деди-да, эшикни қулфлади, кассасининг ҳамма яшиқларидаги эллик минг франкка яқин чек қоғозларни битта қўймай йиғиштириб олди, аллақандай қоғозларни куйдириб ташлади, айримларини кўринадиган жойга тахлаб қўйди, сўнг ўтириб хат ёзди; хатни ёзиб бўлиб конвертга солди ва устига «Данглар хонимга», деб ёзиб қўйди.

– Бу хатни кечқурун ўзим хонимнинг пардоз столчасига ташлаб қўяман, – деди минғирлаб у.

Сўнгра стол тортмасидан паспортини олиб:

– Жуда соз! Яна икки ойлик мuddати бор экан, – деди.

VIII. ПЕР-ЛАШЕЗ ҚАБРИСТОНИ

Дарҳақиқат, Бовиль Валентинани дафн этиш маросими устидан чиқди.

Осмоннинг қовоғи солиқ эди. Илиқ шамол ярим яланғоч шохлардаги заъфарон япроқларни узиб, Бульварни тўлдирган оломон устида ҳорғин эсарди.

Парижнинг асл фуқароси Вильфор парижлик оила аъзоларидан бирининг жасадини мамнунлик билан қабул қилаётган Пер-Лашез қабристонига қараб турарди. Бошқа қабристонларнинг ҳаммаси унинг назарида ёғоч жиҳозлар билан ясатиб қўйилган аллақандай мурдахонага ўхшарди. Нуфузли табақа марҳумлари ўзларини фақат Пер-Лашез қабристонигагина ўз уйида ётгандек билишарди.

Вильфор шу қабристондан хонадони учун жой сотиб олиб, мақбара қурдирди ва унга тез орада илк оила аъзолари кўмилди.

Мақбара тепасига Валентинанинг онаси марҳума Рене: «Сен-Меран ва Вильфорлар оиласи», деб ёздириб қўйган эди.

Беҳисоб извошлар бирин-кетин Сен-Оноредан Пер-Лашезга йўл олди, бутун Парижни кесиб, Тампддан ўтиб четдаги Бульвардан қабристон томонга юришди. Йигирмата мотам фойтуни кетидан элликта хусусий извош, улар кетидан беш юз нафардан ортиқ пиёдалар борарди.

Булар ёшлар эди; Валентинанинг вафоти ёшларни ларзага солган эди; замонада қолоқ фикрлар ҳукмронлигига,

даврининг кўнгилсизлигига қарамай, бу ёшлар гул-гул очилган пайтида жувонмарг бўлган гўзал, покиза, жозибадор қизга мафтун эдилар.

Мотам намойиши заставага яқинлашганда тўрт дул-дул от қўшиғлиқ бир извош пайдо бўлди-да, таққа тўхтади; отларнинг олдинги оёқлари найзадек ерга қадалиб қолди, извошда келган граф Монте-Кристо эди.

Граф извошдан тушиб марҳумани сўнгги йўлга кузатиб қўйишга бораётган пиёдалар сафига қўшилди.

Шато-Рено графни кўриши билан извошини қўйиб, унинг ёнига борди. Бошан ҳам унга эргашди.

Граф оломонни диққат билан кўздан кечирарди; у, афтидан, кимнидир ахтарарди. Охири:

– Моррель қани? Жаноблар, бирортангиз Моррелни кўрмадингизми? – деди.

– Биз марҳуманинг уйида уни қидириб тополмадик, – деди Шато-Рено.

Граф индамай, яна атрофга аланглаб бораверди.

Ахийри қабристонга етиб келишди.

Монте-Кристо дарахтзорларни синчиклаб кузатди; сўнг бир кўланкага кўзи тушди-ю, ахтарган кишисини топди шекилли, тинчланди.

Бу ҳашаматли қабристонда дафн этиш маросимлари қанақанги дабдаба билан ўтишини ҳамма билади: оппоқ хиёбонда қоп-қора одамлар тўда-тўда бўлиб олишган, борлиқ мудҳиш сукутда; аҳён-аҳёнда қабрлар устидаги дарахтлардан узилиб тушаётган япроқларнинг шитир-шитири эшитилади, холос; қоҳинларнинг мунгли товушларига гулзор орқасида қўлларини кўксига қўйиб турган аёлларнинг йиғиси жўр бўларди.

Монте-Кристо кўрган кўланка Элоиза ва Абеляр қабри орасидаги дарахтзорлардан югуриб ўтди-да, намойишнинг олдида бораётган машғалчилар сафига қўшилди ва улар билан бирга қабр ёнига борди.

Қабристондаги ҳамма нарсаларни бирма-бир кўздан кечирган Монте-Кристо эса ҳалиги кўланкадан кўзини узмасди; ундан бошқа деярли ҳеч ким кўланкани пайқамасди.

Граф икки марта қатордан чиқиб, ҳалиги одам кийими орасига яшириб олган қуролига қўл югуртирмаяптимикиан, деб қараб ҳам қўйди.

Извошлар тўхтагач, бу қўланка Моррель эканлиги ҳаммага аён бўлди. Унинг ранги ўчган, юзлари сўлгин, камзулининг ҳамма тугмалари солиғлиқ эди, мақбара устидаги дўнгликда титроқ қўллари билан шляпасини ҳадебғижимларди, шу зайлда у қайғули маросимни аниқ кўриб турарди.

Ҳамма нарса ҳар вақтдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ бажо келтирилди; одатдагидек, ҳаммадан кам қайғурадиган бир неча киши нутқ сўзлади; баъзилар бу бевақт жудодликка чидолмай қон йиғлар, баъзилари эса отасини фарзанд доғи эзаётгани ҳақида гап сотарди: ҳатто, Валентина отаси жаноб деб Вильфордан бир неча бор у ўлимга маҳкум этган гуноҳкорга раҳм-шафқат қилишини илтимос қилган экан, деганлар ҳам бўлди, хуллас, ҳар ким оғзига келганини гапирар, бири олиб, бири қўярди.

Монте-Кристонинг қулоқлари бу гапларни эшитмас, у кўзларини бир жойда тошдай қотиб қолган Моррелдан узмасди.

– Қаранг! – деди Бошан Дебрэга, – ана, Моррель! Унинг топган жойини қаранг-а!

Улар Моррелни Шато-Ренога кўрсатишди.

– Рангини қаранг, девор-а! – деди Шато-Рено.

– Совқотгандир-да, – деди эътироз билдириб Дебрэ.

– Ундай эмас, – деди оҳиста Шато-Рено, – менимча, у қаттиқ ҳаяжонда. Максимилиан ниҳоятда кўнгли бўш одам.

– Ундай бўлиши мумкин эмас! – деди Дебрэ. – Узингиз айтмовдингизми, мадемуазель де Вильфор билан у унча таниш ҳам эмас, деб.

– Тўғри. Ҳар қалай, де Морсер хонимнинг зиёфатида у Валентина билан уч марта рақс тушди; биласизми, граф, ху ўша сиз ҳаммани ҳайратда қолдирган зиёфатда.

– Йўқ, билмайман, – деди Монте-Кристо ҳатто кимга ва нима учун жавоб бераётганини сезмай: унинг фикру зикри нафас олишдан ҳам қўрқаётган киши сингари бетлари қизариб кетган Моррелда эди.

– Маъруза тугади, хайр энди, жаноблар, – деди кўққисдан Монте-Кристо ва бирпасда ғойиб бўлди; унинг қаёққа ғойиб бўлганини ҳеч ким билмай қолди.

Мотам маросими тугаб, одамлар қайтишди.

Фақат Шато-Рено Моррелни истаб қолган эди; бироқ у кетиб бораётган граф орқасидан қараб турганда Моррель кўздан ғойиб бўлганди; Шато-Рено уни тополмай, Дебрэ билан Бошан кетидан йўл олди.

Монте-Кристо катта бир қабр орқасидаги чангалзорга яшириниб олиб, томошабинлар ва улардан кейин гўрковлар ташлаб кетган мақбара томонга яқинлашиб келаётган Моррелдан кўз узмай, унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб турарди.

Моррель секин ён-верига қараб олди, у орқасини ўтирганида Монте-Кристо яна ўн қадам яқинроққа келди.

Максимилиан тиз чўкди.

Граф хиёл энгашди-да, озгина кўпол ҳаракатни сезиши билан ўзини ташлашга тайёр кишидек, кўзларини ўқдай тикиб Моррелга яқинлашаверди.

Моррель мақбаранинг тош деворига пешанасини қўйганча, икки қўли билан панжарани тутиб:

– Валентина! – деди инграб.

Максимилианнинг овозидаги мунг ва қайғудан графнинг юраги эзилди; у олға яна бир қадам ташлади-да, Моррелнинг елкасидан туртиб:

– Азизим, бу ерда экансиз-ку, мен сизни қидириб юрибман, – деди.

Монте-Кристо, бечора энди роса арз-дод қилса керак, деб ўйлаган эди, аммо ундай бўлмади.

Моррель графга ўгирилиб қаради-да, осойишталик билан:

– Мана, кўрдингизми, ибодат қиляпман, ибодат! – деди.

Монте-Кристо синовчан кўзлари билан Максимилианга бошдан-оёқ бир қараб олди ва шу билан бир оз кўнгли жойига тушгандек бўлди.

– Истасангиз, шаҳаргача олиб бориб қўяй? – деди у Моррелга.

– Раҳмат, кераги йўқ.

– Бирор нарсага эҳтиёж йўқми сизда?

– Тоат-ибодат қилиб олсам бас, шу етарли.

Граф индамай бу ердан узоқлашди ва яна бояги ерга ўтиб яширинди-да, Моррелни кузатиб турди. Максимилиан ибодатни тугатиб, ўрнидан турди, тиззасидан чангни қоқиб ташлади, сўнг орқасига қарамай Парижга йўл олди.

У Ла-Рокет кўчасидан аста юриб ўтди.

Граф қабристон дарвозаси олдида кутиб турган извошни жўнатиб юбориб, Максимилиан кетидан юз қадам орқада бораверди.

Максимилиан каналдан ўтиб, Бульвар орқали Меле кўчасига чиқди.

Моррель кетидан ёпилган эшик беш дақиқа ўтар-ўтмас Монте-Кристога очилди.

Жюли боғда, ўз хунарига меҳр қўйган уста боғбон Пекелоннинг бенгалия атиргулларини чилпишини кузатиб турарди.

– Граф Монте-Кристо! – қичқирди у қувонч билан. Бу оиланинг ҳамма аъзолари графни ҳамиша ана шундай қувонч билан кутиб оларди.

– Чамамда, Максимилиан ҳозиргина қайтиб келди, шундайми? – сўради граф.

– Ҳа, келди, – деди Жюли, – марҳамат, ичкарига кириб, ҳой, Эмманюелни чақирсанглар-чи.

– Кечирасиз, хоним, – деди эътироз билдириб Монте-Кристо, – мен дарҳол Максимилианнинг олдига киришим керак, унда жуда зарур ишим бор.

– Ундай бўлса, кираверинг унинг олдига, – деди Жюли графни зинадан ғойиб бўлгунча илиқ табассум билан кузатиб.

Монте-Кристо Максимилиан истиқомат қиладиган учинчи қаватга югуриб чиқди-да, айвончада тўхтаб кулоқ солди: ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит эди.

Хўжайинларнинг ўзлари яшайдиган қадимий уйларда айвонга қараган битта ойнабанд эшиги бўларди, бироқ бу эшикнинг сиртида калити йўқ эди.

Максимилиан эшикни ичидан қулфлаб олганди, ойнага ичкаридан қизил шойи парда тутилган, ташқаридан ҳеч нарса кўриб бўлмасди.

Графнинг бетига қон югурди: бу унинг ниҳоятда ҳаяжонга тушганининг аломати эди. У бир дақиқа ўйла-ниб қолди.

– Энди нима қилмоқ керак? – деди у пичирлаб. – Қўнғироқ урсаммикин? Йўқ, бундай қилиш ярамайди! Максимилианнинг ҳозирги аҳволига тушган одам қўнғироқни эшитибок бир ёқлик бўлади-қўяди, жавоб ўрнига бошқача овоз бериши мумкин.

Монте-Кристонинг аъзойи бадани титраб кетди, у одатдагидек дарҳол бир қарорга келди-да, тирсаги билан эшик ойнасини қарсиллатиб урди, ойна чилпарчин бўлди, пардани кўтариб қаради – ёзув столи олдида қўлида патқалам тутиб ўтирган Моррель чўчиб орқасига қаради.

– Ҳечқиси йўқ, – деди граф, – Худо ҳаққи, мени кечиринг, азизим, қоқилиб, тирсагим ойнангизга тегиб кетди; синган ойнадан ўзим очиб кира қолай, сиз асло безовта бўлманг!

Граф ойна синиғидан қўлини суқиб, эшикни очди.

Моррель энсаси қотиб ўрнидан турди-да, кутиб олишдан кўра кўпроқ йўлини тўсиш учун Монте-Кристога пешвоз чиқди.

– Очиғини айтганда, хизматчиларингиз айбдор, – деди Монте-Кристо тирсагини артиб, – паркетни ойнадай ярқиратиб артишади-да.

– Бирор ерингиз лат емадимми? – деди совуққина оҳангда Моррель.

– Қайдам. Уни қўйинг-буни қўйинг, ўзингиз нима қилиб ўтирибсиз? Ёзаётганмидингиз?

– Менми?

– Бармоқларингиз сиёҳга бўялиб кетибди-ку.

– Ҳа, ёзиб ўтиргандим, – жавоб қилди Моррель, – ҳарбий бўлсам-да, баъзан ёзув-чизув ишлари билан ҳам шуғулланиб тураман.

Монте-Кристо бир неча қадам ташлади, Максимилиан унинг йўлини тўсолмай, орқасидан боришга мажбур бўлди.

– Ёзиб ўтирганмидингиз? – деди сўзини давом эттириб; унинг кўзлари Моррелга ўқдай тикилганди.

– Ҳа, шундай, – деди Моррель. Граф атрофга бир разм солиб чиқди.

– Сиёҳдон ёнига тўппончани қўйиб-а? – деди граф Моррелга стол устидаги тўппончани кўрсатиб.

– Саёҳатга кетяпман, – деди Максимилиан.

– Азизим! – деди Монте-Кристо чексиз меҳрибонлик билан.

– Жаноб!

– Азизим Максимилиан, бунчалик умидсизликка тушманг, илтимос қиламан сиздан!

– Қанақа умидсизлик бўлиши мумкин менда? – деди Моррель елкасини қисиб. – Қачондан бери саёҳат қилиш умидсизлик бўлиб қолган экан?

– Келинг, ниқобни олиб ташлайлик, Максимилиан, – деди Монте-Кристо. – Юзаки осойишталик билан мени алдай олмайсиз. Билиб турибсизки, ойнани беҳудага синдириб, дўстимнинг олдига кирганим йўқ; чинакам хавотир олиб шундай қияпман. Моррель, сиз ўз жонингизга ўзингиз қасд қияпсиз.

– Бўлмаган гап! – деди Моррель сесканиб. – Бу гапни қаёқдан топдингиз, граф?!

– Яна қайтариб айтаманки, сиз жонингизга қасд қилмоқчисиз, – давом этди граф ҳалиги оҳангда, – мана далил.

Граф стол ёнига бориб, хатни олди.

Моррель хатни унинг қўлидан тортиб олмоқчи бўлди. Бироқ, Монте-Кристо буни олдиндан пайқаганди, Максимилианни қўлидан маҳкам тутиб, тўхтатди.

– Ўзингизни ўлдирмоқчи эдингиз, Моррель, – деди у. – Мана, оқ қоғозга шундай деб ёзиб қўйилибди!

– Хўш, нима бўпти! – деди Моррель ўзининг асл қиёфасига кириб. – Хўш, башарти мен мана шу тўппонча билан чаккадан отсам, ким менга халақит бера олади? Ким?

Агар мен: бутун орзу-умидларим пучга чиқди, абгор бўлдим, атрофимни зимистон ва қабоҳат қоплаб олди, оёғим остидаги ер топталди, одам овозини эшитсам бағрим қонга тўлади, десам ким бир нима дея олади?

Агар мен: мени ўлдирган кимса раҳм-шафқат қилган бўлади, акс ҳолда ақлдан озаман, жинни бўламан, десам биров бир нарса дейдими?

Агар мен бу гапларни қайғу-алам билан қон йиғлаб айтсам, ким менга «сиз ноҳақсиз!» – дея олади, ким? Бахтсиз-

ларнинг энг бахтсизи бўлишимга ким халақит бера олади?
Ким?

Сизми, граф, сиз шундай дейишга журъат эта олсизми?

– Ҳа, Моррель, – деди қатъий қилиб Монте-Кристо Максимилианнинг ўта ҳаяжонланиб гапиришига қарши ўлароқ, хотиржамлик билан, – мен айта оламан!

– Сиз-а?! – деди Моррель киноя ва ғазаб билан хитоб қилиб. – Қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдирган одам сиз-ку. Севгилимни ўлимдан қутқариб қолиш учун ёки ҳеч бўлма-са жон бераётганда бағримга босиб видолашиш учун сўнгги чораларни кўраётганимда шаштимдан қайтарган сиз эмасмисиз? Ёлғон ваъдалар бериб алдаган ўзингиз эмасмидингиз? Мен ҳамма нарсага қодирман, деб мақтанган эдингиз-ку! Хўш, нима бўлди? Қани ўша қудратингиз, мўъжизакор кучингиз? Қани? Жиллақурмаса қизга берилган заҳарни қайтаришга ҳам қурбингиз етмади-ку! Ахир бу ноинсофлик, қабиҳлик эмасми, жаноб? Мен ҳазар қиламан!

– Моррель!

– Шундай, сиз менга ниқобни ташла, дедингиз, мана, ниқобни ҳам ташладим, кўрдингизми? Кетимдан қабристонга келаётганингизда ҳамма саволларингизга кўнгилчанлик билан жавоб бердим, бу ёққа ҳам киришингизга халақит бермадим... Аммо, пичоқ бориб суякка қадалди, ҳатто уйимда ҳам мени тинч қўймадингиз: доим орқамдан таъқиб қилиб, мени минг хил азобга солдингиз... Меним қалбаки валинеъматим, паноҳкорим, энди ҳар қанча қувонсангиз арзийди: бугун дўстингиз кўз олдингизда жон беради.

Моррель шундай деди-да, беўхшов қаҳ-қаҳ уриб, яна тўппончасига ёпишди.

Ранги мурдадай оқариб кетган Монте-Кристо кўзларини олайтириб, тўппончани шиппа босди ва ақлдан озаётган Моррелга қараб:

– Яна такрор айтаман: сиз ўлмайсиз! – деди.

– Ўлгани ҳам қўймайсизми? – деди Моррель яна тўппончага ёпишиб, бироқ бу гал ҳам графнинг метиндай қўлларига унинг кучи етмади.

– Йўқ, қўймайман!

– Ҳой, менга қаранг, сиз ўзи кимсиз? Эркин ва эсли кишилар устидан ҳукмронлик қилишга ким ҳуқуқ бериб қўйди сизга?! – деди хитоб қилиб Максимилиан.

– Кимман? – деди такрорлаб Монте-Кристо. – Мен: «Моррель, отангинг ўғли шу бугун ўлишини истамайман!» дейишга ҳақи бор дунёдаги бирдан-бир одамман.

Шундай деди-да, граф бирдан ўзгарди, салобат ва ғурур билан қўлларини қовуштириб, Максимилианга яқин келди, деярли илоҳий кучга эга бу зот олдида ожиз қолган Моррель дағ-дағ титраб, бир қадам орқага тисарилди-да:

– Нима учун отамга тил теккизяпсиз? – деди зўрға товуш чиқариб. – Бугун юз берган воқеаларнинг отамга нима алоқаси бор?

– Шунинг учунки, отангиз ҳам худди сизга ўхшаб ўзини ўлдирмоқчи бўлганида мен қутқариб қолганман, синглингизга ҳамён, кекса Моррелга янги «Фараон» юборган ҳам мен бўламан, мен ўша вақтларда сизни тиззасига олиб эркалаган Эдмон Дантесман.

Моррель анграйиб қолди, сўнг гандираклаб яна бир қадам орқага тисарилди-да, ҳолдан тойиб, «О-оҳ!» деганча ўзини Монте-Кристо оёғига ташлади.

Зум ўтмай жонон йигит бирдан ўзгарди: ўрнидан сапчиб турди-да, овозининг борича: – Жюли! Эмманюель! – деб қичқириб, ташқарига отилди.

Монте-Кристо уни тўхтатмоқчи бўлиб орқасидан югурди, аммо Максимилиан эшикни маҳкам бекитиб, графни чиқармади.

Максимилианнинг қичқириғини эшитиб капалаги учиб кетган Жюли ва Эмманюель хизматчилари билан чопқиллаб киришди.

Моррель уларнинг қўлидан тутиб, эшикни очди.

– Тиз чўкиб таъзим қилинглар! Таъзим! – деди хитоб қилиб: йиғи унинг овозини бўғиб қўйган эди. – Мана, бизнинг халоскоримиз! Отамизни ҳалокатдан қутқаркб қолган улуғ зот – мана!..

У «Мана, Эдмон Дантес!» демоқчи бўлган эди, граф уни қўлидан ушлаб тўхтатди.

Жюли ва Эмманюель қаршисида худди нажоткор Тангри пайдо бўлгандек, графни қучоқлаб олишди, Моррель яна етти букилиб таъзим қилди.

Темир иродали графнинг юраги пора-пора бўлди, бағридан отилиб чиққан қон кўзларига урди; у бошини қуйи солди-да, йиғлаб юборди. Хонада анчагача йиғи-сиғи тинмади. Бу қувонч, шодлик йиғиси эди.

Жюли ҳаяжондан зўрға ўзига келиб ташқари югурди, бир қават пастга, меҳмонхонага тушиб, ойнак қопқоқни кўтарди ва Мельян хиёбонидан бир нотаниш киши совға қилган ҳамённи олди.

Бу орада Эмманюель титроқ овоз билан Монте-Кристога хитоб қиларди:

– Оҳ, граф, қани энди сиз у нотаниш халоскоримизни кечаю кундуз зўр ҳурмат ва миннатдорчилик билан эсга олиб, ҳақиқа дуо ўқиётганимизни билсангиз эди! Бунча узоқ ниқобланиб юришга қандай сабрингиз чидади, а? Ахир бу бизга нисбатан, ҳатто ўзингизга нисбатан ҳам бераҳмлик, шафқатсизлик-ку!

– Азиз дўстим, деди граф, – олдиндан айтиб қўяй: сизни азиз дўстим дейишга ҳақлиман, чунки сиз ўн бир йилдан буён менинг дўстимсиз; муҳим бир воқеа мени бу сирни ошкор қилишга мажбур этди, бу қанақа сирлигини сизга айтолмайман. Худо ҳаққи, бу сирни умр бўйи қалбимнинг тўрида сақламоқчи эдим. Бироқ Максимилиан дўқ-пўписа билан уни юрагимдан суғуриб олди. Лекин кейинчалик ўзи пушаймон ейди.

Максимилиан ҳамон тиз чўкканча нарироқдаги ўриндиққа иягини тираб ўтирарди.

– Сиз уни кўздан қочирманг, – қўшимча қилди Монте-Кристо ва Эмманюелнинг қўпини маънодор қисиб қўйди.

– Нега энди? – сўради ажабланиб Эмманюель.

– Сабабини айтолмайман, аммо албатта кўз-қулоқ бўлиб турунг.

Эмманюель хонани бир бошдан қараб чиқди ва Моррелнинг тўппончаларига кўзи тушди-да, кайфи учинқираб, Монте-Кристога кўрсатди.

Монте-Кристо бош қимирлатиб қўйди.

Эмманюель тўппончага қўл узатган эди, граф тўхтатди, сўнг бориб Моррелнинг қўлидан тутди: ҳозиргина асаблари жўшиб турган Максимилиан тахтадай қотиб қолганди.

Қўлида машхур шоҳи ҳамённи кўтариб Жюли кирди; унинг ёноқларидан икки дона марварид думалаб тушди.

– Мана ўша азиз ёдгорлик, – деди у, – халоскоримиз ким эканлигини билгандан сўнг бу билан неча пуллик ишимиз бўларди, деб ўйламанг тағин.

– Қизим, – деди қизариб Монте-Кристо, – рухсат этинг, ҳамённи қайтариб олай: мана энди сиз мени яхшилаб таниб олдингиз; бундан буён фақат ўзингиз инъом этган дўстлик мендан сизга ёдгорлик бўлиб қолсин.

– Йўқ, йўқ, ўтинаман, буни олиб кетманг, – деди хитоб қилиб Жюли ҳамённи кўксига босиб, – ахир сиз кетиб қолиб, бизни жудодлик ўтига ташлашингиз мумкин-ку, шундайми?

– Тўғри айтдингиз, – деди Монте-Кристо жилмайиб, – бир ҳафтадан сўнг мен бу мамлакат билан видолашаман. Сонсиз гуноҳкори азимлар бахтиёр яшаган бу юртда менинг бечора отам очлик ва қайғу-аламдан ўлиб кетди.

Монте-Кристо кетаётганига ишора қилиб Моррелга қаради. «Бу мамлакат билан видолашаман» деган сўзлар Моррелни хушига келтирмаганди; демак, ғам-аламга қарши яна бир жангга бардош бермоғи лозим; у Жюли билан Эмманюелнинг қўлидан тутди-да, оталарча меҳрибонлик билан:

– Азиз дўстларим, – деди, – Максимилиан билан иккимизни танҳо қолдиришингизни илтимос қиламан.

Жюли Монте-Кристонинг ёдидан кўтарилган қимматбаҳо ёдгорликни олиб кетиш имконияти туғилганини сезди-да: – Қани, юр, – деди эрини шошилтириб.

Граф турган жойидан қимирламай:

– Менга қаранг, Максимилиан, – деди амирона, йигитнинг елкасига қўлини ташлаб, – одам бўласизми ёки йўқми?

– Ҳа, тағин ғамга ботяпман.

Граф пешанасини тириштирди, дилини қандайдир оғир шубҳа чулғагандек эди.

– Максимилиан! – деди у, – бу христиан йигитга муносиб фикрлар эмас.

– Хотиржам бўлинг, азиз дўстим, – деди Максимилиан ва бошини кўтариб ғамгин илжайиб қўйди, – мен ўлим кетидан кувмайман.

– Демак, – деди Монте-Кристо, – тўппонча билан орани узасиз, шундайми? Ўз жонингизга қасд қилиш фикридан батамом воз кечасиз, шундайми?

– Йўқ, тўппонча ва ханжардан бўлак дардимга даво бўладиган ўткирроқ нарса бор-ку ахир менда!

– Э, бечора тентак!.. Хўш, нима экан у?

– Дарду алашим; шунинг ўзи мени адоёи тамом қилади.

– Дўстим, қулоқ солинг, – деди Монте-Кристо қайғули оҳангда, – бир гал мен ҳам сизга ўхшаб умидсизликка тушган пайтимда ўзимни ўзим ўлдирмоқчи бўлгандим; отангиз ҳам шундай қилмоқчи бўлганди. Борди-ю, чаккасига тўппончанинг оғзини тақаб турганда отангизга ёки турмада очликдан чала ўлик бўлиб ётганда менга кимдир: «Елкангизга бахт куши қўнадиган кун албатта келади! Келажагингиз порлоқ!» деса, биз бунга кинояли кулиб қўя қолган, асло ишонмаган бўлур эдик. Буни қарангки, отангиз сизни бағрига босиб, Худога шукрлар қилди, мен ҳам шундай қилдим!..

– Аммо сиз фақат озодликдан, отам эса фақат бойликдан маҳрум бўлганлар. Мен-чи? Мен Валентинадан жудо бўлдим!

– Менга қаранг, Максимилиан, – деди Монте-Кристо ўзини яна ҳам салобатлироқ кўрсатиб. – Кўзларимда ёшдан асар йўқ, асабим ҳали жойида, дилим мажруҳ ҳам эмас, бироқ сиз айрилиқ ўтида ёнаётганингизни кўриб турибман. Ахир, мана шунинг ўзи ҳам ҳаёт-ку! Ана шу дард-алам ҳам таги йўқ келажакка ишора-ку! Сиздан ҳам илтимос қиламан, ҳам буюраман: ўлманг, яшанг! Бахтиёр кунларга эришасиз, ўшанда ҳаётингизни сақлаб қолганлигим учун мендан миннатдор бўласиз.

– Ё, алҳазар! – деди ажабланиб йигит, – нега бундай дейсиз, граф? Нега? Уйлаб гапиринг! Эҳтимол, сиз ҳеч вақт ҳеч кимни севмагандирсиз?

– Гўдаксиз-да, гўдак! – деди граф.

– Чин дилдан севмагансиз, демоқчиман, – деди сўзини давом эттириб Моррель. – Биласизми, мен болалагимдан

буён солдатман: йигирма тўққиз ёшимгача севги нималигини билмадим, чунки илгариги туйғуларимни чин муҳаббат деб бўлмасди, йигирма тўққиз ёшимда Валентинани учратдим, унга ошиқу беқарор бўлдим. Икки йилдирки, Тангрим ўзи битган бу муҳаббат достонидан кўзимни ололмайман. Азизим граф, Валентина менинг бир умрлик бахтим эди. Буюк ва илоҳий бахтим эди. Мен учун жаҳондан ундан ҳам улуғ, ундан ҳам муқаррарроқ бахт йўқ эди. Тақдир менга уни раво кўрмаган экан, демак, бу жаҳонда менинг насибам нуқул дард-алам, ғам-ғусса бўлиб қолди.

– Мен сизга: умидингизни узманг дедим, – такрорлади граф.

– Ўйлаб гапиринг, граф, яна қайтариб айтаман, ўйлаб гапиринг! – деди Моррель, – сиз мени инонтиришга, умидвор қилишга уриняпсиз, хўп, мени ишонтирдингиз ҳам дейлик, у ҳолда яна Валентина билан дийдор кўришарканман, деб ақлдан озишим мумкин.

Граф жилмайиб кўйди.

– Дўстим, падари бузрукворим! – деди хитоб қилиб Моррель. – Учинчи бор айтаман: ўйлаб гапиринг, мени салобатингиз босмоқда, наҳотки, бу сўзларни ўйлаб гапирётган бўлсангиз? Сўзларингиз кўзимга нур, қалбимга сурур бахш этяпти. Мен ғайри табиий ҳол юз бериши мумкин, деб ишонишга ҳам тайёрман!

Мабодо Иaira қизи қабридан тош олиб кел десангиз, амрингизни бажо келтиришга тайёрман; биргина имоингиз билан, Аполстол каби тўлқинлар устида қадам ташлаб боришга тайёрман!

– Умидсизланманг, дўстим, – такрорлади граф.

– Йўқ, – деди Моррель яна руҳи тушиб, – сиз мени мазах қиляпсиз, худди ширин-ширин сўзлар билан бемор гўдагини юпатаётган меҳрибон, тўғрироғи, худбин онага ўхшайсиз; ахир дардман бола хархаша қилавергач, онанинг энсаси қотади-да! Сиз мендан хотиржам бўлинг, дарду аламимни юрагимда шу қадар маҳкам сир тутаманки, сизга ҳатто таъзия билдириш учун ҳеч қандай зарурат қолмайди. Алвидо, азиз дўстим, алвидо.

– Аксинча, Максимилиан, – деди граф, – бугундан бошлаб менинг ёнимда яшайсиз, биз энди бир-биримиздан

ажралмаймиз, бир ҳафтадан сўнг биз Франция билан видо-
лашамиз.

– Яна умидвор бўлгин демоқчимисиз?

– Ҳа, умидвор бўлинг, дейман, чунки мен сизнинг дар-
дингизга даво топиш йўлини биламан.

– Граф, сиз менинг ярамга туз сепяпсиз! Бошимга туш-
ган бу кулфатни арзимаган саёҳатда унутиб юборади, деб
уйлаяпсиз.

Моррель ижирғаниб ва гумонсираб бошини чайқаб
қўйди.

– Хўш, ундай бўлса, нима дей сизга? – деди Монте-Крис-
то. – Мен ўз ваъдамга ҳамиша содиқман, бир уриниб кўрай-
чи, ахир.

– Фақат менинг ажал соатимни бир оз узоққа чўзасиз-да.

– Бас қилинг, бунчалик иродасизлигингизни билмаган
эканман, – деди граф. – Ўз дўстингизга уриниб кўриши учун
бир неча кун муҳлат беришгаям қурбингиз етмай қопти-я!
Ахир граф Монте-Кристонинг нималарга қодир эканлиги-
ни билсангиз эди! Бу дунёдаги не-не куч-қудратларнинг тиз-
гини менинг қўлимда эканлигини билмайсизми? Имон – ҳар
нарсага қодир деганлар, мен Тангрига қаттиқ ишонаман!
Яқинда мўъжиза юз беради, кутинг, бунга менинг имоним
комил... Йўқса...

– Йўқса... – такрорлади Моррель.

– Йўқса... Эҳтиёт бўлинг, Моррель, мен сизни ношукр
банда деб аташим мумкии.

– Шафқат қилинг менга!

– Менга қаранг, Максимилиан: мен сизга жуда ачинаман;
шунинг учун дардингизга даво топаман деяпман; мабодо
бир ойдан кейин (вақт-соатини ҳам эсингизда тутинг) даво
тополмасам, ўзим сизни мана шу ўқлоғлиқ тўппонча ёки
Италиянинг энг кучли заҳари, Валентинани ўлдиргандан ҳам
кучлироқ заҳар билан ўлдираман.

– Ваъдангиз қатъийми?

– Ҳа, қатъий, чунки мен одамман, мен дунёдан кўз ю-
моқчи эдим, ҳатто кулфат мендан йироқлашганда ҳам
кўпинча Тангридан мангулик ором тилардим.

– Демак, ваъдангиз қатъий, шундайми, граф? – деди
хитоб қилиб Максимилиан.

– Ваъдагина эмас, онт ҳам ичиб айтаман, – деди Монте-Кристо қўлини осмонга кўтариб.

– Бир ойдан сўнг мен оромимни топмасам, ихтиёрим ўзимда бўлади, нимани истасам шуни қиламан, шундайми? Ушанда мени ношукр банда деб атамайсиз, тўғрими?

– Роппа-роса бир ойдан сўнг, худди мана шу куннинг, мана шу соатнинг ўзида; бу кун муқаддас кун ахир, бу сизнинг хаёлингизга ҳам келмаган бўлса керак, Моррель! Бугун бешинчи сентябрь! Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам худди мана шу куни отангиз ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлганда, мен уни қутқариб қолган эдим.

Моррель графнинг қўлидан маҳкам тутди-да, қаттиқ-қаттиқ ўпди; граф, шундай сажда қилишларига муносиб одамман, дегандек, монелик қилмай гердайиб тураверди.

– Бир ойдан сўнг, – давом эттирди сўзини Монте-Кристо, – иккимиз ўтирган столда бинойидек қурол ва ажалга эга бўласиз, лекин ўша кунгача яшайман деб ваъда беринг?

– Мен ҳам ваъда эмас, қасамёд қиламан! – деди хитоб-ла Моррель.

Монте-Кристо йигитни ўзига тортди-да, маҳкам қучоқлади.

– Бугундан бошлаб сиз меникида турасиз, – деди у, – Гайденинг хонасида тураверасиз, қизим ўрнига ёнимда ўғлим бўлади.

– Гайде қаёқда? – сўради Моррель.

– Шу кеча жўнаб кетди.

– Сизни ташлаб кетдимми?

– Йўқ, у мени кутяпти... Елисей Майдонидаги уйимга кўчишга ҳозирлигингизни кўраверинг; ҳозир эса мени у ердан ҳеч кимга кўрсатмай чиқариб юборинг.

Максимилиан итоаткорона бош эгиб, таъзим қилди.

IX. ТАҚСИМОТ

Альбер де Морсер онаси ва ўзи учун Сен-Жермен-де-Пре кўчасидан уй топди. Бу болохонадор уйнинг бутун иккинчи қавати қандайдир бир сирли шахсга ижарага қўйилган эди.

Бу одам кириб-чиқиб юрганида, ҳатто эшик олдидаги қоровул ҳам бирор марта унинг юзини кўролмагани; қишда у юзини хўжайинини театр эшиги олдида кутиб ўтирувчи извошчилар бурканиб юрадиган қизил рўмол билан ўраб оларди, ёзда эса қоровул ёнига келиши билан юзига рўмолча тутиб, бурнини қоқиб ўтиб кетарди. Қизиғи шундаки, маҳаллада бир-бирини тинмай таъқиб қиладиган кишилар, бу одамга кўз қирини ҳам ташламас эдилар: бу сирли кимса катта мансабдорлардан, деган миш-миш гаплардан қўрқиб шундай қилишарди.

Уйига у ҳамиша бир вақтда, баъзан сал эрта, ёки сал кечикиб келарди; аммо қишда ҳам ёзда ҳам уйига соат тўртга яқин келар, бошқа жойда ҳеч ётиб қолмасди.

Қишда камсухан хизматчи аёл соат учдан ўттиз дақиқа ўтганда печга ўт ёқарди; ёзда эса ана шу аёл яна худди соат уч ярим деганда музқаймоқ келтириб қўярди.

Юқорида айтганимиздек, соат роппа-роса тўртда номаълум зот пайдо бўларди.

Орадан йигирма дақиқа ўтгач, эшик олдида бир извош келиб тўхтаб, извошдан қора ёки тўқ ҳаво ранг кийимда, юзига чодир тортган аёл тушар ва қоровул олдидан кўланка сингари лип этиб ўтиб, зинадан оҳиста қадам босиб юқори кўтариларди.

Ҳеч ким бирор марта бу аёлдан, кимсиз, деб сўраган эмасди.

Шундай қилиб, бу аёлнинг юзини ҳам худди ҳалиги сирли эркакники каби иккала қоровулдан биттаси ҳам кўрмаган эди. (Бунақа одамшаванда, камтарин қоровуллар шаҳарда жуда камдан-кам топилади.)

Аёл иккинчи қаватга кўтарилиб, шартли равишда эшикни аста қоқар, сўнг эшик очилиб, аёл кириб кетгач, эшик яна маҳкам бекиларди.

Уйдан чиққанида ҳам аҳвол шу. Нотаниш аёл олдин чиқиб, ўша чодирга ўралган ҳолда извошга ўтирарди; извош баъзан у томонга, баъзан эса бу томонга жўнаб, кўздан ғойиб бўларди; йигирма дақиқадан сўнг юзини шарф билан ўраб ёки рўмолча билан бекитиб нотаниш киши чиқарди-да, у ҳам аллақаяёққа ғойиб бўларди.

Монте-Кристо Дангларникига ташриф буюрган ва Валентина дафн этилган кунни бу сирли зот одатдагича соат тўртда эмас, эрталаб соат ўнга яқин келди.

Ҳар галгидек унинг кетидан дарҳол бояги извош келди ва чодирга ўралган аёл чопқиллаб иккинчи қаватга чиқиб кетди.

Бизга маълум эшик очилиб, ёпилди. Бироқ эшик ёпилмай туриб аёл овози эшитилди:

– Люсьен, азизим!

Мана энди қоровул бу овозни эшитиб, уйда истиқомат қилувчининг номи Люсьен эканлигини билди, лекин у одобли қоровул бўлганлиги учун ҳатто хотинига ҳам бу ҳақда оғиз очмасликка аҳд қилди.

– Нима бўлди, жоним? – сўради сирли зот, – гапиринг тезроқ.

– Сизга ишонсам бўладими?

– Албатта, мени биласиз-ку. Хўш, нима бўлди? Хатингизни олиб лол бўлиб қолдим; хат деганни шунақаям шош-машошарлик билан ёзадими, ҳеч ўқиб бўлмайди-я... Гапиринг тезроқ, кўнглим тинчисин: юрагим ёрилай деяпти-ку!

– Кутилмаган воқеа юз берди! – деди аёл Люсьенга синовчан тикилиб. – Бугун кечаси Данглар жуфтакни ростлабди.

– Кетибди? Данглар кетибди? Қаёққа?

– Билмадим.

– Ия! Нега билмайсиз энди? Бундан чиқди, у бутунлай кетибди-да?

– Шундай бўлса керак. У ўз извошида кечқурун соат ўнда Шарантон заставасига жўнабди; уни у ерда почта извоши кутиб турган экан; қароли билан ўша извошга тушиб, бизнинг извошимизга, «мен Фонтенеблогга кетдим», деб йўлга чиқибди.

– Хўш, Фонтенеблогга кетган бўлса нима бўпти? Сиз тагин...

– Шошманг, азизим, аввал бу ёғини эшитинг. У менга хат ташлаб кетибди.

– Хат?

– Ҳа, хат. Мана, ўқинг.

Баронесса хатни Дебрэга узатди. Дебрэ ўқишдан олдин гўё хатнинг мазмунини билишга ёки унда нима ёзилган бўлмасин, олдиндан бир фикрга келиб олишга уринаётганга ўхшаб бир оз ўйланиб қолди. Кейин бир фикрга келди, шекилли, хатни ўқий бошлади.

Данглар хонимни гангитиб қўйган бу хатда қуйидагилар ёзилган эди:

«Бекам ва бизнинг вафодор рафиқамиз».

Дебрэ беихтиёр тўхтади ва қизариб-бўзариб кетган баронессага қаради.

– Ўқинг! – деди Данглар хоним.

Дебрэ ўқишни давом эттирди:

«Мазкур хат қўлингизга текканда эрингиздан ажралган бўласиз! Ортиқча қайғурмай қўя қолинг, қизидан жудо бўлган аёлга эридан ажралиш ҳеч гап эмас, бошқача қилиб айтганда, мен Франция билан видолашганлар жўнайдиган ўттиз ёки қирқ йўлдан бирида бўламан.

Сиз мендан бунинг сабабини айтишни қутяпсиз, албатта, зотан сиз тушунадиган аёллардан бўлганингиз учун сабабини ҳам айтиб бераман.

Қулоқ беринг.

Бугун мендан беш миллион тўлаб қўйишни талаб қилдилар, мен бу талабни бажо келтирдим; унинг кетидан кўп ўтмай яна шунча тўлов талаб этишди; мен буни эртага қолдирдим; бугун эса ўзим учун ғоят кўнгилисиз ана шу эртанги кундан қочиб кетяпман.

Сиз гап нимадалигини тушунаётгандирсиз, бекам ва бебаҳо рафиқам?

«Тушунаётгандирсиз» дейишимнинг боиси шуки, менинг ишларимни сиз мендан ҳам кам билмайсиз, ҳатто мендан ҳам яхшироқ биласиз, чунки яқиндагина анча салмоқли бўлган бойлигимнинг ярми қаёққа кетди, деб савол берганларида, мен жавоб беролмасдим, сиз эса бу вазифани жуда қойилмақом қилиб бажарган бўлур эдингиз.

Аёлларнинг зеҳни ўткир бўлади, уларнинг ўзлари кашф этган шахсий алжабри борки, ана шу алжабрга суяниб сизга ҳар қандай мўъжизанинг сирини очиб беришади. Мен

калтафаҳм фақат ўз рақамларимга маҳлиё бўлиб, улар мени чалғитиб қўйганини билмай қолибман.

Менинг яшин тезлигида таназзулга юз тутганимни кўриб завқлангандирсиз, бекам?

Ёмбиларим эриб кетаётганини кўриб, ҳайратда қолгандирсиз?

Иқрор бўлишим керакки, чақмоқлар зарбасида кўзларим қамашиб, шапкўр бўлиб қолдим, лекин сизга кул тагидан бир оз олтин топгандирсиз деган умиддаман. Мана шу ширин умид билан жўнаяпман, бекам ва оқила рафиқам, шуни деб сизни ташлаб кетганим учун виждон азобига тушаётганим ҳам йўқ; дўст-ёронларингиз ҳамон ҳузурингизда ҳозир, ҳали айтган кул ва эркинлик ёр бўлсин сизга, бекам.

Бироқ бу ерда баъзи гапларни очиқ айтишим керак.

Мен дастлаб хонадонимиз манфаати учун қизалоғимиз учун жон куйдирыпти, интиляпти, деб ишониб, хатти-ҳаракатларингиздан файласуфларча кўз юмиб келгандим; лекин хонадонни вайронага айлантиришга ҳаракат этаётганингизни кўриб, бегонанинг ҳузур-ҳаловати учун пойдевор бўлишни истамайман, деб аҳд қилдим.

Уйланганимда бадавлат эдингиз, аммо ҳурматга унчалик сазовор эмасдингиз.

Очиғини айтганим учун узр, мен ёлғон-яшиқни қўшиб гапираётганим йўқ, фақат иккимизга тааллуқли бўлган гапларни айтяпман.

Мен ўн беш йил мобайнида бойлигимизга бойлик қўшиб келдим; бу бойлик ошиб-тошиб кетаётган эди, бирдан ўзимга ҳам номаълум сирли бир офат гирибонимдан маҳкам тутди-да, ҳамма бойликларимни бирваракай совурди-қўйди. Дадил айта оламанки, бунда мутлақо айбим йўқ.

Сиз, бекам, фақат шахсий бойлигингизни кўпайтиришга уриндингиз ва аминманки, бу борада керагидан ортиқ муваффақият қозондингиз.

Хуллас, мен сизни қандай олган бўлсам, шундай ҳолда, яъни бойликка кўмиб, бироқ унча ҳурматга сазовор бўлмаган ҳолда ташлаб кетяпман.

Алвидо.

Мен ҳам энди бугундан бошлаб фақат «ўзинг учун ул етим» қабилда ҳаёт кечирмоқчиман.

Амин бўлинг: бу борада ибрат кўрсатганингиз учун миннатдорман ва буни ўз ҳаётимда албатта бажо келтираман.

Содиқ эрингиз барон Данглар».

Хат ўқилиб бўлгунча баронесса Дебрэдан кўзини бир зум узмади, Дебрэ, ўзини тута биладиган саботли йигитлардан бўлишига қарамай, икки марта ранги ўзгарди.

У хатни ўқиб бўлиб, шошилмай буклади-да, яна хаёлга толди.

– Хўш, нима дейсиз энди? – сўради Данглар хоним.

– Нима дедингиз, бекам? – деди Дебрэ.

– Бу ҳақда нима дейсиз деяпман.

– Менимча, Данглар шубҳаланиб юрган бўлса керак, бекам.

– Шундай, албатта. Лекин, наҳотки, менга бундан бошқа айтадиган гапингиз бўлмаса?

– Гапингизга тушунмаяпман, – деди Дебрэ совуқ оҳангда.

– У кетди! Бутунлай кетди! Ҳеч қайтиб келмайдиган бўлиб кетди.

– Сиз бунга ишонманг, баронесса, – деди Дебрэ.

– Йўқ, йўқ, энди у қайтиб келмайди, мен унинг феълени биламан; ўз манфаати учун жонини ҳам аямайди. Мабодо у мени ўзига наф келтирадиган хотин деб ҳисоблаганда, албатта, бирга олиб кетарди; аксинча, мени Парижда қолдириб кетяпти, демак, ажралиш унинг кўнглида азалдан бор экан, хуллас, мен озод қушман, – деди қўшимча қилиб Данглар хоним қайғули оҳангда.

Дебрэ индамади ва хонимга тасалли берадиган бирор сўз ҳам айтмади, орага жимлик чўкди. Сўнг хоним:

– Ия, нега жим бўлиб қолдингиз? – деди.

– Мен сизга фақат битта савол беришим мумкин: энди нима қилмоқчисиз?

– Мен сизга шундай савол бермоқчи бўлиб тургандим, – деди юраги дук-дук уриб Данглар хоним.

– Мендан маслаҳат сўрамоқчимидингиз?

– Ҳа, маслаҳат сўрай деб тургандим, – деди мунгли оҳангда.

– Ундай бўлса, – деди совуқ оҳангда Дебрэ, – мен саёҳатга чиқишни маслаҳат бераман.

– Саёҳатга! – деди зўрға овоз чиқариб Данглар хоним.

– Ҳа, саёҳатга. Данглар айтгандек, бойвуччасиз ва ўз эркингиз ўзингизда. Иккала можародан сўнг (Эженининг тўйи бузилгани ва Дангларнинг ғойиб бўлгани), менимча, Париждан чиқиб кетганингиз маъқул. Аммо эрингиз ташлаб кетганини ҳамма билмоғи лозим: шунингдек, ҳамма сизни камбағал деб билсин; хонавайрон бўлган кишининг хотини бой бўлиб чиқса ва ортиқ даражада айш-ишратда яшаса жамоатнинг нафратига дучор бўласиз; биринчи мақсадга эришмоқ учун Парижда яна икки ҳафта қолиб, кўринган кимсага Данглар мени ташлаб кетди деб айтишингиз ва яқин дугоналарингизга бу ҳол қандай юз берганини ҳикоя қилишингиз шарт; улар бу гапни дарҳол ҳамма ёққа тарқатиб юборишади.

Сўнгра уйингиздаги бриллиантларингизни қолдириб, мол-мулкдан тегадиган улушингиздан воз кечиб жўнайсиз; ана шунда ҳамма сизни: бечора беғараз аёл экан, деб кўкларга кўтариб мақтайди; эрингиз ташлаб кетганини ҳамма билади ва шўрлик бир чақасиз якка ўзи қолибди, деб ўйлайди, молиявий аҳволингиз эса фақат менга аён, шерик сифатида ҳисоб-китобни тахт қилиб беришим мумкин.

Баронесса бу сўзларни ранг-қути ўчиб, ваҳм ва изтироб ичида тингларди, Дебрэ эса мутлақо осойишта ва бепарво эди.

– Ташландиқ! Эри ташлаб кетган хотин! – такрорлади Данглар хоним. – Ҳақ гапни айтдингиз, эрим ташлаб кетди! Энди менинг бевалимга ҳеч ким шубҳа қилмайди, ҳеч ким!

Ўзига ниҳоятда бино қўйган ва ишқий ҳирси баланд маъшуқа аёл шу топда Дебрэнинг юқоридаги сўзларига жавобан фақат ана шу сўзларни айта олди, холос.

– Бироқ, шундай бўлса-да, сиз бойвуччасиз, чексиз давлатга эгасиз, – деди Дебрэ сўзини давом эттириб; сўнг папкасидан қандайдир қоғозларни олиб стол устига ёйиб ташлади.

Данглар хоним юрагини босишга уриниб, миқ этмай тураверди. Охири ғурур устунлик қилиб, ўзини маҳкам тутди, бир томчи ҳам ёш тўкмади.

– Бекам, – деди Дебрэ, – биз сиз билан бундан тахминан ярим йил муқаддам шериклик қила бошлаган эдик. Сиз юз минг франк қўшдингиз. Бу шу йил апрель ойида бўлган эди.

Операциямиз май ойида бошланди. Ана шу май ойидаёқ тўрт юз эллик минг франкни ишга солдик. Июнда фойдамиз тўққиз юз мингга чиқди. Июлда бунга яна бир миллион етти юз минг франк қўшдик; ёдингизда бўлса керак, бу испан пуллари ойлиги эди.

Август ойининг бошларида биз уч юз минг франк зарар кўрдик; бироқ ўн бешинчи августда ютиб чиқдик, ойнинг охирига бориб, ишимиз ўнгидан келди; май ойидан кечаги кунгача бўлган операцияларимизга якун ясадим. Биз икки миллион тўрт юз минг франк бойликка эгамиз. Бу ҳар биримизга бир миллион икки юздан тегади.

– Сўнгра, – давом этди Дебрэ бамисоли биржа қиморбози сингари ён дафтарини бир-бир варақлаб, – қўлимдаги бу суммага саксон минг франк мураккаб фоизимиз бор.

– Бу фоизлар қаёқдан келиб қолди? – деди хоним Дебрэнинг сўзини бўлиб. – Ахир сиз бу пулларни ҳеч муомалага қўймаган эдингиз-ку.

– Кечирасиз, хоним, – деди совуқ оҳангда Дебрэ, буларни муомалага қўйиш ҳақида сиздан ваколат олгач, дарҳол ишга солгандим.

Хуллас, сизга бу фоизда қирқ минг франк тегади, бунинг устига дастлаб қўшган юз минг франкни қўшамиз, ҳаммасини жамлаганда ҳақингиз бир миллион уч юз қирқ минг франк бўлади. Ҳаммасига қўшимча ўлароқ бундан уч кун бурун сизга тегишли бу бойликни пулга айлантириб қўйгандим. Мана, қаранг, худди тўсатдан сизга ҳисоб беришимни илгаридан ҳис этган эканман, десам хато қилмайман.

Пулларингиз мана шу ерда: ярми кредит билетлари, ярми чеклар билан. Яна қайтараман: пулларингиз шу ерда: уйимга қўйишга кўнглим чопмади; нотариуслар оғзи бўш бўлади, кўчмас мулк ёт кўзларга яна ҳам яққолроқ ташланиб туради; бунинг устига сиз эрингиз билан иккингизга тегишли мулкдан бошқа ҳеч нарсага ҳақингиз йўқ; шу вайдан

мен эндиликда сизнинг бирдан-бир бойлигингиз бўлган бу суммани мана шу жавондаги яширин тортмада сақладим, ишончли бўлсин деб бунини ўз қўлим билан ишлаганман.

– Хоним, шундай қилиб, – деди Дебрэ аввал жавонни, сўнгра яширин тортмани очиб, – мана, саккиз юз минг франклик билет, кўрдингизми, улар қалин альбомга ўхшаб муқовалаб қўйилган; бунга йигирма беш минг франк рента купони қўшаман; яна бир юз ўн минг франк қолади – мана менинг банкиримга чек; менинг банкирим Данглар эмас, хотиржам бўлинг, чекни олиб бориб тутқазингиз билан дарҳол нақд тўлаб қўйишади.

Данглар хоним беҳуш ҳолда чекни, рента купонини ва бир тутам кредит билетларини олди.

Стол устига териб қўйилган бу катта бойлик бир уюм бекорчи қоғозга ўхшарди. Хоним ўзини қўлга олди-да, альбомни кичкина сумкасига, рента купонни ва чекни ҳам ёнига солди, ун чиқаришга ҳам ҳоли йўқ хоним шу қадар бойвуччалигини мақтайдиган бир оғиз ширин сўзга интизор бўлиб турарди.

Бироқ бу интизорлик беҳуда кетди.

– Хоним, – деди Дебрэ, – мана энди керагидан ортиқча бойликка эгасиз, йиллик даромадингиз қарийб олти миш минг ливрга боради; бу яна камида бир йил очик яшаши мумкин бўлмаган аёл учун жуда катта пул.

Сиз истаган нарсани қилишингиз мумкин; яъни, ўзингизга теккан улушнинг ҳажми маҳрум бўлган бойликка қараганда камдек кўринса, менга теккан улушдан қарз бериб туришим мумкин, ҳамма улушимни, яъни бир миллион олти юз минг франкнинг барини қарз бериб туришим мумкин.

– Ҳимматингиз учун раҳмат, жаноб, – деди баронесса, – ўзингизга маълумки, узоқ вақт жамоатчилик назаридан йироқда юришга мажбур бахти қаро аёл учун тақсимотдан теккан бу пул керагидан ҳам ортиқдир.

Дебрэ ҳанг-манг бўлиб қолди, лекин зўр бериб ўзини босди-да, «ихтиёр ўзларида» дегандек елкасини қисиб қўя қолди.

Ҳамон бирор нарсадан умидвор бўлиб турган Данглар хоним йигитнинг бепарволик билан ўзини олиб қочаётганини ва сўнгра миқ этмай букилиб таъзим этишини кўриб,

бошини мағрур кўтарди. Шартта эшикни очиб, ўзини йўқотиш у ёқда турсин, орқасига бир қиё боқмай, югуриб зинадан тушиб кетаверди.

– Бўлмағур гап! – деди Дебрэ хоним у ердан чиқиб кетгач. – Буларнинг ҳаммаси беҳуда гап; хоним ўз уйида қолади, романлар ўқиб, ландскнехт ўйнаб яшайверади биржа ўйинида қатнаша олмагач, иложи қанча.

Дебрэ ён дафтари яна олди-да, тўлаган сумманинг рақамларини яхшилаб ўчириб ташлади.

– Ўзимга бир миллион олтмиш минг франк қолади, – деди у.

– Аттанг, мадемуазель де Вильфор ўлиб кетди-я! Бу ҳар томонлама менбоп хотин эди.

Сўнг Дебрэ, одатдагича, Данглар хоним кетганидан кейин йигирма дақиқа пинагини бузмай ўтирди; шу муддат ўтгач, ўзи ҳам чиқиб кетиши зарур эди. Ана шу йигирма дақиқа мобайнида Дебрэ соатни рўпарасига қўйиб олиб, ҳисоб-китоб қилди.

Агар Лесаж ўзи яратган дурдонаси – ичкарига кўз ташлаш учун уйларнинг томини кўтаришда ном чиқарган Ас-модей худди Дебрэ ҳисоб-китоб қилиб турган пайтда Сен-Жермен-де-Пре кўчасида оддийгина уйнинг томини кўтариб, ичкарига назар ташлаганда, жозибадор манзарани кўрган бўлур эди.

Дебрэ билан Данглар хоним икки ярим миллионни тақсим қилаётган хонанинг устида яна бир хона бўлиб, унда истиқомат қилувчилар ҳам биз учун таниш ва эътиборга сазовор кишилар эди.

Бу хонада Мерседес билан Альбер яшарди.

Мерседес кейинги кунларда жуда ўзгариб кетганди; бу илгари дабдабали ҳаёт кечириб, зеб-зийнатга ўралгану, эндиликда оддий бир қиёфага кириб олганидан ёки жуда камбағаллашиб, қашшоқча кийиниб олишга мажбур бўлганидан эмас; йўқ, асло ундай эмас. Мерседеснинг бу каби ўзгариб кетиши кўзларидаги аланганинг ҳарорати пасайиб кетгани ва лаблари табассумга ярамай қолганидандир; ғамгин ўй-хаёллар унинг бир вақтлар тўлқинланиб турадиган эс-ҳушини бутунлай қамраб олиб, сўзларидаги ёқимли оҳангдан маҳрум этганидандир.

Мерседеснинг ақлини ўтмаслаштириб қўйган нарса камбағаллик эмас ёки шу йўқчиликдан кўнгли яримта бўлиб қолганидан эмас. Мерседес ўрганиб қолган даврани ташлаб чиқди-да, ёт муҳитга шўнғиб кетди; бу муҳитга у, худди чароғон залдан чиқиб қўққисдан зимистонга кириб қолган киши сингари, ўзи танлаб кирди. У дабдабали саройдан ночор бир кулбага кўчиб ўтган ва илгариги башанг либослар ўрнидаги оддий кийимларига қараб ўзини таниёлмай қолган қироличага ўхшарди.

Позанин каталанка ёки мурувватли графиня бурунги кибр-ҳаволи қарашлари ва жозибали табассумларидан эндиликда маҳрум бўлган эди; энди у атрофида нохуш нарсаларни кўрарди, холос: кул ранг қоғоз (эхтиёткор кишилар бу рангни кирчил деб танлашарди) ёпиштирилган деворлар, яп-ялангоч ғиштин пол, қўпол безакли мебель-жиҳозлар... хуллас, бу уйдаги ҳамма буюмлар гўзалликка ўрганиб қолган кишини гўё масхара қилаётгандай туюларди.

Де Морсер хоним уйини ташлаб чиқиб кетган кундан буён мана шу жойда истиқомат қилади. Бу ердаги сокинлик-сукунатдан хонимнинг, худди ваҳимали жар ёқасида тақа-тақ тўхтаб қолган йўловчидек, боши айланиб, гангиб қолганди; Альбер эса онасининг фикр-хаёлларини билиб олиш учун уни зимдан кузатиб юрарди; буни сезган Мерседес мийиғида жилмайиб қўйишни одат қилиб олди. Аммо бу сохта табассумда илиқлик, юрак ҳарорати йўқ эди.

Альбер ҳам кўнгли яримта, хомуш бўлиб қолган эди; илгариги ҳашам, савлат белгилари энди уни хийла ташвишга соларди, у эндиликда кўчага қўлқопсиз чиқишни истарди, аммо қўллари ҳаддан ташқари оппоқ; у яёв юришни орзу қиларди, бироқ кавуши жуда ялтироқ эди.

Шунга қарамай, она билан фарзанднинг меҳр-муҳаббат ришталари билан абадий чамбарчас боғланган бу икки олижаноб ва оқил зот бир-бирини сўзсиз тушунар, ҳаётимизнинг моддий негизи ҳақида гап кетганда, ҳатто жуда иноқ дўстлар орасида ҳам бўладиган шама, қочириқларга асло муҳтож эмасдилар.

Хуллас, Альбер онасига дангал: «Ойижон, пулимиз тамом бўлди», дей олар, Мерседес эса бундан заррача ранжимасди.

Мерседес ҳақиқий қашшоқликни бошидан кечирмаганди, ёшлигида ўзини кўпинча камбағал деб атаган эди, аммо камбағаллик билан қашшоқлик ўртасида осмон билан ерча фарқ бор.

Каталанида Мерседес жуда кўп нарсага муҳтож эди, аммо шу билан бирга у кўп нарсага эга ҳам эди. Тўрлар бутунлигида балиқ овланарди, балиқ тутилгач, ямаш учун каноп ип тайёр эди.

Яқинларинг қошингда бўлмай, турмуш икир-чикирларига дахлсиз муҳаббатинг сенга ҳамроҳ бўлган чоғларда фақат ўзингни ўйлайсан, ўз қилмишларингга ўзинг жавоб берасан киши.

У вақтда бағри кенг Мерседес бор нарсаларини кўпчилик билан бирга баҳам кўрарди, мана энди шўрлик бор будшудидан маҳрум бўлиб ўтирибди; энди фақат икки киши ҳақида ўйлашга тўғри келади.

Қиш яқинлашяпти; графиня де Морсернинг даҳлиздан тортиб ётоқхонасигача – ҳаммасини юзлаб трубалар иситиб турарди; энди ноқулай ва совуқ хонанинг печини ёқиш учун бир дона тараша ҳам йўқ; у ёқда графинянинг уйи ноёб гулларга кўмиб ташланарди; энди эса оддий печакгул ҳам анқога шафе.

Бироқ қошида севимли фарзанди – ўғли бор.

Ортиқ даражадаги зоҳидона тафаккур уларнинг ҳар иккаласини турмуш икир-чикирларидан ҳамон баландроқ кўтариб турарди.

Рухий завқ деярли кучли ҳаяжоннинг ўзи; кучли ҳаяжон эса кишини ҳаёт сўқмоқларидан баландроқ поғонага кўтариб кўяди.

Аммо, дастлабки ҳаяжон алангаси сўнганди. Энди, ширин хаёллар дунёсидан аста-секин ҳақиқий ҳаёт дунёсига тушишга мажбур бўлишди, энди ўтган антиқа турмушлари ҳақидаги суҳбатлардан сўнг кундалик турмуш икир-чикирлари ҳақида гап юрита бошладилар.

– Ойижон, – деди Альбер Данглар хоним зинадан тушиб кетаётганда, – сармоямизни ҳисоблаб чиқайлик, шунга қараб мен қиладиган ишларимизнинг режасини тузиб чиқаман.

– Яқунми? Яқун: нуль, – деди Мерседес ғамгин илжайиб.

– Кўйинг-э, ойижон, – деди Альбер, – мен пулингизнинг анчасини сарфлаб кўйиб, афсусланяпман. Аммо эндиликда бу уч минг франк жуда катта пул, бу ақча билан фароғатда яшаш режасини тузиб кўйдим.

– Ҳазилингни кўй, болам, ахир биз уч минг франк олишга рози бўлиб кўя қоламизми? – деди қизариб Мерседес.

– Менимча, бу масала аллақачон ҳал бўлган; биз у пулни олишга қарор қилганмиз; пулимиз бўлмагач, иложимиз қанча? Ахир бу уч минг франк Марселдаги Мельян хиёбонидаги кичкина ҳовлининг боғига кўмиб кўйилган; бундан ўзингиз ҳам хабардорсиз. Икки юз франк билан Марселга етиб оламиз.

– Икки юз франк билан! – деди Мерседес. – Нима деяпсан ўзинг, Альбер!

– Бу бор гап, ойижон; почта станциясида ва кемалар бошқармасидан сўраб, ҳисоблаб чиқдим. Сиз ўзингизга Шалонагача почта извоши буюрасиз: яъни, қироличалардек саёҳатга чиқасиз.

Альбер қалам олиб ёзди:

Извошга – 35 фр.

Шалонадан Лионгача пароходга – 6 фр.

Лиондан Авиньонгача пароходга – 16 фр.

Авиньондан Марселгача пароходга – 7 фр.

Йўл харажатларига – 50 фр.

Жами – 114 фр.

Келинг, бир юз йигирма франк ажратайлик, – деди Альбер жилмайиб. – Жуда сахийман-да, тўғрими, ойи?

– Ўзинг нима қиласан, болам?

– Менми? Ўзимга саксон франк олиб қоламан: ёш йигитга ортиқча дабдабанинг кераги йўқ; ахир мен саёҳат борасида пихини ёрганларданман-ку!

– Ўз извошингда қарол билан-да.

– Кўлимдан келган барча йўл-йўсинларни ишга соламан, ойижон.

– Майли, – деди Мерседес, – бироқ икки юз франкни қаёқдан оламиз?

– Мана, икки юз франк, мана, яна икки юз. Мен соатим-ни юз франкка, соат занжирини уч юз франкка сотдим. Буни қаранг-а, занжир соатдан уч барабар қимматга кетди. Ортиқча безаклар ҳамиша қиммат туради! Бу эскидан қолган одат. Мана, кўрдингизми, энди биз боймиз: йўлга кетадиган бир юз йигирма франк ўрнига икки юз эллик франк бўлади сизда.

– Ахир бу уйга ҳам ҳақ тўлаш керак-ку?

– Ижара ҳақиға ўттиз франк тўлашимиз керак; буни ўзим-га тегишли юз йигирма ҳисобидан тўлайман. Қароримиз шу. Менинг йўл харажатимга саксон франк етади, қолгани ортиқча. Хўш, ойижон, бунга сиз нима дейсиз? Энди бу ёғини эшитсак.

Альбер олтин тугмали ён дафтаридан (бу дафтар бир замонларда кичик эшик олдида учрашган нотаниш чодра-ли аёлдан қолган ноёб ёдгорлик бўлса керак) минг франк-ли бир ғазна билетини олди.

– У нима? – сўради Мерседес.

– Бир минг франк, ойижон, ҳақиқий франк.

– Қаёқдан олдинг сен буни?!

– Қулоқ солинг, ҳозир айтиб бераман, фақат жим қулоқ солинг.

Альбер онаси ёнига келди-да, иккала юзидан ўпди; сўнг ўзини орқага олиб, онасига тикилиб қаради.

– Нақадар гўзаллигингизни ўзингиз билмайсиз-да, ойи-жон, билмайсиз! – деди у қалбида онасига нисбатан чуқур фарзандлик меҳри товланиб. – Сиз дунёда энг гўзал, энг олижаноб зотсиз! Ҳа, энг олижаноб зот!

– Жон болам! – деди Мерседес киприкларидан шода-шода бўлиб юмалаётган ёшларини тўхтата олмай.

– Ҳайронман: бахтсизликка учрашингиз ҳамоно сизга бўлган меҳрим яна минг карра ошиб кетди-я!

– Сендек ўғлим бўла туриб, нега мен бахтсиз бўларкан-ман! – деди Мерседес. – Ўғлим ёнимда экан, бахтлиман! Ҳа, бахтиёрман, болам!

– Бу гапингиз тўғри, – деди Альбер. – Бироқ аҳдимиз ёдингиздами?

– Қанақа аҳдни гапиряпсан? – сўради Мерседес.

– Сиз Марселда яшайсиз, мен эса Африкага кетаман; у ерда воз кечганим мол-мулк ўрнига ном чиқариб доврүф таратаман.

Мерседес хўрсиниб кўйди.

– Кечадан бошлаб сипоҳийликка ёзилдим, – деди Альбер ва хижолат тортиб бошини куйи солди, чунки бу хўрланиш унга шуҳрат бағишлаётганини ўзи ҳам сезмасди, – мен ўз танимга ўзим хўжайинман, уни сотишга ҳаққим бор, деган қарорга келдим; кечаги кундан эътиборан бошқа бир кишининг ўрнига ёзилдим; яъни, сотилдим, сотилган-да ҳам жуда қимматга – икки минг франкка сотилдим.

– Демак, мана бу бир минг?.. – деди сесканиб Мерседес.

– Уша пулнинг ярми; қолганини бир йилдан кейин оламан.

Мерседес осмонга тикилди, унинг кўзларидаги маънони ҳеч қандай сўз билан ифода этиб бўлмасди, ёноғидан икки дона марварид думалаб тушди.

– Жонининг баҳоси! – деди пичирлаб она.

– Тўғри, мабодо мени ўлдирсалар шундай бўлиб чиқади, – деди Альбер кулиб. – Аммо, ойижон, амин бўлинг-ки, мен бор кучим билан ўзимни муҳофаза қиламан; яшаш истаги ҳар вақтдагидан ҳам ҳозир кучли менда.

– Э, Тангрим! – деди хўрсиниб Мерседес.

– Айтганча, сиз нега энди сени ўлдирадилар, деяпсиз? Ахир жанублик Неки Поморсьерни ўлдирганлари йўқ-ку? Шангарнье ўлдирилгани йўқ-ку? Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ойижон: гулдор ҳарбий кийимда қаршингизда пайдо бўлганимда бошингиз осмонга етмайдими, ахир! Билиб кўйинг-ки, бу кийимда мени ҳеч ким, ҳеч нарса мағлуб этолмас деган умид билан сипоҳийлар полкини танлаб ёзилдим.

Мерседес ўзини босиб, илжаймоқчи бўлди, аммо яна кўксидан фиғон кўтарилиб, уҳ тортди; бу париваш аёл ўғли мусибатнинг ҳамма оғирлигини ўз гарданига олаётганидан ўртанарди.

– Мана, ойижон, кўрдингизми, – деди Альбер, – нақд тўрт минг франк билан роса икки йил муҳтожликни сезмай умр кечирамиз.

– Ростданми? – деди Мерседес. Бу сўзни шўрлик она шундай мунгли оҳангда айтдики, унинг асл маъносини Аль-

бер дарҳол англаб юраги эзилди; у аста онасининг қўлидан ушлаб:

– Ҳа, албатта яшайсиз! – деди.

– Мен яшайман, – деди хитоб қилиб Мерседес, – бироқ сен кетмайсан, шундайми, Альбер?

– Йўқ, ундай эмас, ойижон, мен кетаман, – деди вазмин ва қатъий оҳангда. – Сиз менга шу қадар меҳрибонсизки, қошингизда бўлсам вақтим ўйин-кулги билан беҳуда ўтиб кетади. Бунинг устига мен аҳдга имзо чекиб қўйганман.

– Сен ўз хоҳишинг билан иш тутмоқчисан, мен эса Худонинг хоҳишига қараб иш қиламан.

– Онажон, асло ундай эмас; ўз хоҳишим билан эмас, ақл ва шароит тақозоси билан шундай қиляпман. Иккимиз ҳам қайғу-алам, ҳасрат-надомат исканжасида дунёдан ноумид бўлиб қўл қовуштириб турибмиз. Эндиликда сизга ҳаётнинг қанчалик аҳамияти қолди? Ҳеч қандай! Мен учун ҳаётнинг ўзи нима? Сиз бўлмасангиз мен учун ҳаётнинг кераги йўқ. Сизга қасамёд қилиб айтаманки, сиз бўлмаганингизда ўша отамдан юз ўгирган кунимоқ ҳаётдан, яшашдан воз кечган бўлур эдим! Шунга қарамай, агар сиз умидвор бўлишга ваъда берсангиз, яшайман; сиз ўз келажагингиз ҳақида қайғуришни менга топшириб қўйгудек бўлсангиз, у вақтда кучимга куч қўшилади. У ҳолда мен Жазоир губернатори ҳузурига бориб (у виждони пок одам, ҳақиқий солдат), бошимизга тушган ҳамма мусибатларни унга айтиб бераман ва менга ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб туришини илтимос қиламан; агар у ваъдасига вафо қилиб, сўзининг устидан чиқса ва менинг нималарга қодир эканлигимни ўз кўзи билан кўрса, унда мен ярим йил ўтгач, ё офицер бўлиб қайтаман, ёки бутунлай қайтмайман. Офицер бўлиб қайтсам, ойижон, келажагингиз порлоқ бўлади, чунки, иккимизга ҳам етадиган пулга эга бўламан бунинг устига янги номим, унвоним билан иккимиз ҳам фахрланиб, кўксимизни баланд кўтариб юрамиз ўшанда. Борди-ю, қайтмасам... унда, ойижон, яшашни истамасангиз, ҳаёт билан видолашасиз, ана ўшанда бошимизга тушган бахтсизлик барҳам топиб, абадий осойишталикка эга бўламиз.

– Яхши, – деди Мерседес, – ҳақ гапни айтдинг, қўзичоғим, ҳақ гапни! Бизни калака қилиб юрган зотларга ўзимиз-

нинг ким ва нималарга қодир кишилар эканлигимизни кўрсатиб қўямиз.

– Ҳар қандай қайғули фикрларни хаёлингиздан чиқариб ташланг, ойижон, – деди хитоб билан Альбер. – Амин бўлингки, биз бахтиёрмиз ёки бахтиёр бўлишга қодирмиз. Сиз оқила, виждони пок малаксиз; мен ҳам эс-хушимни йиғиб олдим энди. Хизматда бўларканман, демак, бойман; сиз жаноб Дантеснинг уйида истиқомат қиларкансиз, демак, тинч, осойишта ҳаёт кечирасиз. Ойижон, илтимос сиздан, келинг, бир ҳаракат қилиб кўрайлик!

– Майли, болам, толе йўлида ҳаракат қиламиз, ахир сен яшамоғинг, бахтиёр бўлмоғинг керак, – деди жавобан Мерседес.

– Демак, ойижон, тақсимотимиз ҳам ниҳоясига етди, – деди Альбер, – шу бугуноқ йўлга чиқишимиз мумкин. Мен сизга извош буюртираман.

– Узингга-чи?

– Мен бу ерда яна икки-уч кун қолишим керак; бу – жудоликнинг бошланиши, бунга кўникиб олишимиз зарур; мен тавсиянома олишим, Жазоир ҳақида баъзи маълумотларни аниқлашим керак, Марселда сизга етиб оламан.

– Хўп, болам, кетдик! – деди Мерседес уйдан олиб чиққан битта-ю битта рўмолини елкасига солиб; бу қутилмаган қимматбаҳо қора кашмир рўмол эди. – Қани, Альбер, жўнайлик!

Альбер ҳаш-паш дегунча қоғозларни йиғиштирди-да, хўжайинни чақириб, ўттиз франк тўлади ва онасининг кўлидан тутиб зинага чиқди.

Улардан олдинда зинадан кимдир тушиб борарди; у шоҳи кўйлакнинг зина панжарасига тегиб шитирлаганини эшитиб, орқасига қаради.

– Дебрэ! – деди аста овоз билан Альбер.

– Морсермисиз? – деди турган жойида тўхтаб қолган министр котиби.

Дебрэ, қизиқиб кетиб, сир сақлашни унутиб қўйганди; бунинг устига уни дарров таниб олишганди. Ҳолига маймунлар йиғлаб, бутун Парижда шов-шувга сабаб бўлган бу зотнинг бу пастқам кулбада учраши ажабланарли ҳол эди, албатта.

– Морсер! – деди яна такрорлаб Дебрэ.

Бироқ нимқоронғи зинада Морсер хонимнинг шол рўмолга ўралган сарв қоматига кўзи тушиб, қўшимча қилди:

– Э, узр, Альбер, узр! Халақит бермай кўя қолай! Альбер Дебрэнинг бу сўзларидаги маънони дарҳол фаҳмлади.

– Ойижон, – деди у Мерседесга қараб, – бу жаноб ички ишлар министрининг котиби Дебрэ, менинг собиқ дўстим бўлади.

– Нега собиқ бўларкан! – деди минғирлаб Дебрэ. – Бу билан нима демоқчисиз ўзи?

– Жаноб Дебрэ, билиб қўйингки, – сўзида давом этди Альбер, – эндиликда менинг ҳеч қандай дўстим йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Мурувват қилганлигингиз ва таниб, номимни тилга олганлигингиз учун сизга раҳмат!

Дебрэ зинадан бир-икки поғона кўтарилди-да, Альбернинг қўлини маҳкам сиқди.

– Азизим, амин бўлинг, – деди у хурсанд кўринишга уришиб, – бошингизга тушган қайғу-аламга чин юракдан ҳамдардман, истаган вақтда ёрдам беришга тайёрман.

– Раҳмат, жаноб, – деди жилмайиб Альбер, – бироқ, бахтсизликка учраган бўлсак ҳам, етарли даражада боймиз, бировнинг ёрдамига муҳтож эмасмиз, биз Париждан чиқиб кетяпмиз, йўл харажатларидан ташқари яна беш минг франк пулимиз бор.

Дебрэ қизариб кетди; ахир унинг ҳамёнида бир миллион франк тахланиб ётибди-ку. У сал илгари мана шу уйда икки аёл ҳозир бўлганини, улардан бири қилмишига яраша шармандаю шармисор бўлиб, қўлтиғидаги сумкада бир ярим миллионни олиб кетаётган бўлса-да, қашшоқликка маҳкум эканини, иккинчиси эса ноҳақ камситилган, бироқ бахтсизликда ҳам ўзини мардона тутишини, озгина ақча билан ҳам ўзини бой деб ҳис этаётганини беихтиёр кўнглидан ўтказди.

Ана шу қиёслаш ўзига бино қўйган бу жанобни кибр-ҳаводан воз кечишга мажбур этди – бу икки аёлдаги икки хил хислат уни лол этган эди; у минғирлаб яна бир нималар деди-да, зинадан чопқиллаб тушиб кетди.

Шу куни министрликда Дебрэнинг қовоғи очилмади, кун бўйи жаҳлдан тушмай, қўл остидаги ходимларнинг жони олдди.

Аммо кечқурун унинг оғзи қулоғида эди: Дебрэ Мадлен хиёбонидаги ажойиб кошонанинг хўжайини бўлиб олди; бу кошона йилига эллик минг ливр фойда келтирарди.

Эртаси куни кеч соат бешда, Дебрэ олди-сотди актига қўл қўйган пайтда, де Морсер хоним ўғли билан қуюқ хайрлашиб, почта извошига ўтирган эди.

Лаффит почтаси ҳовлисидаги болохоналардан бирининг деразаси ортида пайдо бўлган бир киши Мерседеснинг извошга тушганини, извош жилганини ва Альбернинг йўлга чиққанини – ҳаммасини ўткир кўзлари билан кузатиб турган эди.

Улар кўздан ғойиб бўлгач, у шубҳалар гирдобида тарс ёрилаёзган пешанасини бир силади-да:

– Бу икки бегуноҳ шўрликка тортиб олинган бахтини қандай қилиб қайтариб берсам экан? Бунда менга Парвардигорнинг ўзи ёрдам қилади, – деди.

Х. АРСЛОН ҒОРИ

Ла-Форс хиёбонасида энг оғир ва хавфли жиноятчилар қамаладиган бўлмалардан бирини авлиё Бернара бўлмади деб аташарди. Бунга қамалганлар бўлмага ўзларининг образли қилиб Арслон ғори деб ном беришган; чунки, бу бўлмада бўлганларнинг худди арслонники сингари тишлари бўларкан, улар кўпинча темир панжарани, баъзан қоровулларни ана шу тишлари билан ғажиб ташлашаркан.

Бу – турма ичидаги турма. Деворлари икки қаватдан, турмачи ҳар куни, йўғон-йўғон панжараларни синчиклаб текшириб чиқади; қоровулларнинг девдай-девдай гавдасини, қовоғидан қор ёғиб юришларини кўрган киши ана шу бўлмада қамалганларга кучи етадиган полвонларни қоровулликка қўйиларкан-да, деб ўйларди.

Бўлманинг ҳовлиси баланд деворлар билан ўраб олинган, қуёш тиккага келганда ҳам бу маънавий ва жисмоний разолат масканига девор оша аранг қиё боқиб ўтади. Ҳовлида одил суд шамширига дучор бўлган ғамгин кимсалар тақдирлари ҳал бўлишини кутиб, ҳорғин судралиб юришар, деворнинг кунгай томонида жуфт-жуфт, тўда-тўда бўлиб

суянишиб хаёлга чўмиб ўтиришарди, улар ораларидан бирортасини чақириб қолишганда ёки жамиятдан қувғин қилинган бирор янги жондор бу ғорга келтириб улоқтирилгандагина очиладиган дарвозага қия қараб кўйишади.

Авлиё Бернара бўлмасининг ўртасидан қўш панжара билан иккига бўлинган узун қабулхонаси бор, панжараларнинг ораси уч фут бўлиб, келган қавм-қариндош, ёр-биродарлар маҳбус билан қўл беришиб кўришолмайди ва бирор нарса беролмайди. Қабулхона қоп-қоронғи, зах ва жирканчли бинодир.

Шунга қарамай, бу ердаги маҳбуслар учун қабулхона бамисоли жаннатга ўхшарди, улар бу ерда истаган ёр-дўстлари билан баҳузур гаплаша оладилар; чунки, Арслон ғоридан кейин маҳбус фақат Сен-Жак заставасига, ёки каторгага, ё бўлмаса якка зиндонга тушиши мумкин.

Биз тасвирлаган зах ҳовлида бир ёш йигит қўлларини чўнтақларига суқиб дайдиб юрибди, ғордагилар унга жуда қизиқиб тикилишарди.

Агар кийимлари жулдур бўлмаганда уни жуда олифта йигит деса арзийдиган кимса, кўйлагини қўллари билан силаб-силаб кўяр, амиркон ботинкасини дастрўмолининг учи билан артар, камзулининг тугмаларини назокат билан соларди, шунда тикилиб турган маҳбуслардан бири:

– Қара, князь ўзини бозорга солиб, зеб беряпти, – деб юборди.

– Зеб берса ҳам, бермаса ҳам, барибир, ўзи сухсурдай йигит, – деди иккинчиси, – ҳозир қўлида тароқ ва бўёғи бўлсайди, оқ қўлқопли жанобларнинг ҳаммасидан ўтиб кетарди.

– Камзули янги экан, ботинкаси ялтираб турибди. Бунақа зотлар орамизга тушиб қолганидан фахрлансак бўлади. Бизнинг жандармаримиз учига чиққан қароқчи-да! Шундай ажойиб кийимни ҳам дабдала қилиб ташлашибди-я!

– Айтишларига қараганда, у жуда пихини ёрганлардан эмиш, – деди учинчиси. – Унча-бунча нарсани назари илмасмиш. Ҳали она сути оғзидан кетмай, Тулонда бўлганини қаранг-а! Ҳазил эмас бу!

«Олифта» эса бу мудҳиш мақтовларнинг акс садосини эшитиб, сўзларнинг маъносини тушунмаётган бўлса-да,

тобора талтайиб кетаётгандай кўринарди. У ўзига оро беришни тугатди-да, турма дўкончаси олдига борди ва деворга суяниб турган қоровулга гап сота кетди:

– Менга қаранг, жаноб, – деди, – йигирма франк қарз бериб туринг, тезда бераман, ота-онам катта бойлардан, миллион-миллион ақчаси бор... Илтимос сиздан. Бу йигирма франк билан пуллик томонга ўтиб, халат сотиб оламан. Камзулда жуда сиқилиб кетдим. Бу камзул князь Кавальканти киядиган камзулмас-да, ахир!

Қоровул елкасини қисди-да, тескари қараб олди. Бу гапларни эшитган киши роса қотиб куларди, аммо қоровул тишининг оқини ҳам кўрсатмади, чунки бу одам бунақа гапларни эшитавериб, меъдасига теккан-да.

– Жуда бағритош одам экансиз-ку, – деди Андреа, – қараб туринг ҳали, бу ердан думингизни тугдирмасам...

Қоровул Андреа томонга ўгирилди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

Маҳбуслар келиб, иккисини ўраб олишди.

– Айтяпман-ку сизга, – давом эттирди сўзини Андреа, – ана шу пулга башанг кийиниб олиб, алоҳида хонага ўтиб оламан. Яқинда серсавлат бир одам келади, уни иззат-ҳурмат билан кутиб олишим лозим.

– Тўғри! Тўғри! – дейишди бир оғиздан маҳбуслар. – Бу одамнинг тақводорлардан эканлиги кўриниб турбди-ку.

– Ундай бўлса, яхши, сиз бера қолинг унга йигирма франк қарз, – деди қоровул деворга суяниб. – Ўртоғингизга қарз бериш бурчингиз эмасми ахир?

– Бу одамлар билан офтобда қатиқ ичган эмасман, – деди гердайиб Андреа, – мени калака қилишга ҳаққингиз йўқ.

Маҳбуслар бир-бирига қараб тўнғиллаб қўйишди; Андреанинг сўзидан кўра қоровулнинг эътирози кишиларнинг гашига тегди, улар оқсуяк олифта йигитнинг таъзирини бериб қўйиш учун бостириб келаверишди.

Қоровул эса, сўнг тинчитиб оламан, ҳозирча сурбет қарз сўровчининг бошлаб таъзирини бериб қўйишсин, деб индамай тураверди.

Маҳбуслар Андреани ўраб олишди.

Кимдир, «ботинкани ишга солиб, попугини пасайтириб қўй бу олифтанинг», деди.

«Ботинкани ишга сол» – бу нағал қоқилган этик билан роса тепкила, дегани эди, баъзилари яна вьюн деган қизиқ усулни таклиф этди. Бунда рўмолчага қум, шағал, тош, таңга-чақа солиб тугилади-да, айбдорнинг елкаси ва калласига қарсиллатиб туширилаверади.

– Бир дўппослаб қўяйлик бу олифтани! – деган овозлар эшитилди атрофдан.

Андреа эса маҳбуслар томонга ўгирилди-да, лунжини шишириб, кўзини қисди, сўнг танглайини такилллатиб қўйди. Бу – каллакесарлар бир-бирларини дарров таниб оладиган шартли ишора эди. Бу масонча ишора деб аталиб, Андреа Кадруссдан ўрганган эди.

Маҳбуслар Андреа ўзларининг жўраси, ҳамтовоғи эканлигини билиб қолишди.

Шу заҳоти рўмолчалар қайтиб олинди; нағалли этикни бош каллакесар қароқчи оёғига кийди. Ҳар томондан бу жаноб ҳақ гапни айтяпти, кўнгли нимани истаса, қилаверсин, бу унинг иши; маҳбуслар виждон эркинлиги қанақа бўлишини намойиш қилмоқчилар, деган овозлар янгради.

Гулғула босилди. Қоровул бундан ниҳоятда таажжубланиб, Арслон ғори фуқароларининг авзойи бирдан ўзгариб қолишига бирор жиддий сабаб бўлса керак, деб ўйлаб, дарҳол Андреанинг қўлидан тутди-да, чўнтақларини титкилай бошлади.

Андреа тўнғиллаб норозилик билдирган бўлди-ю, аммо қаршилиқ кўрсатмади.

Шу пайт панжара орқасидан назоратчининг товуши эшитилди:

– Бенедетто!

Қоровул уни қўйиб юборди.

– Мени чақиришяпти! – деди Андреа.

– Қабулхонага бор! – қичқирди назоратчи.

– Мана, қаранг, мени кўргани келишибди азиз оғайниларим. Кавальканти билан қандай муомала қилиш кераклигини кўрсатиб қўяман ҳали сизларга! Ҳа, кўрсатиб қўяман!

Андреа ҳовлидан қоп-қора кўланка сингари лип этиб ўтди-да, қия очиқ эшикка отилди, жўралари ва қоровул ҳам унга қойил қолди.

Дархақиқат, уни қабулхонага чақиришган эди; бунга ҳатто Андреанинг ўзиям ҳайрон, чунки у эҳтиёткорлик юзасидан, бошқалар сингари ҳеч кимдан ёрдам сўраб хат ёзган эмасди, Ла-Форс турмасига тушган кундан буён миқ этмай ётарди.

«Менинг, шубҳасиз, зўр ҳимоячим бор, – деб ўйларди у. – Бошимдан ўтган ҳамма воқеалар – кутилмаган ҳолда елкамга бахт қуши қўниб қолгани, ҳамма ғовларни осонлик билан ағдариб ташлашим, тўсатдан ота ҳам топилиб қолиши, донгдор ном, ёмғирдай ёққан олтинлар, ажойиб жононга дуч келганим – шуларнинг ҳаммаси ана шу забардаст ҳомийим борлигидан дарак бериб турибди. Фавқулодда касодга учрашим ва ўша ҳимоячимнинг вақтинча бўлмай қолиши мени ҳалок этади, бироқ бутунлай эмас, албатта. У мурувватли қўлини бир зум тортиб олди; у қўл яна узатилади-да, мени ҳалокат жари ёқасида маҳкам тутиб олади. Шундай экан, нега энди мен хавф-хатарли иш қилишим керак? Бу ҳолда ҳимоячим мендан юз ўгириши мумкин-ку! У менга икки йўл билан ёрдам қўлини чўзиши мумкин: қоровулларни олтинга сотиб олиб, яширин равишда қочириб юбориши, ёки судга таъсирини ўтказиб, мени оқлаб юборишларига эришиши мумкин. Ҳозирча индамай тураверай-чи, ҳамма мендан юз ўгиргани маълум бўлгач, унда...»

Андреа бунинг учун маккорона режа тузиб қўйганди, бу аблаҳ, ҳечам қўрқмай ҳужум қилишга ва қаттиқ туриб ўзини муҳофаза этишга уста эди.

Турма азоб-уқубатларини, турли хил муҳтожликларни у кўп кўрган; бироқ шундай бўлса-да, табиати, тўғрироғи, одати аста-секин устун кела бошлади; уст-боши жулдур, ифлос, оч-яланғочликдан ғоят сиқилиб, тоқати-тоқ бўлганди Андреанинг.

Назоратчи қабулхонага чақирганида, Андреа ана шундай кайфиятда эди.

Андреанинг юраги қувончдан дук-дук ура бошлади, терговчи олдига боришга ҳали барвақт эди, турма бошлиғи ёки доктор ҳеч бундай бемаҳал чақирмасди. Демак, кўпдан буён интизор киши келибди-да.

Андреа кирган қабулхона панжарасининг орқасида Бертуччо панжарага, эшик қулфига ва нарёқда судралиб келаётган кўланкага қараб қовоғини солиб турарди.

– Ким у? – деди ҳадиксираб Акдреа.

– Салом Бенедетто, – деди Бертуччо чинқироқ овоз билан.

– Сиз... Сизми? – деди йигит, кўзлари олайиб.

– Ия, бадбахт, мени танимаяпсанми ҳали? – сўради Бертуччо.

– Жим! Овозингизни ўчиринг! – деди Андреа; бу деворларнинг қулоғи борлигини у яхши биларди, – илтимос, секинроқ гапиринг!

– Мен билан юзма-юз туриб гаплашишни истайсанми? – сўради Бертуччо.

– Бўлмасам-чи, – деди Андреа.

– Яхши, – деди Бертуччо ва чўнтагини ковлаб, ойнабанд эшик орқасида турган қоровулга им қоқиб қўйди.

– Мана буни ўқинг, – деди у.

– Нима бу? – сўради Андреа.

– Сенга алоҳида хона ажратиб бериш ва сен билан менинг учрашиб туришимга ижозат этиш тўғрисида буйруқ.

Андреа қувонганидан қичқириб юборди, лекин дарров ўзини босди-да, ичида деди:

«Яна сеҳрли ҳомий қўлини узатди-я! Хайрият, мени эсдан чиқармабди! Мен билан алоҳида гаплашмоқчи бўлишяпти, демак, бу ерда бир сир бор. Мана, энди қўлимга тушди бу жаноблар! Уларнинг тизгини менинг қўлимда! Ҳа, менинг қўлимда. Бертуччони ўша ҳомий юборган!»

Қоровул, бошлиғи билан гаплашиб олиб, панжара эшигини очди ва шодлиқдан ўзида йўқ Андреани иккинчи қаватдаги бир хонага олиб кирди. Бу хонанинг деразалари ҳовлига қараган эди.

Турмалардаги тартибга кўра хона оппоқ бўялган, супуриб-сидирилган эди: буни кўриб маҳбуснинг оғзи қулоғига етди; каравот, печка, стол, курси – ҳамма нарса муҳайё.

Бертуччо курсига чўнди, Андреа ўзини каравотга ташлади.

Қоровул чиқиб кетди.

– Хўш, менга нима гапнинг бор эди? – сўради граф Монте-Кристонинг иш бошқарувчиси.

– Сизнинг-чи? – сўради Андреа ҳам.

– Аввал сен айт.

– Сиз олдимга келдингиз, демак, гапни сиз бошлашингиз керак.

– Майли, мен бошлай қолай. Сен жиноят устига жиноят қилавердинг: ўғирлик қилдинг, одам ўлдирдинг.

– Мени фақат шу қилмишларимни айтиш учун алоҳида хонага кўчирган бўлсангиз, чакки қилибсиз, булар аллақачон маълум менга. Лекин менга номаълум баъзи нарсалар бор; агар ижозат этсалар, ана шулар ҳақида гаплашиб оласак. Биринчидан: сизни ким бу ёққа юборди?

– Шошманг, жаноб Бенедетто, шошманг!

– Мен бир йўла мақсадга ўта қолайлик, деяпман-да. Ортиқча сўзларга сира ҳожат йўқ, ким юборди?

– Ҳеч ким юборгани йўқ.

– Турмадалигимни қаёқдан билдингиз?

– Елисей Майдонида кўп найранглар ишлатиб юрган аблаҳ эканлигингни кўпдан буён биламан.

– Елисей Майдонида!.. Қани, бир фикрлашиб олайликчи... Елисей Майдонида! Хўш, хўш, қани, агар истасангиз, отам тўғрисидаям гаплашиб оламиз, хўпми?

– Ия, мен-чи? Мен кимман?

– Сиз, муҳтарам зот, менинг тутинган отамсиз... Бироқ, беш ойдаёқ созуриб тамом этганим юз минг франкни менга сиз берганингиз йўқ; менга донгдор итальянни ота қилиб берган ҳам сиз эмассиз; оқсуяклар даврасига мени олиб кирган ва ҳозир ҳам эсимга тушса сўлагим оқадиган зиёфатларга таклиф этган сиз эмассиз. Парижнинг энг машҳур жамоатчилиги тўпланган Отейлдаги зиёфат эсингиздами? Ўша меҳмондорчиликда қироллик прокурори ҳам бор эди, мен бадбахт у билан иноқлашиб олмаган эдим; мана, ҳозир у менга жуда асқатарди; кирдикорларим фош бўлиши олдидан менга икки миллион ваъда этган ҳам сиз эмассиз! Хўш, қани, гапиринг, корсикалик муҳтарам афандим, гапиринг...

– Нима дейишимни истайсан, хўш?

– Ўзим калаванинг учини тутиб бера қолай. Ҳозир ўзингиз Елисей Майдони ҳақида сўз очдингиз, менинг ҳурматли отам.

– Хўш, нима бўпти ундан гап очсам?

– Чунки, ўша Елисей Майдониди жуда бадавлат зот истиқомат қилади.

– Сен ўшанинг уйига ўғрилиқка кириб одам ўлдирганмидинг?

– Шундай бўлса керак.

– Граф Монте-Кристоми?

– Расиннинг сўзи билан айтганда, сен ўзинг уни тилга олдинг... Хўш, нима қилай? Унинг қучоғига отилиб, бағримга босай-да, Пиксерекур каби «Ота! Отажоним!» деб қичқирайми?

– Бас қил масхарабозликни! – деди дўқ уриб Бертуччо, – унинг номини бу ерда тилга олма.

– Ўхў, ҳали шунақами? – деди Андреа Бертуччонинг гапидаги тантанавор оҳангдан ажабланиб. – Нега энди тилга олмаслик керак экан?

– Шунинг учунки, у киши Худо ёрлақаган энг азиз бандалардан, унинг сенга ўхшаган бетавфиқларга ота бўлиши асло мумкин эмас.

– Бу тумтароқ гапларни қаранг-а...

– Агар эҳтиёт бўлмасанг мудҳиш иш юз бериши мумкин.

– Мени кўрқитмоқчисиз, шекилли? Сираям кўрқмайман...

Айтаманки...

– У одамни ҳам ўзингга ўхшаган ҳайвон деб ўйлаяпсанми? – деди Бертуччо ғоят осойишта ва дадил туриб. Андреа ичидан зил кетди. – Уни ҳам мана шу жазо ҳибсхонасидаги пасткашларга ўхшаган одамлардан, деб ўйлаяпсанми?.. Бенедетто, шуни билиб қўйгинки, сен тенги йўқ қудратли кишининг қўлига тушгансан, ана шу кишининг темир қўли сени халос этмоқчи, бундан фойдаланиб қол. Бир зум жимиб қолган чақмоқ билан ўйнашма, унинг режасига ҳалақит берсанг, яна ҳамма ёқни парзага келтириб, гирибонингдан хиппа бўғиб олиши мумкин, у вақтда додингни Худога айтсанг ҳам, қутула олмайсан.

– Менинг отам ким ўзи? Мен билишни истайман, ким ўзи?.. – деди қайсарлик билан Андреа. – Нима бўлса бўлсин, лекин билиб олмагунимча қўймайман. Бехуда ғалванинг мен

учун нима аҳамияти бор? Қайтанга ҳамма ёққа донғим кетади, ҳамма отнинг қашқасидек таниб олади мени. Жанжал, журналист Бошаннинг сўзи билан айтганда, реклама; демак, бу ғалва фойдали можаро. Сиз каби олий табақа зотларига эса ғалва хавф, ташвиш туғдиради, миллионларнинг ҳам, гербларингиз ҳам ёрдам беролмайди... Хўш, қани айтинг, менинг отам ким?

– Ўзим ҳам сенга шуни айтгани келгандим.

– Хайрият-е, ахири унинг номини эшитарканман-а? – хитоб қилди Бенедетто, қувончдан унинг кўзлари чарақлаб кетди.

Бироқ шу пайт эшик очилди-да, турма қоровули пайдо бўлди.

– Узр, жаноб, узр, – деди у Бертуччога қараб. – Маҳбусни терговчи кутиб ўтирибди.

– Бугун охирги сўроқ, – деди Андреа иш бошқарувчига. – Аттанг!

– Эртага келаман, – деди Бертуччо.

– Бўпти, – деди Андреа. – Жаноб жандарма, мен сизнинг измингиздаман. Жаноб, марҳамат қилиб конторага ўн экую ташлаб кетинг, сўраган нарсамни муҳайё қилишсин.

– Илтимосингиз бажо келтирилади, – жавоб берди Бертуччо.

Андреа қўлини узатди, аммо Бертуччо қўлини чўнтагидан чиқармай тангаларни шарақлатиб қўя қолди.

– Мен ҳам худди шундай қиларсиз, деган ниятда эдим, – деди Андреа илжайиб; Бертуччонинг ўтакетган хотиржамлигини кўриб руҳи тушиб кетди. «Наҳотки, хато қилиб қўйган бўлсам? – деди ичида у панжарали катта аравага ўтираётиб, – бошга тушганни кўз кўради!»

– Хайр, жаноб! – деди у Бертуччога қараб.

– Эртагача хайр! – жавоб берди иш бошқарувчи.

XI. СУДЬЯ

Аббат Бузони Нуартье билан Валентинанинг хонасида қолганини ва марҳума жасади олдида иккиси ўзини хушёр тутиб, мижжа қоқмай чиққани хурматли китобхоннинг эсида бўлса керак.

Эҳтимол, аббатнинг дуолари, меҳрибонлиги, ишонарли сўзлари чолнинг руҳини кўтаргандир. Коҳин билан суҳбатдан сўнг, Нуартъедаги илгариги қайғу-алам, умидсизлик ғойиб бўлди-да, унинг руҳида аллақандай ўзгариш юз берди, кўнгли таскин топиб, тинчланди; Нуартъенинг Валентинага меҳри баландлигини билган кишилар бундан ажабландилар.

Вильфор қизи вафот этгандан буён отасини кўргани йўқ. Бутун хонадон янгиланди: қироллик прокурорига бошқа қарол ёлланди, Нуартъега ҳам бошқа хизматчи олииди, Вильфор хоним учун махсус иккита энага тайинланди, хизматкорларнинг ҳаммаси – эшик қоровулидан тортиб извошчигача ўзгартирилиб, янги кишилар олинди. Бу хизматчилар худди ўртадаги ғов сингари, уй хўжайинлари орасидаги совуқ, кўнглисиз муносабатларни яна чуқурлаштириб, алоқани батамом узиб қўйишди. Бунинг устига суд сессияси уч кундан кейин очилиши керак эди, шу важдан Вильфор кабинетини ичидан қулфлаб олиб, Кадруссининг қотилига қарши зўр бериб айбнома тайёрларди. Граф Монте-Кристога дахлдор бошқа ишлар каби бу иш ҳам Парижда жуда катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Жиноятнинг изи топилганди: бу – айбдорнинг собиқ оғайниси маҳбуснинг ўлими олдида ёзиб қолдирган бир неча сўздан аён эди; қироллик прокурори Бенедеттонинг айбдор эканлигига тўла ишонч ҳосил қилган ва бу мураккаб ишни гурур билан тутатиб, кўксимни анча кўтариб оламан, деб умид қиларди.

Вильфор ишни жуда зўр бериб олиб бораётганлиги туфайли тергов ниҳоясига етиб қолганди. Сессияни ана шу иш билан бошлаш Вильфорнинг нияти эди. Прокурор суд кенгашига билет сўровчилардан қутулиш учун одатдагидан кўпроқ бекиниб олишга мажбур эди.

Бундан ташқари, Валентинанинг вафотидан буён ҳали ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ, оилада ҳамон аза, ота бутун аламини ишдан олаётганлиги ҳеч кимни таажжубга солмасди, албатта...

Фақат бир марта, Бертуччо отасининг кимлигини айтиб бериш учун Бенедетто ҳузурига иккинчи бор келиб кетган куннинг эртасига – якшанба куни чол Нуартъега Вильфорнинг кўзи тушди; ишлайвериб толиққан прокурор боққа

чиқди ва чуқур ўй-хаёллар оғушида қадди букилган, гамгин ҳолда, худди оёқ билан баланд кўкнори бошларини қоқаётган Тарквинияга ўхшаб, ҳассаси билан хиёбоннинг икки ёғидаги бўйдор хушбўй атиргулларнинг сўлиқ шохларини уриб синдириб юрганди.

У бир неча бор боғнинг тўрига, ўқувчиларга аён дарвоза олдига, очиқ полиз майдонига бориб келди; мана бу гал ҳам ўша ердан илгаригидек келаётганда у беихтиёр уй томонга кўз ташлаганди; уйда ўғли ҳамма ёқни бошига кўтариб шўхлик қилаётган эди. Шу топда Вильфор очиқ деразалардан бирида Нуартъени кўриб қолди. Чол офтобнинг кечки сўлим тафтидан баҳра олиш учун ўриндиғини дераза олдига келтириб қўйишни буюрган эди; ботаётган қуёшнинг майин нури сўлиқ карнайгулларга, айвонни ўраб олган токнинг қизғиш япроқларига ҳамон жон киритиб турарди.

Чол нимагадир жуда қаттиқ тикилиб турарди, дастлаб Вильфор у нимага бунчалик кўз тикканини билолмади; чолнинг кўзлари даҳшатдан ёнганди. Нуартъенинг юзида пайдо бўладиган ҳар қандай ўзгаришнинг маъносини дарҳол пайқаб оладиган қироллик прокурори ўзини четга олдида, юракка бамисоли ханжар каби санчилиб турган бу кўзлар кимга қаратилганлигини билмоқчи бўлиб, Нуартъе қараган томонга назар ташлади. Шохлари деярли яланғоч арғувон остида кўлида китоб де Вильфор хоним ўтирарди. Хоним аҳён-аҳёнда ўқишни тўхтатиб, ўғлига илжайиб қўяр ёки у меҳмонхонадан боққа ҳадеб улоқтираётган коптокни қайтариб, меҳмонхонага отарди.

Вильфорнинг ранги ўчиб кетди: чол нима демоқчи эканлигини англади у.

Нуартъе қутилмаган ҳолда кўзларини келинидан олдида, ўғлига тикди, эндиликда ўқдай отилиб турган бу кўзларнинг ғазаб тифига Вильфор бардош беришга мажбур бўлган эди. Бу қараш бу гал яна ҳам даҳшатлироқ нарсадан дарак бериб турарди.

Икки томонга отилиб турган бу ўтли назардан беҳабар Вильфор хоним эса яна коптокни тутиб олди ва ўғилчасини, энди буни ўзинг келиб олиб кет, сени бир ачомлаб бетларингдан ўпай, деб эркалатиб олдига чақира бошлади, бироқ Эдуар онасини анча вақт ялиниб-ёлворишига маж-

бур этиб турди, боласи тушмагурга онанинг эркалаши камлик қилаётгандек туюлганди, охири бола бўйни дов берди-да, деразадан тўғри гулзор ичига ирғиб тушиб, гулларни пайҳон қилиб, чопқиллаб де Вильфор хоним қошига борди. Хоним эса унинг юзидан чўппиллатиб ўпди. Сўнг эркатой, бир қўлида копток, иккинчи қўлида конфет тутиб, қайтиб кетди.

Вильфор ҳийлакор илоннинг жодули кўзларига ром бўлиб, ўзини йўқотиб қўйган шўрлик қушчага ўхшаб жунжиқди-да, уй томон йўл олди. Прокурор яқинлашган сари чол унга қаттиқроқ тикилар, қорачиғларидаги ўтли найза Вильфорнинг бағрини тешиб юбораётгандек бўларди. Қироллик прокурори Нуартъенинг кўзларида қаҳр-ғазаб учқунлаб турганини кўриб турарди. Нуартъе ўғлига: «Ўз онтингни унутяпсан, Худога нола қиламан», дегандек, кўзларини аста осмонга кўтарди.

– Англадим, жаноб, англадим, – деди бунга жавобан Вильфор. – Сабр қилинг. Яна бир кун сабр қилинг, ваъдам эсимда.

Нуартъе қаноат ҳосил қилди шекилли, кўзларини ўғлидан четга олди.

Вильфор нафасини бўғаётган ёқасини шартта ечиб ташлади, титроқ қўллари билан пешанасини силади-да, кабинетига кирди.

Тун, одатдагидек, тинч ўтди, фақат Вильфор ҳар галгидек эрталаб соат бешгача ишлади, бир кун муқаддам терговчи ўтказган сўроқ-жавобларни кўздан кечирди, унга гувоҳларнинг айтганларини таққослаб кўрди ва ўз айбномасига тузатишлар киритди. Бу айбнома Вильфор шу вақтгача тузган айбномалар ичида энг пухталаридан бири эди.

Душанба куни эрталаб сессиянинг биринчи мажлиси бўлиши керак эди.

Эрта тонгнинг хира ёғдуси деразадан мўралади-да, қоғозга қизил сиёҳ билан ёзилган ўша муддатни Вильфорга яққол кўрсатиб қўйди. Қироллик прокурори бирпас ҳордиқ чиқариш учун ёнбошлади, чироқ ёниқ тураверди, сўнг ана шу чироқнинг чирсиллашидан уйғониб кетди ва терлаган панжалари худди қонга бўялгандек қизариб кетганини кўрди.

Деразани очди, осмонга бўй чўзган қатор шамшодлар ҳали уфқдан бош кўтармаган қуёшнинг сарғиш нурига тароқ солганди. Дарвозанинг нариги томонида, қаровсиз қолган полиз устида тўрғай овозининг борича чинқириб, сайраб ўтиб кетди.

Тонгнинг салқин ҳавоси димоғига «гуп» этиб уриб, Вильфорнинг фикри равшанлашиб кетди.

– Мана, суд кунни ҳам етиб келди, – деди у зўрға нафас чиқариб, – бугун одил суд ҳамма айбдорларнинг жазосини беради.

У беихтиёр Нуартъенинг деразасига назар ташлади.

Дарпардалар ташлоғлиқ эди. Шундай бўлса-да, унинг кўз олдида отанинг сиймоси гавдаланди-да, худди чолнинг ғазабли кўзлари унга тикилиб тургандек:

– Ҳа, хотиржам бўлавер! – деди.

У бошини қуйи солиб кабинетининг у ёғидан-бу ёғига бир неча бор бориб келди, сўнг ухлаш учун эмас, танига ором бериш учун ўзини диванга ташлади.

Уйдагилар ҳам бирин-кетин уйғона бошлади; Вильфор кабинетида ўтириб, ҳар кун бўладиган эрталабки ғовур-ғувурларни барала эшитиб турарди: эшиклар шарақлади, энагани чақираётган де Вильфор хонимнинг кўнғироғи жаранглади, Эдуарнинг қийқириғи эшитилди.

Вильфор ҳам кўнғироқ чалди, янги кемердинер кириб, газета узатди:

Газеталар билан бирга бир идишда шоколад ҳам келтирди.

– Бу нима? – сўради Вильфор.

– Шоколад.

– Мен шоколад сўрамагандим-ку. Ким менга бунча меҳрибонлик қилди?

– Де Вильфор бека. Бугун қотил Бенедеттонинг иши кўрилади, унда жаноб Вильфор жуда кўп гапирадилар, куч тўплаб олсин, деяптилар.

Камердинер шундай деди-да, бошқа столлар каби диван ёнида қоғозларга тўлиб ётган стол устига олтин суви юритилган идишни қўйиб, чиқиб кетди.

Вильфор ғамгин ҳолда қадаҳга тикилиб қолди-да, сўнг бирдан даст кўтариб, ичиб юборди. У, гўё бу заҳарни ичиб,

ажалимдан беш кун бурун ўлайину, ўлимдан ҳам оғир ваъдани адо этишдан қутулиб қўя қолай, деяётгандек эди. Сўнгра у ўрнидан туриб, кабинетда илжайиб юра бошлади. Унинг бу хунук илжайишини кўрган киши қўрқиб кетарди.

Шоколад зарарсиз бўлиб чиқди.

Нонушта пайтида Вильфор овқатга чиқмади.

Камердинер яна кабинетга кирди.

– Де Вильфор бека: бориб айт, соат ўн бир бўлди, мажлис ўн иккига тайинланган, деб буюрдилар....

– Хўш, нима бўпти энди? – деди Вильфор.

– ...Мен ҳам бирга бораманмикин, деб сўраяптилар.

– Қаёққа?

– Судга.

– Нега энди у киши бориши керак экан?

– Рафиқангиз, суднинг шу мажлисида қатнашишни истайман, деяптилар.

Вильфор ғазабга миниб:

– Ҳо, қатнашишни истаб қоптилар-да! – деди.

Камердинер орқага бир қадам ташлади-да:

– Бир ўзингиз бормоқчи бўлсангиз, бекага бориб айта қолай, – деди.

Вильфор индамади, қонсиз бетини тирноқлари билан асабий қашлаб:

– Де Вильфор хонимга бориб айтинг, – деди, – мен у киши билан гаплашмоқчиман, хонасида кутиб турсин.

– Хўп, жаноб.

– Сўнгра келиб, соқолимни олиб қўясиз.

– Ҳозир кираман.

Камердинер чиқиб кетди, сўнгра кириб Вильфорнинг соқолини олиб, бошдан-оёқ қора либосини кийинтирди.

– Де Вильфор бека сизни кутиб турибдилар, – деди у.

– Ҳозир бораман.

Вильфор папкаларини қўлтиқлаб, шляпасини қўдига олди-да, хотинининг хонасига йўл олди.

У эшик олдида тўхтаб, пешана терини артди, сўнг эшикни очди.

Де Вильфор хоним пастак столча ёнида тоқатсизланиб журнал ва рисоаларни варақлар, ўғли Эдуар эса журналларни шар-шар йиртиб, халақит берарди.

Хоним йўлга чиқишга тайёр эди, қўлларида қўлқоп, шляпаси курси устида.

– Мана, ўзингиз ҳам келиб қолдингиз, – деди табиий ва осойишта оҳангда у. – Ҳой, дадаси, намунча рангингиз оппоқ? Тавба! Яна тун бўйи мижжа қоқмай ишлаб чиқибсиз-да! Нега биз билан нонушта қилгани чиқмадингиз? Хўш, мени ўзингиз билан бирга олиб кетасизми ё Эдуар билан иккаламиз алоҳида борамизми?

Шундай қилиб, де Вильфор хоним саволларни қалаштириб ташлади, Вильфор эса пинагини бузмай, бир жойда тик тураверди.

– Эдуар, – деди у охири болага, амирона оҳангда, – бор, меҳмонхонада бирпас ўйнаб тур, мен онанг билан гаплашиб олай.

Де Вильфор хоним сесканиб кетди, эрининг ўзини совуққонлик билан тутуши, кескинлик билан гапириши унинг ҳушини учирди.

Эдуар бошини кўтариб онасига қаради, онаси Вильфорнинг амрини қувватламаётганини кўриб, суратдаги солдатларнинг бошларини кесишда давом этди.

Вильфор:

– Эдуар! – деб чунон қичқирган эдики, бола чўчиб ўрнидан турди, – эшитдингми? Чик!

Бунақа муомалага ўрганмаган бола, ғазабданми ёки қўрққаниданми, бунисини аниқлаш қийин, оқариб-бўзариб кетди.

Отаси унинг ёнига бориб, пешанасидан ўпди.

– Бор, ўғлим, бор! – деди Вильфор.

Эдуар чиқиб кетди.

Вильфор бориб эшикни бекитиб, илгагини солиб қўйди.

– Э, Тангрим, – деди де Вильфор хоним эрининг фикрини билиб олишга уриниб; лабларида табассумга ўхшаш бир нарса кўринди-ю, Вильфорнинг маъносиз тикилиб турган кўзларини кўриб, дарҳол гумдон бўлди, – э, Тангрим, бир гап бўлдимми ўзи?

– Бекам, ўша ишлатиб юрган заҳарни қаерда сақлайсиз? – деди қироллик прокурори дабдурустан.

Де Вильфор хонимнинг бутун вужуди титраб кетди; у шу пайт тепасида қузғун гир айланаётган тўрғайга ўхшар-

ди. Кўкариб мурда бўлиб қолган де Вильфор хоним оғзидан аллақандай бўғиқ товуш чиқди:

– Мен... мен тушунмадим, нима деяпсиз? – деди хоним ва ўрнидан турмоқчи бўлди, бироқ ҳолдан тойиб, яна диванга чўқди.

– Қайнотам маркиз де Сен-Меранни, қайнонамни, Барруани ва қизим Валентинани ўлдирган заҳарни қаерга яшириб қўйгансиз, деяпман, – такрорлади Вильфор вазмин оҳангда.

– Нима деяпсиз ўзингиз? – қичқирди де Вильфор хоним титраб-қақшаб.

– Саволга жавоб беринг.

– Эриммисиз ёки судьями?

– Судья, хоним, судья!

Хоним тахта бўлиб қолди.

– Оҳ, жаноб!.. – деди зўрға овоз чиқариб у. Шундан бўлак сўз айтолмади.

– Саволимга жавоб бермаяпсиз-ку! – деди хитоб қилиб судья. Сўнгра у заҳарҳанда билан жилмайиб, қўшиб қўйди:

– Ростданам, айбингизни яширмайсиз-да!

Хоним жойида бир қимирлаб қўйди.

– Дарвоқе, қилмишларингизни яширолмайсиз ҳам, ҳа, яширишингиз мумкин ҳам эмас, – деди Вильфор, – сиз бу жиноятларни ўта маккорлик билан амалга ошириб келдингиз, бироқ бунда ноз-карашмаларингизга учган лақмаларгина алданди; мен эса маркиза де Сен-Меран ўлимида ноқўшимда заҳарловчи қотил борлигини билган эдим; бундан мени д'Авриньи огоҳлантириб қўйган эди; Барруа вафотидан сўнг фариштадай пок қизимдан хавфсирай бошладим; жиноят аниқ маълум бўлмагач, қалбимдаги шубҳа тобора кучая берди. Валентина ўлгандан сўнг, бекам, мендагина эмас, бошқаларда ҳам ҳеч қандай шубҳа қолмади, шу тариқа жиноятингиз икки кишига аён бўлса-да, кўплар сиздан гумонсираб келганди, эндиликда бу жиноят фош этилади. Мен ҳам сиз билан бундан буён эрингиз сифатида эмас, судья сифатида гаплашаман!

Де Вильфор хоним қўллари билан юзини беркитиб олди.

– Ўтинман сиздан, ҳар хил мишмишларга ишонаверманг, – деди пичирлаб хоним.

– Мен сизни бунчалик иродасиз, кўрқоқ деб ўйламагандим, бекам, – деди нафрат билан хитоб қилиб Вильфор. – Дарвоқе, одамларни заҳарловчи кишилар иродасиз, кўрқоқ бўлади; буни кўп кўрганман. Ахир икки кекса ва бир бегуноҳ қиз кўз олдингизда жон бераётганда ўзингизни жуда дадил тутган эдингиз-ку?

– Жаноб!

– Наҳотки, сиз шунчалик иродасиз бўлсангиз? – давом этди Вильфор тобора қизишиб. – Ахир Худонинг тўрт бандаси ўлим талвасасида ётганда, «тезроқ жон бера қолса бўлмасмикин бу қуриб кетгур», деб, пинагингизни бузмай, дақиқаларни санаб турган сиз эмасмидингиз? Ёвуз ниятингизни ҳеч иккиланмай амалга оширган сиз эмасмидингиз? Ўша ажал дорисини ғоят усталик ва ишонч билан тайёрлаган сиз эмасмидингиз!.. Бу разил ишларни жуда қойилмақом қилиб бажарган бекам қилмишлари фош этилганда қандай жазога мубтало бўлишини ўша пайтларда, наҳотки, унутиб қўйган бўлса? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас; менимча, энг мазали, жуда тез, бехато таъсир этадиган заҳарни маҳкам яшириб, сақлаб қўйган бўлишингиз керак. Шундай қилгансиз, деб ишонсам бўладими?

Де Вильфор беканинг қадди букилди-ю, ўзини ташлаб, чўккалаб қолди.

– Кўриб турибман, айбингизга иқрор бўляпсиз, – деди Вильфор, – аммо, билиб қўйингки, инкор этишга илож топилмагач, сўнгги дақиқада судья олдида иқрор бўлиш билан жазони енгиллаштириб бўлмайди.

– Жазо?! – деди қичқириб де Вильфор хоним. – Бу сўзни яна айтяпсиз-а!

– Ҳа, жазо! Ёки тўрт марта гуноҳ қилиб, ҳеч жазога йўлиқмаган эдим, бу гал ҳам сувдан қуруқ чиқаман, деб ўйляпсизми? Жазо берилишини талаб қилаётган зотнинг рафиқасиман-ку, наҳотки у қўлламаса, деган хомхаёлга боряпсизми? Йўқ, хоним! Қотил ким бўлмасин, қайси улуг, олий табақага мансуб бўлмасин, барибир, у жаллод кундасига ифлос бошини қўйишга мажбур; агар қотил энг кучли заҳардан бир неча томчисини ўзи учун сақлаб қўйган бўлса, унда бошқа гап.

Де Вильфор хоним овози борича қичқириб юборди; башараси тамом қўрқинчли тусга кирди.

– Қўрқманг, бекам, қўрқманг, мен жаллод кундасига бош қўйишни сиздан талаб қилаётганим йўқ, – деди қироллик прокурори, – шармандаю шармисор бўлишингизни истамайман, чунки унда мен ҳам шарманда бўламан; аксинча, менинг сўзларимдан жаллод кундасида ўлмаслигингиз лозимлигини англаб олишингиз керак эди.

– Йўқ, англаганим йўқ, нима демоқчи эдингиз? – деди зўрға овоз чиқариб шўрлик хоним.

– Мен, қироллик прокурорининг рафиқаси муборак номимизни иснодга қўйишини ва эри билан ўғлининг ору номусини барбод этишини истамайди, демоқчиман.

– Йўқ, ундай қилмайман, асло!

– Бекам, бу билан сиз олижаноб иш қилган бўлсангиз, мен сиздан миннатдорман.

– Миннатдорман? Нима учун?

– Ҳозирги сўзингиз учун.

– Нима дедим мен? Нима деганимни билмайман, эсимда йўқ.

Шундай деди-да, хоним сапчиб ўрнидан турди, унинг сочлари тўзғиган, афт-башараси буришиб-тиришиб кетган эди.

– Мен кира солиб берган саволимга, яъни ишлатиб келаятган захар қаерда, деган саволимга жавоб бердингиз.

Де Вильфор бека безгак тутгандай қалтираб, қўлларини бир-бирига ишқалади.

– Йўқ, йўқ! Сиз бунга истамайсиз! – деди инграб хоним.

– Мен фақат бир нарсани, – деди Вильфор, – яъни сизнинг жаллод кундасида ҳалок бўлишингизни истамайман.

– Раҳм қилинг!

– Мен одил суд ўз бурчимни адо этишини истаيمان. Жазолаш – менинг вазифам, – қўшимча қилди кўзлари ёниб Вильфор. – Бошқа ҳар қандай аёлни, ҳатто у қиролича бўлганида ҳам, бундай жиноят учун тўғри жаллод қўлига топширардим; сизга эса шафқат қилиб шундай маслаҳат беряпман. Мен, хоним, ахир ўша тезоб ва беомон захарингиздан бир неча томчисини эҳтиётдан ўзингиз учун сақлаб, яшириб қўйгандирсиз, деяпман.

– Раҳмингиз келсин менга! Улимга маҳкум этманг мени!
– Ҳа, бўлди, иродасиз экансиз, вассалом! – деди Вильфор.

– Рафиқангиз эканимни унутманг!

– Сиз жирканч махлуқсиз!

– Худо ҳаққи, раҳм қилинг!

– Бу мумкин эмас.

– Илк муҳаббатингиз ҳаққи!

– Йўқ, йўқ!

– Фарзандимиз ҳаққи! Фарзандимиз ҳаққи, ўлдирманг мени! Ёлвораман!

– Йўқ! Йўқ! Йўқ! Агар мен сизни тирик қолдирсам, эҳтимол, сиз бир кун бориб шу фарзанднинг жонига ҳам қасд қилишдан тоймайсиз.

– Мен-а? Мен ўз ўғлимнинг жонига қасд қиламанми? – деди телбаларча қичқариб она ва ўзини Вильфорга ташлади. – Ўз Эдуаримни-я! Ҳа, ха, ха!

Телбанинг иблисона қаҳқаҳаси хонани парзага солди, кейин бўғиқ, хирилдоқ товуш чиқариб, жим бўлди.

Де Вильфор хонимнинг оёқлари букилиб, чўккалаб қолди.

Вильфор унинг олдига борди.

– Хоним, билиб қўйингки, – деди у, – мен қайтиб келганимча одил суд бажо этилмаса, шармандаларча қамоққа оламан.

Хоним бу гапларни эшитиб бутунлай тамом бўлди.

– Тушундингизми? – деди Вильфор. – Қамоққа оламанда, суд залига бориб, қотилга ўлим жазоси беришни ўзим талаб этаман, ўзим... қайтиб, сизни тирик ҳолда кўрсам, бу тунни Консьержерида ўтказасиз.

Де Вильфор хоним бир оҳ тортиб, гиламга йиқилди. Қироллик прокурорининг кўзларида шафқат аломати кўрингандек бўлди, у бошини сал эгиб:

– Алвидо, хоним, – деб қўйди.

Бу сўз жаллод пичоғи каби де Вильфор беканинг бағрига ботди. Хоним ҳушидан кетди.

Қироллик прокурори хонадан чиқди-да, калитни икки бураб, эшикни қулфлаб қўйди.

ХИ. СЕССИЯ

Бенедеттонинг иши (суд оламида ва оқсуяклар жамоатчилигида бу ишга шундай деб ном беришганди) жуда катта шов-шувга сабаб бўлди. Сохта Кавальканти Кафе-де-Парига, Гент бульварига ва Булон ўрмонида ҳадеб қатнайвериби, ҳаммага отнинг қашқасидек таниш бўлиб қолган ва тақводорлар орасида обрў қозониб, анча-мунча ошна-оғайни ҳам орттириб олганди.

Унинг Париждаги қилмишлари ҳақида, оғир жазо қамоқхонасида қандай яшагани ҳақида газеталар кўпдан-кўп тафсилотлар эълон қилишди. Буларнинг ҳаммаси одамларни, айниқса князь Андреа Кавалькантини яқиндан таниганларни жуда қизиқтирган эди, қамоқхонада бирга бўлган жўрасини ўлдирган жаноб Бенедеттони судда қора курсида ўтирган ҳолда кўришни истаганлар ҳисобсиз эди.

Кўплар, Бенедетто одил суднинг қурбони бўлмаса-да, ҳар ҳолда суд хатосининг қурбони бўлди, деб ҳисобларди. Унинг отаси жаноб Кавальканти парижликларга таниқли одам эди, шу важдан ҳамма, отаси келиб арзандасини қутқариб олади, деб ўйларди. У машҳур венгерча кийимида граф Монте-Кристонинг уйида пайдо бўлганида одамларда жуда катта таассурот қолдирганди, ташқи кўриниши, баҳодирона қиёфаси, латиф муносабати билан ҳаммани қойил қилган эди.

Айбдорга келганда, уни ҳамма хушмуомала, мардонавор, хотамтой йигит деб фараз қиларди, шу сабабдан бу воқеа бирор душманнинг фитнасида бошқа нарса эмас, бойлик одамга ҳар қандай яхшилик ва ёвузлик қилиш ҳуқуқини берадиган, уни тенгсиз қудратга эга қилиб кўядиган бу дунёда бундай ҳодисалар тез-тез бўлиб туради, деб ҳисоблашарди.

Хуллас, ҳамма суд залига киришга ошиқарди: баъзилар ҳузур билан томоша қилиш учун, бошқалар эса шу ҳақда сафсата сотиш учун. Соат эрталаб еттиданок зал эшиклари олдида тумонат одам тўпланди; мажлис бошланишига бир соат қолганда суднинг мажлис зали юқори табақа кишилари билан лик тўлганди.

Катта ишлар кўриладиган кунлари, суд ҳайъати залга чиққанга қадар, ҳатто ундан кейин ҳам суд зали таниш-билишлар учрашиб қолган меҳмонхонага ўхшаб кетарди; жойини бошқалар банд этиб қўйишидан кўрқмайдиганлар тўп-тўп бўлиб суҳбатлашар, узоқроққа ўтириб қолган сон-сиз томошабинлар адвокатлар ва жандармалар ажратиб қўйган вақтда имо-ишора билан саломлашиб қўя қолишарди.

Сўлим куз пайти, тонг чоғида қуёшни тўсиб қўйган булутлар аллақачон тумтарақай бўлиб кетган, офтобнинг заррин нурлари сентябрь ойининг охирги ёрқин кунларига илиқлик бағишлаб турибди.

Ҳамма ерда жойнинг энг созини эгаллаб оладиган матбаачилар шоҳи Бошан залдагиларни бирма-бир кўздан кечираётди, Шато-Рено ва Дебрэни кўриб қолди. Бу икки оғайни тўсиб қолиши мумкин бўлган ва бундай қилишга катта ҳаққи бор полиция ходимини эндигина орқага ўтиришга кўндирган эдилар. Полиция ходими министр котибини ва миллионерни таниб қолганди; у ҳатто номдор қўшниларини ҳурмат қилиб, Бошаннинг олдига бориб гаплашиб келишга рухсат этди ва жойларини банд қилиб туришга ваъда берди.

– Дўстимиз билан дийдор кўришмоқчи бўлиб келибсизда сиз ҳам, – деди Бошан.

– Бўлмасам-чи! – деди Дебрэ. – У бизнинг ҳотамтой князимиз-ку! Буни қаранг-а, италян князлари шунақа бўларканда!..

– Бу зотларнинг насл-насаби устида Дантенинг ўзи бош қотирган, уларнинг хеш-ақраболари «Илоҳий комедия»да ардоқланган!

– Бебош аристократия, – деди совуққонлик билан Шато-Рено.

– У жазога тортилади, деб ўйлаяпсизми? – сўради Дебрэ Бошандан.

– Чамамда, буни сиздан сўраш керак, – деди журналист, – суднинг кайфияти кўпроқ сизга маълум, суд раиси сўнгги гап министр қабулида бўлганида кўрганмидингиз?

– Кўргандим.

– Ушанда нима деди у сизга?

– Айтсам, ишонмайсиз.

– Айтаверинг, мен, умуман, анчадан бери ҳеч нарсадан таажжубланмай қўйдим.

– Ҳамма жуда уддабурон, илоннинг ёғини ялаган, маккор, деб юрган Бенедетто оддий бир фирибгар, ўлимидан кейин жиндак тадқиқотга ҳам арзимайдиган бир махлуқ, деди у.

– Князлик ролини жуда бошлаб ўйнади-да, лаънати, – деди Бошан.

– Бу сизнинг шахсий фикрингиз, Бошан, бундай дейишингизнинг боиси шундаки, сиз, умуман, камбағал князларни кўролмайсиз, улар бемаъни иш қилса, шодланасиз; аммо мени алдаш қийин, мен, маккор айғоқчи сингари ҳақиқий аристократни йироқдан таниб оламан.

– Демак, сиз унинг князлик унвонига ишонмаганмидингиз?

– Князлик унвонигами? Ишонгандим... Бироқ, ҳақиқий князлигига ҳеч ишонмагандим.

– Оқилона гап бу, – деди Дебрэ, – аммо амин бўлинг-ки, бошқа ҳар қандай одам уни, шубҳасиз, князь дейиши мумкин... Мен уни министрларнинг меҳмонхоналарида ҳам учратгандим.

– Министрларингизнинг кўпи князь қанақа бўлишини билармиди! – деди Шато-Рено.

– Жуда мўлжалга урдингиз-да! – деди Бошан. – Суд ҳақидаги ахборотимга буни қўшиб юборсам майлими?

– Марҳамат, азизим Бошан, – деди Шато-Рено, – сўзимни ўз нархида ҳадя қилдим сизга.

– Аммо мен суд раиси билан гаплашганимни айтдим, – деди Дебрэ Бошанга, – сиз қиролик прокурори билан гаплашгандирсиз?

– Гаплашишининг иложини тополмадим; бир ҳафтадан буён Вильфор бекиниб олган. Бунда ажабланадиган ҳеч нарса йўқ; оиласида кетма-кет бахтсизлик юз берди; пировардида қизидан ажралди; қизининг ўлими ҳам аллақандай сирли, ғалати ҳолатда юз берган...

– Сирли ҳолатда? Нима демоқчисиз бу билан, Бошан?

– Бу гапларнинг ҳаммаси суд аристократиясига тааллуқли-да, шунинг учун ўзингизни нуқул билмасликка соляпсиз,

– деди Бошан кўзига моноклини тақиб ва уни тутиб туришга уриниб.

– Азизим, – деди Шато-Рено, – монокл тақиш борасида Дебрэнинг олдида ип эшолмайсиз. Дебрэ, кўрсатиб қўй, Бошанга қанақа қилиб тақишни.

– Ҳа, янглишмабман, худди ўзи, – деди Бошан.

– Нима?

– Ушанинг ўзи.

– Ким у?

– Уни кетди дейишган эди-ку.

– Мадемуазель Эженими? – сўради Шато-Рено. – Қайтиб келибдими яна?

– У эмас, онаси.

– Данглар хонимми?

– Бўлмаган гап, – деди Шато-Рено, – қизининг қочиб кетганига ҳали эндигина ўн кун, эрининг хонавайрон бўлганига уч кун бўлди-ку! Қайси юз билан у одамлар кўзига кўрина олади?

Дебрэ хиёл қизариб кетди ва Бошан қараб турган томонга кўз ташлади.

– Йўғ-э, қалин ўртук ўраб олган аёл чет эллик хонимлардан бўлса керак, эҳтимол, князь Кавалькантининг онасидир. Сиз бир қизиқ воқеани ҳикоя қилиб бермоқчийдингиз, шекилли, Бошан?

– Менми?

– Ҳа, сиз, Валентинанинг сирли бир ҳолатда ўлганини айтдингиз.

– Ҳа, тўғри, айтгандай, де Вильфор хоним кўринмайди-ларми?

– Шўрлик! – деди Дебрэ. – Эҳтимол, касалхоналар учун ялпиздан дори ёки ўзига ва дугоналарига упа-эликлар тайёрлаётгандир. Айтишларига қараганда, мана шу нарсалар учун у йилига уч минг экю сарфлар экан. Дарвоқе, нега у кўринмайди? Мен уни жон-жон деб кўрган бўлардим, менга ёққан хонимлардан бири де Вильфор хоним-да.

– Мен уни кўргани кўзим йўқ, – деди Шато-Рено.

– Нега энди?

– Ўзим ҳам билмайман. Нечун севамиз, нечун нафратланамиз – билмайман. Уни жиним ёқтирмайди, ёмон кўраман.

– Эҳтимол, бу табиий туйғудир сизда.

– Эҳтимол... Келинг, ҳикоянгизга ўтайлик, Бошан.

– Жаноблар, – деди сўзини давом эттириб Бошан, – нахотки, бу Вильфор хонадонидан нега қаторлашиб ўлик чиқяпти, деган савол туғилмаган бўлса бошингизда?

– Қаторлашиб? Бу оқилона ибора, – деди Шато-Рено.

– Бу ибора Сен-Симонда кўп учрайди.

– Вильфорникида сафсатабозлик эмас, амалий иш қилин-япти, шундай экан, келинг, Вильфор тўғрисида гаплашай-лик.

– Очигини айтсам, бу хонадонга жуда қизиқиб қолдим, мана уч ой бўптики, бошлари азадан чиқмай қолди. Ўтган куни Валентина вафоти муносабати билан хонимнинг «ўзи» менга гапирди.

– «Ўзи» деганингиз ким? – сўради Шато-Рено.

– Министрнинг рафиқаси.

– Узр, – деди Шато-Рено, – мен министр ҳузурида бўлмай-ман, бу вазифани князларга топширдим.

– Илгари сиз, барон, учқун отардингиз, энди чақмоқ отяп-сиз; раҳм қилинг бизга, йўқса янги пайдо бўлган Юпитер сингари бизни жизғанақ қилиб ташлашингиз ҳеч гап эмас.

– Хўп, бас қилдим, – деди Шато-Рено, – аммо сиз менга раҳм қилинг, жигимга тегаверманг.

– Менга қаранг, Бошан, гапни бошқа ёққа бурманг. Ўтган куни унинг «ўзи» мендан тушунтириб беришни сўради; сиз билганларингизни менга айтиб беринг, мен унга етказаман.

– Хуллас, жаноблар, – деди Бошан, – хонадондан қатор-лашиб ўлик чиқаётган экан, бу уйда қотил бор.

Дўстлари бу гапдан чўчиб кетишди, улар ҳам бир неча бор шу фикрни хаёлдан ўтказишган эди.

– Хўш, қотил ким экан? – сўрашди жўралар.

– Жинқарча Эдуар.

Шато-Рено билан Дебрэ кулиб юборишди. Бошан эса пинагини бузмай сўзини давом эттирди:

– Шундай, жаноблар, шундай, жинқарча Эдуар одам ўлдиришда катталардан қолишмайдиган баттол.

– Бу ҳазилми?

– Ҳечам ҳазил эмас, Вильфорникидан қочиб кетган қаролни кеча ўзимга олдим. Энди бу ёғига қулоқ солинг.

– Хўш, хўш, қулоғимиз сизда.

– Эртага уни бўшатиб юбораман; у жуда очофат экан, овқат егани еган; афтидан, Вильфорникида бир неча кун томоғидан овқат ўтмай, «рўза» тутган бўлса керак, ўшанинг ҳиссасини энди келиб меникида чиқаряпти, баччағар. Хуллас, болакай Эдуар қаердандир бир шишада ўткир дори топибди-да, ким унинг жиғига тегса, шу дори билан унинг адабини бераётган эмиш. Дастлаб Сен-Меран бува билан Сен-Меран буви унинг гашига тегибди, болакай уларнинг стаканига ҳалиги доридан уч томчидан томизибди; уч томчиси ҳар қандай одамни ўлдираркан; сўнг Нуартье буванинг кекса хизматчиси Барруа ҳам болакайни тез-тез койиб тураркан. Бола унга ҳам ҳалигидан уч томчи берибди. Сўнгра навбат шўрлик Валентинага келибди, болани у хафа қилмас экану, бироқ болакай унга ҳасад қиларкан, шу вадан Валентинанинг стаканига ҳам ўша сеҳрли ичимликдан уч томчи қуйибди; бечора қиз ҳам шу билан жон бериб қўя қолибди.

– Чўпчакни қўйинг, – деди Шато-Рено.

– Жуда ваҳимали чўпчак-а, тўғрими? – деди Бошан.

– Бўлмаган гап, – деди Дебрэ.

– Сиз ҳақиқатнинг кўзига тик қарашдан қўрқяпсиз, – деди эътироз билдириб Бошан. – Ишонмасангиз, менинг хизматкоримдан, тўғрироғи, мен эртага бўшатиб юбормоқчи бўлган хизматкордан сўранг: уйдагиларнинг ҳаммасининг оғзида ҳозир фақат шу гап.

– Қанақа сеҳрли ичимлик экан у? Ҳозир қаерда экан?

– Болакай тушмагур уни яшириб қўйган эмиш.

– Қаердан олган экан?

– Ойисининг лабораториясидан.

– Ҳали унинг онаси лабораторияда заҳар сақлар эканми?

– Қайдам. Сиз худди қироллик прокурори сингари сўроқ қиляпсиз-ку мени. Яна қайтариб айтаман: мен бу гапларни бировдан эшитдим. Бу гапларнинг ҳаммасини ҳалиги янги қабул қилган ва бўшатиб юбормоқчи бўлган хизматкордан эшитдим; у шўрлик кўрқиб ҳеч нарса емай юрган экан.

– Тавба! Ҳеч ақлга сиғмайдиган гап-ку!

– Ундай эмас, азизим, ундай эмас, бунда ажабланадиган ҳеч нима йўқ; ўтган йили Ришелье кўчасида турадиган бир

бола ухлаб ётган ука-сингилларининг қулоқларига игна тикиб, шўхлик қилгани эсингиздами? Ёш авлоднинг ақли жуда ошиб кетяпти-да.

– Шу гапларингизнинг ростлигига ўзингиз ҳам шубҳаланиб турибсиз, – деди Шато-Рено. – Негадир граф Монте-Кристо кўринмайди бу ерда? Наҳотки у келмаган бўлса?

– У бунақа воқеаларни кўравериш зада бўлиб кетган, – деди Дебрэ, – яна бу ерга келса таъби тирриқ бўлади. Ахир бу лаънати Кавалькантиллар уни алдаб қўлга туширишди; айтишларига қараганда, улар графга сохта аккредитивлар беришган экан, князлигига ишониб граф юз минг франк чамаси қарз берган экан, мана энди ўтдай куйиб ўтирибди, бечора.

– Шато-Рено, – деди Бошан, – мавриди келганда сўраб қолай: Моррелнинг аҳволи нечук?

– Уч марта бориб уйдан тополмадим, – деди Шато-Рено. – Кўринишдан сингилсининг кўнгли тинч; уч кундан буён қорасини кўрсатмайди, лекин ундан кўнглим тўқ, деди.

– Айтганча, граф Монте-Кристо бу ерда бўлиши мумкин эмас, – деди Бошан.

– Нега энди?

– Бу драмада унинг ўзи ҳам маълум роль ўйнаган.

– Ҳали у ҳам бирор кишини ўлдириб қўйганми? – сўради Дебрэ.

– Йўқ, аксинча, уни ўлдирмоқчи бўлишган эди. Маълумки, ўша Кадрусс деган зот граф Монте-Кристонинг уйдан чиқиб кетаётганда шериги Бенедетто томонидан ўлдирилган эди. Никоҳнинг бузилишига сабаб бўлган хат графнинг уйдан топилган камзулидан чиққан эди. Сиз ўша камзулни кўрганмидингиз? Ҳу ана, стол устида, қип-қизил қонга бўялиб ётибди, жиноятни тасдиқлайдиган ҳужжат ана шу.

– Кўрдим, кўрдим! Ҳу ана!

– Жим, жаноблар, жим, суд бошланяпти, қани, жой-жойимизга ўтирайлик.

Залдагилар ғивирлашиб қолди; полиция ходими халойиққа қараб «тинчланинг» дегандек имо қилди, эшикда пайдо бўлган суд пристави Бомарше замондаги приставларга ўхшаб ғингшиган овозда эълон қилди:

– Суд келяпти!

ХШ. АЙБНОМА

Суд ҳайъати жойига ўтирди, залга оғир сукунат чўккан эди; суд маслаҳатчилари ҳам ўринларини эгаллашди; ҳам-манинг диққат-эътиборига, ҳатто завқига ҳам сазовор Вильфор прокурор курсисига чўкди-да, залга вазмин назар ташлаб чиқди.

Унинг жиддий ва бепарво чехрасида бошига оғир купфат тушган отанинг қайғу-аламидан асар ҳам йўқ эди; бунга ҳамма ҳайрон бўлди. Инсоний ҳис-туйғулар бу зотга бутунлай ёт эди, бу ҳол кишиларни ваҳимага соларди.

– Айбдорни олиб киринг, – деди раис.

Бу сўзларни эшитиб ҳамма баравар Бенедетто кирадиган эшикка қаради.

Кўп ўтмай ўша эшик очилиб, айбдор пайдо бўлди.

Унинг ташқи кўриниши ҳаммада бир хил таассурот қолдирди: юзида ҳаяжон сезилмас, ҳеч ўзгармаган эди; бири билан шляпасини, иккинчиси билан нимчасининг тугмаларини ушлаган қўллари қалтирамасди; осойишта кўзлари ҳатто чарақлаб турарди. Бенедетто залга кира солиб, суд ҳайъатини ва халойиқни назаридан ўтказа бошлади, суд раисига ва айниқса қироллик прокурорига узоқ тикилиб қолди.

Андреа ёнига суд томонидан тайинланган оқловчи ўтирди. (Андреа бунақа майда-чуйда нарсалар билан шуғулланишни ўзига эп кўрмади.) Юзи қизарган малла ранг ёш йигит айбдорга қараганда кўпроқ ҳаяжонга тушганди.

Раис айбномани ўқиб эшиттиришни илтимос қилди. Бу ҳужжат, маълумки, Вильфорнинг моҳир ва шавқатсиз қалами билан ёзилган эди.

Бошқа ҳар қандай кишини хуноб қилиб юборадиган бу айбномани ўқиш узоқ давом этди, ҳамманинг кўзи Андреада эди, у эса пинагини бузмай, гердайиб ўтираверди.

Вильфор, эҳтимол, шу пайтгача ҳечам бу каби уддабуронлик ва моҳирлик кўрсатмаган бўлса керак, жиноят гоят муфассал тасвирлаб берилганди; айбдорнинг ўтмишдаги ҳамма қилмишларини, маънавий қиёфаси секин-аста ўзгариб борганини, жуда ёш чоғидан буён қилган хатти-ҳара-

катларини – ҳаммасини қироллик прокурори жуда усталик билан ўта таъсирли қилиб чизиб берди.

Мана шу кириш нутқи биланоқ айбдор жамоатчилик назарида тириклайин гўрга тикилган эди.

Андреа эса бу даҳшатли айбномани назар-писанд қилмай, кўзларини лўқ қилиб ўтирарди, Вильфор сўз орасида унга тез-тез кўз ташлаб қўяр, афтидан, айбдорнинг аҳвол-руҳиятини кузатиб борарди; бироқ Андреа прокурорнинг ўқдай тикилишларидан заррача сесканмади, ҳатто бирор марта ҳам ерга қарамади.

Прокурор айбномани ўқиб тугатди.

– Айбдор, – деди раис, – исм, фамилиянги?

Андреа ўрнидан турди.

– Раис жаноблари, кечирсинлар, – деди у аниқ, жаранглаган овозда, – чамамда, сиз жавоб беришда мени қийнай-диган тартибда саволлар бермоқчисиз. Мен оддий айбдорлардан фарқ қилсам керак, деб ўйлайман ва буни кейинроқ исботлаб ҳам бераман. Менга бошқача тартибда жавоб беришга рухсат этинг, шундагина ҳамма саволларингизга жавоб беришга тайёрман.

Раис таажжуб-ла суд маслаҳатчиларига, улар эса қироллик прокурорига қарашди.

Халойиқ ҳайратда қолган эди.

Андреа бундан заррача хижолат тортмади.

– Ёшингиз нечада? – сўради раис, – бу саволга жавоб берарсиз?

– Албатта, жаноб раис, навбати билан бундан кейингиларига ҳам жавоб бераман.

– Ёшингиз нечада? – такрорлади саволини раис.

– Йигирма бирда ёки тўғрироғи, бир неча кундан сўнг йигирма бирга кираман, чунки, бир минг саккиз юз ўн еттинчи йил сентябрь ойининг йигирма еттинчисидан йигирма саккизинчисига ўтар кечаси туғилганман.

Нималарнидир ёзиб ўтирган Вильфор бу сўзларни эшитиб, бошини кўтарди.

– Туғилган жойингиз? – давом эттирди саволини раис.

– Париж яқинидаги Отейлда, – деди Бенедетто.

Вильфор яна Бенедеттога қаради, у худди Медузанинг калласини кўриб, кўрқиб кетган кишидек ранги оқарди.

Бенедетто эса қаддини ростлади-да, гулдор рўмолчасининг учи билан лабларини артди.

– Касб-корингиз? – сўради раис.

– Дастлаб қалбакичилик билан шуғулландим, – деди пинагини бузмай Андреа, – сўнг ўғирлик қилдим, кейинги кунларда каллакесарлик хунари билан ҳам машғул бўла бошладим.

Залдагилар ғазаб ва таажжубда шов-шув кўтаришди; суд ҳайъатидагилар ҳам айбдорнинг бу сурбетлиги, ҳаёсизлигидан дарғазаб бўлиб ҳайратда бир-бирларига қараб қўйишди.

Вильфор қизариб-бўзариб кафти билан пешанасини артди, нафаси бўғилиб, ўрнидан ирғиб турди-да, атрофга аланглади.

– Жаноб қироллик прокурори, бирор нарса ахтаряптиларми ўзлари? – сўради Бенедетто назокат билан илжайиб.

Вильфор ҳеч нима демай яна ўтирди, тўғриси, ўриндиққа йиқилиб тушди.

– Айбдор, энди исм-фамилиянгизни айтарсиз? – сўради раис. – Жиноятларингизни беҳаёларча санаб чиқишингиз, ҳатто бу жиноятларни фахр билан касб-корим деб эълон этишингизнинг ўзи суднинг оғир жазо бериши учун етарлидир. Бироқ сиз фамилиянгизни жўрттага дарҳол айтмадингиз: исм-фамилиянгизни барча унвонларингиз билан бўяб, рангдор қилиб кўрсатмоқчисиз, шекилли?

– Раис жаноблари, калламдаги фикрни жуда аниқ билиб олиб, мени ҳайратга солиб қўйдингиз, – деди чертиб-чертиб Бенедетто, – ҳақ гапни айтдингиз, худди ана шу мақсадда саволлар тартибини ўзгартишни илтимос қилган эдим.

Бу гап ҳаммани яна бениҳоя таажжубга солди, айбдорнинг сўзларида энди манманликдан, ҳаёсизликдан асар ҳам қолмаган эди. Ҳаяжонга тушган оломон бу мавҳум иборалар кетидан ҳаммани ларзага келтирадиган ўтли иборалар келиб чиқишини сезиб турган эди.

– Хўш, – деди раис, – исмингиз?

– Исминни айтолмайман сизга, чунки уни ўзим ҳам билмайман, аммо отамнинг исмини биламан, уни айтиб беришим мумкин.

Вильфорнинг боши айланиб, кўзи тинди, тер босди, титраган қўллари қоғозларни пайпаслай бошлади.

– Ундай бўлса, майли, отангизнинг исмини айтинг, – деди раис.

Улкан залга оғир сукунат чўкди, ҳамма нафасини ичига ютиб кутарди.

– Менинг отам қироллик прокурори, – деди осойишта оҳангда Андреа.

– Қироллик прокурори! – деди ҳанг-манг бўлиб раис, у Вильфорнинг ранги ўзгариб кетганини кўрмаган эди.

– Ҳа, сиз унинг исмини билмоқчисиз, исмини ҳам айтиб бераман: унинг исми де Вильфор!

Суд ҳайъатига ҳурмат юзасидан ҳамма ўзини босиб ўтирган эди, бироқ бу сўзларни эшитгач, оломон ғазабдан қичқириб юборди. Ҳатто судья ҳам ғазабга миниб, шовқин солган халойиқни тартибга чақиришни унутди. Ҳамон пинагини бузмай турган Бенедеттога қарата ёғилаётган ҳақоратлар, дўлайтирилган муштлар, жандармаларнинг ҳайқириқлари, жанжалга ўч пасткаш кишиларнинг ғовурғувири узоқ давом этди, судья ва полиция одамларни зўрға тинчитди.

Ҳалиги шовқин-сурон ичида суд раисининг қуйидаги сўзлари эшитилди:

– Айбдор, сиз судни масхаралаяпсизми? Ҳамшаҳарларимиз олдида сиз ҳатто парокандаликка юз тутган асримизда ҳам тенги топилмайдиган ҳаёсизлик, беадаблик кўрсатяпсиз!

Унга яқин одам ўриндиқда қадди букилиб, чўкиб қолган қироллик прокурорини қуршаб, кўнглини кўтарар, ҳамдардлик изҳор этарди.

Залга яна сукунат чўкди, фақат бир бурчакда ҳамон шовқин босилмасди: қандайдир аёл ҳушидан кетиб йиқилган эди, дори ҳидлатиб ҳушига келтириб қўйишди.

Ола-ғовур пайтида Андреа оломонга қараб илжайиб қўйди, сўнг олифталик билан ўриндиққа суянди-да, сўзга тушиб кетди:

– Жаноблар, тепамда Худо турибди, мен судни мазах қилишни ва бу ерга тўпланган ҳурматли зотлар кўнглига гулгула солишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Мендан

қачон туғилганимни сўрадилар – айтиб бердим; исмиمنى сўрашди, мен бу саволга жавоб беролмадим, исмиمنى йўқ; чунки ота-онам мени ташлаб кетишган экан. Бироқ отамнинг исмини айтиб беришим мумкин эди, айтиб бердим; яна қайтараман: отамнинг исми де Вильфор, буни исботлаб беришим мумкин.

Айбдор бу гапларни зўр ишонч ва эътиқод билан айтди, буни эшитган зал сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Ҳаманинг кўзи қироллик прокурорида эди. Вильфор ун чиқармас, мурда каби қотиб қолган эди.

– Жаноблар, – давом этди Андреа, – сўзларимни шарҳлаб, далиллар билан исботлаб беришим керак.

– Тергов вақтида, отам Бенедетто, деган эдингиз-ку, – хитоб қилди раис ғазаб-ла, – етимман, туғилган ерим Корсика деган эдингиз-ку!

– Терговда нимани айтиш зарур деб ҳисоблаган бўлсам, ўшани айтдим; саргузаштимдаги сир-асроримни вақти келганда, ҳамма эшитадиган қилиб намойишкорона ошқора қилишга халақит бермасинлар, деб ўйлаб шундай қилгандим.

Шундай қилиб, мен бир минг саккиз юз ўн еттинчи йилнинг йигирма еттинчи сентябридан йигирма саккизинчи сентябрига ўтар кечаси Отейлда туғилдим; мен қироллик прокурори жаноб де Вильфорнинг ўғлиман. Тафсилотини эшитишни истайсизми? Қулоқ солинг.

Мен Фонтен кўчасидаги йигирма саккизинчи уйнинг иккинчи қаватида, деворларига қизил парда тортилган хонада дунёга келдим. Отам мени кўтариб олиб, онамга бола ўлди, деб Э ва Н ҳарфлари тикилган сочиққа ўрадида, яшикка солиб, боққа чиқариб тириклайин кўмди.

Вильфор довдираб, ўзини тамоман йўқота бошлади, айбдор эса ўзини ниҳоятда дадил тутиб сўзларди. Буни кўриб залдагилар парзага кела бошлади.

– Ахир бу тафсилотларни қандай қилиб билиб олдингиз? – сўради раис.

– Ҳозир айтаман, раис жаноблари, ҳозир. Отам мени кўмган боққа ўша кечаси бир корсикалик кириб келган экан, у одам отамга зимдан тиш қайраб, қасос олиш пайида юрган экан. У чакалакзорга яшириниб олиб, отам мени

ерга кўмаётганда пусиб келиб, пичоқ урибди. Сўнгра яшикда қимматбаҳо нарса бўлса керак, деб ўйлаб, яшикни қазиб олибди ва мени тирик топиб етимхонага олиб бориб берибди, у ерда менга эллик етти рақамини қўйиб, қабул қилишибди. Орадан уч ой ўтгач, ҳалиги корсикаликнинг сингиси Рольянодан Парижга, етимхонага келибди-да, бу менинг ўғлим деб, мени олиб кетибди. Ўзим Отейлда туғилган бўлсам-да, Корсикада униб-ўсганимнинг боиси мана шунда.

Залда оғир жимлик ҳукм сурарди, минглаб одамларнинг ҳарсиллаб нафас олиши эшитилмаганда, зал бўм-бўш деб ўйлаш мумкин эди.

– Сўнгра? – деди раис.

– Мен бу меҳрибон оилада ўз фарзандларидек бахтиёр яшайверсам бўларди, бироқ ножўя қилиқларга берилиб кетдим, мени ўғил қилиб олган онам бечора мени тўғри йўлга солиб, тарбиялашга роса уринди, аммо натижа чиқмади; мен ёмон йўлга кириб кетиб, пировардида жинойтчи бўлиб чиқдим. Кунлардан бир куни мени шундай ёмон йўлга солиб юборгани учун Худодан нолиб, унга лаънат ўқиб турганимда боқиб олган отам менга шундай деди:

«Худога шак келтирма, бадбахт! Яратганнинг ўзи қарғаб яратмаган сени! Сенинг жинойтчи бўлиб кетишингга ўзинг эмас, отанг сабабчи, ҳамма айб унда, сени у дунёю бу дунё мусибатга, қашшоқликка маҳкум этган ҳам отанг».

Ушандан бери Худога эмас, отамга лаънат ўқиб келдим. Раис жаноблари, шунинг учун ҳам сизни чандон ғазабга келтирган ва залда ўтирганларни гулғулага солган сўзларни бугун шу ерда айтишга журъат этдим; агар буни ҳам янги жинойт деб ҳисобласангиз, жазо бераверинг менга, борди-ю, менинг сўзларимга, яъни дунёга келиб, кўз очган кунимдан бошлаб ҳаётим оғир мусибатлар билан ўтгани ҳақидаги гапларимга инонган бўлсангиз, шафқат қилинг менга!

– Онангиз ким? – сўради раис.

– Онам мени ўлган ҳисоблаб, фарзандининг баҳридан ўтиб қўя қолган. Уни мен ҳозирги аҳволимда ҳечам айблай олмайман. Онамнинг исмини билишни истамадим, мен уни танимайман.

Шу пайт, ҳозиргина ҳушига келган нотаниш аёл ўтирган бурчақдан қаттиқ чинқирӣқ овози келди, кучли тутқаноқ тутиб қолди, уни суд залидан олиб чиқиб кетишди. Аёлни кўтарганларида юзини бекитиб турган қалин чодраси очилиб кетиб, атрофдагилар унинг баронесса Данглар эканлигини танишди.

Мадори қуриб, қулоқлари шанғиллаб, фикр-хаёллари чувалашиб, боши гаранг бўлиб қолган Вильфор ҳам ўрнидан туриб уни кўрган эди.

– Далил келтиринг, далил! – деди раис. – Айбдор, унутмангки, айтаётган мудҳиш сўзлар сира инкор қилиб бўлмайдиган далиллар билан исботланмоғи керак.

– Исботлайми? – деди кулиб Бенедетто.

– Албатта.

– Де Вильфор жанобларига бир назар ташлаб қўйинг: шунинг ўзи далил эмасми? Бундан бўлак яна қанақа далил керак?

Бутун зал қироллик прокурори томон ўгирилди: Вильфор ўқдай қадалган минглаб кўзлар зарбасидан оёқлари букилиб, гандираклаб кетди, унинг сочлари тўзган, бетлари тимдаланган эди.

Оломон ўртасида шов-шув кўтарилди.

– Ота, мендан далил талаб қилишяпти, – деди Бенедетто, – исботласам майлими?

– Йўқ, – деди бўғиқ овозда Вильфор, – ортиқча далил-исботга ҳожат қолгани йўқ.

– Нега ҳожат қолгани йўқ, деяпсиз? – деди хитоб қилиб раис. – Бу билан нима демоқчисиз?

– Демоқчиманки, – деди қироллик прокурори, – гирибонимдан олган ажал чангалидан қутулишга беҳуда уриниб нима қиламан; ҳа, мен Тангри қаҳрига дучор бўлдим! Исботлаб ўтиришнинг ҳеч ҳожати йўқ! Мана шу йигит айтган гапларнинг ҳаммаси тўғри.

Залга табиий офатдан олдин юз берадиган ва кишининг руҳини эзиб, қалбини тилка-тилка қилиб юборадиган мудҳиш сукунат чўқди.

– Жаноб де Вильфор, сизга нима бўлди, – деди хитоб қилиб раис, – галлюцинация гирдобига тушиб қолдингиз-ку! Ўзингизни йўқотиб қўйдингиз-ку! Тўғри, тўсатдан кўз

кўрмаган, қулоқ эшитмаган даҳшатли айбларнинг сизга тўнкалишидан пол бўлиб қолгандирсиз, аммо... эс-хушингизни йиғиб олинг!

Қироллик прокурори бошини чайқади, у дағ-дағ қалтирар, тиллари такилларди, юзи бўздай оқариб кетганди.

– Раис жаноблари, менинг ақл-хушим жойида, – деди у, – фақат вужудим азият чекапти, бу зот менга тўнкаган ҳамма айбларни гарданимга оламан; мен уйга қайтиб, ўрнимга тайинланадиган қироллик прокурори жанобларининг фармойишини кутаман.

Бильфор бу сўзларни зўрға овоз чиқариб изҳор этди-да, гандираклаб эшик томон йўналди, навбатчи полиция бошлиғи унинг истиқболига чиқиб, беихтиёр эшикни очиб қўйди.

Бу даҳшатли, мудҳиш воқеадан ҳаяжонга тушган бутун залдагилар нафасини ичига ютди; Парижнинг юқори табақа жамоатчилиги икки ҳафтадан буён кутиб турган сеҳрли, воқеаларнинг бу каби фожиа билан тугаши ҳаммани даҳшатга солган эди.

– Ҳаётда драмалар бўлмайди, дейишади-я, тағин, – деди Бошан.

– Очигини айтсам, – деди Шато-Рено, – мен унинг ўрнида бўлганимда, генерал Морсерга ўхшаб жонимдан воз кечиб қўя қолардим. Бундай шармандали фалокатга дучор бўлгандан кейин яшашнинг қандай қизиги қолди: манглайингдан қарсиллатиб отда, осонлик билан қутул-қўй.

– Яъни, жаҳаннамга йўл тутган яхшироқ, дегин, – деди Бошан.

– Мен эса, унинг қизига уйланмоқчи бўлиб юрувдим-а! – деди Дебрэ. – Шўрлик қиз ўлиб қутулиб, яхши қилган экан.

– Суд мажлиси ёпиқ, деб эълон қилинади, – деди раис – иш кейинги сессияга қолдирилади, тергов янгидан ўтказилади, бу тергов бошқа кишига топширилади.

Ҳамон кўнгли хотиржам Андреа халойиқнинг кўз олдида баланд поғонага кўтарилди-да, уни беихтиёр ҳурматлаб ўраб олган жандармалар кузатувида залдан чиқиб кетди.

– Ҳўш, азизим, ўзлари нима дейдилар бу ҳангомаларга? – деди Дебрэ полиция ходимининг қўлига олтин сўлкавой қистириб.

– Енгил томонини кўзлаб иш тутишади-да, – деди полиция ходими.

XIV. ГУНОҲНИ ЮБИШ

Вильфор бошини қуйи солиб ташқарига чиқяпти, ҳамма четга чиқиб, унга йўл беряпти. Шундай оғир мусибатга, бахтсизликка гирифтор бўлган кишига дастлаб ҳамма ачинади, ҳамдард бўлади, энг даҳшатли дамларда ҳам шундай бўлган. Ғазабга минган оломон кўзига ёмон кўринганни тошбўрон қилиб ўлдириш мумкин, бироқ ўлим ҳукми эълон қилинганда, у ҳар қандай зўр жиноятчи бўлмасин, унга ҳақорат тоши отганлар камдан-кам бўлади.

Вильфор ўзига ўзи ҳукм чиқариб, саф тортиб турган томошабинлар, қоровуллар, суд корчалонлари ўртасидан ўтиб кетди.

Дунёда шундай фожиалар юз берадики, уларни одамлар фақат ҳис этадилар, аммо ақлга сиғдира олмайдилар, ана шунда оғзидан энг самимий, энг эҳтиросли ҳайқирик отилиб чиққан зотни улуғ шоир, деса бўлади. Бу ҳайқирикни оломон бутун бир қисса ўрнида қабул қилади, бунга у ҳақли; бу ҳайқирикда ҳақиқат жаранглаб турса, оломон уни жуда мукамал, деб ҳисоблашга ҳам ҳақли.

Аммо шу топда суд залидан титраб-қақшаб, жигар-бағри эзилиб чиқиб кетаётган Вильфорнинг аҳволи руҳиятини тасвирлашга ҳар қандай ўткир қалам ожизлик қилса керак.

Вильфор аранг эшиккача етиб олди, судья либосини елкасидан улоқтирди; одат юзасидан эмас, бу либос худди Нессанинг уқубатли кийими каби, елкасидан эзиб, азоб бераётгани вазидан ечиб ташлади.

У гандираклаб-гандираклаб, Дофин ҳовлисиғача етиб борди, ахтариб извошини топди, донг қотиб ухлаб ётган извошчини уйғотди, эшикни ўзи очиб, қўли билан Сент-Оноре томонга ишора қилди. Ўзини ўриндиққа отди.

Отлар йўртиб кетди.

Умр бўйи тиклаган ҳаёт кошонаси оғир даҳшат солиб унинг ўз устига ағдарилди, у ҳали бунинг оқибати нима билан тугашини, қанчалик раҳна солишини билмасди, фақат

ҳис қиларди. Ҷузига жуда яхши таниш моддасини турли мақомга солиб кўрадиган оддий каллакесарлар сингари қонуннинг поақал бирор ҳарфини хаёлига ҳам келтирмасди у.

Унинг қалбига Парвардигорнинг ўзи қўл солди.

– Э, Парвардигор! – дерди унинг лаблари беихтиёр. – Э, Парвардигор!

У бу фалокатни Худонинг ўзидан, деб биларди.

Извош учиб борарди. Ўриндиқда чалқанча тушиб ётган Вильфорга нимадир халақит берарди, қўлини узатиб пайпаслади, де Вильфор хоним елпиғичини унутиб қолдирган экан; ўриндиқ орқаси билан ёстиқ орасида ётган елпиғич унинг хотираларини жонлантирди ва хотиралар тунги чақмоқ сингари бир зум ақлини равшанлаштирди.

Вильфорнинг кўз олдиди рафиқаси гавдаланди...

Кўксига чўғдек найза санчилгандек инграб юборди. Ҳозиргача у фақат ўзи чеккан купфатлар ҳақида ўйлаб келган эди, мана яна бир бахти қаро одам кўз ўнгида пайдо бўлди.

Бу бахти қаро унинг рафиқаси эди! Яқиндагина Вильфор унинг боши устида адолат шамширини ўйнатиб турган эди, ўлимга ҳукм этганди; шўрлик аёл эса шармандаю шармисор бўлиб даҳшат ичида ҳалокатга юз тутган, жонидан воз кечишга ҳозирланаётган эди.

Вильфор ҳукм чиқариб кетганидан буён орадан бир соат ўтди; хоним шу оғир дақиқаларда, эҳтимол, барча жинойтларини хаёлидан бирма-бир ўтказгандир, Худодан мадад тилагандир, хат ёзиб, бераҳм судьясидан раҳм-шафқат қилишни сўраб, дунёдан кўз юмаётгандир.

Бағри қонга тўлиб-тошган Вильфор фарёд уриб борарди.

– Бу шўрлик аёл жинойтчиликни ўзига мендан юқтирди! – деди хитоб қилиб Вильфор. – Мен эса жинойтнинг ўзиман, бутун вужудим билан жинойтман! Одамларга терлама, вабо, ўлат қандай юқса, жинойтим рафиқамга худди шундай юқди!.. Уни яна ўзим жазога маҳкум этибман-а?.. Тавба қил, ўзингни-ўзинг ўлдир, дейишга журъат этибман-а?.. Йўқ! Йўқ! У яшамоғи керак, яшайди!.. Мен билан бирга боради, бирга!.. Иккимиз Франциядан қочамиз, ўла-

ўлгунча бизни кўтариб турган ерда сайр этиб юраверамиз... Мен унга жаллод кундасини ҳам рўбарў қилгандим-а!.. Худо ҳаққи! Бундай сўзларни айтишга қандай журъат қилдим-а? Қандай? Ўша жаллод кундаси мени ҳам кутиб турибди-ку!.. Қочамиз!.. Ҳа, мен хотинимдан ҳаммаси учун етти букилиб узр сўрайман; мен ҳам жинойтчиман дейман, ҳар куни айтаман буни, ҳар куни!.. Йўлбарс билан илон иттифоқ бўлиб олади-қўяди! Эрига муносиб рафиқам!.. У яшамоғи керак, унинг айблари менинг ёвуз қилмишларим олдида юпқа, сийрак туман, холос, озгина шабада билан тарқайди, кетади!

Вильфор извошнинг олдиндаги дарчасини шартта очиб;

– Ҳайда! Тезроқ ҳайда! – деб чунон қичқирдики, извошчи чўчиб тушди.

Отлар ҳам шамолдай ела кетди.

– Ҳа, ҳа, – таъкидлади яна Вильфор, – бу аёл яшамоғи керак, у тавба-тазарру қилади-да, қутулади, ўғлимни, бахтсиз қўзичоғимни тарбиялайди: ана шу болакайим анави боши пўлатдан, жони савил чол билан бирга оила ҳалоқатини бошидан кечирди. Хоним ўғлини ўлгудек севади, уни деб жинойт йўлига кирди; ўз фарзандини севадиган хотиндан ҳеч вақт юз ўғирмаслик керак; у тавба қилиб, тўғри йўлга тушиб олади; унинг жинойти эса «ёпиқлик қозон – ёпиқлик» қабилида сир бўлиб қолаверади. Хонадонимда юз берган ва оғиздан оғизга ўтиб юрган барча ёвузликлар – жинойтлар бора-бора ҳамманинг эсидан чиқиб кетади; уларни эсга соладиган битта-яримта кимса пайдо бўлиб қолса, ҳамма айбни ўз гарданимга олиб туравераман. Нима бўлса бўлар – энди барибир! Хотиним ҳамма олтинларимизни ва энг муҳими – ўғлимни бағрига олади-да, жуфтакни уради; у яшайди, бахтиёр яшайди, муҳаббатини бутунлай бағишлаган ўғли билан яшайди! Мен эса савоб иш қилган бўламан, бундан жоним ҳам ором олади.

Қироллик прокурори мушоҳадаларини ниҳоясига етказди-да, енгил нафас олди.

Извош Вильфорнинг ҳовлисига кириб, тўхтади. У ирғиб зинага тушди; хизматчилар хўжайин нега тез қайтди, деб ҳайрон бўлиб қолганини кўрди; уларнинг башарасида шун-

дан бошқа ҳеч қандай ўзгариш сезмади, хизматчилар бир оғиз ҳам гап қотмай, одатдагидек, йўл бериб тураверишди.

Вильфор Нуартье бўлмаси ёнидан ўтаётиб, қия очиқ эшикдан ичкарига кўз ташлади, икки кишининг қўланкаси кўринди; аммо у ким экан деб ўйлаб ўтирмади, уни ваҳима қувиб борарди.

«Ҳамма нарса жой-жойида», – деди у хотини ва бўм-бўш қолган Валентина хонасига чиқадиган зинадан бориб.

У айвондаги эшикни қулфлаб қўйди.

«Бу ёққа ҳеч ким кирмаганн маъқул, мен хоним билан ёлғиз гаплашмоғим, айбимга иқрор бўлмоғим лозим, унга ҳамма воқеани айтиб бермоғим лозим...»

У хоним бўлмаси эшиги олдига келди-да, биллур тутқични тортди, эшик очила бошлади.

– Қулфламабди! – деди у пичирлаб, – бу яхшилик белгиси!

У мўъжаз меҳмонхонага кирди, кечқурунлари Эдуарга тушакни шу ерга солиб беришарди. Бола пансионда ўқирди, аммо ҳар куни кечқурун уйга қайтарди; онаси бир дақиқа ҳам ундан ажралишни истамасди.

Вильфор меҳмонхонани бир қур кўздан кечириб чиқди.

– Ҳеч ким йўқ, – деди у, – у ётоғида экан-да. Хотинининг ётоқхонаси эшигига югурди. Бироқ эшик қулф эди. У дағдағ титраб, турган жойида қимирламай қолди.

– Элоиза! – қичқирди у.

Ичкарида кимдир столни қимирлатгандай бўлди.

– Элоиза! – яна қичқирди.

– Ким? – деди овоз чиқариб хотини.

Бу овоз одатдагидан пастроқ туюлди унга.

– Очинг! Очинг! – қичқирди Вильфор, – менман!

Бу сўзлар буйруқ ва ташвишли оҳангда айтилган бўлишига қарамай, эшикни ҳеч ким очмади.

Вильфор эшикни зарб билан тепиб очиб юборди.

Остона олдида ранги докадай оқариб кетган де Вильфор хоним ҳайкалга ўхшаб турарди.

– Элоиза! – деди яна қичқириб Вильфор. – Нима бўлди сизга? Гапиринг! Нима бўлди?

Де Вильфор хоним оппоқ мажолсиз қўлларини узатди.

– Жаноб, ҳаммаси бажо келтирилди, – деди хирилдоқ овоз билан. – Яна нима истайсиз?

Шундай деди-да, Элоиза гилам устига «гуп» этиб йиқилди.

Вильфор югуриб бориб хотинининг қўлидан маҳкам тутди. Хоним олтин биллур шишани кафтида сиқиб олган эди.

Де Вильфор хоним дунёдан ўтган эди.

Қўрққанидан жони ҳалқумига келган Вильфор кўзини мурдадан узмай, орқаси билан эшик томонга тисарилди ва:

– Эдуар! Қани менинг ўғлим? Эдуар! Эдуар! – деганича ташқарига югурди.

Бу даҳшатли қичқириқни эшитган хизматкорлар атрофдан югуриб келишди.

– Ўғлим! Ўғлим! Қани менинг кўзичоғим! – сўради Вильфор. – У кўрмасин буни, олиб кетинг уни бу ердан...

– Жаноб, Эдуар пастда йўқ, – деди камердинер.

– Боғдадир, югуринг!

– Боғда ҳам йўқ; бундан ярим соат муқаддам де Вильфор хоним уни чақириб олганди; жаноб, ўша ёққа кириб кетганидан бери қайтиб чиққани йўқ.

Вильфорни қора тер босди, оёқлари титраб чалишиб кетди, боши айланиб, кўзлари тинди, ҳушидан кета бошлади.

– Чақириб олганди! – деди зўрға товуш чиқариб Вильфор, – ҳузурига чақириб олганди...

У бир қўли билан пешана терини артиб, бир қўли билан деворни ушлаб орқасига қайтди, аранг қимирлаб, беҳол қадам ташларди.

Вильфор яна ўша хонага кириши, яна мурдани кўрмоғи керак; қабрга айланиб қолган ана шу хонанинг акс садоси билан Эдуарни чақириб уйғотмоғи керак; бу ерда ун чиқариш оғир сукунатдаги қабрларни ҳақорат қилиш демақдир.

Вильфор ўзини тилдан қолаётгандек сизди.

– Эдуар! Эдуар! – деди зўрға гўлдираб.

Ҳеч ким жавоб бермади; она ҳузурига кириб, қайтиб чиқмаган бола қани?

Вильфор олдинга яна бир қадам ташлади.

Ўғли мана шу хонада бўлиши керак; де Вильфор хонимнинг жасади эса ётоқхона остонасининг қоровулдек, шундай эшик олдида ётибди. Хонимнинг қимир этмай бақ-

райиб турган кўзларида аллақандай сирли табассум қотиб қолганди.

Сал кўтарилиб турган парда орқасида роялнинг оёқлари ва кўк атлас қопланган диваннинг бурчаги кўриниб турибди.

Вильфор яна бир неча қадам ташлаб бориб диванда ётган ўғлига кўзи тушди.

Бола ухлаб қолган шекилли, деб ўйлади шўрлик ота ва ўзида йўқ қувониб кетди. У бемисл азоблар тортаётган зимзиё жаҳаннам ичра тангадай нур жилвалангандек бўлди.

У ҳозир мурда устидан ирғиб ўтиб хонага киради, бола ни даст кўтариб олиб, олис-олис манзилларга қочиб кетади; ҳа, у ўғли билан олис эл-юртларга қочиб кетади.

Ҳозирги Вильфор илгариги Вильфорга, яъни риёкорликни, ўта мунофиқликни жуда усталик билан, тақводор зотга хос назокат билан бажо келтириб юрган Вильфорга асло ўхшамасди; ҳозирги Вильфор даҳшатли жағларини охириги марта юмиб, тишларини ғижирлатаётган ярадор йўлбарснинг худди ўзи. Эндиликда у бидъат-таассуфлардан кўрқмайдиган бўлиб қолган, энди у фақат арвоҳлардан кўрқади. Мана, қаранг, у таассуфларни шартта йиғиштириб қўйиб, орқасига бир қадам тисарилди-да, мурда устидан ҳатлаб ўтиб кетди.

Ўғлини даст кўтариб бағрига босди, роса силкитди, исмини айтиб қичқирди; боладан сас-садо чиқмади. Вильфор ўғлининг юзига лабларини теккизди; боланинг оппоқ юзи муздай эди; қотиб қолган баданини ушлаб кўрди. Кўксига қўлини босди, юрак уришдан тўхтаган эди.

Бола ўлганди.

Тўрт букланган қоғоз гилам устига тушди.

Вильфор, бамисоли чақмоқ урган дарахтдай ерга гурс этиб ўзини ташлади ва чўккалаб қолди, бола унинг мажолсиз қўлидан тушиб, онаси томон юмалаб кетди.

Вильфор қоғозни олди-да, хотинининг хатини таниди ва тез-тез ўқий бошлади:

«Менинг муштипар она эканлигим сизга аён эди: жиноятни ҳам ана шу сеvimли болам учун қилдим.

Меҳрибон она ўғлидан ҳеч қачон айрилмайди!»

Вильфор ўз кўзларига ишонмас, ақли бовар қилмасди. У Эдуар жасади олдига эмаклаб борди-да, худди ўлик бола-сига тикилиб қараётган арслон каби, ўғлини яна зўр диққат билан кўздан кечирди. Бола дунёдан ўтганди.

Вильфорнинг кўксидан юракни ларзага солувчи фиғон отилиб чиқди:

– О, Парвардигор! – деди нола қилиб. – Бу ҳам Парвардигорнинг иши! Унинг қаҳри бу!

Иккала мурда уни қаттиқ даҳшатга солди, нафаси бўғилди, кечаги жасоратдан, ботирликдан энди ном-нишон қолмаганди.

Вильфорнинг қадди оғир азоб-уқубатларни кўтаролмай букилиб қолди; у ўрнидан туриб, тер босиб бир-бирига ёпишиб кетган сочларини қалтироқ қўли билан силади, умр бўйи раҳм-шафқат нималигини билмаган бу зот қарилик энгиб, чўкиб қолган отаси ёнига йўл олди. Ахир кимгадир дардларини айтиб ёрилиши керак-ку!

У бизга таниш зинадан тушиб, Нуартъе хонасига кирди.

Вильфор кирганда, Нуартъе зўр диққат ва мамнуният билан Бузонининг ҳикоясини тинглаб ўтирарди.

Вильфор аббатни кўриб, қўлларини осмонга кўтарди, шу пайт ўтмиш даҳшатли тўлқин каби кўз олдида гавдаланди, Отейлдаги меҳмондорчиликдан икки кун ўтгач аббат билан учрашганлигини, ўша аббат Валентина вафот этган куни уникида пайдо бўлганлигини эслади.

– Жаноблари шу ерда эканлар-да! – деди Вильфор. – Сиз ҳаминша ажал билан бирга келасизми?

Бузони қаддини ростлади; Вильфорнинг дарғазаб чеҳрасидан судда можаро юз берганини фаҳмлади, ундан сўнги воқеалардан у беҳабар эди.

– Мен қизингизга жаноза ўқигани келган эдим, – деди Бузони.

– Бугун нега келдингиз?

– Бугун эса, қарзингизни тўла узганингизни айтгани келдим. Худодан мен каби шу билан кифояланишни сўраб дуо қиламан сизнинг ҳақингизга.

– Ё, алҳазар! – хитоб қилди Вильфор орқага бир қадам ташлаб, – бу товуш... Сиз аббат Бузони эмассиз-ку!

– Йўқ, Бузони эмасман.

Аббат тепаси ялтироқ парикни шартта ечди-да, бошини сарак-сарак қилди: узун-узун қора сочлар елкасига ёйилиб, унинг жасоратли юзини қоплаб олди.

– Граф Монте-Кристо! – қичқириб юборди ҳанг-манг бўлиб қолган Вильфор.

– У ҳам эмас, жаноб қироллик прокурори, ҳушингизни йиғиб, яна бир ўйланг.

– Бу таниш овоз-ку! Қаерда эшитганман мен бу овозни?

– Бу овозни сиз бундан йигирма уч йил муқаддам Рене де Сен-Меран билан никоҳ тўйингиз куни Марселда эшитган эдингиз. Ишларга лиммо-лим папкаларингизни бир титиб кўринг.

– Сиз ҳали Бузони эмасмисиз? Монте-Кристо ҳам эмасмисиз? Ё, алҳазар, менинг яширин аёвсиз душманам сиз экансиз-да? Марселда сизга бирор ёмонлик қилиб, бошимга бало орттирган эканман-да!

– Ҳа, топдингиз, худди шундай, – деди граф қўлларини кўксига қўйиб. – Эсланг, эсланг!

– Нима ёмонлик қилгандим сизга? – деди Вильфор хаёли чувалашиб. – Нима қилгандим? Айтинг!

– Сиз мени узоқ вақтлар азоб-уқубатлар гирдобида қийналиб ўлишга маҳкум этдингиз, отамни ўлдирдингиз, сиз менинг эрким билан муҳаббатимни ва бахтимни ҳам тортиб олдингиз!

– Кимсиз ахир? Айтсангиз-чи!

– Сиз Иф қалъасининг зиндонига кўмиб ташлаган бахтсиз одам арвоҳиман. Ана шу арвоҳ қабрдан чиққанда Тангрим уни граф Монте-Кристо ниқоби остига яширди-да, тагин сиз таниб қолманг, деб олмос ва олтинлар билан кўмиб ташлади.

– Танидим, танидим! – деди қироллик прокурори.

– Сиз...

– Мен Эдмон Дантесман!

– Ҳа, сиз Эдмон Дантессиз! – қичқириб юборди қироллик прокурори графнинг кўлидан тутиб, – ҳа-ҳа, қани юринг бу ёққа, юринг!

У графни зинага тортди, Монте-Кристо ҳайрон бўлиб, қироллик прокурори қаёққа етаклаётганини билолмай,

кетидан бораверди; у яна қандайдир бахтсизлик юз берган, шекилли, деб ўйлади.

– Мана кўрдингизми буни, Эдмон Дантес, кўрдингизми? – деди Вильфор графга хотини ва ўглининг мурдаларини кўрсатиб. – Кўрдингизми! Энди хурсанддирсиз.

Монте-Кристонинг ранги ўчиб кетди, у қасос олишда ҳаддан ошиб кетганини англади: энди, «Тангрим мен томонда ва у мен билан» дейишга журъат этолмаслигини фаҳмлади.

Графнинг юраги орқасига тортиб кетди, у югуриб бола қошига борди-да, унинг қош-қовоқларини кўтарди, томирини ушлаб кўрди, сўнг уни даст кўтариб Валентина хонасига олиб кириб, эшикни ичидан қулфлаб олди.

– Уғлим! – қичқирди Вильфор. – Уғлимни олиб қочди у! Лаънат сенга! Балолар ургур!!

У Монте-Кристо кетидан югурмоқчи бўлиб олға интилди, бироқ Вильфорнинг оёқлари худди ерга қоқиб қўйилгандек, ўрnidан жилмади; кўзлари олайиб, бармоқларини кўкрагига қаттиқ босди, тирноқлари остидан тирқираб қон оқди, томирлари бўртиб, пешанаси тарс ёрипаёзди.

Вильфор бир неча дақиқа донг қотиб қолди; сўнг бирдан товуши борича қичқириб юборди, дағал овозда қаҳ-қаҳ уриб кулди-да, зинадан чолиб пастга тушиб кетди.

Орадан бир соат ўтгач, Валентина хонасининг эшиги очилиб, остонада граф Монте-Кристо пайдо бўлди. Унинг ранги бамисоли девор бўлиб кетган, кўзлари хира тортиб, бўғилиб-бўғилиб аранг нафас оларди; ҳамиша хотиржам юзи қайғу-аламдан буришиб кетганди.

Граф қўлида болани кўтарганча бир жойда қимирламай турарди; бу болани энди ҳеч қандай куч тирилтиролмайди.

Монте-Кристо бир оёғи билан чўккалаб, болани онаси ёнига авайлаб ётқизди-да, бошини онанинг кўксига қўйди.

Сўнг ўрnidан туриб ташқарига йўналди, зинада хизматчилардан бирига рўбарў келиб, сўради:

– Жаноб Вильфор қаерда?

Хизматчи индамай қўли билан боғни кўрсатди.

Монте-Кристо зинадан тушиб, хизматчи кўрсатган томонга юрди. Вильфор хизматчилар давраси ўртасида зўр бериб ер қазиётганди.

– Йўқ, бу ерда эмас, – дерди у, – йўқ, бу ерда эмас.

Сўнг яна қазिशни давом эттираверди.

Монте-Кристо унинг қошига борди-да, оҳиста овоз чиқариб деди:

– Жаноб, ўғилдан ажралган бўлсангиз ҳам сизнинг...

Вильфор унинг гапига эътибор бермай:

– Мен уни топаман, – дерди, – бу ерда йўқ деманг, мен уни топаман, топмай қўймайман, ҳа.

Монте-Кристо сесканиб, орқага тисарилди.

– Ё, алҳазар! Ақлдан озибди! – деди граф.

Худонинг ғазабига учраган лаънати уйнинг деворлари худди уни босиб қолаётгандай, граф қочиб кўчага чиқди. «Шундай қилишга ҳаққим бормиди менинг?» – деди у биринчи марта ўзига.

– Етар! Етар, бас! – деди у. – Бу ёғини Худога солдим!..

Монте-Кристо уйига қайтиб борганда меҳмонхонада Моррель бор эди. У қабрига қайтиш учун Тангри белгилаб қўйган онни кутаётган арвоҳга ўхшаб, хонама-хона кезиб юрарди...

– Максимилиан, тайёрланаверинг, – деди илжайиб Монте-Кристо, – эртага Париж билан хайрлашамиз.

– Бу ерда қиладиган ишингиз қолмадимми? – сўради Моррель.

– Қолмади, – деди Монте-Кристо, – керагидан ортиқ иш қилиб юбордим, шекилли.

ХV. ҚАЙТИШ

Сўнгги кунларда юз берган воқеалар бутун Парижни ларзага солди. Эмманюель билан хотини Меле кўчасидаги уйнинг мўъжаз меҳмонхонасида бу ҳодисалардан ўта тааж-жубланиб, суҳбатлашиб ўтиришарди. Бирин-кетин Морсерни, Дангларни ва Вильфорни хонавайрон этган бу учала тасодифий фалокат ўртасида қандайдир боғланиш борлигини ҳис этишарди ёшлар.

Жигарбандларини кўргани келган Максимилиан ўз дардалами билан бўлиб, атрофдаги воқеаларга эътибор бермай қўйганди; шунинг учун ҳам уларнинг суҳбатларига қизиқиб қулоқ солмасди.

– Ростданам, – деди Жюли, – Эмманюель, кечагина бе-
ҳисоб давлат ва бениҳоя бахт эгаси бўлган бу зотлар ба-
давлат ва бахтли турмуш қураётганда фалакнинг чархи
тескари айланиб қолиши мумкинлигини унутишган бўлса
керак. Мана энди, худди Перронинг эртақларидаги синга-
ри, тўйга ёки чўқинтиришга таклиф қилинмаган дарғазаб
фаришта тўсатдан пайдо бўлди-да, ана шу фаромушлик
учун қасдини олди.

– Чинакам қабоҳат! – деди Эмманюель, Морсер ва Данг-
ларни кўз олдига келтириб.

– Қандай бахтсизлик бу! – деди Жюли Валентинани ўйлаб,
у аёлларга хос сезгирлик билан акаси ҳузурда қизнинг
номини тилга олмади.

– Агар буларни Тангрининг ўзи қаҳрига олган бўлса, –
деди Эмманюель, – демак, у шўрликларнинг ўтмишида гу-
ноҳни енгиллаштирадиган ҳеч нарса тополмабди-да: демак,
улар қарғиш теккан зотлар экан-да.

– Сен ҳеч ўйламасдан гапирасан-да, Эмманюель, – деди
Жюли, – отам тўппончани чаккасига тўғрилаб турганида,
кимдир, сенга ўхшаб: «Бу киши ўз қилмиши билан мана
шунга пойиқ эди», деганида, яхши қилган бўлармиди?

– Аммо Парвардигори олам Авраамнинг ўғлини қурбон
қилишига йўл қўймаганидек, отамизнинг ҳам ҳалок бўли-
шига йўл қўймади; бизга халоскор фариштасини йўллади-
да, отамни ажал чангалидан қутқариб қолди.

Эмманюель сўзини тугатиши билан ташқаридан қўнғи-
роқ чалинди. Қоровул кимнингдир ташриф буюрганини
хабар қиларди.

Шу заҳоти эшик очилиб, остонада граф Монте-Кристо
пайдо бўлди.

Жюли билан Эмманюель уни қувониб қарши олишди.

Максимилиан бошини кўтариб қаради-да, сўнг яна қўйи
солди.

– Максимилиан, – деди граф ўзини унинг бепарволиги-
ни сезмагандай, – мен сизга келдим.

– Менга? – деди худди уйқудан уйғонган кишидай Моррель.

– Ҳа, сизга, – деди Монте-Кристо, – бирга кетамиз, деб
қарор қилган эдик-ку, янглишмасам? Мен кеча сизни са-
фарга тайёрланинг, деб огоҳлантирган эдим.

– Тайёрман, – деди Максимилиан, – булар билан хайрлашгани келгандим.

– Йўл бўлсин, граф? – сўради Жюли.

– Ҳозирча Марселга, хоним.

– Марселга? – такрорлади Жюли.

– Ҳа, Марселга, акангизни ҳам олиб кетаман.

– Жигарбандимиз ой бориб, омон қайтсин, – деди Жюли.

Моррель ранги ўзгарганини яшириш учун орқасига ўгирилиб олди.

– Унинг тоби қочиб қолганлигини сездиларингми? – сўради граф.

– Ҳа, биз уни жуда зериктириб қўйдик, шекилли.

– Мен кўнглини чоғ этишга ҳаракат қиламан, – деди граф.

– Ихтиёрим сизда, жаноб, – деди Максимилиан. – Алвидо, азиз жигарбандларим, алвидо, Эмманюель, алвидо, Жюли!

– Ия, хайрлашяпсизми? Бу қанақаси бўлди? – деди ажабланиб Жюли. – Ҳозир жўнайсизларми? Буюмларингни олмасдан-а? Паспортингчи?

– Бир йўла жўнаб қўя қолган яхши, – деди Монте-Кристо, – аминман, Максимилиан ҳамма нарчасини тахт қилиб қўйгандир.

– Паспортим ёнимда, буюмларимни тахт этиб қўйганман, – деди Моррель вазмин оҳангда.

– Жуда соз, – деди илжайиб Монте-Кристо, – иш ҳарбий-часига бўпти-да, қойил.

– Шундай қилиб, бизни ташлаб кетаверасизми? – деди Жюли.

– Шу заҳоти-я? Бирор кун, ҳеч бўлмаганда бирор соат вақтингизни беролмайсизми бизга?

– Извошим дарвоза остонасида кутиб турибди: беш кунда Римда бўлишимиз керак.

– Максимилиан ҳам Римга борадими? – сўради Эмманюель.

– Мен граф қаерга деса, ўша ёққа боравераман, – деди ғамгин оҳангда Максимилиан. – Яна бир ой унинг измидаман.

– Граф, нега бу гапларни у қайғуриб айтяпти?

– Акангиз мен билан бирга боряпти, – деди мулойим оҳангда граф. – Шунинг учун ташвишланмасангиз ҳам бўлади.

– Алвидо, синглим! – такрорлади Максимилиан, – алвидо, Эмманюель!

– Акам жуда совуққон бўлиб қолди, ҳайронман, нега шундай бўлди экан. Уйлайвериб юрагим қон бўлиб кетди! – деди Жюли, бирор гап ўтган бўлса керак-да, сен биздан яширяпсан, Максимилиан!

– Қараб туринг, – деди Монте-Кристо, – у ҳузурингизга хушчақчақ бўлиб, ғоят хурсанд бўлиб қайтади.

Максимилиан Монте-Кристога ғазабнок бўлиб хўмрайиб қараб кўйди.

– Кетдик! – деди граф.

– Граф, жўнашингиздан олдин мен ўтган сафарги гапларни айтишим керак...

– Хоним, – деди граф Жюлининг кўлидан тутиб, – нима демоқчи эканлигингизни чарақлаб турган кўзларингиздан, талпиниб турган покиза қалбингиздан, ўз юрагимнинг дупллаб уришидан сезиб турибман. Бундан ортиқ нима ҳам дердингиз? Сирасини айтганда, мен романлардаги мурувватли шахслар сингари сизга учрашмай жўнайверсам дуруст бўларди. Аммо бунақанги шахслар даражасига кўтарилишга қурбим етмайди менинг, чунки мен бўшанг, олифта одамлар тоифасиданман. Мен ўз дўстларимни хурсанд кўрсам бошим осмонга етади, ўзимни жуда енгил ҳис қиламан. Мана, энди кетяпман; худбинлик бўлса-да, айтаман: дўстларим, бизга бундан кейин дийдор кўришиш насиб этмас, мени асло унутмангиз.

– Энди ҳеч қачон кўришмаймиз! Қисматимиз абадий ҳижрон қаърига маҳв бўлди! – деди ҳаяжон билан Эмманюель, Жюлининг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди, – энди абадий сиз билан дийдор кўришмаймиз! Демак, сиз башар эмас, эзгулик бахш этмоқ учун осмону фалақдан ерга тушган, эндиликда яна ўша фалакка қайтиб кетаётган фаришта экансиз-да?

– Ундай деманг, – эътироз билдирди Монте-Кристо, – минбаъд бу гапларни оғзингизга олманг, дўстим; Худо бандаларига ёмонлик қилмайди, У тўхташни истаган жойида

тўхтайдди, фавқуллода ҳодиса Унга ҳокимлик қилолмайдди, аксинча, У фавқуллода ҳодисага ҳокимлик қилади. Эмманюель, мен одамман, сиз мени кўкларга кўтариб ҳақорат қиляпсиз.

Осойишта, бахтиёр хонадонни надомат ила ташлаб чиқиб кетаётган граф, отилиб пинжига кирган Жюлини бафрига босди, қўлидан ўпди, бошқа қўлини Эмманюелга узатди, сўнг бошини ирғаб, ҳамон лол қараб турган Максимилианга имо қилди.

– Акамни ёлғиз қўйманг! Илгариги хушчақчақлигига қайтсин яна! – деди графнинг қулоғига аста шивирлаб Жюли.

Монте-Кристо, Жюлининг қўлини бундан ўн бир йил муқаддам арматур Моррелнинг кабинетига чиқадиган зинада қандай сиқиб қўйган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай сиқиб қўйди.

– Сиз Синдбод-Денгиз сайёҳига илгаригидек ишонасизми? – сўради у жилмайиб.

– Ҳа, албатта.

– Ундай бўлса, асло ташвиш қилманг, Худо меҳрибон.

Ҳали айтганимиздек, дарвоза олдида почта извоши буларга маҳтал эди, извошга қўшиғлиқ тўрт чопқир от ёллари билан келди, ер депсиниб турарди. Извош қошида, гўё узоқ манзилдан тўхтамай чопиб келган кишидек, қора терга тушган Али ҳарсиллаб турарди.

– Хўш, нима бўлди? – сўради ундан граф арабчалаб, – чолнинг олдида кирдингми?

Али бошини силкитди.

– Мен айтгандек, хатни унга ёзиб кўрсатдингми?

Қул яна бошини силкитди.

– У нима деди, ҳа, тўғриси, қандай имо-ишора қилди?

Али, хўжайиним яхшироқ кўрсин, деб ёруққа ўгирилдида, чол қилган юз ифодаларини такрорлади. Нуартъега ўхшаб кўзларини юмди, яъни, «ҳа», деди.

– Жуда соз, демак, чол рози бўлибди, – деди Монте-Кристо. – Қани, ҳайда, кетдик.

Шу сўз эшитилиши билан отлар баравар сакраб, туёқлари тагидан ўт чиқариб, учиб кетишди.

Максимилиан бурчакка суқилиб, жим бўлиб қолди.

Шу зайлда ярим соат вақт ўтди, бирдан извош тўхтади, граф Алининг бармоғига боғлаб қўйилган ипни тортди.

Нубалик ирғиб пастга тушди-да, эшикни очди, граф извошдан тушди.

Осмон тўла юлдуз. Монте-Кристо Вильжюиф қирига чиқди. Пастда Париж миллионлаб чироқлари билан тўлқинлари мавж уриб турган қоп-қора денгизга ўхшаб ётарди. Бу жўшқин уриб турган шиддатли, дарғазаб, сермавж тўлқинлар бир дам тинчимас, булар тўхтовсиз ажал уруғи сочиб турадиган тўлқинлар эди!

Графнинг ишораси билан извош сап нари бориб тўхтади, Монте-Кристо якка ўзи қолди.

У қўлларини қовуштириб кўксига қўйди-да, замирида ҳамма ўй-хаёллар, орзу-умидлар обдан пишиб етиладиган ва сўнг тарқалиб бутун жаҳонни ғулғулага соладиган ичилаққа чўғ улкан қўрага узоқ тикилиб қолди. Тақводор хаёлпарастларни ҳам, кулгили материалистларни ҳам мафтун этувчи бу кўркем шаҳарга суқланиб, тўйиб қараб олди-да, бошини қуйи солиб таъзим қилди.

– Азим шаҳар, – деди у пичирлаб, – тупроғингга қадам босганимга ҳали ярим йил ҳам бўлгани йўқ. Худонинг амри билан мен бу ерга келгандим: мана энди тантана билан ташлаб кетяпман сени. Бутун сир-асроримни сенда Тангримнинг ўзига ишониб қолдириб кетяпман: бу муқаддас сирларим фақат унинг ўзига аён, кўнглимда заррача кек, заррача кибр сақламай чиқиб кетаётганимни, бироқ афсусланмай иложим йўқлигини ҳам Тангримнинг ўзи билади, холос: менга инъом этилган давлат, куч-қудратдан ўзим учун ёки бемаъни ҳою ҳавас, эрмак учун фойдаланмаганим ҳам фақат унинг ўзига аён. Азим шаҳар, ташвишларга тўла бағрингда истаган ҳамма нарсамни топдим. Сабр-тоқатли конқазувчи сингари, разилликни топиб улоқтириш учун бағрингни ағдар-тўнтар қилиб ташладим; ишим битди, муродмақсадимга етдим. Эндиликда сен менга на қувонч, на қайғу ҳадя эта олсан. Алвидо, Париж, алвидо!

У қоронғилик даҳоси каби ястаниб ётган шаҳарга яна бир мағрурона назар ташлади-да, кейин қўли билан пешанасини силаб, извошга ўтирди; унинг кетидан эшик ёпилди, извош тепа орқасига ўтиб, тун қўйнида ғойиб бўлди.

Роса икки лъегача ҳеч ким чурқ этмади. Моррель хаёллар гирдобига фарқ бўлганди, Монте-Кристо унга узоқ тикилиб турди.

– Моррель, – деди у охири, – мен билан кетаётганингиз учун пушаймон қилмаяпсизми?

– Йўқ, граф, мутлақо, бироқ, Парижни ташлаб кетиш оғир-да...

– Агар, бахтингизни Париждан топишингизга кўзим етганда, сизни олиб кетмасдим.

– Валентинанинг абадий оромгоҳи Париж-ку, Парижни ташлаб кетиш мен учун Валентинадан иккинчи бор жудо бўлиш демақдир.

– Максимилиан, – деди граф, – сиз билан бизни ҳижрон ўтида ёндириб ўлиб кетган дўстлар оромгоҳи ер бағрида эмас, бизнинг дилимизда, улар ҳамиша биз билан бирга, бу Тангри иродаси. Менинг икки азиз дўстим бор, бири менга жон, иккинчиси ақл ато этган. Уларнинг руҳи қалбимда умрбод яшайди; шак-шубҳалар оғушида қийналган чоғларимда ҳам, бошимга оғир мусибатлар тушганда ҳам мен нажот йўлларини ана шу иккисидан сўраб оламан. Мабодо мен бирор хайрли иш қилган бўлсам, аминманки, бу ана шу иккала дўстимнинг панд-насиҳатлари туфайли. Қани, Моррель, сиз ҳам қалбингизга бундоқ қулоқ солиб кўринг-чи, наҳотки у менга бу каби нохуш, бетакаллуф қараётганингизни маъқулласа?

– Азизим, – деди Максимилиан, – қалбим дард-аламга тўла. У менга фақат азоб-уқубатдан бўлак ҳеч нарса ато этолмайди.

– Руҳан заиф кимсалар ҳамма нарсани мотам пардаси орқали кўради, қалб ўзига ўзи уфқ яратади; сизнинг қалбингизни қоп-қора қурум босган, бутун дунёни кўзингизга қоп-қоронғи қилиб кўрсатади.

– Балки, сиз ҳақдирсиз, – деди Максимилиан ва яна ўйга чўмди.

Графнинг назарида саёҳат шитоб билан ўтаётганди, йўлдаги шаҳарлар қўланка каби бир бора кўриниб, дарҳол кўздан ғойиб бўларди; эрта куз шабадаси алпалаётган дарахтлар улар истиқболига учиб чиқаётгандек туюларди. Улар эртасига тонг пайтида Шалонга етиб келишди, сайёҳ-

ларимизни графнинг кемаси кутиб турарди, извошни тезда кемага юклашди, саёҳатчилар ҳам кемага чиқишди.

Кема ўта тез юрар қилиб ясалган эди; у ҳиндларнинг ингичка узун қайиғига ўхшарди. Икки ғилдираги бамисоли қанот, сузганда худди учиб кетаётган қушга ўхшаб кетарди; кеманинг бу жадал ҳаракати ҳатто Моррелни ҳам ҳайратда қолдирди.

Париждан йироқлашган сари графнинг чеҳраси ёриша борди; шу топда у Ватанига қайтаётган қувғинга ўхшарди.

Кўп ўтмай улар қаршисида Тира ва Карфагеннинг иниси, уларнинг Ўрта денгиздаги вориси, оппоқ, илиқ Марсель намоён бўлди. Ёши улғайиб бораётган бўлса-да, навқирон Марсел! Юмалоқ минораси ҳам, авлиё Николай қалъаси ҳам, иккаласи болалик чоғларида югуриб-елиб ўйнаган ратуша ва тош қирғоқли бандаргоҳи ҳам сайёҳларимиз учун хотираларга тўла жойлардир.

Иккисининг хоҳишига мувофиқ Каннебьер кўчасига чиқишди.

Аллақандай кема Жазоирга йўл олди, кемани тўлдириб юборган юклар, йўловчилар, қавм-қариндош ва оғайниларнинг қий-чув кўтариб хайрлашуви, йиғи-сиғилари Максимилианнинг ўй-хаёлини дарҳол қамраб олганди.

– Қаранг, – деди у Монте-Кристога унинг қўлтиғидан олиб, – «Фараон» портга кирганида отам мана шу ерда турган эди, сиз ҳам ўлимдан, ҳам шармандалиқдан қутқариб қолган ўша зот менинг қучоғимга отилди; унинг юзларини ювган кўз ёшлар ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Ушанда бизга қараб ҳамма йиғлаб юборган эди.

Монте-Кристо жилмайди.

– Мен ҳу анави жойда тургандим, – деди граф кўчалардан бирининг муюлишини кўрсатиб.

У гапини тамом қилиши билан қўлини узатган томондан хотин кишининг дод-фарёди эшитилди; аёл сафарга чиқаётган кемадаги йўловчилардан бирига қўлини силтаб, хайрлашаётган эди; у юзини чодра билан бекитиб олган, Монте-Кристо аёлни ҳаяжон ичида кузатиб турди; Моррель кема устига жуда қаттиқ тикилиб қолмаганида бунини сезган бўлур эди.

– Уни қаранг! – деди хитоб билан Моррель, – ҳарбий кийимдаги йигит Альбер де Морсер-ку!

– Тўғри, – деди Монте-Кристо, – мен ҳам танидим уни.

– Ия? Сизнинг кўзингиз бошқа ёқда эди-ку, қандай кўрдингиз?

Граф илжайиб кўя қолди, у одатда жавоб беришни истамаса шундай қиларди.

У яна ҳалиги аёл турган томонга қаради, аёл муюлишга бурилиб, кўздан ғойиб бўлганди.

Граф бирдан орқасига ўгирилди-да:

– Азиз дўстим, – деди Максимилианга, – бу ерда бирор ишингиз йўқми?

– Отамнинг қабрини бир зиёрат қилиб келмоқчиман, – деди мунгли овозда Моррель.

– Бўпти, мени ўша ерда кутиб турунг, орқангиздан етиб бораман.

– Йўл бўлсин?

– Бир муқаддас қадамжода бўлишим зарур. Моррель графнинг кўлини аста сиқди-да, хомуш ҳолда бошини силтади, сўнг шаҳарнинг шарқ томонига қараб йўл олди.

Монте-Кристо унинг кўздан узоқлашувини кутиб турди-да, кейин Мельян хиёбонидаги оддийгина бир уйга қараб юрди. Бу уй билан ўқувчимизни китобнинг бошида таништирган эдик.

Марселликларнинг сайилгоҳи бўлган машҳур хиёбон дарахтлари бу уйга ҳамон соя ташлаб турарди. Ёввойи ток уни батамом ўраб олган, ҳатто жануб офтобида сарғайиб кетган деворлари ҳам кўринмай қолганди. Уйга кираверишдаги икки почали тош зина ейилиб, сийқалашиб кетибди; учта тахтадан ясалган ва сира бўёқ кўрмаган эшик жазирама офтобдан қақраб, оралари очилиб кетибди. Эскириб қолганига қарамай, ҳамон серфайз бу уйда бир вақтлар кекса Дантес истиқомат қилганди. Чол болохонада турарди, граф ана шу уйни бутунлайин Мерседеснинг ихтиёрига топширди.

Боя Монте-Кристо бандаргоҳда кўрган узун чодрали аёл мана шу уйга кириб кетган эди. Муюлишда графнинг қораси кўриниши билан аёл ўзини ичкарига уриб, эшикни беркитиб, кўздан ғойиб бўлганди.

Сийқаси чиққан бу зина графга жуда яхши таниш, эски эшикни қандай қилиб очишни ва лўкидонни миҳ билан

қанақа қилиб кўтаришни Монте-Кристо ҳаммадан яхши биларди.

У келганини ҳеч кимга билдирмай, эшикни тақиллатмасдан хўжайин сингари уйга кириб бораверди.

Уйнинг орқасидаги боғчага қуёш нурини аямай тўкиб турарди. Мерседес гўё граф бундан йигирма тўрт йил муқаддам яшириб кетган пулни айтилган жойнинг нақ ўзидан топиб олганди. Эшик остонасидан боғчанинг олд томонидаги дарахтлар кўриниб турарди.

Монте-Кристо ичкарига қадам қўйиши билан ичкаридан йиғи сингари овоз эшитилди. Граф овоз чиққан томонга қаради, сербарг, узун-узун қирмизи гуллари қийғос очилиб ётган ёсуман остида Мерседес хўнг-хўнг йиғлаб ўтирарди.

Монте-Кристо олға бир неча қадам ташлади, оёғи остидаги қум ғижирлади.

Мерседес бошини кўтарди-да, қичқириб юборди.

– Хоним, – деди граф, – мен сизни бахтиёр қилишга қодир эмасман, аммо сизни юпатиш, дардингизга ҳамдард бўлишни истардим, бир дўст сифатида менинг бу илтимосимни инобатга олурмикинсиз?

– Тўғри, мен бахтсизман, – деди Мерседес, – мана, энди ёлғизман... Биргина ўғлим қолган эди, у ҳам мени ташлаб кетди.

– У хайрли иш қилди, – деди граф, – у виждони пок йигит. Ҳар бир киши ўз Ватанига хизмат қилмоғи шарт эканлигини англади. Биров Ватанга истеъдодини ҳадя атади, биров меҳнатини, бошқа биров эса тинимсиз тунларини бағишлайди, яна биров тан-жонини ҳадя қилади; ўғлингиз сизнинг ёнингизда қолиб кетса, умрини беҳуда ўтказган, сизнинг дард-аламингизга чидолмай асаб касалига мубтало бўлган бўлур эди; сиздан йироқда турса, ҳаётнинг пасту баландини кўриб, тобланади. Хоним, қўйинг уни ўз ҳолига, ўзининг ва сизнинг келажагингизга замин ҳозирласин, амин бўлингки, иккингизнинг истиқболингиз ишончли қўлларда.

– Ўғлимга сиз каромат қилаётган ва мен ҳам бутун жони дилим билан унга Худодан тилаётган бахт энди менга насиб бўлмайди, – деди шўрлик аёл ғамгин бошини чайқаб. – Ҳаётим барбод бўлди, энди менга бу дунё қоп-қоронғи зин-

дон, мен ажал ёқасида турибман. Мени бир вақтлар бахтиёр яшаган жойимга қайтариб, сиз чексиз яхшилик қилдингиз, бахтингни топган жойингда ўлганинг маъқул.

– Хоним, сизнинг бу қайғу-аламга тўла сўзларингиз, – деди Монте-Кристо, – юрагимни ўртаб юборяпти, мендан сиз ҳаққоний равишда жирканасиз, нафратланасиз, буниси ўлганининг устига тепган қилиб, жигар-бағримни қон қилляпти. Бошингизга тушган барча кулфатларнинг айбдори менман, нега сиз айблаш ўрнига менга ачинмаяпсиз? Ана унда дилимга яна кўпроқ, янада оғирроқ азоб берган бўлур эдингиз...

– Нечун энди мен сиздан нафратланарканман? Нечун сизни айблар эканман, Эдмон? Нечун? Ўғлимни ўлимдан қутқариб қолган кишидан нафратланиб бўладими, ахир? Ростини айтганда, сиз жаноб де Морсерни фахри ифтихори бўлган ўғлидан жудо қилишга қатъий аҳд қилган эдингиз, тўғримми? Шунга қарамай, менинг кўзларимда сизга таъна-маломатдан заррача асар йўқ!

Граф бошини кўтариб, кўзларини иккала қўлини чўзиб турган Мерседесга тикди.

– Мана, қаранг менга, – давом этди сўзида Мерседес, – куйиниб, ҳуснимдан асар ҳам қолмаган, кўзимда заррача нур йўқ, дераза олдида интизор турган Эдмон Дантес олдига жилмайиб, жилва қилиб келадиган вақтларим ўтиб кетди... Ўшандан буён жуда оғир кунлар ўтди, эндиликда ўтмиш фақат ширин хаёл бўлиб қолди. Сизни, Эдмон, айблашга, сиздан нафратланишга қандай журъат қила оламан мен, азизим? Қандай? Йўқ! Мен ўзимдан нафратланаман! Ўзимдан! Ҳамма айб ўзимда, – деди хитоб қилиб Мерседес. – Оҳ, менинг бошимга қандай оғир кулфатлар тушмади!.. Тангрим фаришталарга инъом этган эътиқод, иффат, муҳаббат менда ҳам бор эди, мен бахти қаро эса ҳаммасини Парвардигордан кўрибман-а! Монте-Кристо индамай қўлини чўзди.

– Қўйинг, азизим, қўйинг, – деди Мерседес аста қўлини тортиб олиб, – менга тега кўрманг. Сиз раҳм-шафқат қилдингиз менга, бироқ, сирасини айтганда, сиз ғазабга олганлар ичида биргина мен шафқатга пойиқ эмасдим, биргина мен; бошқаларнинг хатти-ҳаракати ғазабдан, тамагир-

лиқдан, худбинлик, ҳасаддан эди. Мен-чи? Мен қўрқоқлик, субутсизлик, иродасизлиқдан шу аҳволга тушиб ўтирибман. Улар бирор ният-мақсад йўлида шундай қилишди, мен эса... мен қўрқдим, ҳайиқдим. Эдмон, қўйинг, сиқмай қўя қолинг энди менинг қўлимни; сезиб турибман, яхши, ёқимли сўзлар айтмоқчисиз менга – чакки қиласиз; қўйинг, айтманг, яхшиси бошқа бир жонон учун сақлаб қўйинг у сўзларингизни; мен энди унақа сўзларга муносиб эмасман. Қаранг, яхшилаб қаранг... (У чодрани тамом олиб ташлади) ғам-ғусса мени адоий тамом қилди, сочларимда битта ҳам қора қолмади; ёш тўка-тўка қовоқларим қавариб кетди; пешанамни ажин босди. Сиз эса, Эдмон, ҳамон навқирон, келишган, мағрурсиз; бунинг боиси шундаки, сизнинг имонингиз саломат, жасурсиз, иродалисиз, Тангрининг мўмин бандасисиз, шу важданам Тангрим сизга мадад берди; мен субутсиз бўлиб чиқдим, уни инкор этдим, Тангрим мендан юз ўгирди, оқибатда мана шундай аҳволга тушиб қолдим.

Мерседес уввос тортиб йиғлаб юборди, бағри тилка-пора бўлди.

Монте-Кристо уни қўлдан ушлаб, камоли эҳтиром билан ўпди; бироқ бу бўсада заррача илиқлик йўқлигини Мерседес ҳам сезди.

– Ҳалоқатга маҳкум этилганлар орасида шундайлари ҳам бўладики, – давом этди Мерседес, – биринчи хатонинг ўзиёқ уларнинг келажагини йўқ қилиб ташлайди, мен сизни дунёдан ўтган, деб ҳисоблагандим, ўзим ҳам жонимдан кечмоғим лозим эди; қон-қон йиғлаб сизга аза тутиб юришимдан нима фойда кўрдим? Ўттиз тўққиз ёшимда мункиллаган кампир бўлиб қолдим, холос. Мен ҳаммадан аввал сизни таниб, ўғлимни ўлимдан сақлаб қолган эканман, бундан на фойда? Умрим йўлдоши қилиб олган одамни ҳам, унинг гуноҳи қанчалик оғир бўлмасин, ўлимдан сақлаб қолишим керак эмасмиди, ахир? Мен эса бундай қилмадим; ўз жонига ўзи қасд қилишига йўл қўйиб бердим. Бу ҳам камлик қилгандай, бағрнтошлик қилиб, жирканиб, нафратланиб унинг ўлимини тезлаштирдим; ахир ҳеч бўлмаса, унинг мени деб онтидан қайтганини, мени деб сотқинлик қилганини ўйламадим, ўйлашни истамадим! Энди-чи? Ўғлимни ажал ўчоғи – Африкага жўнатган эканман, бу ерга келиб

яшашимдан не фойда? Ҳа, мен қўрқоқлик қилиб, муҳаббатимдан юз ўгирдим ва эндиликда ўз маслагидан қайтган муртад кимсага ўхшаб, атрофимдагиларни бахтсизликка дучор этмоқдаман.

– Йўқ, Мерседес, ундай эмас, – деди Монте-Кристо, – ўзингизни ўзингиз бунчалик ерга уриб, койиб, чакки қиялпсиз. Сиз олижаноб аёлсиз, бошингизга тушган мусибатлар шу қадар оғирки, у мени ҳам ночор қилиб қўйди; бироқ тепамда Тангрим турибди, у мен отган чақмоқни, ўқ-ёйни тўхта-тиб қўйишни истамади. Ўн йилдан буён Худойимга ҳар куни сажда қилиб, шоҳид бўлишга ундаб келдим; яна шу Худо олдида онт ичиб айтаманки, мен сизни, деб ҳаётимни ва шу билан бирга бутун орзу-ниятларимни қурбон этдим. Аммо, Мерседес, мен буни афсусланиб гапирётганим йўқ, аксинча, фахрланиб гапиряпман, мен Тангримга керак эканман-ки, у менга яна ҳаёт ҳадя этди. Мерседес, ўтмишни бир зум ёдингизга келтиринг, ҳозирги вақтда атрофингизда юз бериб турган воқеаларни мушоҳада қилиб кўринг, келажакни кўз олдингизга келтиринг-да, шу саволга жавоб беринг; ахир мен Худонинг ўз қўлидаги қуроли эмасманми? Умрининг тенг яримини энг даҳшатли мусибатлар исканжасида, энг оғир азоб-уқубатлар гирдобида ўтказдим, мени ҳамма ёр-биродарларим, ҳатто севиб-севдирганларим ҳам унутиб юборишган эди; ётлар қувғинга солган эди; қамоқ, ёлғизлик, айрилиқ, жудоликдан сўнг тўсатдан бундай озодлик, бунча бойлик! Бу бойлик ҳар қандай кишини ҳам ҳайратда қолдирадиган, беҳисоб бойлик эдики, мен, чор-ночор, буни Худойимнинг ўзи улуғ ишларни бажо келтириш учун менга юборди, деб ўйлашга мажбур бўлдим. Ўшандан буён шу бойликини Худо йўлида хизмат қилишга сарфлаб келдим. Мерседес, баъзан сиз лаззат топган бу ҳаётда мени ўшандан бери ҳеч нарса мафтун этмади, ҳеч нарса қизиқтиролмади, тинимсиз ҳаракат қилдим, аллақандай куч мени ҳадеб олға тортаверди, Худонинг қарғиши теккан шаҳарни қуйдириб, кулини кўкка соворишга аҳд қилиб осмонда учиб юрган олов булутга ўхшардим мен: оғир, хавф-хатарли сафарга чиқиш олдидан ўз кемасини тайёрлаётган капитанга ўхшаб ўқ-дори йиғдим, қуролларимни тайёрладим, танимни оғир синовларда, юрагимни кучли ҳаяжонларда

тобладим, токи қўлларим ўлдиришга қобил бўлсин, кўзларим зийраклашсин, лабларим ҳар қандай даҳшатли манзараларда ҳам жилмайиб турсин, дедим. Пашшага ҳам озор бермаган кўнгилчан, соддадил бир кимсадан яширин, дарғазаб қасосчига айланиб кетдим: ана шундан сўнг тахт қилиб қўйилган йўлга кирдим-да, бўшлиқни шартта кесиб ўтиб, ниятимга етдим, йўлимда рўбарў келган ҳеч ким, ҳеч нарса омон қолмади.

– Бас, – деди Мерседес, – Эдмон, бас! Амин бўлинг, шунча одамлар ичида биргина мен сизни таниб олган эканман, демак, фақат биргина мен сизни англашим мумкин. Мабо-до мени ҳам бир шиша идиш каби чилпарчин қилиб ташлаганингизда ҳам мен сизга қойил қолмай иложим йўқ эди, Эдмон! Ҳа, завқланардим! Мен билан ўтмиш ўртасида пайдо бўлган айрилиқ, нифоқлик жари – ана шу тубсиз жар сиз билан ўзгалар ўртасида ҳам пайдо бўлди. Сизни бошқалар билан таққослаш эса мен учун энг оғир азобдир, чунки сизга тенг келадиган, сизга ўхшайдиган зот йўқ. Келинг, бас қилайлик, видолашинг мен билан, Эдмон, видолашинг.

– Видолашишдан олдин шуни айтинг менга, Мерседес, мен қандай ёрдам беришим мумкин сизга? – сўради Монте-Кристо.

– Менинг фақат битта тилагим бор, Эдмон: ўғлим бахтини топсин.

– Ўғлингизни ўлимдан сақлашни Худодан тиланг, бошқасини мен таъминлайман.

– Раҳмат, Эдмон.

– Сиз-чи, Мерседес? Сизга қандай ёрдам керак?

– Менга ҳеч нарсанинг кераги йўқ, мен икки қабр ўртасида яшаяпман: бири аллақачон дунёдан ўтган Эдмон Дантеснинг қабри, мен уни севардим! Эндиликда бу сўзларни айтиш менинг сўлғин лабларимга асло ярашмайди, аммо қалбим ҳеч нарсани унутгани йўқ! Мен учун бу дунёда юрагимдаги ана шу муқаддас хотирадан ҳам азиз нарса йўқ! Иккинчи қабрда ана шу Эдмон Дантес ўлдирган зот ётибди, мен бу ўлдиришни Ҳақ иши дейман, аммо қатл этилган киши ҳақиқа ибодат қилиш менинг бурчим.

– Ўғлингиз бахтли бўлади, – деди такрорлаб граф.

– Унда, шубҳасиз, мен ҳам бахтиёр бўламан.

– Ҳарҳолда... қандай қилиб яшамоқчисиз?

Мерседес ғамгин ҳолда жилмайиб қўйди.

– Илгариги Мерседес каби меҳнат қилиб яшайман, деса-сам ишонмайсиз албатта; эндиликда мен фақат тоат-ибодат қилишга ярайман, холос; бирор иш қилишга менда эҳтиёж ҳам йўқ. Сиз бекитиб, кўмиб қўйган хазина ўша сиз айтган жойдан топилди. Одамлар менинг ким эканлигимни, қандай сармоя билан яшаётганимни қизиқиб суриштирадилар, албатта, бироқ менга барибир эмасми! Бунинг фақат Худога, сизга ва менга дахли бор.

– Мерседес, – деди граф, – мен буни сиздан таъна қилиб сўраётганим йўқ, сиз граф де Морсер жамғарган ва ярми сизники ҳисобланган бойликдан воз кечиб чакки қиляпсиз.

– Нима қил демоқчи бўлаётганингизни сезиб турибман, аммо, Эдмон, мен буни қилолмайман, ўғлим бунга йўл қўймади.

– Мен ҳам ўғлингиздан розилик олмай туриб, сизга ёрдам бера олмайман. У нимани истаса, ўшани бажо келтираман. Борди-ю, розилик билдирса-чи? У вақтда сиз қаршилик кўрсатмайсизми?

– Эдмон, яхши биласизки, ҳозир менинг мулоҳазага ҳам ҳоли-мадорим йўқ, бирор нарса ҳақида бирор фикрга келишга қурбим етмайди. Худонинг ўзи эрк-иродадан мени маҳрум этиб қўйди. Мен унинг қўлида бургут чангалига тушиб қолган мусича каби, ожиз, шўрлик бандаман. Шунга қарамай ҳамон тирик эканман, бу ҳам Худонинг иродаси.

– Эҳтиёт бўлинг, бекам, – деди Монте-Кристо, – Худога бундай сиғинмайдилар. Тангри ўз бандасидан амру фармонларини англаб, тушуниб иш тутишни, унинг қудратини онгли равишда қабул қилишни талаб этади. Бизга эрк-ирода ато этиб қўйганининг боиси ҳам ана шунда.

– Йўқ! – деди хитоб қилиб Мерседес. – Асло ундай дея кўрманг. Тангрим менга эрк-ирода бериб қўйган деб ўйлаганимда, оғир дақиқаларда ўз жонимга ўзим қасд қилардим-қўярдим, бундан мени нима тўхтата оларди?

Монте-Кристо бўзариб кетди-да, бу дард-аламларга тўла фиғонли сўзларга бардош беролмай, бошини қуйи солди.

– Сиз менга лоақал «хайр» ҳам демайсизми? – деди у Мерседесга қўлини узатиб.

– Аксинча, хайр, оқ йўл дейман сизга, – деди эътироз-ла Мерседес ва осмонга ишора қилиб қўшиб қўйди, – кўриб турибсизки, менинг ҳам ҳали Худодан умидим бор.

Сўнг титраб турган қўли билан графнинг қўлини сиқиб қўйди-да, зинадан югуриб ичкарига кириб кетди.

Шундан кейин Монте-Кристо аста қадам ташлаб уйдан чиқди-да, бандаргоҳ томон йўл олди.

Бироқ кекса Дантес яшаган айвондан қараб турган Мерседес узоқлашиб кетаётган Монте-Кристонни кўрмади. Онанинг икки кўзи ойнадай ялтираб турган денгизда – ўғлини узоқларга олиб кетаётган кемада эди. Унинг лаблари беихтиёр: – Эдмон! Эдмон! – деб шивирлади.

ХVI. ЎТМИШ

Граф Мерседес қошидан юраги эзилиб чиқди. Балки бундан кейин унинг дийдорини кўриш насиб бўлмас унга.

Кичкинтой Эдуарнинг ўлимидан кейин Монте-Кристонинг аҳволи руҳиятида чуқур ўзгариш юз берди. У қасос олиш ниятида жуда кўп эгри-бугри йўллارни босиб ўтди-ю, пировардида тўсатдан шак-шубҳалар гирдобига тушиб қолди.

Бунинг устига Мерседес билан бўлган суҳбат граф унутиб юбормоқчи бўлган хотираларни яна жонлантириб юборди.

Монте-Кристо осонликча руҳан тушкунликка тушадиганлардан эмасди, ўз соясидан қўрқадиган олифталаргина шундай бўлади. Ботир одамнинг руҳан тушкунликка тушгани, ўлгани ҳисобланади. Қилмишларимдан шубҳага тушиб, пушаймон қилаётган эканман, демак, мўлжалларимда бирорта хатога кетган эканман-да, деб ўйлади граф.

«Ўтмиш ҳақида хато ўйлаяпман, – деди у ўзига, – қўпол хато қилган бўлишим мумкин эмас. Ёки мен ўз олдимга беъмаъни мақсад қўйганмидим? Наҳотки, ўн йил нотўғри йўлда юрган бўлсам? Меъмор бутун орзу-умидларини сарфлаб ўз қўли билан яратиши мумкин бўлмаган ёки арзимас нарса-лигига ишониши учун наҳот бир соат кифоя қилган бўлса?

Йўқ, йўқ! Бундай фикрларни калламдан чиқариб ташлашим керак, йўқса улар ақлдан оздиради мени. Мен ўтмиш-

га жуда узоқдан назар ташлаяпман, шу важдан у менга но-
тўғри кўриняпти. Аслида олға бораётганингда ўтмиш ба-
мисоли табиат манзараси каби ёнингдан ўтиб, кўздан ғойиб
булаверади. Мен уйқуда гўё кўксимга ханжар санчдим-у,
қонга буландим, оғриқ сезяпман, аммо қандай ярадор бўлга-
нимни англай олмайман.

Эй, гўрида тик турган зот, беҳисоб давлат ҳовлиқтириб
қўйган зўравон, қўлидан ҳар бало келадиган авлиё, милли-
онер, қани, бир зум ўша оч-яланғоч, ночор кечган ҳаёт-
нинг мудҳиш манзараларини кўз олдинга келтир-чи, тақ-
дир маҳкум этиб ёвузлик судраб кирган ўша йўлдан яна
қадам ташлаб кўр-чи! Мана, Монте-Кристо Дантесга қараб
турган ойна юзида беҳисоб олмосу олтинлар ярақлаб, айш-
ишратлар акс этиб, кузни қамаштириб юборяпти! Қани,
ойна юзидаги олмосларни бекит, олтинни кўчириб, ялти-
роқ шуълани сидириб ташла, уни яхшилаб артгин-да, бой-
бадавлатнинг кўзи билан камбағалга, эркинликда юрган-
нинг кўзи билан маҳбусга, қабрдан тирилиб чиққаннинг
кўзи билан мурдага бир назар ташлаб, ўтмишни хотиринг-
га келтир!»

Ана шу дилгир ўй-хаёллар оғушида Монте-Кристо Кес-
сри кўчасидан вазмин қадам ташлаб борарди. Бундан йи-
гирма тўрт йил муқаддам уни худди шу кўчадан унсиз-за-
бонсиз соқчилар олиб кетишган эди. Ҳозир гавжум ва хуш-
чақчақ бу уйлар ўша тунда унсиз, зимистон эди.

– Бу уйлар ўша вақтдагидек турибди, – деди пичирлаб
Монте-Кристо, – фақат у вақт тун эди, ҳозир ёруғ кун, қуёш
ҳамма ёққа заррин нурларини сочиб, дилларга қувонч ба-
ғишляпти.

У Сен-Лорен кўчаси бўйлаб соҳилга тушди-да, порт бош-
қармаси олдига борди. Ўша куни мана шу ерда уни қайиққа
туширган эдилар.

Ёнбошдан чипта соябонли қайиқ ўтиб қолди! Монте-
Кристо қайиқчини чақирди, қайиқчи катта пул ишлаб ола-
ман, деган мақсадда граф олдига югуриб келди.

Роҳат қилиб, сайр этса бўладиган пайт эди. Ёниб-қизиб
турган улкан тандир сингари қуёш тўпқинларга аланга со-
чиб уфққа чўкяпти. Теп-текис денгиз юзи жимирлаб қўярди,
бу душман таъқибидан қочиб юрган балиқларнинг сув юзи-

га отнлиб чиқиши эди. Узоқ-узоқларда Мартига бораётган балиқчиларнинг оппоқ қайиқлари сувга қўнган оқ қушларга ўхшарди. Бу қайиқларнинг баъзилари Корсика ёки Испанияга юк олиб бораётган кемалар томон йўл олганди.

Графнинг кўзига буларнинг ҳеч қайсиси кўринмас, у ёмғирпўшига бурканиб олиб, босиб ўтган даҳшатли ҳаёт йўлининг барча манзилларини бирма-бир хотирасидан ўтказарди, Каталанияда ёниб турган ўша ёлғиз чироқ, уни олиб бораётганларида қаршисида пайдо бўлган Иф қалъасининг мудҳиш қўланкаси, денгизга ўзини отмоқчи бўлиб жандармалар билан жиққамушт бўлгани, енгилганини сезгач, ўз жонига ўзи қасд қилгани ва чаккасига тақалган тўппончанинг муздек учини – ҳамма-ҳаммасини хотиридан ўтказарди.

Ёзнинг жазирама офтобидан қақраган, куз булутлари тепага келган кунлари яна оз-оздан нам тортаётган арчалар сингари кўксидан томчи-томчи зардоблардан қўланса қўлмак пайдо бўлаётганини сезиб турарди граф Монте-Кристо. Бир вақтлар бу зардоб Эдмон Дантеснинг юрагини тўлдирган эди.

Шу дақиқадан бошлаб Монте-Кристо учун очиқ-ойдин фазо ҳам, оппоқ-оппоқ қайиқчалар ҳам, қирмизи уфқ ҳам йўқ бўлди. Осмонни қоп-қора булутлар қоплаб олди, қаршисида Иф қалъаси деб аталмиш қора гигант пайдо бўлганида, худди ашаддий душманнинг арвоҳи дуч келгандек сесканиб кетди.

Улар манзилга етиб келишган эди.

Қайиқчи ҳурмат билан «келдик, жаноб», деган бўлса-да, граф ўзини беихтиёр қайиқнинг энг кетига олди.

Монте-Кристо ўша даҳшатли куни соқчилар уни худди мана шу ўнқир-чўнқир сўқмоқ йўлдан найза билан туртиб-суртиб олиб кетганларини эслади.

Ўша вақтда Дантесга бу йўл жуда олис кўринган эди, Монте-Кристога эса яқин туюлди, эшкак ҳар гал сув сачратганда беҳисоб фикрлар ва хотиралар туғиларди графнинг миясида.

Июль революциясидан сўнг ҳибсхона Иф қалъасидан кўчириб юборилган ва контрабанда йўли билан мол олиб ўтувчиларнинг йўлини тўсадиган соқчилар постига айлан-тирилган эди. Дарвоза олдида ўтмишнинг бу даҳшатли

Ўдгорлигини кўргани келган сайёҳларни кутиб олувчи қоровул турарди. (Энди бу қалъа оддий сайилгоҳга айланиб қолган эди.)

Бундан Монте-Кристо хабардор эди, шунга қарамай, қалъанинг гумбазлари остида қадам ташлаганида, қоп-қоронғи зинадан тушаётганида, кўришни истаган зиндонга бошлаб тушганларида, унинг юзи мурдадай оқариб, юраги орқасига тортиб кетаверди.

Граф тикланиш замонидаги ҳибсхона ходимларидан бирорта қари-қуриси қолмаганми, деб сўраган эди, уларнинг ҳаммаси пенсияга чиқиб кетган ёки бошқа ишларда ишлашади, деб жавоб беришди. Графни сайр қилдириб юрган қоровул, мен бу ерда 1830 йилдан буён ишлайман, деди.

Монте-Кристонинг ўзи ётган зиндонга олиб киришди.

У яна тепадан тушиб турган ўша ғира-шира ёруғликни, каравоти турган жойни (каравотни олиб кетишганди) кўрди; каравот орқасида аббат Фариа ёриб кирган тешикнинг ўрни ҳамон кўзга яққол ташланиб турарди.

Монте-Кристонинг оёқларини титроқ босиб, букилиб кетди, у ёғоч ўтирғични олдига зўрға тортиб олди-да, ўтирди.

– Мирабони истисно қилганда, бу қалъанинг маҳбуслари ҳақида нималарни ҳикоя қилишади? – сўради граф. – Бу мудҳиш зиндонлар тўғрисида ёдномалар борми? Бу ерда тирик одамларни қамашлари мумкинлигига ҳеч ишонгинг келмайди.

– Жаноб, мана шу хона ҳақида менга турма ходими Антуан гапириб берганди.

Монте-Кристо чўчиб тушди. Ҳибсдалиги вақтида унинг қоровули ана шу Антуан эди. Граф унинг исмини ва афт-башарасини деярли унутиб юборган эди, бироқ исми эшитилиши билан Антуан пахмоқ соқолли юзи, қора нимчаси, камарига осиб олган калитлари билан графнинг кўз олдида дарҳол гавдаланди; ҳатто ўша калитлар худди ҳозир ҳам шақиллаётгандай туюлди унга.

Граф орқасига қаради, Антуан даҳлизнинг тўрида тургандай туюлди; у дарвозабон тутиб турган жинчиरोқ ёғдусида бурунгидан ҳам мудҳиш кўринди.

– Истасалар, айтиб беришим мумкин, – деди дарвоза қоровули.

– Ҳа, истайман, айтиб беринг, – деди Монте-Кристо.

Граф ўзи ҳақидаги ҳикояни эшитишга ҳозирланиб, гўё юрагим қинидан чиқиб кетмасин, дегандек, кўксига қўлини босди.

– Айтиб беринг, – такрорлади граф.

– Бир замонлар мана шу хонада, – деди ҳикоясини бошларкан қоровул, – ниҳоятда хавфли бир маҳбус ётган экан. У ўта жасоратли, баджаҳл йигит бўлган экан, ўша йиллари бу ерда яна бир маҳбус бўлган экан, айтишларига қараганда, у коҳинлардан экан, бироқ у мўмин-қобил экан; шўрлик мана шу хонада ақлдан озиб қолган экан.

– Ақлдан озган экан, дедингизми? – сўради Монте-Кристо. – Нега?

– Ҳаммага, мени чиқариб юборсалар, миллион-миллион ақча бераман, дер экан.

Монте-Кристо баландга қаради, бироқ ҳеч ким кўринмади: фақат тош шифтларгина осмонни тўсиб турарди. «Аббат Фариа хазина таклиф қилган кимсалар билан ўша хазина ўртасидаги ғовлар ҳам булардан кам бўлмагандир», кўнглида кечирди граф.

– Маҳбуслар бир-бири билан учраша олишганмикин? – сўради Монте-Кристо.

– Йўқ, учрашиш қатъий ман қилинган экан, бироқ бу иккала маҳбус бу тартиб-қондага риоя қилмай, лаҳм қазиб олишган экан.

– Улардан қайси бириси лаҳм қовлаган экан?

– Ёшида, албатта, – деди қоровул, – у жуда эпчил, забардаст йигит бўлган, шўрлик аббат эса қарилик енгиб, мункиллаб қолган чол эди, дейишади.

– Оббо, шапкўрлар-э!.. – деб пичирлаб қўйди Монте-Кристо.

– Хуллас, – деди сўзини давом эттириб қоровул, – тешикни ёш маҳбус қовлабди, аммо нима билан қовлаганини Худо билади. Мана, қаранг, тешикнинг изи ҳалиям кўришиб турибди.

Қоровул жинчироғини деворга тутди.

– Тўғри, кўрдим, – деди граф, ҳаяжондан овози бўғиқ чиқди.

– Сўнгра бир-бириникига борди-келди қилишибди. Бу қанча вақт давом этганини ҳеч ким айтиб беролмайди. Сўнгра чол касал бўлиб ўлибди, ёши нима қилибди денг?

– Ҳўш, нима қилибди, айтинг-чи?

– Ўликни ўз хонасига олиб борибди-да, юзини девор томонга қилиб каравотига ётқизибди, кейин чолнинг хонасига қайтиб келибди, мурданинг қопига ўзи кириб ётиб олибди. Мана бунисига нима дейсиз?

Монте-Кристо кўзларини юмди, муздек мурданинг ҳиди келиб турган чипта юзига тегаётгандек туюлди шу он.

– Афтидан, – давом эттирди ҳикоясини қоровул, – у, Иф қалъасида ўликларни чиқимидан қочиб, тобутсиз шундайича кўмадилар, гўрдан чиқиб жуфтакни ураман, деб ўйлаган бўлса керак; бахтга қарши, қалъада тартиб бошқача экан, ўликларни ерга кўмишмай, оёғига тош боғлаб, денгизга улоқтириб ташлар эканлар. Уни ҳам худди шу зайлда денгизга ташлаб юборибдилар; эртасига ҳақиқий мурдани йигитнинг каравотидан топишибди; воқеа аён бўлибди, йигитни денгизга улоқтирган соқчиларнинг айтишича, «мурда» солинган қоп пастга учиб тушаётганида қаттиқ додлаган овоз эшитилган экан.

Графнинг юраги сиқилиб, нафаси бўғилди.

– Йўқ! – деди пичирлаб у, – йўқ! Унутиб қўйганимдан дилимда шубҳа туғилганди, мана бу ерда қалбимнинг яраси яна очилди, мен яна қасос олиш иштиёқида ёна бошладим, қасос!

– Ўша маҳбус ҳақида бошқа гап эшитганингиз йўқ-ми? – сўради у.

– Бошқа ҳеч нарса эшитганим йўқ, биласизми, у ё эллик фут баландликдан чархпалак бўлиб тушиб ўлган ёки...

– Ахир сиз, оёғига тош боғлаб улоқтиришибди, тикка тушган бўлса керак, дедингиз-ку.

– Ёки, – давом этди қоровул, – тош оёғидан тортиб сувга тикка тушганда, чўкиб кетган, бечора!

– Сиз ачинасизми унга?

– Очиғини айтсам, тириклигида у денгизни ўз уйидай билган бўлса-да, ачинаман шўрликка.

– Нега энди?

– Айтишларига қараганда, бахтсиз йигит денгизчи бўлиб бонапартчи бўлгани учун уни қамашган экан.

– Ҳақиқатан ҳам, – яна пичирлади граф, – Худонинг амри билан сувдан ҳам, ўтдан ҳам соғ чиқасан! Шўрлик денгизчини ҳамон эсда тутишаркан, ҳамон гулхан олдида унинг аччиқ қисмати ҳақида гапиришар экан, у ҳавони ёриб, денгиз гирдобига отилганини эшитганлар ҳозир ҳам титраб кетаркан.

– Унинг исмини биласизми? – деди овозини чиқариб граф.

– Қайдан билай? – деди қоровул. – У ўттиз тўрт рақам билан рўйхатга ёзиб қўйилган экан.

– Вильфор, Вильфор! – шивирлади Монте-Кристо, – менинг арвоҳим сени тунлари безовта қилганида шу рақамни тинмай такрорлагандирсан-да.

– Саёҳатни давом эттирадиларми, жаноб? – сўради қоровул.

– Ҳа, ўша жинни аббат турган хонани кўрсатинг.

– Йигирма еттинчи хонаними?

– Ҳа, йигирма еттинчини, – деди такрорлаб Монте-Кристо.

Граф яна исмини айтишнинг ўрнига девор орқасидан мана шу номерни қичқириб айтган аббат Фарианинг овозини эшитгандай бўлди.

– Юринг.

– Бир оз сабр қилинг, – деди Монте-Кристо. – Бу зиндонни яхшилаб кўрмоқчиман.

– Маъқул, – деди қоровул, – йигирма еттинчисининг калитини унутиб қолдирган эканман, сиз кўриб бўлгунингизча олиб келаман.

– Ҳа, бўпти, сиз калитни олиб келинг.

– Чироқ ҳам сизда қолсин.

– Йўқ, ўзингиз олиб кетаверинг.

– Қоронғида қоласиз-ку.

– Қоронғида ҳам жуда яхши кўраман.

– Бунга қаранг-а! Худди ўшанинг ўзи.

– Ўшанингиз ким?

– Уттиз тўртинчи номер, айтишларига қараганда, у қоронғида кўришни жуда машқ қилган экан, зимистон хонасининг нариги бурчагида ётган игнани ҳам бемалол кўриб тураркан.

– Бунга эришмоқ учун у ана шу қоп-қоронғи зиндонда роса ўн йил азоб чеккан эди шўрлик, – деди паст овозда граф.

Қоровул чироғини кўтариб чиқиб кетди.

Граф ҳақ сўзни айтган эди: бир неча дақиқа ўтар-ўтмас у қоронғида ҳамма нарсани худди кундузгидек кўра бошлади.

– Тўғри, ўша зиндон, – деди у, – мана, мен ўтирган тош. Мана, деворда елкамининг изи! Мана, қонимнинг изи, бу ўша калламни деворга уриб мажақламоқчи бўлган кундан қолган эсдалик!.. Мана, рақамлар... Булар ёдимда... отамни тиррик кўра олармикинман, деб, унинг ёшини санаб борганда ёзиб қўйгандим буларни... Мана бу Мерседеснинг ёши саноғи... У мен боргунча кутиб турармикин, деб ёзгандим... Ҳисоблаб чиққанда, дилимда умид учқунлари пайдо бўлганди... Очлик ва сотқинлик юз беради деб ўйламагандим, ўшанда.

Шу пайт унинг кўксидан заҳарханда кулги отилиб чиқди. Худди тушидаги каби кўзига отасини кўмиш маросими кўринди... Ана, Мерседес меҳробга боряпти!

Яна бир деворда ёзувлар кўринди. У зангори деворда ҳамон аниқ кўриниб турарди:

«Э, Тангрим, – ўқиди Монте-Кристо, – эс-хушимни сақла менинг».

– Тўғри, – деди хитоб қилиб у, – бу зиндонда сўнги йилларда ёлғиз мана шу калимани келтираддим, Худодан озодлик тиламай қўйгандим, жинни бўлишдан қўрқиб эс-хушимни сақлашни тилардим, Тангрим тилагимни инобатга олди, ақл-хушимни сақлади, шу туфайли мен ҳеч нарсани унутмадим, Худога минг қатла шукрки, унутмадим.

Шу топ деворда чироқ нури ўйнади, зиндонга қоровул тушаётган эди.

Монте-Кристо унга пешвоз чиқди.

– Кетимдан юраверинг, – деди қоровул.

Улар ер ости йўлкасидан йигирма еттинчи хонага боришди.

Аббат ётган зиндон яна кўп нарсаларни Монте-Кристонинг эсига солди.

Даставвал унинг деворга чизиб қўйилган меридианга кўзи тушди, аббат Фариа бу меридиан воситасида вақтни ҳисоблаб борарди, сўнг шўрлик маҳбус дунёдан ўтган каравотга қаради, ўзи ётган хонани кўрганда графни ваҳима босган бўлса, бу хонада унинг қалби марҳум аббатга меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик ҳисси, ташаккур билан тўла эди; унинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

– Жинни аббат мана шу хонада ётган экан, – деди қоровул, – ана у ердан қўшниси келиб тураркан. (У тешикни кўрсатди, тешикнинг бу томони бекитилмай қолган экан.) Олимплардан кимдир тошларнинг рангига қараб, улар бири-бириникига ўн йил қатнаган бўлса керак, деган хулосага келибди. Шўрликнинг бу ўн йиллик умри не-не азоб-уқубатларда ўтгандир.

Дантес чўнтагидан бир неча олтин танга чиқариб, уни танимаса-да, икки марта қўлини сиқиб сўрашган қоровулга узатди.

Қоровул пулни олди, бироқ сайёҳ бир неча майда чақа ўрнига қутилмаган ҳолда жуда кўп ақча бериб юборганини чироқ ёғдусида кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди.

– Жаноблари адашдилар, шекилли, – деди у.

– Нимада адашибман?

– Менга олтин берибсиз.

– Кўриб турибман.

– Била туриб беряпсизми?

– Ҳа.

– Бу олтинларни менга ҳадя қиляпсизми?

– Ҳа

– Буларни ростдан чўнтагимга солиб қўяверайми?

– Ростдан, – деди граф.

Қоровул графга бақрайиб қараб турарди.

– Жаноб, – деди ўз бахтига ўзи ишонмай қоровул, – тушунмай қолдим, мен бундай ҳадяга пойиқ нима иш қилдим сизга?

– Азизим, бунда ҳайратга соладиган ҳеч нарса йўқ, – деди граф, – мен ҳам денгизчи эдим, шу ваддан ҳикоянгиз мени жуда ҳаяжонга солди.

– Сиз жуда олиҳиммат зот экансиз, жаноб, – деди қоровул, – мен ҳам сизга бир нарса ҳадя қилай.

– Нима ҳадя қилмоқчи бўляпсиз менга? Бирорта чиғаноқми, саватми? Қўйинг, ҳожати йўқ бунинг, ташаккур...

– Йўқ, жаноб, унақа эмас, бу ҳикояга алоқадор бир нарса.

– Ростдан-а? – деди қизиқсиниб граф, – нима экан у?

– Воқеа бундай, – деди қоровул, – мен бир куни ўйлаб-ўйлаб, бир киши умрининг ўн беш йилини ўтказган зиндонда, албатта, бирор нарса топиш мумкин, деган хулосага келдим-да, деворларни тақиллата бошладим.

– Тўғри, – деди хитоб қилиб граф, у аббатнинг буюмларини яширадиган жойни эслади.

– Деворларни бир чеккадан уриб бориб каравотнинг бошига етдим, ана шу ерда тош девор «гум-гум» этиб овоз берди: «Ҳа, бу ерда бир нарса бор», дедим ичимда.

– Хўш? – деди Монте-Кристо.

– Тошни кўчириб олдим, у ерда...

– Арқондан ясалган шоти, асбоб-ускуналар топдингизми? – хитоб қилди граф.

– Сиз қаёқдан биласиз буни? – сўради ажабланиб қоровул.

– Билмайман, шунчаки чамалаб айтдим-да, – деди граф, – ҳибсхоналарнинг деворларидан кўпинча шунақа нарсалар топишади.

– Тўғри айтдилар жаноблари, – деди қоровул, – тошнинг тагига арқондан ясалган шоти ва турли асбоблар яшириб қўйилган экан.

– Ўша буюмлар ўзингиздами? – сўради ҳовлиқиб кетиб Монте-Кристо.

– Йўқ, жаноб, мен уларни саёҳатчиларга сотиб юборганман, аммо баъзи нарсаларни олиб қолганман.

– Нима экан у? – сўради тоқатсизланиб граф.

– Чипта устига ёзилган аллақандай китоб.

– Ия! – деди хитоб-ла Монте-Кристо. – У китоб ўзингиздами?

– Балки, бу китоб ҳам эмасдир, – деди қоровул, – бироқ нима бўлса-да, ўзи менда турибди.

– Азизим, олиб келинг дарров уни, – деди граф, – у мен ўйлаб юрган китоб бўлса, сизга жуда ажойиб мукофот бераман.

– Хўп, мен кетдим.

Қоровул чиқиб кетди.

Монте-Кристо, аббатнинг ўлимидан сўнг унинг учун меҳробга айланиб қолган ўша каравотнинг қолдиқлари олдида чўкка тушди-да:

– О, менинг иккинчи отам! – деди, – менга озодликни, бойликни сен ато этган эдинг! Эзгулик ва ёвузлик сирларининг султони, сен ато этган эдинг буларни менга, эндиликда сендан яна бир тилагим бор. Мабодо қабримиз тагида ер юзасидаги тириклар овозига акс садо чиқарадиган бирор жониворнинг қолиши ҳақ гап бўлса, мабодо танимиз бошқа шакл касб этгандан кейин ҳам ундан жонли нарсага ўхшаш бирор ниманинг қолиши муқаррар бўлса, э, мурувватли қалб, виждони пок, оқил зот, сендан ўтиниб сўрайман: менга ўзинг ҳадя этган оталик меҳри ҳаққи, менинг сенга фарзандлик садоқатим ҳаққи, бир оғиз сўз билан, биргина ишора билан бўлса-да, мени шак-шубҳалардан халос эт, агарда шундай қилмасанг, агар улар ўрнини ишонч эгалламаса, бу шубҳалар пушаймонга, тавба-тазарруга айланиб кетиши мумкин.

Граф қўлларини қовуштириб, бошини эгди.

– Марҳамат, жаноб, – деган овоз эшитилди орқадан.

Монте-Кристо чўчиб орқасига қаради.

Қоровул унга текис бўз тахламини узатди.

Аббат Фариа ўз ақл-идроки хазинасини ана шу бўзга ёзиб қолдирган эди. Бу унинг Италиядаги давлат ҳокимияти ҳақида ёзган катта асари эди.

Граф уни қоровулнинг қўлидан юлқиб олди, кўзи аввал эпиграфга тушди, унда қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

«Сен аждарҳонинг тишларини суғуриб оласан, арслонни янчиб ташлайсан, – деди Тангрим».

– Мана, жавоб! – деди хитоб қилиб Монте-Кристо. – Раҳмат сизга, ота, раҳмат.

Чўнтагидан бир ҳамён чиқариб қоровулга узатди:

– Манг, – деди, – ҳамёнда минг франкли ўнта банк чип-таси бор эди.

– Менга беряпсизми буни?

– Ҳа, снзга, фақат шу шарт билан: мен кетгунимча уни очмайсиз.

Граф ўзи учун энг қимматли, табаррук ёдгорликни қўлти-фига қистирди-да, зиндондан югуриб чиқиб, қайиққа ўтирди.

– Марселга! – деди.

Қайиқ ўрнидан жилди. Монте-Кристо кўзларини мудҳиш қалъадан узмасди.

– Бу мудҳиш зиндонга мени қамаганларнинг ҳам, бу ерда қамалганимни унутиб қўйганларнинг ҳам шўрига шўрва тўкилади!

Каталан ёнидан қайиқ ўтаётганда граф орқага ўгирилиб, юзини ёмғирпўши билан бекитди ва пичирлаб, аёл-нинг номини тилга олди.

Граф тула ғалабага эришди, у иккинчи шубҳани ҳам енг-иб чиқди. Назокат ва ҳатто муҳаббат билан тилга олган ном Гайде эди.

Монте-Кристо қайиқдан тушиб, қабристонга йўл олди. У ерда Моррель кутиб турарди.

Граф ҳам бундан ўн йил муқаддам мана шу гўристонда бўлган эди, ўшанда, Францияга миллионер бўлиб қайтаё-тиб, очлиқдан ўлган отасининг қабрини ахтариб тополма-ган эди.

Тўғри, чол Моррель кекса Дантес қабри устига хоч қўйин-глар, деган эди, унинг бу илтимоси қондирилган бўлса-да, хоч йиқилиб тушган, гўрков уни ўтин қилиб ёқиб юборган эди; бу гўрковлар қабристонларда нимаики ерга тушиб ётган бўлса, ҳаммасини ёқиб юборишади.

Ҳурматли арматурнинг эса бахти чопган эди, у ўз фар-зандларининг қўлида жон бериб, икки йил бурун дунёдан ўтган рафиқасининг қабри ёнига кўмилган эди. Эр-хотин тўрт сарв дарахти ўртасида абадий ором олиб ётарди. Ёндош икки қабрнинг атрофи темир панжара билан ўрал-ган, иккита мрамар тахтага исмлари ўйилиб ёзилганди.

Максимилиан дарахтга суюнганча қабрга тикилиб турар-ди, аммо кўзлари ҳеч нарсани кўрмасди. Гам-ғусса уни ақл-дан оздиргандек кўринарди.

Максимилиан, бу ёққа эмас, анави ёққа қараш керак! – деди граф, осмонни кўрсатиб.

– Ўлганлар ҳамиша биз билан бирга, – деди Моррель, – мени Париждан олиб чиқаётганда ўзингиз шундай деган эдингиз.

– Максимилиан, – деди граф, – Марселда бир неча кун бўлиш истагим бор, деган эдингиз йўлда. Бу фикрдан қайтганингиз йўқми?

– Менда ҳеч қандай истақ, хоҳиш йўқ, граф, шу ерда кутсам яхши бўлур эди.

– Буниси яна яхши, Максимилиан, чунки ўша сўзингизга ишониб сизни бу ерга ташлаб кетяпман, эсингиздами?

– Эсимдан чиқариб қўйишим мумкин, граф, – деди Моррель.

– Йўқ, сиз уни унутмайсиз, чунки виждонли, ор-номусли кишисиз, чунки, икки карра онт ичгансиз, Моррель.

– Граф, шафқат қилинг менга! Мен бахтсизга!

– Мен сиздан ҳам баттарроқ бахтсизликка дучор бўлган кишини кўрганман.

– Гапингизга ишонмайман.

– Одамзоддаги энг ачинарли одат бу – мағрурланиш, – деди Монте-Кристо. – Ҳар ким ёнгинасида қон йиғлаётган бахтсизлардан ўзини кўпроқ бахтсизман, деб ҳисоблайди.

– Дунёда муҳаббат ва орзудан жудо бўлишдек оғир бахтсизлик бормикин?

– Менга қаранг, Моррель, – деди Монте-Кристо, – менинг гапларимга диққат билан кулоқ солинг. Менга таниш бир киши сизга ўхшаб ҳаёт кечириб келарди, бутун фикри ёди ёлғизгина севгилисиди эди, бутун ҳаётини ўша севгилисига тиккан эди. Йигит ёш бўлиб, мункиллаб қолган бир кекса отаси ҳам бор эди. У отаси билан бўлажак қайлиғини бир-биридан кам севмасди, чунончи, яқинда тўй бўлиши керак эди. Агар Худо дунёдаги ҳамма нарса ўзининг ягона иродасига хизмат қилажагини охир-оқибатда бизга аён этмаса, дилмизда унинг марҳаматларига нисбатан шубҳа ўз-ўзидан пайдо бўла бошлайди-да, тўсатдан фалокат юз беради. Ана шундай фалокатлардан бири рўй берди-ю, йигит бахтсизликка учради, тақдир уни эркидан, севгилисидан, порлоқ бўлишига қаттиқ инонган келажагидан

(шўрлик, дунёга қарашда бурнининг тагидан нарини кўрмасди) жудо бўлди-ю, зиндонга тушди.

– Зиндондан узоғи билан бир ҳафтада, бир ойда, бир йилда чиқиб келишади, – деди Моррель.

– У зиндонда ўн тўрт йил ётди, Моррель, ўн тўрт йил-а, – деди граф Максимилианнинг елкасига қўлини қўйиб.

Максимилиан сесканиб кетди.

– Ўн тўрт йил! – пичирлади у.

– Ўн тўрт йил, – такрорлади граф. – Ана шу узоқ йиллар мобайнида унинг ҳам сизга ўхшаб бир неча бор жонидан тўйган вақтлари бўлганди, у ҳам, Максимилиан, сиз сингари, ўзини дунёда энг бахтсиз одам, деб ҳисоблаб, ўз жонига ўзи қасд қилмоқчи бўлди.

– Хўш, сўнг нима бўлди? – сўради Моррель.

– Охирги дақиқада Парвардигорнинг ўзи унга мадад бериб, олдига халоскор бир авлиё юборди, дастлабки вақтларда у Худонинг бу мурувватини англамади шекилли (беҳисоб ёш тўкиб, туман босган кўзлар яна чароғон бўлиши учун вақт керак-да), шунга қарамай, у сабр-тоқат билан кутишга қарор қилди. Кунлардан бир куни мўъжиза рўй берди-ю, у ўлим гирдобидан бутунлай ўзгача қиёфада, бадавлат, бақувват, ярим инсон, ярим Худо шаклида чиқди, у шу заҳоти отаси ҳузурига чопди, отаси эса дунёдан ўтган эди.

– Менинг отам ҳам дунёдан ўтди, – деди Моррель.

– Тўғри, ammo сизнинг отангиз ўз қўлингизда жон берди; бунинг устига у дунёдан ошини ошаб, ёшини яшаб ўтди, унинг отаси эса очлик, қашшоқлик азобини торта-торта дунёдан ўтди. Ўн йил ўтгач, ўғли унинг қабрини ҳам тополмади, қабри ҳам йўқолиб, текисланиб кетибди, энди ҳеч зот унга: мана, сени чексиз севган қалб мана шу ерда абдий ором олиб ётибди, дея олмайди.

– Ё, алҳазар! – деди Моррель.

– Ҳа! то отасининг қабрини ҳам тополмаган экан, демак, у сиздан кўра кўпроқ бахтсиз экан-да.

– Бироқ у севган аёлидан ажралмабди-ку ҳарҳолда, – деди Моррель.

– Асло ундай эмас, Моррель, у аёл...

– Улибдими? – хитоб қилди Максимилиан.

– Ундан ҳам ёмон, бевафолик қилиб, унинг душманларидан бирига эрга тегиб олди. Мана, кўриб турибсизки, у одам ишқ-муҳаббат борасида ҳам сиздан кўпроқ мусибатларга гирифтор бўлган экан!

– Тангрим сўнг уни қўллаб юбордимми? – сўради Моррель.

– У йигитга ором бағишлади.

– Демак, у одам яна бахтиёр бўлиши мумкин экан-да?

– Ҳа, у шуни умид қилади, Максимилиан.

Моррель индамай бошини қуйи солди.

– Мен сўзимда тураман, – деди у Монте-Кристога қўлини узатиб, – аммо унутманг.

– Бешинчи октябрда мен сизни Монте-Кристо оролида кутаман. Тўртинчида сизни Бастида «Эвро» кемаси кутиб туради, капитанга исмингизни айтасиз, у сизни менинг ҳузуримга олиб бориб қўяди. Келишдикми, Максимилиан?

– Келишдик, граф, гап битта, сўзимда тураман, аммо бешинчи октябрни унутманг...

– Жуда ғўрсиз-да, Моррель, катталарнинг ваъдаси жиддий эканлигини ҳамон тушунмабсиз... Мен сизга йигирма марта такрорладимки, ҳамон ўлимни қўмсаб юрган бўлсангиз, мен ўшанда сизга ёрдам бераман деб. Хайр.

– Мени ташлаб кетяпсизми?

– Ҳа, Италияда бир қанча ишларим бор, сизни ўз қайғу-аламларингиз билан ёлғиз қолдириб кетаман. Қанотлари улкан бургут билан танҳо қолдириб кетаман, бу бургутни Худо ҳузурига олиб келтириш учун ўз муҳибларини юборади. Ҳа, Ганимет афсонасининг ўзгинаси бу, Максимилиан, афсона эмас-у, шунчаки ташбеҳ.

– Қачон жўнайсиз?

– Ҳозир мени кема кутиб турибди, бир соатдан сўнг жуда узоқда бўлман, мени бандаргоҳгача кузатиб қўясизми?

– Мен бутунлай сизнинг ихтиёрингиздан, граф.

– Бир қучоқлаб олинг мени.

Моррель графни бандаргоҳгача кузатиб қўйди. Қоп-қора трубадан осмонга бурқираб тутун кўтарилаётган эди. Кўп ўтмай кема жўнади; Монте-Кристо айтганидек, бир соат ўтгач, кема уфқда фақат оппоқ тутун қолдириб, кўздан ғойиб бўлди.

ХVII. ПЕЛПИНО

Графнинг кемаси Моржион бурунидан ўтиб, кўздан узоқлашганда почта извошида Флоренциядан Римга кетаётган саёҳатчи эндигина кичкина Аквапенденте шаҳридан ўтганди. У ҳеч шубҳага йўл қўймай, учиб борарди.

Саёҳатчи камзул, тўғрироғи, пальто кийиб олган, пальтоси анча эскириб қолган бўлса-да, янги Фаҳрий легион тасмаси ялтираб турарди. Бу тасма костюмига тақилган эди. Шу либоси ва извошчига қарата айтаётган сўзлари бу зотнинг француз эканидан дарак бериб турарди. Италиянчадан фақат мусиқада ишлатиладиган сўзларнигина биларди, холос. Бу ҳам унинг ҳаммабоп тил мамлакатида туғилганини кўрсатиб турарди.

– Allegro! – дерди у извошчига ҳар гал тепаликка чиқишда.

– Moderato – дерди у ҳар гал пастликка тушишда.

Аквапендентедан борилганда Флоренция билан Рим ўртасидаги тепа ва жарларнинг сон-санови йўқ эди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ҳалиги иккала сўзни эшитиб кишилар кулиб қўйишарди.

Мангу шаҳар бўсағаси, яъни Рим яққол кўриниб турадиган Стартога етганда сайёҳ авлиё Пётр гумбазини кўришга ошиқиб извошда тик туриб оладиган хорижийларга ўхшаб, ҳаяжонга тушмади. Бу гумбаз Римга яқинлашганда аниқ кўриниб туради.

У чўнтагидан ҳамёнини олди-да, ундан тўрт букланган қоғозни чиқариб, аста очиб қаради, сўнг яна боягидек буклаб:

– Бу ерда экан, жуда соз, – деб қўя қолди.

Извош дель Попола дарвозасидан ўтиб, чапга бурилди ва «Лондон» меҳмонхонаси олдида тўхтади.

Эскидан бизга таниш маэстро Пастрини шляпасини қўлига олиб саёҳатчинини эшик олдида кутиб олди.

Саёҳатчи извошдан тушиб, мазали овқат буюрди, сўнгра Томсон ва Френч банкирлар хонадонининг манзилини сўради. Манзилни дарҳол айтиб бердилар, чунки бу Римдаги машҳур банкирлар эди.

Бу хонадан авлиё Пётр ибодатхонаси яқинидаги Банк кўчасига жойлашган эди.

Ҳамма ёқда бўлганидек, Римда ҳам четдан келган почта извоши ҳамманинг диққатини ўзига тортади. Мария ва Гракховнинг бир неча ёш тирсаги йиртиқ меросхўрлари гурур-ла бир қўлини белига, иккинчи қўлини бошига тираб саёҳатчини, извошни ва отларни синчиклаб кўздан кечиришарди, Мангу шаҳарнинг куча дайдилари бу ёш фуқароларга авлиё Ангел кўпригидан Тибр дарёсига туф деганда сув бетида ҳосил бўладиган доирани томоша қиладиган элликтача бекорчи анқовлар ҳам қўшилди.

Рим кўча болалари ва анқовлари Париждагиларга нисбатан толеи баландроқ бўлиб, ҳамма тилларни, айниқса француз тилини яхши тушунишади, шунинг учун сайёҳ меҳмонхонадан жой сўраганини, овқат буюрганини ва пировардида, банкир Томсон ва Френч хонадонининг манзилни сўраб олганини эшитишди.

Сўнгра саёҳатчи йўл кўрсатувчи билан меҳмонхонадан чиққанида, ҳалиги томошабинлар орасидан бир киши ажралиб чиқди-да, саёҳатчига ва унинг йўлдошига билдирмай, улар кетидан бир неча қадам орқада моҳир Париж айғоқчисига монанд усталик билан кузатиб бораверди.

Француз банкир Томсон ва Френч хонадонига жуда шошилиб бораётганидан извошга отларни қўшиб бўлишларини кутиб ўтирмай, орқадан етиб боришни буюриб, яёв кетаверди.

Извош унга йўлда етиб бормади.

Француз банкка кириб кетди, йўлдоши эса йўлкада қолиб, касб-кори номаълум бир неча киши билан дарҳол гап сота кетди, бу одамлар тўғри келган иш билан шуғулланиб, Римда эса ҳамма вақт банклар, черковлар, чалдиворлар, музейлар ва театрлар олдида дайдиб юришарди.

Банкка француз билан бир вақтда боя томошабинлар орасидан ажралиб чиққан киши ҳам кирди, француз идора эшигидан қўнғироқ урди-да, биринчи хонага ўтди, унга бояги киши ҳам эргашди.

– Томсон ва Френч жаноблари ҳузурига келгандим, у киши ўзларидами? – сўради сайёҳ.

Керилиб ўтирган ходимнинг имоси билан бир хизматчи келиб сўради:

– Хўжайинга ким келди, деб айтайин?

– Барон Данглар, – деди сайёҳ.

– Хўп бўлади.

Эшик очилди, хизматчи билан барон кириб кетишди.

Дангларнинг кетидан кирган одам қутувчилар ўринди-
фига ўтирди.

Ходим беш дақиқача ёзув-чизувини давом эттирди. Шу беш дақиқа ичида ўриндиқда ўтирган киши қимир этмай жим ўтирди.

Охири ходим ёзувини тўхтатди, бошини кўтариб, тева-
ракни диққат билан кўздан кечирди, ўзларидан бўлак ҳеч ким йўқлигига ишончи комил бўлгач:

– Ие-ие, Пеппино, сенмисан? – деди.

– Ҳа, – деди лўнда қилиб Пеппино.

– Бу хўппасемиздан бирор наф чиқади, деб ўйлайсан-
ми?

– Бу гал бизнинг хизматимиз йўқ бунда, бизни бошқалар
огоҳлантирди.

– У бу ерга нимага келганини биларкансан-да, шундай-
ми?

– Бўлмасам-чи! У пулга келди, фақат қанча олишини
билсак, бас.

– Ҳозир биласан, оғайни, ҳозир.

– Жуда соз, фақат, илтимос, ўтган галгидек, ёлғон га-
пирма!

– Қайсисини айтяпсан? Уч минг скудо олган инглизни-
ми?

– Йўқ, инглизнинг ёнида ростданам уч минг скудо бор
экан, топиб олдик. Мен анави рус князини айтяпман.

– Хўш, нима бўпти?

– Нима бўпти эмиш! Сен ўттиз минг ливр олди деган
эдинг, биз тинтиганда атиги йигирма икки минг чиқди-ю.

– Яхши тинтимабсизлар-да.

– Луиджи Вампанинг ўзи тинтиди уни.

– Демак, қолганини ё қарзига тўлаган, ё...

– Рус князи-я?

– ...ёки сарфлаб юборган бўлиши мумкин.

– Эҳтимол.

– Ҳойнаҳой шундай қилган, қани, мен кузатув пунктига чиқай-чи, француз ишини битириб қўйса, суммани аниқ билолмай қоламан.

Пеппино бошини қимирлатди; сўнг чўнтагидан тасбеҳини олди-да, алпақандай дуоларни ўқий бошлади, ходим боя хизматчи билан барон кириб кетган эшиқдан ўтиб, ғойиб бўлди.

Ўн дақиқа ўтар-ўтмас ходим ўзида йўқ қувониб чиқди.

– Хўш? – сўради Пеппино.

– *Alerte! Alerte!*²¹ – деди ходим, – сумма жуда улгуржи!

– Беш-олти миллионга борадими?

– Ҳа, бориб қолади, сен билармидинг?

– Жаноби олий граф Монте-Кристонинг тилхати билан-дир-да?

– Сен ҳали графни танийсанми?

– Римга, Венецияга ва Венага кредит берганми?

– Худди шундай! – деди хитоб қилиб ходим. – Сен буларни қаёқдан билиб олдинг!

– Ҳали сенга, бизни бурунроқ огоҳлантириб қўйишган эди, дедим-ку.

– Ундай бўлса, нега мендан сўраб юрибсан?

– Бу худди ўша одам эканлигини аниқлаб олиш учун сўрадим.

– Ўшанинг ўзи... Беш миллион... Ҳазилакам пул эмас-а, тўғрими, Пеппино?

– Ҳа, ҳазилакам пул эмас.

– Ўла-ўлгунимизча сен билан менда бунақа пул бўлмас!

– Ҳар қалай, – деди файласуфларча оҳангда Пеппино, – бизга ҳам унча-мунча тегиб қолар.

– Жим! У келяпти.

Ходим ручкасини, Пеппино эса тасбеҳини қўлига олди, эшик очилиши билан бири ёзишга, иккинчиси дуо ўқишга тушди.

Ичкаридан оғзи қулоғида Данглар ва уни кузатиб қўяётган банкир чиқди.

²¹ Дикқат! (итал.)

Данглар кетидан Пеппино ҳам зинадан пастга йўл олди. Маслаҳатга мувофиқ банкир Томсон ва Френч уйининг эшиги олдида извош кутиб турарди. Хизматни жуда жойига қўядиган чичероне²² извош эшигини ланг очди.

Данглар ёш йигитдек ирғиб извошга чиқди. Чичероне эшикни бекитди-да, извошчининг ёнига ўтирди.

Пеппино орқага жойлашиб олди.

– Жаноблари авлиё Пётр ибодатхонасини зиёрат қилишни истарлар? – сўради йўлдош.

– Нима учун? – сўради барон.

– Шунчаки кўриб чиқардилар-да.

– Мен Римга кўрмоқ учун эмас, олмоқ учун келдим, – деди жавобан Данглар очкўзларча жилмайиб, сўнг ҳозиргина аккредитивларни солиб қўйган ҳамёнини ушлаб қўйди.

– У ҳолда жаноб олийлари қаёққа йўл оладилар?

– Меҳмонхонага.

– Пастрини меҳмонхонасига, – деди йўлдош извошчига. Извош учиб кетди.

Ўн дақиқа ичида барон меҳмонхонага етиб, номерига кирди, Пеппино эса, меҳмонхонага кираверишдаги ўриндиққа ўтирди-да, ҳали биз тилга олган Мария ва Гракхов авлодларидан бирига нималарнидир шивирлади. Улардан бири Капитолий йўлидан физиллаб кетди.

Данглар жуда ҳориган, мамнун эди, уни уйқу босди, ҳамёнини ёстиқ тагига тикди-да, тўшакка ётиб, уйқуга кетди.

Пеппинонинг шошилишига ҳеч ҳожат йўқ эди, у ҳаммол билан «морра» ўйнардди; у уч скудо ютқизди ва ўзини юпатиш учун бир шиша вино ичиб юборди.

Данглар эрта ётган бўлса-да, уйқудан жуда кеч турди, олти кундан буён у мириқиб ухламаган эди.

Данглар тўйиб нонушта қилди-да, Мангу шаҳарнинг хусну жамолини томоша қилишга унчалик ҳуши йўқлигини ёна бир карра изҳор этиб, тушда почта извоши тахт этилсин, деб буюрди.

Бироқ Данглар полиция ходимларининг инжиқлигини ва станция назоратчисининг эринчоқлигини ҳисобга олмаган

²² Чичероне – кузатувчи.

эди; шу важдан извошни фақат кундуз соат иккида юборишди, чичероне эса рухсат этилган ёзувли паспортни соат учда келтирди.

Чўзилиб кетган тайёргарлик ишлари вақтида маэстро Пастрини эшиги олдига бир неча бекорчилар тўпланиб қолди. Мария ва Гракхов авлодлари ҳам бу ерда анчагина эди.

Чойчақа олиш ниятида «жаноб олийлари» деб қўл қовуштириб турган оломон орасидан Данглар гердаиб ўтди.

Маълумки, Данглар ўта демократчи бўлиб, шу вақтгача барон унвонни билан қаноатланиб, ҳеч маҳал ҳеч кимдан «жаноб олийлари» деган номни эшитмаган эди, мана ҳозир уни шундай ном билан улуғлашяпти, у жуда эриб кетиб, ялангоёқларнинг ҳаммасига ўн тангадан «садақа» берди.

– Қайси йўлдан кетамиз? – сўради извошчи итальянча-лаб.

– Анкону томондан, – деди барон.

Пастрини саволни ҳам, жавобни ҳам таржима қилиб берди, отлар йўртни кетди.

Данглар Венецияга бориб, пулининг бир қисмини, сўнгра Венага ўтиб, у ерда қолганини олмоқчи бўлган эди. У шу шаҳарда яхшигина ўрнашиб олиб, айш-ишрат суриш ниятида эди.

У Рим саҳросидан уч пье ўтар-ўтмас қоронғи туша бошлади, Данглар бунчалик кеч йўлга чиқаман, деб сира ўйламаганди, бундай бўлишини билганда у меҳмонхонада бугун ҳам ётиб қолган бўларди. Извошчидан шаҳарга ҳали узоқми, деб сўради.

– Non capisco!²³ – деди извошчи.

Данглар «жуда соз» дегандек бошини силкитиб қўйди.

Извош йўлида давом этди.

«Биринчи станциядаёқ ётиб қоламан», – деди ичида Данглар.

Данглар ҳамон кечагидек вақти чоғ, бунинг устита у жуда мириқиб ухлаб олганди. У қўш пружинали инглиз извоши-

²³ Тушунмадим! (итал.)

нинг юмшоқ парқуларига ялпайиб ўтириб олди; икки гижинг от қўшилган извошда кетяпти, яқиндаги станцияга атиги етти лье қолганлигини у яхши биларди. Кечагина синиб шарманда бўлган, аммо «сувдан қуруқ» чиқиб келаётган банкирнинг ўй-хаёлини нима банд қилган бўлиши мумкин?

Данглар ўн дақиқача Парижда қолган хотини ҳақида ўйлади, яна ўн дақиқа мадемуазель д'Армильи билан жаҳонгашта бўлиб юрган қизини хаёлидан ўтказди, сўнг яна ўн дақиқани қарздорларига ва уларнинг пулларидан қандай қилиб яхшигина фойдаланиб қолиш режаларига бағишлади, охири, бошқа ўйлайдиган нарсаси қолмагач, кўзларини юмиб, уйқуга кетди.

Тўғри, баъзида, хусусан извош қаттиқроқ силкитиб юборганида Данглар бир зум кўзини очиб кўярди, ҳаргал у извош Рим саҳросидан учиб бораётганини кўриб, мамнун бўлар, кўнгли тинчирди. Атрофда чопиб бораётган тошга айланиб қолган улкан одамларни эслатувчи осмонупар қувурларнинг харобалари сочилиб ётарди. Тун эса ниҳоятда совуқ, қоронғи, рутубатли эди. Бундай пайтларда «Non capisco!» деган сўздан бошқа ҳеч нима дея олмайдиган извошчидан, станцияга қачон келамиз, деб сўраб ўтиришдан кўра, бурчақда ҳузур қилиб мизғиган яхши.

Данглар шу ўйлар оғушида почта станциясига етгунча ором олганим дуруст, уйғониш қочмас, деб яна кўзини юмарди.

Извош тўхтади, Данглар кўзлаган манзилимга эсон-омон етиб олди, деб ўйлади-да, кўзини очиб, бирор шаҳарга ёки қишлоққа келдик, шекилли, деган хаёлда дарча ойнасидан ташқарига қаради. Бироқ яккаю ягона кулба, унинг атрофида уч-тўрт кишининг кўланкаси кўринди.

Энди извошчи келиб ҳақ сўрар, деб кутди Данглар, извошчи алмашганда янгисидан сўраб оларман деб индамай тураверди; бироқ отларни алмаштирдилар-у, ҳеч ким кира ҳақини сўрагани келмади. Таажжубланиб қолган Данглар эшикни очди, аммо аллакимнинг кучли қўли эшикни тарақлатиб бекитиб қўйди. Извош олға кетди.

Ҳанг-манг бўлиб қолган банкирнинг уйқуси батамом ўчди.

– Ҳой! – деди қичқириб у извошчига. – Ҳой! Mio caro!²⁴
Бу итальянча сўзларни Данглар қизи князь Кавальканти билан кўшиқ айтганда эслаб қолган эди.

Бироқ mio caro ғиқ этмади.

Данглар дарчани очди.

– Ҳой, оғайни! Қаёққа боряпмиз ўзи? – деди у бошини чиқариб.

– Dentro la testa! – деди қичқириб амирона оҳангда кимдир.

Dentro la testa – каллангни торт, дегани эканини Данглар тушунди. Ана, кўрдингизми, у итальян тилини яхшигина ўрганибди.

У бир оз ташвишланиб бўлса-да, итоат этишга мажбур бўлди, аммо ташвиши тобора кучайиб борарди, кўп ўтмай унинг сафар бошидаёқ қовоқ бўлиб қолган ва эндиликда мудроқ боса бошлаган бўм-буш миясида аллақандай фикрлар пайдо бўлди. Атрофда юз бераётган ҳодисалар диққатини тортиб, кўзини мошдай очди, сўнгра ваҳима босиб, ҳамма нарса унга балога ўхшаб кўрина бошлади. Зим-зиё қоронғилик қўйнида унинг кўзлари дастлабки кучли руҳий ҳаяжондан чақнаб кетди, кейин бу оғир тазйиққа бардош беролмай хиралаша бошлади. Кўрққанга қўша кўринар, деганларидек, кўрқув олдидан жуда яққол кўринган нарса кўрқувдан кейин хиралашиб, кўринмай қолади.

Унг томонда ёмғирпўшга бурканиб олган бир кимса от йўрттириб боряпти: «Бу жандарма бўлса керак, – деди ичидан Данглар. – Француз полицияси мен ҳақимда Италия ҳукуматига хабар қилдимикин, а?»

У бу ноаниқликка барҳам беришга аҳд қилди.

– Қаёққа олиб боряпсиз мени? – сўради у.

– Dentro la testa – деди яна дўқ уриб бояги овоз.

Данглар чап томондаги дарчага қаради. Чап томонда ҳам отлиқ йўртиб бораётганди.

– Қўлга тушибман-да, – деди сесканиб Данглар.

Данглар энди мизғиш учун эмас, ўйлаб, ўйининг тагига етиш учун извош тўрига чалқанча тушиб олди.

²⁴ Азизим. (итал.)

Бир оз ўтгач, ой кўринди.

Данглар извош тўридан саҳрога кўз ташлади, яна ўша осмонўпар қувурлар, тош арвоқлар... бироқ энди улар ўнг томонда эмас, чап томонда эди.

Извош орқага қайтиб, яна Римга йўл олганди. Буни банкир фаҳмлади.

– Ҳалок бўлдим! – деди пичирлаб Данглар. – Улар мени тутиб беришяпти.

Извош жадаллик билан борарди. Дилгирликда бир соат ўтди; қочоқнинг кўзига кўринган ҳар бир нарса уни орқага қайтиб олиб кетишаётганини тасдиқларди. Олдинда алпақандай баланд қора нарса кўринди, Данглар извош унга бориб урилади, деб кўрқиб кетди. Бироқ отлар бурилиб, ҳалиги қоранинг ёнидан ўтиб кетди; бу Римни ўраб олган қўрғон девори эди.

– Нима гап ўзи? – деди ғўлдираб Данглар, – нега шаҳарга кирмаяпмиз, демак, мени ҳибсга олган полиция эмас эканда. Ё, алҳазар! Наҳотки...

Унинг сочлари тикка бўлиб кетди. Шу пайт у париждликлар ишонмаган Рим қароқчилари ҳақидаги ҳикояларни эслади, Альбер де Морсер бу ҳикоялар билан Данглар хонимни ва Эженини ҳайратда қолдирганини хотирлади, ўша вақтда Альбер куёв бўлиши керак эди.

«Ростданам қароқчиларнинг қўлига тушдимми-а!» – деди ичида у.

Бирдан извош қаттиқ нарсага урилди. Данглар ўзини қўлга олди-да, калласини чиқариб қаради. У Альбер тасвирлаб берган Аппиево йўлида эканлигини фаҳмлади.

Чапда, пастликда, айлана чуқурлик кўринди.

Бу Каракалла цирки эди.

Ўнг томонда келаётган кишининг буйруғи билан извош тўхтади, чап томондаги эшик очилди.

– Scendi!²⁵ – буйруқ қилди қандайдир овоз.

Данглар дарҳол извошдан тушди, у ҳали итальянча гапира олмаса-да, ҳамма сўзларга тушуниб қолган эди.

Ўтакаси ёрилган барон атрофга олазарак назар ташлади.

²⁵ Чиқинг! (итал.)

Извошчидан бўлак яна тўрт киши уни қуршаб олган эди.
– Die qia²⁶ – деди Аппиева йўлига ўтадиган сўқмоқ йўлдан тушаётган тўрт кишидан бири.

Данглар олдинда бораётган кишига итоаткорона эргашди, қолган учтаси изма-из орқада келаётганини сезиб, орқасига қарамади.

Шу зайлда ўн дақиқача юриб (шу вақт ичида Данглар чурқ этмади) кичик тепалик билан ўсиқ чангалзор ўртасида тўхташди. Индамай келаётган уч киши уч бурчак бўлиб Дангларни ўртага олди.

Данглар гапирмоқчи бўлса-да, тили калимага келмасди.

– Avanti!²⁷ – деди бояги даҳшатли овоз.

Бу гал Данглар буйруқ бераётган зотнинг ўзидан устунлигига тўла ишонч ҳосил қилди, чунки сўз амалий иш билан тасдиқланди, орқасидан келаётган киши уни қаттиқ итариб юборди, Данглар йўл бошловчининг устига йиқилиб тушишига оз қолди.

Олдинда бораётган бизнинг оғайнимиз Пеппино эди, у ўйдим-чуқур сўқмоқдан буйдор буталарни ёриб, дадил қадам ташларди; у қалин буталар ўраб ётган тепалик олдида тўхтади-да, тепани ёриб турган чуқурликка сирғалиб тушиб кетди.

Орқасидан келаётган кишининг амри билан Данглар ҳам Пеппино кетидан чуқурга тушишга мажбур эди. Ҳеч шубҳа қолгани йўқ; Париж банкири Рим қароқчиларининг қўлига тушган эди.

Кайфи учиб кетган Данглар ноилож кўзини юмиб, юм-юмалоқ қорнини зўрға тешикка тикди-да, форга тушди, кейин ўрнидан туриб, кўзини очди.

Йўлка кенг, аммо қоп-қоронғи эди, ўз кулбасида бекинмай қўйган Пеппино жинчироқни ёқди.

Дангларнинг кетидан яна икки киши тушди ва уни тўхтатмай, орқасидан туртиб-суртиб, қўрқинчли муюлишга олиб боришди. Устма-уст қабрлар уйиб ташланган оппоқ деворлар худди калла чаноғига ўхшаб, қўрқинчли тикилиб турарди.

²⁶ Бу ёққа (итал.)

²⁷ Олға (итал.)

Ғоз турган соқчи милтиғини ўқталиб:

– Ким у келаётган? – деди.

– Узимизникилар! – деди Пеппино. – Атаман қаёқда?

– Ҳув анави ёқда, – деди соқчи форнинг тўридаги зални кўрсатиб, ундаги чироқнинг шуъласи тешикдан ўтиб даҳлизни ёритиб турарди.

– Ажойиб ўлжа келтирдик, атаман, – деди итальян тилида Пеппино, сўнг Дангларни ёқасидан тутиб, залга кирадиган эшик олдига олиб борди. Зал атаманнинг ётоқхонасига ўхшарди.

– Бу ўша одамнинг ўзими? – сўради атаман Александрнинг Плутарх томонидан тузилган саргузаштномасидан кўзини узмай.

– Худди ўзи, атаман.

– Жуда соз, қани кўрсат-чи уни менга.

Пеппино дағаллик билан айтилган буйруқни бажо келтириб, Дангларнинг юзига яқинлатиб чироқ тутди, банкир қошлари куйишидан кўрқиб ўзини орқага тортди.

Докадай оппоқ юзи кўрқувдан жирканчли тусга кирган эди.

– Бу чарчабди, – деди атаман, – тушакка олиб боринг бунди.

– Бу тушак ғорда ўйиб қўйилган гўрнинг ўзидир-да, – деди пичирлаб Данглар, – демак, анавиларнинг бир ханжари билан абадий кўз юмарканман-да.

Ҳақиқатан ҳам Альбер де Морсер келганда «Цезарнинг хотиралари»ни, Данглар келганда Александрнинг саргузаштномасини ўқиб ўтирган зотнинг зал тўрида қуруқ хашак ва бўри терисида ўтирган жўралари бошларини кўтариб қўйишган эди.

Банкир йиғлаб йўл бошловчи кетидан борди, у қичқирмади, раҳм-шафқат ҳам тиламади, бутунлай ҳолдан тойган, иродасидан маҳрум бўлганди; ҳеч нимани истамас, ҳеч нимани ҳис этмасди, мажбуран қадам ташларди.

У қоқилиб кетди, олдинда зина борлигини фаҳмлаб, беихтиёр бўйнини эгди, оёқ остида оддий ўра пайдо бўлди.

Ўра покиза ва анча чуқур бўлишига қарамай, қуруқ эди. Бир бурчақда қуруқ похол устига пўстак солиб қўйилганди. Данглар бу тушакни қутулиш, озодлик тимсоли деб ўйлади.

– Худога шукр! – деди у пичирлаб. – Бу росмана тўшаку!

Ун йил мобайнида бир марта ҳам Худони тилга олмаган банкир мана эиди бир соат ичида икки марта Худодан мадад тилади.

– Ессо!²⁸ – деди кузатувчи ва Дангларни ўртага итариб юборди-да, эшикни бекитди.

Зулфин шақиллади; Данглар асир тушган эди.

Зулфин бўлмаё эшик ланг очик тургандаям Сан-Себастьян катакомбасини эгаллаб олган ва ўз саркардаси (ки-тобхон бу машхур Луиджи Вампа эканлигини дарров фахмлаган бўлса керак) атрофида давра қуриб ўтирган гарнизонга чап бериб, ғордан қочиб чиқиш учун муқаддас Пётрнинг ўзи бўлмоқ ва Худонинг фариштасини ҳамроҳ қилиб олмоқ керак, бусиз қочиб чиқишни хаёлга келтиришнинг ўзиям тентаклик бўлур эди.

Данглар ҳам бу қароқчи Луиджи эканлигини билди, ҳолбуки, Парижда Альбер ҳаммага унинг важоҳатини, хатти-ҳаракатларини таништирмоқчи бўлганида банкир ишонмаганди. Данглар эиди Вампанигина эмас, Морсер қамалган ва афтидан, фақат хорижий меҳмонларга аталган кулбани ҳам кўрди.

Шу хаёллар, хотиралар оғушида Дангларнинг кўнгли бир оз тинчиди. Қароқчилар дарров ўлдирмаган экан, демак, умуман ўлдириш ниятида бўлмасалар керак. Уни фақат пулини тортиб олиш учун тутиб олганлар; аммо чўнтагида бир неча олтин сўлкавойдан бошқа ҳеч вақоси йўқ, шу ваядан улар банкир учун катта пул талаб қиладилар.

Морсерга тўрт минг экю талаб қилганларини эслади банкир; «Мен Морсерга қараганда анча салобатли кўринганим ваядан, қароқчилар мен учун саккиз минг экю сўрашса керак», – деб ўйлади у.

Саккиз минг экю қирқ саккиз минг ливр демақдир. Банкирнинг эса беш миллион эллик минг франк ақчаси бор. Бунақа пул билан ҳар қандай оғир аҳволдан қутулиб кетиши мумкин.

²⁸ Мана шу (итал.)

Хуллас, Данглар ҳеч шубҳасиз қутулиб чиқишига ишонган ҳолда («Бир одам учун беш миллион эллик минг франк талаб қилиш тарихда бўлмаган-ку!») тўшагига яхшилаб ётиб олди-да, ҳали Вампа саргузаштини ўрганаётган қаҳрамон Александр каби хотиржам уйқуга кетди.

XVIII. ЛУИДЖИ ВАМПАНИНГ ПРЕЙСКУРАНТИ

Маълумки, ҳар қандай уйқунинг кетидан уйғониш бор (Данглар қўрққан абадий кўз юмиш бундан мустасно, албатта).

Данглар уйғонди.

Шойи пардаларга, юмшоқ мато ёпиштирилган деворларга, печларда чарс-чарс этиб турган арча ўтинларнинг хушбўй ҳидига одатланган Париж оқсуяги уйғониб, ўзини форда эканлигини кўриш ниҳоятда кўнгилсиз бўлгандир, албатта.

Данглар пўстакни ушлаб кўриб, тушимда одамхўрлар ёки лапландцлар қўлига тушган эканман-да, деб ўйлади. Бироқ бундай ҳолатларда шубҳалар бир дақиқадаёқ қатъий ишончга айланиб кетади.

– «Ҳа, айтганча, – деди у эсини йиғиб, – мен ўша Альбер де Морсер айтган қароқчилар асириман».

Дастлаб у, бирор ерим жароҳатланмаганмикин, деб чуқур нафас олди. Бу усулни у «Дон-Кихот» да ўқиган эди. Унинг умр бўйи биттаю битта ўқиган, ўқиганда ҳам чала-чулпа ўқиган ва ундан уч-тўрт жойини эсида қолдирган китоби шу эди.

«Йўқ, – деди ўзига-ўзи, – улар мени ўлдириш у ёқда турсин, ҳатто ярадор ҳам қилишмабди. Балки улар менинг ақчаларимни қоқиштириб олишгандир?»

У шошилиб чўнтагини титкилади. Пуллари тахи бузилмай шундайлигича турган эди. Римдан Венециягача йўл харажати учун ажратиб қўйган юз луидор чолворининг чўнтагида, беш миллион эллик минг франкли аккредитивлар солинган ҳамёни эса камзулининг чўнтагида турибди.

«Булар жуда ғалати қароқчилар экан-ку! – деди у ўз-ўзига. – Пулларимга қўл теккизишмабди-я! Улар мен учун катта ақча талаб қилишади, деб кеча ётаётиб тўғри ўйлаган экан».

ман. Ия, буни қаранг-а, соатим ҳам жойида турибди, қарайчи, соат неча бўлди экан».

Дангларнинг соати Брежетнинг нодир нусхаларидан эди, йўлга чиқиш арафасида жуда маромига етказиб бураб қўйган эди. Соат беш яримга бонг урди. Бошқа йўл билан Данглар вақтнинг қанчалигини билолмасди, чунки унинг кулбасига кундузи ёруғ тушмасди. Шунча вақт ўтиб бирор кимса бирор сўз айтмади унга.

Қароқчилардан, нега бундай қилишаётганининг сабабини айтиб беришни талаб қилсаммикин? Ёки ўзлари сўз бошлагунча сабр қилсаммикин? Сўнггиси маъқул тушди унга, Данглар кутишга қарор қилди.

Чироқнинг шуъласи эшик тахталари орасидаги ёриқдан кўриниб турарди: у ана шу тешиқлардан бирига бориб қаради, соқчи бурдюқдан ясалган ароқ ичиб ўтирган эди, Данглар уни ҳидидан билди.

– Туф! – деди у кулбасининг орқасига тисарилиб.

Тушда ароқхўр ўрнига бошқа қароқчи келди. Данглар яна янги соқчини кўришни хоҳлаб қолди, яна тешиқдан қаради.

Бу галги соқчи девқомат, бойўғли кўз, лаблари қалин, картошка бурун, бесўнақай кимса эди, қалин малла сочлари илон сингари буралиб елкасида осилиб турарди. Хуллас, у ҳақиқий Голиаф эди.

«Буниси одам эмас, одамхўр ваҳшийнинг худди ўзи, – ўйлади Данглар, – хайриятки, мен жуда қартайиб, чандир бўлиб қолганман, гўштимда маза-матра қолмаган бўлса керак».

Мана, қаранг, бу банкир ҳамон ҳазил-мутойибага қобил.

Шу пайт соқчи, гўё одамхўр эмаслигини тасдиқлашга аҳд қилгандек, сумкасида бир бурда қора нон, бир нечта пиёз ва пича пишлоқ олиб, зўр иштаҳа билан тановул қила бошлади.

– Бу қанақаси бўлди, – деди Данглар тешиқдан қароқчининг овқатланишини кўриб. – Ё, Раббим, шунақа ифлос нарсаларни ҳам ейишадими?

Сўнг у пўстакка чўқди. Пўстакнинг ҳиди илгариги соқчи ичиб кетган ароқнинг ҳидига ўхшаб кетарди.

Аммо Данглар ўзини қанчалик тиймасин, табиий эҳти-
ёж ўз билганини қилади: баъзан оч қоринга энг бемаза нар-
са ҳам жуда мазали бўлиб туюлади.

Данглар қорни очқаганини бирдан сезиб қолди, соқчи
унинг кўзига энди унча бадбуруш бўлиб кўринмас, нон унча
қора, пишлоқ эса унчалик қотган бўлиб туюлмасди; ваҳ-
шийлар ейдиган ҳидланган пиёз Дангларнинг эсига Робер-
нинг шарбатини ва ўз уйидаги ошпази Денизо тайёрлайди-
ган қайласини эслатди.

Банкир ўрнидан туриб, эшикни қоқди.

Соқчи бошини кўтарди.

Данглар яна эшикни қоқди.

– Che cosa?²⁹ – сўради қароқчи.

– Ҳой оғайни, менга қара, – деди Данглар бармоқлари
билан эшикни таққиллатиб, – менга ҳам ғамхўрлик қилади-
ган вақт келган бўлса керак!

Барзанги тушунмади ёки бу ҳақда зарур топшириқ ол-
мади, шекилли, у Дангларнинг гапларига эътибор бермай,
овқатини еяверди.

Данглар ўзини ҳақоратланган ҳисоблади-да, бу бефаро-
сат махлуққа гап сотишни истамай, пўстакка чўзилди.

Орадан яна тўрт соат ўтди; барзанги қароқчи ўрнига
бошқаси келди. Ўлгудек оч Данглар аста ўрнидан туриб,
яна эшик тирқишидан мўралади, бу галги соқчи уни куза-
тиб олиб келган Пеппино эди.

Пеппино навбатчиликни зерикмай ўтказиш ниятида
бўлса керак, эшик рўпарасида ўтириб олди-да, ёғда боп-
лаб қовурилган хушбўй турк нўхати тўла кўзачани оёқлари
орасига қўйди, кўза ёнида узум тўла саватча ва бир шиша
вино бор эди: Пеппинонинг овқатга иштаҳаси зўрлиги кўри-
ниб турарди.

Иштаҳани карнай қилиб юборадиган бу таомларни кўриб
Дангларнинг сўлаги оқиб кетди.

«Қани, кўрайлик-чи, балки буниси гапга кўнар», – деди
ўзига ўзи асир ва эшикни аста таққиллатди.

– Ҳозир, ҳозир, – деди соқчи француз тилида.

²⁹ Нима гап? (итал.)

У Пастрини меҳмонхонасида французча сўзлашни ўрганиб олган эди.

Пеппино келиб эшикни очди.

Данглар уни таниди: извошдалигида «Каллангни торт!» деб бақирган киши шу эди. Бироқ, ҳозир гина-кудуратнинг вақти эмас, аксинча, Данглар илжайиб, мулойим оҳангда:

– Узр, жаноб, – деди, – менга ҳам овқат берадиларми?

– Бўлмасам-чи! – деди Пеппино. – Жаноб олийлари, наҳотки оч ўтирган бўлсалар?

– Тағин «наҳотки» дейди-я! – деди ўзича Данглар. – Кечадан бери туз тотганим йўғу.

– Жаноби олийлари овқатланмоқчимилар?

– Мумкин қадар тезроқ.

– Бу илтимосингиз дарҳол бажо келтирилади, – деди Пеппино.

– Бу ерда истаган овқат топилади, пулга, албатта. Бу ҳамма мурувватли христианлар одати.

– Текинга эмаслиги маълум, албатта, – деди Данглар. – Аслини олганда, маҳбусни қамоққа олганлар боқади, сиз мени ҳибсга олган экансиз, боқишним гарданингизга олмафингиз лозим.

– Ундай эмас, жаноби олийлари, ундай эмас, – деди эътироз билдириб Пеппино, – бизда бундай қоида йўқ.

– Бу асоссиз баҳона, қўйинг, тортишиб ўтирмайлик, – деди Данглар юмшоқ сўз билан соқчининг кўнглини олишга уриниб, – келинг, айтинг, менга овқат келтиришсин.

– Ҳозир, жаноби олийлари, ҳозир, хўш, қанақа овқат келтиришсин?

Пеппино шундай деди-да, хумчасини шундоқ Дангларнинг оёғи остига қўйди, ундан кўтарилаётган буғ «гуп» этиб банкирнинг димоғига урди.

– Буюрсинлар, – деди Пеппино.

– Ҳали бу ерда ошхоналаринг ҳам борми? – сўради банкир.

– Бўлмаса-чи! Бор. Бўлганда ҳам жуда шоҳонаси бор!

– Ошпазлар ҳам борми?

– Пазандаларнинг энг зўрлари.

– Ундай бўлса, қовурилган жўжа ёки қовурилган балиқ келтиришсин, булар бўлмаса бирор парранда гўшти, нима бўлса ҳам майли.

– Нимани буюрсалар, муҳайё этилади, жаноби олийлари, демак, қовурилган жўжа денг.

– Ҳа, жўжа.

Пеппино ғоз турди-да, товушининг борича қичқирди:

– Жаноби олийларига дарров қовурилган жўжа келтирилсин.

Шу заҳоти сарвқомад, чиройли, белигача яланғоч бола қовурилган жўжа солинган кумуш ликопчани бошига қўйиб кириб келди.

– Кафе-де-Паридагидан ҳеч фарқи йўғ-а, – деди ғунғиллаб Данглар.

– Марҳамат, жаноби олийлари, марҳамат, – деди Пеппино ва ликопчани боланинг қўлидан олди-да, қурт-қумурсқалар илма-тешик қилиб юборган стол устига қўйди. Бу кулбанинг жиҳози ана шу стол, битта табуретка ва эчки терисидан қилинган пўстақдан иборат эди.

– Марҳамат, жаноби олийлари, марҳамат, – деди Пеппино кичик пичоқ ва ёғоч санчқи узатиб.

Данглар бир қўлига пичоқни, иккинчи қўлига эса санчқини олиб жўжани бурдаламоқчи бўлди.

– Узр, узр, жаноби олийлари, – деди Пеппино банкирининг елкасига қўлини қўйиб, – бу ерда пулни олдин тўланади, балки, меҳмонга овқат ёқмай қолар.

«Мана буниси Кафе-де-Паридагига асло ўхшамайди, – ўйлади Данглар. – Мени ҳеч сўзсиз боплаб шилиб олишади. Майли, хасисликни йиғиштириб қўйишга тўғри келади. Мен ҳамма вақт Италияда арзончилик деб эшитиб юрардим, жўжа Римда жуда борса ўн икки су турар-да».

– Мана, олинг, – деди у Пеппино томонга олтин сўлкавойни ирғитиб.

Пеппино сўлкавойни ердан олди. Данглар пичоқни жўжа устига олиб борган эди, Пеппино қаддини ростлаб:

– Бир дақиқа сабр қилсинлар, жаноби олийлари, – деди, – ҳали ҳаммасини тўлаганлари йўқ менга.

– Ҳа, ўйлаганим тўғри чиқди: мени боплаб шилиб олишади булар, – деди Данглар. Бироқ у қаршилиқ қилмасликка аҳд қилди.

– Бу қоқсуяк жўжа учун яна қанча беришим керак сизга? – сўради у.

– Овқат ҳақи ҳисобидан фақат бир луидор тўладингиз, холос.

– Битта жўжа ҳисобидан бир луидор?

– Худди шундай.

– Яхши... Хўш, қолгани қанча бўлади?

– Жаноби олийлари менга яна тўрт минг тўққиз юз тўқсон тўққиз луидор тўласалар бўлгани.

Бу кўпол ҳазилни эшитиб Дангларнинг кўзлари косасидан чиқаёзди.

– Ана холос, – деди у, – ана холос!

У яна жўжага кўл узатаётган эди, Пеппино уни чап кўли билан тўхтатди-да, ўнг кўлини баланд кўтариб кафтини тутди.

– Аввал пулни тўласинлар, – деди у.

– Бу нимаси? Ҳазиллашяпсизми? – деди Данглар.

– Жаноби олийларига маълум бўлсинки, бизнинг ҳазилмутойиба қиладиган одатимиз йўқ, – деди жиддий равишда эътироз билдириб.

– Астаффирулло, мана шу жўжага юз минг франк тўлаш керакми?

– Бу лаънати ғорларда жўжа очтириш нақадар қийин, десам жаноби олийлари ишонмайдилар-да.

– Бу гаплар жуда қулгили, – деди Данглар, – шубҳасиз, жуда қизиқ. Бироқ қорнимни ит тимдалаяпти, халақит берманг, овқатимни еб олай, мана яна бир луидор сизга, дўстим.

– Демак, сизда яна тўрт минг тўққиз юз тўқсон саккиз луидор қолди, – деди Пеппино боягидек совуққонлик билан, – бир оз сабр қилсангиз орани очиқ қилиб оламиз.

– Бўлмаган гап, – деди Данглар қароқчининг сурбетлик билан масхара қилаётганидан ғазабланиб. – Бор, тошингни тер, ким билан гаплашаётганингни биласанми ўзи?

Пеппино бир имо қилиб эди, йигитча жўжани чаққонлик билан столдан олиб, чиқиб кетди. Данглар пўстакка ўзини ташлади. Пеппино эшикни қулфлади-да, яна мойли нўхатини ура бошлади.

Данглар Пеппинонинг нима қилаётганини кўролмасди, албатта, бироқ, қароқчи овқатини чунон чалоплатиб чай-

нардики, шўрлик асир соқчи нима қилаётганини жуда аниқ билиб турарди, яъни у овқат еяпти, еганда ҳам жуда очкўзлик билан шовқин солиб еяпти.

– Аҳмоқ! – сўкинди Данглар.

Пеппино эшитса ҳам ўзини эшитмасликка солиб, нўхатини паққос тушираверди.

Дангларга ошқозон Данаид бочкаси каби бўш, тагсиз туюлди, уни қачондир тўлдириш мумкинлигига у сира ишонмасди.

Шу зайлда у яна ярим соат тоқат қилди; аммо иқроп бўлиш керакки, бу ярим соат мангуликдай кўринди унга.

Ахийри у ўрнидан туриб, яна эшик олдига борди.

– Ҳой жаноб, бу ёққа қаранг, – деди у, – мени ҳадеб ёғираверманг ахир, мендан нимани истайдилар, айтиб қўя қолмайсизларми?

– Жаноби олийларининг ўзлари марҳамат қилиб айтсинлар, биздан нима истайдилар?.. Буюрсинлар, биз бажо келтирайлик.

– Ундай бўлса, қани аввал эшикни очинг.

Пеппино эшикни очди.

– Ҳой, бетавфиқлар, мен овқат емоқчиман, овқат! – деди Данглар.

– Очмисиз?

– Ахир била туриб, нега сўраяпсиз!

– Овқатдан қанақасини олиб келишсин, жаноби олийлари?

– Бу лаънати ертўлада жўжа жуда қиммат экан, яхшиси менга бир бўлак қотган нон бера қолишсин.

– Нонми? Марҳамат! – деди Пеппино. – Ҳой болакай, нон олиб кел! – бақирди у.

Йигитча бир бўлак нон келтирди.

– Мана, марҳамат қилинг! – деди Пеппино.

– Бу нон неча пул туради? – сўради Данглар.

– Тўрт минг тўққиз юз тўқсон саккиз луидор. Жаноблари икки луидорини олдиндан тўлаб қўйган эдилар.

– Нима, нима? Шу бир бўлак нон юз минг франк туради-ми?

– Ҳа, юз минг франк, – деди жавоб бериб Пеппино.

– Жўжанинг баҳоси юз минг франк эди-ку!

– Бизда овқатларнинг маълум баҳоси йўқ, ҳаммасининг нархи битта, озми, кўпми – кўнглингиз тортганча еяверасиз, битта овқат чақирасизми, ўнта чақирасизми, барибир, нархи ўзгармайди.

– Тағин майнабозчилик қиляпсизми? Бу бемаънилик, тентаклик-ку! Яхшиси, очигини айтиб қўя қолинг, сиз мени очимдан ўлдирмоқчимисиз?

– Йўқ, жаноби олийлари, ундай эмас, аксинча, ўзингиз ўзингизни очликдан ўлдирмоқчисиз. Пулини нақд тўланганда, истаганча еяверинг, ош бўлсин.

– Ҳой, ҳайвон, қандай қилиб тўлайман? Сен мундоқ тананга ўйлаб кўргин: юз минг франкни чўнтагимга солиб юрармидим.

– Жаноби олийлари, чўнтагингизда беш миллион эллик минг франк ақча бор, – деди Пеппино, – юз минг франкдан ҳисоблаганда, бу эллик жўжа бўлади, эллик минг франкка яна яримта жўжа оласиз.

Данглар титраб кетди, кўзига боғлаган латта тушди: бу, шубҳасиз, ҳазил эди, энди англади, шуни айтиш керакки, бу илгаригидек кўпол ҳазил эмасди.

– Менга қаранг, – деди у, – шу юз минг франкни берсам сиздан қутуламанми? Бамайлихотир овқатимни ея оламанми?

– Албатта, – деди Пеппино.

– Мен сизга қандай қилиб бераман бу суммани, – сўради Данглар енгил нафас олиб.

– Бу жуда осон, Римда, Банклар кўчасида банкир Томсон ва Френч хонадониди жорий ҳисобингиз бор, ана шу банкка тўрт минг тўққиз юз тўқсон саккиз луидорга чек ёзиб берсангиз бас, бизнинг банкимиз уни қабул қилади.

Данглар ўзини мард қилиб кўрсатишга уриниб, Пеппино узатган перо ва қоғозни олди-да, хат ёзиб, қўл қўйиб берди.

– Мана сизга чек, – деди у.

– Мана сизга жўжа.

Данглар бир хўрсинди-да, жўжани тўғраб ташлади. Тўланган жуда «семиз» суммага нисбатан жўжа жуда ориқ туюлди Дангларга.

Пеппинога келсак, чекни диққат билан ўқиб чиқиб чўнтагига солиб қўйди-да, яна турк нўхатига ёпишди.

Эртасига Дангларнинг қорни яна очди. Бу ғорнинг ҳаво-си иштаҳани карнай қилиб юбораркан. Асир бугун ортиқ-ча харажатдан қутулдим, деб ўйлаганди, чунки у жуда те-жамкорлик қилиб, кечаги жўжанинг ярмини бир бурда нон билан қулбанинг бурчагига бекитиб қўйган эди.

У овқатни еб бўлиши билан ташналик сизди, бироқ у буни эътиборга олмасликка уринди-да, сабр қилди, бу узоққа бормади, томоғи қақраб, тили танглайига ёпиша бошлади, сабри тугаб, соқчини чақирришга мажбур бўлди.

Соқчи эшикни очди, маҳбусга нотаниш одам эди бу.

Данглар, эски таниш билан гаплашганим маъқул, деб Пеппинони чақирди.

– Ҳозир, жаноби олийлари, ҳозир, – деди зум ўтмай ки-риб келган қароқчи, Дангларга умид бағишлайдиган ҳозир-жавоблик билан. – Буюрсинлар!

– Ичимлик келтиришсин, – деди асир.

– Жаноби олийларига маълум бўлсинки, – деди Пеппи-но. – Рим шаҳрининг атроф-теварагида вино ниҳоятда қим-мат.

– Унда сув бера қолинг, – деди Данглар зарбани қайта-ришга уриниб.

– Э-э, жаноб олийлари, сув ичмоқчиларми, аммо бу ви-нодан ҳам танқис нарса, ҳозир ҳамма ерда қаттиқ қурғоқ-чилик.

– Яна эски майнабозчиликка ўтдингиз, шекилли? – деди Данглар. Чаккаларидан шовиллаб тер оқаётган бўлса-да, ўзини ҳазиллашаётганга солиб, илжайиб қўйди.

– Ҳой оғайни, менга қаранг, – деди у Пеппинонинг пина-гини бузмай турганини кўриб, сиздан атиги бир стакан вино сўраяпман, наҳотки шуни ҳам бермасангиз?

– Мен сизга айтдим-ку, жаноби олийлари, ахир, биз ча-кана савдо билан шуғулланмаймиз.

– Бўлмаса бир бутилка беринг.

– Қанақасидан?

– Арзонроғидан.

Ҳамма виноларнинг нархи бир хил.

– Қанча?

– Бутилкаси йигирма беш минг франк.

– Яхшиси, сизни талаб терингизни шилиб олмоқчимиз, деб қўя қолинг-да! – деди хитоб қилиб ғамгин оҳангда.

– Эҳтимол, бошлиғимиз шунақа ниятдадир, – деди Пепино.

– Бошлиқ? Ким у?

– Ўтган куни сизни унинг ҳузурига олиб боришган эди.

– Қаерда у?

– Шу ерда.

– У билан кўришсам бўладими?

– Нега бўлмас экан.

Ҳаш-паш дегунча Луиджи Вампа Данглар қаршисида пайдо бўлди.

– Сиз мени чақирдингизми? – сўради у асирдан.

– Жаноб, сиз мени бу ерга олиб келганларнинг бошлиғимисиз?

– Шундай, муҳтарам жаноб. Хўш, нима гап?

– Мен учун қанча ҳақ талаб қиласиз?

– Ёнингиздан беш миллионни берсангиз, етади. Дангларнинг капалаги учиб кетди.

– Жаноб, менинг бор пулим шу, катта бир давлатдан қолгани, агар сиз уни тортиб олсангиз, жонимни ҳам суғуриб олган бўласиз.

– Сизнинг қонингизни тўкиш тақиқланган.

– Ким тақиқлаган?

– Биз кимга итоат қилсак, ўша киши.

– Демак, сиз ҳам кимгадир итоат қиларкансиз-да? Кимга?

– Бошлиғимизга.

– Мен сизнинг ўзингизни бошлиқ деб ўйлагандим.

– Мен мана буларнинг бошлиғиман, аммо менинг устимдам яна бошлиқ бор.

– Ўша бошлиғингиз ҳам кимгадир итоат қилса керак-да?

– Албатта.

– Кимга?

– Худога.

Данглар ўйланиб қолди.

– Тушунмадим, – деди у.

– Балким.

– Мен билан бунақа муомала қилишни ҳам ўша бошлигингиз буюрганмиди?

– Ҳа.

– Қандай ниятда?

– Билмадим.

– Бора-бора ҳамёнимда ҳемири ҳам қолмайди-ку?

– Эҳтимол.

– Менга қаранг, – деди Данглар, – бир миллион берсам етадими сизга?

– Йўқ.

– Икки миллион-чи?

– Йўқ.

– Уч миллион... Тўрт миллион?.. Тўртни берсам-чи? Мени бўшатиб юбориш шарти билан тўрт миллион бераман? Бўптими?

– Нега энди тўрт миллион бераман деяпсиз? Узи беш миллион туради-ку, ахир? – деди Вампа. – Судхўрлик, жаноб, банкир, ҳа, менимча ўтакетган судхўрликнинг ўзгинаси.

– Олинг ҳаммасини! Эшитдингизми, ҳаммасини олинг-да, мени гўрга тиқиб қўя қолинг!

– Тинчланинг, жаноб, тинчланинг, тажанглик қилманг, асабларингиз бўшашиб, иштаҳангиз карнай бўлиб кетади-да, ҳар куни бир миллион-бир миллионлик овқат ейдиган бўлиб қоласиз. Тежамкорлик яхши нарса!

– Пулим тамом бўлиб қолса, сизга битимни бераманми, ахир? – деди жаҳли чиқиб Данглар.

– Унда оч ётаверасиз.

– Оч ётавераманми? – деди ранги ўчиб Данглар.

– Шундай бўлса керак, – деди пинагини бузмай Вампа.

– Ахир сиз мени ўлдирмаймиз, дедингиз-ку!

– Тўғри, ўлдирмаймиз.

– Очимдан ўлиб кетсам-чи? Унда нима бўлади?

– Бу бошқа гап.

– Йўқ, йўқ, аблаҳлар, – деди хитоб қилиб Данглар, – ёвуз ниятларингизга етолмайсиз! Шу ерда ўлиш пешанамга ёзилган экан, эртароқ ўлганим яхши, минг хил қийноққа солинг мени, азобланг, ўлдингиз, аммо бир чақа пулга ҳам имзо қўйиб бермайман!

– Ихтиёр ўзларида, – деди Вампа ва кулбадан чиқиб кетди.

Данглар ғазабдан бўкириб, ўзини пўстакка отди.

Бу одамлар ким экан ўзи? Бу ердаги бошлиқ ким, ғойибона бошлиғи ким бу бадбахтларнинг? Улар нима мақсадда шундай қилишяпти? Нега ҳамма жарима тўлаб қутулиб кетади-ю, у қутулолмайди?

Қандайдир номаълум қасос йўлида уни қурбон қилишга уринаётган бу аблаҳларнинг ниятини барбод этишнинг энг яхши йўли тез, ўзини-ўзи қийнаб ўлдириш.

Бироқ ўлмоқ, жондан кечмоқ осонми?

Данглар умрида биринчи марта ўлим тўғрисида ўйлаётгандир, биринчи марта Азроилни чақираркан, кайфи учиб ваҳимага тушаётгандир, ҳа, шундай, мана, «ажалинг етди сенинг!» деб келадиган ана шу Азроилнинг башарасига бир дақиқа кўз тикиш вақти келди энди.

Данглар шу топда қутурган, сўнгра жазаваси қўзғаб жонжаҳди билан ўзини ҳар томонга отиб, хатардан қутулишга уринаётган йиртқичга ўхшарди.

У қочишни ўйлаб кўрди. Бироқ атрофдаги деворлар қоялардан қалин, кулбадан чиқадиган ягона йўлкада ҳалиги махлуқ китоб ўқиб ўтирибди, унинг орқасида яроғ-аслаҳали бир неча одам савлат тўкиб юрибди.

Унинг сабр-тоқати икки кунга аранг етди, шундан кейин бир миллион тўлашга рози бўлиб, овқат талаб қилди. Жуда мазали овқат келтириб бердилар-да, ваъда қилинган миллионни олиб чиқиб кетдилар.

Шу дамдан бошлаб бахтсиз асирнинг ҳаёти фақат чекиниш, итоат қилишдан иборат бўлиб қолди. Шўрлик азоб чека-чека бутунлай ҳолдан тойди, эндиликда ундан нима талаб қилсалар бажо келтираверди, шу зайлда ўн икки кун ўтди, давр сурган вақтларидагидек шоҳона тушликни бошлаб туширди-да, қанча суммага чек ёзиб берганини ҳисоблаб чиқди. Ҳисоб-китобдан равшан бўлдики, атиги эллик минг франк пули қолибди.

Шу он унинг аҳволи руҳиятида ғалати ўзгариш юз берди, беш миллионни бериб юборган банкир охирги эллик минг франкни сақлаб қолишга қарор қилди, бутунлай оч қолсам-да, эллик минг франкни бермаслигим керак, деб

аҳд қилди. Миясида умид учқунлари пайдо бўлгандай туюлди. Аллақачонлар Худодан юз ўтирган бетавфиқ ҳозир уни эсга олди, ҳа, Худо баъзан мўъжизалар яратади: унинг амри бидан балки ғор ёрилиб кетар, балки Папа ўқчилари бу лаънати ғорни очиб кириб, уни қутқариб олишар, у вақтда эллик минг франк чўнтагига қолади, бу пул билан очликдан ўлмай баҳоли қудрат тирикчилик қилиш мумкин, банкир Худодан ана шу эллик минг франкни ўзида қолдиришни тилаб йиғлади, ялиниб-ёлворди.

Шу алфозда Данглар Худони дилида бўлмаса-да, тилида такрорлаб уч кечаю уч кундузни ўтказди; баъзида у алаҳсирагандай бўлар ва кўзига бир ночор кулбада, у вада тўшақда жон бераётган чол кўринарди. Ўша чол ҳам очликдан ўлаётгандек бўларди.

Тўртинчи кунга ўтганда Данглар одам эмас, тирик мурда бўлиб қолганди. У илгариги овқатларидан қолган-қутганларини қўймай йиғиштириб еди ва тош полга ёйиб қўйилган бўйрани кемира бошлади.

Бу ҳам бўлмади, шекилли, банкир овқат сўраб Пеппинога ялиниб-ёлвора бошлади. Бир бурда нонга минг франк тўлайман, деди.

Пеппино эса миқ этмади.

Бешинчи кун Данглар эмаклаб зўрға эшик олдига борди-да, тизза чўкиб нола қилди:

– Сиз христиан эмассиз! Сиз Худонинг мўмин бандасини қасддан оч қолдириб ўлдирмоқчисиз! Қани менинг ёр-биродарларим! Қани энди улар! – деб юз тубан ерга йиқилиб тушди.

Бир оздан сўнг бошини кўтариб қичқирди:

– Бошлиқни чақиринг менга! Бошлиқни!

– Шу ердан! – деди Вампа худди ер тагидан чиққандай, – нимани истайдилар жаноби олийлари?

– Мана, сўнгги олтинларимни ҳам олинг, – деди Данглар ҳамёнини узатиб, – мени шу ерда қолдиринг, умрим мана шу ғорда ўтсин, мени озод қилиб юборишингизни сўрамайман, тирик қўйсангиз бас. Менга бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

– Жуда қаттиқ азоб чекяпсизми? – сўради Вампа.

– Ҳа, асти сўраманг.

– Лекин сиздан баттароқ азоб чеккан кишилар бўлган.

– Бўлмаган гап!

– Бўлган! Улар ҳам очликдан ўлган!

Данглар ҳалигина алаҳсираб, ночор кулбада кўзига кўринган чолни эслади.

У оҳ-воҳ тортиб тош полга пешанасини кўйди.

– Ҳа, ҳа, шундайлар бўлган эди, ҳа, мендан баттароқ азоб чекканлар ҳам бўлган эди, бироқ улар жафокашлар эди.

– Сиз тавба қиляпсизми? – сўради қандайдир ғойибона овоз ваҳимали оҳангда. Дангларнинг сочлари тикка бўлиб кетди. У хира кўзлари билан аланглаб атрофга қаради ва Луиджи орқасида ёмғирпўшга ўралган одамга кўзи тушди.

– Нима учун тавба қилишим керак? – деди аранг овоз чиқариб Данглар.

– Ёвузликларингиз учун, – деди яна ўша овоз.

– Ҳа, ҳа, тавба қилдим! Юз карра тавба қилдим! – деди хитоб-ла Данглар қоқ суяк қўлларини кўкрагига уриб.

– Ундай бўлса, гуноҳингиздан ўтдим, – деди номаълум зот елкасидан ёмғирпўшини ирғитиб, сўнг бир қадам олдинга юрди-да, чироқ ёғдусига туриб олди.

– Граф Монте-Кристо! – деди қичқариб кўзларининг пахтаси чиқиб кетган Данглар, у тошдай қотиб қолди.

– Янглишдингиз, мен граф Монте-Кристо эмасман.

– Бўлмаса кимсиз?

– Мен, сиз сотиб юборган, тутқинликка маҳкум қилган, бадном этган зотман, мен, сиз қайлиғини йўлдан оздирган зотман; мен, сиз оёғингиз остида топтаган, лекин оқибатда беҳад бойлик эгаси бўлиб, бош кўтарган одамман; мен, отасини сиз очдан ўлдирган инсонман. Мен сизни ҳам очдан ўлишга маҳкум қилгандим, аммо гуноҳингизни кечдим, чунки ўзим ҳам гуноҳимни кечишларига муҳтожман. Мен Эдмон Дантес бўламан!

Данглар қичқариб юборди-да, Эдмоннинг оёғига йиқилди.

– Туринг, – деди граф, – мен сизга ўлимнимас, ҳаётни ҳадя этаман, шерикларингиз сиздек бахтга эга бўлолмадилар, бири ақлдан озиб, иккинчиси гўрга тиқилди! Эллик минг франк ақчангиз ҳам ўзингизга қолсин, буни ҳам ҳадя

қилдим сизга, сиз етим-есирлар ҳақидан ўғирлаб олган беш миллион франк эгаларига қайтарилиб берилди. Энди истаганча еб-ичинг, бугун менинг меҳмонимсиз, Вампа, бунинг қорнини яхшилаб тўйғизинг-да, қўйиб юборинг.

Граф чиқиб кетгунча Данглар қимир этмай юз тубан ётаверди, бошини кўтарганида йўлақда кўланка кўринди, ҳамма қароқчилар унга таъзим қилиб эгилиб туришарди.

Вампа графнинг амр-фармонини жуда боплаб бажарди, Дангларни Италиянинг энг ширин-шакар мевалари ва энг зўр виноси билан меҳмон қилдилар. Сўнгра уни ўзининг почта извошига ўтқаздилар-да, катта йўлдан олиб бориб, аллақандай дарахт тагига тушириб кетдилар.

Данглар эрталабгача шу дарахт тагида ўтириб чиқди, бу қаер эканлигини мутлақо билмасди у.

Тонг ёришганда нарироқда ариқ кўринди, банкир чанқаганини сезиб, сув томонга эмаклаб борди.

У ичмоқчи бўлиб энгашган эди, сувдаги аксидан сочлари оппоқ оқариб кетганлигини кўрди.

XX. БЕШИНЧИ ОКТЯБРЬ

Кеч соат олтилар эди, куз қуёши денгиз тўлқинлари устига заррин кокилларини ёйиб ташлаган.

Кундузги жазирама аста пасайиб, борлиқ енгил нафас ола бошлади. Ўрта ер денгизи қирғоқларини сув ва дарахтлардан кўтарилган ёқимли ҳовур тутиб кетди. Денгиздан майин шабада эсяпти.

Гибралтардан Дарданеллгача, Тунисдан Венециягача чўзилиб ётган мана шу улкан кўл бўйлаб шинам кема қанотларини ёзиб, оқ қуш сингари назокат билан жадал сузиб боряпти.

Уфқда қуёшнинг сўнги нурлари ҳам ўчди, аммо унинг беҳаё шуълалари, гўё афсонавий Амфитритнинг сирларини ошкора этишга қасд қилгандек, денгиз тўлқинлари қирраларини ҳамон ёритиб турибди.

Кичкина кема шамол қизнинг кокилини силкитишга ҳам қурби етмайдиган даражада кучсиз эсаётганига қарамай, олға учиб боряпти.

Кеманинг тумшуғида турган юзлари жиддий, новча киши яқинлашиб келаётган улкан қояга тикилиб турарди. Сапчиб ўйнаётган тўлқинлар ичидан туртиб чиқиб турган бу қоя худди каталаниялик баҳодирларнинг чўққили шляпасига ўхшарди.

– Монте-Кристо дегани ана шуми? – сўради ўйчан саёҳатчи ғамгин оҳангда, афтидан, у кемача дарғаси бўлса керак.

– Ҳа, жаноб, – жавоб берди капитан, – манзилга етдик.

– Манзилга етдикми?! – деди пичирлаб саёҳатчи қандайдир ички дард билан. Сўнгра қўшимча қилди:

– Ҳа, менинг манзилим шу, – деди-да, яна ўйга чўмди, унинг лабларида қайғули табассум пайдо бўлди.

Бир неча дақиқа ўтгач, қирғоқда хира чироқ ёнди-да, шу заҳоти ўчди, кейин ўқ овози эшитилди.

– Жаноб, – деди капитан, – бизга қирғоқдан сигнал беришяпти, унга ўзингиз жавоб қиласизми?

– Қанақа сигнал? – сўради у.

Капитан қўли билан оролни кўрсатди: қоянинг тепасида оппоқ тутун кўтарилиб, осмонга тарқалаётган эди.

– Ҳа, ҳа, – деди саёҳатчи уйқудан эндигина кўз очганга ўхшаб, – яхши, ўзим сигнал бераман!

Капитан унинг қўлига милтиқ узатди, саёҳатчи қуролни олиб аста кўтарди-да, ўқ узди.

Ўн дақиқа ўтар-ўтмас елканларни тушириб, кичик яхтадан эллик қадамча нарига лангар ташладилар. Шу заҳоти тўрт эшкакчи минган қайиқ тўлқинлар устида қалқиб-қалқиб кема олдига етиб келди; саёҳатчи қайиққа тушди-да, кўм-кўк гилам тўшалган махсус жойга ўтирмай, қўлларини қовуштирганича тик туриб олди.

Эшкакчилар, қанотларини қуритаётган қушлар сингари, эшкакларни сал кўтариб, фармон кутиб туришарди.

– Олға! – деди саёҳатчи.

Тўртта эшкак бирдан сувга тушди, қайиқ ўқдай учиб кетди. Бир дақиқада у кичкина бухтага бориб тўхтади, бу бухта қоялар орасига жойлашган эди.

– Жаноб, – деди дарға, – ҳозир икки эшкакчи сизни кўтариб қирғоққа ўтказиб қўяди.

Саёҳатчи бу таклифга заррача эътибор бермай, ирғиб сувга тушди-да, белигача сувга ботиб, қирғоқ томонга юриб кетаверди.

– Чакки қилдингиз-да, жаноб, – тўнғилпади дарға, – хўжайинимиздан балога қоламиз.

Саёҳатчи бунга қулоқ солмай, осон йўл танлаб бораётган икки матрос кетидан кетаверди.

Улар ўттиз қадам юргач, қирғоққа чиқишди, саёҳатчи бир қоқиниб олди-да, қай томонга олиб боришаркин мени, деб атрофга қаради. У бошини буриши билан кимдир елкасига қўлини қўйиб:

– Хуш келибсиз, Максимилиан, – деди, – айтган вақтнинг худди ўзида етиб келдингиз, қойил сизга. – Максимилиан чўчиб тушди.

– Ия, граф, ўзингиз-ку! – деди Моррель ва қувониб икки қўли билан Монте-Кристининг қўлини қаттиқ сиқди.

– Мана кўрдингизми, мен ҳам сиз билан барабар келдим. Жуда ивиб кетибсиз, Калипсо Темахга уқтирганидек, дарҳол кийимни алмаштириш зарур. Қани, юринг, сизга махсус жой ҳозирланган, ҳам исиниб, ҳам ҳордиқ чиқарасиз у ерда.

Моррель орқасига қайрилди, Монте-Кристо буни кўриб, бир зум тўхтаб турди.

Моррель уни олиб келганларга кира ҳақи тўламоқчи бўлганди, бироқ денгизчилар аллақачон кўздан ғойиб бўлган эдилар. Максимилиан ҳайрон бўлиб атрофга аланглаб қолди. Эшкакларнинг сувга урилиб шалоппаган овозлари қулоғига чалинди – кемача яхтага қайтиб кетаётганди.

– Матросларингизни излаяпсизми? – сўради граф.

– Ҳа, улар кетиб қолибди-ю, мен кира ҳақини тўламаган эдим.

– Ташвишланманг, Максимилиан, – деди кулиб Монте-Кристо. – Менинг оролимга юк ва саёҳатчиларни текинга олиб келиш ҳақида денгизчилар билан шартнома тузиб қўйганман. Маданийлашган мамлакатда яшовчиларнинг таъбири билан айтганда, муштарий бўлиб қўйганман, яъни ҳақини олдиндан тўлаб қўйганман.

Моррель ажабланиб графга қаради.

– Сиз бу ерда ҳеч Париждаги графга ўхшамайсиз, – деди у.

– Нега энди?

– Бу ерда чехрангиз очик, кулиб турибсиз.

Монте-Кристонинг дарҳол қовоғи осилди.

– Ҳақ гапни айтдингиз, Максимилиан, мени хаёл олиб кетибди, – деди у, – сиз билан ҳар гап учрашганда ўзимда йўқ қувониб кетаман; мана, ҳозир ҳам қувониб кетиб, ҳар қандай бахт ўткинчи эканлигини унутиб қўйдим.

– Йўқ! Йўқ, граф! – деди хитоб-ла Моррель, яна дўстининг қўлини маҳкам сиқиб. – Аксинча, кулинг, дилингиз шод бўлаверсин, бахтингиз ёр бўлаверсин, сиз шу билан ҳаёт фақат жафокашлар учунгина уқубатли эканлигини исботлаб беринг. Сиз меҳр-шафқатли, бағри кенг, мурувватли зотсиз, менга далда бериш, кўнглимни кўтариш учун бахтиёр бўлиб, шод-хурсанд бўлиб кўринишга уриняпсиз.

– Ундай эмас, Моррель, – деди Монте-Кристо, – мен ҳақиқатан ҳам ўзимни бахтиёр ҳис этяпман.

– Демак, мени унутиб қўйибсиз-да, шунисига ҳам шукр.

– Нега бундай деяпсиз?

– Азизим, сиз билиб турибсизки, цирқда улуғ императорга таъзим қилиб салом берадиган гладиаторга ўхшаб, мен ҳам сизга: «Ажал жарига ўзини ташлашга бораётган кулинг сени табриклайди», деб келяпман-ку.

– Наҳотки, ҳали ҳам кўнглингиз таскин топмаган бўлса? – сўради Монте-Кристо йигитга сирли назар ташлаб.

– Наҳотки, сиз шундай бўлиши мумкин деб ўйлаган бўлсангиз? – деди ғамгин оҳангда Моррель.

– Максимилиан, – деди граф, – сиз мени сўзида турмайдиган бебурд вайсақига чиқариб қўйяпсизми ҳали? Ахир мен, сиздан кўнгил сўрашга ҳақлиман, чунки, мен учун киши юрагида ҳеч қандай сир бўлиши мумкин эмас. Келинг, юрагингизнинг энг теран жойида нима яшириниб ётганлигини биргалашиб кўрайлик. У ҳамон чидаб бўлмайдиган даражада эзилиб қонга тўляптимикин? Фақат қабр ўчира оладиган зориқиш, ташналик ўтлари уни ҳамон ёндириб, қийноққа соляптимикин? Кишини ҳаёт гулшанидан ўлим гирдобига улоқтириб ташлайдиган қайғу-ҳасратлар ҳамон азобга соляптимикин? Балки, юрагингиздаги жасорат, сабот-матонат тугаб битгандир? Балки, ундаги орзу-умидларнинг сўнгги учқунларини умидсизлик довуллари ўчирган-

дир? Энди у ҳамма нарсани унутиб, кўз ёши тўкишга ҳам қурби етмай қолгандир? Мабодо аҳвол шунга бориб тақалган бўлса, мабодо кўз ёшингиз қуриб битган бўлса, мабодо, сиз энди менинг қалбим ўлди, деб ўйлаётган бўлсангиз, эндиликда сизга Худодан бўлак мададкор қолмаган бўлса, сиз фақат ундан мадад тилаётган бўлсангиз, демак, сиз тасалли топибсиз, дўстим, тасалли топибсиз, энди сизга зорланишга ҳеч асос қолмабди.

– Граф, – деди Моррель қисқа ва қатъий жавоб бериб, – мени куним битиб, Азроилни кутиб турган бир киши, деб билиб қулоқ солинг гапларимга. Мен дўстим кўксига жон бериш учун ҳузурингизга келдим. Шубҳасиз, менинг севган кишиларим бор, синглимни, унинг эрини жонимдан азиз кўраман, бироқ сўнгги дақиқаларда кимдир мени кўксига маҳкам босиб, жилмайиб тикилиб туришини истардим. Жюли эса уввос тортиб йиғлашдан, ҳушидан кетиб йиқилишдан бошқага ярамайди, унинг азият чекканини кўриб мен яна азобланган бўлардим, Эмманюелга келганда, у қўлимдан тўппончани тортиб олиб, бутун уйни бошига кўтарарди. Сиз эса, менга сўз бердингиз, сизни инсондан устун илоҳий бир зот деб биламан ва аминманки, сиз мени бошимни силаб, секин-аста олиб бориб жаҳаннам дарвозасидан киритиб юборасиз.

– Азизим, – деди граф, – менинг яна бир шубҳам бор, балки сизни ваҳима босгану, ўзингиздан-ўзингиз ғам-ғуссага ботиб қолдим, шекилли, деб хаёл қилиб юргандирсиз?

– Йўқ, граф, асло ундай эмас, мана менга қаранг: ҳаммаси равшан кўриниб турибди, мени ваҳима босгани йўқ, – деди Моррель графга қўлини узатиб, – томирим одатдагидан тез ёки секин ураётгани йўқ. Мен охириги манзилимга етиб келдим, нари бормайман. Сиз ўзингизни донишманд атаб, кутмоқ ва умид қилмоқ керак, деб насиҳат қилдингиз. Биласизми, бу нимага олиб келди? Мен роса бир ой кутдим – яъни, бутун бир ой азият чекдим! Инсон тубан, бадбахт бир махлуқ-да, мен умид қилдим, аммо нимадан умидвор бўлганлигимни ўзим ҳам билмайман, аллақандай номаъқул бир нарсадан умидвор бўлдим, аммо унинг нима эканлигини билмайман, қандайдир мўъжизадан. Лекин қанақа мўъжизадан?.. Бу фақат бизнинг ақлимизни ана шу

бемаъни орзу-умидлар билан ўтмаслаштириб қўяётган Тангримнинг ўзига аён. Ҳа, мен кутдим, умид қилдим, ҳозир эса, чорак соатлик суҳбатдаги ҳар бир сўзингиз билан менинг охирги умидим ҳам пучга чиққанлигини баён этиб, жигарбағримни қон қилиб ташладингиз. Қаранг-а, ажал менга навозиш, меҳрга тўла ширин сўзлар билан тасалли бериб, чангалига олмоқда!

Максимилиан сўнги сўзларини чунон даҳшатли қилиб айтдики, граф сесканиб кетди.

– Граф, – деди сўзини давом эттириб Моррель, – бешинчи сентябрда мендан бир ой муддат талаб қилган эдингиз. Мен рози бўлгандим... Азизим, мана, бугун бешинчи октябрь, – Моррель соатига қараб олди. – Ҳозир соат тўққиз, атиги уч соатлик умрим қолди.

– Бўпти, – деди Монте-Кристо, – кетдик.

Моррель граф кетидан беихтиёр бораверди, ҳатто ғорга кирганини ҳам сезмади, фақат гиламга қадам қўяётганини, эшик очилганини, хона хушбўй ҳидга тўлганини ҳис этди, ёрқин чироқ нури кўзини қамаштирди. Моррель иккиланиб тўхтаб қолди, у дабдабали ҳашамларни кўриб, қўрқиб кетди.

Монте-Кристо уни қўлтиғидан тутиб, стол ёнига олиб борди.

– Қолган уч соатини қадимий римликлар удумича қилиб ўтказганимиз яхши, менимча, – деди у. – Ўз ҳукмдори ва меросхўри Нерон томонидан ўлимга маҳкум этилганлар ҳам гулларга тўла стол қошида ўтириб олиб, жон берганлар.

Моррель илжайиб қўйди.

– Ихтиёр сизда, – деди у. – Қандай бўлмасин, ажал – ажаллигини қилади, ажал – унутилиш, ором, жонсизлик, демақдир, бинобарин, азоб чекиш ҳам бўлмайди унда.

Моррель стол ёнига чўкди, Монте-Кристо унинг рўбарўсига ўтирди.

Бу илгари биз бир карра тасвирлаб берган ўша афсонавий овқатхона эди, мрамрдан ясалган ҳайкаллар ҳамон бошида гулга тўла сават тутганча тик турибди.

Моррель хонага кириб паришон ҳолда атрофга аланглади-ю, афтидан, ҳеч нарса кўрмади, кўзларини графга ўқдай тикиб:

– Сизга бир савол беришга журъат қиламан, – деди.

– Марҳамат.

– Граф, – давом этди Моррель, – сиз инсонга аён билимларнинг ҳаммасидан хабардорсиз, чамамда, сиз бу дунёда эмас, бошқа бир дунёда – бизникидан юксакроқ ва оқилроқ дунёда туғилган бўлсангиз керак.

– Бу сўзларингиз, Моррель, ҳақиқатдан узоқ эмас, – деди граф ўзига ярашиб тушадиган маънос билмай билан, – мен азият деб аталадиган сайёрадан тушганман.

– Мен, граф, сизнинг ҳамма сўзларингизга ишонаман, ҳатто улардаги сирли маъноларни билиб олишга уринмайман: сиз менга, яша, дедингиз, яшайпман, сиз менга, умидвор бўл, дедингиз, умидвор бўлиб юрдим. Мана, эндиликда ўлим пайти келди, сиз ўлимни бошингиздан кечирган одамсиз, айтинг-чи, ўлиш жуда азоб-уқубатлими?

Монте-Кристо Моррелга оталарча меҳр билан тикилиб:

– Ҳа, – деди, – ўлиш уқубатли, албатта, агар сиз ўлишнинг пардасини қўполлик билан бузсангиз. Агар сиз аъзойи баданингизни ханжарнинг кўзга кўринмайдиган тиғи билан қиймалаб ташласангиз, агар сиз ҳамиша йўлдан адашадиган аҳмоқона ўқ билан ниҳоятда сезгир миянгизни илматешик қилиб ташласангиз, албатта, жуда оғир қийноққа тушасиз ва ҳаёт билан жуда жирканч усулда видолашасиз, ўлиш талвасаси дақиқаларида ҳаёт сизга ўлимдан ширин кўриниб қолади.

– Биламан, – деди Моррель, – ҳаётда бўлганидек, ўлимнинг ҳам азоби ва роҳати бўлади, фақат унинг сирларини билиб олмоқ керак.

– Жуда ҳақ гапни айтдингиз, Максимилиан, ўлим ҳам уни биз қандай кутиб олишимизга қарайди: агар биз уни очиқ кўнгиллик билан кутиб олсак, у бизни дўстона олқишлаб қарши олади, борди-ю, ғаразгўйлик билан кутиб олсак, у ҳам тўнини тескари кийиб, дағаллик билан танимиздан жонни шартта суғуриб олади-кетади. Минг-минг йиллар ўтиб, инсон табиатнинг ҳамма фалокатли кучларини билиб, эгаллаб олади ва уларни инсон манфаатига хизмат қилишга мажбур этади, ўшанда ўлимнинг ҳали сиз айтган сирлари ҳам одамларга аён бўлиб қолади; ўшанда ўлим ҳам,

севимли ёринг қучоғидаги уйқу сингари, ширин ва завқли бўлиб қолади.

– Граф, агар сиз истасангиз, худди шундай қилиб ўла олармидингиз?

– Ҳа.

Моррель унга қўлини узатди.

– Мени денгиз ўртасидаги оролга, фиръавнлар ҳавасини келтирадиган мана бу ғор ичидаги саройга нега чақириб келганлигингизни энди тушундим, мени яхши кўрганнингиз важдан шундай қилдингиз, тўғрими, граф? Яхши кўрганингиздан ҳозир ўзингиз айтган тарзда ўлишимни истайсиз, яъни, азоб тортмай, Валентинани тилга жо этиб, сизнинг қўлингизни сиқиб ўлишимни истайсиз.

– Топдингиз, худди шундай, Моррель, – деди жўнгина қилиб граф, – мен худди шуни истайман.

– Раҳмат сизга, эртага мен ғам-ғуссадан батамом халос бўламан, деган фикрнинг ўзи менинг эзилган юрагимга лаззат бахш этади.

– Сиз ҳеч нарсага ачинмайсизми? – сўради Монте-Кристо.

– Йўқ! – жавоб берди Моррель.

– Менга ҳам-а? – сўради граф кучли ҳаяжонга тушиб.

Моррель жим бўлиб қолди, унинг чақноқ кўзлари бирдан хира тортди, сўнгра ғалати бўлиб, олайиб кетди. Кўздан йирик-йирик ёш томчилари юмалай бошлади.

– Бу қанақаси?! – деди граф. – Бу дунёда ҳали ачинадиган нарсангиз ҳам бор экан-у, яна ўлимни истайман деб юрибсиз-а?

– Ўтинаман, граф, бу ҳақда асло оғиз очманг, асло! – деди Моррель маъюс овозда. – Етар мени шунча азоблаганингиз!

Граф, Моррель ҳолдан тойиб боряпти, шекилли, деб ўйлади. Унинг қалбида бу гал Иф қалъасида улоқтириб ташлаган даҳшатли шубҳа пайдо бўлди.

«Мен бу одамга бахт қушини яна қайтариб беришни истайман, – деди ичида у, – мен бу бахт ҳамма ёвузликларни босиб кетишини истайман, аммо адашмадиммикин? Бу одам бахтли бўлишга муносиб даражада бахтсиз бўлиб чиқмасачи? Унда менинг аҳволим нима кечади? Ахир мен фақат

яхшиликларни хотирамга келтиргандагина ёвузликларни унутишим мумкин-ку».

– Менга қаранг, Моррель, – деди у, – биламан, сиз чексиз қайғу-ҳасратга ботгансиз. Бироқ, сиз Худога сажда қиласиз ва жувонмарг бўлишни истамайсиз.

Моррель ғамгин ҳолда илжайиб қўйди.

– Граф, – деди эътироз билдириб Моррель, – мен чиройли сўзлар мухлиси эмасман, бироқ шундай бўлса-да, онтичиб айтайинки, энди мен ўз жонимга ўзим эга эмасман.

– Моррель, мен ёлғиз бир одамман, бу дунёда ҳеч кимим йўқ менинг, – деди Монте-Кристо. – Сизни ўғлим деб биламан, шунга ўрганиб қолдим, бинобарин, ўз ўғлимни ҳимоя қилиш йўлида жонимдан, мол-мулкимдан ҳам воз кечишга тайёрман.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Демоқчиманки, сиз ҳаётдан воз кечмоқчисиз, шунинг учунки, бу ҳаёт бой-бадавлат кишиларга қандай ҳузур-ҳаловатлар бағишлаётганини билмайсиз. Менинг юз миллионга яқин пулим бор; буни сизга ҳадя қиламан. Бу бойлик билан истаган нарсангизга эриша оласиз. Агар шуҳратпараст бўлсангиз, сиз учун ҳамма йўллар очиқ. Дунёни афдар-тўнтар қилиб ташланг, унинг қиёфасини ўзгартиб юборинг, истаган бебошликни қилаверинг, аммо ҳаёт бўлинг, яшанг!

– Сиз менга сўз берган эдингиз, граф, – деди совуққонлик билан Моррель ва соатига қаради, – соат ҳам ўн бир ярим бўпти.

– Моррель! Бундоқ ўйласангиз-чи ахир? Менинг уйимда-я, менинг кўз олдимда-я!

– Ундай бўлса, жавоб беринг менга, – деди қайғули оҳангда, – йўқса сиз мени мен учун эмас, ўзингиз учун, ўз манфаатингизни кўзлаб яхши кўрар экансиз, деб ўйлашим мумкин.

Шундай деди-да, Моррель ўрнидан турди.

– Бўпти, – деди Монте-Кристо. Унинг чеҳраси бирдан ёришиб кетди. – Аҳдингиз қатъий экан, тўғри, сиз ниҳоят-да бахтсиз экансиз, сизни, ўз сўзингиз билан айтганда, фақат мўъжиза қутқара оларкан. Ўтиринг, Моррель, яна бир оз сабр қилинг.

Моррель рози бўлди, Монте-Кристо ўрнидан туриб қулф-лоқ жавон олдига борди, чўнтагидан олтин занжирга осифлиқ калитни олди. Сўнг жавонни очиб, кумуш қутичани олиб, столга қўйди. Қутича моҳир ўймакорнинг қўли билан нақшланган, тўрт бурчагида тўрт аёлнинг қадди букилган ҳайкалчаши ўрнатилган эди.

Граф қутичани очди-да, ичидан олтин қутича олди, унинг қопқоғи кўзга кўринмайдиган тугмачани босса, очилиб кетади.

Қутича мойли хамирсимон нарсага тўла эди, уни безаб турган олтин ва қимматбаҳо тошлар жилваланиб, ичидаги нарсанинг тусини аниқ кўришга имкон бермасди.

Граф қутидаги нарсадан олтин қошиқда озгина олди-да, Моррелга узатди; унинг синовчан кўзлари йигитга ўқдай тикилган эди. Қутидаги нарсанинг ранги зангори эканлигини энди аниқ кўрди Максимилиан.

– Мана, мендан сўраган нарсангиз, – деди граф. – Мен сизга ваъда қилганим ҳам мана шу.

– Ўлиш олдида, – деди Максимилиан Монте-Кристонинг қўлидан қошиқни олаётиб, – сизга чин қалбимдан миннатдорчилик билдиришим керак.

Граф бошқа қошиқ билан қутичадаги доридан яна олди.

– Нима қиляпсиз, азизим? – сўради Моррель графнинг қўлини маҳкам тутиб.

– Худонинг ўзи кечирсин мени, – деди жилмайиб граф, – Моррель, очигини айтсам, мен ҳам жонимдан тўйдим... Мен, яхшиси, пайтдан фойдаланай-да...

– Тўхтанг! Тўхтанг! – деди ҳовлиқиб Максимилиан. – Ахир сизнинг севгилингиз бор, сизни севадиган маликангиз ҳам бор, сиз ҳали ноумид бўлганингизча йўқ, шундай экан, қайтинг бу йўлдан, қайтинг! Ахир сиз жиноят қилган бўласиз-ку? Алвидо, менинг меҳр-мурувватли дўстим, алвидо! Бу ҳамма яхшиликларингизни у дунёда Валентинага айтаман.

Шундай деди-да, Моррель, ҳеч иккиланмай, чап қўли билан графнинг қўлини сиқиб, сеҳрли нарсани завқ билан аста-секин ютиб юборди.

Иккиси жим бўлиб қолди. Унсиз ва зийрак Али тамаки, чилим, қаҳва келтириб қўйди-да, дарҳол чиқиб кетди.

Ҳайкаллар қўлидаги чироқлар аста-секин хира торта бошлади, чилимнинг ҳиди пасайиб бораётгандек туюларди Моррелга; рўпарада граф Монте-Кристо хира ёғду орқасидан унга тикилиб ўтирарди. Моррель эса, фақат унинг чақнаб турган кўзларини кўрарди.

– Дўстим, – деди у, – жон беряпман, шекилли, миннатдорман.

Графга охирги марта қўл узатмоқчи бўлди-ю, аммо қурби етмади, қўллари осилиб тушди. Шу пайт Монте-Кристо жилмайгандек бўлиб кўринди Моррелга, аммо бу баъзан графнинг сирли ниқобини жилла кўтариб қўювчи кишини қўрқитиб юборадиган илгариги ғалати жилмайишларга асло ўхшамасди, балки бу тентаклик қилаётган фарзандига меҳр билан ачиниб қараб турган отанинг жилмайиши эди.

Шу вақтда Максимилианнинг кўзига граф бир зумда шиддат билан ўсди-да, деворнинг қип-қизил жилди фонидан сочларини орқасига ташлаб, рўзи маҳшарда Худонинг гуноҳкор бандаларини кутиб олгани келган баҳайбат мункарнакирга ўхшаб кетди.

Моррель буткул ҳолсизланиб ҳушидан кетди-да, ўриндиққа чўкди, томирларига муздек оромбахш суюқлик қуюлгандай туюлди. Унинг хаёлида ҳамма нарса калейдоскопда алмашиб турадиган ранго-ранг нақш безакларга ўхшаб ўзгариб кетди.

Мадорсиз Моррелнинг нафаси бўғилди, у ҳеч нарсани сезмасди, фақат дунёдан ўтиб бораётибман, деган биргина хаёл унинг миясидан жой олганди.

У яна қўлини графга чўзмоқчи бўлди, аммо бу гал қўллари қимирлата олмади, у охирги узрини айтмоқчи бўлиб оғзини очмоқчи бўлди, аммо тили қабрдаги тош каби қотиб қолган эди.

Максимилианнинг ҳорғин кўзлари беихтиёр юмилди, аммо ёпиқ қовоқлари орқасидан бир гавда кўриниб турарди, зимистонда Моррель уни таниди: у графнинг ўзи эди, Монте-Кристо эшиклардан бирининг олдида борди-да, очди.

Шу заҳоти қўшни хонанинг, тўғрироғи, афсонавий қалъанинг ярқираб турган чироғи Моррель жон талвасасида ётган зални ёритиб юборди. Иккала зал остонасида пари-

ваш аёл пайдо бўлди. Рангпар малика нозик лаблари билан жилмайиб, худди интиқом фариштасига лаънатлар ўқиётган раҳмдил фариштага ўхшарди.

«Арши аълога чиқяпманми? – ўйлади қовоқларини кўтариб Максимилиан. – Бу фаришта мен жудо бўлган маликага ўхшайди».

Монте-Кристо қизга ўриндиқда ўзини чалқанча ташлаб ётган Моррелни кўрсатди.

Қиз кўлларини кўксига қўйган ҳолда жилмайиб унга яқинлашди.

– Валентина? – қичқариб юборди ичида Моррель. Бироқ товуши чиқмади, у, бу унсиз ҳайқириққа бор кучини сарфлаб бўлгандек, чуқур нафас олди-да, кўзларини юмди.

Валентина унинг кўксига отилди.

Моррелнинг лаблари яна бир марта қимирлаб қўйди.

– У сизни чақиряпти, – деди граф. – Қаттиқ уйқусида чақиряпти, қўлига ўз тақдирингизни топшириб қўйган йигит чақиряпти сизни; нақ бўлмаса ўлим сизни ундан жудо этган эди, хайриятки, ўзим кўз-қулоқ бўлиб тургандим, ўлимни енгдим. Валентина, бундан кейин иккинги сизни бу дунёда ҳеч ким, ҳеч нарса жудодлик дардига дучор этмасин, шуни унутмангки, сиз билан бирга бўлиш учун у ўзини гўрга ташлади. Мен бўлмасам, иккалангиз ҳам жувонмарг бўлур эдингиз. Мана, иккинги сизнинг бошингизни қўшиб қўйдим. Икки ёш жонни ўлимдан қутқариб қолганим учун Тангрим менинг гуноҳларимни, озгина бўлса-да, кечирар, деб умид қиламан?

Валентина ўзида йўқ қувониб, Монте-Кристонинг қўлини ўпди.

– Ҳа, мендан миннатдор бўлингиз! – деди граф. – Ҳеч тинмай: «Сиз бизга бахт ато этдингиз!» деб қайтаравering! Мен бунга ишонч ҳосил қилмоғим керак, ишонч!

– Мен сиздан чин юракдан миннатдорман, – деди Валентина, – агар менинг бу сўзларимнинг самимийлигига ишонмаётган бўлсангиз, Гайдедан сўранг. Ҳозирги бахтли дамларни сиз Франциядан жўнаб кетгандан бери сабр қилиб кутишда менинг жондан азиз синглим Гайденинг сизнинг ҳақингиздаги ҳикоялари далда бериб келди менга.

– Сиз Гайдени яхши кўрасизми? – сўради Монте-Кристо ҳаяжонланиб кетганини билдирмасликка уриниб.

– Жон-дипим билан!

– Менинг сиздан, Валентина, – деди граф, – бир илтимосим бор.

– Мендан-а?! Ниҳотки мен шундай бахтга муяссар бўлсам?

– Ҳа, сиздан. Сиз Гайдени синглим деб атадингиз; майли, Валентина, у сизга ҳақиқий сингил бўлиб қолсин. Мени қанчалик тақдирламоқчи, иззат-ҳурмат қилмоқчи бўлсангиз, уни ҳам шунчалик тақдирланг, иззат қилинг. Уни иккинчигиз ўз ҳимоянгизга олинг, чунки унинг (граф зўрға товуш чиқарди) энди дунёда ҳеч кими қолмади...

– Ёлғиз қолди? – такрорлади графнинг орқасидан овоз.
– Нега?

Граф орқасига қаради, қаршисида кўрққанидан ранги докадай оқариб кетган Гайде турарди.

– Эртадан бошлаб сен озодсан, қизим, – деди граф, – ихтиёринг бутунлай ўзингда бўлади, менинг тақдирим сенинг истиқболингга раҳна солишини истамайди. Буюк пошонинг қизи, мен сенга бойликни ва отангинг улуғ ноини қайтариб бераман.

Гайде, баттар оқариб кетди, ўзини икки қўллаб Худога топшираётган қизга ўхшаб нафис қўлларини баланд кўтарди-да, ўпкаси тўлиб сўради:

– Ҳукмдорим, сиз мени ташлаб кетяпсизми ҳали?

– Гайде, сен ёшсан, гўзалсан, кел менинг ўзимни ҳам, исмимни ҳам ёдингдан тамом чиқариб юбор-да, бахтингни топ.

– Хўп бўлади, – деди Гайде, – сизнинг буйруғингизни бажо келтираман, ҳукмдорим: ўзингизни ҳам, исмингизни ҳам ёдимдан чиқараман.

Шундай деди-да, Гайде эшик томонга қараб юрди.

– Оҳ, Танграм, – қичқирди Валентина Моррелнинг осилиб тушган бошини тутиб, – ахир кўрмаяпсизми, шўрлик қиз мурда бўлиб қолди-ку, наҳотки юраги қонга тўлаётганини англамасангиз?

– У нега мени англасин? Кошки бунга арзийдиган одам бўлсам мен, – деди юраги тилка-пора бўлиб Гайде. – У ҳукм-

дор, мен бўлсам, бир шўрлик асирман, кўриб туриб ўзларини кўрмасликка олишга ҳам у киши ҳақли.

Бу сўзлар графнинг юрагини тешиб ўтиб кетди, граф Гайденинг ёниб турган кўзларига узоқ қараб туролмади.

– Ё, алҳазар! – деди Монте-Кристо. – Ўзинг мени шубҳага солиб юрган эдинг, демак, бу ҳақиқат экан-да? Демак, Гайде, сен мендан ажралишни истамас экансан-да?

– Ёшман, – деди маъюс Гайде, – менга ўзингиз ато этган ҳозирги ширин ҳаётимни севаман, жувонмарг бўлишни истамайман.

– Гайде, борди-ю, мен сени ташлаб кетсам...

– У ҳолда мен ҳаёт билан видолашаман, ҳукмдорим!..

– Сен мени севасанми?

– Уларни қаранг-а! Мени севасанми, деб савол беряптилар менга! Валентина, сиз Максимилианни севасанми, айтинг, бу жанобга!

Графнинг юраги сиқилди: у қизга кўлини узатди, Гайде қичқириб унинг қучоғига отилди.

– Ҳа, мен севаман сизни, севаман! Ҳам отам, ҳам акам, ҳам эрим, деб севаман! Яшашни қанчалик севаман, сизни ҳам шунчалик севаман. Мен учун сиз дунёда энг гўзал, энг аъло, энг удуғ инсонсиз! Мен сизни илоҳий муҳаббат билан севаман!

– Хўп, ниятингга ет, фариштам, ниятингга ет! – деди граф. – Мени ўлимдан халос этиб, душманларим устидан ғалаба қилишимга йўл очиб берган Тангрим охири беҳайр бўлишни истамас; мен ўзимни жазога маҳкум этмоқчи эдим, Тангрим эса гуноҳимдан ўтмоқчи бўляпти. Шундай экан, сев мени, Гайде! Муҳаббат ҳадя эт менга, фариштам! Ким билсин, эҳтимол, сенинг муҳаббатинг унутиб юборишим керак бўлган нарсаларни унутишга кўмак берар.

– Нима деяпсиз ўзингиз, ҳукмдорим? – сўради қиз.

– Гайде, демоқчиманки, сенинг битта сўзинг йигирма йилдан буён орттирган ақл-идрокимдан кўпроқ сабоқ бўлди менга. Дунёда менинг сендан бошқа ҳеч кимим қолмади. Сен, фақат сен, менга яшаш истагини бахш этяпсан, бахтим ҳам, қувончим ҳам, дард-аламим ҳам сенсан менинг, ҳа, фақат ўзингсан!

– Эшитдингизми, Валентина, буларнинг гапани, – деди хитоб-ла Гайде, – мен буларни гўё дард-аламга дучор этармишман; ахир мен бу одамга жонимни беришга ҳам тайёрману!

Граф чуқур ўйга чўмди.

– Наҳотки, тақдир деганлари шу бўлса? – деди у охири. – Тангрим, ўзинг шоҳидсан: нима бўлса бўлсин, мен бу тақдирни қабул этдим. Кетдик, Гайде, кетдик...

Граф шундай деди-да, Валентина билан қўл бериб хайрлашди ва Гайденинг хипча белидан кучоқлаб чиқиб кетди.

Шундан кейин бир соат вақт ўтди, Валентина нафасини чиқармай Моррелга тикилиб ўтирарди. Шу пайт қиз Максимилианнинг юраги ургангани сезди, оғзини зўрға очиб ётган йигит билинар-билимас нафас олди, унинг вужуди аста титради, бу тириклик нишонаси эди.

Ниҳоят, у кўзини очди, аммо кўзлари қимирламас, ҳеч нарсани кўрмас эди, салдан кейин кўзлари аниқ кўра бошлади, ҳушига келди-ю, яна қайғуга чўмди.

– Ҳамон тирикманми? – деди у фиғон уриб. – Граф мени алдабди-да!

У шиддат билан стол устидаги пичоққа ёпишди.

– Азизим, – деди Валентина мафтункор табассум-ла, – кўзингизни каттароқ очиб, менга қаранг.

Моррель қаттиқ қичқириб юборди ва кўзларига ишонмай, алланима деди-да, куёш нури кўзини қамаштириб юборгандек, бошини қуйи солиб чўккалаб қолди...

Эртасига тонг ёришганда Моррель билан Валентина ғорнинг очиқ қолган эшигидан ташқарига чиқди, қўптиқлашиб денгиз соҳилида сайр этишди. Валентина шу орада Моррелга барча воқеаларни – Монте-Кристо унинг хонасига қандай кириб келганини, ҳамма сирларни очиб ташлаганини, жиноят юз берганига инонтирганини, ниҳоят, ҳамма уни ўлдига чиқарганда, ажал сиртмоғидан қутқариб олинганини ҳикоя қилиб берди.

Ложувард осмонда ҳамон сўнгги юлдузлар милтиллаб турарди.

Шу пайт Моррель қоялар қўланкасида яқин келишга рухсат сўраётгандай бўлиб турган кишини кўриб қолди, у Валентинага имо қилди.

– Бу Жакопо-ку, – деди қиз, – кема капитани. Валентина Жакопони чақирди.

– Бизга бирор гапингиз бормиди? – сўради Моррель.

– Графдан хат келтирган эдим сизга.

– Графдан? – сўради иккиси барабарига.

– Ҳа, графдан, мана ўқинг.

Моррель хатни очиб ўқиди:

«Азизим Максимилиан!

Соҳилда сизни бир елкан кутади. Шу кемада Жакопо сизни Ливорнога олиб боради. У ерда ўз севимли неварасига фотиҳа бериш учун жаноб Нуартъе сизга интизор бўлиб ўтирибди. Сиз Валентина билан ўша ерда меҳробга бориб никоҳдан ўтасиз. Мана шу ғордаги бутун бойлик, Елисей Майдонидаги ҳовлим ва шаҳар чети Трепордаги кошонам – шуларнинг бариси Эдмон Дантесдан хўжайинининг ўғли Моррелга тўёна. Ишонаманки, мадемуазель де Вильфор ана шу совғанинг ярмини қабул қилар; Валентинадан отаси ақлдан озгандан сўнг ва ўгай онаси билан укаси шу йил сентябрь ойида дунёдан ўтгандан сўнг мерос бўлиб қолган бутун мол-мулкани Париж камбағалларига ҳадя қилишини ўтиниб сўрайман.

Бундан кейин сизни ҳар қандай фалокатлардан қўриқлаб борувчи фариштадан ўз ибодатларида бир кишини, яъни иблисга ўхшаб, ўзини Худо деб гердаийб юрган, бироқ пировардида бутун куч-қудрат ва юксак донолик ягона Тангрининг ўз қўлида эканини англаган зотни ҳам унутмасликни илтимос қилинг, Моррель. Унинг ибодатлари, эҳтимол, гуноҳларимни енгиллаштирар.

Моррель, сизни бунчалик азобга солиб, синовдан ўтказганимнинг сабабини энди очиқ айтай: бу фоний дунёда бахт ҳам, бахтсизлик ҳам йўқ, унисига ҳам, бунисига ҳам нисбий эришилади. Ҳаддан ташқари бахтсизликни бошидан кечирган кишигина охири бениҳоя бахтга, чексиз ҳузур-ҳаловатга мушарраф бўлади. Шу важдан, Максимилиан, ҳаёт нақадар лаззатли эканини англаш учун ажал гирдобига ўзингни бир ташлаб олмоғинг керак.

Яшанг, бахтингиз ҳамиша ёр бўлсин сизга, менинг меҳригиде фарзандларим! Унутмангки, Тангрим инсон олдидан

келажакнинг пардасини тортиб қўядиган кунгача бутун инсониятнинг ақл-идроки қуйидаги икки оғиз сўзда мужас-самлашган:

Кутмоқ ва умид қилмоқ керак.

Дўстингиз Эдмон Дантес – Граф Монте-Кристо».

Отаси ақлдан озганлигини ва укаси вафот этганлигини биринчи марта эшитиб турган Валентинанинг ранги ўчди, оғир уҳ тортди-да, йиғлаб юборди. Бахт унга жуда қиммат-га тушди.

Моррель ташвишланиб атрофга аланглади.

– Очиғини айтсам, граф ўта сахийлик қилибди-да, – деди у. – Менинг мол-мулким бизга етади. Қани граф? Дўстим, илтимос қиламан сиздан, мени унинг ҳузурига олиб боринг. Жакопо қўли билан уфқни кўрсатди.

– Бу билан нима демоқчисиз? – сўради Валентина. – Қани граф? Гайде қаерда?

– Ҳув анави ёққа қаранг, – деди Жакопо.

Улар денгизчи қўлини узатган томонга қарашди. Узоқ уфқда осмонни денгиздан айириб турган тўқ кўк чизик ус-тида балиқчи қуш қанотидай оқ елкан кўринди.

– Кетибди, – деди Моррель. – Алвидо, дўстим! Алвидо, отам!

– Кетибди-да! – деди шивирлаб Валентина. – Алвидо, Гайде! Алвидо, синглим!

– Ким билсин, бундан кейин дийдор кўришамизми, йўқми? – деди Моррель кўз ёшини артиб.

– Азизим, – деди Валентина, – графнинг бизга айтган сўзлари ёдингиздами: инсон ақл-идроки қуйидаги икки оғиз сўзда мужассамлашган:

Кутмоқ ва умид қилмоқ керак.

МУНДАРИЖА

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

I. Жаноб Нуартъе де Вильфор	4
II. Васиятнома	13
III. Телеграф	22
IV. Боғбоннинг шафтолиларга қирон келтирадиган қуртдан халос қилиш усули	33
V. Шарпалар	44
VI. Зиёфат	54
VII. Тиланчи	66
VIII. Оилавий можаро	76
IX. Никоҳ режалари	87
X. Қироллик прокурорининг кабинети	99
XI. Таклиф	112
XII. Қидирув	122
XIII. Ёзги зиёфат	133
XIV. Нон ва туз	143
XV. Маркиза де Сен-Меран	148
XVI. Ваъда	161
XVII. Вильфор хонадонининг хилхонаси	192
XVIII. Протокол	202
XIX. Ўғил Кавалькантининг омади	215
XX. Гайде	227

БЕШИНЧИ ҚИСМ

I. Янинадан келган мактублар	252
II. Лимонад	272
III. Айбнома	284
IV. Новвой оромгоҳи	291
V. Қулфбузар	311
VI. Худонинг қаҳри	326
VII. Бошан	333
VIII. Саёҳат	341
IX. Суд	354
X. Даъват	369
XI. Ҳақорат	376
XII. Тун	388
XIII. Дуэль	397

XIV. Она ва ўғил	411
XV. Жондан кечиш	418
XVI. Валентина	428
XVII. Иқроп	436
XVIII. Банкир ва унинг қизи	449
XIX. Никоҳ шартномаси	459
XX. Бельгия йўлида	471

ОЛТИНЧИ ҚИСМ

I. «Қўнғироқ ва бутилка» меҳмонхонаси	480
II. Қонун	492
III. Шарпа	504
IV. Локуста	511
V. Валентина	517
VI. Максимилиан	523
VII. Дангларнинг имзоси	533
VIII. Пер-Лашез қабристони	545
IX. Тақсимот	559
X. Арслон ғори	577
XI. Судья	585
XII. Сессия	596
XIII. Айбнома	603
XIV. Гуноҳни ювиш	611
XV. Қайтиш	620
XVI. Ўтмиш	635
XVII. Пеппино	650
XVIII. Луиджи Вампанинг прејскуранти	662
XIX. Афв	670
XX. Бешинчи октябрь	676

Адабий-бадний нашр

АЛЕКСАНДР ДЮМА

ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО

Иккинчи нашр

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Техник муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ
Наврӯз БЕКМУРОДОВ

Бадний муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Лицензия рақами: АІ №252, 2014-йил 2октабрда берилган.

Босишга 01.07.2015й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 21,75. Шартли босма тобоғи 36,54.

Гарнитура «Benguiat Cyr+Uzb». Газета қоғози.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 135.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru

«Янги аср авлоди» НММ
«Камолот кутубхонаси» рукнида
қуйидаги янги китобларни нашр этди:

АЛЬБЕР КАМЮ

«Бегона»

84x108 1/32 , 476 бет, қаттиқ муқова

Альбер Камю – XX асрнинг француз адабиётининг йирик намояндаларидан бири, адабиёт бўйича Нобель мукофотининг соҳиби, моҳир адиб, драматург, файласуф, «Тубанлашув», «Вабо», «Сифиз ҳақида асотир», «Калигула», «Асотир ва қиёфа», «Исёнкор одам», «Бегона» каби асарлар муаллифи.

А.Камю ўз асарларида Иккинчи жаҳон уруши даҳшати оқибатида пайдо бўлган инсоний тақдирнинг абсурд ҳиссиётларини куйлайди.

Альбер Камюнинг «Вабо» ва «Бегона» асарлари Аҳмад Аъзам томонидан моҳирона таржима қилинган. «Ҳикматлар», «Ён дафтарчалар» асарлари эса И.Бек томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ЙОҲАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ

«Фауст»

84x108 1/32, 536 бет, қаттиқ муқова

Буюк немис шоирининг бу йирик асари жаҳон адабиётининг дурдоналаридан саналади. Унда икки мангу қарама-қарши куч: яхшилик ва ёвузлик, иқрор ва инкор курашади. Фауст – ҳаёт ошиғи, тараққиёт жангчиси, адолат жарчиси. Мефистофель – ҳаёт ёви, тараққиёт душмани, адолат кушандаси. Асардаги мураккаб воқеалар силсиласи шу икки қаҳрамон хатти-ҳаракатлари орқали ривожланиб боради.

Николай Гогол

«Тарас Булба»

84x108 1/32 304 бет, юмшоқ муқова

Ўз даврида рус адабиётининг энг истеъдодли ёзувчиларидан саналган Николай Гоголнинг ижодий тажрибаси туганмасдир. Гоголча услуб, гоголча тил, гоголча тасвир, гоголча юмор, гоголча реализм жаҳон ёзувчилари учун ўзига хос маҳорат мактаби. Икки қисмдан иборат ушбу китобда муаллифнинг қизиқарли қиссалари жамланган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўша даврдаги халқ ҳаёти, жамиятнинг ўзига хос муаммолари энгил юмористик услубда ёритилган. Гогол асарларининг туб маъносини чуқур англаб, қаҳрамонлари билан яқиндан танишаркансиз, одамзоднинг туғилиш, ейиш, ичишдан иборат ва ниҳоят паймонаси тўлганда оламдан ўтиши муқаррар бўлган бу ўткинчи дунёда ҳирс-ҳавас нимадан ўзи, дея ўйланиб қоласиз. Турмушнинг мажруҳ ва ҳажвий даражада бе-маънилиги-ю ярамаслигини кўрасиз, бинобарин, асар қаҳрамонлари тақдирида қатнашасиз, улар устидан куласиз ва қайғусидан азобланасиз.

Андре Моруа

«Чоршанба учун бинафшалар»

84x108 1/32 216 бет, юмшоқ муқова

Асли исми Эмиль Соломон Вильгельм Эрзогъ бўлган Андре Моруанинг француз миллий адабиёти соҳасига қўшган ҳиссаси ниҳоятда чексиз. 200

га яқин китоблар, 1000 дан зиёд мақолалар унинг бой адабий меросини ташкил этади.

Ёзувчи фақатгина буюк инсонлар ҳақида автобиографик асарлар ёзиш билан чекланиб қолмасдан, балки романлар, фалсафий эсселар, фантастик новеллалар, психологик ҳикоялар, тарихий ҳамда илмий-оммабоп жанрларда ҳам қалам тебратган.

Моруанинг «Чоршанба учун бинафшалар» туркумидаги ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ушбу китоб Моруанинг ўзбек тилида чоп этилаётган илк тўпламидир.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Антон Чехов

«Буқаламун»

84x108 1/32 296 бет, юмшоқ муқова

Жаҳон адабиёти ҳикоячилигини машҳур рус ёзувчиси Антон Чехов ижодисиз тасаввур қилиш мушкул. XIX асрнинг сўнги чорагида рус китобхонлари эътирофига сазовор бўлган ёзувчи ҳикоялари XX асрнинг дастлабки йилларидаёқ ўзбек китобхонларига тақдим этилди. Абдулла Қодирий ва Чўлпон ҳам таржима орқали ҳикоянависликни айнан Антон Чеховдан ўрганган бўлса ажаб эмас.

Адабиётимизда ҳикоячиликда беқиёс ўринга эга бўлган Абдулла Қаҳҳор таржималари эса Чехов ижодини ўзбек китобхонларига таништиришда асосий кўприк бўлиб хизмат қилди.

Мазкур тўпламга яна қатор таржима ҳикоялар ҳам киритилдики, мазкур асарлар орқали Чеховнинг ҳаётий ва ижодий сабоқларидан баҳраманд бўласиз.

ИВАН ТУРГЕНЕВ

«Оталар ва болалар»

84x108 1/32, 320 бет, қаттиқ муқова

Машҳур рус ёзувчиси И.С.Тургеневнинг ўз даврида катта шуҳрат қозонган ушбу “Оталар ва болалар” романи рус адабиётшунослигида ёзувчи ижодининг чўққиси сифатида талқин этилади. Адиб бош қаҳрамон Базаров образида ҳурфикрлилик ва янгилик сари интилиш каби фазилатларни мужассамлантирган. Асардаги воқеалар ўша даврда чирий бошлаган жамиятни шунчаки ислоҳ этиш эмас, балки пойдеворини таг-туғи билан йўқ қилиб, янгисини барпо этиш кераклигини кўрсатиб беради. Тургенев Базаровдаги нигилизмни (барча нарсаларни инкор қилиш) тасвирлаш орқали рус ёшларига хос салбий жиҳатларни ҳам намоён этган. Катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилишга ўргатувчи ушбу асар мутолааси китобхонга завқ бағишлайди, деган умиддамиз.

ИЛЬЯ ИЛЬФ, ЕВГЕНИЙ ПЕТРОВ

«Ўн икки стул»

84x108 1/32, 456 бет, қаттиқ муқова

«Ўн икки стул» – ушбу асар 1927–1928 йилларда яратилган бўлиб, ўткир юмористик романлар қаторида эътироф этилади. Асар ҳаётда содир бўлган воқеликларга асосланган. Роман қаҳрамонлари Остап Бендер ҳамда Ипполит Матвеевич Петухова хоним бойликларини излаб топиш мақсадида биргаликда саёҳатга отланадилар ва жуда кўп саргузаштларни бошдан кечирадилар. Улар маҳоратли уста Гамбс томонидан яратилган ажойиб санъат намуналари бўлмиш ўн икки стул жамланмасини бирма-бир қўлга киритишга интиладилар. Бу икки ҳамтовоқ ўз мақсадига эришиш учун энг қабиҳ жиноятларни амалга оширишдан тоймайди.

Ўқувчи ушбу асар орқали жиноят жазосиз қолмаслиги ва бировнинг мулкига кўз олайтириш қандай фожиаларга олиб келиши мумкинлигини фаҳмлайди.

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НАШРИЁТИ
АЗИЗ КИТОБХОНЛАРИМИЗГА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ
ТАҚДИМ ЭТАДИ:**

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

«Асрни қаритган кун»

84x108 1/32 бичимда. 432 бет

Қаттиқ муқова

«Манқурт» атамаси илк бора тилга олинган ушбу асар нимаси билан китобхонга яқин?

Асарнинг асосий қаҳрамонлари бўлган оддий меҳнат кешилари – Эдигей Бўрон, Казангап, Бўкей, Уккубола, Абутолиб Қуттибоев, Зарифа образларидаги ўзига хос характер, ички олам, улар бошидан кечган мусибат китобхон қалбига шу даражада яқинки, гўёки улар биздан унчалик ҳам олисда эмасдек...

Казангапни Бўронли бекатидан унча узоқ бўлмаган Она Байит қабристонига дафн этишга ундаган сабаб ҳамда Найман онанинг фарзанди томонидан фожиали ўлдирилиши ўртасидаги боғлиқлик асарнинг бутун бир моҳиятини очиб беради.

Манқуртга айланган фарзанди Жўломонни ниҳоят минг азоблар билан топган онаизор ўз боласига онаси эканлигини уқтиролмайдди. Худди шунингдек, инсоний туйғуларидан мосуво бўлган, ҳатто отасининг майитини қаерга кўмиш кераклигига бефарқ бўлмаган ҳолда, қабр учун танланган маконга беписандларча қараган онгли Собитжон янги замон манқурти сифатида тасвирланади.

Китоб мутолаасидан кейинги мулоҳазаларингиз биз учун қадрли, азиз китобхон!

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

«Жамила»

84x108 1/32 бичимда. 432 бет

Қаттиқ муқова

«Жамила», «Алвидо, Гулсари!», «Сомон йўли» ҳамда «Бўтақўз» қиссаларидан таркиб топган мазкур китоб Чингиз Айтматов асарлари туркумида чоп этилмоқда.

Жамила – катта оилага тушган янги келинчак. Аммо висол узоқ давом этмайди. Уруш ёш оилага нафақат ҳижрон ва айрилик, балки парокандалик олиб келади. Турмуш ўртоғини фронтга жўнатган келин эркаклар меҳнатини зиммасига олиб, далага чиқади. Гўзаллиги-ю чаққонлиги сабаб қайнонаси уни бегона кўзлардан асраш учун ёнига «қўриқчи» қўяди.

Фронтдан ногирон бўлиб қайтган одамови Дониёр нимаси билан Жамиланинг севгисини қозонди? Қайниси севимли янгасини акаси тириклигидаёқ бегона билан кетишига нега йўл қўйди? Йўқсил Дониёр билан кетиб, афсус билан қайтишини кутган овул Жамила қисматида нималарга гувоҳ бўлди?

Чингиз Айтматовнинг нафақат ушбу асари, балки Танабой ва Гулсари, Ер ва Тўлғаной, Абубакр ва Камол образлари гавдаланган кейинги қиссаларида ҳам қаҳрамонлар ўртасидаги умумийлик ва зиддиятлардан ўқувчи фақат ижобий натижа кутади. Асар якунида эса кутилмаган ниҳоя юз очади.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

«Оқ кема»

84x108 1/32 бичимда. 432 бет

Қаттиқ муқова

«Соҳил ёқалаб чопаётган олапар», «Оқ кема» ҳамда «Сарвқомат дилбарим» каби машхур қиссалардан иборат ушбу китоб Чингиз Айтматов ижодининг энг сермахсул давридан далолатдир.

Ҳар учала асар жонли тасвир ва ҳикоячилик жиҳатидан ўқувчи диққатини буткул ўзига тортади.

Биринчи марта чинакам овчилар билан денгизга чиққан Кириск овдан нега ёлғиз қайтди? Оқсоқол Ўрхоннинг хаёли, Милхуннинг ғазаби ва отасининг қатъий қарори ўн бир ёшли Кириск ҳаётини қанчалик ўзгартирди?

Ёки набирасига Шохдор она буғу ҳақида ривоят айтиб, ўзларининг бош бўғини дея ишонтирган, оғир вазиятларда қабиладошларини фақат Она буғугина асрай олади, деган Мўмин чол нега ўз қарашларига қарши чиқди? Она буғуни овлаб, зиёфат қилишга чолни нима мажбур қилди?

«Сарвқомат дилбарим» эса бир муҳаббат ҳақида икки тақдир ҳикоясидан иборат. Аммо бир қарашда, бир учрашувда ўз севгисини топган Илёс нега пок севгисини хиёнатга алмаштирди? Йиллар ўтиб ўғлини топганда нега отаси эканлигини айтолмайди? Асар давомида яна бир муҳаббат тарихидан огоҳ бўласиз.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

«Қиёмат»

84x108 1/32 бичимда. 432 бет

Қаттиқ муқова

Қиёмат.. Бу сўз бутун оғриғи билан онгимизга таъсир кўрсатади. Чингиз Айтматов ном берган ва Иброҳим Ғафуров таржимаси билан нашрга тайёрланган мазкур китобнинг аҳамияти хусусида гап кетганда, асарнинг «Қиёмат» деб номланишида бир эмас, бир нечта асос борлигини таъкидлаш керак. Чунончи, Акбара билан Тошчайнар тимсолида бир жуфт бўри ва унинг зурриётлари қисматининг фожеий яқуни; умматларига бахт ато этиш учун курашган, алаоқибат айнан ўша бахт улашмоқчи бўлганлар томонидан рад этилган ҳазрати Исонинг чормихга тортилиши; ўзларини жамиятнинг олди кишилари деб билган, аслида эса маънан нопок кишиларга қарши сўз айтгани учун Мўйинқум даштида дарахтга чормих қилиб тортилган Авдий

Каллистратовнинг фожиали ўлими; Ола Мўнгу тоғидаги тубсиз жарликка оти билан тушиб кетган ва ҳатто кафансиз қолган Эрназарнинг қисмати; кўрқув ва таҳликанинг зўридан Кенжашни олиб қочаётган Акбарани отаман деб аслида ўз жигарпорасининг бағрини ўқ билан илма-тешик қилиб юборган Бўстон Ўркунчиев тақдири – буларнинг бари китобхон қалбини ларзага солмай қўймайди.

ЎТКИР ҲОШИМОВ

«Баҳор қайтмайди»

84x108 1/32 бичимда. 280 бет

Юмшоқ муқова

Ўтган асрнинг 60–70-йилларида ўзбек адабиёти жуда катта истеъдодларни қабул қилди. Ҳам назм, ҳам наср, ҳам публицистика ўқувчиларни мароқли мутолаага, мушоҳадага чорлади. Биз Ўткир Ҳошимовни айнан ўша авлоднинг зарбардақ вакили сифатида таниймиз ҳамда асарларини завқ билан қайта-қайта ўқиймиз. Ўткир Ҳошимовда нафосат туйғуси беҳад кучли. Унинг қаҳрамонлари аксари гўдакдай беғубор, нафосат туйғусига бой, ҳиссиётли, ўта таъсирчан одамлардир.

«Баҳор қайтмайди» қиссаси 1969 йилда ёзилган. Қиссада ёзувчи истеъдодли, бироқ унинг қадрига етмаган, улуғ мақсадлардан маҳрум худбин йигитнинг таназзул тарихини, руҳий-маънавий инқирозини санъаткорона таҳлил этиб берган. Орадан ўтган 45 йил қисқа муддат бўлмаса-да, воқеалар бугун ҳам давом этяпти. Ҳаётдаги Алимардон Тўраевлар учун ушбу асар кўзгу, ҳаётий сабоқ бўлса, ажаб эмас.



Александр Дюма (1802 – 1870)

Асл исми Маркиз Александр Дюма Дави де Ла Пайетри.

1802 йил 24 июлда Париждан унча узоқ бўлмаган Вилле-Котре шаҳрида дунёга келган. Болаликдан зукко бўлиб ўсган, кўплаб мумтоз адабиёт, эсдаликлар ва хроника жанридаги китоблар мутолаа қилган.

Дюманинг ижодий фаолияти Уйғониш даврига тўғри келган. Бурбонлар монархиясининг ўрнатилиши, 1789 – 1794 йиллардаги ғалаёнлар, Франция Конституциясининг қабул қилиниши ёзувчини бефарқ қолдирмаган.

«Уч мушкетёр» (1844), «20 йилдан сўнг» (1845), «Қиролича Марго» (1846), «де Монсаро хоним» (1846), «Қирқ беш» (1848) каби асарлар Дюманинг ёзувчи сифатидаги юксак маҳоратидан далолат беради.

Унинг «Граф Монте-Кристо» романи эса 1844 – 1845 йилларда ёзилган бўлиб, мазкур асар ижодкорга катта шуҳрат олиб келган. Роман асосида спектакллар намойиш этилган, кинофильмлар суратга олинган.

Александр Дюма 1870 йилда 68 ёшида вафот этган.



ISBN 978-9943-27-362-7



9 789943 273627

Граф Монте-

Александр

